А. Макаренко

ПЕДАГОГИК ПОЭМА

Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти
Тошкент — 1956

www.ziyouz.com kutubxonasi

Давлат Бадиий адабиёт нашриётининг 1952 йил нашридан
1 бўлимнинг 1 бобидан 20 бобигача
А. Ҳожахонов таржимаси
1 бўлимнинг 21 бобидан китобнинг охиригача
О. Раҳимий таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШЕФИМИЗ, ДЎСТИМИЗ ВА УСТОЗИМИЗ
МАКСИМ ГОРЬКИЙГА
САДОҚАТ ВА МЕҲР-МУҲАББАТ БИЛАН
БАҒИШЛАЙМАН

www.ziyouz.com kutubxonasi



БИРИНЧИ БЎЛИМ

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Губерна халқ маорифи бўлимининг мудири билан суҳбат

1920 йилнинг сентябрида губерна халқ маорифи бўлимининг мудири мени ўз ҳузурига чақириб, бундай деди:

— Биродар, эшитишимга кўра сен у ерда қаттиқ сўкинар эмишсан... мактабингга анави... губерна совет халқ хўжалиги биносини берганлари учун...

— Сўкинмай бўладими? Сўкиниш ҳам гапми.— деб-лаб юборасан киши: шу ҳам меҳнат мактаби бўптими? Бино ичини тамаки тутуни босиб кетган, ҳамаёқ ифлос! Мактаб ҳам шунақа бўладими?

— Ҳа... Сен учун, ҳалиги, янги бино қуриб, янги парталар қўйиб берилса, ана ўшанда ишлар экансан-да. Гап бинода эмас, биродар, муҳими янги одамни тарбиялашдир, сиз педагоглар эса, бино унақа экан, столлар бунақа экан, деб ҳамма ишни пайсалга солиб юраснлар. Юракларингизда, биласанми, ҳалиги... ўт, революцион ўт йўқ. Шимларингизнинг почаларини тўпиққача тушириб юраверасизлар.

— Меники ҳеч ўшанақа эмас.

— Ҳа, сеники унақа эмас... Интеллигентлар ёмон!.. Мана, зўр бериб интиламан, уринаман, ахир бу ерда каттакон иш турипти: ҳалиги... боқимсиз болалар кўпайиб кетган, кўча-кўйда юриб бўлмайди, бунинг устига уйларга кириб ўғирлик қилишади. Менга эса, бу сизнинг ишингиз, халқ маорифи бўлимининг иши, дейдилар... Хўш, нима дейсан?

— Мен нима дердим.

— Ҳа, ҳалиги, мана шунақа бўлади: ҳечким яқинига йўлатмайди, кимга гапирмай, сўйиб кетишади, дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сизларга шинамгина кабинетчаю, китоблар бўлса... Кўзойнак ҳам тақиб олибсан!..

— Қаранг-а, кўзойнак ҳам ғашингизга тегипти! — дедим кулиб.

— Айтаяпман-ку, сизларга китоб ўқиш бўлса бас, одамни тарбия қил деса, сизлар, тирик одам, ҳалиги, сўйиб кетади, деб ваҳима қиласизлар. Ҳа, интеллигентлар!

Губерна халқ маорифи бўлимининг мудири кичкина қора кўзларини ўқрайтириб, бароқ мўйловини қимирлатиб педагогика аҳлини роса шиббалади. Лекин бу губерна халқ маорифи бўлимининг мудири ноҳақ эди.

— Мана энди гапимга қулоқ солинг...

— Хўш, «қулоқ солинг», «қулоқ солинг» блан нима демоқчисан? Сен дурустроқ бирор гап айтаоласанми? Қани энди... ҳалиги, Америкадаги синғари бўлса эди, демоқчисан-да! Мен яқинда шу ҳақда бир бемаза китобча ўқидим,— ёлғон-яшиғни роса ёзишипти анови реформаторлар...— ёки ҳалиги, шошма!.. Ҳа-ҳа! Реформаторлар. Броқ бизда ҳали унақалар йўқ.

— Йўқ, сиз аввал менинг гапимни тингланг.

— Хайр, тингласам тинглай.

— Ахир революциядан илгари ҳам шу ялангоёқларни эплаб келинган эди-ку. Ёш жиноятчилар колонияларини бўлгучи эди-ку...

— У бошқа гап эди, билсанг. Революциядан илгари аҳвол бошқа эди.

— Тўғри. Демак, янги одамни янгича тарбиялаш керак-да.

— Янгича деганинг тўғри.

— Лекин қандай қилиш кераклигини ҳечким билмайди.

— Сен ҳам билмайсанми?

— Мен ҳам билмайман.

— Бўлмаса ҳалиги... губерна халқ маорифи бўлимида биладиганлар бор...

— Лекин ишга киришувни истамайдилар.

— Истамайди аблаҳлар, тўғри айтасан.

— Бордию шу ишга мен киришсам, улар тинкамни қуритадилар. Нимаики қилмайин, нотўғри қилдинг, дейдилар.

— Шундай дейдилар у ифлослар, тўғри айтасан.

— Сиз эса менга эмас, ўшаларга ишонасиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уларга ишонмайман, ўзларинг ишга киришишларинг керак эди, дейман!

— Бордию мен ишни пачава қилиб қўйсам-чи?

Губерна халқ маорифи бўлимининг мудири мушти блан столга бир уриб:

— Қанақасан ўзинг, ҳадеб, ишни пачава қилиб қўйсам-чи, деяверасан!..— деб ўдағайлади.— Пачава қилсанг қиларсан! Нима қилгин дейсан ахир? Хўш, мен тушунмайманми? Пачава қиласанми, бошқами — ҳарқалай иш қилиш керак. Кейинчалик ма'лум бўлади. Энг муҳими, ҳалиги... аллақандай ёш жиноятчилар колониясидагидай эмас, биласанми, социал тарбия бериш... Бизга мана бундай одамлар, ўз одамларимиз керак! Сен ўшандай одамни тарбияла! Барибир, ҳамманинг ўқиши, ўрганиши керак. Сен ҳам ўқийсан, ўрганасан. Сенинг очиқдан-очиқ билмайман дейишинг, албатта, яхши. Ҳа, билмасанг билиб кетарсан.

— Жой борми? Ҳарҳолда бино керак-да.

— Бор, биродар. Жуда яхши бир жой бор. Илгари ҳам жиноятчи болалар колонияси бўлган, олис эмас, олти чақиримча келади. Яхши жой: ўрмон, дала. Сигирларни кўпайтириб оласан...

— Одамлар-чи?

— Одамларни мен сенга ҳозир чўнтагимдан олиб бераман. Балки, ҳали, автомобиль ҳам бергин, дерсан?

— Пул-чи?..

— Пул бор. Мана, ол.

У стол тортмасидан бир пачка пулни олатуриб:

— Бир юз эллик миллион,— деди,— бу сенга ҳархил ташкилий ишларинг учун, ремонтми, керакли жўн мебельларми ва ҳожаолар учун...

— Сигирлар олиш учун ҳаммн?

— Сигирларни қўйиб турасан, бино деразаларининг ойнаси йўқ. Бир йилга смета тузиб келасан.

— Бундай қилиш тўғри бўлмас, олдин бир кўрсам бўларди.

— Мен кўрганман... хўш, сен мендан кўра дурустроқ кўрармидинг? Майли, ундай бўлса, бориб келақол.

— Хўп бўлади,— дедим енгил тортиб, чунки ўша пайтда мен учун губерна совет халқ хўжалигига қарашли бинодан кўра ваҳималироқ нарса йўқ эди.

— Ҳа, балли! — деди губерна халқ маорифи бўлимининг мудири.— Ишни бошлайвер! Бу муқаддас иш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Горький колониясининг тузилиши

Полтавадан олти километр олисдаги қумлоқ тепаликларда икки юз гектарча келадиган қарағайзор бўлиб, унинг бир чети Харьковга борадиган катта тош йўлга туташган.

Ўрмон ичида қирқ гектар чамаси яланглик бор. Унинг бир бурчига бешта гиштин бино қурилган бўлиб, булар биргаликда мунтазам тўғри тўртбурчак ташкил этади. Жиноятчилар учун белгиланган янги колония мана шу.

Ҳовлининг қумлоқ саҳни кенг ўрмон яланглигига, кичикроқ кўл қамишларига қараб қия бўлиб тушган. Кўлнинг нариги қирғоғида қулоқлар хуторининг четан деворлари ва уйлари бор. Хуторнинг орқа томонида хийла олис жойда бир қатор кекса қайин дарахтлари, яна икки учта похол том кўринади. Бор-йўғи шу.

Революциядан илгари бу ерда ёш жиноятчилар колонияси бор эди. 1917 йилда колония болалари тўзиб кетиб, педагогикадан оз-моз нишон қолган. Тит-пити чиқиб кетган кундалик журналлардаги бу нишонларга қараганда, колониянинг бош педагоглари, ишдан бўшаган унтер-офицерлар бўлиб, вазифалари — иш вақтида ҳам, дам олиш пайтларида ҳам тарбияланувчиларнинг ҳарбир қўйган қадамини текшириб туришдан, кечалари эса улар ёнидаги қўлни хонада ухлашдан иборат бўлган. Қўшни деҳқонларнинг айтишларига қараганда, бу шоввозларнинг олиб борган педагогик ишлари унча ҳам мураккаб бўлмаган. Уларнинг педагогикаси болаларни таёқлашдан иборат эди.

Эски колониянинг буюмлари яна ҳам оз эди. Яқин орадаги қўни-қўшнилар колониянинг ҳамма буюмларини, чунончи, ишхона асбобларини, омбордаги нарсаларни, мебельни ташиб кетганлар. Бошқа нарсалар қаторида бутун бошли бир боғнинг мевали дарахтлари ҳам олиб кетилган. Шуниси ҳам борки, бу ишларда ҳечқандай ваҳшийлик аломати кўринмас эди. Мева дарахтлари кесилган эмас, кавлаб олинган, дераза ларнинг ойналари синдирилмай, эҳтиёт блан кўчирилган, эшиклар залворли болта блан уриб синдирилмай, авайлаб ошиқ-ма'шуридан суғурилган, печьларнинг гиштлари битталаб кўчириб олинган. Фақат директорнинг собиқ квартиридаги буфет шкафигина ўз жойида қолган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Янги хўжайинларни кўриш учун хутордан келган Лука Семёнович Верхола деган қўшнидан:

— Нега шкаф қолипти-а? — деб сўрадим.

— Я'ни, масалан, ўша шкафча бизнинг одамларимизга нокерак, десак бўлади. Ўзингиз кўриб турибсизки, уни бузганда нима ҳам чиқади? Шундайлигича олиб кетилса, уй ичига типпа-тик ҳам, ётқизиб ҳам олиб киришнинг иложи йўқ...

Саройларда чекка-чеккада бирталай ҳархил синиқ-мертик нарсалар тўдалашиб ётган бўлса ҳам, нишга яроқли буюм йўқ эди. Мен яқин кунлардагина ўғирлаб кетилган ба'зибир яроқли нарсаларни дараклаб топиб, қайтариб олишга муваффақ бўлдим. Улар: эски уруғ сепиш машинаси, шалоғ-шалоғ бўлиб кетган саккизта дурадгорлик дастгоҳи, бир вақтларда ҳангиллаб юрган ўттиз яшар ахта от ва мис қўнғироқдан иборат эди.

Колонияда хўжалик мудири Калина Ивановични топдим. У менга рўпара келиши блан:

— Сиз педагогика бўлимининг мудирмисиз? — деб сўради.

Мен Калина Ивановичнинг украин шевасини аралаштириб гапиришини пайқадим, ҳолбуки у украин тилини асосан тан олмас эди. Украинча сўзларни кўп ишлатар, «г»ни доимо жануб шевасида талаффуз қиларди. Броқ «педагогический» деган сўзда негадир великорус адабий «г»сига беҳад зўр берганидан бу ҳарф жуда қаттиқ эшитиларди.

— Сиз педакокика бўлимининг мудиримисиз?

— Нега? Мен колония мудириман...

— Йўқ,— деди у оғзидан трубкасини олиб,— сиз педакокика бўлимининг мудирисиз, мен эса — хўжалик бўлимининг мудириман.

Сиз Врубель[1] томонидан ишланган, боши тақир, тепакал, аммо қулоқлари устидагина оз-моз сочи қолган «Пан» расмини кўз олдингизга келтиринг. Паннинг соқолини қиринғу, мўйловларини архиерейларникига ўхшатиб тўғриланг-да, оғзига трубка тишлатиб қўйинг. Ана бу энди Пан эмас, Калина Иванович Сердюк бўлади. У камида эллик йил ҳархил ишларни бажариб келганидан болалар колониясининг хўжалик иши каби оддий вазифага қўйилиши жуда ғалати эди. Броқ у фақат икки давр

[1] *Врубель* — XIX асрдаги машҳур рус рассоми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

блан фахрланар эди: йигитлик чоғида подшо ҳазрат ойимнинг Кексгольм лейб-гвардия полкида отлиқ аскар бўлган, ўн саккизинчи йилда эса немислар Миргородга ҳужум қилган вақтда шаҳарни мамлакат ичкарисига кўчиришни бошқарган экан.

Мен тарбиявий ишни Калина Ивановичдан бошладим. Айниқса унинг жуда хилма-хил ишонч-ихлослари мени қийнаб юборди. У, бойлар, большевиклар, руслар, яҳудийларни, бизнинг парвосизлигимизни ва немисларнинг саришталигини бараварига сўкаверарди. Лекин унинг мовий кўзлари ҳаётга шу қадар меҳр-муҳаббат блан порлаб қарар, ўзи шу қадар ҳуш'ёр ва чаққон эдики, мен унинг учун пича педагогика кучимни аямадим. Шундай қилиб, дастлабки кунлариёқ, биринчи суҳбатдан бошлаб мен уни тарбиялашга киришдим:

— Наҳотки, ўртоқ Сердюк, колония мудирсиз бўлса? Ҳамма нарса учун бирон киши жавобгар бўлиши керак-ку,— дедим.

Калина Иванович трубкани оғзидан олиб, менга назокат блан та'зим қилди-да:

— Сиз колонияга мудир бўлмоқчимисиз? Менинг сизга бир қадар бўйсунишимни истайсизми?

— Йўқ, бу шарт эмас. Келинг, мен сизга бўйсунақолай.

— Мен педакожика ўқиган эмасман, очиғини айтаман қўяман. Сиз ҳали ёш йигит бўлатуриб, мендай кексани югурдак қилиб ишлатмоқчимисиз? Бундай қилиш ҳам яхши эмас! Колонияга мудир бўлишга эса, биласизки, менинг хат-саводим етмайди, бунинг менга нима кераги ҳам бор?..

Калина Иванович қош-қовоғини осилтириб, илтифотсизлик блан мендан четлашди. Куни бўйи хафаланиб юрди, кечқурун эса менинг хонамга жуда ма'юс ҳолда кириб:

— Битта столча блан кроватьча толиб, шу жойга келтириб қўйдим...— деди.

— Рахмат.

— Мен ана шу колонияни нима қилсак экан, деб кўп ўйладим. Ахири колонияга, албатта, сизнинг мудир бўлишингиз керак экан, деган қарорга келдим, мен бўлсам сизга гўё бўйсунгандай бўламан.

— Тотув бўлиб кетамиз, Калина Иванович.

— Мен ҳам тотув бўлиб кетармиз деб ўйлайман. Ота-бобомизнинг меросини талашармидик жуда, ўз ишимизни

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб кетаверамиз-да. Сиз эса, хат саводли киши эканингиз учун, гўё мудир қаторида бўласиз.

Ишни бошлаб юбордик. Ўттиз яшар отни хас-ҳашак блан боқиб, жонлантирдик. Қўшнимиз марҳамат қилиб берган бричкасимон аравага Калина Иванович базўр чиқиб олди ва бу арава ҳар соатига икки километрдан йўл босиб шаҳарга томон жўнаб кетди. Ташкилий давр бошланди.

Ташкилий давр учун жуда мос келадиган вазифа қўйилган эди, у ҳам бўлса — янги кишини тарбиялаш учун керак бўлган моддий бойликларни жамғариш эди. Калина Иванович иккимиз икки ойгача вақтимизни эртадан кечгача шаҳарда ўтказиб юрдик. Шаҳарга Калина Иванович аравада кетарди, мен бўлсам пиёда борардим. У пиёда юришни ўзига эп кўрмас, мен эса қари отнинг секин юришига ҳеч тоқат қилолмас эдим.

Икки ой деганда собиқ колония казармаларидан бирини қишлоқ мутахассисларининг ёрдами блан бир амаллаб эпақага келтирдик: деразаларига ойна солдик, печьларини тузатдик, янги эшиклар қурдик. Ташқи сиёсат соҳасида биз бирдан-бир, лекин хийла катта ютуққа эришдик: биринчи запас армиянинг опродкомармидан[1] юз эллик пуд жавдари уни сўраб ундирдик. Бошқа хил моддий бойликлар «жамғаришга» илож бўлмади.

Буларнинг ҳаммасини моддий маданият соҳасидаги орзуларим блан солиштириб қараб, башарти бу нарсалар юз ҳисса кўп бўлганда ҳам, орзу қилганимдай бўлмаслигига кўзим етди. Шунинг учун ташкилий даврни тамомланган деб э'лон қилишга мажбур бўлдим. Калина Иванович менинг фикримга қўшилиб:

— У паразитлар зажигалка ясаш блан овора бўлганидан кейин нимани ҳам жамғариб бўлади? Халқни хароб қилишди, билдингми, мана энди ташкил қилаверасан, Илья Муромецьдай иш кўришга тўғри келади... — деди.

— Илья Муромецдай?

— Ҳа-да. Шунақа, Илья Муромець... балки билар-сан... уни, паразитлар, баҳодир деб э'лон қилишган. Мен уни оддий камбағал ва ялқов деб ҳисоблайман. Уни қара-я, ёзда чанада юраркан.

— Майли энди, Илья Муромецдай ишлайверамиз, бу унчалик ёмон эмас. Соловей қароқчи қаерда?

---

[1] Гражданлар урушн йилларида биринчи запас армиянн та'минлаш учун тузилган махсус озиқ-овқат комиссияси. *Ред.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Соловей қароқчилар, оғайни, истаганингча топилади...

Колонияга Екатерина Григорьевна блан Лидия Петровна деган иккита тарбиячи келди. Педагогика ходимларини излайвериб эсим кетаёзган эди: бизнинг ўрмонда янги кишини тарбиялаш учун ўзини бағишлашга ҳечким унамас, чунки «ялангоёқлардан» ҳамма қўрқар ва ишимизнинг ахири бахайр бўлишига ҳечким ишонмас эди. Ниҳоят қишлоқ мактаби ходимларининг конференциясида менга ҳам сухандонлик қилишга тўғри келди, шундагина иккита эпчил одам топилди. Улар аёллар эканлигидан хурсанд бўлдим. Бу аёлларнинг фазилатли та'сири куч системамизни тўлдирар деб ўйладим.

Лидия Петровна ёшгина қиз эди. У яқиндагина гимназияни тамомлаган, она ғамхўрлигини ҳали унутаолмаган эди. Губерна халқ маорифи бўлимининг мудири уни ишга тайинлаш ҳақидаги қоғозга имзо чекатуриб, мендан сўради:

— Бу қизча сенга нима қилиб берарди? Ахир у ҳечнарсани билмайди-ку.

— Мен худди ана шунақасини излаб юрган эдим-да. Билсангиз, ба'зан мен, билим ҳозир кўп ҳам муҳим эмас, деб ўйлайман. Ана шу Лидочка — мусаффо бир зотдир, мен уни гўё эмдорни деб биламан.

— Лайёрликни дўндираётган бўлма тағин? Ҳа, яхши...

Аммо Екатерина Григорьевна жуда моҳир педагог эди. У ёш жиҳатдан Лидочкадан кўп ҳам катта бўлмаса-да, лекин Лидочка, ёш бола онасига эркалик қилгандай, Екатерина Григорьевнанинг кифтига суяниб, эркалик қиларди. Екатерина Григорьевнанинг жиддий ва гўзал юзида эркакларникига ўхшаб кетадиган қора қалам қошлари мавж уриб турарди. У эҳтиёт блан сақлаб қолган ажойиб кўйлагини жуда назокат блан киярди. Калина Иванович у блан танишганда:

— Бундай аёл блан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак...— деб тўғри айтган эди.

Шундай қилиб, ҳамма нарса тайёр бўлди.

Тўртинчи декабрьда колонияга тарбияланувчилардан дастлабки олти киши келди ва бешта сургуч печать босилган катта пакетни менга тутқазишди. Пакет ичида «делолар» бор экан. Тўрт киши, тўртови ҳам ўн саккизда бўлиб, хонадонларга қуролли ҳужум қилганлари учун ушлаб юборилган, иккитаси эса ёшроқ, улар чакана ўғир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликда айбланган эди. Бу тарбияланучиларимизнинг усти-боши шай: уларнинг эгнида галифе шим, оёқларида олифта этик, сочлари сўнгги мода блан тарашланган. Улар мутлақо боқимсиз болалар эмасди.

Фамилиялари: Задоров, Бурун, Волохов, Бендюк, Гуд на Таранец эди.

Биз уларни очиқ чеҳра блан кутиб олдик. Эрталабдан бери жуда ҳам лаззатли овқат тайёрланмоқда, ошпаз хотин қордай оппоқ пешонабоғ танғиб олган; ётоқхонанинг кроватьлардан ҳоли жойида катта столлар ясоғлиқ: дастурхонларимиз бўлмаса ҳам, улар ўрнига янги чойшаблар ёзиғлиқ. Бун'ёдга келаётган колониянинг ҳамма қатнашчилари шу ерга йиғилишган. Калина Иванович ҳам келиб қолди, у тантана муносабати блан ёғ босган калта камзулини ечиб, яшил бахмал куртка кийиб келган эди.

Мен янгича, меҳнат блан кун кечириш ҳақида, ўтмишни унутиш кераклиги, тобора олға бориш зарурлиги ҳақида гапирдим. Тарбияланучилар менинг нутқимни яхши тинглашмас, бир-бирлари блан шивирлашар, казарма ичида териб қўйилган бирмунча эскириб қолган кўрпалар солинган буклама койка — «дачка»ларга, бўялмаган эшик-дераза ларга заҳарханда ва нафрат блан қарардилар. Нутқим ярмига етганда Задоров тўсатдан ўртоқларининг бирига баланд овоз блан:

— Сени деб шу машмашага дучор бўлдик! — деди.

Кунниинг қолган қисмини ишларимизни планлашга бағишладик. Аммо тарбияланучилар, ишқилиб мендан тезроқ қутулиш дардида, менинг таклифларимни менсир-менсимас тингладилар.

Эртасига эрта блан менинг ҳузуримга Лидия Петровна газабланган ҳолда келиб:

— Улар блан қай тариқа сўзлашишни билмайман,— деди,— . . .Мен уларга: кўлдан сув келтириш керак, десам, бири, анави сочини тарагани, этигини киятуриб, этикни тўппа-тўғри бетимга рўпара қилиб: «Кўрдингизми, этик-дўз этикни жуда тор қилиб тикиб қўйипти!» дейди.

Дастлабки кунларда улар бизни ҳатто масхара, ҳақорат ҳам қилишмади, боринчи, назарлари илмас эди. Ҳар куни кечга яқин колониядан бемалол чиқиб кетишар ва эрта блан қайтиб келишар, менинг ижтимоий тарбия ҳақидаги та'сирли танбиҳларимга вазминлик блан жилмайибгина қўяқолишар эди. Бир ҳафтадан кейин Бендюк

www.ziyouz.com kutubxonasi

кечаси одам ўлдиргани ва ўғирлик қилгани учун губерна жиноят қидирув бўлимидан келган агент томонидан қамоққа олинди. Бу воқиани эшитиб Лидочканинг ўтакаси ёрилди, ўз хонасига кириб юм-юм йиғлаб ўтирди, бу воқиани суриштириб билиш учун ташқарига чиқди:

— Бу нима деган гап ахир? Нега бундай қилади? Борсаю ўлдирса қўйса?..

Екатерина Григорьевна жиддият блан кулумсираб, қошларини чимирди ва бундай деди:

— Ҳайронман, Антон Семёнович, ўлай агар ҳайронман... Жўнаб кетақолсаммикин... Қай тарэда муомала қилишни ҳам билмай қолдим...

Колониямизни ўраб олган хилват ўрмон, қоқ еру қора шип уйларимиз, кроватълар ўрнига ўнта «дачка», асбоблардан болта блан белкурак ва ёлғиз бизнинг педагогикамизгина эмас, ҳатто бутун инсоният маданиятини узилкесил инкор этган беш-олтита тарбияланучилар,— ана шуларнинг ҳаммаси, ростини айтганда, бизнинг илгариги мактаб ишимизга ҳечбир яқин келмас эди.

Колонияда узундан узоқ қиш кечаларини ўтказиш беҳад оғир эди. Колонияда атиги иккита бешинчи керосин лампа бўлиб, бири — ётоқда, иккинчиси — менинг хонамда турар эди. Тарбиячиларда ва Калина Ивановичда Кий, Шчек ва Хорив замонидан қолган жинчироқлар бор эди. Менинг лампачам шишасининг юқори қисми учиб кетган бўлиб, қолган қуйи қисмини доимо қопқора қурум босиб ётар, чунки Калина Иванович трубкасини менинг лампамдан тутатар, бунинг учун лампа шиша ичига яримта газетани суқиб ёндирар эди.

Уша йили қор бўронлари эрта бошланиб қолди, шу сабабли колониянинг бутун саҳнида қор уюмлари пайдо бўлди, йўл очишга эса одам йўқ эди. Мен тарбияланучилардан бу ҳақда илтимос қилганимда, Задоров менга бундай деди:

— Йўлларни тозалаш мумкину, лекин аввал қиш чиқсин: бўлмаса биз ҳадеб тозалайверамиз, қор яна ёғаверади. Тушундингизми?

У ёқимли жилмайди-да, менинг борлигимга бутунлай парво қилмай, ўртоғи олдига ўтди. Задоровнинг интеллигент оиласидан эканлиги яққол билиниб турарди. У бехато сўзларди, юзи эса яхши парвариш қилинган болаларники сингари лўппигина эди. Волохов эса бошқача: оғзи катта, бурни катта, кўзлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

чақчайган, буларнинг бариси болада аллақандай хусусият борлигини билдириб турар, қисқаси: унинг башараси бандитларникига ўхшарди. Волохов икки қўлини ҳамиша галифе шимининг чўнтакларига солиб юрарди. Менинг олдимга ҳам худди шу қиёфада келиб:

— Хўш, айтишди-ку сизга...— деди.

Мен қаҳр-ғазабимни кўнглимга тугиб, ётоқхонадан чиқдим. Лекин йўлларни қордан тозалаш керак эди, қайнаб тошган қаҳр-ғазабим эса ҳаракатни талаб қиларди. Мен Калина Иванович ҳузурига кириб:

— Юринг, қор курайлик,— дедим.

— Нима деяпсан! Хўш, мен бу ерга қора ишчи бўлиб ёлланибманми? Мана бу Соловей қароқчилар-чи? — ётоқхонага ишора қилди у.

— Истамайдилар.

— Ҳа, паразитлар! Қани, юр бўлмаса!

Волохов блан Таранец одатдагича шаҳарга томон йўлга чиққанда Калина Иванович блан иккимиз бир йўлчи очиб бўлаёзган эдик.

— Соз бўпти-ку! — деди Таранец хушчақчақлик блан.

— Аллақачон шундай қилиш керак эди,— деди Волохов.

Калина Иванович улар йўлини тўсиб:

— «Соз бўпти-ку» деганинг нимаси? Сен, ифлос, ишдан бош тортдинг, мен сенинг учун қилибманми? Қани шу ердан юрганингни кўрай-чи, паразит! Қор устидан юр, бўлмаса мен сени белкурак блан...

Калина Иванович куракни ўқталиши бланоқ унинг кураги анча наридаги қор уюмига, трубкаси бошқа томонга учиб кетди. Саросималикда қолган Калина Иванович йигитларининг орқасидан бақрайганича қараб қолаверди ва узоқдан уларнинг:

— Куракни энди ўзинг ахтарасан! — деб қичқирганларини эшитди.

Улар кулиша-кулиша шаҳарга жўнаб кетишди.

— Бу ердан кетганим бўлсин! Ишлаб бўлибман! — деди-да, Калина Иванович куракни қор уюмида қолдириб, ўз хонасига қараб кетди.

Турмушимиз қайғули ва жуда безовта бўлиб қолди. Харьковга борадиган катта йўлда ҳар куни кечқурун:

— Войдод, қутқазинг! — деган овозлар эшитиларди.

Таланган қишлоқ одамлари бизнинг олдимизга келишиб, қайғули овоз блан ёрдам сўрашарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен губерна халқ маорифи бўлимининг мудирига мурожаат қилиб, йўлтўсарлардан мудофаа қилиш учун пагон сўраб олдим, лекин колониядаги аҳволни ундан яширдим. Тарбияланучиларни бир амаллаб йўлга солиб олишдан ҳали умид узмаган эдим.

Колониямизда ўтказилган дастлабки ойлар мен билан ўртоқларим учун оғир кулфат ва машаққатли ойлар бўлибгина қолмай, ҳақиқат излаш ойлари ҳам бўлди. Умримда 1920 йилнинг қиш фаслидагича кўп педагогика адабиёти ўқимаган эдим.

У чоғлар Врангель ва поляклар билан уруш қилинаётган вақт эди. Врангель яқин орада, Новомиргород ёнида эди, биздан салгина нарида, Черкасида, поляклар уруш қилмоқда, бутун Украина бўйлаб «батькалар» кезишиб юрмоқда, атрофимиздагиларнинг кўплари украина миллатчиларининг та'сирига берилган эди. Биз эса ўз ўрмонимиз ичида қўлларимизни бошимизга тираб, зўр воқеалар гулдуросини унутиб, педагогикага доир китобларни зўр бериб ўқирдик.

Мен тўсатдан қўлимда ҳечқандай фан ва ҳечқандай назария йўқ, назарияни кўз ўнгимда бўлиб турган барча реал ҳодисаларнинг йиғиндисидан чиқариб олиш керак деган мустаҳкам ишонч ҳосил қилдим, бу — мутолаанинг муҳим натижаси эди. Китоб формулалари керак эмаслигини, тезлик билан анализ қилиб бориш ва тезлик билан ишга киришиш кераклигини дастлабки пайтларда ҳатто англамаган бўлсам ҳам, бевосита амалда кўрдим (китоб формулаларини эса, барибир, ишга татбиқ қилаолмас эдим).

Шошилишим кераклигини, ортиқ бир кун ҳам сабр қилаолмаслигимни бутун вужудим билан сездим. Колония тобора кўпроқ ўғрихона тусига кираверди, тарбияланучиларнинг тарбиячиларга бўлган муносабатларида доимо менсимаслик ва безорилик қилиқлари очиқ-равшан кўринаверди. Улар тарбиячилар ҳузурида ярамас латифалар айтишадиган, овқатни қўпол равишда сўрайдиган, ошхонада тарелкаларни улоқтириб ташлайдиган бўлиб қолдилар, пичоқни кўрсатиб, кимнинг қанча нарсаси бор деб, таҳқир қилиб сўраб:

— Оғир пайтларда, билсангиз... ишга яраб қолиши мумкин,— дейишарди.

Улар печкалар учун ўтин кесиб келишдан бутунлай бош тортдилар ва Калина Ивановичнинг кўз ўнгида са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ройнинг тахта томини бузавердилар. Улар бу ишларни ҳазил ва кулги блан қилиб:

— Бизнинг давримизга етади! — деб қўярдилар.

Калина Иванович трубкасидан миллионлаб учқун чиқариб, қўлларини кериб, бундай дерди:

— Бу паразитларга нима ҳам деб бўлади? Кўрасанми бу сув юқмас куйдиргиларни? Иморат бузишни улар қайдан ўрганди? Бунинг учун шу паразитларнинг ота-оналарини қамаш керак...

Ниҳоят, сабрим косаси тўлиб, ўзимни тутаолмадим.

Қиш кунларидан бирида эрталаб Задоровга ошхона учун ўтин кесиб келишни таклиф қилган эдим, у одатдагича менсимаслик блан менга:

— Ўзинг кесиб келавер, сенлар кўпчилик! — деди. У менга биринчи марта «сен» деб муомала қилди. Утган ҳамма ойлар давомида йиғилиб келган қаҳр-ғазаб ва нафрат туфайли Задоровнинг юзига қулочкашлаб бир шапалоқ урдим. Қаттиқ урган эканман, у печкага ағанаб тушди. Иккинчи марта урдим, ёқасидан бўғиб кўтариб, яна бир шапалоқ тушурдим.

Шу онда унинг қаттиқ қўрққанини сездим. Рангги қув ўчиб, қўллари қалтираган ҳолда шошиб-пишиб фуражкасини кийди, кейин бошидан олди, яна кийди. Тағин урмоқчи эдим, броқ у секин ва нигроқ овоз блан:

— Кечиринг, Антон Семёнович...— деди пичирлаб.

Шу қадар қаттиқ ғазабланган эдимки, башарти биронтаси менга қарши бир оғиз сўз айтгудай бўлса, ҳаммасига баравар ёпишиб, бу бандитлар тўдасини ўлдириб, йўқ қилиб юборгудай эдим. Қўлимга темир косов дуч келиб қолди. Тарбияланучиларнинг бештаси ҳам ўз кроватьлари ёнида чурқ этмай туриб қолди. Бурун костюмининг аллақаерини шоша-пиша тузатди.

Мен уларга рўпара келиб, кровать панжарасига косов блан тақиллатиб:

— Е ҳамманг дарҳол ўрмонга, ишга жўна, ёки колониядан ному нишонларинг ўчсин!— дедим.

Шундан кейин ётоқдан чиқдим.

Асбоб-анжомларимиз сақланадиган саройга келиб, болтани олдим ва тарбияланучиларнинг арра ва болталарни олишаётганига хўмрайиб қараб турдим. Шу топда кўнглимга: яхшиси — бугун ёғоч кесмаслик, тарбияланучилар қўлига болталарни бериб қўймаслик керак, деган

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикр келди, броқ вақт ўтган, улар керакли ҳамма асбобни олиб бўлишган эди. Барибир. Мен ҳамма нарсага тайёр эдим, кўнглимда осонлик блан жон берақолмасман, деб қўйдим. Чўнтагимда тўппонча ҳам бор эди.

Биз ўрмонга жўнадик. Калина Иванович орқамдан етиб келиб, хавотирланиб, шивирлаб сўради:

— Нима гап ўзи? Садағанг жетай, айт-чи, нега улар бунчалик ювош бўлиб қолишди?

Мен Паннинг мовий кўзларига паришонхотирлик блан назар солдим:

— Иш пачава, оғайни... Умримда биринчи марта одам урдим.

— Ҳай аттанг, чатоқ қилибсан-ку!— деб оҳ тортди Калина Иванович.— Бордию булар шикоят қилса-чи?

— Ҳа, бунинг ҳечқиси йўқ...

Таажжубки, бу воқиа силлиққина ўтиб кетди. Болалар блан овқат маҳалигача ишладим. Ўрмондаги қинғир-қийшиқ қарағай дарахтчаларини кесдик. Умуман болаларнинг қовоғи солиқ бўлса ҳам, совуқ ва соф ҳаво, катта-катта қор қалпоқлари блан безанган гўзал ўрмон, арра блан болтанинг тотув ҳамкорлиги ўз ишини қилди.

Танаффус чоғида ҳаммамиз менинг асраб қўйган махоркамдан хижолат тортган ҳолда чекишдик, Задоров тамаки тутунини қарағайлар учига томон пуфлаб, тўсатдан қаттиқ кулиб юборди:

— Роса қизиқ бўлди-а! Ха-ха-ха-ха!..

Унинг кулиб турган қизил юзларини кўриш ёқимли эди, мен ҳам унга табассум блан:

— Роса қизиқ бўлди деганинг нима? Ишми?— дедим.

— Иш-ку турган гап! Йўқ, мени ишга солганингизни айтаяпман!

Задоров барваста ва бақувват йигит, шунинг учун унинг кулиши, албатта, ўринли эди. Шундай аламатга қўл тақизишга қандай ботинганимга ўзим ҳам ҳайрон эдим.

У тўхтовсиз кулаверди, хахолаб кулганича болтани олди-да, бир дарахт томон боратуриб яна:

— Роса қизиқ бўлди-да, ха-ха-ха!..— деди.

Ҳазил-ҳузил гап қилишиб, иштаҳа блан ҳаммамиз бирга овқатландик, лекин эрталабки воқиадан гап очмадик. Мен ўзимни ҳарҳолда ноқулай аҳволда сездим, броқ сир бой бермаслик учун овқатдан кейин сипойигарчилик блан буйруқ бердим. Волохов бир жилмайиб қўйди, ле-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кин Задоров жуда жиддий бир қиёфада ёнимга келиб, деди:

— Бизлар унча ёмон эмасмиз, Антон Семёнович! Ҳамма иш жойида бўлади. Биз тушунамиз...

3. Дастлабки эҳтиёжлар та'рифи

Эртаси куни тарбияланучиларга тайинладим:

— Ёток тоза бўлиши керак! Ёток навбатчиларингиз бўлиши зарур. Шаҳарга фақат менинг рухсатим блан кетиш мумкин. Кимки рухсатсиз кетса, қайтиб келмай қўяқолсин,—қабул қилмайман.

— Оҳо!— деди Волохов.— Сал енгилроқ шарт йўқмиди?

— Сизга қайсибири керак бўлса, ўшани танланг, йигитлар. Бошқача иложим йўқ. Колонияда интизом бўлиши керак. Агар сизга ёқмаса, хоҳлаган жойингизга бораверинг. Колонияда қоладиганлар интизомга бўйсунади. Ихтиёр ўзингизда. Ҳарким билганини қилсин, деган гап кетмайди.

Задоров менга қўлини узатди.

— Қўлни беринг — тўғри! Сен, Волохов, жим тур... Бу ишларга ҳали ақлинг етмайди. Барибир шу ерда бўлишимиз керак, қамоқхонадан дуруст-ку, ахир.

— Нима, мактабга қатнаш мажбурийми?— деб сўради Волохов.

— Мажбурий.

— Бордию мен ўқишни хоҳламасам-чи?.. Менга нима кераги бор?

— Мактабга қатнаш мажбурий. Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам, барибир, борасан. Кўрдингми, ҳозир сенга Задоров ақлинг етмайди, деди. Ўқиш, ақлли бўлиш керак.

Волохов ҳазил аралаш бошини чайқади ва аллақандай украинча анекдот сўзларини такрорлаб:

— Хўп қўлга тушибман-да!— деди.

Интизом бобида Задоров блан бўлиб ўтган ҳодиса бурилиш пункти бўлди. Ростини айтганда, мен виждон азобига учрамадим. Дуруст, мен тарбияланучини урдим. Педагогика жиҳатидан бўлмағур иш қилганимми, бу ҳолнинг қонунан мутлақо нотўғрилигини сездиму, лекин шу блан бирга, педагогик қўлларимнинг софлиги — олдимда турган вазифага нисбатан иккинчи даражали иш эканини

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрдим. Агар бошқа бирон методни эгаллайолмасам, албатта, диктатор бўлиб кетаман деб қўйдим. Бироз вақтдан кейин Волохов блан иккимизнинг ўртамизда жиддий тўқнашув юз берди. Волохов навбатчи бўлатуриб, ётоқни тозаламади, унга айтганимдан кейин ҳам ётоқни тозалашдан бош тортди. Мен унга ўқрайиб туриб:

— Қонимни қайнатма. Тозала! — дедим.

— Ҳа, нима қилардингиз? Тумшуғимни уриб ёрармидингиз? Ҳаққингиз йўқ!..— деди.

Мен унинг ёқасидан тутиб, ўзимга яқинлаштирдим ва афтига тикилиб туриб, самимият блан шивирлаб:

— Тингла! Сўнгги марта огоҳлантираётирман: тумшуғингни ёрмайман, лекин дабдалангни чиқараман! Ана ундан кейин устимдан арз қилавер, зўр бўлса қамоқхонага бориб ўтирарман, бунинг сенга дахли йўқ! — дедим.

Волохов бир силтаниб қўлимдан чиқди ва кўзёшини оқизиб, деди:

— Анчики гап учун қамоқда ўтиришнинг ҳожати йўқ. Йиғиштираман, қорангизни кўрмай!

— Қандай сўзлашаётирсан?— деб бир ўшқирдим.

— Сиз блан қандай сўзлашиш керак? Қўйинге, ўша!

— Нима? Очиқроқ сўкин...

У тўсатдан кулиб юбориб, қўл силтади:

— Ғалати одам экансиз-ку... Тозалайман дедим, тозалайман, бақираверманг!

Броқ шуни айтиш керакки, зўравонлик жуда кучли педагогик восита экан деган фикр хаёлимга ҳам келмади. Задоров блан бўлган воқиа Задоровнинг ўзидан кўра менга қимматроққа тушди. Ишнинг осон томонига ўтиб олишимдан қўрқиб қолдим. Тарбиячилардан Лидия Петровна мени тўппа-тўғри ва дадил туриб қоралади. Уша куни кечқурун у эшгаҳини муштига тираб туриб, менга тиргилаверди:

— Толган методингиз шу бўлдими? Эски мактабдагидай иш тутамизми?

— Кўйсангиз-чи, Лидочка!

— Йўқ, қани айтинг-чи, тумшуққа тушираверамизми? Менга ҳам мумкинми? Ёки фақат сизга мумкинми?

— Лидочка, мен сизга кейин айтаман. Ҳозирча ўзим ҳам билмайман. Сиз пича сабр қилинг.

— Ҳа, тузук, сабр қилай.

Екатерина Григорьевна бирнеча кунгача қош-қовоғини чимириб юрди ва мен блан сўзлашганда расмият юзаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан хушмулозамат бўлди. Фақат беш кунчадан кейин у жиддият блан, жилмайиб туриб, сўради:

— Хўш, кайфларя қалай?

— Боягидай. Кайфим жуда чоғ.

— Бу воқиадаги энг кўнгилсиз ҳол нималигини биласизми?

— Энг кўнгилсизими?

— Ҳа. Энг кўнгилсиз ҳодиса шуки, сизнинг қилган ишингизни болалар шавқ-завқ блан гапириб юрипти. Улар сизни жон-диллари блан севишга тайёрлар, қизиғи шуки, уларнинг биринчиси Задоров. Бунинг ма'ниси нима экан? Тушунолмай қолдим. Бу нима, қулликка бўйин қўйишми?

Мен бир фурсат ўйлаб туриб, кейин Екатерина Григорьевнага дедим:

— Йўқ, бу ерда гап қулликка бўйин қўйишда эмас. Бунда гап сал бошқачароқ. Сиз яхшигина таҳлил қилиб кўринг-чи: ахир Задоров-ку мендан кўра бақувватроқ, у мени бир урғандаёқ бирёқли қилаоларди. У ҳечнарсадан қўрқмайди, Бурун ҳам, бошқалари ҳам қўрқишмайди. Бу воқиада уларнинг кўзига кўринадиган нарса калтак зарби эмас, ғазаб, одамнинг сабр косаси тўлганидир. Улар яхши тушунадиларки, мен Задоровни урмаслигим ҳам мумкин эди, уни тарбия қилиб бўлмайдиган, деб комиссияга қайтариб юборишим, бошларига кўпгина кулфатлар солишим ҳам мумкин эди... Лекин мен бундай қилаётганим йўқ, мен ўзим учун хавфли бўлса ҳам, расмий бир йўл тутмай, инсоний бир иш қилишга жазм этдим. Колония бўлса, кўриниб турипти-ки, уларга ҳарҳолда керак. Ҳарқалай масала анчагина мураккаб. Бундан ташқари, бизнинг улар учун кўп ишлаётганимизни ҳам ўзлари кўриб турипти-лар. Ҳарҳолда улар ҳам одам-ку. Бу муҳим нарса.

— Эҳтимол,— деди Екатерина Григорьевна ўйлаб туриб.

Бироқ ўйлаб ўтиришга бизда вақт йўқ эди. Бир ҳафтадан кейин, 1921 йил февралида, мен ўн бештача боқимсиз ва ўтакетган чувринди болани аравада олиб келдим. Уларни ювиб-тараш, бир амаллаб кийинтириш, қўтирларини даволаш учун анча уринишга тўғри келди. Мартга келиб колониядаги болалар сони ўттизга яқинлашиб қолди. Уларнинг кўпчилиги гариб, тарбия кўрмаган болалар бўлиб, социал тарбия қоидаларига амал қилишга мутлақо нобоп эди. Болалик тафаккурини тип жиҳатидан илмий

www.ziyouz.com kutubxonasi

тафаккурга гўёки жуда яқин қилиб қўядиган ижодият уларда ҳали йўқ эди.

Колонияда тарбиячилар ҳам кўпайди. Мартга келганда биз чинакам педагогик советга эга бўлдик. Эр-хотин Иван Иванович блан Наталья Марковна Осиповалар диванлар, стуллар, шкафлар, аллақанча кийим-бош ва идиш-оёқлардан иборат бирталай буюм келтиришди; колониядагиларнинг ҳаммаси буни кўриб ҳайрон бўлишди. Яланғоч колонистларимиз Осиповлар уйи олдида ана шу буюмларнинг аравалардан туширилаётганини зўр қизиқиш блан тамоша қилдилар.

Колонистларнинг бу қизиқишлари бежиз ва беғараз эмас эди, шунинг учун мен бу дабдабалар блан келтирилган буюмларнинг шаҳар бозорларига яна қайта йўл олиш эҳтимолидан хавфсирардим. Болаларнинг Осиповлар бойлигига қизиқиши бир ҳафтадан кейин экономканинг келиши блан бирмунча сусайди. Экономка жуда яхши, хушмуомала ва ғалатироқ бир кампир эди. Унинг буюмлари Осиповларникига тенглашаолмаса ҳам, лекин жуда қизиқтирадиган нарсалардан иборат эди. Чунончи, унда анча-мунча ун, мураббо ва бошқа нарсалар солинган банкалар, ихчам қилиб тикилган аллақанча халта-хулталар ва чемоданчалар бўлиб, тарбияланучиларимиз кўзларини ўша нарсалардан узмас эдилар, бу нарсаларни қимматбаҳо буюмлар бўлса керак деб ўйлардилар.

Экономка ўз хонасига кампирларга хос дид-фаросат ва саранжомлик блан ўрнашиб олди, ўзининг қути ва қутичаларини хонанинг гўё шундай иш учун табиатнинг ўзи белгилаб қўйган жойларига ороста қилиб териб, тахлаб қўйди ва нима қилишю икки-уч бола блан апоқ-чапоқ бўлиб олди. Улар дўстлашишдан илгари бир-бирларига шартлар қўйишди: болалар ўтин ташиб келиб, самовар қўйишадиган, кампир бўлса, бунинг бадалига болаларни чой блан меҳмон қиладиган ва кўрган-кечирганларидан гапириб берадиган бўлди. Очиғини айтганда колонияда экономка учун қиладиган иш йўқ эди, мен бўлсам уни нима учун бу ишга тайинлаганларига ҳайрон эдим.

Колонияда ҳечқандай экономканинг кераги йўқ эди. Чунки биз ниҳоятда камбағал эдик.

Колониянинг хизматчилар кўчиб кирган бирнеча хонасидан бошқа ҳамма хоналардан атиги иккита утермарк печи бор битта катта ётоқхонани ремонт қилаолдик. Бу хонада ўттизта «дачка» кровать ва учта катта стол бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

болалар шулар устида овқатланишар ва хат ёзишар эди. Яна битта катта ётоқхона ва емакхона, иккита синф хонаси ва канцелярия ремонт қилиниши керак эди.

Чойшаб, ёстиқ жилди каби буюмлар бизда бир ярим смена бўлиб, бошқа хил буюмлар, чунончи, ички кийимлар мутлақо йўқ эди. Бизнинг кийим-бош топиш бобидаги чораларимиз халқ маорифи бўлимига ва бошқа муассасаларга қарата қилинган турли ўтинчлардан иборат эди.

Колонияни шу қадар жасорат блан очган губерна халқ маорифи бўлимининг мудири қайгадир янги ишга кетиб қолган бўлиб, унинг ўринбосари колонияга тузук э'тибор бермас, чунки у бундан ҳам кўра зарурроқ ишлар блан банд эди.

Халқ маорифи бўлимидаги шароит бизнинг бойишга бўлган интилишимизга унча қўл келмас эди. У вақтларда губерна халқ маорифи бўлими жуда кўп хона ва хоначалардан ҳамда ғоят кўп одамларнинг тасодифий йиғиндисидан иборат бўлиб, бунда педагогик ижодиётнинг чинакам ифодачилари ана шу хоналар ёки одамлар эмас, столчалар эди. Бундаги хилма-хил секциялар мана шу шалоғи чиқиб кетган, синиқ-мертик ва бир вақтларда қорамти, қизилми тусда бўлган ва худди ўзларига ўхшаш стуллар блан қуршалган ёзув, пардоз, қартавозлик столчаларидан иборат эди, ҳарқайси столча тўғрисига деворга осиб қўйилган ёзувлар ҳам шундан далолат берарди. Столчаларнинг жуда кўпчилиги ҳамиша бўш турар, чунки столчанинг қўшимчаси ҳисобланган одам — ўз моҳияти блан секция мудиридан кўра губерна тақсимот бўлимининг ҳисобчисини кўпроқ эслатар эди. Мабодо бирор столча ёнида тўсатдан битта-яримта одам қораси кўриниб қолгудай бўлса, иш блан келганлар ҳар томондан дув кўчишиб, унинг устига ёпирилишарди. Бундай ҳолда суҳбат бу секциянинг қандай секция эканлигини ва келган киши шу секцияга мурожаат қилиши керакми ёки бошқасига учрашиш зарурми, башарти бошқасига учрашиш зарур бўлса, нима сабабдан ва қайси секцияга учрашишни аниқлаб олишдан иборат бўлар эди; агар изланган секция ҳарҳолда бу эмас, деган жавоб олинса, ўтган шанба куни ҳов анави столча ёнида ўтирган ўртоқ худди мана шу секцияни кўрсатган эди-ку, дейишарди. Ана шу масалалар ҳал қилиниб бўлгандан кейин секция мудири шилт этиб жуптакни ростлаб қолар ва яшин тезлигида кўздан ғойиб бўлар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнинг тажрибасизлик блан қўйган қадамларимиз, албатта, ҳечқандай натижа бермади.

Йигирма биринчи йил қиш фаслида колония тарбия муассасасига жуда оз ўхшар эди. Кўча сўзи блан «клифт» дейиладиган, тит-пити чиқиб кетган пиджаклар баданларни бир амаллаб бекитиб турарди, «клифт» тагидан жулдур-жулдур бўлиб кетган кўйлак қолдиқлари онда-сонда кўриниб қоларди. Яхши уст-бошлар кийиниб келган дастлабки тарбияланувчиларимизнинг бошқалардан фарқ қилишлари узоққа бормади: ўтин ёриш, ошхонада, кирхонада ишлаш гарчи педагогика жиҳатидан ма'қул иш бўлса-да, броқ кийим-бошнинг заволи эди. Март ойига келганда ҳамма колонистларимизнинг кийим-боши шу даражага етдики, «Русалка» операсидаги тегирмончи ролини бажаручи ҳарқандай артистнинг ҳам унга ҳаваси келиши мумкин эди.

Колонистларнинг кўпчилиги ботинкасиз бўлиб, пайтава устидан чизимча чандиб юрар эди. Лекин биз оёқ кийимининг ана шу сўнгги турига ҳам ёлчимас эдик.

Ейдиган овқатимиз кондёр деб аталарди. Аҳ'ён-аҳ'ёнда тасодифан бошқа хил овқат ҳам бўлиб қоларди. У вақтларда оддий нормалар, оширилган нормалар, бекувват ва бакувват нормалар, дефектив нормалар, санаторий, касалхона нормаси деган турли-туман нормалар бўларди. Жуда уста сипоҳгарчилик блан ба'зан одамларни ишонтиришга, кўндиришга, алдашга, аянч аҳволимизни айтиб лакиллатишга, колонистлар қўзғолони блан қўрқитишга муваффақ бўлардик,— ана шу хил тадбирлар натижасида бизни санаторий нормасига ўтказдилар. Бу нормада сут, жуда кўп ёғ ва оқ нон бор эди. Малумки, бу озиқларни биз ололмасдик, лекин кондёрнинг ба'зи элементлари блан қора нонни кўплаб келтирабошладик. Орадан бир-икки ой ўтгач, бор буд-шудимизни еб тамом қилардик-да, шу блан яна ўлимга маҳкум этилган оддий кишилар қаторига кириб қолардик ва яна қайтадан яширин ва ошкор дипломатиянинг эҳтиёткорлик ва қинғир-қийшиқ йўлларини излаб қолардик. Ба'зан қаттиқ ҳужум қилишимиз натижасида ҳатто гўшт, колбаса, қоқлаган балиқ ва конфетлар ҳам олар эдик. Броқ, бу ноз-не'матларга ахлоқий жиҳатдан нуқсонлиларининг ҳечбир ҳаққи бўлмаганлиги ва ақлий жиҳатдан нуқсонлиларгина ҳакли эканлиги сабабли турмушимиз янада аянчлироқ бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гоҳо тор педагогика доирасидан чиқиб, қайбир қўшни доираларга, масалан, биринчи запас армиянинг озиқ-овқат комиссиясига ёки губерна озиқ-овқат комитетига ё эса бирор қулай келиб қолган идоранинг та'минот бўлимига хуруж қилардик. Халқ маорифи бўлимидагилар бу каби ўзбошимчаликни кат'иян ман' этардилар, шу сабабли бундай пайтларда махфий суратда хуруж қилиш керак бўларди.

Хуруж учун махсус қоғоз блан қуролланиш зарур эди, бундай қоғозда қуйидагича биттагина оддий ва салмоқли жумла бўларди: «Ёш жиноятчилар колонияси тарбияланучиларнинг озиқ-овқати учун юз пуд ун берилишини сўрайди».

Колониянинг ўзида «жинюятчи» деган сўзни ҳечқачон ишлатмасдик, колониямиз ҳам ҳечқачон бундай деб аталмаган. У вақтларда бизни ахлоқи бузуқлар деб юритишарди. Лекин чет кишилар учун бу ном унча тўғри келмасди. Чунки ундан тарбиявий муассасанинг ҳиди келиб турарди.

Мен қўлимдаги қоғозим блан тегишли идоранинг бирор коридорида, кабинет эшиги ёнида турардим. Бу эшикдан аллақанча одам ичкарига кирарди. Ба'зан кабинетга шу қадар кўп одам тўпланардики, у ерга истаган киши кираолар эди. Одамлар орасини ёриб ўтиб, бошлиқ ҳузурига кириш ва индамай туриб қоғозимизни қўлига тутқазиш керак бўларди.

Озиқ-овқат идораларининг бошлиқлари педагогиканинг усталик блан қилинган тадбирини унча яхши пайқамасдилар ва «ёш жиноятчилар»нинг маорифга алоқадор эканликларини ҳар доим эслаб туролмасдилар. «Ёш жиноятчилар» деган иборанинг эмоционал бўёғи анчагина та'сирли эди. Шунинг учун идора бошлиқлари бизга ба'зи-ба'зида жиддий қараб:

— Хўш, сиз нега бу ерга келдингиз! Ўзингизнинг халқ маорифи бўлимингизга мурожаат қилинг,— деб қолардилар.

Кўпинча, бошлиқ ўйланиб туриб, бундай дерди:

— Сизларни ким та'минлаб туради? Турма идорасими?

— Йўқ, биласизми, турма идораси бизни та'минламайди, чунки булар болалар-да...

— Бўлмаса сизни ким та'минлаб туради?

— Биласизми, шу вақтгача аниқланган эмас...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— «Аниқланган эмас» деганингиз нимаси?.. Ажабо!

Бошлиқ блокнотига бирнималарни ёзиб олар ва бир ҳафтадан кейин келишни таклиф қиларди.

— Ундай бўлса ҳозирча йигирма пудгина бериб туринг.

— Йигирма пуд бермайман, ҳозирча беш пуд олиб туринг, кейин аниқлаймиз.

Беш пуд камлик қиларди ва орада бўлиб ўтган гап-сўз бизнинг олдиндан чизиб қўйган режамизга мос келмасди, ўз-ўзидан ма'лумки, ҳечқандай аниқлаш керакмасди.

М. Горький номидаги колониянинг айни муддаоси — бошлиқнинг ҳечнарсани суриштирмай-нетмай, қоғозимизни индамасдан олишию, бир бурчига: «Берилсин» деб ёзиши эди.

Бундай ҳолда зиғиллаганимча колонияга югурардим.

— Калина Иванович!.. Ордер!.. Юз пуд! Тезроқ одам топиб, олиб кел, бўлмаса олиб кетиб қолишади...

Калина Иванович севиниб кетиб, қоғозга энгашиб қарар ва:

— Юз пудми? Балли-е!.. Шунча нарса қаёқда экан?— дерди.

— Кўрмаяпсанми? Губерна адлия бўлимининг губерна озиқ-овқат комитети-ку...

— Ким билади дейсан!.. Бизга барибир: менга деса дев бўлсин, иблис бўлсин, узумини егину, боғини суриштирма, деганлар, хе-хе-хе!..

Одамнинг биринчи талаб ва эҳтиёжи — озиқ-овқатдир. Шунинг учун кийим-бош масаласи бизни озиқ-овқатчалик қийнамас эди. Тарбияланучилар оч-наҳор юришарди, бу эса уларни ахлоқий жиҳатдан қайта тарбиялаш масаласини анчагина мураккаблаштирарди. Хусусий усуллар ёрдами блан эса колонистлар ўз нафсларини бир қадар қондирардилар.

Хусусий усул блан озиқ-овқат топишнинг асосий турларидан бири балиқ овлаш эди. Лекин қишда балиқ овлаш жуда қийин. Энг енгил усул—қўйилган тўрларни қоқиб кетиш эди.

Ени-веримиздаги хуторлилар яқин-орадаги анҳорга ва ўз кўлимизга тўр ташлаб қўйишарди. Ўз-ўзини сақлаш сезгиси ва одамга хос бўлган иқтисодий фаҳм-фаросат болаларимизни ўша тўрларнинг ўзини ўғирлашдан қай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тариб турса ҳам, броқ колонистларимиздан бири бу олтин қоидани бузди.

У — Таранец эди. Еши ўн олтида, ўзи эски ўғрилар оиласидан чиққан бўлиб, қадди расо, чўтир, хушчақчақ, ўткир ақлли, ажойиб ташкилотчи ва сергайрат бир бола эди. Лекин у коллектив манфаатини ҳурмат қилишни билмас эди. У анҳордан бирнеча тўр ўғирлаб, колонияга олиб келди. Унинг кетидан тўрларнинг эгалари ҳам етиб келишди, натижада иш катта жанжал блан тугади. Шундан сўнг хуторлилар тўрларини қўриқлайдиган бўлдилар, шу блан бизнинг овчилар қўлига ўлжа камдан-кам тушадиган бўлди: лекин бирмунча вақтдан кейин Таранецда ва ба'зибир бошқа колонистларнинг ўз тўрлари пайдо бўлиб қолди, бу тўрларни уларнинг «шаҳардаги бир таниши» совға қилган эмиш. Болаларнинг ўз тўрлари блан балиқ овлаши тез ривожланабошлади. Балиқхўрлик даставвал тор доврадаги шахслар ўртасида расм эди. Қиш чиқишига яқин Таранец мулоҳаза қилмасдан бу доврага мени ҳам тортмоқчи бўлди.

У менинг хонамга бир тарелка қовурилган балиқ олиб келди.

— Бу балиқ сизга.

— Кўриб турибман, лекин олмайман.

— Нега?

— Чунки олишим нотўғри. Балиқни ҳамма колонистларга улашиш керак.

— Нега энди?— Таранец хафаликдан қизариб-бўзариб кетди.— Нега энди? Тўрларни топиб келган — ман, ов қиладиган — ман, анҳорда жиққа сув бўладиган — ману, ҳаммага улашайми?

— Қани, балиғ-малиғингни кўтариб жўна! Мен ҳечнарса келтирганим ҳам йўқ, ҳўл бўлганим ҳам йўқ!

— Ахир буни биз сизга илиниб, атайлаб...

— Йўқ, мен бунга унамайман, менга бу ишлар ёқмайди. Нотўғри.

— Нимаси нотўғри?

— Шуниси нотўғрики, ахир сен тўрни сотиб олганинг йўқ-ку. Тўрлар сенга тортиқ қилинганми?

— Тортиқ қилинган.

— Кимга? Сенгами? Еки бутун колонияга ми?

— Нега «бутун колонияга» бўлар экан? Менга...

— Менинг ўйлашимча, менга ҳам, ҳаммага ҳам. Товалар кимники? Сеникими? Умумники. Писташка ёғини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ошпаз хотиндан тилаб оласизлар, ёғ кимники? Умумники. Ўтин-чи, печь-чи, челаклар-чи? Хўш, энди нима дейсан? Тўрларингни тортиб олиб қўйсам, ишинг пачава бўлади. Энг чатоғи шуки, бу ишинг ўртоқларча қилинган иш эмас. Тўрлар сенинки эканлигининг нима аҳамияти бор! Сен ўртоқларинг учун хизмат қил. Балиқ тутиш ҳаммасининг ҳам қўлидан келади.

— Ҳа, яхши,— деди Таранец,— шундоқ бўлақолсин. Сиз энди, ҳарнима бўлса ҳам, балиқни олиб қолинг.

Балиқни олиб қолдим. Ўша пайтдан бошлаб балиқ ови навбат блан қилинадиган наряд ишига айланди, маҳсулот эса ошхонага топшириладиган бўлди.

Хусусий равишда овқат топишнинг иккинчи усули шаҳар бозорига қатнаш эди. Калина Иванович Кичкинтой деган отни ҳар куни аравага қўшиб, озиқ-овқат келтириш ёки идорама-идора кезиб келиш учун жўнаб кетарди. Унинг кетидан икки-учта колонист эргашар, шаҳардаги касалхонага боришни, комиссияга сўроқ беришни, Калина Ивановичга ёрдамлашишни, Кичкинтойни ушлаб туришни баҳона қилар эдилар. Бу бахтиёрларнинг ҳаммаси одатда шаҳардан қорин тўйғазиб қайтишар ва жўраларига ҳам унча-мунча нарса келтиришар эди. Бозорда бўлганларнинг бирортаси ҳам қўлга тушган эмас. Бу юришларнинг самараси «холам берди», «танишим блан учрашдим» каби ошкора важ-баҳоналар блан оқланар эди. Мен колонистни ёмон шубҳа блан ҳақорат қилмасликка тиришиб, доимо шу сўзларга ишонардим. Менинг ишончсизлик билдиришимнинг оқибати нима бўларди дейсиз. Овқат дардида изғиб юрадиган оч, исқирт колонистларни мен бозорда бир дона бублик ёки бир жуфт таг чармни ўғирлаш сингари кирдикорлардан қайтариш учун қиладиган насиҳатимнинг қадрига етмайдиган шахслар деб билардим.

Бениҳоят қашшоқлигимизнинг бир яхши томони ҳам бор эди: биз тарбиячилар ҳам болалар блан баббаравар оч ва қашшоқ эдик. У вақтларда деярли маош олмасдик, ейдиган овқатимиз бояги кондёр-у, кийим-бошимиз тахминан ўша жулдирдан иборат эди. Бутун қиш бўйи этигим таг чармсиз ўтди, шу сабабли доимо пайтавамнинг чуруги оқиб юрарди. Ёлғиз Екатерина Григорьевна озода ва яхши дазмолланган кўйлагини кўз-кўз қилиб юрарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Ички ишларимиз

Февральда ёғоч сандиғимдан бир пачка пул йўқолди. Бу тахминан менинг олти ойлик маошим эди.

У вақтларда канцелярия ҳам, ўқитувчилар хонаси ҳам, бухгалтерия ҳам, касса ҳам мен турган уйга жойлашган эди, чунки ҳамма вазифани якка ўзим бажарардим. Бир пачка яп-янги қоғоз пул қулфлоғлик сандиқдан йўқ бўлди қўйди, ҳолбуки сандиқнинг бирор жойи ҳам шикастланмаган эди.

Кечқурун бу воқиани болаларга айтдим ва пулни қайтиб беришларини сўрадим. Пул ўғирланганини исбот қилаолмадим, шу сабабли мени растратда айблаш жуда осон эди. Болалар сўзимни хўмрайишиб тинглашди-да, тарқалишди. Йиғилишдан сўнг ўз хонамга ўтиб кетаётганимда қоронғи ҳовлида ёнимга икки киши келди: қарасам — Таранец блан Гуд экан. Гуд — кичкинагина, чаққон йигит эди.

— Пулни ким олганини биз биламиз,— деб шивирлади Таранец,— лекин ҳамманинг олдида айтиб бўлмайди: аммо пул қаерга бекитилганини билмаймиз. Башарти айтиб қўйсак, жуптакни ростлайди, пулни ҳам олиб жўнайди.

— Ким олган экан?

— Шу ерда биттаси-да...

Гуд Таранецга ер тагидан қараб қўйди. Чамаси, Таранецнинг айтиб қўйгани унга ёқинқирамади шекилли, у:

— Жиғини эзиш керак... Бу ерда сўзлашиб ўтиришимизнинг нима ҳожати бор? — деди.

— Жиғини ким эзади?— деб унга қайрилиб қаради Таранец.— Сен эзасанми? У шундаям та'жирингни бериб қўйсинки...

— Пулни олган кишини менга айтинг. У блан ўзим гаплашаман,— дедим.

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди.

Таранец айтишни истамай, туриб олди. Мен елкамни қисиб:

— Хайр, майли,— дедим ва ухлагани кириб кетдим.

Эрта блан Гуд пулни отхонадан топипти. Аллаким отхонанинг тор деразасидан ичкарига ташлаган экан, пул чочилиб кетипти. Гуд севинганидан қалт-қалт титраганича менинг олдимга югуриб келди. Икки қўлида ғижимланган бир тўда қоғоз пул бор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гуд севинганидан сакраб-сакраб ўйинга тушиб кетди, болалар мени тамоша қилиш учун очиқ чеҳра блан хонамга югуриб келишди. Биргина Таранец кекkайиб турарди. Ўртамизда бўлиб ўтган гап-сўздан кейин мен уларнинг хатти-ҳаракати тўғрисида Таранецдан ҳам, Гуддан ҳам ҳеч гап сўрамадим.

Икки кундан кейин аллаким ертўла эшигининг қулфларини бузиб, бисотимиздаги бирнеча қадоқ ёғни кўтариб жўнапти. Битта қулфни ҳам олиб кетипти. Индинига омбор деразасини ҳам суғуриб кетишди, шу блан Февраль революцияси байрамига атаб қўйилган конфетлар, пулдай ардоқлаб юрилган бирнеча банка арава мойимиз ҳам йўқ бўлди.

Калина Иванович ўша кезларда хийла озиб қолди; у ҳарбир колонистга тикилиб, башарасига махорка тутунини пуфлар ва бўғилиб:

— Бир ўйлаб кўринглар! Ахир ҳамма нарса сизлар учунку, итваччалар, ўзларингникини ўзларинг ўғирлайсизлар-а, паразитлар! — дерди.

Таранец ҳаммадан кўпроқ билса ҳамки, сир бой бермас, негадир бу воқиани фош қилишни истамас эди. Колонистлар жуда кўп гап қилишди, лекин улар бир-бирларининг сирини очишни асло истамадилар. Улар ўз мулклари ўғирланганини очиқ иқрор-этишни сра хоҳламадилар.

Мен ётоққа кириб:

— Сизлар кимсизлар? Одаммисизлар, ё...

— Бизлар чакана ўғримиз,— деган овоз эшитилди нарироқдаги аллақайси бир кроватьдан.

— Катта ўғрилармиз!— деди яна бири.

— Ёлғон айтасизлар! Сизлар қаёқдан катта ўғри бўлиб қолдинглар! Сизлар ҳақиқий чакана ўғрилар, ўз нарсаларингга ўзларинг ўғирлик қиласизлар. Мана энди ёғсиз ўтираверинглар, ишим нима сизлар блан! Байрамда конфетсиз қоласизлар. Энди бизга ҳечким ҳечнарса бермайди. Менга деса қирилиб кетинглар!

— Энди нима қилсак экан, Антон Семёнович? Ким олганини билмасак. Сиз ҳам билмайсиз, биз ҳам билмаймиз.

Лекин сўзларим бекор кетишини аллақачон билган эдим. Ўғирлик қилган кимса катта болалардан бири бўлиб, ундан ҳамма қўрқарди.

Яна ёғ ундириб келиш учун эртаси куни икки бола блан жўнаб кетдим. Бирнеча кунгача қатнаб, ахири ёғни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундирдик. Ёғни уддалаб сақлайолмаганимиз учун бизни анча койидилар, лекин бироз конфет ҳам бердилар. Кечқурунларн ўз саргузаштларимизнн ипидан игнасиғача ҳикоя қилиб ўтирардик. Ниҳоят, ёғни колонияга келтириб, ертўлага киритиб қўйдик. Ўша кечасиёқ уни ўғирлаб кетишди.

Мен бундай бўлганига ҳатто севиндим. Мана энди кўпчиликнинг бир ёқадан бош чиқариб, умум манфаатини ёқлаб сўзлашини ва ўғирлик масаласига зўр қизиқиш блан қарашини кутган эдим. Дарҳақиқат, ҳамма болалар ачинишдию, лекин ҳечқандай қизиқиш бўлмади, дастлабки таассурот кечирилгандан сўнг ҳаммалари масалага: «ишни боплаётган ким экан?» деган мазмунда қараднлар.

Орадан яна бирнеча кун ўтгач, отхонадан хомут йўқолди, шаҳарга боришимизга ҳам илож қолмади. Қишлоқда уйма-уй юриб омонатга хомут сўрашга тўғри келди.

Ўғирликлар бора-бора ҳар куни рўй берди. Эрта блан қараб, ҳарқаердан ҳар нарсанинг йўқолганини, чунончи: болта, арра, идиш-товоқ, чойшап, тиркиш, юган, озиқ-овқат йўқолганини кўрдик. Мен кечалари ухламай, ҳовлида тўппонча блан ҳам юриб кўрдим, лекин икки-уч кечадан нарига, албатта, чидаш беролмадим. Осиповдан бир кечагина навбатчилик қилишини сўраган эдим, ўтакаси ёрилиб кетди, шундан кейин унга бу ҳақда оғиз очмай қўяқолдим.

Болаларнинг кўпидан, шу жумладан Гуд блан Таранецдан ҳам гумондор эдим. Лекин ҳечқандай далилим бўлмагани учун, гумонимни сир тутишга мажбур бўлдим.

Задоров хахолаб кулиб, ҳазиллашди:

— Сиз, Антон Семёнович, меҳнат колонияси ҳадеб ишлайверсаю, ҳечбир кайф-сафо қилмаса, деб ўйлабмидингиз? Ҳали шошмай туринг, бу ҳам ҳолва бўлиб қолади! Тутиб олган одамингизни нима ҳам қилаолар эдингиз?

— Турмага қаматаман.

— Ҳа, бу ҳеч гап эмас-ку. Мен урасизми, деб ўйлабман.

Бир кеча у ҳовлига кийинган ҳолда чиқди.

— Сиз блан пича юратурай.

— Эҳтиёт бўл, тағин, ўғрилар пайингга тушиб қолмасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, улар бугун сизнинг соқчилик қилишингизни биладилар, барибир, бугун ўғирликка тушмайдилар. Хўш, нима бўпти?

— Ростингни айт, Задоров, қўрқасанми улардан?

— Кимлардан? Ўғриларданми? Албатта қўрқаман. Гап қўрқишда эмас, Антон Семёнович, ҳарқалай сирларини очиб бериш ярамайди-да.

— Уз нарсаларингизни ўғирлаяптилар-ку.

— Менинг нарсам эканми? Бу ерда менинг ҳечнарсам йўқ.

— Ахир сизлар шу ерда тириклик ўтказасизлар-ку.

— Тириклик қаёқда, Антон Семёнович! Шу ҳам тириклик бўптими? Бу колонияга ҳарқанча зўр берганингиз блан ҳечнарса чиқмайди. Бекорга уринаяпсиз. Мана кўрарсиз, ҳамма нарсани ўғирлаб бўлиб чекка-чеккага қочиб кетишади. Яхшиси, сиз иккита азамат қоровул ёллаб, уларга битгадан винтовка бериб қўйинг.

— Йўқ, қоровул ҳам ёлламайман, винтовка ҳам бермайман.

— Сабаби нима? — деб ҳайрон бўлди Задоров.

— Қоровулларга ҳақ тўлаш керак, ўзимизнинг камбағаллигимиз етмайдими, энг муҳими шуки, ўзларингиз хўжайин бўлишингиз керак.

Кўпгина колонистлар қоровул ёллаш керак, деган фикрда эди. Етоқда бу тўғрида катта мунозара ҳам бўлиб ўтди.

Иккинчи марта келган колонистлар тўдасининг энг яхши вакили Антон Братченко бундай деб гап ма'қуллашга уринди:

— Қоровул турса, ҳечким ўғирликка тушмайди. Бордию тушгудай бўлса, унинг анави жойига туз босиш керак. Бир ойча туз аламини тортиб юрса, қадам босмайдиган бўлади.

Костя Ветковский деган чиройли бола унга қарши чиқди. «Эркинликда» бу боланинг қиладиган иши қалбаки ордерлар блан ҳаркимларнинг уйини тинтув қилиш экан. Ана шу тинтувлар вақтида у иккинчи даражали рольларни бажарар, бош рольларни эса катта ёшдагилар бажарар экан. Костянинг ўзи — унинг делосида ёзилганига кўра — ҳечқачон ҳечнарса ўғирламаган бўлиб, ишининг фақат бадиий томонига қизиқаркан, холос. У доимо ўғриларга нафрат блан қарарди. Мен бу боланинг ичидан пишганлигини аллақачонок сезган эдим. У энг тортинчок

www.ziyouz.com kutubxonasi

йигитлар блан ҳам осонгина гаплашиб кетаверар ва сиёсий масалаларда зўр обрў қозонган бир бола эди. Костя бундай деб та'кидларди:

— Антон Семёнович ҳақли. Соқчи ёллаш ярамайди! Колонияда ҳечнарсани ўғирлаш мумкин эмаслигини ҳозирча фаҳмламасак ҳам, лекин яқин орада ҳаммамизнинг фаҳмимиз етадиган бўлиб қолади. Ҳозир ҳам кўпларнинг фаҳми етади. Мана яқинда ўзимиз соқчилик қилабошлаймиз. Тўғрими, Бурун? — деб тўсатдан Бурунга мурожаат қилди.

— Нима бўпти, соқчилик қилсак қилаверамиз,— деди Бурун.

Февральда экономкамиз колониядаги хизматдан бўшади, мен уни бир амаллаб касалхонага ишга жойлаштириб қўйдим. Якшанба кунларидан бирида у турган уй зинапоясига Кичкинтойни келтиришди, экономканинг ҳамма ошна-танишлари ва фалсафа сотишиб чойхўрлик қилишганлар бирқанча тугун ва халталарни олиб чиқишиб, чанага ортабошлашди. Софдил кампир чанада ўз мол-мулкининг устида ўтириб, аста-секин чайқала-чайқала соатига икки километр тезлик блан янги турмуш сари жўнаб кетди.

Кичкинтой аллавақтда қайтиб келди, лекин у блан бирга кампир ҳам қайтиб келди ва йиғи-сиғи, дод-фар'ёдлар блан менинг хонамга ўзини урди: билсам — бисотидаги бор-йўғи талаб қолинган экан. Унинг ошналари ва ёрдамчилари қути, халта ва тугунларнинг бир қисмини чанага ортмай, бошқа ёқларга ташиб кетишган экан. Мен дарров Калина Иванович, Задоров ва Таранецни уйғотдим. Бутун колонияда каттакон тинтув ўтказдик. Жуда кўп буюм ўғирлаганлиги сабабли ҳаммасини яшириб саранжом қилишаолмапти. Экономканинг бор-йўқ хазинаси буталар тагидан, саройларнинг чердакларидан, зинапоя тагидан, ҳаттоки кроватьлар остидан ва шкафлар орқасидан топилди. Кампир ҳақиқатан ҳам бадавлат экан, бир бир дюжинача янги дастурхон, бирқанча чойшаб ва сочиқ, кумуш қошиқлар, аллақандай шиша идишлар, билагузук, зирак ва яна кўпгина майда-чуйдалар топдик.

Кампир менинг хонамда йиғлаб ўтирар, хона эса маҳбуслар,— кампирнинг собиқ ошналари ва хайрихоҳлари блан аста-секин тўлабошлади.

Болалар аввал чурқ этмай ўтираверишди, бироқ мен уларга қараб бир ўдағайлаганимдан кейин масала рав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаплашди. Кампирнинг ошналари бош талончилар эмаслиги ма'лум бўлди. Улар сочиқ ёки қантдон сингари майда-чуйда нарсаларни олиш блан чекланганлар. Бу воқиада бошдан оёқ асосий рольни ўйнаган шахс Бурун эканлиги аниқланди. Бу сирнинг очилиши кўп кишини ва ҳаммадан илгари мени ҳайратда қолдирди. Бурун биринчи кундан э'тиборан ҳаммадан кўра салобатлироқ туйилган эди, у доимо жиддий, сертавозе' ва ҳаммадан яхши кўринар, мактабда бўлса зўр иштиёқ блан ўқир эди. Унинг қилган ишлари ақлимни шошириб қўйди: у, кампирнинг ўраб-танғиб қўйган катта-катта бўхчаларини яширган. Колонияда бўлиб ўтган илгариги барча ўғирликлар унинг иши эканлигига энди шубҳа йўқ эди.

Ниҳоят шу чоққача очилмай келган сир фош бўлди! Бурунни кўпчилик орасида суд қилишга буюрдим. Бу суд — колониямиз тарихида биринчи суд эди.

Етоқдаги кроватьларда, столлар устида жулдур кийимли қора судьялар жойлашиб олишди. Бешинчи лампача колонистларнинг ҳаяжонли юзларини ва Америка Қўшма Штатларининг президенти Мак-Кинлейга ўхшаган барваста, қўпол, йўғон бўйинли Бурунниинг рангсиз юзини ёритиб турарди.

Мен нафрат ва ғазаб блан тўлиб тошган бир оҳангда жиноятни болаларга тасвирлаб бердим: бисотида ана шу арзимаган латта-путталардан бўлак буюми бўлмаган кампирни қақшатиш, болаларни зўр меҳр-муҳаббат блан парвариш қилишда колонияда яккаю-ягона бўлишига қарамай, унинг бор буд-шудини талаш, ёрдам сўраган бир пайтда унинг нарсаларини ўғирлаш,— танасида заррача одамгарчилиги бўлмаган шахснинг, ўтакетган разил кишининг ишидир. Киши ўзини ҳурмат қилиши керак, киши муштипар кампирларнинг сўнгги латта-путтасигача қоқиб олмаслиги, кучли ва мағрур бўлиши керак.

Е менинг гапим қаттиқ та'сир қилди, ёки колонистларнинг ғазаби қайнаб тошди, хуллас ҳамма бирданига ҳамжиҳатлик ва зўр шижоат блан Бурунга ёпишиб кетди. Ўзи кичкинагина, сочлари ҳурпайган Братченко иккала қўлини Бурунга чўзиб, деди:

— Қани, хўш? Сен нима дейсан? Сени панжара ичига қамаш керак, авахта қилиш керак! Сенинг жатингга бизлар оч қолдик, Антон Семёновичнинг пулини ҳам сен олгансан.

Бурун тўсатдан норозилик билдириб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Антон Семёновичнинг пулини дейсанми? Қани, исбот қил-чи!— деди.

— Исбот ҳам қиламан.

— Исбот қил!

— Ха, олмадингми? Олган сен эмасми?

— Бўлмаса, менми?

— Албатта, сен.

— Мен Антон Семёновичнинг пулини олибманми? Буни ким исбот қилади?

Орқадаги қаторлардан Таранецнинг овози эшитилди:

— Мен исбот қиламан.

Бурун эсанкираб қолди. Таранец турган томонга ўгирилиб, алланима демоқчи бўлдию, кейин қўл силтаб:

— Ха, ана, мен олган ҳам бўлай. Ахир қайтиб бердим-ку?

Болалар бу жавобга бирдан кулиб юборишди. Бу қизиқ гап болаларни хурсанд қилиб қўйди. Таранец гердайиб қараб турарди. У олдинга отилиб чиқди.

— Аммо уни ҳайдаб юбориш керак эмас. Ҳаркимдан ҳам ўтади. Жазоси шуки, боплаб тумшуғига тушириш керак.

Ҳамма жим қолди. Бурун Таранецнинг чўтир юзига секингина бир тикилиб қўйди.

— Менинг тумшуғимга туширишингга ҳали анча бор. Мунча уринасан? Барибир колония мудири бўлолмайсан. Керак бўлса Антоннинг ўзи ҳам ураверади, сенинг ишинг нима?

Ветковский ирғиб ўрнидан турди:

— «Ишинг нима» деганинг нимаси? Болалар, бу бизнинг ишми ё бизники эмасми?

— Бизники! — деб қичқиришди болалар.— Тумшуғингга биз ўзимиз Антондан кўра яхшироқ туширамиз?

Аллаким Бурунга ёпишди, броқ пғу лайт Братченко қўлини Бурунинг афтига яқин олиб бориб:

— Сени дабдала қилиш керак, дабдала! — деб дўқ қилди.

Задоров қулоғимга шивирлади:

— Уни бирор ёққа олиб кетинг, бўлмаса қоракалтак қилиб юборишади.

Мен Братченкони нари сурдим. Задоров икки-уч кишини силтаб, қайириб қолди. Шовқин-суронни зўр блан бости-бости қилдик.

— Бурун гапирсин! Айтсин! — деб қичқирди Братченко.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бурун бошини қуйи солди.

— Айтадиган гапим йўқ. Ҳаммангиз ҳақлисиз. Мени Антон Семёнович блан бирга юборинг,— билганича жазоласин.

Жимлик чўкди.- Ҳаддан ташқари қайнаб тошган қаҳр-ғазабим шуйқонидан қўрқиб, эшик томонга юрабошладим. Колонистлар Бурун иккимизга йўл бериш учун икки томонга чекинишди.

Қоронғи ҳовлидаги қор окопларидан индамай ўтиб бормоқдамиз: мен — олдинда, у — кейинда.

Ичимга чироқ ёқса ёримайди. Кўзимга Бурун дун'ёдаги энг ифлос нарсаларнинг ифлоси бўлиб кўринди. Уни нима қилишни билмасдим. У ўғрилар шайкасида бўлганлиги учун колонияга юборилган, бу шайка а'золаридан анчагинаси — балоғатга етганлари — отиб ўлдирилган. Унинг ёши ўн еттида эди.

Бурун эшик олдида индамай тураверди. Мен стол ёнида ўтирган эдим, Бурунни бирор оғир нарса блан туширибқолмаслик учун ўзимни базўр тутиб турардим.

Ниҳоят Бурун аста-секин бошини кўтариб, кўзларимга тикилди ва ўкириб йиғлашдан ўзини базўр тўхтатиб, ҳарбир сўзни дона-дона қилиб, ваэминлик блан деди:

— Мен... энди... ҳечқачон... ўғирлик қилмайман.

— Елғон айтасан! Сен комиссияга ҳам шундай деб сўз берган эдинг.

— Комиссиянинг йўли бошқа, сизнинг йўлингиз бошқа! Истаганингизча жазоланг, ишқилиб мени колониядан ҳайдаб юборманг.

— Сен учун колонияда юришнинг нима қизиғи бор?

— Мен бу ерни яхши кўраман. Бу ерда болалар ўқишади. Мен ўкишни истайман. Қорним овқатга тўймаганидан ўғирлик қилдим.

— Ҳа, яхши. Уч кун қамоқда ётиб чиқасан, овқатинг нон блан сув бўлади. Таранешга қўл тақизакўрма!

— Хўп.

Бурун ётоқ ёнидаги ҳужрачада, я'ни эски колонияда коровуллар турган хоначада уч сутка ётиб чиқди. Устидан қулфлаб ўтирмадим, у мендан беижозат ташқарига чиқмасликка сўз берди. Биринчи куни мен унга чиндан ҳам нон блан сув юбордим, иккинчи куни унга раҳмим келди, иссиқ овкат элтиб беришди. Бурун ғурур блан овқатдан бош тортмоқчи бўлган эди, мен унга ўшқирдим:

— Қачонгача инжиқлик қиласан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бир жилмайди-да, елкасини қисиб, қошиққа тутинди.

Бурун сўзида турди: у кейинчалик колонияда бўлсин, бошқа жойда бўлсин, ҳечқачон ҳечнимани ўғирламади.

б. Давлат аҳамиятига эга бўлган ишлар

Колонистларимиз колония мулкига деярлик фарқсиз қараб юришган бир вақтда шу мулкка ғоят зўр э'тибор блан қаровчи чет кучлар топилиб қолди.

Бу кучларнинг энг асосийлари Харьковга борадиган катта йўлда жойлашган эди. Шу йўлда бирор киши қўлга тушиб таланмаган кеча йўқ эди, дейиш мумкин. Қишлоқ аҳолисининг бутун бошли карвонлари қирқма милтиқдан ўқ узилиши блан тўхтаб қолар, талончилар гап-сўз қилиб ўтирмасдан милтиқдан бўш қўллари блан аравада ўтирган хотинларининг қўйинларини тинтишар, буни кўрган эрлари ўзларини йўқотиб қўйиб, қамчин дасталари блан қўнжларига уриб, ҳайрон бўлиб:

— Ким билган экан-а? Пулларни энг маҳкам, пана жойга, хотинларининг қўйни-қўнжларига беркитиб қўйсак ҳам, кавлаштириб топиб олдилар-а! — дейишарди.

Талончилар ўткинчиларни кўплашиб шилсалар ҳам, лекин ҳечкимни деярли ҳечқачон ўлдирмасдилар. Талинганлар эс-ҳушларини йигиб олиб, талончилар белгилаган вақттача ма'лум жойда туриб, кейин колонияга келишар ва бўлиб ўтган воқеани бизга равшан тасвирлаб беришар эди... Мен ўз армиямни таёқлар блан қуроллантириб, ўзим тўппонча олиб, ҳаммамиз йўлга югуришиб борардик ва ўрмон ичида кезиб юрардик. Лекин қидиришларимиз фақат бир марта муваффақиятли чиқди: йўлдан ярим чақирим четда бир тўда одамга дуч келиб қолдик, улар ўрмондаги қор уюми ичида биқинишиб ётган экан. Йигитларнинг қийқириқларига улар бир ўқ узиб, тўс-тўс бўлиб кетдилар, лекин улардан бирини тутиб олиб, колонияга келтиришга муваффақ бўлдик. Ундан қирқма милтиқ ҳам, талаб олинган буюм ҳам чиқмади, у ҳечнарсани тан олмади. Биз уни губерна жиноят қидирув бўлимига топширдик, у машхур бандит экан, кетидан бутун шайка қамоққа олинди. Губерна ижроия комитети Горький номидаги колонияга ташаккур билдирди.

Броқ шундан кейин ҳам катта йўлдаги талончилик камаймади. Қиш чиқар паллада йигитлар тунда бўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтган кунли воқиаларнинг изларини топабошладилар. Бир куни қарағайлар орасида қор тагидан чиқиб турган бир қўлни кўриб қолдик. Қорни очиб қарасак, юзидан ўқ еб ўлган хотин экан. Бошқа бир жойда эса йўлнинг ёнгинасидаги бўталар орасида извошчи кийими кийган ва бош суяги пачақланган яна бир одам ўлиги топилди. Бир куни эрта блан туриб қарасак, ўрмон четида иккита осиғлиқ одам бизга қараб турганини кўрдик. То терговчи етиб келгунча улар икки сутка осилиб ётди, кўзларини бақрайтириб колонистлар томонига қараб тураверди.

Колонистлар бу ҳодисалардан сра чўчишмас ва уларга жуда қизиқиб қарардилар. Баҳор келиб, қор эриб битган вақтда колонистлар ўрмондан тулкилар ғажиб ташлаган бош суякларини топиб олиб, уларни ёғоч учларига илиб, колонияга келтиришди; улар Лидия Петровнани қўрқитиш учунқ шундай қилишган эди. Тарбиячиларнинг юраги бўш ҳам така-пука бўлиб турар ва колонияга босқинчилар босиб келиб, ҳаммани ўлдириб кетади, деб кечалари блан юракларини ҳовучлаб чиқишар эди. Айниқса, Осиповлар юрак олдириб қўйишган эди, чунки, кўпчиликнинг фикрича, уларда мол-ҳол кўп эди.

Февраль охирида шаҳардан юк блан секин-аста келаётган аравамиз кечкурун худди колонияга бурилиш жойида тўхтатилипти. Аравада ёрма блан шакар бор экан. Негадир талончилар бу нарсаларга қизиқишмапти. Калина Иванович ёнидан трубкадан бўлак ҳечнима чиқмапти. Бу хол талончиларнинг ғазабини келтирипти: улар Калина Ивановичнинг бошига бир уриптилар, у қорга думалаб тушипти ва талончилар кўздан ғойиб бўлгунча қорда ётаверипти. Кичкинтой блан доимо бирга бўлиб келган Гуд бунга оддий гувоҳ эди. Калина Иванович ва Гуд иккови колонияга келишгач, узундан узоқ ҳикоя қилишди. Калина Иванович воқиаларни оддий суратда тасвирласа, Гуд қизиқчилик блан тасвирларди. Лекин бир оғиздан: аравамизни кутиб олишга ҳамавақт колонистлар отряди юбориб турилсин, деган қарорга келинди.

Икки йилгача шу тахлитда иш кўрдик. Бу походлар бизда ҳарбийчасига: «йўлни эгаллаш» деб аталарди.

Ўнтача одам юбориларди. Менда нагаи борлиги учун гоҳо мен ҳам отряд составига кирардим. Мен нагани ҳарбир колонистга ишониб беролмасдим, тўппонча бўлмаса, отрядимиз кучсиздай туйиларди. Фақат Задоров

www.ziyouz.com kutubxonasi

ба'зан мендан тўппонча сўраб олиб, уни жулдур кийимлари устидан тақиб ғурурланарди.

Катта йўл устида навбатчилик қилиш жуда қизиқарли машғулот эди. Биз анҳор устидаги кўприкдан тортиб то колония дарвозасигача бўлган бир ярим километр масофага жойлашиб олардик. Йигитлар совқотишар ва қор устида дик-дик сакрашар, ўзаро алоқани йўқотмаслик учун бир-бирларини чақиришар, кеч кириб қоронғи тушгач, бевақт келаётган йўловчининг кўзига ажал бўлиб кўринишар эди. Шаҳардан қайтиб келаётган деҳқонлар отларини савалашар ва одим жойда жиноятчилардай турган гавдалар ёнидан чурқ этмай от чоптириб ўтишар эди. Совхозларнинг бошлиқлари ва ҳукумат одамлари шалдирроқ тачанкаларни чоптириб ўтишар ва колонистларга ўзларининг қўшоғиз ва қирқма милтиқларини кўрсатиб ўтишар, пиёда йўловчилар эса худди кўприк ёнига келганда тўхташиб, ҳамроҳлар етиб келишини кутишар эди.

Навбатчиликда колонистлар билан бирга бўлган вақтларимда улар ҳечмаҳал безорилик қилмасдилар ва йўловчиларни қўрқитмасдилар. Аммо мен бўлмасам, шўхлик қилишар экан. Тез фурсатда Задоров тўппонча тақиб юришдан воз кечди ва отрядда менинг албатта бирга бўлишимни талаб қилди. Ҳар сафар отряд навбатчиликка чиққанда мен ҳам чиқиб юрдим, лекин Задоровни ранжитмаслик учун тўппончамни ҳарҳолда унга бериб турдим.

Кичкинтой кўринди дегунча уни:

— Тўхта! Қўлларингни кўтар! — деб қичқиришиб қарши олардик.

Лекин Калина Иванович жилмайиб қўяқолар ва эўр бериб трубкасини тутатар эди. Трубка тутатиш унга то колониягача етарди, чунки бундай пайтда:

— Етти чақиримгача чақмоқтош чақаверіб, тамаки чеккандай бўлмадим, деган машҳур формула қўлланиларди.

Отрядимиз Кичкинтой кетидан секин-аста келаверар ва Калина Ивановичдан озиқ-овқат тўғрисидаги турли-туман янгиликларни сўраб, чағир-чуғур қилишиб колонияга киришарди.

Ўша йили қишда бошқа операцияларни бажаришга ҳам киришдик, бу операциялар фақат колония доирасида эмас, умумдавлат аҳамиятига эга эди. Колонияга ўрмон

www.ziyouz.com kutubxonasi

хўжалиги мудири келиб, биздан ўрмонни кузатиб туришликни илтимос қилди, чунки ўғринчи дарахт кесувчилар кўп бўлиб, қўриқлаш учун одамлари озлик қилар экан.

Давлат ўрмонини қўриқлаш руҳимизни кўтариб юборди, бу иш бизни жуда қизиқтирди, ниҳоят, талайгина қулайликлар келтирди.

Кечаси эди. Тонг отишига озгина қолгану, лекин ҳали тим қоронғи. Дераза тиқ этиши блан уйғонаман. Қарасам — деразанинг қиров бойлаган ойнасидан япасқи бурунли, ҳурпайган сочли бир бош ғира-шира кўринади.

— Нима гап?

— Антон Семёнович, ўрмонда дарахт кесишаяпти!

Жинчироқни ёқиб, апил-тапил кийиндим, тўппонча блан қўшоғиз милтиқни олиб, ташқарига чиқдим. Тунда юз берадиган воқиаларнинг зўр ҳаваскорлари бўлган Бурун блан Шелапутин мени зинапояда кутиб туришган экан. Шелапутин ҳали жуда кичкина, беозор бола эди.

Бурун қўшоғизни қўлимдан олди, биз ўрмон ичига кириб бордик.

— Каерда?

— Қулоқ солиб туринг...

Тўхтадик. Бошда мен ҳечнарса эшитмадим, кейинчалик эса пайқаб бўлмас тунги товушлар ва ўз нафас товушларимиз орасида дарахтга урилаётган болта товушини аранг эшитдим. Илгарилаб бордик, энгашдик, ёш қарағай дарахтларининг шохлари юзларимизни тимдалайди, кўзойнагимни юлиб олади, устимизга қор сочади. Ба'зан болта товушлари тўсатдан тўхтаб қолади, бундай пайтда биз қай томонга юришни билолмай қоламиз ва чидам блан кутиб турамиз. Бирдан болта товушлари яна эшитилабошлади, лекин энди қаттиқроқ ва яқинроқдан эшитилди.

Ўғрини чўчитиб юбормаслик учун, сездирмасдан яқинлашиш керак. Бурун айиқ сингари чаққон қийқанглаб бормоқда, унинг кетидан жимит Шелапутин пилдираб кетмоқда. Энг кейинда мен.

Ахири мўлжалга яқинлашиб, қарағай орқасига яширинидик. Ҳушқад баланд дарахт дир-дир титраб қўяди, унинг тагида — бели боғлиқ бир одам кўринди. У ҳадиксираб, қўрқа-писа бирнеча болта уриб, кейин қалдини ростлайди-да, атрофга қараб-қараб қўйиб, яна болта урали. Орамиз беш қадамча келади. Бурун қўшоғиз милтиқ оғзини юқорн қилган ҳолда ўқ узишга чоғланиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турилти, нафас олмай менга қарайди. Шелапутин ёнимда биқиниб туриб, кифтимга осилганича:

— Мумкинми? Энди мумкинми? — деб шивирлади.

Мен «мумкин» деб бош қимирлатдим. Шелапутин Бурунниинг енгидан тортди.

Ўқ, даҳшатли портлаш сингари, гумбирлаб кетди,— бу овоз ўрмоннинг узоқ-узоқ жойларига тарқалди.

Болтали киши беихтиёр ўтириб қолди. Овоз чиқариш йўқ. Биз унга яқин келдик. Шелапутин ўз вазифасини биларди, у болтани қўлига олди. Бурун бўлса шодлик блан:

— Ҳа-э, Мусий Карпович, хайрли эрта! — деб сўрашиб қолди.

У Мусий Карповичнинг кифтига қоқди, лекин Мусий Карповичнинг жавоб қайтаришга мажоли келмади. У дир-дир титрарди ва негадир эўр бериб чап енгидаги қорни қоқарди.

— От олисдами? — деб сўрадим.

Мусий Карпович ҳамон чурқ этмасди, унинг учун Бурун жавоб берди.

— От ҳов ана!.. Ҳой, ким у? Орқага қайтар!

Шундагина мен қарағайзор дарахтларининг шохлари орасидан отнинг тумшуғи блан дўгасини кўриб қолдим.

Бурун Мусий Карповичнинг қўлтиғига кириб:

— Марҳамат қилинг, Мусий Карпович, тез ёрдам аравасига,— деди.

Ниҳоят, Мусий Карповичга жон кирабошлади. У бошидан телпагини олиб, қўли блан сочини силади-да, ҳеч кимга қарамай, ўзича:

— Э, худойимей!..— деб пичирлаб қўйди.

Чана томонга йўл олдик.

«Рижнати» деб аталадиган чана секин-аста орқага қайтади, биз билинар-билинмас чуқур ва юмшоқ из блан кетиб борамиз. Этик ва каттакон телпак кийган ўн тўрт яшар чамасидаги бола лабини чўпиллатиб отни ҳайдайди ва паришонлик блан от жиловини силтаб боради. Дамбадам бурнини тортади, та'би хира. Биз индамай борамиз.

Ўрмондан чиқиш олдида Бурун тизгинни бола қўлидан олиб:

— Ҳе, оғайни, йўл буёқда,— деди.— Юк бўлганда у томонга юриш керак бўларди, хўжайин борлиги учун бу томонга юриш керак...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Колонияғами? — деб сўради бола, лекин Бурун унга тизгинни бермади, отни ўз йўлимизга бурди.

Тонг ёришабошлаган эди.

Мусий Карпович тўсатдан Буруннинг қўлидан ушлаб отни тўхтатди-да, иккинчи қўли блан бошидан телпагини олиб, ялинди:

— Антон Семёнович, қўйиб юборинг! Биринчи марта... Ўтинаман йўқ... Қўйиб юборинг!

Бурун норозилик блан унинг қўлини силтаб, жиловни бўшатди, лекин отни ҳайдамай, менинг нима дейишимни кутиб турди.

— Э, йўқ, Мусий Карпович,— дедим,— бундай қилиш ярамайди. Протокол тузиш керак: ўзингиз биласизки, бу — давлат иши.

— Ҳеч, биринчи марта эмас,— деди тонгда жаранглаган овоз блан Шелапутин.— Биринчи марта эмас, учинчи марта: бир марта Василингиз тутилди, иккинчи марта бўлса...

Бурун жаранглаган овозни дўриллаган бўғиқ овоз блан кесиб:

— Бу ерда туриб нима ҳам қиламиз? Қани, сен Андрию, югур уйга, ишинг битди. Аянгга бориб, дадам қўлга тушди, дегин. Передачасини тайёрлайверсин.

Андрей қўрққанидан чанадан ағанаб тушиб, қишлоққа югурди... Биз йўлда давом этдик. Колонияга киравершда бизни бир тўда йигитлар кутиб олишди.

— Ўҳў! Биз сизларни унда аллакимлар ўлдириб кетди, деб ўйлаб, йўлга чиқмоқчи эдик.

— Операция эсанкиратарли даражада муваффақиятли ўтди,— деди Бурун кулиб.

Менинг хонамга бир тўда одам йиғилди. Мусий Карпович паришонхотир бир аҳволда рўпарамда ўтиради. Бурун дераза олдида милтиқ ушлаб турипти. Шелапутин тунда бўлиб ўтган даҳшатли воқеани ўртоқларига шивирлаб айтиб бермоқда. Иккита бола менинг кроватимда, қолганлари скамейкаларда ўтиришиб, акт тузилаётганини диққат блан кузатмоқдалар.

Акт кўнгил оздираднган даражада муфассал ёзилди.

— Ерингиз ўн икки десятинами? От учтами?

— От қаёқда дейсиз? — деб гиншийди Мусий Карпович.— Ҳали тойча-ку... атиги икки яшар бўлди...

— Учта, учта,— дейди Бурун ва Мусий Карповичнинг елкасига секингина қоқиб қўяди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен ҳамон ёзаман:

— «... дарахтга болта урилган жойнинг чуқурлиги олти вершок...»

Мусий Карпович қўлларини узатиб:

— Қўйинге, омон бўлгур Антон Семёнович! Қаёқдан олти вершок бўлсин? Тўртта ҳам келмайди-ку,— дейди.

Шелапутин шивирлаб ҳикоя қилишни тўсатдан тўхтатиб, иккала қўли блан ярим метр чамасида қилиб кўрсатади ва Мусий Карповичнинг кўзига тикилиб, сурбетларча кулиб, дейди:

— Мана шундоқ-а? Мана шундоқ-а? Тўғрими?

Мусий Карпович унга қўл силтаб, менинг ручкамни итоаткорона та'қиб этиб боради.

Акт тайёр. Мусий Карпович ранжиган ҳолда хайрлашиш учун менга қўл берди, Бурун болалар ичида энг каттаси бўлгани учун, унга қўл узатди.

— Шу ишингиз чакки, болалар: ҳаммага ҳам тириклик керак.

Бурун унинг ҳузурида туриб оёғини тақиллатиб та'зим қилиб:

— Йўқ, нега энди, доимо ёрдам беришга тайёрмиз...— деди у ва тўсатдан сўради: — Айтгандай, Антон Семёнович, дарахтни нима қиламиз?

Биз ўйланиб қолдик. Дарҳақиқат, дарахтнинг йиқилишига сал қолган, эртага уни барибир йиқитиб, ўғирлаб кетишади. Бурун бизнинг бир фикрга келишимизни кутмай, эшик томонга юрди. У кетатуриб, бениҳоят қайғуга ботган Мусий Карповичга гап отди:

— Отни олиб бориб берамиз, ховотир олманг. Болалар, ким мен блан бирга боради? Ҳа мана, олти киши етади. Уёқда арқон борми, Мусий Карпович?

— Чанага боғлаб қўйилган.

Ҳамма тарқалди. Бир соатдан сўнг колонияга узун қарағайни келтирдилар. Бу—колонияга мукофот. Бундан ташқари, эски урф-одат бўйича, болта ҳам колония фойдасига қолди. Орадан аллақанча вақтлар ўтиб кетди, лекин ўзаро хўжалик ҳисоби вақтида колонистлар узоқ муддатларгача бундай деб юришди:

— Болта учта эди. Мен сенга учта болта берган эдим. Иккитаси бор, учинчиси қани?

— Қанақа «учинчиси»?

— Қанақа дейсанми? Мусий Карповичдан олинган болта-чи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Болаларга ахлоқ-одоб ўргатишдан, дўқ-пўписалар қилишдан кўра ана шу ажойиб ва чиакам амалий кураш яхши коллектив муносабатнинг дастлабки куртакларини берди. Кечқурунлари биз тортишардик ҳам, ҳангамалашардик ҳам, кўрган-кечирганларимизни лоф-қофи блан ҳикоя қилишардик ҳам, чаққонлик талаб қиладиган айрим ҳолларда тотувлашардик, шундай қилиб ҳамжиҳат коллектив бўлардикки, унинг номи Горький колонияси эди.

6. Темир бакнинг қўлга киритилиши

Шу орада колониямиз ўз моддий бойлигини аста-секин ривожлатабошлади. Ниҳоят даражада камбағаллик, биттлиқилик за совуқ урган оёқлар энг яхши келгусини орзу қилишга тўсқин бўлолмади. Ўттиз яшар Кичкинтойимиз ва эски сеялка блан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш гарчи анча оғир бўлса ҳам, бизнинг орзумиз фақат қишлоқ хўжалигини ривожлатиш эди. Бироқ бу фақат орзугина эди. Кичкинтойдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш маҳол, унинг омоч тортаётганини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, колонияда фақат колонистларгина эмас, Кичкинтой ҳам очликда кун кечирар эди. Унга кўп машаққатлар блан похол, ба'зан пичан топиб берардик. Деярли бутун қиш бўйи оғиримизни енгил қилиш ўрнига у бизни қийнаб юборди. Қамчини ҳавода айлантириб пўписа қилаверишдан Калина Ивановичнинг ўнг қўли доимо оғрир, башарти бундай қилмаса, Кичкинтой тақка тўхтаб оларди.

Ниҳоят, қишлоқ хўжалиги учун колониямизнинг ери ҳам яроқсиз эди. Еримиз фақат учирма қумдан иборат бўлиб, салгина шамол туриши блан қум тепалари ҳосил бўларди.

Тасвир этилган шароитда таваккалига иш кўрганлигимизга ва шунга қарамай, қандай қилиб ишимиз ўнгидан келганлигига ҳали ҳам яхши тушинаолмайман.

Иш қизиқ бир воқиадан бошланди.

Тўсатдан бизга бахт кулиб боқди: дуб ўтинга ордер олдик. Ўтинни тўппа-тўғри дарахт кесилган жойдан келтириш керак эди. Бу жой қишлоқ советимиз доирасидаги ерда бўлса ҳам, у томонга шу чоққача бирон марта ҳам бормаган эдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз қишлоқдаги иккита қўшнимиз блан гапни бир жойга қўйиб, уларнинг отларида нотаниш томонга жўнаб кетдик. Аравакашлар дарахт кесилган жойда айланишиб юриб, йўғон дуб ғўлаларини орттанда йўлда чанадан «тушиб кетадими ёки тушиб кетмайдими» деб баҳслашиб турган пайтларида, Калина Иванович блан иккимизнинг диққатимизни бети музлаган анҳор ёқасидаги қамишлар орасидан чиқиб турган бир қатор тераклар жалб этди.

Муз устидан юриб ўтдик ва аллақандай хиёбончадан тепаликка чиқиб ўзимизни вайроналар рўпарасида кўрдик. Унга яқин катта ва кичик уйлар, сарой ва якка хоналар, ёрдамчи бино ва бошқа хил иншоотлар вайрон бўлиб ётар эди. Бу ҳамма иморатлар бир тусда вайрон бўлиб, печьлар ўрнида бир тўда ғишт ва лойни юпқа қор қавати қоплаган, уйларнинг поллари, эшик-деразалари, зиналояларн қолмаган. Кўпгина пардеворлар ва шиплар ҳам кўчириб олинган, талай жойдаги ғишт девор ва пойдеворлар аллақачон ташиб кетилган. Бутун бошли катта отхонадан узунасига қурилган иккитагина девор қолган бўлиб, улар устида гўё ҳозиргина бўялиб қўйилгандай ажойиб темир бак ғалати бир тарзда осилиб турарди. Шунча нарса орасида ёлғиз шу бакнинг ўзи тирикка ўхшаб туйилар, қолган ҳамма бошқа нарсалар мурдага ўхшарди.

Лекин мурда бой эди: бир чеккада чиройли қилиб солинган, ҳали пардозланмаган икки қаватли янги бино гердайиб турарди. Унинг баланд ва кенг хоналарида кунгирадор қилиб ишланган чий лампалар ва мармар токчалар сақланган. Ҳовлининг нариги бурчида ичи кавак бетондан ясалган янгигина отхона бор. Ҳатто вайрона бинолар ҳам яқиндан келиб қаралганда ўзларининг му'жазлиги, шинам ва пухталиги, стропиль ёғочларнинг келишганлиги, тик чизиқларнинг аниқлиги блан кишини ҳайрон қолдирарди. Бақувват хўжалик органиэми қарилик ва касалликлардан ўлмаган: у бақувват ва солпа-соғ чоғида зўр блан ҳалок этдирилган.

Калина Иванович ана шу барча бойликка қараб, ҳай аттанг, деб ачинарди, холос.

— Буни қара-я, бу жойни қара-я: анҳор дейсанми, боғ дейсанми, кўкаламзору майсазор дейсанми, ҳаммаси муҳайё!..

Анҳор бу мулкни уч томондан ўраб олган бўлиб, биз

www.ziyouz.com kutubxonasi

турган текисликдаги баландгина тепани айланиб ўтарди. Боғ эшапоя тарзидаги учта пайкалдан иборат бўлиб, аиқор томонга пасайиб борган. Юқори пайкалда — олича, ўртадагисида — олма блан нок, қуйи пайкалда эса қора қарағайзор эди.

Иккинчи ҳовлида беш қаватли каттакон тегирмон ишламоқда. Тегирмон ишчиларидан бу мулкнинг ака-ука Трепкеларга қарашли эканини билдик. Трепкелар уйларини ва улардаги лиқ тўла мол-дун'ёларини ташлаб, Деникин армиясига эргашиб кетишган экан. Бу мол-дун'ёлар аллақачон Гончаровка деган қўшни қишлоққа ташиб кетилган бўлиб, эндиликда уйлар ҳам ўша ёққа кўчирилмоқда экан.

Калина Иванович узундан ўзоқ сайраб кетди:

— Бефаҳм ёввойилар, аблаҳлар, нодонлар! Шунча бойлигинг: саройларинг, отхоналаринг бор экану, маза қилиб ётмайсанми шу ерда, итвачча! Хўжаликни гуриллатиб, кофе ичиб ёт, сен аблаҳ эса ана бунақанги рамни болта блан паққа-паққа уриб синдирасан. Нимага дегин! Чунки сенга атала-умоч пиширииш керак, бундан бошқа ўтин қуриб қоптими... Атала тиқилиб ўлгур, аҳмоқ, нодон! Шу фе'лида кетгани-кетган, биласанми, унга ҳеч қандай революция кор қилмайди... Ҳа, ифлослар, ҳа муттаҳамлар, жоҳил ла'натилар!.. Нима ҳам деб бўлади?.. Айтинг-чи, садағанг кетай ўртоқ,— деди Калина Иванович тегирмончилардан бирига,— анави бакчани олиш учун ким блан гаплашиш керак? Ҳов, анави, отхона устида ярқираб турганчи, ана ўшани. У бу ерда барибир йўқолиб кетади.

— Анави бакчами? Ким билади дейсиз! Бу ер қишлоқ советининг ихтиёрида...

— Шундоқми? Ҳа, ундай бўлса яхши,— деди Калина Иванович, шу блан биз уйга жўнадик.

Қайтишда, илк баҳор мавсумидаги яхмалак йўлда қўшниларимизнинг ченаси орқасидан келатуриб, Калина Иванович хаёл суриб кетди: анави бакни олиб келиб, колониядаги кирхонанинг чердагига ўрнатсак, кирхонани ҳаммомга айлантирсак, кўп ажойиб иш бўларди-да, деди у.

Эрга блан яна ўша дарахт кесадиган жойга кетай деб турганимизда, Калина Иванович менинг кийимимдаги тугмани ушлаб туриб, деди:

— Азизим, ҳалиги қишлоқ советларига қоғоз ёзиб бер. Итга ён чўнтак қанчалик керак бўлса, уларга бак

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам шунчалик керак. Баҳона блан биз ҳаммомлик бўлиб қолайлик...

Калина Ивановични хурсанд қилиш учун қоғоз ёзиб бердим. Кечқурун Калина Иванович ғазабланиб қайтди:

— Ҳа, паразитлар! Улар масалага прахтика томонидан эмас, фақат теорехтика томонидан қарайдилар. Ҳалиги, бекор тураверсин эмиш, ана шунақа дейдилар, давлат мулки эмиш! Сен шунақа нодонларни кўрганмисан? Ёзиб бер, мен волость ижрокомига бораман.

— Қаёққа борасан? Ахир йўл йигирма чақирим келади. Нимада борасан?

— Шу ерда бир одам бормоқчи, мен ўша блан бирга бораман.

Калина Ивановичнинг ҳаммом қуриш ҳақидаги проекти ҳамма колонистларга жуда ёқиб тушди, лекин бакнинг қўлга киритилишига ҳечким ишонмас эди.

— Келинг-қўйинг, шу баксиз ҳам бир илож қилармиз. Тахтадан ясаса ҳам бўлаверади.

— Э, сен ҳечнарсани билмайсан! Одамлар бирор нимага фаҳми етгандан темир бак ясашган-да. У бакни мен ўша паразитлардан боплаб тортиб олай...

— Уни нима блан олиб келасиз? Кичкинтой бланми?

— Олиб келамиз! Тоғора бўлса бас, чўчқа топилади, деганлар.

Калина Иванович волость ижроия комитетидан яна ҳам аччиғланиб қайтди, сўкиниш ибораларидан бўлак ҳамма нарсани унутиб қўйипти.

Бир ҳафтагача ёнимда гирди-капалак бўлиб ялиниб-ёлвориб юрди, колонистлар унга сари хахолашиб кулишарди.

— Уезд ижрокомига қоғоз ёзиб бер,— деди у.

— Қўй энди, Калина Иванович, сенинг ўша бакингдан ҳам кўра муҳимроқ ишлар қалашиб ётипти,— дедим.

— Ёзиб берақолсанг нима қилармиш, сенга ҳечнарса эмас-ку, ахир? Қоғозни аяйсанми? Ёзиб бер,— мен бакни келтирай, сен тамоша қилгин.

Калина Ивановичга бу қоғозни ҳам ёзиб бердим. Калина Иванович унш чўнтагига солатуриб, ниҳоят, жилмайди:

— Бундай аҳмақона қонун бўлиши мумкин эмас: буюм нест-нобуд бўлиб кетаверсину, ҳечким индамасин. Чоризм даври ўтиб кетган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уезд ижрокомидан Калина Иванович кечқурун алламаҳалда қайтиб келди ва ҳатто менинг ҳузуримга ҳам, ётоқхонага ҳам кирмади. Хонамга фақат эрта блан кирди. Унинг мизроби паст, аҳволи паришон кўринар, деразадан узоқ-узоқларга тикилиб туриб:

— Ҳечнима чиқмади,— деди бўшашиб, қоғозни менга узатгани ҳолда.

Бизнинг батафсил ёзган хатимиз устига кўндалангига қизил сиёҳ блан қисқача, кескин ва сўз қайтариб бўлмайдиган қилиб «Рад этилсин» деб ёзилган эди.

Калина Иванович узоқ вақттача қаттиқ хафаланиб юрди. Унинг кексаларга хос ёқимли хатти-ҳаракатлари икки ҳафтача қаёққадир ғойиб бўлди.

Март ойининг якшанбаларидан бири, қаттиқ эругарчилик бошланган эди. Мен болалардан ба'зиларига атрофга чиқиб ўйнаб келишни таклиф этдим. Улар иссиқ кийимларини олишди, шу блан Трепкелар мулкига жўнадик.

— Колониямизни шу жойга кўчириб келсак бўлмасмикин? — дедим ўйланиб туриб.

— «Шу жойга» деганингиз қаер?

— Мана шу уйларга.

— Қандай қилиб? Бу жойда яшаб бўлмайди-ку...

— Ремонт қилиб оламиз.

Задоров хахолаб кулиб, ҳовлини айланакетди:

— Ҳали учта уйимиз ремонт қилингани йўқ. Бутун қиш бўйи тайёргарлик кўролмадигу.

— Ҳа, дуруст, бордию, ҳарҳолда ремонт қилинса-чи?

— Оҳҳо, унда бу ер ажойиб колония бўларди я! Анҳори бор, боғи бор, тегирмони бор.

Биз харобалар орасида юриб, ўзимизча: бу ер ётоқхона, бу ер ошхона, бунда ажойиб клуб бўлади, мана бу жой синфлар бўлади, деб режа қурдик.

Ўзимиз роса чарчаган бўлсак ҳам, уйга ғайрат блан қайтдик. Бўлажак колониянинг тафсилотини ётоқхонада зўр иштиёқ блан муҳокама қилдик. Энди тарқаламиз деб турганимизда Екатерина Григорьевна:

— Биласизми, йигитлар,— деди,— бундай бўлмагур хаёллар блан шуғулланиш яхши эмас. Большевикчасига иш кўриш бунақа бўлмайди.

Ётоқхонадагилар ўнгайсизланиб жим бўлишди.

Мен Екатерина Григорьевнанинг башарасига қаттиқ ғазаб блан бир ўқрайдим-да, столга бир мушт уриб, дедим:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен сизга айтсам, бир ойдан кейин бу мулк бизники бўлади! Большевикчасига деб шуни айтиладими, ахир?

Йигитлар бирданига хахолаб кулиб юборишди ва «ура» деб қичқиришди. Мен ҳам кулиб юбордим, Екатерина Григорьевна ҳам кулди.

Губерна ижрокоми раисига ма'лумот ёзиш учун тун бўйи ўтириб чиқдим.

Бир ҳафтадан кейин мени губерна халқ маорифи бўлими мудири чақиртирди.

— Яхши ўйлабсизлар, бориб кўрамиз.

Яна бир ҳафтадан сўнг проектимиз губерна ижрокомида муҳокама қилинди. Ма'лум бўлдики, ўша мулкнинг тақдири ҳукумат катталарини аллақачондан бери безовта қилиб келар экан. Мен пайтини топиб яхши коллективга эга бўлган колониянинг камбағаллиги, истиқболсизлиги, хароблигини бирма-бир айтиб бердим.

Губерна ижрокомининг раиси:

— У ерга хўжайин керак, бу ерда эса хўжайинлар бекор юришипти. Олаверишсин,— деди.

Мана қўлимда илгари вақтда Трепкеларники бўлган мулкнинг ордери турипти, бу мулкда олтмиш десятина экин ери бор, ордерга мулкни тиклаш учун тузилган ва тасдиқланган смета тиркалган. Мен ётоқхона ўртасида турибман, тушим эмас, ўнгим эканлигига базўр ишонаман, атрофимни бўлса ҳаяжонланган колонистлар оломони ўраб олган, ҳамма хурсандликдан қийқиради, қўлларини чўзишади.

— Қани, биз ҳам бир кўрайлик!

Екатерина Григорьевна кириб келади. Ҳаммалари зўр ғурур блан унга ёпирилишади, Шелапутин бўлса жаранглаган овози блан:

— Бу большевикчасигами, қанақасига ўзи? Мана энди айтинг?— дейди.

— Нима гап ўзи, нима бўлди?

— Бу большевикчасига эканми? Қаранг, қараб қўйинг!..

Ҳаммадан кўра Калина Иванович кўпроқ шодланди:

— Қойилман, балли сенга, талаб қилсангиз муродингизга етасиз, деган попларнинг гапи тўғри экан-да,— деди.

— Таёқними?— деди Задоров.

— Таёғи нимаси?— деди унга Калина Иванович қайрилиб қараб.— Мана-ку ордер.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз у, бакни талаб қилганингизда биқинингизга туширив жўнатишган эди. Бу — давлат учун керакли нарса, биз ўзимизга сўраб олаётганимиз йўқ...

— Оятнинг ма'нисига тушунишга сен ҳали ёшлик қиласан,— деб ҳазиллашди Калина Иванович, чунки ўша топда аччиғланишга ўрин йўқ эди.

Биринчи якшанба куниёқ у, мен ва бир тўда колонистлар янги жойимизни кўргани бордик. Унинг трубкасидан чиққан тутун Трепкелардан қолган вайронанинг ҳарбир ғиштини дудларди. У бак ёнидан гердайиб ўтди.

— Бакни қачон олиб кетамиз, Калина Иванович?— деб сўради Бурун жиддият блан.

— Бу паразитни олиб кетишнинг нима кераги бор? У шу ерда ҳам ишга ярайверади. Отхона жуда яхши қурилганини ўзинг тушунасан-ку.

7. „Бақироқ туянинг бори яхши"

Ака-ука Трепкелар меросини қўлга киритдик, деб хурсанд бўлганимиз блан тез орада уни ишга сололмадик. Пул ва материаллар берилиши турли сабаблар блан кечикаверди. Энг катта тўсқинлик Коломак деган кичик, лекин шўх дар'ё эди. Колониямизни Трепкелар мулкидан ажратиб турган бу дар'ё апрельда секин-аста кўтарилиб, тошиб кетди, кейинчалик аслига қайтиб, яна табиий офат қолдирди, у эса ёмон ботқоқ эдики, ундан пиёда ҳам, отлиқ ҳам ўтиб бўлмасди.

Шунинг учун «Трепке» (у пайтларда бизникилар янги жойни шундай деб атардилар) узоқ муддатгача вайрона ҳолида қолиб келди. Колонистлар ўша вақтда баҳорги кечинмаларга берилиб кетдилар. Ҳар куни эрта блан нонуштадан кейин, улар ишга қўнғироқ чалинишини кутиб, омбор яқинида тизилишиб, қоринларини офтобга товлаб ўтиришар, жулдур кийимларини бутун ҳовли саҳнига пала-партиш ташлаб қўйишар эди. Қиш фаслида ётоқхоналаримизда совуқдан гезарганликнинг ҳиссасини чиқариш учун улар офтобда бирнеча соатлаб индамай ўтирардилар.

Ишга чалинган қўнғироқ уларни ўринларидан туришга ва иш жойларига истар-истамас судралиб боришга мажбур қиларди, лекин улар иш вақтида ҳам биқинларини офтобга бир-икки марта товлаб олишга ҳархил баҳона ва имконият топардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Апрель бошида Васька Полешчук қочиб кетди. У айтарли яхши колонистлардан эмасди. Мен декабрьда халқ маорифи бўлимида шундай бир манзарага дуч келдим: столчалардан бири ёнида бир тўда одам исқирт ва чувринди бир болани қуршаб олган. Дефективлар[1] секцияси уни руҳий касал деб топиб, аллақандай махсус шифохонага жўнатмоқчи бўлипти. Чувринди бола қаршилик кўрсатиб, йиғлаб, дод-вой солди ва ўзининг мутлақо жинни эмаслигини, уни шаҳарга алдаб келтирганликларини айтиб зорланди, асли уни Краснодарга олиб бориб, мактабга беришмоқчи экан.

— Нега бақирасан?— деб сўрадим.

— Ўзларини кўрмайсанми, мени жинни дейишаяпти...

— Эшитдим. Шовқинингни бас қил, юр мен блан!

— Нимада кетамиз?

— Уз оёғимиз блан. Қани, бўл!

— Ийи, қизиқ бўлди-ку!

Чувриндининг афт-башараси ҳақиқатан интеллигент оиласидан эмаслигини кўрсатиб турарди. Лекин унинг ғоят сергайрат бола эканлиги очиқ билиниб турарди, шунинг учун мен ундан ёмонлик чиқади деб ўйламай: «бақироқ туянинг бори яхши» дедим-да, уни олиб келавердим.

Дефективлар секциясидагилар бу боладан қутулишганига севиндшди. Шу блан иккаламиз колонияга томон дадил қадам ташлайбошладик. Йўлда у ота-онасининг ўлганини ва боқимсиз, абгор бўлиб қолганини, оти Васька Полешчук эканини сўзлаб берди. Ўзининг айтишига қараганда Перекопни олишда қатнашиб, ярадор бўлган экан.

Колонияга келган кунининг эртасигаёқ индамас бўлиб олди, уни тарбиячилар ҳам, болалар ҳам — ҳечким гапга сололмади. Олимларнинг Полешчукни жинни деб топишларига ана шу сингари ҳодисалар сабаб бўлган бўлса керак.

Унинг индамаслиги болаларни қизиқтирди ва улар Полешчукка нисбатан алоҳида методлар қўллаш учун мендан ижозат сўрадилар: уни албатта қўрқитиш керак, шунда у тўсатдан гапириб юборади, дедилар. Мен буни қат'иян ман' этдим. Умуман бу индамасни колонияга бошлаб келганимга пушаймон қилдим.

---

[1] Жисмоний ёки психик жиҳатдан заиф бўлганлар. *Тарж.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўсатдан Полещчук тилга кирди, ҳечқандай сабабсиз бирданига гапириб юборди. Баҳорги ажойиб илиқ-иссиқ кун, қуриётган ер ва офтобнинг ёқимли ҳиди ҳамаёқни тутган. Полещчук қаттиқ товуш блан, ҳайқириб сўзлади ва сўзлаб туриб, сакраб-сакраб кулди. У муттасил бирнеча кунгача ёнимдан нари кетмай, Қизил Армиядаги ҳаётнинг гўзаллигини ва Зубат деган командирини гапириб берди.

— Хўп одам эди-да! Кўзлари бирам кўмкўк, бирам ўткир эдики, бир тикилса борми, юрагинг орқангга тортиб кетарди. У Перекопга бориб қолгудай бўлса, бизникилар тозаям қўрқишарди-да.

— Хўш, сен ҳали ҳам Зубатни гапираётирсанми?— деб сўрашди болалар.— Адресини биласанми?

— Қанақа адрес?

— Унга хат ёзадиган жойнинг адресини биласанми?

— Йўқ, билмайман. Унга ёзишнинг нима кераги бор? Мен Николаев шаҳрига бораман, уни ўша ерда топиб оламан...

— У сени ҳайлаб юборар...

— У мени ҳайдамайди. Мени ҳайдаб юборган одам бошқа. Аҳмоқ бола блан адий-бадий этишиб ўтиришнинг кераги йўқ дейди у. Мен аҳмоқманми?

Полещчук ҳаммага Зубат ҳақида, унинг ҳусни, қўрқмаслиги ва ҳечқачон ёмон сўзлар блан ҳақорат қилмаганлигини куни бўйи сўзлади.

— Қочмоқчимисан?— деб дангал сўрашди болалар. Полещчук менга қараб-қараб қўйдию, кейин хаёл суриб кетди. Узоқ фурсат хаёл суриб қолди, сўнгра болалар уни қўйиб, бошқа гапга ўтганларида у савол берган боладан:

— Антон аччиғланадими?— деб сўрапти.

— Нима учун?

— Мабодо мен қочиб кетсам?

— Ҳа, аччиғланмайди деб ўйлайсанми? Оворагарчиликка арзисанг ҳам гўрга экан...

Васька яна хаёлга чўмади.

Бир куни нонуштадан кейин Шелапутин олдимга югуриб келди.

— Колонияда Васька йўқ... Нонушта ҳам қилмасдан қочипти. Зубатникига кетипти.

Ҳовлида болалар мени қуршаб олишди. Улар Васьканинг ғойиб бўлғанлиги менга қандай та'сир қилишини билишга қизиқардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Полешчук энди бадар кетди деявер...
— Баҳорнинг ҳиди келиб қолди-да...
— Қримга кетгандир...
— Қримга эмас, Николаевга...
— Агар вокзалга борилса, тутиб олса бўлади...

Колонист Васька гарчи унча яхши бола бўлмаса ҳам, унинг қочганлиги менга жуда ёмон та'сир қилди. Унинг камтаргина турмушимизни хоҳламай, яхшироқ жойни излашга кетганлиги менга қаттиқ алам қилди. Шу билан бирга, бизнинг колониядаги камбағал турмушимиз ҳеч-кимни ҳам тутиб туролмаслигини билардим.

— Ҳа, садқаи сар!— дедим болаларга.— Кетса кетаверсин. Ундан кўра муҳимроқ ишлар турипти.

Апрельда Калина Иванович ер ҳайдашга киришди. Бу нарса бутун тасодифий равишда бизнинг гарданимизга тушди. Кичик ёшдаги жиноятчилар иши билан шуғулланучи комиссия от ўғирлаган бир болани тутиб олипти. Жиноятчини аллақаёққа жўнатишипти-ю, от эгасини топишолмапти. Комиссия бир ҳафтагача қаттиқ қийналипти: отни сақлаб туриш комиссияга жуда ноқулай бўлипти. Калина Иванович комиссия ҳузурига бориб, тош терилган ҳовли ўртасида турган боёқиш отнинг оғир аҳволда қолганини кўрипти-ю, чурқ этмай, жиловидан тутганича колонияга етаклаб келаверипти. Унинг кетидан комиссия а'золарининг ҳам енгил тортиб эркин нафас олганлари эшитилипти.

Колонияда Калина Ивановични йигитлар таажжубланиб ва шодликдан қийқириб қарши олишди. Гуд от жиловини ўзининг қалтироқ қўлларига олиши билан Калина Ивановичдан бундай сўзларни эшитди:

— Ҳой, менга қара! Ўзаро бир-бирларинг билан муомала қилгандек бу билан ўйнаша кўрма. Бу — жонивор, сўзлашга тили йўқ, ҳечнима деялмайди. Ўзларинг билмасизларки, у арз-додини айтолмайди. Лекин башарти сен уни хафа қилсанг, у ҳам туёғи билан каллангга тушириб қолса, Антон Семёнович олдига арзга бориб юрма. Хоҳ йиғла, хоҳ йиғлама, барибир қўлимга тушасан. Ана унда калланги оламан.

Биз бу шод-хуррам тўдани қуршаб олган эдик. Гуднинг калласига таҳдид қилган бу даҳшатли хавфларга бирортамиз ҳам норозилик билдирмадик. Калина Ивано-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вич шундай даҳшатли сўзларни айтатуриб, завқланар ва кулар эди. Бу саман от қари эмас, семизгина эди.

Калина Иванович бирнеча кунгача болалар блан саройда иш қилди. Болғалар, отверткалар, темир-терсаклар ёрдами блан, ниҳоят кўпгина панд-насиҳатлар ёрдами блан эски колониянинг қақир-қуқурларидан плуг сингари бир асбоб ясашга муваффақ бўлди.

Мана мақташга арзийдиган бир манзара: Задоров блан Бурун ер ҳайдамоқда. Калина Иванович улар ёнида кетатуриб, бундай дейди:

— Ҳа, паразитлар, ер ҳайдашни ҳам билишмайди-я: мана бу ер чала қолипти, мана чаласи, мана чаласи...

Болалар ҳазиллашиб, жўрттага унинг қитиғига тегадилар:

— Қани энди ўзингиз кўрсатиб берсангиз, Калина Иванович. Ўзингиз балки бир умр ер ҳайдамагандирсиз.

Калина Иванович оғзидан трубкасини оларкан, хўмрайиб туриб, дейди:

— Ким, мен ер ҳайдамабманми? Албатта менинг ҳайдашим шартми? Тушуниш керак. Мана сен аллақанча жойни чала ташлаб кетдинг, буни мен тушунаман, сен бўлсанг тушунмайсан.

Ён томонда эса Гуд блан Братченко юрарди. Гуд ер ҳайдаётганлар саманни қийнамасин деб зимдан тергаб борар, Братченко эса отга завқ блан қараб турар эди. У, Гудга ўз ихтиёри блан отхонада ёрдамчи бўлиб қолди.

Катта ёшли болалардан бирнечтаси саройдаги эски сеялка ёнида ўралишиб юрди. Софрон Голованъ уларга қараб бақириб-чақириб қўяр ва темирчилик-слесарьлик соҳасидаги билимдонлиги блан уларни ҳайратга солар эди.

Софрон Голованъ анчагина кўзга ташланиб турадиган фазилатларга эга бўлиб, булар уни бошқалардан ажратиб турарди. У ғоят баланд бўйли, ажойиб, қувноқ, ҳамиша ширакайф, лекин ҳечқачон маст бўлмайдиган, ҳамма нарса тўғрисида ўз фикрига ва ҳамиша ҳайрон қоларлик даражада бема'ни фикрга эга эди. Голованъ кулак блан темирчининг ажиб бир тарзда бириккан сиймоси эди: унинг икки уйи, уч оти, икки сигири ва темирчилик ишхонаси бор эди. Ўзининг кулак бўлишига қарамасдан, ҳарҳолда яхши темирчи эди ва қўллари бошидан кўра билимдонроқ эди. Софроннинг темирчилик ишхонаси Харьков йўлининг қоқ устида, карвонса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рой ёнида эди. Голованьлар хонадонининг бойиш сири ҳам ишхонанинг ана шу қулай жойга ўрнашганлигида эди.

Софрон колонияга Калина Ивановичнинг таклифи блан келди. Саройларимизда анча-мунча темирчилик асбоб-ускунаси топилди. Темирчилик ишхонасининг ўзи путурдан кетиб қолган бўлса ҳам Софрон бу ерга ўзининг сандон блан дамини келтиришни, ба'зибир асбоб-ускуна қўшиб, инструктор бўлиб ишлашни таклиф этди. У ҳатто ишхона биносини ҳам ўз ҳисобидан тузатишга киришди. Голованьнинг бизга бунчалик ёрдам қилишга бел боғлаганлиги мени таажжубга солди.

Менинг бу таажжубланишимни «кечки ахборот»да Калина Иванович равшан тушунтириб берди.

Калина Иванович, трубкасини тутатиш учун, лампанинг шишаси ичига бир бўлак қоғозни суқатуриб, деди:

— Мана бу паразит Софроннинг бизга ишга келиши бежиз эмас. Биласанми, уни деҳқонлар исканжага олипти, темирчилик ишхонасини тортиб олишларидан қўрқади, бу ерда бўлса, биласанми, гўё совет хизматида бўлиб ҳисобланади.

— Уни нима қилсак экан?— деб сўрадим Калина Ивановичдан.

— Нима қилардик? Бу ерга ким ҳам келади дейсан. Дамни, асбоб-ускунани қайдан оламиз? Квартирамиз ҳам йўқ, бирорта кулба бўлгани блан, барибир дурадгорларни чақириш керак. Биласанми,— кўзини қисди Калина Иванович.— бизга нима: така бўлсин — сути бўлсин, деганлар. Кулак бўлса нима бўпти?.. Барибир бошқалар қатори ишлайди.

Калина Иванович хаёл сурган ҳолда хонамнинг пастгина шипига тутун чиқазиб ўтириб, тўсатдан жилмайди:

— Анави қурғур деҳқонлар барибир унинг ишхонасини тортиб оладилар, бундан нима фойда? Барибир уни ишлатмай ташлаб қўядилар. Ундан кўра ишхона бизда бўлгани яхши, Софроннинг бўлса барибир иши қўлдан кетди деявер. Бироз сабр қиламиз-да, кейин кўзини ўрнига тушириб қўямиз: муассасамиз совет муассасаси, у ивачча эса текинхўрлик блан кун кўриб келди, одам қонини сўрди, хе-хе-хе!..

Бино ремонтига атаб чиқарилган пулнинг бир қисмини олдик, броқ бу пул жуда оз эди, шу сабабли биздан бениҳоят эпчиллик талаб қилинарди. Ҳамма нарсани ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлимиз блан қилишимиз керак эди. Бунинг учун темирчилик ва дурадгорлик ишхонаси керак эди, дастгоҳлар ўзимизда бор бўлиб, уларда унча-мунча иш қилиш мумкин эди, асбоб-ускуна ҳам олиб қўйган эдик. Тез орада колонияга дурадгор инструктор ҳам келди. Унинг етакчилигида болалар шаҳардан келтирилган тахталарни арралаш ва янги колония учун эшик-деразалар тайёрлашга қаттиқ киришдилар. Бахтга қарши, дурадгорларимизнинг билим ва ҳунар даражалари шу қадар паст эдики, келгуси ҳаёт учун эшик-деразалар ясаш дастлабки вақтда жуда қийин бўлди. Совет давлатида тикланиш даврининг тезроқ тамом бўлишига Софрон унча жон куйдирмас эди. Унинг инструкторликдан оладиган моянаси ҳечнарсага арзимасди.

Софрон мояна олган куни пулини ҳаммага кўз-кўз қилиб, болалардан бирини арақчи хотинга юборатуриб:

— Уч бутилка самогон! — деб буйруқ қилар экан.

Мен буни кейинроқ билиб қолдим. Умуман ўша вақтларда скоба, навес, петля, тамба каби буюмлар блан алақсиб кетибман.

Ҳаммамиз ишга чинакам берилдик, иш авж олиб кетди, болалар орасидан дурадгорлар, темирчилар етишиб чиқди, ҳам'ёнимизга унча-мунча чақа тушадиган бўлиб қолди.

Темирчилик ишхонаси туфайли бўлган жонланиш бизни жуда хурсанд қилди. Колонияда соат саккизда ишхонадаги сандоннинг хушчақчақ товуши эшитилар, темирчилик дўконида доимо хаха-тарала, унинг кенг очилган дарвозаси ёнида дамбадам иккита-учта қишлоқ одами турар, улар ўз хўжаликлари ҳақида, озиқ-овқат развёрсткаси тўғрисида, камбағаллар комитетининг раиси Верхола тўғрисида, ем-хашак ва сеялка тўғрисида гаплашардилар. Қишлоқдагиларнинг отларини тақалардик, аравалариға темир қоқиб, плугларини ремонт қилиб берардик. Камбағал-бечорахол деҳқонлардан ярим ҳақ олардик, бу ҳол социал адолат ва социал адолатсизлик тўғрисида узлуксиз мунозаранинг бошланишига сабаб бўлди.

Софрон бизга икки ғилдиракли арава ясаб бермоқчи бўлди. Колониянинг ҳархил чиқинди буюмлар блан лиқ тўлган саройидан аллақандай арава шотиси топилди. Калина Иванович шаҳардан бир жуфт арава ўқи келтирди. Темирчилик дўконида икки кунгача босқон ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

болғалар ёрдамида ўқларни аранг эпақага келтиришди. Ниҳоят Софрон арава шотиси тайёр эканлигини, лекин рессорлар блан ғилдираклар кераклигини айтди. Бизда рессор ҳам, ғилдирак ҳам йўқ эди. Мен шаҳарни кезакеза эски рессорлар топиб келдим. Калина Иванович бўлса мамлакат ичкарисига узоқ муддатли саёҳатга жўнаб кетди. У бир ҳафтагача йўқ бўлиб кетиб, икки жуфт яп-янги тегарчак блан бирнеча юз турли-туман таассуротлар келтирди. Бу таассуротлар орасидаги энг каттаси:

— Қишлоқилар ўлгудай маданиятсиз халқ бўлар экан!— деган гап эди.

Софрон хутордан Козирьни бошлаб келди. Козирь қирқ ёшда бўлиб, жуда художўй экан. Ўзи жуда ювош, сертавози' ва доимо кулимсираб турарди. У яқинда жиннихонадан чиққан бўлиб, ўз хотинининг отини атаганда безгак тутгандай қалтираб кетарди. Губернадаги психиаторларнинг Козирьга нотўғри диагноз қўйишларига ҳам ўз хотини сабаб бўлган экан. Козирь ғилдираксоз уста эди. Бизга тўртта ғилдирак ясаб берасан деганимизда, жуда севиниб кетди. Оилавий турмушининг хусусиятлари ва ўзининг ажойиб ғайрати уни қуйидаги таклифни киритишга мажбур этган. У бундай деди:

— Биласизми, ўртоқлар, балли, раҳмат, мендай кексани чақирибсизлар, биласизми, сизга нима демоқчиман? Мен шу жойингизда истиқомат ҳам қилсам дейман.

— Ахир бизда жой йўқ-ку.

— Ҳечқиси йўқ, майли, қўяверинг, ўзим топаман, худо ёр бўлади. Шукур, мана ёз ҳам келиб қолди, қиш киргунча бир илож қилармиз ахир, ҳов анави саройчага жойлашиб оламан, менга жуда мос келади-да...

— Хўп, жойлашиб олақолинг.

Козирь чўқиниб олди ва тезда ишга кўчди:

— Тегарчакни топамиз. Калина Иванович билмаган эканлар, мен ҳаммасини биламан. Ўзлари келтириб беришади, қишлоқиларнинг ўзлари келтиришади, мана кўрасиз, худонинг ўзи етказади, майли.

— Бошқа керак эмас бизга, амаки.

— Нега «керак эмас», нега «керак эмас экан», худоё тавба?.. Сизга керак бўлмаса, бошқаларга керак: қишлоқ одами ғилдираксиз тураолармиди? Сотсангиз — пул бўлади, болаларнинг кунига ярайди.

Калина Иванович кулиб, Козирьнинг фикрини қувватлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майли, қолса қолаверсин. Биласанми, табиатда ҳамма нарса шундай яхши тузилганки, пайти келганда одам ҳам бирнимага яраб қолади.

Козирь колонистларнинг ҳаммасига ёқиб қолди. Унинг диндорлигига одамлар хавфсиз бўлган бир хил касалликдай қарашарди. Бунинг устига Козирь ҳатто динга қарши нафрат қўзғатишда ма'лум ижобий роль ўйнади.

У ётоқхоналар яқинидаги ҳужрачага кўчиб кирди, шу блан хотинининг жабри-зулмидан қутулди. Дарҳақиқат хотинининг фе'ли-атвори жиннининкидан ҳам ошиб тушарди. Козирьни эски турмушнинг сарқитларидан ҳимоя қилиш болалар учун чинакам бир лаззат туйиларди. Козирьнинг хотини ҳар сафар колонияга келганда шовқин-сурон кўтариб вайсарди, эрини бўралаб қарғарди ва унинг уйга қайтишини талаб қилар, мени, колонистларни, совет ҳукуматини ва «ана шу ялангоёқ» Софронни оилавий бахтга чанг солишда айбларди. Болалар киноя блан Козирьнинг унга эрликка ярамаслигини, ғилдирак ясаш оилавий бахтдан муҳимроқ эканлигини исбот қилишга уринардилар. Ушандай пайтларда Козирь ҳужрачасига кириб олиб, машмаша тамом бўлишини чидам блан кутарди. Ғазабланган хотинининг овози кўлнинг нариги томонидан келгандагина ва унинг вайсашларидаги: «болалар... илоё сизларга... каллангизни...». сингари айрим узуқ-юлуқ сўзлар аранг эшитиладиган даражада узоқлашгандагина Козирь ташқарига чиқар ва:

— Бундай бетавфиқ хотиндан худойим ўз паноҳида асрасин, болаларим!..— деяр эди.

Атрофимиздаги шунча душманликка қарамасдан, ғилдирак ишхонаси даромад келтирадиган бўлиб қолди. Козирь бир марта чўқиниш блан катта-катта коммерсия ишларини бажариб юборарди; бизга ҳеч оворагарчиликсиз тегарчаклар келтиришар ва ҳадейишда пулларини қисташмасиди. Гап шуки, Козирь ғилдирак ясашга жуда ҳам чечан, шунинг учун ҳам ишлаб чиқарган маҳсулоти районимиздан аллақанча олис ерларда ҳам қадр топган эди.

Турмушимиз мураккаброқ ва қувноқроқ бўлиб қолди. Калина Иванович даламизнинг беш десятинача ерига бир амаллаб сули сепди, отхонага Саман отимиз ярашиб тушди, ҳовлида арава турадиган бўлди, унинг биргина камчилиги бор эди: жуда баланд эди. Унинг ердан ба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ландлиги камила бир саржинь бўлиб, замбарида ўгирувчи кишига аравани тортиб кетаётган от, гарчи олдинда бўлса ҳамки, чуқурликда кетаётгандай туйиларди.

Биз ишимизни жуда зўрайтириб юборганимиз сабабли ишчи кучи етишмай қолди. Тездан яна бир ётоқхонани — казарманн — ремонт қилишга тўғри келди, орадан сал ўтмай, бизга янги одамлар келишди. Булар бутунлай янги одамлар эди.

Уша вақтга келиб аллақанча атаман ва батька тўдалари тугатилган эди. Ҳархил Левчёнка ва Марусяларнинг балоғатга етмаган ёш шерикларн колонияга юборилаверди, буларнинг ҳарбий ва бандитлик роли отбоқарлик ва ошхона малайлиги вазифаларидан нарига ўтмаган бўлса керак. Худди ана шу тарихий вазият туфайли колонияда: Карабанов, Приходько, Голос, Сорока, Вершнев, Митягин ва бошқалар пайдо бўлди.

8. Характер ва маданият

Янги колонистларнинг келиши бизнинг унча бақувват бўлмаган коллективимизни анча бўшаштириб қўйди, шу билан яна аввалги аянч ҳолимизга яқинлашиб қолдик.

Колонияга дастлаб келиб кирган тарбияланучиларимиз энг зарур нарсаларни бажариш учун ярар эди. Колониядаги анархизм мухлислари эса бирорта тартибга ҳам бўйсунгилари келмасди. Броқ, шуни айтиш керакки, колонияда тарбиячиларга нисбатан очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатиш ва безорилик қилиш ҳаракатлари ҳечқачон такрорланмади. Задоров, Бурун, Таранец ва бошқалар янгиларга дастлабки кунларнинг қисқача тарихини уқдирганлар, деб ўйласак бўлади. Эски колонистлар ҳам, янгилари ҳам, тарбиячиларнинг тарбияланучиларга душман эмасликларини доимо ишонч билан намойиш қилишарди. Бундай кайфиятнинг бош сабаби, сўзсиз, тарбиячиларимиз ишларининг ғоят фидокорона ва қийин эканлигида эди, шунинг учун ҳам бу иш тақдирланарди. Шу сабабли колонистлар, айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда, тарбиячилар билан доимо яхши муносабатда бўлардилар, ишлаш ва мактабда ўқиш зарурлигига тан берардилар ва буларнинг ҳаммаси ўзимизнинг умумий манфаатимизга қаратилганини яхшигина тушунардилар. Бизда машаққатларни хоҳламаслик соф зоологик шаклларда кўринар ва ҳечқачон норозилик тарзида бўлмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз, бутун хотиржамлик — интизомнинг ташқи шакли экан ва бунинг орқасида ҳечқандай маданият, ҳатто энг ибтидоий маданият ҳам йўқ экан, деган хулосага келдик.

Нима учун колонистлар бизнинг камбағаллигимиз шароитида ва анчагина оғир меҳнат шароитида яшаб келадилар, нима учун улар қочиб, тарқалиб кетмайдилар, деган савол, албатта, ёлғиз педагогика нуқтаи назаридангина ҳал қилиб қўяқолинмас эди. 1921 йилда кўча-кўйларда кун кечиришнинг ҳеч қизиғи қолмади. Бизнинг губернамиз, гарчи очлар рўйхатида бўлмаса-да, ҳақиқатан шаҳарда кун кечириш жуда оғир эди. Ундан ташқари кўча-кўйларда тентираб сайқ юришга ўрганиб қолган, уччига чиққан боқимсизларни дастлабки йилларда деярлик олмаган эдик. Болаларимизнинг кўпчилик қисми оиладан яқиндагина узоқлашган эди.

Ўрта ҳисоб блан болаларимизнинг характер хусусиятлари жуда яхши ва маданий савиялари жуда паст эди. Худди ана шундай болаларни бизнинг колониямизга юборишга ҳаракат қилишарди, чунки бу колония тарбия қилиниши қийин бўлган болалар учун белгиланган эди. Уларнинг жуда кўпчилиги чаласавод ёки бутунлай хатсаводсиз бўлиб, деярли ҳаммалари ифлосликка ва битликликка одатланиб кетган, уларда бошқа одамларга нисбатан ибтидоий қаҳрамонликнинг бема'ни, ярамас гердайишлари сингиб қолган эди.

Задоров, Бурун, Ветковский, Братченко сингарилар, янги келганлардан эса Карабанов блан Митягин ўзларининг фаҳм-фаросатлари, идроклари анча юқори бўлганлиги блан бутун шу тўдадан фарқ қилардилар. Қолганлар эса кишилик маданиятини эгаллашга жуда секинлик, ниҳоятда сустлик блан киришдилар, бу нарса биз қанчалик камбағал ва қанчалик оч бўлсак, шунчалик секин амалга ошарди.

Биринчи йили уларнинг бир-бирлари блан уришиб-талашувга доимий интилганликлари, арэимаган майда-чуйда учун ҳар дамда бузилиб турган коллектив алоқаларнинг ғоят бўшлиги бизни бениҳоят овора қилди. Кўпроқ бу нарса ҳечқандай сиёсий кайфият блан тузатилмас душманликдан эмас, ўша важоҳат ва гердайишдан келиб чиқарди. Уларнинг кўпи синфий жиҳатдан бир-бирига зид лагерьларда бўлган; уларда бирон синфга мансубликнинг ҳечқандай асари йўқ эди. Бизда ишчиларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

болалари деярли йўқ, пролетариат улар учун аллақандай узоқ ва нома'лум бир нарса кўринарди, уларнинг кўпчилиги деҳқончилик меҳнатига қаттиқ нафрат блан қарар, умуман уларга меҳнатдан кўра деҳқонлар турмуши, аҳвол-руҳияси ёмонроқ кўринарди. Демак, ҳарқандай ўзбошимчалик учун, ўзининг якканлик ҳаётида ёввойилашган шахсиятни намойиш қилиш учун кенг йўл қоларди.

Умуман аҳвол оғир бўлса ҳам, ҳарқалай коллективнинг биринчи қиш давомида вужудга келган куртаклари жамиятимизда аста-секин кўкарабошлади ва бу куртакларни, ҳарқандай қилиб бўлса ҳам, сақлаб қолиш керак эди, янги келганларнинг бу қимматбаҳо майсаларни сўлдиришига йўл қўйиш мумкин эмас эди. Ўша вақтда мен бу муҳим нарсани пайқадим ва унга тегишинча баҳо бердим. Буни эса ўзимнинг асосий хизматим деб ҳисоблайман. Шу биринчи куртакларни ҳимоя қилиш кейинчалик шу қадар беҳад қийин, шунчалик чексиз даражада узун ва мушкул процесс бўлиб чиқдики, башарти мен буни илгарироқ билганимда, балки чўчиб, курашдан воз кечган бўлардим. Хайриятки, ўзимни доимо ғалаба арафасида ҳис қилдим, бунинг учун ўтакетган оптимист бўлиш керак эди.

Ўша даврдаги ҳаётимнинг ҳарбир куни, албатта, ишончни ҳам, шодликни ҳам, хафаликни ҳам ўз ичига олган эди.

Маша, гўё ҳамма нарса тинч ва осойишталик блан бораётгандай туйилади. Тарбиячилар кечқурун ўз ишларини тамомладилар, китобча ўқиб бердилар, суҳбатлашдилар, ўйин-кулги қилдилар, болаларга тинч уйқу тилаб, жой-жойларига тарқалишдилар. Болалар ими-жим тинчгина қолишди, ётиб ухлашга тайёрлик кўришди. Менинг хонамда кунлик ишнинг охири кўриниб қолган, ҳали Калина Иванович ўтирипти ва ўз одатича ишига бирор якун ясамоқда, ҳарнарсадан хабардор бўлишга қизиқадиган колонистлардан бири ҳам ўтирипти, эшик олдида Братченко блан Гуд ем-хашак масалаларн юзасидан Калина Ивановичга навбатдаги ҳужумни тайёрлаб турипти-лар. Худди шу пайтда шовқин-сурон блан бир бола югуриб келиб:

— Етоқхонада болалар бир бирларини пичоқлашаётир!— деди.

Мен хонадан югуриб чиқдим. Етоқхонада қий-чув,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўпалон. Бурчакда ваҳшийларча тиш иржайтирган икки тўда туради. Даҳшатли ҳаракатлар, ёқа бўғишишлар кишини эсанкиратиш даражада сўкинишлар блан қўшилиб кетган; аллаким биттасининг қулоқ-чеккасига боплаб туширяётир, Бурун қаҳрамонлардан бирининг қўлидан пичоқни тортиб олаётир, узоқдан унга қараб қичқиришади:

— Сен нега аралашасан? Мендан таёқ егинг келаяптими?

Кроватьда ярадор ўтириб, хайрихоҳлар тўдаси қуршовида, қўлининг пичоқ кесган жойини чойшабдан йиртиб олинган бир парча латта блан индамай ўрамоқда.

Ёқалашучиларни ҳечқачон ажратмасдим, уларга ўшқирмасдим.

Калина Иванович орқамда туриб, кўрқа-писа шивирлайди:

— Ҳай, тезроқ, садаганг кетай, тезроқ, тағин бу паразитлар бир-бирини сўйиб қўйишмасин...

Броқ мен ичкарида эшик олдида индамай қараб тураверяман. Менинг шу ердалигимни болалар бирин-кетин пайқаб қолишиб, жим бўлишади. Тездан жимлик чўкиши ҳарқандай дарғазабларни ҳам ўзига келтириб қўяди. Пичоқлар яширилиб, муштумлар қуйи солинади, ҳақоратомиз ғазабли сўзлар айтаётганларнинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолақолади. Лекин мен ҳамон индамай тураверяман: беҳад ғазабланаман, ана шу бутун ярамас воқиаларга қарши юрагимда ғазаб ва нафрат тўлиб тошади. Бу — кучсизлик нафрати, чунки бу кун сўнгги кун эмаслигини жуда яхши биламан.

Ниҳоят ётоқхонада даҳшатли ва оғир жимлик чўкади, ҳатто ҳаяжонли бўғиқ нафас товушлари ҳам босилади.

Шу фурсатда тўсатдан ўзим ўт бўлиб кетаман, ҳозир шундай қилиш кераклигини билиб, ўт бўлиб кетаман:

— Пичоқлар столга! Тезроқ деяпман, шайтонлар!..

Столга ҳархил пичоқлар: финкалар, чавоқлаш учун атайлаб олинган ошхона пичоқлари, қаламтарошлар ва темирчилик дўконида ясалган сўқма пичоқлар келтириб қўйилади. Ётоқхонада ҳамон жимжитлик ҳукм суради. Стол ёнида Задоров жилмайиб туради. Кўркам, севимли Задоров шу пайтда менга бирдан-бир қадрдон, яқин киши бўлиб туйилади. Яна қисқача буйруқ бераман:

— Чўқморлар!

— Биттаси менда, мен тортиб олдим,— дейди Задоров.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма бошини қуйи солиб туради.

— Ухланглар!..

Ҳамма жой-жойига ётмагунча ётоқхонадан чиқиб кетмайман.

Эртасига болалар кечаги жанжал-тўпалонни эсламасликка тиришадилар. Бу тўғрида мен ҳам ҳечнарса демайман.

Орадан бир-икки ой ўтади. Шу вақт ичида душманликнинг айрим ўчоқлари аллақандай яширин кавак-кунжакларда тутаб-тутаб қўяди ва мабодо аланга олиб ёнадиган бўлса, коллективнинг ўзидаёқ тездан ўчирилади. Броқ, тўсатдан яна бомба ёрилади, ғазабдан кишилик қиёфасини йўқотган колонистлар яна бир-бирларига пичоқ ўқталиб югуришади.

Бир кун кечқурун, бизда айтишларича, гайкани бураб қўйишим зарурлигини ҳис қилдим. Муштлашувлардан биридан кейин мен ҳормас-толмас пичоқбоз паҳлавонлардан бири бўлган Чоботга менинг хонамга боришини буюраман. У итоат блан секин-аста келади.

Уз хонамда мен унга:

— Сенга колониядан кетишга тўғри келади,— дейман.

— Қаёққа бораман?

— Пичоқлашиш мумкин бўлган жойга боришингга маслаҳат бераман. Бугун ўртоғинг ошхонада сенга жой бермагани учун унга пичоқ урдинг. Мана энди сен жанжал-тўпалонлар пичоқ блан ҳал қилинадиган жойни ахтаргин.

— Қачон кетай?

— Эртага эрта блан.

У хафаланиб чиқиб кетади. Эрта блан нонушта пайтида ҳамма болалар мендан Чоботнинг қолишини илтимос қилишади ва унга кафил бўлишга сўз беришади.

— Нима блан кафил бўласиз?

Тушунишмайди.

— Нима блан кафил бўласиз? Башарти яна тағин пичоққа ёпишса, унда сизлар нима қиласиз?

— У ҳолда сиз уни ҳайдаб юборинг.

— Демак, сизлар ҳечнарса блан кафил бўлолмас экансиз-да? Йўқ, у колониядан кетади.

Чобот нонуштадан кейин ёнимга келиб:

— Хайр, Антон Семёнович, берган одоб-та'лимингиз учун раҳмат...— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўришгунча хайр, мени ёмонлаб юрма. Агар қийналиб қолсанг, яна кел, лекин орадан камида икки ҳафта ўтиши керак.

Чобот бир ой деганда қайтиб келди, озиб-тўзиб кетган, ранги-рўйи бир ҳолатда бўлиб қолган эди.

— Мана келдим, айтганингизни қилдим.

— Бунақа жойни тополмадингми?

У жилмайди.

— Нега тополмас эканман? Бунақа жойлар бору... Лекин мен колонияда бўламан, энди қўлимга пичоқ олмайман.

Колонистлар ётоқхонада бизни самимият блан кутиб олдилар:

— Ахир кечирибсиз-да! Биз айтган эдик-ку.

9. „Украинада ҳали рицарьлар бор"

Якшанба кунларидан бирида Осадчий ичиб маст бўпти. Ётоқхонада тўполон қилгани учун уни олдимга олиб келишди. Осадчий менинг хонамда ўтирар ва ўзидан-ўзи алланималар деб вайсар эди. У блан сўзлашиш фойдасиз эди. Мен уни олиб қолдим ва ётиб ухлашга буюрдим. У бўйсуниб, уйқуга кетди.

Бироқ, ётоқхонага киришим блан гуп этиб спирт ҳиди келди. Кўпгина болалар менга яқин келишдан бош тортдилар. Мен айбдорларни топишни истамадим ва фақат дедим:

— Елғиз Осадчийнинг ўзигина маст эмас. Бошқалар ҳам ичган.

Бирнеча кундан кейин колонияда яна мастлар пайдо бўлди. Ба'зилари менга дуч келмасликка тиришар, қайбировлари эса, аксинча, мастлик блан ҳузуримга келиб, кимнидир севганлигини айтиб, кўзёшн қилар эди.

Улар қишлоққа меҳмонга борганларини яширмасдилар.

Кечқурун ётоқхонада ичкиликнинг зарари ҳақида сўзлашдик, айбдорлар энди ичмасликка ва'да бердилар, ўзимни бу натижадан гўё жуда хурсанд бўлгандай қилиб кўрсатдим, ҳатто ҳечкимга жазо ҳам бермадим. Менда кичик бир тажриба бор эди: ичкиликка қаршн курашда колонистларни эмас, бошқаларни жазолаш кераклигини яхши билардим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарвоқи' ана шу бошқалар ҳам олисда эмас эди.

Бизни самогон денгизи қуршаб олган эди. Колониянинг ўзида хизматчилар ва деҳқонлар орасида мастлари тез-тез учраб турарди. Худди ўша пайтда Голованьнинг болалар орқали самогон олдириб юрганини билиб қолдим. Голованъ буни инкор ҳам қилмади:

— Ҳечқиси йўқ, нима бўпти? — деб қўйди.

Калина Иванович бир умр ичмасди, у Голованьга қараб ўшқирди:

— Совет ҳокимияти нима эканлигини биласанми, сен паразит? Совет ҳокимияти сенинг аракхўрлик қилиб юришинг учун қурилган деб ўйлайсанми?

Голованъ шалоқ ва қирсиллайдиган стул устида ноқулайлик блан бурилди-да, ўзини оқлашга киришди:

— Ҳечқиси йўқ, нима бўпти? Сўранг-чи, кимлар ичмас экан... Ҳаркимда ҳам аппарат бор, ҳарким ҳам ме'даси кўтарганча ичаверади-да. Совет ҳокимиятининг ўзи ичмай қўяқолсин...

— Қанақа совет ҳокимияти?

— Ҳарбир киши. Шаҳардагилар ҳам ичишади, қишлоқдагилар ҳам.

— Бу ерда кимлар самогонка сотишини биласизми? — деб сўрадим Софрондан.

— Ким билади дейсиз, ўзим бўлсам сира сотиб олган эмасман. Бордию керак бўлиб қолса, битта-яримтани юбораман. Хўш, сўраганингизнинг бонси нима? Тортиб олмоқчимисиз?

— Бўлмаса-чи? Тортиб олсам олавераман-да...

— Оҳҳо, милиция қанчадан қанчасини олиб кетди, ўшанда ҳам ҳечнима бўлмади.

Қишлоқ советимизнинг бутун территориясида самогонга қарши аёвсиз кураш очиш учун ўша куннинг эртасигаёқ шаҳардан мандат олиб келдим. Кечқурун Калина Иванович иккимиз маслаҳатлашдик. Калина Иванович ишончсизлик кайфиятида эди.

— Бу бемаза ишга уринма. Сенга айтсам, улар ўзаро жуда апоқ-чапоқ: раис Гречаний ўзларинники, биласанми? Хуторларда эса ҳамаёқни Гречанийлар босиб кетган. Улар шунақаки, ерни от блан эмас, ҳўкиз блан ҳайдашади. Мана, ўзинг ўйлаб кўр: Гончаровка уларнинг мана бу ерида! — Калина Иванович муштини кўрсатди.— Ушлаб туришипти, паразитлар, бирнима қилишга илож тополмайсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тушунмаётирман, Калина Иванович. Самогонканинг бу ерга нима дахли бор?

— Вой, сен тентакни қараю, тағин бу ма'лумотли киши эмиш! Бутун ҳокимият ўшалар қўлида-да. Яхшиси шуки, сен уларга тақилма, бўлмаса ишингни пачава қиладилар. Чатоғингни чиқазадилар, биласанми?

Мен ётоқхонада колонистларга дедим:

— Йигитлар, сизга тўғрисини айтиб қўяқолай: ҳечкимга ичкилик ичишга йўл қўймайман. Хуторлардаги анави бир тўда самогончиларни ҳам тарқатиб юбораман. Менга ким ёрдамлашади?

Кўпчилик тараддудга тушиб қолди, лекин ба'зилар менинг таклифимга қўшилишди. Карабановнинг от кўзлари сингари қора, каттакон кўзлари чақнаб кетди:

— Бу жуда яхши иш. Жуда соз. Бу нодонларнинг танобини пичагина тортиб қўйиш ҳам керак,— деди.

Мен Задоров, Волохов ва Таранец учовини ёрдамга чақирдим. Шанба куни кечаси аллавақтда жанг планини тузишга киришдик. Мен тузган план устига, жинчироғим атрофида, йигитлар ёпирилишди. Таранец бўлса қўлларини узун сариқ сочлари орасига юборган ҳолда, сепкилли бурнини қоғоз устида югуртириб, деди:

— Бир уйга бостириб кирсак, бошқа уйлардагини яширишади. Уч киши камлик қилади.

— Самогон тортадиган хонадонлар шунақа кўпми?

— Деярли ҳарбир хонадонда бор: Мусий Гречаний-никида тортишади, Андрей Карповичникида тортишади, раис Сергей Гречанийнинг уйида ҳам тортишади. Верхолаларнинг ҳаммаси ҳам тайёрлайди, хотинлари шаҳарга элтиб сотишади. Биласизми, йигитлар кўпроқ бўлиши керак, бўлмаса, бизни уриб дабдала қиладилар, гап шундай.

Волохов бир чеккада индамай ўтириб, эснаб-эснаб қўярди.

— Дабдала қилиб бўпти! Карабановнинг ўзини олсак бас. Хечким битта ҳам чертолмайди. Мен у нодонларни биламан. Улар биздан қўрқишади.

Волохов бу операцияга кўпда қизиқмас эди. У шу вақтларда мендан бирқадар узоқроқ эди, чунки бу йигит интизомни ёқтирмасди. Лекин у Задоровга қатгиқ ишонар ва унинг чизган чизиғидан чиқмас эди.

Задоров, ҳар сафаргидай, хотиржам ва дадиллик блан жилмайди; у ўзини асло қийнамасдан ҳамма нарсани бажараоларди. Мен ҳам Задоровга ҳаммадан кўра кўп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқ ишонардим: агар керак бўлса, Задоров ҳарқандай ишни ҳам удда қилаолади, деб биларди.м.

Уша пайтда у Таранецга деди:

— Сен ҳовлиқма, Фёдор, қайси уйдан бошлашимизни ва кейин қаёққа боришимизни қисқатина қилиб айтиб бер. Эртагисини яна кўрамиз. Карабановни олиш керак, бу ма'қул гап, у деҳқонлар блан сўзлашаолади, чунки ўзи ҳам деҳқонлардан. Энди ётиб ухлайлик, чунки эртага эрта блан хутордагилар ичиб маст бўлмасдан олдинроқ чиқиш керак. Шундайми, Грицько?

— Ҳа, шундай,— деб кулиб қўйди Волохов.

Биз тарқалишдик. Ҳовли саҳнида Лидочка блан Екатерина Григорьевна айланишиб юришган эди, Лидочка деди:

— Пигитлар, самогонкани йўқ қилишга борармишсиз, дейишади. Сизларга нима зарур? Бу ҳам педагогикага доирми? Нима кераги бор экан?

— Ана шунинг ўзи педагогика иши бўлади. Қайтага ўзингиз ҳам эртага биз блан бирга юринг.

— Нима бўпти, мени қўрқади деб ўйлайсизми? Бораверама.н. Лекин бу педагогикага доир эмас...

— Демак, борасиз-а?

— Бораман.

Екатерина Григорьевна мени четроққа чақириб олиб:

— Бу ёш боланн эргаштириб нима қиласиз?— деди.

— Майли, майли,— деб қичқирди Лидия Петровна,— нима бўлса ҳам бораверама.н!

Шундай қилиб, беш кишилик комиссия тузилди.

Эрта блан соат еттилар чамасида энг яқин қўшнимиз бўлмиш Андрей Карпович Гречанийнинг дарвозасини тақиллатдик. Бу тақиллатишимиз итларнинг беш минутлик шовқин-суронига сабаб бўлди, бундан сўнг воқианинг ўзи роса бошланиб кетди.

Бу воқиа Андрей Гричаний бобонинг, я'ни сочлари тўкилиб, боши тақир бўлиб қолган, лекин соқолини чингилин қилиб қўйган чолнинг саҳнага чиқишидан бошланди. Андрей бобо биздан совуққина сўради:

— Нима қидириб юрибсизлар?

— Сизда самогон аппарати бор экан, биз уни йўқ қилиб ташлагани келдик,— дедим.— Мана губерна милициясининг мандати...

— Самогон аппарати дейсизми?— деб сўради Андрей бобо эсанкираган ҳолда, бизнинг афт-башарамизга ва ко-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лонистларнинг ранг-баранг кийим-бошларига кўз югуртириб.

Бироқ худди шу пайтда итлар авжга чиқди, чунки Карабанов Андрей бобонинг орқа томонига ўтиб, яна нари силжиган ва эҳтиёт учун олган «таёғини» сержун сариқ итга ўқталгач, итлар овозини одатдагидан икки парда баланд кўтарган эди.

Биз итларни ҳайдаб, олдинга томон югурдик. Волохов итларга дағал овоз билан бир ўдағайлаган эди, улар ҳовлининг чекка-чеккасига қочишиб кетди ва борган жойларида аламзадалик билан акиллашди. Карабанов аллақачон уйга кириб олган, биз бобо билан у ерга кирганимизда, у гердайганича, биз излаган нарсани — самогон аппаратини кўрсатиб:

— Мана! — деди.

Андрей бобо уй ичида уёқдан-буёққа юриб турар ва, операдаги сингари, унинг эгнидаги янгигина оқ шайтонтери пиджаги йилтираб кўринар эди.

— Самогонни кеча тортибмидингиз? — деб сўради Задоров.

— Кечагина,— деди Андрей бобо, саросималик билан соқолини силаб ва бурчакдаги хашак тагидан нимпушти тусдаги тўла четверть шишада самогонни кўтариб олаётган Таранецга қараб.

Андрей бобо бирданига ғазабланиб, Таранецга ёпишди: у Таранецни харраклар, иконалар ва стол билан тўсилган тор бурчакда осонгина тутиб олишни мўлжаллаган эди. Таранецни ушлаб олдию, лекин четверть шиша бобонинг боши устидан Задоровга узатилди.

Таранец эса бобога масхарабозлик билан тиржайиб:

— Хўш, нима гап, бобо? — деди.

— Уят эмасми! — деб қичқирди Андрей бобо бўғилиб.— Инсофларингиз йўқ экан, уйма-уй изғиб, ҳаммани ҳовлиштириб юрибсизлар! Қизни ҳам бирга олиб келибсизлар. Сизларнинг дастингиздан қутуладиган замон бормикин, сизларга ҳам ақл кирармикин?

— Хе, бобо, сиз қизиқ экансиз-ку,— деди ажиб бир қиёфа билан Карабанов ва йўғон таёққа тиралиб, бобога тикилганча туриб олди.

— Йўқол уйимдан! — деб бақирди Андрей бобо ва печь ёнида турган каттакон темир айрини кўтариб, Волоховнинг яғрига бир солди.

Волохов кулди-да, айрини жойига қўйиб, бобога:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз яхшиси анави ёққа қаранг,— деб юқорига ишора қилди.

Бобо қараши блан Таранецга кўзи тушди. У печь устидан иккинчи четверть шишадаги самогонни олиб тушар экан илгаригидек дилкашлик блан жилмайди. Андрей бобо харракка ўтирди, бошини қуйи солиб, қўл силтади.

Лидочка унинг ёнига ўтириб, ширинсўзлик блан гап бошлади:

— Андрей Карпович! Самогон тортиш қонун блан тақиқланган, буни ўзингиз яхши биласиз-ку. Бунинг учун ғалла ҳам исроф бўлади, ҳамаёқда очарчилик, буни ҳам биласиз.

— Очарчилик илқовга келган. Ишлаган одам оч қолмайди.

— Ўзингиз ишлаганмисиз, бобо? — деб хушвақтлик блан сўради Таранец печь устида ўтирганни ҳолда.— Балки сизда Степан Нечипоренко ишлагандир?

— Степан дейсанми?

— Ҳа, Степан. Сиз бўлсангиз унга иш ҳақи тўламай, кийим-бош қилиб бермай, уни ҳайдаб юборибсиз, мана энди у колонияга кирмоқчи бўлиб юрипти.

Таранец завқ блан бобога қараб томоғини тақиллатди ва печьдан пастга ирғиб тушди.

— Буларнинг ҳаммасини қаёққа қўйсак экан? — деб сўради Задоров.

— Ҳаммасини ҳовлига чиқариб, синдириб ташланглар.

— Аппаратни ҳамми?

— Аппаратни ҳам.

Бобо ҳовлига чиқмади,— у бирқанча иқтисодий, психологик ва социал фикрларни тинглаш учун уй ичида қолди. Бу масалаларни Лидия Петровна унга бирма-бир тушунтирмоқда эди. Ҳовлининг бурчак-бурчакларида ўлгудай ғазабланиб ўтирган итлар тўё хўжайин манфаатини кўзловчилар эди. Биз кўчага чиқиб кетаётганимиздагина улардан ба'зилари мақсадсиз норозилик билдирди.

Лидочкани Задоров эҳтиёт учун уйдан чақириб олиб, деди:

— Биз блан бирга юринг, бўлмаса Андрей бобо этингизни бурда-бурда қилиб ташлайди...

Лидочка Андрей бобо блан қилган суҳбатидан мамнун бўлиб, югура чиқиб келди:

— Биласизми, у ҳамма гапга тушунди!! Самогон тортиш жиноят эканлигини тан олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йигитлар кулги блан жавоб қайтаришди. Карабанов Лидочкага кўзини сузиб деди:

— Тан олдими? Ҳе, балли! У блан яна бироз ўтиратурганингизда, аппаратни балки унинг ўзнёқ синдириб ташлармиди? Шундайми?

— Хотини уйда йўқлигига шукур қилаверинг,— деди Таранец,— Гончаровкага, черковга кетган экан. Бу тўғрида сизга ҳали Верхолиха блан бироз гаплашиб олишга ҳам тўғри келар.

Лука Семёнович Верхола ҳархил юмушлар блан колонияга тез-тез келиб тургучи эди, хомут, арава, бочка сингари буюмлар керак бўлиб қолганда биз ба'зан унга мурожаат қилардик. Лука Семёнович зўр исте'додли дипломат, сўзамол, сертавози' ва ҳарнарсага аралашиб, қоришиб кетаверадиган киши эди. У жуда кўркам киши бўлиб, жингалак оч сарғиш соқолига зеб бериб юрарди. Унинг учта ўғли бор бўлиб, каттаси Иван, радиуси ўн километрли доирада донг чиқазган эди, чунки уч қаторли вена гармончасини чалар ва кўзни қамаштирадиган яшил фуражкалар кийиб юрарди.

Лука Семёнович бизни очиқ чеҳра блан кутиб олди:

— Э, азиз қўшнилар! Марҳамат, марҳамат! Эшитдим, эшитдим, самоварларни излаб юрибсизларми? Яхши иш, яхши иш. Ўтиринг! Йигитча, қани буёққа ўтиринг. Хўш, ишлар қалай? Трепкега гилкор усталар топдингизми? Бўлмаса мен эртага Бригадировкага бориб, бошлаб келақолай. Эй, шундай ажойиб гилкорларки, уёғини қўяверинг!.. Йигитча, нега ўтирмайсиз? Менда аппарат нима қилсин, мен бунақангги ишларга айланишмайман. Мумкинмас! Садағанг кетай, наинки мумкин бўлса? Совет ҳукумати мумкинмас дегандан кейин илож йўқ-да, мен ҳам тушунаман, бўлмаса-чи... Ҳай, ойиси тез бўлақол, кўп ивирсима, азиз меҳмонлар озиб-ёзиб бир келишипти!

Стол устига бир идишда лиммо-лим қаймоқ ва ичига пиширилган аллақанча пироглар келтириб қўйилди. Лука Семёнович бизни овқатга ундар, лекин хушомадгўйлик, тил'ёғламалик қилмас эди. У сертавози'лик блан муомала қиларди, унда меҳмондўст бойнинг хусусиятлари бор эди. Қаймоқни кўриш блаңоқ колонистларнинг юраклари бетинч бўлабошлаганини сездим: Волохов блан Таранец тансиқ овқатдан кўзларини узолмас, Задоров эшик ёнида турар ва ноилождигини тўла тушу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб, қизариб-бўртиб кулиб қарарди. Карабанов мен блан ёнма-ён ўтирган эди, қулай пайт топиб, қулогимга шивирлади:

— Обба итвачча-е-е! Буни қара-я? Азбаройи худо, ейишга тўғри келади. Мен тоқат қилолмайман. Худо урсин, тоқат қилолмайман!

Лука Семёновнч Задоровга стул келтириб қўйиб:

— Олинглар, азиз меҳмонлар, еб ўтиринглар! Бирозгина самогон ҳам топсак бўлардию, лекин ўзларингиз шунақа ишга қарши юрибсиз-да...— деди.

Задоров менинг рўпарамга келиб ўтириб ерга қаради, яримта пирогни бир тишлам қилиб, лаб-лунжини қаймоққа бўяди; қаймоқ мўйловлар Таранецнинг қулоқларигача чўзилди; Волохов ҳечнарсага қарамасдан, оббо, деб пирогни кетма-кет шипираверди.

— Пирогдан яна келтир,— деб буйруқ берди Лука Семёнович хотинига,— қани бир машқ қилиб бер, Иван...

— Черковда ибодат қилишаяпти-ку,— деди хотини.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Лука Семёнович,— азиз меҳмонлар учун мумкин.

Ювош, тўладан келган гўзал Иван «Ой нур сочмоқда» деган машқни чалиб берди. Карабанов кулгисини яширин учун бошини стол тагига суқди:

— Хўп меҳмондорчиликка келибмиз-да!..

Овқатдан сўнг сўзлаша кетдик. Лука Семёнович бизнинг Трепкелар мулкида бажармоқчи бўлган иш режаларимизни астойдил қувватлади ва ўзининг барча хўжалик кучлари блан ёрдамга тайёр эканлигини билдирди.

— Сизлар бу ўрмонда ўтирманглар. Тезлик блан ўшаёққа кўчиб боринглар, у ерда хўжаликка кўз-қулоқ бўладиган ҳечким йўқ. Тегирмонни қўлга олинг, тегирмонни. Анави комбинат бўлса бу ишга етакчилик қилабилмайди. Деҳқонлар шикоят қилаётирлар, қаттиқ шикоят қилаётирлар. Пасхага атаб қилинадиган пироглар учун ун тортиш керак бўлганда ойлаб сарсон бўлиб юра-юра ҳеч натижа чиқазиб бўлмайди. Деҳқоннинг пирог егиси келади, энг керакли нарса ун йўқ бўлганидан кейин пирог қайда дейсиз?

— Тегирмон учун ҳали кучимиз оз,— дедим.

— «Оз» деганингиз нимаси? Одамлар ёрдам қилишар... Сизни бу жойнинг одамлари қандай ҳурмат қилишлари ўзингизга ма'лум. Ҳаммалари сизни, зап яхши одам экан-да, дейишади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана шу лирик бир пайтда эшик олдида Таранец пайдо бўлиб қолди ва уй ичидан қўрқиб кетган хотиннинг қий-чув товуши эшитилди. Таранецнинг қўлларида бинойи самогон аппаратининг ярмиси, унинг энг муҳим қисми бўлган бурама най бор эди. Таранец орамиздан туриб кетганини сезмай қолган эканмиз.

— Буниси чердакда экан,— деди Таранец,—у ерда самогонка ҳам бор. Ҳали ҳам илиқ.

Лука Семёнович соқолини тутамлаб, бир лаҳзагина жиддий қиёфада туриб қолди. Кейин бирданига ҳаракатга кириб, Таранецга яқин келди-да, унинг рўпарасида тўхтаб, жилмайиб турди. Сўнгра, қулоғининг орқасини қашиди ва менга қараб бир кўзини қисган ҳолда:

— Бу йигитдан иш чиқади. Хайр, энди, гап шунақа экан. Ҳечнарса демайман, ҳечнарса... Хафа ҳам бўлмайман. Қонун нимани тақозо қилса, шуни қилиш керак. Шундоқ қилиб, синдирмоқчисизлар-да? Хайр, майли. Иван, сен буларга ёрдамлаш...

Аммо Верхолиха ўзининг доно рафиқи айтган фикрга қўшилмади: У Таранец қўлидан бурама найни тортиб олиб:

— Сизларга синдиртириб қараб турадиган ким экан, ким ўзи?!— деб бақирди,— бутунлаш ўрнига бузасизлар! Ла'нати ялангоёқлар, тур йўқол, ҳозир каллангга тушириб қоламан...

Верхолиханинг монологи бениҳоят узун бўлиб чиқди. Бундан илгари олдинги бурчакда жимгина ўтирган Лидочка самогоннинг зарари ҳақида астагина музокара очмоқчи бўлган эди, лекин Верхолиханинг ўпкаси жуда бақувват экан, гап бермай, тинмай бидирлайверди. Самогонли шишалар аллақачон синдирилди. Карабанов ҳовли саҳнида аппаратнинг сўнгги қолдиқларини темир лом билан пачақлаб бўлди. Лука Семёнович бизлар билан яхшиликча хайрлашиб, бошқа вақтда яна келишга таклиф қилди ва ҳеч хафа бўлмаганлигини қайта-қайта та'кидлади. Задоров эса Иваннинг қўлини қисиб хайрлашди, Иван бўлса гармончасида алланимани машқ қилабошлаган пайтда ҳамки, Верхолиха ҳамон талай ерга жар солиб йиғламоқда, бизнинг қилмишимизнинг ахир-оқибати ёмон бўлишини характерлаш учун янгидан-янги бўёқлар топмоқда эди. Қўшни хонадонлардаги хотин-халажлар серрайиб туришар, итлар ҳовлилар ўртасига тортилган симларга сакрашиб узун-қисқа ҳури-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шар, ҳовли эгалари бўлса отхоналарнни тозалаб туриб каллаларини қимирлатишар эди.

Биз тездан кўчага чиқдик, Карабанов биринчи дуч келган четан деворга ўзини ташлади:

— Вой товба-е, вой товба-е! Ана меҳмону, мана меҳмон!.. Айтгандек, анюви хотин нима дейди? Қаймоқ емай қорнларинг ёрилсин, дейдими? Сенинг қорнинг қалай, Волохов?

Шу куни биз олтита самогон аппаратини пачоқлаб ташладик. Биз томон шикаст емади. Фақат энг кейинги уйдан чиқиб келаётганимизда қишлоқ советининг раиси Сергей Петрович Гречанийга тўқнашдик. Раис казак Мамайга ўхшарди: бошига мой сурилган бўлиб, қопқора, мўйловлари эса гажак қилиб буралган эди. Ўзи ҳали ёш бўлишига қарамай, округдаги энг ишчан хўжайин бўлиб, жуда ақлли киши ҳисобланарди. Раис бизга олисдан қичқирди:

— Ҳой, тўхтаб турингнар!

Тўхтаб турдик.

— Салом, байрамингиз муборак бўлсин... Сўрашга рухсат этинг, хўш, ўзи нима гап, бунақа ўзбошимчалик қилиш қайси мандатда ёзилган, ҳуқуқингиз бўлмаса ҳам одамларнинг аппаратини синдириб юрган эмишсизлар?

У мўйловларини янада маҳкамроқ бураб туриб, бизнинг ғайриқонуний қиёфаларимизни синчиклаб кўздан кечириб чиқди.

Мен индамай туриб унга «ўзбошимчалик» мандатини узатдим.

У мандатни узоқ фурсат қўлда тутиб туриб, норозилик кайфиятида қайтиб берди:

— Бу, албатта, гувоҳнома-я, бироқ одамлар ранжимоқда. Агар анчайин бир колония шундай иш қиладиган бўлса, у ҳолда совет ҳокимиятига: ҳамма иш жойида, деб айтиб бўлмайди-да. Менинг ўзим ҳам самогончиликка қарши курашмоқдаман.

— Ўзингизда ҳам аппарат бор-ку,— деди Таранец секингина, раисинг афтига бақрайиб туриб.

Раис жулдур кийимли Таранецга ғазаб билан ўқрайиб, деди:

— Сен ҳам бормидинг! Ишинг нима! Кимсан ўзинг? Колониядамисан? Биз бу ишни энг юқори идорага ма'лум қиламиз, ана унда нима учун ҳархил жиноятчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳаллий ҳокимият раисини ҳақорат қилиб юрганликлари ма'лум бўлади.

Биз турли томонга тарқалишдик.

Экспедициямиз катта фойда келтирди. Эртасига темирчилик ишхонаси ёнида Задоров мижозларимизга бундай деди:

— Келгуси якшанба куни биз ишни яна ҳам бошқачароқ қиламиз: бутун колония — эллик киши — боради.

Қишлоқ одамлари соқолларини селкиллатиб, бу фикрга қўшилишиб:

— Ҳа, ҳа, дарвоқи' жуда тўғри гап. Чунки ғалла исроф бўлмоқда, бу нарсанинг тақиқланган жуда тўғри бўпти,— дейишди.

Колонияда ичкиликбозлик барҳам еди, лекин янги бир фалокат юз берди: қартавозлик, қиморбозлик пайдо бўлди. Биз ошхонада қайбир колонистнинг нонсиз овқатланганини, йиғиштириш, супуриш-сидириш ёки шу каби ёқимсиз ишлардан ба'зисини буюрилган киши эмас, бошқа киши бажарганини сезабошладик.

— Нима учун бугун Иванов эмас, сен йиғиштираяпсан?

— У мендан илтимос қилди.

Илтимос блан қилинадиган иш одат ҳукмига кирабошлади, натижада бундай «илтимосчилар»дан ма'лум группалар вужудга келди. Овқатдан бош торталиган, ўз тегишларини ўртоқларига ин'ом қиладиган колонистлар сони кўпаяверди.

Болалар колониясида қартавозликдан кўра оғир бахтсизлик бўлиши мумкин эмас. Қартавозлик колонистни умумий исте'мол доирасидан чиқазади ва уни қўшимча маблағлар топишга мажбур этади, бунинг учун эса бирдан-бир йўл—ўғирлик қилишдир. Мен ана шу янги душманга атака килишга шошилдим.

Колониядан Овчаренко қочди, у колония ҳаётига кўникиб қолган хушчақчақ ва серғайрат бола эди. Унинг нега қочиб кетганлигини суриштириб билолмадим. Иккинчи куни мен уни шаҳарнинг чайқов бозорида учратдим, броқ уни ҳарқанча ундасам ҳам, колонияга қайтишдан бош тортди. Мен блан суҳбатлашганда ўзини жуда ноқулай сезди.

Қиморда ютқизиб қарздор бўлиш тарбияланучиларимиз орасида виждон қараи деб ҳисобланарди. Ана шу қарзни узишдан бош тортиш қарздорнинг ўлгудай калтак

www.ziyouz.com kutubxonasi

ейиши ва бошқа хил жазолар тортиши бир ёқда турсин, ҳатто ҳамманинг нафратига ҳам сабаб бўлиши мумкин эди.

Колонияга қайтиб келганимдан кейин кечқурун болаларни ғадабга олдим:

— Овчаренко нега қочиб кетди?

— Биз қайдан билайлик?

— Сизлар биласиз.

Ҳамма жим.

Ўша кеча, Калина Ивановични ёрдамга чақириб, ёлпасига тинтув қилдим. Тинтув натижалари мени ҳайрон қолдирди: ба'зи колонистларнинг ёстиқлари тагида, сандиқчаларида, қутиларида, чўнтакларида аллақанчадан қанд топилди. Ҳаммадан бой Бурун экан. У менинг рухсатим билан дурадгорлик ишхонасида ўзига бир сандиқча ясаб олган эди, шу сандиқчадан ўттиз қадоқдан зиёдроқ қанд чиқди. Лекин Митягиндан топилган нарса ҳаммасидан ҳам қизиқроқ эди. Унинг ёстиғи тагидаги эски телпагига эллик сўмлик танга-чақа яшириб қўйилган экан.

Бурун рўй-рост ва ғоят ма'юслик билан тан олди:

— Қартадан ютган эдим.

— Колонистларданми?

— Хм-м!

Митягин:

— Айтмайман,— деб жавоб қайтарди.

Қанд аллакимларнинг буюмлари, кофточкалари, рўмоллари, сумкаларининг бош склади Оля, Раиса ва Маруся деган учта қизимиз турадиган хона экан. Қизлар бу нарсаларнинг кимларники эканини айтишмади. Оля билан Маруся йиғлади. Раиса индамай турарди.

Колонияда учта қиз бўлиб, уччови ҳам ҳаркимларнинг уйларига ўғирликка кирганлиги учун комиссия томонидан юборилган эди. Улардан бири, Оля Воронова, афтидан, мушкул ишга қўлидан тушиб қолган бўлса керак,—бундай тасодифий ҳоллар кўпинча ҳали бўйи етмаган хизматкор қизларда учрайди. Маруся Левченко билан Раиса Соколова эса одобсиз, ахлоқсиз бўлиб, сўкинишар, болаларнинг ичкиликвозлик ва қартавозлик ўтиришларига қатнашардилар, карта ўйини асосан худди ана шу қизлар турган хонада бўларди. Маруся ўтакетган манжалақи эди, у кўпинча колониядаги дугоналарини ҳақорат қилар ва ҳатто урар эди, арзимаган нарсалардан баҳона топиб, йигитлар билан ҳам ҳадеса жанжаллашаверар, ўзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

«хароб бўлган» одам деб ҳисоблар, ҳарқандай танбиҳ ва маслаҳатга доимо бир хил жавоб қайтарарди:

— Нега мунчалик жон кўйдирасизлар? Мен одойи тамом бўлганман.

Раиса жуда семиз, бефарқ, ялқов ва серкулги бўлса ҳам, лекин анчагина эсли-ҳушли ва бир қадар ма'лумотли эди. У бир вақтларда гимназияда бўлган экан, шунинг учун тарбиячиларимиз уни рабфакка кириш учун тайёрланишга ундадилар. Отаси биз турган шаҳарда этикдўзлик қилар экан, икки йилча илгари ичкиликвозликда уни биров сўйиб қўйган экан, онаси ичкиликка берилиб кетиш оқибатида гадойлик блан кун кечирар экан. Раиса бўлса у хотин унинг ўз онаси эмаслигини, болалик чоғида уни Соколовларга ташлаб кетишганини та'кидларди, аммо болалар эса Раисанинг гапини ёлғонга чиқазишарди:

— Қўйиб берсанг, ҳадемай, отам шаҳзода эди, дейишдан ҳам тоймайди.

Раиса блан Марусяни иккиси болаларга бўш келмас ва эски тажрибакор «боқимсиз» бўлганликлари учун болалар уларни бирмунча сийлашарди. Митягин ва бошқаларнинг қора ишларидаги муҳим детальлар шуларга ишониб топширилганининг сабаби ҳам шу эди.

Митягин келиши блан колониядаги жиноятлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан кучайди.

Митягин юлдузни бенарвон урадиган ўғри бўлиб, чаққон, зийрак, уддабуро ва жасур эди. Шу блан бирга у жуда ҳам ёқимтой эди. Унинг ёши ўн еттилар чамасида ва балки ошиқроқ эди.

Унинг бетида ўзигагина хос «алоҳида белгиси» бор эди, я'ни қошлари батамом оқ ва қалин жингалаклардан иборат эди. Ўзининг айтишича, бу белги кўпинча унинг қилмоқчи бўлган тадбирларининг белига тепаркан. Шундай бўлса ҳам, ўғирликдан бўлак бирон ишга айланишиш мумкинлиги унинг эсига ҳам келмасди. У колонияга келган куни кечқурун мен блан жуда бетакаллуф ва дўстона суҳбат қилди:

— Болалар сизни мақтайдилар, Антон Семёнович.

— Хўш, нима бўпти?

— Яхши-да. Агар болалар сизни яхши кўришса, ўзларига осон бўлади.

— Демак, сен ҳам мени яхши кўришинг керак.

— Йўғе... мен колонияда кўп турмайман.

— Нега?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима керагы бор? Барибир ўғри бўламан.

— Ўғирликни бас қилиш мумкин.

— Мумкину, лекин бас қилишнинг ҳожати йўқ деб биламан.

— Сен инжиқлик қилаяпсан, Митягин.

— Ҳечбир инжиқлик қилаётганим йўқ. Ўғирлаш қизиқ ва кўнгилли. Лекин буни аввало билиб қилиш, иккинчидан, ҳаркимникини ўғирлайвермаслик керак. Шундай, аллақанча ярамас одамлар борки, уларникини ўғирласа бўлади. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларникини ўғирлаш ярамайди.

— Бу гапинг тўғри,—дедим Митягинга,—лекин ўғирлатганга эмас, ўғирлаганга қийин бўлади.

— Нимаси қийин?

— Мана бундай: сен ўғирликка ўрганиб, ишдан совуб кетгансан, ҳамма нарса сенга осон, ичкиликка ўрганган-сан, ундан нарини кўрмайсан, чунки ялангоёқсан, вассалом. Кейин турмага тушасан, ундан кейин яна аллақаерларга...

— Турмадагилар одам эмасми? Кўплар турмадагилардан кўра очиқда ёмонроқ кун кўради. Буни писанда қилиб бўлмайди.

— Сен Октябрь революцияси тўғрисида эшитганмисан?

— Наинки эшитмасам! Мен ўзим Қизил гвардияга эргашиб юрганман.

— Ха балли, энди кишиларнинг турмуши турмадаги сингари бўлмайди.

— Буни ҳали ким билади дейсиз,—деб ўйга чўмди Митягин.—Ифлослар барибир жуда кўп. Улар барибир ўзларининг ёвуз ишларини қиладилар. Колония атрофига бир назар солинг, қанақа одамлар борлигини кўрасиз! Ўҳў!

Колониядаги қартавозликка қарши кураш очганимда Митягин телпакдаги пулни қайдан олганини айтмади.

— Ўғирлаб олганмисан?

Жилмайиб қўйиб, деди:

— Қанақа одамсиз, Антон Семёнович!... Албатта, сотиб олганим йўқ-да. Дун'ёда аҳмоқ кўп ҳали. Бу пулнинг ҳаммасини аҳмоқлар жамлаган, унинг устига қорни катта фирибгарларга та'зим қилиб икки қўллаб топширганлар. Қараб турнб нима қилай? Яхшиси ўзим олақолай дедимда, олдим, холос. Фақат сизнинг колониянгизда яшириб қўйишга жой йўқ. Сизнинг тинтув ўтказишингизни ҳечқачон ўйламаган эдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, яхши. Бу пулни колония учун оламан. Ҳозир акт тузиб, даромадни ёзиб қўямиз. Ҳозирча сенинг тўғрингда гап юритилмайди.

Мен болалар блан ўғирликлар ҳақида гап бошладим:

— Қартавозликни бутунлай тақиқлайман. Бундан кейин сизлар карта ўйнамайсизлар. Карта ўйнаш — ўртоғингнинг нарсасини ўғирлаш, деган гап.

— Ўйнашмасин.

— Аҳмоқликдан ўйнашади. Колониямиздаги кўпгина болалар очдан-оч юрадилар, кандларини, нонларини емайдилар. Овчаренко ана шу карта жатига колоннядан кетиб қолди, энди бўлса чайқов бозорида сарсон-саргардон бўлиб, йиғлаб юрипти.

— Тўғри, Овчаренконинг... бу иши яхши бўлмади,— деди Митягин.

Мен давом этдим:

— Бундан чиқдики, колонияда кучсиз ўртоғини ҳимоя қиладиган киши йўқ экан-да. Ундай бўлса, ҳимоя қилиш менинг бурчим. Аллақандай аҳмақона картавозлик бошланганы учун болаларнинг оч-ноҳор юришларига ва соғлиқларидан ажрашларига йўл қўяолмайман. Мен бунга йўл бермайман. Ана, истаганингизни танланг. Етоқхоналарингизни тинтув қилишни ҳарнасадан баттар ёмон кўрсам ҳам, лекин шаҳарда Овчаренконинг йиғлаб, абгор бўлиб юрганини кўрганимдан кейин сизлар блан ижикилашиб ўтирмасликка қарор қилдим. Хўп десангиз, иккинчи ўйнамасликка шартлашамиз. Виждонан сўз бераоласизларми? Мен фақат сизлар виждонан сўз бераолмассизлар... дейман, сўзларингизда турмас экансизлар: сўз берганларнинг бири Бурун эди...

Бурун отилиб чиқди:

— Нотўғри, Антон Семёнович; ёлғон гапириш уят сизга... Сизки ёлғон гапирганингиздан кейин, бизлар нима... Карта тўғрисида мен ҳечқандай сўз берганим йўқ.

— Э, кечир, тўғри, мен айбли, сендан биратўла карта учун ҳам, кейин арақ учун ҳам сўз олишга ақлим етмапти...

— Мен арақ ичмайман.

— Ҳа, яхши, гап тамом. Энди нима бўлади?

Олдинга секин-аста Карабанов чиқиб келади. У гоят келишган, хушбичим бўлиб, одатдагича, салгина гердайиб турарди. Унинг важоҳатидан саҳрода куч йиғиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ётган шердай бақувватлиги сезилиб турар ва ўзи ҳам бу кучни атайлаб тутиб тургандай туйиларди.

— Йигитлар, бу ерда масала равшан. Ўртоқларнинг нарсаларини ютиб олишнинг кераги йўқ. Сизлар хоҳ хафа бўлинг, хоҳ бўлманг, мен қартага қарши чиқаман. Шуни билиб қўйингки, сирингизни бошқа нарсада очмасам ҳам, қартада очаман, бу камлик қилса, ўзим ҳам пичагина одобларингни бериб қўяман. Чунки мен Овчаренконинг кетаётганини кўрган эдим,— одамни гўрга тиқаётирмиз десам бўлади: Овчаренкода ўғрилик қилишга уқув йўқлигини ўзингиз биласиз. Уни Бурун блан Раиса иккови ютиб олишди. Менинг таклифим шуки, иккови бориб қидиришсин, уни топишмагунча қайтиб келишмасин.

Бурун астойдил рози бўлди.

— Раисани бошимга ураманми? Ўзим ҳам топиб келаман.

Йигитларнинг ҳаммаси бараварига сўзга кириб кетди. Бу маслаҳат ҳаммага ёқди. Бурун ҳамма қарталарни ўз қўли блан йиғиб олиб, челакка ташлади. Калина Иванович хурсандлик блан қандларни йиғиштириб оларкан:

— Ҳа, раҳмат! Ширинлигимиз кўпайиб қолди,— деди.

Етоқхонадан чиқаётганимда Митягин мени кузата туриб:

— Колониядан кетаймн?—деб сўради.

Мен унга ма'юслик блан жавоб бердим:

— Йўғе, нега ҳали юратур.

— Барибир ўғирлик қиламан.

— Ўғирлик қилсанг қилиб ўл. Азобини тортадиган сен экансан, менга нима.

У қўрқиб кетиб, орқада қолди.

Эртасига эрта блан Бурун Овчаренконн қидириш учун шаҳарга жўнаб кетди. Йигитлар унинг орқасидан Раисани йўлладилар. Карабанов бутун колонияни бошига кўтариб ҳайқирди ва Буруннинг кифтига қоқиб:

— Эҳ, Украинада ҳали рицарьлар бор!— деди.

Задоров темирчилик ишхонасидан мўралаб, иржайиб турарди. У менга ҳар сафаргидек дўстларча мурожаат қилиб:

— Ҳаромзодалар-ку, лекин улар блан тириклик қилиш мумкин,—деди.

— Ўзинг кимсан?—деб сўради ғазаб блан Карабанов.

— Ота мерос бўлиб келган собиқ дарбадар, энди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликда эса Максим Горький номидаги меҳнат колониясининг темирчиси, Александр Задоров,— деб тикка турди у.

— Вольно!—деди Карабанов ажойиб бир оҳанг блан ва гердайганича темирчилик ишхонаси олдидан ўтиб кетди.

Кечга яқин Бурун бахтиёр ва оч Овчаренкони бошлаб келди.

10. „Социал тарбия фидокорлари"

Бундайларга мени ҳам қўшганда, беш киши эдик. У вақтларда бизни «социал тарбия фидокорлари» деб атардилар. Биз ўзимизни ҳечқачон бундай деб аташ бирёқда турсин, ҳатто мардлик кўрсатаётирмиз деб ҳам ўйламасдик. Колония эндигина ташкил топаётган пайтларда ҳам, колония ўзининг саккиз йиллик байрамини ўтказганда ҳам бундай деб ўйламаган эдик.

Фидокорлик тўғрисида гапирганимизда фақат Горький номидаги колония ходимларини назарда тутиб қўяқолмас эдик, шунинг учун биз бу сўзларни юрагимизда болалар уйлари ва колониялар ходимларининг руҳини кўтариш учун зарур бўлган ҳикматли сўзлар деб ҳисоблардик.

Ўша вақтда совет ҳаётида, революцион курашда кетма-кет галабалар қўлга киритилмоқда эди, бизнинг ишимиз эса ўзининг ҳажми ва ютуғи жиҳатидан анчики бир нарса эди.

Биз энг оддий кишилар эдик, бизда аллақанча камчиликлар топиларди. Хулласини айтганда, қиладиган ишимизни ҳам билмасдик: иш кунимиз хатолар,' шубҳали ҳаракатлар, чигал, мубҳам фикрлар блан тўла эди. Олдимизни чексиз туман қоплаган бўлиб, унда биз келгуси педагогик ҳаётнинг узуқ-юлуқ контурларини зўр-базўр пайқардик.

Ҳарбир қадамимиз тўғрисида ҳар нарса дейиш мумкин эди, чунки қадамларимиз беҳад тасодифий эди. Ишимизда тортишувга сабаб бўлмайдиган ҳечнарса йўқ эди. Тортишабошлаган пайтимизда аҳвол яна ҳам ёмонлашарди: бизнинг тортишувларимиздан негадир ҳақиқат аниқланмас эди.

Бизда шубҳа туғдирмайдиган иккитагина нарса бор эди: ишни ташлаб кетмаслик, гарчи бунинг охири аянчли бўлса ҳам уни ҳарқалай охирига етказишга бўлган мус-

www.ziyouz.com kutubxonasi

таҳкам иродамиз эди. Шу блан бирга колонияда ва теварагимизда ана ўша «турмуш» мавжуд эди.

Осиюлар колонияга келганларида колонистлардан қаттиқ ҳазар қилардилар. Бизнинг қоидамизга кўра, навбатчи тарбиячи колонистлар блан бирга овқатланиши шарт эди. Иван Иванович ҳам, унинг хотини ҳам, колонистлар блан бир столда овқат қилмасликларини, чунки жирканмасдан туролмасликларини менга узил-кесил айтдилар.

Мен уларга:

— Бир гап бўлар,— дедим қўйдим.

Иван Иванович ўзининг кечки навбатчилиги вақтида ётоқхонада тарбияланучиларнинг кроватига ҳечқачон ўтирмас эди, бу ерда ўтириш учун бошқа ҳечнарса йўқ эди. Шундай қилиб, у ўзининг кечки навбатчилигини тик оёқ устида ўтказарди. Иван Иванович блан хотини менга:

— Сиз шу кроватьда қандай ўтираоласиз-а? Уни бит босиб кетган-ку,—дейишарди.

Мен уларга:

— Ҳечқиси йўқ, вақти блан иш жойига келиб қолар: битлар йўқолар ёки бирор бошқа илож топилар...— дердим.

Уч ойдан кейин Иван Иванович колонистлар блан бир столда ўтирадиган ҳам бўлди, ўз қошиғини келтириш одатини тарк этиб, столдаги бир тўда ёғоч қошиқдан бирини оладиган, кўнглини тинчлатиш учун, уни бармоқлари блан сидириб қўяқоладиган бўлди.

Кечқурун бўлса Иван Иванович ётоқхонада серзавқ йигитлар атрофида кроватьга ўтириб, «ўғри ва чақимчи» ўйинини ўйнарди. Ўйин шундан иборат эдики, қатнашучиларнинг ҳаммасига «ўғри», «чақимчи», «терговчи», «судья», «жаллод» ва шу сингари ёзувлар ёзилган билетчалар улашиларди. Чақимчи ўз ҳиссасига тушган бахтни э'лон қилар, қўлига дарра олиб, ўғри ким эканлигини топишга интилар эди. Ҳаммалари унга қўлларини узатиб туришар, шу қўллардан бирига дарра блан бир уриб, ўғри қўлини топиш керак эди. Одатда чақимчи судья ёки терговчининг қўлига урар, сўнгра чақимчининг шубҳаланишидан ранжиган бу оққўнгил гражданлар унинг чўзиб турган қўлига белгиланган жазони урардилар. Бордию чақимчи эндиги сафар ўғрини топгудай бўлса, у калтак ейишдан қутулиб, ўғри калтакка тутилар эди. Судья ҳукм чиқазиб: бешта қаттиқ дарра, ўнта

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаттиқ дарра, бешта юмшоқ дарра... дерди. Жаллод қўлига дарра олиб жазолашга киришарди.

Ўйновчиларнинг рольлари ҳарвақт ўзгариб турганлиги ва ўғри янаги гал судья ёки жаллодга айланганлиги сабабли, ўйиннинг қизиғи калтакланиш ва ўч олишнинг навбатланишида эди. Ўз навбатида қутуриб иш кўрган судья ёхуд бераҳм жаллод башарти чақимчи ёки ўғри бўлиб қолгудай бўлса, амалдаги судья ҳам, амалдаги жаллод ҳам юз ҳисса қаттиқ ўч олар, уларнинг ўз навбатида буларга берган жазоларини ўзларига эслатиб қўяр эди.

Екатерина Григорьевна ва Лидия Петровна ҳам йигитлар блан бу ўйинни ўйнашарди, лекин йигитлар уларга рицарьларча муносабатда бўлардилар: ўғри тутилган тақдирда уч-тўртта юмшоқ дарра буюрардилар, айбдорни жазолаш пайтида жаллод унга жуда мулойимлик блан кулиб боқиб, айбдор аёлнинг кафтини дарра блан секин-секин силаб қўяқоларди.

Болалар мен блан ўйнаганларида менинг чидаб туришимга айниқса қизиқардилар, шунинг учун менда сир бой бермасликдан бошқа ҳечқандай чора қолмасди. Судьялик гали келганда мен ўғриларга шундай жазо нормаларини буюрардимки, ҳатто жаллодлар ҳам ваҳимага тушарди, ҳукмни ижро этиш гали менга келганда эса, айбдор эсанкираб:

— Антон Семёнович, бундай қилиш ярамайди! — деб байбайлашга мажбур бўларди.

Лекин шу блан бирга мен ҳам та'зиримни ердим: ҳамиша уйга чап қўлим шишган ҳолда қайтардим; бошқа қўлни тутиш ножўя кўринарди, ўнг қўлим эса ёзув-чизув учун керак эди.

Иван Иванович жур'атсизлик блан хотин-қизлар тактикасини тутди, шунинг учун болалар аввал унга яхши муносабатда бўлдилар. Мен Иван Ивановичга бундай сиёсат нотўғри эканлигини айтдим, йигитларимиз чидамли ва жасур бўлиб ўсишлари кераклигини, улар хавф-хатардан, айниқса жон қойитишдан чўчимасликлари кераклигини унга уқдирдим. Иван Иванович менинг фикримга қўшилмади.

Бир кун кечаси мен у блан бир даврада бўлиб қолдим, менга судьялик роли келганда уни ўн икки қаттиқ дарра уришга ҳукм қилдим, янаги сафар жаллод бўлганимда эса, қўлига дарра блан аямасдан тушираверди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У ғазабланиб, мендан ўч олди. Менинг «меҳрибонларим»дан бири Иван Ивановичнинг бундай хулқини жазосиз қолдираолмади ва уни қўл олмоштиришга мажбур этди.

Иван Иванович янаги кечада «бу ёввойилар ўйини»да қатнашмасликка уриниб кўрган эди, колонистлар пичинг қилиб уни уялтирдилар, шу блан Иван Иванович бундан сўнг синовдан яхши ўтадиган бўлди, судья бўлганда аямайдиган, чақимчи ёки ўғри ролида руҳи тушмайдиган бўлиб қолди.

Кўпинча Осиповлар уйга кўплаб бит илаштириб келишларидан зорланишарди. Мен уларга дедим:

Бит блан уйда эмас, ётоқхоналарда кураш олиб бориш керак...

Биз курашиб ҳам кўрдик. Кўп зўр бериш натижасида ички ва устки кийим-бошларни киши бошига икки жуфтдан қилишга эришдик. Шу устки кийим-бошлар, украинлар айтганидек, «ямоқ устига ямоқ» солинган кийимлардан иборат эди, шундай бўлса, ҳам уларни буғлаш мумкин эди ва бора-бора уларда ҳашаротлар жуда оз қолди.

Тарбиячиларнинг иши расмий суратда бош навбатчилик, ишчи навбатчилик ва кечки навбатчиликка бўлинарди. Ундан ташқари, тарбиячилар ҳар куни эрта блан мактабда ҳам машғулот ўтказардилар. Бош навбатчилик эрта блан соат бешдан кечаси «ухлаш» занги чалингунча давом этар ва бениҳоят оғир иш эди. Бош навбатчи кун бўйи раҳбарлик қилар, овқат берилишини текшириб турар, иш бажарилишини кузатиб борар, ҳархил низо'ларни ҳал қилар, ўринишганларни яраштирар, ўжарларни алдаб-сулдаб йўлга солар, озиқ-овқатга талабнома ёзиб чиқазар ва Калина Ивановичнинг омборяни текширар, ички ва устки кийимларни олмоштиришни кузатар эди. Бош навбатчининг иши кўпайиб кетганидан иккинчи йил бошида тарбиячига ёрдам тариқасида катта ёшдаги колонистлар ҳам навбатчилик қилишадиган бўлди, улар чап енгларига қизил латта боғлаб юришарди.

Ишчи навбатчи бўлган тарбиячи, одатда, колонистлар ёки янги келганлар кўпроқ жойларда бирор ишда қатнашарди, холос. Тарбиячининг ишга қатнашуви чинакам бўларди, бизнинг шароитимизда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Тарбиячилар устахоналарда, ўтин тайёрлайдиган жойларда, дала ва полизларда, ремонт ишида ишлардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечки навбатчилик тез орада оддий бир расмиятга айланиб қолди: барча тарбиячилар — навбатчилар ҳам, навбатчи бўлмаганлар ҳам — кечқурун ётоқхоналарга йиғилишарди. Бу ҳам айтарли бир нарса эмасди, чунки колонистларнинг ётоқхоналаридан бошқа дурустроқ жойимиз йўқ эди. Бизнинг турар жойларимиз ҳечнарсасиз, шип-шийдон бўлиб, ҳувиллар ва кечалари жинчироқларимиз ёруғида бироз қўрқинчли кўринарди, ётоқхоналарда эса кечки нон-чойдан кейин аллақанча хилма-хил латифалар, воқиий ҳикоялар, ҳархил кундалик, фалсафий, сиёсий ва адабий савол-жавоблар, «мушук ва сичқон»дан тортиб «ўғри ва чақимчи»гача турли-туман ўйинлар орзусида колонистларнинг жовдираган кўзлари ва хушчақчақ башаралари бизни сабрсизлик блан кутиб турарди. Яна шу жойда турмушимизнинг юқорида та'риф этилган каби турли ҳолатлари ҳам бирма-бир зикр қилинар, хутордаги қўни-қўшниларни тоза гап-сўз қилинар, ремонт тафсилоти ва бизнинг келгусида иккинчи колонияда бахтиёрлик блан ҳаёт кечиришимиз учун режалар тузилар эди.

Ба'зан Митягин эртаклар айтарди. У эртак айтишга жуда ҳам уста эди. Эртак айтганда театрдаги артист сингари ҳаракатлар, имо-ишоралар блан жуда қойил қиларди. Митягин ёш болаларни севар, унинг эртаклари болаларни завқлантирар эди. Айтадиган эртакларида ғайри табиий нарсалар деярли бўлмас, тентак мужиклар блан ақлли мужиклар, каллаварам дворянлар блан чаккон ва ҳуш'ёр усталар, жасур ўғрилар блан аҳмоқ полиция одамлари, ботир, ғолиб солдатлар блан анқов, тентак поплар бўлгучи эди.

Кечқурунлари ётоқхоналарда кўпинча умумий китобхонлик қилардик. Дастлабки кундан бошлаб бизда кутубхона ташкил этилди, кутубхонага атаб китоблар сотиб олдим ва хусусий хонадонлардан сўраб олдим. Қиш чиқар палласига келиб бисотимизда деярли барча классик асарлар ва кўпгина махсус сиёсий ва қишлоқ хўжалик адабиёти йиғилиб қолди. Губерна халқ маорифи бўлимининг тартибсиз омборларида турли соҳадаги билимларга оид кўпгина оммабоп китобларни тўплаб олишга муваффақ бўлдик.

Китобхонликни кўп колонистлар яхши кўришса-да, лекин ҳаммалари ҳам китоб ўқишни удда қилавермасди. Шунинг учун биз кўпчилик ўртасида баланд овоз блан китоб ўқишни йўлга қўйдик, бунда одатда ҳамма қатна-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шарди. Китобни ё мен ўқирдим ёки Задоров ўқирди, чунки у ўқишга печан эди. Биринчи қиш давомида биз Пушкин, Короленко, Мамин-Сибиряк, Вересаев ва айниқса Горький асарларидан анчасини ўқиб қўйдик.

Горький асарлари бизнинг муҳитимизда кучли, лекин икки ёқлама таассурот қолдирди. Карабанов, Таранец, Волохов ва бошқалар Горькийнинг романтизмига кўпроқ берилиб кетиб, ёзувчининг берган анализига диққат қилишни ҳечбир хоҳламасдилар. Улар «Макар Чудра»ни зўр шавқ-завқ блан тинглашар, Игнат Гордеев образини тинглаганда оҳ тортиб, мушт кўтаришар ва «Архип бобо ва Лёнька» фожиасини эшитганда қайғиришарди. Кекса Гордеевнинг «Бояриня»сини сув бетидаги муз парчалари йўқ қилишига қараб туриш манзараси Карабановга айниқса ма'қул келарди. Семён юзининг мускулларини ишга солиб, бирон фожиага учраган кишидай:

— Ҳақиқий одам экан-да! Қани энди ҳамма одам ҳам шунақа бўлса!— деб завқланарди.

У «Уч киши» повестидаги Ильянинг ҳалокат тарихини ҳам зўр хурсандлик блан тингларди.

— Балли-е, қойилман! Ана бу ҳазилакам ўлиммас: боши блан тошга урилиш...

Митягин, Задоров, Бурун бизнинг романтикларимизнинг хурсандликларини масхара қилиб кулишар ва уларнинг жиғига тегишарди:

— Ҳой, аҳмоқлар, ҳечнима эшитаётганингиз йўқми?

— Мен эшитмаётирманми?

— Эшитаётган бўлсанг керак-а! Хўш, боши блан тошга урилганларнинг нима қизиғи бор экан? Илья деганинг бир аҳмоқ бема'ни одам экан-да... Аллақандай бир хотин унга ликанглаб қараши блан у кўзёши қилипти. Унинг ўрнида мен бўлганимда яна бир бойни янчиб ташлардим, уларнинг барини эзиб-янчиб ташлаш керак, қўйчи, сенинг ўша Гордеевингни ҳам.

«Тубанликда» номли асардаги Лукага баҳо беришдагина иккала томоннинг сўзи бир ердан чиқар эди. Карабанов бошини чайқаб:

— Йўқ, бундай чоллар қув бўлади,— дерди.— Ивирсиб ўтиради-да, бир вақт қарабсанки, ура қочиб, кўздан ғойиб бўпти қўйипти. Бунақаларни ҳам биламан.

— Лука бўлса муғомбир, муттаҳам,— дейди Митягин.— Унинг иши йирик, у ҳамма нарсани билгани учун ҳамма ерда ўз ишини боплаб юради: анқовсираб айёрлик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайтини топиб ўғирлик қилади, кези келганда ўзини оппоқ қилиб кўрсатади. Ана шундоқ қилиб умр кечиради.

«Болалик» ва «Одамлар орасида» номли асарлар ҳаммани жуда ҳайратда қолдирди. Болалар бу асарларни астойдил мароқ блан тинглашар ва соат «ўн иккигача бўлса ҳам» китобхонлик қилишни илтимос қилишар эди. Мен М. Горький ҳаётининг чинакам тарихини ҳикоя қилиб берганимда болалар олдин менга ишонишмасдан, бу тарихга ҳайрон қолишиб, тўсатдан саволга берилиб кетишди:

— Демак, ундай бўлса, Горький бизга ўхшаган экан-да? Ана бунга қарая, қойилман!

Бу савол уларни жуда шодлантирар ва ҳаяжонлантирар эди.

М. Горькийнинг ҳаёти гўё бизнинг ҳаётимизнинг бир бўлагидай бўлиб туйилди. М. Горький ҳаётининг айрим эпизодларини бизда тенглаштириб кўриш учун ўрнаклар, лақаблар учун негизлар, тортишувлар учун режалар, кишининг қадри-қийматини баҳолаш учун ўлчовлар бўлиб қолди.

Биздан уч километр нарида В. Короленко номидаги болалар колонияси жойлашган эди, болаларимизнинг уларга ҳавас блан қарашлари узоқ чўзилмади. Задоров бундай деди:

— Ана шу кичик ёшдагиларнинг короленкочилар деб аталгани жуда яхши. Биз бўлсак — горькийчилармиз.

Калина Иванович бундай деди:

— Мен Короленкони кўрганман, ҳатто у блан гаплашганман ҳам: жуда яхши одам. Сизлар бўлсангиз албатта, назарий томондан ҳам, амалий томондан ҳам ялангоёқларсиз.

Биз колониямизни ҳечқандай расмий қарор ва тасдиқсиз ҳам «Горький намидаги колония» деб атайвердик. Колониямизни шундай деб аташимизга шаҳардагилар бора-бора ўрганиб қолишди ва ёзувчининг номи қўйилган янги печать ва штемпельларимизга қаршилик қилмайдиган бўлиб қолишди. Бахтга қарши, Алексей Максимович блан хат орқали алоқа боғлашни ҳадеганда йўлга қўёлмадик, чунки шаҳаримизда унинг адресини биладиган битта ҳам одам йўқ эди. Фақат 1925 йилда ҳафталик суратли журналда Горькийнинг Италиядаги ҳаёти тўғрисида бир мақола ўқидик, мақолада унинг исми итальянча: Massimo Gorkў деб ёзилган эди. Шундан сўнг

www.ziyouz.com kutubxonasi

биз унга: Italia. Massimo Gorky дейилган жуда ихчам адрес блан биринчи хатни юбордик.

Горькийнинг ҳикояларига ва биографиясига катта ёшдаги болалар ҳам, кичик ёшдаги болалар ҳам қизиқишарди, ҳолбуки кичик ёшдагиларининг деярли ҳаммаси саводсиз эди.

Ёши ўндан ошган болалар бизда тахминан ўн иккита эди. Буларнинг ҳаммаси шўх, питрак, майда-чуйда нарсаларни ўғирлашга чаққон ва ҳамиша исқирт бўлиб юрар эди. Улар колонияга доимо жуда паришон ҳолда келишарди, уларнинг этлари ориқ, ранглари сариғ, баданларига қўтир тошган бўларди. Бизнинг кўнгилли фелдшеримиз ва ҳамширамиз Екатерина Григорьевна улар блан доимо овора-сарсон эди. Унинг характери жиддий бўлишига қарамасдан, болалар доимо пинжига тиқилишарди. У, болаларни оналарча койиб та'лим беришга чечан, уларнинг ҳамма камчиликларини билар, ҳечбирининг сўзига ишонмас эди (мен ҳечқачон ана шу камчиликдан қутулаолмадим), бironта жиноятни ҳам кечирмасди ва ҳарқандай тартибсизликка қарши очиқдан-очиқ ғазабланарди.

Лекин у ҳарбир бола блан энг содда сўзлар орқали одамгарчилик туйғуси блан боланинг турмуши ҳақида, онаси тўғрисида, у катта бўлганда денгизчими, қизил командирми, инженерми бўлиб чиқишини айтарди. Ла'нати, аблаҳ турмушнинг болаларга етказган даҳшатли азоб-уқубатларини батамом англайоларди. Бундан ташқари, уларга пайтини топиб овқат беришни ҳам яхши биларди: озиқ-овқат бўлимининг барча қонун-қоидаларини яширинча бузиб, Калина Ивановичнинг ёвуз синчковлигини биттагина яхши сўз блан енгиб кетаоларди.

Катта ёшдаги колонистлар Екатерина Григорьевна блан ёш болалар ўртасидаги бу алоқани кўриб, унга халақит бермасдилар ва Екатерина Григорьевнанинг, бола обдон чўмилиб бўлгунча, баданига яхшилаб совун суришига қараб туриш, тамаки чекмасин, энгил-бошини йиртмасин, Петька блан уришмасин ва ҳоказо деб қилган илтимосини катта болалар астойдил бажаришга тиришардилар. Кўпинча, Екатерина Григорьевна туфайли колониямиздаги катта болалар доимо кичикларни яхши кўрардилар, уларга ўз акалари сингари ҳамиша астойдил муҳаббат ва ғамхўрлик блан қарардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

11. Қўлга киритилган сеялка

Биринчи колонияда хўжалик ишларини йўлга қўйиб юборишимиз маҳол эканлиги тобора очиқ-равшан кўрина бошлади. Шу туфайли биз иккинчи колонияга, Коломак дар'ёси бўйларига, кўкламда боғ-роғлари чаман бўлиб гуллайдиган ва қора тупроқ ери жимирлаб турадиган жойга кўпроқ э'тибор қиладиган бўлиб қолдик.

Бироқ иккинчи колониядаги ремонт беҳад сезинлик блан борди. Арзимас пулга ёлланган усталарнинг маҳорати қишлоқ типидаги уй солишдан нарига ўтмас эди ва башарти бирорта ҳашамдорроқ бино солишга тўғри келса, таққа тўхтаб қолардилар. Ҳарқанча пулга бўлса ҳам ойна тополмасдик, бизда пулнинг ўзи ҳам йўқ эди. Катта уйлардан икки-учтаси ёз охиридаёқ ҳарқалай эпақага келтирилди, аммо ойнасиз бўлгани учун уларда туриш мумкин эмасди. Кичкина ҳужралардан бирнечасини батамом ремонтдан чиқаздик, аммо уларга дурадгорлар, гилкорлар, печкачилар, қоровуллар кўчиб киришди. Болаларни кўчириб келиш фойдасиз эди, чунки устахона блан хўжалик бўлмагандан кейин уларнинг келишидан фойда ҳам йўқ эди.

Колонистлар иккинчи колонияга кун сайин қатнаб турардилар, ишнинг талайгина қисмини ўшалар бажаришди. Ёзда ўнта бола боғда ишлаб, чайлаларда ётиб юришди. Улар биринчи колонияга арава-арава олма ва нок юбориб туришди. Булар туфайли Трепкелар боғи, гарчи обдон маданий тусга кирмаса ҳам, ҳарҳолда анчагина дуруст бўлиб қолди.

Гончаровка қишлоғининг аҳолиси Трепкелардан қолган бинолариинг вайроналари орасида янги эгаларни, бунинг устига бетайин чувринли ва ишончсиз кишиларни кўриб жуда аччиғландилар. Олтмиш десятина ер учун берилган ордер назаримда гўё яроқсиз бир ҳужжат бўлиб чиқди, чунки Трепкеларга қарашли ҳамма ер, шу жумладан бизнинг участкамиз ҳам, ўн еттинчи йилдан буён деҳқонлар қўлида экан. Шаҳардагилар бизнинг ҳайронлигимиздан жилмайишиб:

— Ордер қўлингизда бўлгандан кейин ер ҳам сизники бўлади: бориб баҳузур ишлайверинг,—дейишди.

Аммо қишлоқ советининг раиси Сергей Петрович Гречаний бошқача фикрда эди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз меҳнаткаш деҳқоннинг батамом қонунга мувофиқ қилиб ер олганлигининг ма'носига тушунасиз, демак, ерни унинг ўзи ишлайверади. Кимда-ким ҳархил ордерлар, қоғозлар ёзаркан, у мутлақо меҳнаткашларга қарши чиққан бўлади. Шунинг учун яхшиси ордерни рўкач қилиб, бу ерга суқилманг.

Иккинчи колонияга борадиган ёлғизоёқ йўллар Коломак дар'ёсига бориб тақалган бўлиб, сувнинг нариги бетига қайиқ блан ўтилар эди. Коломак дар'ёсидан ўтишни ўзимиз бошқарардик ва қирғоқда доимо бизнинг навбатчи қайиқчи колонистимиз турарди. Иккинчи колонияга юк блан ва умуман от блан бориладиган бўлса, фақат Гончаровка қишлоғидаги кўприк орқали айланма йўллар блан бориш мумкин эди. Гончаровкадагилар бизга кечагина душманлик назари блан қарардилар. Йигитлар бизнинг озгина юк блан кетаётганимизни кўриб масхара қилиб кулишарди:

— Ҳой, чувриндилар! Битларингизни кўпритимизга тўкиб кетманг! Бу томонга чакки суқилаётирсиз; барибир сизларни Трепкедан суриб чиқазамиз.

Биз Гончаровкага аҳил қўшнилар сифатида эмас, зўрлик блан бостириб келганлар сифатида жойлашдик. Агар биз ана шу ҳарбий позицияда ўзимизни тутиб туролмаганимизда, ўзимизни курашга қобилиятсиз қилиб кўрсатганимизда эди, мутлақо ердан ҳам, колониядан ҳам ажраб қолардик. Қишлоқ одамлари тортишувнинг канцеляриядa эмас, шу ерда, далада ҳам бўлишини тушунардилар. Улар Трепкелар ерига уч йилдан бери экин экиб келишарди, улар шунча йилдан бери ерни ишлашиб келаётганликларини пеш қилиб, қаршилик кўрсатарди. Улар учун ана шу муддатни, албатта, чўзиш зарур эди, уларнинг муваффақият қозонишга бўлган бутун умидлари ана шу сиёсатда эди.

Худди шу сингари, биз учун ҳам бирдан-бир чора— ерни ишлашга мумкин қадар тезроқ киришиш эди.

Ёзда еримизнинг чегараларини аниқлаб бериш учун землемерлар келишди, лекин ўлчов асбобларини далага олиб чиқишдан қўрқишиб, қайси арықлар, жарлар ва марзалардан бўёғини биз ўз еримиз деб ҳисоблашимиз кераклигини картада кўрсатиб беришди. Мен землемер тузган актни олиб, катта болалардан бирнечаси блан бирга Гончаровкага жўнаб кетдим.

Қишлоқ советининг раиси ўзимизнинг эски танишимиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лука Семёнович Верхола экан. У бизни жуда яхши қарши олди ва қўниб дам олишга таклиф қилди, аммо землемер актига ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

— Азиз ўртоқлар, ҳечнарса қилолмайман. Деҳқонлар ерга кўпдан бери экин қилиб келишади, уларни ранжитгим келмайди. Бошқа жойдан ер сўранг.

Бизнинг далаларимизга деҳқонлар ер ҳайдагани чиқишганда, колония ерини ҳайдаганларга ишҳақи тўланмайди, деган э'лонни осиб қўйдим.

Кўрилаётган чораларнинг аҳамиятига ўзим ҳам ишонмасдим, ишонмаслигимнинг сабаби шу эдики, деҳқонларга, меҳнаткаш деҳқонларга ҳаво каби зарур бўлган ерни улардан тортиб олиш керак, деган тушунча мени гангитиб қўйган эди.

Бирнеча кундан кейин кечқурун ётоқхонада ўтирган эдим, Задоров менинг ёнимга бир қишлоқи йигитчани бошлаб кирди. Задоров негадир қаттиқ ҳаяжонланган эди.

— Мана, сиз бунинг гапини эшитинг, сиз бир эшитиб кўринг-чи!

Карабанов унга қўшилиб гопак рақсидаги сингари аллақандай ҳаракатлар қилди ва ётоқхонани бошига кўтариб:

— Ҳо! Верхолани менинг олдимга келтиринг! — деб қаттиқ бақирди.

Колонистлар бизни қуршаб олишди.

Бу йигит гончаровкали комсомол а'зоси экан.

— Гончаровкада комсомоллар кўпми?

— Биз атиги уч кишимиз.

— Атиги учтами?

— Бизга қийинлигини ўзингиз биласиз,— деди у.— Қишлоқ қулоқлар қўлида, хуторликларнинг дами баландлигини ҳам биласиз. Болалар сизга юборишди:— тезроқ кўчиб боринглар,—шунда иш жойига келади! Йигитларингиз—жанговар йигитлар. Қани энди бизда ҳам шунақалардан бўлса!

— Ер иши чатоқ-ку.

— Мен худди ана шу ер иши блан келдим-да. Зўрлик блан тортиб олаверинг. У сариқ малла Лукага парво қилманг. Сизга тайин қилинган ерлар кимларнинг қўлида эканлигини биласизми?

— Хўш?

— Айт, айт, Спиридон!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Спиридон бармоқларини бирма-бир букабошлади:

— Гречаний Андрий Карпович...

— Андрий бобоми? Вой, унинг бу жойда ери бор-ку.

— Шундай... Гречаний Петро, Гречаний Оноприй, Стомуха, анави, ҳалиги черков яқинидаги Серегани айтаман... Стомуха Явтух ва Лука Семёновичнинг ўзи. Ана шулар. Олти киши.

— Ҳой, нима деяпсиз?! Бу қандай бўлди? Камбағаллар комитетингиз қаерда?

— Камбағаллар комитетимиз кичкина. Воқиа бундай бўлди: анави ер ўзига қолди, у ерда бирнима қилмоқчи бўлишган эди. Қишлоқ совети ўзлариники бўлгани учун ерни бўлашиб олишди. Гап шу!

— Ҳа, энди иш жўнашиб кетади!—деб қичқирди Карабанов.— Қараб тур, Лука!

Сентябрь бошида шаҳардан қайтиб келаётган эдим. Кундуз соат иккилар чамаси эди. Уч қаватли аравамиз секин-аста олдинга юрмоқда, саманинг қилиқлари тўғрисидаги Антон ҳикояси қулоққа чала-ярим эшитиларди. Мен унга ҳам қулоқ солардим, колониянинг турли масалаларини ҳам ўйлаб борардим.

Братченко тўсатдан жим бўлиб қолди, йўл бўйлаб узоқларга қаттиқ тикилди-да, отга бир қамчи берди, шу билан тош йўлда аравамиз шалдираганча кетаверди. Антон бир умр қилмаган қилиғини қилиб, саманни савалар ва менга алланима деб қичқирар эди. Ниҳоят гап нима эканлигини пайқадим.

— Бизникилар... сеялка опкелишипти!

Колонияга томон бурилишда тарақа-туруқ қилиб учиб келаётган сеялка билан уришиб кетишимизга сал қолди. Араванинг ваҳимали товушига ўрганмаган икки жийрон от ўзини йўқотиб, пишқира-пишқира олға қараб чопмоқда эди. Сеялка тош йўлдан тарақ-туруқ қилиб четга чиқди, қум устида товуши бироз секинлашди, колонияга борадиган йўлимизда яна шалдирайбошлади. Антон отлар тизгинини менга ташлаб, аравадан ерга шўнғиди ва сеялка орқасидан қувакетди. Сеялка устида Карабанов билан Приходько тизгинларни таранг тортишгани ҳолда базўр боришарди. Ажиб экипажни Антон зўр-базўр тўхтатди. Ҳаяжон ва чарчашдан нафаси оғзига тиқилган Карабанов бўлиб ўтган воқиаларни гапириб берди:

— Ҳовлида ғишт тахлаётган эдик. Бир вақт қарасак, сеялка билан бирга бешта одам кеккайишиб катта йўлга

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқиб кетишаётир. Биз уларга етиб олиб: тушинглар дедик. Ўзимиз тўрт киши эдик: Чобот ҳам бор эди, яна... ким бор эди?

— Сорока,—деди Приходько.

— Ҳа, Сорока ҳам бор эди. Тушинглар, дедим, барибир экин экмайсиз. Улар ичида лўлига ўхшаган бир қопқораси бор экан... Сиз уни танийсиз... Чоботни қамчин блан бир туширибқолди-ку! Чобот ҳам бўш келмай, унинг лунжига туширди. Шу топда, қарасак, Бурун таёқ блан чопиб келаётир. Мен отнинг жиловидан ушлаган эдим, раис ёқамга ёпишди...

— Қайси раис?

— Қайси бўларди дейсиз! Ўзимизнинг малламиз, Лука Семёнович. Приходько унинг орқасидан келасолиб бир тепган эди, у шудгорга муккаси блан йиқилиб тушди. Мен Приходькога: сеялкага ўзинг ўтириб ол, дедим, шу блан олатасир қочдик! Гончаровкага чиқсак, йўлда йигитлар туришган экан, қаёққа?, деб сўрашди... Мен отларни савалаб, чоптириб кўприкка олиб чиқдим, ундан тош йўлга ўтдик... Учта одамимиз у ерда қолди, анави амакилар уларни боплаб калтаклаган бўлмаса яхши эди.

Суюнганидан Карабановнинг бутун вужуди дир-дир титрарди. Приходько қоғозга секин-аста тамаки ўрар экан, жилмайиб турарди. Мен бу ажойиб қиссанинг кейиндан келадиган бобларини: комиссиялар, сўроқ беришлар, қатновлар ва ҳоказоларни кўз олдимдан бирма-бир ўтказдим.

— Жин урсин сизларни, яна шўйқон бошлабсизлар-да!

Карабанов менинг норозилигимни кўриб, қаттиқ саросимага тушиб қолди:

— Ахир энг аввал улар...

— Ҳа, яхши, колонияга боринглар, ўша ерда гаплашамиз.

Колонияда бизни Бурун кутиб олди. Пешонаси катта гурра бўлти, ён-веридаги болалар хахолашиб кулишди. Сувли бочка ёнида Чобот блан Сорока ювинмоқда эди.

Карабанов Бурунниинг елкасидан тутиб:

— Хўш, жуптакни ростладингми? Қойилман!— деди.

— Улар сеялканинг кетидан югуришди, кейин қарашсаки, ҳеч иш чиқмайдиган, шундан сўнг бизни қувакетишди. Роса югурдик-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Улар қаерда?

— Биз қайиқда эканлигимизда, улар қирғоқда сўкинишаётган эди. Биз уларни ўша ерда қолдириб келаверди.к.

— Колонияда болалар қолдими?— деб сўрадим.

— У ерда кичкина болалар қолди: Тоська блан яна иккитаси. Уларга ҳечким тегмайди.

Бир соатдан кейин колонияга Лука Семёнович блан икки қишлоқи келди. Болалар уларни очиқ чеҳра блан кутиб олишди.

— Хўш, сеялкагамы?

Кабинет ичи манфаатдор шахслар блан лиқ тўлган, аҳвол оғир эди.

Лука Семёнович стол ёнига ўтириб, сўз бошлади:

— Мени ва яна икки кишини дўппюслаган йигитларни чақиринг.

— Гапимга қулоқ солинг, Лука Семёнович,— дедим унга.— Сизни дўппюслашган бўлса, истаган жойингизга бориб арз қилаверинг. Ҳозир мен ҳечкимни чақирмайман. Айтинг-чи, снзга яна нима керак ва колонияга нега келдингиз?

— Демак, сиз йигитларни чақиришдан бош тортасизми?

— Шундай.

— Ҳа-ҳа! Демак, бош тортасизми? Демак, бошқа жойда гаплашар эканмиз-да.

— Яхши.

— Сеялкани ким беради?

— Кимга?

— Мана бу эгасига.

У ишора блан қопқора, сочлари ҳурпайган ва қовоқтумшуғи осилган лўлибашара бир кишини кўрсатди.

— Шу сеялка сизникими?

— Меники.

— Менга қаранг: сеялкани бировнинг даласига беижозат чиқазилган пайтда ушлаб олинганлиги учун милицияга юбораман, сиздан эса фамилиянгизни айтишингизни сўрайман.

— Менинг фамилиямми? Гречаний Оноприй. Нега бировнинг даласи бўлар экан? Ўзимнинг далам. Илгаридан ўзимники эди...

— Хўп, бу тўғрида бошқа жойда гапирилади. Ҳозир биз ўзбошимчалик блан далага чиқилганлиги ва унда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлаб турган тарбияланучиларнинг ўласи қилиб дўпписланганлиги тўғрисида акт тузамиз.

Бурун лип этиб олдинга ўтди.

— Мени сал бўлса ўлдириб қўяй деган одам худди мана шу эди!

— Сен кимга керак эдинг?.. Сени ўлдириш-а? Оғзим бор деб гапираверасанми!

Суҳбат шу тахлитда узоққа чўзилди. Кундузги ва кечки овқатлар вақти ўтиб кетганлигини ҳам унутиб қўйибман. Колонияда ухлашга занг чалинса ҳамки, қишлоқилар блан бизнинг гоҳ тўғриликча, гоҳ дўқ-пўписа блан, гоҳ пичинг ва киноялар блан қилаётган суҳбатимиз ҳадеганда тамом бўлавермади.

Мен қаттиқ туриб олдим, сеялкани бермаслигимни айтдим ва акт тузилишини талаб қилдим. Хайриятки, қишлоқиларда муштлашувнинг ҳечқандай асари йўқ эди, колонистлар бўлса кўкарган ва қирилган жойларини пеш қилардилар. Ишни Задоров ҳал қилди. У кафти блан столга бир уриб, деди:

— Бас энди, амакилар! Ер бизники, сизлар яхшиси биз блан ижикилашиб ўтирманглар. Далага сизларни қадам бостирмаймиз. Биз эллик кишимиз, йигитларимиз жасур йигитлардир.

Лука Семёнович узоқ фурсат хаёл суриб қолди, ниҳоят соқолини силаб туриб, деди:

— Ҳа... ана, сиз айтганча бўлақолсин! Жилла қурса ҳайдов ҳақини тўланглар.

— Йўқ,— дедим совуққина.— Мен огоҳлантирганман. Яна жимлик чўкди.

— Қани энди, сеялкани беринг.

— Землемерлар актига қўл қўйинглар.

— Хўп... актни беринг.

Кузда биз экинни ҳарқалай иккинчи колонияда экдик. Ҳаммамиз агрономлик қилавердик. Калина Иванович қишлоқ хўжалиги ишларини тузук билмасди, бошқалар ундан камроқ билсалар ҳам, плуг ҳамда сеялка блан ишлашга Братченкодан бошқа ҳаммаларининг хоҳиши бор эди. Братченко қайғирар, ғаши келар, ерга ҳам, жавдарига ҳам, бизнинг астойдил ишлашимизга ҳам ла'нат ўқирди.

— Худди нон етишмагандай, жавдари экишни истаб қолишипти!

Саккиз десятина ердаги экин октябрьда ям-яшил

www.ziyouz.com kutubxonasi

майса бўлиб қолди. Калина Иванович учига резинка қалпоқча кийгизилган ҳассаси блан осмоннинг шарқ томонига мағрурона ишора қилиб туриб:

— Биласанми, анави ерга ясмиқ сепиш керак. Ясмиқ яхши нарса бўлади,— деди.

Саман блан Шўх бия баҳорикор ерда ишлар, Задоров эса кунига кечқурун ҳориб-чарчаб, чанг-чунг бўлиб қайтар эди.

— Падарига қусур, деҳқончилик оғир бўларкан. Яна темирчиликка қайтаман.

Ишимиз яримлашган пайтда қор ёғиб қолди. Қор биринчи марта ёққани учун иш унча оғир туйилмади.

12. Братченко ва район озиқ-овқат коммиссари

Хўжалигимиз му'жизалар ва азоб-уқубатлар блан ривожланиб борди. Қайсибир идора тарқатилганда, Калина Ивайович қандайдир йўл блан қари бир сигирни сўраб олди, Калина Ивановичнинг та'бирича, бу сигир «азалдан қисир» экан; биздан анча узоқдаги бир хўжалик муассасасидан жуда қариб қолган катта қоринли, ётоғон ва ялқов қора бияни му'жиза блан топиб келтиришди; саройларимизда му'жиза блан тўрт ғилдиракли, икки ғилдиракли аравалар ва ҳатто фойтун пайдо бўлабошлади. Фойтун қўш отга мўлжалланиб ясалган бўлиб, ўша вақтдаги дидимизча жуда чиройли ва қулай эди, аммо бу фойтун учун мос келадиган бир жуфт от топишга ҳеч қандай му'жиза ҳам ёрдам беролмади.

Старший отбоқар Гуд этикдўзлик ишхонасига кетгандан сўнг унинг шу ўрнини эгаллаган сергайрат ва гердайган Антон Братченко аллақанча ноқулайликларни бошдан кечирди: у ажойиб экипажнинг ўриндиқларида ўтирарди; фойтунга қўшилган отларнинг бири — Саман, баланд бўйли озғин бўлиб, иккинчиси чалишоёқ, паклакана Шўх бия эди. Антоннинг бу қора бияга Шўх деб исм қўйиши мутлақо тўғри келмасди, чунки у ҳар қадамда қоқилар, ба'зан ҳатто йиқилар эди; бундай ҳолларда бизга извошчилар ва боқимсизларнинг кулги ва мазахларини эшитган ҳолда, шаҳар ўртасида, бузилган хотиржамликни тиклаш блан шуғулланишга тўғри келарди. Антон масхара ва кулгиларга кўпинча тоқат қилолмай,

www.ziyouz.com kutubxonasi

хира тамошабинлар блан роса жанг қилар ва бу блан Горький номидаги колонияга қарашли отхонанинг обрўси тўкилишига сабаб бўларди.

Антон Братченко ҳарқандай курашга ҳам ўлгудай ўч эди, ҳарқанақа душман блан баҳслашишни удда қилар, бунинг учун унинг асраб қўйган ғалати-ғалати сўзлари, турли-туман афт бужрайтиришлари бор эди.

Антон боқимсизлардан эмасди. Отаси шаҳарда нонвой бўлиб хизмат қиларди, онаси ҳам бор эди, шундай қилиб, у ўша муҳтарам ота-онасининг биттаю-битта арзандаси эди. Броқ Антон ёшлик чоғиданоқ уйини ёқтирмас, уйида фақат кечаси бўларди, шаҳардаги боқимсизлар ва ўғрилар блан жуда апоқ-чапоқ бўлиб юрарди. У жасурлик талаб қиладиган бирнеча ажойиб воқиаларда ўзини кўрсатди, бирнеча марта қўлга тушиб қамалгандан кейин, охирида колонияга келиб қолди. Унинг ёши атиги ўн бешда бўлиб, ўзи яхши, сочлари жингалак, кўзлари кўк, қадди-қомати келишган эди. Антон бениҳоят серулфат бўлиб, бир минут ҳам ёлғиз туролмасди. У қаердадир саводини чиқазган, олди-қочди адабиётнинг ҳаммасини билар, лекин ўқишга ҳеч тоқати йўқ эди, шу сабабли мен уни дарс столига зўр блан ўтқизишга мажбур бўлдим. Дастлабки пайтларда колониядан ҳадеса кетиб қолаверар, аммо икки-уч кунда яна қайтиб келар ва бунда ўзини ҳечбир айбли деб сезмас эди. Дайдиликка бўлган интилишини унинг ўзи ҳам енгишга уринар ва мендан ҳам:

— Сиз менга қаттиқроқ туринг, барака топкур, Антон Семёнович, бўлмаса саёқ бўлиб кетишим аниқ гап,— деб илтимос қилар эди.

Колонияда у ҳечнарса ўғирламас, ҳақиқатпарвар эди, лекин интизом логикасини англашга мутлақо қобилиятсиз эди. У ҳарбир айрим ҳолда, ба'зибир вазият блан келишган тақдирдагина, интизом логикасини қабул этар эди. Колония тартибларида у ўзи учун ҳечқандай мажбуриятни тан олмас ва буни яширмас эди. Мендан бироз ҳайиқарди, лекин панд-насиҳатларимни ҳам охиригача тингламас, қизғин нутқ блан сўзимни бўлар, ўзининг жуда кўп душманларини турли ножўя ҳаракатларда, менга лаганбардорликда, маза-бемаза иғво тарқатишда, хўжаликка қарамасликда айблар, ўзи йўқ душманларга қамчи ўқталар, эшикни тарсиллатиб ёпиб, кабинетимдан ғазаб блан чиқиб кетар эди. Тарбиячиларга ҳаддан ташқари қўпол муомала қилса ҳамки, унинг қўполлигида доимо ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лақандай ёқимтойлик сезилиб турарди, шунинг учун тарбиячиларимиз ранжишмас эди. Унинг гапларида, хатти-ҳаракатида безорилик асари бир ёқда турсин, ҳатто оддий қилиги совуқлик ҳам сезилмас эди, хуллас унда одамгарчилик ҳисси, фазилати жуда устун турарди. У ҳечвақт ўжарлик қилиб тортишмас эди.

Колонияда Антоннинг отларни яхши кўриши ва отбоқарлик ишига ҳаваси борлиги сал фурсатда ма'лум бўлиб қолди. Бунчалик эҳтирос туғилганлигининг сабабини англаш қийин эди. Антон ўзининг зиҳний қобилияти жиҳатидан кўпгина колонистлардан аллақанча юқори турарди, шаҳар шевасида тўғри гапирарди, фақат олифталик учун ора-сира украинча сўз ва ибораларни ҳам ишлатиб қўярди. У кийим-бошни авайлаб ва озода тутишга интилар, кўп мутолаа қилар ва китоб тўғрисида сўз юритишни севар эди. Бу айтилганларнинг ҳаммаси унинг кечаю-кундуз отхонадан ташқари чиқмаслигига, гўнг тозалашига, ора-сира отларни аравага қўшиш ва аравадан чиқариш, қуйиншқон ёки юганни артиб тозалаш, қамчин тўқиш, ҳар қандай об-ҳаво шароитида шаҳар ёки иккинчи колонияга қатнаш ва доимо очин-тўқин юришига халақит бермас эди, чунки у кундузги овқатни ҳам, кечки овқатни ҳам ўз вақтида еёлмасди, башарти унга овқат олиб қўйишни унутишган бўлса, овқатни эсига ҳам келтирмасди.

У отбоқар бўлиб турганда доимо Калина Иванович блан, темирчилар блан, омборчилар блан ва от-аравада бирор ёққа бормоқчи бўлган ҳарбир киши блан тинмай жанжаллашарди. Арава қўшиб бирор ёққа бориш учун берилган буйруқни у отларни аямасликни хотирлатиш, Саман ёки Кичкинтойнинг елкасини ягир қилганликларини айтиш, ем-хашак ва тақа темири талаб қилиш блан тўлиб тошган узундан-узоқ койинишдан кейингина бажарарди. Ба'зан колониядан бирор ёққа улов блан бориш мумкин бўлмай қоларди, чунки на Антонни, на отларни ва на уларнинг қаердалигини топиб бўларди. Колониядагиларнинг ярмини ишга солиб узоқ вақт қидиртирилгандан кейин уларнинг ё Трепкеда ёки яқин орадаги ўтлоқда эканлиги ма'лум бўларди.

Антонни икки-учта ўсмирдан иборат бир штаб доимо қуршаб юрарди. Антон отларни қанчалик яхши кўрса, булар ҳам Антонни шунчалик яхши кўришарди. Братченко уларни жуда қаттиқ интизомда сақларди, шунинг учун отхонада ҳамиша намунавий тартиб сақланарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

отхона ичи доимо озода, эгар-жабдуқ тартиби блан жойжойига қўйилган, аравалар бир қаторда чизилишиб турар, отларнинг бошлари тепасида ўлик зағизғонлар осилиб ётар, отлар қашилаб тозаланган, ёллари ўриб қўйилган, думлари тугилган бўларди.

Июнь ойида, бир кун кечқурун аллавақтда, ётоқхонадан бирнеча киши менга югуриб келди.

— Козирь касал бўлиб қолди, ўлиш олдида.

— «Ўлиш олдида»си нима?

— Ўлиш олдида: танаси иссиғу, нафас олмаётир.

Екатерина Григорьевна Козирьнинг юрак касали тутиб қолганлигини тасдиқлаб, тездан врач топиб келиш зарурлигини айтди. Антонга одам юбордим. У келди, лекин менинг ҳарқандай фармойишимни бажаришга қарши бир кайфиятда эди.

— Антон, дарров аравани қўш, тезроқ шаҳарга бориш...

Антон сўзимни тамом қилишимга қўймади.

— Ўзим ҳам ҳечқаерга бормайман, отларни ҳам бермайман!.. Отларни кун бўйи ўлгудай ишлатишипти, мана, қаранг: ҳали ҳам тери қотгани йўқ... Бормайман!

— Докторга деялман, тушунаяпсанми?

— Касалларингиз блан неча пуллик ишим бор! Саман ҳам касал, унга ҳечким доктор олиб келаётгани йўқ-ку.

Қаттиқ ғазабландим:

— Отхонани дарҳол Опришкога топшир! Сен блан иш қилиб бўлмас экан!..

— Зарари йўқ, топширсам топшираверайман-да! Отаравани сиз блан Опришко икковингиз эплаганингизни кўрармиз. Сизга ҳарким: касал, ўлиш олдида сингари ҳархил гап қилса, ишонаверасиз. Отларнинг ўлик-тириги блан ҳечкимнинг иши йўқ... Қирилиб кетса ҳам майли эканда, мен барибир отларни бермайман.

— Эшитдингми? Сен энди старший отбоқар эмассан, отхонани Опришкога топшир... Тездан!

— Ҳали ҳам топшираман... Истаган киши топширавериин, мен колонияда туришни хоҳламайман.

— Хоҳламасанг — керагинг йўқ, сени биров тутиб тургани йўқ.

Антон кўзларидан ёшларини оқизган ҳолда чуқур чўнтагига қўл солди-да, бир даста калитни олиб, стол устига қўйди. Хонага Антоннинг энг яқин ёрдамчиси Опришко кирди ва йиғлаб турган бошлиғига ҳайрон бўлиб қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Братченко унга нафрат блан қаради, бирнима демоқчи ҳам бўлдию, лекин индамасдан бурнини енги блан артиб, чиқиб кетди.

У колониядан ўша куни кечқурун кетиб қолди, лоақал ётоқхонага ҳам кирмади. Докторни келтириш учун шаҳарга кетишаётганида, унинг тош йўлда пиёда кетаётганини кўришипти; у ҳатто аравага чиқазиб олишларини ҳам илтимос қилмапти, чақиришса — қўл силтаб қўяқолипти.

Икки кундан кейин кечқурун менинг хонамга Опришко йиғлаган ҳолда югуриб кирди, унинг афт-башараси қип-қизил қонга бўялган эди. Нима ҳодиса бўлганини сўраб бўлмасимдан илгари кетма-кет, колония навбатчиси Лидия Петровна ҳовлиқиб кириб келди.

— Антон Семёнович, отхонага югуринг: унда Братченко, билмадим негадир, бир бало қилаётир...

Отхонага бораверишда иккинчи отбоқарни, бутун ўрмонни бошига кўтариб бўкираётган баланд бўйли Федоренкони учратдим:

— Нима бўлди сенга?

— Кўрмайсизми... наҳотки шундай қилса? Лунжимга тиркиш блан шундай туширдики...

— Ким? Братченкоми?

— Братченко-да...

Отхонада Антон блан яна бир отбоқарнинг зўр бериб ишлашаётганини кўрдим. Антон мен блан истар-истамас сўрашди, лекин орқамда Опришко турганлигини кўриши блан, мени унутиб, унга ёпишакетди.

— Яхшиси шуки, сен бу ерга қадам босма, бўлмаса барибир тиркиш блан соламан! Сендақа аравада ялла қиладигандан хафа бўлдиму! Буни қаранг, Саманни шу аҳволга солиб қўйипти!

Антон бир қўлига пониз тутиб, иккинчиси блан мени етаклаганича Саман ёнига олиб борди. Дарҳақиқат, отнинг елкаси каттагина ярир эди, аммо ярага оқ латта ёпиштирилган бўлиб, Антон уни авайлаб кўтариб қаради-да, яна жойига ёпиштириб қўйди.

— Ксероформ сепдим,— деди жиддият блан.

— Ҳарқандай бўлса ҳам, ўзингча отхонага келиб, бировни уришга, муштлашишга нима ҳақинг бор эди?..

— Шу блан у мендан қутулади, деб ўйлайсизми? Яхшиси кўзимга кўринмасин: барибир ураверaман!

Отхона дарвозаси олдида турган бир тўда колонистлар хахолаб кулишарди. Антонга аччиқ-тизиқ гап қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишга менда куч бўлмади: у отга жабр қилинганига ва ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонган эди.

— Бери қара, Антон, болаларни урганинг учун бугун кечқурун менинг хонамда қамоқда ўтирасан.

— Вақтим бор эканми?

— Кўп валдирама!— деб ўшқирдим унга.

— Ҳа, майли, бир камим аллақаерларда ўтиришим қолган экан...

У кечқурун олдимда, ўшшайиб, китобча ўқиб ўтирди.

1922 йилнинг қиш фаслида мен блан Антон учун оғир кунлар бошланди. Калина Ивановичнинг серқум далага ўғитсиз-бошқасиз сепган сулиси деярли дон ҳам, пюя ҳам бермади. Ўша пайтларда бизда ўтлоқ йўқ эди. Январьга келиб молларимиз ем-хашаксиз қолди. Бир амаллаб кун ўтказишга тўғри келди, гоҳ шаҳардан, гоҳ қўни-қўшнилардан хашак тиладик, аммо тез орада буни ҳам бермай қўйишди. Озиқ-овқат тақсим қиладиган идораларга Калина Иванович иккимиз ҳарқанча қатнасак ҳам, ҳаракатларимиз бекор кетди.

Ниҳоят, иш чаппасига кетди. Братченко отларнинг кечадан бери ем-хашаксиз қолганлигини айтиб, кўз ёши қилди. Мен индамадим. Антон йиғлаб, сўкиниб, отхонани тозалар, унинг бундан бошқа қиладиган иши ҳам йўқ эди. Отлар ерда чўзилиб ётар, Антон бу ҳолга ҳечбир тоқат қилолмас, ҳаммага кўрсатиб зорланар эди.

Эртасига Калина Иванович шаҳардан тутақиб, бўғилиб қайтди.

— Нима қилсак экан! Беришмади... Нима қилайлик? Антон эшик ёнида индамай турар эди.

Калина Иванович қўлларини кериб Братченкога қаради-да:

— Уғирликка бориш керакми, нима қилиш керак? Нима қилсак экан?.. Ҳайвон боёқишнинг тили бўлмаса,— деди.

Антон эшикни зарб блан очиб, хонадан чиқиб кетди. Орадан бир соатча ўтгач, унинг колониядан чиқиб кетганини айтдилар.

— Қаёққа?

— Ким билади дейсиз!.. Ҳечкимга ҳечнима дегани йўқ

Эртасига у колонияга битта қишлоқ одами блан бир арава хашак олиб келди. Қишлоқ одамининг эгнида янги кийим, бошида яхши телпаги бор эди. Ғилдираклар ўққа яхши ўрнатилганлиги учун хашак ортилган арава

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғалати овоз чиқазиб тўқиллаб келар, отлари эса ялтирарди. Қишлоқ одами Калина Ивановични хўжайин деб билди шекилли:

— Бола йўлда келаётганимизда озиқ-овқат солиғи қабул қилинади, деган эди...— деб қўйди.

— Қанақа бола?

— Шу ерда эди... Бирга келган эди...

Антон отхонадан мўралаб, менга аллақандай тушуниб бўлмайдиган имо-ишоралар қилди.

Калина Иванович хижолат тортиб трубкага тутинди ва мени бир чеккага бошлаб бориб:

— Нима қилсак экан? Кел, шу юкни тушириб олайлик-чи, кейинчалик бир гап бўлар-кетар,— деди.

Мен гапнинг тагига етдим.

— Бу қанча?

— Йигирма пудча келар. Тортиб кўрганим йўқ.

Шу орада Антон ҳозир бўлиб, қаршилик билдирди:

— Йўлда ўзи ўн етти пуд деган эди, энди йигирма пуд бўптими? Ўн етти пуд.

— Ағдаринг. Канцелярияга кириб тилхат олинг.

Канцелярияда, я'ни колония бинолари орасидан ўзим учун ажратиб олган кичкинагина кабинетчада, мен жиноий қўл блан бланкамизга, гражданин Ваць Онуфрийдан унинг тўлаши лозим бўлган ем-хашак солиғи ҳисобига ўн етти пуд сулипоя қабул қилинди, деб тилхат ёздим. Сўнгра имзо қўйиб, печать босиб бердим.

Ваць Онуфрий икки букилиб та'зим қилди ва аллонима учун ташаккур билдирди.

Жўнаб кетди. Братченко отхонада ўзининг ҳамма шериклари блан астойдил ишга киришиб кетди, ҳаттоки ашула ҳам айтиб юборди. Калина Иванович қўлларини ишқалаб, айбдордек кулиб:

— Бунинг учун сен балога қолмасанг яхши эди, лекин нима ҳам қилиш мумкин? Ҳайвон хароб бўлсинми. У ҳам давлатники, ҳаммаси бир...— деди.

— Нега у акамиз бунчалик хурсанд бўлиб қайтди?— деб сўрадим Калина Ивановичдан.

— Сен нима деб ўйлаяпсан? Унинг шаҳарга бориши керак эди, шаҳар эса баландликда, яна у ерда навбат кутар эди, олиб келган юкини у, паразит, ўн етти пуд деди, ҳечким текшириб ҳам кўрмади, эҳтимол ўн беш пуддир.

Орадан бир кун ўтгач, ҳовлимизга яна бир арава пичан келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мана ем-хашак солиғи. Ваць шу ерда сизларга топширган экан...

— Фамилиянгиз нима?

— Мен ҳам Вацьларданман. Ваць, Степан Ваць бўламан.

— Ҳозир.

Маслаҳатлашиш учун Калина Ивановични қидириб кетатуриб, Зинапояда Антонга дуч келиб қолдим.

— Ем-хашак солиғи тўлайдиган йўлни кўрсатиб қўйдинг, мана энди...

— Олиб қолаверинг, Антон Семёнович, йўлини қилармиз.

Қабул қилишни ҳам, қабул қилмасликни ҳам иложи йўқ эди, чунки, нима учун Вацьларнинг биридан қабул қилдиларингизу, бошқасидан қабул қилмадингиз?— деб сўрашлари мумкин эди.

— Бор, пичанни қабул қилиб ол, мен унгача тилхат ёзиб тураман.

Биз яна икки арава хашак ва қирқ пудча сули қабул қилдик.

Жазони минг хавф-хатар блан кутиб юрдим. Антон менга тикилиб-тикилиб қараб, оғзининг бир бурчи блан билинар-билинмас жилмаярди. Лекин у от-аравани ишлатучиларнинг ҳаммаси блан курашишни барҳам берди, юк ташиш нарядларини бажонидил бажарди ва отхонада баҳодирларча ишлади.

Ниҳоят мен қисқа, лекин ма'нодор сўроқ хати олдим:

«Колониянинг қайси асосга биноан ем-хашак солиғи қабул қилаётганлигини дарҳол ма'лум қилишни таклиф этаман.

Район озиқ-овқат комиссари *Агеев*».

Олинган қоғозни Калина Ивановичга ҳам билдирмадим. Жавоб ҳам қайтармадим. Нима деб ҳам жавоб қайтарардим?

Апрельда колонияга иккита қора от қўшилган тачанка учиб келди, кабинетимга эса қути учган Братченко югуриб кириб:

— Буёққа келаётир,— деди, энтикиб.

— Ким у?

— Ем-хашак важидан келгандир-да... Баджаҳл экан.

У печка ёнига ўтириб, жим бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Район озиқ-овқат комиссари оддий бир киши бўлиб, устида тери куртка, ёнида тўппонча, ўзи ёш ва зуккогина одам эди.

— Мудир сизмисиз?

— Мен.

— Мен юборган сўроқ хатни олдингизми?

— Олдим.

— Нега жавоб ёзмайсиз? Бу нимаси, ўзимнинг келишим шартми! Ким сизга ем-хашак солиғини қабул қилишга ижозат берди?

Биз ем-хашак солиғини ижозатсиз қабул қилаверадик.

Район озиқ-овқат комиссари стулдан ирғиб туриб, бақиракетди:

— Нега «ижозатсиз» қабул қиласиз?! Бунинг оқибати нима бўлишини биласизми?! Сиз ҳозир қамоққа олинасиз, буни биласизми?

Мен буни билардим.

— Гапингизни қисқа қилинг,— дедим район озиқ-овқат комиссарига,— мен бу ерда ўзимни оқлаётганим йўқ, важ-баҳона ҳам қилаётганим йўқ. Кўп бақиравермант. Нимани лозим кўрсангиз, шуни қилаверинг.

У соддагина кабинетимнинг у бурчидан бу бурчига юриб туриб:

— Бу қандай бема'нилик!— деб гўё ўзича тўнғиллар ва отга ўхшаб пишқирар эди.

Антон печка орқасидан чиқиб, горчицадай аччиқ, баджаҳл комиссарга тикилиб турди. У тўсатдан паст овоз блан қўнғиз сингари ғинғиллаб, деди:

— Отларнинг тўрт кундан бери оч ётганини кўрган ҳарқандай одам ҳам ем-хашак солиғими, бошқами деб қараб ўтирмасди. Агар сизнинг қора тўриқларингизга тўрт кун оч, газет ўқишга тўғри келганда эди, сиз колонияга учиб келаолармидингиз?

Агеев ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди:

— Сен кимсан ўзинг? Бу ерда сенга нима керак?

— Бу бизнинг старший отбоқаримиз, у бирмунча манфаатдор шахс,— дедим.

Район озиқ-овқат комиссари хона бўйлаб яна юра-бошлади ва тўсатдан Антон рўпарасида тўхтаб:

— Ҳеч бўлмаса даромад дафтарига тиркаганмисизлар? Нималигини билиб бўлмайди!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Антон менинг столим ёнига югура келиб, ҳовлиққан ҳолда шивирлади:

— Дафтарга тиркалган шекиллик, Антон Семёнович? Агеев блан иккимиз кулиб юбордик.

— Тиркалган.

— Бунақа яхши йигитчани қаердан топкансиз?

— Ўзимиз ясаймиз,— дедим кулиб.

Братченко район озиқ-овқат комиссарига қараб, жиддий равишда, ёқимтойлик блан ундан сўради:

— Қоратўриқларингизга ем-хашак берайми?

— Ҳа, майли, берақол.

13. Осадчий

1922 йилнинг қиши ва баҳорида Горький номидаги колонияда даҳшатли офатлар бўлиб ўтди. Бу офатлар деярли тўхтовсиз бирин-кетин келаверди ва улар ҳозирда менга бахтсизликнинг аллақандай яхлит тўдасидай бўлиб туйилади.

Броқ, ўша кунлар ҳарқанча оғир ва машаққатли бўлганлигига қарамай, хўжалигимизнинг ҳам, соғлиримизнинг ҳам ривожланиш даври эди. Мантиқий жиҳатдан бу ҳодисалар қандай юз берганини ҳозир айтиб беролмайман,— лекин улар бирин-кетин рўй бераверган эди. Колонияда одатдаги кун ўша вақтда ҳам ажойиб кун бўлиб, меҳнат, ишонч, инсоний ўртоқлик ҳисси блан ва доимо ўйин-кулги, ҳазил-ҳузил, руҳий кўтаринкилик ва жуда яхши, тетик кайфият блан тўлиб тошган эди. Шу блан бирга, анчики сабаб блан, биз қаттиқ хафа бўлмаган ҳафта ҳам йўқ эди. Бундай пайтларда биз кулфатни шу қадар оғир сезардикки, натижада олам кўзимизга тор бўлиб, дунёга касал кишидай қарайдиган бўлиб қолардик.

Тўсатдан орамизда антисемитизм борлиги очилиб қолди. Шу чоққача колонияда яҳудийлар йўқ эди. Кузда колонияга дастлаб бир яҳудий, кейин бирин-кетин яна бирнеча яҳудий қабул этилди. Улардан бири негадир илгари губерна қидирув бўлимида ишлаган экан, ана шуни бизнинг болалар ғазаб остига олган экан.

Антисемитизм намоён бўлишида мен олдин ким кўпроқ, ким озроқ айбдор эканини ҳам фарқ қилолмадим. Янги келган колонистларнинг антисемит бўлишларига тўғридан-тўғри сабаб шу эдики, улар ўзларининг хулиган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик инстинктлари учун қулай об'ектлар топиб олганди-лар, каттароқлари эса яҳудийларни ҳўрлаш, мазах қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга эдилар.

Биринчи яҳудийнинг фамилияси Остромухов эди.

Остромуховни унар-унмасга уравердилар. Колонияда ёлғиз Остромуховнигина эмас, Шнайдерни ҳам Глейзерни ҳам, Крайникни ҳам тутиб олиб ураверишу, ҳар қадамда ҳўрлаш, яхши камарини ёки бут-бутун оёқ кийимини ечиб олиб, унинг ўрнига ярамас, йиртиғини бериш, бирор қувлик ишлатиб овқатсиз қолдириш ёки овқатни расво қилиш, ҳадеса жиғига тегавериш, турли хил ярамас сўз-лар блан ҳақорат қилиш ва ҳаммадан ёмони — доимо хавф-хатарда тутишлар даҳшатли ёвузлик бўлиб қолган эди. Бу ярамас хулқларга қарши курашиш бениҳоят қи-йин бўлиб кўринди. Бу ишларнинг ҳаммаси батамом махфий суратда, жуда эҳтиётқорлик блан қилинар, чунки яҳудийлар аввало ўлгудай қўрқитилар ва шу сабабли шикоят қилмасдилар. Фақат бошқа хил белгилардан, я'ни яҳудийларнинг ма'юсликларидан, уларнинг индамай ва ҳадиксираб юришларидан пайқаш мумкин эди, бунинг устига энг узоқ йўллар блан, энг сезгир болаларнинг тар-биячилар блан қилган дўстона суҳбатлари орқали ба'-зибир миш-мишлар қулоққа чалинарди.

Ҳарҳолда, бутун бошли бир тўда колонистларни мунта-зам равишда хўрлашни педагогика ходимларидан бата-мом яшириш мумкин эмасди, ниҳоят, вақти келиб, колонияда антисемитизмнинг авж олганлиги ҳечким учун сир бўлмай қолди. Зўравонлар рўйхати ҳам аниқланди. Бўлар ўзимизнинг эски танишларимиз: Бурун, Митягин, Волохов, Приходько эди, лекин бу ишларда анча жиддий рольни ўйнаганлар икки киши: Осадчий блан Таранец эди.

Тийраклик, ҳуш'ёрлик ва ташкилотчилик қобилиятлари Таранецни аллақачонлар колонистларнинг олдинги саф-ларига чиқазиб қўйган бўлса ҳам, брок янада ёши катта-роқ болаларнинг келганлиги Таранецнинг эркин ҳаракат қилишига йўл бермас эди. Эндиликда устунлик қозониш учун унга яҳудийларни қўрқитиш, хўрлаш керак бўлиб қолди. Осадчийнинг ёши ўн олтилар чамасида бўлиб, балжаҳл, ўжар, бақувват ва жуда интизомсиз бола эди. У ўзининг ўтмиши блан фахрланарди, лекин бунинг сабаби унинг ўз ўтмишида бирорта яхшилик бўлганидан эмас, фақат ўжарлигидан эди, чунки бу унинг ўтмиши ва унинг ҳаётига ҳечкимнинг иши, алоқаси йўқлигидан эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Осадчий турмушнинг мазасига тушунган эди ва доимо ўз кунини хурсандлик блан ўтказиш томонига диққат қиларди. Хурсандчиликнинг фарқи-сарқига бормас ва кўпинча Пироговка қишлоғига бориб айланиб келиш блан қаноатланарди; бу қишлоқ шаҳарга яқин бўлиб, аҳолиси ярим кулак, ярим мешчанлардан иборат эди. Пироговка у вақтларда ўзининг ажойиб қизлари ва самогоннинг кўплиги блан кишини ҳайрон қолдирарди. Осадчийни хурсанд қиладиган асосий нарсалар худди ана шулар эди. Колониянинг машҳур дангасаси ва мечкайи Галатенко эса Осадчийнинг доимий ҳамроҳи эди.

Осодчий олифталарча пешонасига соч қўйган бўлиб, бу соч унинг ёруғ дун'ёга қарашига халақит берар эди, лекин Пироговкадаги қизларнинг муҳаббатини қозониш учун курашда катта иш берса керак. Унинг шахсий турмушига аралашувга уринган вақтларимда у ана ўша сочи остидан менга доимо нафрат назари блан ҳўмрайиб қарарди; гап шундаки, мен унинг Пироговкага қатнашига йўл қўймасдим ва унинг колония блан кўпроқ қизиқишини қаттиқ талаб қилардим.

Осадчий яҳудийларга азоб беручи бош «қаҳрамон» бўлиб олди. Осадчийнинг антисемит эканлиги ноma'лум эди. Лекин зўравонларнинг жазоланмаслиги ва яҳудийларнинг ҳимоясизлиги колонияда маҳмаданалик ва қаҳрамонлик блан ном чиқазишига имкон берган.

Ўтакетган бу шафқатсизлар тўдасига қарши очиқдан-очиқ кураш бошламоқ учун эҳтиётқорлик керак эди: бу тўданинг аввало яҳудийлардан қаттиқ ўч олиш хавфи бор эди; Осадчий сингарилар кези келганда пичоқкозлик қилишдан ҳам тоймас эди. Е жуда эҳтиётқорлик блан зимдан иш кўриш, ёки ишни бирор катта тўпалон блан тугатиш керак эди.

Мен ишни зимдан бошладим. Осадчий блан Таранецни яккалаб қўйиш керак эди. Карабанов, Митягин, Приходько, Бурунларнинг мен блан алоқаси яхши эди, шу сабабли мен улардан ёрдам олишни мўлжаллаган эдим. Лекин энг зўр ютуғим шу бўлдики, уларни яҳудийларга тақилмасликка кўндирдим.

— Уларни кимлардан ҳимоя қилиш керак? Бутун колониядагиларданми?

— Елғон гапирма, Семён. Кимлардан эканлигини ўзинг биласан.

— Билганимдан нима чиқади? Мен Остромуховни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳимоя қилишдан қочмайман, лекин уни ўзимга боғлаб олиб юролмайман-да, барибир уни тутиб олиб, яна қаттиқроқ дўппослайдилар.

Митягин менга дангал бундай деди:

— Мен бу ишни устимга ололмайман — қўлимдан келмайди, аммо тегмайман: уларнинг менга кераги йўқ.

Задоров менинг ҳолимга ҳаммадан кўра кўпроқ ачинардию, лекин у Осадчий сингариларга қарши тикка кураш бошлашни билмас эди.

— Бу ерда тўсатдан шартта бир иш қилиш керакмикин, билмадим. Сиздан яширишганларидек, мендан ҳам ҳамма воқеани яширадилар. Менинг олдимда ҳечкимга тақилмайдилар.

Яҳудийларнинг аҳволи тобора оғирлашмоқда эди. Энди уларнинг ҳарқаерлари кўкарганини кўриш мумкин эди, лекин сўралганда улар калтаклаганларни айтиб бермасдилар. Осадчий колонияда гердайиб юрар ва ўзининг ажойиб сочи тагидан менга ва тарбиячиларга беодоблик блан қараб-қараб қўярди.

Мен ишни узул-кесил очиш қилишга қасд этиб, уни кабинетга чақиртирдим. У ҳечнарсани бўйнига олмади, лекин ўзининг туриш-турмуши блан фақат одоб юзасидан тан олмаганлигини кўрсатиб турар, аслида эса, унинг тўғрисида мен нималар ўйлаётганимга бепарво қарарди.

— Сен уларни ҳар куни дўппослайсан.

— Ҳеч-да,—деди у истар-истамас.

Уни колониядан жўнатиб юбориш блан пўписа қилдим.

— Ҳа, нима бўпти. Жўнатиб юборақолинг!

Колониядан жўнатиб юбориш қанчалик узун ва машаққатли иш эканини Осадчий жуда яхши биларди. Бу ҳақда комиссияга узоқ вақт қатнаб сарсон бўлиш, унга ҳархил сўроқ ва характеристикалар бериш. Осадчийнинг ўзини ва яна хилма-хил гувоҳларни ўн марталаб сўроққа юбориш керак эди.

Бундан ташқари, мени Осадчийнинг ўзидан кўра унинг қилган ишлари кўпроқ қизиқтирарди. Унинг ғалабаларини бутун колония кузатиб борарди, кўплар унинг қилган ишларини ма'қуллашар ва унга қойил қолишарди. Уни колониядан жўнатиб юбориш «жабр тортган қаҳрамон» Осадчий тўғрисидаги, я'ни Осадчий ҳечнарсадан таптортмас, ҳечкимнинг гапига кирмас, яҳудийларни урар эди, шунинг учун уни «қамадилар» деган хотирани абадийлаш, унга бўлган хайрихоҳликни эсда қолдириш бўлар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бунинг устига, яҳудийларга озор бериб юрган — биргина Осадчий эмас эди. Таранец Осадчий сингари қўпол муомилали бўлмаса ҳам, лекин анчагина қув ва айёр эди. У ҳечқачон яҳудийларни урмас ва кўпчилик назарида яҳудийларга яхши муомала қилар, лекин кечалари яҳудийлардан бирортасининг оёқ панжалари орасига қоғоз қистириб, ёндириб юборар, ўрнига ётиб олиб, ўзини ухлаганга солар эди. Ё бўлмаса, соч оладиган машинка топиб, Федоренко сингари бесўнақай новча болалардан бирортасини ишга солиб, Шнайдернинг ярим сочини олиб бўлиб, кейин, машинка бузилиб қолди, деган баҳона блан боёқиш болани қийнарди, бола бечора бўлса сочини тоза олиб қўйишни илтимос қилиб соч олучининг кетидан эргашиб йиғлаб юрарди.

Ана шу фалокатлардан қутулиш пайти тўсатдан ва жуда маломатли бир тарзда юз берди.

Бир куни кечқурун кабинетимнинг эшиги очилди ва Иван Иванович Остромухов блан Шнайдерни бошлаб кирди. Иккала бола қонига буланган, дам-бадам қон туфлашар ва ҳатто одат бўлиб қолган қўрқинчидан йиғлашмас эди.

— Осадчийми? — деб сўрадим.

Навбатчи эса Осадчийнинг кечки овқат пайтида ошхонанинг собиқ навбатчиси Шнайдерга тирғилавергани, я'ни сузиб қўйилган иссиқ овқатни олмоштиришга, бошқа нон келтиришга мажбур қилганини ва, ниҳоят Шнайдер шўрва келтираётганда тасодифан тарелка қийшайиб кетиб, бармоқлари шўрвага теккани учун, Осадчий стол орқасидан туриб навбатчи ва барча колония аҳли ҳузурида Шнайдернинг юзига тарсаки урганини айтиб берди. Шнайдернинг индамай қўяқолиши ҳам эҳтимол эди-ку, лекин навбатчилар қўрқоқлардан эмас экан, умуман бизда навбатчи ҳузурида ҳечқачон муштлашиш бўлган эмас. Иван Иванович Осадчийга ошхонадан чиқишга ва менга келиб ма'лум қилишга буюриптя. Осадчий ошхонадан эшик томонга йўл олиптию, лекин эшик олдида тўхтаб, депти:

— Мен колония мудири олдига бораман, аммо ундан илгари мана бу жуҳуднинг адабини бериб қўяман!

Шу топда кичикроқ бир му'жиза юз берипти. Ҳамма яҳудийлардан кўра кўп ҳисса ортиқ хўрланиб келган Остромухов тўсатдан стол орқасидан ирғиб туриб, Осадчийга ёпишипти:

— Мен сенга уни урдириб қўймайман! — депти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бутун воқиа шу блан тугаптики, худди ошхонанинг ўзида Осадчий Остромуховни ўлгудай урипти, ташқарига чиқиб келаётганда эса Шнайдернинг даҳлизда биқиниб турганини сезиб қолиб, уни шу қадар қаттиқ уриптики, Шнайдернинг тиши ўмарилиб чиқипти. Осадчий менинг ҳузуримга келишдан бош тортипти.

Менинг кабинетимда Остромухов ва Шнайдер юзларига ифлос енглари блан қонни суркадилар, лекин йиғламадилар, афтидан, жонларидан умид узган бўлсалар керак. Агар бу ҳодисани охиригача етказиб, бирёқли қилмасам, яҳудийларнинг тездан қочиб қутулиши ёки чинакам азоб-уқубатларга тайёрланиши кераклигига ишонган эдим. Ошхонада бўлиб ўтган муштлашувларга барча колонистларнинг, ҳатто Задоров сингарларнинг бепарво қараши мени бениҳоят ранжитди. Колонияниинг дастлабки кунларида ўзимни қандай якка сезган бўлсам, ҳозирда ҳам шундай эканлигимни пайқадим. Аммо дастлабки кунларда ҳечқаердан ёрдам ва хайрихоҳлик кутмаган ҳам эдим, бу ҳол табиий ва олдиндан ҳисобга олинган якқалик эди, энди эса колонистларнинг доимий ҳамкорлигига ўрганиб ва эркаланиб қолганман.

Кабинетда ҳалиги калтак еганлар блан бирга яна бирнеча киши бор эди. Мен улардан бирига қараб:

— Осадчийни чақир,— дедим.

Осадчий воқиани пайқаб қолиб, келишдан бош тортар, деб ўйлаган эдим ва жуда бўлмаганда уни тўппонча блан ўзим олиб келишга жазм қилиб қўйган эдим.

Лекин Осадчий пиджагини елкасига ташлагани ва икки қўлини чўнтагига солгани ҳолда кабинетга ғамгинлик блан кириб келатуриб, йўл устидаги стулни суриб қўйди. У блан бирга Таранец ҳам келди. Таранецнинг важоҳати унга ҳамма нарса жуда қизиқ кўрингандай ва ажойиб ҳангоманинг бўлишини кутгандай эди.

Осадчий менга бир қайрилиб қаради-да:

— Хўш, мен келдим... Нима? — деб сўради.

Мен унга Остромухов блан Шнайдерни кўрсатиб:

— Бу нимаси? — дедим.

— Ҳа, нима бўпти! Ҳечқиси йўқ!.. Иккита жуҳудвачча-да. Мен бўлсам бирор нимани кўрсатасизми деб ўйлабман.

Тўсатдан остимдаги таянчим бўлган педагогик замин гулдур-шалдир ўпирилиб тушгандай бўлди. Кўзимга қон тўлиб кетди. Столим устида ётган оғир чўт тўсатдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

Осадчийнинг калласи томонга қараб учди. Чўт мўлжалланган жойга тегмай, шарақлаб деворга урилиб, ундан ерга тушди.

Батамом эс-ҳушимни йўқотиб, стол устидан бирорта оғир буюм ахтардим, кейин тўсатдан қўлимга дуч келиб қолган стул блан Осадчийга югурдим. У саросималикда ўзини эшикка урмоқчи эди, броқ пиджаги кифтидан ерга тушди ва Осадчий унга чалишиб, йиқилди.

Мен эс-ҳушимни йиғиб олдим: аллаким елкамдан ушлади. Қайрилиб қарадим — Задоров менга қараб жилмайиб:

— Бу разил, қўлингизни булғатганингизга арзимайди! — деди.

Осадчий ерга ўтириб, пиқ-пиқ йиғлайбошлади. Таранец дераза олдида серрайганича туриб қолди, унинг рангги ўчиб, лаблари титрар эди.

— Сен ҳам бу болаларни қийнаб, азоблаб келдинг!

Таранец дераза токчасидан сирғилиб пастга тушди.

— Ўлай агар, энди асти бундай қилмайман!

— Тур, йўқол!

У оёқ учи блан юриб чиқиб кетди.

Ниҳоят, Осадчий бир қўлига пиджагини олиб ўрнидан турди, иккинчи қўли блан эса ўз асабий заифлигининг сўнгги қолдиғини — кир юзидаги якка ёш томчисини — артди. У менга секин ва жиддий қаради.

— Этикдўзлик ишхонасида тўрт кунгача ўтирасан. Сенга фақат нон ва сув берилади.

Осадчий лабини қийшайтириб бир илжайди-да, тўсатдан:

— Хўп, ўтираман,— деб жавоб қилди.

Қамалган кунининг эртасига мени этикдўзлик ишхонасига чақиртириб:

— Энди бундай қилмайман, кечиринг,— деб илтимос қилди.

— Муддатингни тамомлаб чиққанингдан кейин кечириш тўғрисида сўз юритилади,— дедим.

Тўрт кун ўтириб чиққандан кейин, кечирим сўраш бирёқда турсин, балки хўмрайиб, деди:

— Мен колониядан кетаман.

— Кетавер.

— Ҳужжатни беринг.

— Ҳечқандай ҳужжат берилмайди!

— Хайр.

— Соғ бўл.

www.ziyouz.com kutubxonasi

14. Қўшнига берилган сиёҳдон

Осадчийнинг қаёққа кетганини билмадик. Ба'зилар, у Тошкентга кетганмиш, чунки у ерда арзончилик ва бемалол турмуш кечириш мумкин, деса, ба'зилар, бизнинг шаҳарда Осадчийнинг амакиси бор, дер; қайбировлар эса, амакиси эмас, таниш извошчиси бор, дейишарди.

Янги педагогик тушкунликдан кейин сира ўзимга келолмадим. Колонистлар менга, Осадчий ҳақида бирор хабар эшитмадингизми, деган мазмунда саволлар бераверишарди.

— Осадчийнинг нима кераги бор сизга? Нега мунча ташвиш қиласизлар?

— Ташвишланаётганимиз йўқ,— деди Карабанов,— ҳарқалай шу ерда юргани яхши эди-да. Сизга яхши бўларди...

— Тушунмаётирман.

Карабанов менга тиржайиб қараб:

— Эҳтимол, кетгани учун кўнглингиз ғашдир...— деди.

Мен унга ўшқириб:

— Кўнглимни овлайман, деб уринмай қўяқол,— дедим.— Ҳали менинг кўнглимдаги гапни биладиган бўлиб қолдингларми...

Карабанов секингина мендан нари кетди.

Колонияда ҳаёт қайнаб кетди, колониянинг соғлом ва тетик руҳ блан нафас олаётганини сездим, иш орасида деразам тагида ҳазилкашлик, ўйин-кулгилар бўлиб турарди (ҳаммалари негадир менинг деразам тагида йиғилишарди), ҳечким ҳечкимдан шикоят қилмасди. Кунлардан бирида Екатерина Григорьевна, гўё мен оғир касалу, у медицина ҳамширасидай кайфият блан менга қараб:

— Азоб чекманг, ишлар жойида бўлиб кетади,— деди.

— Мен азоб чекаётганим йўқ. Ишлар жойида бўлиб ҳам кетади, албатта. Колонияда аҳвол қалай? — дедим.

— Нима дейишни ўзим ҳам билмайман. Колонияда ҳозир аҳвол яхши, бирмунча меҳр-оқибат бор. Яҳудийларимиз жуда жойида: улар пича юрак олдириб қолишган, жуда яхши ишлашаётирлар, аммо ниҳоятда қаттиқ хижолат тортаяптилар. Биласизми, катта болалар уларни парвариш қилмоқдалар. Митягин, энага сингари, улар кетида гирди-капалак бўлиб юрипти: Глейзерни чўмилтириб, сочини олди, боринг-чи, тугмаларигача қадаб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, ҳамма иш жойида эди. Лекин менинг педагогик қалбим тартибсиз ва ҳархил маза-бемаза нарсалар блан тўлган эди! «Наинки бу ҳодисаларнинг сири қайдалигини тополмасам?» деган фикр мени қийнарди. Ахир, гўё қўлга киритилгандек, ахир, фақат тутиб олишгина қолгандек туйилар эди. Кўпгина колонистларнинг кўзлари бошқача чарақлаб турсаю... тўсатдан ҳамма нарса пала-партиш бузилиб кетса. Наҳотки ҳамма ишни қайтадан бошлаш керак бўлса?

Тартибсиз педагогика техникаси, техника жиҳатидан ўзимнинг кучсизлигим мени ғазаблантирарди. Шунинг учун педагогика фанини нафрат ва ғазаб блан эслайдиган бўлиб қолдим.

«Бу фаннинг вужудга келганига неча минг йиллар бўлган! Қандай ажойиб одамлар, қанчалик ажойиб фикрлар бор: Песталоцци, Руссо, Наторп, Блонский! Қанчадан-қанча китоблар, қанча-қанча қоғозлар, олам-жаҳон шон-шуҳратлар! Ҳолбуки айни вақтда бўм-бўш жой, ҳечнарса йўқ, бир безорига бас келиб бўлмайди, метод ҳам йўқ, инструмент ҳам йўқ, мантиқ ҳам йўқ, хуллас ҳечбало йўқ. Аллақандай муттаҳамлик».

Ҳаммадан кўра Осадчий тўғрисида камроқ ўйлардим. Мен уни аллақачон чиқитга чиқазиб, ҳарқайси корхонада албатта бўлиб турадиган зарар ва браклар ҳисобига ёзиб қўйган эдим. Унинг олифталик блан жўнаб кетиши менга унча та'сир қилмади.

Ҳартутур у кўп ҳам кечикмай, яна қайтиб келди.

Бошимизга тағин бир машмаша тушди, ниҳоят, мен «тела сочим тик турди» деган иборанинг ма'носига ана ўшанда тушундим.

Жимжит аёз кечаси Горький номидаги колониянинг бир тўда болалари пироговкали йигитлар блан жанжаллашган. Бу жанжалда Осадчий ҳам қатнашган. Жанжал бора-бора муштлашувга айланган: биз томондагиларда пичоқлар бўлса, улар томонида қирқма милтиқлар бўлган. Жангда бизникиларнинг қўли баланд келган. Пироговкали йигитлар халқ тўпланадиган говжум жойдан суриб чиқарилган, кейин улар шармандаларча қочишган, қишлоқ совети биносига кириб, эшик-дераза ларни ичдан маҳкам беркитиб олишган. Соат учга келиб қишлоқ совети биноси ҳужум блан олинган, я'ни эшик ва дераза лар синдирилган, жанг қаттиқ та'қибга айланган. Йигитлар ўша эшик ва дераза лардан ўзларини ташлаб уй-уйларига қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиб кетган, колонистлар эса колонияга зўр тантана блан қайтиб келишган.

Ҳаммадан ёмони шуки, қишлоқ совети бутунлай тормор қилинган ва шу сабабли эртасига у ерда ишлаб бўлмаган. Дераза ва эшиклардан ташқари, стол ва стуллар ишдан чиқазилган, қоғозлар сочиб ташланган ва сиёҳдонлар чил-чил қилинган.

Бандитлар эрта блан бегуноҳ норасидалар сингари уйғонишиб, ишга кетишди. Туш пайтида менинг ҳузуримга Пироговканинг раиси келиб, тунда бўлиб ўтган воқиани гапириб берди.

Мен бу кексагина, ориққина, ақлли қишлоқига ҳайрат назари блан қарадим: нима учун у мен блан яна гаплашиб ўтиради, нега у милицияни чақирмайди, мана шу аблаҳларнинг ҳаммасини ва улар блан бирга мени ҳамоққа олдирмайди?

Лекин раиснинг мен блан ҳамма нарса ҳақида қилган маслаҳатида ғазабдан кўра ғамгинлик кўпроқ сезилиб турар ва айниқса колониянинг дераза ва эшикларни, стол-стулларни тузатиб берармикин ва колония ҳозирча унга, Пироговка раисига, иккита сиёҳдон беролмасмикин, деган фикр уни кўпроқ безовта қиларди.

Мен ҳайронликдан жуда гангиб қолдим ва ҳокимият томонидан бизга қилинган бундай «одамгарчилик»нинг ма'ниси нима эканлигини сра англаёлмадим. Кейин, раис ҳам, мен сингари, воқианинг барча даҳшатини ўз ичига сиғдиролмайдию, броқ сир бой бермаслик учун тил'ёғламалик қилаётган бўлса керак, деб ўйладим.

Ўзимдан қиёс қилдим. Ўзим ҳам фақат:

— Ҳа, яхши... албатта, биз ҳаммасини тузатиб берамиз... Сиёҳдон дейсизми? Мана буларни олиш мумкин,— сингари сўзлар блан жавоб қилишгагина қодир эдим.

Раис сиёҳдонларни олдию эҳтиётлик блан чап қўлига йиғиб, бағрига босди. Булар — тўкилмайдиган оддий сиёҳдонлар эди.

— Биз ҳамма нарсани тузатиб берамиз. Мен ҳозироқ уста юбораман. Фақат ойнани шаҳардан келтиргунимизча кутиб туришга тўғри келади.

Раис менга ташаккур назари блан қаради.

— Йўғе, эртага бўлса ҳам майли. Ана унда, биласизми, ойна келиши блан ҳаммасини биратўла қилиш мумкин...

— Шундай... Ҳа, яхши, демак, эртага.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нима сабабдан у, ландавур раис, ҳадеса кетақолмас экан?

— Сиз ҳозир уйга қайтасизми?— деб сўрадим ундан.

— Ҳа.

Раис қайрилиб қараб, чўнтагидан бир сариқ дастрўмол олди-да, у блан топтоза мўйловларини артди. Менга яқинроқ ўтириб, гап бошлади:

— Ҳай, биласизми, гап бундай... Кеча у ердан сизнинг болаларингиз олиб кетишипти... Ахир, биласиз-ку, ёшлар-да... менинг ҳам ўғилчам. Энди, ахир, ёшлик-да, ҳазиллашиб, худо сақласин, бошқа нарса учун эмас... Ахир, биласиз-ку, оғайниларида бўлгандан кейин у ҳам ҳавас қилиб олган-да. Мен айтдим-ку: замон шунақа, тўғриси... ҳаркимда ҳам бор...

— Нима гап ўзи?— деб сўрадим ундан.— Кечирасиз, тушунмаётирман.

— Қирқма милтиқ,— деди тўсатдан раис.

— Қирқма милтиқ дейсизми?

— Қирқма милтиқ-да.

— Хўш, нима бўпти?

— Оҳ, худойимей, айтаяпман-ку: ҳазил қилишганми, бошқами... бу нарса кеча бўлган экан... Сизникилар олиб кетишипти-да... Менинг ўғлимникими, бошқаникими, билмайман, балки биров йўқотганми, ишқилиб, билсангиз, ичкилик ичишган экан-да... Улар бу самогонкаси қурғурни қайдан олишаркин-а?

— Ичкилик ичишган деганингиз кимлар?

— Э, худоей, кимлар бўларди... Кимлар эканлигини билиб бўлармиди? Мен у ерда эмас эдим, хуллас сизникилар маст бўлишган экан, деган ҳархил гаплар юрипти.

— Сизникилар-чи?

Раис ўнғайсизланиб, деди:

— Ахир мен у ерда эмас эдим... Айтгандай, кеча якшанба эди. Мен уни демоқчи эмасман. Ўзингиз биласиз-ку, ёшлик — ғурурлик, дегандай, сизнинг болаларингиз ҳам бўлишган, мен бирнима демоқчимасман, ҳа энди муштлашишган-да, ниҳояти, ҳечким ўлмапти, ярадор ҳам бўлмапти. Балки, сизникилардан бирортасига бир гап бўлганмикин?— деб тўсатдан қўрқув аралаш сўради.

— Бизникилар блан ҳали гаплашганим йўқ.

— Мен эшитмадим, аллаким отиш-тутиш бўлди, иккитами, учтами ўқ узишди, дейди, шундан кейин, балки, қочиб кетишгандир, чунки сизникилар, билсангиз, шўх бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лалар-да; бизникилар бўлса қишлоқилар, албатта, хашпаш дегунча... Хэ-хэ-хэ-хэ!..

Чол ёқимтойлик ва мулойимлик блан кўзларини қисиб кулди. Бундай чолларни ҳамиша «отахон» деб атайдилар. Унга қараб мен ҳам куламан-у, аммо юрагим торс ажраб кетгудай бўлади.

— Демак, сизнингча, ҳечқиси йўқ,— уришишган бўлса, яна ярашиб кетишади-да?

— Ҳа, албатта, албатта, ярашиб кетишади. Ёшлик давримизда қизлар учун шунақа муштлашардик. Менинг акам Яковни йигитлар ўласи қилиб ургандилар. Бундан буён сра бунақа гап бўлмасин учун сиз болаларни чақириб олиб, секин гаплашиб қўйсангиз бўлар эди.

Мен эшик олдига чиқдим.

— Кеча Пироговкада бўлганларни чақириб кел,— дедим.

— Улар қаерда?— деб сўради мендан аллақандай зарур иш блан ҳовлида югуриб кетаётган чаққонгина бир бола.

— Кеча Пироговкада кимлар бўлганини билмайсанми ҳали?

— Э, сиз айёр экансиз... Яхшиси мен сизга Бурунни чақириб берақолай.

— Қани, чақир Бурунни.

Бурун эшик олдида ҳозир бўлди.

— Осадчий колониядами?

— Келди, дурадгорлик ишхонасида ишлаётир.

— Сен унга бориб: кеча бизникилар Пироговкада тўпалон кўтаришипти, иш жуда хунук эмиш, дегин.

— Ҳа, ўзимизнинг болалар шундай дейишаётган эди.

— Дарров бориб Осадчийга айт, ҳамма менинг ҳузуримга йиғилсин, ҳозир раис менинг олдимда ўтирипти. Тағин ёлғон гап қилишмасин, ишнинг оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Кабинет «пироговкачилар» блан лиқ тўлиб кетди: Осадчий, Приходько, Чобот, Опришко, Галатенко. Голос, Сорока, эсимда йўқ, яна аллакимлар. Осадчий гўё иккимиз орамизда ҳечнарса бўлмагандай, ўзини эркин тутди. Бегона одам олдида эски гапни қўзғагим келмади.

— Кеча сизлар Пироговкада бўлган эмишсизлар, маст бўлиб, тўпалон кўтарибсизлар, йигитлар сизларни тартибга чақиришмоқчи бўлишса, сизлар уларни тутиб олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

урибсизлар, қишлоқ совети биносининг дабдаласини чиқарибсизлар. Шундайми?

— Жуда ҳам сиз айтганчалик эмас,— деди Осадчий.— Болалар Пироговкада бўлганлиги ҳақиқатан тўғри, мен бўлсам у ерда атиги уч кун турдим, шундан ҳам билсангиз бўлади... Ҳечким маст бўлгани йўқ, буниси нотўғри. Мана уларнинг Панас деган бир йигити кундузиёқ Сорока блан юрган эди, Сорока бўлса чиндан ҳам ширакайф эди. Танишларидан бири Голосга ҳам озгина ичкилик келтириб тутди. Бошқаларнинг ҳаммаси ҳуш'ёр эди. Ҳечким блан уришганимиз ҳам йўқ, кўп қатори ўйнаб-кулиб юрдик. Кейин қарасам — бир Харченко дегани келиб менга: «Қўлларингни кўтар!» деб дўқ қилди ва қирқма милтиғини менга ўқталди. Аммо, гапнинг пўсткалласи шуки, лунжига боплаб туширдим. Ана шундан кейин машмаша бошланди... Улар бизни кўролмайдилар, чунки қизлар кўпроқ биз блан...

— Машмаша бошланди, деганинг нимаси?

— Ҳечнима эмас, озгина ёқалашдик. Агар улар ўқ отишмаса, ҳеч гап йўқ эди. Ҳолбуки Панас отди, Харченко ҳам; шундан кейин уларни қувакетдик. Биз уларни урмоқчи эмас, фақат милтиқларини тортиб олмоқчи эдик, улар бўлса, эшикни ичкаридан занжирлаб олишди. Шундай қилиб, Приходько (сиз уни биласиз) роса урди...

— Урди! Боплаб урибсизлар! Қирқма милтиқлар қани? Нечта?

— Иккита.

Осадчий Сорокага қайрилиб қараб:

— Олиб кел,— деди.

Милтиқларни олиб келишди. Болаларни ишхоналарига қайтариб юбордим.

Раис милтиқлар олдида қийқанглаб қолди.

— Хўш, энди олиб кетсак бўлар?

— Нега энди? Уғлингизнинг ҳам, Харченконинг ҳам милтиқ олиб юришга ҳақи йўқ. Қайтариб беришга ҳақим йўқ.

— Йўғе, уларни бошимга ураманми? Бермай қўяқолинг, сизда қолаверсин, балки ўрмонда пайти блан ўғриларни қўрқитиш тўғри келиб қолар. Мен, билсангиз, шунчаки айтаяпман-да, сиз бунга парво қилманг... Ешлик-да, ўзингиздан гап қолмайди.

— Демак... ҳечқаёққа шикоят қилмай қўяқол демоқчисиз-да?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, де, албатта...

Мен кулиб юбордим...

— Нима кераги бор? Биз бир-биримизга қўшнимиз-ку.

— Ҳа, балли,— деб қувониб кетди чол,— қўшнимиз-ку... Нималар бўлиб ўтмайди, дейсиз! Агар ҳар нарсани катталарга ма'лум қилинаверса...

Раис жўнаб кетди, кўнглим тинчиди.

Очиғини айтганда, мен ана шу бутун воқиага педагогика нуқтаи назаридан қараб иш кўрмоқчи эдим. Брок ҳамма воқиа тинчлик блан тугаганига, бу сафар педагогикасиз иш битганига ўзим ҳам хурсанд бўлдим, болалар ҳам хурсанд бўлишди. Мен уларни жазога тортмадим; улар Пироговкага мендан беижозат бормасликка ва пироговкали йигитлар блан муносабатни яхшилашга сўз бердилар.

15. „Бизники энг гўзал"

1922 йилнинг қишида колонияда олтита қиз бор эди. Ўша кезлари Оля Воронова тўлишиб, жуда гўзаллашиб кетди. Йигитлар унга тикилишиб қарайдиган бўлишди, лекин Оля ҳамма блан ҳам яхши муомала қилар, аммо ҳечкимни ёнига йўлатмас, фақат Бурун блан дўст эди. Оля Бурунни орқа қилиб колониядагиларнинг ҳечқайсисидан ҳайиқмас ва колонияда энг кучли, энг тентак ва бема'ни одам бўлган Приходьконинг ошиқлигиға ҳам парво қилмас эди. Бурун Оляга ошиқ эмасди, улар иккиси орасида ҳақиқатан ёшларга хос бўлган яхши дўстлик муносабати бор эди; бу эса колонистларнинг Бурунга ҳам, Вороновага ҳам бўлган ҳурматларини анча оширди. Оля ўзининг гўзаллигига қарамай, ҳечбир кеккаймасди. У қишлоқ хўжалигини жуда севарди; дала иши ҳарқанча оғир бўлса ҳамки, уни музика сингари ўзига жалб этарди ва у:

— Катта бўлганимда, албатта деҳқонга тегаман,— деб орзу қиларди.

Қизларнинг жўрабошиси — Настя Ночевная эди. Уни колонияга каттакон пакет блан юборишган бўлиб, пакетда Настяни: ҳам ўғри, ҳам ўғирлик мол сотучи, ҳам фоҳишаларга бошпана беручи деб анча-мунча нарса ёзилган эди. Шундай бўлса ҳам биз Настяни гўё бир му'жиза деб билардик,— чунки у соф виждонли, ҳалол ва ёқимтой

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиз эди. Настянинг ёши ўн бешдан юқори бўлмаса-да, ўзининг дуркунлиги, юзининг оқлиги, бошини тикка тутиб юриши ва характерининг мустаҳкамлиги блан бошкалардан ажралиб турарди. У қизларга ҳақоратсиз ва бақиришақиришсиз снёсат килабиларди, бир қараш блан ҳаркандай колонистни хам тартибга чақираолар ва қуйидагича кискa ва ўткир сўзлар блан узиб-узиб олиб, унга танбиҳ берабиларди:

— Сен нега нонни бекорга ушатиб ташладинг? Бой бўлиб қолдингми ёки чўчқалар техникумини тамомлаб чикканмисан? Дарров йиғиб ол!

Настянинг овози ҳам ўткир, ҳам ғоят ёқимли эди.

Настя тарбиячилар блан тотувлашиб юрди, мутолаага астойдил берилди ва ҳеч шак-шубҳасиз кўзлаган мақсадига — рабфакка интилиб борди. Лекин рабфакка кириш Карабанов, Вершнев, Залоров, Ветковский сингарилар учун қанчалик қийин бўлса, Настя учун ҳам шунчалик қийин эди. Бизнинг биринчи болаларимиз жуда ҳам чаласавод эдилар, арифметика ва сиёсий савод дарсларини кўп кийинчилик блан ўзлаштирардилар. Ҳаммадан кўра ма'лумотлироғи Раиса Соколова эди, шунинг учун биз уни 1921 йил кузида Киев рабфагига жўнатдик.

Хулласини айтганда, бу ишимиздан умидимиз оз бўлса ҳам, бизнинг тарбиячиларимиз колониядагилар орасидан рабфакда ўқийдиган қиз чиқишига жуда ишқивоз эдилар. Мақсад жуда яхши бўлса ҳам, лекин Раиса бундай олийжаноб ишга унча мос эмас эди. У ёз бўйи рабфакка тайёрланди, аммо уни зўр блан китоб ўқитишга тўғри келди, чунки Раиса ҳечқандай ма'лумот олишга интилмасди.

Залоров, Вершнев, Карабанов сингари илм-фаннинг қадрига етганлар Раисанинг рабфакка кириш ҳаракатига тушганидан жуда норози эдилар. Кеча-кундузи блан, ҳатто темирчилик ишхонасида дам босиб турган пайтларида ҳам, китоб ўқийлиган жуда ҳақгўй ва ҳақиқат изловчи колонист Вершнев Раисанинг порлоқ келажагини эсга олган пайтларида доимо койинарди. У дудуқланиб, менга бундай деган эди:

— Шуни ҳам биб-биб-билиш қ-қ-қийинми? Раиса бари-бир турмада та-та-тамомлллаб чиқади.

Карабанов яна ҳам аниқроқ қилиб:

— Сиздан ҳечқачон бундай бема'ниликни кутмаган эдим,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Задоров Раиса олдида таптортмай, заҳархандалик блан жилмайиб, умидсиз ҳолда қўл силтарди:

— Рабфакчи бўлармишлар! Нотавон кўнгилга қўтир жомашов.

Раиса ана шу кесатиқ гапларга жавобан юз-карашма блан кўзларини сузиб, табассум қилар ва, гарчи рабфакка интилмаса-да, ҳарҳолда мамнун бўларди, чунки у Киевга жўнаб кетишига хурсанд эди.

Мен болалар фикрига қўшилардим. Дарҳақиқат, Раиса қандай қилиб ҳам рабфакда ўқиёлсин! У ҳозирда, рабфакка тайёрлик кўриб турган бир пайтда, шаҳардан аллақандай шубҳали хатлар олиб турар, колониядан яширинча кетиб-кетиб қоларди; унинг ҳузурига эса Корнеев ҳам яширинча келиб турарди. Бу бола колонияда атиги уч ҳафта турган, нарсаларимизни мунтазам ва онгли равишда ўғирлаб, кейин шаҳарда ўғирлик блан қўлга тушган, жиноят қидирув бўлимларида доимо санқиб юрган, ўтакетган ярамас ва чиркин, менинг биринчи қарашимда ҳафсаламни пир қилган озгина одамлардан бири ва колонистликка ярамайдиган бир махлуқ эди.

Рабфакда Раиса имтиҳон берипти. Броқ бу хушхабар келгандан кейин орадан бир ҳафта ўтгач, бизникилар Корнеевнинг ҳам Киевга жўнаб кетганлигидан-дарак топиб келишди.

— Чинакам илм-фан энди бошланади,— деди Задоров.

Қиш ўтиб бормоқда, Раиса аҳ'ён-аҳ'ёнда бир хат ёзиб қўяр, аммо ёзган хатларидан ҳечнарсани билиб бўлмас эди. Гоҳ унинг ҳамма иши жойида бўлиб чиқар, гоҳ ўқиш қийинлик қилар, у гарчи стипендия олиб турса ҳамки, ҳамиша мирқуруқ эди. Ой сари биз унга йигирма, ўттиз сўм юбориб турардик. Задоров, бу пулга Корнеев боплаб кечки овқат олиб ейди, дерди ва унинг бу гали тўғрига ўхшарди. Раисани Киевга юборишга бош қўшган тарбиячилар ҳаммадан кўра кўпроқ гап эшитардилар.

— Ана холос, бу ишнинг ярамаслиги ҳарбир кишига аён бўлса ҳамки, сизга аён эмас. Бизга бу нарса аён, сизга аён эмаслигининг сабаби нима экан?

Январьда Раиса корзинкасини кўтариб, тўсатдан колонияга кириб келди ва коникулга келганлигини айтди. Аммо унинг ҳечқандай отпуска ҳужжати йўқ эди. Унинг юриш-туришидан Киевга қайтиб кетмоқчи эмаслиги кўриниб турарди. Менинг сўраб ёзган хатимга жавобан Киев рабфаги Раиса Соколованинг ўқишга қатнамай қўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганини ва ётоқхонадан чиқиб, бедарак кетганини ма'лум қилди.

Масала аниқланди. Болалар ҳақида шуни айтиш керакки, улар Раисанинг жиғига тегишмас эди, рабфакни ташлаб келганлиги тўғрисида унга ҳечнима дейишмас, гўё бу саргузаштни батамом унутгандай бўлиб юришар эди. У келгандан кейин дастлабки кунларда болалар Екатерина Григорьевнани роса «майна» қилиб кулишди, ҳолбуки бусиз ҳам унинг юзи шувит эди, лекин умуман илгаридан ўзлари тахмин қилган энг оддий бир воқиа юз берди, деб ҳисоблашди.

Март ойида Осипова менга мурожаат қилиб: «ба'эзибир аломатларга кўра Раиса ҳомиладор кўринади» деди.

Буни эшитиб, лол бўлиб қолдим. Биз оғир аҳволга тушиб қолдик, болалар колониясида тарбияланучи қиз ҳомиладор бўлиб қолипти, деган гап ҳазил гап эмас эди. Мен колониямиз теварагида, шаҳарда, халқ маорифи бўлимида албатта пайтдан фойдаланадиган писмиқ, риёкор ва мунофиқлардан аллақанчаси борлигини ва уларнинг: колонияда жинсий бузуқлик ҳукм сураётир, колонияда эркак болалар қизлар блан бирга туришади, деб қаттиқ шов-шув кўтаришларини сезардим. Мени колониядаги вазиятнинг ўзи ҳам, тарбияланучи бўлмиш Раисанинг оғир аҳволи ҳам чўчитди. Мен Осиповадан Раиса блан «чин юракдан» гаплашишни илтимос қилдим.

Раиса ҳомиладорлигини сра бўйнига олмапти ва ҳатто ранжипти:

— Ҳеч-да! Бундай ифлос гапни ким ўйлаб чиқазди? Тарбиячилар ҳам ғийбат блан шуғулланадиган бўлиб қолганлиги қайдан чиқди?

Боёқиш Осипова бўлса, дарҳақиқат яхши иш қилмабман, деб ўкинипти. Раиса жуда семиз эди, шунинг учун ҳам ҳомиладорга ўхшаб кўринганлигини шунчаки ортиқча семирганликка йўйиш мумкин эди, бунинг устига юзаки қараганда ҳечқандай аниқ бир аломат ҳам йўқ эди. Биз Раисанинг сўзига ишондик.

Аммо бир ҳафтадан кейин кечқурун Задоров холироқ жойда гаплашиш учун мени ташқарига чақириб олиб, сўради:

— Сиз Раисанинг ҳомиладорлигини биласизми?

— Сен қайдан биласан?

— Вой афанди-ей! Ҳали ма'лум эмас шекиллик? Буни ҳамма билади,— сиз ҳам биларсиз деб ўйлаган эдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳўш, башарти ҳомиладор бўлса нима бўпти?

— Ҳечқиси йўқ... фақат нега сирини яшираркин? Ҳа, ана, ҳомиладор бўлса-бўпти, нега ўзини худди ҳеннарса кўрмагандай тутади. Мана Корнеевдан келган хат. Мана... «азиз қаллиғча» деган иборасини кўраётирсизми? Биз бу сирни илгари ҳам билардик.

Педагоглар орасида ҳам безовталик кучайди. Ниҳоят бу воқеа мени газаблантирди.

«Мунча ташвиш тортишнинг нима ҳожати бор? Ҳомиладор бўлса, туғар. Агар ҳозир яшираётган бўлса, туғишни яшириб бўлмайди. Ҳечқиси йўқ, бола туғилади, холос»

Раисани чақириб, сўрадим:

— Раиса, ростингни айт: ҳомиладормисан?

— Нега мунча ҳаммаларинг менга ёпишиб қолдинглар! Бу нимаси эди — ҳаммангиз елимдек ёпишиб олдингиз, ана ҳомиладор, мана ҳомиладор! Бутунлай йўқ гап ахир, тушунасизми, йўқми?

Раиса йиғлаб юборди.

— Биласанми, Раиса, башарти ҳомиладор бўлсанг, буни яшириш керак эмас. Биз сени ўз колониямизга бўлса ҳам ишга жойлаштириб қўйишга ҳаракат қиламиз, пул вақидан ҳам ёрдам қиламиз. Ахир, чақалоққа керакли ҳамма нарсани тикиб-чатиб тахт қилиб қўйиш керак-да...

— Ҳеч-да! Ҳечқанақа иш керак эмас менга, қўйинг мени ўз ҳолимга!

— Ҳа, яхши, боравер.

Шундай қилиб, колонияда бу гапнинг тагига сра етиб бўлмади. Уни текшириш учун врачга юборилса бўлардику, лекин бу масалада педагоглар бир фикрга келишолмади. Ба'зилар ишни тезроқ аниқлаш кераклигини та'кидлашди, қайбирлари менинг фикримни қувватлашди ва қиз нарса учун, бу каби текшириш жуда оғир ва ҳақорат бўлиб тушади, қолаверса, бундай текширишга эҳтиёж ҳам йўқ,— барибир эртами, кечми бутун ҳақиқат очилади, шошиб нима ҳам қиламиз: башарти Раисанинг ҳомиласи бўлса ҳам, бешинчи ойдан ошмаган; у тинчлансин, шу фикрга кўниксин, нарироқ бориб яшириш ҳам қийин бўлиб қолади, дейишди.

Раисани ўз ҳолига қўйиб бердик.

Ўн бешинчи апрельда шаҳар театрида педагогларнинг катта йиғилиши бўлди, бу йиғилишда мен интизом ҳақида доклад қилдим. Биринчи кечада докладни тамомлаган бўлсам ҳам, лекин менинг асосий фикрларим теварагида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қизғин музокаралар бошланиб кетиб, доклад муҳокамасини иккинчи кунга кўчиришга тўғри келди. Театрда педагогларимизнинг деярли ҳаммаси ва катта ёшдаги колонистлардан ба'зилари бор эди. Биз шаҳарда тунаб қолдик.

Ўша вақтда колониямизга ўз губернамиздагилардан бошқалар ҳам қизиқиб қарарди, шу сабабли иккинчи куни театрга халқ тўлиб-тошиб кетди. Тушган саволлар ичида эркак болалар блан қизларни биргаликда тарбиялаш ҳақидаги савол ҳам бор эди. У вақтларда колонияларда бирга тарбиялаш қонун бузучилар учун ман' қилинган эди; бизнинг колониямиз Иттифоқда бирга тарбиялаш тажрибасини амалга ошираётган бирдан-бир колония эди.

Саволга жавоб қайтарар эканман, лоп этиб Раиса эсимга тушди. Лекин унинг ҳомиладорлик эҳтимоли ҳам бирга тарбиялаш тўғрисидаги масалада менинг тасаввуримда ҳечқандай ўзгариш ясамади. Мен йиғилишдагиларга бу соҳада бизда иш жуда яхши деб уқтириб ўтдим.

Танаффус вақтида мени ташқарига чақиришди. Чиқишим блан ҳарсиллаб турган Братченкога дуч келдим: у шаҳарга от чоптириб келипти ва тарбиячилардан бирортасига ҳам воқиани айтгиси келмапти.

— Иш пачава, Антон Семёнович. Қизлар ётоқхонасидан чақалоқ боланинг ўлиги топилипти.

— А, чақалоқ боланинг ўлиги дейсанми?!

— Улик, бутунлай ўлик эмиш. Раисанинг корзинкасида экан. Лёнка пол ювиб туриб, негадир корзинкани олиб қараган экан, чамаси бирор нима олмоқчи бўлганми, унда чақалоқ боланинг ўлиги ётган эмиш.

— Нима деб довдираяпсан?!

Ўша жойда бизнинг аҳволимиз ҳақида нима дейиш мумкин эди? Умрим бино бўлиб бунчалик ваҳимага тушмаган эдим. Ранглари девор бўлиб кетган тарбиячилар йиғи-сиғи блан бир амаллаб театрдан чиқишди, извошга ўтириб колонияга жўнаб кетишди. Мен кетолмадим, чунки докладимга бўлган ҳужумларни ҳам қайтаришим керак эди.

— Хозир бола қаерда!— деб сўрадим Антондан.

— Иван Иванович ётоқхонага олиб кириб қулфлаб қўйди. Ўша жойда, ётоқхонада.

— Раиса-чи?

— Раиса кабинетда ўтирипти, у ерда болалар уни қўриқлаб туришипти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен бу воқеани хабар қилиш учун Антонни милицияга юбориб, ўзим интизом ҳақидаги сўзларни давом эттириш ниятида қолдим.

Фақат кеч кирган пайтдагина колонияга етиб келдим. Раиса кирхонада ишлаганда киядиган фартуғини кийиб кабинетимдаги тахта диванда ҳурпайиб ўтирган экан. Ичкарига кирган пайтимда менга қайрилиб ҳам қарамади, қайтага бошини яна ҳам қуйи солиб олди. Уша диванда Вершнев китобларни ени-верига ёйиб ўтирарди: афтидан, аллақандай справкани ахтармоқда эди, чунки гоҳ у китобни, гоҳ бу китобни олиб, тез-тез варақлар ва ҳечкимга парво қилмас эди.

Мен ётоқхона эшигидаги қулфни очиб корзинкадаги ўликни ички кийимлар сақланадиган омборхонага келтириб қўйишни буюрдим. Кечқурун алламаҳалда ҳамма ухлашга тарқалиб кетгандан кейин Раисадан:

— Нега сен бундай қилдинг?— деб сўрадим.

Раиса бошини кўтариб, менга ҳайвон сингари бўзрайиб қаради ва тиззалари усгидаги фартуқни тузататуриб:

— Қилдим-да,— деди.

— Нега сўзимга кирмадинг?

У тўсатдан пиқ-пиқ йиғлаб юборди ва:

— Ўзим ҳам билмайман,— деди.

Мен уни кабинетда тунашга қолдириб, Вершневга пойлаб чиқишни топширдим, унинг китоб ўқишга бўлган зўр иштиёқи ғоят ҳуш'ёрлигига гаров эди. Раиса ўзини-ўзи бирнима қилиб қўймаса яхши эди, деб ҳаммамиз қўрқардик.

Эртасига эрта блан терговчи келди, тергов узоққа чўзилмади, сўроқ қилинадиган ҳечким йўқ эди. Раиса ўзининг жиноятини қисқа, лекин очиқ-равшан қилиб сўзлаб берди. У болани кечаси бешта қиз ухлаб ётган ётоқхонада туғипти. Бу пайтда қизлардан бирортаси ҳам уйғонмапти. Раиса буни жуда оддий бир ҳодисадай қилиб гапириб берди:

— Мен инграмасликка тиришдим.

Бола ерга тушган ҳамоно уни рўмол блан бўғиб ўлдирипти. Болани ўлдиришга илгаридан қасд қилиб юрганини инкор этди:

— Бундай қилмоқчи эмасдим, броқ, у йиғлайбошлади.

У ўликни рабфакка обориб келган корзинкасига солиб яширган ва янаги кечаси уни ўрмонга ташлаб кетмоқчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган экан. Ўликни тулкилар еб кетадию, ҳечким ҳечнарсани билмай қолади, деб ўйлаган экан. У эрта блан қизлар ўз кийим-кечакларини ювиб турган кирхонага ишга борипти. Ҳамма колонистлар блан бирга нонушта ва кундузги овқатни қилиптию, болаларнинг айтишича, «хомуш» бўлиб юрипти.

Терговчи ўликни ёриб кўриш учун касалхоналардан бирининг ўликхонасига юборишга буюриб, Раисани бирга олиб кетди.

Бу воқиа педагогларнинг руҳини батамом сўндирди. Улар колониянинг сўнгги кунлари келиб қолипти, деб ўйлашди.

Колонистлар бир қадар кўтаринки руҳда эди. Қизлар кечқурунги қоронғиликдан ва ўз ётоқхоналаридан қўрқадиган бўлиб қолдилар, улар ётоқхонада эркак болаларсиз тунашга унамай қўйдилар. Уларнинг ётоқхонасида Задоров блан Карабанов бирнеча кечагача ётиб юришди. Бу ҳодисаларнинг оқибати шу бўлдики, қиз болалар ҳам, ўғил болалар ҳам ухлашмади ва ҳатто ечинишмади. Ўша кунларда болаларнинг севган машғулоти қизларни қўрқитиш бўлди: болалар оқ чойшапларга ўралишиб дераза-лар тагига келиб туришар, печкаларнинг мўриларидан аллақандай мудҳиш товушлар чиқаришар, ҳечкимга билдирмай Раисанинг кровати тагига бекинишиб олиб, кечқурун у ерда туриб овозларининг борича бараварига чинқиришар эди.

Чақалоқнинг ўлимига болалар анчики бир нарса деб қарадилар. Шу блан бирга улар Раисанинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришда педагоглардан бошқача нуқтаи назарда эдилар. Педагоглар, Раисанинг қизлик шарм-ҳаёси чақалоқни бўғиб ўлдиришга мажбур қилган, деб ишонардилар: дарҳақиқат, ётоқхонада ухлаб ётганлар орасида тўсатдан бола чиррос йиғлаб юборган,— Раиса оғир бир аҳволда, уларнинг уйғониб қолишидан ваҳимага тушган.

Задоров педагогларнинг бу нарсага ҳаддан ташқари берилиб кетиб айтган сўзларини эшитиб, кула-кула ичаги узилаёзди.

— Бўлмаган гапларни нима қиласизлар гапириб! Қизлик шарм-ҳаёси қолипти дейсизми! Ҳамма нарса илгаридан ўйлаб қўйилган экан, шунинг учун ҳам тез фурсатда туғишига иқрор бўлгиси келмаган. Ҳаммасига илгариданоқ Корнеев блан бамаслаҳат режа тузиб қўйилган. Корзинка блан ўрмонга элтиб ташлаш учун ҳам ил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гаридан ҳозирлик кўриб қўйилган. У агар шу ишини уялганидан қилган бўлса, эрта блан ишга тинчгина борармиди? Ихтиёр менда бўлганда, ана шу Раисани эртагаёқ отиб ташлардим. Ёмонликка ёмон эди, ҳамиша ёмонлигича қолади. Сиз бўлсангиз қизлик шарм-ҳаёсини пеш қиласиз! Унда ҳечқачон шарм-ҳаё деган нарса ўрнитагида бўлган эмас, ахир.

— Ундай бўлса мақсади нима, нега бундай қилди?— деб дангал савол беришди педагоглар.

— Мақсади жуда оддий: унга бола нима керак? Боланинг оворагарчилиги бўлади: уни боқиб парвариш қилиш керак. Улар иккиси, айниқса Корнеев, болага жуда муҳтож деб ўйлайсизми.

— Бе-е! Бундай бўлиши мумкин эмас...

— Мумкин эмас, дейсизми? Сизлар қизиқ экансизлар! Албатта, Раиса айтмайди, аминманки, агар уни қийинқистов қилиб кўрилса, бу нарсанинг таги-тахти очиладиқўяди...

Болалар Задоровнинг фикрига ҳеч шак-шубҳасиз қўшилдилар. Карабанов «бундай нарсани» Раиса биринчи марта қилаётгани йўқлигига, колонияга келишдан илгари ҳам, эҳтимол, шунга ўхшаш ҳодиса бўлиб ўтганига ишонарди.

Бола ўлдирилган куннинг индинига Карабанов ўликни аллақайси бир касалхонага элтиб берди. У жуда ҳаяжонланиб қайтди.

— Войбаёй, унда менинг кўрмаган нарсам қолмади! У ерда банкаларга ҳархил болаларни солиб қўйишипти, ўзням ўттизтача бор. Жудаям бадбашараки, бошлари мана бундай, оёқлари бўлса эгилиб-букилиб ётипти, одаммн, чўлқурбақами, нимабало эканини билиб бўлмайдн. Бизникининг олдидан ҳаммаси ўтаверсин! Бизники — энг гўзал.

Екатерина Григорьевна та'на аралаш бош чайқадию, лекин табассумини тўхтатолмай:

— Қаёқдаги гапларни қиласиз, Семён, уялмайсизми!— деди.

Болалар хахолаб кулиб юборишди, тарбиячиларнинг сўниқ, жилвасиз қнёфалари болаларнинг жонига теккан эди.

Уч ойдан кейин Раисани суд қилдилар. Судга Горький номидаги колониянинг бутун педсовети чақирилди. Судда қизлик шарм-ҳаёсининг психологияси ва назарияси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукмронлик қилди. Судья бизга, қизни тўғри тарбия қилолмабсизлар, деган гаплар блан та'на қилди. Биз бу та'нага қарши чурқ этолмадик, албатта. Мени суд кенгашига чақириб сўрашди:

— Сиз уни яна қайта колонияга олаоласизми?

— Албатта.

Раиса шартли равишда саккиз йилга ҳукм қилинди ва алоҳида назорат қилиб туриш шарти блан дарҳол колонияга қайтиб берилди.

У колонияга, қўнжи калта сариқ этик кийиб, ҳечнарса кўрмагандай қайтиб келди ва биз уюштирган кечаларда вальсга ўйин тушиб, кирчиларнинг ҳамда пироговкали хотин-қизларнинг қўнжи калта этигига тозаям ҳавасини келтирди.

Настя Ночевная менга бундай деди:

— Сиз Раисани колониядан йўқотинг, бўлмаса уни ўзимиз йўқотамиз. У блан бир хонада туришга тоқат қолмади.

Мен уни наридан-бери трикотаж фабрикасига ишга жойлаб қўйдим.

Уни бирнеча марта шаҳарда кўрдим. 1923 йилда ўша шаҳарга иш блан келган эдим, ошхоналардан бирининг буфет пештахтаси орқасида тўсатдан Раисани кўриб қолиб, дарров танидим: у анчагина гўзаллашипти ва шу блан бирга дуркунлашиб, хушбичим бўлиб кетипти.

— Аҳвол қалай?

— Ёмон эмас. Буфетчи бўлиб ишлаяпман. Иккита болам бор, эрим яхши.

— Корнеевми?

— Йўғе,— деб жилмайиб қўйди у,— ўтган ишлар унутилди. Уни кўчада сўйиб кетишганига анча бўлди... Биласизми, Антон Семёнович?

— Хўш?

— Раҳмат сизга, ўша вақтда мени хароб қилмадингиз. Мен фабрикага кетганимча, шу-шу, эски одатларимни тарк қилиб юбордим.

16. Ёвғон шўрва

Баҳорда бизга тепкили терлама деган янги офат ҳужум қилди. Бошлаб Костя Ветковский оғриди.

Колонияда врач йўқ эди. Врачсиз туришга илож бўлмаган ва врачни чақириш ноқулай бўлган пайтларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Екатерина Григорьевна врачлик қилиб турди, чунки у бир вақтларда медицина институтида бирмунча ўқиган экан. Колонияда унинг ихтисоси қўтирни даволаш ва болаларнинг бирор жойини пичоқ кесганда, куйганда, майиб бўлганда тез ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиб қолди. Қишда бўлса, пойафзалимиз бут бўлмаганлигидан, кўпгина болаларнинг оёқларини совуқ олди. Колонистларга тегиб ўтган енгил-елпи касалликлар шулардан иборат бўлса керак,— улар врачлар ва дори-дармонлар блан овора бўлиб юришни унча хуш кўрмасдилар. Мен колонистларнинг унар-унмасга медицина ёрдамига кўз тикмасликлари учун ҳам уларга зўр ҳурмат блан қарардим, ўзим ҳам улардан бу соҳада анча нарса ўргандим. Колонистларнинг температураси ўттиз саккиз даражага чиққанда ҳам ўзини касал ҳисобламаслик одат бўлиб қолган эди ва биз чидам блан бир-биримиздан бўш келмасдик. Врачлар бизга зўрға келганидан шундай қилиш зарур ҳам эди.

Шу сабабли, Костя оғриб, температураси қирққа яқинлашиб қолганда, биз бу ҳолни колония ҳаётида янгилик деб билдик. Костяни ўрингa ётқизиб, унга жиддий э'тибор беришга ҳаракат қилдик. Кечқурунлари унинг ўрни атрофига ошна-оғайнилари йиғилишар, кўплар у блан яхши муносабатда бўлишганидан, кечқурун бир тўда одам уни қуршаб оларди. Костяни якkалаб қўймаслик ва болаларни ранжитмаслик учун, биз ҳам кечки пайтларни касал ёнида ўтказардик.

Икки-уч кундан кейин Екатерина Григорьевна ўзининг безовталанаётганлигини менга ҳаяжон блан билдириб, ҳойнаҳой тепкили терлама бўлса керак, деди. Мен болаларга касалнинг ўрин-бошн ёнига боришни ман' қилдим, лекин Костяни бир амаллаб чинакамига бутунлай ажратиб қўйиш деярли мумкин бўлмади, чунки шу хонада ҳам машғулот ўтказишга, ҳам кечқуруи йиғилишга тўғри келарди.

Яна бир кундан кейин, Ветковскийнинг аҳволи жуда ёмонлашиб қолди, биз уни ўз кўрпасига ўраб, фойтунга ўтқаздик, шундан кейин мен уни ўзим шаҳарга олиб кетдим.

Касалхона қабулхонасида юрган ва ингpаб ётган касалларнинг сони қирқтача эди. Анчадан бери врач йўқ. Аллақачондан бери овора-сарсон бўлиб юрганимиз устига устак, беморни касалхонага ётқизишдан дурустгина бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

натижа чиқмаслиги ҳам кўриниб турарди. Ниҳоят врач келди. Ветковскийнинг кўйлагини эзмаланиб юқори кўтарди, кексаларга хос хусусият билан инқиллаб-синқиллаб, хат ёзаётган фельдшерга мижғовланиб:

— Тепкили терлама экан. Касалхона шаҳарчасига юборилсин,—деди.

Шаҳар ташқарисида, далага ўхшаган бир жойда, йигирматача ёғоч уй урушдан омон қолган экан. Мен ҳамширалар, касаллар, чойшаб ёпилган носилкаларни олиб чиқиб кетаётган санитарлар орасида анчагача ўралишиб қолдим. Касални навбатчи фельдшер қабул қилиши керак, дейдилару, лекин унинг қаердалигини ҳечким билмайди ва уни топишни ҳечким истамайди. Мен, ниҳоят, тоқатсизланиб, яқинимдаги ҳамширага қараб: «тартибсизлик», «шафқатсизлик», «аблаҳлик» сингари сўзлар билан ўшқирдим. Ғазабим фойда берди: Костяни ечинтириб, қасрғадир олиб кетдилар.

Колонияга қайтиб келгач, Задоров, Осадчий ва Белухиннинг ҳам худди шу сингари температура билан ётиб қолганликларини билдим. Айтгандай, Задоровни Екатерина Григорьевнанинг ўринга ётишга қилган насиҳатига важ-баҳона қилиб ҳали оёқ устида турган ҳолда учратдим.

— Сиз жуда аломат хотин экансиз-у! Нега ётар эканман? Мана мен ҳозир темирчилик устахонасига бораман, унда мени Софрон бир зумда боқиб тузатади...

— Сизни Сафрон қандай қилиб тузатарди? Бўлмағур гапларни гапириб нима қиласиз!..

— Ўзини даволайдиган нарсалар билан даволайди-да, чунончи: самогон, мурч, туз, олеонафт ва пича арава мой!—деб одатдагича кулиб жавоб қилди Задоров.

— Қаранг, Антон Семёнович, сиз буларни жудаям ҳаддидан ошириб юборибсиз!— дейди менга Екатерина Григорьевна.—Бу кишн ўзларини Софронга боқизармишлар!.. Жўнанг, бориб ётинг!

Задоровнинг иситмаси жуда ошиб кетиб, базўр тик турганлиги очиқ эди. Мен унинг қўлидан етаклаб, индамасдан ётоқхонага олиб бордим. Ётоқхонадаги кроватьларда Осадчий ва Белухин ётган эди. Осадчий азоб чекиб, ўз аҳволидан зорланмоқда эди. Бундай «жанговар» йигитлар донмо касалга яхши бардош беролмасликларини аллақачон пайқаган эдим. Аммо, Белухиннинг, одатдагича, чеҳраси очиқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Колонияда Белухиндан кўра хушчақчақроқ ва қувноқроқ одам йўқ эди. У Нижний Тагильда ишчилик блан умр кечирган ота-боболар зурриётидан эди; у очарчилик вақтида галла олиб келишга жўнаб кетган, Москвада аллақандай облавада қўлга тушиб, болалар уйига жойлаштирилган ва у ердан қочиб, кўча-кўйларда санқиб юрган, қайта-қайта қўлга тушиб бирнеча марта қочган бола эди. Ўзи жуда эпчил, ўғрилик қилмасликка тиришар, кўпинча чайқовчилик блан шуғулланарди. У кейинчалик ўзининг чайқовчиликларини кулиб-кулиб сўзлаб берган эди, унинг чайқовчиликлари доимо жасурлик блан бажарилар ва муваффақиятсиз чиқарди. Ниҳоят Белухин чайқовчиликни удда қилолмаслигига кўзи етган ва Украинага жўнаб кетишга жазм қилган.

Белухин бир вақтларда мактабда ўқиган бўлиб, ҳар нарсадан унча-мунча хабардор, серзавқ ва уддабуро йигит бўлса ҳам, броқ, таажжубки, ғирт саводсиз эди. Шундай болалар бўладики, гўё хат-саводи бурро, касрни ҳам билади, процентлардан ҳам хабари бору, лекин буларнинг бариси унда аллақандай ғалати, қўпол ва ҳаттоқулгили бўлиб чиқади. Белухин ҳам худди ана шунақа қўпол, лекин бама'ни ва жозибадор эди.

У терлама касали блан ётганда жуда эзма бўлиб қолди ва ҳарқачонгидай, унинг аскиябозлиги қуйидаги сўзларни тасодифий равишда қўшиб айтиш блан яна ошиб тушадиган бўлди:

— Терлама — медицина интеллигентлигидир, шундай экан нима учун у ишчига ёпишипти? Мана қачонки социализм дун'ёга келса, у вақтда бу бациллани остонага ҳам яқин йўлатмаймиз, бордню, айтайлик, иши жуда зарур бўлса: паёк олишми, бошқами, чунки тўғрисини айтганда уйинг ҳам тириклик қилиши керак, шунда менинг секретаримга мурожаат қилаверсин. Секретарьликка эса Колька Вершневни белгилаймиз, чунки худди ит бургадан ажрамагандай у ҳам китобдан ажрамайди. Колька интеллигентлик қилади, ва демократик тенглик жиҳатидан унга бурга ҳам бир, бацилла ҳам.

— Социализм даврида-ку мен секретарь бўларканман, сен нима қиласан?— деб сўрайди Колька Вершнев дудуқланиб.

Колька бўлса Белухининг оёқ томонида, одатдагидек китобчаси блан, титилиб битган кўйлак кийиб, сочини ҳурпайтириб ўтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен бўлса сени кийинтиришга доир қонунлар ёзаман, токи сен ялангоёққа ўхшамай, мундоқ одамбашара бўлгин, чунки бу нарса ҳатто Тоська Соловьевнинг ҳам ғазабини келтиради. Важоҳатинг-ку маймунга ўхшаса, қандай қилиб китобхон бўлаоласан? Ҳарқанақа маймун ўйнатучининг ҳам маймуни бунақанги қора бўлавермайди. Тўғрими, Тоська?

Йигитлар хахолашиб Вершневдан кулишди. Вершнев аччиғланмади ва Белухинга ёқимтой кулранг кўзларини мулойимгина тикиб ўтирарди. Икковлари қалин дўст бўлиб, колонияга бирга келишган ва темирчилик цехонасида ёнма-ён туриб ишлашган эди, Белухин сандон ёнида турар, Колька бўлса китоб учун бир қўлини бўш тутиш мақсадида дам босишни афзал кўрарди.

Тоська Соловьёв атиги ўн ёшда эди, уни кўпинча Антон Семёнович деб аташарди, у блан иккимизнинг отимиз, отамизнинг оти бир хилда эди. Тоська бизнинг ўрмонда очликдан ўлар ҳолатда беҳуш ётганда, уни Белухин топиб келган эди. У Украинага Самара губернасидан ота-онаси блан йўлга чиқипти, йўлда онасини йўқотиб қўйипти, кейин нима бўлганини ўзи билмайди. Тоськанинг яхшигина, очиққина юзи доимо Белухинга ўтирилган. Тоська, афтидан, ўзининг ёшгина ҳаётини ортиқча кучли таассуротсиз ўтказган бўлса керак, шунинг учун ҳам уни ана шу серзавқ, хушчақчақ Белухин доимо ҳайрон қолдирар ва ўзига тортар эди. Белухин бўлса ҳаётдан ҳечбир қўрқмас ва дунёдаги ҳамма нарсага баҳо берарди.

Тоська Белухининг боши томонда турар ва мўжазгина кўзлари муҳаббат ва шавқ-завқ блан ёнар эди. У болаларга хос ингичка овоз блан:

— Қора маймун!—деб қийқириб кулади.

— Мана менинг Тоськам ажойиб бола бўлади,—деб уни Белухин кровать орқасидан тортиб чиқазади.

Тоська Белухининг кўрпа ёпилган қорни устига ўзлиб энгашади.

— Ҳай, Тоська, сен китобларни Колька сингари ўқима, чунки, кўраяпсанми, унинг оғи жуда ошиб кетипти.

— У китобларни эмас, уни китоблар ўқийди,— дейди ёнидаги кроватьда ётган Задоров.

Мен Карабанов блан шахмат ўйнаб ўтириб, ўзимча: «Улар терлáма блан оғрпганини унутишди шекилли» деб ўйлайман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бироргаяиз Екатерина Григорьевнани чақириб беринг.

Екатерина Григорьевна дарғазаб фариштa образида келиб, дейди:

— Бу қандай қилиқ? Нима учун Тоська бу ерда пилдираб юрипти? Дид-фаросат борми сизларда? Қаёқдаги кўракда турмайдиган ишларни қилишадия!

Тоська қўрқа-писа кроватьдан тушиб, орқага чекинади. Карабанов унинг қўлига маҳкам ёпишиб, ерга ўтириб олади ва ҳаяжон ичида, қўрқув аралаш, кулгили бир тарзда бурчакка чекиниб:

— Мен ҳам қўрқаётирман...— дейди.

— Тоська, сен Антон Семёновичнинг қўлини ушла. Нега сен уни бўшатиб юбординг?— дейди Задоров хириллоқ овоз билан.

Екатерина Григорьевна хушчақчақ бир тўда болалар орасида ожизлик билан аланглайди.

— Худди зулусларга ўхшайсизлар-а.

— Зулуслар иштонсиз юришади, ўз ошна-танишларини тутиб еб тириклик қилишади,— дейди Белухин гердайиб. Қизнинг ёнига келади-да: «Сизни кузатиб қўйишга рухсат этинг» дейди. Қиз, албатта, хурсанд бўлади ва кўнгил учун: «Йўғе, қўйинг, ўзим кетаверaман» дейди.— «Йўқ, нанки бундай қилсангиз, ўзингиз кетаверишингиз мумкинми, ахир?» Шундай қилиб, кўчанинг муйилишигача етаклаб боради-да, кейин унгейди қўяди. Горчица ҳам ахтариб ўтирмайди.

Узоқ бурчакдан Тоськанинг ингичка овози эшитилади. Шунда Екатерина Григорьевна жилмайиб:

— Уёқларда қизларни тутиб ейишса, бу ерда ёш болаларни терлама касали билан оғриганларга қўшиб қўйишади. Барибир,— дейди.

Вершнев пайт пойлаб Белухиндан ўч олади:

— З-з-зулуслар ҳе-ҳеч қ-қанақя қизларни е-е-емайди. Улар с-с-сендан кўра ма-маданийроқ ха-халқ. Т-т-тоськага к-к-касал юқ-ти-ти-тирасан.

— Ҳай Вершнев, нега сиз бу кроватьда ўтирибсиз?— деб сўрайди ундан Екатерина Григорьевна.— Дарров жўнаб қолинг бу ердан!

Вершнев изза бўлиб, Белухин кровати устида сочилиб ётган китобчаларини нариган-бери йиғиштирабошлайди.

Задоров орага суқулиб:

— У қиз эмас. Уни Белухин емайди,— дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоська Екатерина Григорьевна ёнида туриб, гўё хаёл сурган бир тарзда:

— Матвей қора маймунни емайди,— деб қўяди.

Вершнев бир тўда китобни қўлтиқлаб кетаётганда, тўсатдан иккинчи қўлтиғида Тоська пайдо бўлиб қоладида, ер тепинади, хахолаб кулаверади. Булар бориб-бориб энг узоқ бурчакдаги Вершнев кроватига ўзларини ташлайди.

Эртасига эрта блан Калина Ивановичнинг проекти бўйича хиёл тобутга ўхшатиброқ ясалган чуқур арава лиқ тўлади. Терлама блан оғриган болаларимиз арава ичида кўрпаларга бурканиб ўтиришади. Тобутсимон араванинг четларига тахта қўйилган бўлиб, унинг устида Братченко иккимиз шумшайиб ўтирамиз. Кўнглим ғаш, чунки Ветковскийнинг бошидан ўтган сарсонликнинг қайталанишини олдиндан сезиб турибман. Болаларнинг даволаниш учун кетаётганига асти ишонгим келмайди.

Осадчий аравада ётиб, устидаги кўрпани титраб-қақшаб таталайди. Кўрпанинг қоратир пахтаси оқиб ётипти, оёқларим ёнида Осадчийнинг титилиб кетган қўпол ботинкаси кўринади. Белухин кўрпани бошига буркаб, ғинғ карнай қилиб туриб дейди:

— Одамлар бизни бир тўда поп кетаётир деб ўйлар. Шунча попни нима қилар экан, дейишар.

Бунга жавобан Задоров жилмаяди, шу жилмайишдан унинг аҳволи оғирлиги кўриниб турарди.

Касалхона шаҳарчасида аҳвол боягисидай. Мен Костя ётган палатада ишлайдиган ҳамширани топаман. У коридорда югуриб кетаётганда ўзини зўр-базўр тўхтатиб олди.

— Ветковскийми? Шу палатада бўлса керак...

— Аҳволи қалай?

— Ҳали ҳечнарса ма'лум эмас.

Антон ҳамширанинг орқа томонида туриб қамчинни ҳавода ўйнатади ва:

— Ана холос: ма'лум эмас эмиш! Нега ма'лум эмас?— дейди.

— Бу бола сизданми?— дейди жирканиб ҳамшира, шимига чўп-хас илашган ва эгия-боши намиқиб гўнг ҳиди келиб турган Антонга қараб.

— Биз Горький номидаги колониядамиз,— деб эҳтиётлик блан гап бошлайман.— Бу ерда бизнинг Ветковский деган тарбияланучимиз бор. Ҳозир яна учтасини олиб келдим, чамаси булар ҳам терлама бўлса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўппа-тўғри қабулхонага мурожаат қилаверинг.

— Қабулхонада одам лиқ тўла-да. Бундан ташқари, мен болаларнинг бир жойда бўлишини истардим.

— Биз ҳечқанақа инжиқликларга йўл қўёлмаймиз! — деди-да, ҳамшира яна кетаверди.

Шу топда Антон унинг йўлини тўсиб:

— Бу нима деган гап? Ахир сиз одам блан гаплашаоласиз-ку! — деди.

— Қабулхонага боринглар, ўртоқлар, бу ерда сўзлашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ҳамшира Антонга жекирди, Антонга мен ҳам жекириб:

— Тур, йўқол халақит берма! — дедим.

Лекин Антон турган еридан ҳеч силжимай, ҳайрон бўлиб мен блан ҳамширага қарайди, мен бўлсам ҳамширага зарда блан бундай дейман:

— Икки оғиз сўзимга қулоқ солинг. Болалар касалдан албатта тузалишса ёкан дейман. Ҳарбир тузалиб турган бола учун икки пуддан буғдой уни тўлайман. Лекин бир киши блан муомала қилишни истар эдим. Ветковский сизда. Шундай қилингки, бошқа қолган болалар ҳам сизда бўлсин.

Ҳамшира бу гапимни ҳақорат деб билди шекиллик, бирхил бўлиб кетди.

— «Буғдой уни» деганингиз нимаси? Бу нимаси—порами? Мен тушунолмаётирман!

— Бу — пора эмас, бу — мукофот, тушундингизми? Агар сиз унамасангиз, мен бошқа ҳамшира топаман. Бу пора эмас: биз касалларимизга сал дурустроқ қаралишини, керак бўлса ба'зибир қўшимча иш қилинишини сўраймиз. Билсангиз, гап шуки, уларнинг овқат масаласи чатоқ бўлиб келган. Бунинг устига, билсангиз, уларнинг қариндош-уруғлари ҳам йўқ.

— Хоҳласангиз, мен уларни буғдой унисиз ҳам қабул қилаверaман. Неча киши?

— Ҳозир учтасини келтирдим, яна келтиришим ҳам эҳтимол.

— Қани, юринг-чи.

Антон иккимиз ҳамшира кетидан эргашиб борамиз. Антон ҳамширага айёрларча кўз қисиб, бош силкийди, лекин ишнинг бунақасига айланиб кетганига у ҳам ҳайрон. Унинг афт-башарасини бужмайтиришига жавоб беришни истамаганлигимни билиб индамайди.

Ҳамшира бизни касалхонанинг энг нарнги бурчидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

аллақандай бир хонага олиб боради. Антон касал болаларимизни бошлаб келади.

Албатта, ҳаммасининг касали терлама. Навбатчи фельдшер кўрпаларимизни бирмунча ҳайрат блан кўздан кечирди, аммо ҳамшира дадил овоз блан унга:

— Булар Горький номидаги колониядан келишган, уларни менинг палатамга жўнатинг,— дейди.

— Сизда ҳали жой борми?

— Жойлаштирамиз. Икки киши бугун чиқиб кетади, учинчи кроватьни қўйишга жой топамиз.

Белухин хурсандлик блан хайрлашатуриб:

— Тағин олиб келинглар, иссиқроқ бўлади,— дейди.

Бир кун оралатиб, унинг истагини бажардик: аввал Голос блан Шнайдерни, бир ҳафтадан кейин яна уч болани олиб келдик.

Хайриятки, касал ташиш шу блан тўхтади.

Антон бирнеча марта касалхонага бориб, болаларнинг аҳволини ҳамшира орқали билиб турди. Терлама касали ҳартугур колонистларга ҳечнима қилолмади.

Биз бир кун болалардан қайбировларини олиб келиш учун шаҳарга жўнатмоқчи бўлиб турган эдик, баҳорги киём палласида тўсатдан ўрмон ичидан кўрпага ўралган бир парса чиқиб келди. Ҳалиги нарса тўппа-тўғри темирчилик ишхонасига кириб, ҳадеб қичқираверди:

— Хўш, ғалла токарьлари, аҳволингиз дурустми? Сен ҳамон китоб ўқиётгандирсан? Ана уни қара, мия томирининг қулоғингдан чиқиб турипти...

Болалар қувониб кетишди: Белухин, гарчи озиб, қорайиб кетган бўлса ҳамки, илгаригича хушчақчақ ва турмушда ҳечнарсага парво қилмасди.

Екатерина Григорьевна унга: нега яёв келдинг, одам боргунча нега кутиб турмадинг? — деб ўдағайлади.

— Биласизми, Екатерина Григорьевна, кутиб ўтирсам ҳам бўларди-ку, броқ овқатни жудаям соғиниб қетдим. Бизникилар қора буғдой нони ейишаётганини, ҳали кондёр, ҳали товоқ-товоқ бўтқа ейишларини эсимга олсам борми,— хафалигим ошиб кетиб, бутун вужудимни қоплайди... Уларнинг анови ёвғон шўрва ичишларини кўрсам, кўнглим беҳузур бўлиб кетади... ха-ха-ха, ха!..

— Ёвғон шўрва деганинг нимаси?

— Ҳа, билсангиз, Гоголь шунақа бир хил шўрвани та'рифлаган экан, менга жудаям ма'қул бўлган эди. Қасалхонадагилар ҳам ўша ёвғон шўрвани яхши кўриб қолиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, мен бўлсам, уни кўришим блан шундай кулгим келдики, аста ўзимни тўхтатиб ололмайман: хахолаб кулганим кулган, холос. Боринг-чи, ҳамшира ҳам мени урмади, унга сари яна кулгим қистайди, кула-кула чарчайман. Евгон шўрва дегани эсимга тушса бас. Ичишга илож тополмайман: қўлга қошиқ олишим бланоқ кулавераман, нақ ичагим узилай дейди. Шундай қилиб мен у ердан чиқиб келдим... Сизникилар обед қилишдими? Бугун бўтқа бўлса керак-а?

Екатерина Григорьевна аллақаердан сут топтириб келди: касалга тўсатдан бўтқа бериб бўлмайди-да!

Белухин хурсандлик блан миннатдорлик билдириб:

— Ҳа, раҳмат, ўлай деётган касални сийлаб юборди-нгиз,— деди.

Лекин, барибир, сутни бўтқа устига қуйди. Екатерина Григорьевна унга қўл силтаб қўяқолди.

Тез фурсатда бошқалар ҳам қайтиб келишди.

Антон ҳамширанинг уйига бир қоп оқ ун элтиб берди.

17. Шариннинг ўч олиши

Бора-бора «бизникн энг гўзал» унутилаборди, терлама фалокатлари ҳам унутилаборди, қишда оёқларни совуқ урганн, қийинлик блан ўтин-чўп тайёрлангани ҳам унутилабордию, лекин халқ маорифи бўлимидагилар менинг интизом бобида тутган «аракчеевчилик» формулаларимни унутаолмадилар. Халқ маорифи бўлимидагилар мен блан деярли аракчеевчасига гаплашадиган бўлиб қолдилар.

— Биз сизнинг ўша жандармча тажрибангизни йўқ қиламиз. Зиндонни, қийноқхонани эмас, ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш керак.

Мен интизом ҳақида қилган докладимда, ўша даврда умум томонидан қабул этилган бирнеча қоиданинг, я'ни жазо қулни тарбиялайди, боланинг ижодига кенг йўл бериш керак, болаларнинг ўз-ўзларини идора қилишларига ва интизомни ўзлари йўлга қўйишларига ҳаммадан кўра каттароқ имкон туғдириш керак, деган қоидаларнинг тўғрилигига шубҳа блан қараган эдим. Модомики ҳали коллектив ва унинг органлари тузилмаган экан, модомики ҳали традициялар йўқ ва дастлабки меҳнат ҳам турмуш малакалари тарбия қилинмаган экан, тарбиячининг маж-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бур этишга ҳақи бор ва у мажбур этишдан бош тортмаслиги керак, деб билган қат'ий фикримни ўртага ташлашни лойиқ кўрдим. Бутун тарбияни қизиқтириш асосига қуриш ярамаслигини, чунки ўз бурчини сезиш ҳиссини тарбиялаш кўпинча боланинг қизиқишига зид келишини тасдиқладим. Мен кишини чиниқтириб, пишиқ-пухта қилиб тарбиялашни, гарчи ноқулай ва кўнгилсиз бўлса-да, коллективга фойда келтирадиган ишни бажараоладиган кишини тарбиялаб етиштиришни талаб қилдим.

Фикрларимга якун ясаб, кучли ва балки қаттиқ, жонли коллектив яратиш линиясини қатъий туриб ҳимоя қилдим ва бутун умид-ишончимни фақат коллективга боғладим; душманларим менга нуқул педология аксиомаларини пеш қилавердилар ва нуқул «болани» рўкач қилаверлилар.

Мен колонияни тарқатиб юборадилар деб ўйлаган эдим, лекин ундаги кундалик ишлар блан экин кампанияси ва иккинчи колониядаги ўша-ўша ремонт ишлари блан банд бўлганлигим туфайли халқ маорифи бўлимидагиларнинг қийнашлари менга кўпда та'сир қилмади. Афтидан, аллаким мени ҳимоя қилган бўлса керак, чунки узоқ вақтгача менга жазо бермасдан юрдилар. Ундан кўра шартта ишдан олиб ташлаган осонроқ эди.

Лекин халқ маорифи бўлимига бормасликка тиришдим, чунки ундагилар менга ғоят дағал ва ҳатто беҳурматлик блан муомала қилишар эди. Айниқса инспекторлардан бири—Шарин жонимга тегарди. Бу йигит жуда чиройли, қорачадан келган, жингалак сочли бўлиб, губерна хокимларининг юрагига ўт ёқиб юрган олифта эди. Унинг лаблари қалин, қипқизил ва ялтироқ, қошлари барок эди. 1917 йилгача унинг нима блан шуғулланган и ноma'лум бўлиб, эндиликда у худди ана шу ижтимоий тарбиянинг улуғ мутахассиси эди. У ўша вақтда ишлатиш расм бўлган бирнеча юз терминни жуда яхши ўзлаштириб олган бўлиб, ўша сўзлар блан узлуксиз қуруқ фалсафа сўқишни билар ва ўзича бу сўзлар замирида педагогик ҳам революцион қиммат бор деб ишонар эди.

Кунлардан бир куни мен унинг бема'ни гапидан ўзимни тўхтатиб ололмай, роса кулдим. Ўша кундан бошлаб у менга такаббурлик ва душманлик назари блан қарайдиган бўлиб қолди.

Бир куни у колонияга кириб келди ва кабинетимдаги стол устида турган барометр-анероидни кўриб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу қанақа нарса?—деб сўради.

— Барометр.

— Қандай барометр?

— Барометр,—дедим ажабланиб.— Бу нарса об-ҳавони олдан билдириб туради.

— Об-ҳавони олдан билдириб туради, дейсизми? Ўзи столингиз устида турипти-ку, қандай қилиб об-ҳавони олдан билдираолсин? Ахир об-ҳаво бу ерда эмас, ташқарида-ку.

Худди ана шу пайтда ўзимни тутолмай, хахолаб кулиб юборибман. Агарда Шарин олим қиёфасида бўлмаса, агар унинг приват-доцентларга хос дабдабали сочлари бўлмаса, агар у олимлар сингари гердайиб юрмаса эди, мен албатта бунчалик кулмаган бўлар эдим!

У жуда аччиғланди:

— Нега куласиз? Сиз тағин педагогсиз-а. Бу аҳволда болаларингизни қандай тарбия қиласиз? Модомики менинг билмаганим сизга ма'лум бўлган экан, сизнинг менга тушунтиришингиз лозим, нанки кулсангиз.

Йўқ, мен бундай таштилик қилолмас эдим,— қаҳқаҳа уриб кулавердим. Шарин блан барометр ҳақида сўзлашувим бир вақт мен эшитган анекдотга жуда ўхшаб кетади, шунинг учун бундай бема'ни анекдотларнинг турмушда такрорланиши ва буларда губерна халқ маорифи бўлимининг инспекторлари иштирок этиши менга бениҳоят қизиқ туйилди.

Шарин хафа бўлиб қайтиб кетди.

Интизом ҳақида доклад қилган вақтимда у мени аямай «савалади».

— Боланинг шахсиятига медицина-педагогика жиҳатидан та'сир этишнинг локализациялаштирилган системаси, модомики, бу шахсият ижтимоий тарбия муассасасида табақаланар экан, шу шахсият боланинг табиий эҳтиёжларига қанчалик мос келса ва ма'лум структураниинг, я'ни биологик ижтимоий ва иқтисодий структураниинг тараққиётидаги ижодий перспективаларини қанчалик юзага чиқазса, шахсият шунчалик устун бўлмоғи лозим. Шунга биноан биз қуйидагиларни қайд этиб ўтамиз...

У кўзларини қисиб олган ҳолда икки соатча ҳеч тўхтовсиз ана шунақа болохонадор ва бема'ни гаплар блан жовраб, мажлис аҳлининг қулоқ-миясини еди, лекин нутқини турмушдаги оддий гап блан тугатди:

— Ҳаёт — хурсандлик демакдир,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Худди ана шу Шарин 1922 йил кўкламида менга жуда қаттиқ зарба берди.

Биринчи запас армиянинг Махсус бўлими колонияга бир бола юбориб, уни албатта қабул этишни талаб қилди. Махсус бўлим блан ЧК[1] илгарилари ҳам болаларни юбориб турар эди. Қабул қилдим. Икки кундан кейин мени Шарин чақиртирди.

— Евгеньевни қабул қилдингизми?

— Қабул қилдим.

— Биздан ижозатсиз бола қабул қилишга нима ҳақингиз бор эди?

— Биринчи запас армиянинг Махсус бўлими юборган.

— Махсус бўлим блан ишим нима? Биздан ижозатсиз қабул қилишга ҳақингиз йўқ.

— Махсус бўлим юборгандан кейин қабул қилмасликка иложим йўқ. Агар сиз Махсус бўлим юборолмайди, деб ҳисобласангиз, у ҳолда бу масалани бир амаллаб у блан бир ёқли қилинг. Ахир мен сиз блан Махсус бўлим ўртасида судья бўлолмайман.

— Тездан Евгеньевни қайтариб юборинг.

— Фақат сизнинг ёзма фармойишингиз блан.

— Менинг оғзаки фармойишим ҳам сиз учун ҳақиқий фармойиш бўлиши керак.

— Ёзма фармойиш беринг.

— Мен сизнинг бошлиғингизман, оғзаки фармойишимни бажармаганингиз учун ҳозир сизни етти суткага қаматишим мумкин.

— Яхши, қамата қолинг.

Бу одамнинг мени етти суткага қаматиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун зориқиб турганини пайқадим. Нақд баҳона топилганда нас'я баҳоналар излаб юришнинг нима ҳожати бор?

— Болани жўнатмайсизми?

— Ёзма буйруқ бўлмагунча жўнатмайман. Билсангиз, мени Махсус бўлим қамагандан кўра ўртоқ Шарин қамагани ўнғайроқ.

— Нима учун Шарин қамагани ўнғайроқ бўлади?— деб жиддият блан сўради инспектор.

— Биласизми, қандайдир ўнғайроқ-да. Ҳарҳолда педагогика йўли блан бўлгани ма'қулроқ.

—Ундай бўлса сиз қамоққа олиндингиз.

---

[1] ЧК — Фавқулодда комиссия.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У дарҳол телефон трубкасини олди.

— Милициями?.. Горький колониясининг мудирини олиб кетиш учун тездан милиционер юборинг; мен уни етти сутка қамоққа ҳукм қилдим... Шарин.

— Мен нима қилай? Кабинетингизда кутиб ўтирайми?

— Ҳа, сиз шу ерда кутиб ўтирасиз.

— Сизга сўз берсам, мени бўшатиб юборсангиз қалай бўларкин? Чунки милиционер келгунча мен складдан ба'зи нарсалар олиб, болани колонияга жўнатсам деган эдим.

— Шу ҳойдан ҳечқаёққа силжимайсиз.

Шарин вешалкадан духоба шляпасини олиб, кабинетдан лип этиб чиқиб кетди, унинг бу шляпаси қора сочига жуда ярашиб турарди.

Шундан сўнг мен телефон трубкасини олиб, губерна ижрокоми раисини чақирдим. У менинг сўзларимни диққат блан тинглади.

— Гап шу, биродар, хафа бўлманг, бемалол уйга жўнаб кетаверинг. Айтгандай, яхшиси милиционерни кутиб туринг ва унга айтинг, мени чақирсин.

Милиционер келди.

— Сиз колония мудиримисиз?

— Мен.

— Ундай бўлса юринг.

— Губерна ижрокомининг раиси уйга кетишимга ижозат берди. Сиздан телефон қилишни сўради.

— Мен ҳечқаёққа телефон қилмайман, райондаги бошлиқ телефон қилақолсин. Юринг.

Кўчада мени конвой олиб кетаётганида Антон ҳайрон бўлиб менга тикилганича қолди.

— Мени шу ерда кутиб тур.

— Сизни тездан чиқазиб юборадиларми?

— Мени чиқазиб юборишлари мумкинлигини сен қайдан биласан?

— Шу ердан қора киши ўтиб кетатуриб, уйга кетавер, мудир бормайди, деди. Шапочкалар кийган аллақандай хотинлар чиқишиб, сизнинг мудирингиз қамоққа олинипти, дейишди.

— Туратур, мен ҳозир келаман.

Районда бошлиқни кутишга тўғри келди. Фақат соат тўртга бориб у мени бўшатиб юборди.

Аравага лиқ тўлатиб қоп ва яшиклар ортилган эди. Антон иккимиз Харьков шоссесида аста-секин кетатуриб, ўз ишларимиз ҳақида ўйлардик, у, афтидан, ем-хашак ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтлоқ ҳақида ўйлар, мен бўлсам—тақдирнинг колония-лар мудирлари учун махсус равишда тайёрлаган бева-фоликлари ҳақида ўйлардим. Ҳадеса сирғилиб кетаётган қопларни бирнеча марта тўхтаб тўғриладик, яна улар устига чиқиб олиб, йўлда давом этдик.

Антон отларни колония йўлига буриш учун чап жилов-ни тортиши бланок тўсатдан Кичкинтой четга сапчиб, бошини силкиди ва типпа-тик туришга ҳаракат қилди, қарасак—колонияга борадиган йўлдан биз томонга авто-мобиль вариллаб келаверди-да, шаҳар томонга югура-кетди. Яшил духоба шляпа лип этиб кўринди, Шарин аланглаб менга бир қараб қўйди. Унинг ёнида ўтирган РКИ[1] раиси мўйловдар Черненко пальтосининг ёқасини ушлаб кетмоқда эди.

Антон автомобильнинг тўсатдан чиқиб қолишидан ажабланаолмай қолди, чунки у Кичкинтойнинг эгар-жаб-дуғини тўғрилаш блан овора эди. Аммо мен ҳам ҳайрон бўлишга вақт тополмай қолдим: колониянинг шалдироқ аравага қўшилган бир жуфт оти бизга томон чопиб келар, арава эса болалар блан лиқ тўла эди. Арава олдида Ка-рабанов тикка турган ҳолда бўйнини қисиб ва ғизиллаб кетаётган автомобиль кетидан лўлиларники сингари қора кўзларини чақнатиб, отларни ҳайдаб борар эди. Арава ёнимиздан гулдир-шалдир ўтиб кетди, болалар алла-нималар деб қичқиришди, ўзларини аравадан ерга таппа-таппа ташлашди. Карабановни тўхтатиб, кулишди. Охири, Карабанов эс-ҳушини йиғиб олиб, нима гап эканлигини англади. Чорраҳа йўл устида гўё бутун бошли бир ярмар-ка ҳосил бўлди.

Болалар мени ўраб олишди. Карабанов, афтидан, хамма воқианинг оддий равишда тугаганидан норози бўлса керак. У ҳатто аравадан ҳам тушмасдан, ғазаб блан отлар жиловини буриб, сўкинаверди:

— Бурилақолсаларинг-чи, шайтонлар! Ҳа, жонинг чиққур, сўйилгурлар!..

Ниҳоят у ҳаддан ташқари ғазабланиб, отларни ўнгга бурди-да, арава устида тикка турган ва баланд-паст ерларда чайқалган ҳолда аравани колония томонга чоп-тириб кетди.

— Нима гап ўзи? Бу ўт ўчириш командасими, нима, ўзи?—деб сўрадим.

---

[1] Ишчи-Деҳқон Тафтиш назорати

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дарров қаёқдан пайдо бўлиб қолдингиз?—деб сўради Антон.

Болалар гапни гапга қовуштирмай, бир-бирларини итарғшиб, туртишиб, бутун воқиани менга сўзлаб бердилар. Болаларнинг ўзлари бу воқиага гувоҳ бўлганликларига қарамай, у тўғрида очиқ-ёруғ тасаввурга эга эмасдилар. Қўш отли аравани қаёққа чоптириб кетаётганларини ва шаҳарда нималар қилмоқчи бўлганларини ўзлари билмасдилар ва менинг бу тўғрида берган саволларимга ҳатто ажабландилар.

— Ким билади дейсиз. Борганимизда ўша жойда кўрардик-да.

Воқиани фақат Задоров унча-мунча дурустроқ билар экан:

— Биласизми, бу воқианинг баркси тўсатдан бир зумда ўтиб кетди. Улар машинада келишди, кўплар буни билгани ҳам йўқ, ҳамма иш блан овора эди. Улар сизнинг кабинетингизга кириб, у ерда бирнималар қилишаётган экан, болалардан ба'зилари билиб қолишипти, қарашса— улар стол тортмаларини титаётган эмишлар. Нима гап бўлди экан?—деб болалар сизнинг кабинетингиз зинапоясига югуришиб келганда, улар ичкаридан чиқиб қолишипти Шу топда Иван Ивановичга: «Мудирликни қабул қилинг» деган гапни эшитиб қолдик. Ана шу блан ғала-говур бошланди кетди: биров қичқиради, биров ёқасини ушлайди. Бурун эса бутун колонияни бошига кўтариб, «Антонни нима қилдинглар?» деб бақиради. Қўйинг-чи, чинакам бунт бўлди. Агар мен блан Иван Иванович иккимиз бўлмаганимизда, аниқ гап, муштлашиш бўлиб кетарди, боринг-чи, тугмаларимни ҳам узиб юборишди. Қора кишининг эсхонаси тескари бўлиб кетиб, машинага югуриб қолди, машина ҳам шу ерда турган эди. Ҳаш-паш дегунча жўнаб қолишди, болалар машина кетидан югуришди ва қўл силкиб қичқиришди, хуллас олатўполон бўлди. Худди шу пайтда Семён иккинчи колониядан қуруқ аравани миниб келиб қолди.

Биз колонияга кирдик. Тинчланган Карабанов отхона ёнида отларни аравадан чиқазаркан Антон унга танбиҳ бераради:

— Сизлар отни гўё автомобиль деб биласизлар, мана қарагин кўпириб кетибди.

— Тушунасанми, Антон, ўша пайтда от эсга келипти

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейсанми. Тушунасанми?—деб хурсандлик блан илжайиб кулди Карабанов.

— Ҳа, сендан илгари, шаҳардаёқ тушунган эдим. Сизлар бу ерда обед қилаётганингизда бизни милицияга судраб юришган эди.

Тарбиячиларнинг ҳаддан ташқари қўрқиб кетганларини кўрдим. Иван Ивановичнинг бўлса жони-ҳоли қолмапти.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, Антон Семёнович, бу воқианинг оқибати нима бўлиши мумкин эди? Ҳамманинг авзойи шунчалик бузуқ эдики, пичоқвозлик бўлмай қолмас деб ўйладим. Задоровга балли: у ўзини йўқотмади. Биз уларни тарқатиш блан овора, улар итдай ҳайқиришади... Вой-бўй!..

Мен болалардан воқиани сўраб ўтирмадим ва умуман ўзимни бепарво қилиб кўрсатдим, улар ҳам мендан ҳечнима сўрашмади. Бу нарсанинг улар учун балки қизиғи ҳам бўлмагандир: Горький колониясидагилар катта реалистлар бўлиб, хулқ-атворни кўрсатадиган нарсагина уларни қизиқтириши мумкин эди.

Халқ маорифи бўлимига мени чақиришмади, ўз билгимча мен ҳам бормадим. Бир ҳафтадан кейин губерна Ишчи-Деҳқон Тафтиш назоратига учрашувим лозим бўлиб қолди. Мени раис кабинетига таклиф қилдилар. Черненко мени худди ўз тугишганидай кутиб олди:

— Ўтир, чироғим, ўтир,—деди у, қўлимни силкиб ва хурсандлик табассуми блан менга тикилиб.— Хўп ажойиб болаларинг бор экан-да! Биласанми, Шарин менга ҳар хил бўлмағур гапларни гапиргандан кейин мен аҳволи оғир, эзилган болаларни, тущунасанми, ғариб, бўйни эгик, хароб болаларни кўрсам керак, деб ўйлаган эдим... Улар бўлса, падари қусурлар, бизни шунақангги ўртага олишдики, худди шайтон дейсан, шайтон. Орқамиздан қувишганини кўрсанг, ҳангинг учарди! Шарин машинада кетатуриб ҳадеса: «Улар бизга етолмас дейман» деб жовраиди. Мен эса унга: «Машинанинг бирор ери бузуқ бўлмаса-ку яхши-я» деб жавоб қиламан. Вой, жудаям ажойиб бўлдие-е! Бунақангги ажойиб ҳодисани кўпдан бери кўрмаган эдим. Ўша воқиани бу ердагилардан қайбирларига айтиб берган эдим, кула-кула ичаклари узилаёзди, аганаб-аганаб кулишди...

Ўша кундан бошлаб Черненко блан дўстлашиб қолдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

18. Деҳқонлар блан „алоқа"

Трепкелар мулкини ремонт қилиш биз учун бениҳоят оғир ва мушкул бир иш бўлди. Уйлар кўп эди, уларнинг бариси оддий ремонтнигина эмас, ҳатто деярли батамом қайта қуришни талаб қилар эди. Пул жиҳатидан доимо аҳвол танг эди. Губерна муассасаларининг ёрдами асосан бизга бинокорлик материаллари учун турли-туман нарядлар беришдан иборат бўлиб, бу нарядлар блан Киев, Харьков сингари бошқа шаҳарларга қатнаш керак эди. Бу шаҳарларда бўлса бизнинг нарядларимизни назар-писанд қилишмас, талаб қилинган нарсанинг атиги ўндан бирини беришар, ба'зан эса мутлақо ҳечнарса беришмас эди. Харьковга бирнеча марта саёҳат қилингандан сўнг бир амаллаб қўлга киритган ярим вагон ойнамизни колониядан кўра анча кучли ташкилот темир йўлда, худди ўз шаҳаримизда тортиб олиб қўйди.

Пул етишмаслиги бизни ишчи кучи жиҳатидан жуда қийин аҳволга солиб қўйди, ёлланма ишчиларга умид боғлаш маҳол эди. Елғиз дурадгорлик ишларинигина дурадгорлар артели ёрдами блан бажарардик.

Лекин тез фурсатда пул чиқадиган манба'ни топиб олдик. Бу манба' эски, иккинчи колониядаги бузилган саройлар ва отхоналар бўлиб, сон-саноғи йўқ эди. Трепкелиларнинг от заводи бор эди; зотдор отлар етиштириш бизнинг планларимизга ҳали кирмаган бўлиб, бунинг устига бу отхоналарни тиклашга қурбимиз ҳам етмас эди. Калина Иванович бўлса, бунақа ишлар қилишни бизга ким қўйипти, деб юрарди.

Биз шу иморатларни бузиб, ғиштини қишлоқ аҳолисига сотабошладик. Харидорлар кўпайиб кетди: ҳарбир ўзига тўқ одамга печка қуриш ҳам, ертўла қилиш ҳам керак, кулаклар қабиласининг вакиллари эса, шу қабилага хос бўлган очкўзлик блан ғиштни кўплаб запас қилиб қўйиш учун ҳам сотиб олавердилар.

Иморатларни бузиш ишини колонистлар бажаришди. Темирчилик ишхонасида ҳархил эски-туски буюмлардан ломчалар ясашди, шу блан «иш қайнаб кетди».

Колонистлар кунининг биринчи ярмини иш блан, иккинчи ярмини ўқиш блан ўтказганлари сабабли, болалар кун давомида иккинчи колонияга биринчи ва иккинчи смена бўлиб икки марта жўнаб кетишарди. Бу группалар колониялар ўртасида жуда жиддий бир суратда қатнаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

туришар, бу эса, шу билан бирга, уларнинг тоза ҳавода сайр қилиб келиш учун ҳовлидан ташқарига беҳосдан чиққан бironта ажойиб «чиройли товуқ» кетидан баʼзан тик йўлдан четга чиқиб қувишларига халақит бермас эди. Шу товуқни тутиш, айниқса ундаги бор колориялардан тўла фойдаланиш мураккаб иш бўлиб, бу нарса энергия, эҳтиёткорлик, совуққонлик ва ғайрат-ташаббус талаб қиларди. Бу ишнинг мураккаблашувига яна бир сабаб шу эдики, колонистларимизнинг ҳарҳолда маданият тарихига муносабатлари бор бўлиб, оловсиз иш кўролмас эдилар.

Иккинчи колонияга ишга бориш умуман колонистларнинг деҳқонлар олами билан алоқа боғлашларига имкон берар, шу билан бирга, бу алоқа тарихий материализм қоидаларига батамом мувофиқ суратда бўлар эди; аввало колонистларни деҳқонларнинг иқтисодий базаси қизиқтирар, улар баён қилинган даврда шу базага жуда яқин ёндошган эдилар. Колонистлар турли устқурмаларни чуқур муҳокама қилиб ўтирмасдан, тўппа-тўғри йўл билан ҳужраларга, ертўлаларга киравершар ва уларда тўпланган бойликларга билганларича хўжайинлик қилишар эди. Колонистлар ўз ишларига аҳолининг майда хусусий мулкчилик инстинктлари қаршилик кўрсатишини жуда тўғри тушуниб, маданият тарихи дарсини шу инстинктлар ухлаган пайтларда, яʼни кечалари ўтишга интилардилар. Колонистлар фанга батамом мувофиқ равишда бирмунча вақт давомида кишининг энг биринчи эҳтиёжи бўлган овқатга бениҳоят мамнуният билан қарардилар. Сут-қаймоқ, ёғ, пироглар—ўша вақтларда қишлоқ билан «алоқа» қилишда Горький номидаги колониянинг амалдаги қисқача номенклатураси эди.

Карабановлар, Таранецлар, Волоховлар, Осадчийлар, Митягинлар ана шу илмий асосга қурилган иш билан шуғулланиб юрганларида мени ҳаяжонга солмадилар, чунки бу кишилар ишнинг кўзини жуда яхши билишар ва инсофли эдилар. Қишлоқ одамлари ҳар куни эрта билан ўз мулк-ашʼёларини қисқача қайта ҳисоблаб чиққанларидан кейин, икки кўвача сут камиб қолганини, айниқса кўвачаларнинг ўзлари ҳам шу ерда турганлигини ва қайта ҳисобга олишнинг ўз вақтида қилинганлигини қайд этардилар. Броқ ертўлага солинган қулф бут-бутун турар ва ҳатто қайта ҳисобга олиш олдида ҳам қулфлоглик бўлар, том бутун турар, ит кечаси вовулламас ва умуман

www.ziyouz.com kutubxonasi

жонли ва жонсиз ҳамма нарса дун'ёга очиқ ва ишонч блан қарар эди.

Ибтидоий маданият курсини ўтишга ёш бўғинлар киришганда аҳвол бутунлай бошқача бўлиб кетди. Бундай ҳолда қулф ўз эгасини қўрқувдан қийшайиб-қийшайиб қолган қиёфаси блан қарши оларди, чунки очиғини айтганда калитсимон асбобни, ва балки Трепкеларнинг собиқ мулкини тиклаш иши учун белгиланган ломчани уддалаб ишлатабилмаслик орқасида қулфнинг умри тамом бўларди. Кечаси ит бир-икки акиллаб қўяқолмасдан, ҳатто ўзини ўзи ўлдирадиган даражада бўғилиб вовуллаган бўлса ҳам, лекин эгасининг ялқовлиги итнинг ўз вақтида мадад олмай қолишига сабаб бўлган. Болаларимизнинг малакасиз, қўпол ишлари шунга олиб келдики, тез орада уларнинг ўзларига ит овоз чиқариши блан ўрнидан турган ёки ҳатто чақирилмаган меҳмонни кечқурундан бери ғазаб блан пойлаб етган уй эгасининг қувиш даҳшатини бошдан кечиришга тўғри келди. Ана шу қувиш-қочишлар мени тинчсизлантирадиган бўлиб қолди. Ношуд бола, албатта, колонияга қочар, ваҳолонки катта болалар ҳечқачон бундай қилмаган бўлар эди. Уй эгаси ҳам колонияга келиб, мени уйғотар ва жиноятчини тутиб беришни талаб қилар эди. Лекин жиноятчи бўлса аллақачон ўринда ётар ва мен содда бир тарзда:

— Уша болани танийоласизми?—деб сўрашга имкон топардим.

— Мен уни қаёқдан таний? Шу ерга қочиб келганини кўрдим.

— Балки у бизники эмасдир?—деб ўзимни яна ҳам соддаликка солардим.

— Нега сизники бўлмас экан? Сизнинг болаларингиз йўқ вақтида бунақа гап йўқ эди.

Зарар кўрган киши бармоқларини букиб, йўқолган нарсаларни бирма-бир санайбошларди:

— Кеча кечаси Мирошниченконинг сутини ичиб кетишипти, ўтган куни Степан Верхоланинг қулфини синдиришипти, ўтган шанба куни Гречаний Пётрнинг икки товуғи йўқолди, ундан бир кун илгари бўлса... Анави ерда Стеобина деган тул хотин яшайди, балки, биларсиз, ўша хотин бозорга атаб иккита идишда қаймоқ тайёрлаб қўйган экан, боёқиш хотин ертўлага тушиб қараса, унда ҳечнима қолмапти, қаймоқни ҳам бинойидай покпокиза туширишипти. Василий Мошченконикини айтмай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сизми, Яков Верхоланикини айтмайсизми, анави букир бору, оти нима эди... Нечипор Мошченконикини айтмайсизми...

— Гувоҳ-исботингиз борми ўзи?

— Қанақа гувоҳ-исбот? Мана ўзим келиб турибманку, чунки бола шуёққа қараб қочди. Ундан бошқа ким бўларди дейсиз. Сизникилар Трепкега қатнашади ва доимо ҳамаёқни жавлон уриб юришади...

У вақтларда воқеаларга унча оққўнгиллик блан қарамасдим. Қишлоқ одамларига ҳам ачинардим, ўзимнинг бутунлай кучсизлигимни сезиш мени хафа қилар ва ҳаяжонга солар эди. Барча воқеаларни билмаслигим ва шу сабабли ҳаднарсадан шубҳаланишим мени айниқса қийнарди. Ўша кезларида эса қишда бўлиб ўтган воқеалар туфайли нервларимнинг бироз маэаси қочган эди.

Юзаки қараганда колония тинч ва осойишта кўринарди. Кундуз куни ҳамма болалар ишлашар ва ўқишар, кечқурун ҳазилкашлик, ўйин-кулги қилишар, кечаси ётиб ухлашар ва эрталаб ҳаётдан мамнун ҳолда хурсандлик блан уйғонишар эди. Авжи тунда эса қишлоққа экскурсия қилишар эди. Катта ёшдаги болалар менинг ғазаб ва нафрат тошиб турган нутқимни итоаткорлик блан тинглашарди. Деҳқонларнинг шикоятлари бирмунча вақтгача тинчиб қолса ҳам, лекин яна қайталанар, уларнинг колонияга душманликлари авж оларди.

Катта йўлдаги талончилик давом қилмоқда эди, шу сабабли аҳволимиз яна оғирлашаверди. Энди талончилар илгаригидан бошқачароқ тусга кирди: талончилар қишлоқиларнинг пулларидан кўра ҳарқанча оз бўлса ҳам озиқ-овқат маҳсулотини кўпроқ тортиб оладиган бўлдилар. Аввалларн мен, бу бизнинг болаларимиздан келган иш эмас, деб ўйлардим, броқ деҳқонлар мен блан сўзлашганларида бундай деб исбот қилмоқчи бўлдилар:

— Йўқ, сизнинг болаларингиз олишган кўринади. Бордию бирортасини қўлга туширишса, роса дўппослашади, ана шунда кўрасиз.

Болалар зўр бериб менга далда беришарди:

— Нодонлар ёлғон айтишаяпти! Бизникилардан битта-яримтаси ертўлага тушган бўлса бордир, ҳа, энди гоҳо шундай ҳам бўлади. Лекин йўлда талончилик қилишади дегани—бўлмағур гап!

Йўл устида бизникилар талончилик қилмасликларига болаларнинг чинакам ишонч ҳосил қилганликларини бил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дим, бундай талончиликни катта ёшдаги колонистлар қилмаслигига ҳам кўзим етди. Бу нарса менинг асабийлигимни бирмунча пасайтирди, лекин бу пасайиш биринчи хабар қулоққа чалингунча, қишлоқ активи блан жуда яқиндан учрашгунимча эди.

Бир куни кечқурун колонияни тўсатдан бир взвод отлиқ милиция келиб босди. Ётоқхоналаримизнинг ҳамма чиқиш жойларини часовойлар тўсиб олишди, ялпи тинтув бошланди. Мен ҳам ўз кабинетимда қамоққа олиндим, худди ана шу нарса милициянинг бутун режасини бузиб юборди. Болалар милиционерларни жуда ёмон қаршн олдилар, деразалардан ташлаб қочдилар, коронғида ғиштлар отилабошлади, ҳовлининг бурчак-бурчакларида ур-йиқитлар авж олиб кетди. Отхона олдида турган отларга бир тўда бола ёпирилди ва отлар ўрмоннинг ҳарёғига тарқалиб кетди. Шовқин солиб сўкиниш ва курашлардан кейин кабинетимга Карабанов кирасолиб, қичқирди:

— Чиқинг тезроқ, бўлмаса иш чатоқ бўлади!

Мен ҳовлига отилиб чиқдим, ҳақоратланган, ғазаб-нафрат блан тўлиб тошган колонистлар ўша онда атрофимга тўпланишди. Задоров бениҳоят ғазабланган ҳолда эди:

— Бу аҳвол қачон барҳам ейди? Бор, мени турмага юборақолишсин, жонимга тегди!.. Мен маҳбусманми, нимаман ахир? Маҳбусманми? Нега бундай, нега ҳаммалари тинтишади, ковлашади?..

Взвод бошлиғининг эси чиқиб кетган бўлса ҳамки, сир бой бермасликка тиришиб:

— Тарбияланучиларингизга дарҳол буюринг: ётоқхоналарига борнб, ўз кроватьлари ёнида туришсин,—дели.

— Қайси асосга биноан тинтув қилаётирсиз?—деб сўрадим бошлиқдан.

— Ишингиз бўлмасин. Менда буйруқ бор.

— Дарҳол колониядан кетинглар.

— «Кетинглар» деганингиз нимаси!

— Губерна халқ маорифи бўлими мудирининг рухсатисиз тинтувга йўл қўймайман, билдингизми? Йўл қўймайман, куч блан қаршилик кўрсатаман!

— Тағин абжағингизни чиқазиб қўймайлик! — деб қичқирди колонистлардан аллаким, броқ мен унга ўшқирнб:

— Жим тур!—дедим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яхши,— деди дўқ уриб бошлиқ,— сиз блан бошқачароқ сўзлашувга тўғри келади...

У одамларини базўр тўплади, хурсанд бўлган колонистлар ёрдами блан бир амаллаб отларни топишди-да, жўнаб кетишди, болалар уларнинг орқаларидан ҳархил қочирим гап отиб қолишди.

Шаҳарда аллақандай бошлиққа виговор бердирдим. Бу ҳужумдан кейин воқиалар жуда тезлик блан ривожланабошлади. Қишлоқилар ғазабланган ҳолда менга келишиб, дўк уриб, қичқиришди.

— Кеча йўлда сизникилар Явтухнинг хотини қўлидан маскасн ва ёғини тортиб олишипти.

— Ёлғон!

— Сизникилар! Ўзларини танитмаслик учун шапкаларини кўзлари устига бостириб кийишган экан.

— Неча киши экан?

— Битта эди, дейди хотиним. Сизга қарашли бола эмиш. Эгнидаги пиджаги ҳам худди шунақа эмиш.

— Ёлғон! Бизникилар бу иш блан шуғулланмайди.

Қишлоқилар кайтиб кетишди, биз хафаланиб индамасдан қолдик. Карабанов тўсатдан гапириб юборди:

— Ёлғон айтишаётир, айтаётирман-ку—ёлғон айтишаётир! Биз билган бўлардик.

Менинг ҳаяжонланишим болаларга ҳам аллақачон та'сир қилган, хатто ертўлаларга поход қилишлар хам тугагандек эди. Кеч кириши блан колонния аллақандай тасодифий янгиликни, оғир ва ҳақоратомиз бир ходисани кутгандай жимжит бўлиб қоларди. Карабанов, Задоров, Бурун у ётоқхонадан бу ётоқхонага танда қўйишар, ҳовлининг коронғи бурчакларига ўтишар, ўрмонни кезишар эди. Ўша кезлари бениҳоят асабийлашдим, умрим бино бўлиб бунчалик асабийлашмаган эдим.

Ниҳоят...

Бир куни кечқурун кабинетимнинг эшик тавақалари кенг очилиб, бир тўда бола хона ичига Приходькони суриб кирди. Приходьконинг ёқасидан тутиб турган Карабанов уни зарб блан столимга итариб юбориб:

— Мана!—деди.

— Тағин пичоқбозликми?— деб сўрадим ҳорғинлик блан.

— Пичоқ қайда дейсиз. Йўл устида талончилик килипти!

Осмон устимга ағдарилиб тушгандай бўлди. Дир-дир титраб индамай турган Приходькодан бенхтиёр сўрадим:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўғрими?

— Тўғри,—деди у ерга тикилган ҳолда эшитилар-эшитилмас қилиб.

Бир онинг ўзида ҳалокат яқинлашди: қўлимда тўппонча пайдо бўлиб қолди.

— Бор-ре-е!.. Сизлар билан умр кечирганимдан кўра!

Бироқ тўппончани чаккамга тирашга улгуролмай қолдим. Бир тўда бола чинқиришиб, йиғлашиб устимга ёпирилди.

Кўзимни очиб қарасам, олдимда Екатерина Григорьевна, Задоров ва Бурун турипти. Мен стол билан девор ўртасида ерда ётибман, ҳамаёғим жиққа сув. Задоров бошимни ушлаб тургани ҳолда Екатерина Григорьевнага қараб, деди:

— Уёққа боринг, унда болалар... улар Приходькони ўлдириб қўйишлари мумкин...

Бирпасда ховлига чиқдим. Приходькони ҳушсиз, ҳамаёғи қонга буланган ҳолда ажратиб олдим.

19. Фанта ўйини

Бу воқеа 1922 йил ёзининг бошларида бўлган эди. Колонияда Приходькониинг жинояти ҳақида жим кетаверилди. У колонистлардан жуда қаттиқ калтак егани сабабли узоқ вақт ётиб қолди, биз ҳам унга ҳечқанақа савол бермадик. Приходькониинг талончилигида айтарлик нарса йўқ эканлиги қулоғимга чалинди. Ундан қурол топилмапти.

Лекин шундай бўлса ҳам Приходько чинакам бандит эди. Менинг кабинетимда бўлиб ўтган шўйқонлар, ўзининг тортган азоб-уқубати унда ҳечқандай таассурот қолдирмапти. У кейинчалик ҳам колония бошига кўпгина дахмазалар солди. Айни вақтда у колонияга ўзича солиқ эди ва колониянинг харқандай душмани ўз бошига оғир лом ёки болта тушиб қолишидан амин эмас эди. У жуда каптафахм ва доимо энг яқин таассуротларга гоят берилган, ковоқ калласига нима келса, шуни қиладиган бир шахс эди. Лекин ишда Приходькодан яхшиси йўқ эди. Энг оғир топшириқлар берилганда ҳам кайфиятини бузмас, болта ва босқонни қўлга олганда,— агар улар яқин оралаги биронта одамнинг бошига тушиб қолмаса,— астойдил ишлар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқорида айтиб ўтилган оғир кунлардан сўнг колонистларда хуторликларга қарши кучли нафрат ва ғазаб туғилди. Улар бизнинг оғир азоб чекишимизга сабаб бўлганликларини болалар асло кечираолмадилар. Болаларнинг улардан қаттиқ ранжиганликларини очиқ билдирмасликларига сабаб фақат мени аяганликларидан эканлигини пайқадим.

Деҳқонлар тўғрисида, уларнинг меҳнати тўғрисида, шу меҳнатни ҳурматлаш зарурлиги тўғрисида менинг қилган суҳбатларимни, тарбиячиларнинг суҳбатларини болалар ҳечқачон ўзларидан кўра билимдонроқ, ақллироқ одамларнинг суҳбатлари қаторида кўрмасдилар. Колонистлар нуқтаи назаридан қараганда, гўё биз бу ишлар ҳақида кам нарса билардик,— уларнинг назарича, биз шаҳар интеллигентлари бўлиб, гўё деҳқонларнинг кишига ёқмайдиган томонларини обдон тушуниш қобилиятидан маҳрум эдик.

— Сиз уларни билмайсиз, биз эса бу халқнинг кимлигини ўз тажрибамиздан биламиз. Бу халқ ярим қадоқ нон учун одам ўлдиришдан тоймайди, лекин ундан бирнима сўраб ундириб кўринг-чи... Оч-ориқларга ўлақолса ҳам ҳечнарса бермайди, улар «бировга берсам эссиз ошим, уйда турса—сасир ошим» тарзида иш кўрадилар.

— Ана, биз бандит ҳам бўлайлик! Уз хатомизни ҳарҳолда биламиз, нима бўпти... бизнинг гуноҳимизни кечирдилар. Буни биламиз. Хўш, улар-чи, уларга ҳечким ҳам керак эмас: подшо ёмон эди, совет ҳукумати ҳам ёмон. Уларга фақат ҳечнима талаб қилмайдиган, қайтага хамма нарсани текинга бераверадиган одам яхши кўринади. Бари ўтакетган нодонлар!

— Вой, мен уларни, ўша нодонларни ёмон кўраман, кўргани кўзим йўқ, отгани ўқим йўқ!— деди таги-зоти шахарли Бурун.

Бурунининг доимо бозорда кўнгил очадиган битта қилиғи бор эди, у ҳам бўлса—юкли арава олдида турган ва атрофида ғимирсиб юручи шаҳар ўғриларини емоқдаичмокда бўлиб назаридан кечираётган қишлоқи ёнига бориб, ундан:

— Сен чакана ўғрпмисан?— деб сўраш эди.

Қишлоқи нима дейишини билмай, каловлаб:

— А-а-а?—дейди.

— Ҳа-а! Сен — нодонсан!— деб кулади ва «лип» этиб аравадаги копга ёпишиб:—Ушла, амаки!—дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қишлоқи анчагача койинади, Бурунга эса худди ана шу керак: унинг учун бу нарса музика ҳаваскорига симфоник концерт эшитиш қанчалик завқ берса, Бурунга ҳам бу нарса шунчалик завқ беради.

Бир вақт Бурун менга дангал бундай деган эди:

— Агар сиз бўлмасангиз, бу қулоқларнинг шўри қайнар эди.

Деҳқонлар блан бизнинг орамизга совуқчилик тушганлигининг сабабларидан бири колониямизнинг ўнкай қулоқлар хуторлари қуршови ичида қолганлиги эди. Кўпчилик аҳолиси ҳақиқий меҳнаткаш деҳқонлардан иборат бўлган Гончаровка қишлоғи блан ҳалл кам алоқа қилар эдик. Энг яқин қўшниларимиз, анави Мусий Карпович-лар ва Ефрем Сидоровичлар эса тевараги четан девор эмас, тахта девор блан ўралган, усти яхшилаб ёпилиб, оппоқ қордай қилиб оқланган алоҳида хуторларда жойлашган бўлиб, ховлиларига ҳечкимни йўлатишмас, колонияга келган пайтларида эса, озиқ-овқат развёрсткасидан ҳадеса нолиб жонимизга тегишар эди, бундай сиёсат тутиш блан совет ҳокимияти узоқ яшайолмайди, деб вайсашар, ваҳолонки айни вақтда ажойиб тойларни миниб чиқишар, байрамларда самогон ичиб юришар, хотинларидан оҳорли кийим, қаймоқ ва варениякларнинг ҳиди гуркираб турар, ўғилларининг эса куёвлар ва жозибадор йигитлар бозорида тенги бўлмас, чунки бунақа келиштириб тикилган пиджаклар, бунақа янги тўқ яшил фуражкалар қишин-ёзин ажойиб калишлар блан безатилган, ялтираб турадиган этиклар ҳечкимда йўқ эди.

Колонистлар ҳарбир қўшнимизнинг уй-рўзғор буюмларини яхши билардилар, ҳатто айрим сеялка ёки ўроқ машинанинг қай аҳволдалигини ҳам билардилар, чунки қўшнилар бизнинг темирчилик ишхонамизда кўпинча ана шу қуролларни сеплатиб, тузаттириб кетишар эди. Колонистлар қулоқларнинг кўпинча подачи хизматкорнинг тегишли ҳақларини батамом бериб, орачи очиқ қилмасдан туриб, уларни раҳмсиз равишда хонадондан ҳайдаб чиқариб, оғир аҳволга солиб қўйганликларини ҳам биларди-лар.

Ростини айтганда, дарвозалар ва деворлар орқасига яширинган мана шу қулоқлар оламига душманлик кўзи блан қарашни мен ҳам колонистлардан ўргандим.

Шундай бўлса ҳам доимий суратда юз бериб турадиган англашилмовчиликлар мени безовта қилаверди. Бу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг устига қишлоқ каттаконлари билан душманлик муносабатлари ҳам қўшилди. Лука Семёнович, бизга Трепкелар даласини бериб, бизни иккинчи колониядан суриб чиқаришдан умид узмаган эди. У гўё мактаб солиш баҳонаси билан тегирмонни ва Трепкеларнинг ҳамма ер-мулкларини қишлоқ советига ўтказиб юбориш учун роса елиб-югурди. У ўзининг шаҳардаги уруғ-аймоқлари ва ошна-оғайнилари ёрдами билан иккинчи колониянинг кичикроқ уйларидан бирини бузиб олиб, кишлоққа куриш учун сотиб олишга муваффақ бўлди. Биз бу ҳужумни муштлар ва таёқлар билан қайтардик; бу олди-сотдини базўр йўқ қилдим ва уйнинг Лука Семёнович ҳам унинг қариндошлари учун тўппа-тўғри ўтин сифатида сотиб олинаётганлигини шаҳарда аранг исбот қилдим.

Лука Семёнович билан унинг ҳамқурлари шаҳарга колония устидан узлуксиз шикоятномалар ёзиб юборишаверди, улар шаҳардаги турли маҳкамаларда бизни зўр бериб бадном қилишди, милициянинг келиб босиши ҳам худди шуларнинг қутқуси билан бўлган эди.

Қиш фасли эди. Бир куни кечқурун Лука Семёнович тўсатдан менинг хонамга кирди ва гердайиб туриб:

— Темирчилик ишлари учун кишлоқ одамларидан олаётган пулларингизни қаёққа қўяётганингизни билдирувчи ҳужжатларни менга кўрсатинг,— деб талаб қилди.

Мен унга дедим:

— Жўнанг!

— Нима?

— Йўқол бу ердан!

Менинг кўринишим қишлоқлар пулининг тақдирини аниқлашда ҳеч қандай муваффақиятдан дарак бермаган бўлса керак, Лука Семёнович лом-мим демай, ғойиб бўлди. Аммо шундан сўнг у менга ва бутун ташкилотимизга очиқдан-очиқ душман бўлиб олди. Колонистлар ҳам Лукани харнарсадан баттар ёмон кўрардилар.

Июньнинг иссиқ кунларидан бирида, туш пайтида, кўлнинг нариги томонидаги уфқда бир тўда одам келаётгани кўринди. Улар колонияга яқинлашганда, биз нима гап эканлигини очиқ-равшан билдик, қўллари боғланган Опришко билан Сорокани иккита «нодон» бошлаб келаётган эди.

Опришко ҳар жиҳатдан жасур бўлиб, колонияда ёлғиз Антон Братченкодангина ҳайиқарди, чунки Опришко унинг қўл остида ишларди ва ундан бирнеча марта та'зирини

www.ziyouz.com kutubxonasi

еган эди. У Антондан анчагина катта ва бақувват бўлса ҳам, бу афзалликлардан фойдаланишга отбоқарлар бошлиғига ва унинг ютуқларига бутунлай тушуниб бўлмайдиган ундаги муҳаббат халал берарди. Бошқа қолган ҳамма колонистларга нисбатан Опришко ўзини юқори тутар ва ҳечкимга «майна» бўлишга йўл қўймас эди. Унинг ажойиб характери ёрдам берарди: у доимо хушчақчақ бўлиб, худди ўзи сингари улфатларни севар, шунинг учун ҳам бironта қовоқ-тумшуғи осилган одами йўқ колония пунктларида бўларди. У коллектордан[1] колонияга боришга сра ҳам розилик бермаган эди, шу сабабли уни олиб келишга ўзим боргандим. У мени кроватьда ётган ҳолда нафрат назари блан қарши олиб:

— Йўқолинг, ҳечқаёққа бормайман! — деган эди.

Унинг қаҳрамонлик хусусиятларидан мени хабардор қилиб қўйишган эди, шу жиҳатдан мен унинг фе'ли-атворига жуда мос келадиган гап қилдим:

— Сизни безовта қилиш менга ма'қул эмас, жаноб, лекин ўз бурчимни адо этишга мажбурман ва шунинг учун сизга тайёрланган экипаждан жой олишингизни ўтиниб сўрайман.

Опришко даставвал менинг мулойимлик блан қилган муомаламдан ҳайрон қолди, ҳатто кроватьдан бошини ҳам кўтарди, лекин яна эски ўжарлиги қўзиб, бошини ёстиққа қўйди.

— Бормайман дедим, бормайман!.. Тамом!

— Ундай бўлса, муҳтарам жаноб, кўп афсуслар бўлсинки, мен сизга куч ишлатишга мажбур бўламан.

Опришко ёстиқдан жингалак сочли бошини кўтариб, жиддий ҳайронлик блан менга қаради:

— Уни қара-я, бу одам қаердан келиб қолди ўзи? Мени эўолаб олиб кетиш осон эмиш!

— Бўркингизда билинг...

Овозимни баланд қилиб, унга киноя аралаш:

— ...кимматли Опришко...— дедим ва тўсатдан унга:

— Тур ўрнингдан, нега ағанаб ётибсан! Тур дейман сенга!—деб бақирдим.

У ўрнидан турасолиб, дераза томонга югурди:

— Худо урсин, ўзимни деразадан ташлайман!

Мен унга нафрат ва ғазаб блан:

---

[1] Коллектор — бу ўринда боқимсиз болаларни йиғиб, болалар уйларига тақсимловчи идора.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ё деразадан сакра, ёки аравага чиқ,— сен блан ижикилашиб ўтиришга вақтим йўқ,—дедим.

Биз учинчи қаватда эдик, шунинг учун Опришко очиқ чеҳра ва хурсандлик блан кулиб юборди:

— Роса ёпишиб олдингизу!.. Нима ҳам дердик? Сиз Горький колониясининг мудиримисиз?

— Ҳа.

— Шундай десангиз бўлмасмиди! Аллақачонлар кетган бўлардик.

У зўр бериб йўл тайёргарлигини кўрабошлади.

Колонияда у колонистларнинг истисносиз ҳамма қилгуликларида қатнашса ҳам, броқ ҳечмаҳал биринчи рольни ўйнамас ва, афтидан, бирор манфаатдан кўра кўпроқ ҳангамага ишқивоз эди.

Сорока Опришкодан ёшроқ, кулча юзли, хушрўйгина бола бўлиб, жуда калтафаҳм, гапи оғзидан тушиб кетадиган ва ўлгудай нўноқ эди. Бironта ишни ҳам ўрнига қўяолмасди. Шунинг учун колонистлар уни Опришко блан бирга боғлаб келтирилган ҳолда кўрганларида қаттиқ хафа бўлдилар:

— Дмитр Сорока блан алоқада бўлмаса нима қилар экан...—дедилар.

Уларни олиб келаётганларнинг бири қишлоқ советининг раиси ва бизнинг эски ошнамиз Мусий Карпович экан.

Мусий Карпович шу дақиқада жуда бўшашган эди. Лука Семёнович ўзини ғоят тетик тутар ва бошлиқларга хос шижоат блан келмоқда эди. Унинг сариқ соқоли боплаб таралган, пиджаги тагидан топтоза янги кўйлаги кўриниб турарди, афтидан, яқинда черковдан чиққан бўлса керак.

Раис гап бошлади:

— Колонистларингизни яхши тарбия қилаётган экансиз.

— Сизнинг ишингиз нима?

— Ишим шуки, сизнинг тарбияланучиларингиз дастидан халойиққа кун йўқ, улар йўл устида ҳамма нарсани талаб олиб қолмоқдалар, ҳарнарсани ўғирламоқдалар.

— Ҳой, амаки, уларни боғлашга ҳақинг бормиди?— деган савол эшитилди колонистлар тўдасидан.

— У ҳали ҳам эски тартиб амалда деб ўйлайди...

— Унинг та'зирини бериб қўйиш керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жим турингларl— дедим колонистларга.— Нима гап ўзи, гапиринг.

Мусий Карпович сўз бошлади:

— Хотиним четан деворга юбкаси блан одеялни ёйиб қўйган эди, мана бу икков ўтиб кетгандан кейин қарасам — ҳалиги нарсалар йўқ. Мен буларни қувдим, булар қочиб кетаверишди. Қувганим блан етаолармидим! Худо хайрини бергур, Лука Семёнович черковдан келаётган экан. Ана шундай қилиб биз уларни тутиб олдик...

— Нега боғладинглар?— деган савол эшитилди яна тўда орасидан.

— Қочиб кетишмасин деб. Нега эмиш-а...

— Гап унда эмас,— деди раис,— юринглар, протокол ёзамиз.

— Протокол ёзмаса ҳам бўлади. Нарсаларингизни қайтиб беришипти-ку?

— Бу блан иш битмайди. Албатта протокол ёзилиши керак.

Раис бизни масхара ва мазаммат қилишга бел боғлади. Сирасини айтганда, унинг бундай қилишга яхшигина асоси бор эди, чунки колонистларни улар биринчи марта жиноят устида тутиб олгандилар.

Ишнинг бу томонга бурилиб кетиши биз учун жуда ёмон эди. Протокол тузилгудек бўлса, болаларнинг қамоққа олиниши ҳеч шубҳасиз ва бу нарса колония учун кетмас доғ бўлур эди.

— Бу болалар биринчи марта қўлга тушишипти,— дедим.— Қўни-қўшничиликда ахир шунақа ҳархил гаплар бўлиб ўтаверади! Бу иш биринчи марта бўлгани учун кечириш мумкин.

— Йўқ,— деди сариқ,— кечириш нимаси! Қани, юринг канцелярияга, протокол ёзамиз.

Мусий Карпович ҳам ўтган воқиани хотирлади:

— Кечаси мени сарсон қилганларингиз эсингиздами? Болта ҳали ҳам сизларда, бунинг устига аллақанча штраф тўлаган эдим!

Тилимизга калтак келди. Қулоқлар бизни енгиб қўйишди. Ғолибларни канцелярияга юбориб, ўзим болаларга ғазаб блан дедим:

— Шумликларинг бошларингга етди, аблаҳлар! Сизларга юбка керак! Энди исноддан бошларингизни кўтариб юролмайсизлар... Сизларни роса дўппослайдиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлибман. Сорока блан Опришко иккиси қамоққа олинади.

Айб дарҳақиқат болаларда эди, шу сабабли улар чурқ этишмади.

Бундай баландпарвоз педагогик нутқдан кейин мен ҳам канцеляриягa қараб юрдим.

Раисни кўндириш дардида унга икки соатгача ялиниб-ёлвордим, бу каби воқиага энди сира йўл қўймасликка ва'да бердим, қишлоқ совети учун ўз ташаббуси блан янги арава ясаб беришга рози бўлдим. Ахири раис:

— Ҳамма болалар илтимос қилишсин,— деган биттагина шарт қўйди.

Мана шу икки соат ичида раисни умр бўйи ёмон кўрадиган бўлдим. Сўз орасида миямга ёмон бир фикр ҳам келиб-келиб қўйди: «балки бу раисни бирор қоронғи бурчакда тутиб олиб урарлар, ана шунда ажратмайман».

Ҳарқандай қилинса ҳам чора йўқ эди. Мен колонистларга зинапоя олдида саф тортишни буюрдим, зинапояга каттаконлар чиқишди. Шапкам козирогига қўлимни қўйиб туриб колонистлар номидан: биз ўртоқларимизнинг хатолари учун жуда ачинамиз, уларнинг гуноҳи кечирилишини сўраймиз ва бундан кейин бу каби ҳолларнинг қайталанмаслигига ва'да берамиз, дедим. Лука Семёнович бундай деди:

— Шубҳасизки, бундай нарсалар учун батамом қопунга мувофиқ иш кўриш керак, чунки деҳқон — албатта, меҳнаткаш. Башарти у юбкасини осиб қўйган бўлсаю, сен уни олсанг, халқнинг, пролетариатнинг душмани бўласан. Менга совет ҳокимиятининг вазифалари юклатилган. Шундай бўлгач, мен ҳарқандай бандит ва жиноятчининг ҳаркимлар молини талашига йўл қўяолмайман. Сизларнинг бу ерда қилаётган илтимос ва ва'даларингиз кейинчалик қандай бажарилишини ким билади дейсиз. Модомики сиз блан мудирингиз астойдил илтимос қилаётган экансиз, мудирингиз сизларни бандитлар қилиб эмас, ҳалол гражданлар қилиб тарбиялаши лозим. Мен сўзсиз кечираман.

Хўрлик ва ғазабдан баданимга титроқ туриб кетди. Опришко блан Сорока бўлса колонистлар қаторида бўзрайишиб турарди.

Бошлиқ блан Мусий Карпович қўлимни қисиб, улуғворлик ва тантилик юзасидан алланималарни сўзладилар, лекин уларнинг сўзлари қулоғимга кирмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тарқалі!— деб команда бердим.

Колония тепасида қуёш чарақламоқда. Баҳор чечакларидан ҳамаёқ муаттар. Ҳаракатсиз ҳаво кўмкўк бўлиб ўрмонни қоплаган.

Мен атрофга назар солдим. Атрофимда яна ўша колония, яна ўша ғиштин биноларнинг коробкалари, яна ўша колонистлар. Эртага ҳам юбка, раис, Мусий Карпович эсга тушади, диққинафас, серпашша шаҳарга қатнашлар... Рўпарамда хонамга кириладиган эшик бўлиб, хонада «дачка» типидаги кровать блан бўёқсиз стол турар, столда эса бир пачка махорка ётарди.

«Қайга борсам экан? Нима ҳам қилаолардим? Нима ҳам қилаоламан?»

Ўрмон томонга кетдим.

Қарағайзорда туш пайтида соя йўқ, лекин бу ер доимо ажойиб саранжом-саришта бўлиб, узоқ ерлар кўринади, хушқад дарахтчалар шуқадар уюшқоқлик блан саф тортишиб турадики, уни кўрган киши завқ қилади.

Турар жойимиз ўрмон бўлишига қарамай, унинг энг ичкарисига кирмаган эдим. Одамлар орасидаги ишлар мени столларга, дурадгорлик дастгоҳларига, сарой ва ётоқхоналарга боғлаб қўйган эди. Ёқимли ҳид анқиб турган қарағайзордаги жимжитлик ва озодалик кишини ўзига тортади. Бу жойдан ҳечёққа кетким келмас, ўзим ҳам ана шундай хушқад, доно ва хушбўй дарахт бўлиб кетгим келар ва шундай гўзал, назокатли улфат ичида мовий осмон тагида тургим келар эди.

Орқа томонда бир дарахтнинг шохи қирсиллаб кетди, қайрилиб қарасам, кўз илғайдиган жойгача колонистлар кўринди. Улар дарахтларнинг панасига ўтиб олиб, секинаста келишмоқда, фақат узоқ-узоқдагилар мен томонга югуришиб келмоқда эди.

Ҳайрон бўлиб, тўхтадим. Улар ҳам жой-жойларида тўхташиб, менга тикилиб туришар, аллақандай қўрқув блан кузатишар эди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсизлар? Нега кетимда изғишиб юрибсизлар?

Менга яқинроқ турган Задоров дарахт орқасидан чиқиб, пича дағаллик блан:

— Колонияга юринг,— деди.

Юрагим шув этиб кетди.

— Колонияда нима ҳодиса бўлди?

— Ҳечнима бўлгани йўқ... Юринг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гапир дейман, иблис! Хўш, бугун мени мазах қилишга аҳд қилганмисизлар?

Мен тез-тез қадам ташлаб унинг олдига бордим. Яна бир-икки киши яқин келди, қолганлар бир чеккада тураверишди. Задоров шивирлаб:

— Биз кетамиз, лекин бизга бир марҳамат қилсангиз эди,— деди.

— Сизларга нима керак?

— Тўппончани буёққа беринг.

— Тўппончанними?

Тўсатдан гап нима эканлигини пайқаб, кулиб юбордим:

— Ҳа, тўппонча дегин! Шошманглар. Вой, тентакларей! Ахир мен ўзимни осишим ёки кўлга ташлаб ўлишим ҳам мумкин-ку.

Задоров тўсатдан хахолаб, бутун ўрмонни бошига кўтарди.

— Ҳа йўқ, майли ўзингизда тураверсин! Биз шундай деб ўйлабмиз-да. Сайр қилиб юрибсизми? Ҳа, юраверинг. Болалар, орқага қайтинглар!

Нима гап бўлти денг.

Мен ўрмонга кириб кетганимда Сорока ётоқхонага югура кириб, бундай депти:

— Ҳой, болалар, ҳой оғайнилар, ўрмонга югуринглар! Антон Семёнович ўзини ўзи отишга...

Болалар унинг гапини чала қолдириб, ётоқхонадан гурра чиқишипти.

Кечқурун ҳамма болалар бениҳоят хижолатда эдилар. фақат Карабанов жиннилик қилиб, шайтонга ўхшаб кроватьлар орасида дикиллаб юраверди. Задоров ёқимтойлик блан тишларини иржайтирар ва негадир Шелапутининг кўҳлик юзига бошини қўярди. Бурун бўлса пинжимга тиқилиб, индамай ўтираверди. Опришконинг бўлса асабийлиги тутиб, Козирь турадиган хонада ётар ва юзини кир ёстиққа қўйиб олиб, бўкириб йиғларди. Сорока болаларнинг масхара қилишларидан қочиб, аллақаёққа ғойиб бўлди.

Задоров:

— Фанти ўйнайлик,— деди.

Шу блан фанти ўйинига берилиб кетдик. Педагогиканинг шундай аломатлари ҳам бўлар экан, усти-бошлари тўзиб кетган оч болалардан қирқтаси керосин лампачасининг ёруғида жуда хушчақчақлик блан фанти ўйнади. Фақат ўпишиш бўлмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

20. Жонли ва жонсиз инвентарь тўғрисида

Кўкламда инвентарь масалалари бизни жуда қийнаб юборди. Кичкинтой ва Шўх бия ҳечнарсага ярамай қолди, уларни ишлатиш мумкин эмасди. Калина Иванович ҳар куни эрта бландан отхонада контрреволюцион гаплар қилиб, совет ҳокимиятини хўжаликсизликда ва ҳайвонларга нисбатан шафқатсизликда айблар эди:

— Хўжалик қурмоқчи бўлганингдан кейин, тилсиз жониворни қийнамасдан, жонли инвентарь ҳам бергин-да, ахир. Теорехтика жиҳатидан қараганда, албатта, от; аммо прахтика жиҳатидан эса у ўлай деб қолган жонивор; уни ишлатиш бирёқда турсин, аҳволига одамнинг раҳми келади.

Братченко тўппа-тўғри йўл тутарди. У жсмики тирик отни севар, уларга юклатилган ҳарқандай ортиқча иш Братченкони ғазаблантирар, унга ҳақорат бўлиб тушар эди. Ҳарқандай талаб ва миннатларга унда доимо ўткир далил тайёр турарди:

— Бордию сени плугга қўшиб ишлатишса, нима қиларднинг? Ана ўшанда сени тамоша қилиш қизиқ бўларди-да.

У Калина Ивановичнинг сўзларини ҳечқандай иш учун отларни бермаслик ҳақидаги буйруқ деб биларди. Лекин биз ҳам талаб қилиш тарафдори эмас эдик. Иккинчи колонияда отхона қурилиб ҳам бўлди, ер ҳайдаш ва экин экиш учун эрта кўклам у ерга иккита от юбориш керак бўлиб қолди. Лекин юборадиган от йўқ эди.

Бир сафар губерна Ишчи-Деҳқон Тафтиш назорати (РКИ)нинг раиси Черненко блан бўлган суҳбатда ўз қийинчиликларимизни айтиб бердим: жонсиз инвентарьни бир амаллаб ишлатиб турибмиз, дедим, кўкламга етиб берар, лекин отлар масаласи чатоқ. Олтмиш десятина ер-а! Агар экин қилмасак,— деҳқонлар бизга нима дейди?

Черненко ўйлаб турнб, хурсандликдан дик этиб ўрнидан турди:

— Тўхта! Менинг бунда хўжалик қисмим бор. Кўклам учун бизга шунча отнинг кераги йўқ. Мен сизларга вақтинча учтасини бериб тураман, уларни боқиш ҳам керак бўлмайди, сизлар бир ярим ойлардан кейин қайтиб берарсизлар. Қани, хўжалик мудиримиз блан ўзинг бир гаплашиб кўр-чи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РКИ хўжалик мудири ўжар ва пишиқ одам экан. Отларни ишлатиш учун каттагина ҳақ талаб қилди: ойига беш пуддан буғдой ва аравалари учун ғилдираклар.

— Сизда ғилдираксозлик ишхонаси бор-ку,— деди у.

— Наҳотки шундай бўлса? Тери шилмоқчимисиз? Кимникини?

— Мен хўжалик мудириман, саҳий бека эмасман. Қанақа отлар денг! Ўзимга қолса сра ҳам бермас эдим, чунки отларни ишдан чиқазиб, хароб қиласизлар, биламан сизларни. Бундай отларни қўлга киритиш учун икки йил овора бўлганман,— отлар эмас, ажойиб парсалар!

Шундай бўлса ҳам, мен унга ҳатто юз пуддан буғдой тўлашга ва шаҳардаги ҳамма аравалар учун ғилдираклар ясаб беришга ва'да қилишим мумкин эди, чунки бизга отлар керак эди.

Хўжалик мудири икки нусхада шартнома ёзди, унда ҳамма шарт-шароит жуда муфассал, батартиб баён қилинди.

...Қуйида бундан кейин колония деб юритиладиган муассаса... ушбу ғилдираклар махсус комиссия томонидан қабул қилинкб, тегишли акт тузилгандан кейин губерна РКИ хўжалик қисмига ўтказилган деб ҳисобланади... Отларни қайтариш муддатидан кечиктирилган ҳарбир куи учун колония губерна РКИ хўжалик қисмига ҳарқайси от учун ўн қадоқдан буғдой тўлайди. Ушбу шартнома колония томонидан бажарилмаган тақдирда эса колония ҳамма зарар-бурдни беш баравар ортиқ миқдорда тўлайди...

Эртасига Калина Иванович ва Антон иккиси зўр тантана блан колонияга кириб келишди. Кичик болалар эрталабдан бери аллақанча узоқ йўлга чиқиб пойлаб туришди; бутун колония, ҳатто тарбиячилар ҳам кутишавериб чарчашди. Шелапутин блан Тоська бўлса ҳаммадан ҳам нарироққа бориб туришди: улар бу маросимни шосседа қарши олиб, дарров отларга миниб олишди. Калина Ивановичнинг кўлишга ҳам, сўзлашга ҳам уқуви келмай қолди, чунки у жуда кеккайиб, гердайиб кетган эди. Антон биз томонга лоақал бир қайрилиб қараганн ҳам йўқ,— умуман аравамиз орқасига боғланган учта тўриғ отдан бўлак барча тирик мавжудот унинг учун сариқ чақага ҳам арзимас бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Калина Иванович тобутсимон аравачасидан тушиб, пиджагига илашган хас-чўпни қоқди-да, Антонга қараб:

— Ҳуш'ёр бўл, буларни жой-жойига билиб қўй, булар сенинг анави Шўх биянгга ўхшаган эмас,— деб қўйди.

Антон ўз ёрдамчиларига калта-култа топшириқлар бериб, эски отларни энг нариги ва ноқулай охурларга элтиб боғлади, отхонани шавқ-завқ блан тамоша қилиб турганларга тиркиш ўқталди, Калина Ивановичга бўлса дустона оҳангда сал-пал дағаллик блан жавоб қилди:

— Янги жабдуқ келтириб бер, Калина Иванович, бу эски матоҳларинг ярамайди!

Отларнинг ҳаммаси ҳам тўриғ, новча ва семиз эди. Уларнинг ўз номлари бор бўлиб, бу нарса колонистлар назарида отларнинг бирқадар зотдорлигини билдирарди. Уларнинг отлари: Йиртқич, Калхат ва Мэри эди.

Лекин Йиртқич тез орада кўнглимизни совутиб қўйди: у савлатли айғир бўлиб, қишлоқ хўжалик ишига қўл келмас, тезда чарчаб, ҳарсиллаб қолар эди. Аммо Калхат блан Мэри бўлса ҳар жиҳатдан қулай отлар бўлиб чиқди: улар кучли, ёввош, чиройли эди. Антон отларнинг аллақандай ажойиб елиб чопишига ишониб шаҳардаги ҳамма извошчиларни орқада қолдирмоқчи эди, броқ умидлари лучга чиқди. Аммо бу отлар плуг ва сеялка тортишга жуда яхши эди. Калина Иванович кечқурунлари келиб, қанча ер ҳайдалганлиги ва қанча жойга экин экилганлиги ҳақида завқланиб ма'лумот бериб турарди. Уни фақат от эгаларининг ўтакетган расмиятчилиги безовта қилар эди.

— Биласанми, бу ишларнинг ҳаммаси яхши-ку, фақат ана шу РКИ блан алоқа қилиш... қайдам, қанақа бўларкин-да... Улар та'би хоҳлаган ишни қилишаверади. Доднингни кимга айтасан? Ўшаларнинг ўзигами?

Иккинчи колонияда иш жўнашиб кетди. Уйлардан бири қурилиб битди, бунга колонистлардан олтитаси кўчиб кирди. Улар у жойда тарбиячисиз ва ошпазсиз туришди, омборимиздаги озиқ-овқат маҳсулотларидан пича-пича оборив қўйиб, боғдаги кичкина ўчоқда ўзлари бир амаллаб овқат пиширив туришди. Уларнинг вазифаси: боғ ва иморатларни қўриқлаш, Коломакнинг у бетидан бу бетига одамларни ўтказиб туриш ва иккита от ҳамда Братченконинг вакили сифатида ўтирган Опришко турган отхонада ишлашдан иборат эди. Антоннинг ўзи бош колонияда қолишга жазм қилди, чунки у ерда одам

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпроқ ва хушчақчақроқ эди. У ҳар куни иккинчи колонияга қатнаб, ундагиларнинг аҳволидан хабар олиб турарди, унинг боришидан ёлғиз отбоқарларгина эмас, ёлғиз Опришко ҳам эмас, ҳатто ҳамма колонистлар ҳам қўрқиб туришарди.

Иккинчи колония далаларида катта иш қилинди. Олтмиш десятина ернинг ҳаммаси экилиб бўлди. Дуруст, бунда агрономия қоидаларига ортиқча амал қилинмаган ва далалар тўғри планлаштирилмаган бўлса-да, лекин у ерда кузги буғдой ҳам, баҳори буғдой ҳам, жавдари ҳам, сули ҳам бор эди. Бирнеча десятина ерга картошка билан лавлаги экилган. Бу экинларни ягана қилиш ва чопиш керак эди, шунинг учун бизга бирнеча бўлакка бўлинишга тўғри келди. Ўша кезида колонияда олтмишта бола бор эди.

Биринчи колония билан иккинчи колония ўртасида икки бўйи ва ҳатто ярим кечагача қатнов тинмас эди. Колонистлар тўда-тўда бўлишиб ишга боришар ва ишдан қайтишар, араваларимиз уруғлик, ем-хашак ва колонистлар учун озиқ-овқат ташир, қишлоқ халқининг киракаш аравалари бинокорлик материаллари ортиб ўтишар, Калина Иванович ўзининг аллақаердан сўраб олган эски кабриолетида,[1] йиртқич устида эса, эгарга маҳкам ёпишган ҳолда, Антон ўўртиб қолар эди.

Якшанба кунлари колонистлардан тортиб тарбиячиларгача деярли бутун колония Коломакка чўмилгани боришар, ихчамгина, тезоқар анҳорчанинг қирғоғига колонистларга эргашиб ёши-веримиздаги қўшни йигит ва қизлар, Пироговка ва Гончаровка комсомоллари ҳамда хуторимиздаги қулоқларнинг эрка болалари ҳам чиқишар эди. Дурадгор усталаримиз Коломакка кичикроқ бир пристань қурдилар, биз унга «КГ»[2] ҳарфлари ёзилган бир байроқ ўрнатдик. Худди шу хилдаги байроқни яшил қайиқ пристань билан бизнинг қирғоқ ўртасида эртадан кечгача қатнаб турар эди; бу қайиқда Митька Жевелий билан Витька Богоявленский деган бола хизмат қиларди. Қизларимиз Коломакдаги ваколатхонамизнинг аҳамиятини яхши тушуниб, қизларнинг кийим-кечакларидан қолган, парча-пурча газламадан Митька билан Витькага матросча кўйлаклар тикиб беришди; колониядаги ва кўпгина

---

[1] Икки ғилдиракли извош.

[2] «Горький номидаги колония» деган сўзларнинг қисқартилгани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

километр келадиган атрофдаги аллақанча болаларнинг беиҳоят бахтли ана шу икки болага роса ҳаваслари келарди Коломак бизнинг марказий клубимиз бўлиб қолди.

Колониянинг ўзида бўлса ғоят иш қайнаганлиги ва ҳаракатнинг зўрлигидан, заказчи қишлоқ аҳолининг келиб туриши, Антоннинг тинмай жавраши ва Калина Ивановичнинг насиҳатомиз сўзларидан, Карабанов, Задоров ва Белухин кабиларнинг тинмай хахолаб кулишлари ва қилиқларидан, Сорока блан Галатенконинг ношудликлари, қарағай дарахтларининг чиқазган оҳангдор товушларидан, қуёш ва ёшликдан доимо хурсандлик ва қувноқлик ҳукм сурар эди.

Уша вақтга келиб биз кир-чир нималигини, бит ва қўтир қанақалигини бутунлай унутиб юбордик. Колония озодалиги ва янги ямоқ-ясқоқлари блан яшнаб турар, бу ямоқларни эса шимларда, деворда, сарой сиртида, эски зинапоя сингари ҳамма жойда кўриш мумкин эди. Ётоқхоналарда ўша-ўша «дачка» типидаги темир кроватълар турар, лекин кундузи улар устида ўтириш ман' этилган, ўтириш учун эса бўялмаган махсус қарағай харраклари ясалган эди. Хулди шу сингари, бўялмаган столлар ошхонада ҳам бўлиб, темирчилик ишхонасида ясалган алоҳида пичоқлар блан ҳар куни қириб тозаланар эди.

Уша вақтга келиб темирчилик ишхонасида катта ўзгаришлар юз берди. Калина Ивановичнинг донолик блан айтган плани тўла бажарилди: Головань заказчилар блан бирга ичкиликбозлик қилгани ва контрреволюцион суҳбатлари учун ҳайдаб юборилди, лекин темирчилик асбобларини Головань қайтариб олишга интилмади ҳам,— бунинг фойдаси йўқ эди. Лекин у кетаётган пайтда та'на ва киноя блан бош чайқаб:

— Сизлар ҳам бошқаларга ўхшаган хўжайинлар экансиз,— кишининг бор-йўғини босиб қолдингиз, баллы хўжайинлар!— деди, холос.

Белухин бундай гаплардан хижолат тортмади, унинг китобхонлик қилишин ва одамлар орасида юриши бежиз эмас эди. У Голованьнинг бетига дангал тикилиб туриб, бир илжайди-да:

— Сен ўзинг қанақа бефаҳм граждансан, Сафрон! Бизда ишлайбошлаганингга икки йил бўлса ҳамки, ҳалигача тушунмайсан: ахир бу нарсалар ишлабчиқариш қуролларп-ку.

— Ҳа, мен ҳам ахир шуни айтаётирман-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ишлабчиқариш қуроллари эса, тушунасанми, фаннинг кўрсатишича, пролетариатники бўлиши керак. Мана, олдингда пролетариат турипти, кўраяпсанми?

Шу билан у Голованьга шонли пролетарлар синфининг чинакам жонли намояндалари бўлган Задоров, Вершнев ва Кузьма Лешийни кўрсатди.

Темирчилик ишхонасида Семён Богданенко бошчилик қилади; бу одамнинг таги-зоти чинакам темирчи бўлиб, паровоз устахоналарида илгаридан донг чиқазиб келган. Семёнининг ишхонасида ҳарбий интизом ва тозалик йўлга қўйилган: ҳамма текислагичлар, болға ва болғачалар жой-жойига саранжомлаб қўйилган, ишхона ичи эпчил хотин тутган озода уй сингари топтоза қилиб супурилган, ўчоқ четига бир грамм ҳам кўмир сочилмаган. заказчилар билан қилинадиган муомалалар эса қисқа-қисқа ва бурро:

— Бу ер сен ўйлаган черков эмас — савдолашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Семён Богданенко хат-саводли, соқол-мўйлови доимо топтоза олинган, ўзи сира сўкинмайди.

Темирчилик ишхонасида иш қалашиб ётипти: ўзимизга тегишли инвентарь ҳам, қишлоқ одамларининки ҳам. Бошқа ишхоналарда бу вақтда иш деярли тўхтаган бўлиб, фақат Козирь иккита колонист билан бирга ўзининг ғилдираксозлик саройчасида илгаригича уриниб ётарди: ғилдиракларга бўлган талаб ҳали камайганча йўқ эди.

РКИ хўжалик бўлими учун алоҳида, резинка шинли ғилдираклар керак бўлиб қолди, Козирь эса бунақа ғилдиракни ҳечқачон ясамаган эди. У маданиятнинг бу даҳмазасидан жуда хижолат тортиб, ҳар куни кечқурун ишдан хафаланиб, дерди:

— Биз бу резинка шин дегани нима эканлигини билмасдик. Ҳазрат Исо пиёда юрарди, унинг саҳобалари ҳам... энди одамлар темир шинли ғилдиракларда юратурса бўлмасмикин.

Калина Иванович Козирьга жиддият билан деди:

— Темир йўл-чи? Автомобиль-чи? Буларга нима дейсан? Ҳазратинг пиёда юрган бўлса нима бўпти? Демак, у ҳам сенга ўхшаб маданиятсиз ёки, эҳтимол, бир қишлоқи бўлгандир-да, ўша чувринди пиёда юрган бўлса бордир, агар уни биров машинага ўтқазса, балки ёқиб қолармиди. Хадеса «пиёда юргин» дейвериш экан-да! Кекса одамга бунақа гапларни гапириш уят бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қозирь хижолат тортиб, жилмайиб, эсанкираган бир тарзда шивирлади:

— Ўша резинка шинли ғилдиракни синчиклаб қараб чиқилса, балки, худонинг лутфи-карами блан ясаб берсак ҳам бўларди. Худо билади, нечта кегайли экан?

— Ана, РКИга бориб кўриб кел. Санаб чиқ.

— Худоё товба, мен бир қари одам бўлсам, уни қайдан топай?

Июнь ойининг ўрталари эди. Кунлардан бирида Черненко болаларни хурсанд қилмоқчи бўлди:

— Мен бу ерда бир-иккита одам блан гаплашиб қўйдим, сизникига балериналар боришади, болалар бир тамоша қилишсин. Бизнинг опера театримизда, билсанг, яхши балериналар бор. Кечки пайт сен уларни олиб кет.

— Яхши бўлади-я.

— Лекин эҳтиёт бўл, улар нозик одамлар; бандитларинг уларни бирнима блан қўрқитишмасин. Айтгандай, уларни нимада олиб кетасан?

— Ўзимизда экипаж бор.

— Кўрганман. Ярамайди. Сен отларни юбор, менинг экипажимни олиб, шу ерда қўшақолишсин, кейин балерьяналарни олиб келгани боришсин. Йўл устига соқчилар ҳам қўй, тағин улар аллакимлар чангалига тушиб кетмасин: булар ҳамманинг ҳавасини келтиради.

Балериналар кечқурун алламаҳалда келишди, кела келгунча қўрқувдан қалт-қалт титрашди, унга сари Антон кулиб уларга:

— Нимадан қўрқасизлар, қўлга илинадиган матоҳларингиз ҳам йўқ-ку. Қиш эмаски, пўстиндан ажраб қоламиз десангиз,— деб далда берди.

Кутилмаганда ўрмон ичидан «лоп» этиб чиққан соқчилар тўдаси балериналарни шундай аҳволга солиб қўйдики, уларга колонияга келиб киришлари бланоқ дарҳол валерьянка ичириш зарур бўлиб қолди.

Ўйинни ҳам наридан-бери қилиб ўтказишди, шу сабабли болаларга сра ҳам маъзур бўлишмади. Битта ёшроғи келишкан, қорамтир кифтини қоқиб, бутун ўйин давомида барча колония аҳлини менсимаслик ва жирканишни ифодалашга сарф этди. Ёши ундан кўра сал каттароғи бизга қўрқа-писа тикилиб-тикилиб қўярди. Айниқса Антон уни кўрган сари ғижинаверди,

— Инсоф блан айтинг-чи, ўзингиз, қўш отни шаҳаргэ йўрттириб обориб келиш, ундан кейин яна тағин шаҳарга

www.ziyouz.com kutubxonasi

обориб келишнинг нима ҳожати бор эди? Мен сизга бунақанггилардан аллақанчасини шаҳардан пиёда олиб келаман.

— Ахир улар танца қилмайди-да!— деб кулади Задорэв.

— Оҳҳо! Шундай ҳам танца қилсинки.

Ётоқхоналаримиздан бирини анчадан бери безатиб турган рояль олдида Екатерина Григорьёвна ўтиради. У чалишга уста эмас, шунинг учун унинг музикаси балетга мослаштирилмаган, балериналар эса икки-уч тактни бир амаллаб билинтирмасдан ўтиб кетиш учун назокатни қўлдан бермасликка интилмайдилар. Қўпол хато ва тўхташлар уларга алам қилиб, тинкаларини қуритади. Бундан ташқари, улар аллақандай ажойиб кечага роса шошилмоқда эдилар.

Отхона олдида болалар фонислар ёруғида отларни аравага қўшар эканлар, Антон пичирлаб сўкинади, балериналар эса кечага кечикиб қоламиз, деб ўлгудай безовта бўлишади. Улар қопқоронғи зулматга кўмилган ана шу колонияга, жим бўлиб қолган колонистларга, ана шу мутлақо ёт жамиятга ҳаяжон ва нафратдан ҳечнарса деёлмай, бир-бирларига суянишиб секин-секин оҳ-воҳ қилишар эди. Сорока аравага ўтириб олиб, аллақандай қайишлар устида можара қилар ва, бормайман, деб бақирар эди. Антон бўлса, меҳмонлардан уялмай, Сорокага бундай деб жавоб қилди:

— Сен кимсан ўзинг — кучермисан ёки балериначисан? Нега арава устида тепинасан? Бормайсанми? Тур ўрнингдан!..

Сорока, ахири, отлар жиловини силтайди. Балериналар чурқ этмас ва бениҳоят қўрқиб Сороканинг кифтига осилган карабинга қараб-қараб қўйишар эди. Ҳарқалай эндигина жўнашган эдики, тўсатдан Братченко яна бақирди:

— Ҳой, олақарға, нима бало қилдинг? Кўр бўлдингми, эсингни едингми? Қандоқ қилиб қўшдинг? Саманни қаёққа қўйдинг, Саманни қаёққа суқдинг? Бошқатдан қўш! Калхатни ўртага олиб қўш,— деб неча марта айтган эдим сенга!

Сорока милтиқни бафуржа елкасидан чиқазиб олиб, балериналарнинг оёғи устига ётқизиб қўяди. Фойтундан секин-секин инграб йиғлаган овозлар эшитилади.

Карабанов орқа томонимда туриб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ахири йиғлатишди-я. Мен, буларни йиғлашмас, деб ўйлаган эдим. Қойилман йигитларга—! деб қўйди.

Беш минутдан кейин арава яна ўрнидан қўзғалди. Биз тартиб блан қўлларимизни фуражкаларимиз козирогига тегизиб турамиз, лекин бунга меҳмонлардан ҳечқандай жавоб олмаймиз. Резинка шинлар тош йўлда сакраб-сакраб кетмоқда эди, лекин шу пайтда ёнимиздан қўпол бир шарпа арава кетидан югура бориб, қўлларини силкитади ва:

— Тўхтанглар! Худо хайр берсин, тўхтанглар! Ҳой, садағаларинг кетай, тўхтанглар!— деб қичқиради.

Сорока нима гап эканлигига тушунмай, тизгинларни тортади, балериналардан бири ўтирган жойидан иргиб туради.

— Сал бўлса унутаёзган эканман, тавба-е, худойимей! Ғилдирак кегайларини бир санаб боқай...

У ғилдирак устига энгашади, фойтунда йиғи-сиғилар кучаяди, бу йиғи овозларига ёқимли ингичка овоз жўр қилади:

— Бас энди, йиғингни қўй, бўлди...

Карабанов Козирьни ғилдирак ёнидан итариб юборади:

— Нари тур, бобо, ҳе сени...

Аммо Карабанов ўзини тутиб ололмай, пиқ этиб кулиб, ўрмон ичига қочиб кетади.

Мен ҳам ғазабланиб:

— Торт аравангни, Сорока, бас энди имирсиланиш! Шундан бошқа ишинг йўқми!— дейман.

Сорока Калхатга қаттиқ бир-қамчи урди. Колонистлар барала хахолаб кулиб юборишади, бута тагидан Карабановнинг овози эшитилади, ҳатто Антон ҳам қаҳқаҳ уриб кулади:

— Бордию устига устак бандитлар ҳам тўхтатгудай бўлса борми, иш роса хуржун бўлади-да! Ундай ҳолда булар кечага албатта етиб боришолмайди.

Козирь тўда орасида саросима бўлиб туради ва ғилдирак кегайларини санаб чиқишга нималар халал берганлигини сира тушунаолмайди.

Биз ҳархил буюмлар блан овора бўлиб кетиб, орадан бир ярим ой қандай ўтиб кетганини сезмай қолибмиз. РКИнинг хўжалик мудири айтилган вақтнинг худди ўзгинасида кириб келди.

— Хўш, отларимизнинг аҳволи қалай?

— Юришипти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уларни қачон юборасиз?

Антоннинг рангги ўчиб кетиб:

— «Юборасиз» деганингиз нимаси? Ўҳў, ишни ким қилади?— деди.

— Шартнома деган гап бор, ўртоқлар,— деди хўжалик мудири зарда блан,— шартнома. Буғдойни қачон олиш мумкин?

— Қизиқсиз-а! Аввал уни йиғиб-териб, янчиш керак, буғдой ҳали далада ётипти.

— Ғилдираклар-чи?

— Биласизми, ғилдирак ясайдиган устамиз кегайларини санаёлмай қолипти, ғилдиракни неча кегайли қилишни билмай, ҳайрон. Ўлчовлари устида ҳам гап шу...

РКИ хўжалик мудири колонияда ўзини каттакон бошлиқ деб ҳис қилди. Ҳазил эмас-а, РКИнинг хўжалик мудири, ахир!

— Шартномага биноан жарима тўлашга тўғри келади. Шартномага биноан. Шуни билиб қўйингки, шу бугундан бошлаб ҳар кунига ўн қадоқ, буғдойдан ўн қадоқ тўлайсиз. Вассалом!

Хўжалик мудири жўнаб кетди. Братченко унинг пойга аравасини қаҳр-ғазаб блан кузатар экан, қисқагина қилиб:

— Ифлос!— деб қўйди.

Биз жуда хафа бўлиб кетдик. Отлар ғоят зарур, аммо бор-йўқ ҳосилни унга бериб бўладими?

Калина Иванович тўнғиллаб гап қилди.

— Мен уларга, ўша паразитларга, буғдойни бериб бўпман; ойига ўн беш пуддан буғдой топшириш устига яна тағин ўн қадоқдан тўлармишимиз-а. Улар ўтирган жойида миясига келганини ёзаверармиш-да, биз, демак, ғалла етказиб берармишмиз. Кейин уларга ғаллани ҳам, отларни ҳам бериш керак эмиш. Қаёқдан топиб берсанг беравер, лекин буғдойни бермайман!

Шартнома болаларга ёқмади:

— Уларга буғдой бергандан кўра жойида туриб қуриб кетгани яхши. Е бўлмаса, майли, буғдойни олишақолсину, отларни бизга қолдиришсин.

Братченко масалани бошқачароқ ҳал қилмоқчи бўлиб, деди:

— Сизлар буғдойни ҳам, сулини ҳам, картошкани ҳам беришингиз мумкин, лекин мен отларни бермайман. Мени хоҳ уришиб сўкинг, хоҳ сўкманг, аммо улар энди от бетини кўрмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Июль кирди. Пичанзорда болалар пичан ўришаётган эди, Калина Иванович бўғилиб, деди:

— Болалар ўтни ёмон ўришаяпти, ўришни билишмайди. Ут ўришнинг аҳволи шу бўлса, жавдарини қандай ўришар экан, ҳеч тушунолмайман. Жавдарининг ўзи етти десятина, унлан бўлак саккиз десятина буғдой, лалми, сули бор. Буларни нима қилишга ҳайронман. Албатта ўроқ машина сотиб олиш керак бўлади.

— Нима деяпсан, Калина Иванович? Ўроқ машинани қайси пулга сотиб оласан?

— Жуда бўлмаса лабогрейка олиш керак. Илгари юз эллик ёки икки юз сўм турарди.

Кечкурун у менга бир ҳовуч жавдари келтириб:

— Кўраяпсанми, икки кундан кечиктирмасдан албатта йиғиб олиш керак,— деди.

Жавдарини чалғи ўроқлар блан ўришга тайёргарлик кўрдик. Ўрим-йиғимни тантанали равишда, биринчи боғни тантанали байрам қилиш блан бошлашга қарор қилдик. Колониямизда иссиққина қумда жавдари барвақт пишганидан байрам қилишга қулай пайт келди; биз бу тантанага катта тайёрлик кўрдик. Бирталай меҳмон чақирилди, яхши овқат пиширилди, ўримни тантана блан бошлаш учун маросим тартиби ишлаб чиқилди. Далани арклар ва байроқлар блан безатиб, болаларга янги костюмлар тиктириб қўйдик, броқ Калина Иванович дод-вой қилиб:

— Ҳосилдан айрилдик! Жавдарини ўриб бўлгунча тўкилиб битади. Қарға-қузғунлар учун ишлаган эканмиз,— деяверди.

Аммо саройларда колонистлар чалғиларни қайраб, уларга хаскашлар қўндирмоқда эдилар. Улар Калина Ивановичга далда бериб, бундай дейишди:

— Ҳечнарса қилмайди, Калина Иванович, бизнинг ишимиз зиқна деҳқонникидан қолишмайди.

Саккизта ўроқчи тайинланди.

Байрам куни эрта блан барвақт мени Антон уйғотди.

— Бир киши ўроқ машина келтирди.

— Қанақа ўроқ машина?

— Ана шунақа машина келтирди. Каттакон, қанотлари бор — жатка. Сотиб олишмасмикин, деяпти.

— Қайтариб юбор. Уни олишга пул қани — ўзинг биласан-ку...

— У, балки алишармикинлар, дейди. Отга айрибош қилишни истайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен кийиниб, отхонага чиқдим. Ҳовли ўртасида ўроқ машина турарди, афтидан, ҳали эски эмас, сотиш учун атайлаб бўялганлиги кўриниб турарди. Унинг атрофида колонистлар уймалашиб туришар, шу жойда Калина Иванович ғазаб блан гоҳ ўроқ машинасига, гоҳ эгасига, гоҳ менга қараб-қараб қўяр эди.

— Хўш, у ҳазил-мазах учун олиб келган шекилли? Уни бу ерга ким бошлаб келди.

Машина эгаси отларни аравадан чиқазди. У зукко, серсавлат, мошгуруч соқолли киши экан.

— Нега сотасан?— деб сўради Бурун.

Машина эгаси қайрилиб қараб:

— Уғлимни уйлантирмоқчиман. Менда бу машинадан яна битта бор, ўзимизга етади, ўғлимга от олиб берсам дейман,— деди.

Карабанов қулоғимга шивирлади:

— Ёлғон айтаётир. Мен бу амакини биламан... Сиз Сторожевой қишлоғидан эмасмисиз?

— Ҳа. Сторожевойдан бўламан. Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Сен Семён Карабан амасмисан? Панасининг ўғлисан-а?

— Бўлмаса-чи!— деб севиниб кетди Семён.— Сиз Омельченкосиз-ку? Тортиб олишади деб қўрқаётгандирсиз? Шундаймн?

— Тортиб олиб қўйишлари ҳам мумкин-ў, лекин ахир ўғилни уйлантириш ҳам...

— Ҳали ўғлингиз шу чоққача бандитлар шайкасида эмасми?

— Қўйинг-е, худо сақласин!..

Савдони пишитишни Семён ўз устига олди. У отларнинг олдигинасида туриб машина эгаси блан узоқ фурсат суҳбатлашди, улар бир-бировларига бош қимирлатишди, елкаларига, тирсакларига қоқишди. Семён ўзини чинакам хўжайиндай қилиб кўрсатди. Унинг Омельченко блан ҳамма нарсани биладиган одамдай муносабатда бўлаётгани кўриниб турарди.

Ярим соатдан кейин Семён Калина Ивановичнинг хонаси олдида махфий кенгаш очди. Кенгашда мен блан бирга Калина Иванович, Карабанов, Бурун, Задоров, Братченко ва катта ёшдаги колонистлардан яна икки-учтаси ҳозир бўлди. Қолганлар шу пайтда ўроқ машинани қуршаб олиб, дун'ёда ба'зи кишиларнинг шундай механик бахти борлигига қойил қолишиб, жимгина туришарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Семён бу кишининг машинани отга айрибош қилмоқчи эканлигини, Сторожевойда машиналар ҳисобга олинажагини ва хўжайин машинанинг тортиб олинишидан қўрқанини, отни эса ўғлини уйлантираётгани учун тортиб олмасликларини тушунтириб берди.

— Эҳтимол, тўғридир, эҳтимол, нотўғридир; бу гапларнинг бизга дахли йўқ,— деди Задоров,— ўроқ машинани олиб қолиш керак. Шу бугуноқ уни далага олиб чиқиб, ишга солайлик.

— Қайси отни берасан?— деб сўради Антон.— Кичкинтой билан Шўх бия ҳечнарсага ярамайди, Саманни бермоқчимисан?

— Саманни берсак ҳам майли,— деди Задоров.— Ахир бу ўроқ машина-я!

— Саманни? Ахир сен бу...

Карабанов қизишиб кетган Антоннинг сўзини бўлди:

— Йўқ, Саманни, албатта бериб бўлмайди. Колонияда кўзга кўринган биттагина шу Саман, нега уни берар эканмиз? Йиртқични берақолайлик, у савлатли от, насл олишга ҳали ярайверади.

Семён Калина Ивановичга илжайиб кулиб турарди.

Калина Иванович Семёнга жавоб ҳам қайтармай, трубкасини знпапоя тахтасига қоқиб кулини тўкди-да, ўрнидан туриб:

— Сизлар билан ижикилашиб ўтиришга вақтим йўқ,— деб, ўз хонасига томон йўл олди.

Семён бир кўзини қисган ҳолда унинг кетидан қараб туриб, пичирлаб деди:

— Жиддий гап, Антон Семёнович, бераверинг. Кейин бир гап бўлар-кетар, лекин ўроқ машинали бўлиб қоламиз.

— Қамайдилар.

— Кимни?.. Сизними? Ҳеч-да? Ўроқ машина отдан қиммат турадн-ку. Зўр келса, РКИ Йиртқичнинг ўрнига ўроқ машинани олиб кетақолар. Унга барибир эмасми? Ҳечқандай зиён қилмаймиз, қайтага галлани ўз вақтида йиғиб оламиз. Барибир, Йиртқичдан ҳечбир иш чиқмайди...

Задоров қизиқ қилиб кулиб:

— Ана холос! Ростдан ҳам шундай!..— деди.

Бурун индамади ва жилмайиб туриб, оғзидаги жавдари бошоғини қимирлатиб қўйди.

Антон кўзлари чарақлаб кулди ва:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Агар РКИ ўроқ машинани Йиртқич ўрнига фойтунга қўшса, тоза ҳангома бўлади-да,— деди.

Болалар менга кўзларини жовдиратиб турардилар.

— Қани, Антон Семёнович, ҳал қилинг... ҳал қилинг, ҳеч қўрқадиган ери йўқ. Башарти қамаганларида ҳам бир ҳафтадан нарига бормайди.

Бурун, ниҳоят жиддий бир тусда деди:

— Нима қилсанг ҳам айғирни бериш керак. Бўлмаса бизни ҳамма аҳмоқ дейди. РКИ ҳам шундай дейди.

Мен Бурунга қараб:

— Тўғри! Антон, айғирни олиб чиқ!— дедим.

Ҳамма отхонага югурди.

Машина эгасига Йиртқич ёқди. Калина Иванович енгимдан тортиб, шивирлади:

— Хўш, жонингдан тўйдингми? Колонияси ҳам курсин, ғалласи ҳам... Нега бунақа қиласан?

— Ке, қўй, Калина... Барибир. Ўроқ машина блан ўрамиз.

Бир соатдан кейин машина эгаси Йиртқични олиб кетди. Яна икки соатдан кейин колонияга Черненко келди ва ҳовлидаги ўроқ машинани кўриб қолиб:

— Оббо азаматлар-е-е! Бунақа ажойиб нарсани қайдан топдинглар?— деди.

Болалар, сув сепгандай, жим бўлиб қолишди. Мен ғамгинлик блан Черненкога қараб:

— Бир қўлга кириб қолди,— дедим.

Антон чапак чалиб, бир сакради-да:

— Нима қилсак қилдик, ўртоқ Черненко, ишқилиб машинали бўлиб қолдик. Бугун ишлашга тобингиз борми?— деди.

— Ўроқ машинадами?

— Ўроқ машинада.

— Майли, ўтмишни эслаб қўяйлик!.. Қани, уни бир синаб кўрайлик-чи.

Черненко болаларни ёнига олиб, то байрам бошлангунча ўроқ машина блан овора бўлди: улар машинани мойлашди, тозалашди, ба'зи жойларини тузатишди, юргизиб, синаб кўришди.

Байрамнинг биринчи тантанали қисмидан кейин Черненконинг ўзи ўроқ машинага ўтириб олиб, уни шатирлатиб ҳайдаб кетди. Карабанов кула-кула ичаги узилай деб, далада овозининг борича қичқириб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ана! Эгаси эканлиги барала кўриниб турипти,— деди.

РКИ хўжалик мудири далада юриб, ҳаркимдан бир-бир сўрарди:

— Нега анави Йиртқич кўринмайди? Йиртқич қани?

Антон қамчи блан шарқ томонга ишора қилиб:

— Йиртқич иккинчи колонияда. Унда эртага ғалла ўришга тушамиз, ҳозирча дамини олиб турипти,— деди.

Ўрмонда столлар устида дастурхонлар ясоғлиқ эди. Болалар Черненкони тантанали дастурхонга таклиф қилиб ўтқаздилар, унинг олдига пироглар ва боршч қўйиб, гапга солдилар.

— Ўроқ машина олганингиз зап яхши иш бўпти-да.

— Ҳақиқатан ҳам яхши иш бўптими?

— Яхши, яхши.

— Нима яхши, ўртоқ Черненко, отми ё ўроқ машинами?— деб сўради Братченко ва ҳаммага бир-бир қараб қўйди.

— Буни аниқ айтиб бўлмайди, отнинг қанақалигига қаралади.

— Мана, масалан, Йиртқичга ўхшаган от бўлса-чи?

РКИ хўжалик мудири қошиғини тушириб юбориб, ҳаяжон блан қулоқларини чимирди. Карабанов тўсатдан пиқ этиб кулиб, бошини стол тагига олди. Унинг кетидан болалар қаҳ-қаҳ уриб стол ёнида чайқалиб-чайқалиб кулишди. Хўжалик мудири ирғиб ўрнидан туриб, гўё ёрдам излагандай, ҳадеса ўрмонга олазарак бўлиб қарайверди. Черненко бўлса ҳечнарса тушунмади.

— Буларга нима бўлди? Йиртқич — ёмон отми?

— Йиртқични ўроқ машинага алишдик, шу бугун алишдик,— дедим ҳечбир кулгисиз.

Хўжалик мудири ўзини ҳарракка ташлади, Черненко бўлса анқайиб қолди. Ҳамма жим бўлди.

— Ўроқ машинага алишдик, дейсанми?— деди-да, Черненко, хўжалик мудирига бир қараб қўйди.

Ранжиган хўжалик мудири стол ёнидан турди.

— Болаларча шилқимлик бу, вассалом. Безорилик, ўзбошимчалик бу...

Черненко тўсатдан хурсандлик блан жилмайди:

— Ҳа, итваччалар! Ростданми? Ўроқ машинани биз нима қиламиз?

— Нима қилардик, шартномамиз бор: зарар-бурдни

www.ziyouz.com kutubxonasi

беш баравар қилиб тўлашаверади,— деб заҳар сочди хўжалик мудири.

— Қўйсанг-чи,— деди Черненко ғазаб блан.— Сен бунақа ишнинг уддасидан чиқолмайсан.

— Мен-а?

— Ҳа, худди сен, уддасидан чиқолмайсан, шундай бўлгандан кейин овозингни ўчир. Мана булар удда қилаолади. Уларга ғалла ўрнш керак, ахир улар сенинг беш баравар қилиб ундиришингдан кўра ғалла қимматроқ эканини билишади, тушунасанми? Улар сен блан мендан қўрқмайдиларми, буниси ҳам яхши. Хулласини айтганда, ўроқ машинани биз уларга шу бугун тортиқ қиламиз.

Ясатилган столларнинг тит-питини чиқариб, болалар Черненкони юқорига кўтариб-кўтариб ташлардилар, унга сари РКИ хўжалик мудирининг тепа сочи тик турарди. Ниҳоят, Черненко уст-бошини қоқиб, кула-кула ўрнидан турганда, Антон унинг ёнига келиб, деди:

— Хўш, Мэри блан Калхат нима бўлади?

— «Нима бўлади» деганинг нимаси?

— Унга қайтиб берамизми?— деб хўжалик мудирига имо қилди Антон.

— Нима бўлди, қайтиб берасан-да.

— Бермайман,— деди Антон.

— Берасан, ўроқ машина олганинг ҳам етади!— деб жаҳл қилди Черненко.

Броқ Антоннинг ҳам жаҳли чиқиб:

— Уроқ машинангизни олиб кетаверинг! Уни биз бошимизга урамизми? Нима, унга Карабанович қўшармидик?— деди.

Антон отхонага кетди.

— Вой, итвачча-ей!— деди ташвишланиб Черненко.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Черненко хўжалик мудирига қайрилиб боқди:

— Ишимиз бўлганича бўлди. Сен бир бало қилиб муддатли тўлаш шарти блан буларга сот: ўзлари яхши болалар-у, афсуски, бандитлар-да. Қани юр, анави баджаҳл ноблисингизни топайлик.

Антон отхонада пичан уюми устида ётган экан.

— Мана, Антон, мен сенга отларни сотдим.

Антон бошини кўтарди,

— Қиммат эмасми?

— Бир амаллаб тўлаб қутуларсизлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Зап иш бўпти-да,— деди Антон,— сиз ақлли одам экансиз.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— деб жилмайиб қўйди Черненко.

— Хўжалик мудирингиздан ҳам ақллироқ экансиз.

21. Шум чоллар

Ез оқшомлари колонияда ниҳоятда ажойиб ва мароқли бўлади. Типтиниқ чаман осмон, жимжит ўрмон ёқалари кўзга ғира-шира чалинади, полизларнинг атрофига экилган кунгабоқарлар иссиқ кундан сўнг бекилиб, пастга эпилиб туради, салқин кўлнинг баланд-паст қирроқлари оқшом қоронғисида дўппайиб кўринади. Эшик тагида аллакимлар секин-секин гурунглашиб ўтиради, аммо уларнинг қанчалигини ва кимлигини билиб бўлмайди.

Ҳали ёруғ бўлса-да, нарсаларни кўриб, бир-биридан ажратиб бўлмайдиган маҳал ҳам келмоқда. Бундай пайтларда колония худди бўшаб қолгандай туйилади. Болалар қаёққа тарқалиб кетди-а? деб сўрайман ўзимдан. Лекин колонияни бир айланиб чиқсангиз, ҳаммасини топасиз. Ана, отхонада, деворга осиғлиқ хомут тагида бештача бола алланималарни маслаҳатлашиб турипти, ошхонада эса худди каттакон мажлис бўлаётгандай,— ярим соатлардан кейин нон пишади, шунинг учун ошхонага, ужинга ва колонияда навбатчиликка алоқаси бўлган ҳамма болалар чиннидай қилиб супуриб-сидирилган ошхона скамейкаларида секин-секин гапиришиб ўтирадилар. Бирталай одам тасодифан қудуқ бошида учрашган: биринчиси челак кўтариб сувга келган, иккинчиси қудуқ ёнидан ўтиб кетатуриб тўхтаган, учинчиси эса эрталаб керак бўлгани учун тўхтаган: ҳозир ҳаммаларни сувни ҳам унутиб, аллақандай бир воқеани эслаб, гапиришадилар, улар эслаган нарса балки арзимасдир... аммо, ёзнинг бундай ажойиб оқшомида арзимаган нарса бўладими ўзи?

Ҳовлининг бир четида, кўл бўйига тушиладиган йўл устида қулаб ётган ва пўстлоғи аллақачон шилиниб кетган оқтол устида бир гала бола тизилиб ўтиripти, Митягин уларга ажойиб эртакларидан бирини айтиб бермоқда:

— ... Шундай қилиб десанглар, эрталаб черковга одамлар келиб қарашса, битта ҳам поп йўқ эмиш. Нима

www.ziyouz.com kutubxonasi

бало, поплар қаёққа йўқолди? деб сўрашипти. Қоровул: «Ҳамма попларимизни бугун кечаси ажиналар ботқоққа олиб қочиб кетган бўлса керак. Тўртта попимиз бор эди» депти. Одамлар: «Ҳа, тўртта эди» дейишипти. «Ҳа, тўртталасини ҳам ажиналар кечаси ботқоққа судраб кетди» дермиш қоровул...

Болалар, кўзларини чақчайтириб, индамай тинглаб ўтирадилар. Тоська ба'зан мароқланиб, чиқириб кулади: унга ажиналар эмас, балки кечаси блан ухламай, бутун воқнани кўриб туриб, ажиналар шу черков попларини олиб қочдими ё бегона попларни олиб қочдими шуни ҳам пайқайолмаган қоровул ёқади. Бир-бирига ўхшаган ҳўппасемиз поплар, ажиналарнинг ўлиб-тирилиб ишлашлари, ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг,— шунча попни елкага кўтариб ташиш осонми!— кана ўлдирганда қандай бепарво қаралса попларнинг тақдирига ҳам шундай бепарво қараш одамни кулдирмайдими, ахир!

Илгари боғ бўлган ердан, буталар орасидан Оля Воронованинг қийқириб кулгани эшитилади, унга жавобан Бурунниинг йўғон товуш блан тегажоқлик қилаётгани, унинг кетидан яна кулги эшитилади, аммо бу сафар ёлғиз Олянинг эмас, бирталай қизларнинг кулгиси эшитилади, бошидаги ғижимланган фуражкасини ушлаганча Бурун қочиб чиқади, унинг кетидан бир гала қизлар қий-чув қилиб, қувиб қолади. Сайхон ердан ўтиб кетаётган Шелапутин, буни кўриб тўхтайди-да, ё кулишини, ё қочишини билмай туради, чунки унинг ҳам қизларда қасди бор.

Одамни хаёлга ботируччи бундай сокин, лирик оқшомлар бизнинг кайфиятимизга ҳамавақт ҳам мос келавермас эди. Колониянинг омборхоналари, қишлоқ аҳолисининг ертўлалари, ҳатто тарбиячиларнинг уйлари ҳамон қўшимча фаолият майдони бўлиб, колония тузилган дастлабки йилдагидек серунум бўлмаса ҳам, ўз ролини ўйнар эди. Умуман колонияда айрим нарсалар энди камдан-кам йўқоларди. Башарти колонияда биронта қўли эгри одам пайдо бўлиб қолса, у колония мудиригина эмас, коллективнинг анча қисмининг қаршилигига дуч келишини дарҳол пайқарди, коллектив эса бундай ҳолларда ниҳоятда раҳмсиз бўларди. Езнинг бошида колонияга янги келганлардан биттаси Екатерина Григорьевнанинг уйига деразадан кирмоқчи бўлиб турганда қўлга тушиб қолди, шунда мен уни колонистлар қўлидан зўрга ажратиб олдим. Болалар уни олюмондай ғазабланиб урдилар. Мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам шу оломон ичига кириб қолган эдим, болалар мени бир четга улоқтириб ташлади, ғазаби қайнаб кетган болалардан бири:

— Антонни бу ердан йўқотинглар! — деб бақирди.

Езда комиссия Кузьма Леший деган болани колонияга юборди. Лешийнинг ё отаси, ё онаси лўли бўлса керак. Қорадан келган Лешийнинг шаҳло кўзлари ҳар ёққа жовдираб қараради, бу кўзларга табиат юклаган асосий вазифа—ножўя ётган ва қўлга илинадиган нарсани топиш эди. Леший гавдасининг бошқа ҳамма а'золари бу лўли кўзларининг амрига бўйсунар эди: оёқлари ўша ножўя ётган нарса томонга бошлаб борар, қўллари ўша нарсага ўзидан-ўзи чўзилар, бирон табиий ғовга дуч келса елкаси ўзидан-ўзи букилар, қулоқлари эса ҳар турли шитирлаш ва товуш келган томонга динг бўларди. Бу операцияларда унинг калласи қандай иш бажаришини айтиш қийин. Колониянинг кейинги тарихида Леший калласининг қадри-қиммати анча ошди, аммо дастлабки кунларда ҳамма колонистларга бу калла бутунлай кераксиз бўлиб кўринган эди.

Леший тушмагур одамни ҳам куллдирарди, ҳам йиғлатарди! Бирон нарса блан қўлга тушмаган куни бўлмас эди: ё энди шаҳардан келиб турган аравадан бир бўлак мойни илиб ўтарди, ё бўлмаса кўзни шамғалат қилиб омборхонадан шакарни қисмлаб қочарди, ёки ўртоғининг чўнтагини ағдариб, махоркасини қоқиб оларди, ё нонвойхонадан ошхонага етиб келгунча бир буханка нонниинг ярмини еб бўларди, ё бўлмаса бironта тарбиячининг уйига кирарди-да, иш юзасидан гапиришиб турив, пичоғини олиб чиқарди. Леший ўғриликни олдиндан мўлжалламас, бирон асбоб ҳам ишлатмасди, қўлларини ҳарқандай асбобдан афзал кўрар эди. Болалар унн уриб ҳам кўрдилар, Леший бундай пайтларда кулиб туриб:

— Мени уриб нима қиласизлар? Бу ишни қандай қилиб қўйганимни ўзим ҳам билмайман. Менинг ўрнимда бўлганингизда сизлар ҳам қилардингиз,— дерди.

Кузьма жуда хушчақчақ йигитча. Ун олти йиллик умри ичида кўп тажриба ортдирган, кўп ерларни кезган, кўп нарсаларни кўрган, ҳамма губерна турмаларида оз-моздан ётиб чиққан, ўзи саводли, ақли расо, тили бийрон, ниҳоятда эпчил ва чаққон, жасоратли йигит эди, «гопак»ни ҳам боплаб ўйнарди, уялишу қизаришнинг нималигини билмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай хислатлари учун колонистлар унинг кўп гуноҳларини кечирарди, шунга қарамасдан, унинг ҳадеб ўғирлик қилавериши жонимизга тегди. Ахири хунук бир иш билан қўлга тушиб, анчагача касал бўлиб ётиб қолди. Бир куни кечаси нонвойхонага тушганида нонвой уни палён билан роса урипти. Пишган нонни топширганда нон ҳамиша кам чиқарди, шу сабабли нонвойимиз Костя Ветковский Калина Ивановичдан гап эшитар эди. Оқибат бу машмаша Костя Ветховскийнинг жонига тегиб, бир куни кечаси пойлаб ётипти-да, Лешийни қўлга тушириб олипти. Эртасига эрталаб Леший Екатерина Григорьевнанинг олдига келиб, ёрдам сўрапти. Тут егани дарахтга чиқувдим, ҳамаёғим тимдаланиб кетди, депти. Екатерина Григорьевна тутдан йиқилган одамнинг ҳамаёғи қонаб кетарканми деб ўйлаптию, аммо индамапти ва Лешийнинг афти-башарасини дока билан боғлаб, ётоқхонага олиб кириб қўйипти, у қўлтиқлаб олмаганда, Лешийнинг ўзи ётоққача юриб боролмас экан. Кечаси нонвойхонада бўлиб ўтган бу воқиани Костя анча вақтгача ҳечкимга айтмай юрган, чунки бўш вақтларида Кузьманинг ёнида ўтириб, унга «Том Сойернинг бошидан кечирганлари»ни ўқиб берарди.

Леший тузалганидан кейин бутун воқиани ўзи гапириб берди ва бошига тушган бу бахтсизликдан аввало ўзи кулди.

Карабанов Лешийга:

— Менга қара, Кузьма, сенчалик омадсиз бўлганимда мен ўғирликни аллақачон ташлардим. Ахир, бундай қилаверсанг, бир кунмас бир куни уриб ўлдиришади-ку? — деди.

— Ўзим ҳам ҳайронман: нега ҳеч омадим келмайди-я? Бунинг сабаби, менинг ҳақиқий ўғри эмаслигимда бўлса керак. Яна бир-икки марта уриниб кўраман, қўлимдан келмаса — ташлайман. Нима дейсиз, Антоң Семёнович?

— Бир-икки марта дейсанми? — дедим.— Бундай бўлса, кейинга суриб ўтиришнинг нима кераги бор, шу бугуноқ қилиб кўр, барибир уддасидан чиқмайсан. Бунақа ишлар қўлингдан келмайди.

— Қўлимдан келмайдими?

— Келмайди. Аммо, яхши темирчи бўлишинг мумкин, Семён Петрович шунақа деди.

— Шунақами?

— Ҳа, шундай деди. Аммо, темирчиликдан иккита

www.ziyouz.com kutubxonasi

янги метчикни ўғирлаб чиққанингни ҳам айтди, ҳозир ҳам чўнтагингда тургандир.

Лешийнинг юзи қопқора бўлса ҳам, қипқизариб кетганлиги кўриниб турарди.

Карабанов Лешийнинг чўнтагини маҳкам ушлаб олдида хахолаб кулиб юборди, ҳечким Карабановдай қаттиқ кулмасди:

— Ҳа, мана, чўнтагида экан! Мана, дарров қўлга тушдинг!

— Бало экансизлар! — деди Леший ва чўнтагини ағдарди.

Колонияда мана шундай ҳодисалар бўлиб турарди. Аммо атроф-теваракда бўладиган ҳодисалар ёмонроқ эди. Қишлоқ аҳолисининг ертўлалари колонистларни ҳамон ўзига жалб этиб турарди, аммо бундай ишлар энди пухта ва тартибли равишда қилинарди. Ертўлаларни уришда фақат катта болалар иштирок этарди, кичик болаларни бу ишга сира қўшишмасди, агар улардан бирортаси ертўлага тушмоқчи бўлиб, қўлга тушиб қолса, раҳмсиз суратда жиноий ишда айбланарди. Катта ёшдаги болалар бу ишга шу қадар уста бўлиб кетган эдики, ҳатто қулоқлар ҳам бундай ифлос ишларни колонияга тўнкашга ботинаолмас эди. Ундан ташқари, бутун ертўла ишларига тажрибали Митягин раҳбарлик қилса керак, деб ўйлашга менда ҳамма асос бор эди.

Митягининг сўяги ўғирлик блан қоттан эди. Колонияда шунинг учун ўғирлик қилмас эдики, колония аҳлини ҳурмат қиларди, колонияда ўғирлик қилса йигитлар хафа бўлишини биларди. Аммо шаҳар бозорларида ва қишлоқ аҳолисининг уйларида Митягин ҳечнарсадан тортинмасди. Кечалари у колониядан аллақаёқларга йўқолиб кетар, эрталаб эса нонуштага зўрға уйғотишар эди. Якшанба кунлари жавоб олиб кетиб, колонияга кеч қайтарди, ба'зан бошига янги фуражка кийиб ё янги шарф тақиб келарди, ҳар сафар бирор ширинлик олиб келиб, кичик болаларнинг ҳаммасига улашиб берарди. Кичик болалар Митягинни жуда яхши кўришарди, аммо Митягин ўзининг очиқдан-очиқ ўғирлик қилишини улардан яшириб юрарди.

Митягин менга аввалгидек меҳрибон эди, аммо биз ўғирлик ҳақида гапиришмас эдик. Гапиришнинг унга фойдаси йўқлигини билардим.

Шундай бўлса ҳам, Митягиндан жуда хавотирланиб юрардим. У кўп колонистлардан ақлли ва қобилиятли

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди, шунинг учун ҳам ҳамма уни ҳурмат қиларди. Ўзининг ўғри табиатини ниҳоятда жозибали қилиб кўрсатар эди. Унинг ёнида ҳамиша катта болалардан иборат штаби бўларди, бу болалар ўзларини худди Митягиндай сипо олиб юрар, колонияга ҳам Митягин назари билан қарар, тарбиячиларни ҳам худди Митягин сингари ҳурмат қилар эдилар. Бу жўраларнинг қоронғи кечаларда нималар қилиб юришини билиш ниҳоятда қийин эди. Буни билиш учун ё шпионлик қилиш, ё бўлмаса колонистларни алдаб ва қўркитиб гапга солиб кўриш керак эди, аммо мен, бундай усулни қўлласам, зўр машаққат билан вужудга келтирилган янги муносабатни бузиб қўяман деб ўйлардим.

Башарти Митягининг бирон саргузаштини иттифоқо билиб қолсам, мажлисда очиқдан-очиқ фош қилардим, ба'зан танбеҳ берардим, кабинетимга якка ўзини чақириб олиб, роса уришардим. Одатда Митягин пинагини бузмай, индамай кулиб ўтиравererди ва охирида ёқимтойлик ва меҳрибонлик билан:

— Хайрли кеч, Антон Семёнович!— деб чиқиб кетарди.

У колония ша'нига доғ туширишни жуда ёмон кўрарди, агар бирон кимса қўлга тушиб қолса жиғи-бийрони чиқиб, ғазаби қайнаб кетарди.

— Бунақанги аҳмоқлар қайдан пайдо бўларкин, ҳайронман! Қўлидан келмагандан кейин, нега уринаркин!

Бир кунмас бир кун Митягин билан хайр-ма'зур қилишимизни олдиндан сезиб юрардим. Ожизлигимга иқрор бўлиш хам алам қиларди, яна Митягинни кўзим қиймасди. Митягиннинг ўзи ҳам колонияда қололмаслигини сезган бўлса керак, аммо унинг ҳам кетгуси йўқ эди, чунки бу ердан бирталай ошна-оғайни ортдирган, кичик-кичик болалар эса унга қандга ёпишган пашшадай ёпишарди.

Масаланинг чатоқ жойи шунда эдики, Карабанов, Вершнев, Волохов каби ўзини тутиб олган колонистлар ҳам Митягиннинг та'сирига берилабошлаган эдилар. Ёлғиз Белухингина Митягинга очиқдан-очиқ қарши турарди. Шуниси қизиққки, Митягин билан Белухин ўртасидаги душманлик ҳеч жанжалга айланмасди, улар бир-бирлари билан ҳеч муштлашмас ва ҳатто тортишмасдилар. Белухин ётоқхонада: Митягин йўқолмагунча колониядан ўғрилар аримайди, деб очиқ гапирарди. Митягин унинг гапини кулиб тинглар ва хафа ҳам бўлмасдан дерди:

— Ҳамма тўғри бўлаверсаям бўлмайди-да, Матвей.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар ўғри қолмаса, сенинг тўғрилигингдан нима фойда? Сен фақат мен туфайли кун кўриб юрибсан.

— Нима учун сен туфайли кун кўрар эканман? Нега довдирайсан?

— Шунинг учун-да, нима учун бўларди. Масалан, мен бир нарса ўғирладим, сен ўғирламадинг-да, ана, тўғри деган нон чиқардинг. Агар ҳечким ўғирлик қилмаса, ҳамма баббаравар бўлиб кетарди. Менимча, Антон Семёнович колонияга атайлаб менга ўхшаганларни олиб келиб туриши керак. Бўлмаса, сенга ўхшаганларнинг иши юришмай қолади.

— Нега ҳадеб ёлғон гапирасан!— дерди Белухин.— Битта ҳам ўғри топилмайдиган мамлакатлар бор-ку! Масалан, Дания, Швеция, Швейцария. Мен ўқиганман, у ерларда битта ҳам ўғри бўлмас экан.

— Б-бе-е, б-б-бўлмаган гап,— деб гапга аралашди Вершнев.— У е-е-ерларда ҳ-ҳ-ам ўғрилик бўлади. Ўғри б-бўлмаса яхш-ш-ши б-б-бўларканми? Улар... Д-дания блан Швейцар-р-риянг, м-м-майда мамлакат.

— Бизчи?

— Б-б-биз б-б-бошқа г-гап, б-б-биз к-к-кўрсатиб қ-қўямиз, б-бизда м-мана р-революция б-бўлди!..

— Сенга ўхшаганлар революциянинг биринчи душмани, билсанг агар!..

Бундай гапларга ҳаммадан Карабановнинг жаҳли чиқиб, кроватьдан ирғиб туриб кетарди-да, муштини баланд кўтариб, қопқора кўзларини Белухиннинг кулиб турган очиқ юзига ўқрайтириб:

— Мунча қутурасан? Митягин блан иккимиз битта булка нонни ортиқ есак революцияга зарар бўларканми? Ҳаммангиз булка блан ўлчашга ўрганаксизлар-да!— деярди.

— Сен нега ҳадеб булкани пеш қилаверасан? Гап булкада эмас, гап сенинг чўчқадай ер кавлаб юришингда.

Ёз правардида Митягин ва унинг шериклари қўшни полизларда ўғирликни авж олдириб юборди. У вақтларда биз томонларда жуда кўп қовун-тарвуз экиларди, ўзига тўқ ба'зи деҳқонлар бирнеча десятиналаб ерга қовун-тарвуз экишарди.

Тарвуз ўғирлиги айрим полизларни босишдан бошланди. Полизда ўғирлик қилиш Украинада ҳечвақт жиноий иш қаторига кирмас эди. Шунинг учун қишлоқ йигитлари, қўшни полизларига кириб, унча-мунча ўғирлик қилишдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортинмасди. Полиз эгалари бундай тажовузларга парво қилмас эдилар: бир десятина полизда йигирма мингга тарвуз битарди, ёз бўйи юз-икки юз тарвуз кетса унча зиён бўлмас эди. Шундай бўлса ҳам, полиз ўртасига чайла қурилар, чайлага биронта чол кўчиб чиқарди; у чол полизни қўриқлашдан кўра, полизга ҳалигилардан қанча меҳмон келиб кетганини ҳисоблаб ўтирарди.

Ба'зан шундай чоллардан бири менинг олдимга келиб арз қиларди:

— Кеча сизларнинг одамларингиз полизга тушди. Айтиб қўйинг, яхши эмас. Ундан кўра, тўғри чайламга боришсаю, ўзим меҳмон қиламан. Ўзимга айтсин, тарвузнинг сарасини танлаб, узиб бераман.

Чолнинг илтимосини болаларга айтардим. Болалар ўша куниёқ унинг илтимосини қондирардилар; аммо бобонинг бу илтимосига кичкинагина тузатиш киритардилар: чайлада бобонинг ўзи танлаб узган энг яхши тарвузлар ейилаётганда ва бултур ёки япон блан уруш бўлган йили тарвузнинг ҳосили қандай бўлганлиги тўғрисида дўстона суҳбат қизиб кетган бир маҳалда, суҳбатни ҳам йигиштириб қўйиб, бутун полизга ёпирилган меҳмонлар, этакларига, ёстиқ жилдларига ва қопларга тарвуз тўлдирардилар. Дастлабки куни Вершнев, бобонинг илтифотидан фойдаланиб, Белухинга, юр меҳмондорчиликка борамиз, деди. Ҳаммадан олдин Белухиннинг боришига бошқа колонистлар э'тироз билдиришмади. Матвей полиздан оғзи қулоғига етиб қайтди:

— Худо ҳақи, чакки бўлмади: уёқ-буёқдан гапиришиб ўтирдик, чолнинг баҳрини ҳам очдик.

Вершнев скамейкада илжайиб ўтирарди. Эшикдан Карабанов кириб келди.

— Хўш, Матвей, меҳмон бўлиб қайтдингми?

— Ҳа, бўлмасачи! Уришсиз-жанжалсиз қўшнилардек муроса қилса бўларкан-ку, Семён!

— Сен гапирсанг бўлади, сен роса тарвузга тўйиб келдинг, бизчи?

— Тентак экансан! Сен ҳам боравер!

— Ана холос! Уят эмасми, ахир? Чол меҳмонга чақирди деб ҳамма ёпирилиб бораверсинми? Беодоблик бўлади. Оз эмас, олтмиш кишимиз-а!

Эртаси куни Вершнев чолникига яна Белухин меҳмон бўлиб борсин деб таклиф қилди. Белухин олижаноблик қилиб воз кечди: бошқалар борсин деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шу топда бошқаларни қидириб ўтирайми? Юр, бориб келамиз! Тарвуз ейишинг шарт эмас. Бирпас гаплашиб ўтирасан.

Белухин, Вершневнинг гапи тўғри деб ўйлади. Ҳатто, колонистларнинг чайлага фақат тарвуз ейиш учун келмаслигини бобога кўрсатсак ёмон бўлмас, деб ўйлади.

Броқ бу сафар меҳмонларни чол жуда совуқ кутиб олади, Белухин кўнглидаги гапни уқдиролмайди. Ҳаттоки, чол қўлидаги милтиғини кўрсатиб:

— Кеча сизлар мен блан гапиришиб ўтирганингизда тирмизакларинг полиздаги тарвузларининг ярмини уриб кетипти. Шу иш яхшими? Сизлар блан бошқача муомала қилиш керак экан. Яна кўриб қолсам, отаман,— дейди.

Белухин колонияга изза бўлиб қайтди-да, ётоқхонага кириб бақиракетди. Болалар қотиб-қотиб кулишди, Милягин деди:

— Нима, чолга адвокат бўлдингми? Ўзинг куни-кеча энг яхши тарвузни жиғилдонингга урдинг, тағин нима дейсан? Биз бўлсак бирорта тарвуз кўрганимиз йўқ. Чолнинг иоботи борми, қани иоботи?

Чол менинг олдимга келмай қўйди. Аммо, чинакам тарвузхўрлик бошланиб кетганни кўп нарсалардан сезилиб турарди.

Бир куни эрталаб ётоқхонага кирсам, полнинг ҳамма ерини тарвуз пўчоқлари босиб ётипти. Навбатчини роса койидим, яна аллакимни жазоладим, минба'д бундай иш бўлмаслигини қат'ий талаб қилдим. Шундан кейин ётоқхона илгаритидай тоза бўлиб қолди.

У ер-буердан эшитилган ажойиб гурунглар, вақтичоғлик ва бирдан аллақаердан қўнғироқдай эшитилган кулгилар блан тўлган сокин ва оромбахш ёз оқшомлари бора-бора тантанали ва жимжит тунга айланади.

Бутун колония уйқуда; колония тепасида қарағай ва чебрец ҳиди анқиб туради, қушлар шитирлайди, аллақаерлардан — олис жойлардан итнинг акиллаши эшитилади. Эшикка чиқаман. Муйишда навбатчи колонист чиқиб, соат неча бўлди деб сўрайди. Тун салқинида мазза қилиб юрган олачипор кучук Букет, навбатчининг оёқлари тагида ўралашиб, чапиллатиб бир нарса ейди. Хотиржам кириб ётсам бўлади.

Аммо, бу сукунат гоят чалкаш ва бесаранжом ҳодисаларни яшириб турарди.

Бир куни Иван Иванович мендан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Отлар кечаси блан ҳовлига қўйиб юборилсин деб сиз буюрдингизми?— деб сўради.— Ўғри уриб кетмайдими?

Братченконинг жаҳли чиқиб кетди:

— Нима, отлар тоза ҳаводан баҳраманд бўлмасинми?

Яна бир кундан кейин Калина Иванович:

— Нимага отлар нуқул ётоқхонага қарайдиган бўлиб қолди, а? — деб сўради.

— Қарайдиган бўлиб қолди деганингиз нимаси?

— Ўзинг бир текшириб кўр-чи, ҳар куни эрталаб отлар дераза тагида нега тураркин, у ерда нима қиларкин?

Текшириб кўрдим: дарҳақиқат, ҳамма отларимиз, халқ маорифининг хўжалик бўлими керак бўлмагани ва қарилиги учун бизга ин'ом қилган Гаврюшка деган хўкиз ҳам, худди бирон яхшилик бўлишини кутгандай, дераза тагидаги сирен гул ва черёмуха буталари орасида соатлаб қимир этмай турарди.

Ётоқхонага кириб:

— Нега отлар деразаларингизга мўралайди? — деб сўрадим.

Опришко ётган еридан турди-да, деразадан ташқари қараб, пиқирлаб кулди ва аллакимга:

— Серёжа, чиқ, анови тентаклардан дераза тагида нима қилиб турибсизлар, деб сўраб кел! — деб қичқирди.

Кўрпа тагларидан пиқир-пиқир кулги эшитилди. Митятин ётган жойида керишиб, йўғон овоз блан:

— Аслида, бунақангги ҳарнарсага қизиқувчи ҳайвонларни колонияга олиб келиш керак эмас эди, мана энди ўзингизга ташвиш ортдирдингиз,— деди.

Мен Антонга ёпишдим:

— Бу нима майнавозчилик? Нега ҳар куни эрталаб отлар бу ерда қаққайиб туради? Бирон нарса берсангиз керакда?

Белухин Антонни итариб:

— Хотиржам бўлинг, Антон Семёнович, отларга ҳеч зарар етмайди. Антон отларни атайлаб етаклаб келади, негаки, бу ердан уларга бирон мазали нарса тегса керак.

— Оббо, гапни очасан қўясан-да!— деди Карабанов.

— Ҳамма гапни айтиб қўяқолайлик. Ўзингиз, тарвуз пўчоғи полга ташланмасин дедингиз, биронтамизнинг тарвуз кўтариб келишимиз бор...

— Қаёқдан «кўтариб келишингиз» бор?

— Қаёқдан бўларди? Гоҳ бобо беради, гоҳ қишлоқ болалари олиб келади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бобо берарканми? — деб сўрадим та'на блан.

— Бобо бермаса, бошқа йўл блан келиб қолади. Тарвузни егандан кейин, пўчоғини қаерга ташлаймиз? Қаерга ташлашимизни билмай турган эдик, Антон отларни ҳовлига олиб чиқиб қолди. Болалар отларни яхшилаб меҳмон қилишди.

Мен ётоқхонадан чиқиб кетдим.

Обеддан кейин Митягин каттакон тарвуз кўтариб кабинетимга кирди:

— Мана буни бир еб кўринг, Антон Семёнович.

— Қаердан олдинг? Йўқол ҳозир тарвузинг блан!.. Сизларнинг бир одобингизни бермасамми!

— Бу ҳалол тарвуз, атайлаб сизга олиб келдик. Тарвузнинг пули бобога тўланган. Аммо, рост айтасиз, бизнинг одобимизни бериб қўйиш керак, бунга биз хафа бўлмаймиз.

— Гапинг ҳам, тарвузинг ҳам керак эмас, йўқол!

Ўн минутлардан кейин бутунбошли бир делегация яна ўша тарвузни кўтариб келди. Делегация номидан Белухиннинг гапирабошлаганини кўриб, ҳайрон бўлдим. У, кула-кула, деди:

— Бу маҳлуқларнинг ҳар кечада қанчадан тарвуз ейишини билсангиз эди, Антон Семёнович! Яширишнинг нима кераги бор... Битта Волоховнинг ўзида... У-ку майли-я, лекин қандай қилиб тарвуз топиб келишларини ўз виждонларига ҳавола қилайлик, аммо бу аблаҳлар менга ҳам беришади, ёш қалбимнинг ожиз жойини, я'ни тарвузни жуда яхши кўришимни бу ла'натилар билиб олишипти. Ҳатто қизларга ҳам тегиб туради, Тоськага ҳам беришади: тўғрисини айтиш керак, буларнинг қалбида олижаноблик туйғуси бор, йўқ деб бўлмайди. Аммо, тарвузнинг роҳатини кўрмай, ташвишини тортишингизни ҳам биламиз. Шунинг учун, йўқ демасдан, арзимаган совғамизни олақолинг. Мен ҳалол одамман, Вершневга ўхшаганлардан эмасман, гапимга ишонаверинг, тарвуз пулини бобога тўлаганмиз, балки иқтисодий сиёсат илми айтганидек, сарф қилинган меҳнатдан ҳам кўпроқ тўлаганимиз.

Белухин гапини шу сўзлар блан тугатиб, бирдан сипо бўлиб олди-да, тарвузни столимга қўйиб, ўзи бир четга турди.

Сочлари тўзиган, одатда ҳамаёқни тимдаланиб юрадиган Вершнев Митягининг орқасидан қараб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Иқтисодий с-с-сиёсат эмас, с-с-сиёсий иқтисод.— деди.

— Барибир,— деди Белухин.

— Чолга нима тўладинглар? — деб сўрадим.

Қарабанов бармоқларини букиб санайбошлади:

— Вершнев кружкасининг бандини қалайлаб берди, Гуд чориғини тузатиб берди, мен ярим кечагача унинг ўрнига полизда қоровуллик қилдим.

— Бундан чиқди, ярим кечагача битта тарвузларинг мингта бўлиб кеттандир!

— Рост, рост,— деди Белухин.— Буни виждонан тасдиқлашим мумкин. Бобо блан энди аҳил бўлиб олдик. Аммо ўрмонга яқинроқ жойдаги полизда ўтирган чол жуда шум экан, ҳадеб милтиқ отаверади.

— Сен ҳам полизга қатнайдиган бўлиб қолдингми, дейман?

— Йўқ, мен бормайману, аммо ба'зан сайр қилиб чиқиб қолганимда милтиқ товушини эшитиб қоламан...

Яхши тарвуз келтирганлари учун болаларга ташаккур билдирдим.

Бирнеча кундан кейин шум чолни ҳам кўрдим. Чол жиғибийрони чиқиб олдимга келди.

— Бу нима қилганларинг, а? Кечалари блан тарвуз ўғирлаб чиққанларинг каммиди? Энди куппа-кундузи ҳам тинчлик бўлмай қолди, обед маҳалларида гала-гала бўлиб келадиган бўлишди, дод дейман ахир! Биринг кетидан қувсанг, бошқалари бутун полизни босиб кетади.

Полизни энди ўзим бориб қўриқлайман ё бўлмаса колюния ҳисобига полизга қоровул қўйдираман деб болаларни қўрқитдим.

— Чолнинг гапига ишонаверар экансиз-да! Гап тарвузда эмас, ахир! Биз унинг полизи ёнидан ҳам ўтолмай қолдик! — деди Митягин.

— Полиз ёнидан ўтиб нима қиласизлар? У ердан қаёққа борасизлар?

— Қаёққа боришимиз блан унинг нима иши бор? Нега милтиқ отади?

Яна бир кундан кейин Белухин мени огоҳлантириб қўйди:

— Бу чол яхшиликча қутулолмайди. Болаларни жуда қаттиқ хафа қипти. Чол чайлада бир ўзи ўтиришдан қўрқиб, ёнига яна икки киши олипти, ҳаммасининг қўлида милтиқ. Болалар бунга чидаб турармиди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Худди шу куни кечаси колонистлар бирин-кетин тизилиб, полизга киришипти. Мен ўргатган ҳарбий машқлар қўл келипти. Ярим кечага борганда колонистларнинг ярми полиз ўртасидаги ажриққа келиб ётиб, олдинга разведка юборишипти. Чоллар тревога кўтариши билан, болалар «ура!» деб бақириб, ҳужумга ўтишипти. Чоллар саросимага тушиб, милтиқларини ҳам чайлага ташлаб, қочиб ўрмон ичига кириб кетишипти. Болаларнинг бир қисми ғалабадан фойдаланиб, тарвузларни пастга думалатаверипти, қолганлари эса чолларни жазоламоқчи бўлиб, каттакон чайлага ўт қўйиб юборишипти.

Қоровуллардан бири колонияга ҳовлиқиб келиб, мени уйғотди. Дарҳол жанг майдонига югурдик.

Тепаликка қурилган чайла катта гулхан бўлиб ловуллаб ёнмоқда эди, унинг алангасини кўрган одам худди бутун бир қишлоқни ўт олди деб ўйларди. Полиз тепасига етиб боришимизда бирнеча ўқ узилди. Жўяклар орасида бир текисда тизилиб ётган тўда-тўда колонистларга кўзим тушди. Отделеннелар ўринларидан туриб, ёниб турган чайла ёнига чопиб борардилар. Ўнг томондан, аллақаердан командирлик қилучи Митягиннинг товуши келарди:

— Тўғридан борма, ёнидан ўт!

— Милтиқни ким отди? — деб сўрадим чолдан.

— Ким билади дейсиз? Ҳеч зот кўринмайди-ку? Е биттаси милтиғини унутган, ё бўлмаса милтиқнинг ўзи отилиб кетгандир.

Ҳамма иш саранжом бўлган экан. Болалар мени кўришлари билан бирпасда кўздан ғойиб бўлдилар. Чол нолиб-нолиб, уйига кетди. Мен колонияга қайтдим. Етоқхоналар сув сепгандек жимжит эди. Болаларнинг ҳаммаси ухлаб ётарди, ухлаганда ҳам барала хуррак тортишардики, бунақанги хурракни умримда эшитмаган эдим.

— Ахмоқликни бас қилинглар, туринглар! — дедим секин.

Хуррак дарров тўхтади, лекин ҳамма ўзини уйқуга солиб ётаверди.

— Туринглар, сизларга айтаялман!

Естиқлардан сочлари тўзиган каллалар кўтарилди. Митягин менга худди танимаган одамдай қараб:

— Ҳа, нима гап ўзи? — деди.

Аммо Карабанов ўзини тутиб туролмади:

— Қўйсангчи жиннилигингни, Митяга!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамма мени ўртага олиб, тунги зафар тафсилотларини энтика-энтика гапирабошлади. Таранец устидан қайноқ сув қуйиб юборгандай, сапчиб турди:

— Милтиқлар чайлада қолипти-ку!

— Ениб бўлгандир...

— Ёғочи ёнади-да, қолгани ишга ярар,— деди-да, ётоқхонадан ўқдай учиб чиқиб кетди.

— Балки бу ишлар сизларга ёққандир-у, аммо буни ҳақиқий босқинчилик дейдилар. Мен ортиқ чидаб туролмайман. Агар бундан буён ҳам шундай қиладиган бўлсангиз, бир-биримиз блан хайр-ма'зур қилишга тўғри келади. Ўзларинг ўйлаб кўринглар: колонияга ҳам, атроф-теваракдаги аҳолига ҳам на кечаси, на кундузи тинчлик бор!

Карабанов қўлимдан ушлаб:

— Товба қилдик. Бас қилиш кераклигини ўзимиз ҳам билиб турибмиз. Тўғримми, болалар? — деди.

Болалар гуриллашиб, унинг гапини ма'қулладилар.

— Бунинг ҳаммаси қуруқ гап,— дедим.— Огоҳлантириб қўяйки, босқинчилик ишларингизни бундан буён ҳам давом этдирсангиз, ба'зибирларингизни колониядан ҳайдашга тўғри келади. Шуни билиб қўйинглар, яна қайта гапириб ўтирмайман.

Поймол қилинган полизга эртаси арава келиб, қолган тарвузларни йиғиштириб кетди.

Ениб кетган милтиқларнинг стволлари ва кичик бўлаклари столим устида ётарди.

22. Ампутация

Болалар ўз сўзида турмади. Карабанов ҳам, Митягин ҳам, тўданинг бошқа иштирокчилари ҳам полизларни, қишлоқ аҳолисининг ертўла ва ҳужраларини уришдан тўхтамади. Правардида янги ва ниҳоятда мураккаб бир ҳунар кўрсатишдики, уларнинг бу иши бирталай ма'қул ва нома'қул натижалар блан тугади.

Бир куни кечаси Лука Семёновичнинг асаларилари турган жойга кириб, икки асалари қутисини асали ва арилари блан бирга кўтариб келишипти. Қутиларни кечаси колонияга олиб келиб, этикчилик ишхонасига беркитиб қўйишипти; у вақтларда ишхона бекор турарди. Ишлари ўнгидан келганидан, знёфат қуришипти, знёфатда кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

колонистлар иштирок этипти. Эртасига эрталаб зиёфатда кимлар бўлганини аниқ айтиш мумкин эди, чунки юзлари қип-қизариб, шишиб кетган эди. Леший ҳатто Екатерина Григорьевнанинг олдига келиб, ёрдам сўрашга мажбур бўпти.

Митягинни кабинетга чақиртирган эдим, у дарҳол бутун айбни бўйнига олди, шерикларининг исмини айтишдан бош тортди ва ҳатто таажжубланиб:

— Бунинг ҳечқандай айбситадиган жойи йўқ! Асалари қутиларини ўзимизга эмас, колонияга олиб келдик. Агар сиз, колонияга асаларичилик керакмас десангиз, яна обориб қўйишимиз мумкин.

— Нимани обориб қўясан? Асални единглар, арилар тарқалиб кетди.

— Ихтиёрингиз. Мен яхши бўларм-икин деб қилувдим.

— Йўқ, Митягин, бизни тинч қўйганинг ма'қул... Сен катта киши бўлиб қолдинг, менинг гапимга кирмайсан, ке, хайр-ма'зур қилиб қўяқолайлик.

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб юрувдим.

Митягинни мумкин қадар тезроқ жўнатиш керак эди. Буни олдинроқ қилмаганимга пушаймон еб юрардим, коллективимизнинг чиришбошлаганини кўрмай қолганлигим ўзимга ҳам аён эди. Балки полиз босиш ёки асалари уясини ўғирлашда айтарлик катта айб йўқдир, аммо бу ишларнинг доимо колонистлар кўз олдида бўлиб туриши, кечалари ҳам, кундузлари ҳам колонистларни қизиқтириши бизнинг тутган йўлимизни тўсиб қўяр, бинобарин, бутун ишимизга халал берар эди. Хуллас, шундай бир ҳолат туғилдики, синчиклаб қараган одам колонистлар ўртасида колонияга нисбатан шилқимлик, унинг қилаётган ишига қандайдир ҳақорат назари блан қараш ва масхаралаш аломатларини аниқ кўрабилар эди. Ҳатто Белухин блан Задоровлар ҳечқандай жиноий ишда қатнашмасалар ҳам, ўзларидаги яхши фазилатларни йўқотиб бораётганларини сезабошладим. Бизнинг режаларимиз, ниятларимиз, қизиқ-қизиқ китоблар, сиёсий масалалар юзасидан бўлиб турадиган баҳслар четда қолиб, колонистларнинг диққатини олди-қочди саргузаштлар ва улар тўғрисидаги битмас-туганмас гаплар ўзига тортабошлади. Бу нарса колонистларнинг ҳам, бутун колониянинг ҳам ташқи қиёфасига та'сир этабошлади: бема'ни қилиқлар, сийқаси чиқиб кетган шалоқ аскиябозликлар пайдо бўлабошлади, колонистлар кийимларини елкага бепарво ташлаб юра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган, бурчак-бурчакда ахлатлар олиб ташланмай, бекитиб қўйиладиган бўлиб қолди.

Митягинга ижозат қоғози ва беш сўм пул бердим. У Одессага кетаман деган эди, яхши бор, дедим.

— Болалар блан хайрлашсам майлими?

— Марҳамат.

Болалар блан қандай хайрлашганини билмайман. Кечқурун йўлга тушди, уни деярлик бутун колония кузатиб қолди.

Кечқурун ҳаммангинг руҳи тушиб, ма'юсланиб юрди, кичик болаларни ҳам ғам босди, уларни ҳаракатга келтириб турган моторлари ҳам сўнган эди. Карабанов, кладовка ёнида ётган яшикка ўтирганича ярим кечагача ўрнидан турмади.

Кабинетимга Леший кириб:

— Митяганинг кетгани чакки бўлди-да,— деди.

Леший хийлагача мендан гап кутди, аммо индамадим Туриб-туриб, чиқиб кетди.

Мен анчагача ишлаб ўтирдим. Соат иккиларда кабинетдан чиқиб кетатуриб, отхона чердагида чироқ кўриб қолдим. Антонни уйғотиб:

— Чердакда ким бор? — деб сўрадим.

Антоннинг энсаси қотиб, кифтини қоқди-да, истар-истамас:

— Митягин ўтирипти,— деб жавоб берди.

— У ерда нима қилиб ўтирипти?

— Мен қатдан биламан?

Чердакка чиқдим. Отхона фониси теварагида Карабанов, Волохов, Леший, Приходько, Осадчийлар ўтирарди. Улар индамай менга қарашди. Митягин чердак бурчагида бирнима қиларди, қоронғида уни зўрға танидим.

— Ҳаммаларинг кабинетимга киринглар.

Кабинет эшигини очарканман, Карабанов:

— Ҳаммамизнинг киришимиз шарт эмас. Мен блан Митягин кирсак бўлади,— деди.

Мен э'тироз билдирмадим.

Кирдик. Карабанов диванга талтайиб ўтирди. Митягин эшик олдида, бурчакда қолди.

— Нега колонияга қайтиб келдинг?

— Ишим бор эди.

— Қанақа ишинг бор эди?

— Бир ишимиз бор эди-да.

Карабанов ўтдай ёниб турган кўзларини менга тикиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтирарди. Бирдан лип этиб сакраб турди, столим тепасига келиб энгашди-да, чақнаб турган кўзларини кўзойнагим олдига келтириб:

— Биласизми, Антон Семёнович? Мен сизга айтайми? Мен ҳам Митяга блан бирга кетаман.

— Чердакда нима қилиб ўтирувдиларинг?

— Ростини айтганда, арзимаган нарса, аммо колонияга тўғри келмайдиган иш. Аммо мен Митяга блан бирга кетаман. Биз сизга ёқмас эканмиз, майли, бахтимизни бошқа ердан излаб кўрамиз. Балки, биздан яхшироқ колонистларни топиб оларсиз.

У ҳамиша ўзини тарозига солиб юрадиган бола эди, ҳозир ҳам ўзини хафа бўлгандай тутди, балки у, тошюраклигидан уялиб, Митягинни колонияда қолдирар, деб ўйлаган бўлса керак.

Карабановнинг кўзига тикилиб қарадим-да, яна:

— Қандай иш бошламоқчисизлар?— деб сўрадим.

Карабанов индамади, Митягинга: нима дейй? дегандай қараб қўйди.

Стол ёнидан чиқдим-да, Карабановга қараб туриб:

— Ёнингда тўппончанг борми?— деб сўрадим.

— Йўқ,— деб қаттиқ жавоб берди у.

— Кўрсат чўнтакларингни.

— Наҳот тинтиб кўрсангиз, Антон Семёнович?

— Кўрсат чўнтакларингни дейман.

— Мана, кўринг!— деб қичқириб юборди Карабанов жазаваси тутиб ва шим ҳамда тужурка чўнтакларини ағдариб кўрсатди, чўнтакларидан ерга махорка ва нон ушоқлари тўкилди.

Митягиннинг ёнига бордим.

— Кўрсат чўнтакларингни.

Митягин ўнгайсизланиб қўлини чўнтагига солди, ҳам'ён, бир шода калит ва очқич чиқарди-да, хижолат тортиб кулди ва:

— Бори шу,— деди.

Қўлимни шимининг камари тагига суқдим-да, ўртача браунинг тўппонча топдим. Обоймасида учта ўқи бор эди.

— Кимники?

— Менинг тўппончам,— деди Карабанов.

— Нега тўппончам йўқ деб ёлғон гапирдинг? Эҳ, сизлар... Хўп, бўпти! Колониядан ҳозир жўна, бу ерда ному нишонингиз ҳам кўринмасин! Тушундингизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Стол ёнига ўтириб, Карабановга гувоҳнома ёзиб бердим. Қоғозни индамасдан олди, қўлига беш сўм узатган эдим, пулга нафрат блан қараб:

— Пулсиз ҳам кунимиз ўтади. Хайр!— деди.

Титроқ қўлини менга узатди-да, қўлимни шундай қаттиқ сиқиб хайрлашдики, қўлим зирқираб кетди, бир нарса демоқчи бўлдию, броқ айтмай, эшикдан отилиб чиқиб, тун қоронғисида кўздан ғойиб бўлди. Митягин қўлини узатмади, мен блан хайрлашмади. Чопонининг этакларини ёпди-да, ўгрилардай секин қадам ташлаб, Карабанов кетидан чиқиб кетди.

Мен эшикка чиқдим. Эшик ёнида бирталай болалар тўпланишиб турарди. Леший кетганлар орқасидан югурди, броқ ўрмон ёқасига борио қайтди. Антон зинанинг юқори пиллапоясида бирнималарни миғирлаб, ашула айтиб турарди. Жимликни Белухин бузиб:

— Хў-ўш. Нима бўлди энди, менимча, жуда тўғри қилинди,— деди.

— Тўғриликка тўғридир-ку,— деди Вершнев,— аммо, ҳ-ҳ-ҳар ҳолд-д-да, одам ачинади-да.

— Кимга ачинасан?— деб сўрадим.

— С-с-семён б-б-блан Митяга. С-с-сиз ачинмайсизми?

— Мен сенга ачинаман, Колька.

Мен ўз уйимга қараб кетдим, кетимдан Белухин Вершневга гап уқдириб қолди:

— Аҳмоқсан, ҳечнарсага ақлинг етмайди, минг китоб ўқисанг ҳам фойдаси йўқ сенга.

Кетганлар ҳақида икки кунгача хабар бўлмади. Карабановдан хотиржам эдим: отаси Сторожевода турар эди. Бир-икки ҳафта шаҳарда дайдиб юради-да, отасиникига боради. Аммо, Митягиннинг тақдиридан сра шубҳам йўқ эди, яна бир йилча сандиралаб юради, бирнеча марта турмага тушиб чиқади, бирон ёмон иш блан қўлга тушади-да, уни бошқа шаҳарга жўнатишади, беш-олти йилдан кейин уни ё шериклари бўғизлаб кетади, ё суд ҳукми блан отилади. Унга бундан бошқа йўл йўқлиги аниқ эди. Балки Карабановни ҳам йўлдан урса ажаб эмас. Бундан олдин ҳам йўлдан уришган, қўлига қурол олиб, ўгрилик қилиб юрган эди.

Икки кундан кейин колонияда миш-миш гап тарқади:

— Семён блан Митягин катта йўлда таланчилик қилиб юрганмиш. Кеча решетиловкали қассобларнинг йўлини тўсишипти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кимдан эшитдинг?

— Осиповларникига сутчи хотин келган эди, ўша гапириб берди.

Колонистлар бурчак-бурчакда шивир-шивир қилиб турар ва ёнларига биров бориб қолса дарров жим бўларди. Катта болалар хўмрайиб қарар, ҳечким блан гапиришмас, китобларни ҳам йиғиштириб қўйиб кечқурунлари икки — уч киши бўлиб олиб, истар-истамас гап ташлаб қўярдилар.

Кетиб қолганлар ҳақида тарбиячилар мен блан гапиришмас эди! Фақат бир куни Лидочка менга:

— Болаларга ачинмайсизми?— деб қолди.

— Келинг, Лидочка, сиз блан шу масалада келишиб олайлик,— дедим.— Менсиз ёлғиз ўзингизнинг раҳмингиз келиб юраверсин, хўпми?

— Раҳмингиз келмаса келмасин!— деди Лидия Петровна, мендан хафа бўлиб.

Беш кунлардан кейин мен кабриолетда шаҳардан қайтиб келаётган эдим. Ёз мўл-кўллигидан анча семириб қолган Саман колонияга илдам йўрғалаб келарди. Енимда Антон бошини эгиб, бирнималарни ўйлаб ўтирарди. Биз кимсасиз ва ҳамиша ҳувиллаб ётган йўлимизга ўрганиб қолган эдик. Шунинг учун бирон қизиқ ҳодиса рўй берар, деб ўйламас эдик.

Бирдан Антон:

— Қаранг, анавилар бизнинг йигитлар эмасми? Ийя! Семён блан Митягин-ку!— деб қолди.

Биздан анча олдинда, кимсасиз тош йўлда икки кишининг қораси кўринди.

Уларнинг Митягин блан Семён эканлигини фақат ўткир кўзли Антонгина аниқ билган эди. Саман бизни улар томон тез олиб борарди. Антон ташвишга тушиб қолди, менинг тўппончамга қаради.

— Эҳтиётдан тўппончангизни чўнтагингизга солиб қўйинг, яқинроқ турсин.

— Бўлмаган гапларни гапирма.

— Ихтиёрингиз.

Антон жиловни тортди.

— Жуда соз бўлди-да, ўзингиз учраб қолдингиз,— деди Семён.— У сафар тузукроқ хайрлашаолмовдик.

Митягин ўз одатича ёқимтойгина жилмайиб турарди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

— Сиз блан кўришмоқчи эдик. Колонияда ному ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шонингиз кўринмасин деган эдингиз, шунинг учун у ерга боролмадик.

— Нега Одессага кетмадинг?— деб сўрадим, Митягиндан.

— Ҳозирча шу ер ҳам ёмон эмас, Одессага қишда кетарман.

— Ишга кирмайсанми?

— Кўрайликчи, буёғи қандай бўларкин,— деди Митягин.—Биз сиздан хафа эмасмиз, Антон Семёнович, мендан хафа бўлишипти деб ўйламанг. Ҳаркимнинг йўли ўзига.

Семён жуда хурсанд бўлиб, кулиб турарди.

— Митягин блан бирга бўласанми?

— Ҳозирча нюма'лум. Юр отамникига десам, ноз қилиб турипти.

— Отаси зиқна одам, уникида нима қиламан!

Улар мени колонияга бурилиб кетадиган жойгача кузатиб боришди.

— Биздан ўтган бўлса—кечиринг,—деди Семён, хайрлашиб.— Келинг, бир ўпишиб олайлик!

Митягин кулди:

— Жуда нозиксан-да, Семён, ҳеч одам бўлмайсан!

— Сен мендан яхшимисан?— деб сўради Семён.

Икковининг хахолаб кулиши бутун ўрмонни янгратди; шапкаларини силкитиб, ҳарким ўз йўлига кетди.

23. Асл одамлар

Куз праварлида колонияда ёмон бир давр бошланди, колония бундай даврни илгари бошдан кечирмаган эди. Карабанов блан Митягиннинг ҳайдалиши ниҳоятда оғир та'сир қолдирди. Шу маҳалгача колонияда катта обрў қозониб келган «энг қўпол болалар»нинг ҳайдалиши колонистларни гангитиб қўйди.

Карабанов ҳам, Митягин ҳам жуда меҳнаткаш болалар эди. Иш деганда Карабанов бутун вужуди блан, зўр ғайрат блан берилиб ишларди, меҳнатдан завқланарди ва бошқаларни ҳам завқлантираолар эди. Қўли теккан иш юришиб, авж олиб кетаверарди. Ишёқмас ва сусткашларга ҳар замон-ҳар замонда бир бўкириб қўйса бўлгани эди, энг ашаддий дангаса ҳам уялганидан қизариб, бўзариб кетарди. Иш маҳалида Митягин Карабановга жуда мос тушарди. Унинг ҳаракатлари ҳақиқатан ҳам худди

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғри ҳаракатлари сингари майин ва эҳтиёткорона эди, аммо ҳар ишни ўйнаб-кулиб қилар, иш ҳам пухта бўлиб чиқарди. Улар Колония ҳаётига актив қатнашар, колонияда бўлиб турадиган ҳарқандай ҳодисаларга дарров бош қўшар эдилар.

Улар кетгандан кейин бирдан колония ғалати бўлиб қолди. Вершнев илгаригидан баттар китобга берилиб кетди, Белухиннинг ҳазиллари қўпол, дағал ва заҳар бўлабошлади, Волохов, Приходько, Осадчийга ўхшаганлар ҳаддан ортиқ сипо ва мулойим бўлиб қолди, кичик болалар зерикиб, ётсирайбошладилар, бутун колония аҳли катта кишилар колониясидек жиддий тус олди. Кечқурунлари хушчақчақ болаларни тўплаш ҳам қийин эди: ҳарким ўз ишини баҳона қиладиган бўлиб қолди. Фақат Задоровнинг ғайрати сўнмас, юзидан ҳали ҳам очиқ табассуми аримасди, аммо унинг хушчақчақлигига ҳечким қўшилмас эди. Шунинг учун ёлғиз ўзи кулиб, китоб ўқир ёки кўкламда ясашга киришган буғ машина модели блан машғул эди.

Деҳқончиликдаги муваффақиятсизликларимиз ҳам руҳимизни янада туширибюборарди. Калина Иванович расво агроном эди, олмошлаб экиш нимаю, уруғни қанақа сепадию—мутлақо хабари йўқ эди, бунинг устига, қишлоқ аҳолисидан теккан ерлар ҳам ниҳоятда ориқ ва шумғия босиб кетганди. Колонистлар ёз ва куз обдан ишласалар ҳам, ҳосилнинг бутунлай мазаси бўлмади. Кузги буғдойда буғдойпоядан кўра шумғия кўпроқ эди, баҳорги буғдой ундан ёмонроқ, лавлаги блан картошка эса баттар эди.

Тарбиячиларнинг уйларида ҳам мотамсаролик ҳукм сурар эди.

Балки биз жуда чарчагандирмиз: колония тузилгандан бери биронтамиз ҳам отпускага чиқмай ишлардик. Аммо тарбиячиларнинг ҳечқайсиси чарчашни баҳона қилмасди. Ишимиздан натижа чиқмайди, «бундай» болалар ўртасида ижтимоий тарбия ишларини олиб бориш бўлмаган гап, бу эса руҳий ва жисмоний кучни беҳуда сарфлаш, деган эски гаплар яна пайдо бўлиб қолди.

— Йиғиштириб қўйиш керак бу ишларни,— деярди Иван Иванович.— Карабановимиз бор эди, ҳаммамиз у блан фахрланардик, оқибат нима бўлди? Ҳайдаб юборишга тўғри келди. Волоховга ҳам, Вершневга ҳам, Осадчийга ҳам, Таранецга, бошқаларига ҳам умид боғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб бўлмайди. Битта Белухин деб колонияни тутиб туриш керакми?

Ҳатто колонияда туғилган аҳвол туфайли менинг энг яқин кўмакчим ва дўстим бўлиб келган Екатерина Григорьевнанинг ҳам руҳи тушиб кетди. У қошларини чимириб ўйлар ва бу бош қотиришнинг натижаси ора мен кутмаган қизиқ бир нарса бўлиб чиқарди:

— Мен сизга айтаймми? Биз жуда катта бир хато қилаётгандирмиз: коллективдан ора асар йўқ-ку, биз нуқул коллектив, коллектив деймиз. Коллектив, коллектив деявериб, коллективни орзу қилаверіб, ўзимизни ўзимиз сеҳрлаб юрибмиз.

— Шошманг, шошманг,— деб тўхтатар эдим уни.— Нега «коллектив йўқ» бўлади? Олтмиш колонист, уларнинг кундалик иши, ҳаёти, дўстлиги, булар коллектив эмасми?

— Биласизми, бунинг оти нима? Бунинг оти—ўйин, жуда мароқли ва жуда ажойиб ўйин. Бу ўйинга биз ўзимиз ҳам берилиб кетганмиз, болаларни ҳам қизиқтирганмиз, аммо юзаки ўйин эди, энди бу ҳаммамизнинг жонимизга тегди, ҳадемай уни йиғиштириб қўямиз-да, колония иши ўнгидан келмаган оддий болалар уйига ўхшаб қолади.

Лидия Петровна, кайфимизни кўтармоқчи бўлиб:

— Бир ўйин жонга тегса, бошқа ўйин бошлайдилар,— дерди.

Биз ма'юс бўлиб кулардик, аммо мен асло бўш келмас эдим.

— Сизнинг бу кайфиятингиз зиёлиларда бўладиган латтабазимлик, Екатерина Григорьевна, нолишнинг ўзгинаси. Сизнинг бу кайфиятингиздан бирон хулоса чиқариб бўлмайди, чунки у тасодифий бир кайфият. Митягин блан Карабановни енгиб чиқсам, сизнинг муддаонгиз бўларди. Ҳайбаракаллачилик, инжиқлик, хасислик одатда худди шундай нолиш, умидсизликка олиб боради. Е ҳамма нарса бўлсин, ё бутунлай бўлмасин дейиш асабийликнинг ўзгинасидир.

Бу гапларни гапирганимда, эҳтимол, мен ўзимдаги зиёлиларда бўладиган латтабазимликни енгишга тиришгандирман. Ба'зан менинг ҳам миямга бу ишларни йиғиштириш керак, Белухин ёки Задоровга ўхшаганлар колония учун берилаётган шунча қурбонларга арзимайди деган бемаза хаёллар келарди; чарчадик, шунинг учун ишимизнинг ўнгидан келишин ҳам маҳол, деб ўйлар эдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо тишимни тишимга қўйиб, ўз одатимча бутун куч ва иродамни тўплаб юрар эдим. Колонистлар ва тарбиячилар олдида ғайрат ва ишонч билан ишлашга тиришар эдим, руҳи тушиб кетган педагогларни койирдим, бу камчиликлар ўтиб кетадиган нарса, бориб-бориб йўқолиб кетади деб ўқдирардим. Уша оғир ва мушкул даврда тарбиячиларимизнинг чидаб берганига ва интизомли бўлганига ҳали ҳам қойил қолиб юраман.

Улар аввалгидек ҳамон ишга ўз вақтида чиқар, ҳамиша ишчан ва серҳаракат, колонияда бирон нозўя иш бўлиб қолса унга дарҳол э'тибор берар эдилар, эскидан давом этиб келган ажойиб традициямизга риоя қилиб навбатчиликка чиққанда энг яхши кийимларини кийиб, озода ва ихчам бўлиб юрардилар.

Колониямиз олға қараб борарди, ўйин-кулгилар йўқ бўлса ҳам, аммо худди яхши устанинг қўлидан чиққан пухта машинадек, бир текисда олға қараб борар эди. Икки колонистга берган жазомнинг яхши натижалари ҳам кўринабошлади: қишлоқни талаш ҳодисалари барҳам еди, ертўла ва полиз босиш деган нарсалардан асар ҳам қолмади. Мен ўзимни колонистларнинг руҳи тушиб юрганини кўрмаганликка солардим, гўё қишлоқ аҳолисига нисбатан колонистлар ўртасида пайдо бўлган ҳурмат ва хайрихоҳлик айтарлик катта иш эмас, аслда ўзи шундай бўлиши керак, умуман ҳамма ишимиз аввалгидек юриб турипти, олға силжиб турипти, демоқчи бўлардим.

Колониямизда бирталай янги ва муҳим ишлар чиқиб қолди. Иккинчи колонияда оранжерея қурабошладик. Трепке харобалари йиғиштирилиб бўлгандан кейин кўранинг ичига йўллар қуриш, ҳовлиларни текислашга киришдик, арклар ва панжаралар билан безадик. Коломакнинг энг тор ерига кўприк қурабошладик, темирчилик ишхонамизда колонистлар учун темир кроватьлар ясайбошладик, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналарини саранжомладик, иккинчи колониядаги уйларнинг ремонтини жадаллатдик. Лекин ҳеч жиловни бўш қўймасдан колониянинг устига янгидан янги ишларни устма-уст юклайвердим, ҳамма колонистлардан илгаригидек пухта ва чаққон ишлашни талаб қилаверди.м.

Нима учунлигини билмайман, балки менга ма'лум бўлмаган педагогик инстинкт билан бўлса керак, негадир ҳарбий машғулотга зўр берабошладим.

Илгари ҳам колонистлар билан физкультура ва ҳарбий

www.ziyouz.com kutubxonasi

машғулотлар ўтказиб турар эдим. Мен ҳечвақт физкультура мутахассиси бўлмаганман, бундай мутахассисни олишга пулимиз ҳам йўқ эди. Мен фақат ҳарбий строй ва ҳарбий гимнастиканн ва бир рота жанг участкасига яраша нарсаларни билардим, холос. Шундай бўлса ҳам, ўйлаб-нетиб ўтирмадим, педагогларга ўхшаб иккиланиб турмадим-да, болаларни ҳархил шундай фойдали ишларга ўргатабошладим.

Колонистлар бу ишга жон-диллари блан киришди. Ҳар куни ишдан кейин бутун колония болалари блан тўрт бурчак каттагина ҳовли саҳнида бир-икки соат машғулот ўтказабошладик. Билимимиз ошган сари машғулот доирасини кенгайтирабордик. Қишга бориб бизнинг бўлинмамиз бутун хуторлар территориясида жуда қизиқ ва мураккаб ҳарбий ҳаракатлар олиб боришни ўрганди. Бино ёки бостирма ва шунга ўхшаш айрим об'ектларга ўхшатиб ҳужум бошлар ва жангни ҳайқириқ ва найзабозлик блан тугатар эдик, буни кўрган уй эгалари — эру хотинлар ваҳимага тушиб қолар эди. Оппоқ уйларнинг ичига бекиниб олган одамлар бизнинг жанг ҳайқириқларимизни эшитишлари бланоқ, ҳовлиларига югуриб чиқишар, ҳужра ва саройларини қулфлаб, колонистларга эшик тирқишларидан қўрқа-писа қараб туришарди.

Бу нарса болаларга жуда ёқиб қолди, кўп ўтмай ростакам милтиқлар ҳам пайдо бўлди, чунки жиноий ўтмишимизга парво қилмай, бизни умумий ҳарбий та'лим олучилар қаторига севинч блан қабул қилдилар.

Машқ вақтларида мен ниҳоятда талабчан бўлардим, ҳақиқий командир сингари, айтганимда қаттиқ туриб олардим, бу болаларга ҳам жуда ма'қул тушар эди. Шундай қилиб, бизда ҳарбий ўйин замини қурилдики, кейинчалик бу ўйин бутун ҳаётимизнинг асосий соҳаларидан бири бўлиб қолди.

Аввало шуки, ҳарбий та'лим болаларга яхши та'сир кўрсатди. Колонистнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди: қадди-қомати ихчамлашди, стол ёки деворга суяниб туришлар йўқ бўлди, ўзини хотиржам ва бемалол тутадиган бўлиб қолди. Янги келган колонист эски колонистлардан анча фарқ қиладиган бўлди. Болалар қадамларини шаҳдам ташлайдиган, бошларини кўтариб юрадиган бўлиб қолдилар, қўлни чўнтакка солиб юришни унутдилар.

Колонистлар ҳарбий стройга шу қадар қизиқиб кетдиларки, ҳарбий ва денгиз ҳаётига ҳавас-майиллари

www.ziyouz.com kutubxonasi

туфайли кўп нарсаларни ўйлаб топдилар. Ҳарқандай буйруққа «есть» деган жавоб блан розилик билдириш ва айни вақтда пионерларча қўл кўтариб салют беришдай ажойиб одат колонияда худди шу даврда жорий этилди. Шу вақтда колонияда карнай чалиб сигнал бериш жорий этилди.

Шу маҳалгача бизда эски колониядан қолган қўнғироқни чалиб сигнал бериларди. Энди биз иккита корнет сотиб олдик, бир неча колонистимиз шаҳарга, капельмейстерникига ҳар куни қатнаб, нота блан корнет чалишни ўрганиб юрди. Сўнгра, колония ҳаётининг ҳарбир ҳодисаси учун махсус сигнал ёздирдик, қишга бориб қўнғироқни олиб ташладик. Сигналчи кабинетимнинг эшиги олдига чиқиб, бутун колонияга эшитдириб, чиройлик сигнал чаладиган бўлди.

Колония тепасида, кўл ва хутор томлари тепасида янгровчи корнет садолари жимжит оқшом пайтларда одамни айниқса завқлантиради. Кимдир биров очиқ дераздан туриб, ўзининг қўнғироқдай жаранглаган товуши блан шу сигналга тақлид қилиб қолади, ё бўлмаса яна бошқа биров рояль чалиб юборади.

Ҳарбий машғулотларимиз овозаси халқ маориф бўлимига бориб етгандан кейин «казарма» деган сўз анча вақтгача бизнинг лақабимиз бўлиб қолди. Майли, шу маҳалгача мен кўп хафалик тортдим, бу янги хафаликка э'тибор бергим ҳам йўқ, деб қўяқолдим. Хафа бўлиб ўтиришга фурсат ҳам йўқ эди.

Август ойидаёқ мен тажриба станциясидан иккита чўчқа боласи олиб келган эдим. Чўчқалар ҳақиқий инглиз зотли бўлиб, кела-келгунча колонияга кўчирилишдан норозидай додлаб, нуқул аравадаги тешикка тушиб кетавериб, чинқираверіб Антоннинг жонига текканидан, Антон фиғони ошиб, дерди:

— Узимизнинг ташвишимиз етмагандай, энди чўчқа бокиш қолганмиди...

Инглиз зотли чўчқа болаларини иккинчи колонияга юбордик, кичик ёшдаги болалар орасидан чўчқа боқишга жуда кўп ишқивоз чиқди. Шу паллада иккинчи колонияда бигирмага яқин бола бор эди, улар блан бир Родимчик[1] деган тарбиячи ҳам турарди. Бу қизиқ фамилияли тарбиячи бачкана бир одам эди. Биз А литераси деб ном қўйган

---

[1] *Родимчик* — тутқоноқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

катта уй битказилган эди, бу уй ишхона ва синфларга аталган бўлса-да, ҳозирча болалар яшарди. Бошқа уй ва хоналар ҳам битган эди. Фақат ётоқхона учун ампир услубида қурилаётган икки қаватли улкан бинонинг бирталай иши қолган эди. Саройларга, отхоналарга, омборларга янги тахталар қоқилмоқда, деворлар шувалмоқда, эшиклар қурилмоқда эди.

Деҳқончилигимизга катта мадад берилди. Ўзимизга агроном олдик, Эдуард Николаевич Шере деган бу агроном бутун далаларимизни айланиб юрабошлади. Бундай кишиларни кўрмаган колонистларга янги агрономимиз жуда ғалати одам бўлиб кўринарди. Ҳамманинг назарида Шере, аллақандай а'ло нав'ли уруғдан ундирилган ва сербарака ёмғир суви билан эмас, Шерега ўхшаган кишилар учун фабрикада махсус ишланган дори билан суғорилгандек эди.

Шере Калина Ивановичнинг худди акси эди: ҳечвақт аччиғланмасди, ҳечнарсадан хурсанд ҳам бўлмасди, кайфи ҳамиша бир хилда,— сал-пал вақтихуш бўлиб юрарди. Ҳамма колонистларни, ҳатто Галатенкони ҳам «сиз»лаб гапирарди, ҳеч ўшқирмасди, ҳечким билан дўстлик муносабатида ҳам бўлмасди. Приходько: «Смородинани кўрмабманми? Смородинада ишламайман!» деб, буйруқдан бош тортганда, Шере товушини жуда майин қилиб, ёқимтойлик билан жиддий бир суратда таажжубланиб:

— Ҳа, ҳа, ишламайман денг? Ундоғ бўлса, фамилиянгизни айтинг, билиб қўяй, яна билмасдан бирон ишга тайинлаб қўймай,— деди.

— Нима десангиз қиламану, аммо смородинага бормайман.

— Хотиржам бўлинг, сизсиз ҳам ишимиз битиб кетади, сиз ўзингизга бошқа бирон ердан иш қидиринг.

— Нега энди?

— Илтимос қиламан сиздан, фамилиянгизни тезроқ айтинг, ортиқча гап сотишга вақтим йўқ.

Приходьконинг бандитларча олифталигидан асар ҳам қолмади. У, кифтини қоқди-да, бундан бир минутгина олдин кўзига заҳардай кўринган смородина томонга қараб кетди.

Шере ҳали ёш эди, шундай бўлса ҳам, ўзининг қат'ий ишонч ва ҳеч чарчамасдан ишлаши билан колонистларни эсанкиратиб қўярди. Колонистлар, Шере сра ухламаса

www.ziyouz.com kutubxonasi

керак, деб ўйлардилар. Колонистлар эрталаб уйқудан турганда Эдуард Николаевич узун, эотдор итнинг оёқларига ўхшаган бироз бесўнақай оёқларини унда-мунда қўйиб далани айланиб юрган бўларди. Етишга сигнал чалинган вақтда Шере чўчқахонада дурадгор билан аллаималар ҳақида гаплришиб турган бўларди. Кундуз кунлари Шерени гоҳ отхонада, гоҳ оранжерея қурилишида, гоҳ шаҳар йўлида, гоҳ далага гўнг ташувчилар орасида учратиш мумкин эди: хуллас, Шеренинг ажойиб оёқлари шу қадар тез юрар эдики; ҳамма: «Бу сдам бир вақтнинг ўзида минг жойга борадими?» деб ҳайрон бўларди.

Келган кунининг эртасигаёқ Шере отхонада Антон билан жанжаллашиб қолди. Эдуард Николаевичнинг отдай ювош ва чнройлик бир жониворга ҳадеб математика нуқтаи назаридан қараш керак деган гапларига Антон сра тушунолмасди.

— Уйлаб топган гапини қара-я! Боғла эмиш. Пичанни ҳам боғлайдими? Норма эмиш: шу нормадан кўп ҳам берма, оз ҳам бўлмасинмиш. Нормаси ҳам аҳмақона: оз-оздан. Отлар ҳаром ўлса, мен жавобгарми? Отларни соатга қараб ишлатамиз дейди. Қўлимга дафтар ҳам келтириб берди: отларнинг қанча соат ишлаганини ёзиб юрар эмишман.

Антон, ўз одати бўйича, Калхатни бермайман, Калхат бир кундан кейин катта иш кўрсатиши керак, деб бақириб берганда ҳам Шере ундан қўрқиб ўтирмади, отхонага тўғри кириб борди-да, Калхатни етаклаб чиқиб, аравага қўшди, бундай ҳақоратдан тошдай қотиб қолган Братченкога ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Антон аразлаб, қамчинни отхонанинг бир бурчагига ирғитди-да, чиқиб кетди. Юриб-юриб кечқурун отхонага кирса, у ерда Орлов билан Бубликнинг хўжайин бўлиб олганини кўриб қолди. Антон ниҳоятда хафа бўлиб, ишдан бўшатинг деб меннинг олдимга келаётганида ҳовлининг ўртасида қўлида қоғоз ушлаган Шерега дуч келиб қолди. Шере, гўё ҳечнарса бўлмагандай, старший отбожарнинг хафагазак юзига энгашиб туриб, деди:

— Менга қаранг, фамилиянгиз Братченко эди шекилли, а? Мана сизга бир ҳафталик иш планн. Кўрдингизми, бунда ҳарбир отнинг қайси куни нима қилиши, қачон ишга чиқиши аниқ кўрсатилган. Мана, қаранг, бу ерда қайси отнинг қайси кунлари шаҳарга бориши, қайси от қайси кунлари дам олиши кўрсатилган. Ўз ўртоқларингиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

блан планни яна бир кўриб чиқинг-да, қандай ўзгариш киритиш керак бўлса эртага менга айтинг.

Антон оғзи очилиб, қоғозни қўлига олди-да, отхона томонга қараб кетди.

Эртаси куни кечқурун жингалак сочли Антон блан сочлари машинкада олинган Шере менинг столим ёнида муҳим бир ишни муҳокама қилиб ўтирардилар. Мен чертёж столи ёнида ишлаб ўтирардим, аммо гоҳ-гоҳ уларнинг гапига қулоқ солиб қўярдим.

— Буни яхши ўйлабсиз. Майли, Саман блан Шўх бия омочга чоршанба куни қўшилсин...

—... Кичкинтой лавлагини емайди, унинг тишлари ҳали...

— Аҳамияти йўқ, майли, майдароқ қилиб қирқиб бериш мумкин, бир қилиб кўринг-а...

—... Бирон кимса шаҳарга бораман деб от сўраб қолсачи?

— Пиёда бораверади. Е бўлмаса, қишлоқдан от-арава кира қилсин. Бу блан бизнинг ишимиз йўқ.

— Яхши!—деди Антон.—Мана бу гапингизга қойилман.

Ростини айтсам, борди-келдига битта навбатчи от камлик қиларди. Калина Иванович минг қилса ҳам Шерени кўндираолмади, чунки Шере Калина Ивановичнинг рўзғор ишларига битта от камлик қилади деганига парво қилмай, совуққонлик блан уни лол қилди:

— Транспортга эҳтиёжингиз блан менинг ҳеч ишим йўқ. Озиқ-овқатингизни нимада ташисангиз ташийверинг, ё бўлмаса ўзингизга от ортиб олинг. Менинг қўлимда олтмиш десятина ер бор. Бу ҳақда ортиқ гап очмасангиз мен сиздан жуда миннатдор бўлардим.

Калина Иванович мушти блан столни бир урди-да:

— Менга от керак бўлса, ўзим ҳам кириб қўшиб кетаверaман!—деб бақирди.

Блокнотига алланималар ёзиб ўтирган Шере жиғибийрони чиқиб турган Калина Ивановичга бошини кўтариб ҳам қарамади. Бир соатдан кейин, кабинетдан чиқиб кетатуриб, менга огоҳлантириб қўйди:

— Агар отларнинг иш плани мендан берухсат бузилса, шу куниёқ колониядан кетаман.

Мен дарҳол Калина Ивановични чақиртирдим:

— Ке, қўй, у блан олишиб нима қиласан,— дедим.

— Битта от блан қаёққа бораман, ахир! Шаҳарга қат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

наш керак, сув ташиш керак, ўтин ташиш керак, иккинчи колонияга озиқ-овқат ташиш керак...

— Бирон иложини топармиз.

Иложини ҳам топдик.

Янги одамлар, янги ташвишлар, иккинчи колония, ношуд Родимчик, колонистнинг ихчамлашган қадди-қомати, аввалги қашшоқлигимиз, яқин келажакдаги бойликларимиз,—денгиздай мавж уриб турган ҳаётимизнинг минг хил кўринниши мендаги руҳий тушкунлик ва умидсизликнинг қолган-қутганларини ҳам даф' қилиб юборганини ўзим ҳам билмай қолдим. 1922 йилнинг охирида бўлиб ўтган ҳодисалар ва шу ҳодисалар натижасида пайдо бўлган кайфият менинг бетимга худди ниқобдай кийдириб қўйган жиддий қиёфани ҳарқандай севинч ҳам очиб ташлашга ожизлик қиларди, ўша вақтдан бери кам кулади-ган бўлиб қолган эдим. Бу ниқоб мени ҳеч қийнамас, азоб-ламас эди, мен унинг бор-йўқлигини деярлик сезмасдим. Аммо колонистлар уни ҳамиша кўриб турардилар. Улар бунинг ниқоблигини балки билгандирлар ҳам, аммо ҳар-ҳолда улар мени ҳаддан ортиқ ҳурмат қиладиган бўлди-лар, тортинчоқлик пайдо бўлдими, бироз ҳайиқадиган бўлишдими, нима эканлигини аниқ айтолмайман. Аммо, ба'зан уларнинг ўйин-кулгисига қўшилсам ва биргала-шиб сандиракдаб қолсам, ёки коридорда улар блан қучоқ-лашиб юриб қолгудай бўлсам, уларнинг чеҳралари очилиб кетар, суюна-суюна пинжимга кириб олишар эди.

Колониямизда эса қаттиққўлликдан, ортиқча ва фой-дасиз жиддийликлардан асар ҳам қолмади. Бу ҳолат қа-чон ўзгарди, қачон йўлга солинди—ҳечким сезмай қолди. Аввалгидек ҳар ердан кулги, ҳазил эшитилар, аввалгидек ҳамма қизиқчилик қилар, ҳамманинг ғайрати тўлиб-тошар эдию, аммо шилқимлик, хиралиқлар, бесўнақай, қўпол ва дағал қилиқлардан, сустқашликдан асар ҳам қолма-ган эди.

Калина Иванович ҳарҳолда транспорт қийинчилиги-дан қутулиш йўлини топди. Гаврюшка деган ҳўкизимизни Шере, битта ҳўкиздан нима фойда деб, назарига илмас эди. Биз бўйинтуруқ ясатдик, сув, ўтинни ва умуман қў-рага келтириладиган нарсаларни шу ҳўкиз бўйнига юкла-дик. Энг наш'али апрель оқшомларидан бирида бутун колония аҳли ичаги узила-узила кулиб қотиб қолди: Антон, шаҳардан қандайдир посилка олиб келиш учун кабриолетга Гаврюшкани қўшиб чиққан эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шаҳарда сени қамаб қўяди,— дедим Антонга.

— Қамаб бўпти,—деди Антон.—Ҳозир ҳамма баравар. Гаврюшка отдан ёмонми?.. Бу ҳам меҳнаткаш...

Гаврюшка пинагини буэмай кабриолетни шаҳарга судраб кетди.

24. Семённинг сарсон-саргардонлиги

Шере ишни шиддат блан бошлаб юборди. Кўкламги ҳамма экинларни олти дала плани асосида экди, болаларни ҳам бу планга жуда қизиқтиришга муваффақ бўлди. Даладами, отхонадами, чўчқахонадами, ё бўлмаса ётоқхонадами, йўлдами ё сув ёқасидами, менинг кабинетимдами, столовойдами, иш қилиб қаерда бўлмасин, дарров болалар уни ўртага олардилар-да, қишлоқ хўжалик масалалари тўғрисида гап бошланиб кетар эди. Шереннинг буйруқларига болалар ба'зан э'тироз ҳам билдирар эдилар, Шере ҳам уларнинг э'тирозларини, агар бема'ни бўлса ҳам тинглашдан қочмасди; ба'зан мулойим ва қисқа-қисқа гаплар блан бир-икки далил келтирарди-да, суҳбатни қат'ий суратда:

— Мен айтгандай қилинглар,—деб тугатар эди.

Шере илгаригидек, эртадан кечгача тинмай ва ҳовликмай ишлар, илгаригидек, ҳечким унинг кетидан етиб юролмас эди, аммо шу блан бирга, керак бўлиб қолса бир-икки соат оғил тепасида қимирламай турар, беш-олти соатлаб сеялка кетидан эргашиб юрар, ҳар ўн-ўн беш минутда чўчқахонага кириб, чўчқабоқарларга сўнадай ёпишиб олар:

— Чўчқаларга соат нечада кепак берилди? Ёзиб қўйиш эсингиздан чиқмадими? Мен айтгандай қилиб ёзаяпсизларми? Чўмилтиришга ҳамма нарса тайёрми?— каби мулойим ва эзма саволларни беришдан чарчамас эди.

Колонистлар Шерени жуда яхши кўриб қолдилар, аммо сир бой бермас эдилар. Албатта улар «бизнинг Шере»миз бизники бўлгани учун яхши, бошқа ерда ишлаганида бунчалик яхши бўлмас эди, деб ўйлардилар. Уларнинг Шерега ихлослари унинг усталигига қойил қолишларида, унинг гаплари, ҳаракатлари, билим-тажрибаси ва ҳечқандай ҳиссиётларга берилмаслиги ҳақида тинмай гапиришларида кўринар эди.

Болаларнинг Шерени бунчалик яхши кўриб қолганликларига мен ажабланмас эдим, чунки интеллигентлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг, болалар фақат меҳрибонлик блан эркалатиб муомила қилучи, силаб-сийловчи одамнигина яхши кўрадилар, деган э'тиқодлар болалар ўртасида бебурд эканини кўпдан бери билар эдим. Болаларнинг, хусусан бизнинг колониядаги болаларнинг улардан кўра бошқа хил одамларни кўпроқ ҳурмат қилишлари ва яхши кўришларини мен бундан анча олдин кўриб ишонган эдим. Юқори малакага, чуқур ва пухта билим-тажрибага эга бўлиш, маҳорат, усталик, уддабуролик, камгаплик, мақтанмаслик, меҳнатсеварлик болаларни ҳаммадан ҳам қизиқтирадиган, ўзига тортадиган нарсалардир!

Сиз болалар блан жуда қуруқ муомила қилишингиз, уларга ниҳоятда талабчан бўлишингиз мумкин, оёғингиз остида ўралишиб юрган бўлса ҳам уларга парво қилмаслигингиз, ҳатто уларнинг сизни яхши кўришларини ҳам менсимаслигингиз мумкин, агар ишга моҳир бўлсангиз, тажрибангиз бўлса, ишингиз ўнгидан келаверса, хотиржам бўлингки, қобилиятингиз қайси соҳада намоён бўлишидан қат'ий назар, ким бўлишингиздан қат'ий назар: хоҳ дурадгор бўлинг, хоҳ агроном бўлинг, хоҳ темирчи, хоҳ ўқитучи, хоҳ машинист бўлинг, барибир, болаларнинг ҳаммаси сиз томонда бўлади, уларнинг ихлоси қайтмайди.

Бордию болаларга қанча меҳрибон бўлманг, уларга қанча кулиб қараманг, улар блан қанча қизиқ-қизиқ суҳбатлар қурманг, уларнинг кўзи олдида кундалик турмушингиз қанча чиройлик кўринмасин, барибир, агар ишингиз ўнгидан келавермаса, ўз ишингизни билмаслигингиз ҳар қадамда кўриниб турса, ношудлик қилсангиз, бошлаган ишингизнинг охири пуч чиқса, ҳурмат уёқда турсин, сизни ҳатто масхара қилабошлайдилар, шунда ба'зилари ачитиб гапиради, мазах қилади, ба'зилари нафрат ва ғазаб блан қарайди, душман бўлиб қолади, ба'зилари эса ҳадеб сизни ерга уриб, нўмингизни булғайверади.

Бир куни қизлар ётоқхонасида бир уста печка қурмоқда эди. Устага думалоқ утермарк печка қуриш буюрилганди. Уста ўзи колониямиз ёнидан ўтиб кетаётиб, тасодифан кириб қолиб, эртадан кечгача колонияда бўлди, эртасига аллакимнинг плитасини, отхона деворини тузатиб юрди. Устанинг кўриниши жуда ғалати эди: ўзи думдумалоқ, соч-соқоли тўкилган, шу блан бирга афти-башараси келишган, юзи йилт-йилт қилар эди. Гапирганда ҳархил пичинг ва қочиримлар блан гапирар, гапига қараганда, дун'ёда ундан уста печкачи йўқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Колонистлар унинг кетидан гала-гала бўлиб юрар, гапларига шубҳаланар ва бирон ҳикоя бошлаганида, болалар у кутганидан бутунлай бошқача назар блан қарар эдилар.

— У ерда, мен сизларга айтсам, болаларим, мендан ҳам катта усталар бор эди, албатта, аммо граф уларнинг биронтасини ҳам назарига илмас эди. «Артемийни чақиртириб келинглар, ундан уста печка қурадиган одам йўқ. Печка қуришни ўшанга чиқарган» депти. Аслини суриштирганда, мен ҳали ёш уста эдим у маҳалларда, графнинг уйига печка қуриш катта гап, ўзларинг биласизлар... Бориб, эски печкани кўздан кечирдим, шу пайтда граф менга: «Ўзинг бир бопламасанг бўлмайди, Артемий» деди....

— Хўш, кейин натижа чиқдими?—деб сўрашади колонистлар.

Бўлмасачи: граф ҳарвақт қараб турарди...

Артемий силлиқ калласини осмонга кўтариб, у қурган печкага қараб турган графнинг туришини кўрсатади. Артемий графга сра ўхшамаганидан болалар пиқиллаб кулиб юборишади. Печкани қуришга Артемий махсус гаплар блан, тантанали суратда киришди, шу муносабат блан ўзи боплаб қурган ва бошқалар нотўғри қурган ҳамма печкаларни эслаб ўтди, ўз сан'атининг ҳамма сирларини очиб берабошлади ва бу хилдаги печка қуришнинг ҳамма қийинликларини санаб чиқди:

— Бу ишнинг энг қийин жойи — радиусни тўғри тортишда. Ба'зи одамлар радиусни тортолмайди.

Қизлар ётоғига кирмаган бола қолмади, улар ётоққа кириб, Артемийнинг «радиусни тортиши»ни индамасдан тамоша қилишарди.

Печканинг пойдеворини қуриб бўлгунча Артемий чакаги тинмай гапирди. Гал печканинг устига етганда нима қилишни билмай, дами ичига тушиб кетди.

Артемийнинг ишини кўрай деб, ётоқхонага кирдим. Колонистлар менга йўл беришди-да, нима деркин деб оғзимга қараб туришди. Мен бошимни чайқаб:

— Нега қорни мунча катта бўлмаса?— деб сўрадим.

— Қорни катта дейсизми?— деб сўради Артемий.— Йўқ, қорни катта эмас. Ҳали битмаган-да, шунинг учун қорни катта бўлиб кўринади, битгандан кейин жойида кўринади.

Задоров бир кўзини қисиб, печкага қараб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Графнинг печкаси ҳам битмасдан олдин шунақа кўринганмиди?— деди.

Артемий пичингни тушунмади:

— Бўлмасачи! Ҳамма печкалар ҳам битмасдан олдин шунақа бўлади-да. Масалан, мана сени олайлик...

Уч кундан кейин Артемий мени печкани қабул қилиб олишга чақирди. Ётоқхонага бутун колония тўпланган эди. Артемий печка теварагида бошини осмонга кўтариб айланиб юрарди. Уйнинг қоқ ўртасига қурилган қинғир-қийшиқ печканинг бақинлари ҳар томонга туртиб чиққанди... кейин, печка бирдан туп этиб қулаб тушди, бутун уй ичини гишт босиб кетди, ҳатто бир-биримизни кўролмай қолдик, аммо шу онда хахолаш, чинқириш, кулиш ҳамаёқни босиб кетди. Кўп болаларга гишт тегиб кетган бўлса ҳам, буни сезмай, қота-қота кулар эдилар. Ётоқхонада ҳам, коридорда ҳам, ҳовлида ҳам ичаклари узилгунча, ерларда думалаб-думалаб кулар эдилар. Печка харобалари орасидан зўрға чиқиб нариги уйга кирувдим. Бурунга дуч келдим, Бурун Артемийнинг ёқасидан ушлаб, худди ялтираган калласига мушт урмоқчи бўлиб турган экан.

Артемийни ҳайдаб юбордик, аммо шундан бери унинг номи мақтанчоқ, ношуд ва ишбузармон одамларга лақаб бўлиб қолди. Болалар ўртасида шундай гаплар пайдо бўлди:

— Қанақа одам экан у?

— Ҳа, Артемий-ку, кўрмайсанми!

Колонистлар назарида бошқа одамлар Артемийга ўхшаса ҳам Шереш ҳечким Артемийга ўхшатмас эди. Шунинг учун ҳам бутун колония уни ҳурмат қилар, ҳамма унга тан берган, шу сабабдан деҳқончилигимиз жуда юришиб кетди. Шереҳнинг бундан бошқа ҳам бирталай ишларга уқуви бор эди, эгасиз ҳам вориссиз қолган мол-мулкларни топиб келар, векселдан фойдаланиш йўлини топар, аллақаерлардан пул қарз кўтариб келарди, шунинг учун ҳам колониямизда янги жодилар, сеялкалар, буккерлар, чўчқалар ва ҳатто сигирлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Учта сигирли бўпмиз-а! Оғзимиз ҳам оқариб қолди!

Колонияда деҳқончилик ишларига ишқивозлик зўрайиб кетди. Фақат, мастерскойларда унча-мунча ҳунар орттирган болаларгина далага чиқиб ишлашга ошиқмас эди. Темирчиликнинг орқасидаги майдончага Шере парник қазиттирди, дурадгорлар парникка ром ясашга киришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи колонияда қурилаётган парниклар жуда ҳам катта бўлиши керак эди.

Деҳқончилик ишларимиз айни қизиб кетган бир пайтда, февральнинг бошларида колонияга Карабанов кириб келди. Болалар уни севина-севина кутиб олишди, қучоқлаб кўришакетдилар. Карабанов бўйнига осилиб олган болалардан аранг қутулди-да, менинг олдимга кириб:

— Бир кўриб кетай деб келдим,— деди.

Колонистлар, тарбиячилар, кирчи хотинлар севинганларидан ишшайиб, эшикдан мўралаб қарар эдилар!

— Ийя, Семён-ку! Кепти-ку! Жуда соз бўпти!

Семён кечгача колонияни айланиб юрди, «Трепке»га ҳам бориб келди. Кечқурун ма'юс ҳолда менинг олдимга кириб, анчагача индамасдан ўтирди.

— Ҳол-аҳволинг қалай, Семён, қани, эшитайлик.

— Ҳол-аҳволим қандай бўларди... Отамникида турибман.

— Митягин қаерда?

—Э, дийдори қурсин! Ажрашиб кетдик. Москвага кетди, шекилли.

— Отангникида қалай турибсан?

— Қандай турардим, отам оддий қишлоқ одами-да. Отам ҳали бардам... Акамни ўлдиришипти...

— Ким ўлдирипти?

— Акам партизан эди, шаҳар кўчасида кетаётганида петлюрачилар отиб ўлдиришипти.

— Энди нима қилмоқчисан? Отангникида қоласанми?

— Йўқ... Отамникида қолмайман... Билмайман..

Семён бир қимтиниб, қўрқа-писа ёнимга яқинроқ келиб ўтирди.

— Антон Семёнович,— бирдан юрагидагини айтақолди:— колонияда қолсам майлими? А?

Юзимга ялт этиб қаради-да, бошини паст эгиб ўтирди.

Мен унга кулиб туриб:

— Нима қипти? Албатта, қол! Ҳаммамиз хурсанд бўламиз,— дедим.

Семён ўрнидан иргиб туриб кетди, эўр эҳтиросли севинчини юрагига сиғдиролмай, бутун вужудини титроқ босди:

— Сра тоқатим қолмади, биласизми, ҳеч чидаб туролмадим! Дастлабки кунлар сезилмай юрди, кейин сра чидаб туролмадим. Юрсам ҳам, ишласам ҳам, овқат еб ўтирсам ҳам бирдан эсимга тушиб кетса — дод деб юбор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гим келади. Мен сизга ростини айтай: колонияга жуда ўрганиб қолибман, бунчалигини ўзим ҳам билмас экан-ман, олдинига ҳеч гап эмас деб юрдим, кейин-кейин бир бориб кўриб келаман деган орзуга тушдим. Бу ерга келиб, уёқ, буёқни, бу ерда бўлаётган ишларни кўриб, севинганимдан оғзим очилиб қопти! Масалан, Шерени олинг...

— Безовта бўлма, ҳечқиси йўқ,—дедим унга.—Ўша замониёқ қайтиб келавермабсан-да. Мунча ўзингни қийнамасанг?

— Ўзим ҳам бир кўнглим қайтай деб юрдим-а, аммо қилган бемазагарчилигимизни, сизни беҳурмат қилганларимизни эсласам, ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетардим... Эҳ, нимасини айтасиз...

Семён қўлини силтаб, жим бўлиб қолди.

— Бўпти,— дедим.— Қўй энди бу гапларингни.

Семён секин бошини кўтариб қаради:

— Аммо, балки сиз бирнима деб ўйлаётгандирсиз, балки, ўзингиз айтгандек, ноэ қилаётипти деб ўйларсиз? Йўқ, ундай эмас. Э-эҳа-а, та'зир ейиш, мулла бўлиш шунчали бўлади-да! Сиз бетимга қараб туриб, ростини айтаверинг: менга ишонасизми ё йўқми?

— Ишонаман,— дедим жиддий оҳангда.

— Йўқ, сиз менга ростини айтинг: ишонасизми?

— Йўқол кўзимдан!— деб кулдим.— Илгариги қилиқларингни ташлайсанми, ахир?

— Ана, кўрдингизми, ишонсангиз ҳам, тамоман ишонмас экансиз...

— Бекорга безовталаниб ўтирибсан, Семён. Мен ҳаркимсага ишонаман, аммо биттасига кўпроқ, бирига камроқ ишонаман: биттасига бир миришик ишонсам, бошқасига бир тангалик ишонаман.

— Менгачи, менга қанчалик ишонасиз?

— Сенга юз сўмлик ишонаман.

Мени яна бир синаб кўрмоқчи бўлиб:

— Аммо мен сизга ҳеч ҳам ишонмайман!— деди Семён.

— Ана холос!

— Ҳа майли, қанақалигимни кўрарсиз...

Кейин ётоқхонага чиқиб кетди.

Семён қайтиб келган кунидапоқ Шеренинг ўнг қўли бўлиб қолди. Унда галлакорларга хос зўр иштиёқ ва ишқивозлик бор эди, у кўп нарсани билар, кўп нарса отабобосининг қони блан ўтган, дашт деҳқончилигида таж-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рибаси бор эди. Шу блан бирга у, қишлоқ хўжалик соҳасида пайдо бўлган янгиликларни, агрономия техника сини ҳормай-толмай ўзлаштириб борар эди.

Шеренинг ҳарбир ишини Семён синчиклаб кузатиб борар, ўзини мен ҳам чарчашни билмайман деб кўрсатишга тиришар эди. У фақат Эдуард Николаевичдай хотиржам бўлаолмас, ҳамиша ҳовлиқар ва ҳаяжонланар, гоҳ ғазабланар, гоҳ суюнганидан талтайиб кетар эди.

Икки ҳафталардан кейин Семённи кабинетимга чақиртирдим-да, тўғридан тўғри:

— Мана сенга ишонч қоғози. Молия бўлимида беш юз сўм пул беришади, олиб келасан,— дедим.

Семён кўзларини бақрайтириб, оғзини очиб, анграйиб қолди, рангги оппоқ оқариб кетган, тили зўрға гапга келарди:

— Беш юз сўм? Кейин нима қиламан?

— Ҳечнарса қилмайсан,— дедим, столимнинг ғаладонини кавлаб.— Менга олиб келиб берасан.

— Отда бораманми?

— Отда, отда. Мана, ҳар эҳтимолга қарши, мана бу тўппончани ол.

Кузда Митягиянинг камари тагидан тортиб олган тўппончани Семённинг қўлига бердим, ичидаги учта ўқи ҳам турган эди. Карабанов тўппончани қўлимдан беихтиёр олди-да, ҳайрон бўлиб қаради, дарров чўнтагига солиб, ғинг демасдан чиқиб кетди. Ўн минутдан кейин тош йўлдан от тақаларининг тарақлаши эшитилди: деразам ёнидан Семён от чоптириб ўтиб кетди.

Темирчилар киядиган калта тўн устидан камар боғлаб олган, қадди-қомати келишган, ихчамгина Семён кечга яқин кабинетимга кириб келди, қовоғи солиқ эди.

Бир пачка пул блан тўппончани индамасдан столим устига қўйди.

Пулни қўлимга олдим-да, мумкин қадар бепарво ва ма'носиз бир оҳанг блан:

— Санаб олдингми?— деб сўрадим.

— Санадим.

Пулни бепарволик блан ғаладонга ташладим.

— Хизматинг учун раҳмат. Бор, овқатингни е.

Карабанов нима учундир белидаги камарини бир ёқдан иккинчи ёққа суриб қўйди-да, уй ичида юрабошлади, секин:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўп,— деди-да, чиқиб кетди.

Икки хафтача ўтди. Мен блан кўришганда Семён, худди нзза бўлган одамдай, ҳар сафар қовоғини солиб сўрашадиган бўлиб қолди.

— Бориб, икки минг сўм пул олиб келасан,— деган буйруғимни ҳам қовоғини солиб тинглади.

Браунингни чўнтагига соларкан, анчагача менга хафа бўлгандай қараб турди, кейин ҳар сўзини чертиб-чертиб:

— Икки минг сўм? Пул блан йўқолиб кетсамчи?— деди.

Мен ўрнимдан ирғиб туриб келдим-да:

— Аҳмақона гапларингни қўй! Сенга иш буюргандан кейин бориб бажариб кел. «Психология» ўйинининг нима кераги бор!— деб бақириб бердим.

Карабанов кифтини қоқди-да:

— Хўб, бўпти...— деб пичирлади.

Пулни олиб келгандан кейин, менга ёпишиб олди:

— Сананг.

— Нега санайман?

— Сананг ахир, сўрайман сиздан!

— Ҳа, ўзинг санаб олганмисан, ахир?

— Сананг дейман!

— Ке, эзма бўлма!

Худди нафаси бўғилиб, қолгандай, томоғини ушлади, кейин кўйлак ёқасини йиртди-да, гандираклаб кетди.

— Сиз мени мазах қилаётипсиз! Менга шу қадар ишониб қўйишингизга сра ишонмайман. Бунчалик ишонишингиз мумкин эмас! Билдингизми? Мумкин эмас! Жўрттага менга буюрасиз бу ишни, биламан, жўрттага қиласиз...

Нафаси бўғилиб, стулга ўтирди.

— Хизматинг қимматга тушиб кетди-ку, оғайни.

— Нима блан тўлайсиз?— деб ёнимга отилди Семён.

— Жазаванг тутганини кўришим блан.

Семён дераза токчасини ушлаганича:

— Антон Семёнович!— деб бақириб юборди.

— Ҳа, нима дейсан?— дедим бироз чўчиб.

— Қани энди, билсангиз! Билмайсиз-да! Йўлдан отни чоптириб келарканман, худо борми, йўқми, бўлса йўлда бирон кимсани учратсин, бирон кимса ўрмондан чиқиб йўлимни тўссин... Майли, ўнтасими, ундан ҳам кўпими... ҳаммасини отиб ўлдирардим, тишларим блан гажиб ташлардим, то уриб ўлдиргунларича тишлардим, деб ўйлайман... ишонасизми, йиғлагудай бўлдим-да! Бўлмаса, пул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни олиб келармикин, йўқми деб гумонсираб ўтирганингиз ни биламан-ку! Ростини айтинг, қўрқдингиз-а!

— Қизиқ одам экансан, Семён! Пул масаласида ҳамма одам ҳам қўрқади. Бир пачка пулни колонияга бехо-вотир олиб келиш осонми? Аммо мен бундай деб ўйлайман: пулни сен олиб келсанг — унчалик ховотир бўлмайман. Сен ёшсан, бақувватсан, от миништга сендан устаси йўқ, мингта қароқчидан ҳам қочиб қутуласан, мен борсам—дарров тутиб олишлари мумкин.

Семён севиниб, бир кўзини қисди.

— Оббо, жуда айёр одам экансиз-да, Антон Семёнович!

— Айёрлик нимаси? Пулни қандай бориб олишни билиб олдинг, бундан буён олиб келаверасан. Ҳечқанақа айёрлик йўқ. Кўнглим тўқ. Сенинг ҳам мендек ҳалол одамлигингни биламан. Мен буни илгари ҳам билардим, кўрмасмидинг?

— Йўқ, менинг ҳалоллигимни билмассиз деб юрардим,— деди Семён ва кабинетдан чиқиб, бутун колонияга бақириб, ашула айтабошлади:

Тикка тоғлар ортидан
Бургутлар учиб келди.
Келдию, шовқин солиб,
Ширин ҳаёт изларди.

25. Командирлик педагогикаси

Йигирма учинчи йилнинг қиш палласида бизда бирталай муҳим ташкилий янгиликлар бўлди, бу янгиликлар коллективимизнинг формасини анча олдин белгилаб қўйди. Бу янгиликларнинг энг муҳими — отрядлар ва командирлар бўлди.

Горький номидаги колонияда, Дзержинский номидаги коммунада, Украинанинг ҳар ерига сочилган бошқа колонияларда ҳозиргача ҳам отряд ва командирлар бор.

Албатта, 1927—1928 йиллардаги горькийчилар отрядлари ёки Дзержинский номли коммунарлар отрядлари билан Задоров ва Бурунларнинг отрядлари ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Аммо, йигирма учинчи йилнинг қишида тузилган отрядларда асосий пойдевор бор эди, деса бўлади. Отряд тузиш системамизнинг принципиал аҳамияти анча кейин, отрядларимиз ўзларининг шер қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дамлар блан олға босишлари блан педагоглар оламини титратганларидан кейин, педагоглар орасидаги ба'зи қаламкашларнинг масхара ва кулгисига сабаб бўлабошлаганларидан кейин ма'лум бўлди. У вақтларда бизнинг ҳамма қилган ишларимизни «командирлик» педагогикаси дейишар ва шу блан бизнинг устимиздан мудҳиш ҳукм чиқардик деб ўйлаган бўлсалар керак.

Бизнинг ўрмонда муҳим бир системанинг юзага келиши ва бу система тевараГида бирталай шов-шувлар кўтарилиши 1923 йилда ҳечкимнинг ақлига келмаган эди.

Бу иш арзимаган нарсадан бошланди.

Ўзларинг эплайсанлар деб, шу йили бизга ўтин беришмади. Бу йил ҳам биз ўрмонда қуриб ётган шох-новдалар ва ўрмон чиқитларидан фойдаланадиган бўлдик. Ез кезларида гамлаб қўйган бу бебарака ёқилғимизни ноябрь ойигача ёқиб бўлиб, бошимизга яна ўтинсизлик савдоси тушди. Тўғрисини айтганда, қуриган дарахтларни кесиш, шох-новдаларни териш машмашаси ниҳоятда жонимизга теккан эди. Қуриб қолган дарахт ва шох-новдаларни кесиш қийин эмас эдию, аммо ўтин деб аташга ҳам арзимаган бу шох-шаббалардан юз пудини йиғиш учун ўнлаб десятина ўрмонни айланиб чиқиш, қалин чакалакзорлар орасини ёриб ўтиш ва шунча машаққат блан кўп меҳнат сарфлаб тўплаган чўп-хашакларни колонияга ташиб олиш керак эди. Бу иш устивошнинг заволи эди, бусиз ҳам устивош етишмас эди. Қиш кезларида эса ўтин тайёрлаш ишларида болалар оёқларини совуққа олдирарди, отхонада ҳам кун ғиди-бидисиз ўтмас эди: ўтин тайёрлаш керак деса, Антоннинг жони-пони чиқиб кетарди.

— Гадойликка ўзларинг чиқаверинглар, отларни чиқармайман. Ўтин йиғишармиш-а! Шу ҳам ўтин бўптими?

— Братченко, ахир, уйни иситиш керакми ё йўқми?— дерди Калина Иванович, Антонни гангитиб қўяман деб ўйлаб.

Антон қўлини силтарди:

— Менга қолса иситманглар, барибир отхонани иситмайсизлар, бизга шундоқ ҳам соз.

Шундай мушкул аҳволга тушиб қолганимиз ҳолда, масалани умумий мажлисга солиб, ахир Шерени гўнг ташишни вақтинча қисқартириб, бақувват ва оёқлари бутун колонистларни ўрмонда ишлашга сафарбар этишга кўндирдик. Йигирма кишилик группа тузилди, группага Бурун, Белухин, Вершнев, Волохов, Осадчий, Чобот ва бошқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамма активларимиз кирди. Улар эрталаб чўнтакларини нонга тўлдириб олиб, кечгача ўрмонда шох-новда йиғиб юрардилар. Кечки пайтга бориб тош йўлни тўп-тўп қилиб йиғиб қўйилган шохлар босиб кетарди. Антон бу ишни ўзига эп кўрмаган одамдай ижирғаниб, чанага икки от қўшиб келарди-да, шохларни ортиб олиб кетарди.

Болалар, қоринлари оч, аммо хурсанд бўлиб қайтардилар. Уйга қайтишда улар кўпинча йўлда ўйнаб келардилар, уларнинг бу ўйинларида эски бандитликларининг аломатлари ҳам бўларди. Антон блан икки бола шох-новдаларни чанага ортиб турганда, қолганлари ўрмон ичида бир-бирларини қувлашиб юрарди, бу ўйин бандитлар блан кураш ва асирга олиш блан тугар эди. Ушланган «ўрмон қароқчилари»ни болта ва арра кўтарган соқчилар колонияга ҳайдаб келардилар. Уларни ҳазил-ҳазил блан менинг кабинетимга итариб киритишар эди-да, Осадчийми ё бир вақтлар Махнода хизмат қилган ва бир бармоғидан айрилган Коритоми, бирортаси вағир-вуғур қилиб мендан талаб этарди:

— Калласи олинсин ё отиб ташлансин! Ўрмон ичида қурол кўтариб юрипти, балки яна шериклари ҳам бордир.

Сўроқ бошланарди. Волохов қош-қовоғини солиб, Белухиндан сўроқ бошларди:

— Қани, айтчи, қанча пулемётларинг бор?

Белухин қаҳ-қаҳ уриб куларди-да:

— Пулемёт деганинг нима ўзи? Уни еб бўладими? — дерди.

— Нимани, пулемётними? Вой, башаранг қурсин, бандит!

— Ҳа-ҳа, еб бўлмайдими? Ундоқ бўлса, пулемёт блан ишим йўқ.

Содда қишлоқи бола Федоренкога бирдан ёпишиб қолишарди:

— Ростингни айт: Махнода бўлганмисан?

Федоренко, ўйинни бузмаслик кераклигига дарров ақли етарди-да, саволга мос жавоб берарди:

— Бўганман.

— Нима қигансан?

Федоренко нима деб жавоб берсам экан деб ўйланиб қолади, унинг орқасида турган болалардан бири худди унинг беўхшов, уйқусирагандаги товушига ўхшатиб:

— Сигир боқардим,— деб жавоб беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Федоренко орқасига қайрилиб қарайди, аммо ҳамма болалар унга индамасдан, бемалол қараб турадилар. Ҳамма кулиб юборади. Ўзини аранг ўйинга мослаб олган Федоренко гангиб қолади, шу пайтда унга янги савол тушади.

— Тачанкада сигир нима қилади?

Ўйиннинг ипини бутунлай йўқотиб қўйган Федоренко:

— А?— дейишдан бошқани билмай қолади.

Корито унга даргазаб бўлиб тикилади, кейин менга қайрилиб қарайди-да, безовталик блан:

— Осиб ўлдирамизми? Бу жуда хавфли одам, кўзларига бир қаранг,— деб шивирлайди.

Мен ҳам шу оҳангда:

— Тўғри, гуноҳи катта, кечириб бўлмайди. Ошхонага олиб бориб, икки порси овқат берингларр,— деб жавоб бераман.

— Жуда қаттиқ жазо берилди-ку!— дейди Корито, хафа бир тарзда.

Белухин лаби лабига тегмай:

— Аслини суриштирганда, мен ҳам ўтакетган бандитман... Мен ҳам Маруськанинг подаларини боққанман...— дейди.

Федоренко энди ўзига келиб, илжаябошлайди ва очилиб қолган оғзини ахир юмади. Болалар ўрмонда ишлаш таассуротларини гапириб берадилар. Бурун дейди:

— Бизнинг отрядимиз бугун кам деганда ўн икки арава ўтин терди. Рождествогача бир минг пуд ўтин йиғамиз дедикми, йиғамиз!

«Отряд» деган сўз революция давридан, революция тўлқинлари ҳали мунтазам полк ва дивизиялар тусини олмаган даврдан қолган. Айниқса бизда, Украинада узоққа чўзилган партизанлик урушини фақат айрим отрядлар олиб борарди. Бирнеча минг кишилик отрядлар ҳам, одами юздан кам отрядлар ҳам бўларди: у отрядлар ҳам, бу отрядлар ҳам баравар жанговар қаҳрамонлик кўрсатар, улар ҳам, булар ҳам қалин ўрмонларда бекиниб юрардилар.

Революцион курашнинг ҳарбий-партизанлик романтикасига бошқалардан кўра бизнинг коммунарлар кўпроқ мойил эди. Ҳатто тақдир тақозоси блан душман лагерига бориб қолган болалар ҳам аввало ундан худди мана шу романтикани излар эдилар. Кураш моҳияти, синфий зиддиятларнинг нималигини уларнинг кўпи билмас ва тушун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас эди, шунинг учун ҳам совет ҳокимияти уларни бироз суриштириб, кейин колонияга юборар эди.

Фақат болта ва арра блан қуролланган отрядимиз ўрмонда ишларкан, ўзи билмаган, кўрмаган бўлса ҳам, кўп ҳикоя ва афсоналарда та'рифланган жонажон отряднинг образини кишининг хаёлига келтирар эди.

Колонистларимизда бўлган революцион инстинктларнинг ярим ҳазил, ярим жиддий тусда ўйинга айланишига тўсқинлик қилмасдим. Отрядларимизни ҳам, ҳарбий ўйинларимизни ҳам қоралаб чиққан ба'зи қаламкаш педагоглар гапнинг тагига сра тушунмас эдилар. Улар отрядниинг нималигини билмас эдилар, отрядлар уларда ҳечқандай мароқли хотира қолдирмаган; отрядларимиз уларнинг квартиркаларини ҳам, уларнинг психологияларини ҳам писанд қилмас, уларнинг «фани»ни ҳам, тиришган пешоналарини ҳам аямай тўпга тутаверар эдилар.

Бундан бошқа илож ҳам йўқ эди. Уларнинг дидига ёқса-ёқмаса, колония ўз ишини отряд тузишдан бошлади.

Утин тайёрлаш отрядида онабоши ролини Бурун ўйнарди, бу ролъга ҳечким да'вогар ҳам эмасди. Ўша ҳарбий ўйин қоидасига амал қилиб, болалар уни атаман деб атайбошладилар.

— Атаман деб аташ ярамайди. Атаман деб фақат бандитлар ўз бошлиқларини айтарди,— дедим.

Болалар э'тироз билдиришди:

— Нега фақат бандитлар ўз бошлиқларини атаман дейишаржан? Партизанларда ҳам атаманлар бўлган. Қизил партизанларда кўп атаманлар бўлган.

— Қизил Армияда атаман деб ҳечким айтмайди.

— Қизил Армияда командир бўлади. Аммо, Қизил Армияга етишимиз қайда, эҳ-ҳа-а!

— Ҳеч қайдалиги йўқ, аммо командир дейиш дуруствроқ.

Ўтин кесиш тамом бўлди: биринчи январьгача бир минг пуддан ортиғроқ ўтин ғамлаб олдик. Аммо Бурунниинг отрядини тарқатмадик, бутун отряд иккинчи колонияда парник қуришга кўчирилди. Отряд ҳар куни эрталаб ишга кетар, ўша ерда обед қилар ва уйга кечқурун қайтиб келар эди.

Бир куни менга Задоров мурожаат қилиб:

— Бу қандоғ бўлди, Бурунниинг отряди бору, бошқа болаларники нега йўқ, улар нима қилади?— деди.

Узоқ бош қотириб ўтирмадик. Шу кезларда ҳар кунги

www.ziyouz.com kutubxonasi

иш тўғрисида буйруқ чиқариб туриш бизда расм бўлиб қолган эди; колонияда Задоров командирлиги остида иккинчи отряд тузилсин, деб буйруқ берилди. Иккинчи отряд мастерскойларда ишлайдиган бўлди, Белухин ҳамда Вершнев каби усталар Бурун отрядидан иккинчи отрядга кўчирилди.

Шундан кейин отрядлар тез тузилабошлади. Иккинчи колонияда учинчи ва тўртинчи отрядлар тузилиб, ҳар бирига командир тайинланди. Настя Ночевная командирлигида тузилган қизлар отряди бешинчи отряд номини олди.

Баҳор палласига келиб отрядлар системаси узил-кесил такомиллашди. Отрядлар кичик-кичик қилиб тузилиб, бунда колонистлар айрим ҳунарларга қараб бўлинди. Этикдўзларга биринчи отряд, темирчиларга — олтинчи отряд, отбоқарларга — иккинчи отряд, чўчқабоқарларга — ўninчи отряд номи берилди. Олдинига ҳечқандай низом деган нарса йўқ эди. Командирларни мен тайинлардим, аммо баҳорга яқин қолганда тез-тез командирлар мажлисини ўтказадиган бўлдим, кўп ўтмай болалар бунга «командирлар совети» деган чиройлик ном топиб қўйишди. Командирлар совети блан маслаҳатлашмасдан туриб бирон муҳим тадбир қўлламасликка тез орада ўрганиб қолдим; отряд командирларини ҳам бора-бора командирлар совети тайинлайдиган бўлди, натижада командирлар советининг ўзи ҳам кооптация йўли блан тўлдириладиган бўлди. Командирларни сайлаш ва уларнинг ҳисобини эшитиб туриш тартиби анча кейин такомиллашди, аммо мен бу тартибни ютуқ деб ҳисобламасдим ва ҳозир ҳам ютуқ деб атамайман. Командирлар советида янги командир сайлаш масаласи жуда қаттиқ муҳокама қилинарди. Кооптация усулини қўллашимиз натижасида жуда ажойиб командирларга эга бўлдик, шу блан бир вақтда, советимиз ҳам доимий бўлиб қолаверар, ҳеч тарқалмас эди.

Бизда муҳим бир қоида бор эди, бу қоида ҳозирги кунгача қўлланиб келинади, у ҳам бўлса ёш командирга ҳечқандай имтиёз берилмасин деган қоида эди: командирга ҳечвақт қўшимча ҳақ берилмас ва ҳечвақт ишдан озод этилмас, ҳамма блан баравар ишлар эди.

Йигирма учинчи йилнинг баҳорида отрядларимиз системаси жуда мураккаблашди. Сирасини айтганда, отрядлар системасини мураккаблаштириш тадбири ўн уч йиллик тарихимизда коллективнинг энг муҳим кашфиётларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бири эди. Фақат шу тадбирни амалга оширишгина отрядларимизнинг чиндан ҳам мустаҳкам, аҳил ва яхлит бир коллектив бўлишига имкон бердики, бу коллектив иш соҳасида ҳам, ташкилий соҳаларда ҳам камол топди, бунда умумий мажлислар ҳам ҳақиқий демократик асосда ўтадиган бўлди, буйруқ бериш тартиби, бир боланинг ўз тенгига бўйсуниш тартиби амалга ошди, аммо шу билан бирга аристократиянинг, я'ни командирлар табақасининг пайдо бўлишига ҳам йўл қўйилмади.

Бу эҳтироимиз сводний отряд эди.

Бизнинг командирлик педагогикамизга тиш-тирноқлари билан қарши чиққан ва системамизга душман бўлганлар командирларимизни иш жараёнида кўрмаганлар. Буниси ҳам майли. Муҳими шуидаки, улар ҳатто сводний отряднинг нималигини ҳам эшитмаганлар, яна тўғроғи—системамизнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи хусусиятининг нималигидан бутунлай бехабар эдилар.

Сводний отряднинг келиб чиқишига сабаб шу эдики, ўша кезларда асосий ишимиз деҳқончилик эди. Етмиш десятинача еримиз бор эди, ёз палласида Шере ҳамма болаларнинг далага чиқиб ишлашини талаб қиларди. Айни вақтда ҳарбир колонист мастерскойларга биркитилган, ҳечбири мастерскойдан кетишни истамасди: колонистлар деҳқончилик ишига тирикчилик ва маишатни яхшилаш манбаи, мастерскойга эса ҳунар манбаи деб қарарди. Қиш кезида, я'ни деҳқончилик ишлари озайганда, ҳамма мастерскойлар одамга тўлиб кетарди, аммо январь ойи келиши билан Шере болаларни парникка, гўнг ташишга чиқаришни талаб қилар, унинг талаблари кундан кунга ортарди.

Деҳқончиликда иш жойи ва иш турлари ҳамиша ўзгариб турарди, бинобарин, коллективга минг хил иш билан шуғулланишга тўғри келарди. Командирнмизнинг ишда якка ўзи бош бўлиши ва ҳамма учун жавобгар бўлиши ишнинг бошидаёқ бизга жуда муҳим бўлиб кўринди, бунинг устига Шере ҳам интизом учун, асбоб-анжом учун, ишнинг бажарилиши ва сифати учун бир кишининг жавобгар бўлишини талаб этарди. Ҳозир бирон та мияси бутун одам бунга қарши э'тироз билдирмайди, аммо у вақтларда ҳам педагоглардан бошқа ҳечким бунга қаршилик кўрсатмаган эди, шекилли.

Ташкилий тадбирларни қидира-қидира, ахир сводний отряд тузиш керак деган хулосага келдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сводний отряд — муваққат отряд бўлиб, кўпи блан бир ҳафтага тузилади ва унга фалон ердаги картошка ўтоқ қилинсин, фалон ер ҳайдалсин, уруғлик материал тозалансин, фалончa гўнг ташилсин, фалон ерга экин экилсин ва ҳоказо каби аниқ ва қисқа буйруқ берилади.

Колонистлар ишнинг турига қараб тақсимланарди: ба'зи сводний отрядларга иккитадан, ба'зиларига эса бештадан, саккизтадан, йигирматадан одам берилардн. Сводний отрядларнинг иш вақти ҳам бир-биридан фарқ қиларди. Қиш фаслида, мактабимизда ўқиш бўлиб турган вақтларда болалар икки смена бўлиб: обедгача бир смена, обеддан кейин иккинчи смена ишларди. Мактаб бекилгандан кейин ҳамма учун олти соатлик иш куни белгиланарди, аммо жонли ва жонсиз инвентарьдан тўла фойдаланиш зарурияти шунга олиб келдики, ба'зи болалар эрталаб соат олтидан туш пайтигача, ба'зилари туш пайтидан кеч соат олтигача ишлайдиган бўлди. Ба'зан иш шу қадар кўпайиб кетардики, иш кунини узайтиришга мажбур бўлардик.

Ишнинг ҳархиллиги ва иш вақтининг узун-қисқалиги сводний отрядларнинг ҳам ҳархил бўлишига сабаб бўлди. Худди поездларнинг қатнов жадвалидай, сводний отрядларнинг иш жадвалини тузадиган бўлдик.

Учинчи «О» сводний отряднинг эрталаб соат саккиздан кундуз соат тўрттача (обедга танаффус берилади) полизда ишлашини, учинчи «С» отряднинг боғда, учинчи «Р» отрядининг ремонт ишларида, учинчи «П» отрядининг парникда ишлашини, биринчи сводний отряднинг эрталаб соат олтидан соат ўн иккигача, иккинчи сводний отрядниинг соат ўн иккидан олтигача ишлашини колонияда ҳамма биларди. Сводний отрядларнинг сони кўп ўтмай ўн учтага етди.

Сводний отряд ҳамиша фақат иш отряди бўларди. Иш тамом бўлиб, болалар колонияга қайтиши блан сводний отряд тарқалиб кетар эди.

Ҳарбир колонист ўзининг қайси доимий отряд а'зоси эканлигини биларди, бу доимий отряднинг ҳам доимий командири, ўз мастерскойи, ётоқхона ва ошхонада ўзининг тайин жойи бўларди. Доимий отряд колонистларнинг бошлангич коллективи эди, отряд командири эса албатта командирлар советининг а'зоси бўлиши керак эди. Аммо, баҳор келиши блан ҳарбир колонист турли сводний отрядга киритилар ва бир ҳафта давомида шу отрядда ишлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Ба'зан, сводний отряд икки колонистдан иборат бўларди; шунда икки колонистдан бири отряд командири этиб тайинланарди, Сводний отряд командири ишга раҳбарлик қилар ва ишга жавобгар бўларди. Аммо, иш куни тамом бўлиши билан сводний отряд тарқаларди.

Ҳар бир сводний отряд бир ҳафталик қилиб тузиларди, бинобарин, ҳарбир колонист келаси ҳафта янги ва бошқа сводний отрядга қўшилар ва, демак, бошқа ишда, бошқа командир қўли остида ишлар эди. Сводний отряд командири ҳам командирлар совети томонидан бир ҳафтага тайинланарди, бир ҳафтадан кейин сводний отряд командири янги сводний отрядга командир бўлиб эмас, оддий а'зо бўлиб кирарди.

Командирлар совети, энг нўноқ болалардан бошқа ҳамма колонистларни галма-гал сводний отряд командири этиб тайинлашга тиришар эди. Бу одилона бир иш эди, чунки сводний отрядга командирлик қилиш учун катта мас'улият ҳис этиш ва кўп ташвиш тортиш керак эди. Бу тадбирни қўллаш натижасида колонистларнинг кўпчилиги оддий а'зо бўлиб ишламай, ташкилий ишларда ҳам қатнашар эди. Бу иш коммунистик тарбия соҳасида жуда муҳим ва зарур бир тадбир эди. Шу тадбирнинг амалга оширилиши орқасидагина колониямиз 1926 йилга бориб ҳарқандай вазифани бажаришга тезда шайланиш ва тайёрланиш қобилиятига эга бўлди, бу вазифанинг айрим қисмларини бажаришда ишонса бўладиган қобилиятли ва ташаббускор кадрлар, ишбошилар етиб ортарди.

Доимий отряд командирининг аҳамияти жуда пасайди. Доимий командирлар нагрузкамиз бор деб, ўзларини деярлик ҳеч вақт сводний отрядга командир этиб тайинлатмас эдилар. Доимий отряд командири сводний отрядга оддий а'зо бўлиб бориб, бошқалар билан бир қаторда ишлар, ба'зан сводний отряд командири ўз доимий отрядининг а'зоси бўлган сводний отряд командирига бўйсунар эди. Бу эса колонияда болаларни бир-бирига маҳкам боғлар, бунинг натижасида бирон колонист бошқалардан ажралиб, коллективдан устун туролмас эди.

Сводний отряд системаси колония ҳаётини ниҳоятда қизғин ва мароқли қиларди, бунда колонистлар ҳам ишлардилар, ҳам ташкилий ишларда қатнашардилар, командир бўлишга ва командирга бўйсунишга ўрганардилар, коллектив ва шахсий хатти-ҳаракатларнинг ўзгариб туришини кўриб борардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

26. Иккинчи колония золимлари

«Трепке»ни ремонт қиламиз деб қарийб икки йилдан ортиқ овора бўлдик, аммо йигирма учинчи йилнинг баҳорига бориб қарасак, жуда кўп иш қилиб қўйибмиз, шундан кейин иккинчи колониянинг ҳаётимизда тутган мавқеи анча кўтарилди. Шеренинг бутун фаолияти асосан иккинчи колонияда ўтарди, молхоналаримиз, отхона ва чўчқахоналаримиз ўша ерда эди. Иккинчи колониянинг милт-милт этиб турган ҳаёти ёз келиши билан жуда қайнаб кетди.

Бу ҳаётни ма'лум вақтгача ҳаракатга келтируви яна ўша биринчи колониянинг сводний отрядлари бўлди. Эртадан кечгача биринчи колония билан иккинчи колония ўртасидаги қингир-қийшиқ сўқмоқ йўлларда ва марзаларда сводний отрядларнинг қатнаб туришини кўриш мумкин эди: ба'зи отрядлар иккинчи колонияга шошиб-пишиб ишга кетаётган бўлса, бошқа отряд биринчи колонияга обед ёки ужинга қайтиб келаётган бўларди.

Турнадай тизилган сводний отряд икки колония ўртасидаги масофани бирпасда босиб ўтарди. Болаларнинг жасурлиги ва идроки йўлда учраган хусусий мулк ва хусусий манфаатларни тан олмас эди. Олдинига хутор аҳолиси болаларга ҳархил тўсиқ-тўсиқлар қўйишга уриниб кўрди, аммо кейин бунинг бутунлай фойдасиз эканини билди. Колонистлар хуторлар ўртасидаги ҳамма йўл ва йўлкаларни тинмай ва таптортмай текшириб, ўзларига мос қисқа ва тўғри йўл солиб олар эдилар. Башарти тўғри йўл бирон кимсанинг ҳовлисидан ўтиб қолса геометрия масаласини ечишдан ташқари, яна ит, четан, девор ва дарвоза каби нарсаларни ҳам бетараф қилишга тўғри келарди.

Ҳаммадан ҳам итларни бетараф қилиш осон эди: бизда нон сероб эди, нон бермасалар ҳам хутордаги итлар колонистларимизга бепарво эди. Уларнинг пасқам ва овлоқ жойда ўтаётган кўнгилсиз турмушлари энди бирдан ўзгариб, янги ва қизиқ хотиралар билан бойиган эди: гала-гала одамлар, ёқимли суҳбатлар, нарида тўпланиб ётган похол устида француzча кураш тушишлар ва, ниҳоят, отряд ёнида кетатуриб, бирон боланинг қўлидаги новдани ёғиз билан илиб олишлар, бирон боланинг ит бўйнига бironта чиройли лента бойлаб қўйиши,—буларнинг ҳаммаси мароқли эди. Ҳатто хутор жандармериясининг занжирбанд вакиллари ҳам ўз эгаларига бевафолик қилади-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган бўлиб қолди, нега десангиз ҳамла қилишга асос ҳам йўқ эди-да: илк баҳордан бошлаб колонистлар иштон ўрнига трусик кийиб юрар эдилар; трусик ҳам арзон, ҳам чиройли ва гигиена жиҳатдан ҳам анча қулай эди.

Хутор жамоасининг Бровко, Серко ва Кабиздохларнинг хоинлигидан бошланган бузилиши давом этаверди ва ахири шунга олиб келдики, колония блан Коломак ўртасидаги бошқа тўсиқ ва ғовларнинг сра аҳамияти қолмади. Аввало ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган Андрийлар, Микиталар, Нечипорлар ва Миколалар биз томонга ўтди. Уларни биз томонга оғдирган нарса яна ўша колония ҳаёти блан меҳнат романтикаси бўлди. Улар сигналларимиз товушини анчадан буён эшитиб, ҳаваслари келиб юрар, хушчақчақ ва катта коллектив бўлиб яшашимизнинг завқли эканлигини аллақачон билган эдилар, эндиликда улар инсон фаолиятининг энг юксак аломатлари бўлмиш «сводний отряд», «командир» ва ундан ҳам ғалати «рапорт» деган нарсаларни кўриб ва эшитиб, оғизлари очилиб, маҳлиё бўлиб қолар эдилар. Улардан каттароқларини деҳқончилик ишларининг янги усуллари қизиқтирар эди; ерни херсонча шудгорлаш уларни фақат колонистларга мойил қилиб қўймай, далаларимизга, сеялкаларимиз ёнига ҳам жалб этарди. Ҳарбир сводний отрядимиз кетидан, ўз ҳужрасидан ҳечкимга билдирмай белкурак ёки чопқи олиб чиққан бироята ўсмир боланинг эргашиб келиши одат бўлиб қолди. Хутор болалари кечқурунлари ҳам колонияга кўплашиб келадиган бўлди, уларнинг колониянинг узвий қисмя бўлиб қолганини ўзимиз ҳам билмай қолдик. Уларнинг ҳарбирининг колонист бўлишга орзуси эўр экани кўзларидан кўриниб турарди. Кейинчалик ба'зилари, оилада дин ва урф-одат масалаларида юз берган жанжаллар натижасида колонияга киришга муваффақ бўлдилар.

Ва ниҳоят, хуторнинг бузилиши дун'ёдаги энг кучли бир нарса блан тугади: бизнинг калта иштон кийган, ихчам, келишган, хушчақчақ ва билимдон колонистларимизга хутор қизлари бардош бераолмади. Колонистлар қизларнинг мойиллигидан фойдаланишга унча ошиқмаса ҳам, хуторли эркаклар бу мойилликка қарши ҳечқандай чора топаолмадилар; колонистлар қизларнинг курагига урмас, бирон ерларига чангал солмас ва умуман қизларни мазах қилишнинг нималигини билмас эдилар. Бу пайтда катта ёшдаги колонистларимиз рабфак эшиги ҳамда комсомол

www.ziyouz.com kutubxonasi

сафига яқинлашиб қолган, жозиқ муомала ва ширин-ширин суҳбатларнинг мазасига тушина бошлаган эдилар.

Хутор қизларининг колонистларимизга мойиллиги ҳозирча ишқ-муҳаббат даражасига бориб етмаган эди. Улар колония қизлари билан ҳам яхши алоқада эдилар, чунки бизнинг қизларимиз анча билимли, «шаҳар қизлари» бўлиб, шу билан бирга уларни кеккайган «ойимқиз» деб ҳам бўлмас эди. Ишқ-муҳаббат ва ишқий саргузаштлар анча кейин келди. Шунинг учун хутор қизлари фақат пасқам-пасқам жойларда учрашиш ва булбул қўшиқлари остида юришнигина эмас, ижтимоий бойликларни ҳам излар эдилар. Улар колонияга тобора кўплашиб, гала-гала келадиган бўлиб қолишди. Улар колония тўлқинларида якка-якка сузишга ҳали қўрқар эдилар: скамейкага қатор келиб ўтиришарди-да, янги ва қизиқ-қизиқ таассуротларни завқланиб тинглар эдилар. Балки уларни, бинобарин ичидагина эмас, ҳатто ҳовлида ҳам писташка чақишнинг ман' этилганлиги роятда ҳайратда қолдиргандир?

Ёш авлоднинг бизнинг ишимизга хайрихоҳлиги натижасида хусусий мулкнинг дахлсизлигини билдириб туручи четанлар, деворлар ва дарвозалар эндиликда ўз вазифаларини ўтамай қўйди. Шунинг учун, колонистлар ҳаддидан шу қадар ошиб кетдики, ҳатто ўтиб бўлмайдиган жойлардан «кўприк» солабошладилар. Қатнаш воситаси бўлмиш бундай туйнуклар Россияда расм бўлмаса керак. Бу восита шундан иборат эдики, четан орасидан эксиз тахта кўндаланг ташлаб, учи икки қозиққа тираб қўйилади.

Коломак блан колония ўртасидаги йўлни тўғрилашда экинларни ҳам босишга тўғри келди, бу айбни бўйнимизга олмасдан иложимиз йўқ. Ҳарҳолда, йигирма учинчи йилнинг баҳорига бориб бу йўл Октябрь темир йўли[1] блан баслашаоладиган бўлиб қолган эди. Бу нарса сводний отрядларимизнинг ишини анча енгиллаштирди.

Сводний отрядга овқат ҳаммадан олдин берилади. Соат ўн иккидан йигирма минут ўтиши блан отряд овқатини еб бўлиб, дарҳол ишга жўнайди. Колония навбатчиси унга отряднинг номери, отряд а'золарининг рўйхати, командирнинг номи, қанақа иш ва қачон бажарилиши батафсил ёзилган қоғоз топширади. Бу одатни қўллаган

---

[1] *Октябрь темир йўли* — Москва блан Ленинград ўртасидаги тўппа-тўғри темир йўл.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шере олий математикадан фойдаланиб, бажариладиган ишнинг ҳарбир метри, ҳарбир килограммигача ёздирарди.

Сводний отряд жадал йўлга чиқади, олдинма-кетин тизилиб боручи болалар беш-олти минут ичида йироқ далагача етиб, уйлар орасида кўздан йўқолади. Унинг кетидан, колония навбатчиси блан сўзлашиб қолган учинчи «К» отрядими, ё бўлмаса учинчи «С» отрядими йўлга чиқади. Бирпасниг ичида бутун далани сводний отрядларимизнинг қатор тизилган а'золари босиб кетади. Шу орада, ертўла томига чиқиб ўтирган Тоська жаранглатиб:

— Биринчи «Б» отряди қайтиб келаётир,—деб хабар қилиб қолади.

Дарҳақиқат, хутор қўраларининг четан деворлари орқасидан биринчи «Б» отрядининг турнадай тизилган а'золари бирин-кетин кўринабошлайди. Биринчи «Б» отряди ҳамавақт ер ҳайдаш ёки экин экиш ишларида, умуман от-улов блан бажариладиган ишларда ишлайди. Отряд эрталаб соат беш яримда ишга чиқиб кетган, отряд командири Белухин ҳам отряд блан бирга эди. Ертўла томида ўтирган Тоська, Белухинни кўрмоқчи бўлиб бўйнини чўзиб қарайди. Бирнеча минутдан сўнг олти колонистдан иборат биринчи «Б» отряди колония ҳовлисига кириб келади. Отряд а'золари ўрмон ичига қўйилган стол теварагида ўтираркан, Белухин колония навбатчисига рапорт беради. Рапортда отрядниг қачон ишга келгани ва ишни қандай бажаргани Родимчикнинг қўли блан ёзилган бўлади.

Белухиннинг одатдагидек вақти хуш:

— Беш минут кечикдик. Айб — флотда. Биз ишга шошиб турибмиз-у, Митька бўлса аллақандай олибсотарларни қайиққа солиб юрипти.

— Қанақа олибсотарларни?— дейди навбатчи қизиқиб.

— Узинг биласан-ку! Боғни ижарага олгани келган олибсотарлар-чи?

— Хўш, хўш?

— Аммо мен ҳам анойимасман: дар'ё лабидан буёққа ўтқизмадим. Сизлар олмани туширасизлар-у, бизлар қараб ўтирамизми? Келган ерингизга қайтиб кетаверинг дедим!.. Салом, Антон Семёнович, бу ерда ишлар қалай?

— Саломатмисан, Матвей.

— Ростингизни айтинг, Родимчикдан қачон қутуламиз? Жуда уят-ку, Антон Семёнович! Колонияда санқиб юришдан бошқа нарсани билмайди, кўрган одамнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

юраги тарс ёрилиб кетай дейди. У туфайли ишдан ҳам ҳафсаланг қочади, бунинг устига, у киши яна рапортга қўл қўйишлари керак. Нега энди у киши қўл қўйиши керак экан, ҳайронман!

Родимчикдан колониянинг ҳамма болалари безор эди.

Шу маҳалда иккинчи колониядаги болаларнинг сони йигирматадан ошиб қолган, иш ҳам кўпайиб кетган эди. Шере, дала ишларини фақат биринчи колониянинг сводний отрядларига топширар эди. Отхона, молхона, тобора кенгайиб бораётган чўчқахоналарда эса иккинчи колония болалари ишларди. Иккинчи колониядаги боғни тартибга келтириш учун айниқса кўп куч сарф қилинарди. Тўрт десятина келадиган боғ ёш-ёш мева дарахтларига тўла эди. Шере боғда катта ишларни бошлаб юборди: бутун боғ ҳайдалди, дарахтлар буталди, дарахт таглари тозаланди; каттагина смородиназор ҳам тозаланди, йўлкалар ва гулзорлар қурилди. Яқиндагина қурилган оранжереямиз шу кўкламда маҳсулот ҳам берабошлаган эди. Дар'ё бўйида ҳам иш кўп эди: ариқлар қазилар, қамишлар ўриб олинар эди.

Қўрғон ремонти ҳам битиб қолди. Ҳатто, ичи қовак бетондан қурилган отхонанинг кўчиб ётган томлари ҳам энди ғашимизга тегмас эди, чунки усти толь билан ёпилган, ичида эса дурадгорлар чўчқаларга оғил қуриб бўлмоқда эдилар. Шеренинг тахминича, бу ерга юз эллиқта чўчқа сиғиши керак эди.

Иккинчи колониянинг, айниқса қиш паллаларида, колонистларни ўзига тортадиган ҳечнарсаси йўқ эди. Эски колонияда рўзғоримиз саранжом, тахт бўлиб қолган, ҳамма нарсамиз жой-жойига тушган эди, биз унга шу қадар ўрганиб қолган эдикки, ҳатто сандиққа ўхшаган ғиштин иморатларнинг хунуклигини, шинам ва кўркам эмаслигини ҳам сезмас эдик. Қатъиқ тартиб, покизалик ва ҳатто энг арзимаган нарсанинг ҳам ўз жойига муносиб тушганлиги кўркамлик ва шинамлик ўрнида эди.

Илон изидай буралиб-буралиб оқувчи Коломак бўйига жойлашган иккинчи колония ниҳоятда кўркам бўлишига, унинг баланд-баланд қирғоқлари, боғлари, катта-катта кўркам бинолари бўлса-да, ҳозиргача унинг фақат ярми харобалардан тозаланган, ҳамаёғида бинокорлик материаллари чочилиб ётар, ҳар ерига оҳак чуқурлари қазиб ташланган эди, қўрғоннинг ҳамаёғини шу қадар бурган босиб кетган эдики, ба'зан мен: бу бурган ўтлардан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қутулиш куни келармикин ё йўқмикин деб ўйланиб қолардим.

Яшаш учун ҳам бу ернинг кўп жойи ҳали тайёр эмас эди: ётоқхоналар бинойидек бўлса ҳам, ҳақиқий ошхона йўқ эди. Ошхонани ҳам бир амаллаб битказдик, қарасак: ертўла тайёр эмас. Аммо, энг катта нуқсонимиз хизматчиларнинг йўқлиги эди: иккинчи колонияда ишни кенг миқёсда бошлаб юборишга журъат этадиган кимса йўқ эди.

Бу нарса ахир шунга олиб келдики, иккинчи колонияни тиклаш ишига зўр ғайрат ва иштиёқ билан киришган колонистлар бу ерда туришни истамадилар. Братченко ҳар куни бу колониядан у колонияга йигирма чақирим қатнашга, қорнининг оч қолишига ва чала уйқу бўлиб юришга ҳам рози эди, аммо иккинчи колонияга кўчишни ўзига ор деб биларди. Ҳатто Осадчий ҳам:

— Колониядан кетсам кетаманки, аммо Трепкеда ўлсам ҳам турмайман,—дерди.

Биринчи колониянинг энг яхши ва ўткир болалари шу даврга келиб бир-бирлари билан шу қадар аҳил бўлиб кетган эдики, уларни бир-биридан айириш этни теридан ажратиш билан баравар эди. Уларни иккинчи колонияга кўчирай десанг, иккинчи колонияни ҳам, болаларнинг ўзларини ҳам хавф остига қўйган бўлардинг. Болалар бунга жуда яхши тушунардилар. Карабанов деярди:

— Бизнинг болалар бамисоли жийрон от. Бурунга ўхшаганини яхшилаб аравага қўшиб, чуҳ дединг ми — бўлди, қулоқларини чимириб, йўрғалаб кетаверади, жиловини қўйиб юборсанг борми — тамом, ўзини ҳам, аравани ҳам жарга обориб ташлайди.

Шу сабабларга кўра, иккинчи колонияда характери ҳам, қадр-қиймати ҳам бутунлай бошқача янги коллектив тузилабошлади. Бу коллективга кирган болалар биринчи колония болаларидай ўткир эмас, улардай актив эмас эди, аммо уларни тарбиялаш айтарлик қийин ҳам эмас эди. Уларнинг бари ғўр кўринар, педагогика нуқтаи назаридан ажратиб қўйилган болалар коллективига ўхшарди.

Қизиқ ва ўткир характерли болалар у ерда кам учрарди, бундайлар кичик ёшдаги болалардан ўсиб етишар ё бўлмаса янги келганлар орасидан бирдан чиқиб қоларди, аммо у кезларда бундай болалар ҳали ўзларини кўрсатаолмас, етилмаган «трепкелилар» тўдасида билинмай юрар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Трепкелилар»нинг бари шундай эдики, уларни кўриб мен ҳам, тарбиячилар ҳам, колонистлар ҳам хафа бўлиб кетардик. Улар ишёқмас, искирт, ҳаттоки тиланчилик қилишдан ҳам тортинмас эди. Уларнинг биринчи колонияга ҳамиша ҳаваслари келиб юрарди; бурчак-бурчакка тўпланиб, биринчи колониядагиларга қандай обед ва ужин берилгани ҳақида, биринчи колония омборига фалон озиқ келтирилди, нима учун бизга келтирилмади деб шивир-шивир қилиб юришар эди. Улар очиқдан-очиқ норозилик билдиришга қобил эмас эдию, аммо бурчак-бурчакда шивир-шивир қилиб юришни ва бизнинг расмий вакилларимизга қўрслик қилишни билар эди.

Бизнинг колонистларимиз «трепкелилар»ни менсимай, мазах қилабошладилар. Задоров ёки Волохов иккинчи колониядан биронта ношукурни бошлаб келарди-да, ошхонага олиб кириб:

— Мана бу очнинг қорнини тўйғазиб қўйинглар,— деярди.

«Корни оч» бола уялганидан овқатдан бош тортарди. Аммо аслини суриштирганда иккинчи колония болаларига бериладиган овқат анча яхшироқ эди. Узларининг полизлари бор, тегирмондан унча-мунча ун сотиб олиб турилар ва, ниҳоят, ўзларининг сигирлари бор эди. Бизнинг колонияга сут келтириш қийин: йўл ҳам йироқ, от ҳам етишмас эди.

Иккинчи колонияда ишёқмас ва инжиқ коллектив етишмоқда эди. Юқорида айтилгандек, бунга бирқанча шароит, хусусан, намуна бўладиган болаларнинг йўқлиги ва тарбиячиларнинг ёмон ишлаши сабаб эди.

Педагоглар маошни оз, иши қийин деб, колонияга ишга кирмас эдилар. Ахир, халқ маорифи бўлими дуч келган кишилардан Родимчикни, ундан кейин Дерюченкони юборди. Улар хотин ва бола-чақалари блан келиб, колониянинг энг яхши уйларини эгаллаб олишди. Мен, шуларнинг ҳам топилганига шукур қилиб, қаршилик кўрсатмадим.

Дерюченконинг кимлиги сим ёғочдай аниқ ва равшан: у петлюрачи эди. У рус тилини «билмас», колонияниинг ҳамма ерига Шевченконинг жўн расмларини ёпиштириб чиқди-да, болаларга «украинча ашула» ўргатишга киришди; унинг қўлидан бундан бошқа ҳечқанақа иш келмас эди.

Дерюченко ҳали анча ёш эди. Башарасидан уччига чиққан запорожьели чапанига ўхшарди: мўйловлари бураган, сочлари ҳам жингалак қилинган, ҳатто гул солиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикилган украинча кўйлагининг ёқасига тақилган попук галстуги ҳам буралиб-буралиб кетган эди. Шундай бўлса ҳам, бу кишига, украин давлатига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларни бажаришга, я'ни колонияда навбатчилик қилган кунлари эса колонистлар блан бирга ишлашга тўғри келар эди. Бу ишларни у ниҳоятда фойдасиз ва ортиқча деб билар, колонияниинг ўзига эса жаҳон миқ'ёсидаги идеяларга мутлақо алоқаси бўлмаган, фойдасиз, бема'ни бир нарса деб қарарди.

Дерюченконинг колонияга қанчалик фойдаси тегса, Родимчикнинг ҳам шунчалик фойдаси тегар эди, аммо Родимчик ундан ҳам баттар жирканч эди...

Родимчик ўттиз ёшда бўлиб, илгари ҳархил ишларда: жиноий қидириш идорасида, кооперацияда, темир йўлда ва, ниҳоят, болалар уйларида ўсмирларни тарбиялашда ишлаган. Унинг юзи худди сийқаланиб, қуришиб-буришиб кетган эски картмонга ўхшарди. Бу юзнинг ҳамасри ғижимланган ва қизғиш эди. Пучуқ бурни бирёққа қийшайиб кетган, супрадек юмшоқ ва латтасимон қулоқлари калласига ёпишиб қолган, қийшиқ оғзининг у ер, бу ери, худди ножўя ишлатилгандай, йиртилиб ҳам кетган эди.

Родимчик колонияга бола-чақаси блан кўчиб келиб, эндигина ремонтдан чиққан квартирани эгаллаб олди ва бир ҳафта ўтгач муҳим бир ишим чиқиб қолди деган мазмунда менга хат ташлаб, бирдан ғойиб бўлди. Уч кундан кейин бир деҳқон аравасида қайтиб келди, аравасининг орқасига сигир боғланган эди. Родимчик сигирни бизнинг сигирларга қўшиб қўйишни колонистларга буюрипти. Ҳатто Шере ҳам бу кутилмаган гапдан довдираб қолди.

Бирнеча кундан кейин Родимчик олдимга арз қилиб келди:

— Мен, хизматчиларга бунчалик ёмон муносабат бўлар деб кутмаган эдим. Эски замонларнинг ўтиб кетганини бу ердагилар ҳали билишмаса керак. Бошқалар сут ичганда менинг ҳам, болаларимнинг ҳам сут ичишга ҳақимиз бор. Ҳукуматнинг мени сут блан та'мин этишини кутмасдан, ўзим ташаббус кўрсатиб, қанча меҳнатлар сарф қилиб, тишимда тишлаб юрган пулимга сигир олиб, ўзим етаклаб келганимдан кейин мени та'қиб этиш эмас, қўллаб-қўлтиқлашингиз керак эди. Менинг сигиримга қандай муносабатда бўлишаётир? Колониянинг бирқанча гарам пичани бор, унинг устига, арзон баҳо блан тегирмондан кепак олинади ва яна кўп нарсалар олиб турилади. Мен-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гачи? Ҳамма сигирга ем берилса, меники оч қолади, болаларга айтсам, менга қўпол равишда, ҳамма сигир олиб келаверса боқаверамизми! деб жавоб беришади! Ҳамма сигирнинг тагини тозалашади, менинг сигиримнинг таги эса беш кундан бери тозаланмайди, ҳамаёғи ифлослигича турипти. Бундан чиқди, сигирнинг тагини хотиним тозалаши керак экан-да? Тозалашдан ҳам қочмайди-я, аммо болалар белкурак ҳам, паншаха ҳам беришмайди, похол деган нима? Арзимаган бир нарса, аммо тагига солайлик десак похол ҳам беришмайди. Агар похолдай арзимаган бир нарсанинг аҳамияти шу қадар баланд бўлса, кескин чора кўришга мажбур эканлигимни олдиндан сизга айтиб қўйишга мажбурман. Ҳозир партияда эмаслигимнинг аҳамияти йўқ. Мен партияда бўлганман ва менинг сигиримга бундан бошқачароқ муносабат бўлишига лойиқ одамман.

Мен ҳечнима тушунмай, бу одамнинг бетига бақрайиб қараб қолибман, ҳатто у блан курашишнинг бирон имконияти бор-йўқлигига бирмунча вақт ақлим ҳам етмай ўтирдим.

— Шошманг, ўртоқ Родимчик, бу қандоғ бўлди? Ахир, сигир—сизнинг ўзингизники, нима учун жамоат мулки блан хусусий мулкнинг фарқига бораолмаганингизга тушунолмай турибман. Қолаверса, педагогсиз, ахир. Ўз тарбиянгиз остида бўлган болалар олдида ўзингизни қандай аҳволга солиб қўйишингизни билишингиз керак.

— Нима қипти?— деб жоврай кетди Родимчик. Мен текинга боқишсин демайман, ем-хашак пулини ва болаларнинг меҳнат ҳақини тўлайман, агар арзон баҳо блан бўлса. Боламнинг бошидаги берет шапкасини ўғирлашганда мен ҳечнима демадим-ку? Ким ўғирлаган? Албатта, болалардан бошқа ҳечким ўғирламайди!

Мен уни Шерега рўпара қилдим.

Шу орада Шере ўзига кепти-да, Родимчикнинг сигирини огилдан чиқартириб юборипти. Бирнеча кундан кейин сигир кўринмай қолди: эгаси сотиб юборган бўлса керак.

Икки ҳафтача ўтди. Волохов умумий мажлисда масала кўтариб қолди:

— Бу қандай гап? Нега Родимчик колонистлар полизидаги картошкани қазиб олади? Ошхонамизда картошка йўқ-ку. Родимчик қазиганни қазиган, ким рухсат берди?

Колонистлар Волоховнинг гапини қувватлашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гап картошкада эмас,— деди Задоров.— Бола-чақали одам, майли, сўраб олсин, картошкани аямаймиз, аммо Родимчикнинг бизга нима кераги бор? Эртадан кечгача уйидан чиқмайди, чиқса ҳам қишлоққа равона бўлади. Болалар кирлаб кетган, у киши бўлса қорасини кўрсатмайди, болалар худди ёввойи одамларга ўхшаб юришади. Рапортга қўл қўйдирганн борсак тополмаймиз: у киши ё ухлаб ётган бўладилар, ё овқат еб ўтирган бўладилар, ё бўлмаса вақтим йўқ, кутиб тур дейдилар. Нима фойда у кишидан?

— Тарбиячиларнинг қандай ишлашини биз биламиз,—деди Таранец.—Родимчик қанақа? Сводний отряд блан бирга ишга навбатчи бўлиб чиқади-да, чопқи блан ярим соатча ерни қиртишлаб ўтириб: «менинг бир ерга бориб келадиган ишим бор» деб жўнаб қолади, шу кетганича икки соат йўқ бўлиб кетади, бир маҳал қарасанг, қишлоқдан бир қоп нарса кўтариб келаётган бўлади...

Мен чора кўришга болаларга ва'да бердим. Эртаси куни Родимчикни олдимга чақиртирдим. Кечқурун келди, танҳо иккимиз эдик, мен унга танбиҳ берабошладим. Аммо гапни бошлаганимча қолавердим, Родимчик тутоқиб, менга гап бермай, жовраб кетди:

— Бу гапларнинг кимдан чиққанини биламан, менга ким ўра қазиётганини ҳам биламан, барчаси немисдан чиққан гап! Ундан кўра, ўзининг кимлигини бир текшириб кўринг, Антон Семёнович. Мен текшириб чиқдим: менинг сигирим учун пулга ҳам похол топилмади, ахир сигиримни сотиб юбордим, болаларим сутсиз қолди, сутни қишлоқдан олиб келишга тўғри келади. Энди Шере ўзининг Милордини нима блан боқади деб сўранг? Нима блан боқади, биласизми? Йўқ, билмайсиз! Паррандаларга атаб қўйилган сўкдан олиб, Милордига бўтқа пиширнб беради. Сўкдан-а! Уз қўли блан пиширнб итига беради, бир тийин тўламайди ҳам! Узининг агрономлигидан ва сизнинг унга ишониб қўйганлигингиздан фойдаланиб у киши колонистларга тегишли сўкни ҳечкимга билдирмасдан итларига едирадилар!

— Бу гапларни қаердан эшитдингиз?— деб сўрадим Родимчикдан.

— Мен бекордан бекорга гапириб юрадиган одам эмасман! Мен унақа одамлардан эмасман, мана, ўзингиз бир қаранг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ич чўнтагидан кичкина қоғоз пакет чиқариб, очиб кўрсатди. Қогоз ичида қорамтир-оқ тусли аллақандай бир нарса бор эди.

— Бу нима ўзи?— деб сўрадим, ҳайрон бўлиб.

— Мен мана шуни айтаман-да! Бу — Милорднинг тезаги. Тезаги, биласизми? То ўз кўзим блан кўрмагунимча кетидан пойлаб юрдим. Энди кўрдингизми, Милорднинг нима еб, нима ташлашини? Худди сўкнинг ўзгинаси. Сўкни сотиб олармиди? Албатта, ўз пулига сотиб олмайди, омбордан олиб чиқаверади.

Родимчикка қараб туриб:

— Менга қаранг, Родимчик, колониядан тезроқ жўнаб кетганингиз ма'қул,— дедим.

— Нега энди «жўнаб кетар» эканман?

— Қанча тез жўнаб кетсангиз шунча яхши бўлади. Сизни ишдан бўшатиш ҳақида бугун буйруқ бердираман. Ўз хоҳишим блан бўшайман, деб ариза берсангиз, ўзингизга яхши бўлади.

— Мен бу ишни шундайлигича қўймайман!

— Майли. Шундайлигича қўйманг, аммо мен сизни ишдан бўшатаман.

Родимчик чиқиб кетди; «ишни шундайлигича қўйди»-да, уч кундан кейин колониядан кўчиб кетди.

Иккинчи колонияни нима қилиш керак эди? Бундай бўлаверса, «трепкелилар»нинг яхши колонист бўлиб етилиши маҳол, бу ҳолга ортиқ чидаб туриб бўлмас эди. Иккинчи колония болалари ўртасида уриш-жанжал бўлиб турар, бир-бирларининг нарсаларини ўғирлар эдилар, бу эса ёмон коллектив нишонаси эди.

«Бу ла'нати ишга одамларни қаердан топсам экан-а? Чин, асл одамларни?»

Асл одамларми? Қанийди энди, бу одамлар зотан оз эмас-ку!

27. Комсомолга етишиш

1923 йилда горькийчиларнинг чиройли сафлари янги истеҳкомга етиб келди, бунинг номи комсомол эди, лекин қанчалик ғалати туйилмасин, унга жанг блан эришиш керак бўларди.

Горький номидаги колония ҳечвақт ташқи олам блан алоқани узмаган эди. Йигирма биринчи йилдан бошлабоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

атрофдаги аҳоли блан алоқамиз ниҳоятда кенг ва хилмахил бўлиб кетган эди. Атрофимиздаги энг яқин қўшниларимиз социал жиҳатдан ҳам, тарихий сабабларга кўра ҳам бизнинг катта душманимиз эди, аммо биз унга қарши қўлимиздан келганича кураш олиб бориш блан бирга, хўжалик масалаларида, айниқса мастерскойларимиз туфайли бир-биримиз блан муомала ҳам қилиб турардик. Ҳарҳолда, хўжалик муносабатларимиз душман лагери доирасидан ташқари ҳам чиқарди, чунки бизнинг мастерскойларимиз узоқ-яқин жойлардаги деҳқонларнинг ҳожатини чиқариб турарди: мастерскойларимиздан чиқадиган саноат маҳсулотлари Сторожевое, Мачухи, Бригадировка каби узоқ юртларгача етиб борар эди. Еннмиздаги Гончаровка, Пироговка, Андрушевка, Забираловка деган қишлоқларни биз йигирма учинчи йилга бориб хўжалик жиҳатидангина эмас, кўп жиҳатдан ўзлаштириб олгандик. Ҳатто аргонавтларимизнинг[1] эстетик мақсадлар блан, я'ни маҳаллий қизларнинг чиройини текшириш ёки соч қўйиш, қадам ташлаш, жилмайиш соҳаларидаги ўз ютуқларини, ўз қадди-қоматларини намойиш қилиб кўрсатиш мақсади блан қишлоқларга қилган дастлабки саёҳатлари ҳам ижтимоий муносабатларнинг кенгайишига сабаб бўларди. Худди шу қишлоқларда колонистларимиз комсомоллар блан биринчи марта танишдилар.

Бу қишлоқларда комсомоллар оз, сифат жиҳатдан ниҳоятда заиф эдилар. Қишлоқ комсомолларининг ўзлари ҳаммадан олдин қизлар ва самогон блан кўпроқ қизиқар, кўпинча колонистларга ҳам ёмон та'сир кўрсатар эдилар. Коломакнинг ўнг қирғоғида, иккинчи колониянинг рўпарасида, Ленин номли қишлоқ хўжалик артели тузила бошлагач, бу артель блан қишлоқ совети ва ҳамма хуторлар ўртасида қаттиқ душманлик туғилди, фақат шу вақтдан бошлаб биз, комсомолларда жанговар руҳ борлигини кўрдик ва артель ёшлари блан дўстлашиб кетдик. Колонистлар артельдаги ҳамма ишларнинг ипидан игнасигача билар эдилар, улар артель тузилишидаги ҳамма мушкуллик ва қийинчиликлардан хабардор эдилар. Дастлаб артель қулоқларнинг катта-катта ерларини тортиб олишга киришди ва хуторлиларнинг аҳиллик ва

---

[1] Автор бу ўринда колонистларни қадимги юнон афсоналаридаги «Арго» кемасида узоқ Колхида соҳилларига биринчи марта сафар қилган паҳлавонларга ўхшатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаҳру-ғазаб блан кўрсатган қаршиликларига дуч келди. Артель ўз ғалабасига осонлик блан эришмади.

У вақтларда хуторлилар жуда кучли эдилар, шаҳарда уларнинг ҳомийлари бўлар эди, уларнинг қулоқлик хусусиятларини эса шаҳардаги кўпгина арбоблар нечундир билгуси келмас эди. Бу курашда энг катта жанг майдонлари шаҳар идоралари бўлиб, энг кучли қурол — сиёҳ блан қалам эди; шу сабабдан, колонистлар бу курашда очиқдан очиқ иштирок этолмас эдилар. Аммо, ер масаласи ҳал бўлиб, мураккаб асбоб-ускуна операциялари бошланиши блан, бизнинг болаларимиз ва артель болаларига бирталай қизиқ ишлар топилдики, шу иш устида икки томон янада қаттиқроқ дўстлашиб кетди.

Шундай бўлишига қарамай, комсомоллар артельда унча катта роль ўйнамас эдилар, уларнинг ўзлари ҳам бизнинг катта ёшдаги колонистларимизга қараганда анча ожиз эдилар. Мактаб машғулотлари колонистларга кўп нарса берар ва уларнинг сиёсий онгини анча оширар эди. Колонистлар ўзларини пролетармиз деб мағрурланар ва ўз позициялари блан қишлоқ ёшлари позицияси ўртасидаги тафовутни жуда яхши тушунар эдилар. Оғир ва сермеҳнат деҳқончилик ишлари уларнинг: «келажакда биз бутунлай бошқа ишларда ишлаймиз, бошқа ҳунар орттирамиз» деб ўйлашларига имкон берар эди.

Колонистларнинг энг катталари келажакдан нималар кутишларини ва нималарни орзу қилишларини батафсил айтиб беришга қодир бўлиб қолган эдилар. Бу интилиш ва орзуларнинг юзага келишида асосий рольни қишлоқ ёшлари эмас, шаҳар ёшлари ўйнади.

Вокзалдан сал нарироқда жуда катта паровоз мастерскойлари жойлашган эди. Колонистларга у ишхонада энг қимматли одам ва нарсалар тўплангандай туюларди. Паровоз мастерскойлари шонли революцион традицияларга эга бўлиб, у ерда кучли партия коллективи бор эди. Колонистлар бу мастерской эмас, ақлга сиғмайдиган ажойиб ва ғаройиб бир қаср деб, унга кириб ишлашни орзу қилиб юрардилар. Қасрда «Кўк қуш[1]»нинг ялтиллаб турган устунлари эмас, ундан ҳам ажойиброқ нарсалар, паҳлавон кранларнинг қанотлари, бу блан ишлайдиган баҳайбат гурзилар, мураккаб револьвер станоклар ярқираб турарди. Қаср ичида унинг эгалари —

[1] *«Кўк қуш»* — афсонавий ҳодиса тасвирланган пьеса.

www.ziyouz.com kutubxonasi

олижаноб шаҳсодалар юрарди, уларнинг устивошлари паровоз мойидан ялтирар, улардан пўлат ва темирларнинг минг хил ҳиди келиб турарди. Уларнинг муқаддас асбобларга — цилиндрларга, конусларга, қасрдаги ҳамма қимматбаҳо нарсаларга тегиш, ушлаб кўришга ҳадлари сиғар эди. Одамларнинг ўзи ҳам бутунлай бошқача эди. Малла соқолларини тараб юручи ва юзлари тарс ёрилай деб турган хуторлиларга ўхшамас эдилар. Уларнинг келишган ва доно чеҳраларидан билим ва ирода, станоклар ва паровозларни идора қилабилиш, минг хил дастак, супорт, ричаг ва штурвалларнинг мураккаб қонунларини билганликлари кўриниб турарди. Бу одамлар орасида бирталай комсомоллар ҳам бор эканки, уларнинг янгича ишлашларини, эпчил ҳаракатларини кўриб, маҳлиё бўлиб қолдик; бу ерда биз ғайрат ва иштиёқ ҳукм сурганини кўриб билдик, ишчиларнинг ўткир, кескин сўзларини эшитдик.

Ҳа, шундай, йигирма иккинчи йилларда кўп колонистларнинг энг юксак орзу-тилаги — паровоз мастерскойига кириб ишлаш эди. Колонистларимиз инсоният нинг ундан ҳам ажойиб ижодлари бўлмиш Харьков, Ленинград заводлари, афсонавий Путилов ва Сормово, ВЭКларнинг ҳам та'рифини эшитар эдилар. Аммо, дун'ёда яна нималар йўқ дейсиз! Провинцияда ўсиб тарбияланучи камтар колонист боланинг ҳамма нарсани ҳам орзу қилаверишга ҳақи йўқ! Аммо, ёнимиздаги паровозчилар блан тобора яқинроқ танишиб, уларни ўз кўзимиз блан кўриш, ўз қўлимиз блан ушлаб кўриш, уларнинг ҳамма ишларини билиш ва ҳатто сезиш имкониятига эришдик.

Дастлаб уларнинг ўзлари бизникига келишди, келганда ҳам комсомоллар келди. Якшанба кунларидан бирида кабинетимга Карабанов ҳовлиқиб югуриб кирди-да:

— Паровоз мастерскойидан комсомоллар келишди! Жуда соз бўлди-да! . .— деб бақирди.

Комсомоллар бизнинг колониямиз та'рифини кўп эшитган, энди биз блан яқиндан танишгани келишган экан. Улар етти киши эди. Болалар очиқ кўнгил блан уларни ўртага олишди, эртадан кечгача уларнинг пинжидан жиқмай юришди, уларга иккинчи колонияни, отларимизни, асбоб-анжомларимизни, чўчқаларимизни, Шерени, оранжереяни кўрсатишди, шу блан бирга колонистлар, паровоз ишхоналари олдида бизнинг бойлигимизнинг нақадар кичкина ва арзимас эканлигини чин юракдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

сезардилар. Комсомолларнинг бизнинг олдимизда кек-каймаслиги, ўзларининг биздан устун туришларини кўрсатмасликлари ва ҳатто кўп нарсаларни кўриб хурсанд бўлиб кетишлари бизнинг болаларни ғоят ҳайратда қолдирди.

Шаҳарга қайтиш олдидан комсомоллар мен блан суҳбатлашгани киришди. Улар нима учун колонияда комсомол ташкилоти йўқ дедилар. Мен уларга бу масаланинг бугун фожиавий тарихини гапириб бердим.

Йигирма иккинчи йилдан бошлабоқ биз колонияда комсомол ячейкасини тузиш ҳаракатига киришган эдик, аммо маҳаллий комсомол ташкилотлари бунга тамомила қарши чиқар эди: ахир, колонияда жиноятчи болалар-ку, шундай экан, колонияда комсомолнинг бўлиши мумкинми? дейишарди улар. Уларга ялиниб ҳам кўрдик, уришдик ҳам, жанжал ҳам қилдик, бўлмади, улар болаларингиз жиноятчи болалар деб туриб олди. Майли, колониядан чиқишсин, ўзларининг одам бўлиб тузалганларини исбот этишсин, шундан кейин айрим йигитларни комсомолга олиш мумкинми, йўқми — муҳокама қилиб кўрамиз дердилар.

Паровозчилар бизнинг дард-ҳасратимизни тинглаб, шаҳар комсомол комитети блан гапиришиб кўришга ва'да бердилар. Ҳақиқатан ҳам келаси якшанба куни комсомоллардан бири яна колониямизга келди, аммо у, бизга фақат шум хабар айтгани келган экан. Шаҳар ва губерна комсомол комитетларида: «Тўғри-да, колонистлар ўртасида кўпгина собиқ махночилар, жиноятчи унсурлар, умуман ўтмиши қоронғи болалар бўлгандан кейин, колонияда комсомол нима қилсин?» дейишипти.

Мен унга, бизда махночилар жуда оз, бўлса ҳам бари Махно отрядларига билмасдан бориб қолганлигини тушунтирдим. Мен яна унга, «тузалди» деган сўзни шаҳардагилар расман тушунишади, бундай тушуниш ярамайди деб айтдим. Бизга одамни фақат «тузатиб»гина қўйиш кифоя қилмайди, биз у одамни янгича тарбия қилишимиз керак, я'ни шундай қилишимиз керакки, у одам фақат жамият учун хавфсиз ва зарарсизгина бўлиб қолмай, янги даврнинг энг ишчан арбоби бўлиб етишсин. Бундай одам комсомолга киришга интилсаю, унинг кўкрагидан итариб, болалик вақтида қилган эски гуноҳларини юзига солиб турса, бу қандай тарбия бўлади? Паровозчи гапимга қўшиларди ҳам, қўшилмасди ҳам. Ҳаммадан ҳам уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

гумонга солиб қўйган нарса чегара масаласи эди: у, колонистни комсомолга қачон қабул қилиш мумкин, қачон қабул қилиш мумкин эмас ва бу масалани ким ечади? деган нарсага тушунаолмасди.

— Ким ҳал қилади дейсизми? Колония комсомол ташкилоти ҳал қилади, бошқа ким ҳал қиларди?

Паровозчи комсомоллар бундан кейин ҳам колонияга келиб-кетиб юришди, аммо ахир мен ҳам уларнинг бу келиб-кетиб юришларидан бизга бошқачароқ бир назар блан қарашларини сезиб қолдим. Улар бизга фақат жиноятчи деб қарар эдилар; улар болаларнинг ўтмишларини билишга тиришар эдилар ва бизнинг ютуқларимизга фақат бир шарт блан, я'ни бу ерга фақат ғайриоддий болалар тўпланган деган шарт блан тан беришга ҳозир эдилар. Мен айрим комсомолларни зўр-базўр ўз томонимга тортдим.

Колония тузилган кундан бошлаб бизнинг бу масаладаги позициямиз ўзгармай келар эди. Жиноятчиларнинг ўтмишини ва уларнинг қилган жиноятларини бутундай унутишни мен жиноятчиларни қайгадан тарбиялашнинг энг асосий усули деб ҳисоблардим. Бу усулни камолга етказиш менинг ўзим учун ниҳоятда оғир эди, бирталай бошқа тўсиқлар блан бир қаторда, ўз табиатимни ҳам ўзгартиришим керак эди. Колонистнинг нима учун колонияга юборилганлиги, қандай гуноҳларга дучор бўлганини суриштириб билгим келар эди. У вақтларда одатдаги педагогика мантиқи медицина мантиқига тақлид қилиб, ўзини доно қилиб кўрсатишга тиришарди-да, касални тузатиш учун олдин унинг қандай касал эканлигини билиш керак, деб уқдирарди. Бу мантиқ ба'зан мени ҳам, айниқса ҳамкасабаларимни ва халқ маорифини ҳам йўлдан урарди.

Кичик ёшдаги жиноятчилар ишлари юзасидан тузилган комиссия, колонияга юборилган болаларнинг «дело»ларини ҳам қўшиб юборар эди, бу папкаларда ҳархил сўроқлар, юзма-юз қилишлар ва гўё касални билишга ёрдам беручи бошқа минг хил сафсаталар ёзилган материаллар бўларди.

Мен, колониядаги ҳамма педагогларни ўз томонимга тортишга муваффақ бўлдим, натижада 1922 йилдаёқ комиссиядан бизга ҳечқандай «дело» юбормасликни сўрадим. Биз колонистларнинг ўтмишдаги жиноятлари блан ҳеч ҳам қизиқмайдиган бўлдик, бу шу қадар яхши

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлдики ҳатто колонистларнинг ўзлари ҳам ўз жиноятларини унутабошладилар. Колонияда ўтмиш блан қизиқишнинг йўқолаборишини, кундалик турмушимизда шум, хаста ва бизга ёт кунларнинг асари ҳам қолмаганлигини кўриб жуда хурсанд бўлардим. Бу соҳада биз жуда катта муваффақиятга эришдикки, ҳатто колонияга янги келган болалар ҳам ўз қаҳрамонликларини гапириб беришга уялар эдилар.

Мана шундай бир аҳволда, колонияда комсомол ташкилотини тузиш масаласидай ажойиб бир ишни бошламоқчи бўлиб турганимизда, бирдан яна ўтмишимизни эслашга ва «тузалиш», «жиноий иш», «дело» каби жирканч сўзларни эшитишга тўғри келди.

Тўсиқ болаларнинг комсомолга интилишини зўрайтириб юборди: улар ҳатто муштлашишдан ҳам тоймайдиган бўлиб қолган эдилар. Таранецга ўхшаган муросасоз болалар бошқа йўл тутишни таклиф қилар эдилар, улар: комсомолга киришни хоҳлаган болаларнинг қўлига «тузалди» деб гувоҳнома берилсину, ўзлари колонияда қолаверсин, деярдилар. Кўплар бундай ҳийлага қарши чиқишди. Дарғазабликдан қизариб кетган Задоров деярди:

— Буннинг ҳеч кераги йўқ! Биз нима, нодонмизми? Ҳийла-найранг блан одамларни алдашнинг кераги йўқ. Биз, колонияда комсомол ташкилоти бўлишига эришишимиз керак, комсомолга киришга ким лойиқ, ким нолойиқ — буни комсомолнинг ўзи ҳал қилади.

Болалар шаҳар комсомол ташкилотларига кўп қатнар ва ўз мақсадларига эришишга тиришар эдию, аммо бундан натижа чиқмасди.

Йигирма учинчи йилнинг қиш палласида биз яна бир комсомол ташкилоти блан танишиб, дўстлашиб қолдик. Воқиа ўзи қизиқ бўлди.

Бир куни кечқурун Антон икковимиз уйга қайтиб келаётган эдик. Қичкина ва енгил чанага йилтиллаб турган семиз Мэри қўшилган эди. Энди тепадан ошиб тушабошлаган эдикки, бирдан туя учраб қолди,— биз томонларда туя жуда кам учрайди. Мэри, туяни кўриб, ҳуркиб кетдида, бир сесканиб, олдинги оёқларини кўтарди ва шотида питирлаб, чанани олиб қочди. Антон чананинг олдинги тахтасига оёқларини тираб олса ҳам, бияни тўхтатаолмади. Енгил чанамизни муҳим бир нуқсони бор эди (буни Антон менга анчадан бери айтиб юрарди): чанамизнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

шотиси калта эди, бу эса кейинги воқиаларга сабаб бўлди ва бизни юқорида айтилган комсомол ташкилотига яқинлаштирди. Юраги чиқиб кетаёзган Мэри ҳамон олиб қочар, кейинги оёқлари блан чананинг олдидаги темирни тепар ва ундан баттар ҳуркиб, бизни фалокат сари олиб борар эди. Антон блан икки кишилашиб тизгинни тортабошлаган эдик, ундан ҳам баттар бўлиб кетди: Мэри бошини кўтариб, борган сари қутурарди. Мен, фалокат рўй берадиган жойни ҳам аниқ кўриб борардим: йўл муйилишида, сув будкаси ёнида бирнеча деҳқон чанага қўшилган отларини суғориб турарди. Йўл берк, илож йўқ эди. Аммо Мэрининг будка блан бирнеча чана ўртасидан қандай ўтиб кетганини ўзимиз ҳам билмай қолдик. Қулоғимизга ёғочнинг қасирлаши, одамларнинг бақирган товушлари эшитилди, аммо биз шу орада анча жойга бориб қолган эдик. Тепалик тугади, биз текис ва тўғри йўлдан чанани чоптириб кетабошладик. Антон ҳатто орқасига қараб, бошини чайқаб:

— Аллакимнинг чанасини тилка-тилка қилибмиз шекилли, қочиб қолиш керак,— деди.

Антон, кучининг борича елиб чопувчи Мэрига қамчи солмоқчи бўлган эди, қўлидан ушлаб:

— Барибир қочиб қутулаолмайсан, отларини қара, лочиндай,— дедим.

Дарҳақиқат, орқамиздан чиройли учқур от бақувват оёқларини илдам ташлаб елиб келар, унинг орқасида форма кийган киши шўрлик қочқинлардан кўзини узмай қараб келар эди. Тўхтатдик. Қизил петлицали киши чана кучерининг елкасини ушлаб турарди, чунки ўтирадиган жой йўқ эди: чананинг орқа томондаги бутун ўриндиғи ва суянчиғи тилка-тилка бўлиб кетган, чананинг яна аллақандай бўлаклари йўлда судралиб келар эди.

— Кетимиздан юринг,— деди дарғазаб бўлиб, ҳарбийча кийинган киши.

Биз уларнинг кетидан кетдик. Антон вақти хуш бўлиб, нуқул илжаярди: олдинги чанани роса боплаб кетганимиздан беҳад хурсанд эди. Уч минутлардан кейин ГПУ комендатурасига кириб бордик, шундан кейингина Антон ҳайрон қолган ва афсусланган бўлиб:

— Оббо, ГПУ чанасига дуч келиб қолибмиз-ку...— деди.

Форма кийган одамлар бизни ўртага олишди, улардан бири менга қараб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ёш бола кучерлик қилгандан кейин нима бўларди... Отга бунинг кучи етармиди? Жавоб берасиз энди,— деб бақирди.

Антон хафа бўлиб тумшайди ва дилини оғритган одамга йиғлагудай бўлиб калла силкитди-да:

— Бола дейди-я, бу киши! Нега кўчага туя ҳайдаб қўйишади? Нега ҳархил ифлослар оёқ остида ўралишиб юради? Бия унга чидаб тураоладими? Чидайоладими?

— Қанақа ифлос?

— Туяни айтаман!

Форма кийганлар кулиб юборишди.

— Қаерликсизлар?

— Горький колониясидан,— дедим.

— Ийя, булар горькийчилар экан-ку! Сиз ким бўласиз, колония мудиримисиз? Яхши чўртан балиқларни тутибмиз-ку бугун! — деб кулди ёшгина йигит, хурсанд бўлиб. У, ёнига бошқаларни чақириб, бизни худди азиз меҳмондай уларга кўрсатар эди.

Атрофимизга бирталай одам тўпланиб қолди. Улар ўзларининг кучерларини мазах қилар, Антоннинг жонига тегиб, колония ҳақида гап сўрар эдилар.

— Биз колониянгизга анчадан бери бормоқчи бўлиб юрувдик. Колония болаларини жуда ўткир болалар дейишади. Шу якшанба куни албатта борамиз.

Бироқ шу он завхоз кириб, қовоғидан қор ёғиб, аллақандай акт ёзишга киришди. Атрофдагилар унга ўшқириб беришди:

— Бюрократлигингни қўйсангчи! Нима қиласан ёзиб?

— Нима қилар эдим? Чананинг абжағини чиқариб юборганларини кўрдингизми? Тузатиб беришсин.

— Протокол ёзмасанг ҳам тузатиб беришади. Тузатиб берасизлар, а?.. Қани, ҳа, ундан кўра колониядан гапириб беринглар. Сизларда ҳатто карцер[1] ҳам йўқ эмиш, ростми?

— Карцерни бошимизга урамизми? Сизларда-чи, сизларда борми? — деб қизиқиб сўради Антон.

Атрофимиздаги одамлар хахолаб кулиб юбориб:

— Якшанба куни албатта борамиз. Чанани олиб борамиз, тузатиб берасизлар,— дейишди.

— Якшанбагача мен нимада юраман?— деб бақирди завхоз.

---

[1] *Карцер* — айбдорни якка қамайдиган жой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен уни хотиржам қилдим:

— Бизнинг яна бир чанамиз бор, ҳозир бизга бир одам қўшиб юборинглар, олиб келади.

Шундай қилиб, колония яна янги ва асл дўстлар орттирди. Якшанба куни чекист комсомоллар колонияга келишди. Нима учун колонистларнинг комсомолга кириши мумкин эмас? деган масала яна муҳокамага қўйилди. Бу масалани ҳал қилишда чекистларнинг ҳаммаси бирдамлик блан бизнинг томонимизни олди.

— Бу майнавозликлари нимаси? — дейишди улар менга,—жиноятчи деганлари нимаси? Бекорчи гап, бундай дегани одамлар уялсин... Биз бу ишни тўғрилаймиз, бу ерда иложи бўлмаса, Харьковда ҳал қиламиз.

Шу орада бизнинг колониямиз «жиноятчи болалар учун очилган намуна ўқув юрти» деган ном блан бевосита Украина Маориф Халқ Комиссарлиги қарамоғига ўтказилган эди. Колониямизга Маориф Халқ Комиссарлигининг инспекторлари келабошлади. Булар, ижтимоий тарбиянинг яхшилигига кўклам наш'аси та'сири остида ишонган енгилтак одамлар эмас эди. Харьковдан келучиларни ижтимоий тарбия масаласида папкаларга ёпиштирилган қоғозлар, айрим шахсларнинг ҳуқуқлари ва шу каби лирик сафсаталар кам қизиқтирарди. Улар янги ташкилий формалар ва янги муносабатларни изларди лар. Уларнинг энг яхши хулқлари шу эдики, фақат бахтли бир лаҳзага муҳтож бўлган доктор Фаустга ўхшамас эдилар, бизга ўртоқларча муносабатда бўлар, биз блан биргалашиб янги усуллар излаб топишга тайёр ва бирорта янги усул топилиб қолса хурсанд бўлар эдилар.

Харьковлилар бизнинг комсомол ҳақидаги дардимизни эшитиб, ҳайрон бўлишди:

— Комсомолсиз ишлаб юрибмиз денглар?.. Мумкин эмасишми? Кимдан чиққан гап бу?

Кечқурунлари улар катта ёшли колонистлар блан шивир-шивир қилишар ва бир-бирларига «э, афсус!» деб, бошларини чайқар эдилар.

Маориф Халқ Комиссарлиги ва шаҳардаги дўстларимизнинг тавсияси блан Украина Комсомол Марказий Комитетида масала бирпасда ҳал қилинди ва йигирма учинчи йилнинг ёзида колониямизга Тихон Нестерович Коваль деган бир киши сиёсий раҳбар этиб тайинланди.

Тихон Нестерович қишлоқда туғилиб ўсган экан. Унинг йигирма тўрт йиллик таржимаи ҳоли қишлоқдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

кураш соҳасида кўп қизиқ ҳодисалар блан бойиган, сиёсий иш тажрибасига эга эди, ундан ташқари, ўзи доно, хушфеъл ва оғир табиатли одам эди. У колонистлар блан биринчи даф'а учрашиши блануқ худди тенгқурдай гапиришабошлади, дала ишларида ҳам, хирмонда ҳам ўзининг тажрибали деҳқон эканлигини кўрсатди.

Колонияда етти кишилик комсомол ячейкаси тузилди.

28. Тантанали маршнинг бошланиши

Дерюченко бирдан русча гапирабошлади. Бу ғайритабиий ҳодиса Дерюченко хонадонида юз берган бирқанча кўнгилсиз ҳодисалар блан боғлиқ эди. Бутун можара, Дерюченконинг украинчилик ғоялари блан мутлақо иши бўлмаган ҳомиладор хотинининг дард тутиб қолишидан бошланди. Шонли казак авлодига янги фарзанд қўшилиши Дерюченкони анча ҳаяжонга солиб қўйган бўлса-да, аммо уни гангитиб қўймаган эди. У Братченконинг олдига бориб, ҳақиқий украин тилида, доя келтиришга от-арава бер деб талаб қилади. Братченко, бирқанча насиҳат ўқиш мароқидан ўзини маҳрум қилгуси келмай, янги Дерюченконинг туғилишини қоралади, чунки «колониянинг транспорт планида унинг туғилиши кўзда тутилмаган эди», шаҳардан доя келтиришни ҳам яхши иш деб топмади, чунки, Антоннинг фикрича, «доя блан туғадими, доясиз туғадими, бунинг фарқи йўқ» эди. Шундай бўлса ҳам, Дерюченкога от-арава берди. Эртаси куни Дерюченконинг хотинини шаҳарга олиб бориш керак бўлиб қолди. Антоннинг шу қадар жони-пони чиқиб кетдики, от бериш керак ё керакмаслигини ҳам ўйламасдан:

— Бермайман,— деб туриб олди.

Шундан кейин мен ҳам, Шере ҳам, колония жамоатчилиги ҳам Антоннинг бу қилиғини шундай қораладикки, ахир от-арава беришга мажбур бўлди. Дерюченко, Братченконинг ҳамма насиҳатларини сабр-тоқат блан тинглаб бўлиб, аввалгидек ма'нодор ва тантанали сўзлар блан уни бундай деб кўндирмоқчи бўлди:

— Иш дарров бир қарорга келишни талаб қилганидан, вақтни ўтказмаслик керак, ҳурматли ўртоқ Братченко.

Антон математика мантиқига амал қилиб гапирар ва бу мантиққа унинг дош беролмаслигига қатъий ишонар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Доя келтираман дедингиз — иккита от бердим. Бердиммн? Бердим. Дояни шаҳарга олиб бориб қўйишга яна иккита от бердимми? Бердим. Кимнинг туғиш-туғмаслиги блан отнинг нима иши бор?

— Келинг энди, ўртоқ...

— «Келинги» борми? Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: ҳамма туғаверса унда нима бўлади?

Антон ҳамон ўзининг норозилигини билдирмоқ учун, туғруқ ишларига ўзининг энг ёмон кўрган ва битта-битта қадам ташлаб юрадиган отларини берар ва бунинг устига фойтун бузилиб қолган деб, шарабан қўштирар ва Сорокани кучер қилиб тайинларди, Сороканинг арава миниши эса от- араванинг энг бемаза ишга қўшилганини кўрсатар эди.

Аммо, Дерюченко хотинини шаҳардан келтириш учун яна от сўраганда Антоннинг жазаваси тутиб кетди. Сирасини айтганда, Дерюченкога ота бўлиш насиб қилмаган эди: туғилмасдан илгариёқ Тарас деб от қўйилган тўнғичи туғруқхонада бир ҳафтача умр кўриб, казак авлоди тарихига зиғирча бўлса ҳам ўз улушини қўшмасдан, ўлган эди. Дерюченконинг юзида ўринли мотам аломатлари пайдо бўлди, гапирганда ҳам худди оғир мусибатга учраган одамдай секин-секин гапирар эди, аммо, шунга қарамасдан, унинг бошига тушган бахтсизликни фожиа деб бўлмасди, албатта; шунинг учун Дерюченко ҳамон украинча гапираверди. Аммо Братченко, ғазаби келиб, тутоқиб кетганидан ҳечбир тилда гап топиб гапираолмас, оғзидан фақат ярим-ёрти ва тушуниб бўлмайдиган гаплар чиқарди:

— Отни бекорга берибман-да! Извозчик бўпмиз... шошмасак ҳам бўларди... бир соат вақт кетди... Ҳамма туғаверса... Туққани блан фойдаси бўлмаса...

Дерюченко шўрпешона хотинини ўз уясига қайтариб олиб келгандан кейингина Братченко азобдан қутулди. Бу ғамгин можарода Братченко ортиқ қатнашмади, аммо можара ҳали тугамаган эди. Можарага бутунлай бегона ва алоқаси бўлмаган бир иш илашганда Тарас Дерюченко ҳали дуи'ёга келмаган эди, аммо правардида бу иш можарага айланиб кетди. Бу иш ҳам Дерюченконинг бошига бир мусибат бўлиб тушди. Иш шундан иборат эди.

Тарбиячилар ва колония хизматчиларининг қозони колонистлар блан бир эди. Аммо, бирмунча вақтдан кейин, оилавий турмуш хусусиятларини назарга олиб ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ошхонанинг ишини бироз камайтириш мақсадида, ба'зи хизматчиларга дон-дунни хомлигича бериш тўғрисида Калина Ивановичга буйруқ бердим. Шу ҳисобдан Дерюченко ҳам омбордан дон олиб турарди. Бир куни шаҳардан жиндаккина сариёғ олиб келиб қолдим. Мой жуда оз эди, бирнеча кун қозонга солганимиздан кейин тамом бўлди. Шунинг учун бу мойдан овқатни хомлигича олучиларга ҳам бериш керак деган фикр ҳечкимнинг эсига келмаган эди. Аммо Дерюченко, колонистлар қозонига уч кундан бери сариёғ тушаётганини эшитиб, бирдан ҳовлиқиб келиб қолди. Дарҳол овқатни хомлигича олишдан воз кечди-да, тайёр овқатдан берилсин деб ариза берди. Бахтга қарши, шу маҳалда Калина Ивановичнинг омборхонасида сариёғ тамом бўлган эди, шунинг учун Дерюченко менинг олдимга яна югуриб келди-да, қат'ий норозилик билдирабошлади:

— Одамни шу қадар таҳқирлаш мумкинми? Қани сариёғ?

— Сариёғ? Сариёғ йўқ, еб битирдик.

Дерюченко яна ўзимга ҳам, оиламга ҳам овқат хомлигича берилсин деб ариза ёзди. Марҳамат! Аммо, икки кун ўтмасдан Калина Иванович яна сариёғ олиб келиб қолди, бу сафар ҳам ёғ озгина эди. Дерюченко бу мусибатни ҳам аламн блан бирга ютиб юборди ва ҳатто иссиқ овқатга ўтаман деб ариза ҳам бермади. Броқ, бизнинг халқ маорифимизда бирнима бўлдию, маориф арбоблари ва колонистларнинг организмларига оз-оздан сариёғ кириб турадиган бўлиб қолди. Калина Иванович шаҳардан қайтганда ҳар сафар арава ичидан устига оппоқ дока ёпилган хурмача оларди. Ахир шундай бўлдики, Калина Иванович шаҳарга шу хурмачасиз бормайдиган бўлди. Кўпинча хурмачанинг усти очиқлигича қайтиб келарди, албатта, шундай пайтларда Калина Иванович хурмачани аравадаги похол ичига думалатар ва:

— Мутлақо нодон халқ экан! Берадиган бўлсанг мўлроқ қилиб бер. Бу берганинг нима бўлади? Юқ ҳам бўлмайди! — деярди.

Аммо, Дерюченко ахир чидаш беролмади: яна иссиқ овқатга ўтди. Броқ, бу одамда ҳаётнинг олға қараб боришини кўриш қобилияти йўқ эди, колонияда мойнинг тобора кўпайиб боришини сезмади, сиёсий онгги жуда ожиз бўлгани сабабли, миқдорнинг ма'лум босқичда сифатга айланишини билмас эди. Худди шу ўзгариш унинг хона-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дови бошига катта мусибат бўлиб тушди. Бирдан биз шу қадар кўп миқдорда сариёғ оладиган бўлдикки, ҳатто хом овқат олучиларга ўтган ярим ой учун ҳам мой бериш имконияти туғилди. Калина Ивановичнинг омборхонасига хотинлар, бувилар, катта қизлар, қайнаналар ва иккинчи даражадаги кишилар келиб, олтиндай сапсариқ мойни уйларига кўтариб кетавердилар. Дерюченко эса яна мойсиз қолди: у, ўзига тегишли мойни колонистлар қозонидан олиб еб битирган эди. Толе'сизликдан ва аламдан Дерюченко рангини ҳам олдириб қўйди. Энди нима қиларини билмай, гангиб қолган Дерюченко озиқ-овқатни хомлигича олиш тўғрисида яна ариза ёзиб келтирди. Унинг дарди-аламни жуда зўр, унга ҳамма ачинар эди, аммо бошига шундай катта мусибат тушса ҳам, ўзини казак ва эркак кишидай тутиб юраверди, ўзининг ужраин тилида гапиришини ташламади.

Худди шу пайтда сариёғ можараси Дерюченконинг ўз авлодини кўпайтиришга беҳуда уринган вақтига тўғри келиб қолди.

Дерюченко Тараснинг ўлиб кетганидан хотини билан бирга ҳасратлашиб ўтирган бир пайтда, тақдир бирдан адолат кўрсатиб, Дерюченко анчадан буён орзу қилиб юрган шодликни келтирди: хом овқат олучиларга ўтган ярим ой учун паёк берилсин деб буйруқ бердим, паёкда бу сафар яна сариёғ кўрсатилган эди. Бахтиёр Дерюченко суюна-суюна Калина Ивановичнинг олдига халта кўтариб келди. Кўкда қуёш порлаган, бутун табиат чақнаб, кулиб турган бир пайт эди. Аммо, бу манзара узоққа бормади. Ярим соат ўтар-ўтмас Дерюченко хафа бўлиб олдимга югуриб келди. Қетма-кет тушиб турган тақдир тошига унинг боши бардош беролмаган эди, изидан чиқиб қолган ва ўнқир-чўнқирларга ҳам қарамай йўл босучи бу одам чинакам рус тилида энтика-энтика гапирарди:

— Нима сабабдан менинг ўғлимга сариёғ берилмади?

— Қайси ўғлингизга? — деб сўрадим, ҳайрон бўлиб.

— Тарас ўғлимга. Қайси ўғлимга бўлардн? Бунинг отини ўзбошимчалик дейдилар, ўртоқ мудир! Оиладаги ҳамма жонга паёк берилиши керак экан, беринглар!

— Ҳа, сизнинг Тарас деган ҳечқанақа ўғлингиз йўқку, ахир?

— Борми, йўқми, сизнинг ишингиз эмас. Ўғлим Тараснинг иккинчи июньда туғилиб, ўнинчи июньда ўлганлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида қўлингизга справка олиб келиб берганман, вассалом, ўғлимнинг саккиз кунлик ҳақини беринг-да!..

Атайлаб можарани тамоша қилиш учун келган Калина Иванович секин Дерюченконинг тирсагидан ушлади:

— Уртоқ Дерюченко, қайси аҳмоқ чақалоқ болага сариёғ едиради? Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бундай овқатни чақалоқ ҳазм қилаоладими?

Мен уларнинг икковига бақрайиб қараб қолибман.

— Калина Иванович, бутун сизга бирнима бўлдими ўзи!.. Чақалоқнинг ўлганига уч ҳафта бўлди, ахир...

— Ийя, ҳали ўлиб ҳам кетди денг? Яна нима дейсиз энди? Ўлганга исириқ қанчалик фойда келтирса, сариёғнинг ҳам болангизга шунчалик фойдаси тегар экан. Ўлипти-ку, яна нима дейсиз!

Дерюченко дарғазаб бўлиб уй ичида изғиб юрар ва қўлини пахса қилиб:

— Менинг оиламда саккиз кунгача тенгҳуқуқли а'зо умр кечирди, тегишини беришга мажбурсиз,— деди.

Калина Иванович ўзини зўрга кулгидан тийиб:

— Қандай қилиб тенгҳуқуқли а'зо бўлади? Назарий жиҳатдан тенгҳуқуқли бўлгани тўғри, аммо амалий жиҳатдан қараганда ҳечнарса йўқ-ку: дун'ёга келгани ҳам, келмагани ҳам ма'лум эмас,— деди.

Аммо, Дерюченко издан бутунлай чиқиб кетган, шунинг учун унинг бундан буёнги хатти-ҳаракати мутлақо тартибсиз ва бемаза хатти-ҳаракат эди. Унинг ҳатто бутун қиёфасидаги махсус аломатлари, я'ни мўйлови, сочлари, галстуклари ҳам шалвайиб осилиб қолган эди. Шу ҳолатда губерна халқ маорифи мудирининг олдига бориб устимдан арз қилди ва бу билан ўзининг расволигини яна кўрсатипти. Губерна халқ маорифининг мудири мени олдига чақиртирди-да:

— Сизнинг бир тарбиячингиз шикоят қилиб келди,— деди.— Менга қаранг, бунақа одамларни дарров даф' қилинг-а! Нимага колонияда бундай манфаатпараст одамларни ушлаб турасиз? Олдимга келиб, аллақаёқдаги гапларни гапириб ўтиripти: аллақанақа Тарасми-ей, сариёғ дейдими-ей!

— Уни ўзингиз юборгансиз.

— Йўғ-ей, ундай эмасднр... Дарров ҳайданг-е!

Икки воқеанинг, я'ни Тараснинг туғилиши билан сариёғ можарасининг бир-бирига қўшилиши шундай яхши патижа келтирди. Родимчик қайси йўлдан кетган бўлса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дерюченко ҳам хотини блан бирга шу йўлдан жўнаб кетди. Вақтим хуш бўлди, колонистлар ҳам хурсанд бўлди, юқоридаги воқиалар юз берган бир парча Украина ери ҳам ором олди. Аммо, севинч блан бирга бошимга яна ташвиш тушди. Асл одамларни қаердан топаман? деган ўша эски масала бўғзимга пичоқ қадалгандай туриб олди, чунки иккинчи колонияда энди битта ҳам тарбиячи қолмаган эди. Буни қаранг, толе'дан ўргилайки, Горький номидаги колониянинг жуда омади келиб турган пайт бўлса керак, кутилмаган бир маҳалда, жуда зарур асл одамни учратиб қолдим. Тағин қаерда денг? — Кўчада! У киши тротуарда, халқ маорифининг та'минот бўлими э'лон ёпиштирадиган тахтага орқасини қилиб, тезак ва похол блан ифлос бўлиб ётган чанг кўчани тамоша қилиб турар эди. Биз Антон икковимиз складдан крупа солинган қоп ташиб чиқмоқда эдик. Бирдан Антоннинг оёғи чуқурга тушиб кетиб, йиқилди. Асл одам дарҳол фалокат тепасига югуриб келди-да, икки кишилашиб қопни аравага ортдик. Мен у кишига ташаккур билдириб, келишган қоматига, ёш ва жозибадор юзига ва менинг ташаккуримга жавобан сипоҳгарчилик блан кулиб қўйганига э'тибор бериб қарадим. Кубаньча оқ қалпоқни бошига ҳарбийларча ўхшатиб кийиб олганди.

— Ҳарбийлардансиз дейман? — деб сўрадим.

— Топдингиз,— деб кулди у киши.

— Кавалерист бўлсангиз керак?

— Ҳа.

— Ундай бўлса, халқ маорифида сизни нима қизиқтирганини билолмай турибман.

— Менга мудир керак эди. Ҳозир келиб қолади дейишди, кутиб турибман.

— Бирон ишга кирмоқчимисиз?

— Ҳа, мени физкультура инструктори этиб тайинлаймиз дейишган эди.

— Ундоғ бўлса, олдин мен блан гапиришинг.

— Яхши.

Гапиришдик. У кишини аравага тушириб, уйга жўнадик. Пётр Ивановичга бутун колонияни кўрсатдим, унинг ишга тайинланиши кечқурунгача ҳал бўлди.

Пётр Иванович колонияга бирталай фазилатлар блан келди. Унда бизга керакли ҳамма нарса бор эди: ўзи ёш, ишга ўч, қўлидан ҳарнарса келарди, чарчашнинг нималигини билмас, сергайрат ва вазмин бир одам эди;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундан ташқари, бизга кераги йўқ хислатлардан ҳам ҳоли эди: унда педагогик бид'атлар йўқ, колонистлар олдида кеккаймас, манфаатпарастликнинг нималигини билмас эди. Булардан ташқари, Пётр Ивановичнинг яна бошқа яхши хислатлари бор эди: ҳарбий ишни яхши кўрарди, рояль чалишни биларди, унча-мунча ше'р ҳам ёзиб юрар ва ўзи ниҳоятда полвон эди. Унинг қўли остида иккинчи колония иккинчи куниёқ янги тусга кирди. Пётр Иванович гоҳ ҳазил билан ё бўлмаса буйруқ бериб, ё масхара қилиб, ё бўлмаса ўзи ўрнак кўрсатиб, болаларни коммунага уюштирабошлади. Пётр Иванович менинг ҳамма педагогик йўл-йўриқларимга софдиллик билан ишониб, уларни қабул қилди ва уларга қат'ий амал қилиб ишлади, бу билан у ҳархил самарасиз педагогик баҳслар ва сафсатабозликдан мени қутқарди.

Иккала колониямизнинг ҳаёти яхши тузатилган поездек илгарилайбошлади. Хизматчиларимизда олдин мен кўрмаган ва сезмаган жиддийлик ва пухта ишлаш одати пайдо бўлганини сездим: Тихон Нестерович, Шере ва Пётр Иванович, бошқа ҳамма эски хизматчиларимиз сидқидил билан ишлар эдилар.

Шу маҳалда колонистларнинг сони саксонга етиб қолган эди. Йигирманчи ва йигирма биринчи йилларда келган кадрлар бир-бирлари билан жуда аҳил бўлиб, колонияда очиқдан-очиқ бошчилик қилар эдилар, янги келган ҳарбир колонистга ҳар қадамда мустаҳкам ирода намунаси бўлар эдилар, бу аҳил группанинг иродасига бўйсунмасликнинг ера иложи бўлмасди. Тағини суриштирганда, уларнинг амрига ҳечким қаршилик кўрсатмади, десам бўлади. Янги келганларни колония ўзининг кўркамлиги билан, турмушнинг соддалиги ва режа билан уюштирилганлиги, ҳархил қизиқ-қизиқ расм-одат ва традициялари билан ҳайратда қолдирар эди; бу расм-одат ва традицияларнинг кўпининг келиб чиқиши ҳатто «қариялар»нинг ҳам эсидан чиқиб кетган эди. Ҳарбир колонистнинг вазифаси қат'ий ва мустаҳкам иборалар билан бизнинг конституциямизда қайд қилинган эди, шунинг учун колонияда ўзбошимчаликка, бесўнақай ва хунук қилиқларга жой қолмаган эди. Айни вақтда, бутун колония олдида жуда аҳамиятли вазифа турарди, бу вазифа — иккинчи колония ремонтини тамомлаш, ҳамма болаларни бир жойга тўплаб, хўжаликни кенгайтиришдан иборат эди. Бу вазифанинг биз учун мажбурий эканлигига ва бу вазифани муқаррар

www.ziyouz.com kutubxonasi

бажаришимизга ҳечким шак-шубҳа қилмас эди. Шунинг учун биз кўп етишмовчиликларга кўникиб кетаверар эдик, ортиқча ўйин-кулгидан ҳам кечар эдик, ўзимизга яхши костюм олмасак ҳам, тансиқ овқатларга пул сарфламасак ҳам, ортдирган ҳарбир тийин пулимизни чўчқахонага, уруғликка, янги ўрим машиналарига сарфлар эдик. Тиклаш соҳасидаги бу катта-кичик қурбонларимизга биз шу қадар ишонч блан қарар эдикки, умумий мажлисда ёшлардан бирортаси янги иштон тиктирилса бўларди деб қолса, мен гапни ҳазилга айлантириб, деярдим:

— Олдин иккинчи колонияни битказайлик, бойиб олайлик, ана шундан кейин ҳарқанақа кийимларни тиктираверамиз: колонистларга бахмал кўйлак блан кумуш камар, қизларга шоҳи кўйлак, амиркон туфлилар тикиб берилади, ҳар отрядга биттадан автомобиль, ундан ташқари, ҳарбир колонистга биттадан велосипед олиб берилади. Бутун колониянинг ҳамма ерига минг-минг туп атиргуллар экиб ташлаймиз. Билдингларми? Аммо, унгача қўлимиздаги уч юз сўм пулга симменталь зотли яхши сигир олиб турайлик.

Колонистлар қота-қота кулишарди, шундан кейин ямалган-чатилган чит иштонлар ҳам, ёғ босиб кетган кулранг кепкалар ҳам кўзларига унча эски бўлиб кўринмасди.

Колония коллектнвининг тепасида турганлар ҳозир ҳам мусаффо ахлоқ йўлидан чиқиб турар эдилар, бунинг учун уларни койиб турар эдик, аммо ер юзида бундай гуноҳ қилмайдиган биронта одам топиладими ўзи? Бизнинг ниҳоятда қийин ва оғир ишимизда эса колониянинг улуғлари жуда пухта ишланган ва пухта ишлайдиган аппарат эканлнкларини кўрсатди. Уларни мен айниқса шунинг учун яхши кўрар эдимки, уларнинг бутун хатти-ҳаракати улуғликдан секин-аста тушишга, бутун колония болаларини ўз та'сирларига олишга қаратилган эди.

Улуғлар қаторига бизнинг деярлик ҳамма эски танишларимиз: Карабанов, Задоров, Вершнев, Братченко, Волохов, Ветковский, Таранец, Бурун, Гуд, Осадчий, Настя Ночевнаялар кирарди; аммо, кейинги вақтларда булар орасида янги номлар пайдо бўлдики, улар — Опришко, Георгиевский, Волков Жорка, Волков Алёшка, Ступицин, Кудлатий эди.

Опришко Антон Братченконинг кўп хусусиятларини ўзлаштирган эди: серғайрат, отларни яхши кўрарди ва ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳоятда меҳнатсевар эди. Опришко Антон сингари талантга эга эмас, у сингари кўзга яқин ҳам эмасди, аммо унинг ўзигагина хос бўлган бошқа фазилатлари бор эди: ғайрати тўлиб-тошиб ётар, ҳаракатлари эпчил, қўли теккан нарса гуллаб кетаверар эди.

Георгиевский колонистлар назарида икки хил одам эди. Юзига қараган одам лўли деб ўйларди. Дарҳақиқат, қопқора юзи, шаҳло кўзлари, эринчоқлик блан айтадиган ҳазил ва аскиялари, бировнинг мулкига бежо қарашлари лўлиларга ўхшаб кетарди. Аммо, дурустроқ қараганда, Георгиевскийнинг интеллигент оиладан чиққани шубҳасиз эди: кўп китоб ўқиган, яхши парвариш кўрган, шаҳар болаларига ўхшаган кўҳлик, гапирганда ҳам тилини бироз чучук қилиб, худди аристократ каби гапирар эди. Колонистлар, Георгиевскийни собиқ Иркутск губернаторининг ўғли деб юрардилар. Георгиевскийнинг ўзи бундай расво отадан туғилганини инкор этарди, унинг ҳужжатларида ҳам ла'нати ўтмиш изларини кўрсатувчи ҳеч нима йўқ эди, аммо бундай маҳалда мен кўпроқ колонистларга ишонардим. Иккинчи колонияда Георгиевский олтинчи отряд командири бўлиб, унинг ажойиб хусусияти бор эди: ҳеч ким ўз отряди блан унчалик шуғулланмасди. Георгиевский ўз болаларига китоблар ўқиб берар, вақти келганда кийинтириб ҳам қўяр, тепаларида туриб ювинтирарди, болаларни ишонтириб, алдаб-сулдаб, ялиниб-ёлвориб йўлга солар эди. Командирлар советида Георгиевский ҳамиша болага муҳаббат ва ғамхўрлик ғояларини кўтариб чиқар эди. У кўп муваффақиятлари блан фахрланаоларди. Унга энг ифлос, мишиқи болалар топширилардн, бир ҳафтадан кейин қарабсизки, Георгиевский уларнинг сочларини тараб, топтоза, олифта қилиб, колония меҳнатига бўйсундириб қўйипти.

Колониямизда иккита Волков бор эди: биттаси Жорка, иккинчиси Алёшка. Улар ака-ука бўлса ҳам, бир-бирига сира ўхшамас эди. Жорка колонияга келиши блан ёмон одатини кўрсатабошлади: ўтакетган ишёқмас, ўзини жўрттага касалликка солиб юрадиган, хулқи ёмон, арзимаган нарсаларга аразлаб, жек сақлаб юрадиган бола эди. Одамга ҳеч кулиб қарамас, гапиришмас эди, мен ҳатто «бизнинг болалардан эмас, қочиб кетади» деб қўйгандим. У ҳеч қандай тантана-дабдабасиз, педагогларнинг меҳнатисиз ўзгариб кетди. Ертўла қазиш учун Галатенко блан Жоркадан бошқа кими қолмагани командирлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

советида бирдан ма'лум бўлиб қолди. Буни эшитиб, ҳамма кулиб юборди.

— Бу икки ялқовни минг қилганда ҳам бир-бирига қовуштириб бўлмайди,— дейишди.

Советдатилардан бири: бир тажриба қилиб кўрайлик, я'ни икковидан сводний отряд тузиб кўрайликчи, қани, қанча қазишаркин, деган таклиф киритган эди, ҳамма баттар кулиб юборди. Жорка командир қилиб сайланди; Галатенко ундан баттар танбал эди. Жоркани советга чақиртириб келдилар, мен унга:

— Волков, гап бундай: биз сени сводний отряд командири этиб тайинладик, ертўла қазийсизлар, ёнингга Галатенкони бердик. Аммо Галатенкони ишлатаолишингга кўзимиз етмай турипти,— дедим.

— Ишлатаман,— деб пўнғирлади Жорка, бирпас ўйлаб тургандан кейин.

Эртаси куни навбатчи колонист ҳовлиқиб келиб қолди:

— Юринг, бир бориб кўринг, Жорка Галатенконинг бурнини тоза ерга ишқаяпти! Аммо, билдирмасдан секин боринг, эшитиб қолса бўлмайди.

Биз чакалак оралаб, секин можара тепасига бордик. Боғнинг қолган-қутган дарахтлари орасидаги яланг жойга бўладиган ертўла учун тўртбурчак чизиқ тортиб қўйилган эди. Тўртбурчакнинг бир бошида Жорка, иккинчи бошида Галатенко турар эди. Ишчи кучининг тақсимланиши ва кимнинг қандай ишлаётгани дарров кўринарди: Жорка бирнеча квадрат саржин ерни қазиб қўйган, Галатенко эса атиги кафтдек ерни энди қиртишлаб бўлган эди. Аммо Галатенкони ишламай бекор турипти деб бўлмасди: йўғон оёғи блан белкуракни бесўпақай босар, ўзи оғир калласини ҳадеб Жорка томонга буриб, қараб-қараб қўяр эди. Жорка унга қараб турмаган бўлса, Галатенко ишдан тўхтардию, аммо бир оёғини белкуракдан олмасди: бирон киши кўриниб қолса, белкуракни ерга босиб, ўзини ишлаб турган одам қилиб кўрсатишга тайёр эди. Лфтидан, бу ҳийла-найранглар Волковнинг жонига теккан бўлса керак, Галатенкога қараб:

— Мени, тепамда туриб ялинади деб ўйлаяпсанми? Сен блан олишиб ўтиришга вақтим йўқ,— дейди.

— Нега мунча тиришмасанг? — деб пўнғирлайди Галатенко.

Жорка индамасдан Галатенконинг ёнига келади:

— Сен блан гап сотишга хушим йўқ, билдингми? Агар

www.ziyouz.com kutubxonasi

мана бу ердан мана бу ергача қазиб қўймасанг, обедингни ахлатхонага тўкиб ташлайман.

— Тўкиб бўпсан! Антоң нима дейди, биласанми?

— Нима деса деяверсин, тўкиб ташлайман дедим, тўкиб ташлайман, шуни билиб қўй.

Галатенко Жорканинг кўзига тикилиб қарайди-да, Жоркаиинг обедни тўкиб ташлашдан тоймаслигига кўзи етади.

— Ҳа ишлаяпман-ку, мунча сўна бўлавермасанг?— деб пўнғирлайди. Қўлидаги белкураги илдам-илдам ерга ботади, навбатчи колонист тирсагимни қисиб қўяди.

— Рапорт берганингда буни ҳам қўшиб қўй,— деб шивирлайман, навбатчига.

Кечқурун навбатчи рапортини:

— Биринчи Волков командирлиги остидаги учинчи «П» сводний отрядининг бугун яхши ишлаганига эътибор берилишини илтимос қиламан,— деб тамомлайди.

Карабанов Волковнинг бошини қаттиқ қисиб, хахолаб кулди:

— Оббо сен-ей! Қани энди, ҳамма командирнинг иши ҳам шундай тақдирланса!

Жорка ғурур блан илжайди. Кабинет эшигида турган Галатенко ҳам бизга жилмайиб:

— Рост, бугун роса ишладик, ўлардай ишладик деса бўлади,— деб хириллаб қўйди.

Шу-шу Жорка бутунлай ўзгариб кетди, камолга етди. Икки ой ўтмасдан командирлар совети уни иккинчи колониядаги ялқов еттинчи отрядни тузатишга юборди.

Алёшка Волков келган куниёқ ҳаммамизга ёқди. Уни чиройли бола деб бўлмасди, юзларига аллақандай доглар тошиб кетганди, қаншари шу қадар паст эдики, сочлари тепага қараб эмас, олдинга қараб ўсганга ўхшарди, аммо ниҳоятда ақлли, зеҳни баланд бола эди, кўп ўтмай бу ҳаммага аён бўлди. Сводний отряд командирлари ичида энг яхшиси шу Алёшка эди: ишни расамади блан бўлиб чиқар, болаларни жой-жойига қўйишга, янги-янги усуллар ўйлаб топишга жуда уста эди.

Кудлатий ҳам ақлли, зеҳни баланд бола эди; унинг юзи мўғулларнинг юзига ўхшаш япалоқ, бўйи пакана, аммо яғрини кенг эди. Колонияга келишдан олдин батрак эди, аммо колонияда унга «куркуль»[1] деган лақаб қўйдилар; ҳақиқатан ҳам, агар колонияга келиб қолмаганда

---

1 *Куркуль (укр.)*— кулоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(колония уни партия а'зоси даражасигача тарбиялади) албатта қулоқ бўлиб кетарди: нафси зўр, рўзғорга ишқивоз, ҳархил буюм, от-арава, мола, гўнг ва шудгор қилиб қўйилган ерлар, қўрадаги ҳархил юмушларни, омбор ва саройларда ивирсиб юришни яхши кўрарди. Кудлатий роятда чуқур мулоҳазали, бама'ни бола эди, гапирганда шошилмасдан, мол-мулк ғамловчи одамлар сингари олдин ўйлаб, кейин гапирар эди. Аммо, илгари батрак бўлгани учун, қулоқларни бутун ақли-ҳуши, бутун вужуди блан ёмон кўрар ва умуман бошқа коммуналар қаторида бизнинг коммунамизнинг ҳам катта аҳамиятга эга экантигига қаттиқ ишонар эди. Кудлатий аллақачон Калина Ивановичнинг ўнг қўли бўлиб қолган эди, йигирма учинчи йилнинг охирига келиб бутун рўзғоримизнинг кўп қисми унинг зиммасига юкланди.

Ступицин ҳам рўзғорни яхши кўрарди, у бутунлай бошқа одам бўлиб, ҳақиқий пролетар эди. Харьковли ишчи оиладан чиққан Ступицин, отаси, бобоси ва катта бобоси қаерда ишлаганларини ҳам айтиб бераоларди. Унинг фамилияси илк замонлардан бери Харьков заводлари ишчилари қаторида машҳур, катта акаси эса 1905 йил воқиаларида қатнашгани учун сургунда ҳам бўлган эди. Ступицинниинг сирти ҳам силлиқ эди: қошлари ингичкадан келган, кичкина қора кўзлари ўткир, ғунча даҳан, чеҳраси сертабассум. Ступицин қишлоқ хўжалигининг энг муҳим соҳаларидан бирини, я'ни иккинчи колониядаги чўчқахонани бошқарар эди; чўчқахонамизда чўчқаларнинг сони ниҳоятда тез кўпайиб борарди. Бу ерда махсус ўнинчи отряд ишларди, Ступицин шу отряд командири эди. У ўз отрядини жуда яхши ишлатарди, отряд а'золари эса оддий чўчқа боқувчиларга сра ўхшамасди: мияларида рацион, қўлларида блокнот, китоб ва қалам, оғил эшикларида лавҳалар, чўчқахонанинг ҳар бурчагига диаграмма ва қоидалар ёпиштирилган, ҳарбир чўчқага паспорт ёзилган. Нималар йўқ эди дейсиз, бу чўчқахонада!

Колония «улуғлари» ёнида иккита катта группа бўларди, бу группалар «улуғлар»нинг энг яқин одамлари бўлиб, резерв ҳисобланар эди. Биринчиси кўпни кўрган, меҳнаткаш ва аҳил жанговар колонистлар бўлиб, улар бақувват, салобатли, лекин ташкилотчилик талантига эга эмас эдилар. Булар қаторига Приходько, Чобот, Сорока, Леший, Глейзер, Шкайдер, Овчаренко, Корито, Федоренко ва яна кўп болалар жирар эди. Иккинчиси эса — етилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келаётган ёш болалар бўлиб, улар ҳақиқатан ҳам катталарнинг ўрнини босаолар, ҳозирданоқ ташкилотчилик қобилиятини кўрсатабошлаган эдилар. Улар ҳали ёш бўлганликлари учун, идора этишни ўз қўлларига ололмайдилар, ундан ташқари, катта ёшдагилар ҳам жой-жойида маҳкам ўтиришти; улар ўзларидан катталарни яхши кўрадилар ва ҳурмат қиладилар. Аммо, кичкиналарнинг кўп фазилатлари ҳам бор: улар колония ҳаётини ёшликларида кўрдилар, колония традициялари уларга чуқурроқ сингиган, колониянинг қадрига улар кўпроқ етадилар ва энг муҳими шундаки, улар анча саводли, билимлари ҳам катталарникига қараганда анча мукаммалроқ. Булар қаторига қисман эски танишларимиздан Тоська, Шелапутин, Жевелий, Богоявленский, қисман янги болалар — Лалоть, Шаровский, Романченко, Назаренко, Векслерлар кирар эди. Буларнинг ҳаммаси келажакда командир ва Куряжни қўлга олиш даврида арбоб бўлиб етишадилар. Ҳозир улар сводний отрядларга командир бўлиб турадилар.

Юқорида санаб чиқилган колонистлар группалари коллективимизнинг кўпчилик қисми эди. Хушвақт, серғайрат, билим ва тажриба жиҳатидан бу группалар жуда кучли бўлиб, колонистларнинг қолганлари буларга эргашар эди. Колонистларнинг қолган қисми эса колонистларнинг назарларида уч қисмга бўлинарди: биринчиси — «шалтоқлар», иккинчиси — тирмизаклар группаси ва учинчиси — «шпаналар» эди. «Шалтоқлар» деб ном чиқарганлар қаторига ўзларини ҳечқандай ишда кўрсатмаган, ношуд ва колонистликларига ҳам ишонмайдиган болалар кирарди.

Аммо, шуни айтиб ўтиш керакки, «шалтоқлар»дан анчагина ишчан ва тузук болалар чиқиб турарди, умуман «шалтоқ» деган номнинг ўзи ҳам вақтинча бир нарса эди. Ма'лум вақттача «шалтоқ»нинг кўпчилиги иккинчи колонияда тарбияланучилар эди. Кичкинтойлар ўн бештача келарди; колонистларнинг назарида, кичкинтойлар ҳали хом бўлиб, уларнинг энг катта ишлари бурун артишни ўрганиш эди. Сирасини айтганда, кичкинтойлар катта иш қилишга, фаолият кўрсатишга интилмас эдилар ҳам, улар вақтларини ўйнаш, коньки отиш, қайиққа тушиб юриш, балиқ овлаш, чана тортиш ва шу каби нарсалар блан ўтказар эдилар. Менимча, улар тўғри қилар эдилар.

«Шпаналар» группасида бешта бола бўлиб, булар Галатенко, Перепелятченко, Евгеньев, Густоиван ва яна ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаким эди. Ҳарбийининг кўзга ташланадиган нуқсони бор эди: Галатенко еб тўймас ва ялқов, Евгеньев шаллақи, ёлғончи ва эзма. Перепелятченко эса йиғлоқи, нўшуд ва тиламчи, Густоиван бўлса телба, «жинни», ҳадеб Биби Мар'ямга сиғинучи, монастирга киришни орзу қилиб юручи бола эди, шунинг учун бутун колония жамоатчилиги уларни бир оғиздан «шпаналар» қаторига қўшиб қўйган эди. «Шпаналар» группасига кирганларнинг ба'зилари ўзларининг айрим нуқсонларидан қутулди, аммо бунгача анча замон ўтиб кетди.

Йигирма учинчи йилнинг охирида колонистлар коллективидагилар шулар эди. Колонистларимизнинг ҳаммаси, агар ба'зиларини ҳисобга олмаганда, сиртқи кўриниши ихчам, ҳарбий кишилардай бўлиб юрар эди. Бир текис сафимизнинг бошини тўртта сигналчи,- саккизта барабанчи безатиб юрар эди. Ипак билан тикилган жуда чиройлик шойи байроғимиз ҳам бор эди, бу байроқни бизга колониямизнинг уч йиллиги шарафига Украина Маориф Халқ Комиссарлиги тақдим қилган эди.

Пролетар байрами кунлари колониямиз барабанларини чалиб шаҳарга кириб борар эди, бизнинг саф тортиб, темирдай мустаҳкам интизом билан шиддатли қадам ташлаб боришимизни кўрган шаҳар аҳолиси ва та'сирчан педагогларнинг оғизлари очилиб қолар эди. Биз, бошқаларни кутмаслик учун, майдонга ҳаммадан кейин келардик-да, «смирно!» командаси остида тек қотиб турардик, сигналчиларимиз шаҳарнинг ҳамма меҳнаткашларига салют берар, колонистлар қўлларини баланд кўтарар эдилар. Шундан кейингина қаторларимиз бузилар ва болалар байрам қилиб ҳарёққа тарқалиб кетар эдилар, шунда колонна турган жойнинг бошида байроқдор билан часовойлар, колонна охирида эса кичкина байроқча ушлаган бола тек турар эди. Бу шу қадар тантанали бўлиб кўринар эдики, бизнинг жойимизга ҳечким келиб тураолмас эди. Кашфиётчилигимиз ва усталигимиз орқасида кийимларимизнинг ночорлиги билинмас эди: биз, болалар уйларини шарманда қилучи чит кўйлак-иштонга қарши эдик. Аммо, тузукроқ кийимбошимиз йўқ эди. Янги ва чиройли оёқ кийимларимиз ҳам йўқ эди. Шунинг учун парадга чиққанимизда ялангоёқ бўлиб чиқардик, аммо четдан кўрганларга худди атайлаб ялангоёқ чиққан бўлиб кўринардик. Болаларнинг устида пахтадек оппоқ кўйлак; қора шимларининг тиззагача шимариб қўйилган почалари тагидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

оппоқ ички кийимнинг чети кўриниб турарди. Кўйлак енглари ҳам тирсаккача шимариб қўйилган бўларди. Болалар бу кийимда бироз қишлоқ болаларига ўхшаса ҳам, жуда чиройли, кўркам бўлиб кўринар эди.

Йигирма учинчи йилнинг учинчи октябрида колония майдонини худди шундай болалар сафи тўлдирди. Уч ҳафта давом этган мураккаб ва қийин операция шу куни тамомланган эди. Педагоглар совети ва командирлар советининг бирлашган кенгаши чиқарган қарор асосида, Горький номли колония собиқ Трепке қишлоғидаги қўрғонга кўчиб, иккинчи колония билан бирлашиши, ўзининг Ракитное кўли ёнидаги эски қўрғонини эса губерна халқ маорифи ихтиёрига бериши керак эди. Колониянинг ҳамма мол-мулки: мастерскойлар, саройлар, отхоналар, омборлар, хизматчиларнинг юклари, ошхона ва мактаб анжомлари учинчи октябрьгача янги жойга кўчириб бўлинган эди. Учинчи октябрь куни эрталаб эски колонияда элликтача колонист, колония байроғи, мен қолган эдим.

Соат ўн иккида губерна халқ маорифининг вакили Горький номли колония қўрғонини қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги актга қўл қўйиб, четга чиқиб турди. Мен:

— Байроқ тагига, смирно! — деб команда бердим.

Колонистлар салют бердилар, барабанлар гулдиради, карнайлар байроқ маршини чалакетди. Байроқдорлар бригадаси кабинетдан байроқни олиб чиқди. Байроқдорлар колоннанинг ўнг томонига ўтиб бўлгач, гарчи эски жойимиздан хафа бўлмасак-да, у блан хайрлашмадик. Биз босиб ўтган йўлимизга қайрилиб қарашни ёмон кўрардик. Колонистлар колоннаси далаларнинг жимлигини барабан товушлари блан бузиб, Ракитное кўли ёнидан, хутор кўчасидаги Андрей Карпович қал'аси ёнидан ўтиб, Коломак дар'ёси бўйларидаги ўтлоқлардан колонистларнинг ўзлари қурган янги кўприк томонга йўл олганимизда ҳам орқамизга қайрилиб қарамадик.

Иккинчи колония қўрасида ҳамма хизматчиларимиз, гончаровкали бирталай деҳқонлар тўпланиб турган экан: иккинчи колониянинг Горький байроғига салют бериб, тизилиб турган колонистлари ҳам бизникидай кўркам эди.

Биз янги даврга қадам қўйдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi



ИККИНЧИ БЎЛИМ



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Бир хурма сут

Биз иккинчи колонияга кўчиб келганимизда ёз кунларидай иссиқ эди. Дарахтларнинг барглари ҳали кўмкўк, илк куз кунлари салқинида яна қайта кучга кирабошлаган майсалар ҳам кўкариб ётарди. Иккинчи колония ҳам худди ўттиз ёшли гўзалга ўхшарди: у, бошқаларнинг кўзига эмас, ўзимизга ҳам чиройлик, хотиржам ва ўзига тўқ кўринарди. Колониянинг деярли ҳамма томонини Коломак дар'ёси ўраб олган, фақат бир ери қуруқликка туташган бўлиб, у ердан Гончаровка қишлоғига бориб келиб турилларди. Паркимизнинг қалин дарахтлари Коломак тепасини пардадай қоплаб, шувуллаб турарди. Бу ерда соя-салқин, хилват жойлар кўп эди: чўмиладиган жойлар ҳам, гоз ва ўрдак боқса бўладиган, балиқ овлайдиган жойлар ҳам кўп эди, ҳатто кўнгилга ёққан ёр-биродар блан улфатчилик қиладиган жойлар ҳам топилар эди. Энг асосий биноларимиз баланд қирғоқ бўйига қурилган, шунинг учун иш кўзини билган ва уятсиз болалар чўмилиш учун майка ва трусикларини дераза тагига ечиб, ўзларини деразадан дар'ёга ташлардилар.

Бошқа ерлар, хусусан эски боғ ёнида, дар'ё қирғоғи паст-баланд бўлиб тушарди; дар'ё лабидаги энг паст жойни ҳаммадан олдин Шере эгаллаб олган эди. Бу ер яланглик бўлиб, эртадан кечгача офтоб тушиб турарди. Коломак бу ердан ёйилиб, секин оқарди, аммо парранда боқишга бу ерлар тўғри келмас эди, балиқ овлашга ва умуман лирик ишлар учун ноқулай эди. Поэзия ўрнига бу ерларда карам ва қора смородина барқ уриб ётарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Колонистлар бу ерга белкурак, чопқи кўтариб ишлагани келар эдилар, ба'зан колонистлар омочга қўшилган Калхат ёки Шўх бияни ҳам етаклаб келар эдилар. Коломак лабига қурилган уч тахтадан иборат пристанимиз ҳам шу ерда эди.

Ундан нарироқда Коломак кунчиқар томонга бурилар, атрофи бута ва ёш дарахтлар блан ўралган бирнеча гектар қалин ўтлоқ бошланарди. Биз янги боғимиздан тўғри ўтлоққа тушиб боришимиз мумкин эди, ўтлоққа тушиб боришдаги қалин кўкаламзор ҳам худди махсус ишларга атаб қўйилгандай эди: дам олиш маҳалларида боғнинг энг четидаги тераклар соясига келиб, жомшоқ майсада чўзилиб ётгинг, ўтлоқларни, ўрмонларни, кўм-кўк осмонни, уфқда кўриниб турган Гончаровка қишлоғининг бир четини тамоша қилиб ётгинг келарди. Калина Иванович бу жойни жуда яхши кўрарди ва ба'зан, якшанба кунлари, мени ҳам шу ерга судрарди.

Калина Иванович блан мен мужиклар, ремонт ишлари, турмушнинг адолатсизлиги ва келажак ҳаётимиз ҳақида суҳбатлашиб туришни яхши кўрардим. Рўпарамизда кенг ўтлоқ ястланиб ётарди, бу эса Калина Ивановични ба'зан мантиқий фалсафий мулоҳазаларидан адаштириб қўяр эди:

— Биласанми, қўзим, турмуш, мен сенга айтсам, бамисоли хотин киши, ундан адолат кутма. Кимнинг мўйлови телага буралиб ўсган бўлса, пирог ҳам, вареник ҳам, пляшкалар ҳам ўшаники бўлади, аммо мўйлов уёққа турсин, соқоли чиқмаган кўсага, ҳатто бир пиёла сув ҳам бермайди, ла'нати турмуш. Гусар бўлиб юрган кезларимни айтсам... Ҳой итвачча, мнянг борми ўзи? Нон блан қўшиб еб юборганмисан ё поездга ташлаб келганмисан? Отни қаерга ҳайдаб қўйдинг, қўлинг қургур? Ҳа, у ерга карам экиб қўйилган-ку!

Калина Иванович бу нутқ давомини ёнимдан анча нари бориб, трубкасини силкитиб, гапини тамомлайди.

Биздан уч юз метрча нарида ўт ичидан отнинг яғрини кўринадию, аммо атроф-теваракда биронта «итвачча»нинг қораси кўринмайди. Аммо, Калина Иванович кимга гапираётганини яхши биларди. Бутун ўтлоқ Братченконинг мулки ҳисобланади, ўзи кўринмаса ҳам, ҳамиша ё шу атрофда юрган, ё бир ерда ётган бўлади, шунинг учун Калина Ивановичнинг нутқи руҳ чақиришга ўхшайди. Яна бир-икки оғиз гапиргандан кейин бирдан Братченконинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзи пайдо бўлиб қолади, жодугарлик қоидаларига мувофиқ, от ёнидан эмас, орқадан, боғ ичидан келиб чиқади:

— Мунча бўғилмасангиз, Калина Иванович? Бир тоғдан келсангиз, бир боғдан келасиз! Карам қаёқдаю, от қаёқда?

Қизғин баҳс бошланади, бу баҳсдан ҳатто ўтлоқнинг нималигини билмаган одам ҳам Калина Иванович анча қариб қопти, колония ерларини ажратишни ҳам, ўтлоқ қаердаю, карам қаердалигини унутипти дейди.

Колонистлар Калина Ивановични беозор қарисин деб қўйган эдилар. Деҳқончилигимиз аллақачондан бери Шерекинг қўлига бутунлай ўтиб кетган эди, Калина Иванович ба'зан камситиб танқид қилиб, бурнини деҳқончилигимизнинг ба'зи тирқишларига суқишга уринарди. Шере мулойим ҳазил блан унинг бурнини ўхшатиб қисиб оларди, шундан кейин Калина Иванович ҳам тан берарди.

Колония хўжалигида Калина Иванович тобора Англия қиролига ўхшаб борарди: қиролликка қирол эдию, аммо юртни сўрамас эди. Биз ҳаммамиз унинг хўжаликдаги улуғлигини инкор этмас ва насиҳатларини бош эгиб тингтлар эдигу, ишни ўз билганимизча қилаверар эдик. Калина Иванович бунга хафа ҳам бўлмасди, чунки у иззат-нафс деган нарсани билмасди ва, ундан ташқари, инглиз қиролининг савлати ўзига ёққандай, Калина Ивановичнинг насиҳатлари ҳам фақат ўзига ёқарди.

Эски традицияга мувофиқ Калина Иванович шаҳарга бориб келиб турарди, эндиликда у, шаҳарга тантана-дабдаба блан жўнар эди. У қадимги зеб-зийнатларни яхши кўрарди, унинг ҳар сафар:

— Бойнинг фойтуни олифтаю, оти ориқ, деҳқоннинг араваси жўн бўлсаям, оти чопқир,— дейишини болалар яхши биларди.

Товутга ўхшаган эски аравапинг ичига колонистлар янги ўрилган пичан ташлаб, устига тоза шолча солиб беришарди. Кейин аравага энг яхши отни қўшиб, Калина Иванович уйининг олдига олиб келардилар. Хўжалик ва ма'мурият мансабдорлари шу вақтда ўз ишларини адо этиб турардилар: завхоз ёрдамчиси Деннс Кудлатий шаҳарда қиладиган ишларнинг рўйхатини ёзиб, чўнтагига солиб қўйган, омборчи Алёшка Волков пичан тагига яшик, хурмача, арқон ва шу каби нарсаларни жойлаш блан овора бўлар эди. Калина Иванович от-аравани бирнеча минут кутдириб қўяди-да, кейин устига топтоза дазмол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган плашч кийиб, трубкасини тутатиб чиқади ва охир от-аравага кўз қирини ташлаб қўяди, ба'зан гердайиб туриб дейди:

— Шаҳарга йиртиқ шапка кийиб борма деб, неча марта айтдим сенга! Ҳеч гапга тушунмас экансанлар-да!..

Денис ўртоғининг шапкасини алиштириб кияр экан, Калина Иванович аравага чиқади-да:

— Қани, ҳайда! — деб буюради.

Шаҳарга борганда Калина Иванович кўпинча бирон озиқ-овқат магнатининг кабинетида бошини шифтга кўтариб, Горький номли колониядай кучли ва бой мамлакатнинг обрўсини ерга урмасликка тиришиб, гердайиб ўтиради. Шунинг учун ҳам у, кўпинча катта сиёсий масалалардан гапиради:

— Мужикларда ҳар нарса топилади. Хўп денг!

Бу пайтда бошига бировнинг шапкасини кийиб олган Денис Кудлатий пастки қаватга жойлашган хўжалик денгизида шўнғиб юради: ордер ёздиради, мудирлар ва конторчилар билан жанжаллашади, аравада Калина Ивановичга жой қолдириб, қоп ва яшиклар ортади, отга ем беради ва соат уч бўлганда ун ва қипиққа беланган ҳолда кабинетга кириб келади:

— Кетсак бўлади, Калина Иванович.

Калина Иванович дипломатчасига илжаяди ва бошлиқнинг қўлини сиқиб хайрлашиб, жиддий суратда Денисдан:

— Ҳамма нарсани яхшилаб жойладингми? — деб сўрайди.

Колонияга қайтиб келгач, чарчаган Калина Иванович дам олади. Денис совуб қолган обедни нари-бери еб, худди кампирларга ўхшаб, ярим кечагача колония рўзғорини текшириб ивирсиб юради, мўгулча башарасини суқмаган жой қолмайди.

Бирон ерда арзимаган нарса ҳам бекор ётганини кўрса, Кудлатийнинг жони-пони чиқиб кетади; аравадан похол тўкилганини, ё бирон қулфнинг йўқолганини билса, молхона эшигининг битта ошиқ-ма'шуғи чиққанини кўрса, куйиб кетади. Денис ҳечкимга кулиб қарамасди, аммо ҳечким уни баджаҳл деб ўйламас эди, рўзғор бойликларини исроф қилувчиларга айтадиган гапи, қиладиган насиҳати ҳечкимнинг жонига тегмас эди, чунки унинг товушидан салобатлик ва ўзини тийиб турганлиги сезиларди. У, инсон кучини энг тўғри ва фойдали ишга сарфлаш —

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарахтга чирмашиб чиқишдан иборат деб ўйловчи тирмизакларнинг боплаб та'зирини берарди. Денис қошини бир чимириб қараб, уларни дарахтдан туширар эди-да:

— Қани, менга айтчи, елкангдаги каллами, ошқовоқми? Уйланадиган бўлиб қолибсан-ку, қиладиган ишинг ҳали ҳам дарахтга чиқиб иштон йиртиш. Қани, юр, бошқа иштон бераман,— дерди.

— Қанақа иштон? — дерди бола ва бутун баданидан муздек тер чиқиб кетарди.

— Дарахтга чиқиб-тушишинг учун махсус иштон бераман. Қани, айтчи, янги иштон блан дарахтга чиққан одамни кўрганмисан? Айтчи, кўрганмисан?

Денис рўзғор ишларига шу қадар берилиб кетган эдики, ҳатто бировнинг дардига назар-э'тибор бериш ақлига ҳам келмасди. У, инсон психологиясига, я'ни ёш боланинг янги иштон тегканига суюниб кетгани учун дарахтга чиқишини тушунаолмас эди. Бу ўринда иштон блан дарахт бир-бирига боғлиқ, Денис эса бу икки нарсани бир-бирига сира алоқаси йўқ деб ўйларди.

Аммо Кудлатийнинг қаттиқ қўл бўлиши биз учун ниҳоятда фойдали эди, чунки бизнинг қашшоқ аҳволимиз ҳар нарсани тежаб-тергашни талаб қилар эди. Шунинг учун командирлар совети Кудлатийни ҳамиша завхоз ёрдамчиси этиб тайинлар, тирмизакларнинг Денис иштонини йиртасан деб бизга тинчлик бермаяпти, деган арз-шикоятларини ҳам инобатга олмасди. Карабанов, Белухин, Вершнев, Бурун ва колониянинг кекса а'золари Кудлатийнинг бу тиришқоқлигини қўллаб-қўлтиқларди. Кўклам маҳалида умумий мажлислардан бирида Денис:

— Эртага ҳамма ботинкасини складга топширсин, ёзда яланғоёқ юрсангиз ҳам бўлади,— деди. Ҳамма бунга сўзсиз кўнди.

1923 йилнинг октябрида Денис кўп иш қилди. Мукаммал тузатилган биноларга колонистларнинг ўнта отряди зўрға жойлаштирилди. Помешчикка қарашли кўҳна қасрда (биз уни оқ уй деб атардик) мактаб ва ётоқхоналар жойлашди, айвон ҳисобланиб келган катта залда дурадгорлар ишларди. Ошхонани хизматчилар турадиган якка-ҳинчи уйнинг подвалига жойлаштирдик. Ошхонага бир сидрасига ўттиз киши сиғар эди, шунинг учун овқатни уч смена бўлиб еярдик. Этикдўзлик, ғилдиракозлик, тикучилик ишхоналаримиз бурчак-бурчакка тиқилиб ётар, уларни сира ҳам ишлабчиқариш заллари деб бўлмас эди. Коло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ния ҳаммамизга — колонистларга ҳам, хизматчиларга ҳам тор эди. Янги боғнинг ўртасида икки қаватли «ампир» қурилган бўлиб, унинг шифтлари баланд, сернақш, катта айвони боққа қараб турарди. Бинога ҳавасимиз келиб қарар эдик ва уни тузатсак яхши жой бўлишини билар эдик.

Пол қилинса, дераза, эшик, зинапалар ва печкалар қурилса юз йигирма кишилик ниҳоятда кўркам ётоқхонага эга бўлардик-да, биз эгаллаб турган бошқа уйларни педагогика эҳтиёжлари учун бўшатиб берардик. Аммо, бу ишларни бажариш учун олти минг сўм пул керак, қўлга кириб турган даромадлар эса қашшоқлигимизнинг қолган қутганини тугатишга кетар эди, чунки яна қашшоқликнинг қайтиб келишига асло рози эмас эдик. Бу соҳада биз бошлаган ҳужум «клифтлар»ни, йиртиқ-ямоқ картузларни, буклама кроватьларни, сўнгги Романов даврidan қолган пахталик кўрпаларни йўқ қилди. Энди оёқларимизга ҳам латта-путта ўраб юрмайдиган бўлиб қолдик. Ойда икки марта сартарош ҳам келиб турадиган бўлди ва гарчи сочни машина билан олиб қўйишга ўн тийин, сочни фасон қилиб тарашлашга йигирма тийиндан олса ҳам, колонистларнинг сочларини «полька», «политик» нусха қилишга ва Европа маданияти келтирган бошқа турларда ўстиришга кучимиз етадиган бўлиб қолган эди. Тўғри, мебельларимиз ҳали бўялмаган, овқат вақтида болаларга ёғоч қошиқ улашилар, чойшабларимиз ямоқ-ямоқ эди, аммо бунинг сабаби шу эдики, қўлимизга тушиб турган даромаднинг кўп қисмини асбоб-ускунага ва умуман асосий капиталга сарф қилар эдик.

Бизга олти минг сўм пул жуда зарур эди, бирон ердан олишимизга ҳам кўзимиз етмасди. Коммунарларнинг умумий йиғилишларида, командирлар советида, катта ёшдаги колонистларнинг суҳбатларида, комсомол мажлисларида, ҳатто тирмизаклар орасида ҳам олти минг сўм деган бир калима сўз ҳечкимнинг оғзидан тушмас ва қандай оҳангда гапирилмасин, ниҳоятда катта пул бўлиб кўринар ва унга эришишга ҳечкимнинг ақли етмасди.

Бу даврда Горький номидаги колония Маориф Халқ Комиссарлиги қарамоғида эди, сметада кўрсатилган маблағни Халқ Комиссарлиги оз-оздан бериб турарди. Бу маблағнинг кўп-озлигини шундан билиш мумкин эдики, ҳарбир колонистнинг усти-бошига бир йилга йигирма саккиз сўмдан ажратилар эди. Калина Ивановичнинг ғазаби келиб дерди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қайси ақлли одам бунақа пул чиқарар экан-а? Афти-башарасини бир кўрсам эди! Олтмиш ёшга кириб, бунақангги паразит одамларни кўрмаганман!

Гарчи Маориф Халқ Комиссарлигига кўп бориб турсам ҳам, бундай одамларни мен ҳам кўрмасдим. Бу рақамни бирон ташкилотчи одам белгиламас, боқимсизлик балосига ажратилган маблағнинг боқимсиз болалар сонига тақсимланиши натижасида келиб чиқар эди.

Трепке қўрғонидаги «ампир» уйнинг ичини (бу уйни биз қизил уй деб атар эдик) худди балга тайёрлангандай йиғиштириб қўйган эдик, аммо бал ҳамон кейинга сурилиб борар, ҳатто дастлабки бир жуфт танцачини — дурадгорларни ҳам чақиришга кучимиз етмас эди.

Аммо аҳволимизнинг шу қадар танг бўлишига қарамай, колонистларнинг кайфини ёмон деб бўлмас эди. Карабанов нажот жин-ажиналардан келади деярди:

— Ажиналар ёрдам беради, мени айтди дерсизлар! Толиимиз баланд, нега десанглар, бизлар ҳаромиларимиз... Мана, кўрарсизлар, ажиналар ташлаб кетмаса, яна бошқа шунга ўхшаганлар албатта ташлаб кетади... Ялмоғиз кампирми, яна бошқасими... Ахир, туппа-тузук уйнинг кўз олдимизда бекордан бекорга қаққайиб туриши яхши эмас-да, тўғримн?

Шунинг учун, олтинчи сентябрьда боқимсиз болаларга ёрдам беручи Украина комитетининг инспектори Бокованинг колонияга келиши ва Харьков поезди келишига станцияга от-арава чиқариш ҳақида телеграмма келиб қолганда, колониянинг му'табар доираларида бу хабарга эўр э'тибор блан қарадилар, кўплар бу хабарни қизил уйнинг ремонтига боғлар эдилар:

— Кампир бувидан олти минг чиқиб қолар...

— Кампир бувилигини қаердан биласан?

— Боқимсиз болаларга ёрдам беручи комитетларда нуқул кампирлар ишлайди.

Калина Иванович бунга ишонқирамас эди:

— Бу болаларга ёрдам комитетларидан ҳечбало тегмайди. Хўп денглар, мен биламан. Яна учта болани олинглар деб ялинади. Иннайкейин, хотин киши хотин кишилигича қолади-да: назарий жиҳатдан тенгҳуқуқ бўлса ҳам, амалда хотинлигича қолади...

Бешинчи октябрь куни Антон Братченко маҳкамасида икки от қўшиладиган фойтунни топтоза қилиб ювдилар. Саман блан Мэриниг ёлларига ленталар тақилди. Пой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тахтдан колонияга камдан-кам меҳмон келиб турар эди, шу сабабдан Антон уларни иззат-икром блан кутиб олиш тарафдори эди. Олтинчи октябрь куни эргалаб мен вокзалга йўл олдим, фойтунни Братченконинг ўзи хайдаб борарди.

Вокзал майдонида фойтунда ўтириб, майдонга чиқучи ҳамма кампирларни, умуман, Маориф Халқ Комиссарлигида ишловчи тоифадаги хотинларни синчиклаб кўздан кечирабошладик. Бирдан орқа томонимиздан бировнинг овози эшитилди, у овоз биз кутган одамнинг овозига сра ўхшамасди:

— Бу кимнинг фойтуни?

— Биз бошқа иш блан келганмиз. Извошлар ҳов анави ерда турипти,—деди Антон, қўрслик блан.

— Горький номидаги колониядан эмасмисизлар?

Антон оёқларини бир силкитиб, ўтирган жойида бошқа томонга айланиб қаради. Мен ҳам қизиқиб қарадим. Бизнинг қошимизда сра кутилмаган бир кимса турарди: эгнида катта-катта катакли кулранг енгил пальто; пальто тагидан ипак пайпоқ кийган бежирим оёқлар кўриниб турарди. Қипқизил ва типтиниқ юзида чиройлик чўнқирча, кўзлари чарақлаган, қошлари ингичка. Сафар вақтида ўрайдиган тўр шарф остидан сапсариқ гажакларн товланиб турарди. Орқасида ҳаммол, унинг қўлида арзимаган юк: битта қути, чармдан ясалган сумка.

— Ўртоқ Бокова сиз бўласизми?

— Ана, айтмадимми, горькийчи эканлигингизни дарров пайқадим!

Антон ахир ўзига келди, бошини чайқади-да, тизгинни йиғиштириб олди. Бокова лип этиб фойтунга чиқди, атрофимиздаги вокзал ҳавоси бирдан бошқа, хушбўй бўлиб кетди. Бундай ғайриоддий ҳамроҳдан мен уялар эдим, шунинг учун фойтуннинг нариги бурчагига сурилиб ўтирдим.

Бора-боргунимизча ўртоқ Бокова ҳархил нарсалар тўғрисида тинмай билдиллаб борди. Горький номли колония та'рифини кўп эшитган экан, шунинг учун «бу колония қанақа экан» деб, ўз кўзи блан келиб кўргиси кепти.

— Эҳ, ўртоқ Макаренко, бу болалар блан ишлаш жуда, жуда қийинки! Жуда раҳмим келади уларга, нима блан ёрдам берсам экан дейман нуқул. Бу сизнинг тарбияланучингизми? Жуда яхши бола экан. Бу ерда зерик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

майсизми? Болалар уйларида одам жуда зерикиб кетади. Бизда сизни кўп та'рифлашади. Аммо сиз бизни ёмон кўрар эмишсиз.

— Биз деганингиз ким бўлди, энди?

— Дамсоцвос-де.

— Тушунмадим.

— Бизни хонимлар соцвоси[1],—дамсоцвос деб атармишсиз.

— Ана холос! — дедим: — Ҳечкимни бундай деб атаганим йўқ... аммо... лекин жуда боплаб айтишипти...

Мен чин кўнгилдан кулдим. Номнинг бундай боплаб қўйганларидан Бокова ҳам хурсанд эди.

— Биласизми, бир жиҳатдан тўғри ҳам: ижтимоий тарбия бўлимида хонимлар жуда кўп. Мен ҳам шунақа хонимлардан. Мендан бир оғиз ҳам илмий гап эшитмайсиз... Ма'қулми?

Антон ҳадеб орқасига қайрилиб, бу ғалати пассажирга кўзларини бақрайтириб қараб қўяр эди.

— Ҳадеб менга қарайдия,—деб кулларди Бокова.— Нега менга бунақа қарайди?

Антон қипқизариб, ўзича бир нарсаларни пўнғирлаб, отларни илдамроқ чоптирар эди.

Колонияда бизни ҳамма манфаатдор колонистлар ҳамда Калина Иванович кутиб олди. Семён Карабанов хижолат бўлиб, бошини қашлаб қолди, бу билан у, ўзининг саросимага тушиб қолганини кўрсатар эди. Задоров бир кўзини қисиб, кулиб қараб турар эди.

Бокована колонистларга таништирдим, колонистлар уни суюна-суюна колонияни кўрсаттани олиб кетишди. Калина Иванович менинг енгимдан тортди-да:

— Бу кишини нима билан боқамиз?—деб сўради.

— У кишининг нима ейишини билсам худо урсин,— дедим, унинг гапига мослаб.

— Менимча, бу кишига кўпроқ сут ичириш керак. Сен нима дейсан?

— Йўқ, Калина Иванович, менимча, тузукроқ овқат билан боқиш керак.

— Қаердан топаман, тузукроқ овқатни? Е чўчқа сўяйликми? Чўчқани Эдуард Николаевич ўлса ҳам сўйдирмас.

Калина Иванович меҳмонни боқиш тараддудига туш-

---

[1] *Соцвос* — социальное воспитание — ижтимоий тарбия.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, мен Бокованн қидириб кетдим. Бокова болалар блан обдон танишиб олган ва уларга:

— Мени Мария Кондратьевна деинглар,— деб турганди.

— Мария Кондратьевна? Жуда яхши от экан!.. Хўп, бўпти, Мария Кондратьевна, энди мана бу томонга қаранг: мана бу бизнинг оранжереямиз бўлади. Ўзимиз қурдик, кўпини мен ўз қўлим блан қазиганман, кўрдингизми, ҳали ҳам қўлларим қавариб ётипти.

Карабанов ўзининг куракдай қўлларини очиб кўрсатди.

— Ёлғон айтади, Мария Кондратьевна, қўллари қайиқ ҳайдашдан қаварган.

Мария Кондратьевна бошидаги шарфини олиб ташлаган, сарғиш сочларини силкитиб, ҳарёққа қайрилиб қарар эди, аммо оранжерея блан ҳам, бошқа ютуқларимиз блан ҳам унча қизиқмас эди.

Мария Кондратьевнага қизил уйни ҳам кўрсатишди.

— Нега битирақолмайсизлар? — деб сўради у.

— Олти минг сўм,—деди Задоров.

— Пулинглар йўқми? Вой бечораларей!

— Сизда борми?—деб бўкириб юборди Семён.—О, ундоғ бўлса, иш жойида-ку! Қани, бирпасгина майсада ўтирайлик.

Мария Кондратьевна нақ қизил уй олдидаги майсага юз-карашма блан ўтирди. Болалар, бир жойга тиқилиб ётганимизни ва қизил уйни битказганимиздан кейин яйраб-яшнашимизни минг хил бўёқлар блан тасвирлаб беришди.

— Биласизми, ҳозир ҳаммамиз бўлиб саксонта колонистмиз, уй битгандан кейин юз йигирматага етади. Тушундингизми?

Боғдан Калина Иванович чиқиб келди, унинг кетидан Оля Воронова катта хурмада, иккита сопол кружка ва ярим буханка жавдари нон кўтариб келмоқда эди. Мария Кондратьевна вой-вой деганича қолди.

— Қаранг, қандай гўзал, қандай яхши, а? Бу киши сизларнинг бобонгиз бўладими? Асаларичидир-да?

— Йўқ, мен асаларичи эмасман,— деб огзи қулоғига етиб ишшайди Калина Иванович,— умримда асаларичилик қилган эмасман, аммо бу сут асалдан ҳам яхши. Бу бирон қишлоқнинг сути эмас, Горький номидаги колония сигирининг сути бўлади. Бундай муздек ва мазали сутни умрингизда ичмагансиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мария Кондратьевна чапак чалди ва Калина Иванович зўр мароқ ва ғурур блан сут қуйиб турган кружка тепасига энгашди. Задоров шу пайтдан фойдаланиб:

— Сизда олти минг сўм пул бекор ётипти, биз бўлсак уйимизни ремонт қилолмай гарангмиз. Бу адолатсизлик,— деди.

Мария Кондратьевна муздек сутни нафаси қайтгунча ичди ва кейин зўрга:

— Сут эмас, роҳат экан бу,— деди.

Задоров унинг бетига сурбетлик блан қараб кулди ва:

— Хўш, олти минг нима бўлди?— деди.

— Ийя, бу бола материалист экан-ку,— деди Мария Кондратьевна, кўзини қисиб.— Сизга олти минг сўм керакми? Менга нима берасизлар?

Задоров нима дейишини билмай атрофга қаради-да, олти минг сўмга бутун бойлигини беришга тайёр эканлигини кўрсатмоқчи бўлгандай, икки қўлини керди. Карабанов дарров гап топди:

— Бундай роҳат истаганингизча топилади.

— Қанақа, қанақа роҳат?— деди Мария Кондратьевна юз-кўзлари порлаб ва жилваланиб.

— Муздек сут.

Мария Кондратьевна кўкрагини майсага бериб, қотақота кулди.

— Йўқ, мени сут блан қўлга тушириб бўпсизлар. Майли, мен сизларга олти минг сўм берганим бўлсин, аммо мендан яна қирқта бола олишларинг керак... яхши, жуда яхши болалар... аммо, ҳозирча уларнинг афти-башараси қопқора...

Колонистларнинг юзи жиддийлашди. Оля Воронова қўлидаги хурмани шайнидай тутиб, Мария Кондратьевнанинг кўзларига қараб турар эди.

— Нега олмас эканмиз,— деди Оля.— Қирқта бола бўлса оламиз.

— Ювинадиган жойни кўрсатинглар, ювиниб, ётмоқчиман, уйқум келди... Майли, мен сизларга олти минг сўм бераман.

— Далаларимизни кўрганингиз йўқ-ку?

— Далага эртага чиқамиз. Кўпми?

Мария Кондратьевна колонияда уч кун турди. Келган куни кечкурунок кўп колонистларнинг отларини билиб олган эди, эски боғдаги скамейкада ярим кечагача бола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар блан чуғурлашиб ўтирди. Болалар уни қайиқда олиб юришди, арғимчоқда учиришди, аммо далани чиқиб кўришга улгурмади, мен блан шартнома тузишга аранг вақт топди. Бу шартномага кўра, боқимсиз болаларга ёрдам беручи Украина комитети қизил уйни тиклаб олишимиз учун бизга олти минг сўм пул ўтказадиган бўлди, биз эса, уйни тиклаб бўлганимиздан кейин, комитетдан қирқта боқимсиз болани қабул қилиб оладиган бўлдик.

Мария Кондратьевна колониядан жуда хурсанд эди.

— Бу ер жаннат экан,— деярди у.— Сизларда жуда яхши... нима десам экан...

— Фаришталар бор эканми?

— Йўқ, фариштa эмас-ку, жуда яхши одамларингиз бор экан.

Мария Кондратьевнани кузатгани чиқмадим. Аравани ҳам Братченко ҳайдаб бормади, отларнинг ёлларини ҳам лента.лар безатмаган эди. Аравани Карабанов ҳайдарди, Антон негадир бу сафар аравакашликни унга топширган эди. Карабановнинг қопқора кўзлари чарақлар, оғзи қулоғига етиб, ҳадеб илжаяр эди.

— Шартномага қўл қўйилдими, Антон Семёнович?— деб сўради Карабанов секин.

— Қўл қўйилди.

— Бўпти. Мен, бўлмасам, ойимчани бир ўйнатиб келай!

Задоров, Мария Кондратьевнанинг қўлини сиқиб хайрлашаркан:

— Езда яна келасиз-а, ўзингиз келаман деб ва'да бердингиз,— деди.

— Келаман, келаман, шу ердан дача олиб тураман.

— Дачани нима қиласиз? Тўғри шу ерга келаверинг...

Мария Кондратьевна бошини ҳар ёққа силкитиб, ҳаммага биттадан самимий табассум тақдим этди.

Карабанов вокзалдан қайтгач, паришонхотирлик блан отларни аравадан чиқарди, у блан гапиришиб турган Задоров ҳам паришонхотир эди. Мен уларнинг ёнига бордим.

— Айтмадимми, ялмоғиз кампир пул ташлаб кетади деб. Айтганим келди.

— Нега у ялмоғиз кампир бўларкан?

— Ялмоғиз кампирнинг афти-башараси хунук, тишлари ўткир бўлади деб ким айтган? Ҳақиқий ялмоғизлар жуда чиройли бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Отченаш

Бокова сўзнинг устидан чиқди: бир ҳафтадан кейин олти минг сўмлик перевод келди, шундан кейин Калина Иванович яна бинокорлик ишига киришиб кетди. Таранецнинг тўртинчи отряди ҳам ишга тушди, бу отрядга ҳўл ёғоч-тахталардан пухта эшик ва дераза ясаш вазифаси топширилган эди. Калина Иванович ҳадеб аллакимни сўкарди:

— Тезроқ ўлсаю, мана шу ҳўл тахтадан ўзига товут ясаб берсак, паразитга!..

Трепке харобаларига қарши олиб борган тўрт йиллик курашимизнинг сўнгги палласи келди. Ҳаммамиз — Калина Ивановичдан тортиб Шурка Жевелийгача — уйни тезроқ битказиш учун ўлиб-тирилиб ишлардик. Шунча орзу қилиб келган нарсамизга тезроқ етишни истар эдик. Оҳак ўралари, ҳовлини босиб ётган бурган ўтлар, паркнинг бесўнақай йўлкалари, ҳовлининг ҳамма ерида сочилиб ётган синиқ ғиштлар ва қурилишдан чиққан ахлатлар ғашимизни келтирабошлади. Биз атиги саксон киши эдик. Ҳар якшанба куни бўлиб турадиган командирлар совети ҳовли территориясини эпақага келтириш учун икки-уч сводний отрядни Шередан ялиниб-ёлвориб сўраб олар эди. Кўпинча Шередан хафа ҳам бўлар эдик:

— Мунча ҳалдингиздан ошмасангиз! Ҳамма ишларингиз таппа-тахт, беками-кўст бажарилди, яна нима дейсиз?

Шере секингина ёнидан титиғи чиқиб кетган блокнотини оларди-да, аксинча, менда ҳали қилинадиган иш тўлиб ётипти, ҳамма ишлар қолиб кетди, ҳовлини тозалаш учун икки отрядни берарканман, бу ишнинг зарурлигини билганим учун бераман, бу зарур бўлмаганда ўлсам ҳам бермас эдим, иккала отрядни ҳам буғдой тозалашга ёки парник ремонтига қўярдим, деярди.

Командирлар норози бўлиб пўнғирлашарди, Шеренинг қайсарлигидан газабланиш ва шу билан бирга унинг ўз айтганида қаттиқ туриб олганига қойил бўлиш каби бир-бирига зид ҳислар уларнинг дилини қитиқлар эди.

Шу даврда Шере олти далалик олмошлаб экиш системасини тузиб бўлай деб қолган эди. Бундоқ қарасак, деҳқончилигимиз ҳақиқатан ҳам жуда илгарилаб кетипти. Колонистлар орасида бу ишга астойдил берилган ва ўз келажагини шу ишга бағишламоқчи бўлган болалар ҳам чиқиб қолди, улар орасида Оля Воронова ҳаммадан аж-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ралиб турарди. Карабанов, Волохов, Бурун ва Осадчийлар далада жуда ҳам қизиқиб ишлар эди. Улар деҳқончилик ишини чин юракдан, ўтмишлари ва келажакларига боғламасдан, ўзларининг бирон ўйлаганларини кўзламасдан, беғараз севиб қолган эдилар. Улар бундай гўзал ҳаётдан мароқланар, завқланар, меҳнат билан ўтказган ҳарбир кундан мамнун, уни қадрлар, эртаги кунни эса худди байрамдай кутар эдилар. Улар, бу кунларнинг янги-янги самаралар келтиришига ишонар, аммо бу муваффақиятларнинг нимадан иборат эканини ўйлаб ўтирмас эдилар. Тўғри, уларнинг ҳаммаси рабфакка киришга ҳозирлик кўрар эди, аммо рабфакка киришга ҳозирлик кўришда ҳам бирон аниқ орзу-ҳаваслари йўқ, ҳатто қайси рабфакка киришларини ҳам билмасдилар.

Колонияда деҳқончиликни яхши кўрадиган бошқа болалар ҳам бор эди, аммо улар бошқа бир позицияда турар эдилар. Опришко ва Федоренкога ўхшаганлар мактабда ўқишни истамас, ҳаётдан ортиқча талаблари ҳам йўқ эди. Улар соддадиллик билан, бир парча еринг, рўзғоринг бўлса, тузукроқ уйлик-жойлик бўлсанг, отинг, хотин ва бола-чақанг бўлса, ёзда эртадан кечгача ишласангу, кузда ҳосилни йиғиштириб, саранжомлаб олсанг-да, қишда вареник билан боршчингни, ватрушка билан тузланган мойингни еб ётсанг, ойда икки марта ўзинг ва қўшниларинг чақалоқ тўйи қилса, тўйларда ва уюшувларда бўлсанг, инсонга бундан ортиқ яна нима керак, деб ўйлардилар.

Оля Воронованинг йўли бутунлай бошқа эди. У бизнинг далаларимизга, атрофдаги далаларга хаёлчанлик билан ёки комсомолларча безовталик билан қарар, унинг назарида ердан фақат варенниклар эмас, катта-катта проблемалар ҳам униб чиқар эди.

Шере жони-дили билан ишлаётган олтмиш десятина еримиз унинг ҳам, шогирдларининг ҳам катта деҳқончилик ҳақидаги, трактор билан бир километр масофагача ҳайдаш тўғрисидаги орзуларининг йўлини тўсолмас эди. Шере колонистлар билан шу мавзу'да суҳбатлашишни яхши кўрар, унинг доимий тингловчилари бор эди. Бу суҳбатларга, колонистлардан ташқари, Гончаровка қишлоғидаги комсомол ташкилотининг секретари Спиридон билан Павел Павлович ҳам доим қатнашар эди.

Павел Павлович Николаенко йигирма олти ёшга кирган бўлса ҳам ҳалигача уйланмаган, аҳоли та'бирича, кек-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са бўйдоқ ҳисобланар эди. Унинг отаси, қари Николаенко, дайдиб келиб қолган ёш-ёш болаларни батрак қилиб олиб, бизнинг кўзимиз олдида қулоқ хўжалигига айланиб борар, аммо ўлиб-тирилиб, ўзини камбағал деҳқон қилиб кўрсатишга тиришар эди.

Павел Павловичнинг ўз отасининг уйида тургиси келмаслигининг, куни бўйи колонияда юришининг сабаби ҳам балки шундадир; Шере эса Павел Павловичга чопиқ каби нозик ишларни топширар, у колонистларимиз назарида инструктордай бўлиб қолган эди. Павел Павлович анча саводли, мулоҳазали эди, Шеренинг гапларини э'тибор блан тинглаб, уқиб олар эди.

Павел Павлович ҳам, Спиридон ҳам гапни нуқул деҳқончилик мавзуига бурib юборар эди: уларнинг назарида деҳқончиликдан кўра катта хўжалик йўқ эди. Павел Павлович оҳиста гап бошлади:

— Мен ҳайроиман: ҳамаёқда шунча одам ўлиб-тирилиб ишлайдию, бари беҳуда кетади. Фойдали, самарали ишлаш учун уларни ўқитиш, ўргатиш керак. Аммо ким ўргатади? Мужикми? Ўтаверсин мужик, ўргатаолмайди. Мана, Эдуард Николаевич ҳамма ишни ҳисоблаб чиқиб, бизга тушунтириб бердилар. Тўғри айтадилар. Аммо, ишлаш керак, меҳнат қилиш керак-да! Аммо, бу мужик деганинг Эдуард Николаевич айтганларидай ишламайди. Ўз билганини қилаверади...— деганда, Оля Воронова уларга қуралай кўзларини тикиб қарар, кўзларининг учқунларидан Павел Павловичнинг гапига қўшилганлиги кўриниб турарди.

Огзи катта ва ақлли-ҳушли Спиридон:

— Колонистлар ишлаяпти-ку?— деб қўяди секин.

— Колонистлар,— деб ма'юс кулади Павел Павлович,— колонистларнинг йўли бутунлай бошқа...

Оля ҳам жилмаяди ва худди ёнғоқни сиқиб чақмоқчи бўлгандай, қўлларини сиқади-да, бирдан теракларнинг учига мароқланиб қарайди. Олянинг олтиндай сочлари елкасидан сидирилиб тушади, Павел Павловичнинг кўзлари унинг сочларига тикилади.

— Колонистлар деҳқончиликни кўзламайди, кўзламаса ҳам ишлайди, аммо мужикларнинг бутун умри деҳқончилик блан ўтади, болалари, авлод-аждодлари ҳам шунақа, шундай бўлса ҳам...

— Нима қипти, шундай бўлса?— деб сўрайди Спиридон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нималиги ма'лум-ку, ахир,— дейди ажабланиб Оля.— Мужиклар коммунада бундан ҳам яхши ишлашлари керак.

— Қандай қилиб яхши ишлайди?— дейди Павел Павлович мулойимлик блан.

Павел Павловичнинг кўзларига Оля даргазаб бўлиб қарайди, Павел Павлович унинг олтиндай сочларини бирдам унутади-да, чақчайган кўзларига тикилади.

— Ишлашлари керак! Керак деган сўзнинг ма'носига тушунасанми? Жуда равшан-ку!

Бу суҳбатни Карабанов блан Бурун ҳам эшитиб ўтиради. Улар деҳқонлар блан алоқани узганларидан бу суҳбатни унча қизиқмасдан, шунчаки тинглаб ўтирадилар. Аммо Карабановни вазият қизиқтиради, у эрмак қилиб ўтиришдан ўзини тиялмай:

— Ольганинг гапи тўғри, ишлаши керак дегани — мажбуран ишлатиш дегани бўлади...— дейди.

— Қандай қилиб уларни мажбур этасан?— деб сўрайди Павел Павлович.

— Ҳарқанақасига мажбур этиш мумкин,— деб қизишиб кетади Семён.— Одамларни қандай мажбур этадилар? Зўрлаб. Менга ўша деҳқонларингни олиб келгин, бир ҳафтадан кейин балодай ишлайди, икки ҳафтадан кейин эса миннатдорлик билдиради.

Павел Павлович кўзларини қисиб:

— Нима блан мажбур этасан? Тарсаки бланми?— дейди.

Семён кула-кула скамейкага чўзилади, Бурун таҳқиромиз, истар-истамас тушунтиради:

— Йўқ, тарсаки бўлмайди! Энг яхшиси — тўппонча.

Оля шошмасдан унга юзини ўгиради-да, сабр-тоқат блан уқдиради:

— Одамлар бирон нарсани қилиши керак бўлса, сенинг тўппончангсиз ҳам қилади, наҳотки шунга ҳам тушунмасанг? Сен айтмасанг ҳам қилаверади. Фақат унга яхшилаб тушунтириш керак.

— Э-э, Олечко, чучварани хом санапсиз! Тушунтириш керак эмиш... эшитдингми, Бурун? Қулоқ бўламан деб туриб олгандан кейин, нимани тушунтирасан унга?

— Ким қулоқ бўламан дейди?— Ольганинг ғазаби келиб, кўзлари катта-катта очилади.

— Ким бўларди? Ҳаммаси қулоқ бўламан дейди. Мана, Спиридон ҳам, Павел Павлович ҳам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Павел Павлович жилмаяди. Тўсатдан бўлган бу ҳужумдан Спиридон гангиб қолади:

— Бўлмаган гап!

— Бўлган гап! Ери йўқлиги учун комсомолга кирган. Ҳозир унинг қўлига йигирма десятина ер, сигир, қўй, бақувват от бер, тамом! Бўйнингга минади-да, ҳайдаб кетаверади, Олечко!

Бурун қота-қота кулади ва ўртоғининг гапини қувватлайди:

— Тўғри, ҳайдаб кетади. Павло ҳам бундан қайтмайди.

Ахири бу гаплар Спиридонга алам қилади-да, юзлари қипқизариб кетиб, муштини тугади ва:

— Йўқолинглар-е!— дейди.

Семён скамейка атрофида оёқларини баланд-баланд кўтариб юради, бу блан ўзининг ниҳоятда хурсанд бўлганини билдиради. Қишлоқдан келган одамларга тўғри гапираётиптими ё жўрттага тегажоғлик қилаётиптими, билиб бўлмайди.

Скамейка қаршисида, майса устида Силантий Семёнович Отченаш ўтиради. Боши худди пиво қозонга ўхшайди, юзи қипқизил, калта қирқилган мўйловининг рангги қанақалигини билиб бўлмайди, бошида эса битта ҳам туки йўқ. Бунақа одамлар бизда ҳозир камдан-кам учрайди. Аммо илгарилар инсон ҳақиқатини ҳам, пошшолик виносининг мазасини ҳам биладиган бундай файласуфлар Россияда кўплаб дайдиб юрарди.

— Мен сизларга айтсам, Семённинг гапи тўғри. Мужик — одамларга қўшилиб ишлашнинг ма'носига тушунмайди, мен сизларга айтсам. Бисотида битта оти бўлса, дарров иккита бўлсин дейди, бошқасини билмайман, деб туриб олади. Мана шунақа.

Отченаш қўлини мушт қилиб тугиб, башмалдоғини тик қилиб, серма'но кўзларини сузиб гапиради.

— Бундан чиқди, одамнинг изми отда экан-да?— дейди Спиридон, жаҳли чиқиб.

— Мен сизга айтсам, тўғри гап: одамнинг изми отда бўлади, мана шунақа. Одамнинг изми от блан сигирда, ҳа. Агар бисотида ҳечнарсаси бўлмаса, полизга қоровуллик қилишдан бошқа нарсага ярамайди. Мана шунақа, ҳа.

Силантийни коммунадагиларнинг ҳаммаси яхши кўриб қолди. Оля Воронова ҳам унга жуда меҳр блан қарайди. Мана, ҳозир ҳам Силантийнинг тепасига энгашиб, унга меҳрибон кўзларини тикиб қарайди. Силантий эса кулиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турган ялалоқ юзини офтобга бургандай, Олянинг чеҳрасига қарайди.

— Хўш, нима дейсан, маликам?

— Сен, Силантий, эскича қарайсан. Эскича. Атрофга бир қара: ҳамаёқ янгича.

Силантий Семёнович Отченашнинг колонияга қаердан келиб қолганини ҳечким билмайди. Қупқуруқ ҳолича бирдан пайдо бўлиб қолди. Устидаги бўз кўйлаги, минг жойи йиртилиб кетган шимидан бошқа ҳечнарсаси йўқ эди. Қўлида ҳатто таёғи ҳам йўқ эди. Бу таралабедод кишининг алланимаси колонистларга ёқиб қолган бўлса керак, ҳовлиқиб кабинетимга судраб киришди.

— Антон Семёнович, буёққа қаранг, колониямизга мана бу киши кепти.

Силантий менга қизиқиб қарарди. Болалар унинг худди эски танишидай, уларга ҳам кулиб қараб:

— Бу киши ким бўладилар, сизларнинг бошлиғингиз бўладиларми?— деди.

Силантий менга ҳам ёқиб қолди.

— Бирон иш блан келдингизми?

Силантийнинг чеҳраси ўзгарди ва жиддий тус олиб:

— Мен сенга айтсам, гап шунақа. Мен бир ишчи одамман, сенда бўлса иш топилади, ортиқча гап йўқ,— деди.

— Қўлингиздан нима ишлар келади?

— Нима десам экан, ёнида пули бўлмагандан кейин, одамнинг қўлидан ҳарнарса келади.

Бирдан чеҳраси очилиб, самимий кулиб юборди. Унга қараб турган болалар ҳам, уларнинг кетидан мен ҳам кулиб юбордим. Кулишимизга асос борлиги ҳаммага ма'лум эди.

— Қўлингиздан ҳар нарса келадими?

— Келади десам бўлади... мана шунақа...— деди Силантий бироз уялиңқираб.

— Қани, нималар келади, айтингчи...

Силантий бармоқларини букиб санайбошлади:

— Ер ҳайдашни ҳам, молалашни ҳам, от боқишни ҳам биламан, мен сенга айтсам, мол ҳам боқаман, рўзғор ишларидан дурадгорлик ҳам, темирчилик ҳам, печкасозлик ҳам қўлимдан келади. Бўёқчилик ҳам қилганман, мен сенга айтсам, этикдўзлик ҳам қилганман. Иморат қуриб бер десангиз иморат ҳам қуриб бераверaман, чўчқа сўйиб бер десангиз, бунисини ҳам эплайман. Фақат чақалоқларга от қўйиш қўлимдан келмайди, насиб қилмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У яна бирдан кулиб юборди, кўзларидан ҳатто ёш чиқиб кетди, шу қадар кулгиси қистаган эди.

— Наҳотки насиб қилмаган бўлса-а?

— Бирор марта чақиришгани йўқ, мана шунақа.

Болалар қотиб-қотиб кулишди, Тоська Соловьев эса оёғининг учида туриб Силантийнинг юзига қарар ва кула-кула:

— Нега чақиришмаган, нега чақиришмаган?— деб сўради.

Силантий кулишдан тўхтади, худди уста тарбиячидай, Тоськага тушунтирабошлади:

— Гап бундай, мен сенга айтсам, оғайни: бironта бола туғилса, ана, мени чақиришади деб турсам, мендан бойроқ одамни чақиришиб қоларди. Мана шунақа...

— Ҳужжатингиз борми?— деб сўрадим.

— Ҳужжатим бор эди, мен сенга айтсам, бор эди. Аммо, иш бунақа бўлди: чўнтагим йўқда, йўқолиб қопти, ҳа. Узим борман-ку, ҳужжатни нима қиласан ўзим турган жойда?

— Илгари қаерларда ишлагансиз?

— Қаерда ишлагансан дейсанми? Одамларникида ишлаб юрганман. Ҳархил одамларникида ишлаганман. Яхши одамларникида ҳам ишлаганман, ярамас одамларникида ҳам ишлаганман, шунақа, ҳа. Ростини айтавериш керак, ҳархил одамларникида ишлаганман.

— Ростини айтинг: ўғирлик қилганмисиз?

— Тўғрисини айтиб қўяқолай сенга: ўғирлик қилмаганман, сра-сра. Қилмаганни қилмадим дейиш керак-да, мен сенга айтсам. Ҳа, шунақа.

Силантий хижолат тортиб менга қараб турарди. У, бошқача жавоб берсам ёқармиди, деб ўйлаган бўлса керак.

Силантий колониямизда ишлаб қолди. Олдин биз уни Шерега чорвачиликда ёрдамчи қилиб тайинлаган эдик, бундан натижа чиқмади. Силантий, инсон фаолиятининг бир соҳада чекланишига кўнмасди: нега энди бир ишни қилишим мумкину, бошқасини қилишим мумкин эмас? деярди. Шунинг учун истаган вақтида ўзи зарур деб билган ишга киришиб кетаверар эди. Бошлиқларнинг юзига кулиб қараб турар, уларнинг буйруқларни бир қулоғидан кириб иккинчи қулоғидан чиқиб кетаверар эди. Бир кунда отхонада ҳам ишларди, далага ҳам чиқарди, чўчқахонадан ҳам иш топарди, ҳовлида ҳам ивирсиб юрарди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

темирчиликка ҳам кириб чиқарди, педагоглар кенгашига ҳам, командирлар советига ҳам қатнашар эди. Колониянинг бирон ерида фалокат юз беришини пайқаб, дарҳол ўзини ўша ерга урарди. Буйруқ деган нарсани билмасди, қилган ишига ҳардоим жавоб беришга тайёр эди; агар бирон чатоқ иш қилиб қўйса ёки бирон ишда хато қилиб қўйса, тоза койишар ва уришар эдилар. Шундай пайтларда битта ҳам туксиз калласини қашлар ва иккала қўлини кериб:

— Мен сенга айтсам, чиндан ҳам адашибмиз, шунақа, оғайни,— дерди.

Силантий Семёнович Отченаш келган куниданоқ комсомол ташкилотининг ишларига шўнгиб кетди ва комсомолларнинг ҳарбир умумий ва бюро мажлисларида нутқ айтмаса иложи йўқ эди. Аммо, бир куни шундай воқиа юз берди: қовоғи солиқ, хафа бўлиб олдимга келди-да, қўлини пахса қилиб, жиғибийрони чиқиб, деди:

— Олдиларига кирсам...

— Кимнинг олдига?

— Комсомолларнинг олдига-де! Киргизишмайди, мен сенга айтсам! Мажлисимиз ёпиқ мажлис дейишади. Мен уларга яхшиликча: ишни мендан яшириб қилсаларинг, чақалоқлар, ғўрлигингча ўлиб кетаверасанлар, тентакмисанлар, менсиз сизларга сра ақл кирмайди, шу ҳолларингча ўлиб кетасанлар, дедим.

— Улар нима дейишди?

— Нима дерди, гапга тушунишмайди, маст десанг мастга ҳам ўхшамайди! Мен уларга: кимдан яширасанлар? Лукадан, Софрондан, Мусийдан яширсаларинг арзийди. Аммо, мендан беркиниб нима қиласанлар, ё мени танимадингми, ё эсингни еб қўйдиларингми? дедим. Қулоқ солгуси ҳам келмайди, тентаклар, нуқул кулади, худди ёш болалардай. Уларга гапирсанг, улар нуқул кулади.

Силантий комсомол билан биргаликда мактаб ишларига ҳам қатнашар эди.

Комсомол ташкилоти томонидан жорий этилган мунтазам иш режими мактабимизни ҳам ўёққа тургизди. Унга қадар мактабимизнинг аҳволи ночор эди: кўп колонистлар ўқиш деган сўзни эшитса заҳраси учар эди.

Бунинг сабабини тушуниш унча қийин эмас. Горький номли колониянинг биринчи кунлари кўп оғир мусибатларни бошдан кечирган боқимсиз болалар учун ҳордиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

кунлари эди. Шу кунларда этикдўз ё дурадгор бўламиз деб юрган колонистларнинг асаблари, анча тузалиб, жойига тушиб қолган эди.

Коллективимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаши ва карнайларимиз тантанали садоларининг Коломак бўйларида янграши колонистларимизнинг руҳини анча кўтариб юборди. Этикдўзлик орзу-ҳаваслари ўрнига уларнинг олдига:

РАБФАК

деган чиройли ва юракни жизиллатувчи сўзни биз жуда осонлик билан данғал қўйдик.

У замонларда рабфак деган сўзнинг ма'носи ҳозиргидан бутунлай бошқа эди. Ҳозир рабфак деб оддий ўқув юрти айтилади. У вақтларда рабфак — ишчи ёшларни жаҳолатдан ва зулматдан қутқазиш байроғи эди. У вақтларда инсоннинг илм-ма'рифатга бўлган ҳуқуқларини жорий этучи ёрқин бир нарса шу рабфак эди, шунинг учун ҳам биз рабфак деса ийиб кетардик, рост.

Бу, биз қўллаган ягона амалий бир тадбир эди: 1923 йилнинг кузига бориб колонистларнинг деярлик ҳаммаси рабфакка киришни орзу қилиб қолди. Бу орзу колонияга 1921 йилда тарбиячиларимиз бечора Раисани рабфакка киришга қистаб юрган вақтлардаёқ келиб қолган эди. Паровоз заводи ёшларидан чиққан бирталай рабфакчилар ҳам колонияга келиб-кетиб юрар эди. Биринчи очилган ишчи факультетларнинг қаҳрамонона фаолияти та'рифини колонистларимиз зўр ҳавас ва завқ билан тинглар эдилар, бу ҳавас эса бизнинг ташвиқотимизни янада осонлаштирар эди. Биз колонистларга тинмай мактаб, илм-ма'рифат ҳақида гапирардик, инсоннинг энг ёрқин ва энг тўғри йўли шу рабфак бўлади деб уқдирар эдик. Аммо, рабфакка кириш учун, колонистларнинг назарида, ниҳоятда оғир имтиҳон бериш керак эди: ўз кўзлари билан кўрган одамлар, рабфакка кириш имтиҳонини фақат гоят исте'додли одамларгина бераолади дейишарди. Бизнинг мактабда ҳам ўша даҳшатли синовга тайёрланиш мумкинлигини колонистларга зўрға уқдирар эдик. Колонистларнинг кўпи рабфакка киришга тайёр эди, аммо юраклари дов бермасди, пухтароқ тайёрланиб олайлик деб, колонияда яна бир йил қолишди. Бурун ҳам, Карабанов ҳам, Вершнев ҳам, Задоров ҳам шундай қилишди. Бурунниng ўқишга зўр ихлос қўйгани ҳаммамизни ҳайратда

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолдирарди, уни илмга рағбатлантириш керак эмасди. У индамасдан, эўр сабот блан тиришиб, арифметика ва грамматиканигина эмас, ҳатто ўз қобилиятининг нуқсонларини ҳам енгди. Энг оддий бир нарсага, масалан, грамматика қоидаси ёки энг жўн арифметика масаласини ечишга Бурун куч-қувватини сарфлар, пишқирар, терлаб-пишиб кетарди, аммо бир марта ҳам хафа бўлмас ва муваффақият қозонишга сра шубҳаланмас эди. У бир нарсада хато қиларди, аммо бу хато унинг учун фойдали хатолардан эди: у, илм деган нарса шу қадар қийин ва мураккаб бир нарсаки, кўп меҳнат сарф қилмасдан туриб уни енгиб бўлмайди деб ўйларди. Бошқаларнинг бу илм-фанга ўйнаб юриб эришишларига, Задоровнинг ўқишга мактабдагидан бошқа бир минут ҳам ортиқ вақт сарфламаслигига, Карабановнинг эса ҳатто дарс вақтларида ҳам бошқа нарсалар тўғрисида хаёл суриб, масала ёки машқни йиғиштириб қўйиб, майда-чуйда нарсалар тўғрисида ўйлаб ўтиришларига парво қилмас эди. Правардида шундай вақт келдики, Бурун ўз ўртоқларидан ўзиб кетди, ўртоқларининг осонгина илиб олган билимлари Бурун эришган илм даражаси олдида ҳечнарса бўлмай қолди. Маруся Левченко эса Буруннинг худди акси эди. У колонияга келганда хулқи бузуқ, шаллақи эди, ҳамма нарсадан шубҳаланар, сал нарсага йиғлайверар эди. Бизни кўп қийнади. Ичиб маст бўларди-да, дўстлик, муваффақият, яхши кун, жимжит ва наш'али оқшом, яхши орзу-ният ёки порлоқ умидлар каби энг яхши нарсаларни поймол қилиб ташлар эди. Ҳатто шундай ҳоллар бўлар эдики, бема'ни ва бефойда ёнучи ўтни ўчириш учун устидан челаклаб сув қуйишдан бошқа илож қолмас эди.

Коллективнинг ҳеч тортинмасдан кескин, ба'зан ҳатто қаттиқ қаршилик кўрсатиши натижасида Маруся ўзини тиядиган бўлди, ўзини тиядиган бўлдию, аммо шундан кейин худди шу тахлитда ўзини ўзи қийнай, азоблайбошлади. Марусянинг эси ўткир, зеҳни баланд эди, ўзи ҳам ниҳоятда кўҳлик эди, қорамағиздан келган юзидан қизил кетмас, қопқора кўзлари ҳамиша ўтдай чарақлаб, ёниб турар, хотиржамлик, покизалик акс этиб турган кенг пешонаси унинг идрокли эканини кўрсатиб турарди. Аммо Маруся ўзини хунукман, балбурушман, ҳабашга ўхшаган қоп-қораман, ҳечнарсага ақлим етмайди, эсим паст деб ўйларди. Энг осон ва энг енгил машқ берилса ҳам, зарда блан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Барибир, фойдаси йўқ! Ҳадеб ўқи, ўқи дейсизлар, мунча менга ёпишиб оласизлар? Бурунларингизни ўқитаверинглар! Мен оқсоч бўлиб ҳам ишлайвераман. Ҳечнарсага ярамаганимдан кейин, нега мени бунча қийнайсизлар?— дерди.

Кўнгли бўш, кўзлари ёқимтой ва юмшоқ табиатли Наталья Марковна Осипова Маруся блан машғулот ўтказиб бўлиб, йиғлаб юборар эди.

— Марусяни мен яхши кўраман, илмли бўлсин дейман, у бўлса мени йўқол кўзимдан, мунча пашшадай хира бўлаверасан? дейди. Нима қилай?

Марусяни Екатерина Григорьевнанинг группасига кўчирдим, кўчирдиму, аммо бу тадбирнинг ёмон оқибатидан қўрқдим. Екатерина Григорьевна ҳарқандай одам блан оддий ва самимий муносабатда бўларди.

Маруся блан уч кун машғулот ўтказгандан кейин Екатерина Григорьевна шогирдини кабинетимга олиб келди-да, эшикни маҳкам ёпиб, стулга ўтқизди: Марусянинг жазаваси тутиб, дағ-дағ титрарди. Екатерина Григорьевна:

— Антон Семёнович!— деди.— Мана Марусянгиз. Ҳозирнинг ўзида буни бирёқлик қилмасангиз бўлмайди. Тегирмончи оқсоч қидириб юрипти. Келинг, шу тегирмончига ишга кириб кетақолсин, ўзи ҳам қўлимдан оқсочликдан бошқа нарса келмайди деб юрипти. Ё бўлмаса бунинг бошқа йўли ҳам бор: мен буни келаси кузгача рабфакка тайёрлашга сўз бераман. Ўзи жуда қобилиятли қиз.

— Албатта, рабфакка тайёрлаш керак,—дедим.

Маруся стулда Екатерина Григорьевнанинг хотиржам чеҳрасига қаҳру-ғазабини тўкиб ўтирарди.

— Аммо, машғулот вақтида мени ҳақорат қилишига йўл қўймайман. Мен ҳам бир меҳнаткаш одамман, мени ҳақорат қилиш мумкин эмас. Агар яна бир марта «йўқол нарига» деса ёки «тентак» дейдиган бўлса, мен буни ўқитишдан воз кечаман.

Екатерина Григорьевнанинг нима учун бундай дейишига тушунаман; аммо, Марусяга нисбатан бошқа ҳамма чоралар қўлланиб бўлинган, менинг педагогик ижодим энди бу масалада жуда совуб кетган эди. Марусяга қараб турдим-да, чин кўнгилдан дедим:

— Бундан ҳечнарса чиқмайди. Йўқол ҳам дейди, тентак ҳам дейди, айтаверади. Маруся одамларни ҳур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мат қилмайди, бу одатини ҳали-бери ташлашига кўзим етмайди...

Маруся:

— Мен одамларни ҳурмат қиламан,— деб гапимни бўлди.

— Йўқ, сен ҳечкимни ҳурмат қилмайсан. Аммо, иложимиз нима? Биз буни ўз тарбиямизга олганмиз. Менимча, бундай қилсак, Екатерина Григорьевна: сиз ёшингиз анчага бориб қолган тажрибали, эсли-ҳушли одамсиз, Маруся бўлса ҳали хулқи ёмон бир қиз бола. Келинг, ундан хафа бўлмай қўяқолайлик. Майли, ўзига қўйиб берайлик, сизни тентак дейдими, ифлос дейдими, деяверсин, ахир, ифлос деган вақтлари ҳам бўлган-ку? Сиз бундан хафа бўлманг. Бу қилиқлари бориб-бориб йўқолиб кетади. Бўптими?

Екатерина Григорьевна Марусяга кулиб қаради-да:

— Майли,— деб қўйди.— Бу гапингиз тўғри. Мен розиман.

Маруся қопқора кўзларини менга бир ўқрайтирдию, бирдан аламига чидайолмай йиғлаб юборди; косинкаси блан юзини беркитди-да, пиқиллаб йиғлаб, кабинетдан югуриб чиқиб кетди.

Бир ҳафтадан кейин Екатерина Григорьевнадан:

— Маруся қалай?— деб сўрадим.

— Емон эмас. Индамайди, сиздан хафа.

Эртаси куни кечаси Силантий Марусяни олдимга етаклаб келди-да:

— Аранг етаклаб келдим-да, мен сенга айтсам,— деди.— Маруся сендан жуда хафа, Антон Семёнович. Ўзинг бир гапиришиб кўр.

Силантий ортиқ ҳечнима демасдан, секин бир чеккага ўтди, Маруся бошини эгиб турарди.

— Агар мени жинни дейишадиган бўлса, мен блан гапиришишнинг кераги йўқ. Майли, дейишаверсин.

— Мендан нега хафасан?

— Мени жинни деманг-да.

— Мен сени жинни деганим йўқ.

— Нега Екатерина Григорьевнага жинни деб айтдингиз?

— Хато қилибман. Мен, Екатерина Григорьевнани ҳархил сўзлар блан ҳақорат қиласан, деб ўйлабман.

Маруся жилмайиб:

— Мен ҳақорат қилаётганим йўқ-ку,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ийе, ҳали шунақами? Ундоғ бўлса, мен хато қилибман. Негадир мен уни ҳақорат қилаяпсан деб ўйлабман.

Марусянинг ниҳоятда кўҳлик чеҳрасида қувонч аломати билинар-билинмас пайдо бўлиб:

— Сиз шунақасиз: билмасдан одамга ёпишасиз...— деди.

Силантий олдинроққа чиқди-да, шапкасини силкитиб:

— Нега сен одамга ҳадеб тиргилаверасан-а?— деди.— Сизлар мингта бўлсанглар, бу битта! Ҳа хўп, хато қипти, аммо сен хафа бўлмаслигинг керак эди.

Маруся кулиб туриб, Силантийга ялт этиб қаради-да, жаранглаган товуши блан:

— Силантий, гарчи қари бўлсанг ҳам, аҳмоқ экансан!— деб, кабинетдан қочиб чиқиб кетди. Силантий шапка ушлаган қўлини кериб:

— Ана, холос! Кўрдингми?— деди.

Кейин бирдан шапкасини тиззасига уриб, хахолаб кулиб юбориб:

— Вой қизи тушмагур-ей!..— деди.

3. Доминанталар

Дурадгорлар қизил уй деразаларини қуриб бўлиши блан қиш ҳам бостириб келиб қолди. Бу йилнинг қиши дарров момиқдай қалин қор ташлади: қор эриб атала ҳам бўлмасди, қаҳратон совуқ ҳам йўқ эди. Кудлатий уч кунгача колонистларга қишлик кийим улашиш блан овора бўлди. Отбоқар ва чўчқабоқарларга пийма, қолган ҳамма болаларга ботинка берди; гарчи ботинкалар эски ва уринган, фасони унча келишмаган бўлса ҳам, бошқа кўпгина яхши фазилатлари бор эди: пишиқ, солиниган ямоқлари ҳам бежирим ва чиройлигина эди, оёқни сиқмас, икки жуфт пайтава ўралса ҳам оёқ бемалол сиғаверар эди. У вақтларда биз пальтонинг нималигини билмас эдик, пальто ўрнига калта сирма пахталик тужурка кийиб юрардик; империалистик урушдан қолган бу мерос га Николай подшо солдатларни «куфайка» деб жуда боп ном қўйиб кетганлар. Ба'зиларимизнинг бошларимизда янги шапкалар пайдо бўлди, бу шапкалардан ҳам подшо интендантлиги омборининг ҳиди келиб турарди; аммо колонистларнинг кўпчилиги қишни чит жартуз блан чиқарди. Колонистлар баданини иссиқроқ тутишга у вақтларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

қодир эмас эдик. Болалар қишда ҳам ўша чит кўйлак, чит шимда қолдилар. Шу сабабдан колонистларнинг ҳаракатларида ҳаддан ортиқ эпчиллик ва чаққонлик пайдо бўлган, бу эса ҳатто энг қаҳратон совуқ маҳаллларда ҳам уларнинг юлдуздай учиб юришига имкон берарди.

Колонияда қиш кечалари ниҳоятда завқли бўлади. Соат бешда иш тугайди, ужингача яна уч соат бор. Ба'зи уйларда керосин лампалар ёқилади, аммо чинакам завқ ва қувноқлик керосин чироқдан эмас эди. Ётоқхона ва синфларда печкалар ёқилабошланади. Ҳар печка ёнига бир қучоқ ўтин келтириб ташланади, унинг атрофига бир гала бола тўпланади, ўтин ҳам, колонистлар ҳам бу ерга фақат уйни иситиш учун эмас, гурунглашиб, ҳангамалашиб ўтиргани тўпланади. Ҳангамани энг олдин ўтинлар бошлаб беради: болаларнинг эпчил қўллари уларни печкага қалайбошлаши бланоқ, ўтинлар гапга кириишиб кетади: бошдан ўтган қизиқ-қизиқ саргузаштлар, кулги, ўқ узишлар, қувишлар, ғалаба тантаналари блан тўла воқиани энтика-энтика гапиради. Бу ҳикоячилар бир-бирларининг гапларини дамба-дам бўлиб турганларидан ва аллақаёқларга ошиқиб елиб-югуришларидан, болалар уларнинг гапларига зўрға тушунадилар, аммо шундай бўлса ҳам ҳикоянинг мазмуни равшан ва ҳаммани завқлантиради, ҳамма дун'ёда яшаш завқли ва мароқли деб ўйлайди. Ўтин чарсиллаб ёниб бўлгач, қипқизил чўққа айланган ҳикоячилар толиққан тиллари блан алланималарни шивирлаб ёгадилар, шундан кейин колонистлар ўз ҳикояларини бошлайди.

Тўдалардан бирида Ветковский ўтирипти. У, колониянинг эски ҳикоячиларидан, унинг ёнидан тингловчи сира аримайди.

— Дун'ёда кўп қизиқ-қизиқ нарсалар бор. Биз бу ерда туриб ҳечнарса кўрмаймиз, ҳечнарсадан хабаримиз йўқ, оламда шундай болалар боркн, уларнинг кўрмаган нарсаси бўлмайди. Яқинда бир болани учратдим. Ҳатто Каспий денгизигача бориб кепти, бутун Кавказни кезиб чиқипти. Кавказда бир тоғ оралиғи бор эмиш, оралиқнинг ичида «Е худо, ўзинг сақла» деган қоя тош бор эмиш. Негаки, шу қоя тагидан ўтишдан бошқа чора йўқ эмиш. Битта одам ўтса, иккинчиси ўтаолмас эмиш, чунки, тепадан тошлар тинмай қулаб турар эмиш. Бошга келиб тегмаса-ку майли-я, одамнинг бошига келиб тегса борми,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жарга қулаганча кетаверар эмиш, кейин уни қидириб топиб бўлмас эмиш.

Задоров Ветковскийнинг кўмкўк кўзларига э'тибор блан тикилиб, ҳикоясини ҳам э'тибор блан тинглаб туриб:

— Костя, ўша томонларга бир бориб келмайсанми, балки сени ҳам «худо ўзи сақлар?»— дейди.

Болалар, печка чўғидан қизариб кўринган юзларини Задоровга бурадилар.

Костя дейди:

— Гапнинг тагига тушунмайсан, Шурка. Ҳамма нарсани ўз кўзинг блан кўриш — қизиқ, ахир... Ана, бояги мен айтган бола ҳам бориб кепти...

Задоров пичинг аралаш кулади-да, Костяга қараб:

— Мен ўша боладан бошқа гап сўрардим... Мўрини беркитса ҳам бўлади энди, болалар.

— Нимани сўрадинг?— дейди Ветковский, хаёл сурганн ҳолда.

Задоров, печканинг тепасидаги заслонкаларни шарақлатиб беркитиб турган шўх болага қараб туради.

— Мен ундан кўпайтириш жадвалини бнласанми деб сўрадим. Ахир, ўша сен айтган тирмизак бола дун'ёда текинхўр бўлиб яшайди, умри жоҳилликда ўтади, ҳатто ўқиш-ёзишни ҳам билмаса керак. Худо, ўзинг сақла дейдими? Унақа аҳмоқларнинг бошига қанча кўп урсанг шунча савоб бўлади. Ўша сен айтган қоя шунақалар учун яратилган!

Болалар кулишади, биттаси:

— Ке, қўй, Костя, биз блан яшайвер. Сени ким аҳмоқ депти?— дейди.

Бошқа печка ёнида тиззаларини кериб, бошини ялтиллатиб ўтирган Силантий, узундан узун бир воқиани гапириб ўтиради.

— ... Биз, энди омон-эсон қутулдик деб ўйлаган эдик, мен сизларга айтсам: у аблаҳ бўлса йиғлаб-йиғлаб, юзларимиздан ўпиб юрипти, ифлос, кейин кабинетига қайтиб кириб, ҳамаёқни булғатиб юборди, ла'нати. Ўзига битта лаганбардорни топиб опти-да, шаҳарга жўнатипти. Ўласанми бунга, куясанми? Эрталаб туриб қарасак, отлиқ жандармлар келиб турипти-да! Одамлар, жандармлар сизларни савалагани келди дейишади. Мен блан укам умримизда кетга шатта еган одам эмас эдик, мен сенларга айтсам. Шундай деб туриб олдик. Аммо, қизга

www.ziyouz.com kutubxonasi

жуда ачинган эдим-да! Қизга тегишмаса керак деб ўйладим...

Силантийнинг орқасида полда Калина Ивановичнинг пиймаси, юқорироқда эса трубкаси тутаб туради. Трубкадан чиққан тутун пастга, печка пастига буралиб-буралиб тушади-да, бир боланинг думдумалоқ калласи ва қулоқлари ёнидан икки бўлиниб ўтиб, қизиб турган печканинг ичига шўнғиб кириб кетади. Калина Иванович менга бир кўзини қисиб, Силантийнинг гапини оғзидан олади:

— Хэ-хэ-хэ! Тўғрисини айтавер, Силантий,— оёғинг ўсиб чиққан жойингни бироз силаб қўйишдими, қўйишмадими?

Силантий бошини кўтариб қарайди, қота-қота кулиб чалқанчасича йиқилиб тушгудек бўлади.

— Тўғри айтдинг, Калина Иванович, силашга силаб қўйишди, рост... Қиз туфайли-да, қизи тушмагурни деб.

Бошқа печкалар ёнида ҳам, синфларда ҳам, квартираларда ҳам ҳангамалар, суҳбатлар қизийди. Вершнев блан Карабанов албатта Лидочканинг уйида ўтирган бўлади. Лидочка уларни мурабба ва чой блан меҳмон қилаётгани аниқ. Вершневнинг Семёндан жаҳли чиқиб гапиришига чой халал бермайди:

— Х-хўб, м-майли, к-к-кеча ҳам кунимиз майнавозчилик блан ўтди, бугун ҳам майнавозчилик блан ўтди, ахир қ-қ-а-чон дўппини ерга олиб қўйиб ўйлаймиз...

— Ҳа нимани ўйлайсан, ахир? Хотининг бўлмаса, бола-чақанг бўлмаса, ҳўкиз-сигиринг бўлмаса, давлатинг бўлмаса,— нимани ўйлайсан? Таралабедод қилиб юравер!

— Т-т-турмуш устида бош қотириш керак, т-т-т-ентак одам!

— Аҳмоқ экансан, Коля. Роса аҳмоқ экансан! Сенингча, одам ўйлаш учун албатта креслога ўтириб, кўзларини олайтириб, қани, келинглар, ўй ўйлаймиз дейиши керакми? Калласи бор одам ўзи ўйлайверади-да. Аммо, сендақа одамлар бирон нарса еб олмаса мияси ишламайди, буниси тўғри...

— Нега Николайни хафа қиласиз?— дейди Лидочка.— Қўяверинг, ўйласа ўйлайверсин, балки бирон нарсага ақли етиб қолар.

— Кимнинг ақли етади? Колькапинг ақли етадими? Ҳечбир-да! Ақли етиб бўпти! Биласизми, Колькапинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

қанақа одамлигини? Буни Исочи дейдилар. «Ҳақиқат излайман» деб юради бу киши. Бунақанги аҳмоқни ҳеч кўрганмисиз? Бу кишига ҳақиқат керак бўб қопти! Ҳақиқат блан ботинкасини мойлайдими?

Семён блан Колька Лидочканикидан яна бояги-боягидай апоқ-чапоқ бўлиб чиқишади, фақат Семён бутун колонияга овозини барала қўйиб ашула айтади, Николай эса уни меҳрибонлик блан қучоқлайди-да:

— Р-раз р-революция б-б-бўлдими, ҳамма нарса тўғри бўлиши керак,— деб гап уқдиради.

Менинг оддийгина квартирамда ҳам меҳмонлар ўтирипти. Мен энди онам блан бирга тураман; муштипар онам ўзининг сокин ва тиниқ туман қоплаган умр оқшомини кечирмоқда. Онамни ҳамма колонистлар буви дейишади. Бугун кичкина Митька Жавелийнинг укаси Шурка Жавелий бувисиникига меҳмон бўлиб келган.

Шурканинг колонияга келганига янча бўлган, бўйи ўсмаса ҳам ба'зи жойлари тез ўткирлашиб: бурни ингичка тортиб, қулоқлари диккайиб, энгаҳи чўққи, қарашлари ўткир бўлиб борарди.

Шурка ҳамиша бирон иш блан шуғулланиб юради. Боғнинг пастқам жойларидан бирида бир парча ерни тахта блан ажратиб, иккита-учта қуён, кочегарканинг подвалида битта зоғча боласини боқади. Умумий мажлисларда комсомоллар ба'зан Шурка буларни спекуляция учун сақлайди, умуман Шурка якка хўжалик бўлишни яхши кўради деб айблаб қоладилар, аммо Шурка ҳам бўш келмайди ва ўзини дадил ҳимоя қилади:

— Қани, айтчи, кимга сотибман? Сотганимни ўз кўзинг блан кўрдингми?

— Бўлмаса, пулни қаердан олдинг?

— Қайси пулни?

— Кеча қайси пулга конфет олиб единг?

— Қанақа пулга дейдия! Кеча бувим ўн тийин берган эди.

Бувига қарши мажлисда ҳечнима дейилмайди. Бувининг ёнида ҳамиша бирнеча бола айланиб юради. Улар, бувининг илтимосига кўра Гончаровкага бориб ба'зи юмушларини қилиб келадилар, аммо бу ишларни менга билдирмасдан бажаришга тиришадилар. Иш блан бандлигим ва уйга тез қайтиб келаолмаслигимни билишса, иккита-учта бўлиб бувиникига чой ичгани келишади ё

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаса, буви менга пиширган, аммо вақтим бўлмаганидан ичилмаган компотни тугатишга киришадилар. Қариганидан буви ҳамма дўстларининг отини билмасди, аммо Шуркани яхши танирди, чунки Шурка колонияда анчадан буён турар ва бошқаларга қараганда сергайратроқ ва гапдонроқ эди.

Бугун Шурка бувиникига жуда муҳим ва катта иш билан кепти.

— Салом.

— Саломат бўл, Шура. Нега йўқ бўлиб кетдинг? Тобинг йўқмиди?

Шурка табуреткага келиб ўтирди, бир вақтлар оппоқкина бўлган фуражкасининг козирогини чит шимига уриб ўтиради. Анчадан бери машинка тегмаган малла сочлари ҳар томонга диккайиб туради. Шурка бурнини кўтарадида, пастак шифтни тамоша қилабошлайди.

— Йўқ, соғман, қуёним касал бўлиб қолган эди.

Буви кроватьда ўзининг энг асосий бойлиғи бўлмиш кичкина ёғоч қутини кавлаб ўтиради, қути латта-путталар, ип-игна, хуллас бувининг эскидан қолган мато'лари билан тўла эди.

— Қуёнинг касалмиди? Вой бояқиш! Кейин нима қилдинг?

— Нима ҳам қилаолардим?— дейди Шурка, жиддий суратда; у ҳаяжонланганидан пирпираган ўнг кўзини қисиб гапирарди.

— Боқизса тузалмасмикин?— дейди буви, Шуркага қараб.

— Нима билан боқардим,— деб шивирлайди Шурка.

— Бирон дори-пори берса-чи?

— Сўк топилсайди... ярим стаканигина, бўларди.

— Чой ичасанми, Шура?— деб сўрайди буви.— Ана, чойнак плитада, стаканлар ҳована. Менга ҳам қуйиб қўй.

Шурка фуражкасини секин табуреткага қўяди-да, баланд плита олдига бориб, ивирсийди. Буви зўрға бўйини чўзиб, полкадан сўк солиб қўядиган пуштиранг халтачани олади.

Энг хушчақчақ, шовқинчи болалар Козирьнинг ғилдирак ясайдиган саройига тўпланади. Козирьнинг ётадиган жойи ҳам шу. Саройнинг бир бурчагига пастак қўлбола печка ўрнатилган, печкада чойнак. Бошқа бурчакда устига қуроқ кўрпа ёпиб қўйилган буклама кровать. Козирьнинг ўзи кроватьда, меҳмонлари эса тўнкаларда, ишхона

www.ziyouz.com kutubxonasi

дастгоҳларида, тўплаб қўйилган гупчакларда ўтиришади. Ўтирганларнинг ҳаммаси Козирьнинг умр бўйи дилига жойлаб юрган диний хурофотларни юлиб олишга тиришадилар.

Козирь ма'юс кулади.

— Яхши эмас, болаларим, яхши эмас, айб бўлади-я. Худонинг қаҳри келади...

Броқ, худонинг қаҳридан олдин Калина Ивановичнинг қаҳр-ғазаби келади. Қопқоронғи ҳовлидан ёруғ саройга қўлидаги трубкасини силкитиб кириб келади:

— Нега чол одамни хафа қиласизлар? Иисус Христос блан сенинг ишинг нима, қани, айтчи? Бўйнингдан ушлаб ташқарига шундай олиб чиқиб қўяйки, Христос уёқда турсин, Николай авлиёга ҳам нола қиладиган бўлгин! Совет ҳокимияти сизларни худодан ҳоли қилган экан, индамасдан суюниб юравермайсизларми, нега бу ерга келиб бировни хафа қиласизлар?

— Христос сизни ўз паноҳида сақласин, Калина Иванович, мен чолни хафа қилдирмайсиз...

— Яна бирон нарса дейишса — тўғри менинг олдимга келиб айт. Бу боқимсизларга менсиз кучинг етмайди, авлиёларингга ҳам унча ишонма.

Болалар ўзларини Калина Ивановичдан қўрққанга соладилар-да, ғилдираксоялик саройидан қочиб чиқиб колониянинг бурчак-бурчакларига тарқалишиб кетадилар. Биз энди казармага ўхшаган катта-катта ётоқлардан қутулиб, болаларни кичик-кичик уйларга олтитадан-саккизтадан жойлаштирган эдик. Бу ётоқларда колонистлар отрядлари янада аҳил ва иноқ бўлиб кетдилар, ҳарбир айрим группанинг ўзига хос хусусиятлари янада аниқроқ кўринабошлади, улар блан ишлаш ҳам мароқли бўлиб қолди. Колонияда ўн биринчи отряд пайдо бўлди,— бу отряд Георгиевскийнинг қат'ий талабига мувофиқ кичик болалардан тузилган эди. Георгиевский улар блан ҳали ҳам тинмай овора бўларди: силарди-сийларди, чўмилтирарди, бирга ўйнарди, вақти келганда койиб ҳам қўярди, вақти келганда худди онадай эркалатар эди, унинг бу сабот-матонатидан, сўнмас ғайратидан ҳатто кўпни кўрган колонистларнинг ҳам юраклари эриб кетар эди. Георгиевскийнинг фақат шу фидокорона ишигина унинг Иркутск губернаторининг ўғли деган фикр орқасида туғилган оғир таассуротни юмшатарди.

Колонияда тарбиячилар ҳам кўпайиб қолди. Мен ях-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ши тарбиячиларни тинмай излардим ва тажрибасиз бирталай педагоглар орасидан ба'зан керакли одамларни топиб олардим. Бир куни ўқитувчилар профсоюзининг шаҳардан ташқаридаги полизида қоровуллик қилувчи Павел Иванович Журбин деган бир киши блан учрашиб қолдим. Павел Иванович Журбин ўқимишли, машқни етказган, чидамли ва одобли одам эди. Унинг бир хусусияти менга жуда ёқиб қолди, бу хусусияти шу эдики, одам боласига ғоятда меҳр-муҳаббат блан қарар эди, одамлар хулқининг айрим хусусиятлари ҳақида, ҳарбир шахснинг кўзига кўринмайдиган энг майда ва нозик томонлари, инсон мардлигининг гўзаллиги ва қабоҳатнинг энг қоронғи ва сирли томонлари ҳақида гапирганда худди шинаванда ва ишқивоз одамдай топиб гапирарди. Бу нарсалар тўғрисида кўп ўйлар ва одамлар орасидан янги коллектив қонунлари аломатларини тинмай қидириб ва топиб юрарди. Мен, унинг бу дилетантлик йўлида албатта адашиб, йўлдан озишини билардим, аммо менга унинг самимийлиги ва пок табиати ёқиб қолганди, шунинг учун ҳам мен унинг 35-нчи Брянск пиёда аскарлар полкида штабс-капитан мансабида ишлаганига парво қилмадим; сирасини айтганда, штабс-капитанлик погоналарини елкасидан Октябрьдан олдинроқ олиб ташлаган, ўз таржимаий ҳолини ҳам оқ гвардиячиларга хос қабиҳликлар блан бўлғамаган ва шунинг учун ҳам унга Қизил Армия запас рота командири деган унвон берилган эди.

Мен топган одамларнинг иккинчиси Зиновий Иванович Буцай эди. Еши йигирма еттиларда бўлса ҳам, эндигина бадиий ўқув юртини тугатиб, бизга рассом сифатида тавсия этилган эди. Мактабимиз учун ҳам, театримиз учун ҳам, ҳархил комсомол ишлари учун ҳам бизга рассом жуда зарур эди.

Зиновий Иванович Буцайнинг бирқанча ажойиб хусусиятлари бизни жуда ҳайратда қолдирди. Ўзи ниҳоятда ориқ, афти-башараси ниҳоятда қопқора эди, у блан гапиришиш ҳам қийин эди: овози йўғон ва ғўлдираб эшитиларди. Зиновий Иванович ниҳоятда табиати оғир ва пинагини бузмайдиган одам эди. У колонияга ноябрьнинг охирларида келди, колониямизни қандай бадиий хунар блан бойитар экан деб, биз анчагача кутиб юрдик. Аммо Зиновий Иванович қўлига қалам олишдан олдин бирдан ўзининг бадиий табиатининг бошқа, биз кутмаган томони блан ҳайратда қолдирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Колонияга келгандан бирнеча кун ўтгач, колонистлар менга, рассомимиз ҳар куни эрталаб уйдан қипялангоч бўлиб елкасига пальтосини ташлаб чиқади-да, Коломакда чўмилади деб айтиб қолишди. Ноябрьнинг охирларига бориб Коломак яхлади ва бирнеча кундан кейин колонистлар учун яхмалак отадиган жой бўлиб қолди. Зиновий Иванович, Отченаш блан бирга музни ёриб, ҳар куни эрталаб чўмилишни канда қилмас эди. Кўп ўтмай оғриб қолиб, икки ҳафтача плеврит бўлиб ётди. Тузалгандан кейин яна муздак сувда чўмилди. Декабрьда бронхит бўлиб ётди ва яна аллақандай касалга йўлиқди. Буцай дарсга келолмас, бу блан қиш планларини бузар эди. Ахир тоқатим тоқ бўлди-да, бу тентакликни бас қилинг деб илтимос қилдим.

Менинг бу илтимосимга жавобан Зиновий Иванович хириллаган товуш блан:

— Хоҳлаган вақтимда ҳарқанча чўмилишга ҳақим бор. Меҳнат қонунлари кодексида чўмилиш ман' этилмаган. Касал бўлишга ҳам ҳақим бор, бинобарин, мени расмий суратда айблашга ҳечқандай асос йўқ,— деди.

— Эй азизим, Зиновий Иванович, мен сиз блан расмий суратда гапиришаётганим йўқ. Нега энди ўзингизни мунча қийнайсиз? Сизга раҳмим келганидан айтаман-да.

— Ҳа-ҳа, агар бундай бўлса, мен сизга сабабини тушунтириб берай: соғлиғимнинг мазаси йўқ, а'зойи-баданим сал чатақроқ яратилган. Бундай тан-сиҳатлик блан яшаш, ўзингиз биласиз, жуда кўнгилсиз. А'зойи-баданимни шундай тобга келтирайки, тинчгина ва хотиржам' умр кечирай ё биратўласи ўлиб кетай деб аҳд' қилиб қўйдим. Бултур тўрт марта плеврит бўлгандим, мана бу йил, декабрь ойигача, атиги бир марта плеврит бўлдим. Бу йил икки мартадан ошмаса керак деб ўйлайман. Дар'ёнинг яқинлигини билиб, атайлаб сизга ишга кирдим.

Силантийни ҳам олдимга чақириб, тоза уришдим:

— Бу нима майнавозчилик? Бир одам жинни бўламан деса, сен унинг ёнига тушиб, яхни чопиб, чуқур ясаб берасан!..

Силантий хижолат бўлиб, икки қўлини керди:

— Сен мендан хафа бўлма, Антон Семёнович, бунинг бошқа иложи йўқ эди. Худди шунақангги одамлардан биттасини кўрганман: ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлиб юрган экан. Ўзимни ўзим сувга ташлайману, ўламан деб жазм қипти. Бирпас қарамай қўйдингми, дарров ўзини сувга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташларди. Мен уни дар'ёдан олиб чиқавериб, ахир жонимга тегди, чарчадим, мен сенга айтсам. Аблаҳ ниҳоятда ўжар одам эди, нима қипти дегин? Ўзини ўзи осиб ўлдирипти. Унинг бундай қилиши менинг сра хаёлимга ҳам келмапти. Мана шунақа. Бунисига индамайман, билганини қилсин, вассалом.

Зиновий Иванович май ойининг охирларигача ях тагига тушиб чўмилиб юрди. Колонистлар олдинига бу ўлимтик одамнинг қилиқларидан кулиб юришди, кейин-кейин унга ҳурматлари ошиб шамоллаган ва бронхит, плевритга мубтало бўлиб ётган вақтларида унга қараб, боқадиган бўлдилар.

Аммо, Зиновий Ивановичнинг ўз организмини бу усулда тоблаши унинг ҳафталаб соғ юришига халал бермасди, шундай кезларда унинг рассомлик табиати ҳақиқатан ҳам ўзини кўрсатар эди. Кўп ўтмай Зиновий Ивановичнинг теварагида рассомлар тўгараги тузилди; тўгарак а'золари командирлар советидан пастак бир болохонани сўраб олдилар-да, ўзларига ишхона қурдилар.

Сокин қиш кечаларида Буцай ишхонасида иш жуда қизиб кетади, рассомлар ва меҳмон бўлиб келган сан'ат ҳомийлари кулганда чердакнинг деворлари титраб кетарди.

Катта керосин лампа тагига солинган ҳайбатли картон устида бирнеча бола ишлаб ўтиради. Зиновий Иванович, чўтка чўпининг учи блан қопқора сочларини қашлаб, йўғон овозини ғудирлатиб:

— Федоренконинг юзига яна бироз сепия[1] беринглар. Федоренко деҳқон-ку, сизлар уни кўпаснинг хотинига ўхшатиб қўйибсизлар. Ванька, керак бўлса, бўлмаса кармин[2] сураверасан-а!

Маллабашара, сепкилдор, бурнининг ўртаси ичига кириб кетган Ванька Лапоть, Зиновий Ивановични масхара қилиб, жўрттага овозини йўғон қилиб, дейди:

— Сепиянинг ҳаммасини Лешийга ишлатиб юборди-к.

Кечқурунлари менинг кабинетим ҳам шовқин-суронли бўлиб қолди. Яқинда Харьковдан икки студент қиз келиб, қуйидаги қоғозни менга узатди. Унда:

«Харьков педагогика институти К. Варская ҳамда Р. Ландсберг ўртоқларни М. Горький номидаги колония-

---

1—2 *Сепия, кармин* — бўёқларнинг номи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

га педагогика ишлари блан амалий суратда танишиш учун юборади» дейилган эди.

Ёш педагоглар авлодининг бу икки вакилини жуда қизиқсиниб кутиб олдим. К. Варская ҳам, Р. Ландсберг ҳам ҳали ёш эди, ҳарбирининг ёши йигирмадан ошмаган эди. К. Варская — тўладан келган, эпчил, сочлари сариқ ва кўҳликкина қиз эди; юзидаги майин қизилини худди акварель бўёқ блан солингандай дейсиз. Сал-пал кўриниб турган ингичка қошларини дам ўтмай чимириб, ҳадеб чеҳрасига бостириб келучи табассумни базўр қайтариб, мени чиндан ҳам сўроқ қилар эди:

— Педология кабинетингиз борми?

— Педология кабинетимиз йўқ.

— Бўлмаса шахсни қандай ўрганасизлар?

— Ёш боланинг шахсинимн?— деб сўрадим, ўзимни мумкин қадар жиддийроқ тутишга тиришиб.

— Ҳа-да. Тарбияланучининг шахсини.

— Шахсини ўрганиб нима қиламиз?

— Нега «нима қиласиз?» Ўрганмасдан туриб қандай ишлайсиз? Билмаган нарсангиз устида қандай ишлайсиз?

К. Варская тинмай бижирлар, менга гап уқдиришга тиришиб галирар ва ҳар гапида ёнида ўтирган ўртоғига қараб қўяр эди. Қорачадан келган, қалин ва қопқора сочлари ўрим-ўрим бўлиб тушган Р. Ландсберг, менинг гапларимдан ғазаблакиб, кўзларини пастга тикар эди.

— Тарбияланучиларингизнинг энг зўр доминанталари[1] нимадан иборат?— кўзимга қаттиқ тикилиб туриб сўради К. Варокая.

— Колонияда шахс ўрганилмагандан кейин, доминанталарни сўраб ўтириш ортиқча,—деди секингина Р. Ландсберг.

— Йўқ, нега?— дедим жиддий суратда.— Доминаталар ҳақида ба'зи нарсаларни айтишим мумкин. Тарбияланучиларимизнинг доминанталари худди сизларникига ўхшаган...

— Бизни қаердан билақолсиз?— деб сўради К. Варская, жаҳли чиқиб.

— Ҳа, мен блан гапиришиб ўтирибсизлар-ку, ахир!

---

[1] *Доминанта* — физиологияда вақтинча устунлик қилучи рефлекс. Педологлар доминанта бола психологиясида жуда катта роль ўйнайди деб да'во қилар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гапиришсак нима бўпти?

— Кимлигингизни, ичларингизда нима борлигини кўриб, билиб ўтирибман. Ўйлаганларингиз худди шишадагидай кўриниб турипти.

К. Варская қипқизариб кетди, броқ шу он кабинетга Карабанов, Вершнев, Задоров ва яна бирнеча колонистлар кириб келди.

— Кирсак майлими ё гапларинг маҳфийми?

— Бемалол!— дедим.— Мана, танишниглар, харьковли студентлар бизга меҳмон бўлиб келипти.

— Меҳмон бўлиб келипти? О, жуда соз бўпти-ку! Отингиз нима?

— Ксения Романовна Варская.

— Рахиль Семёновна Ландсберг.

Семён Карабанов кафтини чеккасига қўйди-да, ташвишланиб қолгандай:

— Вой, бў-ў-ў! Отингиз мунча узун? Қисқаси, Оксана эканда, а?

— Барибир,— деб рози бўлди К. Варская.

— Сизчи, сизни Рахиль деб қўяқолайликми?

— Майли,— деб пичирлади Р. Ландсберг.

— Ана энди жойида бўлди. Энди сизларга овқат бердирсак бўлади. Студентмисизлар?

— Ҳа.

— Ҳа қорнингиз... хаҳ, нима десам экан... Вершнев блан Задоров бўлганда, қорнингиз итдай оч бўлса керак дейишарди. Сизларга ундай дейиш бўлмайди-ку, аммо... қорнингиз мушукдай оч десак бўлар, менимча.

— Ростдан ҳам қорнимиз ўлардай оч,— деб кулиб юборди Оксана.— Юз-қўлларимизни ҳам ювиб олсак бўладими?

— Юринглар. Биз сизларни қизларга топширамиз: улар блан билганингизни қилинглар.

Шундай қилиб, улар блан танишиб олдик. Ҳар куни кечқурун иккаласи менинг олдимга келиб турар, аммо бирпас ҳам ўтирмасдан, чиқиб кетардилар. Ҳарҳолда, шахсни ўрганиш тўғрисида ортиқ гапиришмас эди, бунга Оксана блан Рахильнинг вақтлари йўқ эди. Болалар уларни колониянинг ишлари, ўйин-кулги ва можаралар блан тўлиб-тошган ҳаёт денгизига олиб кириб кетдилар, бирталай қийин ва мушкул масалалар блан таништирдилар. Коллектив ўртасида дам ўтмай пайдо бўлиб туручи гирдоб ва шалолаларга дуч келмай иложинг йўқ, хаш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

паш дегунингча, яна чирпирак қилиб аллақаёққа оқизиб кетганини билмай қоласан. Ба'зан тўлқин уларни менинг кабинетимга ҳам оқизиб келарди-да, қирғоққа чиқариб ташларди.

Бир куни кечқурун тўлқин Оксана, Рахиль, Силантий ва Братченкони кабинетим қирғоғига келтириб туширди.

Оксана, Силантийнинг енгидан судраб, қота-қота кулларди:

— Ҳа боринг, боринг яқинроқ, нега тиҳирлик қиласиз?

Силантий ҳақиқатан ҳам оёғини тираб туриб олганди.

— Колюнияигизда бу киши бузуқлик қиладию, сиз билмас экансиз.

— Ўзи нима гап, Силантий?

Силантий енгини зарда блан тортиб олди-да, сочсиз калласини силаб:

— Нима гап бўлганини айтиб берай: чана ҳовлида қолган экан. Семён блан мана булар тепадан чана отишамиз деб қолишди. Мана, Антоннинг ўзи шу ерда, гапириб берсин.

Антон деди:

— Булар чана отамиз, чана отамиз деб ёпишиб олишди. Семённи тиркиш блан бир солган эдим, қочди, кетди, мана буларга нима дейсан? Айттанинг блан бўлмаса. Ҳа деб чанани судрашаверди. Тиркиш блан солай десам йиғлайди. Шундан кейин Силантий буларга...

— Ҳа, ҳа! — деб жиғибийрони чиқарди Оксананинг.— Қани, Силантий яна айтсин, гапини тақрорласин...

— Нима ёмон гап айтибман? Рост, айтдим, айтмадим демайман. Чанани бузгандан кўра, тезроқ эрга тегақолсанг бўлмайдими дедим. Мана шунақа...

— Йўқ, йўқ, яна бор...

— Яна нимаси бор? Бор гап шу.

— Антонга қараб: ўзини чанага қўшиб, Гончаровкага бориб келсанг, қутириши босилади дейди. Дедингми?

— Ҳозир ҳам айтаман: капкатта, бақувват қизлар экан, бекор юрипти, бизда эса от етишмайди дедим, вассалом.

— Вой ўлай!— деб чинқириб юборди Оксана.— Кетинг, чиқиб кетинг бу ердан! Марш!

Силантий кулди-да, Антон блан иккови кабинетдан чиқиб кетди. Оксана диванда анчадан бери мудраб ўтирган Рахильнинг ёнига ўзини ташлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Силантий ниҳоятда қизиқ одам,— дедим.— Ана ўша шахсни ўрганиш блан шуғулланинг.

Оксана кабинетдан ўқдай отилиб чиқиб кетди, броқ эшик ёнида тўхтаб, аллакимни масхара қилиб:

— Ўйлаганингиз шишадагидай кўриниб турипти! — деди.

Сўнгра югурганича чиқиб кетди, броқ шу ондаёқ бир гала колонистлар ўртасига тушиб қолди, фақат қўнғироқдай овозининг колонистлар блан бирга йироқлашаётгани эшитилиб турарди.

— Рахиль, боринг, кириб ётинг энди.

— А, нима? Менинг уйқум кептими? Сиз-чи?

— Мен ҳам кетай деб турибман.

— Ҳа, шундайми... ундай бўлса, албатта...

Гўдак болаларга ўхшаб мушти блан чап кўзини ишқалади-да, қўлимни сиқиб хайрлашиб, эшикка туртиниб, кабинетдан чиқиб кетди.

4. *Театр*

Қиш оқшомларида бўлиб туралиган воқиаларнинг бир қисмигина олдинги бобда ҳикоя қилинди. Ҳозир айтишга одам уялади, аммо у вақтларда деярлик ҳамма бўш вақтимизни театрга берардик.

Иккинчи колонияда биз чинакам театрга эришдик. Тегирмон саройи тамомила бизнинг ихтиёримизга ўтгандаги севинчимизни та'рифлаб бериш қийин.

Театримизга олти юзтача киши, я'ни бирнеча қишлоқдан келган ҳамма тамошабин сиғар эди. Драма тўгарагининг аҳамияти жуда кучайди ва шунга қараб унга қўйилган талаблар ҳам зўрайди.

Тўғри, театримизда ба'зибир ноқулайликлар ҳам бор эди. Калина Иванович бу ноқулайликларни ҳатто зарарли деб билар ва театр биносини аравахонага айлантириш керак дерди:

— Арава киритиб қўйсанг — бемалол тураверади, негаки арава деган нарса совуқдан қўрқмайди, унинг учун печка ёқиб ўтиришнинг кераги йўқ. Аммо, одамларга печка ёқмаса бўлмайди.

— Печка керак бўлса — қўйиб ёқаверамиз.

— Камбағал одамга қўл беришнинг қанчалик фойдаси бўлса, печкангдан ҳам шунча фойда, ўзинг кўрдингку, саройнинг шифти йўқ, қуруқ тунука томнинг ўзи. У ер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да печка ёқиш—осмонни, осмондаги фаришта ва азроилларни иситиш деган гап, у ерда ўтирган одамларни иситиб бўлармиди! Печка қўйдирганингда ҳам, қанақа печка қўйдирардинг! Жуда бўлмаганда, чўян печка қўйдириш керак, аммо чўян печка қўйишга сенга ҳечким ижозат бермайди, негаки, чўян печка қўйдирдингми, бўлди, саройни ўт олди деявер: бир томонидан тамоша бошлаб, бир томонидан ўт ўчираверасан.

Аммо биз Калина Иваковичнинг гапига кирмадик, бунинг устига Силантий ҳам бизнинг ёнимизни олди.

— Тамоша ҳам текин, ёнғин кўриш ҳам текин бўларкан, ҳечким зарар кўрмас экан.

Саройнинг ичига чўян печка ҳам, тунука печка ҳам қўйдирдик, аммо печкаларни фақат тамоша вақтларда ёқар эдик. Театр залини минг қилсак ҳам бу печкалар билан иситаолмас эдик, чунки бутун иссиқ баландга кўтарилиб, тунука томдан чиқиб кетарди. Шунинг учун гарчи печкалар чўгдай қипқизариб кетса ҳам, тамошабинлар пальто ва пўстинларини ечмай, фақат печка томонга қараган биқинлари ёниб кетмаслиги учун эҳтиёт бўлиб ўтирардилар.

Театримизда ёнғин атиги бир марта бўлди, шунда ҳам ўт печкадан эмас, саҳнага узилиб тушган лампадан чиқди. Бу ҳодиса содир бўлганда ваҳима ҳам бўлди, бу эса бутунлай бошқача ваҳима эди: тамошабинлар жой-жойларида қимирламай ўтирарди, аммо ҳамма колонистлар севинганларидан қийқира-қийқира саҳнага ёпирилиб чиқдилар, Карабанов уларга:

— Ҳа, сенларга нима бўлди, тентаклар, умрларингда ўт кўрмаганмисизлар?— деб бақириб берди.

Ўзимизга чинакам саҳна қуриб олдик: саҳнамиз кенг, баланд, бирталай кулисалари[1], суфлёр учун махсус будкаси ҳам бор эди. Саҳна орқасида каттагина бўш жой ҳам қолган, аммо у жойдан фойдаланишнинг иложи йўқ эди. Саҳнада ўйновчилар бироз исиниб олиши учун шу бўш жойнинг бир парчасини ажратиб, кичкина хона холига келтирдик-да, чўян печка қўйдик, артистларимиз, болалар ва қизлар галма-галдан шу ерга кириб кийинар, грим суртардилар. Саҳна орқасидаги бошқа ерларнинг ва саҳнанинг совуғи ҳам ташқаридан қолишмас эди.

[1] *Кулиса* — саҳна орқасида артистлар кийиниб-ечинадиган махсус хоналар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тамоша залига қўйилган бирнеча қатор тахта скамейкалар кўзимизга каттакон театр залига ўхшаб кўринар эди; бу ер улкан маданият майдони эдики, қанча иш олиб борсанг, шунча самара топиш мумкин эди.

Иккинчи колонияда театрчилик фаолиятимиз ғоят тез юришиб кетди, уч қиш фасли давомида сур'ати сира пасаймади ва шу қадар кенг миқ'ёсда қайнаб, тошиб турдики, энди бу тўғрида ёзаётган ўзим ҳам бунинг шундай бўлганига эўрға ишонаман.

Ҳар қишда қирққа яқин пьеса қўярдик, шу блан бирга ҳечқачон клубларга ўхшаб енгил-елпи асарлар қўймасдик: одатда пойтахт театрлари қўядиган тўрт-беш пардали катта-катта ва жиддий пьесаларни ўйнардик. Тагини суриштирганда, буни мисли кўрилмаган сурбетлик деса бўлар эдию, аммо, виждонан айтсам, ҳеч халтура қилмасдик.

Учинчи спектакльдан кейинок театримиз донги Гончаровка қишлоғидан ўтиб, узоқ ерларга тарқалиб кетди. Театримизга Пироговка, Грабиловка, Бабичевка, Гонци, Вациви, Сторожево қишлоқларидан, Вол, Чумак, Озёра хуторларидан деҳқонлар, шаҳар тевараклaридаги посёлкалардан ишчилар, вокзал ва паровоз заводидан темир йўлчилар келабошлади; кўп ўтмай шаҳардан ҳам ўқитувчилар, умуман халқ маорифи ходимлари, ҳарбийлар, совет ходимлари, кооператорлар ва та'минот ходимлари, йигит ва қизлар, колонистларнинг танишлари, танишларининг танишлари ҳам келиб турадиган бўлди. Биринчи қишнинг охирида шанба кунлари обед маҳалидан бошлаб театр саройимизнинг тевараги йироқдан келганлар блан тўлиб кетар эди. Тўн ва пўстин кийган аллақандай мўйловдор кишилар отларини аравадан чиқариб, устларига тўқим ва ёпиқлар ёпиб қўяр, челакларини тарақлатиб қудуқ чиғириғи ёнига борар эдилар; шу маҳалда кўзларигача рўмол ўраган уларнинг ҳамроҳлари йўлда совқотиб қолган оёқларини бироз бўлса ҳам иситиб олиш учун чаналар ёнида ўйинга тушардилар, исиниш ва дугоналарини кўриш учун нағал қоқилган этик пошналарини дукиллатиб, қизларнинг ётоқхонасига югурар эдилар. Уларнинг кўплари чанага солинган похол тагидан халтача ёки тугун олишар эди: театрга узоқ йўл юриб келишаркан, пирог, нон, бўлак-бўлак қилиб кесилган тузли мой, чамбар-чамбар колбаса,— хуллас ўз овқатларини ҳам ғамлаб келар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу овқатларнинг кўпи колонистларга аталган бўларди. Ба'зан меҳмондорчилик шу қадар қуюқ бўлиб кетардики, ахир комсомол ташкилотининг бюроси четдан келган тамошабинлардан совға-ин'ом олишни қат'иян ман' қилишга мажбур бўлди.

Йироқдан келган тамошабинлар исиниб олсин деб шанба кунлари театр печкаларини соат иккидан ёқабошлардик. Аммо, таниш-билишлар кўпайган сари меҳмонларнинг колония бинолариға кириши ҳам кўпайиб борарди, ҳатто ошхонада ҳам, навбатчиларнинг илтифоти блан дастурхонга таклиф этилган меҳмонларни кўриш мумкин эди.

Спектакльларимиз колония кассасининг заволи эди. Кийим-кечаклар, парик ва ҳар турли аш'ё-анжомлар ҳар сафар қирқ-эллик сўмга тушарди. Демак, ҳар ойда икки юз сўмча кетарди. Бу ниҳоятда катта чиқим эди, аммо шундай бўлишига қарамасдан, обрўйимизни сақлаб, тамоша учун бирон марта ҳам пул олмас эдик. Биз спектакльларимизни кўпинча ёшлар учун қўярдик, ма'лумки, қишлоқ ёшлари, айниқса қишлоқ қизларининг ёнида бир тийин пул юрмайди.

Олдинига театрга ҳамма кираверар эди, броқ театр залимизга одам сиғмай қолганидан кейин, билет блан киритадиган бўлдик, билетларни олдиндан комсомол ячейкалари, қишлоқ советлари ва жойлардаги махсус вакилларимиз орқали тарқатар эдик.

Қишлоқ аҳолиси театрга ўч чиқиб қолди, биз бунчалик бўлар деб кутмаган эдик. Билет туфайли айрим қишлоқлар ўртасида жанжал-тўпалонлар чиқабошлади. Секретарьлар бизга ҳовлиқиб келар эди-да, дўқ блан гапирардилар:

— Нега эртанги тамошага бизга атиги ўттизта билет бердингиз?

Театр билетларининг мудири Жорка Волков калласини секретарьнинг юзи олдига келтириб ирғатади-да:

— Шу берганимиз ҳам кўплик қилади,— дейди, ачитиб.

— Кўплик қилади? Бу ерда ўтириб, кўп-озлигини қаердан биласизлар, бюрократлар?

— Билетларимизнинг поп қизларига тегишини шу ердан туриб ҳам биламиз.

— Поп қизлари? Қанақа поп қизлари экан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Попларингизнинг қизлари-да, яна қанақаси бўларди, юзлари япалоқ, малласоч қизларнинг қўлига.

Секретарь, ўз қишлоғидаги поп қизини танигач, дўқини бироз пасайтирадию, броқ ҳали ҳам бўш келмайди:

— Хўп, майли, попнинг икки қизи кепти-да, келган бўлса... Нима учун йигирмата билетни кам бердинглар? Илгари элликта берар эдинглар, энди ўттизтага тушиб қопти.

— Ишончимизни оқлайолмадинглар,— дейди газаб блан Жорка.— Попнинг икки қизи дейсан, поплариинг хотинлари, баққол хотинлар, қулоқларнинг хотинлари қанча — биз уларни санаганимиз йўқ. Сизлар у ерда расво бўлиб ётинглару, биз санайликми?

— Қайси итвачча келиб айтипти, а?

— Итваччаларни ҳам санамаймиз... Сизларга ўттизта билет ҳам кўплик қилади.

Жиғибийрони чиққан секретарь расволикни текширгани қишлоғига қайтиб кетади, броқ унинг кетидан яна бошқаси норози бўлиб келади:

— Ҳой ўртоқлар, бу нима қилганларинг? Бизда элликта комсомол аъзоси бор, сизлар ўн бешта билет юборибсизлар.

— Олтинчи «П» сводний отряднинг маълумотига кўра, ўтган сафар сизлардан фақат ўн бешта комсомол маст бўлмай келган, уларнинг ҳам тўрттаси қари кампирлар экан, қолганлари бари гирт маст бўлиб кепти.

— Бўлмаган гап, маст деб ёлғон айтишипти. Бизнинг комсомоллар спирт заводида ишлайди, спирт ҳиди келиб тургандир-да.

— Текшириб кўрилди: оғизларидан спирт ҳиди келиб турган экан, заводга тўнкашнинг нима кераги бор...

— Мен ўзим олиб келай, ўзларинг текшириб кўринглар, улардан ҳамиша спирт ҳиди келиб туради, ахир, сизлар жўрттага айб тўқиябсизлар. Бу ишларинг мутлоқ нотўғри!

— Қўй, гапирма! Заводни ҳам, мастни ҳам бизникилар жуда яхши ажратади.

— Жуда бўлмаса яна бешта қўшиб бер, ахир! Уят эмасми? Ўзларинг шаҳарлик ойимқизларга, таништларингга қанча керак бўлса шунча бераверасизлар, комсомоллар орқала қолаверар экан-да...

Биз бирдан театрнинг бизга эрмак ёки ўйин эмаслигини, балки вазифамиз, жамоатчилик томонидан зиммамиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га тушган солиқ эканлигини билдик, бу солиқни тўламасдан иложимиз йўқ эди.

Комсомол бюроси кўп бош қотириб қолди. Бундай катта ва оғир ишни ёлғиз драма тўгарагининг ўзи елкасида кўтариб бораолмас эди. Бирон шанбанинг спектакльсиз ўтиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, унинг устига, ҳар сафар янги спектакль қўйилиши керак эди. Ўтган сафар қўйилган спектальни яна кўрсатиш ўз ожизлигимизга иқрор бўлиш, қўни-қўшниларимиз, доим келиб туручи тамошабинларимизнинг бир кечаларини беҳуда кетказиш деган гап эди. Драма тўгарагида ҳархил можаралар чиқабошлади.

Ҳатто Карабанов ҳам дод деб қолди:

— Нима, мен ёлланибманми? Ўтган ҳафта хоин ролини ўйнаб бердим, бу ҳафта генерални ўйнадим, энди партизанни ўйнайсан деб туриб олишипти. Нима, мен пўлатдан ясалганманми? Ҳар куни кечаси соат иккигача репетиция бўлса, бунинг устига шанба кунлари стол таши, декорацияларни қоқ...

Коваль иккала қўлини столга тираб олиб:

— Е нок тагига диван қўйиб берайликми? Бирпасгина ётиб дамингни оласанми? Керак бўлгани учун ишлайсан-да!

— Керак бўлса, ишни шундай уюштирки, ҳамма баравар ишласин.

— Уюштирамиз ҳам!

— Уюштир.

— Қани, командирлар советини чақир, тўпла!

Командирлар советида бюро: ҳечқанақа драма тўгараги бўлмасин, ҳамма баравар ишласин, вассалом, деган таклифни киритди.

Командирлар совети ҳамма ишни буйруқ орқали расмийлаштиришни яхши кўрарди. Буни ҳам шундай расмийлаштирдик:

§ 5

Командирлар советининг қарорига мувофиқ, спектакль қўйиш иши ҳарбир колонист учун мажбурий иш деб билинсин, бинобарин, «Ничевочилар қабиласининг саргузаштлари» деган спектакльни қўйиш учун қуйидаги сводний отрядлар тузилсин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бунинг кетидан, худди гап юксак сан'ат устида эмас, шалғом ўтоғи ё картошка чопиғи устида кетаётгандай, сводний отрядларнинг номлари келтириларди. Сан'атни беҳурматлаш драма тўгараги ўрнига мазкур спектакль учун Вершнев командирлиги остида йигирма саккиз кишилик олтинчи «А» сводний отряд тузишдан бошланди.

Сводний отряд шундай бир нарса эдики, отряд рўйхатида номи чиқдими, бўлди, бирон марта ишга кечикиш мумкин эмас; кечикса кечки рапортда албатта тилга олинади, командир буйруқ берса салют бериб «есть» дейишдан бошқа илож йўқ; бирон ҳодиса бўлиб қолса колония интизомини бузгани учун командирлар советида ё умумий мажлисда жавоб бериш керак, энг камида мендан танбиҳ эшитади ва навбатдан ташқари наряд олади ё бўлмаса дам олиш куни уйдан ташқари чиқмай ўтиради.

Буни ҳақиқий реформа деса бўларди. Ахир, драма тўгараги одатда кўнгилли бир ташкилот, унда демократизм ҳам кучли бўлади, тўгарак а'золари ҳам ўзгариб, янгиланиб туради, драма тўгарагида бировнинг диди бировга, бирининг айтгани иккинчисига ёқмайди. Пьеса танлашда ва рольларни тақсимлашда бу нарса айниқса яққол кўзга ташланади. Бизнинг драма тўгарагимизда ҳам ба'зан шахсий манфаатлар бош кўтариб қолар эди.

Бюро ва командирлар советининг қарорини бутун колония жамоатчилиги тўғри деб топди ва унга ҳечким қарши ҳам чиқмади. Колониямизда театр иши деҳқончилик, қўрғонни тиклаш, биноларнинг ичидаги тартиб ва озодалик каби иш деб билинар эди. Қайси колонист спектакльда қатнашади, қайсибири қатнашмайди, бунинг колония учун фарқи йўқ эди, ҳарким ўз олдига қўйилган вазифани бажарса бўлгани эди.

Одатда ҳар якшанба куни бўлиб турадиган командирлар советида мен келаси шанба куни қайси пьеса қўйилишини ва рольларга қайси колонистларнинг кераклигини айтиб берардим. Номлари айтилган колонистлар дарҳол олтинчи «А» сводний отрядга киритиларди-да, ораларидан командир тайинланар эди. Қолган ҳамма колонистлар театрга оид ҳархил сводний отрядларга бўлинар эди, бу отрядларнинг номери ҳамиша олтинчи бўлиб, бир постановка тамом бўлгунча ишлар эди. Бизда шундай сводний отрядлар бўлар эди:

Олтинчи «А» отряди — артистлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтинчи «П» отряди — тамошабинларга хизмат кўрсатувчилар.

Олтинчи «О» отряди — кийим-кечак ҳозирловчилар.

Олтинчи иситувчи отряд — печка ёқувчилар.

Олтинчи «Д» отряди — декорациячилар.

Олтинчи «Р» отряди — реквизитчилар.

Олтинчи «С» отряди — чироқ ёқувчи ва қасир-қусур қилиб туручилар.

Олтинчи «У» отряди — йиғиштируручилар.

Олтинчи «Ш» отряди — шовқин-сурон кўтаруручилар (бизнингча «шухерчилар»).

Олтинчи «З» отряди — пардани очиб, ёпиб туручилар.

Ма'лум вақтгача колонистлар сонининг саксондан ошмаганини назарга олганда, бирорта колонистнинг бекор қолмаслиги ҳар кимга равшан бўлади, кўп одамнинг иштирок этишини талаб этадиган пьеса ўйналадиган бўлса одам ҳатто етишмай ҳам қолар эди. Сводний отрядларни тузаркан, командирлар совети, шубҳасиз, ҳаркимнинг истаги ва майлини назарга олиб тузарди, аммо ҳамавақт шундай бўлавермасди; ба'зан шундай ҳоллар бўлардики, бирон колонист келиб:

— Нега мени олтинчи «А» отрядига тайинладинглар? Умримда саҳнага чиқиб ўйнаган эмасман,— деб қоларди.

— Бу сафсатабозлик нимаси? Ҳаркимнинг ҳам умрида биринчи марта ўйнайдиган куни келади,— деб жавоб берар эдилар.

Бу сводний отрядлар, айниқса уларнинг командирлари, бутун ҳафта давомида бўш вақтларини колонияда, ҳатто шаҳарда елиб-югуриш блан ўтказар эдилар. Бизда ҳечқандай важ инобатга олинмасди, шунинг учун сводний отряд командирлари кўпинча мушкул аҳволга тушиб қолар эдилар. Тўғри, шаҳарда таниш-билишларимиз кўп эди, уларнинг кўпи бизнинг ишимизга хайрихоҳ эди. Шунинг учун керак бўладиган ҳамма кийим-кечакларни топиб келар эдик, башарти топаолмаганимизда ҳам, олтинчи «О» сводний отрядлилар колониядан топиладиган ҳархил нарсалардан ҳарбир давр учун етарли миқдорда кийим-кечак тикар эди. Бундай пайтларда фақат колонияга қарашли буюмлар эмас, ҳатто колония ходимларининг хусусий буюмлари ҳам театр сводний отрядининг ихтиёрига ўтарди. Масалан, олтинчи «Р» сводний отряди — реквизитлар колония ходимларининг уйларидан мусодара этиб олингани

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун реквизит деб аталади, деб қат'ий ишонардн.[1] Ишимиз тараққий этиб борган сари колонияда доимий складлар ҳам пайдо бўлабошлади. Биз кўпроқ тўппончабозлик, милтиқбозликлар бўладиган пьесаларни, умуман ҳарбий ҳаётдан олиб ёзилган пьесаларни қўяр эдик, шунинг учун биз бутун бошли арсеналга эга бўлиб қолдик, ундан ташқари, бирталай ҳарбий кийимлар, погонлар ва орденлар ҳам йиғилиб қолди. Колонистлар орасидан фақат актёрларгина эмас, бошқа мутахассислар ҳам етишиб чиқди, бизда шундай уста пулемётчилар бор эдики, ўзлари ўйлаб топган ҳархил асбоблар блан ўқлатиб пулемёт отардилар; бизда артиллеристлар ҳам, Илья авлиёлар[2] ҳам бўларди, улар момақалдироқ блан чақмоқни боплар эдилар.

Пьесани ёдлаб олишга бир ҳафта вақт бериларди. Олдинига биз ҳам бошқаларга ўхшаб ишлашга уриниб кўрдик: ҳарким ўз ролини кўчириб олиб ёдлаб оларди, аммо кейин бу одатни ташладик: рольни кўчиришга ҳам, ёдлашга ҳам вақтимиз йўқ эди. Ахир, бизнинг бундан ташқари кундалик ишларимиз ҳам бор эди, ҳарҳолда, энг биринчи галда дарсларни ёдлаш керак эди. Шунинг учун театр расм-одатларини бир четга йиғиштириб қўйдик-да, суфлёр блан ишлайбошладик, бундай қилиб яхши қилибмиз ҳам. Колонистлар суфлёрнинг оғзидан чиққан гапни дарҳол илиб оладиган бўлиб қолди; биз ҳатто, саҳнада ҳаркимнинг ўзидан гап қўшиши, ўзбошимчалик қилишига қарши курашадиган бўлдик. Аммо, спектакльнинг равон бориши учун менга, режиссёрлик вазифаси устига суфлёрлик вазифасини ҳам олишга тўғри келди, чунки суфлёр фақат сўз айтиб турмай, бутун саҳнани бошқариб туриши, я'ни мизансценаларни тўғрилаб туриши, хатоларни тузатиши, милтиқбозлик, ўпиш, ўлиш кабн пайтлар келганда команда бериб туриши керак эди.

Бизда актёрлар етарли эди. Колонистлар орасидан бирқанча исте'додли болалар чиқди. Пётр Иванович Горовиц, Карабанов, Ветковский, Буцай, Вершнев, Задоров, Маруся Левченко, Кудлатий, Коваль, Глейзер, Лапоть — театрнинг арбоблари эди.

---

[1] *Реквизит* — театрда ишлатиладиган буюмлар; бу ўринда реквизит блан реквизировать сўз ўйини келтирилади; реквизировать — мусодара этиш дегани.

[2] Рус афсонасига кўра момақалдироқ Илья авлиё аравасининг гумбурлаб юришидан келиб чиқармиш; автор бу ўринда киноя қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз, кўп киши иштирок этадиган пьесаларни танлаб қўярдик, чунки кўп колонистлар ўйнашга талабгор эди; ундан ташқари, ўзини саҳнада тутабиладиган одамларни кўпайтириш айни муддаомиз эди. Мен театрга жуда катта аҳамият берардим, чунки театр колонистларнинг тилини яхшилар ва умуман уларнинг билим доираларини кенгайтиришга ёрдам берар эди. Аммо, баъзи вақтларда актёр етишмай қоларди, шундай пайтларда колония ходимларини ҳам ишга солардик. Бир марта ҳатто Силантийни ҳам саҳнага чиқардик. Репетиция вақтида у, ўзининг лаёқатсиз актёр эканлигини кўрсатди, аммо унинг бутун роли фақат: «Поезд уч соат кечикиб келаркан» деган икки оғиз гап айтишдан иборат бўлгани учун, майли, хавфи йўқ деб қўяқолдик. Аммо, амалда кутганимиздан ортиқ бўлиб чиқди.

Силантий саҳнага ўз вақтида чиқди-да, бундай деди:

— Поезд, мен сенга айтсам, уч соат кечикиб келар экан, дардисар.

Реплика тамошабинларга ғоят қаттиқ таъсир қилди; бунисн ҳам майли, бу реплика вокзалда поезд кутиб ўтирган бирталай қочқинларга ундан ҳам қаттиқроқ таъсир қилди. Қочқинлар нима қиларини билмай, сандиракдаб юрабошладилар, менинг суфлёр будкасидан айтиб турган гапларим ҳам бирёқда қолиб кетди, аммо мен ҳам таъсирчан одам бўлганимдан, Силантийнинг гапига қойил қолдим. Силантий бу бемазагарчиликка бирпас қараб турди-да, кейин жаҳли чиқиб, зарда блан:

— Сенларга айтаман, бефаҳмлар! Поезд уч соат кечикиб келаркан... нимага севинасанлар?— деди.

Мен ўзимга келдим ва:

— Йўқол ҳозир кўзимдан! Ҳой Силантий, йўқол дейман, саҳнадан! — деб шивирлайбошладим.

— Ҳа, кўрмайсанми буларни...

Қўлимдаги китобни тикка қилиб қўйдим, бу — пардани ёпинглар деган аломат эди.

Хотин-қизлар ролига артист топиш қийин эди. Колония қизларидан Левченко блан Настя Ночевная, ходимлардан Лидочкагина саҳнада унча-мунча ўйнайолар эдилар. Тагини суриштирганда, бу аёллар театр учун яратилмаган эдилар: улар саҳнага чиққани уялар, гарчи ёлғондан бўлса ҳам, ўламан саттор қучоқлашмайман, ўпишмайман деб туриб олар эдилар. Ишққа доир рольларни чиқариб таш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашнинг сра иложи йўқ эди. Колония ва тегирмондаги ходимларнинг ҳамма хотинлари, опа-сингиллари, амма-холалари ва яна бирталай қариндошларини синаб кўрардик, шаҳардаги танишларимизга ҳам ялиниб-ёлборардик, хуллас, зўр-базўр амаллар эдик. Шунинг учун ҳам колонияга келган кунларининг эртасигаёқ Оксана блан Рахиль репетицияда қатнашабошладилар, уларнинг ҳеч ҳам уялмасдан ўпишишларини кўриб, қойил қолар эдик.

Бир куни театрга тамошага келган бир жувонни ишга солдик, жувон аллақандай тегирмончининг таниши бўлиб, шаҳардан қишлоққа меҳмон бўлиб келган экан. Жувон ҳақиқий гавҳар экан: ўзи жуда чиройлик, товуши майин, кўзлари, юриш-туришлари бир революцион пьесадаги бузуқи бойвучча ролига ниҳоятда мувофиқ эди. Репетиция вақтида унга маҳлиё бўлиб қараб ўтирардик, спектакль жуда яхши чиқса керак деб умид боғлардик. Спектаклнинг бошланиши ҳақиқатан ҳам жуда жойида бўлди, аммо биринчи парда тамом бўлиши блан гавҳарнинг эри — темир йўл телеграфчиси — саҳнанинг орқасига келиб, ҳамма артистлар олдида хотинига:

— Бу пьесада ўйнатмайман. Юр уйга,— деди.

Гавҳарнинг капалаги учиб кетди ва:

— Қандай қилиб кетаман? Пьеса нима бўлади?— деб шивирлади.

— Пьесанг блан ишим йўқ. Юр! Сени ҳарким саҳнада қучоқлаб, судраб юришига тоқатим борми?

— Ийя... қандай қилиб ташлаб кетаман?

— Бир пардасининг ўзида сени камида ўн марта ўпишди. Бу нимаси?

Олдинига биз довдираб, оғзимиз очилиб қопти. Кейин рашк қилучи эрни аврайбошладик.

— Ўртоқ, саҳнада ўпишишнинг ҳеч аҳамияти йўқ,— дерди Карабанов.

— Аҳамияти борми, йўқми, буни ўзим биламан. Мен нима, кўр эканманми? Биринчи қаторда ўтирувдим...

Мен Лапотьга қараб:

— Сен ётиғи блан бир илож қилиб кўндирмасанг бўлмайди, дедим.

Лапоть ишни астойдил бажаришга киришди. Рашкчи эрнинг тугмасидан ушлади-да, скамейкага ўтқазиб, қулоғига гап қуйди:

— Жуда қизиқ одам экансиз, шундай фойдали ва маданий ишдан хотинингизни аяйсиз! Башарти хоти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нингиз шу иш туфайли бирон кимса блан ўпишганда ҳам, фойдаси теккан бўлади-ку!

— Бировга фойдаси тегса, менга зарари тегади,— деб турнб олди телеграфист.

— Ҳаммага фойдаси тегади.

— Бундан чиқди, менинг хотинимни ҳамма ўпаверсинми?

— Э, тентак одам экансиз: ахир, бнронта бошқа олифта одам ўпиб юргандан кўра, саҳнада ҳамма ўпгани яхши эмасми?

— Қанақа олифтани айтасиз?

— Шундай бўлиши мумкин дейман-да... Иннайкейин, бу ерда ўпишса ҳамманинг кўзи олдида ўпишади, ўзингиз ҳам кўрасиз. Бирон пасқам, киши кўрмас жойда ўпишса, қайтангга ўзингизга ёмон бўлмайдими?

— Бекор айтасиз!

— Нега бекор айтар эканман? Хотинингиз ўпишишга жуда уста экан, шундай талантни бекор ташлаб қўяди деб ўйлайсизми? Ундан кўра, саҳнада ўпишиб юраверсин-да...

Лаппоть, жувоннинг эрини аранг кўндирди, у хотининнинг спектакль охиригача ўйнашига рози бўлди, аммо ўпишиш «ҳақиқий» ўпишиш бўлмасин деган шартни қўйди. Кейин хафалигича чиқиб кетди. Гавҳарнинг ҳам кайфи бузилди, биз спектакль бузилади деб қўрқдик, биринчи қатордаги эри, саҳнадан кўзини узмай, худди авраётган илондай ўтирарди. Иккинчи парда азага ўхшаб кетди, броқ учинчи парда бошланганда биринчи қаторда актрисамизнинг эри кўринмай қолди, ҳамма севиниб кетди. Унинг қаёққа йўқолганини ҳеч билолмадим. Бутун гап спектальдан кейин очилди. Карабанов сипоҳгарчилик блан:

— Мен унга обрў борида кетинг деб маслаҳат бердим. Олдинига кетмайман деб туриб олди, кейин кўнди,— деди.

— Қандай қилиб кўндирдинг?

Карабанов кўзларини чақчайтириб, башарасини буриштириб, вишиллаб гапирабошлайди:

— Менга қаранг! Яхшиси, обрўйингиз борида жўнаб қолинг. Бугун хотирингиз жам бўлсин, аммо ҳозирнинг ўзида кетмасангиз, колонистнинг чин сўзини бериб айтаманки, хотинингизни албатта йўлдан урамиз. Бизда шунақанги йигитлар борки, хотинингиз уларга майл қўйиб қолади.

— Кейин нима бўлди?— деб сўрашди артистлар, қизиқиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳечнарса бўлгани йўқ. Нима бўларди? «Аммо, лабз битта бўлади, алдаманг» деди-да, энг кейинги қаторга бориб ўтирди.

Репетиция ҳар куни бўларди, бутун пьеса бошдан охиригача репетиция қилинарди. Шунинг учун чала ухлардик. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, актёрларимизнинг кўпи ҳали саҳнада юришни ҳам тузук билмасди, шунинг учун бутун-бутун мизансценаларни ёдлаб олиш керак эди, ҳатто қайси жойда қўлни қимирлатиш керак ва қандай қимирлатиш керак, қайси жойда оёқни қаерга қўйиш керак, бошни қайси томонга буриш, қайси томонга ва қандай қилиб қараш керак, шуларгача билиб, ёдлаб олиш керак эди. Сўз айтиб туришни суфлёр бажарар деб, бутун диққатимни мана шуларга берардим. Шанба куни кечқурун пьеса тайёр деб ҳисобланар эди.

Ҳарҳолда, айтиш керакки, биз унча ёмон ўйнамас эдик,— шаҳардан келган кўп тамошабинлар бизнинг спектакльларимизга қойил бўлиб кетар эди. Биз мароми билан, оширвормасдан, тамошабиннинг дидига ёқишга тиришмасдан, осонгина эришиш мумкин бўлган шуҳрат кетидан қувмасдан ўйнашга тиришар эдик. Биз русча ва украинча пьесаларни қўярдик.

Шанба кунлари соат иккидан бошлаб театрга жон кирар эди. Иштирок этучилар кўп бўлса, обед тугаши бланок Буцай артистларга грим қўябошларди; Пётр Иванович ҳам унга қарашар эди. Соат иккидан саккизгача олтмиштача одамни ўйинга ҳозирлаб, шундан кейингина ўзларига грим сурар эдилар.

Спектакльни безашга келганда колонистларни бало деса бўларди. Саҳнага мовий абажурли лампа осиб қўйиш керак бўлса колония ходимларининг уйларини эмас, ҳатто шаҳардаги ҳамма таниш-билишларнинг уйларини ҳам остин-устин қилиб, ахир мовий абажурли лампани топиб келар эдилар. Башарти саҳнада ужин қилинадиган бўлса, ёлғондакам эмас, албатта чинакам овқат ейиларди. Буни ёлғиз олтинчи «Р» сводний отряднинг виждонан ишлашигина эмас, традициямиз ҳам тақоза этарди. Саҳнада ёлғондакам овқат ейишни колонистлар ўзларига ор деб билардилар. Шунинг учун ба'зан ошхонамизда иш кўпайиб кетарди: закускалар тайёрланар, жаркоплар пиширилар, пирог ва пирожнийлар ёпилар эди. Вино ўрнига ситро бериларди.

Овқат вақтида суфлёр будкасида жонимни ҳовучлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтирардим: бундай пайтларда актёрлар ўйинга шу қадар қизиқиб кетар эдики, суфлёр ҳам бирёқда қолиб кетарди, то дастурхонда овқат тугагунча ўйнайверардилар. Шундай пайтларда:

— Бас энди, бас дейман... эшитдинглармн? Бас қил овқат ейишни, падар қусурлар!— деб спектакльни тезлаштиришга тўғри келарди.

Артистлар менга таажжубланиб қарар, еб бўлинмаган ғозни имлаб кўрсатар эдилар ва ахир жигибийроним чиқиб:

— Карабанов, тур кет стол ёнидан! Ҳой Семён, «Мен жўнайман!» десангчи ахир, аблаҳ одам! — деб ўшқирганимдан кейингина, ужин тўхтар эди.

Карабанов ғоз гўштини чала-чулпа чайнаб ютади-да:

— Мен жўнайман,— дейди.

Танаффус вақтида саҳна орқасида артистлар мендан хафа бўлишади:

— Антон Семёнович, уялинг-е! Умримда бир марта ғоз насиб қиптию, шуни ҳам тўйгунча едирмадингиз...

Одатда артистлар саҳнадан тезроқ чиқиб кетишга ошиқар эдилар, чунки саҳнанинг совуғи кўча совуғидан қолишмас эди.

«Машиналар ис'ёни» деган пьесада Карабанов ялангоч ҳолда, фақат белига лунги тутиб, бир соатча саҳнада серрайиб туриши керак эди. Февраль ойи эди, бахтга қарши совуқ ўттиз даражага етганди. Семёнинг касал бўлиб қолишидан қўрқиб, Екатерина Григорьевна спектакльни қўйдирмайман деб турib олди. Аммо, оқибати бахайр бўлди, Семён фақат оёғининг бармоқларини совуққа олдирди, шундай бўлса ҳам, Екатерина Григорьевна спектакльдан кейин Семённинг баданига аллақандай ишқалаб нарсалар суриб ишқади.

Ҳарҳолда, совуқ бизнинг бадиий жиҳатдан ўсишимизга кўп халал берарди. Бир сафар «Ўртоқ Семивзвоздний» деган пьесани қўядиган бўлдик. Саҳнада помешчикнинг боғи тасвирланар эди, боғда ҳайкал туриши ҳам керак эди. Олтинчи «Р» отряди шаҳардаги ҳамма гўристонларни ахтариб чиққан бўлса ҳам, ҳайкал тополмади. Ҳайкалсиз ўйнайдиган бўлдик. Аммо, парда очилиши блан саҳнага қарасам, боғ ўртасида ҳайкал турипти, ҳайрон бўлдим: ҳамаёғига оппоқ бўр суртиб оқ чойшабга ўранган Шелапутин безатилган табуреткага чиқиб, менга илжайиб турарди. Дарров пардани ёпдирдим-да, олтинчи «Р»

www.ziyouz.com kutubxonasi

отрядининг хафа бўлишига қарамасдан, ҳайкални саҳнадан ҳайдаб юбордим.

Айниқса олтинчи «Ш» сводний отрядлилар ўз ишига уста эди, ҳархил нарсаларни ўйлаб топишарди. Бир марта «Азеф»[1] деган пьесани қўймоқчи бўлдик. Пьесада Сазонов деган одам Плевега бомба ташлайди. Бомба ёрилиши керак. Олтинчи «Ш» отрядининг командири Осадчий:

— Ростакам ёриладиган бомба ясаймиз,— деб қолди.

Плеве ролини мен ўйнардим, шунинг учун бу масаладан мен кўпроқ манфаатдор эдим.

— Ростакам бомба деганинг нима?

— Шунақа бомба ясаймизки, театр биносини ҳам осмонга кўтариб кетади.

— Буниси ортиқча эмасмикин?— дедим, ётиғи билан.

— Йўқ, ортиқча эмас,— деб хотиржам қилди мени Осадчий.—Хавотир олманг.

Портлаш манзараси олдидан Осадчий менга тайёрлаб қўйган нарсаларини кўрсатди: саҳна орқасига бирнеча бўш бочка қатор қилиб қўйилган, ҳар бочка ёнида мамонтни ҳам ўлдирадиган заряд билан ўқланган қўшоғиз милтиқ кўтариб биттадан колонист турарди. Саҳнанинг нариги томонига, ерга ойна парчаларн териб қўйилган, ҳар бўлак ойна тепасида биттадан колонист қўлида гишт кўтариб турарди. Учинчи томонида, саҳнага чиқадиган эшик олдида бештача бола олдиларига шам териб қўйиб, қўлларида аллақандай суюқлиқ солинган шиша ушлаб ўтирарди.

— Бу жаноза маросими нимаси?

— Энг кераклиги шу-да: шишанинг ичидаги — керосин. Пайти келганда болалар оғизларига керосин ҳўплаб шамга пуркашади. Боплаймиз, қўяверинг.

— Қўйсанг-чи-е!.. Ҳамаёқни ўт олиб кетади.

— Қўрқманг, фақат ўзингизга эҳтиёт бўлинг, кўзингизни куйдирмаса бўлгани, ўт тушса ўчирамиз.

Осадчий, оёқларининг тагига сув тўла челак қўйиб турган бир қатор болаларни кўрсатди.

Шундай эҳтиёт чоралари кўрилган ҳолда мен, ҳақиқатан ҳам бечора министрнинг ўлимга маҳкум этилганини сездим ва Плезенинг жиноятларига шахсан мен жавобгар бўлганим учун, зўр келса тамоша залига ташлаб қочар-

---

[1] *«Азеф»* — А. Н. Толстой ва П. Е. Шчеглов пьесаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман деб ўйлаб қўйдим. Осадчийнинг ҳовриии бироз бўлса ҳам пасайтириш учун:

— Керосинни сув блан ўчириб бўларканми? — деб сўрадим.

Осадчийни мот қилиш қийин эди, ўз ишини таги-туги блан билиб олган эдики, дарҳол бунга ҳам гап топди:

— Керосинни ёниб турган шамга пуркаса, керосин газга айланади, шунинг учун уни ўчиришнинг ҳам ҳожати бўлмайди. Балки, бошқа нарсаларни ўчиришга тўғри кёлар...

— Масалан, мени демоқчимисан?

— Сизни-ку биринчи галда ўчирамиз-а.

Кўргиликка бўйсунишдан бошқа иложим қолмади. ёнгиндан омон қолсам устимдан совуқ сув қуйишлари аниқ, тағин йигирма градусли қаҳратон совуқда денг! Аммо, портлаш саҳнасини уюштиришда шунча куч, шунча гайрат кўрсатган олтинчи «Ш» отряди олдида қандай қилиб мен ўзимнинг қўрқоқлигимни кўрсатаолардим?

Сазонов бомба ташлаган пайтда мен яна бир карра Плевенинг вазиятига кирдим ва: э шўринг қурсин! деб қўйдим ичимда. Бочкаларнинг ичига ов милтиқларидан ўқ узилди, бочкалар темир ҳалқаларини ва қулоғимнинг пардаларини ёриб, гумбирлаб кетди, ерда ётган шишалар устига ғиштлар ташланди, бештача бола нафасини ростлаб туриб, ёниб турган шамларга керосин пуркаб юборди, саҳнани одам нафасини бўғучи олов бўрони босиб кетди. Мен ўз ўлимимни боплаб ўйнаб, ҳушим кетиб ерга йиқилдим, буни кўриб турган олтинчи «Ш» сводний отряд а'золари қийқириб чапак чалиб юборди. Тепамдан устимга қоракуя ёғилиб турипти. Парда ёпилдию, Осадчий ёнимга югуриб келиб, қўлтиғимдан ушлаб кўтарди ва ташвишланиб:

— Ҳеч ерингиз куймадими?— деб сўради.

Бошим ўртаниб ёнарди, аммо мен, буни айтсам олтинчи «Ш» сводний отряд яна бир бало ўйлаб топмасин деб, индамай қўяқолдим.

Бир пароходнинг СССРнинг революцион қирғоқларига келиб қолганини кўрсатганимизда ҳам, худди шу тарзда портлатиб юборган эдик. Бу ҳолисанинг техникаси аввалгидан ҳам мураккаброқ эди. Пароходнинг ҳарбир деразасидан керосин пуркаб олов чиқаришдан ташқари, пароходнинг ростакамига осмонга учиб кетишини ҳам кўрсатиш керак эди. Буни тасвирлаш учун пароходнинг орқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

томонида ўтирган бирнеча колонист болалар тахта, стул ва табуреткаларни осмонга ирғитиб турарди. Улар бу нарсалардан ўз каллаларини сақлаб қолиш йўлини олдиндан топиб қўйган эдилар, аммо бечора капитан Пётр Иванович Горовицнинг аҳволи танг эди: енгларидаги қоғоз пўзументлари ёниб кетди, осмондан ёғилиб турган мебеллар бошига тушавериб, гангитиб қўйди. Капитан нолимади ҳам, ғинг ҳам демади, аксинча, а'зойи-баданининг бутунлиги ва шикаст емаганини билиб, ярим соатча қота-қота кулди.

Ба'зи рольларни ўйнаш ҳақиқатан ҳам қийин эди. Масалан, милтиқбозлик ёки тўппончабозликнинг саҳна орқасида бўлишига колонистлар сира кўнмас эди. Агар саҳнада отиб ўлдирилишингиз керак бўлса, сиз жиддий синовни бошдан кечирар эдингиз. Сизни отиб ўлдириш учун энг оддий наган олинарди-да, патронининг ичидаги ўқини чиқариб, ўрнига увада ёки пахта тиқиб қўйиларди. Пайти келганда сизга қараб бир гулхан ўтидай ўт отиларди, отучи киши ўйинга қизиқиб кетганидан, албатта кўзингизни мўлжалга олиб отарди. Башарти сизга бирнеча марта ўқ узилиши керак бўлса, юқорида кўрсатилган усулда тўппончанинг барабани пахта ёки увада билан тўлдириларди.

Тамошабинларга маза эди: улар иссиққина пўстин кийиб ўтирар, залнинг у ер, бу ерида печка ёниб турар эди, уларга фақат писта чақиш ва театрга ичиб келиш ман' этилар эди. Шунда ҳам, эски одат бўйича, текширилган вақтда оғзидан зиғиртдай ичимлик ҳиди келиб турган граждани ҳам маст деб ҳисобланарди. Бундай ёки тахминан шундай ҳид келиб турган кишиларни юзлаб тамошабин орасидан топиб чиқишга колонистлар жуда уста эди, уларни ўтирган жойларидан турғизиб, сазойи қилиб эшикка ҳайдаб чиқаришга ундан ҳам уста эдилар. Жазоланучи кишининг:

— Ўлай агар, эрталаб атиги бир кружка пиво ичган эдим,— деб қасам ичиши ҳам инобатга олинмасди.

Режиссёр бўлганим учун, спектакль вақтида ҳам, спектакльдан олдин ҳам кўп ташвиш тортардим. Масалан, Кудлатийни:

Брали дани и пошлины
За все годы прошлые

деган жумлани тўғри айтишга сира ўргатаолмасдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу жумлани у негадир сра ёқтирмасди ва нуқул:

Брали бранны и пошлины
За все годы прошлинные —

деб ўқирди. Спектакльда ҳам шундай деб ўқиди.

«Ревизор» спектаклини колонистлар жуда яхши ўйнашди, броқ спектакль охирида жуда жаҳлимни чиқариб юборишди, чунки ҳатто асабларим бақувват бўлишига қарамай, мен ҳам қуйидаги саҳнадан кейин ўзимни тутиб туролмадим:

Амос Фёдорович. Овозалар юрипти, тўғрими, Антон Семёнович? Бошингизга бахт қуши қўнипти?

Артемий Филиппович. Антон Семёновичнинг бошига бахт қуши қўнганини табриклаш шарафига эрчшганим учун бахтиёрман. Эшитиб, чин кўнгилдан севиниб кетдим. Анна Андреевна, Мария Антоновна!

Растаковский. Антон Семёновични табриклайман. Худо узоқ умр берсин, янги қалпиғлар қўша қарисинлар, невара, чевараларингизнинг роҳатини кўринг. Анна Андреевна, Мария Антоновна!

Коробкин. Антон Семёновични табриклаш блан бахтиёрман.

Энг ёмони шу эдики, мен городничий кийимида бўлганим учун, бу золимларнинг адабини бериш имкониятидан маҳрум эдим. Фақат саҳна орқасига чиққанимиздан кейин уларнинг устига қаҳри-ғазабимни тўкдим,

— Падар қусурлар, бу нима қилганларинг? Бу нима мазах, жўрттага шундай қилдиларингми?

Артистлар ҳайрон бўлиб бетимга қараб турар эдилар, ахир почтмейстер Задоров:

— Узи нима гап? Бир нарса бўлдими? Спектакль яхши ўтмадими?—деб сўради.

— Нега мени ҳадеб Антон Семёнович деясизлар?

— Ҳа, нима деяйлик бўлмаса?.. Э, ҳа... Ийя, чатоқ бўпти-ку. Городничийнинг оти Антон Антонович эди-я?..

— Репетиция вақтида тўғри айтардингиз-ку!

— Ким билади дейсиз... Репетиция бошқа, бу ер бошқа, бунда одамни саловат босади...

б. Қулоқ тарбияси

Йигирма олтинчи мартда А. М. Горькийнинг туғилган кунини байрам қилдик. Бизда бундан бошқа байрамлар ҳам бўлиб турарди, бу ҳақда бошқа сафар батафсил

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапириб бераман. Биз тўйга ҳар гал кўп меҳмон чақирардик, дастурхонларимиз ҳам мўл-кўл бўларди, тўғрисини айтганда, колонистлар ҳам байрамни, айниқса байрам тараддудларида қатнашишни яхши кўрардилар. Аммо, Горький куни биз учун бошқача кун эди, бу куннинг наш'аси бошқача бўлар эди. Бу куни биз баҳорни қаршилардик. Бу ўз-ўзидан келиб чиқар эди. Одатда болалар, ҳаммамиз бемалол яйраб ўтирайлик деб, столларни албатта ҳовлига олиб чиқиб, безатиб қўяр эдилар, броқ кунчиқар томондан бирдан устимизга ёвуз душман бостириб келиб қоларди: осмондан майда қумдай қаттиқ бир нарса ёғабошларди, ҳовлидаги кўлмак сувларнинг бети буришиб кетар, байрам муносабати билан байроққа салют бериш маросимига ҳозирлаб қўйилган стройдаги барабанлар ҳам бўшашиб қолар эди. Шундай бўлса ҳам, бирор колонист шарқ томонга кўзини қисиб қараб турарди-да:

— Баҳор ҳиди ҳам келиб қолди!—деярди.

Горький байрамида ўзимиз ўйлаб топган ва ўзимизга жуда ёқиб қолган яна бир одат бор эди, бу одатни биз жуда қадрлар эдик. Бундан анча илгари колонистлар, бу байрамни боплаб ўтказамиз, аммо четдан бирон кишини ҳам чақирмаймиз деб қўйган эдилар. Бирон қимса ўзи келиб қолса — марҳамат, иззат-ҳурмат қилиб кутиб оламиз, шунда ҳам ўзи билиб келгани учун кутиб оламиз, бўлмаса бу байрам ўзимизнинг оилавий байрамимиз, бунда бегона одам бўлмаслиги керак, деярдик. Ҳақиқатан ҳам, байрамимиз қандайдир бошқача, шинам бўларди, гарчи байрам хонаки, оилавий шаклда бўлмаса ҳам, колонистлар бир-бирлари билан янада яқинроқ, янада иноқроқ бўлиб кетар эдилар. Байрам парад билан бошланар эди: ҳовлига тантана-дабдаба билан байроқ олиб чиқилар, нутқлар сўзланар эди, кейин Горький портрети ёнидан саф-саф бўлиб тантанали марш билан ўтардик. Шундан кейин дастурхонга ўтирардик,— сипоҳгарчиликнинг нима кераги бор, ростини айтиш керак,— Горькийнинг саломатлигига... йўқ, Горькийнинг саломатлигига ҳечнарса ичмас эди-гу, аммо обед ердик, еганда ҳам томоғимизга келгунча ердик. Калина Иванович стол ёнидан туриб:

— Менимча, ла'нати, паразит буржуйларни қоралаб бўлмайди. Бунақанги обеддан кейин одам уёқда турсин, ҳатто ҳайвон ҳам ишлай олмайди...— деярди.

Обедга боршч бериларди, боршч бўлганда ҳам жуда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқача, алламбало боршч бериларди: бундай боршчни хўжайкалар фақат эрлари именинник бўлгандагина пиширишади; боршч кетидан гўштли, карам, гуруч, творог, картошка, каша солиб пиширилган сомсалар тортиларди, сомсалар ҳам шундай катта бўлардики, колонистларнинг чўнтагига сиғмасди; сомса кетидан қовурилган чўчқа гўшти келарди; чўчқа, бозордан сотиб олинмас эди, ўзимизда етишган, ўнинчи отряд куздан бери Горький кунига атаб боққан бўрдоқи чўчқа сўйиларди. Чўчқа семиртиришга колонистлар жуда уста эдию, аммо сўйишга келганда ҳечкимнинг қўли бормасди, ҳатто ўнинчи отряд командири Ступицин ҳам бундан бош тортарди:

— Сўйишга ҳеч қўлим бормайди, Клеопатра жуда яхши чўчқа.

Клеопатрани Силантий Отченаш сўйди ва ўзининг бу ишига бундай баҳона топди:

— Харом ўлган чўчқани, мен семларга айтсам, душман сўйсин; биз ҳалолини сўямиз. Вассалом.

Клеопатра ейилиб бўлгандан кейин бироз дам олинса ҳам бўларди, брок дастурхон устида коса-коса қаймоқлар, творог солиб пиширилган варениклар пайдо бўларди. Колонистларнинг биронтаси ҳам дам олишга шошилмас эди, аксинча, ҳамма вареник блан қаймоққа ўзини урарди. Вареник кетидан кисель келарди, кисель ҳам бойваччаларнинг уйида бериладиган кичкина-кичкина ликобчаларда эмас, балки чуқур ва катта тарелкаларга солиб бериларди, мен бирон колонистнинг кисельни нонсиз ёки пирогсиз еганини кўрмасдим. Шундан кейингина обед тамом бўлди деб ҳисобланар ва ҳарбир колонистга битта халтадан конфет ва ширин кулча улашиларди. Шу муносабат блан ҳам Калина Иванович:

— Эҳ, қанийди, Горькийлар кўпроқ туғилиб турса! Емон бўлмасди!—деб тўғри айтарди.

Обеддан кейин колонистлар дам олмасдан, мавсумнинг энг сўнгги спектакли «Тубанликда» постановкасини тайёрлашда олтинчи сводний отрядларга ёрдам бергани кетишарди. Калина Иванович бу спектаклга жуда қизиқар эди:

— Қани, бир кўрайчи, қанақа экан. Тубанлик, тубанлик дейишадию, аммо ўз кўзим блан кўрганим йўқ. Ўқиб чиқишга ҳам қўлим тегмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, китобни ўқимаганлигининг сабабини Калина Иванович хаспўшларди: ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

чаласавод, ўқишни унча яхши билмас эди. Аммо, бугун Калина Ивановичнинг кайфи хуш бўлганидан, та'бини хира қилиш яхши эмас эди. Горький байрамини бу йил бошқача ўтказдик: комсомол ячейкасининг таклифига мувофиқ бу йил колонист деган унвон киритдик. Колонистлар ҳам, педагоглар ҳам бу ислоҳотни узоқ муҳокама қилди, аммо бунинг яхши ва тўғри ўйлаб топилгани ҳаммага ма'қул тушди. Колонист деган унвон фақат ҳақиқатан колониянинг қадрига етган ва колонияни яхшилаш учун жон куйдирувчиларга берилди. Орқада судралувчи, йиғлоқи, ҳадеб минғиллайверадиган ёки «бир амаллаб куни ўтиб» туручилар тарбияланувчи бўлиб қолаверди. Ростини айтиш керак, бундайлар оз эди, атиги йигирматача эди. Колониянинг эски ходимларига ҳам колонист унвони берилди. Шу билан бирга, башарти бирон ходим бир йил давомида колонист деган унвон ололмаса, колониядан кетиши керак деган қарорга келинди.

Ҳарбир колонистга Харьковда махсус заказ билан ишланган никельли значок берилди. Значок сувда чўкучиларни қутқориш учун ташланадиган чамбарга ўхшаган бўлиб, устига МГ деб ёзилган ва тепасига қизил юлдуз шакли ишланган эди.

Бугун парад вақтида Калина Ивановичга ҳам значок берилди. Калина Иванович жуда мамнун бўлиб кетди ва севинчини яширмади.

— Шунча йил Николай Александровичга[1] хизмат қилибману, гусар деган номдан бошқа нарса ортдирмабман, эндиликда мана бу ялангоёқ тирмизаклар менга орден бериб турипти. Нима ҳам деяолардинг, ёқади, ёққанда ҳам қандоқ! Бутун ҳокимият ўз қўлларидада! Кийишга шимлари бўлмаса ҳамки, орден беришга қодир!

Мария Кондратьевна Бокованинг кутмаганда келиб қолиши Калина Ивановичнинг севинчини сўндирди. Мария Кондратьевна Бокова бундан бир ойча илгари бизнинг губерна ижтимоий тарбия бўлимига ишга тайинланган эди, бизнинг бевосита бошлиғимиз бўлмаса ҳам, ишимиздан унча-мунча хабар олиб турарди.

Извошдан тушаркан, безатиб қўйилган столларни, обед маҳалида овқат ташиб, энди ўз овқатларини еб

---

1 *Николай Александрович* деб бу ерда автор рус подшоси Николайни айтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтирган колонистларни кўриб, таажжубланди. Калина Иванович унинг бу ҳолатидан фойдаланиб, билдирмасдан секин қочиб қолди, унинг гуноҳлари учун ҳам мен балога қоладиган бўлдим.

— Бу тантана-дабдаба нимаси?— деб сўради Мария Кондратьевна.

— Горькийнинг туғилган кунини нишонлаяпмиз.

— Нега мени айтмадинглар?

— Бу куни бегона одамларни айтмаймиз. Бизда одат шундай.

— Барибир, менга ҳам обед беринглар.

— Берамиз. Қани, Калина Иванович қаёққа кетди?

— Э, анови баджаҳл чолми? Асаларичи? Ҳозиргина мени кўриб қочиб кетган ўшамиди? Сиз ҳам бу бемазагарчиликка бош қўшганмидингиз? Губерна халқ маорифида ҳечкимнинг кўзига кўринаолмайдиган бўлиб қолдим. Комендант икки йилгача маошимдан ушлаб қолмоқчи. Қани ўша Калина Ивановичингиз, чақиринг олдимга!

Мария Кондратьевна жўрттага пўписа қиларди, Калина Ивановичга учун ҳечқандай хавф йўқлиги менга аён эди, чунки Мария Кондратьевнанинг кайфи хуш эди. Калина Ивановични чақириб келгани бир колонистни юбордим. Калина Иванович келди-да, анча наридан туриб салом берди.

— Енимга келаверманг! — деб кулди Мария Кондратьевна.— Уялсангиз бўлмайдими? Қилган ишингизни қаранг!

Калина Иванович скамейкага ўтириб:

— Битта яхши иш қилдик-да,— деди.

Калина Ивановичнинг бундан бир ҳафта олдин қилган жинояти тепасида мен бор эдим. Бир куни иккаламиз халқ маорифига бордик-да, арзимаган бир иш блан Мария Кондратьевнанинг кабинетига кириб қолдик. Мария Кондратьевнанинг аллақандай нодир ёғочдан ясалган бирталай мебель блан жиҳозланган каттакон кабинети бор эди. Мария Кондратьевнанинг столи кабинетнинг ўртасида турарди. Мария Кондратьевна ишга бало эди: қачон қарасангиз столининг атрофини халқ маорифи аҳли ўраб олган бўларди, Мария Кондратьевна биттаси блан гаплашса, иккинчиси гапга аралашарди, учинчиси гапни тинглаб турарди, яна аллаким телефонда бақириб турган бўларди,бошқа яна бир киши столнинг бурчагида алланималарни ёзиб ўтирарди, яна бошқаси қандайдир

www.ziyouz.com kutubxonasi

қорозларни ўқиб турарди, бир киши Мария Кондратьевнага қўл қўйдиргани аллақандай қорозларни келтириб берарди, бу активлардан ташқари, яна аллакимлар бир-бирлари блан чуғур-чуғур гаплашиб турарди. Ҳамаёқ ғовур-ғувур, ифлос, уй ичини тутун босиб кетган.

Калина Иванович иккимиз кичкина диванда ўз ишларимиздан гапиришиб ўтирувдик, бир маҳал кабинетга бир хотин ҳовлиқиб кириб келди-да, тўғри бизнинг олдимизга келиб гапиракетди. Унинг гапидан бир болалар боғчаси борлигини, боғчада болаларни яхши тарбия этиш усули борлигини, аммо бирюнта мебель йўқлигини зўрға англадик. Бу хотин бу ерга илгари ҳам кўп марта келиб юрган бўлса керакки, идоранинг обрўсига ҳам қарамасдан, дарғазаб бўлиб гапирарди:

— Бу қуриб кеткурлар, бутун шаҳарни болалар боқчаси блан тўлдириб юбориптию, бирюнта мебель берайлик демайди. Болалар нимада ўтиради, қани, айтинг-чи? Бўгун келинг, мебель берамиз деб айтишди. Уч чақирим жойдан азза-базза болаларни бошлаб келдим, арава олиб келдим, келсам мебель берадиган одам ҳам йўқ, арзимни эшитадиган одам ҳам йўқ. Буни нима деса бўлади? Шу ҳам тартиб бўптими? Бир ойдан бери қатнайман-а! Узиникини қаранг, мебели бошидан ортиб ётипти, ким ўтиради бу мебельларда?

Аёл киши шунча бақириб гапирса ҳам Мария Кондратьевнанинг столи атрофида турганлардан бирюнтаси қайрилиб қарамади, унинг гапини балки ҳечким эшитмагандир ҳам. Калина Иванович уйдаги мебельга бир назар ташлаб чиқди-да, диванни уриб кўрсатиб:

— Қалай, мана бу мебель сизга тўғри келадими, ўртоқ?— деб сўради.

— Буми?— деб сўради, хотин, суюниб кетиб.— Ёқиш ҳам гапми, қанийди энди!..

— Ёқса бўпти-да!— деди Калина Иванович.— Узи-ку бу ерда бекор турипти, сизга ёққан бўлса болаларингиз учун олиб кетаверинг.

Аёл кишининг шу маҳалгача Калина Ивановичнинг юзига диққат блан тикилиб қараб турган кўзлари бир олайиб кетди-да, яна Калина Ивановичга тикилди:

— Қандай қилиб?

— Қандай қилиб бўларди: аравага ортиб кетаверинг.

— Вой худо, қандай қилиб, ахир?

— Ҳужжат-мужжат десангиз — ҳужжатнинг ташвиши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни тортманг: мингта ҳужжат ёзиб берадиган паразит топилади, шунақангги ҳужжат ёзиб ташлашадики, ўзингиз ҳам пушаймон еб юрасиз. Олиб кетаверинг.

— Биров сўраб қолса, ким рухсат берди деб айтаман?

— Мени айтаверасиз.

— Сизни айтаверайми?

— Ҳа, мени айтаверинг!

— Э худойимей!— деди аёл ва суюнганича, уйдан учиб чиқиб кетди.

Дам ўтмасдан кетидан йигирматача болани эргаштириб келди. Болалар стул, кресло ва диванларни талашиб, севина-севина ва кучана-чирана эшикка қараб судрайбошлади. Бутун кабинетни тарақа-туруқ босиб кетганидан кейин Мария Кондратьевна ўрнидан турди-да:

— Нима қилаяпсизлар?— деб сўради.

Ўртоғи блан бирга бир креслони кўтариб чиқиб кетаётган қопқора бир бола:

— Мебель ташияпмиз,— деб жавоб берди.

— Секинроқ ташисаларинг бўлмайдими,— деди Мария Кондратьевна ва яна жойига ўтириб, халқ маориф ишлари блан шуғулланаверди.

Калина Иванович менга хавотирланиб қараб қўйди.

— Кўрдингми? Бу қандай бўлди? Боласи тушмагурлар бутун уйни кўтариб кетаверадими?

Мария Кондратьевна кабинетининг уриб кетилишига мен анчадан бери завқ блан қараб ўтирардим, ғазабланишга ҳам ожиз эдим. Икки бола келиб, биз ўтирган дивани тортабошлади, биз ўрнимиздан туриб, уни ҳам бўшатиб бердик. Ҳовлиқиб қолган аёл олиб келган болаларининг теварагида бирнеча марта гир айланди-да, Калина Ивановичнинг олдига келиб, унинг қўлидан ушлаб, самимий ҳурмат блан қаттиқ силкитди: аёл киши, бу сахий ва олижаноб кишининг хижолат тортиб жилмайиб турган юзига миннатдорлик блан қарар эди.

— Отлари нима? Мен билишим керак-да, ахир. Мушкулимизни осон қилдингиз!

— Отимни сўраб нима қиласиз? Умринг узоқ бўлсин дейишнинг энди ҳожати йўқ, ув тортиб йиғлашга ҳали эрта бўлса керак...

— Ҳа, айтинг, айтақолинг...

— Бировдан мен ташаккур эшитишни ёмон кўраман.

— Бу сахий одамнинг оти — Калина Иванович Сердюк бўлади!— дедим, ҳаяжон ичида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Раҳмат, ўртоқ Сердюк, катта раҳмат!

— Арзимайди. Аммо, тезроқ олиб чиқиб кетинг, бўлмаса яна бирон кимса келиб, менинг буйруғимни бекор қилиб ўтирмасин.

Аёл Калина Ивановичга ташаккур билдириб, севинганича чиқиб кетди. Калина Иванович плашчининг тасмасини тўғрилаб, бир йўталиб олиб, трубкасини тутатди.

— Нега отимни айтдинг-а? Айтмасанг ҳам бўларди. Менга ортиқча ташаккур билдирган одамларни ёмон кўраман... Аммо, боғчасига омон-эсон етиб олармикан, ё етиб ололмасмикин?

Бирпасдан кейин Мария Кондратьевнанинг атрофидаги одамлар халқ маорифининг бошқа хоналарига тарқалишиб кетди, бизга ҳам гал келди. Мария Кондратьевна бизнинг ишимизни бирпасда бирёқлик қилиб бўлгач, хаёли паришон ҳолда атрофга назар ташлаб, ҳайрон бўлди.

— Ажабо, мебельни қаёққа олиб чиқиб кетишипти а? Қулқуруқ кабинетнинг ўзи қопти-ку?

Креслога орқасини суяб ўтирган Калина Иванович жиддий суратда:

— Битта болалар боғчасига олиб кетишди,— деди.

Икки кундан кейин мебельнинг Калина Ивановичнинг ижозати блан бериб юборилгани аллақаердан ма'лум бўлиб қопти. Бизни халқ маорифига чақиришган эди, бормадик. Калина Иванович:

— Стул деб бориб юраманми? Ундан бошқа дардим йўқмиди?— деди.

Калина Ивановичнинг энди изза бўлиш сабаби ҳам шу эди.

— Битта савоб иш қилибмиз-да, нима бўпти?

— Ҳа ахир, уялмайсизми? Рухсат беришга қандай ҳақингиз бор эди?

Калина Иванович ўтирган ерида унга бурилиб қараб, мулойимгина деди:

— Ҳамма нарсага ҳам рухсат беришга ҳақим бор, ҳамманинг ҳам ҳақи бор. Мана, масалан, истасангиз, қанча ер-мулк, сотиб оламан десангиз олаверасиз, мен рухсат бераман. Сотиб олаверинг, олманг демайман, вассалом. Олинг, марҳамат. Истасангиз, текинга ҳам олишингиз мумкин, бунга ҳам ижозат бераман.

— Ундоқ бўлса мен ҳам,— Мария Кондратьевна атрофга аланглаб қаради,— мен ҳам мана бу стол ва табуреткаларни бериб юборишга ҳақим бор экан-да?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳақингиз бор.

— Кейинчи?— деди Мария Кондратьевна, нима дейишини билмасдан.

— Кейин нима бўларди, ҳечнарса бўлмайди.

— Буёғи қандай бўлади? Аравага ортиб жўнаб кетаверадими?

— Ким аравага ортиб кетаркан?

— Ким бўлса-да.

— Бай-бай-бай, қани, олиб кетиб кўрсинчи, бу ердан ўзининг қандай жўнаб кетишини бир кўрардик.

— Ўзи жўнаб жетмайди, унинг ўзини олиб кетишади,— деди Задоров, кулиб. У анчадан бери Мария Кондратьевнанинг орқасида турарди.

Мария Кондратьевна қипқизариб кетди, ўтирган жойидан Задоровга қаради-да, нима дейишини билмай:

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?— деб сўради.

Задоров ҳамма тишларини очиб кулди ва:

— Менимча шундай бўлар деб ўйлайман,— деди.

— Қароқчиларнинг орасига тушиб қолдимми, нима бало,—деди Мария Кондратьевна.—Тарбияланучиларингизни шунақа тарбия этаркансизми?— деди, менга ўқрайиб.

— Тахминан шундай...

— Буни қандай тарбия деб бўлади? Кабинетда турган бутун мебельни талаб кетишса-я? Бу қандоғ бўлди? Кимларни тарбия этиб етиштирмоқдасиз? Бундан чиқди, ножўя ётган нарсани илиб кетавериш экан-да?

Бизнинг суҳбатимизни бир тўда колонист болалар тинглаб турар эди, гапимизнинг уларга ниҳоятда қизиқ туйилганлиги ҳаммаларининг башараларидан кўриниб турарди. Мария Кондратьевна қизишарди, ранжиганини усталик блан беркитаётгани сезилиб турарди. Суҳбатни бундай оҳангда давом этдиришни хоҳламадим-да, муросасозлик қилиб:

— Келинг, бу масалани кейинчалик обдон муҳокама қилармиз, ҳарҳолда жуда мураккаб масала-ку,— дедим.

Броқ Мария Кондратьевнанинг ўжарлиги тутиб кетди:

— Нимаси мураккаб! Ҳеч мураккаблиги йўқ, сизларда қулоқ тарбияси ҳукм сураркан, холос!

Унинг чиндан ҳам жаҳли чиқиб кетганини Калина Иванович сезди-да, ёнига яқинроқ келиб ўтирди.

— Мендан жаҳлингиз чиқмасин, ўзим қартайиб қолган одамман. Аммо қулоқ тарбияси ҳукм сураркан дейишингиз ярамайди. Биз болаларни советчасига тарбия

www.ziyouz.com kutubxonasi

этамиз. Мен, мебельнинг эгаси шу ерда ўтирипти-ку, бир кулдирай деб ҳазиллашувдим. Бир кўнглим, балки гўдак болаларнинг ўтирадиган стули йўқлигига э'тибор берарсиз деб ҳам ўйловдим. Мебельнинг эгаси анқов чиқиб қолди: бурнининг тагида турган мебельни олиб чиқиб кетишганини билмабсизу, энди айбдорларни қидиришга тушибсиз, тағин қулоқча тарбиялашаркан деганингизни қаранг-а...

— Бундан чиқди, сизнинг тарбияланучиларингиз ҳам шундай қилиши керакми?— деди Мария Кондратьевна, бироз шахтидан тушиб.

— Майли, қилса қилаверсин...

— Нима учун?

— Сизга ўхшаган анқов эгаларнинг та'зирини бериш учун.

Болалар орасидан Карабанов чиқиб, учига оппоқ дастрўмолча бойланган,— байрам шарафи блан колонистларга бугун оқ дастрўмол улашилган эди,— таёқчани Мария Кондратьевнага узатди:

— Ушланг мана буни, Мария Кондратьевна, байроқни кўтарингда, тезроқ таслим бўлақолинг.

Мария Кондратьевна бирдан кулиб юборди, кўзлари чақнаб кетди:

— Таслим бўлдим, таслим бўлдим, сизларда қулоқ тарбияси йўқ, мени ҳечким алдаб кетгани йўқ, таслим бўлдим, дамсоцвос, таслим бўлди!

Кечаси, устимдаги бировнинг чарм пальтосини ечмасдан, суфлёр будкасидан чиққанимда, Мария Кондратьевна бўшаб қолган залда ёлғиз ўзи колонистларнинг энг сўнгги ишларини диққат блан кузатиб ўтирар эди. Саҳна орқасидан Тоська Соловьёвнинг ингичка товуши эшитиларди:

— Семён, ҳой Семён, костюмни топширдингми? Костюмни топширмасдан кетакўрма!

Унга Карабанов жавоб берарди:

— Тосечка, барно йигит, сенга бирнима бўлдими ўзи? Ахир, мен Сатинни ўйнадим-ку?

— Ҳа, Сатинни ўйнадингми? Ундоғ бўлса, кийимни ўзингга эсдаликка олиб қолақол.

Саҳнанинг олдида турган Волохов қопқоронғи залга қараб:

— Ҳой Галатенко, бу ишинг нимаси? Печкани ўчир!— деб бақиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Галатенко ғўлдираб:

— Ўзи ўчиб қолади,е!— деб жавоб беради.

— Ўчир дейман сенга! Печкани ўчирмасдан кетилмасин деган буйруқни эшитмаганмисан?

— Буйруқ, буйруқ!— деб пўнғирлайди Галатенко.— Учирарман...

Бир тўда колонист болалар саҳнадаги беватанлар кечаси ётиб юрадиган сўриларни йиғиштириб олмоқда, аллаким «Кун чиқар, ҳам ботар...» деб секин-секин ашула айтади.

— Ҳамма тахталарни эртага дурадгорликка топшириш керак,— деб яна бир карра эсга солади Митька Жавелий ва бирдан:— Антон! Ҳой Антон!— деб бақиради.

Саҳна орқасидан Братченко:

— Ҳа, нима дейсан? Мунча эшакка ўхшаб ҳанграйсан?— деб жавоб беради.

— Эртага арава берасанми?

— Бераман дедим-ку!

— От ҳам берасанми?

— Ўзларинг тортаолмайсанларми?

— Кучимиз етмас дейман.

— Емни кам беришаяптими?

— Ҳа.

— Тўймасанг кел, мен бераман.

Мен Мария Кондратьевнанинг олдига келдим.

— Қаерда ётасиз?

— Лидочкани кутиб турибман. Гримини олиб бўлгандан кейин, уйига олиб кетмоқчи... Менга қаранг, Антон Семёнович, тарбияланучиларингизнинг бари яхши, яхши болалар экан, аммо уларга азоб эмасми, ахир? Вақт анчага бориб қолди, ҳали ҳам ишдан бўшашмайди, тоза чарчашгандир! Наҳотки, уларга бирон овқат бериш мумкин эмас? Жуда бўлмаса, ишлаганларга берилсин.

— Ҳамма баравар ишлайди, аммо ҳаммага овқат берайлик десак, етмайди.

— Ҳа ўзингизчи, педагогларчи? Ҳаммаларинг ишладиларинг, жуда яхши, кўнгилдагидек бўлди,— ҳаммаларинг тўпланишиб, ундан, бундан гапиришиб ўтирсаларинг бўлмайдими? Пича закуска қилиб? Нега мумкин эмас?

— Эрталаб соат олтида туриш керак, Мария Кондратьевна.

— Сабаби фақат шугинами?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен сизга сабабини айтиб берай,— дедим, бу мулойим ва сахий хотинга,— бизнинг турмушимиз сиз ўйлагандан анча оғир. Анча оғир.

Мария Кондратьевна хаёлга чўмди. Лидочка саҳнадан лип этиб сакраб тушди-да:

— Бугун яхши спектакль бўлди, а?— деди.

6. Ишқ ўқи

Горький кунидан бошлаб баҳор келди. Бирмунча вақтдан бери баҳорнинг уйғониши ба'зибир махсус соҳаларда ҳам сезилабошлаган эдик.

Театримиз фаолияти колонистлар блан қишлоқ ёшларини бир-бирига анча яқинлаштирди, бу яқинлашишнинг ба'зи жойларида ижтимоий тарбия назарияси сира кўзда тутмаган туйғу ва режалар пайдо бўлганлиги ма'лум бўлиб қолди. Командирлар советининг амри блан энг хавфли жойга, я'ни олтинчи «П» сводний отрядга тайинланган колонистлар айниқса хавф остида қолган эди, чунки отряднинг «П» деб аталиши публика[1] деган сўздан эди.

Саҳнада ўйновчи олтинчи «А» сводний отряд а'золари театрга мукка тушган, жуда берилиб кетган эдилар. Улар романтик туйғу-ҳисларни, ишқ-муҳаббатларни саҳнада бошларидан кечирар эдилар, шунинг учун ма'лум вақтга қадар илк ишқ-муҳаббат деб аталмиш туйғу ғам-ғуссасидан ҳоли эдилар. Бошқа олтинчи сводний отрядлар ҳам тахминан шу аҳволда эди. Олтинчи «Ш» отрядидаги болалар нуқул портловчи нарсалар блан шуғулланарди, пиротехника[2] машқлари вақтида шикаст еган Таранецнинг бошидан оқ дока кейинги вақтда тушмайдиган ҳам бўлиб қолганди. Бу сводний отрядга ҳам ишқ-муҳаббат ҳали чангалини солганича йўқ эди: болаларнинг бутун вужудини пароходлар, бастионлар ва министрлар хареталарининг гумбирлаб портлашидан келадиган завқ эгаллаб олганди, шунинг учун ҳам уларнинг қалбларида «ишқ ўти» ёниши қийин эди. Мебель ва декорациялар ташучи болаларнинг юрагида ҳам бундай ўтнинг ёниши маҳол эди, чунки пе-

---

[1] *Публика* — тамошабинлар.

[2] *Пиротехника* — ёнилғи ва портловчи моддалар тайёрлаш сан'ати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дагоглар тили блан айтганда, бу болалар сублимацияси[1] ниҳоятда тез ва кескин суратда ўтиб кетарди. Ҳатто бутун ишлари тамошабинлар орасида ўтучи печкачи отрядлар ҳам ишқ ўқларига дуч келиш хавфидан ҳоли эдилар, сабабки, ҳатто энг енгилтак Амур[2] ҳам уст-бошлари қопқора, кўмир ва қоракуя блан булганган болаларга ўқ отишни ўзига ор деб биларди.

Аммо, олтинчи «П» сводний отряд а'зосининг аҳволи чатоқ эди. Театр залига бундай колонист энг яхши кийимини кийиб чиқар эди, агар кийимининг бирон ерида кичкина нуқсон борлигини кўриб қолсам ҳам танбиҳ берардим. Кўкрак чўнтагидан топтоза ювилган дастрўмолнинг бир учи чиқиб турар, сочлари ҳамиша чиройлик қилиб таралган бўларди, ўзи дипломатлардай хушмуомала, тиш докторидай зийрак бўлиши керак эди. Бундай нарсалар блан қуролланган колонист албатта сеҳр ўтига дучор бўлмасдан қолмасди,— ма'лумки, бундай сеҳр ўтлари Гончаровкада ҳам, Пироговкада ҳам, Вол хуторларида ҳам, ҳатто Париж салонларида ҳам бир хил бўлади.

Эшик олдида билет текшириш ва бўш жой қидириш вақтларидаги биринчи учрашувларда гўё ҳечқандай хавф йўқдек эди: ажойиб тамоша кўргани, ҳаяжонлантирувчи сўзлар эшитгани келган қиз учун бу ажойиботларнинг мутасаддиси бўлмиш колонист бола чиройли кўринса ҳам, дахлсиздай, ҳатто ишқ-муҳаббатдан баланд тургандай туйилар эди,— шу қадар дахлсиз ва баланд кўринар эдики, ҳатто уларнинг кавалерлари — қишлоқ йигитлари ҳам, уларга қўшилиб завқланар ва рашк ўтида ёнмас эдилар. Аммо, бир спектакльдан кейин иккинчиси келар, ундан кейин учинчиси, тўртинчиси ва бешинчиси келар ва хуллас дун'ё каби кўҳна тарих яна такрорланиб турар эди. Пироговкали Параска ёки Вол хуторлик Маруся олмадек қипқизил чеҳра, қопқора қошлар,— ба'зан қошлар қора бўлмасди ҳам,— ёниб турган кўзлар, модага мувофиқ тикилган яп-янги чит кўйлак, кўйлак остидаги минг хил лаззатли фақат қизлар ўхшатиб айтадиган итальянча-украинча «л»нинг мусиқаси, масалан: «казала», «купува-

---

[1] *Сублимация* — модда қизитилгач қаттиқликдан бевосита газ ҳолига айланиши.

[2] *Амур* — мифологияда ва поэзияда — ишқ тангриси; ёй отиб турган қанотли бола шаклида тасвирланади. Бу ўринда автор Амур деб ишқ-муҳаббатни айтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ла» горькийчиларнинг саҳнадаги усталикларинигина эмас, ҳатто ҳарқандай америка техникасини ҳам йўлда қолдириб кетишини балки эсларди. Қизлар ўзларининг бу сеҳрли кучларини ишга солдими, бўлди, колонистларнинг бутун дахлсизлигидан асар ҳам қолмасди. Ана шундан кейин бирон колонист спектакльдан кейин менинг олдимга келар эди-да, кўзимга бақрайиб туриб, алдашга тушарди.

— Антон Семёнович, ижозат беринг, Пироговкадан келган қизларни кузатиб қўяй, қўрқамиз дейишаяпти.

Бу гапнинг турган-битгани ёлғон эди, чунки ҳечкимнинг ҳечкимдан қўрқмаслигини, ҳечкимни кузатиб қўйишнинг кераги йўқлигини мен ҳам, колонист ҳам яхши билар эдик, «қизлар» дегани ҳам ёлғон, чунки битта қизни айтганда тўғрироқ бўларди; мендан ижозат олиб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ, чунки зарур бўлса, қўрқоқ тамошабин қизни бир гала болалар ўзлари элтиб қўйишларини ҳам биламан.

Шунинг учун, бу нарса педагогикага хилоф бўлса керак деб ўйласам ҳам, рухсат берардим. Маълумки, педагогика, тарбия таъсири мутлоқ ожизлик кўрсатгандагина бу «доминанта» пайдо бўлиши мумкин деб муҳаббатни қатъиян инкор этади. Ҳамма халқларнинг педагоглари ҳамма даврларда муҳаббатни ёмон кўрар эдилар. Шунинг учун бирон колонистнинг комсомол мажлиси ёки умумий мажлисни ташлаб, китобларни ҳам бир четга йиғиштириб қўйиб, ўз коллективининг актив ва онгли аъзоси эканлигига парво қилмай, педагогика жиҳатдан, сиёсий жиҳатдан, ахлоқ жиҳатдан ҳам мендан анча паст туручи Марусяга ё Наташага маҳлиё бўлиб, уни афзал кўриши менга алам қиларди. Аммо, менинг мулоҳаза юритишга майлим зўр эди ва ўзимнинг бу истагимга эрк беришга кўп ҳам ошиқмас эдим. Колониядаги ўртоқларим ва айниқса халқ маорифидаги арбоблар менга қараганда анча дадилроқ эдилар, ишқнинг тўсатдан ва кутилмаганда келишидан уларнинг жиғибийронлари чиқиб:

— Бунга қарши кескин кураш олиб бориш керак,— деярдилар.

Бу баҳслардан ҳамиша фойда чиқарди, чунки вазият батамом аниқланарди: ўз ақлинг ва турмуш тажрибасига қараб иш кўриш керак деган хулосага келардик. У вақтларда турмушимиз айтарлик катта тажрибага ҳам эга эмас эди, ҳаётимиз ҳали анча ожиз ва қашшоқ эди. Дав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

латимиз бўлганда колонистларни уйлантириб, уйланган комсомолларга тевараk-атрофдан жой қилиб берардиm деб уйлардим. Бунинг нимаси ёмон? Аммо, бунга қурбимиз етмас эди! Хечнарсамиз йўқ. Харқалай бечарачилик чораси топилар. Ошиқ-ма'шуқлар ишига педагогикани аралаштирмадим, уларни та'қиб этмадим; шуни ҳам айтиш керакки, ошиқ-ма'шуқлар ахлоқ доирасидан чиқмас эди. Опришко бир куни юрагини очиб тапириб қолганда Марусянинг расмини кўрсатди, бу эса биз бош қотириш блан овора бўлиб юрганимизда ҳам ҳаёт ўз ишини давом этдирганини кўрсатар эди.

Расмга қараб бирон нарса деб бўлмасди, албатта. Расмдан менга бурни пучуқ, кулча юзли бир қиз — энг оддий Марусялардан бири қараб турар эди. Броқ расмнинг орқасига ўқучининг хати блан:

«Қимматли Дмитрога Маруся Лукашенкодан. Сёвгин ва унутмагин» деб ёзилган эди.

Дмитро Опришко стулда, мен энди тамом бўлдим дегандай ўтирарди. Унинг олифталиги ва чапанилигидан энди асар ҳам қолмаган, ҳатто бошида диккайиб турган бир сиқим жингалак сочи ҳам энди силлиқ қилиб тараб қўйилган. Илгари бирон ўткир сўздан ва кулгиси қистаганида ёниб кетучи ва кулиб туручи кўзлари энди ювош бўлиб қолган, ташвишга ва меҳрибон тақдирга тан берган.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

Опришко жилмайди.

— Сиз ёрдам бермасангиз, қийналиб қоладиганга ўхшайман. Отасига ҳали айтганимиз йўқ, Маруся айтгани қўрқади. Аммо, отасининг менга муомаласи ёмон эмас.

— Хўп, бироз кутайлик бўлмаса.

Опришко, ма'шуқасининг суратини кўкрагига эҳтиёт қилиб солди-да, мендан хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

Чоботнинг иши чатоқ эди. Чобот ўзи бадқовоқ ва жуда эҳтиросли бола бўлиб, бундан бошқа фазилати ҳам йўқ эди. Бир вақтлар, колонияга энди келганида, пичоқбозлик қилганди, кейинчалик интизомга қаттиқ бўйсунса ҳам, колониянинг қайнаб-тошиб турган ишларидан ўзини четга тортиб юрарди. Юзидан фаҳм-фаросат акс этмас, ҳатто жаҳли чиқиб турган одамга ўхшарди. Мактабга мажбуран қатнарди, саводини чала-чулпа чиқариб олганди. Менга унинг гапи ёқарди: ўзи кам гапирса ҳам ростгўйлиги билиниб турарди. У комсомолга биринчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаторида қабул қилинган эди. Унинг ҳақида Коваль аниқ ва равшан қилиб:

— Доклад қилиш ва агитпроплик қўлидан келмайди, аммо қўлига пулемёт бериб қўйсанг,— ўлса ҳам ташлаб кетмайди,— деган эди.

Чоботнинг Наташа Петренкони қаттиқ яхши кўриб қолганини бутун колония билар эди. Наташа Мусий Карповичнинг уйида турарди, Мусий Карпович уни жияним деб юрардию, аммо аслида жияни эмас, оқсоч эди. Наташа театрга бораман деса йўқ демасди, аммо Наташани ниҳоятда ночор ва юпун кийинтирар эди, бировлар кийиб эскиртган бесўнақай юбка, оёгига катта ва буришиб-қуришиб кетган ботинка, устига қадим замонлардан қолган бурма кофта кийиб юрарди. Унинг бошқача кийинганини ҳеч кўрмасдик. Бу кийимда Наташа худди далага қўндириб қўйилган қўриқчига ўхшарди, аммо шунинг учун ҳам унинг чеҳраси янада кўҳлироқ бўлиб кўринарди. Исқирт, илма-тешик малла рўмол тагидан сизга унинг юзи эмас, иффатлик, поклик намунаси, болаларга хос ва ҳамиша кулиб турган энг ювош қиз чеҳраси қараб турарди. Наташа ҳеч ҳам афтини буриштирмасди, унинг бирон марта жаҳли чиққанини, хафа бўлганини, ғазабланганини, шубҳаланганини ва азоб чекаётганини кўрмас эдингиз. У, ё бировнинг гапини диққат блан тинглар,— бундай пайтларда қолқора қалин киприклари билинар-билинмас учиб турарди,— ё бўлмаса чеҳраси очилиб, жилмаярди,— бундай пайтларда эса биттаси, олдингиси бироз қийшиқ ўсиб чиққан оппоқ тишлари кўриниб кетарди.

Наташа колонияга ҳамиша бир гала қизлар блан келар ва қий-чув қилиб юрган қизлар ичида ўзининг оддий болалардай сипоҳлиги ва хушвақтлиги блан ажралиб турарди.

Чобот уни ҳар сафар кутиб оларди-да, икковлари бирон скамейкага бориб ўтирардилар. Чоботнинг қовоқ солиб ўтиришидан Наташа хижолат тортмас, унинг кайфиятини ҳам ўзгартираолмасди; бу ма'сума қизнинг Чоботни яхши кўришига ҳеч кўзим етмасди, аммо болалар бир оғиздан:

— Ким? Наташами? Чобот деса ўзини сувга ташлашдан ҳам, ўтга ташлашдан ҳам тоймайди!— дейишарди.

Сирасини айтганда, бу паллада ишқ-муҳаббатга берилишга ортиқча вақтимиз ҳам йўқ эди. Қуёш ўн саккиз соатлаб ишлаб, оддий ҳужумга ўтабошлаган кунлар ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ қолган эди. Шере ҳам унга тақлид қилиб, бизни шу қадар ишга кўмиб ташлардики, дам олишга ҳам вақт тополмай, тишни тишга қўйиб ишлардик, экиш планини кузда умумий мажлисда ўзимиз тасдиқлаб берганимиз учун, дамимиз ичимизга тушиб кетар эди. Расман Шере олти далалик системани қўллар эди, амалда эса иш анча мураккаблашиб кетганди. Шере доимо экинларни деярли эктирмасди. Бир йил шудгорлаб қўйилган етти гектарча ерга кузги буғдой эктирган, чет-чет жойларда бир парча, ярим парча ерларга сули ва арпа эктириб қўйган ва яна бир парча ерга тажриба учун деб мисли кўрилмаган алламбандай жавдари эктириб қўйган эди. Шере, бунақанги жавдарини бирорта деҳқон ҳам умрида кўрмаган, униб чиққандан кейин «оҳ-войлаб» қолишини тамоша қиласиз деярди.

Аммо ҳозирча деҳқонлар эмас, биз оҳ-войлардик. Картошка, лавлаги, полиз, карам, анча-мунча ерга экилган нўхат ва бошқа экинларнинг нав'лари шу қадар кўп эдики, қайсибири қанақалигини ажратиб ололмасдик. Болалар, Шере далада ҳақиқий контрреволюция бошлаб юборипти, деярди.

— Биттасини король дейди, биттасини подшоҳ, биттасини королева дейди!

Дарҳақиқат, Шере ҳамма экинларни тўппа-тўғри марзалар билан бир-биридан ажратиб, иҳоталар билан тўсиб, ҳарбир участканинг бошига фанер қоқиб, фанерга қандай экин ва қанча уруғ сепилганини ёзиб қўйган эди. Колонистлар,— экинларни қузғунлардан қўриқлаб турган колонистлар бўлса керак,— бир куни эрталаб бу лавҳалар ёнига ўзлари ўйлаб топган номларни ёзиб қўйипти. Буни кўриб, Шере жуда хафа бўлди. Дарров командирлар советини чақиртириб, бақирабошлади,— унинг бундай бақиришини илгари сира кўрмаган эдик:

— Бу нима майнавозчилик, қандай аҳмоқлиқ бу? Экинларнинг номи ҳамма ерда қандай айтилса, мен ҳам шундай атадим. Агар бирон сортнинг оти «Андалузия қироли» бўлса, ҳамма ерда ҳам шундайлигича қолаверади, менинг ном тўқиб чиқаришга ҳақим йўқ! Бу нима хулиганлик? Генерал Лавлаги, полковник Нўхат деб ёзиб қўйганлари нимаси? Капитан Тарвузлар, поручик Помидорлари нима ўзи?

Командирлар, бу сарой а'ёнлари ҳақида нима дейишларини билмай, жилмайиб ва сипоҳгарчилик билан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким қилди бу аҳмақликни? Илгарику бари қирол эди, энди капитанга тушиб қопти...—дейишарди.

Болалар, гарчи Шередан ҳайиқсалар ҳам, ўзларини кулгидан тияолмас эдилар. Вазиятнинг танглигини тушунган Силантий муросасозлик қилиб:

— Мен сизларга айтсам, қиролни мол ейдиган бўлса — майли, қироллигича қолаверса ҳам бўлади,— дерди.

Калина Иванович ҳам Шеренинг ёнини оларди:

— Жанжал нимадан чиқди ўзи? Сизлар ўзларингизни революционермиз деб, пошшолар блан курашмоқчи, паразитларнинг калласини олиб ташламоқчилигизни кўрсатасизларми? Мунча ҳовлиқасизлар? Шошманглар, пишганда қўлларингга биттадан пичоқ берамиз, ана ўшанда калла олаверинб терлаб пишганларингни кўрамиз.

«Калла кесиш»нинг нималигини колонистлар яхши билганларидан, Калина Ивановичнинг гапи ўкинларига тушди. Далаларимиздаги контрреволюция ҳақидаги иш шу блан тугади; бир куни Шере оранжереядаги атиргуллардан икки юз тупини оқ уй олдига эктириб, тепасига: «Қор қироличаси» деб ёзиб қўйганда бирорта колонист ҳам ғинг демади. Фақат Қарабанов:

— Қироличча бўлса бўлақолсин, майли, ҳиди яхши бўлса бўлгани...— деб қўяқолди.

Бизни ҳаммадан кўпроқ лавлаги азобларди. Ростини айтганда, экинларнинг энг расвоси ҳам шу: уни экиш осон, аммо азоби экилгандан кейин бошланади. Ўзи чиқайуи, чиқмайми деб, зўрға униб чиқади, униб чиқиши блановқ у кишини ўтоқ қилиш керак. Биринчи ўтоқдан ёмон ва азоб нарса йўқ: билмаган одам уни ёввойи ўтдан сра ажратаолмайди, шунинг учун Шере бу ишга катта ёшдаги колонистларни ажратишни талаб қиларди, катта ёшдаги болалар эса:

— Кунимиз лавлаги ўташга қолдими энди? Шунча ўтаб ҳам қутулмадикми?— деярди.

Биринчи ўтоқ ҳам тамом бўлди, иккинчиси ҳам бажарилди, болалар карамга, нўхатга ўтамиз, пичан ўриш ҳам яқин қолди, энди маза қиларканмиз деб турганларида, бирдан Шере якшанба кунги талабномасига «Лавлагини яганалашга — қирқ киши берилсин» деб ёзиб келарди.

Совет секретари Вершнев сурбетлик блан ёзилган бу сатрни пичирлаб ўқирди-да, мушти блан столни гурсиллатиб бир уриб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ийя, инсоф борми, ахир? Яна лавлаги? Бу ла'нати лавлаги неча марта ягана бўлади? Билмасдан, эски талабномани кўтариб келган бўлманг тагин?—дерди.

— Янги талабнома,— дейди Шере, пинагини бузмасдан.— Қирқ киши берилсин ва албатта катта ёшли болалар бўлиши керак.

Биздан сал наридаги дачада туручи Мария Кондратьевна ҳам советда ўтирипти, жиғибийрони чиқиб турган колонистларга юзидаги чуқурчаларини ўйнатиб, кулиб туриб, дейди:

— Жудаям ялқов экансизлар-а! Лавлагини боршчга солиб ейиш ёқадими?

Семён бошини пастга эгиб, баландроқ товуш блан дейди:

— Биринчидан, бу қуриб кетгур — молга бериладиган лавлаги! Иккинчидан, сиз ҳам бирга лавлагини яганалашга борасиз. Биздан бир кунингизни аямай, биз блан бирга ишлаб берсангиз, майли, мен битта сводний отрядни тўплаб, лавлаги пишиб, чуқурга кўмилгунча ишлаб берганим бўлсин.

Мария Кондратьевна худди нажот сўрагандай, менга кулиб қарайди-да, колонистларни имлаб кўрсатиб:

— Ийя, булар жуда ёмон бола экан-ку! Жуда ёмон бола экан-ку!..— дейди.

Мария Кондратьевна отпускада бўлгани учун уни кундуз кунлари ҳам колонияда кўриш мумкин. Аммо кундуз кунлари колония ҳувуллаб ётади, болалар фақат обед маҳалида қопқорайиб, чанг босиб келишади. Чопқиларини Кудлатийнинг бурчагига ирғитишади-да, худди Будённийнинг суворийлари каби тепаликдан пастга ёпирилиб чопиб тушишади ва йўлакай трусикларининг боғларини ечиб, баланд қирғоқдан сувга сакрашади, Коломак уларнинг гавдалари, қийқириқлари ва ўйин-кулгилари блан қайнаб тошади. Дар'ё бўйидаги буталар орасида ўтирган қизлар:

— Бўлди, ҳой болалар, кетинглар энди! Болалар, ҳой болалар, кетинглар энди, бизнинг галимиз,— деб чинқиришади.

Юзидан ташвиш аримаган навбатчи қирғоқ бўйига келади, болалар офтобда қизиб ётган трусикларини сув томчилари ялтиллаб турган ҳўл баданларига кийиб, эски боғдаги фонтан атрофига қўйилган столлар ёнига ўтиришади. Бу ерда уларни анчадан бери Мария Кондратьев-

www.ziyouz.com kutubxonasi

на кутиб ўтирган бўлади,— колонияда баданлари оппоқ ва сочлари айнимаган биттаю-битта одам бўлса, у ҳам шу Мария Кондратьевна эди. Шунинг учун ҳам болаларимиз орасида у ниҳоятда нозанин бўлиб кўринади, бу нарса ҳатто Калина Ивановичнинг ҳам назар э'тиборидан четда қолмайди:

— Жуда кетворган хотин, мен сенга айтсам. Аммо, бу ерда увол бўлиб юрипти. Сен унга назарий жиҳатдан қарама, Антон Семёнович. У сенга одам деб қараса, сен худди нодондай, бирон марта қайрилиб қарамайсан ҳам.

— Бу нима деганинг, уялмайсанми?— дедим, Калина Ивановичга.— Энди менга колонияда ишқ-муҳаббат саргузаштини бошлаш қолдими?

— Эҳ, сени қараю,— деди кекса Калина Иванович, трубкасини тутатиб.— Шахсий турмушингга қарамай аҳмоқ бўлиб юраверасан, мени айтди дерсан...

Мария Кондратьевнанинг фазилатларини назарий ва амалий жиҳатдан анализ қилиб чиқишга вақтим йўқ эди, балки шунинг учун бўлса керак, мени ҳадеб уйига чойга таклиф этар, мен миннатдорлик билан:

— Худо урсин, чойни ёмон кўраман,— десам, қаттиқ хафа бўлар эди.

Бир куни обеддан кейин, болалар ишга тарқалиб кетгач, Мария Кондратьевна иккимиз анчагача стол ёнида ўтириб қолдик, шунда Мария Кондратьевна менга дўстона бир оҳангда:

— Менга қаранг, Диоген[1] Семёнович! Агар бугун кечқурун меникига бормасангиз, мен сизни нодон одам экансиз дейман,— деди.

— Сизникида нима бўлади? Чоймп?— деб сўрадим.

— Меникида мороженое бўлади, чой эмас, мороженое... Атайин сизга атаб қилиб қўяман.

— Хўп, майли,— дедим зўрға.— Мороженоега соат нечада борай?

— Соат саккизда.

— Соат саккиз яримда командирлар менга рапорт бергани келади-ку.

— Роса педагогиканинг қурбони бўпсиз-да... Хўп, бўпти, соат тўққизда борақолинг.

---

[1] *Диоген* — қадимги юнон файласуфларидан бири. Диоген ўзини одамлардан олиб қочиб, бочка ичида яшар экан. Мария Кондратьевна авторни киноя билан шу Диогенга ўхшатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ соат тўққизда, рапортларни қабул қилиб бўлиб, энди мороженоега бориш керак, соқолимни ҳам олишга улгурмадим, деб кабинетда хит бўлиб ўтирган эдим, бирдан Митька Жавелий югуриб кириб келди-да:

— Антон Семёнович, тезроқ чиқинг, тезроқ!— деб бақирди.

— Нима гап ўзи?

— Болалар Чобот блан Наташкани бошлаб келишди. Чол бор эди-ку... хах, оти нима эди... ҳа, Мусий Карпович...

— Қани улар?

— Боғда...

Югурганимча боққа чиқдим. Сирень гул хиёбонидаги скамейкада юраги така-пука бўлиб кетган Натэша ўтирарди, уни бизнинг қиз ва аёлларимиз ўртага олиб турарди. Болалар хиёбоннинг у ер, бу ерида тўп-тўп бўлиб, алланималар тўғрисида гапиришиб турардилар. Карабанов ва'з қиларди:

— Тўғри-да. Аблаҳни ўлдириш керак эди...

Задоров, даф-даф титраб йиғлаб ўтирган Чоботга:

— Қўрқма, нега қўрқасан, ҳеч гап бўлгани йўқ-ку... Ҳозир Антон келиб, бирёғлик қилади,— деб далда берарди.

Болалар, бир-бирларига гап бермай, қуйидагиларни айтиб беришди.

Наташа битта-иккита бўзни офтобда қуритиб қўймагани учун Мусий Карпич унинг адабини бермоқчи бўлиб, бир-икки марта юган блан урипти. Шу пайтда Чобот кириб қопти. Чобот нималар қилгани, қандай ҳунар кўрсатганини аниқлаш қийин эди, чунки Чоботнинг ўзи ғиқ этмай ўтирарди, бироқ Мусий Карповичнинг войдодига хуторлилар ва колонистлар йиғилишипти, Мусий Карпович бир бурчакда қонга буланиб, юраги қинидан чиққудай бўлиб ётган экан. Мусий Карповичнинг ўғилларидан бири ҳам шундай қайғули аҳволда экан. Карабановнинг та'рифича, Чобот уйнинг ўртасида худди «итдай ириллаб» турган экан. Наташани кейин бир қўшниникидан топишипти.

Шу ҳодиса муносабати блан колонистлар блан хуторлилар ўртасида музокаралар ҳам бўпти. Музокара вақтида муштлашилгани ва бошқа ҳимоя турлари қўлланилгани кўриниб турарди, колонистлар бу тўғрида чурқ этмай, худди достон айтиб бераётгандай, бемалол ҳикоя қилар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биз ҳечнарса қилганимиз йўқ, фақат... биринчи ёрдам кўрсатдик, шундан кейин Карабанов Наташага: «Юр, Наташа, биз блан колонияга кетасан, қўрқма, колонияда меҳрибон одамлар топилади, ишингни тўғрилаймиз» деди.

Можара иштирокчиларини кабинетимга олиб кирдим. Наташа кўзларини катта очиб янги муҳитга жиддий қараб ўтирарди, фақат лабларининг билинар-билинмас учиб туриши унинг ҳали ҳам қўрқиб турганидан дарак берар, юзида эса бир томчи кўзёши тўхтаб қолган эди.

— Нима қилиш керак дейсизми?— деди Карабанов, қизишган бир ҳолатда.— Бартараф қилиш керак, вассалом!

— Бўпти, бартараф қиламиз,— дедим.

— Уйлантириб қўйиш керак,— деб таклиф киритди Бурун.

— Уйлантириб қўйиш пайти бугун эмас-ку. Наташани колонияга қабул қилишга ҳақимиз бор. Қарши йўқми?.. Секинроқ, мунча бақирасизлар? Қиз бола учун жой бор. Колька, эртага буйруқ блан бешинчи отрядга жойлаштириб қўй,— дедим.

— Есть!— деб бақириб юборди Колька.

Наташа бирдан бошидаги исқирт рўмолини олиб ташлади, кўзлари худди шамол учирган гулхан алангасидай чақнаб кетди. Олдимга югуриб келди-да, худди ёш болалардай суюниб, кулиб юбориб:

— Мумкинми, а? Колонияга оласизларми? Раҳмат, амакижон!— деди.

Болалар хурсандликларидан кулдилар. Карабанов ер депсиниб:

— Осон экан-ку!— деди.— Шунақангги осон эканки... Колонияга кирмасдан, қаёққа борардинг? Қани, колонистга бирортаси қўл текизиб кўрсинчи!

Қизлар севина-севина Наташани ётоқхонага олиб кетди. Болалар яна анча маҳалгача вағиллашиб туришди. Рўпарамда ўтирган Чобот миннатдорлигини изҳор этарди:

— Бундай бўлишига ҳеч кўзим етмаган эди... Етимча қизни ҳимоя қилганингиз учун минг раҳмат... уйланиш бўлса, кейин бир гап бўлар...

Бўлиб ўтган ҳодисани ярим кечагача муҳокама қилиб ўтирдик. Болалар бирнеча шунга ўхшаган ҳодисаларни гапириб беришди, Силантий ҳам ўз фикрини билдирди, Наташага колония кийими кийгизиб менга олиб келиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатишди, қарасам, Наташа ҳали бўйига етмаган, нозиккина қизча экан. Шу гаплардан кейин Калина Иванович келди-да, ҳодисага якун ясаб:

— Олдиндан ноғора чалиш ярамайди!— деди.— Калласи бутун қоптими, бўлди, хотиржамлик экан. Юр, ўтлоқ томонга бир бориб айланиб келамиз... паразитларнинг пичанни қандай ғарам қилганини бориб кўрайлик, ўлганда ўзларини худди шундай қилиб гўрга қалаш керак, ла'натиларни!

Калина Иванович иккимиз ўтлоқ томонга қараб йўл олганимизда вақт ярим кечадан ошиб қолган эди. Калина Ивановичнинг йўлдаги гапларини илиқ ва сокин кеча тингларди. Бир текисда қатор тизилган, сарв қомат тераклар колониямиз атрофини қуршаб турар, улар ҳам ўз ўй-хаёлларини ўйлар эдилар. Балки улар, атроф-теваракдаги муҳитнинг ўзгариб кетганига таажжубланар: Трепкени қўриқлашга тизилган эдик, эндиликда Максим Горький номидаги колонияни қўриқлаб турибмиз деб ўйласа керак.

Бир чеккада ажралиб турган кичкина тераксор ичидан Мария Кондратьевна уйининг қопқора деразалари бизга қараб турарди. Бирдан даразалардан бири секин очилди-да, бир одам уйдан лип этиб сакраб тушди. Биз томонга қараб йўл олган эди, броқ тўхтади-да, ўрмон ичига уриб қочди. 1918 йилдаги Миргород эвакуациясини гапириб келаётган Калина Иванович бирдан гапини бўлиб, пинагини бузмасдан:

— Аблаҳ Карабанов-ку,— деди.— Кўрдингми, у ишга назарий жиҳатдан эмас, амалий жиҳатдан қарайди. Сен мулла одам бўлсанг ҳам, аҳмоқ бўлиб қолавердинг...

7. Янги болалар

Колонияга Мусий Карпович келди. Биз, Чоботнинг жаҳли чиқиб кетиб, калласини уриб ёргани учун да'во қилиб келди деб ўйлаган эдик. Дарҳақиқат, Мусий Карповичнинг боши латта блан боғланган бўлиб, гапирганда ҳам жон берёётган оққушдай, зўрға гапирар эди. Аммо, бизни қизиқтирган масала тўғрисида мулойим ва муросасозлик блан қисқа гапирди:

— Мен қиз бола важидан келганим йўқ. Бошқа иш блан келдим. Сизлар блан жанжаллашиб калламни еб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

манми? Сизлар нима десаларинг, шу-де... Мен тегирмон масаласида келдим. Қишлоқ советининг номидан яхши ният блан келдим.

Коваль Мусий Карповичга пешона остидан ўқрайиб қарады:

— Тегирмон масаласидами?

— Ҳа-да. Сизларнинг тегирмонни ижарага олмоқчи бўлганингизни биламиз. Қишлоқ совети ҳам шу тўғрида ариза берди. Бизнингча, сизлар ҳам совет ҳокимиятисизлар, қишлоқ совети ҳам совет ҳокимияти, шундай бўлгандан кейин сизлар ўз йўлингизга, бизлар ўз йўлимизга бўлиб кетавермайлик деймиз-да...

— Ҳа-ҳа, шунақами,—деди Коваль, пичинг қилиб.

Шундай қилиб, колонияда қисқа дипломатик музокара даври бошланди. Ковальга ва бошқа болаларга дипломат бўлинглар, одобли бўлинглар деб уқдирдим, шундан кейин Лука Семёнович блан Мусий Карповичлар бирмунча вақт колонияга қўрқмасдан омон келиб, омон кетиб юрадиган бўлиб қолдилар.

Шу вақтда бутун колония от сотиб олишга қизиқиб юрарди. Бизнинг машҳур чопқир отларимиз кундан кунга қартайиб борар, ҳатто Саман ҳам соқол қўябошлаган, Кичкинтойни эса командирлар совети аллақачон инвалидликка чиқариб, нафақа тайинлаб қўйган эди. Унга ўлгунича отхонадан доимий жой берилди, бир порсидан сули бериб турилди, аравага фақат менинг ижозатим блан қўшиш мумкин эди. Шўх бия, Мэри ва Калхатларни Шере назар-писанд қилмасди ва:

— Яхши отли рўзғор — рўзғор, отларнинг мазаси бўлмаса, рўзғордан ҳам путр кетади,— деярди.

Ҳамма отларга биттадан ихлос қўйиб чиққан ва ҳаммасидан ҳам Саманни афзал кўрган Антон Братченко, эндиликда Шеренинг та'сирига берилиб, теги-зоти йўқ аллақандай отга кўнгил қўябошлаганди. Мен, Шере, Калина Иванович ва Братченко битта ҳам ярмаркадан қолмасдик, минглаб отларни кўрардигу, бирортасини ёқтирмас эдик. Ё отларнинг мазаси бўлмасди, ё қиммат сўрашарди, ё бўлмаса Шере отнинг бир ерини касалга ё нуқсонга чиқарар эди. Ростини айтганда, ярмаркаларда яхши от топилмасди. Уруш ва революция яхши зотли отларнинг уруғини қуритган, янгилари эса ҳали пайдо бўлмаган эди. Антон ҳар сафар ярмаркадан бўғилиб қайтарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу қандоқ гап, а? От йўқ-а! Бизга яхши от, ҳақиқий от керак-ку, ахир? Буржуйларга ялиниш керакми энди?

Йигитлик чоғида гусар бўлиб ўтган Калина Иванович от тўғрисида кўп гапирарди, ҳатто Шере ҳам бу масалада ўзбилармонлигини ташлаб, Калина Ивановичга тан берарди. Калина Иванович бир куни отвозлар орасида:

— Хуторлардаги бойларда яхши отлар бор, ярмаркага олиб чиқишга қўрқишади дейишти, бу паразит, Лука ва Мусийлар,—деб қолди.

— Бўлмаган гап,—деди Шере,—уларда яхши от йўқ. Бари биз кўрган отлар. Шошмайтурингларр, яқинда от заводидан яхши отлар чиқиб қолади, ҳали бироз вақт бор.

— Яхши от топилади, хўп денглар,—деди Калина Иванович ўз гапини ма'қуллаб.—Бу итвачча Лука теварак-атрофда нима бор, нима йўқлигини билади. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, яхши от ўзига тўқ ва бадавлат одамларда бўлмай, кимда бўлсин? Ана, бутун хуторларда шунақа бойлар турадики, унақангги аблаҳлар индамасдан, товушини чиқармасдан юраверади, яхши-яхши тойларни ўстиради, аммо ҳаммадан бекитади, у ярамас, олиб қўяди деб қўрқади. У ерга борсак сотиб олар эдик...

Мен ҳам бу масалага идеологияни аралаштирмасдан, бирёқлик қилдим.

— Келар якшанба куни бориб кўрамиз, тўғри келиб қолса балки оларміз.

Шере рози бўлди:

— Нега бормас эканмиз? От олмасак ҳам бориб айланиб келсак чакки бўлмайди. Мақталган буғдойларини ҳам бир кўриб келай.

Якшанба куни фойтун қўштирдик-да, юмшоқ қишлоқ йўлларида оҳиста чайқалиб кетдик. Гончаровкадан, Харьковга бориладиган катта тош йўлдан ўтгач, қарағайзор ичидаги қумлоқ йўлдан секин-секин юриб, оёғимиз тегмаган ўзга давлат тупроғига етдик.

Баланд адир тепасидан гўзал бир манзара кўринди. Олдимизда уфқдан-уфққача чўзилган дашт ястланиб ётарди. Дашт бир текис, бирхил эди, унинг гўзаллиги балки шу бир хиллигидадир. Бутун даштда буғдой мавж уриб ётарди; олтин рангли, олтин аралаш яшил, олтин аралаш сариқ тўлқинлар жимирлаб турарди; аҳ'ён-аҳ'ёнда кўмкўк тариқ ё бўлмаса, чилор рангли қорабуғдой экилган ерлар кўриниб қоларди. Шу сапсариқ олтин рангли дашт

www.ziyouz.com kutubxonasi

чеккасида, пастак кўкалам боғлар орасида тўп-тўп чиройлик оппоқ уйлар кўринарди. Ҳарбир тўп уй ёнида биттаяримга самбит тол ёки тоғтерак турарди; онда-сонда мирза тераклар ва шох-новдадан ясалган сарғиш чайлали полизлар эса кўринарди. Бутун манзара ниҳоятда гўзал ва ажойиб бир услубда ишланган расмга ўхшарди, энг ўткир рассом ҳам биронта бўёқни ортиқча деб билмасди.

Манзара Калина Ивановичга ҳам ёқди:

— Ана, хўжайинларнинг туришини кўрдингизми? Бу томонларда иш кўзини билган одамлар туради.

Шере хоҳлар-хоҳламас:

— Рост,—дейишга мажбур бўлди.

— Ҳов анови қўрага борайлик-чи,—деди Калина Иванович.

Антон, отни ўт босиб кетган йўлдан тол новдаларидан наридан-бери ясалган четан дарвоза томонга бурди. Жунлари тўкилиб тушган кулранг ит кериша-кериша арава тагидан чиқди-да, хириллоқ товуш чиқариб, бир-икки марта акиллаб қўйди. Уйдан эгаси чиқди ва соқолидаги ушоқларни қоқа-қоқа, устимдаги ярим ҳарбий кийимимга таажжубланиб ва қўрқа-писа қаради.

— Саломатмисан, бойвачча!—деди Калина Иванович хушвақтлик блан.— Назаримда, черковдан қайтибсизлар-да?

Уй эгаси, ўзининг вафодор ити сингари истар-истамас ва хириллаган товуш блан:

— Черковга кам бораман,—деб жавоб берди.—Ба'зан хотиним бориб туради... Қаерликсизлар?

— Биз яхши ният блан келдик: одамлар сизда яхши отлар сотиларміш дейишади, ростми?

Уй эгаси бизнинг от-аравамизга қаради. Саманнинг Мэрига мос тушмаганини кўриб, хотиржам' бўлди шекилли:

— Энди, нима десам экан сизларга? Яхши отлар-ку йўқ! Аммо, битта отим бор, уч ёшга кирди, балки сизларга тўғри келар?—деди.

Отхонага кириб, энг ичкаридаги бурчакдан уч яшар семиз ва шўх бияни етаклаб чиқди.

— Қўшилмаганми?—деб сўради Шере.

— Аравага қўшиб ишлатмаганману, ростини айтсам, минганман. Миниб кўришларинг мумкин. Яхши чопади десам ёлғон айтмаган бўламан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, бўлмайди,—деди Шере.—Бизга ёшлик қилади. Бизга ишлайдиган от керак.

— Ёшликка ёш, тўғри,— деди от эгаси.— Аммо, яхши одамларнинг қўлига тушса яхши етилиши ҳам мумкин. Буниинг қийинчилиги йўқ. Мен буни уч йил боқиб келаман. Ўзингиз кўриб турибсиз, яхши боқибманми?

Бия ҳақиқатан ҳам яхши боқилган эди: сипсиллиқ жуни ялт-ялт қилар, ёллари ҳам таралган, ҳар жиҳатдан ўз эгасидан озода кўринарди.

— Масалан, бияни қанчага сотмоқчисиз?—деб сўради Калина Иванович.

— Отнинг яхши одамларнинг қўлига тушишини билиб турибман, агар ширинкомаси ёмон бўлмаса, олтмиш червонга берардим.

Антон кўзларини анчагача тол тепасига тикиб турида, ахир фаҳми етгач:

— Қанча, қанча? Олти юз сўм?—деб юборди.

— Ҳа, олти юз сўм,—деди от эгаси, сипоҳгарчилик блан.

— Мана шу байтал олти юз сўммми?—деб бақирди Антон, тутоқиб.

— Ўзинг байтал! Бу—бия. Сенинг ақлинг етармиди бунақа ишларга. Олдин битта отни боқиб кўр, кейин гапир.

Калина Иванович муросасозлик қилиб:

— Бия ёмон эмасу, бизга тўғри келмайди-да,—деди.

Шере индамадию, кулиб қўйди. Фойтунга тушиб, яна йўлга равона бўлдик. Кулранг ит яна боягидай акиллаб қолди, эгаси эса дарвозани ёпаркан, бизга қиё ҳам боқмади.

Ўнлаб хуторларга бордик, ҳарбир хуторда сотиладиган от бор эдию, аммо биз қуруқ қайтдик.

Кечқурун уйга қайтдик. Шере энди далаларни тамоша қилмас, хаёлга ботиб ўтирар эди. Антон Саманга зарда қилиб, дам ўтмай қамчилар ва:

— Жинни бўлдингми? Бурган ўтни кўрмаганмисан, ўт-ку, қарасангчи!—деб пўнғирларди.

Калина Иванович йўл ёқасидаги ўтларга тумшайиб қараб, кела-келгунча пўнғирларди:

— Бу паразитлар, жуда ярамас одамлар-да! Сизларнинг олдингизга одамлар келди, отингни сотасанми, сотмайсанми; одамлардай кутиб ол-да, ифлос! Кўриб турибсан-ку, паразит, булар эрталаб йўлга тушган, олдига бир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нима қўяй ҳам демайди, ҳа боршчинг, картошкант бордир, ахир, ўлиб қолмассан... Ўзларинг бир ўйлаб кўрларинг: соқолини тарашга ҳам вақти йўқ эмиш! Тағин, битта яра-мас отга олти юз сўм сўрашини қаранглар! «Отни боққан» эмиш! Отни ўзи боққан бўлса ўлай агар! Бирталай батракларини кўрдингми?

Кўрдим, ҳамаёқлари кир ва ифлос, бир нарса деймишга қўрққан батраклар чўчқахона ва отхоналар ёнида нолир ҳодисани, я'ни шаҳарлик одамларнинг келганини кўриб, чурқ этмасдан бизга анграйиб қараб туришарди. Бир қўрата шунча му'табар одамларнинг нега келганига уларнинг ақли етмасди. Ба'зан бу тилсиз меҳнаткашлар отхонадан отларни етаклаб чиқарди-да, хўжайинга жиловни қўрқа-писа тутқазиб, ўзлари парвариш қилган ҳайвонни эркалатиб, сағрисига шапатилаб қўяр эдилар.

Ахир Калина Ивановичнинг чакаги тинди, аламидан трубка чекабошлади. Колонияга кириб боришимизда кайфи очилиб:

— Тоза қорнимизни очирди, ла'нати паразитлар!— деб кулди.

Колонияга келсак, Лука Семёнович блан Мусий Карпович шу ерда экан. Шунча юриб бўш қайтганимизни кўриб, Лука ниҳоятда ҳайрон бўлиб:

— Ҳеч ҳам ишонмайман! Антон Семёнович блан Калина Ивановичга ва'да бердимми, тамом, топиб берамиз дедим, топиб берамиз. Сиз кўп ташвиш тортаверманг, Калина Иванович, чунки одамнинг хафа бўлгандан ёмони йўқ. Келаси ҳафта ўзим олиб бораман, аммо Антон Семёнович бормасин, афтиларидан большевик деб, одамлар қўрқади, хэ-хэ-хэ...

Келаси якшанба куни Калина Иванович Лука Семёновичнинг аравасида хуторга бирга кетди. Братченконинг бу сафар ҳам умиди йўқ эди, уларни кузатаркан, пичинг блан ҳазил қилди:

— Нон олакетинглар, очдан ўласизлар.

Лука Семёнович, тул солиб тикилган янги кўйлаги устига тушиб турган куракдай малла соқолини силадида, қипқизил лабларини кериб кулди:

— Бундай қилиб бўладими, ўртоқ Братченко. Биз борадиган ерда одамлар туради, ахир, нон оливолсак уят бўлади. Боршч ҳам ичиб келамиз, қўй гўшти ҳам ейми-миз, худо хоҳласа, битта-яримтаси олдимизга арақ ҳам қўяр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Манфаатдор ҳамроҳи Калина Ивановичга кўзини қисиб қўйди-да, тўқ қизил чармдан олифта қилиб тикилган тизгинни қўлга олди. Семиз ва кенг тўшли от катта дуғани силкитиб, ғилдиракларига қалин темир қоқилган пухта бричкани тортакетди.

Кечқурун ҳамма колонистлар, ёнгин сигналини эшитиб келгандай, кутилмаган ҳодисани кўргани дув тўпланишди: Калина Иванович ишни олчи қилиб келган эди. Лука Семёновичнинг оти бричканинг кетига боғланган, унинг ўрнига гавдали ва ниҳоятда чиройлик кўк чипор бия қўшилган эди. Калина Ивановичдан ҳам, Лука Семёновичдан ҳам от сотган кишининг уларни яхши кутиб олгани билиниб турарди. Калина Иванович яхши кутилганлик аломатини колонистларга билдирмасликка тиришиб, бричкадан зўрға тушди. Карабанов дарров Калина Ивановичнинг қўлтиғидан ушлаб олиб:

— Ширинкомаси мўл бўпти, а, назаримда?—деди.

— Бўлмасачи! Отнинг қанақалигини кўриб турибсан-ку?

Калина Иванович биянинг ниҳоятда кенг сағрисини уриб кўрсатарди. Бия ҳақиқатан ҳам яхши эди: пайпоқдор оёқлари бақувват, бўйи ва гавдаси катта, кўкраклари кенг эди. Ҳатто Шере ҳам, отнинг тагига ҳам кириб, ҳамаёғини кўздан кечириб чиқиб бironта нуқсон топаолмади ва дамба-дам отни эркалатиб:

— Қани, оёғингни кўтарчи, оёғингни...—дерди.

От болаларга ёқди. Бурун, кўзларини қисиб биянинг атрофини айланиб чиқди-да:

— Ахир колониямиз яхши отга эга бўлди,—деди.

Карабановга ҳам от ёқди:

— Мана бу отмисан, от. Беш юз сўм турса керак. Агар шунақа отдан ўнта бўлсами, кунда сомса ердик.

Братченко отни кўриб, ўзида йўқ суюниб кетди, от атрофида айланар, завқи ошиб кетганидан тилини чуқиллатиб қўяр, отнинг ниҳоятда бақувватлиги ва ювошлигига ҳайрон қоларди. Антон дарров келажакни ўйлаб қолди ва:

— Энди битта яхши айғир олиш керак. Бундан буён яхши отлар ўзимиздан чиқади, тушундингизми?—деб Шерега уқдирди.

Шере бунга тушунарди, албатта, ва ма'қул дегандай Зорькага (отнинг номи Зорька эди) қараб-қараб қўярди ва тишлари орасидан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Энди айғир олмасак бўлмайди. Бир жойни кўзлаб қўйибман. Буғдойни ўриб-йиғиб олайлик, бориб келаман,—деди.

Колонияда шу кезда эртадан кечгача иш тинмасди. Шере солиб берган равон ва текис йўлдан иш бир сур'атда тинмай юриб турарди. Колонистларнинг гоҳ катта ёшли, гоҳ кичик ёшли болалардан тузилган сводний отрядлари чопқи, ўроқ, паншаха, гоҳо ўзларининг беш панжалари блан қуролланган ҳолда, жадвалга қаттиқ амал қилиб, далага чиқар ва ишлаб қайтар; кулги ва ҳазил ера тинмасди, куч ва ғайратга тўлган болалар қаерда, қачон ва қанча вақт ишлаш кераклигини билардилар. Ба'зан ўзимиздан чиққан агроном ёрдамчиси Оля Воронова даладан келарди-да, кабинетда энтика-энтика сув шимириб, навбатчи командирга дерди:

— Бешинчи сводний отрядга мадад юбориш керак.

— Сабаб?

— Боғлаб улгуришмаётир... кун иссиқ-да.

— Қанча одам юбориш керак?

— Бештача бўлса бўлади. Қизлар борми?

— Битта қиз бор.

Оля енги блан лабини артади-да, аллақаёққа чиқиб кетади. Навбатчи блокнотни олиб, нок тагига қараб кетади, у ерда резервда турган сводний отряд штаби жойлашган. Навбатчи командир кетидан навбатчи сигналчи югуради. Бир онда нок тагидан қисқа «стаккато» янграйди: резервда турган отряд а'золарини чақиради. Буталар орасидан, дар'ёдан, ётоқхоналардан болалар чопиб келишади, нок тагида давра пайдо бўлади, бирпасда бешта колонист далага қараб илдам юриб кетади.

Биз яна қиркта янги бола қабул қилдик. Колонистлар якшанба куни эртадан кечгача шулар блан овора бўлди: ҳаммомда чўмилтиришди, кийинтиришди, отрядларга бўлишди. Отряд сонини кўпайтирмадик, ўн битта отрядимизнинг ҳаммасини қизил уйга кўчириб, ҳарбир отрядда ма'лум миқдорда бўш жой қолдирдик. Шунинг учун янги келган болалар эскилар блан қаттиқ боғланган, ўзларининг горькийчи деган ном олганларидан мағрурланиб юрардилар, аммо улар ҳозирча юришни билмасди, Карабанов айтгандек —«судралишарди».

Янги келган болаларнинг ҳаммаси ўн уч, ўн тўрт яшар ёш болалар. Улар орасида ширин ва чиройли болалар бор. Айниқса ҳаммомдан қизғизариб чиқиб, янги

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатин трусик кийгандан кейин, очилиб кетишганди. Сочлари яхши олинмагани учун Белухин юпатиб:

— Бугун сочларини ўзлари олишди, ўхшатишаолмапти... Кечқурун сартарош келади, ўшанда пўрим қилиб қўяди,—дейди.

Янги келган болалар икки кунгача колонияни айланиб, нимани кўрса ажабланиб, ҳарбир таассуротни эсга олиб юради. Чўчқахонага кириб, қўрс Ступицинни анграйиб тамоша қилишади.

Янги келганлар блан Антон атайин гапиришмайди:

— Ҳа, бу ерда тамоша борми? Сизларнинг жойингиз ҳозирча ошхонада.

— Нега ошхонада бўларкан?

— Ундан бошқа қўлларингиздан нима келади? Нон туширишни биласизлар...

— Йўқ, мен ишлайман.

— Биламиз, қандай ишлашингни: орқангдан иккита тарбиячи қараб туриши керак. Шунақами?

— Командир бизга, индиндан ишга чиқасизлар деб айтди, ана ўшанда кўрасан.

— Кўрсам кўраверараман, нима, кўрмабманми? Войдод, исиб кетдим! Войдод, чанқаб кетдим! Ойи, дада!— деб юрасизлар!..

Болалар уялиб, кулишади:

— Нега ойи деймиз... демаймиз.

Броқ, биринчи куни кечқурунроқ Антон янги болалар орасидан ошна ортдиради. Антон ўзгага ма'лум бўлмаган усул блан янгилар - орасидан от ишқивозларини топиб олади. Бир маҳал қарасанг, бир бочка сув ортган арава дала томонга қараб чопқиллаб кетаётганини кўрасан, Петька Задорожний деган янги горькийчи бричкага қўшилган шунқорни ҳайдаб кетаётган бўлади, отхона эшигида турган Антон эса унинг кетидан:

— Чоптирма отни, чоптирма, ўт ўчиргани кетаётганинг йўқ-ку,—деб насиҳат қилиб қолади.

Яна бир кундан кейин янги келган болалар сводний отрядларда ишлайдилар, бундай меҳнатга ўрганмаганларидан қийналадилар, кучанадилар, броқ колонистларнинг картошка полизидаги қаторлари бузилмай бир текисда боради, янги келган бола ҳам ҳамма тенгги ишлаяпман деб ўйлайди. Бир соат ўтгандан кейингина янги болаларнинг ҳар иккисига битта картошка арғи берилганини, эски колонистларнинг ҳарбирига эса биттадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

арық текканини пайқайди. Терлаб-пишиб кетган бола ёнидаги шеригидан секин:

— Қачон иш тугайди?—деб сўрайди.

Бурдойни ўриб, йиғиштириб бўлиб, хирмон бошида молотилкани ишга тайёрладик. Ҳамма қатори терлаб-пишган Шере шестерёнкаларни текшириб кўради ва янчишга ҳозирлаб қўйилган ғарамга кўз ташлаб:

— Индиндан ғаллани янчишга тушамиз, эртага отга борамиз,— дейди.

Семён, Братченкога кўз қирини ташлаб:

— Мен бораман,—деб кўради.

— Майли, борсанг бор,— дейди Антон.— Яхши айғир эканми?

— Ёмон эмас,—деб жавоб беради Шере.

— Совхоздан олдингизми?

— Совхоздан.

— Неча пулга?

— Уч юзга.

— Арзон экан.

— Ҳа!

— Советники денглар?— дейди Калина Иванович, молотилкага қараб.—Нега ананави элеваторни жуда баланд кўтариб қўйдинглар?

— Советники,—деб жавоб беради Шере.—Баланд эмас, похол енгил-ку.

Якшанба куни дам олдик, чўмилдик, қайиқларга тушиб сайр қилдик, янги келган болалар блан овора бўлдик, кечқурун бутун аристократия одатдагидек оқ уйнинг катта эшиги олдига йиғилиб, «Қор қиролича»ларининг хушбўй ҳидини ҳидлаб, ҳархил воқиаларни гапириб ўтиришди, янги келган болалар бир четда маҳлиё бўлиб, тинглаб ўтирарди.

Бирдан тегирмон орқасидан бир отлиқ чанг тўзитиб келиб қолди, йўлда ётган қозондан ҳуркиб кетган от бўйнини эгиб, кетинга тисланабошлади. Саман от минган Семён тўғри бизнинг олдимизга келаверди, бирдан ҳаммамизнинг гапимиз оғзимизда қолиб, аигайиб қолибмиз: бундай манзарани илгари фақат суратларда, эртакларга берилган расмларда ва «Даҳшатли қасос»да кўрган эдик. От оёқларини катта-катта ташлаб қалин думи ва олтин тусли ёлларини силкитиб елдай учиб келарди. Отнинг янги-янги фазилатларини топарканмиз, юракларимиз туп-туп урарди: от бақувват бўйнини эгиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ингичкадан келган оёқларини шахдам ташлаб, ўйноқилаб келарди.

Семён олдимизга келиб отни тўхтатди-да, жиловини тортиб, кичкина ва чиройлик бошини баланд кўтарди. Отнинг бурчаклари қонга тўлган қопқора ва чарақлаган кўзлари довдираб қолган Антон Братченконинг қалбини тешиб ўтгандай бўлди. Антон ижкала қўли блан отнинг қулоқларини ушлади-да, оҳ дедию, титраб кетиб:

— А, нима? Бизнинг отми? А? Айғир бизникими дейман? Бизникими?

— Ҳа, бизники, бизники дедим-ку!— деди Семён, гурур блан.

— Туш отдан, туш дейман тезроқ!— деб бирдан бақириб юборди Антон, Карабановга қараб.— Нега миниб турибсан? Шунча минганинг озмиди? Қара, терлаб кетипти. Бу сенга қулоқларнинг қирчангиси эмас!

Антон жиловни ушлаб олди, кўзлари газабга тўлгани ҳолда, яна буйруғини такрорлади.

Семён отдан тушди.

— Билдик, оғайни, билдик. Бунақа от дун'ёда кам топилади, фақат Наполеоннинг шундай оти бўлгандир.

Антон эгарга худди шамол иргитгандай лип этиб минди-да, отнинг бўйнини шаплатилаб қўйди. Кейин уялиб юзини четга буриб, енги блан кўзларини артди.

Болалар секин кулишди. Калина Иванович ҳам жилмайди, бир йўталиб қўйиб, яна жилмайди.

— Рост, жуда яхши от экан... Ҳатто, биз бундай отга муносиб эмасдирмиз дейман. Шунақа... Отни бизда бузиб қўйишади.

— Ким бузиб қўяди?— деди Антон кўзларини олайтириб ва отдан пастга энгашиб. Кейин колонистларга қараб, бўкириб берди:— Ўлдираман! Ким тегса ўлдираман! Темир таёқ блан бошини уриб ёраман.

Отни бурди, от, ана энди устимга ҳақиқий чавандоз минди дегандай, отхона томон йўрғалади.

Отга «Мард» деган ном қўйдик.

8. Тўққизинчи ва ўнинчи отрядлар

Йилига уч минг сўмдан тўлаб туриш шарти блан июльнинг бошида биз тегирмонни уч йилга ижарага олдик. Олганда ҳам ҳечкимни шерик қилмасдан, ўз ихтиёримизга олдик. Қишлоқ совети блан икки ўртадаги дип-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ломатик алоқа яна узилди, сирасини айтганда қишлоқ советининг умри ҳам оз қолган эди. Тегирмоннинг қўлга киритилиши комсомолнинг жанговар фронтнинг иккинчи участкасида қўлга киритган ғалабаси эди.

Колония аста-секин юксалиб, салмоқли, тартибли ва маданий бир хўжаликка айланиб қолди.

Яқиндагина иккита от оламиз деб обдон тиришган бўлсак, ёзнинг ўртасига келганда яхши-яхши сигирлар, қўтан-қўтан қўйлар ва янги мебеллар олишга кучимиз етадиган бўлиб қолди.

Шере, асосий ишларга ва сметага халал келтирмай, янги оғилхона қуришга киришди, хаш-паш дегунча ҳовлининг бир чеккасида пухта ва бинойидай бино пайдо бўлди; биноннинг олди томондаги саҳнини гулзор қилиб, молхона ҳамиша ифлос ва шалтоқ бўлади деган эски фикрни рад этди. Янги оғилхонага бешта янги симменталь сигир боғладик; ўзимизда туғилган бузоқлардан биттаси ниҳоятда бақувват ва зўр буқа бўлиб етишдики, буни кўриб ҳаммамиз, ҳатто Шере ҳам хайратда қолди. Буқани Цезарь деб атадик.

Шере анчагача Цезарьга паспорт ололмай юрди, аммо буқанинг симменталь зотидан эканлиги шу қадар равшан эдики, ахир паспорт беришга мажбур бўлдилар. «Мард»нинг ҳам паспорти бор эди. Василий Иванович деган ва оғирлиги ўн олти пуд келадиган ургочи чўчқанинг ҳам паспорти бор эди; ҳақиқий инглиз зотли бу чўчқани мен бир вақтлар тажриба станциясидан олиб келган эдим, кекса Трепкенинг хотираси учун уни Василий Иванович деб атаган эдик.

Шу мўътабар ажнабийлар, я'ни немис, бельгияли ва инглиз насли асосида эндиликда зотли чорва хўжалиги тузиш осон эди.

Ступицин бошчилигидаги ўнинчи отряд чўчқахонаси мустаҳкам бир корхонага айланган бўлиб, ўзининг катталиги ва зотларининг асллиги жиҳатидан бизнинг тажриба станциямиз округдаги тажриба станциялар орасида иккинчи ўринда турарди.

Ўн тўртта колонистдан иборат бўлган ўнинчи отряд ҳамавақт намуна бўларли ишларди. Колонияда чўчқахона шундай ўрин тутардики, унинг иши тўғрисида ҳечкимда ҳечвақт шубҳа туғилмасди. Трепкенинг ичи ковак бетондан қурилган мустаҳкам биносидаги чўчқахона шу қадар озода эдики, у ҳовлининг ўртасида турса ҳам, Горь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кий номли колония ҳуснини бузади дейиш ҳечкимнинг хаёлига ҳам келмас эди.

Чўчқахонага камдан кам колонист кираоларди. Янги келган болаларнинг кўпи фақат экскурсия тарзида бир мартадан кириб чиқар эди; умуман чўчқахонага фақат мен ёки Шере қўл қўйган пропуска блан киритиларди. Шунинг учун ҳам ўнинчи отряднинг иши колонистлар ва атрофдаги деҳқонлар назарида ниҳоятда сирли бўлиб кўринар ва бу сирларни билиш гоят шарафли бир иш ҳисобланарди.

Чўчқахонанинг қабулхона деб аталган жойига кириш осон эди, бунинг учун отряд командири Ступициннинг ижозати кифоя эди. Бу ерда сотувга қўйилган чўчқа болалари турарди ва деҳқонларнинг чўчқалари урчитиларди.

Мижозлар урчитишга қабулхонада уч сўмдан тўлардилар; Ступициннинг ёрдамчиси ва кассир Овчаренко квитанция ёзиб берарди. Чўчқа болалари ҳам шу ернинг ўзида сотиларди; гарчи деҳқонлар, чўчқа болаларини ҳам тарозбай сотадими деб кулса ҳам, биз тарозда тортиб сотардик.

Чўчқа болалаш маҳалларида қабулхона одамга тўлиб кетарди. Шере ҳарбир урғочи чўчқанинг олдин туғилган еттита бақувват болаларини олиб қоларди-да, қолганларини хоҳлаган одамларга текинга бериб юборар эди. Шу ернинг ўзида Ступицин, чўчқа болаларини сотиб олганларни, онадан ажратилган чўчқа боласини қандай боқиш, сўргичдан қандай сут ичириш, сутни қандай пиширш, қандай чўмилтириш, бошқа ем бериладиган вақт келганда қандай боқиш кераклигини ўргатарди. Эмадиган чўчқа болалари фақат камбағал деҳқон комитетларидан гувоҳнома келтирганларга бериларди; қайси чўчқанинг қайси куни туғишини Шере олдиндан биларди, шунинг учун чўчқахона эшигига жадвал илиб қўйиларди, кимнинг қайси куни ва қачон келиб чўчқа боласини олиб кетиши мумкинлиги шу жадвалга ёзиб қўйиларди.

Чўчқа болаларини текинга бериш орқасида донгимиз бутун атрофга ёйилди, деҳқонлар ўртасидан бирталай дўст ортдирдик. Ениверимиздаги ҳамма қишлоқларда инглиз зотли чўчқалар кўпайди, улар зотдор чўчқа тарқатишга ярамаса ҳам, сўқимга боқишга улардан афзал чўчқаларни топиб бўлмас эди.

Чўчқахонанинг нариги бўлими чўчқа болалари турадиган жой эди. Бу ерни ҳақиқий лаборатория деса бў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларди: бунда ҳарбир чўчқа боласи ўз йўлини топиб олгунча назорат остида бўларди. Шеренинг ихтиёрида, айниқса баҳор кезларида бирнеча юз чўчқа болалари тўпланиб қоларди, яхши чўчқа болаларини колонистлар афтидан танирди ва уларнинг етилиб боришини кузатиб борарди. Чўчқа болаларининг энг манаман деб турганларини мен ҳам танирдим, Калина Иванович ҳам, командирлар совети ҳам, колонистларнинг кўпи ҳам билар эди. Масалан, Василий Иванович блан Матильданинг ўғли туғилган кундан бошлаб бизнинг умумий э'тиборимизга сазовор эди. Ўзи ҳам туғилганда ниҳоятда катта эди, керакли ҳамма ҳислатларга эга эканлигини бошданоқ кўрсатди, келажакда у отасининг ўрнини босар деб ўйлардик. Умидимиз пучга чиқмади, кўп ўтмай унга ёш Трепкенинг хотираси учун Пётр Васильевич номни бериб, отасининг ёнига қўшиб қўйдик.

Чўчқа болалари турадиган жойдан нарида боқувхона бор эди. Бу ерда ҳархил рецептлар, тарозига солиб ўлчашлар ва мешчанларнинг ҳам ҳаваси келадиган покизалик ва жимлик мавжуд эди. Боқувга қўйилган ба'зи шахслар бошда файласуфлик аломатларини кўрсатиб, ўзларининг дун'ёқарашларини ва дун'ёни сезишларини анча қаттиқ товушлар блан ифодалаб турса, бир ойдан кейин ётган жойларидан туролмай, еган овқатларини қимир этмай ҳазм қилиб ётадиган бўларди. Уларнинг ҳаёт йўли зўрлаб овқат едириш блан тугарди ва ахир шундай пайт келардики, Калина Ивановичнинг ихтиёрига ўтарди ва кунлардан бир кун Силантий, ортиқча файласуфлик қилиб ўтирмасдан, эски боғ ёнидаги қум тепага олиб чиқиб, бу шахсларни озиқ ҳолига келтирар, Алёшка Волков эса омборхона эшиги ёнида ёғ бочкаларни тайёрлаб турарди.

Чўчқахонанинг энг кейинги бўлими ургочи чўчқалар хонаси деб аталарди, аммо бу ерга фақат энг му'табар одамларгина кираоларди, шунинг учун у ернинг ҳамма сирларини мен ҳам билмайман.

Чўчқахона бизга жуда катта даромад келтирарди; биз рентабль хўжалик бўлишга бу қадар тез етишармиз деб ўйламаган эдик. Шеренинг такомиллаштирилган ва ниҳоятда яхши уюштирилган деҳқончилиги жуда кўп ем берди: лавлаги, ошқовоқ, жўхори ва картошкалар шунчалик кўп эдики, кузакда бу емларни зўрға саранжомлаб олардик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тегирмонни ижарага олишимиз бизга янада катта имкониятлар берар эди. Тегирмон, бизга ун тортганимиз учун даромад келтиришдан ташқари,— ҳар пуд тортилган буғдойдан тўрт қадоқ тегирмон ҳақи қоларди,— текин кепак ҳам берарди, кепак эса мол учун энг тансиқ ем эди.

Тегирмоннинг бошқа жиҳатдан ҳам катта аҳамияти бор эди: тегирмон бизни теварак-атрофдаги деҳқонлар блан янги муносабатларга солиб қўйган эди, бу муносабатлар эса жуда катта мас'улиятли сиёсат юритишимизга имкон берар эди. Тегирмон колониянинг ташқи ишлар комиссарлиги эди. У вақтларда қишлоқларда шарт-шароит шундай эдики, ҳар қадамда бирон мураккаб аҳволга тушмасдан илож йўқ эди. Ҳарбир қишлоқда камбағал деҳқон комитетлари бўлиб, уларнинг аксарияти фаол ва интизомли эди; худди нўхат сингари думалоқ, қаттиқ ва тарқоқ, бир-биридан узоқ ўрта деҳқонлар бор эди, шу блан бирга ўз хуторларида беркиниб олиб, аламдан чиқмаган ва бошларидан кўнгилсиз ҳодисаларни кечириб ёвойилашиб кетган «хўжайинлар»—қулоқлар ҳам бўлар эди.

Тегирмонни қўлга киритишимиз блан дарҳол биз коллектив бўлиб келганлар блан иш кўрамиз ва биринчи навбатда шу коллективларнинг унини тортиб берамиз, деб э'лон қилдик. Бундай коллективларнинг олдиндан рўйхатга ёзилиб қўйилишини илтимос қилдик. Камбағал деҳқонлар тезда коллектив бўлиб уюшар, ўз вақтида келишар ва ўз ораларидан сайланган вакилларга қат'ий бўйсунар, тегирмон блан ҳисоб-китобни ўз вақтида қилар эди, шунинг учун ҳам тегирмоннинг иши бир текисда, равон кетарди. «Хўжайинлар» кичик-кичик, аммо ниҳоятда мустаҳкам ва аҳил коллектив бўлиб уюшар эдилар, бу коллективлар кўпинча қавм-қариндошлардан иборат бўларди. Улар индамасдан, савлат тўкиб келиб, ишларини битириб кетар эдилар, ба'зан уларнинг ишбошиси кимлигини ҳам билиб бўлмас эди.

Аммо, энг оғир ва қийин иш ўрта деҳқонлар келганда бошланар эди, бу маҳалларда колонистларнинг ишини азоби жон деса бўларди. Ўрта деҳқонлар ҳечвақт уюшиб, бир-бирларига қовушиб келмас, эрталан кечгача судралиб келишар эди. Уларнинг ҳам вакиллари бўларди, аммо вакил ўз ғалласини ҳаммадан олдин торттириб, қайтиб кетарди, бошқалар ҳарнарсадан гумонсираб, ноинсофликдан нолиганларича қолаверар эди. Мижозларимиз, шунча йўл юриб келганларини нишонлаб, самогон блан нонуш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

та қилиб олиб, ўзаро жанжал ва можараларни ечишга киришар эди: бир-бирларининг ёқаларидан бўғиб, сўкишиб кетарди, обед маҳалига бориб мижозлар Екатерина Григорьевнанинг докторхонасига кириб, яраларини боғлатар эдилар, шундан кейин колонистларнинг жони-пони чиқиб кетарди. Тегирмонда ишловчи тўққизинчи отряд командири Осадчий атайлаб касалхонага келиб, Екатерина Григорьевна блан жанжаллашар эди.

— Нега буларнинг ярасини боғлайсиз? Буларни боқиб бўладими? Булар бари муттаҳам, безори, сиз билмайсиз буларни. Уларни даволасангиз, бир-бирини чавақлаб ташлайди. Бизга беринг, ўзимиз тузатиб қўямиз. Ундан кўра, тегирмонда бўлаётган тамошани бориб кўрсангиз бўларди!

Ростини айтиш керак: тўққизинчи отряд ҳам, тегирмон мудири Денис Кудлатий ҳам зўравонларни тузатишга жуда уста, бирпасда жиловини тортиб қўяр эди, кейинчалик улар бу соҳада ном чиқарди, уларни ҳамма жуда ҳурмат қиладиган бўлди.

Болалар обед маҳалигача она қолмай, ота қолмай сўкишлар, самогон та'сири блан қўлни пахса қилиб гапиришлар, қоп талашишлар, ўдағайлашишлар, бир-бирларидан аламларини олишлар, сақлаб келган кекларни бир-бирларининг бетига айтиб бўкириш ва ҳайқиришлар денгизи ўртасида ўз станоклари ёнида индамай турадилар. Ахир, болаларнинг тоқати тоқ бўлади. Осадчий тегирмонни беркитади-да, жазо беришга киришади. Ҳақорат оғзидан тушмаган ғирт мастлардан учта-тўрттасини тўққизинчи отряд болалари бир он қучоқлаб турадилар-да, қўлтиқларидан ушлаб, Коломак бўйига олиб тушадилар. Мастларни алдаб-сулдаб сой бўйига ўтқазадилар-да, ҳарбирининг устидан ўн челакдан совуқ сув қуядилар. Жазоланучи олдинига нима бўлаётганини билмайди ва тегирмонда бошлаган мавзу'да гапираверади. Осадчий, офтобда қопқорайиб кетган оёқларини кериб, қўлларини трусик чўнтакларига солиб, беморнинг пўнғиллашига диққат блан қулоқ солиб туради, унинг ҳарбир ҳаракати, қимирлаши унинг назаридан қочмайди.

— Мана бу яна уч марта «онангни» деб сўкди. Устидан яна уч челак сув қуйинглар.

Юзида ташвиш аломати кўриниб турган Лапоть дар'ё лабидан туриб айтилган миқдорда сув узатади-да, беморнинг башарасига доктордай тикилиб қараб туради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бемор ахир ўзига келиб, кўзларини уқалайди, бошини силкитиб кўради, ҳатто норозилик билдириб:

— Ҳақинг борми? Ҳа, онангни...— дейди.

Осадчий пинагини бузмасдан:

— Яна бир порция,— деб буюради.

— Есть, яна бир порция аш два о,— дейди Лапоть ғайрат блан ва ниҳоятда нодир дори бераётгандай, беморнинг бошидан бир челак сувни аввайлаб қуябошлайди. Кейин шалаббо бўлиб кетган беморнинг кўкрагига энгашади-да, меҳрибонлик ва бардош блан:

— Нафасингизни олманг... Қаттиқроқ нафас олинг... Яна... Нафас олманг...— дейди.

Калласи ғовлаб қолган бемор Лапотьнинг ҳамма айтганини итоат блан бажаради: гоҳ нафасини олмай, қимир этмай туради, гоҳ қорнини шишириб, пишқириб нафас олади, буни кўрган халойиқ қота-қота кулади. Лапотьнинг чеҳраси очилиб, қаддини кўтаради:

— Касалнинг аҳволи дуруст: пульси 370, ҳарорати 15.

Бундай вақтларда Лапоть сира кулмайди, бутун ҳунарини олим доктордай қилиб кўрсатади. Фақат сой бўйида бўш челакларни кўтариб турган болалар қота-қота кулишади, баланд қирғоқда турган бир тўда деҳқонлар хушвақтлик блан жилмайиб туришади. Лапоть шулар олдига келади-да, ҳурмат блан жиддий равишда:

— Кимнинг навбати? Сув шифохонасига кириш кимнинг навбати,— деб сўрайди.

Деҳқонлар Лапотьнинг ҳарбир сўзини зориқиб кутгандай, оғизларини очиб тинглайдилар ва Лапоть гапини бошламасданоқ куладилар.

— Ўртоқ профессор,— дейди Лапоть Осадчийга,— касал қолмади.

— Соғаябошлаганларнинг устивоши қуритилсин,— деб буюради Осадчий.

Тўққизинчи отряд, ҳушига келган беморларни дарҳол ўтга ётқизиб, офтобда думалатабошлайди. Беморлардан бири ҳуш'ёр ҳолда жилмайиб:

— Бўлди, бўлди... ўзим... мен соғман-ку...— дейди

Ана шундан кейингина Лапоть ҳам қотиб кулади-да:

— Мана бунисн соғайди, касалхонадан чиқарилса бўлади,— дейди.

Бошқалари ҳамон ғиншиб ётади, ҳатто «Нари туре...» каби ҳақорат қилишга ҳам уринади, броқ Осадчий яна

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир челак сув дейиши бланоқ ҳушига келиб, ялинишга тушади:

— Қўйинглар, бўлди. Оғзимдан чиқиб кетганини билмай қобман, одам ўргангандан кейин...

Бунақаларни Лапоть оғир касал деб анчагача синчиклаб текширади, шундай пайтларда колонистлар ва деҳқонлар ичаклари узилгунча куладилар ва гапнинг қизиғини эшитиб қолиш учунгина кулгиларини зўрға тиядилар:

— Ўрганиб қолганман дейсизми? Қанча бўлди бу дардга йўлиққанингизга?

— Во-ой, қўйсангларчи-е, худо сақласин,— дейди бемор қизариб, бўзариб, аммо қат'ий суратда норозилик билдиришга қўрқади, чунки тўққизинчи отряд бодалари челакларни ҳали ҳам қўлларида ушлаб туради.

— Яқиндан бери денг? Ота-онангиз ҳам шунақангги сўкишармиди?

— Ҳа, бўлмасачи,— дейди бемор, изза бўлиб.

— Бобонгизчи?

— Бобом ҳам...

— Амакингиз ҳаммн?

— Амаким ҳам...

— Бувингизчи?

— Ҳа, бўлмасачи!.. Ийя, оббо! Бувим бунақангги сўкишмагандир-е...

Ҳамма блан бирга Лапоть ҳам, беморнинг бувисининг соғ-саломатлигига севинади-да, ҳаммаёғи ҳўл касални қучоқлаб:

— Тузалиб кетасиз. Тузалиб кетишингизга аминман. Тез-тез келиб туринг, биз текинга даволаймиз,— дейди.

Касал ҳам, унинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам кула-кула ичаклари узилади. Осадчий тегирмон эшигини очабошлайди, Лапоть ҳам ўша томонга қараб йўл оларкан, ҳамон жиддий тусда:

— Хоҳласангиз, уйингизга ҳам бориб довалашимиз мумкин,— деб давом этади.— Бунга ҳам пул олмаймиз, аммо бир-икки ҳафта олдин бизга айтиб қўйишингиз керак, профессорга арава юборишингиз керак, челак блан сув ўзингиздан. Истасангиз, отангизни ҳам даволаймиз. Ойингизни ҳам даволашимиз мумкин.

— Бунинг онаси бундай касал блан оғримайди,— дейди аллаким, ҳамма кулади.

— Кечирасиз, боя мен ота-онангиз ҳам шу касалга йўлиққанми, деб сўраганимда, ҳа деган эдингиз-ку?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўгей?— деб ҳайрон бўлади, соғайиб қолган бемор.

Деҳқонлар завқланиб, қотиб куладилар:

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа... Ановини қара... жуда боплади-ку! Уз онасини шунақа деб ўтириптия...

— Ким?

— Ким бўларди... Явтух... касал бўлиб қолган Явтух-да... Вой ўлдим, вой ичагим узилиб кетди, рост гап, ўлдим, вой хунася-ей!.. Болани айтмайсанми, болани, бир марта кулай ҳам демайдия! Яхши доктор экан...

Лапотьни тегирмонга тантана-дабдаба блан қўлда кўтариб кирадилар, шундан кейин машинахонага иш давом этдирилсин деб буйруқ берилади. Энди иш бутунлай бошқача давом этади: мижозлар Кудлатийнинг ҳамма буйруқларини оғзидан чиққан заҳоти бажарадилар, ҳарким ўз ғали блан келиб унини тортдиради, Лапотьнинг гапи оғиздан чиқишини кутиб турадилар; Лапоть ҳақиқатан ҳам гапга ва мимикага уста. Кечқурун ҳамма унини тортиб бўлади, деҳқонлар колонистларнинг қўлларини секингина сиқиб хайрлашадилар ва араволарига миниб шаркан:

— Бувинг ҳам сўкармиди дейди... Вой боласи тушмагурей! Ҳарбир қишлоқда биттадан шунақа бола бўлганда, черковга ҳечким бормай қўярди,— дейишади.

— Ҳой, Карпо, қуридингми? А? Қуридингми? Каллангчи, калланг қалай? Жойидами? Бувингчи? Ҳа-ҳа-ҳа!

Карпо уялганидан мийиғида кулади ва аравадаги қопларни тузата туриб, бошини чайқайди:

— Касалхонага тушарман деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим.

— Қани, бир сўкиниб кўрчи, ё эсингдан чиқариб қўйдингми?

— Э, қўй, ўртоқ, энди сўкинсам ҳам Сторожеводан ўтганимиздан кейин сўкинаман, шунда ҳам отни сўкиб қўймасам...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

Тўққизинчи отряд сув шифохонасининг овозаси тезда ҳамаёққа тарқалди, тегирмонга ун тортдиргани келган деҳқонлар бу ажойиб шифохонани эсга олар ва Лапоть блан яқинроқ танишиш пайидан бўлар эдилар. Лапоть сипоҳгарчилик блан қўлини бериб, дўстона кўришар ва:

— Мен биринчи ассистент бўламан. Энг катта профессор мана бу киши, ўртоқ Осадчий бўладилар,— деярди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Осадчий деҳқонларга совуққина қараб қўяди. Деҳқонлар Лапотьнинг яланғоч елкасига секин қоқиб:

— Систентмисан? Бизнинг қишлоқда биронтаси касал бўлиб қолса, колониядан сув докторини чақирайликми? Касални ўзи келиб боқармиш,— дейди.

Кўп ўтмай тегирмонда ҳамма иш биз солган йўлдан кетди. Ҳамиша шовқин-сурон, кулги аримасди, ҳамма ғайрат блан ишларди, интизом жуда қаттиқ эди ва тартиб бузучиларни секин қўлидан ушлаб, тўғри йўлга солиб қўйилар эди.

Июльда қишлоқ советини қайтадан сайладик. Лука Семёнович ва унинг шериклари позицияни уришсиз, жанжалсиз топширди. Павло Павлович Николаенко раис этиб сайланди, қишлоқ советига колонистлардан Денис Кудлатий кирди.

9. Тўртинчи сводний отряд

Июльнинг охирида эллик кишидан иборат Бурун командир бўлган тўртинчи сводний отряд ишга киришди. Бурун тўртинчи сводний отряд командири эканини ҳамма э'тироф этган, колонистларнинг биронтаси бу оғир, броқ шарафли рольга да'воғар эмас эди.

Тўртинчи сводний отряд «эртадан кечгача» ишларди. Болалар биз сигналсиз ишлаймиз деярди, чунки тўртинчи сводний отряднинг ишга чиқишига ҳам, ишдан қайтишига ҳам сигнал берилмасди. Бурунинг тўртинчи сводний отряди энди молотилка ёнида ишларди.

Тўртинчи сводний отряд а'золари саҳар соат тўртда ўринларидан туриб, нонушта қилиб бўлиб, оқ уйнинг катта эшиги рўпарасидаги гулзор бўйига саф тортиб туради. Колонистлар сафининг ўнг томонига ҳамма тарбиячилар тизиладилар. Тўғрисини айтганда, тарбиячилар икки навбатчидан бошқа тўртинчи сводний отряд ишига қатнашмаса ҳам бўлади, аммо тўртинчи сводний отрядда ишлаш ҳаммага шавқ-завқ бўлиб қолган, шунинг учун ўз қадр-қимматини билган ҳар кимса тўртинчи сводний отряд қачон тузиларкан деб кўз-қулоқ бўлиб юради. Сафнинг ўнг томонига Шере, Калина Иванович, Силантий Отченаш, Оксана, Рахиль, икки кирчи хотин, секретарь Спиридон, тегирмоннинг отпускага чиққан старший вальцовкачиси, ғилдираксоз Козирь, ҳамиша қовоғи солиқ, маллабашара

www.ziyouz.com kutubxonasi

боғбонимиз Мизяк, унинг кўҳликкина хотини Наденька, Журбиннинг хотини ва мен танимаган яна аллакимлар келиб туради.

Колонистлар орасида ҳам бирталай кўнгиллилар кўринади: ўнинчи ва тўққизинчи отрядларнинг, иккинчи отбоқарлар отрядининг, учинчи молбоқарлар отрядининг ишдан бўш а'золари,— бари шу ерда эди.

Фақат Мария Кондратьевна барвақт туриб, эски чит сарафан кийиб келган бўлса ҳам, қаторга келиб турмай, эшик олдидаги супачада Бурун блан гаплашиб ўтиради. Бирмунча вақтдан бери Мария Кондратьевна мени чойга ҳам, мороженоега ҳам чақирмай қўйди, аммо бошқалар блан қанчалик мулойим ва очиқ муомала қилса, мен блан ҳам шундай очиқ муомала қилади, мен ундан хурсандман. Ҳатто у менга илгаригидан ортиқроқ ёқади: унинг кўзлари анча жиддий ва синоҳроқ боқади, ҳазиллари ҳам самимий бўлиб қолган. Кейинги вақт ичида Мария Кондратьевна кўп ўғил ва қиз болалар блан танишиб олди, Силантий блан қалин дўстлашди, огир характерли ба'зи болаларнинг қанақалигини синаб кўрди. Мария Кондратьевна ниҳоятда ёқимли ва ажойиб аёл, шундай бўлса ҳам мен унинг қулогига секин:

— Мария Кондратьевна, сафга бориб туринг. Болалар сизни ўз қаторларида кўрса хурсанд бўлади,— деб қўйдим.

Мария Кондратьевна тонг қуёшига қараб жилмаяди, қизғиш бармоқлари блан пешонасидаги қизғиш ва қайсар ғажагини тўғрилаб қўйиб, юракдан чиққан майин овоз блан:

— Раҳмат. Бутун мен нима иш қиламан... ғалла туяманми, а?— дейди.

— Ғаллани туймайсиз, янчасиз,— дейди Бурун.— Қанча ғалла янчилганинг ёзиб турасиз.

— Қўлимдан келармикин?

— Мен сизга кўрсатиб бераман.

— Менга жуда осон иш бериб қўйган бўлманг тагин?

Бурун кулиб:

— Бизда ҳамма иш баравар. Кечқурун тўртинчи сводний отрядга ужин берилганда, гапириб берасиз.

— Оҳ, шуқадар яхши ишдан кейин кечқурун, ужин...

Мария Кондратьевнанинг ҳаяжонланиб кетганини кўриб, жилмаяман, ва кўрмасин деб юзимни ўгираман. Сафнинг ўнг томонига келиб туриб олган Мария Кондратьев-

www.ziyouz.com kutubxonasi

на қўнғироқдай товуш чиқариб негадир кулади, Калина Иванович эса зўр илтифот блан унинг қўлини қисиб, худди устомон фавнга[1] ўхшаб кулади.

Ичкаридан югуриб чиққан саккизта барабанчи сафнинг ўнг томонидан жой олиб, барабанларини гумбирлатиб турадилар. Тўртта сигналчи бола ҳам қадамларини шахдам ташлаб, сафга келиб туради. Колонистлар қадларини ростлаб, қимир этмай қолади.

— Байроқ остида — смирно!

Сафда турганлар яланғоч қўлларини баравар кўтариб, салют берадилар. Узининг энг яхши кўйлагини кийган, енгига қизил лента тақкан колония навбатчиси Настя Ночевная барабан гумбури ва карнайларнинг янграши остида шойидан тикилган горькийчилар байроғини сафнинг ўнг томонига олиб ўтади, байроқни икки найза қўриқлаб боради.

— Ўнг томондан тўрттадан бўлиб, шагом марш!

Катталар қатори бузилиб кетди, бирдан Мария Кондратьевна чийиллаб юборди-да, менга қўрқа-писа қараб қўйди, броқ барабанчилар юручилар қаторини дарров тартибга солди. Тўртинчи сводний отряд ишга чиқди.

Бурун отряд кетидан чопиб етиб олади, оёқларини отряд қадамига бараварлаб, колоннани олға, Силантий чиройлик қилиб кўтариб қўйган буғдой ғарами кўриниб турган томонга бошлайди; у ерда арпа, сули ва жавдари буғдойдан, ҳатто деҳқонлар ҳам билмасдан арпа деб юрган ажойиб жавдари буғдойдан тикланган пасть-баланд ва қинғир-қийшиқ ғарамлар кўринади; бу ғарамларни Карабанов, Чобот, Федоренколар кўтарган; ростини айтиш керак: болалар зўр бериб тиришсалар, кўп мақтансалар ҳам, Силантийча ўхшатаолишмаган.

Қўшни қишлоқдан ижарага олиб келинган локомобиль ёнида усти-бошлари мой, юзлари жиддий машинистлар тўртинчи сводний отрядниng келишини кутиб турадилар. Молотилка ўзимизники эди, ўз ҳаётимиздай янгни бу молотилкани шу кўкламда пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти блан сотиб олган эдик.

Бурун бригадаларни бирпасда жой-жойига қўяди. У ўз оти блан тўртинчи сводний отряд командири; ҳамма ишни кеча кечқурун ҳисоблаб чиққан. Энг кейин янчила-

---

[1] *Фавн* — Рим мифологиясида ўрмон тангриси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган сули ғарами тепасида қизил байроғимиз ҳилпираб туради.

Обед маҳалигача буғдой янчиб бўлинди. Ишнинг энг қизғин ва серодам жойи — молотилканинг олди. Бу ерда ҳамаёқларини олтиндек буғдой чангги босган қизларнинг кўзлари чарақлайди, ўғил болалардан фақат Лапоть бор. Лапоть қаддини кўтармай ишлайди, чакаги ҳам тинмайди. Ишнинг энг муҳим ва мас'улиятли жойида Силантийнинг ялтираб турган калласи блан олтин чанг босган тўмтоқ мўйлови кўринади.

Ҳозир Лапоть Оксанани ҳазилга олади.

— Буни сизга колонистлар жўрттага буғдой деб айтган. Буғдой шунақа бўладими? Нўхат-ку бу!

Оксана боғи ечилмай узатилган буғдойни олади-да, Лапотьнинг бошига кийгизиб қўяди, шундай бўлса ҳам, Лапотьнинг гапидан ҳамма мароқланиб кулади.

Ғалла янчишни мен жуда яхши кўраман. Ғалла янчиш кечга яқин айниқса мароқли бўлади. Машинанинг бир оҳангда тақиллаб туриши қулоққа худди музикадай эшитилади; машинанинг минут сайин ўзгариб туручи ва шундай бўлса ҳам ниҳоятда бир-бирига ўхшовчи музика оҳангларига қулоқ ўрганиб қолади. Бу музика оҳанглари ҳориган ва толиққан, аммо тинмай ишлаб турган болаларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни рағбатлантириб туради: калласи худди эртакдагидай олиб ташланган ғарамдан буғдой боғлари бир текисда узилади-да, ўз ўлими олдидан колонистлар қўлига бир-бир тегиб, бирдан очкўз ва еб тўймас машинанинг ичига кириб кетади, бир маҳал қарасангиз, осмонга чангги чиқиб, танидан жудо бўлган а'золари қисирлайди, фар'ёд қилади. Шовқин-сурон, қий-чувлар остида, талай-талай буғдой боғларининг ўлими атрофида чарчаган ва толиққан, ҳаяжонланган ва завққа тўлган, чарчашни писанд қилмаган колонистлар қийқира-қийқира ва кула-кула эгилиб, букилиб боғларни кўтарадилар; уларнинг ҳамаёғини чанг оқартириб юборган, сокин ёз оқшоми шабадаси баданларини секин-секин елпиб туради. Улар эса машиналарнинг бир оҳангда гувиллашига, тепадаги сўридан эшитилиб турган чийиллаган товушлардан ҳосил бўлган симфонияга инсоннинг завқли меҳнат музикасини қўшадилар, бу музика ғоят жўшқин ва тантанали сезилади. Айрим детальларни бир-биридан ажратиш қийин, ҳаммаси бир бутун, яхлит бир нарсага айланиб кетган, кўз узмасдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб тўймайсан. Олтиндай тўзонда қолиб кетган колонистлар худди фотография негативига ўхшайди, уларни зўрга таниб бўлади. Малла, қора, сариқ болаларнинг ҳаммаси энди бир-бирига ўхшаб кетган. Чанг-тўзон бўронида қўлида блокнот ушлаб турган Мария Кондратьевнани ҳам таниб бўлмайди; унинг ёнида буришган соядай бесўнақай кимса Эдуард Николаевич эканига ҳам ишонгинг келмайди; унинг Эдуард Николаевич эканлигини одатдагидек мулойим товуш блан:

— Ўртоқ Бокова, арпамиз қанча бўпти?— деб сўрашиданғина таниб олдим.

Мария Кондратьевна блокнотини ботиб бораётган кунга ўгириб:

— Тўрт юз пуд бўпти,— дейди; унинг ингичка товушидан жуда қаттиқ чарчаганини сезиб, чин юракдан раҳмим келади.

Лапоть ўлгудай чарчаган бўлса ҳам ҳазилини қўймай, хордиқ чиқаради.

— Галатенко! Ҳой Галатенко!— деб бақиради, хирмонни бошига кўтариб.

Галатенко икки пудча келадиган похолни паншахага илиб, баланд кўтариб гандираклаб келиб қолади, похол тагидан:

— Нимага бақирасан?— деб товуш беради.

— Ёнимга бир келиб кет, иш бор...

Галатенко Лапотьни ғоят ҳурмат қилади. Лапотьнинг ҳазилкашлигини, серғайратлигини ва унинг меҳр-муҳаббатли эканини яхши кўради, чунки Галатенконинг қадрига фақат Лапоть етади ва Галатенко ҳечқачон дангаса бўлган эмас деб ҳаммага уқдириб юради.

Галатенко похолни локомобиль ёнига келтириб ташлайди-да, молотилка ёнига югуриб боради. Шовқин-сурон ичида бирпас дам олиш мумкинлигидан хурсанд бўлиб, паншахага суянади-да, Лапоть блан суҳбат бошлайди.

— Нима дейсан?

— Менга қара, дўстим,— дейди Лапоть, тепадан пастга энгашиб; бу суҳбатнинг оқибати қизиқ бўлишини олдиндан билган ҳамма болалар гапга қулоқ соладилар.

— Хўш, мана, қарадим...

— Бизнинг ётоққа борасан...

— Хўш, бордим...

— Менинг ёстиғим тагида...

— Нима бор, ёстиғинг тагида?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Естиғим тагида...
— Ҳа нима ўзи?
— Борасан-да, ёстиғим тагидан...
— Естиғинг тагидалигини билдим, яна нима дейсан?
— Естиғим тагида бир жуфт запас қўл ётипти.
— Кейин нима қиламан, запас қўлни олиб?— деб сўрайди Галатенко.
— Дарров менга олиб келиб берасан, мана булари ярамай қолди,— дейди Лапоть ва иккала қўлини кўрсатади, ҳамма кулади.
— Хўп!— дейди Галатенко.
Лапотьнинг гапига ҳамма кулишини Галатенко билади, балки менинг устимдан кулишаётгандир деб ҳам ўйлайди. У, бирон бема'ни ва кулгили гап айтиб қўймасликка тиришади, бундай гап оғзидан чиқмайди ҳам, гапирган фақат Лапотьнинг ўзи бўлади. Аммо одамлар баттар кулишади, молотилка ҳам беҳуда тарақлайбошлайди, Бурун ҳам «шошиб» қолади.
— Ўзи нима гап, ҳой? Нега тўхтадинглар? Буни сен қилган бўлсанг керак, а, Галатенко?
— Мен нима қилибман...
Ҳамма яна жим бўлиб қолади, чунки Лапоть ўзини ниҳоятда чарчаганликка солиб, худди бошидан ташвиш ортиб ётган одамдай, жиддий бир оҳангда Бурунга дўстона мурожаат қилади:
— Мана бу қўлларим бутунлай ишдан чиқиб қолди. Ижозат бер, Галатенко бориб запас қўлларимни олиб келсин.
Бурун ҳам дарҳол ҳазилнинг тагига тушунади-да, Галатенкога қараб, койингандай дейди:
— Ҳа, майли, олиб келиб бер, оқсаб қолмассан? Жуда ҳам дангасасан-да, Галатенко!
Ғалла янчиш симфонияси бузилади. Энди ҳамаёқни қотиб-қотиб кулган овозлар, қийқириқлар, инграшлар босиб кетади, ҳатто Шере ҳам кулади, машинистлар ҳам ишларини ташлаб, мой босиб кетган тиззаларини ушлаб, қота-қота куладилар. Галатенко ётоқхона томонга қараб кетади. Силантий унинг орқасидан қараб қолиб:
— Ана холос! Тоза бопланди-ку!— дейди.
Галатенко тўхтайди-да, ўйланиб қолади. Катта похол ғарами тепасида турган Карабанов:
— Ҳа, нега тўхтадинг? Бориб кел тезроқ!— деб қичқиради

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ Галатенко кулиб, оғзи қулоғига етади. Гапнинг ма'носига энди тушунади. Ишшайганича паншаха ёнига қайтиб келади. Похол тепасида турган болалар:

«Қаёққа бориб келдинг?» деб сўрашади.

— Ҳа, кўрмайсанми Лапотьни, запас қўлимни олиб келиб бер, дейди.

— Ҳа, олиб келиб бердингми?

— Запас қўлни қаердан олади, довдираяпти-да!

— Запас қўл масаласи тугатилсин! Ишга тушилсин!— деб команда беради Бурун.

— Тугаса тугапти-да,— дейди Лапоть.— Шу қўллар блан ҳам бир амалдаб ишлармиз.

Соат тўққизда Шере машинани тўхтатади-да, Бурунниг олдига келади:

— Болалар жуда толиқиб кетди. Яна ярим соатлик иш қолди,— дейди.

— Майли, зарари йўқ, тамомлаймиз,— дейди Бурун.

Лапоть тепадан туриб:

— Горькийчи ўртоқлар! Яна ярим соатлик иш қолти. Ярим соат ичида толиқиб қолармиз деб қўрқаман. Мен рози эмасман.

— Ҳа, нима демоқчи бўласан?— деб сергакланади Бурун.

— Мен қаршиман! Ярим соат ичида ҳаммамиз чўзилиб қоламиз. Тўғри, а, Галатенко?

— Ҳа, рост, тўғри! Ярим соат ҳазил гап эмас.

Лапоть қўлини мушт қилиб кўтаради.

— Ярим соати керакмас! Мана шу ҳамма қолган ишни чорак соатда тамомлашимиз керак. Ярим соати борми!

— Тўғри!— деб бўкиради Галатенко ҳам.— Жуда тўғри гапиради.

Болалар яна қота-қота кулишаркан, Шере машинани яна юргизади. Йигирма минут ўтар-ўтмас иш тамом бўлади.

Бирдан ҳамманинг лохолга чўзилиб ётгуси келади, ҳаммани уйқу босади. Аммо Бурун:

— Стройся!— деб команда беради.

Ўз галларини анчадан бери кутиб турган сигналчи ва барабанчилар олдинги қатор бошига югуриб келиб турадилар. Тўртинчи сводний отряд байроқни яна оқ уйдаги ўз жойига олиб кетади. Мен хирмон тепасида қоламан, оқ уй томондан байроқ салюти садолари эшитилади. Қўлида

www.ziyouz.com kutubxonasi

узун таёқ ушлаган аллаким қоронғида ўзини менга келиб уриб олади.

— Ким бу?

— Мен, мен, Антон Семёнович. Молотилка деб келдим, Воловий хуторликман, отим ҳам Воловик...

— Жуда яхши. Юринг, уйга борайлик...

Биз ҳам оқ уйга қараб борамиз. Воловик жуда қари бўлса керак, қоронгида ямлаб гапиргани эшитилади.

— Сизларда яхши экан, илгари замон расми-одати блан ишларкансизлар...

— Нима дединигиз?

— Хирмонни туғ кўтариб келиб янчар экансизлар дейман.

— Туғ нимаси! Байроқ-ку! Бизда поп ҳам йўқ.

Воловик бироз олдинга ўтиб олади-да, қўлидаги таёғини кўтариб:

— Гап попнинг бор-йўқлигида эмас. Гап шундаки, одамлар хирмонга байрамга чиққандай чиқипти. Ғалла йигим-терими тўю-тамоша бўлиши керак, афсуски, одамлар бу расм-одатни унутиб юборган.

Оқ уйнинг олди шовқин-сурон, қий-чув. Колонистлар ишлаб чарчаб, дар'ёда чўмилиб, яна бардам бўлиб олишипти. Боғ ўртасидаги столлар атрофида ҳам шод-хуррамлик, гангур-гунгур гап. Чарчаганлигидан, колонистларга меҳри-муҳаббати ошиб кетанидан, ўз ҳаётида ҳам тўғри инсоний қонун рўй берганидан ва эркин коллектив меҳнат лаззатини татиб кўрганидан Мария Кондратьевнанинг хўрлиги келади.

— Ишингиз осон эканми?— деб сўрайди Бурун.

— Билмадим,— дейди Мария Кондратьевна.— Қийин бўлса керак, гап фақат қийин-осонлигида эмас. Бунақанги иш қандай бўлмасин, бир бахт.

Ужин маҳалида ёнимга Силантий келиб ўтирди-да, қулоғимга секин гапирабошлади.

— Сизга айтишдими, йўқми, билмадим, аммо, мен сизга айтсам, якшанба куни меҳмонлар келармиш, Ольгага совчилар келармиш. Мана шунақа ишлар.

— Николаенко юборармишми?

— Мен сизга айтсам, кекса Павел Иванович юборармиш. Ишқилиб, юзимизни шамгин қилманг, Антон Семёнович, чочиқ устига нон блан туз қўйиб кутиб оласиз, вассалом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Азизим Силантий, бу ишни ўзинг бопламасанг бўлмайди.

— Майли, боплайман-ку, аммо, мен сизга айтсам, бунақанги вақтларда ичиш ҳам керак-да, самогонми, бошқами бўлиши керак.

— Самогон ичиш мумкин эмас, Силантий, аммо икки шиша ширин вино олсанг майли.

10. Тўй

Якшанба куни Павел Иванович Николаенкодан совчилар келди. Совчилар ўзимизга таниш бўлиб, бири Кузьма Петрович Могорич, иккинчиси Осип Иванович Стомуха эди. Кузьма Петровични колонияда ҳамма танирди, у бизга яқин жойда, дар'ёнинг нариги бетида турарди. Ўзи дилкаш бўлса ҳам, сал бачканароқ одам эди. Бир парча қумлоқ ери бўларди, ерига ҳечнарса экмасди, ёввойи ўтлар ровлаб ётарди. Шунинг учун унинг еридан минг томонга сўқмоқ йўл кесиб ўтар, ҳамма шу даладан юрарди. Кузьма Петровичнинг юзи ҳам худди ўзининг даласига ўхшарди, юзидаги соқоли сра соқолга ўхшамас, худди эгасининг хоҳишига бўйсунмасдан, ўзидан ўсиб чиқаверган, бири боққа, бири тоққа қараган буталарга ўхшарди. Юзидаги қинғир-қийшиқ сўқмоқ сингари саноқсиз ажинлар худди катта-кичик ариқчаларга ўхшарди. Кузьма Петрович ўз даласидан фақат сўппайган қирра бурни блан фарқ қиларди.

Осип Иванович, аксинча, ниҳоятда чиройлик эди. Бутун Гончаровкада Осип Ивановичдай чиройлик ва хушбичим одам йўқ эди. Сарғиш мўйлови шопдай, кўзлари шаҳло эди. Одатда ярми шаҳарча, ярми ҳарбийча кийим кийиб, ўзини ҳамиша бежирим ва олифта тутарди. Бадавлат деҳқонлар орасида Осипнинг қариндош-уруғи кўп бўлишига қарамасдан, ўзи ерсиз, куни ов блан ўтарди. Дар'ё бўйидаги яккаю-ягона бир кулбада турарди.

Гарчи меҳмон келишини олдиндан билсак ҳам, анча шошиб қолдик; бундай ҳолларда қандай ҳозирлик кўриш кераклигини ким билади? Меҳмонлар келганда кабинетим басавлат, тинч ва шинам эди. Улар кабинетга кирганда мен Калина Иванович блан ўтирардим. Меҳмонлар кириб кўришди-да, диванга ўтиришди. Мен гапни нимадан бошлашни билмай турганимда, Осип Иванович соддагина қилиб, гап бошлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Илгари замонларда биздай овчилар: овда кетаётсак, бирдан тулкининг изини кўриб қолдик, қидириб-қидириб топсак, тулки эмас, бўйи етган ҳурилиқо қиз экан, дейишарди... Гарчи овчи бўлсам ҳам, ҳозирда бу сўзлар ортиқча деб ўйлайман.

— Ҳақ гап,— дедим, хурсандлик блан.

Кузьма Петрович ўтирган ерида оёқларини типирлатиб қолди ва сийрак соқолини силкитиб:

— Аҳмақлик, менимча,— деди.

— Аҳмақлик деб бўлмайдию, аммо ҳозир пайти эмас,— деб унинг гапини тузатди Стомуха.

— Пайт ҳам ҳархил бўлади,— деди насиҳатгўйлик блан Калина Иванович.— Бирхил жоҳил одамлар бўладики, бу ҳам камлик қилгандай, ҳархил хурофотларга ишонади-да, кейин шўри қуриб юраверади: момақалдироқдан ҳам, ойдан ҳам, мушукдан ҳам қўрқади. Энди совет ҳокимияти даври, хэ-хэ, ҳозир заградительний отряддан бошқаси қолмаган...

Калина Иванович илмий суҳбатга эмас, бутунлай бошқа нарса юзасидан йиғилганимизни унутган бўлса керак, Стомуха унинг гапини оғзидан олди:

— Гапнинг пўскалласини айтақолайлик: бизни ўзларингга ма'лум ва машҳур Павел Иванович блан рафиқалари Евдокия Степановна юборди. Сиз колонияда ҳамма болаларнинг отаси ҳисобланасиз, бир қизингизни, я'ни масалан, Оля Воронова деган қизингизни Павел Павловичга, я'ни ҳозирги қишлоқ советининг раисига узатишга розилигингизни билмоқчи бўлиб келдик.

— Бизга шунинг жавобини берсангиз,— деб илова қилди, Кузьма Петрович, ингичка овози блан.— Куёвнинг отаси рози, агар сиз ҳам розилик билдирсангиз, қўлимизга сочиқ блан нон тутқазасиз, башарти розилигингиз бўлмаса, келиб безовта қилганимиз учун айбга буюрмайсиз.

— Хэ-хэ-хэ, айбга буюрмайсиз дейиш блан қутулмайсиз,— деди Калина Иванович,— сизларнинг аҳмоқона одатларингга кўра қўлларингга ошқовоқ тутқазиш керак.[1]

— Иш ошқовоққача бормаса керак дейман,—Осип Иванович жилмайди.— Бундан ташқари, ҳали ошқовоқ ҳам пишмагандир.

---

[1] Қадим вақтларда Украинада қиз йигитни ёқтирмаса, совчиларнинг қўлига ошқовоқ тутқизарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу-ку тўғрия,— деди Калина Иванович.— Илгари вақтларда тентак қизлар атайлаб бир ҳужра ошқовоқ ғамлаб қўярди. Совчи келавермаса, қовоқдан бўтқа пишириберди, паразит. Жуда ширин бўтқа бўлади-да, агар унга яна сўк солиб пиширилса...

— Хўш, оталик жавобингиз қандай бўлади?— деб сўради Осип Иванович.

Мен жавоб бердим:

— Бизнинг қизимизни ёқтирганлари учун Павел Иванович блан Евдокия Степановнадан кўп миннатдормиз. Аммо, мен ота эмасман, менинг оталик ҳуқуқим ҳам йўқ. Аввало Олянинг ўзидан сўраш керак, кейин бу ишни командирлар советининг қарори блан расмийлаштириш керак...

— Бунисини биз билмаймиз, бунга аралашмаймиз. Янги расм-русмга қараб қилаверіш керак,— деб рози бўлди Осип Иванович.

Кабинетдан нариги уйга чиқдим-да, колония навбатчисини топиб, командирларни тўплашга сигнал бердир деб буюрдим. Бутун колония ҳаяжон ичида, ғовур-ғувур эди. Югуриб олдимга Настя келди-да, кула-кула:

— Сочиқни қаерда ушлаб туриш керак? У ерга олиб кириш керакми?— деб сўради, кабинетимни имлаб кўрсатиб.

— Сочиғингни қўятур, ҳали келишганимиз йўқ. Шу ўртада айланиб юратуринглар, ўзим чақираман.

— Ким боғлаб қўяди?

— Нимани?

— Анови... совчиларга ким боғлаб қўяди дейман?

Тоська Соловьев қўлтиғига бир буханка буғдой нонни қистириб, қўлига бир тузлиқда туз олиб, ёнимда турар, тузлонни силкитиб, туз доналарининг сакрашини тамоша қиларди. Силантий югуриб келиб:

— Нон блан тузни нега силкитасан бунча? Тузни лаганчага солиб олиш керак, ахир...— деди. Кулгиси қистаганини яшириш учун бошини пастга эгиб,— болаларга иш буюр, кетидан ўзинг югур!.. Закуска масаласи нима бўлди?

Екатерина Григорьевна келиб қолганини кўриб, севиниб кетиб:

— Мана бу ишларга ўзингиз бош бўлинг...— дедим.

— Мен буларни анчадан бери қидириб юрибман. Эрталабдан бери нонни колонияда кўтариб юришипти. Мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

блан бирга юр. Тўғрилаймиз, сиз хавотир олманг. Мен қизлар ёнида бўламан, чақиртирарсиз.

Кабинетга ялангоёқ командирлар елиб-югуриб келишди.

Ўша хушвақтлик чоғида йиғилган командирларнинг рўйхати менда сақланиб қолган. Мана улар:

Биринчи (этикдўзлар) отряд командири — Гуд.

Иккинчи (отбоқарлар) отряд командири — Братченко.

Учинчи (молбоқарлар) отряд командири — Опришко.

Тўртинчи (дурадгорлар) отряд командири — Таранец.

Бешинчи (қизлар) отряд командири — Ночевная.

Олтинчи (темирчилар) отряд командири — Белухин.

Еттинчи отряд командири — Ветковский.

Саккизинчи отряд командири — Карабанов.

Тўққизинчи (тегирмончилар) отряд командири — Осадчий.

Ўнинчи (чўчқабоқарлар) отряд командири — Ступицин.

Ўн биринчи (ёш болалар) отряд командири — Георгиевский.

Командирлар советининг секретари — Колька Вершнев.

Тегирмон мудири — Кудлатий.

Омборчи — Алёша Волков.

Агроном ёрдамчиси — Оля Воронова.

Амалда командирлар советига бундан ҳам кўп одам йиғиларди: комсомол а'золари Задоров, Жорка Волков, Волюхов ва Бурунларнинг командирлар советида қатнашишга тўла ҳуқуқлари бор эди; эски колонистлардан Приходько, Сорока, Голос, Чобот, Овчаренко, Федоренко, Коритолар ҳам келишарди; ёш болалар ерга ўтириб олишарди, улар орасида Митька, Витька, Тоська ва Ваньха Шелапутинлар бирон мажлисдан ҳам қолмас эдилар. Советнинг ҳар мажлисида тарбиячилар ҳам, Калина Иванович ҳам, Силантий Отченаш ҳам қатнашар эдилар. Шунинг учун совет мажлисида стул етишмасди, одамлар деразаларга чиқиб ўтирар, деворга суяниб турар, уйга сиғмаганлар эса деразадан қараб турардилар.

Колька Вершнев мажлисни очди. Диванда ўнтача колонистлар ўртасида оқилиб ўтирган совчиларнинг савлатидан асар ҳам қолмади.

Мен командирларга совчи келганини айтдим. Командирлар совети учун бу хабарнинг ҳеч янгилиги йўқ эди, чунки Павел Павлович блан Оля Бороцованинг бир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирларини анчадан бери яхши кўриб юрганларини ҳамма билар эди. Вершнев фақат раомият юзасидан Ольгадан:

— Павелга эрга тегишга розимисан?— деб сўради.

Ольга бироз қизарди-да:

— Бўлмасачи!— деди.

Лапоть дарров қовоғини солди:

— Ҳечқиим бунақа демайди. Сен тегмайман деб туриб олишинг, биз сенга ялинишимиз керак эди. Бўлмаса, қизиғи бўлмайди.

Калина Иванович деди:

— Қизиғи борми, йўқми, ишдан гапириш керак. Қани, бизга айтиб берингчи, рўзғорлари қанақа бўлади, эшитайлик?

Осип Иванович мўйловини силаб қўйиб, деди:

— Демак, бундай: агар розилик берсанглар, никоҳ қиламиз-да, келин блан куёв чоли-кампирникига ўтади, улар блан бирга туришади, рўзғор ҳам, қозон-товоқ ҳам бир бўлади.

— Бўлмаса, янги уйни кимга атаб қуришди?—деб сўради Карабанов.

— У уй Михайлога атаб қурилган.

— Михайлодан Павло катта-ку?

— Катталикка катта, тўғри, аммо биз, чолининг айтганини айтамиз-да. Чунки, Павло колония қизига уйланади, шунинг учун.

— Колония қизига уйланса нима қипти?— деди дарғазаб бўлиб Коваль.

Осип Иванович гап тополмай қолди. Кузьма Петрович ингичка товушли блан бидирлайкетди:

— Шунақа бўлиб чиқади-да! Павло Иванович: хўжайинга хўжайка керак дейдилар, негаки, хўжайканинг менга қуда бўладиган ўз отаси бор, дейдилар, Михайлога Сергей Гричанийнинг қизини олиб бермоқчилар. Сизнинг қизингиз эса Павел Павловичга қаллиқ-бўлмоқчи. Павло Павлович ҳам ризолик билдирдилар.

Карабановнинг тоқати тоқ бўлиб қўлини силтаб деди:

— Бунақа бўлаверса, ошқовоқ бериб юборишдан бошқа илож қолмайдиганга ўхшайди. Павел Павловичнинг розилик берган-бермагани блан ишимиз нима? Бундан чиқди, Павло Павловичингиз ношуд, латта одам экан-да! Бундай бўлса, командирлар совети Оляни узатаолмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундан чиқди, қизимизни қари шайтонга оқсоч қилиб бераг экаңмизда...

— Семён...— деб қўйди Колька, қовоғини солиб.

— Хўп, майли, шайтон деган сўзимни қайтиб оламан. Бу—биринчиси. Иккинчиси шуки, сиз боя қандай никоҳ қиламиз дедингиз?

— Расм-одат қандай бўлса — шундай қиламиз-да, ҳечким попсиз уйланмаган-ку! Бизнинг қишлоқда бундай ҳодиса сра бўлмаган.

— Бўлмаган бўлса, энди бўлади-да,— деди Коваль.

Кузьма Петрович соқолини қашлаб қолди:

— Бўладими, бўлмайдими, ким билади. Бизнингча, ундай бўлиши яхши эмас; уни беникоҳ туриш дейилади.

Совет аҳли жим бўлди қолди. Ҳамма, тўй бўлмас экан деб ўйларди. Мен ҳатто, агар бирон битимга келмасак, болалар совчиларни сазойи қилиб чиқариб юбормасайди, деб қўрқардим.

— Ольга, попларнинг никоҳидан ўтишга розимисан?—деб сўради Колька.

— Сенга бирнима бўлдими ўзи? Бутун нонушта қилмадингми? Ё менинг комсомол а'зоси эканлигимни билмайсанми?

— Попнинг никоҳ қилишига рози эмасмиз,— дедим совчиларга,— бунинг бошқа иложини топинглар. Қаерга совчи бўлиб келишларингни билардинглар-ку? Черковда никоҳ қилдиришга рози бўлмаслигимизни билишларинг керак эди.

Силантий ўрнидан турди-да, нутқ сўзламоқчи бўлиб, бармоғини кўтарди.

— Силантий, гапирмоқчимисан?—деб сўради Колька.

— Мен сенга айтсам, бир гап сўрамоқчиман.

— Ҳа, майли, сўра.

— Мен сизларга айтсам, Кузьма жуда хаёлпараст одам, шунақа, ҳа. У эмас, Осип Иванович айтсин: бу ерда гаввослик қилишнинг нима кераги бор? Ундан кўра чўчқа боқсанг бўлмайдими?

— Э падарига ла'нат, чўчқангни!— деб кулди Стомуха.— Йўлда биттаси учраб қолса овдан дарров қайтаман.

— Бундан чиқди, поплар Кузьмага керак экан-да.

Кузьма Петрович ҳам тиржайди:

— Хи-хи, керак-керакмаслигида эмас, поплардан бирон фойда тегмайди, ўзинг биласан-ку. Бутун гап шундаки, ота-боболаримиз шундай қилиб келишган, бунинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

устига, Павло Иванович ҳам камбағал қизни келин қилиб туширмоқдамиз, сепи ҳам йўқ ва ҳоказо дейди...

Калина Иванович мушти блан столни бир урди:

— Бу нима деганинг? Бу гапларни айтишга қандай ҳаддинг сиғди? Ўзинг кимсан, бойваччамисан, мунча димоғингни кўтарасан? Павло Ивановичинг блан лой-кесак уй қурдим деб, димоғларинг ошиб кетаверадими? Аблаҳнинг бисотида битта столи, иккита курсиси, сандиғида биттаю-битта пўстини бор-ку, кўпас бўламан деганини қара!

Кузьма Петровичнинг капалаги учиб кетиб, чийиллаб қолди:

— Хечкимнинг димоғи ошгани йўқ, ундоқ демадим! Гап келиб қолгани учун сепни айтдик, қўйдик-да.

— Қаерга келганингни биласанми ўзинг ё билмайсанми? Бу ерни совет ҳокимияти дейдилар, ё совет ҳокимиятининг нималигини билмайсанми? Совет ҳокимияти ўз қизига шунақангги сеп берсинки, ўлиб кетган ота-боболаринг ҳам ётган гўрида уч марта сакраб тушсин, паразитлар.

Кузьма Петрович:

— Ҳа биз...— дегунича дами ичига тушиб кетди.

Болалар қота-қота кулиб, Калина Ивановични қарсаклар блан олқишладилар.

Калина Ивановичнинг жазаваси тутиб кетиб, деди:

— Бу масалани командирлар совети обдон муҳокама қилиб чиқсин. Тўғри-да: бизга совчи бўлиб кепти, биз қизимиз Ольгани супраси қуруқ Николаенкога берамизми, бермаймизми, яхшилаб ўйлаб кўришимиз керак; Николаенконинг егани фақат картошкаю, пиёз, экқани тариқ, паразитнинг. Ғалла экиш қаёқда! Биз бадавлатмиз, буни биз пухта ўйлаб кўришимиз керак.

Командирлар совети ва мажлис аҳли бу гапни қувонч блан ма'қуллагани, ҳечқандай муаммо қолмагани кўринди. Совчиларни мажлисдан вақтинча чиқариб юборишди, шундан кейин командирлар совети Ольгага қандай сеп бериш масаласини муҳокама қилишга киришди.

Бўлиб ўтган гаплар болаларнинг иззат-нафсига тегкан эди, шунинг учун Ольгага мисли кўрилмаган катта сеп беришга қарор қилинди. Шерени чақиртириб келдилар, командирлар Шере кўп нарса беришга қарши турар деб қўрққан эдилар, йўқ, ундай бўлмади, Шере ўйлаб ҳам ўтирмади-да, жиддий суратда:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жуда тўғри. Майли, биз қийналсак қийналайлик, аммо Ольгани жуда катта сеп блан узатишимиз керак, сеп берганда ҳам ҳаммадан кўп беришимиз керак. Қулоқлар билиб қўйишсин буни!—деди.

Шунинг учун, сеп масаласи муҳокама қилинганда ҳечким э'тироз билдирмади, билдирганларнинг ҳам э'тирози қуйидагича бўлар эди:

— Нима, ҳадеб тойчоқ, тойчоқ дейсан! Тойчоқ эмас, от бериш керак.

Эркин ҳавода нафасларини ростлаб олган совчиларни бир соатдан кейин яна советга чақирдилар, Колька Вершнев ўрнидан турди-да, тили тутила-тутила, шиддатли нутқ сўзлади.

— Командирлар совети қарор қилди: Ольга Павлога узатилсин. Павло алоҳида уйга кўчиб ўтиши, отаси унга қўлидан келганча рўзғор ажратиб бериши керак. Ҳечқандай поп керакмас, загсда регстрация қилинади. Тўйнинг биринчи куни бизда ўтади, кейин ўз билганингиз! Ольганинг рўзғорига:

симменталь зотли сигир бузоғи блан,
бия қулуни блан,
бешта қўй,
инглиз зотли чўчқа берамиз...

Ольганинг сепи ёзилган рўйхати ўқиб чиққунча Кольканинг овози хириллаб қолди. Бунда асбоб-анжомлар, уруғлик, бирталай ем-хашак, қўша-қўша сарполар, чойшаблар, ёстиқ жилдлари, мебель ва ҳатто тикув машинаси ҳам бор эди. Колька нутқини бундай деб тугатди:

— Керак бўлганда Олягa ҳамавақт ёрдам бериб турамиз, улар ҳам, керак бўлиб қолганда, колонияга ёрдам беришлари зарур. Павлога колонист унвони берилади.

Совчилар оғзиларини очиб анграйиб қолди, улар жон бериш олдида ўсал бўлиб қолган одамларга ўхшарди. Чақ-чақ кулган қизлар югуриб киришди-да, тўғри-нотўғрилигини суриштириб ўтирмасдан, совчиларнинг бўйнига сочиқ солишди. Тоська бошчилигида бир гала ёш болалар лаганга қўйилган ва усти сочиқ блан ёпилган нон блан туз тутқизилар, эсанкираб қолган совчилар нонни олиб, қаёққа қўйишларини билмай қолдилар. Тоська, Кузьма Петровичнинг қўлтиғидан лаганни тортиб олдида, кулиб туриб:

— Э, буни буёққа беринг, бўлмаса тегирмончидан калтак ейман. Бу... лаган тегирмончиники...—деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизлар столимга дастурхон ёзиб, уч шиша кагор блан ўн бештача стакан келтириб қўйдилар. Калина Иванович ҳаммага вино қуйди-да, стаканини кўтарди:

— Хўп, итоатли бўлсин ва қўшақарисин.

— Кимга итоатли бўлсин дейсиз?—деб сўради Осип Иванович.

— Кимга итоатли бўларди, командирлар советига, умуман совет ҳокимиятига итоатли бўлсин дейман-да!

Стаканларимизни уриштириб ичдик, колбасали бутербродни закуска қилдик.

Кузьма Петрович та'зим қилиб:

— Яхши, раҳмат сизларга, ишлар жойида. Энди Павлю Иванович блан Евдокия Степановнани табриклаймиз,—деди.

— Табрикла, табрикла,—деди Калина Иванович.

Осип Иванович қўлларимизни сиқиб хайрлашди:

— Сизлар жуда... танти одамлар экансизлар, сизлар блан тенглашишга бизга йўл бўлсин!

Худди келинчакдай ювош бўлиб қолган совчилар кабинетдан чиқиб, қишлоққа қараб кетишди. Биз уларнинг орқасидан қараб қолдик. Бирдан Калина Иванович кулиб, кўзини қисди-да, норозисимон кифтини силкитди.

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди! Нима, улар тентираб кетаверадими? Югур, Петро, етиб ол-да, айт, менинг уйимга киришсин. Антон, яна бирор соатлардан кейин аравани қўшиб келасан.

Бир соатдан кейин болалар кула-кула совчиларни бричкага ўтқазишди. Сочиқ ҳамон совчиларнинг бўйнидан тушмаган бўлса ҳам, уларнинг расмий элчилик аломатлари, шу жумладан, дуруст гапириш қобилияти ҳам йўқолган эди. Шундай бўлса ҳам, Кузьма Петрович қўлидаги нонни кўкрагига маҳкам босиб олганди. Оғир бричкани Мард қумлоқ йўлдан худди чўпни судрагандай олиб кетди.

Калина Иванович жаҳл блан тупуриб:

— Жўрттага фақир совчиларни юборган, паразит!—деди.

— Ким?

— Николаенкони айтаман! Қиз қандай бўлса, совчи ҳам шундай демоқчи бўлган-да!

— Йўқ, бундай эмас, мен сизга айтсам,— деди Силантий.— Бундай: попсиз бўладиган никоҳ бўлса бошқа совчилар ўлса ҳам келмасди, булар попини ҳам билмайди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқасини ҳам, буларга барибир... булар унақа эмас-да! Қари шайтон буларга шундай деб уқдирган: никоҳни поп ўқисин деб тураверинглар, агар зўр келса, майли, попсиз бўлса ҳам деган. Шунақа гаплар.

Тўй август ойининг ўн бешларига тайин бўлди, ҳархил комиссиялар тузилди, спектаклга тайёрлик кўрилди. Ташвиш кўп, чиқим ундан ҳам кўп эди, ҳатто Калина Ивановични ғам босиб, деди:

— Ҳамма қизларимизни шундай тарзда эрга бераверсак, ҳамма болаларни, мен қари аҳмоқни ҳам етакла-да, гадойчилик қилгани олиб чиқ, Антон Семёнович... Аммо, бундай қилмасак ҳам бўлмайди-да...

Тўй куни бутун колония атрофига часовойлар қўйилди: соқчилик қилишга икки отряд ажратишга тўғри келди. Босмахонада таклифномалар бостириб, фақат етмиш кишига тарқатдик. Таклифномада шундай деб ёзилганди:

«Максим Горький номидаги меҳнат колониясининг Командирлар совети Сизни колонистка Ольга Воронованинг ўртоқ П. П. Николаенкога узатилиши муносабати блан бериладиган зиёфат ва спектаклга таклиф этади.

Командирлар совети»

Соат иккида колония тўйга тайёр эди. Боғдаги фонтан атрофига қўйилган столлар ясатиб қўйилди. Ошхона тепасидаги симларга колонистларнинг қўллари зўрға етган бўлса-да, кўз у ерни дарров кўради. Ўша ерларга ёш-ёш қайин дарахтларнинг кўмкўк новдаларидан тўқилган чамбарлар осиб қўйилган. Бу чамбарларни Зиновий Иванович раҳбарлигидаги тўгарак а'золари тўйга атаб ясаган эди. Столларда «Қор қироличалари» солинган вазалар турарди.

Бугун, колониямизнинг улғайгани ва кўркамлашганини кўриб, одам жуда севинарди. Паркнинг қум сепиб қўйилган кенг йўлжалари паст-баланд бўлиб кетган кўкаламзор саҳнларни янада чиройлик қилиб кўрсатарди. Бу ернинг ҳарбир туп дарахти, ҳарбир тўда бутазорлари, гулзорларнинг ҳарбир қатори устида болалар кечалари блан ухламай бош қотириб чиққан, уларнинг ҳарбирини сводний отрядлар меҳнат қилиб, тер тўкиб ўстирган, моҳир заргар узукни қандай меҳнат сарфлаб ишласа, уларнинг ҳарбири устида коллектив шунча меҳнат ва завқ блан ишлаган, безатган. Паст-баланд бўлиб кетган

www.ziyouz.com kutubxonasi

дар'ё бўйлари ҳам кишини мафтун этарли кўркам ва тартибли: бир ерга ўнтача пиллапоя қурилган, яна бир ерга қайин дарахтидан панжара ўрнатилган, яна бир ерга экилган гулзор худди кичкина гиламга ўхшаб туради, яна бир ердан худди илон изидай торгина йўл ўрмалаб кетади, сой бўйи тептекис қилинган-да, устига қум сепиб қўйилган. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг, ҳатто бизнинг колонистдай ялангоёқ боланинг ҳам табиат хокими эканлигини яна бир жарра намойиш қилиб кўрсатади. Шу ялангоёқ болага қарашли кенг ҳовлиларда, эскидан мерос қолган харобаларда кўҳна инсониятнинг ўгай ўғли бўлмиш бу бола ҳам ўзининг ўткир санъаткор эканлигини кўрсатди. Ўтган йил кузида колонистлар бу ерларга икки юз туп атиргул эккан эди; астра, чиннигул, левкой, ярongул, чучмўмалар ва яна минг хил гулларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳовлиларнинг четларига қурилган кенг йўл-йўлкалар уйлар ва майдончаларни бир-бирига боғлар, бир-биридан ажратиб турарди, бекор ва бўш ётган ерларга кўк майсалар экиб ташланган, баъзи ерларда эса кўмкўк майсадан ясалган скамейкалар турарди.

Колония кўркам, шинам бўлиб кетди, бу ернинг ҳар қарич ери инсонга хизмат қиладиган бўлди, буларни кўрарканман, ерни безатишга мен ҳам ўз улушимни қўшганимдан фахрланаман. Аммо, менинг ўзимга хос эстетик ҳиссиларим бор: гуллар, йўл-йўлкалар, соя-салқин кўкаламзорлар қандай чиройлик ва кўркам бўлмасин, кўк трусик билан оқ кўйлак кийиб юрган болаларни кўз ўнгимдан пана қилаолмайди. Ана, уларнинг баъзилари елиб-югуриб юрипти, баъзилари меҳмонлар орасида хотиржамлик билан айланиб юрипти, баъзилари столларни безатиш тараддудида юрипти, баъзилари мисли кўрилмаган тўйни тамоша қилгани келган юзлаб тамошабинларни ўз постларида кутиб турипти. Ана, ҳамма горькийчилар шу ерда, кўз ўнгимда. Уларнинг кийимлари бежирим, қоматлари келишган, беллари бақувват, бари соғлом, медицинанинг нималигини билмайди, баданлари ва юзлари беғубор, лаблари лоладай қипқизил болалар. Бундай чеҳралар колониянинг ўзида очилади, кўчадан келганда бу чеҳралар бунчалик чиройлик бўлмайди.

Ҳарбир боланинг ўз йўли бор, Горький номли колониянинг ҳам ўз йўли бор. Бу кўп йўлларнинг боши қўлимда эканини сезаман, аммо яқин келгусида бу йўллар қаерлардан ўтишини, қаерларга бориб тугашини билиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га ожизман. Кўз олдимга инсон ҳали енгмаган, ҳали бирон режага ва ҳисобга олинмаган стихиялар келади. Бизнинг шу стихиялар орасидан йўл босишимизнинг ҳам ўзига яраша эстетикаси бор, аммо гуллар ва кўкаламзорлар эстетикаси энди мени ҳаяжонлантирмайди.

Яна шунинг учун ҳам ҳаяжонлантирмайдики, ёнимга Мария Кондратьевна келади-да:

— Нега сиз ёлғиз қолиб, қайғирасиз, ота?—дейди.

— Хамма, ҳатто сиз ҳам мени ташлаб кетсангиз-у, қайғирмайми?

— Мен жон деб кўнглингизга ором бўламан, мен сизни излаб юрган эдим, сиз бўлмаганингиз учун ёйилган сепларни кўргим келмади. Юринг.

Ольганинг сепи икки синфга ёйиб қўйилганди. Кўргазма мехмонлар билан лиқ тўла; аламга ва рашк-ҳаваска тўлган хотинлар лабларини буриб, менга ўқрайиб қарайдилар. Улар бизнинг қизларимизни менсимай, ўғилларини хуторли қизларга уйлантириб, энди энг бой қизлар ёнгиналарида эканини билиб қолган аламзадалар. Уларнинг менга газаб билан ўқрайиб қарашларини табиий деб биламан.

Бокова дейди:

— Гала-гала совчилар келадиган бўлса, нима қиласиз?

— Бундан қўрқмайман,— деб жавоб бераман:— бизнинг қизлар танлаб эрга тегади.

Бирдан ёнимга қўрққандан ранги оппоқ оқариб кетган бир бола югуриб келди:

— Келишди, келишди!

Ҳовлида сигналчи ҳаммани тўплашга сигнал чалабошлади. Ҳовлига киравершда колонистлар саф тортиб туришди, саф бошида байроқ, байроқ кетида бир взвод барабанчилар. Тегирмон ортидан қизил лента билан безалган қўш отли аравада келин билан куёв кўринди, аравани Братченко ҳайдаб келмоқда, унинг ҳам кўкрагида қизил лента. Келин билан куёвга салют бердик. Антон тизгинни тортиб, отларни тўхтатади. Оля сакрана-сакрана ўзини менинг бўйнимга ташлайди. Ҳаяжонланганидан ҳам кулади, ҳам йиғлайди ва менга қараб:

— Мени ёлғиз ташламанглар, ҳозирданоқ ваҳимага тушиб қолдим,— дейди.

Кичкина митинг бошлаймиз. Мария Кондратьевнани кўриб, бирдан ўпкам тўлиб кетади: у келин билан куёвга

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқ маорифи номидан тўёна — қишлоқ хўжалик кутубхонасини ҳад'я қилади. Мария Кондратьевнадан кейин икки колонист гуллар блан безатилган замбилда бирталай китоб кўтариб келади.

Митингдан кейин келин блан куёвни байроқ тагига тургизиб, ҳаммамиз ясатилган стол ёнига олиб бориб ўтқизамиз. Уларга тўрдан махсус жой ажратиб қўйилган, уларнинг орқасига байроқдорлар келиб туради. Навбатчи колонист дам-бадам фахрий соққиларни олмоштириб туради. Оппоқ пахтадай халат кийган йигирмата колонист меҳмонларга овқат ташийди. Таранец раҳбарлик қилган махсус сводний отряд меҳмонларнинг чўнтакларига назар солиб туради-да, ниҳоятда усталик ва хушмуомала блан бирнеча шиша самогонни олиб, Коломакка олиб бориб ташлайди.

Келин ва куёвнинг бир ёнида мен, иккинчи ёнида Павел Иванович блан Евдокия Степановналар ўтирадн. Соқоли Николай авлиёникига ўхшаган Павел Иванович жуда сипоҳ одам, оғир-оғир нафас олиб қўяди: ё ўғлининг ажраб чиқиб кетиши алам қилади, ё олдида бир шиша пиводан бошқа ҳечнарса йўқлигидан хафа: ҳозиргина унинг ҳам самогонини Таранец олиб кетган эди.

Бугун колонистлар ниҳоятда чиройлик кўринади, уларга қараб тўймайман. Ҳаммаси тетик, хушмуомала. одамга кулиб қарайди, боқишларида бирозгина истеҳзо ҳам борга ўхшайди. Столнинг нариги бошида ўтирган ўн биринчи отряд ҳам ёнларига қўшиб қўйилган бештача меҳмон блан ҳангамалашиб ўтирипти. Ножўя гап айтиб қўйишмасмикин деб хавотир олиб ўтираман. Ёнларига бордим. Шелапутин, Козирьга пиво қуяркан, инглчка товуши блан дейди:

— Ана, сизларни поп никоҳ қилиб қўйгани учун, ишларинг чатоқ-да!

— Келинглар, сизларни бошқатдан никоҳ қилиб қўямиз,— дейди Тоська.

Козирь кулади:

— Бошқатдан никоҳдан ўтишга, болаларим, қариб қолганман.

Козирь чўқинади-да, пивони шимиради. Тоська қотиб-қотиб кулади.

— Энди қорнингиз оғрийди...

— Худо сақласин-е, нимага оғрийди?

— Нега чўқинасиз, бўлмаса?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уларнинг ёнида похолдай сапсариқ соқоли чигил бўлиб кетган бир деҳқон ўтиради, у куёв томондан келган. Унинг колонияга биринчи келиши, шунинг учун ҳамма нарсага ҳайрон бўлиб қарайди:

— Болалар, сизларни бу ернинг хўжайини дейишади, ростми?

— Биз бўлмасак, ким бўларди?— деб жавоб беради Шурка.

— Шунча рўзғорни нима қиласизлар?

Тоська Соловьев бутун гавдаси блан унга қайрилиб қарайди-да:

— Нимага кераклигини билмайсизми? Бу бўлмаса умримиз батракликда ўтиб кетарди, мана энди ўзимизга ўзимиз хўжайин,— дейди.

— Масалан, сен ким бўлмоқчисан?

— Ўҳ-хў-ў — дейди Тоська ва қўлидаги пирогни баланд кўтаради:— мен инженер бўламан, Антон Семёнович ҳам инженер бўласан дейдилар, мана бу Шелапутин учучи бўлади.

У, ёнидаги ўртоғи Шелапутинга истеҳзо блан қараб қўяди, чунки Шелапутиннинг учучи бўлишига колонияда ҳали ҳечким ишонмайди.

Шелапутин зўр бериб пирог кавшаб туриб:

— Ҳа, учучи бўламан,— дейди.

— Масалан, деҳқончиликка ишқивозлар йўқми, орангизда?

— Нега бўлмасин? Бор. Аммо, биздан чиққан деҳқонлар сиздек бўлмайдилар,— Тоська ёнидаги ҳамсуҳбатига кўз кирини ташлаб қўяди.

— Ҳа-ҳа, ҳали шунақа дегин? Сиздақа бўлмайди деганингиз қандоқ бўлди?

— Йўқ, сиздақа бўлмайди. Уларнинг тракторлари бўлади. Тракторни кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман.

— Биз кўрганмиз. Бир совхоз бор, ўша совхозга чўчқа олиб борганимизда кўрганмиз. Трактори бор экан, худди қўнғизга ўхшайди...

Қатор тизилиб ўтирган меҳмонлар колонистлар блан мустаҳкам муносабатда. Мен уларнинг қаерда ўтирганини ва ўртароқда суҳбат қизиб кетганини кўриб турибман. Ҳаммадан ҳам тўққизинчи отряд ўтирган ерда суҳбат қизиб кетган, чунки у ерда Лапоть ўтирибти, унинг ёнидаги колонистлар ҳам, меҳмонлар ҳам қотиб-қотиб ку-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишади. Бугун Лапоть ўз дўсти Таранец блан тил бириктириб, тўққизинчи отряд столи теварагида ўтирган тегирмончиларни мазах қилишмоқда. Меҳмонлар — тўладан келган, думдумалоқ тегирмончи, оғиқдан келган ва дароз бухгалтер ва камтаргина вальцовкачи. Бир вақтлар Таранец кисавур бўлган, шунинг учун тегирмончининг қўлтагидаги бир шиша самогонни секин ўғирлаб олиб, унинг ўрнига Коломак суви солинган бошқа шишани солиб қўйиш унга чўт эмас.

Дастурхон тепасида тегирмончи блан бухгалтер анчагача тортиниб ўтиришди, ҳадеб Таранецнинг сводний отрядига қараб-қараб қўяр эдилар. Аммо, Лапоть уларга кўзини қисиб:

— Сизлар ўзимизнинг одам экансизлар, мен ўзим тўғрилайман,— дейди.

Енидан ўтиб кетаётган Таранецни ушлаб, бошини пастга эгади-да, қулоғига бир нарса деб шивирлайди. Таранец «майли» деб кетади.

Лапоть ҳечкимга билдирмасдан, секин:

— Стол тагига олиб қўйинглар-да, устидан озгина пиво қуйиб, рангини бўяб ичаверинглар,— дейди.

Стол тагида қилинган сирли ҳаракатлардан кейин томоқларини қириб ўтирганлар олдида рангсиз пиво блан тўлдирилган стаканлар пайдо бўлади, бахтиёр стакан эгалари титроқ қўллари блан апир-шапир закуска тайёрлайдилар, тўққизинчи отряд болалари эса уларга кўз қирларини секин ташлаб ўтирадилар. Ниҳоят, закуска ҳам тайёр бўлади, тегирмончи Лапотьга қараб, кўзини қисиб қўяди-да, стаканни оғзига оборади. Бухгалтер блан вальцовкачи ҳамон у ён, бу ёнларга қўрқа-писа қараб қўйишади, аммо ҳамаёқ хотиржамлик. Таранец терак тагида зерикқан одамдай бефарқ қараб туради. Лапотьнинг кўзлари чарақлайди, аммо дарров ерга қарайди.

Тегирмончи секин:

— Омонликка,— дейди.

Уч меҳмоннинг стаканни шимириб бўшатишини тўққизинчи отряд болалари бўйинларини эгиб қараб ўтирадилар. Сўнгги қултумни ютиш бланоқ ичучиларда шубҳа туғилади. Тегирмончи стаканни бўшатиб столга қўяди-да, Лапотьга секин қараб қўяди, аммо Лапоть бамайлихотир бир нарсани кавшаб, алланималарни ўзича ўйлаб ўтиради Бухгалтер блан вальцовкачи зўр бериб сирни бой бермасликка тиришади, ҳатто закускага вилька ботиришади ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўпни кўрган тегирмончи шишани стол тагига олиб, уёқ, буёғини текширабошлайди, броқ дарров биров унинг қўлидан секин ушлайди. Тегирмончи бошини кўтариб қарайди, тепасига сепкил башарали маккор Таранец келиб турган бўлади.

— Уялсангиз бўлмайдими!— дейди Таранец ва ҳатто даргазабликдан юзлари қизариб кетади.— Самогон олиб келинмасин деб айтилган эди-ку, тағин сиз ўзимизнинг одамимиз-а... Оббо, ичиб ҳам қўйибсиз-ку... Сиз блан яна кимлар ичди?

— Ким билади дейсан,— дейди, довдираб қолган тегирмончи.— Ичганимни ҳам, ичмаганимни ҳам билолмай қолдим.

— Нега билолмайсиз? Қани, пуф деб кўрингчи!.. Ана бу кишини қаранглар, яна ичганимни ҳам билмайман дейди-я! Орзингиздан бир бочка арақнинг ҳиди келиб турипти-ку! Колонняга шундай нарсаларни олиб келгани уялмайсизми!

— Нима гап ўзи?— деб сўрайди Калина Иванович, узоқдан туриб.

— Самогон,— дейди Таранец, шишани кўрсатиб.

Калина Иванович тегирмончига ўқрайиб қарайди. Лапоть Галатенко ҳақида қизиқ гап айтиб бераётгани учун бўлса керак, тўққизинчи отряд ошдан бери қотиб-қотиб кулади. Болалар бошларини столга қўйиб, кулгилари қаттиқ қистагандан кўтаришга мадорлари қолмаганга ўхшайди.

Бу ерда энди кулги обед охиригача тугамайди, чунки Лапоть дам ўтмай тегирмончидан:

— Ҳа, озлик қилдими? Бошқа йўқми? Э, аттанг!.. Яхшимиди ўзи? Ўртачароқ денг?.. Афсус, Фёдор бўлмаганда-ку... Ҳой Фёдор, мунча ёпишмасанг буларга, ахир булар ўзимизнинг одамлар-ку!— дейди.

— Мумкин эмас,— дейди Таранец жиддий қиёфада туриб.— Қара, зўрга ўтиришипти.

Лапотьнинг программаси ҳали катта. Сал туриб тегирмончини эҳтиёт қилиб ўрнидан кўтариб турғазади-да, қулоғига:

— Юринг, сизни боғдан секин олиб ўтақолайлик, одамларга сиримгиз ошкор бўлиб қолади...— деб шивирлайди.

Карабановнинг саккизинчи отряди бугун соқчиликда турипти, аммо ўзи дам ўтмасдан стол тепасига, ажойиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўй шарофати блан бошланиб кетган фалсафа қизиб турган давра тепасига келиб туради. Коваль, Спиридон, Калина Иванович, Задоров, Вершнев, Волохов ва Луначарский номли коммуна раиси, эчки соқол, ақли ўткир Нестеренко ҳам шу ерда.

Дар'ёнинг нариги томонига жойлашган коммунанинг иши сира юришмайди, ихтиёридаги ерларни эплайолмайди, иш ва ҳуқуқларни тўғри ва расамади блан тақсимлаб беролмайди, хотинчалиш бачканалик ва шаллақиликларни даф' қилишга кучи етмайди, коммуна а'золарида бутун сабр-тоқат, эртанги кунга эса ишонч-умид туғдираолмайди. Нестеренко ғамгин бир оҳангда хулоса ясайди:

— Янги одамларни топиш керак... Аммо, қаердан топасан янги одамларни?

Калина Иванович қизишиб кетиб, дейди:

— Бу гапинг нотўғри, ўртоқ Нестеренко, нотўғри... Янги одамлар деган паразитларнинг қўлидан ҳечнарса келмайди. Қарияларни кўпроқ қўшиш керак...

Дастурхон устида шовқин-сурон кучаяди. Ўзимизнинг боғимизда битган олма ва ноклар келтирилди, горизонтда бугунги навбатчиларнинг ифтихори бўлмиш бир бочка мороженое ҳам кўринди.

Уй орқасида гармошка янграб қолди, тўй маросимининг хунук одатларидан бири бўлган хотинларнинг чуввос ашуласи унинг товушини босиб кетди. Бешта хотин, кўзлари сузилиб кетаётган маст гармонистнинг олдига тушиб, биз томонга ўйнаб келар эди.

— Сенга келишди,— деди Таранец.

Чўпдай ориқ, юзлари қипқизил бир хотин менинг олдимда муқом блан тирсакларини керib, бесўнақай ковуши блан қум тепиниб, ўйнайкетди.

— Азиз отаси, жон отаси, отингни сот, қизингни ясантир энди...

Бирдан қўлида бир шиша самогон блан қиррали ва нима учундир жигарранг рюмка пайдо бўлиб қолди. Хотин маст-аласт ҳолда қўлини керib рюмкага қуябошлади, самогон ерга, кўйлакларига тўкилиб кетди. Мен блан унинг ўртасига Таранец келиб туриб:

— Бўлди, бас қил,— деди.

Таранец хотиннинг қўлидан шиша блан рюмкани тортиб олди, хотин қаршилик кўрсатмади ҳам, шу онда ёқ мени унутиб, Ольгага ёпишиб, сайрайкетди:

— Гўзал Ольга Петровна! Кокилларингни ҳам ташлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юборасан... Ярамайди бу ишинг, ярамайди. Эртага бошингга очипок[1] кийгизиб қўямиз, очипок кийиб юрасан.

— Киймайман,— деди Ольга бирдан шидлат блан.

— Нега киймас экансан? Сочингни ўриб юраверасанми?

— Ҳа, шундай, ўриб юраверaман.

Хотинлар ғовур кўтариб, ҳаммаси Ольгани ўртага олиб, бир-бирига гап бермай, бидирлаб кетди. Ғазаби қайнаб кетган Волохов уларни ҳарёққа итариб ташлади-да, онабошидан:

— Хўш, киймаса нима қиласизлар?— деб сўради.

— Киймаса киймасин, ўзларинг биласизлар, барибир никоҳ ҳам қилдирмади-ку!

Хахолаб кулган, ҳамаёқлари самогондан ҳўл бўлган хотинларнинг ёнига куда томоннинг гапдонлари келиб, уларни ҳарёққа ажратиб юборди. Ольга икковимиз парк-дан чиқдик.

— Мен улардан қўрқмайману, аммо кўп қийналишим аниқ,— деди Ольга.

Колонистлар ёнимиздан мебель ва кийим-кечаклар солинган тугунларни кўтариб ўтадилар. Бугун Гогольнинг «Уйланиш» пьесаси қўйилади, спектакльдан олдин Журбин «Ҳархил халқларда тўй маросимлари» деган темада лекция ўқийди.

Тўй-тамошанинг охири ҳали кўринмайди.

11. Лирика

Ольганинг тўйидан кейин, кўп ўтмай, бошимизга анчадан бери кутилган ташвиш тушди: рабфакчиларни кузатадиган бўлиб қолдик. Колония тузилгандан бери оғзимиздан рабфак сўзи тушмасди, ҳар куни рабфакка киришга тайёрланардик, қани энди, биздан ҳам рабфакчилар чиқсайди деб орзу қилиб юрардик, бу эса бизнинг қувончимиз ва ютуғимиз бўлса ҳам, хайрлашув куни етиб келган эдики, ҳамманинг юраги шув этиб, кўзларга ёш келди, ҳаммани ваҳима босди: колониямиз ўйин-кулги блан тупа-тузук ишлаб турарди, мана энди, кўплар колониядан кетиб қолмоқда, гўё буни ҳечким кутмагандай эди. Шу

---

[1] Илгари Украинада эрга берилган қизлар тўй эртасигача бошига хотинлик аломати — очипок кийишга мажбур эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

куни менинг ҳам юрагим ғаш, безовта бўлиб уйқудан турдим.

Нонуштадан кейин ҳамма покиза кийимларини кийди, столлар боққа олиб чиқиб безатилди, байроқдорлар бригадаси кабинетимда турган байроқнинг жилдини олиб қўйди, барабанчилар бўйинларига барабанларини осдилар. Байрам аломати бўлган бу тараддудлар ҳам ғамғуссамизни сўндираолмас эди; Лидочка эрталабдан бери йиғлайверганидан қовоқлари шишиб, кўк кўзлари қипқизариб кетганди; қизлар ўринларида ётиб барала йиғлашарди, Екатерина Григорьевна шунча уринса ҳам уларни овунтираолмасди, ўзи ҳам кўзёшларини зўрға тийиб юрарди. Йигитлар жиддий ва камгап бўлиб қолган, Лапоть эса юрагида ўти йўқ, ношуд одамга ўхшайди, болалар эса симга қўнган чумчуқлар сингари скамейкаларда ёки панжараларда икки қўлларини тизза орасига олиб, қатор тизилишиб ўтирар ва ҳаммалари баланд жойлардаги нарсаларга — томларга, дарахт учларига, осмонга қараб ўтирадилар.

Бу болаларнинг нега ҳайрон бўлишига, нега ғамгин бўлишига тушунаман, бундай ғамгинлик адолатни чуқур ҳурмат қилучи одамлардагина бўлади. Тоська Соловьёвнинг гапига ҳам тамомила қўшиламан, у: нима сабабдан Матвей Белухин колониядан кетади? Наҳотки турмушни ма'нолироқ уюштириб, Матвейни колонияда қоладиган қилиш, наҳотки Тоськанинг бошига тушган бу катта, юракдан кетмас қайғу-ҳасратни даф' қилиш мумкин эмас? деган эди. Матвей кетар экан, Тоськагина ёлғиз қоладими? Биргина Матвейнинг ўзи кетадими? Бурун, Карабанов, Задоров, Крайник, Вершнев, Голос, Настя Ночевная ҳам кетади, уларнинг ҳарбирининг ўнлаб жўралари ва дугоналари бор, Матвей, Семён ва Бурун эса ҳақиқий инсонларки, уларга тақлид қилиш жуда завқли, улар бўлмаса турмушни қайта қуриш керак бўлади.

Колонияни хафаликка солган туйғулар фақат шуларгина эмас эди. Менинг назаримда ва ҳарбир колонистнинг назарида колониянинг бошини кесиб ташлаш учун ойболта кўтариб турилгандек эди.

Рабфакчиларнинг ўзлари ҳам кўринишларидан «тақдир ва зарурат тангриларига» қурбон қилинадиган одамларга ўхшардилар. Карабанов ёнимдан нари кетмасди, жилмайиб менга деди:

— Турмуш жуда ноқулай яратилган экан. Масалан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

рабфакка бориш бир бахт-ку, а? Тушимми бу, ўнгимми дейман. Аслда эса бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Балки, бизнинг бахтимиз бугун шу ердадир. Колонияни ташлаб кетгим келмайди... ҳечким бўлмаганда, бўкириб йиғлаб юборардим... балки юрагим бўшармиди... Хуллас, оламда ҳақиқат йўқ экан.

Кабинет бурчагидан бизга Вершнев хўмрайиб қараб туради:

— Ҳақиқат битта: ҳақиқат инсонда.

— Ана холос!— деб кулади Карабанов.— Сен нима, ҳақиқатни... мушукдардан ахтарганмидинг?

— Й-й-йў-қ, гап унда эмас... гап шундаки, одамлар яхши бўлиши керак. бўлмаса ҳ-ҳ-ечқандай ҳақиқат бўлмайди. Агар одам ифлос бўлса, социализм даврида ҳам халал беради. Мен бунга шу бугун тушундим.

Мен Николайнинг юзига диққат блан қараб:

— Ростдан шу бугун тушундингми?— дедим.

— Б-б-бугун одамлар худди ойнадагидай кўринди. Шу кунгача ҳаммамиз иш блан бўлиб, кунимиз меҳнат блан ўтгани учун мен билмай юрган эканман. Бугун бўлса ҳ-ҳ-ҳ-амма нарса ойдин бўлди, қолди. Горький инсон тўғрисида ҳақиқатни ёзган экан, мен илгари тушунмаган эканман, тушунардимму, аммо одам деган гапга аҳамият бермай келарканман. Горький асл инсонни айтган. Тўғрида: дун'ёда одамлар ҳам бор, одам тарзилар ҳам бор.

Колониядан кетаётган рабфакчилар ўз ёрдларига шу каби сўзлар блан малҳам қўярдилар. Аммо уларнинг дарди бизникича бўлмай, истиқболларига рабфак нур сочиб турарди, бизнинг олдимизда эса нур сочиб туручи ҳечнарса йўқ эди.

Бир кун олдин кечаси тарбиячилар менинг квартирам олдида тўпланишди, ба'зилари ўтирар, ба'зилари тик турар, уялгандек бир-бирларига суяниб, ўй-хаёлларга берилиб турар эдилар. Бутун колония уйқуда, ҳамаёқ жимжит, кеча илиқ, юлдузлар чарақлаган эди. Назаримда олам жуда кўп нарса қўшилган ажойиб сиропга ўхшарди: ҳам ширин, ҳам лаззатли, аммо унинг нимадан қилинганлигини билиб бўлмайди — унинг ичида қандай ифлос нарсалар борлиги нома'лум. Шундай дамларда одамнинг файласуфлик қилгуси келади, ҳамма нома'лум нарсаларни ва муаммоларни тезроқ билгуси, ечгуси келади. Сиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўп меҳнат сарф қилиб ҳаёт тубидан тортиб чиқарган дўстларингиз эртага сизни ташлаб кетадиган бўлса ҳам сожин осмонга индамасдан қараб тураверасиз ва назарингизда сал наридаги тераклар, толлар ва арғувонлар сизга масаланинг тўғри ҳал қилиш йўлини шивирлаётгандек бўлади.

Шундай қилиб биз, ожиз тарбиячилар ҳарбиримиз ўзимизча ва ҳаммамиз биргалашиб индамай ўйлардик, дарахтларнинг шивирлашини тинглаб, осмондаги юлдузларга қараб ўтирардик. Ёввойи одамлар овдан қуруқ қайтганда ўзларини шундай сезса керак.

Мен ҳамма блан бирга хаёл суриб ўтирардим. Ўша куни кечаси, биринчи випуска куни кечаси менинг бошимга минг хил маза-матрасиз фикрлар келди. У вақтда бу фикрларимни ҳечкимга билдирмадим; ҳатто менинг ҳамкасбларим ўзларини ожиз, мени эса чинордай мустаҳкам, куч-қуввати қайнаб турипти деб ўйлардилар. Улар менинг олдимда ўз ожизликларини кўрсатишга уялган бўлсалар ҳам керак.

Мен, ҳаётим ниҳоятда оғир ва қадрсиз деб ўйлардим. Беш-олтита «жиноятчи» боланинг рабфакка кириб ўқиши учун умримнинг энг яхши даврини сарфлаганим, рабфакда ҳам, катта шаҳарда ҳам улар ёмон одамлар та'сири остига тушиб қолиши, у та'сирга қарши курашаолмаслигим ва сарф қилган бутун меҳнатимнинг оқибати нима бўлиши ҳақида ўйлардим. Балки бутун меҳнатим ва келтирган қурбонларим ҳечбир фойдасиз, беҳуда сарфлангандир? ..

Мен бошқа тўғрида, я'ни менга нисбатан бўлган адолатсизлик ҳақида ҳам ўйлардим. Ахир, мен катта иш қилдим; ахир, менинг ишим клубда романс айтиш ва ҳатто МХАТда қўйилган энг яхши пьесада жуда қийин рольни ўйнашдан ҳам минг марта қийин ва афзалку... Нима учун у ерда юзлаб кишилар артистларни олқишлайди, нима учун одамларнинг меҳр-муҳаббати ва миннатдорлигига сазовор бўлган артистлар уй-уйларига бориб бемалол ухлайдилару, мен қопқоронғи кечада, чекка бир жойдаги колонияда ғам-ғусса чекиб ўтираман? Нима учун жуда бўлмаганда мени Гончаровка аҳолиси олқишламайди? Буниси ҳам майли, миямга бундан ҳам баттар оғир бир фикр қайта-қайта келаверади: рабфакчиларга «сеп» бериш учун минг сўм пул сарфлаб юбордим, бундай чиқимлар ҳечқайси сметада кўрсатилмаган, молия бўлими-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг инспекторига бу тўғрида мурожаат қилганимда, менга ўқрайиб қаради-да:

— Ихтиёр ўзингизда, сарфласангиз сарфлайверинг, аммо шуни айтиб қўйишим керакки, маошингиздан ушлаб қолиниши аниқ,— деди.

Шу суҳбатни эслаб, кулиб қўйдим. Менинг миямда бирданига бутунбошли бир муассаса ишлайбошлади: кабинетлардан бирида аллаким жон-жаҳди блан молия инспектори устидан шикоят ёзабошлади, яна нариги уйда парвойи-палагини бузмайдиган бир кимса: «Парво қилма» деди, ундан сал нарида эса миямнинг бир безори боласи бошини столга энгаштириб, минг сўмни неча ой ичида тўлаб бўлишимни ҳисоблаб ўтиради. Миямда бошқа идоралар ишлаб турса ҳам, бу безорининг иши менга тинчим бермас эди. Қўшни бинода тантанали мажлис бўлмоқда: саҳнада тарбиячи ва рабфакчилар ўтирарди, юз кишилик оркестр «Интернационал» куйини гумбирлатиб чаларди, олим педагог нутқ сўзлар эди.

Мен яна ичимда кулиб қўйдим: олим педагог нима деяолар эди? Карабановнинг йўл тўсиб тўппонча ўқталганларини ёки шериклари дераза тагида отиб ташланган Буруннинг бировлар деразасидан ошиб тушганларини педагог олим кўрганми? Йўқ, кўрмаган.

— Ҳадеб нималарни ўйлаб ўтирибсиз?— деб сўрайди мендан Екатерина Григорьевна.— Ўзингиздан ўзингиз кулиб ўтирибсиз?

— Мен ҳозир тантанали мажлисда ўтирибман,— дейман.

— Шунақага ўхшайди. Тантанали мажлисда ўтирган бўлсангиз ҳам, айтинг: асосий моямиздан ажралиб бундан бўён қандай яшаймиз?

— Аҳа, келажак педагогика илмининг янги бўлими, моя ҳақидаги бўлими очилипти-да?

— Қанақа бўлим?

— Мояни айтаман. Коллектив бор жойда моя ҳам бўлади.

— Моя ҳархил бўлади.

— Бизга керакли мояни айтаман. Коллективимизни бунчалик камситиш ярамайди, Екатерина Григорьевна. Биз бу ерда моя ҳақида гам еб ўтирибмиз, коллектив эса ўз ичидан моя чиқариб қўйганидан хабарингиз йўқ. Яхши моялар бўлиниш йўли блан кўпаяди, буни блокнотингизга ёзиб қўйинг, келажак тарбия илми учун керак бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўп, ёзиб қўяман,— деб дарров рози бўлақолади Екатерина Григорьевна.

Эртаси куни тарбиячилар бўшашиб қолган, тантана ҳам расмий бир суратда қуруққина ўтди. Кўнгил хираликни авж олдирмаслик учун, ўзимни худди саҳнада ўйнагандай, ўз орзу-ҳавасларига етган одамдай кўрсатиб юрдим.

Туш маҳалида безатилган столларда обед қилдик, кутилмаганда ҳамманинг кайфи очилиб кетди, кулишиб ўтирдик. Лапоть, етти-саккиз йилдан кейин бизнинг рабфакчиларимизнинг ким бўлиб етилишини ҳархил имо-ишоралар билан кўрсатди. Инженер Задоровнинг сил касалига учраб ўлим тўшагида ётишини, унинг кровати тепасида Бурун ва Вершнев деган врачларнинг берилган пулнинг бўлиб олишларини, бирдан шунинг устига музикачи Крайник келиб, моғам марши учун пулни ҳозир тўлаш керак, бўлмаса марш чалинмайди деб туриб олишларини гасвирлаб берди. Аммо, бизнинг бу кулишимизда ва Лапотьнинг ҳазилларида енгил-елпи шодлик эмас, пухта ирода сезилади.

Соат учда сафга турдик, байроқ олиб чиқилди. Рабфакчилар сафининг ўнг томонидан жой олди. Антон отхонадан Мардни қўшиб чиқди, болалар, рабфакка кетучиларнинг юкларини аравага ортди. Команда берилди, барабанлар янгради, колонна вокзалга қараб йўл олди. Ярим соатдан кейин Коломак бўйидаги қумлоқ ерлардан ўтиб, ажриқ ўсиб ётган катта йўлга чиқдик, бу йўлдан бир замонлар татарлар ва запорожьелилар ўтган дейишади. Барабанчилар елкаларини керди, қўлларидаги барабан чўплари шўх-шўх чалакетди.

— Орани бузма, бошни баланд кўтар!— дедим, шижоат билан.

Карабанов, қадамини бузмасдан менга қайрилиб жилмайди, унинг бу оддийгина табассумида ўзининг ғурурини, севинчини, меҳр-муҳаббатини, ўзига ишонганини ва келгуси ҳаётининг порлоқ бўлишига ишонгани кўриниб турарди, уни бундай қиёфада илгари ҳеч кўрмаган эдим. Унинг ёнида кетаётган Задоров ҳамроҳининг бу ҳисларини дарров сезди ва, ўз одати бўйича, уялиб бу ҳисларини дарров яширди, фақат ўткир ва шўх кўзларини уфққа тикди, кейин байроқ учига қаради. Бирдан Карабанов овозини барала қўйиб, ашула бошлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пастаккина барвина ёйилиб ётар ерга
Кел эй казак йигити, ўлтир ёнимда бирга.

Болалар севиниб кетиб, ашулага қўшилди. Ўзимни Биринчи Май байрамида майдонда тургандай ҳис қилдим. Менинг ҳам, колонистларнинг ҳам кайфимиз бир хилдалигини аниқ билдим. Горький номли колония ўз тўнғич ўғилларининг кузатиши ниҳоятда муҳим бир воқиа эканини ҳаммамиз сезиб қолдик. Шойи байроғимиз ҳам шулар шарафига ҳилпирамоқда, барабанларимиз ҳам шулар шарафига янграйди, колонна ҳам шулар шарафига саф тортиб бормоқда, севинганидан қизариб кетган қуёш ҳам ғарб томонга оғиб, шуларга йўл бермоқда, биз блан бирга ашула айтиб борастганга ўхшайди. Ўзи яхши, аммо ичида бошқа ма'носи бор бу ашула сиртдан қараганда ишқ-муҳаббат ўтига тушган казакни куйлайди, аслда эса кеча куни командирлар совети чиқарган буйруққа мувофиқ, «Александр Задоров командирлиги остида Харьковга кетаётган еттинчи рабфакчилар отряди»ни куйлайди. Болалар завқ блан куйлар ва дам-бадам менга қараб қўярдилар: менинг ҳам улар блан бирга кайфим чоғлигини кўриб қувонар эдилар.

Орқамиздан чанг тўзиб келаётганини анчадан бери кўрардик, тезда танидик: Оля Воронова от чоптириб келаётган экан.

Оля отдан сакраб тушди-да:

— Миниб олинг. Эгари яхши, казак эгари. Сал бўлса кечикаржанман,— деди.

— Мен лашкарбошиманми?— дедим.— Лапоть минсин, энди у командирлар советининг секретари.

— Тўғри,— деди Лапоть ва отга зўрға тармашиб минди-да, қўлини биқинига тираб, ҳали чиқмаган мўйловини бураб, колоннанинг олдига тушиб кетди.

Ольганинг гапирадиган гаплари кўп эди, Лапоть ҳам кулдираверіб, колонистларнинг ичагини узди, шунинг учун «вольно» деб команда беришга тўғри келди.

Вокзалда ҳамма тантанали равишда ма'юс, аммо шу блан бирга ғовур-ғувур қилиб ўз шодлигини билдирар эди. Студентлар вагонга чиқиб олиб, бизнинг сафларга ва бизнинг келишимиздан ҳаяжонланган одамларга гердайиб қарардилар.

Иккинчи марта жом чалгандан кейин Лапоть қисқа нутқ сўзлади:

— Бизни уялтириб қўйманглар, ўглонлар! Шура, сен

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларга қаттиққўл бўл! Кейин, шу вагонни музейга топширишни унутманглар: устига, бу вагонда Семён Карабан рабфакка кетган, деб ёзиб қўйинглар.

Колонияга ўтлоқлардан солинган тор йўллардан қайтдик, зовур ва ариқлардан сакраб ўтишга тўғри келди. Шунинг учун йўлда ҳамма ўз тенги блан тўда-тўда бўлиб кетди, оқшом қоронғисида ҳарким ўзининг дилидаги сирларини бир-биридан яширмай ва мақтанмай, очиқ гапириб борар эди. Гуд деярди:

— Мен ҳечқанақа рабфакка бормайман. Мен этикдўз бўламан, шундай этиклар тикайки!.. Ёмонми? Нимаси ёмон? Аттанг, ўртоқларимиз кетиб қолганига ачинаман, сизлар ҳам ачинасизларми?

Оёқлари қийшиқ, баҳа'ни Кудлатий Гудга ўқрайиб қараб қўйди:

— Сендан тузук этикдўз ҳам чиқмайди. Анави ҳафта солиб берган ямоғинг ўша куни кечқурунга бормасдан кўчиб тушди. Тагини суриштирганда, сендақа этикдўз доктордан ҳам ёмон бўлади. Яхши этикдўз доктордан ҳам яхши бўлиши мумкин.

Кечқурун колония ҳувиллаб, ҳамаёқ жимжит бўлиб қолди. Фақат ётиб ухлашга сигнал берилиш олдидан навбатчи командир Гудни олдига солиб келди, Гуд маст эди. Унча маст эмасу, ширакайф ва хушгап эди. Гуд, атрофдаги болаларнинг дарғазаб бўлиб турганига эътибор ҳам бермай, менинг сиёҳдонимдан кўзини узмай, секин-секин гапириб турарди:

— Ичдим, чунки ичмасдан иложим йўқ эди. Мен этикдўзман, аммо менинг ҳам қалбим борми ё йўқми? Бор. Шунча боланинг, уларга қўшилиб Задоровнинг ҳам аллақаёққа кетиб қолганига чидаб тураоламанми? Чидаб тураолмайман. Ўзим ишлаб топган пулимга бориб ичдим. Тегирмончининг этигини ямаб бердимми? Ямаб бердим. Шунинг пулига бориб ичдим. Е бировни сўйдимми? Е бировни ҳақорат қилибманми? Е биронта қизга тегибманми? Текканим йўқ. Бу бўлса нуқул: юр Антоннинг олдига, деб бақиради. Ҳа юр десанг юраверaман. Антон ким ўзи... я'ни, сиз, Антон Семёнович, кимсиз? Йиртқичмисиз? Йўқ, йиртқич эмассиз. Сиз одамсиз, аммо балки жаҳлингиз тез одамдирсиз? Йўқ, жаҳлингиз тез эмас. Нимага келмас эканман? Мана, келдим. Марҳамат! Мана, этикдўз Гуд қошингизда турипти.

— Менинг гапимни тинглайоласанми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тинглайоламан. Гапиринг, тинглайоламан.

— Тинглайолсанг, эшит: этик тикиш ҳам жуда зарур ва фойдали иш. Аммо, фақат ичкилик ичмасанг уста этикдўз бўлишинг, ҳатто пойафзал фабрикасининг директори ҳам бўлишинг мумкин.

— Башарти, бирданига шунча одам кетиб қолсачи?

— Барибир.

— Бундан чиқди, мен нотўғри ичибман-да?

— Нотўғри ичгансан.

— Буни энди тузатиб бўлмайдими?— дейди Гуд, бошини пастроқ эгиб.— Бўлмаса, жазо беринг.

— Бор, ётиб ухла, бу сафар жазо бермайман.

Гуд атрофда турган болаларга заҳарханда блан қараб:

— Ана, айтмовдимми!— дейди. Кейин:— Есть, бориб ухлайман!— деб колонистча салют беради.

Лапоть унинг қўлтиғидан ушлайди-да, худди колониянинг ҳамма ғам-ғуссасини авайлаб олиб кетаётгандай ётоқхонага олиб чиқади.

Куз келиб қолганидан, ярим соатдан кейин Кудлатий менинг кабинетимда болаларга ботинка берабошлади. Узи тузиб олган рўйхат блан колонистларни отрядма-отряд чақириб, қутидан янгги ботинкаларни эҳтиёт блан оларди-да, улашарди. Ба'зи болалар эшик олдига бориб:

— Қачон алиштириб берасан? Бу менга торлик қилди!— деб қичқирарди.

Кудлатий ҳадеб жавоб бераверіб чарчаб, ахир жаҳли чиқиб кетди:

— Бугун алиштирмайман, эртага алиштириб бераман деб йигирма марта айтдим-ку! Гапга тушунасизларми!

Лапоть менинг столим ёнида ўтирарди, чарчаганидан кўзлари юмилиб кетарди, Кудлатийга қараб:

— Ўртоқлар, харидорларга яхши муомила қилиш керак,— деярди.

12. Куз фасли

Яна қиш келиб қолди. Октябрьда лавлагини узундан-узун буртларга кўмдик, шундан кейин командирлар советида Лапоть:

— Энди енгил нафас олсак ҳам бўлади деб қарор чиқарсак,— деган таклиф киритди.

Бурт деганимиз узунлиги йигирма метр келадиган чуқур ўра. Бундай ўралардан Шере бу йил ўндан ортиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қазиттирди, шундай бўлса-да, бу ҳам оз, лавлагини тежаб сарфлаш керак дерди.

Лавлагини гўё нозик нарсадай, авайлаб тахлаш керак эди. Шере эртадан кечгача сводний отряд тепасидан нари кетмай минғиллаб турарди:

— Ўртоқлар, илтимос қиламан сизлардан, лавлагини улоқтирманглар. Шуни айтиб қўяйки, бир дона лавлаги қаттиқ урилса, шу ери заҳа бўлиб, чирийбошлайди, ундан кейин чуқурдаги ҳамма лавлаги чирийди. Эҳтиёт бўлинглар, ўртоқлар, ўтинаман сизлардан.

Бир хил иш қилаверіб зерикқан ва чарчаган колонистлар Шеренинг ҳар гапини баҳона қилиб, бироз ўйнаб ва дамларини олардилар. Бирталай лавлаги ичидан энг келишган, думдумалоқ ва қипқизилини топиб, бутун сводний отряд ўртасига келтириб қўйишади-да, отряд командири,— Митьками, Витьками, ишқилиб, шунга ўхшаган биронтаси,— панжаларини осмонга кериб кўтариб:

— Нарироқ туринглар, нафасларингни ҳам олманглар! Кимнинг қўли тоза?— деб шивирлайди.

Замбил олиб келишади. Сводний отряд командири бармоқлари блан лавлагини эҳтиёт қилиб олади, броқ шу онда бирон кимса ташвиш блан:

— Нима қилаяпсан? Нима қилаяпсан?— деб қолади.

Ҳамма бирдан қўрқиб, тўхтайди ва яна бояги кимса:

— Буни эҳтиёт қилиб олиш керак-да,— деса, болалар тўғри, тўғри деб бошларини иргатадилар.

Бирон кимсанинг жомакорини дарров бўклаб, юмшоқ ёстиқ ясашади, ёстиқни замбилга қўйиб, қипқизил, думдумалоқ бўлиб етилган лавлагини секин ёстиққа ётқизадилар, унга қараб, ҳамманинг меҳри товланиб кетади. Ўзининг тиржайишини яшириш учун Шере зўр бериб чўп ғишлаб ўтиради. Замбилни ердан секин кўтаришади, Митька:

— Секинроқ, секинроқ кўтаринглар, ўртоқлар! Шуни айтиб қўяйки, бир ери заҳа бўлиб қолса... ўтинаман...— деб шивирлайди.

Митьканинг овози Шеренинг овозига бироз ўхшаб кетади, шунинг учун Эдуард Николаевич оғзидаги чўпни ҳамон ташламай, тишлаб ўтираверади.

Ерни шудгорлаб бўлдик. У вақтларда трактторлик бўлишни энди орзу қилабошлаган эдик, икки отлик плуг блан эртадан кечгача кўп деганда ярим гектар ерни ҳайдаш мумкин эди. Шунинг учун Шере, биринчи ва иккинчи сводний отрядларнинг ишини кузатиб бораркан, жуда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташвишланар эди. Бу сводний отрядларда эски колонистлар ишларди, Федоренко, Корито, Чобот сингари бақувват колонистлар командирлик қиларди. Кучлари икки от кучига баравар келадиган ва ер ҳайдашнинг илидан игнасигача билган бу ўртоқлар, бахтга қарши, ер ҳайдаш усулларини турмушнинг бошқа ҳамма соҳаларига ҳам кўчириб, хато қилардилар. Коллектив ўртасида ҳам, дўстлик соҳасида ҳам, ўзларининг шахсий турмушларида ҳам бу ўртоқлар чуқур ва адил эгат, солишни ва кўпорилган ернинг ялтираб туришини яхши кўрардилар. Улар мия ўрнига бошқа аъзоларини, масалан темирдай каттиқ билакларининг мускулларини, пўлатдай қаттиқ кўкракларини, бақувват сонларини ишлатарди. Улар колонияда рабфак деган гапларга қаттиқ қарши турадиган, ҳар хил илмий суҳбатлардан юзларини тескари ўгириб кетаверадиган одамлар эди. Уларнинг ўз эътиқодлари, ўзлари ҳал қилиб қўйган нарсалари бор эди, ҳечбир колонист бошини улардай мағрур кўтариб юролмас, ҳечбир колонист гапни улардай тежаб гапираолмас эди.

Улар биринчи ва иккинчи сводний отрядларнинг энг актив аъзолари бўлиб, ҳамма ҳурмат қиларди, аммо ҳазилкашларимиз уларни ҳазилга олмай тураолмас эди.

Бу йил кузда биринчи сводний отряд иккинчи сводний отряд билан мусобақа ўйнаб қолди. У вақтда мусобақа советча меҳнатнинг умумий бир нишонаси бўлганича йўқ эди, ана шунинг учун мусобақа туфайли мени халқ маорифига чақириб, қойишди. Ўзимни оқлаш учун фақат шуни айтишим мумкинки, мусобақа менинг ихтиёримдан ташқари, ўз ўзидан бошланиб кетган эди.

Биринчи сводний отряд эрталаб соат олтидан кунтуз соат ўн иккигача, иккинчи сводний отряд эса кундуз соат ўн иккидан кеч соат олтигача ишлар эди. У маҳалда сводний отрядлар бир ҳафталик қилиб тузиларди. Гарчи сводний отрядлар махсус ишларга қараб тузилса ҳам, ҳар хафта бошида бу отрядларнинг кучи бироз бўлса ҳам ўзгариб турарди.

Ҳар куни сводний отряд ўз ишини тамомлай деб турганда агроном ёрдамчиси Алёшка Волков далага икки метр келадиган таёқни кўтариб чиқарди-да, қанча квадрат метр иш бажарилганини ўлчарди.

Сводний отрядлар ер ҳайдашда яхши ишлардилар, аммо ерга қараб, ернинг паст-баландлигига, отларга, об-ҳавонинг келишига ва бошқа турли об'ектив сабаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга қараб, ё оз, ё кўпроқ иш бажариларди. Бажарилган ишни ўлчаб бўлгандан кейин Алёшка Волков эълон тахтасига бўр блан ёзиб қўярди:

19 октябрь. Коритонинг 1-ичи сводний отряди....2350 кв метр.
19 октябрь. Ветковскийнинг 1-нчи сводний отряди... 2300 кв. метр
19 октябрь. Федоренконинг 2-нчи сводний отряди.... 2410 кв. метр
19 октябрь. Нечитайловнинг 2-нчи сводний отряди.... 2270 кв. метр

Натижада шундай бўлдики, болалар ҳар кунги иш якунлари блан қизиқиб қолишди, ҳарбир сводний отряд олдинги отрядлан ўзиб кетишга тиришабошлади. Ахир ҳаммадан зўр ва энг яхши командирлар Федоренко блан Коритолиги равшан бўлди. Улар иккови бир-бири блан қадрдон дўст эди, аммо бу дўстлик бир-бирларининг ютуқларига ҳаваслари келишига ва бир-бирларининг ишидан нуқсон топишларига тўсқинлик қилмас эди. Аммо бу соҳада Федоренко бир фожиага учрадики, бу унинг ҳам асабий одамлигини кўрсатди. Бирмунча вақт Федоренко бошқа сводний отрядлардан олдинда борди, Алёшка Волковнинг фанер тахтасига ҳар куни 2500—2600 деган рақамлар ёзилиб турди. Коритонинг сводний отрядлари ҳам унга етай-етай деярди, броқ ҳар сафар уларники қирқ-эллик квадрат метр кам чиқарди. Федоренко ўртоғига:

— Ке, қўй, оғайни, ер ҳайдашга ҳали ёш экансан...— деб ҳазиллашиб юрарди.

Октябрь ойининг охирида Зорька касал бўлиб қолди, шунинг учун Шере далага фақат бир жуфт қўш чиқаришга мажбур бўлди, аммо иш жадаллашсин деб командирлар советидан Федоренкони Коритонинг сводний отрядига тайинлашни илтимос қилди.

Фожна рўй беришини Федоренко аввал пайқамади, Зорьканинг касал бўлиб қолгани, шудгорлашни тезроқ тугатиш кераклиги, фақат бир жуфт қўш блан ер ҳайдаш лозимлиги уни жуда безовта қилиб қўйди. Ишга жони-дили блан киришиб кетдию, броқ бир маҳал ўзига келиб қараса, Алёшка Волков тахтага:

24 октябрь. Коритонинг 2-нчи сводний отряди. . . . .2730 кв. м.

деб ёзиб қўйипти.

Корито мағрурланиб, кўкрагини кериб юрабошлади, Лапоть эса колонияда:

— Федоренко Коритога бас келармиди! Коритони ҳақиқий агроном деса бўлади, унинг олдида Федоренкога йўл бўлсин!— деб гиж-гижлатиб юрарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Болалар Коритони кўтариб осмонга иргитар, «урра» деб қичқирардилар, Федоренко эса қўлларини шимининг чўнтагига тиқиб, алам қилгандан рангги оппоқ оқариб:

— Корито агроном? Мен бунақа агрономни кўрмаганман,— деярди.

Ҳамма Федоренкодан:

— Коритонинг сени ютганига тан берасанми?— деб сўрайверибжонига тегар эди.

Ахир Федоренко бу аҳволдан қутулиш иложини топди. Командирлар советида сўзга чиқиб:

— Мунча керилади Корито? Бу ҳафта далага яна бир жуфт қўш чиқаркан. Коритони менинг биринчи сводний отрядимга қўшиб қўйинглар, уч минг квадрат метр ер ҳайдаб берганимни кўрасизлар!— деб қолди.

Федоренконинг бу фикри командирлар советига жуда ма'қул тушди, совет унинг илтимосини қондирди. Корито бошини чайқади-да:

— Оббо шоввозей, жуда маккор чиқиб қолди-ку, бу Федоренко!— деди.

— Энди қараб тур!— деди унга Федоренко.— Мен сенинг қўлингда ҳалол ишладим, қани, ишдан бош товлаб кўрчи...

Иш бошланмасдан олдиноқ Корито танг аҳволга тушиб қолганини билди:

— Нима қилсам экан энди? Федоренко ўз йўли блан, ер ўз йўли блан. Болалар ёмон ишладинг, Федоренкони шарманда қилдинг деса, яна ёмон.

Эрталаб далага ишга чиқиб кетишда Федоренко ҳам, Корито ҳам баравар кулишарди. Федоренко плуг устига каттакон гаврон қўйди-да, ўртоғига кўрсатиб:

— Мана бу гавронни кўрдингми? Далага чиққанимизда мен сени кўп ҳам аяб ўтирмайман,— деди.

Корито аввал аҳволнинг жиддийлигидан, кейин кулгудан қизарди.

Иш тамом бўлиб, Алёшка ўзининг ўлчов таёғини кўтариб даладан қайтди, чўнтагидан бўр қилираркан, бутун колония йиғилди, тоқатлари тоқ бўлган болалар:

— Хўш, қанча, қанча бўпти?— деб сўрадилар.

Алёшка индамасдан ва шошилмасдан, тахтага ёзди:

26 октябрь. Федоренконинг 1-нчи сводний отряди . . . 3010 кв. метр.

— Ухў, қаранглар, Федоренко уч мингга олиб чиқипти-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Федоренко блан Корито даладан қайтиб келишди. Болалар ғолиб Федоренконн олқишлаб қарши олдилар. Лапоть эса:

— Ҳамавақт Федоренко олдида Корито ип эшолмайди деб айтмасмидим! Федоренконн ҳақиқий агроном деса арзийди,— деди.

Федоренко Лапотьга гумонсираб қараб қўйдию, аммо унинг бундай мажкор сиёсатига бир оғиз индамади, чунки бу гаплар далада эмас, ҳовлида гапирилаётган бўлиб, Федоренко плугнинг титраб турган бандини зўр бериб ушлаб турмас эди-да.

— Қандай қилиб ютқизиб қўйдинг, Корито?— деб сўради Лапоть.

— Шунинг учунки, қоидага мувофиқ бўлмади, колонист ўртоқлар. Федоренко далага гаврон кўтариб чиқди, бутун гап шунда.

— Ҳа, тўғри, гаврон кўтариб чикдим,— деди Федоренко,— плугни тозалаб туриш керак эди-да...

— Сени аяб ўтирмайман ҳам дединг...

— Нега аярканман? Ҳозир ҳам айгишим мумкин: сени нега аяйман, қиз боламассан-ку.

— Гаврон блан елкангга неча марта солди?— деб сўради болалар.

— Мен гавронидан қўрққаним йўқ, ўзим яхши ишладим, бир марта ҳам ургани йўқ. Федоренко плугни гаврон блан ҳам тозаламади.

— Бу гавронни запасга олиб қўювдим... даладан бошқасини... яхшисоғини топиб олгандим...

— Агар бир марта ҳам елкангга солмаган бўлса — айб ўзингда экан,— деб тушунтирди Лапоть.— Ўзинг нотўғри сиёсат тутибсан-де, Корито. Шошилмасдан, командир блан олишиб ишлашинг керак эди. Ана ўшанда елкангга гаврон блан туширарди, шунда ишнинг олчи бўларди: командирлар совети, бюро, умумий мажлислар!..

— Билмабман,— деди Корито.

Шундай қилиб, усталик ва абжирлик кўрсатганлиги учун биринчилик Федоренкода қолди.

Куз ҳам тугаб қолди, етиштирган мўл ҳосилни йигиштириб, жойлаштириб бўлдик. Харьковга кетганларни согинабошладик. Аммо кундалик иш ва шўх болалар илгаригидек ҳар куни кечқурун бизга кулги, шодхуррамлик бахш этарди, ҳатто Екатерина Григорьевна ҳам:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Коллективимиз жойида, кетганларнинг йўқлигини билдирмайди,— деб иқрор бўлди.

Ростини айтганда, кетганларнинг йўқлиги билинмаслиги кераклигини энди мен янада чуқурроқ тушундим. Рабфакчиларимизнинг Харьковга бориб имтиҳондан муваффақиятли ўтганликлари, уларнинг колонист ҳамда еттинчи сводний отряд а'золари бўлган ҳолда бошқа шаҳарда туриб ўқишлари колонияда қандайдир яхши умидлар туғдирар эди. Еттинчи сводний отряд командири Задоров ҳар ҳафтада бир мартадан рапорт юбориб турарди, бу рапортларни биз умумий мажлисда ҳаммага ўқиб эшитдирардик, болалар рапортлардан мароқланар ва ма'қуллар эдилар. Задоров рапортларни жуда муфассал ёзар, кимнинг қайси дарсдан қийналганини билдирар ва гайрирасмий гапларни ҳам қистириб кетар эди:

«Семён черниговли бир қизни яхши кўриб қолаётганга ўхшайди. Унинг номига хат ёзиб юборинглар, бундай нарсаларни миясидан чиқариб ташласин. Вершнев дангасалик қилмоқда, рабфакда ҳечқанақа медицина ўтилмас экан, грамматикаси жонимга тегди дейди. Хатда жойиб қўйинглар, тентаклигини ташласин».

Бошқа бир хатда Задоров бундай деб ёзарди:

«Оксана блан Рахиль бизникига кўп келиб туришади. Биз уларни тузланган мой блан сийлаб турамиз, улар эса бизга ўқишда ёрдам беришади: Кольканинг грамматикадан, Голоснинг эса арифметикадан мазаси йўғроқ. Шунинг учун биз, Оксана блан Рахильни еттинчи сводний отрядга қабул қилишни командирлар советидан илтимос қиламиз, иккови ҳам интизомдан чиқмайди».

Шурка яна ёзарди:

«Оксананинг ҳам, Рахильнинг ҳам оёғида ботинкаси йўқ, олишга пуллари ҳам йўқ. Биз ўзимизнинг ботинкаларимизни яматтириб олдик, кўп қатнашга тўғри келади, бу ернинг ҳамма кўчаларя тош экан. Антон Семёнович юборган пул одош бўлди, чунки у пулларни китоб ҳамда менинг черчениям учун готовальняга сарфлаб тамомладик. Оксана блан Рахильга ботинка олиб бериш керак, та'минот базасида етти

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўмлик ботинкалар бор экан. Овқатимиз тузук, аммо шуниси ёмонки, кунда бир маҳал овқат беради, олиб келган ёгимизни еб бўлдик. Семён жуда кўп мой ейди. Агар яна ёғ юборсангиз, хатда Семёнга айтинглар, озоздан есин».

Болалар умумий мажлисда суюна-суюна пул юборилсин, ёғ мўлроқ юборилсин, Оксана блан Рахиль еттинчи сводний отрядга қабул қилинсин, уларга колонист значоклари юборилсин, Семёнга эса ёг масаласида ҳечнима дейилмасин, уларнинг бошида командирлари бор, ёғни командирнинг ўзи расамади блан бўлиб берсин, Вершневга жинни бўлма деб хат ёзиб юборилсин, Семёнга черниговли қиз деб бошини йўқотмасин, жуда зарур бўлиб қолган бўлса, черниговли қизнинг ўзи командирлар советига хат ёзсин, деган қарор қабул қилди.

Лапоть, умумий мажлисларни жуда қизитишга, мароқли қилишга, амалий масалаларни муҳокама қилишга жуда уста эди, рабфакчиларга ёзиладиган хатларни ҳам жуда боплаб ёзишда қизиқ-қизиқ гаплар топарди. Черниговли қиз командирлар советига хат ёзсин деган таклиф ҳаммага ма'қул тушди ва кейинчалик бу таклиф бирқадар кенгроқ ма'нюга эга бўлди.

Харьковдаги еттинчи сводний отрядимизнинг ҳаёти мактабимизга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Рабфакнинг реал бир нарса эканлигига, истаган одамнинг рабфакка кириб ўқийолишига энди ҳамма ишонди. Шунинг учун ҳам кундан бошлаб мактабимизда ўқиш-ўқитиш ишларининг анча жонланиб кетганлиги кўриниб турарди. Братченко, Георгиевский, Осадчий, Шнайдер, Глейзер ва Маруся Левченколар рабфакка кириб ўқишга аҳд қилиб қўйдилар.

Маруся ўзининг тентаклигини бутунлай ташлаб юборди ва кейинги вақтларда Екатерина Григорьевнани жуда яхши кўриб қолди, у блан доим бирга юриб, навбатчилик қилган вақтларида унга қарашиб турар, меҳр-муҳаббат блан унга қараб қолар эди. Марусянинг озода бўлиб юриши, эски блузкаларни бошқатдан тикишлари, бўйинларини ҳам ёпиб юришлари менга ёқарди. Бизнинг кўзимиз олдида Маруся ниҳоятда кўҳлик ва сипоҳ бир қизга айланди.

Кичик ёшдаги болалар группаларидан ҳам рабфакҳиди келабошлади, гарчи рабфакка киришларига ҳали

www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқ бўлса ҳам, майда-майда болалар қайси рабфакка кириб ўқиганимиз яхши деб сўрайдиган бўлиб қолди.

Ҳаммадан ҳам Наташа Петренко ўқишга шўнғиб кетди. Унинг ёши ўн олтига етиб қолган бўлса ҳам, саводсиз эди. Ўқишнинг биринчи кунлариданоқ унинг ниҳоятда қобилиятли эканлиги ма'лум бўлди, шунинг учун мен унинг олдига, бир қиш ичида биринчи ва иккинчи группани битириш вазифасини қўйдим. Наташа, фақат киприкларини бир кўтариб қараш блан миннатдорлигини билдирди-да:

— Хўп,— деди.

У мени ортиқ амаки демасди, коллективга ҳам анча кўникиб қолди. Хулқининг жуда яхшилиги, ҳаммага ишонч блан қулиб қараши, бир тишининг қийшиқ ўсганлиги ва юз ҳаракатларининг чиройлилиги туфайли уни ҳамма яхши кўриб қолганди. Наташа ҳамон Чобот блан дўст эди. Чобот ҳам бу қимматбаҳо дўстини душманлардан ҳимоя қилиб, озор бердирмай юрарди. Аммо, Чоботнинг аҳволи кун сайин қийинлашар, чунки Наташанинг атрофида ҳеч қандай душман йўқ эди, аксинча, қиз ва ўғил болалардан бирталай дўст орттирган эди. Ҳатто Лапотьнинг ҳам Наташага бўлган муносабати ўзгариб, Наташага ҳазиллашмас, масхара қилмас, унга жуда меҳрибон ва гамхўр бўлиб қолган эди. Шу сабабдан Чоботга Наташа блан танҳо қолиб гаплишиш, тўғрироғи ўзларининг жуда махфий ишлари ҳақида бир-бирлари блан индашмай ўтириш пайтини узоқ вақт кутишга тўғри келарди.

Чоботнинг безовта бўлабошлаганини сезган эдим, шунинг учун бир куни кечқурун Чоботнинг олдимга кириб:

— Менга жавоб беринг, Антон Семёнович, акамнинг олдига бориб келай,— дейиши мени ажаблантирмади.

— Аканг борми?

— Ҳа, бор. Богодухов шаҳри ёнида деҳқончилик қилади. Мана, хат олдим:

Менга хатни узатди. Хатда бундай деб ёзилган эди:

«Қийин аҳволга тушиб қолдим деб ёзибсан, ундай бўлса меникига келавер, қадрдон укам Микола Фёдорович, меникида тураверасан, уйимиз катта, рўзғоримиз ҳам ўзимизга яраша, ёмон эмас, мен ҳам туғишган укамнинг топилганига беҳад хурсандман, агар бирон-та қизни яхши кўриб қолган бўлсанг, уни ҳам олиб келавер».

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бориб кўриб келмоқчиман.
— Наташага айтдингми?
— Айтдим.
— Нима дейди?
— Наташанинг бу ишларга ақли етмайди. Бир бориб кўриб келай, уйдан кетганимдан бери акамни кўрганим йўқ.
— Хўп, майли, борсанг бориб келақол, кўриб келасан. Аканг қулоқ бўлса керак?
— Йўқ, қулоқ деб бўлмайди, чунки битта оти бор эди, аммо ҳозиргисини билмайман.

Чобот декабрьнинг бошида жетганича дараги йўқ эди. Наташа унинг кетганини сезмагандай эди, илгаригидай сипоҳ ва кайфичоғ, илгаригидай тинмай ўқир эди. Бу қизчанинг бир қиш давомида уч группани битиришга ҳам куч етишини билдим.

Колонистларнинг ўқишга бошқа назар блан қараши колониянинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Колония анча маданийлашиб, нормал мактаб ҳолига келиб қолди. Ўқишнинг муҳимлигига ва зарурлигига энди битта ҳам колонист шубҳа қилмасди. Максим Горькийнинг ҳаётини назарда тутишимиз бу янги кайфиятнинг тобора авж олишига сабаб бўларди. Колонистларга ёзган хатларидан бирида Алексей Максимович бундай деган эди:

«Куз оқшомларида колонистларнинг менинг «Болалик» деган асаримни ўқиб чиқишларини истардим. Бу асардан улар, менинг ҳам ўзларига ўхшаган бир одам эканимни, аммо ёшлигимдан ўқишга қаттиқ берилганимни ва меҳнатдан ҳеч қўрқмаганимни кўрадилар. Дарҳақиқат, илм блан меҳнатнинг ҳамма нарсани енгишига ишонардим».

Колонистлар анчадан бери Горький блан хат ёзишиб туришар эди. Биринчи хатимизни биз «Сорренто, Максим Горькийга» деган қисқа адрес блан юборган эдик, ажабо, хатимиз бориб тегипти. Алексей Максимович дарҳол бизга меҳрибонлик ва очиқ кўнгиллик блан жавоб хати ёзиб юборди, бу хат бир ҳафтагача қўлдан қўлга ўтавериб йиртилиб кетди. Ўша вақтдан бошлаб биз мунтазам равишда хат ёзишиб турадиган бўлдик. Горькийга ҳарбир отряд алоҳида-алоҳида хат ёзарди, бу хатларни менга таҳрирга олиб келишарди, аммо мен хатларни таҳрир қилишнинг кераги йўқ, хатлар қанча содда бўлса

www.ziyouz.com kutubxonasi

Горький шунча мароқланиб ўқийди деб билардим. Шунинг учун менинг муҳаррирлик вазифам:

— Ёмон қоғозга ёзибсизлар,— ёхуд:

— Нега имзоси йўқ?— деган гаплар блан чеклапарди.

Италиядан хат келиб қолса, то менинг қўлимга келиб теккунча ҳарбир колонист қўлига олиб ушлаб кўрар, конвертдаги адресни Горькийнинг ўз қўли блан ёзганлигига ҳайрон бўлишар ва маркадаги корольнинг расмига тааж-жубланиб қараб:

— Бу итальянларга ҳайронман: қачонгача чидаб туришади, а? Корольни... бошларига урарканми?— дейишар эди.

Хатни очиш ҳуқуқи фақат менга берилган эди, мен уни икки марта ҳаммага ўқиб эшитдирардим, сўнгра хат командирлар совети секратарининг қўлига ўтарди-да, ана шундан кейин уни ишқивозлар тўйиб ўқишарди, Лалоть улардан фақат бир нарсани талаб қиларди:

— Хатга бармоқ текизилмасин, кўзларинг борми, бор, бармоқ суркаш нима керак?— деярди.

Горький хатининг ҳарбир сатридан болалар бирталай фалсафа топар эдилар, бу сатрлар шунинг учун ҳам муҳим эдики, ҳечқимда ҳечқандай шак-шубҳа қолдирмас эди. Китоб — бошқа гап. Китоб блан баҳслашиш мумкин, агар китоб нотўғри ёзилган бўлса унга ишонмаслик ҳам мумкин. Бу эса китоб эмас, Максим Горькийнинг ўз қўли блан ёзган хат эди.

Рост, дастлаб болалар Горькийни бошқа одамлардан анча баланд қўйиб, унга гўё пайгамбардай қарар эдилар, унга тақлид қилишни беодоблик деб ҳисоблардилар. Улар, «Болалик» асарида Горькийнинг ўз ҳаётида бўлиб ўтган ҳодисалар ёзилганига ишонмас эдилар:

— Ундай уста ёзучи йўқ! Умрида бунақангги турмуш ҳодисаларини кам кўрган дейсанми? Кўриб-кўриб, кейин ёзган. Еш болалигида ҳам ҳамма болаларга ўхшамаган бўлса керак.

Горький хатидаги гапларнинг ҳақиқатлигини, талантли одамларнинг ҳам кўп меҳнат қилиши ва ўқиши кераклигини колонистларга аранг тушунтирдим. Тирик инсоннинг саргузашти, кўп колонистларга ўхшаган Алёшанинг бошидан кечирганлари бизга тобора яқин ва тушунарли бўлаборди. Ана шундан кейин болалар Алексей Максимович блан кўришишни орзу қилабошладилар, унинг ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишига тўла ишонмасалар ҳам, бир келиб кетишини орзу қилабошладилар.

— Колонияга келиб бўпти! Сен ўзингни ҳаммадан яхши деб ўйласанг керак? Горький сенга ўхшаганлардан мингтасини, йўға, ўн мингтасини билар...

— Билса нима қипти? Шунча одамнинг ҳаммасига хат ёзади деб ўйлайсанми?

— Сенингча, ёзмайдими? Кунига йигирматадан хат ёзади, бир ойда қанча хат ёзган бўлади, ҳисоблаб кўр? Олти юзта хат. Билдингми?

Болалар бу масала юзасидан ҳақиқий текширув олиб боришди ва атайлаб келиб мендан: Горький кунда қанчадан хат ёзади? деб сўрадилар.

— Менимча, битта-иккита хат ёзса керак, шунда ҳам ҳар куни ёзмаса керак,— дедим.

— Йўғе, ундай эмасдир! Кўпроқ ёзса керак!..

— Ҳеч кўп эмас. Ахир, у китоб ёзади, бунга вақт керакми, ахир? Иннайкейин, уйига қанча одам келиб-кетиб турадй! Дам олиши ҳам керакми, ахир?

— Бундан чиқди, у бизга хат ёзиб юборгани учун биз Горькийнинг танишлари бўлдикми энди?

— Танишлари эмас, горькийчилар бўламиз,— дейман. У бизнинг отамиз бўлади. Кўпроқ хат ёзиб турсак, бунинг устига яна ўзи билан кўришсак — дўстлашиб кетамиз. Горькийнинг биздақа дўстлари кам.

Колонистлар коллективи ўртасида Горький образини тасаввур этиш ахир ўз ме'ёрига етди. Ана шундан кейин мен, колонистларнинг бу улуғ инсонни иззат-икром билан кўкларга кўтарибгина эмас, буюк адиблигини ҳурмат қилибгина эмас, Алексей Максимовичга самимий муҳаббат билан қараганларининг, олисда туручи, бироз сирли, ниҳоятда ажойиб, аммо шу билан бирга ҳақиқий тирик инсондан миннатдор эканларини сезабошладим.

Ўзларининг бу меҳр-муҳаббатларини изҳор этиш колонистларга қийин эди. Ўз муҳаббатларини хатда изҳор этиб ёзиш қўлларидан келмас, ҳатто уялар эдилар, чунки улар ўзлари ўз туйғуларини изҳор этмай, яшириб юришга ўрганиб қолган эдилар. Фақат Гуд ўз отряди билан бунинг йўлини топди. Алексей Максимовичга ёзган хатларида улар оёғингизни ўлчаб юборинг, биз сизга этик тикиб берамиз, деб илтимос қилдилар. Биринчи отряд, илтимосимизни Горький сира ҳам ерда қолдирмайди деб ўйларди, чунки улар этик шубҳасиз қимматга эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган бир нарса деб ўйлар эдилар; бизнинг этикдўзлик ишхонамизга камдан-кам одам этик буюртирарди, этик тикишнинг ўзи ҳам сермашаққат бир иш эди: керакли мол, тахтакач, тагчарм ва астарларни чайқов бозордан кўп қидириб топишга тўғри келарди. Этикни оёқни сиқмайдиган ва чиройли қилиб тикиш учун жуда уста этикдўз топиш керак эди. Горькийга этик ҳамиша керак бўлади, ундан ташқари, этикнинг итальян этикдўзи эмас, колонистлар тикиб берганидан хурсанд бўлади, деб ўйлашар эди.

Ўз ишига моҳир шаҳарлик бир этикдўз уста бир куни тегирмонга ун торттиргани келиб қолиб, болаларнинг бу фикрига қўшилди ва:

— Итальянлар ва французлар бунақа этик киймайди, бундай этик тикишни ҳам билмайди,— деди.— Аммо, сизлар Горькийга қандай этик тикмоқчисизлар? Унинг қанақа этикни яхши кўришини олдин билиш керак-да: тахтакачда тикилган этикни ёқтирадими ё бошлиқ солиб тикилган этикни яхши кўрадими? Этикнинг пошнаси қандай бўлиши керак, қўнжи қанақа бўлиши керак, буларни билиш керак-да... Юмшоқ қўнж бўлса унинг йўли бошқа, аммо ба'зи одамлар қаттиқ қўнжли этикни яхши кўради. Кейин, танавор масаласи: менимча, этикни шевродан, қўнжини хромдан тикиш керак. Иннайкейин, қўнжнинг қанчалик баланд бўлишини ҳам билиш керак.

Масаланинг бу қадар мураккаблигини кўриб, Гуд гангиб қолди ва мендан маслаҳат сўраб келди:

— Этик ёмон чиқса яхши бўлмас дейман? Яхши бўлмайди. Қандай этик тикканимиз ма'қул: шевро этикми ё амиркон этик тикақолайликми? Амиркон терини ким топиб беради? Менинг қўлимдан келармиди? Келмайди. Ё Калина Иванович топиб берармикан? Мен унга айтсам, Горькийга этик тикиб беришга сен паразитларга йўл бўлсин! дейди. Этик керак бўлса Италия королига этик тикадиган устага тиктираверади, дейди.

Гап устида ҳозир бўлган Калина Иванович ўз гапини тасдиқлади:

— Мени нотўғри айтди дейсанми? Ҳали Гуд ва компания деган фирма йўқ-ку? Фирманикидек этик тикиб бериш қўлларингдан келмайди. Этик тикканда шундай тикиш керакки, пайпоқ устидан ҳам киши бемалол кийиб юрсин, оёқни ҳам қавартирмасин. Сизлар қанақа этик тикишга ўрганган сизлар? Киши уч қават пайтава ўраб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кийса ҳам оёғини қавартиради, паразит. Горькийнинг оёқларини қавартириб юборсаларинг яхши бўладими?

Бу қарама-қаршиликлардан Гуд хафа бўлиб кетди, ҳатто ориқлаб ҳам қолди.

Бир ойдан кейин жавоб келди. Горький бундай деб ёзганди:

«Менга этик тикманглар. Мен қишлоққа ўхшаган жойда тураман, бу ерда ялангоёқ юрса ҳам бўлаверади».

Калина Иванович трубкасини тутатди-да, гердайиб:

— Горький жуда ақлли одам-да: сен тикиб берган этикни кийиб юришдан ялангоёқ юришни афзал кўради, чунки ҳатто кўникиб қолган Силантий ҳам сен тикиб берган этик дастидан жонидан безор бўлиб юрипти...— деди.

Гуднинг кўзлари пир-пир учиб кетди, у деди:

— Албатта, уста бу ерда, заказчи Италияда тургандан кейин, яхши этик тикиб бўлармиди? Майли, Калина Иванович, ҳали вақт бор. Ўзи бир келсин, биз унга шунақанги этик тикиб берайликки...

Куз осойишталик блан ўтиб борарди.

Маориф Халқ Комиссарлиги инспектори Любовь Савельевна Джуринскаянинг келиши биз учун катта воқиа бўлди. Джуринская Харьковдан атайлаб колонияни кўргани кепти; колонияга келадиган инспекторни мен, овчилар қувғинида қолган қашқирдай, жонсарак бўлиб кутиб олардим, Джуринскаяни ҳам худди шундай бир ҳолатда кутиб олдим. Джуринскаяни колонияга юзлари олмадек қип-қизил, вақтичоғ Мария Кондратьевна бошлаб келганди.

— Мана бу ёввойи одам блан танишиб қўйинг,— деди Мария Кондратьевна.— Илгари мен ҳам бу кишини ажойиб одам деб юрардим, кейин билсам — ўз ишининг шайдоси экан. Бу киши блан учрашишга юрагим дов бермайди: виждоним қийнайди.

Джуринская Бокованинг елкасидан ушлади-да:

— Чиқиб кет бу ердан, сенинг енгилтак гапларингсиз ҳам гаплашармиз,— деди.

— Майли,— деди Мария Кондратьевна; у кулган эди, юзидаги чуқурчалари кўриниб кетди,— бу ерда менинг енгилтаклигимнинг қадрига етучилар топилиб қолар. Болаларингиз ҳозир қаерда? Сой бўйидами?

— Мария Кондратьевна!— деб қичқирарди сой бўйи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан Шелапутин, ингичка овоз блан.— Мария Кондратьевна! Буёққа келинг, боплаб ях чана қилиб қўйдик!

Мария Кондратьевна сой бўйига қараб бораркан:

— Иккаламиз сиғамизми?— деб сўрайди.

— Сиғамиз, яна Колька ҳам сиғади! Аммо, сизнинг юбкангиз йиқилишингизга халақит беради.

— Майли, мен йиқилишга устаман,— деди Мария Кондратьевна, Джуринскаяга кўзларини сузиб қараб.

Мария Кондратьевна Коломак бўйидаги яхмалак томонга югуриб кетганидан кейин, Джуринская унинг кетидан завқ блан қаради-да:

— Жуда қизиқ жувон-а! Бу ерда ўзини уйидагидай ҳис қилади,— деди.

— Ундай бўлса майли эдия,— дедим.— Ҳаддан ортиқ шўхликлари учун тез орада наряд бераман.

— Менинг асосий вазифамни эсга солдингиз. Мен сиз блан интизом системаси ҳақида гаплашгани келдим. Демак сиз жазолаш усулини қўлдашни инкор этмайсиз, шундайми? Мана, наряд дедингиз... иннайкейин, жазолаш чораларини ҳам қўллармишсиз! Қаматтирармишсиз... нон блан сув берармишсиз...

Джуринская гавдали, юзи типтиниқ, кўзлари тетик бир хотин эди. Негадир у блан дипломатик суҳбат қилиб ўтирмасдан, тўппа-тўғрисини айтмоқчи бўлдим.

— Нон блан сув берармиш дегани нотўғри, аммо ба'зан обедсиз қолдираман. Наряд ҳам бердираман. Қаматтираман ҳам, аммо карцерга эмас, ўзимнинг кабинетимга қаматтираман. Сизга тўғри хабар қилишипти.

— Менга қаранг, бу чоралар ман' этилган-ку?

— Қонунда ман' этилмаган, аммо ҳархил сафсатабозларнинг китобини ўқимайман.

— Педология адабиётини ўқимайсизми? Жиддий суратда гапираётибсизми?

— Уч йил бўлди, ўқимайман.

— Не, уят эмасми? Умуман, мутолаа қилиб турасизми?

— Умуман мутолаа қилиб тураман. Лекин у адабиётни ўқимаганим учун уялмайман, нега уялар эканман? Педалогия адабиётини ўқийдиган одамларга жуда раҳмим келади.

— Худо ҳаққи, сизни бу фикрдан қайтаришим керак. Бизнинг педагогикамиз совет педагогикаси бўлиши керак.

Бу мунозарани тугатиш учун Любовь Савельевнага:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен сизга айтайми?— дедим.— Мен сиз блан баҳслашиб ўтирмайман. Бу ерда, бизнинг колониямизда ҳақиқий совет педагогикаси ҳукм суришига, ҳатто болаларнинг коммунистик руҳда тарбия этилаётганига қат'ий ишонаман. Сизни ё амалий тажриба ё бўлмаса жиддий бир тадқиқот — монография ишонтириши мумкин. Бундай масалалар қисқагина суҳбат блан ҳал этилмайди. Бу ерда кўп турасизми?

— Икки кун тураман.

— Жуда соз. Текшириб кўриш учун ихтиёрингизда турли воситалар бор. Айланинг, кўринг, колонистлар блан суҳбатлашинг, улар блан бирга овқат ҳам ейишингиз мумкин, ишлашингиз ҳам, дам олишингиз ҳам мумкин. Истаган хулосангизни чиқараверинг, ҳатто мени ишдан ҳам олиб ташлашингиз мумкин, агар зарур топсангиз. Узундан узоқ хулоса ёзишингиз, кўнглингизга ёққан усулни қўлла деб буюришингиз ҳам мумкин, бу сизнинг ҳақингиз. Аммо мен ўзим тўғри деб топган усул блан қўлимдан келганича ишлайвераман. Жазоламасдан туриб тарбиялаш қўлимдан келмайди, аввало бу сан'атни менга ўргатиш керак.

Любовь Савельевна колонияда икки кун эмас, тўрт кун турди, мен уни деярлик кўрмадим. Болалар унинг тўғрисида бундай дерди:

— Жуда бало хотин экан, ҳамма нарсага тушунаркан.

Любовь Савельевна колониядалигида менинг олдимга бир куни Ветковский келди-да:

— Мен колониядан кетаман, Антон Семёнович...— деб қолди.

— Ҳа, йўл бўлсин?

— Бирон ер топилиб қолар. Бу ернинг қизиғи қолмади. Рабфакка бормайман, дурадгор ҳам бўлмайман. Оламни яна бир айланиб кўрайчи.

— Кейин нима қилмоқчисан?

— Кейин бир гап бўлар. Менга ҳужжат берсангиз бўлгани.

Яхши. Кечқурун командирлар совети бўлади. Жавобни командирлар совети беради.

Командирлар советида Ветковский ўзини ёт тутиб, расмий жавоб бериш блангина қутулмоқчи бўлди:

— Бу ер менга ёқмай қолди. Мени ким мажбур этаолади? Истаган томонимга қараб кетаверaман. Нима қи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишимни ўзим биламан, у менинг ишим... Балки, ўғрилик қилиб юрарман.

Кудратийнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Нега энди бизнинг ишимиз бўлмас экан? Сен ўғрилик қилиб юрар экансану, бизнинг ишимиз бўлмас эканми? Шу гапларинг учун ҳозирнинг ўзида бўйнингдан ушлаб, тумшуғингга муштласам бизнинг ишимиз эканлигига ишонасанми?

Любовь Савельевнанинг рангги оппоқ оқариб кетди, бир нарса демоқчи бўлдию, айтишга улгурмади. Колонистлар ҳаяжонланиб кетиб, Ветковскийга бақирабошладилар. Волхов Костянинг олдига келиб турди:

— Сени касалхонага юбориш керак. Вассалом. Ҳужжатимни бер эмиш-а!.. Ё бўлмаса, тўғрисини гапир. Бирон иш топдингми?

Ҳаммадан ҳам Гуд қизишарди:

— Колониянинг атрофи деворми? Девор йўқ, ҳамаёқ очиқ. Шпана бўлсанг, тўрт томонинг очиқ, кетавер! Ё кетимдан Мардни қўшиб бориб қайтаришади деб ўйлайсанми? Бормаймиз, ўйлама. Бор, борадиган жойингга. Бу ерга нимага келдинг?

Лапоть музокарани тугатди:

— Бўлди, ҳаммаларинг ўз фикрларингни айтдинглар. Масала равшан. Костя: ҳужжатни бермаймиз.

Костя бошини эгди-да:

— Бермасаларинг берма, ҳужжатсиз ҳам кетаверараман. Йўлга ўн сўм берсаларинг бўлди,— деб пўнғирлади.

— Берилсинми?— деб сўради Лапоть.

Ҳамма жим қолди. Джуринская нима бўларкин деб жим ўтирарди, ҳатто бошини диван суянчиғига ташлаб, кўзларини юмиб ўтирарди. Коваль деди:

— Комсомолга ҳам шу масала блан мурожаат қилиб кўрди. Биз буни комсомолдан ҳайдадик. Аммо, ўн сўм деса, менимча, бериш мумкин.

— Тўғри,— деди аллаким.— Ўн сўмни аямаймиз.

Енимдан картмонимни чиқариб:

— Йигирма сўм бераман. Тилхат ёз,— дедим.

Чуқур сукунат ичида Костя тилхат ёзди, пулни чўнтагига яширди-да, бошига фуражкасини кийиб:

— Хайр, ўртоқлар!— деди.

Ҳеч ким жавоб бермади. Фақат Лапоть ўрнидан ирғиб туриб кетди-да, орқасидан эшиккача бориб:

— Ҳой, худонинг бандаси! Йигирма сўмни еб бўлга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нингдан кейин уялмай колонияга қайтиб кел! Ишлаб берасан!— деб бақирди.

Командирлар дарғазаб бўлиб тарқалишди. Любовь Савельевна ўзига келди-да:

— Қандай даҳшат! У бола блан гаплашиш керак эди...— деди.

Кейин хаёлга берилиб:

— Командирлар совети қандай кучли бир нарса экан-а! Қандай иродали одамлар!..

Эртаси куни эрталаб Любовь Савельевна қайтиб кетадиган бўлди. Антон чана қўшиб келди. Чананинг ичида ифлос похол, аллақандай қоғозлар ётарди. Любовь Савельевна чанага ўтиргандан кейин мен Антондан:

— Чананинг ичи нега мунча ифлос?— деб сўрадим.

— Улгурмадим,— деб пўнғирлади Антон, қизариб.

— Шаҳардан қайтмагунимча қамоққа бориб ўтир.

— Есть,— деди Антон ва чананинг ёнидан пари бориб турди.— Кабинетга бориб ўтирайми?

— Ҳа.

Антон менинг бундай қаттиққўллигимдан хафа бўлиб, кабинетга қараб кетди, биз индамасдан йўлга чиқдик. Вокзалга етай деб қолганда Любовь Савельевна кўлтигимдан ушлади-да:

— Бас энди, раҳмсизлик қилаверманг,— деди.— Коллективингиз жуда ажойиб экан, аллақандай мўъжиза деса бўлади. Ҳайрон бўлиб, оғзим очилиб қолди... Аммо, айтингчи... анови Антоннинг шу топда қамоқда ўтирганига ишонасизми?

Мен унга таажжубланиб қараб:

— Антон — яхши фазилатли одам. Албатта, камоқда ўтирипти. Аммо, умуман... улар чиндан ҳам ёввойи болалар.

— Қўйинг, ундай деманг. Кечаги Костяга кўючасизми? Унинг қайтиб келишига ишонаман. Жуда ажойиб экан сизлар-да! Бир-бирларингга муносабатларинг ҳам жуда ажойиб экан, ҳаммадан ҳам Костя ёқди...

Мен чуқур нафас олиб, индамай қўяқолдим.

13. Севги ва поэзия қилиқлари

1925 йил кирди. Бу йил анча кўнгилсиз бошланди.

Командир советида Опришко бирдан уйланмоқчи бўлганини айтиб, агар колония менга ҳам Оля Вороновзга

www.ziyouz.com kutubxonasi

берилгандай сеп бермаса, чол Лукашенко қизи Марияни бермайди, агар колония ўшанча рўзғор қилиб берса, мени ич куёв қилиб олишга рози, бирга рўзғор қиламиз, деди.

Командирлар советида Опришко ўзини Лукашенконинг меросхўридай ва мартабаси баланд бир одамдай тутарди.

Командирлар, бу гапнинг тагига етолмай, нима дейишларини билмай ўтирардилар. Охирида Лапоть, қўлидаги қаламининг учини кўз олдига келтириб туриб, Опришкога қаради-да, секин:

— Хўп, яхши, Дмитро, аммо ўзинг қандай ўйлайсан?— деди.— Хўп, ана, Лукашенкога ич куёв бўлиб кирдинг, кейин нима бўлади, деҳқон бўлиб қоласан-ку, а?

Опришко бурилмасдан туриб Лапотьга бир қарадида, заҳарханда блан:

— Ҳа, деҳқон десанг, деҳқон бўларман,— деди.

— Ўзингчи, ўзинг қандай ўйлайсан?

— Кейин бир гап бўлар.

— Ҳа-ҳа,— деди Лапоть.— Қани, ким гапиради?

Олтинчи отряд командири Волохов сўз олди:

— Йигитлар ўз улушини қидириб топиши керак, албатта, буни ҳечким инкор этмайди. Киши қарингунча колонияда қолмайди. Аммо, қандай ҳунарга эга бўлдик? Олтинчи, тўртинчи ё тўққизинчи отрядлагиларники майли, чакки эмас, улар темирчи, дурадгор ё тегирмончи бўлиб чиқади. Аммо, далада ишлайдиган отряд а'золарининг ҳечқандай ҳунари йўқ-ку? Деҳқон бўламан деса бўлаверсин. Аммо, Опришконинг ишига мен тушунолмай қолдим. Ахир, комсомолмисан?

— Комсомол бўлсам нима бўпти?

— Менимча, бу масалани олдин комсомол ташкилотила муҳокама қилиб кўриш керак,— деб давом этди Волохов.— Командирлар совети комсомол ташкилотининг бу масалага қандай қарашини билиши керак.

— Бу ҳақда комсомол бюросининг фикри бор,— деди Коваль.— Горький номидаги колония қулоқларни кўпайтириш учун яратилган эмас. Лукашенко — қулоқ.

— Нимага қулоқ бўларкан?— деб э'тироз билдирди Опришко.— Томи тунука бўлса қулоқ бўлавермайди.

— Оти иккитами?

— Иккита.

— Батраги ҳам борми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Батраги йўқ.

— Сергейчи?

— Сергейни халқ маорифи болалар уйидан олиб берган. Васильевка берган.

— Барибир,— деди Коваль,— маорифдан олганми, бошқа ердан олганми, барибир батрак.

— Ҳа бергандан кейин нима қилсин...

— Бергандан кейин эмиш... Агар виждонинг бўлса — олма.

Гапнинг оқибати бундай бўлишини Опришко кутмаган эди, хаёли паришон ҳолда:

— Нега энди? Ольгага бердинглар-ку?— деди.

Коваль жавоб берди:

— Биринчидан, Ольганинг йўриғи бошқа. Ольга ўзимизнинг одамга тегди, энди Павел икковлари коммунага ўтишмоқчи, биз берган мол-дун'ё бизга фойдали бўлди. Иккинчидан, сен колонист Ольгага сира ўхшамайсан. Учинчиси шуки, қулоқларни кўпайтириш бизга ярашмаган иш.

— Мен энди нима қиламан?

— Билганингни қилаверасан.

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди,— деди Ступицин.— Иккови бир-бирига кўнгил қўйиб қолган бўлса, майли, уйланаверсин. Дмитрога сеп ҳам бериш мумкин, аммо шундай шарт қўйиш керакки, Лукашенконикига эмас, коммунага кирсин. Коммунада иш бошида Ольга бўлади.

— Марусяни отаси бермайди.

— Марусянг отасининг гапига қулоқ солмасин, қўйсин.

— Бундай қилолмайди-да.

— Демак, сени қаттиқ севмас экан... қулоқ қизи бўлгандан кейин...

— Яхши кўриш-кўрмаслиги билан сенинг ишинг нима?

— Ишимиз бор, нега ишимиз бўлмас экан? Бундан чиқди, Маруся сенга мол-мато'ни кўзлаб тегмоқчи экан-да? Агар яхши кўрганда эди...

— Яхши кўришга яхши кўрадию, аммо отасининг гапидан ҳам чиқмайди-да. Коммунага киролмайди.

— Киролмаса, нега командирлар советининг бошини котириб ўтирибсан!— деди Кудлатий, қўрслик билан.— Сен қулоқнинг пинжига кириб олишни кўзлайсан, Лукашенко эса ўзига бадавлат куёв топиш пайида. Бизнинг ишимиз нима? Ел мажлисни!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лапоть мамнуният блан оғзи қулоғига етиб кулди-да:

— Маруся Опришкони қаттиқ севмаганлиги сабабли, совет мажлисини ёпиқ деб э'лон қиламан,— деди.

Опришко ҳайрон бўлганича қолди. Колонияда қовоқларини солиб, болаларга тегиб юрди, эртаси куни маст бўлиб ётоқхонада тўполон кўтарди.

Командирлар совети Опришкони маст бўлгани учун суд қилгани тўпланди.

Ҳамма қовоғини солиб индамасдан ўтирарди, Опришко ҳам девор тагида хўмрайиб турарди. Лапоть:

— Сен командир бўлсанг ҳам, ҳозир шахсий иш блан айбланасан, шунинг учун ўртага чиқиб тур,— деди.

Бизда шундай одат бор эди: ким гуноҳ қилиб қўйса уйнинг ўртасига чиқиб туриши керак эди.

Опришко раисининг юзига ўқрайиб қаради-да:

— Мен ҳечнарса ўғирлаганим йўқ, ўртага чиқиб турмайман,— деб пўнғирлади.

— Турғизамиз,— деди Лапоть, секингина.

Опришко совет а'золарига бир-бир қараб чиқди-да, ўртага тургазиб қўйишларини билди. Девор ёнидан ўзи ўртага келиб турди.

— Хўп, ана, турдим.

— Смирно тур,— деб талаб қилди Лапоть.

Опришко кифтини қоқиб, заҳархандалик блан кулиб қўйди, аммо қўлларини тушириб, қаддини ростлаб турди.

— Энди айтчи, комсомол а'зоси, отряд командири ва колонист бўлатуриб, ичиб маст бўлишга ва ётоқхонани бошингга кўтариб тўполон қилишга қандай жур'ат этдинг? Гапир!

Опришконинг табиати икки хил эди: қулай пайти келганда ўзини чапани, танти қилиб, ҳечнарсани писанд килмайдиган одам қилиб кўрсатарди, аммо аслида жуда эҳтиётқор ва айёр дипломат эди. Колонистлар буни яхши билишар эди, шунинг учун Опришконинг командирлар советида бўнчалик бўйин эгиб, итоат қилиб туриши ҳечкимни таажжубландирмади. Ветковскийнинг ўрнига яқинда кўтарилган еттинчи отряд командири Жорка Волков, Опришкога қўл силтаб:

— Дарров мўмин-қовул бўлиб қопти. Қўй оғзидан чўп олмайдиган бўлиб қопти. Эртага яна қаҳрамонлик кўрсатишга киришади,— деди.

— Шошма, ўзи гапириб берсин,— деди Осадчий.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима гапираман? Гуноҳкорман, вассалом.

— Йўқ, сен ичишга қандай жур'ат қилганингни гапириб бер.

Опришко мулойимлик блан қараб, қўлларини икки ёнга керди-да:

— Жур'ати борми? Қайғудан ичдим, маст одам қилган ишига жавобгар бўлмайди,— деди.

— Бекорларни айтибсан,— деди Антон.— Сен жавобгарсан. Жавобгар бўлмайман деб чучворани хом санабсан. Колониядан ҳайдаш керак, вассалом. Ким ичса тўппа-тўғри ҳайдаш керак... Раҳмсиз суратда...

— У хароб бўлади-ку,— деди Георгиевский, кўзларини катта очиб.— Кўча-кўйда нобуд бўлади.

— Хароб бўлиб кетаверсин.

— Қайғудан ичипти-ку, ахир! Мунча тирғилаверасизлар? Одамнинг бошига мусибат тушиб турипти-ю, булар командирлар совети қуриб, ёпишиб олганини қаранглар!— деди Осадчий ва Опришконинг мўмин-қовулдай юзига заҳархандалик блан кулиб қаради.

— Мато' олиб бормаса Лукашенко ҳам уйига киритмайди,— деди Таранец.

— Бизнинг нима ишимиз бор!— деб бақирарди Антон.— Киритмаса, Опришко бошқа қулоқни топсин...

— Ҳайдашнинг нима кераги бор?— деябошлади Георгиевский.— Эски колонист бўлса, Ҳа, тўғри, битта хато қилиб қўйипти, аммо тузалиб кетиши мумкин-ку! Маруськанинг яхши кўришини ҳам э'тиборга олиш керак-да, ахир. Бирон йўл блан ёрдам бериш керак уларга.

— Нима бу, безорими, тузалса?— деди Лапоть, ҳайрон бўлиб.— Колонист-ку!

Қаҳрамон саккизинчи отряд командири Карабанов ўрнига тайинланган Шнайдер сўз олди. Саккизинчи отрядга Федоренко ва Коритога ўхшаган полвонлар тўпланган эди. Карабанов бошчилигида бу полвонлар ўзларининг хулқ-атворларини тўғрилаб, бир-бирларига мослаб, бир-бирларига қовушиб олган эдилар, отрядга бирон топшириқ берилса Карабанов ўз одамларини шу топшириқни бажаришга дарров ташларди, улар эса энг қийин ишларни ҳам ўйнаб-кулиб, колония ша'нига муносиб равишда бажарар эдилар. Шнайдер дастлаб отрядда дарли-бедаво бир одам эди. Келганида, қопқора сочлари жингалак, озғин ва нимжон бир бола эди. Бир вақтлар Осадчий блан бўлиб ўтган воқиадан кейин колонияда

www.ziyouz.com kutubxonasi

антисемитизм бош кўтармади, аммо Шнайлерга нисбатан муносабат анча вақтгача яхши бўлмади. Шнайдер ҳақиқатан ба'зан русча сўз ва ибораларни қизиқ қилиб бузиб гапирар, дала ишларида ҳам ношудлик қиларди. Аммо, вақт ўтиб борган сари саккизинчи отрядда янги муносабатлар ҳам пайдо бўлаборди: вакти келиб, Шнайдер бутун отряднинг арзандаси бўлиб қолди. Карабанов паҳлавонлари блан фахрланадиган бўлиб қолдилар. Шнайдер жуда ақилли ва зийрак бир бола эди. Отрядда бирон кўнгилсиз ҳодиса юз бериб қолса, Шнайдер қопқора шаҳло кўзларини оҳиста тикиб, керакли сўзни қотириб гапириб ташлар эди. Колонияга келгандан бери бўйи деярлик ўсмаган бўлса ҳам, гавдаси анча бақувватлашган, мускуллари ҳам бўртиб кетган эди, шунинг учун ҳам ёзда енги калта кўйлак кийиб юришдан уялмас, қўлига омоч сопи бериб қўйилганда энди унга ҳечким масхара қилиб қарамас эди. Саккизинчи отряд уни бир оғиздан командир этиб сайлади, буни биз Карабанов иккимиз шундай деб тушундик:

— Отрядни ўзимиз ҳам эплаб кетамиз, аммо Шнайдер отрядимизнинг ҳусни бўлади.

Аммо Шнайдер, командир этиб тайинланган кунининг эртасигаёқ, Карабанов та'лимининг бекор кетмаганини кўрсатди: у, отряднинг ҳусни бўлибгина қолмай, отрядни қаттиқ тутишга қодирлигини ҳам кўрсатди; Карабановнинг бақириб-чақириб, гумбурлатиб ишлашларига ўрганиб қолган Федоренко янги командирнинг оҳиста-дўстона насиҳатларига ҳам дарров кўникабошлади.

Шнайдер деди:

— Агар Опришко колонияда янги одам бўлганда, гуноҳини кечириш мумкин эди. Аммо, ҳозир ҳеч ҳам кечириб бўлмайди. Опришко коллективнинг бетига тупурди деса бўлади. Сизлар, бундан кейин бундай қилмайди деб ўйлайсизларми? Унинг яна шундай қилишини ҳамма билади. Мен, Опришко қийналиб, азоб чекиб юрмасин дейман. Нима қиламиз, қийнаб? Бизнинг коллективимиздан чиқиб, ёлғиз туриб кўрсин, ана ўшанда билади. Қулоқларча қилиқларга йўл қўймаслигимизни бошқалар ҳам кўриб қўйсин, бошқаларга ҳам ўрнак бўлсин. Саккизинчи отряд унинг колониядан чиқарилишини талаб қилади.

Саккизинчи отряднинг талаби ҳал этучи бир талаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди: бу отрядда янги келган болалардан деярлик ҳечким йўқ эди. Командирлар менга кўз тикишди, Лапоть менга сўз бериб:

— Масала равшан, Антон Семёнович, сиз нима дейсиз?— деди.

— Ҳайдалсин,— дедим, қисқагина қилиб.

Опришко нажот қолмаганини билди-да, дипломатлик ниқобини олиб ташлаб:

— Нега ҳайдалар эканман: қаёққа бораман? Ўғрилик қилайми? Сизларни жиловлаб турадиган жой йўқ, деб ўйлайсизларми? Харьковгача борарман...

Совет а'золари кулди.

— Жуда соз бўлади-да! Харьковга борсанг, қўлингга хат қилиб беришади, яна колонияга қайтиб келасан-да, яна бояги-боягидай тураверасан. Қайтангга ўзингга яхши.

Ҳаддан ташқари бема'ни гапирганини Опришконинг ўзи ҳам сезди-ла, жим бўлди.

— Демак, битта Георгиевский қарши,— деди Лапоть, совет а'золарига бир қараб чиқиб.— Навбатчи командир!

— Есть!— деди Георгиевский, ўрнидан туриб.

— Опришко колониядан ҳайдаб чиқарилсин.

— Есть, ҳайдаб чиқарилади!— деди Георгиевский, одатдагидек салют бериб ва Опришкони боши блан эшикка имлади.

Бир кундан кейин билсак, Опришко Лукашенконикида турар экан. Икковлари қандай муросага келишган — буни билмас элик, аммо болалар бутун гапни Маруська ҳал қилди дейишди.

Қиш тугаб қолганди. Март ойида Коломакдаги музлар ҳам тамом бўлиб, болалар календарьга қарамай, вақтдан илгари келиб қолган баҳор сувларида чўмилиб ҳам олишди, чунки илк замонлардан бери ҳукм суриб келучи стихия кучлари уларни кўйлак-иштонлари блан, «куфайкалари» блан қайиқлардан, муз парчалари устидан ва сой бўйидаги дарахт шохларидан сувга иргитиб ташлар эди. Шундай қилиб грипп ҳам бўлиб олдилар.

Аммо, гриплар ҳам тугади, туман тушадиган вақт ҳам етиб келди. Кудлатий ҳовли ўртасидан «куфайкалар»ни топиб олар ва кун исимасдан икки ҳафта олдин трусик ва ёқасиз кўйлак кийдираман деб дўқ қилиб, ҳар кўкламда бўлиб турадиган жанжалини кўтарар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

14. Зорланма!

Тўнғич рабфакчиларимиз апрель ўрталарида кўклам каникулига келишди.

Улар колонияга озиб ва қорайиб қайтишди, шунинг учун Лапоть уларни ўнинчи отрядга боқувга қўйилсин деган таклиф киритди. Шуниси яхши эдики, улар колонистлар олдида ўзларининг студентликлари блан гердаймас эдилар. Карабанов ҳатто ҳамма блан кўришиб бўлмасданоқ, хўжалик ва ишхоналарни айланиб келгани кетди. Болалар ўраб олган Белухин Харьковдан, студентлик ҳаётидан гапириб берар эди.

Кечқурун ҳаммамиз сайхон жойга йиғилиб, эски одатимиз бўйича колония ишларидан гапиришиб ўтирдик. Колонияда бўлиб ўтган кейинги ҳодисалар Карабановга жуда ёқмади. У деди:

— Тўғриликка тўғри қилинган, бунга шубҳа йўқ. Раз Костяга бу ер ёқмас экан, тўғри қилибсизлар: кетса садқийсар, колониядан яхшироқ жойни топаверсин. Опришко ҳам қулоқ, бу ҳам равшан, қулоқлар ёнига кетипти, баттар бўлсин. Аммо, мундоқ ўйлаб қараса, бирон ерда хато борга ўхшаб турипти. Ўйлаб кўриш керак. Биз Харьковда янги турмушни кўриб, татиб келдик. У ерда ҳаёт бошқача экан, одамлар ҳам бошқача экан.

— Бизнинг колония одамлари ёмонми?

— Колония одамлари яхши,— деди Карабанов,— жуда яхши одамлар, аммо атрофга бир назар ташлаб кўринглар, қулоқлар кундан кунга кўпайиб кетмоқда. Бу ерда колонияга кун берадими? Е тиштирноқ блан уларни ғажиб ташлаш керак, ё бу ердан кетиш керак.

— Гап унда эмас,— деди хаёлчанлик блан Бурун.— Қулоқларга қарши ҳамма курашиши керак. Бу боқа масала. Гап бунда эмас. Гап шундаки, колонияда қиладиган иш йўқ. Юз йигирматача колонист бор, бу озмунча куч эмас, аммо ишга келганда — иш оз: экин экү, йиғиштириб ол, йигиштириб олу, яна эк. Кўп меҳнат сарф қилинадию, фойдаси кам. Хўжалик кичкина. Яна бир йилдан кейин болалар зерикиб қолади-да, бундан яхшироқ улуш қидиришга тушади...

— Гришканинг гапи тўғри,— деди Белухин, ёнимга яқинроқ ўтириб,— биз тоифадаги одамлар, я'ни боқимсиз болалар пролетар табиатли бўлади, бизга ишлабчиқариш корхонаси бўлмаса бўлмайди. Далада ишлаш яхши, да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лада одам ўйнаб-кулиб ишлайди, аммо даладан болалар нима олади? Қишлоққа, майда буржуалар орасига борай деса уялади, уялмаганда ҳам боролмайди, негаки, ишлабчиқариш қуролига эга бўлиши керак: уйли-жойли бўлиши керак, от-улов ва ҳожазолар керак бўлади. Опришко сингари қарол бўлиб кириш — бўлмағур бир иш. Қаёққа бориш керак? Паровоз ремонти заводига боришдан бошқа илож йўқ, ундай десанг, у ердаги ишчиларнинг болалари ошиб-тошиб ётипти.

Ҳамма рабфакчилар дала ишларига завқ блан киришиб кетди, командирлар совети ҳам уларни иззат-икром блан сводний отрядларга командир этиб тайинлади. Карабанов даладан ҳаяжонланиб қайтар ва:

— Далада ишлаш жону дилим-да!— дерди.— Афсуски, бундай ишдан фойда йўқ, садқийсар. Далага ғалла ўргани чиқсанг-де, бирдан ғалла ўрнига газламалар, оёқ кийимлари пайдо бўлиб қолса, машиналар, трактор лар, гармошкалар, кўзойнаклар, соатлар, папиросларетилиб турган бўлса... вой-бо-о-ой! Дунёё яратилганда нега шундай қилинмаган экан-а, падарига қусур?

Рабфакчилар Биринчи Майни ҳам биз блан бирга ўтказардилар, шунинг учун катта шодлик байрами янада завқли бўлиши кутиларди.

Колония одатдагидек эрталаб сигнал блан уйқудан турар ва сводний отрядларга бўлиниб, орқага қайрилиб қарамасдан ва ҳаётни анализ қилишга вақтини сарф қилиб ўтирмасдан, дала ишларига чиқиб кетарди. Ҳатто Евгеньев, Назаренко, Перепелятченкога ўхшаган илгари орқада судралиб келучилар ҳам энди бизни қийнамас эди.

1925 йилнинг ёз фаслига колониямиз аҳил ва мустаҳкам коллектив бўлиб келди, шу блан бирга сергайрат ва хушчақчақ ҳам эди — ҳарҳолда, сиртдан шундай кўринар эди. Фақат Чобот ишимизга халал бериб турарди, ахир Чоботга менинг кучим етмади.

Чобот март ойида акасиникидан қайтиб келгач, акасининг яхши турмушини, батраги йўқлигини айтди, акаси ўртаҳол деҳқон экан. Чобот колониядан ҳечқандай ёрдам сўрамади, сўрамадию, аммо Наташадан гап очиб қолди. Мен унга:

— Мен блан гаплашишдан нима фойда, масалани Наташанинг ўзи ҳал қилсин...— дедим.

Бир ҳафтадан кейин Чобот яна олдимга зўр ҳаяжон ичида кириб келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Наташасиз тураолмайман. Сиз айтинг, мен блан бирга кетсин.

—Менга қара, Чобот, жуда қизиқ одам экансан! У блан мен эмас, сен гапиришишинг керак.

— Агар сиз бир оғиз айтсангиз мен блан бирга кетади, мен уддалаб гапираолмайман.

— Ўзи нима дейди?

— Индамайди.

— Нега индамайди?

— Индамайди, гапирсам йиғлайди.

Чобот менга нима деркин деб тикилиб қараб ўтирарди. Уни ҳаммадан ҳам ўзи топиб келган гапнинг менга қандай та'сир этиши қизиқтирар эди. Гапининг менга оғир та'сир этганини Чоботдан яширмадим:

— Жуда пачава бўпти-ку... Майли, мен гапиришиб кўраман.

Чобот қонга тўлган кўзларини менга тикди, унинг бу тикилиши бутун вужудимни тешиб ўтиб кетгандай бўлди. У бўғиқ овоз блан деди:

— Бир гапиришиб кўринг. Аммо, шуни билиб қўйингки, агар мен блан кетмаса, ўзимни ўзим ўлдираман.

— Бу қандоқ аҳмоқона гап!— деб бақириб бердим Чоботга.— Одаммисан ё латтамисан? Уялсанг бўлмайдими?

Броқ гапим оғзимда қолди. Чобот ўзини скамейкага ташлади-да, юрак-бағри ғам-ғуссага тўлган одамдай ҳўнг-ҳўнг йиглади. Мен, унинг ўртаниб ёниб турган бошига қўлимни қўйиб, индамасдан қараб турардим. Бирдан ўрнидан ирғиб турди-да, тирсагимдан ушлаб, юзимга яқин келиб, хўрсина-хўрсина гапирди:

— Кечиринг... Сизни қийнаб юборганимни ўзим ҳам биламан... аммо нима қиларимни билмай қолдим... Менинг қанақалигимни ўзингиз биласиз, сиз ҳамма нарсани биласиз... Тиз чўкиб ўтинаман... Наташасиз туролмайман.

Чобот блан эрталабгача гапиришиб чиқдим, бутун суҳбат давомида ўзимнинг ожизлигимни ва қўлимдан ҳечнарса келмаслигини сездим. Мен унга катта ва порлоқ ҳаёт, кенг йўллар, инсон бахтининг турли-туман бўлиши, эҳтиётқорлик ва режа блан иш кўриш лозимлиги, Наташанинг ўқиши кераклиги, унинг ниҳоятда қобилиятли ва зеҳни баланд эканлиги, кейинчалик Наташанинг ҳам унга ёрдам бераолиши, уни йироқ Богодухов қишлоғига олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бориб қўймишнинг зарарли эканлиги, у ерга борса юраги сиқилиб ўлиб кетиши мумкинлиги ва яна кўп нарсалар ҳақида гапирдим, аммо гапимнинг биронтаси Чоботга таъсир қилмади. Қовоқларини солиб, гапимни тинглаб ўтирди ва:

— Ўлсам ўлиб кетаманки, аммо мен блан бирга кетиши учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилиб кўраман...— деб шивирлади.

Олдимга қандай зўр ташвиш ва ҳаяжон блан келган бўлса, шундайлигича кетди, бутун иродаси ва измини бой берган одамга ўхшаб қолганди. Эртаси куни кечқурун олдимга Наташани чақиртирдим. Менинг қисқагина саволимни киприклари титраб-титраб тинглади-да, сўнгра кўзларини менга тикиб, қўнғироқдай жаранглаган овози блан:

— Чобот мени қутқарди... энди ўқимоқчиман,— деди.

— Демак, унга тегишни ва у блан бирга кетишни хоҳламайсанми?

— Мен ўқишни хоҳлайман... Агар сиз бирга кет десангиз, кетаверaман.

Мен пўрлаб турган бу шаҳло кўзларга яна бир қарадим. Чоботнинг кайфиятини биласанми деб сўрамоқчи, бўлдиму, бироқ нима учундир сўрамадим, фақат:

— Хўп, майли, бориб хотиржам ухлайвер,— дедим.

Наташа бошини болаларча бир ёнга сал энгаштириб турди-да:

— Бирга кетмайми?— деб сўради.

Мен қовоғимни солиб:

— Йўқ, кетмайсан, ўқийсан,— дедим-да, хафа бўлиб, хаёлга ботдим. Наташанинг секингина кабинетдан чиқиб кетганини ҳам сезмадим.

Эртаси куни эрталаб Чоботни оқ уйнинг катта эшиги олдида кўрдим, у мени кутиб тургандай эди. Бошим блан имлаб кабинетимга чақирдим. Калитларимни олиб стол ғаладонларини очиб бўлгунимча у менга индамасдан қараб ўтирди ва ўзича гапираётгандай бўлиб:

— Демак, Наташа бормайдиган бўлдими?— деб сўради.

Юзига қараб, жудолиқдан бошқа ҳечнарсани ҳис қилмаётганини билдим. Чобот бир елкасини эшикка тираб, деразанинг юқори бурчагига қараб турар ва бирнималар деб пичирларди.

— Чобот!..— деб бақирдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Овозимни эшитмагандай бўлди. Эшикдан секин қўзғалди-да, менга қарамасдан, худди соядай секин чиқиб кетди.

Мен унга кўз-қулоқ бўлиб юрдим. Обеддан кейин сводний отряддан ўз жойини олди. Кечқурун унинг командири Шнайдерни чақиртирдим.

— Чобот қалай?

— Индамайди.

— Қандай ишлади?

— Сводний отряд командири Нечитайло яхши ишлади дейди.

— Бирнеча кунгача кўз-қулоқ бўлиб юр. Бирон нарса сезиб қолсанг дарров менга хабар бер.

— Биламиз, биламиз,— деди Шнайдер.

Чобот бирнеча кунгача индамай юрди, аммо кунда ишга чиқар, ошхонага ҳам келиб турар эди. Назаримда у, мен блан атай учрашмасликка тиришарди. Байрам арафасида ҳамма бинoларга шиор илиш ишини буйруқ орқали шахсан Чоботга топширдим. Нарвон топиб келиб, олдимга кирди-да:

— Мих ёздириб беринг,— деди.

— Қанча?

Шипга қараб туриб, бир нарсаларни пичирлади-да:

— Менимча, бир килограмм етар...— деб жавоб берди. Мен текшириб кўрдим. У шиорларни сидқидил блан текислар ва бошқа нарвонда турган шеригига бамайлихотир:

— Баландроқ... яна баландроқ кўтар... Шошма. Энди михла,— дерди.

Колонистлар байрам тараддудларини жуда яхши кўришар, ҳаммадан ҳам Биринчи май байрамини яхши кўришарди, чунки бу байрам кўклам байрами эди. Аммо, бу йилги Биринчи май байрамида ҳамманинг кайфи бузуқ эди. Бир кун олдин эрталабдан ёмғир ёғабошлади. Ярим соатча тинарди-да, яна ёғарди, ёққанда ҳам худди куз ёмғиридай майдалаб, шиббалаб ёғарди. Аммо, кечга бориб осмонга юлдуз тошди, фақат кунботар томондагина мўматалоққа ўхшаб кўкариб турган булут колонияга ўқрайиб, ёмон назар ташлаб тургандай эди. Колонистлар мажлис бошлангунча ҳамма ишларни битириб олишга эшиқиб, колонияда елиб-югуриб юришарди: костюмларини ҳозирлар, сартарашхонага югурар, ҳаммомга тушар, кийим-кечакларини тайёрлардилар. Оқ уй олдидаги қу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб қолган супачада барабанчилар барабанларининг мисини бўр блан ишқалаб ялтиратиб ўтирардилар. Булар эртанги кун қаҳрамонлари эди.

Бизнинг барабанчилар жуда бошқача эди. Улар пала-партиш чалучи барабанчилардан эмас эди. Горький колониясининг барабанчилари ярим йилгача полк усталаридан бекорга та'лим олмаган, уларнинг полкка бориб келиб юришига фақат Иван Иванович қарши туриб, у менга:

— Уларнинг усули жуда ёмон, сиз билмайсиз!— деган эди.

Иван Иванович кўзларини олайтириб, усулни гапириб берди, бу усул жуда ажойиб аллитерациядан[1] иборат бўлиб, бунда гап хотин, тамаки, пишлоқ, арава мойи ва бу ерда айтиб бўлмайдиган, аммо барабанчилик сан'атига ҳалол хизмат қиладиган яна бир сўз тўғрисида бораркан. Аммо, бу даҳшатли усул ўзининг тарбиявий ишини яхши бажарар эди, бизнинг барабанчилар чаладиган маршлар ўзининг гўзаллиги ва ма'нодорлиги блан ажралиб турарди. Бундай маршлар бирнечта эди: юриш марши, тонг марши, байроқ марши, парад марши, жанговар марш. Бу маршларнинг ҳарбирида ўз сайрашлари, бир текисда эшитиладиган кескин стаккатолар, қандайдир паст, аммо нозик гулдирашлар, бирдан эшитилиб қолучи музикали иборалар, шўх ва ўйноқи танца оҳанглари бўлар эди. Барабанчиларимиз ўз ишларини шу қадар яхши ва ўхшатиб бажарар эдики, ҳатто халқ маорифининг кўп инспекторлари эшитиб, уларнинг сан'ати ижтимоий тарбия ишига ҳечқандай ёт идеология киритмаслигига иқрор бўлдилар.

Кечқурун колонистлар мажлисида байрамга қанчалик тайёргарлик кўрганимизни текшириб чиқдик, фақат бир масалани, я'ни ёмғир ёғиш-ёғмаслигини аниқлайолмадик. Болалар ҳазиллашиб, навбатчиларга яхши обиҳаво бўлишни та'мин этиш буйруқда кўрсатилсин дейишарди. Мен ёмғир ёғади дердим, Калина Иванович ҳам, Силантий ҳам, ёмғир ёғиш-ёғмаслигини биладиган бошқа ўртоқлар ҳам шу фикрда эдилар. Аммо колонистлар бизнинг гумонимизга э'тироз билдирар ва:

— Ёмғир ёғса нима қипти?— деб бақиришарди.

---

[1] *Аллитерация* — ше'рда, қисман прозада бир хил ёки оҳангдош сўзларни такрорлаш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳаммангиз шалаббо бўласизлар.

— Биз шакардан эмасмиз-ку, эриб кетармидик?

Эрталаб ёмғир ёғса шаҳарга бориш-бормаслик масаласини овозга қўйишга тўғри келди. Мен блан уч киши қарши чиқди. Мажлис аҳли завқланиб куларди, кимдир биров:

— Биз ютдик!— деб қичқириб ҳам қўйди.

Шундан кейин мен:

— Бўпти бўлмаса, раз қарор қилдикми, тепамиздан тош ёғса ҳам борамиз,— дедим.

— Тош ёғса ёғаверсин!— деб қичқирди Лапоть.

— Аммо, билиб қўйинглар-ки, зорланиш бўлмасин! Ҳозир ҳаммангиз ботирсизлар, эртага думларингни қисиб, вой, ҳамаёғим ҳўл бўлиб кетди, вой, совуқ едим деб зорланасизлар...

— Зорланган кунимиз бўлганми?

— Демак, келишдик — ҳечким зорланмайди-а?

— Зорланмаймиз!

Эрталаб бутун осмонни қора булут қамраб олди ва маккор ёмғир майдалаб ёғиб турди. Ёмғир ба'зан жалага айланар, сўнгра яна секинлар эди. Офтоб чиқишига ҳеч умид йўқ эди.

Оқ уйда мени походга тайёр турган колонистлар кутиб олди: улар менинг юзимга диққат блан тикилиб қарадилар, аммо мен жўрттага жиддий қиёфага кирган эдим. Кўп ўтмай ҳар бурчакдан:

— Зорланма!— деган пичинг эшитилабошлади.

Қўйнимга қўл солиб кўриш учун болалар ёнимга байроқдорни юборишди, байроқдор келиб:

— Байроқни ҳам оламизми?— деб сўради.

— Байроқсиз қаёққа борардинг?

— Анови... ёмғирни айтаман...

— Шу ҳам ёмғирми? Шаҳарга етгунча байроқ жилди олинмасин.

— Есть, байроқ жилди олинмасин!— деди қисқагина қилиб байроқдор.

Соат еттида ҳаммани йиғишга сигнал чалинди. Буйруқда айтилган вақтда колонна шаҳарга қараб йўл олди. Шаҳар марказигача ўн километрча келарди, ёмғир тобора жадалларди. Шаҳар майдонига етганимизда ҳечкимни кўрмадик,— намойишнинг қолдирилгани аниқ эди. Колонияга қайтишда жалада қолдик, аммо энди бизга барибир эди: ҳаммамиз шалаббо бўлиб кетган эдик, менинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

этигимдан эса ёмғир суви худди челакдан тошгандай тошарди. Колоннани тўхтатдим-да:

— Барабанларимиз ҳўл бўлиб қолди, келинглар, ашула айтамиз,—дедим.— Э'тиборларингизни ба'зи қаторлар текис юрмаётганига, оёқ ҳам баравар ташланмаётганига жалб қиламан. Бундан ташқари, бошни баланд кўтариб юриш керак.

Колонистлар ўртасида кулги кўтарилди. Уларнинг юзларидан шариллаб сув оқарди.

— Шагом марш!

Карабанов ашула бошлади:

Кўрган кунинг, эй чўпон,
Ит кунидан ҳам ёмон.

Аммо, ашула сўзлари бизнинг аҳволимизга шу қадар мос бўлиб тушдики, ҳамма яна хахолаб кулиб юборди. Ашуланинг шу банди иккинчи марта такрорланганда ҳамма қўшилди, сел сувлари тошиб ётган кимсасиз кўчаларда ашула янгради.

Менинг ёнимда, биринчи қаторда Чобот борарди. У ашулага қўшилмасдан, ёмғирга ҳам парво қилмасдан, олдиндаги барабанчиларни ҳам кўрмасдан, олисларга қараб, менинг кузатиб боришимни ҳам сезмай, индамай борарди.

Вокзалдан ўтганимиздан кейин вольно юришга рухсат бердим. Ҳаммадан ёмони шу эдики, ҳечкимда бирон-та қуруқ папирос ёки бир чаким махорка қолмаган эди, шунинг учун ҳамма менинг портсигаримга ёпирилди. Болалар мени ўртага олишди-да, ғурур блан:

— Ҳечким зорланмайди-ку,— деб мақтанишди.

— Шошмай туринглар, ҳов анови муюшдан ўтганимиздан кейин тош ёғади, ана ўшанда нима деяркансизлар?

— Тош ёғса-ку ёмон бўладия, албатта, аммо тошдан ҳам ёмон нарса бўлади, масалан—пулемёт,—деди Лапоть.

Колонияга кириш олдидан яна саф тузиб, сафларимизни текислаб олдик ва гарчи овозимизни жадаллашиб боручи жала ва бирдан худди қайтиб келишимиз шарафига салют бергандай момақалдироқ гумбурлаши босиб кетса ҳам, яна ашула бошладик. Колонияга бошларимизни баланд кўтариб, шаҳдам қадамлар блан кириб бордик. Ҳар вақтдагидек, байроққа салют бердик, шундан кейингина ҳамма ётоқхонага югуришга шайланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яшасин Биринчи Май! Урра!— деб қичқирдим.

Болалар ҳўл фуражкаларини осмонга ирғитишди, урра деб қичқиришди ва команда берилишини кутиб ўтирмасданоқ, менинг ёнимга югуришди. Мени кўтариб осмонга ирғитишди, этигимнинг қўнжидан яна устимга шариллаб сув қуйилди.

Ярим соатдан кейин клубга яна бир шиор қоқиб қўйилди. Узун алвонга:

— З о р л а н м а!— деган сўз ёзиб қўйилди.

15. Қайсар одамлар

Чобот учинчи май кечаси ўзини ўзи осди.

Мени соқчи отряд уйғотди, дераза тақиллашини эшитиб, нима гаплигини дарров пайқадим. Ҳозиргина арқондан туширилган Чоботни отхона ёнида, фонис ёруғида ҳушга келтиришга ҳаракат қилишарди. Екатерина Григорьевка ва болалар кўп уринғандан кейин Чобот нафас олди, аммо ҳушига келмай, кечқурун жон берди. Шаҳардан чақирилган врачлар Чоботни қутқазиб қолишнинг иложи йўқ эди дейишди: у ўзини отхона балконига осиб ўлдирган эди; балконнинг четига келиб туриб, бўйнига сиртмоқни илган, кейин ўзини пастга ташлаган бўлса керак: бўйин умуртқаси шикастланган экан.

Чоботнинг ўзини ўзи ўлдиришига болалар вазминлик блан қарашди. Ҳечким ачинғандай ҳам бўлмади, фақат Федоренко:

— Аттанг, яхши казак эди, яхши будённийчи бўларди,— деди.

Брок Лапоть Федоренкога бундай деб жавоб берди:

— Чобот қаёқдаю, Будённий қаёқда! Қайсар эди, қайсарлигича ўлиб кетди. Бахиллиги бошига етди.

Коваль, Чоботнинг тобути ўрнатилган клуб томонга нафратланиб қараб-қараб қўярди, фахрий қоровулда туришга ҳам кўнмади, кўмгани ҳам бормай:

— Аҳмақона қилиқлари блан оёқ остида ўралишиб юручи Чоботга ўхшаган одамларни ўз қўлим блан осиб ўлдирардим!— деди.

Фақат қизлар йиглади, шунда ҳам Маруся Левченко ба'зан кўзларини артарди-да, даргазаб бўлиб:

— Ўлсин аҳмақ бўлмай, бефаҳм! «Мен блан бирга рўзғор қурасан» эмиш-а! Наташа бошига урармиди уни?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бормай ажаб қилди! Чоботга ўхшаганлар озми, ҳаммасининг гапига кўнавериш керакми? Ордона қолсин, бунақаларнинг ҳаммаси ўзини ўзи осиб ўлдирсин-е!— деди.

Наташа йиғламади. Қизлар ётоғига киришим билан қўрқиб ва ажабланиб менга қаради-да, секин:

— Мен энди нима қилай?— деб сўради.

Менинг учун Маруся жавоб берди:

— Балки, сен ҳам ўзингни ўзинг осиб ўлдирарсан? Аҳмоқнинг ўлиб кетганига шукур қилсангчи, ундан кўра! Бўлмаса, ўла-ўлгунингча азоб берарди. «Энди нима қилай» деб бош қотиришини қаранглар-а! Рабфакка киргинингда бош қотирарсан...

Наташа, жиғибийрони чиқиб турган Маруськанинг юзига қаради-да, бошини унинг биқинига қўйиб:

— Хўп, майли,— деди.

— Наталкани мен оталикка оламан!— деди Маруся, хавфсизлик билан менга кўзини қисиб.

Мен ҳазиллашиб та'зим қилдим ва:

— Марҳамат, марҳамат, ўртоқ Левченко! Сизга шерик бўлсам майлими?— дедим.

— Майли, фақат битта шартим бор: ўз ўзини осиш бўлмасин! Ўзингиз кўрдингиз-ку, ундай оталар ордона қолсин. Оталиклари тариқчаю, дилсиёҳликлари бир қоп.

— Есть, ўз ўзини осиш бўлмайди!

Наташа Марусянинг қўйнидан чиқди-да, ўзининг янги оталарига кулиб қаради, ҳатто юзига қизил ҳам югурди.

— Юр, нонушта қиламиз, қизчагинам тушмагур,— деди Маруся, кайфи очилгани ҳолда.

Бу соҳада қалбим... жойига тушди. Кечқурун терговчи билан Мария Кондратьевна келди. Терговчидан Наташани сўроқ қилмасликни илтимос қилдим. Терговчининг ўзи ҳам гапга тушунадиган одам экан, қисқагина акт тузди-да, обед қилиб, қайтиб кетди. Мария Кондратьевна қайғу тортгани қолди. Ярим кечада, ҳамма уйқуга кетганда, Калина Иванович билан бирга кабинетимга кириб, чарчоқ бир тусда диванга ўтирди:

— Колонистларингиз жуда беодоб-де! Ўртоқлари ўлипти-ю, хахолаб кулиб ўтирипти, анови Лапотингиз бўлса ҳали ҳам жиннилигини қўймайди.

Эртаси куни рабфакчиларни Харьковга кузатдик. Вокзалга кетаётганимизда Вершнев деярди:

— Болалар г-гапнинг тагига тушунишмайди. Т-турмуш ёмондирки, одам ўзини ўзи ўлдиришга қасд қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар, Н-н-наталка туфайли ўзини ўлдирди деб ўйлашади, аслда Наталка туфайли эмас, турмушнинг бунақалигидан ўз-ўзини ўлдирган.

Белухин бошини чайқаб:

— Йўқ, унақа эмас! Чоботнинг ҳеч қанақа шахсий ҳаёти йўқ эди. Чобот одам эмас, қул эди. Хўжайинсиз қолиб, Наташкани топганди.

— Айёрлик қилманглар, болалар,— деди Семён.— Емон кўрганим шу. Одам ўзини ўзи осиб ўлдирибтими, бўлди-да, рўйхатдан ўчириш қўйиш, вассалом. Эртанги кун тўғрисида бош қотириш керак. Менинг маслаҳатим шу: бутун колонияни олиб тезроқ бу ердан кочиб қолинглар, бўлмаса ҳамма болалар ўзини ўзи осиб ўлдиради.

Қайтишда колониямиз истиқболини ўйлаб келдим. Аллақандай даҳшатли кризис кўзим олдида гавдаланиб турди, мен учун шубҳасиз бўлган қимматбаҳо бойликлар,— тирик, қимирлаб турган ва беш йил давомида бутун коллектив кучи блан вужудга келган, камтар бўлсам ҳам бениҳоят фазилатларини ўзимдан яшираолмаган ажойиб му'жизанинг жарга қулаб кетиш хавфи остида тургани аён бўлди.

Бундай коллективда шахсий истиқболнинг ноаниқлиги кризис бўлишини белгилайолмас эди. Ахир, шахсий истиқбол ҳамиша ноаниқ бўлади-ку? Шахсий истиқболнинг аниқлиги дегани нима ўзи? Бу эса коллективдан кечиш, мещчанлик ботқоғига ботиш: фақат ўз нафсининг ғамини ейиш, бирон касб ортдириш орзусидир. Касб бўлганда ҳам қанақа касб денг? Дурадгорлик, этикдўзлик, тегирмончилик касби! Йўқ, мен аминманки, бизнинг совет давридаги ҳаётимизда ўн олти яшар бола учун энг қимматли ва азиз касб — курашчи ва инсон бўлишдир.

Колонистлар коллективининг қанчалик кучга эга эканлигини кўз олдимга келтирган эдим, бирдан кўзим мошдай очилди: ҳа-я, шунча ўйлаб, тополмай юрган эканманда! Бутун гап турғунликда. Коллектив ҳаётида турғунликка сира йўл қўйиб бўлмайди!

Қандай яхши фикр-а!— деб боладай суюниб кетдим. Қандай ажойиб, жозибали диалектика! Эркин ишчи коллективи бир жойда туриб қололмайди. Умумий тараққиёт бутун жаҳон қонуни ўзининг ҳақиқий кучини энди кўрсатабошлади. Эркин инсонлар коллективининг яшаш формалари — олға бориш, ўлиш формаси эса — бир ерда туриб қолишдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рост, биз қариб икки йилдан бери бир жойда туриб қолдик: ўша-ўша далалар, ўша-ўша гулзорлар, ўша-ўша дурадгорлик устахонаси, ҳар йили такрорланадиган ўша-ўша ишлар.

Ўзимнинг буюк кашфиётимни колонистларнинг кўзларига қараб текшириб кўрай деб, колонияга тезроқ етишга шошилдим.

Оқ уй эшиги олдида иккита извош турарди, Лапоть менга:

— Харьковдан комиссия келди,— деб хабар берди.

«Кўнгилдагидек бўлди, ҳозироқ масалани ҳал қиламиз» деб ўйладим.

Кабинетда мени Любовь Савельевна Джуринская ва тўладан келган, бироз уринган тўққизил кўйлак кийган, ёши анчага бориб қолган, аммо кўзлари тетик бир хотин, улар ёнида савлатсиз, соқоли бор-йўқлигини билиб бўлмайдиган маллабашара бир одам кутиб ўтирарди, унинг бир қўлида портфель, бошқа қўли блан ҳадеб бурнига тушиб кетаётган кўзойнагини тўғрилаб қўяр эди.

Любовь Савельевна мени ёнидагилар блан таништирархан, ўзини менга кулиб қарашга мажбур этди:

— Ана, ўртоқ Макаренко ҳам келиб қолди. Танишинглар: Варвара Викторовна Брегель, Сергей Васильевич Чайкин.

Варвара Викторовна Брегельни колонияда нега кутиб олиш мумкин эмас? У менинг бевосита бошлиғим, аммо анови Чайкин дегани бу ерда нима қилиб ўтирипти? Унинг отини эшитганман, педагогика профессори дейишган эди. Е, бironта болалар уйида мудирмикин?

Брегель:

— Атайлаб сизнинг усулингизни текширгани келдик,— деди.

— Қат'иян норозиман!— дедим.— Менинг ҳечқанақа усулим йўқ.

— Бўлмаса, қайси усулда ишлайсиз?

— Оддий усулда, совет усулида.

Брегель заҳарханда жилмайди.

— Совет усули бўлса бордир, аммо оддий усул деб бўлмайди. Ҳарҳолда текшириш керак.

Суҳбатларнинг энг расвоси бошланди: бундай суҳбатларда одамлар одатда бутун ҳақиқатни фақат терминлар белгилайди деб ўйлаб, нуқул терминбозлик қиладилар. Шунинг учун мен:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бундай тарзда суҳбатлашаолмайман. Истасангиз, доклад қилиб бериш мумкин, аммо олдиндан айтиб қўяй: доклад камида уч соатга чўзилади,— дедим.

Брегель рози бўлди. Дарҳол кабинетни ичидан бекитиб олдик, мен машаққатли ишга киришдим: беш йил давомида йиғилган таассуротлар, мулоҳазалар, шубҳалар ва синовларни сўз билан ифодалайбошладим. Назаримда сўзамоллик билан гапираётибман, нозик-нозик тушунчаларни аниқ иборалар билан айтаётибман, шу маҳалгача сирли кўринган соҳаларни таҳлил ништари билан авайлаб ва шу билан бирга дадил ёриб кўрсатаётибман, келажакни, эртанги кун машаққатларини очиб ташлаётибман деб ўйлардим. Ҳарҳолда, самимият билан гапирдим, ҳарқандай хурофотни аямай ва ба'зан «назария»нинг ҳам менга ёт ва уч пулга қиммат кўринганини айтишдан қўрқмадим.

Джуринская менинг гапимни мароқланиб, юзлари қипқизарган ҳолда тингларди. Брегель юзига ниқоб тортгандай ўтирарди, Чайкинга эса парво ҳам қилмасдим.

Гапириб бўлганимдан кейин Брегель йўғон бармоғи билан столни бирпас чертиб ўтирди-да, самимият билан гапираётганини ҳам, масхара қилаётганини ҳам билиб бўлмайдиган бир оҳангда:

— Хўш... Тўғрисини айтиб қўяқолай: жуда ажойиб, жуда ажойиб экан. Тўғрими, Сергей Васильевич?— деди.

Чайкин кўзойнагини тўғрилаб қўйишга уринди, кўзларини блокнотига тикди-да, олим кишиларга хос бўлган мулойимлик билан, аммо юзида сун'ий ҳурмат акс эттирган бир ҳолда, шундай нутқ сўзлади:

— Масалани ҳартомонлама ёритиб беришингиз тўғри бўлди, яхши... аммо мен, бизга ҳаяжон билан илтифот этиб гапириб берган ба'зи теоремаларингизга ҳозир ҳам шубҳаланиб турибман; албатта, сизнинг ҳаяжонланиб гапришингиз сизнинг пухта э'тиқодингизни кўрсатади. Яхши. Мана, масалан, биз илгари ҳам билган бир нарса тўғрисида сиз гапирмай ўтдингиз. Колонияингизда тарбияланучилар ўртасида рақобатга ўхшаган бир нарса пайдо бўлган: яхши ишлаган болани мақташар экан, ёмон ишлаганни койишар экан. Ер ҳайдаш вақтида шундай рақобат бўлгани ростми? Бу ҳақда гапирмай кетдингиз, балки унутгандирсиз. Мен шу тўғрида фикрингизни эшитмоқчи эдим: рақобатни биз, нарсага нисбатан тўғри муносабат бўлмай, қинғир муносабат бўлгани учун буржуа усули деб ҳисоблаймиз, шу ма'лумми сизга? Шунга жавоб

www.ziyouz.com kutubxonasi

берсангиз. Бу бир. Иккинчиси: болаларга чой пули берар экансиз, тўғри, фақат байрам кунларида берар экансизу, шундай бўлса ҳам ҳарҳолда берилар экан, аммо берилганда ҳаммага баравар берилмасдан, болаларнинг қилган меҳнатига қараб берилар экан. Ички рағбатлантиришни ташқи рағбатлантириш блан, бунинг устига моддий жиҳатдан рағбатлантириш усули блан олмоштирган бўлмайсизми? Яна: сиз боя жазолаш тўғрисида гапириб кетдингиз. Жазолаш қул тарбияси эканлигини билсангиз керак, бизга қул эмас, ўз хатти-ҳаракатларини ички рағбат ва сиёсий онг асосида қиладиган эркин шахслар керак...

Чайкин деган бу одам яна бирмунча вақт алланималарни вайсаб ўтирди. Унинг гапини тингларканман, Чеховнинг бир ҳикояси эсимга тушиб кетди: ҳикояда пресспапье блан одам ўлдириш воқиаси тасвирланарди; кейин мен, йўқ, Чайкинни ўлдириш эмас, роса савалаш керак, савалаганда ҳам хивич блан эмас, пошшо замонида қўлланган қамчи блан ҳам эмас, ишчилар шимга тақиб юрадиган оддий тасма блан савалаш керак, деб ўйладим. Бундай қилинса мафкуравий жиҳатдан тўғри бўларди.

Брегель Чайкиннинг гапини бўлиб, мендан:

— Нимага жилмаясиз? Ўртоқ Чайкиннинг гаплари кулгилими?— деб сўради.

— Йўғе, нега кулгили бўларкан...— дедим.

— Қайғулими?— деб жилмайди, ахир Брегельнинг ўзи ҳам.

— Йўқ, нега, қайғули ҳам эмас. Табиий бир нарса.

Брегель юзимга тикилиб қаради-да, чуқур нафас олиб, ҳазиллашиб деди:

— Биз жуда қайсар эканмизми?

— Зарари йўқ, мен қайсар одамларга ўрганиб қолганман. Бу ерга сизлардан ҳам қайсарроқ одамлар келиб турали.

Бирдан Брегель қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбориб:

— Ҳеч ҳазилингизни қўймас экансиз-да, ўртоқ Макаренко,— деди, кулиб бўлиб.— Ҳарҳолда, Сергей Васильевичга бирон жавоб айтарсиз?

Брегельнинг бетига меҳри товлаб кетган одамдай қарадим-да:

— Менимча, бу масалалар блан ҳам илмий-педагогика комитети шуғулланиши керак. Ахир, у ерда ўтирганлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар нарсани қоидаси блан боплашадими? Келинг, яхшиси, обеддан қолмайлик,— дедим.

— Билганингиз,— деди Брегель, унинг бироз аразлагани равшан эди.— Ҳа, айтмоқчи, Опришко деган болани ҳайдаб юборибсизлар, бирон воқиа бўлдими?

— Пиянисталиги учун ҳайдадик.

— Ҳозир қаерда? Кўчада қолгандир-да, албатта?

— Йўқ, ёнимизда, бир қулоқникида туради.

— Ҳа, ҳа, васийликка бердик денг?

— Шунга яқинроқ,— деб жилмайдим.

— Уша ерда туриши аниқми? Яхши биласизми?

— Ҳа, яхши биламан: Лукашенко деган шу ерлик қулоқникида туради. Лукашенко жуда сахий одам: икки боқимсиз болага «васий» бўлган.

— Хўп, биз буни текшириб кўрамиз.

— Марҳамат.

Обед қилгани кетдик. Обеддан кейин Брегель блан Чайкин алланималарни ўз кўзлари блан кўриб билмоқчи бўлганларини айтишди, шапкамни бошимдан олдим-да, Любовь Савельевнага қараб дедим:

— Қимматли, жонажонимиз, қадрдонимиз Наркомпрос! Бизга бу ер торлик қилиб қолди, қиладиган ҳамма ишларни қилиб бўлдик. Яна ярим йил шу ерда турсак жинни бўлиб кетамиз. Бизга энди бошни айлантириб қўядиган каттароқ иш топиб бермасангиз бўлмайди. Сизларда иш тўлиб ётипти-ку! Сизларда принципдан бошқа нарсалар ҳам бордир!

Любовь Савельевна кулди ва:

— Тушундим, тушундим,— деди.— Бир иложини қиларміз. Юрингчи, бир батафсил гапиришиб олайлик... Шошманг, шошманг, сиз ҳамон келажакдан гапирасиз. Бизнинг ревизиямиздан хафамисиз?

— Йўқ, йўқ, марҳамат! Шундай бўлмай, иложи борми?

— Чайкиннинг хулосалари ва саволлари сизни безовта қилгани йўқми?

— Нега безовта қиларкан? Бу масалалар блан илмий-педагогика комитети шуғулланмайдими? Ўшалар безовталанаверсин, менга нима...

Брегель кечқурун ётгани кириб кетаркан, таассуротларини гапириб берди:

— Коллективингиз жуда ажойиб экан. Аммо, бунинг аҳамияти йўқ, усулларингиз жуда ёмон усул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен, яхшиям ҳали у, барабанчиларни ўқиттирганимизни билмайди деб, ичимда севиниб кетдим.

— Яхши ухлаб туринг,— деди Брегель.— Ҳа, айтмоқчи, Чоботнинг ўлимида сизни ҳечким айбламайди...

Мен унга та'зим блан чуқур миннатдорлигимни билдирдим.

16. Запорожье

Яна ёз келди. Сводний отрядлар яна офтоб чиқмасдан дала ишларига тушар эди. Байроқни қўлдан бермайдиган тўртинчи сводний отряд яна вақти-вақти блан ишга чиқадиган бўлди, унга ҳамон ўша Бурунининг ўзи командирлик қилар эди.

Июньнинг ўрталарида колонияга рабфакчилар келишди ва иккинчи курсга ўтишлари муносабати блан олиб келган шодлик тантанасидан ташқари, Оксана ва Рахиль деган иккита янги а'зо ҳам олиб келдилар; уларга колонист номи берилганлиги учун колонияга келмасдан илож-лари ҳам йўқ эди. Улардан ташқари, қош-кўзлари қопқора черниговли қиз ҳам келди. Черниговли қизнинг оти Галя Подгорная эди. Семён уни колонистларнинг умумий мажлисига олиб кирди-да, ҳаммага кўрсатиб:

— Шурка мени мана шу черниговли қизга ҳадеб қарайвермасин деб сизларга хат ёзган эди. Комсомол сифатида сўз бериб айтаманки, ҳеч гап бўлгани йўқ. Гап нимада? Гап шундаки, Галя Подгорнаянинг каникул вақтида борадиган ҳеч жойи йўқ. Ким ҳақли, ким айбдор, ўзинглар ҳал қилиб беринглар, колонист ўртоқлар,— деди.

Семён ерга ўтирди,— мажлис паркда бўлаётган эди.

Черниговли қиз бизнинг оёқлари, қўллари, ба'зиларининг эса қоринлари очилиб турган колонистларимизга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Лапоть лабларини юмиб кўзларини қисди-да, киприксиз каттакон қовоқларини учириб, хирилаган овоз блан деди:

— Қани, айтингчи, черниговли ўртоқ... анави...

Черниговли қиз ҳам, мажлис аҳли ҳам сергакланди.

— ...«Отче наш»ни[1] биласизми?

Черниговли қиз жилмайди, уялди, юзлари қизарди ва хижолат тортиб:

---

[1] *«Отче наш»* — христиан динидаги оятлардан бири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, билмайман...— деди.

— Ҳа-ҳа, билмайман денг?— деди Лапоть ва лабларини янада қаттиқроқ юмди-да, яна қовоқларини учириб.— «Верую»ни[1] биласизми?

— Йўқ, билмайман...

— Ҳа-ҳа, буни ҳам билмайман денг? Днепрни сузиб ўтаоласизми?

Черниговли қиз атрофга саросималаниб қараб:

— Билмасам... Ўзим яхши сузаман, сузиб ўтсам керак...— деди.

Лапоть мажлис аҳлига қайрилиб қаради, унинг афти бир нарса устида бош қотириб турган нодонга ўхшарди: юзларини дўппайтирар, кўзларини юмиб-очар, бир бармоғини мих қилиб, бурнини кўтариб турарди, бу ҳаракатларни у кулмасдан, ниҳоятда жиддий тусда қиларди.

— Демак, билдикки, «Отче наш»ни билмас экан, «Верую»ни ҳам билмас экан, Днепрни сузиб ўтаоларкан. Е сузиб ўтаолмайдими?

— Сузиб ўтади!— деб қичқиради мажлис аҳли.

— Хўп, бўпти. Агар Днепрни сузиб ўтаолмаса, балки Коломакни сузиб ўтар?

— Коломакни сузиб ўтади!— деб қичқиради болалар, қота-қота кулиб.

— Демак, бизнинг баҳодир запорожьелилар колониясига муносибми?

— Муносиб, муносиб.

— Қайси қўрга тайинлансин?

— Бешинчи қўрга.

— Ундоғ бўлса, бошидан қум сочинглар-да, қўрга олиб боринглар.

— Ҳой, мана бунинг нотўғри!— деб қичқиради Карабанов.— Фақат кошевойларнинг[2] бошига қум сепиларди-ку...

— Менга айтчи, казак, турмуш олдинга бораётиптими ё бормаётиптими?— деб сўрайди Лапоть Семёндан.

— Олдинга бораётипти. Нима эди?

— Олдинга бораётган бўлса бўпти. Илгари фақат кошевойларнинг бошига сепилса, энди ҳамманинг бошига сепилади.

— Ҳа-ҳа, ундоғ бўлса, тўғри!

---

[1] *Верую...* — бу ҳам христиан динидаги оятлардан бири.

[2] *Кошевой* — қўр бошлиғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Запорожьега кўчиш фикри Джуринская ёзган хатлардан бирини ўқиганимиздан кейин туғилди; ўзининг бу хатида Джуринская Хортица оролида болалар учун катта колония очиш лойиҳаси борлиги ҳақида овозалар бор, бу колониянинг асосий ўзаги Горький номидаги колония бўлса Маориф Халқ Комиссарлигидагилар кўп хурсанд бўларди, деб ёзган эди.

Бу лойиҳани батафсил ишлаб чиқишга ҳали киришилмаган эди. Менинг сўровларимга Джуринская, масала ҳалиҳозирги ҳал бўлмайди, бу ишларнинг ҳаммаси Днепрострой лойиҳаси блан боғлиқ деб жавоб берар эди.

Харьковда нималар бўлаётганини билмас эдигу, аммо колонияда кўп ишлар қилинмоқда эди. Колонистлар Днепр бўйларини, оролда яшашни, белоён далаларни, бирон фабрикада ишлашни орзу қилар эдилар. Ўзимизнинг пароходимиз бўлармиш деган гап кўп болаларни қизиқтирарди. Лапоть қизларга, қадимги қоидаларга кўра Хортица оролига қизлар қўйилмайди, шунинг учун сизларга Днепр бўйига бирон жой қуриб беришга тўғри келади деб ҳазиллашарди.

— Аммо, хафа бўлманглар,— деб қизларга тасалли ҳам берарди Лапоть.— Биз сизларга тез-тез меҳмон бўлиб борамиз, башарти ўзимизни ўзимиз осмоқчи бўлсак, оролга бориб осамиз,— қайтангга сизларга тинчроқ бўлади.

Запорожье ороли бизга мерос бўлиб қолармиш деган ҳазил аралаш орзу-хаёлларимизга рабфакчиларимиз ҳам қўшилди ва ҳали сўнмаган ўйинларимизга улар мароқ блан қатнашар эди. Ҳар куни кечқурун болалар ҳовлида қадимги запорожьелилар ҳаётига тақлид қилиб ўйнашарди, бутун колония қота-қота куларди. Бунинг учун болаларнинг аксарияти «Тарас Бульба»ни обдон ёдлаб олган эди. Бундай тақлидларга болалар жуда уста эди. Гоҳ Карабанов ҳовлига саҳна пардасидан тикилган чалвор кийиб чиқарди-да, шунақа чалвор тикиш тўғрисида лекция ўқирди; унинг айтишича, бундай чалворга юз йигирма газ мато кетарди. Гоҳ бирдан ҳовлида, ўғирлик қилиб турганда қўлга тушган запорожьелик казак даҳшатли суратда қатл этиларди. Қатл маросимида айниқса афсонавий бир деталга қаттиқ э'тибор бериларди: қатл этилучи кийлар блан уриб ўлдирилиши керак эди, аммо кий блан уриш ҳуқуқи ким қатл олдидан «бир хурма арақ» ичса, шунга бериларди. Қатл этучи колонист арақ бўлма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гани учун бир катта ҳурмада сув келтириб қўйиларди, бунча сувни ҳатто энг машҳур ва ашаддий сувхўрлар ҳам ичаолмасди. Гоҳ тўртинчи сводний отряд ишга жўнаш олдидан Бурунга булава[1] блан бунчук[2] тутқизар эди. Булава ошқовоқдан, бунчук мочалкадан қилинган бўларди, шундай бўлса ҳам Бурун бу «салтанат белгиларини» тўрт томонга та'зим бериб, ҳурмат блан қабул қилиши керак эди.

Шу тарзда ёз ўтиб борар, Запорожьега кўчиш лойиҳаси эса лойиҳалигича қолиб келарди, ўйинлар ҳам болаларнинг кўнглига урган эди. Августда рабфакчиларимиз қайтди ва ўзлари блан бирга яна бир тўда болаларни олиб кетишди, отряд командирларидан ҳам бештаси кетди. Ҳаммадан ҳам иккинчи отряд командири, менинг энг яқин дўстим ва Горький номли колонияни тузганлардан бири бўлган Антон Братченкони жўнатганимизга ачиниб қолдик. Мен тарбиялаш учун умримнинг бир бўлагини сарф этган Осадчий ҳам кетди. Бир вақтлар Осадчий ашаддий бандит эди, энди Харьков технология институтига баланд бўйли, сарвқомат, ботир ва кучга тўлган чиройлик бир йигит бўлиб кетди. Унинг ҳақида Коваль:

— Қандай яхши комсомол-а, Осадчий, жўнатиб юборишга кишининг кўзи қиймайди!— деди.

Бу гапи тўғри: Осадчий икки йил давомида тегирмончилар отрядининг командири бўлиб, битмас-туганмас ташвиш, қишлоқилар ва камбағал деҳқонлар комитетлари блан ҳисоб-китоб қилишдай оғир ишни ўз елкасида кўтариб келди.

Иркутск губернаторининг ўғли Георгиевский ҳам кетди. Унинг анкетасида: «Отаси ва онасини билмайди» дейилган бўлса-да, бу маломатли доғни ундан ювиб ташлаб бўлмади.

Шонли саккизинчи отряд командири Шнайдер ҳам, бешинчи отряд командири Маруся Левченко ҳам кетди.

Рабфакчиларни кузатиб бўлиб қарасак, горькийчиларимиз жамияти бирдан яшариб қопти. Ҳатто командирлар советида ҳам яқиндагина тирмизак деб юрилган болалар ўтирарди: иккинчи отрядга Витька Богоявленский командир бўлди, учинчи отряд командири Опришконинг ўрнига Шаровский Костя сайланди, бешинчи отрядга На-

---

[1] Атаманлик белгиси.
[2] Туғ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

таша Петренко, тўққизинчи отрядга Митька Жевелий сайланди, саккизинчи отряд командирлик вазифасига паҳлавон жусса Федоренко ахири эришди. Георгиевский уч йилдан бери командирлик қилиб келган тирмизаклар отрядини Тоська Соловьевга топшириб кетди.

Яна лавлаги ва картошкаларни ўраларга кўмдик, отхона атрофларига похол босдик, уруғлик ғаллани саралаб, баҳорга ғамлаб қўйдик, биринчи ва иккинчи сводний отрядлар яна кузги шудгорлаш ишига киришди, аммо бу сафар улар бир-бирлари бланн мусобақалашмасдан ишлар эдилар. Фақат шундан кейингина Харьковдан, Маориф Халқ Комиссарлигидан Запорожье областидаги Попов имениесини кўриб келиш тўғрисида расмий хат олдик.

Колонистларнинг умумий йиғилиши менинг ахборотимни тинглаб ва Маориф Халқ Комиссарлигининг хатини бирма-бир қўлдан ўтказиб, ишнинг жиддийлигини дарров билди. Ахир, қўлимизда Маориф Халқ Комиссарлигининг Запорожье область ижроия комитетидан Попов имениесини колония ихтиёрига беришни илтимос қилиб ёзган хати ҳам бор эди-да.

У кезларда биз, бу иккала қоғоз қўлимизда-ку, энди масала ҳал, энди эркин нафас олиб, бўшаб ётган имениелар, иши ўнгидан келмаган колониялар, ҳали уруғи қуримаган монастирьлар, ҳали жон кирмаган помешчик уялари ҳақидаги орзу-хаёлларни бир четга йиғиштириб, Хортица ороли ҳақидаги афсоналарни унутиб, дарҳол отланиб, кўчиб кетамиз деб ўйлардик.

Попов имениесини кўргани ва қабул қилиб олгани мен блан Митька Жевелийни умумий мажлис вакил қилиб сайладн, иккимиз йўлга тушдик. Митька ўн беш ёшда эди. У болалардан анчагина ажралиб турар, сводний отрядга командирлик ҳам қилган, комсомолга кирганига бир йилдан ошиб қолган, кейинги вақтда эса тўққизинчи отрядга командир этиб тайинланган эди, бу мас'улиятли вазифага у жуда лойиқ эди. Митька, янги формациядаги горькийчилар намояндаси бўлиб, ўн беш ёшда хўжалик ишларида катта тажриба орттирган, чаққон ва бақувват, ташкилотчилик қобилиятига эга эди. Шу блан бирга у, катта ёшдаги жанговар насл фазилатларини ҳам ўзига сингдирган бола эди. Колонияга келган кунидан бошлабоқ Митька, Карабановнинг жўрасидай бўлиб қолган, ўтдай ёниб турган қопқора кўзлари ва чаққонлик блан ҳаракат қилишлари Карабановга жуда ўхшарди, аммо айни вақт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да Митька, Семёндан шу блан ҳам ажралиб турардики, ўн беш ёшида бешинчи группада ўқир эди.

Митька иккимиз қишнинг қорсиз, аммо чарақлаб турган совуқ кунларидан бирида (ноябрьнинг охирлари эди) йўлга чиқиб, бир суткадан кейин Запорожьега етиб бордик. Ёш эканмиз, Горький номли меҳнат колониянинг янги ва бахтли даври тахминан шундай бошланади: округ ижроия комитетининг революцион чеҳрали, истараси иссиқ раиси бизни самимий кутиб оладию, хурсанд бўлиб кетиб:

— Попов имениесими? Горький номли колониягами? Ҳа, ҳа, бўлди, бўлди. Марҳамат, марҳамат! Мана ордер, бориб кириб олаверинглар!— дейди.

Кейин именисга борадиган йўлни билиб олишу, дарҳол колонияга қайтиб келиб:

— Тезроқ отланинглар, бўлақолинглар!— дейиш қолади, деб ўйлаган эдик.

Попов имениесининг бизга жуда ёқиб тушишига шубҳаланмас эдик. Митька иккимиз йўл-йўлакай Харьковга тушиб, Маориф Халқ Комиссарлигида ишловчи Брегель ҳузурига кирганимизда, у жиддий аёл бўлса ҳам, бизга очиқ-ёриқ:

— Поповнинг имениесими? Макаренкога боп жой-да! Попов тентакнамо одам эди: имениесига ҳархил иморатлар қуриб ташлаган... борганда кўрарсизлар. Жуда яхши имение, сизларга ҳам ёқади,— деди.

Джуринская бундай деган эди:

— Жуда яхши жой, ҳам иморатлари кўп, чиройлик ҳам. Атайлаб болалар колониясига қурилган деса бўлади.

Мария Кондратьевна ҳам:

— Жуда яхши имение!— деди.

Бу имениенинг ҳаммага ма'лум бўлганлигининг ўзи катта гап эди, шунинг учун мен ҳам, Митька ҳам толиимиз баланд экан, бу жойни биз горькийчиларга тақдирнинг ўзи икки қўллаб тутиб бермоқда, деб ўйлардик.

Аммо, ҳамма умидларимиздан фақат биттасигина тўғри чиқди: окрисполком раиси ҳақиқатан революцион чеҳрали, истараси иссиқ эди. Қолган ҳамма нарса, аввало унинг гаплари бутунлай бошқача бўлиб чиқди.

Маориф Халқ Комиссарлигининг хатини ўқиб чиқиб, раис:

— Тўғрию, аммо у ерда деҳқонлар коммунаси жойлашган-ку! Горький колонияси нима ўзи?— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раис мен блан Митькани очиқдан-очиқ тамоша қилиб ўтирарди ва, назаримда, мендан кўра Митька кўпроқ ёққанга ўхшарди, Митьканинг қопқора кўзларида хавотирлик аломатларини кўрди-да, жилмайиб:

— У ерга бориб ишлайдиганлар шунақа болаларми?— деб сўради.

Митьканинг юзи қизариб кетди, қўрслик қилиб:

— Бизнинг болаларнинг нимаси ёмон? Қайтангга сизнинг гракларингиздан яхшироқ ишларимиз.

Шу гапдан кейин Митька баттар қизариб кетди, раис ҳам илжайиб, юрагини очиб гапирабошлади:

— «Грак» деб деҳқонларни айтасизларми? Рост, ишлари расво. Аммо, у ердаги ер бир ярим минг гектар келади. Бу масала окрисполком компетенциясига кирмайди, Ер Ишлари Халқ Комиссарлигига бориб бел олишмасаларинг...

Митька ишонқирамаган одамдай бир кўзини қисиб раисга қаради:

— Сиз, юқорига қарашлик... нима дединигиз... компетенциясига кирмайди дединигизми? Буни нима деб тушунса бўлади?

— Сиз менинг тилимга тушунмасангиз ҳам, мен сизнинг тилингизга тушунар эканман... Хўп, яхши, компетенция деган сўзнинг маъносини сизга мудирингиз тушунтириб беради. Менинг қўлимдан нима келиши мумкин? Тагингизга машина бераман, бориб кўринглар. Бориб келганларинг яна яхши: коммуна блан гапиришиб кўринглар, балки бирон натижа чиқарарсизлар. Аммо, масалани фақат Харьковда, Ер Ишлари Халқ Комиссарлигида ҳал қилишга тўғри келади.

Раис кулиб туриб Митьканинг қўлини сиқди-да:

— Агар ҳамма «тирмизак»ларингиз шунақа бўлса, мен сизларнинг тарафингизни оламан,— деди.

Митька иккимиз Попов именисига бордик ва унинг кўркамлигини кўриб, ҳаловатимиздан айрилдик.

Машҳур Великий лугнинг этагида, балки бир вақтлар Тарас Бульбанинг уйи турган ерда, Днепр блан Кара-Чекрак ўртасида бирдан даштда узун-узун адирлар пайдо бўлади. Шу адирлар ўртасидан оқучи Кара-Чекрак худди ўқдай, Днепрга томон интилади, уни дарё ҳам деб бўлмайди, худди каналнинг ўзгинаси дейсиз; унинг баланд қирғоғида бир мўжиза намоён бўлади. Баланд-баланд кунгирали деворлар, девор ичкарисида — қасрлар, эр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

такларда айтилгандек чўққи ва гумбаз томлар. Манораларнинг ба'зиларидаги флюгерлар ҳали ҳам шамолда айланиб турарди, аммо деразалар валангор, бу эса мавритан ёки араб услубидаги нақшларга бутунлай қарама-қарши эди.

Икки қаватли нақшинкор минора тагидаги дарвозадан ўтиб квадрат плиталар ётқизилган каттакон ҳовлига кирдик, плиталар орасидан ўсиб чиққан украин бургасининг сурбет поялари қаттиқ совуқда қалтираб турарди, сигирлар, чўчқалар ва эчкилар плиталарнинг устини обдон булғатиб кетган эди. Биринчи қасрга кирдик. Оҳак ҳиди келтируччи изғирин шамолдан бошқа ҳечнарса йўқ эди; даҳлиздаги бир тўда ахлат устида гипсдан ясалган Венера Милосская қайкали ётарди, унинг қўллари тугул, ҳатто оёқлари ҳам йўқ эди. Шунингдек, бошқа баланд ва серҳашам қасрлардан ҳам ҳамон революция ҳиди келиб турарди. Бундай биноларни тиклашда тажрибам борлигидан ремонт қанчага тушаркан деб тахминлай бошладим. Сирасини айтганда, бунинг айтарли қўрқинчли жойи йўқ эди; дераза ва эшикларни тиклаш, паркетни тузатиш, деворларни суваш керак, Венера Милосскаяни тикламаса ҳам бўлар эди; зиналар, шифтлар ва печьлар бутун эди.

Митька менчалик бепарво эмас, ҳечқандай харобаликлар унинг эстетик завқини сўндиролмас эди. У залларни, мингораларни, йўлакларни ва катта-кичик ҳовлиларни кезиб юраркан, ҳайратланиб:

— Вой-бо-о-й! Анавини қаранг-а! Жуда аломат экан-ку бу жой, а?! Жудаям чиройлик жой экан, Антон Семёнович! Бизнинг болалар жуда хурсанд бўлади-да! Жуда соз жой, худо урсин! Бу ерга қанча бола сиғдириш мумкин? Мингта бола кетармикин?— деди.

Менинг тахминимча саккиз юзтача бола сиғдириш мумкин эди.

— Эплайолармикинмиз? Саккиз юзта болани кўчадан тўплаб беришса керак. Ҳамма командирларимиз рабфакда-ку...

Эплайоламизми, эплайолмаймизми, бу тўғрида бош қотиришга вақтимиз йўқ, тезроқ жойни кўриб бўлишимиз керак эди. Орқа ҳовлида коммуна хўжалиги жойлашганди, хўжаликлари ҳақиқатан расво эди. Узундан узун отхонанинг ичи гўнгга тўлиб кетганди, гўнг устида суяклари туртиб чиққан, орқалари шалтоқ ориқ отлар турарди, уларнинг таги анчадан бери тозаланмаган, кўплари қутир

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Каттакон чўчқахонанинг ҳамаёғи бузилиб-ёрилиб кетган, чўчқалар оз ва ёмон эди. Ҳовлининг яхлаб қотиб ётган дўнг жойларида эгасиз қолган аравалар, сеялкалар, арава ғилдираклари, яна аллақандай асбоб-ускуналарнинг бўлаклари ётарди, қўрада бирон кимса кўринмас, ҳамаёқ ҳувиллаб ётарди. Фақат, чўчқахонада мункайиб қолган бир чол кир соқолини кўтариб бизга қаради-да:

— Конторни излаётган бўлсангиз, ҳов анови уйга киринглар,— деди.

— Чўчқалар қани?— деб сўради Митька.

— Нима дединг?.. Э, ҳа... чўчқалар қаерда дейсизми?..

Бобой, турган ерида депсинди ва бармоқлари билан мўйловини ушлаб кўриб, оғил томонга қаради. Афтидан, Митьканинг саволига жавоб бериш учун бобойнинг дипломатик қобилияти камлик қилганга ўхшарди. Аммо чол «бўларича бўлди!» дегандай, қўлини силтади-да:

— Еб битиришди... бари чўчқаларни еб битиришди, ифлослар...— деди.

— Ким еб битиради?

— Ким бўларди! Узимизникилар еб битирди... коммунадагиларнинг ўзи...

— Ўзингиз ҳам коммунададирсиз-а, бобо?

— Ҳе-ҳе, чироғим, мен подадаги бир буэоқман. Ҳозир кимнинг оғзи катта бўлса, давр шуники. Мен чолга чўчқа гўшти тегармиди. Ўзларинг кимсизлар?

— Иш блан келдик.

— Ҳа-ҳа, иш блан келдик дейлар... Ҳа, албатта, иш блан келган бўлсанглар киринглар, улар мажлис қилиб ўтиришипти... Мажлисдан қўллари бўшамайди... Улар мажлисбозлик блан овора, бу ерда эса...

Бобойнинг жуда юрак очиб гапиргуси келганга ўхшардию, аммо бизнинг вақтимиз йўқ эди.

Торгина конторада аллакимлар, бойларнинг рамақижон бўлиб қолган стулларида ҳақиқатан мажлис қуриб ўтирардилар. Уйни махорка тутуни босиб кетганидан қанча одам ўтирганини билиб бўлмас, аммо олаговурга қараганда йигирматача одам бордай эди. Бахтга қарши, қандай масалалар кўрилаётганини билолмадик, чунки биз киришимиз блан қопқора жингалак соқолли ва қиз боланинг кўзларидай ёқимли ва шаҳло кўз бир киши биздан:

— Кимсизлар?— деб сўради.

Суҳбатимиз расмий тусда бошланиб, олдинига қўрс

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапиришдик, кейин қизишиб кетиб, бир-биримизга ўқрайишдик, оқибат икки соатчадан кейин амалий масалага кўчдик.

Мен янглишган эканман. Коммуна оғир касал экану, аммо ўлгиси келмас экан; энди бизни гўрков деб билиб, ғазаби қайнаб, кучининг борича жон сақлаб қолишга тиришар эди.

Фақат бир нарса равшан эди: коммуна учун бир ярим минг гектар ер кўплик қилар эди. Коммунанинг қашшоқлик сабабларидан бири ҳам ернинг ҳаддан ортиқ кўплигида эди. Ерни бўлиб олиш тўғрисида бирпасда муросага келдик. Қасрларни, кунгира ва миноораларни, Венера Милосскаяни ҳам бирга қўшиб беришга коммуна дарров рози бўлди. Аммо гал хўжалик ҳовлисига келганда биз ҳам, коммунарлар ҳам қизишиб кетдик, ҳатто Митька баҳс доирасида туролмасдан, шахсиятга ўтиб кетди:

— Нима учун лавлагингиз ҳали ҳам далада ётипти?

Раис жавоб берди:

— Лавлаги тўғрисида мендан гап сўрашга ҳали ёшлик қиласан!

Ярим кечага бориб бу масалада ҳам келишдик. Митька деди:

— Хўш, нега энди эшакдай бақиришамиз, а? Ҳовлини девор блан иккига бўламиз, қўямиз-да!

Шу блан муросага келдик.

Горький колониясига нимада қайтиб борганимизни билмайман, ҳарҳолда елдай учиб борган бўлсак керак. Бизнинг та'рифимизни умумий мажлис тарихда кўрилмаган олқишлар блан қарши олди. Мени ва Митькани осмонга отишди, кўзойнагимнинг синишига сал қолди. Митьканинг бўлса аллақаерини, бурнинними, пешонасинними ёришди.

Колонияда ҳақиқатан бахтли давр бошланди. Уч ойгача колонистларнинг ҳаёти режа тузиш блан ўтди. Брегель бир куни колонияга келиб, мени койиди:

— Макаренко, сиз кимларни тарбиялайсиз? Хаёлпарастларнимми?

Хаёлпарастлар деса ҳам майли! «Хаёл» деган сўзни ўзим ҳам унча ёқтирмайман. Ҳақиқатан бу сўз ойимқизларга, балки ундан ҳам баттарларга ярашади. Аммо, хаёл ҳам ҳархил бўлади-да: оқ от минган рицарьни хаёл қилиш бошқа, болалар колониясига саккиз юзта янги бола тўплашни хаёл қилиш бошқа. Тор казармалар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да турганимизда баланд-баланд ва ёруғ уйларни хаёл қилмасмидик? Оёқларимизга латта ўраб юрганларимизда биз ҳам одамларга ўхшаб оёқ кийимида юришни хаёл қилар эдик. Рабфакни, комсомолни хаёл қилардик, Марддай отлар ва симменталь зотли сигирлар подасини орзу қилардик. Иккита инглиз зотли чўчқа боласини қопга солиб олиб келганимда, шундай хаёлпарастлардан бири, сочлари ўсиб кетган Ванька Шелапутин деган бола баланд скамейкада иккала қўлини тагига қўйиб, кўзларини шипга тикиб, оёқларини ликиллатиб ўтириб:

— Ҳозир-ку атиги иккита чўчқа боласи бор. Кейин булар яна қанча туғиб беради. Уларн ҳам туғиб беради. Яна... беш йилдан кейин чўчқамиз юзтага етади. Го-го! Ҳа-ҳа! Эшитаяпсанми, Тоська, юзта чўчқая!— деган эди.

Хаёлпараст бола ҳам, Тоська ҳам завқланиб кулар ва уларнинг кулгиси кабинетимда бўлаётган жиддий гапларни босиб кетган эди. Ҳозир чўчқаларимизнинг сони уч юзга етди, аммо Шелапутиннинг ўша вақтдаги хаёли энди ҳечкимнинг эсига келмайди.

Бизда болалар коллективи албатта ҳамиша ўсиши ва бойиши керак, эртанги кунининг бундан ҳам яхши бўлишини билиши, уни орзу қилиши ва шодлик блан унга интилиши керак,— бизнинг тарбия системамиз блан буржуа тарбия системаси ўртасидаги муҳим фарқ шунда бўлса керак. Балки, ҳақиқий педагогика диалектикаси ҳам худди мана шундадир.

Шунинг учун ҳам мен колонистларнинг орзу-хаваслари-ни ижловламадим ва ўзим ҳам уларга қўшилиб, осмонларга парвоз қилган бўлсам керак. Аммо бу давр колониянинг жуда бахтли чоғи эди, ҳозир ҳам менинг дўстларим у даврни қувонч блан эслайди. Ўз ишларимиздан Алексей Максимовични батафсил хабардор қилиб турардик, у ҳам биз блан бирга орзу-хаваслларга берилар эди.

Колонияда фақат бирнеча кишигина севинмас ва орзу-хавас қилмас, улар орасида Калина Иванович ҳам бор эди. Руҳан у ёш эди, аммо орзу-хавас қилиш учун биргина руҳ камлик қиларкан. Калина Ивановичнинг ўзи ҳам деярди:

— Яхши отнинг автомобильдан қўрққанини кўрганмисан? Шунинг учун қўрқадики, паразит, ўлгиси келмайди. Шкапчи? Шкап, автомобиль ёқда турсин, шайтондан ҳам қўрқмайди, негаки, кацаплар айтгандай, унга нонми, толқонми, барибир...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Калина Ивановични биз блан бирга кетиши учун анча аврадим, болалар ҳам ялинишди, аммо Калина Иванович сра кўнмади:

— Мен энди ҳечнарсадан қўрқмайман, сизларга ҳам мендай паразитларнинг энди кераги йўқ. Сизлар блан роса давр сурдим, етади! Энди пенсияга чиқсам ҳам бўлади: қари чолларга совет даври — дориломон.

Осиповлар ҳам колония блан кетмаймиз, шунча кўрган-кечирганларимиз етар деб айтишди.

— Биз камтар одамлармиз,— деярди Наталья Марковна.— Саккиз юзта боланинг сизга нимага кераклиги бор, тушунаолмаймиз. Рост, Антон Семёнович, бир куни мас бир кун бу иш бошингизни ейди.

Бу декларацияга жавобан: «Мардлар мардлигини куйлаймиз» деган декламацияни ўқиб бердим.

Болалар чапак чалиб кулишди, аммо Осиповларни бундай гаплар блан йўлга солиш қийин эди. Силантий менинг кўнглимни кўтариб қўярди:

— Майли, қолишаверсин. Сен шунақа одамсан ўзинг, Антон Семёнович, ҳаммани пойга аравага баравар қўшаман дейсан. Сигирни ҳам қўшиб бўладими, сен бўлсанг сигирни ҳам қўшаман дейсан. Шунақа гаплар.

— Сеничи? Сени қўшса бўладими, Силантий Семёнович?

— Нимага?

— Пойга аравага-де.

— Мени ҳар нарсага қўшсанг ҳам кетавераман, ҳатто Будённий отининг эгари тагига жазлиқ қилсанг ҳам майли, Мени ифлослар аҳмақ қилмоқчи бўлган-да! Қанақанги жийрон отлигимни улар билмаган!

Силантий бошини кўтариб, ер тепинди ва анчадан кейин:

— Мана шунақа гаплар...— деб қўйди.

Деярлик ҳамма тарбиячилар, Силантий, Козирь, Елисов, темирчи Годанович, кирчи хотинлар, кухаркалар ва ҳатто тегирмончиларнинг ҳам биз блан бирга кўчиб кетишга розилик билдириши ҳамманинг кўнглини тўқ қиларди.

Аммо, шу орада Харьковда ишларимиз чатоқ эди. Мен у ерга кўп бориб турардим. Маориф Халқ Комиссарлиги бизни қўллаб қўлтиқлар эди. Ҳатто мени шу даврда запорожьели Дон-Кихот деб юрган Брегельга ҳам бизнинг орзу-ҳавасларимиз юққан эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ер Ишлари Халқ Комиссари лабларини буриштириб номимизни гоҳ Горький колонияси, гоҳ Короленко колонияси, гоҳ Шевченко колонияси деб таҳқиромиз адаштириб юрса ҳам, бизга ён босиб: саккиз юз десятина ер блан Попов имениесини, керак бўлса, бориб олинглар, фақат мени тинч қўйинглар, деди.

Душманларимиз жанг майдонида эмас, пистирмада беркиниб ётган экан. Уларга мен қизғин атака вақтида дуч келиб, ана энди охирги зарбани бераману, шундан кейин ғалаба на'расини тортаман деб ўйлабман. Менинг ҳужумимга қарши пистирмадан устига калтагина пиджак кийган кичкина бир одам чиқиб, ниҳояти бирнеча оғиз сўз айтди холос, шу блан мени тор-мор этди, байроқ ва қуролларимни ташлаб, орқага чекиндим, ғалаба сари келаётган колонистларнинг сафлари ҳам бузилиб кетди.

— Болалар уйлари харобаларда ётган бир маҳалда Молия Халқ Комиссарлиги бу фирибгарликка йўл қўёлмайди, бутунлай кераксиз саройни ремонт қилишга сизга ҳечким ўттиз минг сўмни бермайди.

— Ҳа ахир бу пул фақат ремонт учун эмас-да. Асбоб-ускуна ва йўл харажатлари ҳам шу сметага киради.

— Биламиз, биламиз: саккиз юз десятина ер, саккиз юзта боқимсиз бола, саккиз юзта сигир ва ҳоказолар. Бунақанги фирибгарлик даври ўтиб кетди. Наркомпросга қанча миллионлаб пул бердик, барибир фойдаси йўқ: ҳамма нарсани ўғирлаб, синдириб, ҳарёққа қочиб кетишади.

Шундай қилиб, бу одам бирдан чалқанчасига тушган мавжуд ва гўзал орзу-ҳавасларимизнинг кўкрагига оёғини қўйиб, туриб олди. У оёқ тагида ётиб қанча кўзёши қилмасин, қанча нолимасин, мен Горькийнинг орзусиман деб қанча исбот этмасин, бўлмади, оқибат ўлди.

Шундан кейин мен, тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ма'юс ҳолда уйга қайтдим, йўлда: ахир, мактабимизда «Бизнинг Запорожьедаги хўжалигимиз» деган темада дарс ўтилмоқда-ку!— деб титроқ босиб ўйладим. Шере, Поповнинг имениясига икки марта бориб келди. У тузган ва колонистларга та'рифлаб берган хўжалик плани олмосдай, зумраддай, ёқутдай товланар, тракторлар, юзлаб сигирлар, минглаб қўйлар, юз минглаб паррандалар, Англияга экспорт қилинадиган маска мой ва тухумлар, инкубаторлар, сепараторлар, боғлар порлар, кўзни қамаштирар, хаёлни олиб қочар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахир, ўтган ҳафта мен Харьковдан худди шундай қайтганимда болалар мени ҳаяжон ичида кутиб олиб, эшикдан тортиб туширибоқ:

— Антон Семёнович! Антон Семёнович! Зорька тойчоқ туғиб берди! Кириб кўринг! Йўқ, ҳозир кириб кўринг!..— деб боқирган эдилар.

Болалар мени отхонага судраб олиб бориб, ҳали ҳамаёғи ҳўл, титраб-қалтираб турган олтиндай тойчоқни ўртага олишган эди. Улар индамасдан кулиб қараб туришар ва фақат бир бола завқ блан:

— Запорожли деб атадик...— деган эди.

Жонажон, азиз болаларим! Великий луғни плуг блан ҳайдаш, афсонавий қасрда яшаш, карнайчиларингизга эса мавритан минораларидан туриб карнай чалиш насиб бўлмаган экан, олтиндай тойчоқни ҳам бекорга Запорожли деб атаган экансизлар.

17. Санаш бунақа бўлади

Молия Халқ Комиссарлигининг одами берган зарба жуда қаттиқ зарба экан. Колонистларнинг юраги ачиди, душманларимиз мийиғида, ба'зилар хахолаб кулди, мен ҳам гангиб қолдим. Аммо ҳечким Коломакда қоламиз деб ўйламас эди. Маориф Халқ Комиссарлигидагилар ҳам бизнинг бўш келмаслигимизни ма'қуллар, уларни фақат қаерга кўчириш мумкин? деган масала қийнарди.

Шу сабабдан 1926 йилнинг февраль ва марти қийинчилик ва серташвиш ойлар бўлди. Запорожье муваффақиятсизлиги порлоқ умидимизнинг сўнгги учқунларини сўндирди, аммо унинг ўрнига коллективда қаттиқ ишонч қолди. Ҳар ҳафтада бўладиган колонистларнинг умумий мажлисида бирон таклиф муҳокама қилинмасдан иложи йўқ эди. Украинанинг бепоён даштларида бекор ётган ё бўлмаса расво бир ҳолда ишлатилиб келаётган жойлар ҳали жуда кўп эди. Маориф Халқ Комиссарлигидаги дўстларимиз, комсомол ташкилотлари, атрофдаги эски қўни-қўшнилар ва йироқ-яқиндаги танишларимиз — хўжалик ходимлари бизга гоҳ унисини, гоҳ бунисини тавсия этар эдилар. Ўша кезларда менинг ҳам, Шеренинг ҳам, колонистларнинг ҳам бормаган еримиз қолмади, поездда ҳам юрдик, машинада ҳам юрдик, Мардда ҳам, бошқа минг хил отларда, хуллас маҳаллий транспортнинг ҳаммасида юриб кўрдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо ҳар сафар разведкачиларимиз фақат чарчаб, тинкалари қуриб қайтарди, холос; колонистлар умумий мажлисда уларнинг ахборотини жиддий тинглар эди-да, докладчига:

— Қанча одам жойлаштирса бўлади? Юз йигирмата? Ярамайди!

— Қайси шаҳар экан? Пирятинми? Ярамайди!— деган мушкул саволни бериб, ҳарким ўз ишига тарқалиб кетар эди.

Докладчиларнинг ўзлари ҳам бунга хурсанд бўлар эдилар, чунки ичларида «бирдан мажлисга таклиф ёқиб қолса-я» деб қўрқар эдилар.

Шу тарзда Валкидаги Старицкий имениеси, Пирятиндаги монастирь, Лубнидаги монастирь, Диканькадаги Кочубейлар саройи ва яна аллақандай бемаза жойлар кўриб чиқилди.

Кўп жойларнинг оти айтилар эдию, у ерларга ҳатто разведка юбориш ҳам лойиқ кўрилмай, дарров рад қилинарди. Улар орасида Харьковнинг шундай биқинида Куряж деган болалар колонияси ҳам бор эди, колонияда тўрт юзтача бола бўлиб, одамларнинг айтишига қараганда, бузуқ болалар эди. Болалар муассасасининг бузуқлигини кўз олдимизга келтириш шу қадар жирканч эдики, Куряж деган гапнинг ўзи, пайдо бўлиши бланоқ пақ этиб ёрилучи кичкина совун кўпигига ўхшарди.

Бир куни, Харьков сафарларимдан бирида помдет[1] мажлисига кириб қолдим. Мажлисда помдет қарамоғида бўлган Куряж колониясининг аҳволи муҳокама қилинаётган экан. Маориф Халқ Комиссарлигининг инспектори Юрьев колония аҳволини дарғазаб бўлиб, қуруққина ҳикоя қилар, қисқа-қисқа иборалар блан тасвирлар, шунинг учун бўлса керак, колониянинг аҳволи баттар хунук ва жирканч бўлиб кўринарди. Қирқта тарбияч ва тўрт юзта тарбияланучи бола, мажлисда ўтирганларга инсон номини булғовчи, хўрловчи юзлаб анекдотдай, беахлоқ, аблаҳ, мизантроп ва хунаса одам тўқиган уйдирма гапдай туйиларди. Мен, ўтирган еримда столга мушт уриб:

— Бари бекор гап! Туҳмат, ғийбат!— деб юборгим келарди.

Аммо Юрьев ниҳоятда чуқур мулоҳазали ва вазмин

---

[1] Болаларга ёрдам жамияти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

одам кўринарди, унинг вазминлиги тагидан эски маориф ходимининг куюниши ва ғам чекиши кўриниб турарди, бунга шубҳа қилишимга ҳечқандай асос йўқ эди. Юрьев мендан уяларди ва худди устибошида биронта нуқсон бордай, менга қараб-қараб қўярди. Мажлисдан кейин менинг ёнимга келди-да, очиқдан-очиқ деди:

— Ростини айтсам, сизнинг олдингизда бу бемазагарчиликларни айтганимга уялиб кетдим. Одамларнинг айтишича, сизда агар бирон колонист обедга беш минут кечикиб келса, қаматтирар эмишсиз, нон блан сув бердирар эмишсиз, колонистингиз эса жилмайиб туриб: «есть» дермиш.

— Йўғе, бунчалик эмас. Агар мен шунақангги яхши усулни ишлатганимда Горький колонияси ҳақида ҳам худди шу бугунгига ўхшаган доклад қилардингиз.

Юрьев иккимиз ўртамизда гап бошланиб кетди, баҳслашдик. У мени обедга таклиф этди, обед маҳалида менга:

— Мен сизга бир гап айтайми? Куряжни ўз қўлингизга олсангиз қандоғ бўларкин?— деб қолди.

— Нимаси бор эканки, олсам? Ўзи ҳам тўладир?

— Тўла бўлса нима қипти? Сизнинг болаларингизга юз йигирмата жойни бўшатгириб берамиз.

— Тўғри келмайди. Ифлос иш. Ундан кейин, ишлагани ҳам қўймайсизлар...

— Қўямиз! Нимага биздан бунча қўрқасиз-а? Қўлингизга очиқ фаолият майдони бериб қўямиз — истаганингизни қилаверинг. Бу Куряж жуда расво бир жойки! Ўзингиз ўйлаб кўринг: бандитлар уяси, яна худди пойтахтнинг биқинида. Бор гапни ўзингиз эшитдингиз-ку. Йўлда одамларни талашар экан! Колониянинг ўзига қарашли анжомдан тўрт ой ичида ўн саккиз минг сўмлик молни ўғирлаб кетишипти.

— Ундоғ бўлса, дастлавал ҳамма ходимларни ҳайдаш керак.

— Йўқ, нега... у ерда жуда яхши ходимлар бор.

— Бундай масалаларда мен батамом зарарсизлантириш тарафдориман.

— Ҳа, майли, майли, ҳайданг, ҳайданг!..

— Йўқ, йўқ, биз Куряжга бормаймиз.

— Ҳали бориб кўрмагандирсиз?

— Кўрганим йўқ.

— Бундай қиламиз: эртагача кетмайтуринг, Халабудани оламиз-да, бирга бориб кўрамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен рози бўлдим. Эртасига уч киши бўлиб Куряжга кетдик. Мен у ерга, ўз колониямга гўр қазиганн кетаётганимни билмаган эканман.

Помдет раиси Сидор Карпович Халабуда ҳам биз блан бирга эди. У, ўша кезларда ҳароб ҳолга келиб қолган расво колония ва болалар уйлари, баққоллик магазинлари, кинотеатрлар, тўқима мебель сотадиган магазинлар, роҳат боғчалари, рулетка[1] ва бухгалтерияларни уюштирган бу идорада ҳалоллик блан раислик қилар эди. Сидор Карповичнинг ҳамаёғига ёпишиб олган ҳар хил паразитлар: коммерсантлар, даллоллар, қиморбозлар, шарлатанлар, муттаҳамлар ва растратчилар уни сўриб ётарди, шунинг учун чин юракдан унга каттакон бутилка сабадилла настойкасини[2] тақдим қилгим келарди. Атрофидаги одамлар ҳар тарафдан иқтисодий, педагогик, психологик ва шунга ўхшаган минг хил таклиф ва тадбирлар тўғрисида гапираверіб, миясини қотириб қўйган, шунинг учун ҳам у, ўз колонияларидаги қашшоқлик, ёппасига қочиб кетиш, ўғирлик ва безориликларнинг сабабларини билишдан умидини узган, ўзини оқим ихтиёрига ташлаб қўйган эди. Ана шунинг учун у, бутун бало-қазо боқимсиз болалардан келиб чиқади деб ишонарди, унинг илгариги олижаноблигидан фақат порлоқ келажакка ва жавдар буғдойга бўлган э'тиқодигина қолган эди.

Унинг мижозидаги кейинги хислатни сўнгроқ билдим, ҳозир эса, автомобильда кетатуриб, унинг гапларини бамайлихотир тинглаб борардим:

— Одамларда жавдари ун бўлса бас. Одамларда жавдари бўлса, олам гулистон, ейдиган нони бўлмаса, Гогольни ўқитганингдан нима фойда? Олдин қорнини нон блан тўйғиз, кейин қўлига китоб тутқаз... Мана, бу бандитлар ҳам шунақа: жавдари экиш қўлидан келмайдн, аммо ўғрилик қилишга уста.

— Ёмон болаларми?

— Уларми? Эҳ-ҳе, нимасини айтасан! Улар бир куни олдимга, Сидор Карпович, беш сўм бер, папирос хумори қилаяпти деб кепти. Бердим, албатта, аммо бир ҳафта ўтмасдан яна, Сидор Карпович, беш сўм бер деб кепти. Яқинда бердим-ку? десам, у берганинг папироса эди, энди араққа бер, дейди...

---

[1] Пилдироқ ўйини.

[2] Заҳар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳардан олти километрча зериктирадиган ташқарига қумлоқ йўлдан бориб, тепаликдан ошдик-да, монастирьнинг сирлари кўчиб кетган дарвозасига кирдик. Курра шаклидаги ҳовлининг қоқ ўртасида қадим замонларда қурилган ниҳоятда хунук ва қўпол черков, унинг орқасида эшик олди зиналари чириб қолган уч қаватли ер бағирлаган аллақандай узун бино. Сал четроқда, жар ёқасида ёғочдан қурилган икки қаватли меҳмонхона қайтадан тикланиш даврида турарди. Бурчак-бурчакларда, тор йўлакларда нимадан қурилгани ноma'лум аллақандай ҳужралар, бостирмалар, ошхоналар ва уч юз йиллик тоат-ибодат давомида вужудга келган расво иморатлар беркиниб ётарди. Ҳаммадан олдин мени ҳайратда қолдирган нарса колониядан келиб турган ҳид бўлди. Бу ҳид ҳожатхона, боршч, гўнг ва... қўланса ҳидларнинг қўшилмаси эди. Черковда ибодат қилинмоқда эди, эшик олдидаги супачаларда аллақандай ориқ ва хунук кампирлар ўтирарди, балки улар хайр-садақа тушиб турган бахтли замонларни эслаб ўтиришгандир. Аммо колонистлар кўринмасди.

Афтидан ҳечқандай ma'но акс этмайдиган мудир бизнинг фиатимизга ҳасрат назари блан қаради-да, машина қанотини қўли блан бир уриб қўйиб, бизни колонияга бошлади. Колонияни мақташини эшитишга эмас, койиш ва танбиҳ эшитишга ўрганиб қолган бўлса керак, ўзига ma'лум бўлган азоб-уқубатли йўллардан адашмай борарди.

Бир вақтлар эшик бўлган, ҳатто ошиқ-ma'шуқлари ҳам суғуриб олинган, ҳозир эса фақат кесакиси қолган, ердан ўтиб кетатуриб:

— Мана бу ер биринчи коллективнинг ётоқхонаси,— деди мудир.

Иккинчи остонани босиб ўтаётганимизда ҳам эшик кўринмади, чап томондаги коридорга бурилдик. 1Шу ерга келгандагина мен, коридорнинг ҳам ҳавоси расво эканини билдим: Деворлар тагида чанг босиб ётган қор уюмлари ҳам шуни кўрсатиб турар эди.

— Бу қандоғ бўлди... эшиксизми?— деб сўрадим.

Мудир, бир вақтлар жилмайиш қобилиятига эга бўлганини кўрсатди-да, йўлда давом этди. Юрьев баланд овоз блан:

— Эшик қоладими, аллақачон ёқиб юборишган. Эшикларгина ёқилган бўлса ҳам майли эдия! Пол тахталарини

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўчириб ёқишаяпти! Ертўла томлари, ҳатто аравалар ҳам қолмаган,— деди.

— Ўтинлари йўқ эканми?

— Ким билади, нимага ўтинлари йўқлигини! Ўтинга пул берилган.

Халабуда бурнини қоқди-да, деди:

— Ҳозир ҳам ўтинларни бўлса керак. Арралашга, ёришга эринишади, арракаш ёллай деса — пуллари йўқ. Бу ифлосларда ўтин бор, бўлмаса... Бу бандит халқни ўзингиз биласиз-ку!

Ахири ҳақиқий эшиги бўлган бир ётоққа яқинлашдик, эшик берк эди. Халабуда оёғи блан бир тепган эди, эшик бирдан очилиб, қулаб тушди, агар пастки ошиқ-ма'шуғи ушлаб қолмаганда нақ бошимизни ёрарди. Халабуда эшикни қўли блан ушлаб қолди-да, кулиб юборди:

— Э, шайтон ўлгур, мени алдаб бўпсан! Мен сенинг қанақалигингни билиб олганман...

Ётоққа кирдик. Ифлос, шалақ кроватьларда, кир ва моғорлаб кетган жулдир-жулдир кўрпаларда боқимсиз болалар, ҳақиқий боқимсиз болалар, тагларидаги кўрпа сингари жулдир-жулдир кийимларга бурканиб, дилдираб ўтирар эдилар. Сирлари кўчиб кетган печка ёнида иккита бола яқинда бўлган сариқ тахтани болта блан ёрмоқда эди. Бурчак-бурчакларда ва ҳатто кроватьларнинг ораларида нажас ётарди. Ҳовлидаги қўланса ҳидлардан бошқа ҳаммаси шу ердан топиларди.

Болалар бизни тамоша қилиб ўтирар эди, аммо бирортаси бошини кўтармасди. Ҳамма боқимсиз болаларнинг ёши ўн олтидан ошганлиги диққатимни жалб этди.

— Булар — энг катталарими?— деб сўрадим.

— Ҳа, бу — биринчи коллектив, катта ёшдаги болалар,— деб тушунтирди мудир, илтифот блан.

Энг нариги бурчакдан аллаким йўғон овоз блан:

— Буларнинг гапига ишонманг! Бари ёлғон!— деб бақирди.

Бошқа бир бурчакдан яна аллаким тортинмасдан, бемалол деди:

— Кўрсатиб юришипти... Нимани кўрсатишади? Ундан кўра, ўзлари ўғирлаб олган нарсаларни кўрсатишсин.

Бу садоларга биз ҳечбир э'тибор бермадик, фақат Юрьев қипқизариб кетди-да, зимдан менга қараб қўйди.

Коридорга чиқдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу бинода олтита ётоқ бор,— деди мудир.— Кўрсатаймн?

— Мастерскойларни кўрсатинг,— деб илтимос қилдим.

Халабудага жон кирди ва станокларини қандай йўллар блан боплаб сотиб олганларини та'рифлай кетди.

Яна ҳовлига чиқдик. Рўпарамиздан кўрпага ўранган ялангоёқ бир бола қопқора кир оёқларини қорга тегизмаслик учун, дўмбоқдан дўмбоққа сакраб келмоқда эди. Ҳамроҳларимдан кейин қолдим-да, болани тўхтатдим:

— Қаердан келаяпсан, бола?

Бола тўхтади-да, бошини кўтариб менга қаради:

— Бизни жўнатишадими, йўқми, шуни билиб келгани борувдим.

— Қаёққа жўнатишармиш?

— Аллақаёққа жўнатишмоқчи бўлиб юришувди.

— Бу ер ёмонми?

— Бу ерда ортиқ туриб бўлмайди,— деди секин ва ғарибона товуш блан бола, кўрпасининг бир чети блан қулоғини қашиб.— Бу ерда совқотиб ўласан... Кейин, уришади...

— Ким уради?

— Ҳамма.

Бола зеҳнли эди ва афтидан, кўча-кўйда тентираган болага ўхшамасди; унинг катта-катта кўк кўзларида кўча азоб-уқубатларининг нишони кўринмасди; агар уни чўмилтирса чиройлик бир бола бўларди.

— Нега уришади?

— Бекорга. Бирон нарса бермасанг уришади. Ё обедингни тортиб олишади. Бизда ёш болалар аллақачондан бери обед емайди. Ё нонингни тортиб олишади... Ё бирон нарса ўғирлаб келиб бермасанг... бор, ўғирлаб кел дейишади... ўғирлаб келмасанг... яна уришади... Сиз билмайсизми, бизни бу ердан жўнатишадими?

— Билмадим, қўзичоғим.

— Езга ҳам оз қолди дейишади...

— Езни нима қиласан?

— Кетаман.

Мени мастерскойга чақириб қолишди. Болага бирон ёрдам кўрсатмасдан унинг ёнидан кетиш менга ниҳоятда оғир туйилди, аммо бола яна дўмбоқдан дўмбоққа сакраб, ётоқхона томонга қараб кетар эди,— ҳарҳолда, дўмбоқда туришдан кўра ётоқ иссиқроқ бўлса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мастерскойни кўролмадик: калитни аллаким олиб кетган экан, мудир шунча қидирса ҳам, ким олиб кетганини билиб бўлмади. Деразадан қараб қўяқолдик. Мастерскойда штамповка қиладиган станоклар, дурадгорлик станоклари, иккита токарь станоги — ҳаммаси бўлиб ўн иккита станок бор экан. Алоҳида хоналарда педагогиканинг асосий дастаги ва негизи деб аталмиш этикдўзлик ва тикувчилик мастерскойлари жойлашган эди.

— Сизларда бугун бирон байрамми дейман?

Мудир жавоб бермади. Бу машаққатли ишни яна Юрьев ўз зиммасига олди:

— Мен сизга ҳайронман, Антон Семёнович. Наҳотки ҳалигача тушунмасангиз. Бу ерда ҳечким ишламайди, умумий ҳолат шу. Ундан ташқари, ҳамма асбобларни талаб кетишган, материал йўқ, энергия йўқ, заказ йўқ, ҳечнарса йўқ. Уёғини суриштирсангиз, ҳечким ишлашни ҳам билмайди.

Халабуда узундан-узоқ та'рифлаб берган колония электростанцияси ҳам, шубҳасиз, ишламасди: аллаимаси бузилиб қолган экан.

— Хўш, мактабчи?

— Мактаб бор,— деди мудирнинг шахсан ўзи,— аммо... мактабга бало борми...

Халабуда бизни нуқул далага судрайверди. Қалинлиги бир саржин келадиган девор доирасидан ташқари чиқдик, олдимизда бир вақтлар ҳовуз деб аталган чуқур ётарди, ҳовузнинг нариёғидан бошланган ва шамол ялаб кетган юпқа қор босган дала ўрмонга бориб тақаларди. Халабуда қўлини Наполеон тахлит олдинга чўзди-да, тантанали бир вазиятда:

— Юз йигирма десатина! Ана, давлат!— деди.

— Кузги галла экилганми?— деб сўраб қолибман, билмасдан.

— Кузги галла!— деб бақириб юборди Халабуда, завқи келиб.— Уттиз десатинаси — жавдари, ҳар десатинадан юз пуддан олинса, фақат жавдарининг ўзи уч минг пуд бўлади. Нонсиз қолмайди. Жавдари ҳам қанақа денг! Дон экаман деган одам жавдари эксин! Буғдой ҳам донми? Биласанми, жавдари нонни немислар еяолмайди, французлар ҳам... Жавдари нонни бизнинг халққа бериб кўр...

Машинага қайтиб келибмиз ҳам, Халабуда ҳамон жавдаридан гапирарди. Олдинига энсамиз қотди, ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йин, қани, жавдари тўғрисида яна нималарни деркин деб, қизиқиб тинглайбошладик.

Машинага ўтириб жўнадик, кетимиздан мудирнинг ёлғиз ўзи термулиб қолди. То Холодная горага етгунча жим бордик. Бозордан ўтиб кетаётганимизда Юрьев бир тўда боқимсиз болаларни кўрсатиб:

— Куряж болалари... Хўш, оласизми?— деди.

— Йўқ.

— Нимадан қўрқасиз? Ахир, Горький колонияси жиноятчи болалар колонияси-ку? Бутунукраина комиссияси ҳам сизга ярамас болаларни юбориб туради-ку, барибир эмасми? Биз бўлсак сизга нормаль болаларни берамиз.

Ҳатто Халабуда ҳам машинага суяниб, хахолаб кулиб юбориб:

— Нормаль болалар эмиш!..— деди.

Юрьев ҳамон мени кўндиришга уриниб:

— Ҳозир Джуринскаянинг олдига кирамиз, гапиришамиз. Помдет колонияни Наркомпросга беради, йўқ демайди. Сизнинг колониянгизга жиноятчи болаларни юбориш Харьковга ноқулайроқ, ўзининг эса колонияси йўқ. Бу ерда ўз колониямизга эга бўламиз, яна қандай колония денг: тўрт юзта бола-я! Жуда ажойиб бўларди-да! Бу ернинг мастерскойлари ёмон эмас. Сидор Карпович, колонияни берасизми?

Халабуда ўй ўйлаб кетди:

— Ўттиз десатина ерга — икки юз қирқ пуд жавдари сепилган дейлик. Меҳнатичи? Тўлайсанларми? Колонияни нега бериш мумкин эмас? Берамиз.

— Джуринская ҳузурига борайлик,— ҳамон гапирарди Юрьев.— Юз йигирмата ёш болани бирон ерга кўчирармиз, икки юз саксонтасини сизга қолдирамиз. Гарчи улар расман жиноятчи деб аталмаса ҳам, Куряж тарбиясидан кейин жиноятчилардан ҳам баттар бўлиб кетган.

— Ўзимни бу ўрага ташлаб жинни бўбманми?— дедим Юрьевга.— Ундан ташқари, у ер бу ерини тозалаш керак, эпақага келтириш керак. Камида йигирма минг сўм кетади бунга.

— Сидор Карпович беради.

Халабуда уйғониб кетди.

— Нимага энди йигирма минг сўм берар эканман?

— Товон тўлайсиз,— деди Юрьев.— Жиноятлар эвазига-де.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа нега энди йигирма минг тўларканман? — баттар ҳайрон бўларди Халабуда.

— Ремонт, эшик-пешик, асбоб-ускуна, кўрпа-тўшак, устибош ва қоказоларга!..

Халабуда қовоғини солиб олди:

— Йигирма минг сўм-а! Йигирма минг сўмга ўзимиз ҳам эплаймиз!

Джуринская ҳузурида ҳам Юрьев ташвиқотини қўймади. Любовь Савельевна унинг гапларини эшитиб жилмаяр ва нима деркин деб менга қараб-қараб қўярди.

— Бу тажриба жуда қимматга тушиб кетар дейман. Горький номли колонияни хавф остига қўйишга ҳаққимиз йўқ. Жазоси — Куряжни беркитиш керак-да, болаларни бошқа колонияларга тарқатиб юбориш керак. Ўртоқ Макаренконинг ўзи ҳам Куряжга бормас деб ўйлайман.

— Йўқ, бормайман,— дедим.

— Узил-кесил жавобингиз шуми? — деб сўради Юрьев.

— Колонистлар блан гаплашиб кўрайчи. Аммо, улар ҳам рози бўлмаса керак деб ўйлайман.

Халабуда менга анграйиб қараганича қолди.

— Ким рози бўлмайди дедингиз?

— Колонистлар.

— Сизнинг... болаларингизми?

— Ҳа.

— Улар нимани тушунарди?

Джуринская Халабуданинг енгига қўлини қўйди.

— Азизим Сидор! Улар сен блан биздан кўра кўпроқ нарсани тушунади. Сенинг Куряжингни келиб кўрганини бир тамоша қилсам...

Халабуданинг жаҳли чиқиб кетди:

— Нега ҳадеб менга «Сенинг Куряжинг, сенинг Куряжинг» деяверасизлар?.. Нега энди меники бўлар экан? Мен сизларга эллик минг сўм пул бердим. Двигатель олиб бердим. Ўн иккита станок олиб бердим. Педагоглар сизларники-ку... Улар ёмон ишласа, менга нима?..

Мен, ижтимоий тарбия арбобларининг оилавий можароларини ўз ихтиёрларига қолдирдим-да, поездга шошилдим. Мени кузатиб қўйгани вокзалга Карабанов блан Задоров чиққан экан. Уларга Куряжни та'риф қилиб берганимдан кейин, иккови кўзларини вагон гилдиракларига тикиб, ўйга ботди. Ниҳоят, Карабанов деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳожатхона тозалаш горькийчиларга муносиб иш эмас, албатта, аммо яна бир ўйлаб кўриш керак...

— Бизга яқин бўлар экансизлар, ёрдамлашамиз,— деди Задоров, оппоқ тишларини очиб кулиб.— Менга қара, Семён... эртага бир бориб кўриб келамизми?

Колонистларнинг умумий мажлислари кейинги вақтларда жиддий ва сермуҳокама ўтадиган бўлиб қолган эди, бу сафар ҳам мажлис менинг докладимни шундай жиддий тинглади. Доклад қиларканман, мен фақат мажлис нима деркин деб эмас, нима бўларкин деб ўйлардим. Негадир бирдан ма'юс ҳолда кулгим келди. Нима бало, бундан тўрт ой илгари колонистлар билан бирга қўшилишиб хаёлимда барпо этган Запорожье қасрларида завқланиб тантана қилганимда мен ҳам ёш бола эдимми? Шу тўрт ой ичида мен улғайдимми ё фақат орзу-ҳавасим пасайдими? Ўз гапларимда, гапларимнинг оҳангида, юз ҳаракатларимда ғашимга тегучи қандайдир ишончсизлик сезардим. Бир йилдан бери биз ёруғ ва бепоён кенгликлар сари интилиб келдик, бу интилишнинг оқибати ифлос ва маломатли Куряж бўлиб чиқдими? Қандай қилиб мен ўз ихтиёрим билан болаларга расво истиқболни гапириб ўтирибман? Куряжнинг бизни ўзига тортадиган нимаси бор экан? Қайсибир бойлик ва давлат деб ўзимизнинг гуллар ва Коломак безатиб турган ҳаётимизни, паркет полларимизни, ўз қўлимиз билан тиклаган имениемизни ташлаб кетишимиз керак экан?

Аммо, шу билан бирга мен, биронта мақтов сўзи сиғмайдиган қисқа ва ҳаққоний гапларимда ўзим ҳам кутмаган аллақандай да'ват борлигини сезардимки, унинг тагида, йироқда қандайдир шодлик беркиниб ётгандай бўларди.

Болалар докладимни тингларкан, қота-қота кулишарди, айниқса уларнинг та'бини хира қиламан деб ўйлаган жойларда кулишар эди. Кулгиларини зўрға тийиб, менга савол беришарди, жавобимни эшитиб, баттар кулишарди. Бу кулги умид ёки бахт кулгиси эмас эди, бу масхаралаб кулиш эди.

— Кирқта тарбиячи нима қиларкан?

— Билмадим.

Кулги.

— Антон Семёнович, биронтасининг лунжига туширмадингизми? Мен бўлсам ҳеч ҳам чидаб туролмасдим, рост гап.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кулги.

— Ошхоналари бор эканми?

— Ошхоналари бор экану, аммо болаларнинг ҳаммаси ялангоёқ бўлганидан, овқатни кастрюлькаларда ташиб, ётоқхонада ейишар экан...

Кулги.

— Ким таширкан?

— Ким ташиганини қўрмадим. Ўзлари ташиса керак...

— Навбатма-навбат таширканми?

— Навбатма-навбат ташиса керак.

— Бундан чиқди, ташкилий равишда экан.

Кулги.

— Комсомол бор эканми?

Бу саволга мажлис менинг жавобимни кутмасданоқ хахолаб кулиб юборди.

Аммо, шундай бўлса ҳам, доклад қилиб бўлганимдан кейин ҳамма ташвишланиб, жиддий бир тусда менга кўз тикиб ўтирди.

— Сизнинг фикрингиз қандай?— деб қичқирди аллаким.

— Сизлар нима десангиз, мен ҳам шу...

Лапоть менга тикилиб қарадию, аммо гапимга тушунмади шекилли.

— Хўш, гапиринглар... Ҳа?.. Нега индамайсизлар?.. Қани, қачонгача индамас экансизлар?

Денис Кудлатий қўл кўтарди.

— Ҳа, сен гапирасанми, Денис? Қани, эшитайлик-чи гапингни...

Денис ўз миллатига хос одат билан елкасини қашиб-бошлади, бироқ колонистларнинг масхара қилишини билиб, қўлини пастга туширди.

Шундай бўлса ҳам болалар унинг бу ҳаракатини пайқаб, кулишди.

— Унча айтадиган гапим ҳам йўқ. Харьковга яқинлиги бор экан, бунисн яхши, албатта... Аммо, шундай бўлса ҳам, бу иш бизга оғирлик қилса керак... Ким бор бизда? Ҳамма рабфакка кетиб қолди...

У пашша ютиб юборган одамдай, бошини чайқади.

— Тўғрисини айтганда, Куряж ҳақида бош қотириш ҳам ортиқча. У ерга бориб ҳам нима қиламиз? Кейин, ўзларинг ҳисоблаб кўринглар: улар икки юз саксон киши, биз атиги юз йигирма кишимиз, бунинг устига кўпи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миз янги, эскиларимиз ҳам қанақа? Тоська-командир, Наташка ҳам командир, қолгани Перепелятченко, Суховин, Галатенколарми?

— Ҳа, нима қипти Галатенкога?— аллақаёқдан ғулдираган товуш эшитилди.— Бир нарса бўлса нуқул Галатенкони гапирасизлар...

— Жим ўтир!— деб унинг гапини бўлди Лапоть.

— Нега жим ўтирар эканман? Ана, Антон Семёновичнинг гапини эшиттиларинг-ку, у ердаги болалар тўғрисида. Мен нима, ишламаяпманми ё бошқа бирон гуноҳим борми?

— Хўп, майли,— деди Денис,— кечирасан, аммо борсак калтак ейишимиз аниқ, гап шу, яна нима бўларди.

— Оғзингга қараб гапир, кимдан калтак ерканмиз?— деди бошини кўтариб Митька Жевелий.

— Қўлингдан нима келарди?

— Хотиржам бўл!

Кудлатий жойига ўтирди. Иван Иванович сўз олди:

— Колонист ўртоқлар, барибир мен шу ерда қоладиган одамман, четдан қараган одамга яққолроқ кўринади. Хўш, Куряжга бориб нима қиласизлар? Бизга уч юзта энг бузуқ, яна харьковли болаларни қўшиб беришар экан...

— Бу ерга харьковли болаларни юборишмайдими?— деб сўради Лапоть.

— Юборишади. Ўзларинг ўйлаб кўрларинг: уч юзта! Антон Семёновичнинг гапига қараганда, бари катта ёшдаги болалар экан. Кейин, буёғини ҳам ўйлаб кўриш керак: улар бу ерга эмас, сизлар у ерга кўчиб борасизлар. Фақат устибошнинг ўзидан ўн саккиз минг сўмлик молни талаб кетишган бўлса, биласизларми, сизларни нима қилишади?

— Жаркоп қилишади!— деб қичқирди аллаким.

— Жаркопни-ку, қовуриш керак, улар қовуриб ҳам ўтирмайди, тириклигимизча ютиб юборишади!

— Бизнинг болалардан кўпини ўғриликка ўргатишади,— деб давом этди Иван Иванович.— Шунақалар борми орамизда?

— Бор, тўлиб ётипти,— деб жавоб берди Кудлатий.— Бизда қирқтача шпана бор, аммо ўғрилик қилишга қўрқишади.

— Ҳа баракалла!— деди Иван Иванович, хурсанд

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб.— Санаб кўринглар: сизлар саксонта, улар эса уч юз йигирмата, ундан ташқари, қизларимизни ва майда болаларни ҳисобдан чиқариб ташлаш керак... Нима кераги бор бу ортиқча ғалванинг? Шуни деб Горький колониясини ҳалок этиш керак эканми? Ҳалокатга йўл тутдингиз, Антон Семёнович!

Иван Иванович атрофга тантана блан қараб, жойига ўтирди. Колонистлар унинг гапини ма'қуллагандай бўлиб, олағовур кўтарилди, аммо бу шовқиндан мен уларнинг бирон қарорга келганликларини сезмадим.

Уринган эски плаш кийган, аммо соқоли топтоза қирилган, озода Калина Иванович сўзга чиққанда ҳамма хурсанд бўлди. Колониядан ажралиш Калина Ивановичга жуда оғир эди, ҳозир ҳам унинг кексайиб, нурсизланиб қолган кўмкўк кўзларида чинакам инсоний қайғу борлигини сездим.

— Демак, шундай,— деб шошилмай гап бошлади Калина Иванович.— Мен ҳам сизлар блан кетмайдиган одамман, ҳам четдан қараб турган одамман, аммо мен сизларга бегона одам эмасман. Сизлар қаёққа кетмоқчисизлар, турмуш сизларни қаёққа бошлайди, бу икки нарсанинг фарқи бор. Ўтган ой: инглизларга маска мой сотамиз деб юрдинглар. Қани, мен чолга айтинглар-чи: инглиз паразитлар учун ишлашга, меҳнат қилишга йўл қўйиб бўладими? Болаларнинг кўчамизчи, кўчамиз деб севиниб сакратанини ўз кўзим блан кўрдим-ку! Хўш, айтайлик, кўчдинглар ҳам, кейин нима бўлади? Назарий томондан қараганда — тўғри, Запорожье яхши жой, аммо амалий томондан қараганингда қиладиган ишларинг сигир боқиш бўларди, холос. Маска мойларинг инглизларга етиб боргунча неча марта терга тушишларингни ҳисоблаб кўрдингларми? Сигир боқ, гўнг таши. шалтоғини тозала, негаки, инглиз сен юборган мойни емайди, ҳазар қилади, паразит. Бу томонларини ўйламайсизлар-да, кўчамизчи, кўчамиз дейсизлар, тентаклар. Яхшиямки кўчмадинглар, майли, инглиз қуруқ нонини кавшайверсин. Мана энди Куряж деган гап чиқиб турипти. Сизлар бош қотирганинг қотирган. Бунча бош қотириб ўтиришнинг нима кераги бор? Сизлар илғор кишисизлар, ўзларинг ўйлаб кўринглар, сизларга ўхшаган уч юзта Максим Горькийлар, ўз оғайниларинг хароб ҳолда ётипти. Антон Семёнович гапирса, сизлар хахолаб куласизлар, нимасига куласизлар? Куладиган жойи борми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Совет ҳокимияти пойтахтда[1], Харьков шаҳрида, Григорий Ивановичнинг ёнгинасида тўрт юзта бандитнинг етишишига йўл қўяоладими? Совет ҳокимияти сизларга: қани, болалар, боринглар, уларни дам тўғри одам қилиб етиштиринглар! деяпти. Уч юзта бола-я, ҳазил эмас! Сизларга Лука Семёновичга ўхшаган муттаҳамлар эмас, бутун Харьков пролетарнати кўз тикиб турипти! Сизлар бўлсангиз йўқ дейсизлар! Уидан кўра бизга инглизлар керак дейсизлар, ҳу, ёғ еб, қорни ёрилиб ўлсин, ўша инглизлар! Бунга қолганда сизлар йўқ дейсизлар. Биз бўлсак атир гулларни кўзимиз қиймайди, биз қанчаю, у паразитлар қанча деб қўрқамиз. Антон Семёнович блан ёлғиз иккимиз колония тузганимизда нега қўрқмадик? Ё умумий мажлис чақириб, нутқбозлик қилдикми? Ана, Волохов блан Таранец айтсин, Гуд айтсин, биз у паразитлардан қўрққан эдикми? Ҳа, бу иш — давлат иши, совет ҳокимияти учун муҳим иш-ку? Менинг гапим шу: боравернглар, вассалом. Максим Горький ҳам айтади: менинг горькийчиларим қўрқмади, паразитлар, кўчиб боришипти, дейди!

Калина Иванович тапирган сарн юзлари қизариб борарди, колонистларнинг кўзларида ҳам ҳаяжон ўти порлайбошлади. Ерда ўтирганларнинг кўпи бизга яқинроқ сурилиб ўтирди, ба'зилари энгаҳларини ўртоқларининг елкаларига тираб, Калина Ивановичнинг юзига эмас, олисларга, ўзларининг келажакдаги қаҳрамонликларига қараб ўтиргандай эди. Калина Иванович Максим Горькийни тилга олганда колонистларнинг кўзларида ўт чақнаб кетди, ёш болалар орасида шовқин-сурон бошланди, ҳаммага жон кирди, қийқириқлар кўтарилди, қарсак чалишабошлаган эди, бироқ қарсак чалишга вақт қолмаган эди. Митька Жевелий, полда ўтирганлар ўртасига келиб туриб олиб, худди қаршилик орқа томондаги қаторлардан кўрсатиладигандай, уларга қараб:

— Борамиз, паразитлар, рост гап, борганимиз бўлсин!— деб бақирарди.

Аммо орқадаги қаторлар ҳам Митькага хархил аччиқ луқмалар ташлар, шижоат блан қарар эди, шунинг учун Митька, ҳозирча қўлларидан фақат вижир-вижир қилиш ва чинқиришлан бошқа нарса келмайдиган чурвақалар ўраб олган Калина Ивановичга ташланди.

---

[1] У вақтларда Украина пойтахти Харьковда эди

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Калина Иванович, шундай экан, сиз ҳам биз билан бирга кетасизми?

Калина Иванович ма'юс кулди-да, трубкасини тамакига тўлдирди. Лапоть ва'эзхонлик қиларди:

— Деворга нима ёзилиб қўйилган, ўқинглар!

Ҳамма бир бўлиб:

— Зорланма!— деб бақирди.

— Яна бир марта ўқинглар!

Лапоть муштини пастга букди, ҳамма болалар ажаранглаган овоз билан қат'ий оҳангда:

— Зорланма!— деб бақирди.

— Биз эса зорланаяпмиз! Ҳаммамиз математик бўлиб кетганга ҳайронман: саксонта, уч юз йигирмата дейсизлар!.. Шу ҳам санаш бўптими? Биз Харьковдан юборилган қирқта болани қабул қилдик, ўшанда санаган эдикми? Қани ҳозир улар?

— Мана биз! Шу ердамиз!— деб бақирди болалар.

— Хўш, қанақа экан?

— Жойида!— деб қичқирди болалар.

— Шундай экан, нимага санаб ўтирибмиз? Иван Ивановичнинг ўрнида бўлганимда мен бизда битта ҳам бит йўқ, уларда ўн минтта бўлса керак! Қимирламай ўтиравернг деярдим.

Қаҳқаҳ уриб кулган болалар, уялганидан лавлаги бўлиб кетган Иван Ивановичга қаради.

— Биз ўз билганимизча санайверамиз,— деб давом этди Лапоть:— биз томонда Горький колонняси бор, улар томонида ким бор? Ҳечким!

Лапоть гапириб бўлди. Колонистлар бақиришди:

— Тўғри! Борамиз, вассалом! Антон Семёнович Наркомпроста хат ёзсин!

Куллатий деди:

— Бўпти! Борадиган бўлсак бораверамиз. Аммо, борганда ҳам олдин ҳамаёқни ўйлаб олиш керак. Ҳалемай март, келай деб турипти, бир кунни ҳам бой бермаслик керак. Хат эмас, телеграмма юборилсин, бўлмаса экинсиз қолишимиз аниқ. Ундан кейин, яна бир масала бор: барибир, пулсиз кўчиб бўлмайди. Йигирма минг сўмми, ундан кўпроқми, озроқми, барибир, пул керак.

— Овозга қўяйми?— деб мендан маслаҳат сўради Лапоть.

— Антон Семёнович ўз фикрини айтсин!— деб бақиришди болалар орасидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзинг кўрмаяпсанми?— деди Лапоть.—Аммо, қондага мувофиқ бўлиши керак, тўғри. Сўз — Антон Семёновичга.

Мажлис қарорисида ўрнимдан турдим-да, қисқагина қилиб:

— Яшасин Горький номидаги колония!..— дедим.

Ярим соатдан кейин янги старший отбоқар ва иккинчи отряд командири Витька Богоявленский отга миниб шаҳарга жўнаб кетди.

Нега у ўз шапкасини қадрлайди бағоят,
Чунки шапка ичига жойлашгандек ошиқ хат:

«Харьков Наркомпрос Джуринскаяга.

Куряжнинг бизга берилишини қат'ий сўраймиз, экин сметасини тезда тасдиқ этишингизни илтимос қиламиз.

Колонистларнинг умумий мажлиси

Макаренко».

18. Жанговар разведка

Эртаси куни Джуринская мени телеграмма блан чақиртирди. Колонистлар телеграммани кўриб, ишонишди ва унга катта аҳамият беришди.

— Ана, кўрдингларми: шатир-шутир телеграмма ҳам келиб қолди...

Ҳақиқатда эса ишимиз шатир-шутурсиз силжирди. Гарчи теварак атрофдаги дачалар, посёлкалар ва қишлоқлар бу бандитлар уясининг тезроқ тугатилишини талаб этган, Куряжни тугатиш зарурлиги ҳаммага аён бўлса ҳам, унинг ҳомийлари борлиги ма'лум бўлди. Аслини суриштирганда Джуринская блан Юрьевгина колонияни кўчириш тарафдори эдилар. Бу тадбирнинг тўғрилигига эса фақат Юрьев шубҳа қилмасди, Джуринская менга ишонгани учунгина кўнган эди, ба'зан юрагини очиб гапириб қолган пайтларда:

— Ҳарқолда, бу ишга юрагим дов бермай турипти, Антон Семёнович. Уйлаб ўйимга етолмай, чўчиб турибман...— деярди.

Брегель ҳам кўчишимиз тарафдори эди, аммо унинг қўйган шартларн менга тўғри келмасди: унинг таклифича, ҳамма ишни уч кишидан тузилган махсус комиссия бажариши, Горький колониясининг тартиб-қоидалари янги коллективга секин-аста киритилиши ва дастлабки

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир ой давомида менга ёрдам бериш учун Харьковдан эллиқта комсомол а'зоси сафарбар қилиб юборилиши керак эди.

Халабуданинг теварагидаги муттаҳамлардан биттаси унинг қулоғига гап қуйиб қўйган бўлса керак, йигирма минг сўм дотация тўғрисида гапиргуси ҳам келмай, ҳалеб:

— Йигирма минг сўмга ўзимиз ҳам қиламиз,— деярди.

Кутилмаган душманлар профсоюздан ҳамла қилиб қолди. Ҳаммадан ҳам Клямер деган афти-башараси қопқора, халқ дўстинамо одам қутуриб ҳамла қилар эди. Горький номли колониянинг нимаси унга ёқмас экан ҳанузгача тушунолмайман, аммо бизнинг колония тўғрисида гапирганда дарғазаб бўлиб, афтини буруштириб, тупуриб ва столни муштлаб гапирарди:

— Қадам босган еringдан нолоҳотчилар чиқади! Макаренко деган ким ўзи? Нима учун битта Макаренко деган одам учун меҳнаткашларнинг манфаатларига ва қонунга хилоф иш қилишимиз керак экан? Горький колониясини ким бориб кўрипти? Хўл, Джуринская кўрипти, кўрган бўлса нима қипти? Битта Джуринскаянинг ҳамма нарсага ақли етар эканми?

Клямерни ғазаблантирган нарса менинг қуйидаги шартларим эди:

1. Куряжнинг барча ходимлари ҳеч қандай сўзсиз ишдан бўшатилсин.

2. Горький колониясида фақат ўн бешта тарбиячи қўйилсин (норма бўйича қирқ киши ишлаши керак эди).

3. Тарбиячиларга ойига қирқ сўмдан эмас, саксон сўмдан маош тўлансин.

4. Педагогларни ишга мен ўзим таклиф этаман, профсоюзда отвод бериш ҳуқуқигина қолади.

Мана шу тўрттагина арзимаган талаб Клямернинг жиғибийронини чиқарар эди.

— Кўрайликчи, бу безбетлик блан ёзилган ультиматумни муҳокама қилишга ким жур'ат этаркин? Бу талабларнинг ҳар калимаси совет ҳуқуқини масхара қилади, таҳқирлайди. Бу кишига ўн бешта тарбиячи бўлса бас эмиш, қолган йигирма бештаси кўчада қолса майли эмиш. Қирқта тарбиячи олишдан қўрқадию, педагоглар устига оғир юк юклашдан тоймайди...

Клямер блан баҳслашиб ўтирмадим, чунки унинг бунчалик қизишиб гапиришининг ҳақиқий сабабларини билмас эдим. . . . . .

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен умуман музокара ва баҳсларга аралашмасликка тиришардим, чунки, ростини айтганда, ишнинг муваффақиятли чиқишига қат'ий ишончим йўқ эди ва бирон кимсанинг устига ўзининг фикрига тўғри келмаган мас'улиятни юклашни истамас эдим. Аслини суриштирганда, менинг ихтиёримда фақт биргина далил бор эди, у ҳам бўлса — Горький номидаги колония эди, аммо колонияни кўп одам кўрмаган, уни та'рифлаб бериш менга номуносиб эди.

Колонияни кўчириш масаласига шунча одам бош қўшди, унинг атрофида шунақангги баҳслар, тортишувлар бошланиб кетдики, салдан кейин ўзим ҳам нима қилишимни билмай, бошим қотиб қолди, ундан кейин, Харьковга келсам фақат бир кунга келардим, келганимда ҳам бирон мажлис ё кенгашга киролмасдим. Нима учундир, душманларимнинг самимийлигига унча ишонмасдим, улар келтирган далиллар тагида бутунлай бошқа гап бўлса керак деб шубҳа қилардим.

Фақат Наркомпросда ҳақиқий эҳтиросли одамни учратиб, қойил қолдим. Устибошига қараганда хотин киши эди. Аммо аслда хунаса бўлса керак: бўйи пакпакана, юзи худди отнинг юзига ўхшаган чўзинчоқ, кўкрак ўрнида кичкина тахтакач, оёқлари устундай-устундай йўғон ва бесўнақай эди. Дам ўтмай қилқизил қўлларини кўтариб лахса қилар ё бўлмаса сапсариқ похолдай текис сочларини тўғрилаб қўярди. Уни ҳамма ўртоқ Зоя деб чақирарди. Брегель кабинетида у қандайдир мавқи'га эга эди.

Ўртоқ Зоя биринчи кўришдаёқ мени ёмон кўриб қолди, буни яширмасди ҳам, қаттиқ-қаттиқ гапларни бетимга айтишдан ҳам тоймасди.

— Сиз педагог эмас, солдатсиз, Макаренко. Одамлар сизни собиқ полковник дейди, рост гапга ўхшайди. Умуман, нимага сизни қўлда кўтариб юришади, қайронман. Мен эса, сизни болаларга яқин йўлатмасдим.

Ўртоқ Зоянинг бунчалик оташин самимийлиги ва эҳтироси менга ёқарди, мен ҳам унга қайтарадиган одатдаги жавобимда буни яширмасдим,

— Мен ҳамавақт сизга қойил бўлиб келаман, ўртоқ Зоя, аммо умримда полковник бўлган эмасман.

Колонияни кўчириш масаласига ўртоқ Зоя бир ҳалокат деб қарар ва жафти блан Брегельнинг столини уриб:

— Кўрлик қилаяпсизлар,— деб бақирарди.— Ҳам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мангнинг бошингни нима билан айнитди бу...— деб менга қараб қўярди.

Мен ҳам пинагимни бузмасдан:

— ... полковник,— деб гап топиб берардим.

— Ҳа, полковник... Бунинг қандай оқибат келтиришини олдиндан айтиб қўяқолай, пичоқбозлик билан тугайди! Юз йигирмата болаларни олиб келдими, бўлди, ана ундан кейин пичоқбозликни кўраверасиз! Бунга нима дейсиз, ўртоқ Макаренко?

— Мулоҳазаларингизга қойилмаи, аммо бир нарсани билолмай турибман: ким кимни пичоқлайди?

Брегель икки ўртадаги баҳсга сув сепарди:

— Зоя! Уят эмасми! Пичоқбозлик нимаси!.. Сиз ҳам, Антон Семёнович, сра ҳазилингизни қўймайсиз...

Баҳс ва келишмовчилик юқори партия доираларига бориб етди, шундан кейин хотиржам бўлдим. Мени хотиржам қилган бошқа нарса ҳам бор эди: Куряж тобора чириб, бузилиб борарди, бу эса кескин ҳамда шошилинч чора кўришни талаб этарди. Гарчи Куряж педагоглари ҳам:

— Колонияни бузган нарса Горький колонияси кўчиб келармиш деган гаплар,— деб қаршилик кўрсатсалар ҳам, Куряжнинг ўз аҳволи масалани тезроқ узил-кесил ҳал қилишга мажбур этарди.

«Куряжлилар горькийчиларни бўғизлашга шайланиб туришти» деган гапларни тарқатган ҳам ўша тарбиячиларнинг ўзи эди. Ўртоқ Зоя бетимга қараб туриб:

— Ана, кўрдингизми?— деб бақирарди.

— Ҳа, кўрдим,— деб жавоб берардим,— масала ойдинлашди: биз уларни эмас, улар бизни бўғизламоқчи экан.

— Ҳа, ойдинлашди... Варвара, ҳамма мас'улият сенинг устингга тушади, огоҳ бўл! Икки тўда боқимсиз болаларни бир-бирига гиж-тижлатиш! Бу нима деган гап?

Ниҳоят, бир куни мени юксак ташкилотдаги кабинетлардан бирига чақиришди. Сочи тоза қирилган киши қоғоздан бошини кўтарди-да:

— Утиринг, ўртоқ Макаренко,— деди.

Кабинетда Джуринская билан Кляйнер ҳам бор эди.

Утирдим.

Сочи тоза қирилган киши мендан секин:

— Ўз тарбиянгиздаги болалар билан бирга Куряжнинг бузилишини тўхтатаолишга ишонасизми?— деб сўради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Балки рангим оппоқ оқариб ҳам кетган бўлса керак, дангал берилган бу саволга мен унинг кўзларига тўғри қараб туриб:

— Ишонаман,— деб ёлғон жавоб бердим.

Сочи тоза қирилган киши менга тикилиб қаради-да, давом этди:

— Яна битта технический савол, яхшилаб қулоқ солинг, ўртоқ Клямер, мен бераётган савол принципиаль савол эмас, технический савол, қисқагина жавоб беринг-чи: нима учун қирқта тарбиячи эмас, ўн бешта тарбиячи бўлади дейсиз ва нима учун қирқ сўмлик маошга қараш-сиз?

Мен бир он ўйлаб турдим-да, жавоб бердим:

— Қисқа қилиб айтганда, масала шундай: қирқта қирқ сўмлик педагог боқимсиз болалар коллективининг-ина эмас, ҳарқандай коллективни ҳам тамомила бузиб юбо-ришн мумкин.

Сочи тоза қирилган киши бирдан елкасини креслога ташлади-да, хахолаб кулиб юборди ва кўзларидан ёш чиққан ҳолда, бармоғи блан кўрсатиб:

— Ҳатто Клямерлардан иборат бўлган коллективни ҳам, а?— деб сўради.

— Шубҳасиз,— дедим, жиддий суратда.

Сочи тоза қирилган кишида эҳтиёткорлик блан тутган расмиятчиликдан асар ҳам қолмади. Қўлини Любовь Са-вельевнага чўзиб:

— Сизга «соз бўлсину, соз бўлсин» демаганмидим?— деди.

Бирдан чарчаган одамдай бошини чайқади-да, яна расмий оҳанг блан жиддий суратда Джуринскаяга деди:

— Майли, кўчишсин! Қанча тез кўчишса шунча яхши!

— Йигирма минг сўм,— дедим, ўрнимдан турвётиб.

— Берилади. Кўп эмасми?

— Оз.

— Яхши. Хайр. Кўчиб бораверинглар ва, шуни билиб қўйингки, вазифа мукаммал бажарилиши керак.

Шу пайтда, Горький колониясида қарор қабул қили-гандан кейинги қизғин давр тугаб, энди шошилмай, аммо ҳарбийларча отланиш даври бошланган эди. Аслда коло-нияни Лапоть бошқарарди, оғир маҳалларда Коваль унга қарашиб турарди, аммо бошқариш учун қийин ҳам эмас эди. Ҳечқачон колонияда шунчалик аҳиллик бўлмаган, ҳечқачон болалар бир-бирларини шунчалик суяб, қўллаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлтиқламаган эдилар. Ҳатто энг кичкина, арзимаган ножўя қилиқларга ҳам болалар таажжубланиб қарар ва қисқа, аммо маънодор гап блан норозилик билдириб:

— Эҳ-ҳа, ҳали сен Куряжга бориб тартиб ўрнатасанми?— дерлардилар.

Вазифанинг қандайлигига колонистлар жуда яхши тушунгандилар. Ҳамма нарсани коллективга бағишлаш зарурлигини колонистлар билибгина қолмай, ҳатто алоҳида нозик бир сезги блан англардилар, буни эса мутлақо ўзидан кечиш деб бўлмасди. Аҳилликни, муносабатларнинг самимийлигини ва коллективнинг кучли ва хотиржамлигини сезиш — лаззатларнинг лаззати эди. Буниг ҳаммасини болаларнинг кўзларидан, ҳаракатларидан, юз ишораларидан, юриш-туришларидан, ишлашларидан билиш мумкин эди. Ҳамма кўзини шимол томонга, қалинлиги бир саржин келадиган девор ичида жойлашган ва бизга қашшоқлик, ўзбошимчалик, жиннилик, аҳмоқлик ва қайсарлик блан гулдираб турган қора гуруҳ томон тикқан эди.

Колонистлар ўртасида мақтанишдан асар ҳам йўқлиги менинг диққатимни жалб қилди. Уларнинг ҳарбиринииг юрагида қўрқув ва нима бўларкин деган ишончсизлик бор эди, бунинг сабаби уларнинг биронтаси ҳам душманни ўз кўзи блан кўрмаганлигида эди.

Менинг қайтишимни болалар ҳар сафар сабрсизлик блан кутар, йўлларга, дарахтларга ва томларга чиқиб йўлимга кўз тикиб турардилар. Мешинг экипажим қўрага кириши бланоқ сигналчи карнайни олиб, менинг розилигимни кутмасданоқ, ҳаммани мажлисга тўплар эди. Мен итоаткорлик блан мажлисга кирар эдим. Шу дақрда мени хулли халқ артистини қаршилагандай қарсаклар блан кутиб олиш одат бўлиб қолган эди. Қарсаклар менга эмас, бизнинг умумий вазифамизга қаратилган эди, албатта.

Ниҳоят, майнинг биринчи числоларида бўлган шундай мажлислардан бирига тайёр шартнома блан келдим.

Шартномага ва Маориф Халқ Комиссарлиги буйруғига мувофиқ, Максим Горький номидаги колония ҳамма болалар ва ходимлар состави, буюм-рўзғори, жонли ва жонсиз инвентари блан бирга Куряжга кўчирилар эди. Куряж колонияси тугатилганлиги, ундаги икки юз саксон бола, бутун рўзғор ва асбоб-ускуналар Горький номидаги колония ихтиёрига ўтганлиги кўрсатилган эди. Куряж колониясининг ҳамма ходимлари Горький колонияси мудири ишга

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушган кундан э'тиборан ишдан бўшатилиши, фақат ба'зи ёрдамчи ходимларгина олиб қолинмиши айтилган эди.

Колонияни бешинчи май куни қабул қилиш, Горький колониясини ўн бешинчи майгача кўчириб бориш менга топширилган эди.

Шартнома ва буйруқ ўқилгандан кейин горькийчилар «ура» деб бақиришмади, ҳечкимни осмонга ташлашмади ҳам. Чуқур сукунат ичида фақат Лапоть:

— Буни Горькийга ёзиб юбориш керак. Ва энг муҳими, йигитлар, ҳечким зорланмасин!— деди.

— Бўпти, зорланмаймиз!— деб чинқирди ёш болалардан аллаким.

Калина Иванович ҳам қўлини силтаб:

— Кўчаверинглар, болалар, қўрқманглар!— деб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi



УЧИНЧИ БЎЛИМ



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kufubxonasi

I. Мих

Индинга Куряж колониясини қабул қилабошлашим керак эди. Бутун хўжаликни йиғиштириш ва Куряжга кўчиришдай қийин ва мураккаб ишни мен йўғимда колонистларининг ўзлари бажариши учун, бугун командирлар советида уларга йўл-йўриқ беришим, биринма дейишим лозим эди.

Қўрқув ва умидлар, қизишган асаблар ва чарақлаган кўзлар, от-аравалар, майда-чуйда нарсалар ташвиши, унутилган «нотабене»[1]лар ва йўқолган арқон ташвишлари — ҳаммаси бир-бирига боғланиб, шундай чалкашиб кетган эдики, уни болаларнинг ўзи ечаолишига кўзим етмас эди.

Куряжни бизга топшириш тўғрисидаги шартномани қўлга олганимизга ниҳояти бир кеча ўтди, аммо колониянинг бутун ҳаёти: кайфиятлар ҳам, эҳтиросларҳам, сур'атлар ҳам шу қисқа вақт ичида сафар ҳаётига айланиб кетди. Куряжнинг бутун нафосатларини кўрмаганликларидан бўлса керакки, болалар ундан қўрқмас эдилар. Аммо менинг кўзим олдимда Куряжнинг гарчи ўзини расмий равишда аллақачон қайд қилинган бўлса-да, бўгзимдан хиппа бўғаман деб турган эртакдаги даҳшатли мурдага ўхшаб турарди.

Командирлар совети мен билан бирга Куряжга тўққизта колонист билан битта тарбиячини қўшиб юборишга қарор қилди. Мен кўпроқ одам керак дердим. Мен, бу озгина одам билан ҳечнарса қилаолмаймиз, қайтанга

[1] Китобни ўқиганда бетнинг четига қўйилган белгилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

горькийчилар обрўсини туширамиз, Куряждаги ҳамма ходимлар ишдан бекор қилинган, Куряждагиларнинг кўпи бизни ёмон кўриб қолган деб кўп тушунтирдим.

Кудлатий истеҳзоли ва шу билан бирга ёқимтойгина кулиб, деди:

— Сирасини айтганда, ўн киши бўлиб борасизларми, йигирма киши бўлиб борасизларми, фарқи йўқ: барибир ҳечнарса қилаолмайсизлар. Ҳаммамиз боргандан кейин — бошқа гап, ҳаммамиз бирдан ёпириламиз. Шуни ҳисобга олингки, улар уч юз киши. Бу ерда яхшилаб отланишимиз керак. Масалан, уч юз йигирма бош чўчқанинг ўзини ортишни айтинг! Ундан кейин, мана бу нарсага ҳам эътибор беринг: Харьковдагиларга нима бўлди, ё жўрттага қилишадими, кун сайин янги-янги болаларни юборишаяпти!

Янги болалар мени ҳам хафа қиларди. Улар, бизнинг коллективимизга қўшилиб, Горький колониясини мустаҳкам ва пок ҳолича сақлашга халал берар эди. Айни вақтда эса бизнинг унча катта бўлмаган отрядимиз уч юз кишилик оломонга зарба бериши керак эди.

Куряж билан курашга ҳозирлик кўрар эканмиз, мен яшин тезлигида зарба беришни мўлжаллар эдим, куряжликларни бир уришда йиқитиш керак эди. Ишни орқага суриш, «бориб-бориб тузалиб кетади» ёки «секин-аста таъсиримизни ўтказамиз» деган нарсаларга умид боғлаш бутун операциямизни пучга чиқариши аниқ эди. Ёлғиз бизнинг формаларимиз, қонун-қоидаларимиз, бизнинг традицияларимизгина эмас, Куряж анархияси традицияларининг ҳам «секин-аста» орамизга кириб боришини мен билардим. «Секин-аста таъсир ўтказиш» назариясини олдинга суручи Харьков донишмандларни, аслини суриштирганда, эскириб кетган омонат стулда ўтирар эдилар. Улар, яхши болалар ёмон болаларга ўз таъсирини ўтказади дердилар. Мен эса, энг аъло навъли болаларнинг ҳам ташкилий жиҳатдан ожиз коллективда йиртқичлашиб кетишини яхши билардим. «Донишманд»лар билан мен ошкор олишмасдим, чунки ҳал этучи варбанинг ҳархил «секин-аста таъсир ўтказишдан» олдин берилишини аниқ билардим. Аммо менга, янги келган болалар халал берарди. Кудлатий ақлли бола эди, бутун рўзғоримиз билан бир қаторда уларни ҳам Куряжга кўчириб олиб кетишга зийраклик билан тайёрланиш керак-лигини биларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу сабабдан, «илғор сводний отряд» бошида Куряжка-га жўнаб кетар эканман, ғам-ташвиш блан орқамга қарадим. Калина Иванович, гарчи энг сўнгги дамгача ишга бошчилик қилишга ва'да берган бўлса-да, айрилиқ уни шу қадар эзиб ва гангитиб қўйган эдики, қўлидан фақат колонистлар ўртасида беҳуда ивирсиб юриш келарди: рўзғорнинг айрим детальлари тўғрисида гапириб турарди-да, қарилик та'сири остида буларни ҳам дарров эсидан чиқариб юборарди. Колонистлар Калина Иванович-нинг ҳамма буйруқларини итоат ва меҳр-муҳаббат блан тингларди лар, қотириб салют бериб, завқ блан «есть» деб жавоб қайтарар эдилару, аммо ишни бажаришга келганда кекса одамга нисбатан бўлган ачиниш ва раҳмдилликни йиғиштириб қўйиб, ўз билганларича иш қилар эдилар.

Колония бошига Ковальни қўйдим, у, қўрғонимизни, экин-тикинларимизни ва тегирмонимизни қабул қилиб оладиган Луначарский номидаги коммунанинг «алдаб қўйишидан» қўрқарди. Колонистлар машиналарининг орасида коммуна вакилларининг қораси кўриниб қолган эди, коммуна раиси малла соқолли Нестеренко ҳам анчадан бери Ковальга ишонқирамай, шубҳаланиб қараб юрар эди. Оля Воронова бу икки киши ўртасидаги дипломатик тортишувларни ёмон кўрарди, шунинг учун Нестеренкога:

— Нестеренко, кет уйингга. Нимадан қўрқасан? Бу ерда бирингга муттаҳам йўқ. Кет уйингга дейман,— деб, қайтариб юборишга тиришар эди.

Нестеренко мугомбирлик блан кўзларини қисиб кулади ва жиғибийрони чиқиб қипқизариб кетган Ковальни имлаб кўрсатиб:

— Бу одамнинг қанақалигини ўзинг биласанми, Олечка? Қулоқ-ку! Туғма қулоқ...— деярди.

Коваль баттар хижолат бўларди, юзлари қизариб-бўзариб, тутоқиб, қайсарлик блан деярди:

— Сен нима деб ўйловдинг? Болалар шунча меҳнат сарф қилсину, сенга текинга бериб кетаймн? Ниманг учун? Сен луначарскийли бўлганинг учунми? Қорин-ларинг ёрилай дейдию, ҳали ҳам камбағал деҳқонмиз деб юрасизлар!.. Ҳақини тўланглар!..

— Ие, ўзинг ўйлаб кўр, нимани тўлайман, ҳечнарса бўлмаса?

— Мен ўйлаб нима ҳиламан? Экаймн, йўқми? деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўраганимда қайси еринг блан ўйловдинг? Кеккайиб туриб: экинглар! деган эдинг. Буюрдингми, ҳаммасига тўла-да! Буғдой нархини ҳам, жавдари нархини ҳам, лавлаги нархини ҳам тўлайсан...

Нестеренко бошини эгиб, махорка халтасини ечадида, халтанинг тагидан махорка ушоқларини сидиради ва гуноҳкор одамдай куйиб, дейди:

— Бу тўғри гап, ҳақ гап, нимасини айтасан... уруғлиққа десанг майли... Аммо меҳнат ҳақини бер дейишинг нюжўя. Болалар жамият учун ишласа ишлапти-да...

Коваль дарғазаб бўлиб, столдан ирғиб туриб кетадида, эшикдан чиқиб кетатуриб, орқасига қайрилиб, худди безгак тутиб турган одамдай:

— Бу ерда апойи борми, текинхўрлар! Сизлар нима, ногиронмисизлар? Номларинг коммунар-ку, ёш болаларнинг меҳнатига кўз тикасизлар... Тўламасанглар — гончаровкалиларга бериб кетаман! — дейди.

Оля Воронова Нестеренкони уйига ҳайдаб юборади ва чорак соат ўтмасдан колонияга ва коммунага бўлган севгисини хотин кишиларгагина хос талант блан муросага келтириб. Коваль блан боғда шивирлашади. Колония Олянинг ўз онасидай бўлиб қолган, коммунада у ҳамма ишни ўз қўлига олган; Шередян ўрганиб олган агрономия тадбирларини кенг кўламда қўллаш блан эркакларни енгади, хотинларга яхши-ёмон гапириб, ўз томонига тортади, оғир ва мушкул аҳвол рўй берган пайтларда йигирматача йигит ва қизлардан тузилган зарбдорларни ишга солади, бу йигит ва қизлар унинг кетидан худди Орлеан қизи[1]нинг орқасидан юргандай эргашади. У ҳамманн ўзининг маданияти, гайрати ва кучли э'тиқоди блан енгади, Коваль унга қараб туриб:

— Биз етиштирганмиз! — деб фахрланиб қўяди.

Горький номидаги колония ўзининг олти далали олмошлаб экиш усули тўла равишда қўлланилган имениесини луначарскийлиларга тақдим қилган эди, бу шоҳона совғадан Оля ниҳоятда фахрланар эди, бизнинг рўзғоримиз учун эса бу ин'ом чинакам бир ҳалокат эди. Аввалдан сарф қилинган маҳнатнинг аҳамияти ҳеч қаерда қишлоқ хўжалигидаги каби билинмайди. Бегона ўтларни

---

[1] *Орлеан қизи* — француз халқининг четэл босқинчиларига қарши олиб борган курашида қаҳрамонлик кўрсатган ва халқни ўз кетидан жангга эргаштирган мард қиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқотиш, олмошлаб экишни уюштириш, ҳарбир деталь-ни мослаш, йўлга солиб юбориш, оғир, кўзга кўринмай-диган ва кўп кунлаб давом этадиган процессининг ҳар-бир элементини бузмасдан сақлаш, эҳтиёт қилишнинг қанчалик оғирлигини биз билардик. Бизнинг ҳақиқий бойликларимиз ер тагида, экинларнинг илдизларида, тер тўкиб қурган оғилларда, кўзга оддий ва содда бўлиб кў-ринган ғилдиракларда, арава шотиларида, гупчакларнинг ҳарбир бўлагида эди. Эндиликда, кўп нарсани ташлаб кетиш, кўп нарсаларни эса жойидан қўзғатиб, юлиб олиб, тор товар вагонларга тиқиштириш пайти келганда, Шеренинг рангги ўчиб, ма'юс бўлганини, унинг юриш-туришида уйи куйган одамга хос аломатлар нима учун пайдо бўлганини тушуниш қийин эмас эди.

Шундай бўлса ҳам Эдуард Николаевич ма'юслик блан ўз ихтиёридаги қимматбаҳо буюмларни шошилмасдан бирма-бир сафарга тайёрлар эди ва илғор отряд блан бирга Харьковга жўнаб кетарканман, унинг бук-чайиб қолган қоматини кўриб, юрагим ачишмади. Қув-ноқ колонистлар худди эльфлар каби, теварагимизда чуғур-чуғур қилиб юришарди.

Ҳаётимнинг энг лаззатли онлари келган эди. Энди-ликда мен, нима учун ўша пайтларда бунга алоҳида диққат бермаган эканман, нима учун ажойиб ҳаётга чуқурроқ қарашга ўзимни мажбур этмаган эканман, нима учун ҳарбир онининг, ҳарбир ҳаракатнинг, ҳарбир сўзнинг ўткирлигини, шаклларини ва бўёқларини яхши эсга олиб қўймаган эканман деб ачинаман.

У вақтларда юз йигирмата колонист менинг назарим-да фақат бошпана ва иш топган юз йигирмата боқимсиз бола бўлиб кўринмас эди. Йўқ, улар менга юзлаб этик ҳаракат, юзлаб музика лаззати, юз марталаб ёққан баракали ёмғир каби бўлиб кўринарди, ахир инжиқ хотинга ўхшаган табиат ҳам ёмғирни сабрсизлик ва шод-лик блан кутади-ку!

Ўша кунларда шошилмасдан, оҳиста қадам ташлаб юручи колонистни кўриш қийин эди. Ҳаммалари елиб югуришни, худди қалдирғочдай шўнғишни ва қалдир-ғоч сингари вижирлашни ўзларига одат қилиб олган бўлиб, тетик, интизомли, ҳаракатлари ихчам ва кўркам эди. Ҳатто бир он хатога ҳам йўл қўйдим: бундай бахт-ли одамларга ҳечқандай ҳокимият керакмас, ҳокимият ўрнини мана шундай қувноқ, янги ва инсоний инстинкт

www.ziyouz.com kutubxonasi

босади, ҳаркимса нима қилишини, қандай қилишини ва нима учун қилишини ўзи билади, деб ўйладим.

Шундай онлар бўлиб турарди. Аммо Алёшка Волковга ўхшаган биронта боланинг сепкил тошган юзини аллакимга буриб, жиғибийрони чиқиб:

— Нима қилаяпсан, ҳой бефаҳм? Яшикка қанақа мих қоқаяпсан? Е сен уч дюймли михлар кўчада сочилиб ётипти деб ўйлайсанми?— деган гапи мени юксак анархия осмонидан ерга ирғитарди.

Ғайрати тўлиб-тошган, юзлари қипқизариб кетган бола бирдан бўшашиб кетарди-да, саросималаниб, болға блан товонини қаширди:

— А? Қанча дюймли мих қоқай?

— Яшикка эски мих қоқса ҳам бўлаверади, тушундингми, ишлатилган мих бўлса ҳам бўлаверади. Тўхта! Бу... уч дюймли михларни қаердан олдинг?

Хуллас... бошланди! Волков, боланинг тепасига келиб, бирдан уч дюймли янги михни мақсадга хилоф равишда ишлатганларга даргазаб бўлиб бошидан оёғигача қараб чиқади.

Ҳа, оламда ҳали трагедиялар тугамаган!

Ишлатилган михларнинг қанақалигини ҳамма билавермайди!

Уларни ҳархил мураккаб асбоблар блан эски тахталардан, дун'ёдан ўтган синиқ буюмлардан суғуриб олиш керакки, михлар улардан занг босиб, шол оёққа ўхшаган қинғир-қийшиқ бўлиб, қалпоқлари букилиб, учлари тўмтоқ бўлиб чиқади, кўплари икки букилган, уч букилган, ба'зилари штопорга ўхшаб кетади, ҳатто энг уста слесарь ҳам атайлаб шунақа михни ясайолмайди. Уларни чўққайиб ўтириб, бир парча рельсга қўйиб тўғрилаш керак, кўпинча болғани михга эмас, бармоқларга уриб олинади, кейин яна ишлатганда бу михлар букилиб кетади, синади, мўлжалланган томонга қарамасдан бошқа томонга оғиб кетади. Горькийчи болаларининг эски михни ёмон кўришлари ва янги мих топиш йўлида ҳийла қилиб, янги тергов ишларига йўл очиш ва Куряж сафаридай катта қувноқ ишга доғ солишларининг сабаби ҳам балки шундалир.

Гап ёлғиз михдами? Бўялмаган столлар, майда буржуалар дидида ясалган скамейкалар, минг хил табуреткалар, ишдан чиққан шерхебельлар[1], титилиб кетган

[1] Асбоб-ускуналар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

китоблар бор эдики, ўтроқ ҳаёт туфайли ғамланган бу ортиқча лаш-лушларнинг ҳаммаси қаҳрамонона сафаримизни таҳқирлагандай бўлар эди... Аммо ташлаб кетгани ҳам одамнинг кўзи қиймасди.

Бунинг устига янги болаларни айтмайсизми! Уларнинг бесўнақай ва бизга ёт қоматларини кўрганда кўзим тиниб кетарди. Шу ерга ташлаб кетсакмикин ё бўлмаса, бир жуфт чўчқа боласи ё ўн кило картошка бериб, бирон-та қашшоқ болалар уйига ташлаб кетсакмикин? Бирнеча марта мен уларни бирма-бир кўздан кечириб, ижтимоий-инсоний қадри-қиммати жиҳатдан бўлак-бўлакларга ажратиб чиқдим. У вақтда кўзим анча пишиб қолган эди, шунинг учун бир қарашдаёқ уларнинг ташқи қиёфасидан, кўзга чалинмайдиган афт буришгиришларидан, товушларидан, юришларидан ва яна аллақандай майда-чуйда қилиқларидан, ҳатто ҳидларидан бу хомаш'ёнинг ҳарбиридан қандай маҳсулот етилишини аниқ айтаолардим.

Мана, масалан, Олег Огнёв. Куряжга бирга олиб кетайликми ё ташлаб кетайликми? Йўқ, буни ташлаб кетиб бўлмайди. Бу камдан-кам учрайдиган ва ажойиб бир бола. Олег Огнёв — авантюрист, сайёҳ ва сурбет бола, афтидан, қадимги норманнлар[1] авлодига ўхшайди: баланд бўйли, сочлари оқиш-малла эди. Унинг бпан варяг авлод-аждодлари ўртасида бирнеча бўғин яхши рус интеллигентларн бўлган бўлса эҳтимол, чунки Олетнинг типтиниқ пешонаси ниҳоятда кенг ва баланд, бир қулоғидан иккинчи қулоғигача етган оғзи ақл-идрокдан дарак берар ва сергак, жовдираган кўкиш кўзларига жуда мос тушган эди. Олег почта переводлари бпан қийла-найранг қилиб турганда қўлга тушган ва икки милиционер соқчилигида колонияга юборилган эди. Олег Огнёв уларнинг ўртасига тушиб олиб, ўзининг мужмал келажагини ўйлаб, бемалол кулиб келарди. Соқчилардан ҳоли қилингач, Олег менинг биринчи ўгит-насиҳатларимни э'тибор бпан, жиддий равишда тинглади, катта ёшли колонистлар бпан яхшиликча танишди, кичик болаларни кўриб, ҳайрон бўлди ва айни вақтда севинди, охири ҳовлининг ўртасига келиб, ингичка оёқларини керди-да, кулиб юборио:

— Колония дегани шуми? Максим Горький колонияси, а? Оббо-ей! Қани, бунн ҳам татиб кўрайликчи...—деди.

---

[1] Европа қит'асининг шимолида яшаган қадимий қабилалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уни саккизинчи отрядга жойлаштирдилар, Федоренко унга бир кўзини қисиб, шубҳа блан қараб:

— Балки... ишга келганда... унча ўч эмасдирсан дейман! Шунақами! Пиджагинг ҳам тўғри келмайди... оғайни... — деди.

Олег кулди-да, ўзининг олифтанамо пиджагини кўздан кечирди, олдин бир этагини, кейин бошқа этагини кўтариб кўрди, кейин командирнинг юзига очиқ кўнгиллик блан кулиб қараб:

— Бундан хафа бўлмасанг ҳам бўлади, ўртоқ командир. Пиджак халал бермайди. Хоҳласанг, сенга берай, хоҳлайсанми?— деди.

Федоренко қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди, саккизинчи отряднинг бошқа баҳодирлари ҳам қаҳ-қаҳлаб кулишди.

— Қани, еч-чи, кўрайлик, қанақайкин?

Федоренко кечгача Олегнинг калта пиджагини кийиб, колонистларни мисли кўрилмаган бу олифталик блан кулдириб юрди, брок кечқурун пиджакни эгасига қайтариб берди-да, жиддий суратда деди:

— Бу матонингни узоқроқ жойга беркитиб қўй-да, мана бу ёқасиз кўйлакни кийиб ол, эртага сеялка кетига тушасан.

Олег командирга ҳайрон бўлиб қаради, кейин пиджакка истеҳзо аралаш назар ташлади-да:

— Бизнинг рўдапомиз тўғри келмайдими?— деди.

У эрталаб ўрнидан тургач, ёқасиз кўйлакни кийиб, ўзини-ўзи пўнғирлаб мазах киларди:

— Пролетарий! Сеялка кетида юриб кўр эмиш... Бу янги ишни ҳам синаб кўриш керак!

Олегнинг янги иши ҳадеб юришавермас эди. Негадир унга сеялка тўғри келмас эди, Олег унинг кетидан ма'юс бир ҳолатда юрар, кесакларга қоқилиб кетар, тикан хириб кетса, бир оёқлаб сакрарди. Сеялкани тўхтатмасдан тишларини тўғрилаб қўйишни билмас ва ҳар дамда отин етакловчига:

— Сеньор, жаниворларингизни бироз тўхтатиб туринг, кичкина тўсқинликка йўлиқиб қолдик!— деб қичқирарди.

Федоренко, Олегнинг меҳнат нагрузкасини ўзгартириб, унга борона қўшилган бир жуфт отни берди, брок Олег ярим соатдан кейин Федоренконинг кетидан қувиб етди-да, ёқимли бир оҳангда мурожаат қилди:

— Ўртоқ командир, бўлган ишдан хабарингиз борми? Меники ўтирипти-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким ўтирипти?

— Менинг отим ўтирипти! Э'тибор беринг: бемалол ўтирипти, турмайман дейди. Ўзингиз бир гапиришиб беринг, ўтинаман сиздан!

Федоренко, ерга ўтириб олган Мэрининг ёнига югуриб келади ва ожаҳли чиқиб:

— Э, тентак! Нима бало бўлди сенга? Ҳамаёғинг ўралиб қопти-ку! Мана бу таёқ бу ерда нима қилиб юрипти?

Олег меҳнатга бўйин қўйишга астойдил тиришади:

— Аллақандай пашшалар учадими дейман!.. Иш буёқда қолиб, бунинг ўтириб олганини қара-я!

Хомит бошига сурилиб келиб қолган Мэри Олегга ўқрайиб қарайди, Федоренконинг ҳам жаҳли чиқади:

— Ўтирипти дейдия... Бия ҳам ўтирармишми? Ҳайда!..

Олег жиловни ушлаб, Мэрига:

— Но!!— деб бақиради.

Федоренко қота-қота кулади:

— Нега «но» деб бақирасан? Извошчимисан?

— Кўрдингми, ўртоқ командир...

— Мунча ҳадеб ўртоқ командир, ўртоқ командир деяверасан!..

— Бўлмаса, нима деяй?

— Нима деяй дейди... Ўзининг отим йўқми?

— Э-ҳа-я!.. Гап шундаки, ўртоқ Федоренко, мен извошчи эмасман, албатта, аммо худо урсин, умримда Мэри билан биринчи марта яқин алоқада бўлишим... Мэри деган таниш қизларим ҳам бўлган... аммо улар билан бошқача гаплишар эдим-да, чунки, мен сизга айтсам... бу ерда «таёқми-ей», «хомитми-ей» деган нарсалар бор экан.

Федоренко осойишта ва ўткир кўзлари билан унинг олифтанамо қоматига тикилиб қарайди-да, ерга тупуриб:

— Кўп валдирама, уловга қара!— дейди.

Кечқурун Федоренко иккала қўлини кериб туриб, шошилмасдан ҳукм чиқаришга киришади:

— Ҳечнарсага ярамайди бу одам! Бу пирожний ейишни, қизлар кетидан судралишни билади... Менимча, бу одам бизга тўғри келмайди. Шунинг учун мен уни Куряжга олиб борилмасин дейман.

Саккизинчи сводний отряд командири ўз ҳукмини тасдиқлашимни кутиб, менга жиддий равишда қарайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саккизинчи отряддагиларнинг ҳамиша бир фикрда бўлиши ва одамга баравар талабчанлиги ма'лум, шунинг учун бу ҳукмни бутун отряд чиқарганини биламан. Аммо Федоренкога бундай жавоб бераман:

— Огнёвни Куряжга олиб кетамиз. Огнёвдан ҳақиқий меҳнаткаш одам етиштириш кераклигини болаларингга тушунтир. Агар сизлар етиштирмасангиз, ҳечким етиштираолмайди, натижада Огнёв совет ҳокимиятининг душмани, саёқ бўлиб кетиши мумкин. Ўзинг гапга тушунасан-ку?

— Мен-ку тушунаман,— дейди Федоренко.

— Отрядга бориб, яхшилаб тушунтир...

— Майли, тушунтиришга тўғри келади,— дейди Федоренко дарров розн бўлиб, аммо шу ондаёқ биз славян оғайниларнинг мушкул ва оғир масалаларни ҳал қилиш олдида ҳашинадиган ерига қўлини чўзади.

Шундай қилиб. Олег Огнёв биз билан бирга кетади. Хўш, Ужиковчи? Қат'иян ва нафрат билан жавоб бераман: Аркадий Ужиков бормаслиги керак ва умуман кўзимдан нарироқ даф' бўлгани яхшироқ, дейман! Бирон корхонада агар бировнинг қўлига худди шунга ўхшаган расво хомаш'ё тутқизишса, ўнлаб комиссия туздиради, ўнлаб акт ёздиради, НКВДни ҳам бу ишдан хабардор қилади, минг хил тафтиш комиссияларига арз қилади, жуда бўлмаганда «Правда»га мурожаат қилади, ахир айбдорни топади. Ҳечким бировни эски челакдан паровоз ясашга, картошка пўчоқдан консерва қилишга мажбур этмайди-ку! Мен паровоз эмас, консерва ҳам эмас, ҳақиқий совет кишисини етиштиришим керак. Нимадан? Аркадий Ужиковданми?

Аркадий Ужиков болалик чоғидан катта воқиалар гирдобида бўлади, ҳамма тарих ва география ғилдираклари унинг устидан босиб ўтади. Аркадий ёш болалигида отаси оиласини ташлаб кетади. Аркадийнинг макони Деникин ҳукуматининг масхарахонасида аллақандай роль ўйновчи янги ота билан безанган. Ужиковнинг отаси ва оиласи ҳам ўша ҳукумат билан бирга мамлакатни ташлаб, четэлга кўчиб кетишга қарор қилади. Тентак тақдир ҳам келиб-келиб уларни Қуддус деган ноқулай бир жойга олиб бориб ташлайди. Бу шаҳарда Аркадий Ужиков ўгай отасидан ҳам, онасидан ҳам айрилади: улар касалдан эмас, одамларнинг нонкўрлигидан ўлиб кетади, шундан кейин Аркадий Ужиков нотаниш араблар ва бошқа майда

www.ziyouz.com kutubxonasi

миллатлар орасида қолади. Бирмунча вақт ўтгандан кейин Ужиковнинг янги иқтисодий сиёсатининг ҳамма сирларини билиб олган ва аллақандай комбинат а'зоси бўлиб қолган ҳақиқий отаси бирдан ўз авлодига муносабатини ўзгартиришга қарор беради. Бахтсиз ўғлини қидириб топади ва халқаро аҳволдан усталик блан фойдаланиб, Аркадийни пароходда, ҳатто ёнига ҳамроҳ ҳам қўшиб, Одесса портига келтиришга муваффақ бўлади, бу ерда Аркадий ўзини отасининг қучоғига ташлайди. Бироқ, икки ой ўтар-ўтмас, ота четэл тарбиясининг ўз ўғлида қолдирган ёрқин намуналарини кўриб, қўрқиб кетади. Аркадий русларга хос тантиллик блан араб фантазиясини ўзида мужассам этганидан бўлса керак, Ужиковнинг уйи шийпончайдон бўлиб қолади. Аркадий фақат ота-боболаридан қолган қимматбаҳо буюмларни — соатлар, кумуш қошиқлар ва стаканлонларни, костюм ва ич кийимларнигина эмас, ба'зи мебельларни ҳам чайқов бозорига олиб бориб сотади, ундан ташқари, отасининг хизматга доир чек дафтарчасини ҳам ўғирлаб, отасининг имзосини қилиб, ҳақиқий ўғил эканлигини кўрсатади.

Аркадийни яқиндагина Қуддусдан қутқариб келган қудратли қўл яна ишга солинади. Жанговар сафарга отланишимиз энди қизиб кетган бир пайтда европача кийинган олифта ва басавлат Ужиков — ота рўпарамдаги стулга ўтиради-да, Аркадийнинг бутун номаи а'молини батафсил гапириб беради ва охирида титроқ товуш блан:

— Ўғлимни фақат сиз одам қилиб бераоласиз!—дейди.

Мен, унинг диванда ўтирган ўғлига қарадим, ўғли менга шу қадар ёқмадики, уни дарҳол аламзада отасига қайтариб бергим келди. Аммо отаси ўғли блан бирга қоғоз ҳам олиб келган эди, қоғозга қарши курашишга мен ожиз эдим. Аркадий колонияда қолди.

Аркадий баланд бўйли, ориқ ва бесўнақай эди. Сапсариқ сочли калласининг икки четида каттакон ва қипқизил қулоқлари шалпайиб, йирик-йирик сепкил тошган қошсиз юзи ҳамавақт салқиб турарди, каттакон ва шишиб кетган бурни жуда ҳам бесўнақай эди. Аркадий ҳамиша ер тагидан қараради. Сапсариқ йиринг боғлаган нурсиз кўзлари одамни жиркантирарди. Бунинг устига яна ҳеч ёпилмайдиган, сўлак аримайдиган оғзини ва сира очилмайдиган қовоқларини айтинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Колонистларнинг уни қоронғу бурчакларда тутиб уришларини, йўлда учраб қолганда жўрттага туртиб кетишларини, у билан бирга бир ётоқда ётишни, бир столда овқат ейишни хоҳламасликларини, уни чин инсоний нафрат билан ёмон кўришларини билардим, ўзим ҳам уни худди шундай нафрат билан ёмон кўрардимму, аммо бу ҳисни педагог бўлганим учунгина босардим, тиярдим.

Келган кунидек Ужиков ўртоқларининг нарсаларини ўғирлади ва кечаси кўрпага сийиб чиқди. Митька Жевелий олдимга келди-да, қопқора қошларини чимириб, жиддий суратда сўради:

— Антон Семёнович, йўқ, сиз менга яхшиликча айтинг: бу одамни ўзимиз билан бирга обориб нима қиламиз? Қаранг-а: Қуддусдан Одессага кепти, Одессадан Харьковга, Харьковдан бу ерга кепти, бу ердан энди Куряжга борадими? Нима кераги бор? Бошқа юкимиз йўқми? Йўқ, менга айтингчи...

Мен индамайман. Митька сабр-тоқат билан мендан жавоб кутади ва бир четда илжайиб турган Лапотъга қошларини чимириб қарайди; сўнгра яна дейди:

— Умримда бунақасини кўрган эмасман. Буни шундай қилиш керак... Кучала бериш керак... ё бўлмаса... нонинг ичига игна солиб, олдига ташлаш керак.

— Олмайди-да!— дейди Лапотъ ва қотиб-қотиб кулади.

— Ким олмайди? Ужиков олмайдими? Қани, жўрттага ташлаб кўрчи, олиб емаганини кўрасан... Шунақа очкўз болаки! Овқат еганини кўрсанг... Тъфу, эсимга тушса кўнглим айнайди!..

Митька жирканиб, сесканади. Лапотъ унинг ҳолига ачиниб, хайрихоҳлик билан қарайди. Мен ичимда уларнинг томонини оламан ва: «Энди нима қилсам экан?. Ужиков шундай қоғозлар олиб келган бўлса...» деб ўйлайман.

Болалар тахта диванда ўтириб, хаёлга чўмади. Кабинет эшигидан Васька Алексеевнинг топтоза ва илжайган башараси мўралайди, уни кўриб Митька бирдан севиниб кетади:

— Мана бунақалардан юзтасини берсангиз ҳам майли, йўқ демаймиз!.. Васька, бери кел!

Васька қипқизариб кетади ва уялиб, илжайганича меҳрибон, маҳлиё кўзларини Митькадан узмасдан, секин

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг олдига келиб, ўзини унинг тиззасига ташлайди ва бирдан ўзининг ҳамма ҳисларини сра тасвир этиб бўлмайдиган биргина:

— Гхм...— деган товуш билан билдиради, бунда «оҳ» садоси ҳам бор, инграш ҳам бор, завқ билан кулиш ҳам бор...

Васька Алексеев турмуш безорилигидан қочиб колонияга ўз хоҳиши билан йиғлаб-йиғлаб келган. Бир куни кечқурун, жала қуйиб турган бир маҳалда, тўғри командирлар советининг мажлисига келиб қолади. Обиҳаво жуда расво бўлса ҳам, Васяга катта толе' келтирган эди, чунки ҳаво очиқ бўлиб, қуруқчилик бўлганда, балки уни остонага ҳам йўлатмас эдилар. Уни соқчилар сводний отрядининг командири кабинетга бошлаб кирди-да:

— Буни нима қиламиз? Эшик тагида йиғлаб турипти, кўчада ёмғир қуймоқда,— деб сўради.

Командирлар музокараларни тўхтатди-да, келган болага кўз тикишди. Бола ўзидаги барча воситалар билан — енглари, бармоқлари, муштумлари, этаклари ва шапкаси билан гам-ҳасрат аломатларини юзидан сидириб ташлади-да, Ванька Лапотьнинг раис эканлигини дарров пайқаб, нам кўзларини унга тикди. Боланинг чиройлик юзи жилғизлигина эди, оёқларида пухта тикилган қишлоқи ботинка, фақат устидаги эски калта мовут курткаси унинг бақувват қиёфасига мос келмас эди. Еши ўн учларда эди...

— Нимага келдинг?— деб сўради Лапоть.

— Колонияга кирмоқчиман,— деб жавоб берди бола, жиддий туриб.

— Нимага кирмоқчисан?

— Отам ташлаб кетди, ойим менга: бор, боладиган ерингга дейди...

— Бу қанақа гап бўлди? Ҳечкимнинг онаси бунақа демайди.

— Ойим... ўгай...

Бу янги вазият Лапотьни фақат бир он саросимага солади.

— Тўхта... Нима дединг?.. Ҳа, ойим ўгай дединг... Ундог бўлса, сени отанг боқиши керак. Боқишга мажбур, биласанми?

Боланинг кўзлари яна жиққа ёшга тўлади, у гапирмоқчи бўлиб, яна кўзёшларини йўқотишга киришади. Илтимосчининг бу ажойиб ҳисларини кўрган командирлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ўткир кўзларида табассум пайдо бўлади. Ахир бола, беихтиёр хўрсиниб:

— Отам... отам ҳам ўтай...—дейди.

Бутун совет бир дам жим бўлиб қолади ва бирдан ҳамма хахолаб кулиб юборади. Лапотънинг кўзларидан ҳатто ёш чиқиб кетади:

— Ишинг чатоқ экан-ку, оғайни... Ўзи қандай бўлди, қани, гапириб берчи...

Ялинниб келган бола Лапотънинг кулиб турган юзидан кўзларини узмай, бутун бўлган гапни соддагина қилиб гапириб берди. Оти Васька, фамилияси Алексеев экан. Отаси извошчи экан, бола-чақасини ташлаб, «алла-қаёққа кетипти», онаси тикучига тегипти. Кейин онаси йўтал касалига йўлиқиб, бултур ўлипти, тикучи эса «бошқа хотинга уйланипти». Кейин, «худди пасхадан олдин» Конградга кетипти-да, энди қайтиб бормайман деб хат ёзиб юборипти. «Билганингизни қилинглар» деб ёзипти.

— Олиб қолишга тўғри келади,— деди Кудлатий.— Аммо, балки ҳамма гапинг ёлғондир? А? Бу гапларни сенга ким ўргатди?

— Ким ўргатди? Бир киши... ўша ерда турадиган бир киши... боравер, у ерда нуқул болалар туради, ғалла экишади, деб ўргатди.

Шундай қилиб, Васька Алексеев колонияга қабул қилинди. Кўп ўтмай ҳамманинг эркатойи бўлиб қолди ва Васькани Куряжга олиб бориш керакми, йўқми деган масала ҳатто орамизда кўтарилмас эди ҳам. Бу масала яна шунинг учун ҳам кўтарилмас эдики, Васькани колонияга командирлар совети қабул қилган эди, бинобарин у, ўзини «олий зот шаҳзода» деб ҳисоблашга тўла ҳуқуқи бор эди.

Янги келган болалар ўртасида Марк Шейнгауз блан Вера Березовская деганлар ҳам бор эди.

Марк Шейнгаузни бизга ёш жиноятчи болалар ишлари Одесса комиссияси юборган ва бирга қўшиб юборган хатда айтилишича, ўғирлик қилгани учун тутиб юборилган эди. Уни милиционер олиб келди, аммо унга биринчи қарашимдаёқ комиссиянинг янглишганини англадим: бундай маъсум кўзли бола ўғирлик қилолмайди. Маркнинг кўзларини тасвирлаб беришни устимга ололмайман. Ҳақиқатда бундай кўзлар учрамайди деса бўлади, бундай кўзларни фақат Нестеров, Каульбах ва Рафаэль каби рассомлар чизган расмлардагина кўриш мумкин, умуман бундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўзлар авлиёлар, айниқса мадонналарнинг расмларида бўлади. Бундай кўзлар одессали бир бечора яҳудийнинг юзига қандай қўнганлигига тушуниш қийин. Марк Шейнгаузнинг бутун туриш-турмуши унинг бечоралигини билдирар эди: унинг ўн олти ёшга кирган ориқ гавдасини жулдур-жулдур кийимлар зўрға беркитиб турарди, оёғидаги кийимлари чириб, дабдала бўлиб кетган, аммо чеҳраси топтоза, жингалак сочлари сариштта таралган эди. Маркнинг киприклари шу қадар қалин ва майин эдики, киприкларини кўтарганда худди енгил шабада эсганга ўхшарди.

— Бу ерда сени ўғирлик қилиб қўлга тушди дейилади. Наҳотки рост бўлса?— деб сўрадим.

Маркнинг қопқора ва катта-катта кўзларида чинакам ғам-ҳасрат акс этди. Киприкларини бир кўтариб қарадида, нурсиз ва ориқ юзини пастга эгиб, деди:

— Рост, албатта... Мен... ҳа, ўғирлик қилдим...

— Очликданми?

— Йўқ, очликдан деб бўлмайди. Очликдан ўғирлаганим йўқ.

Марк ҳамон менга жиддий ва қайғули кўзларини тикиб, хотиржам қараб ўтирар эди.

Мен бу чарчаган, ма'юс болани қийнаб сўроқ қилиб ўтирганимдан уялиб кетдим-да, унга меҳрибонлик блан кулиб қараб:

— Бу гапларни сенинг эсингга солиб ўтиришим ортиқча. Ўғирлаган бўлсанг — ўғирлабсан. Одамнинг бошига минг хил кулфат тушади, бу кулфатларни унутишга ҳаракат қилиш керак... Бирон ерда ўқиганмисан?— дедим.

— Ҳа, ўқиганман. Беш группани тамом қилганман, яна ўқимоқчиман.

— Жуда яхши! Ма'қул!.. Сени Таранецнинг тўртинчи отрядига тайинлаймиз. Мана бу хатни ол, тўртинчи отряд командири Таранецни топгин, ҳамма ишингни тўғрилаб беради.

Марк қоғозни олди, аммо эшик томон юрмади, стол ёнида туриб, деди:

— Ўртоқ мудир, мен сизга бир гап айтмоқчиман, мен бу гапни айтишим керак, чунки бу ерга келаётганимда айтаман деб ўйлаб келдим, энди сираям айтмай туролмайман.

Марк ма'юс жилмайди-да, илтижо блан менга қаради.

— Нима гап ўзи? Қани, айтақол...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен бир колонияга кириб чиққанман, у ерни ёмон деб бўлмайди. Аммо, мен характеримнинг ўзгариб кетаётганини сезиб қолдим. Отамни денижинчилар ўлдириб кетган, ўзим комсомолман, аммо характерим нозиклашиб кетмоқда. Бу яхши эмас, албатта, буни ўзим ҳам биламан. Мен большевистик характерли бўлишим керак. Шу ҳарса мени жуда қийнаб юборди. Агар рост гапни айтсам мени Одессага қайтариб юбормайсизми?

Марк ажойиб кўзлари билан юзимга шубҳаланиб қарады.

— Рост гапинг қанақа бўлмасин, мен сени ҳечқаерга қайтариб юбормайман.

— Раҳмат, катта раҳмат, ўртоқ мудир! Ўзим ҳам шундай дерсиз деб ўйлагандим, шунинг учун айтишга қарор қилдим. Бундай фикрга келишимнинг сабаби шуки, «Вести» газетасида «Янги инсон ўчоғи» деган бир мақола ўқидим, мақола сизнинг колонияингиз тўғрисида ёзилган эди. Мен қаерга боришим кераклигини ўшанда билдим, шундан кейин мени ўша ерга юборинглар деб илтимос қилдим. Шунча ялинсам ҳам, илтимос қилсам ҳам бўлмади. Менга: у колония жиноятчилар колонияси, у ерда нима қиласан? дейишди. Шундан кейин мен колониядан қочдим-да, тўғри трамвайга тушдим. Ишим шу қадар тез бошладиганки, айтсам ҳатто ишонмайсиз: бир хилининг чўнтагига энди қўл солган эдимки, тутиб олишди, урмоқчи бўлишди. Кейин комиссияга олиб боришди.

— Комиссия ўғирлик қилганингга ишондими?

— Нега ишонмасин? Улар одил одам-ку, ундан кейин гувоҳлар ҳам бор эди, протокол ёзишди, шу билан иним битди-қўйди. Мен уларга илгари ҳам кисабурлик қилганман дедим.

Мен ўзимни тутаолмасдан, кулиб юбордим. Комиссиянинг ҳукмига ишонмаганлигим тўғри чиққанидан хурсанд бўлдим. Марк хотиржам бўлиб, тўртинчи отрядга жойлашгани кетди.

Вера Березовскаянинг характери бутунлай бошқа эди. Қиш палласи эди. Мария Кондратьевна Боковани кузатгани ва ундан Харьковга жуда тошкинчи бир пакет бериб юборгани вокзалга чиқдим. Вокзалга келсам Мария Кондратьевна перронда темир йўл соқчиси билан ғаплашиб турган экан. Соқчи, ўн олти ёшларга борган, калта тўн кийган сарпойчан бир қизнинг қўлидан маҳкам ушлаб турар эди. Елкасига қадим замондан қолган калта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гина тальма[1] ташланган эди. Тальмани унга бирон раҳмдил кампир берган бўлса керак. Қизнинг яланг боши расво эди: бир вақтлар олтиндай сапсариқ сочлари айниб, чалкашиб кетган, бир чеккасидаги сочлари эса худди кулоғининг орқасига ёпишиб, ёстиқдай бўлиб қолган, пешоналари ва юзларига ҳам сочлари ёпишиб ётар эди. Соқчининг қўлидан қочиб қутулмишга уринаркан, қиз бемалол илжаярди. У жўҳликкина эди. Бироқ, кулиб турган жонли кўзларида ожиз ҳайвонга хос умидсизлик учқунларини пайқадим. Унинг ўз-ўзини ҳимоя қиладиган воситаси, кичкина дипломатияси фақат шу табассум эди.

Соқчи Мария Кондратьевнага деярди:

— Сизга гап сотиш осон, ўртоқ, буларнинг жағига биз қоламиз. Ўтган ҳафта поездга тушганмидинг? Маст... эдинг-а?

— Қачон мен маст бўбман? Бунинг гап тўқишини қаранг,— қиз соқчига нозланиб жилмайди ва бирдан қўлини суғуриб олиб, худди қўли оғриб кетгандай, лабига босди. Кейин бироз ноз-карашма билан:— Ана, тортиб олдим-ку,—деди.

Соқчи унга томон интилган эди, қиз уч қадамча орқага сакради-да, атрофимизни ўраб турган халойиқни ҳам писанд қилмай, бутун перронга эшиттириб хахолаб кулди.

Мария Кондратьевна саросималаниб атрофга қараган эди, мени кўриб қолди:

— Азизим, Антон Семёнович!..

Мени бир четга тортди-да, ҳаяжон билан шивирлай бошлади:

— Менга қаранг, жуда даҳшат-ку бу! Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бунга йўл қўйиб бўладими? Хотин киши-я, жуда ажойиб жувон... Ҳа, албатта, унинг ажойиблиги учун эмас... аммо, бунга йўл қўйиб бўлмайди, ахир.

— Мария Кондратьевна, хўш, нима қилгин дейсиз?

— Нима қилишингизни билмайсизми? Қўйинг, ўзингизни билмасликка солманг, йиртқич одам!

— Ийя, буни қаранг-а!..

— Ҳа, йиртқич одамсиз! Нуқул ўз манфаатингизни, ўз фойдангизни кўзлар экансиз, шундай эмасми? Буни соқчининг қўлига ташлаб қўйиш керакми?

---

[1] Елкага ташлаб юрадиган енгсиз кийим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менга қаранг, ахир у — фоҳиша-ку... ўғил болалар орасига қўйиш қандоқ бўлади?

— Қўйинг-е, гапирманг, шўрлик... педагог!

Бу ҳақоратни эшитиб рангим оппоқ оқариб кетди ва газабим келиб:

— Хўп, бўпти, ҳозироқ мен блан бирга колонияга кетади! — дедим.

Мария Кондратьевна елкаларимдан ушлаб:

— Жоним Макаренко, ўзимнинг Макаренком, раҳмат сизга, минг раҳмат!..—деди.

Кейин югурганича қизнинг олдига борди-да, елкаларидан ушлаб, бирнималар деб шивирлайбошлади. Соқчи, халойиққа ўшқирди:

— Ҳа, нимага йиғилиб турибсизлар? Тамоша борми бу ерда? Тарқал ҳамманг йўлингга!..

Кейин тупурди-да, кифтини қоқиб, ўз йўлига кетаверди.

Мария Кондратьевна қизни менинг олдимга бошлаб келди, қиз ҳамон жилмаярди.

— Танишинглар: Вера Березовская. Колонияга боришга рози... Вера, бу киши сизнинг мудиринғиз бўлади,—қаранг, жуда яхши киши, у ер сизга жуда ма'қул бўлади.

Вера менга ҳам жилмайди.

— Борсам бораверайман... менга нима...

Мария Кондратьевна блан хайрлашдик-да, чанага ўтирдик.

— Совуқ еб қоласан,— дедим-да, ўриндиқ тагидан от ёпинғини олиб бердим.

Вера ёпиққа ўранди-да, кулиб:

— Колонияда нима қиламан?— деди.

— Ўқийсан, ишлайсан.

Вера анчагача индамай борди, кейин аёлларга хос «эркалик» блан:

— Вой, худо олсин!.. Ўлсам ҳам ўқимасаман, овора бўлмай қўяқолинг...— деди.

Булутли, қўрғинчли қоронғи тун кирди. Биз кенг далани кесиб ўтган йўлга чиқиб олган эдик, чана пастбаланд ерлардан сакраб-сакраб борарди. Чана ҳайдаб кетаётган Сорокага эшиттирмасдан, секин Верага дедим:

— Бизда ҳамма болалар ва қизлар ўқийди, сен ҳам ўқийсан. Сен яхши ўқишинг керак. Кейин яхши турмушга эришасан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вера менга қаттиқ суянди-да, барала овоз блан:

— Яхши турмуш... Вой, мунча қоронғи-я!.. Қўрқаман... Мени қаёққа олиб кетаётибсиз?— деди.

— Жим.

Вера жим бўлди. Кичкина ўрмончага кирдик. Сорока, қоронғи кечанними ё тор ўрмон йўлини ўйлаб чиқарган одамними, аллакимни ўзича пўнғирлаб сўкди.

— Сизга айтадиган битта гапим бор... Биласизми?— деб шивирлади Вера.

— Гапир.

— Биласизми?.. Мен ҳомиладорман...

Бирнеча минут ўтгандан кейин мен:

— Бу гапларни ўзинг тўқиндингми?—деб сўрадим.

— Йўға... Нега тўқийман?.. Ўлай агар, рост.

Йироқдан колония чироқлари милтиллаб кўринди. Биз яна шивирлаб гапиришдик. Верага дедим:

— Аборт қилдирамиз. Неча ойлик?

— Икки ойлик.

— Аборт қилдирамиз.

— Масхара қилишади.

— Ким?

— Сизнинг... болаларингиз...

— Ҳечкимга билдирмаймиз-да.

— Билиб олишади...

— Йўқ. Мен биламану, сен биласан. Бошқа ҳечким билмайди.

Вера талтайиб кулиб:

— Бе... Алдаманг мени!— деди.

Мен ортиқ гапирмадим. Колония тепалигига чиқиб, секин-аста кетдик. Сорока чанадан тушиб, от олдида «Кирпичикни» деган ашулани ҳиргойи қилиб борарди. Бирдан Вера бошини менинг тиззамга қўйди-да, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборди.

— Нимага йиғлаяпти?— деб сўради Сорока.

— Бошига кулфат тушган,— дедим.

— Балки қариндош-уруғи бордир,— деди Сорока.— Қариндош-уруғи бўлсаю, шу ҳолда қорса, бундан ёмон нарса йўқ дун'ёда!

Кейин чананинг олдига чиқди-да, қамчинни ўйнатиб:

— Елинг энди, ўртоқ Мэри, елинг! Ҳа балли!— деди

Колония қўрасига кириб бордик.

Уч кундан кейин Харьковдан Мария Кондратьевна

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтиб келди. Веранинг бошига тушган фожиани унга айтмадим. Яна бир ҳафтадан кейин колонияга Веранинг буйраги оғриб қопти, касалхонага юбориш керак деган гап тарқатдик. Касалхонадан Вера мўминигина ва ма'юс бўлиб қайтди-да, мендан секин:

— Энди нима қилай?— деб сўради.

Мен бироз ўйлаб турдим-да, оҳиста:

— Энди секин-аста яшайверасан,— деб жавоб бердим.

Унинг менга саросималик билан қараб қолганидан мен, яшаш унинг учун энг мушкул ва тушуниб бўлмайдиган бир нарса эканини билдим.

Шубҳасиз, Вера Березовская биз билан бирга Куряжга кетади. Ма'лумки, ҳамма ҳам боради, ҳатто яқиндагина Наркомпрос стратегия планларимни ҳам писанд қилмасдан ташлаб кетган йигирматача янги болалар ҳам кетади! Қани энди Куряжга мен билан бирга синалган ва чиниққан горькийчиларнинг ўн битта отрядининг ўзигина кетса! Бу отрядлар бизнинг олти йиллик тарихимиз йўлини жанг билан босиб ўтди. Уларнинг кўпгина умумий орзу-ҳаваслари, традициялари, тажрибалари, идеаллари, урф-одатлари бор эди. Уларнинг ўзи бўлганда-ку, ҳечнарсадан қўрқмас эдим. Янги келтирилган болалар бўлмаганда қандай яхши бўларди! Гарчи улар отрядларга бўлиниб, қўшилиб кетгандай бўлса ҳам, уларни ҳар қадамда учратиб, хижолат тортаман: уларнинг юришлари ҳам, гапларн ҳам, қарашлари ҳам бошқа, юзлари ҳам «учинчи нав'ли» юзлар, ёмон юзлар эди.

Майли, зарари йўқ, менинг ўн битта отрядим темирдай мустаҳкам-ку. Аммо, шу ўн битта кичик-кичик отрядлар Куряжда ҳалок бўлиб кетса қандай фожиа! Илгор сводний отрядининг Куряжга жўнаб кетишидан бир кун олдин хўнглим ғаш, миям ғовлаб кетган эди. Уша куни кечқурун эса Джуринская поездда етиб келди-да, кабинетнинг ичидан беркитиб олиб:

— Антон Семёнович, мен жуда қўрқиб турибман. Ҳали пайт қўлдан берилмаган, ўлмаслик мумкин,— деди.

— Нима бўлди, Любовь Савельевна?

— Кеча Куряжга борувдим. Алламабало! Бундай нарсаларни кўрсам чидаб туролмайман. Биласизми, мен тюрьмада ҳам ётганман, фронтда ҳам бўлганман, аммо ҳечвақт ҳозиргидай қийналмаган эдим.

— Ҳа, намунча энди?..

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Билмайман, гапириб берай десам гап тополмайман. Аммо, ўзингиз бир ўйлаб кўринг: уч юзта эҳҳи паст, бузуқ, ғазаби қайнаган бола... бу ҳайвоний, биологик бузилиш-ку... ҳатто анархия ҳам деб бўлмайди... Бу қашшоқлик, бу сассиқ ҳидлар, бу ачиб-бичиб ётган битлар!.. Борманг, бекор қилибмиз бу ишни.

— Йўқ, шошманг! Куряж сизга шу қадар ёмон та'сир қолдирган экан, қайтанга тезроқ чорасини кўриш керак.

Любовь Савельевна чуқур нафас олиб деди:

— Гапираман десам гап кўп. Албатта, чорасини кўриш керак, бу бизнинг вазифамиз, аммо сизнинг коллективингизни қурбон қилиб ҳам бўлмайди. Ўз коллективингизнинг қадрини ўзингиз билмайсиз, Антон Семёнович. Бу коллективни эҳтиёт қилиш керак, ўстириш керак, ардоқлаш керак, ихтиёр ўзимда деб ҳар томонга ирғитаверии ярамайди.

— Кимнинг ихтиёри ўзида экан?

— Кимникилигини билмайман,— деди Любовь Савельевна чарчоқ бир ҳолда.— Мен сизни айтмайман: сизнинг позициянгиз бутунлай бошқа. Аммо мен сизга шуни айтишим керакки, душманингиз сиз ўйлагандан анча кўпроқ.

— Кўп бўлса нима қипти?

— Башарти, Куряжда шарманда бўлсангиз чапак чаладиган одамлар кўп.

— Биламан.

— Шунақа! Келинг, ишни жиддийроқ, пухтароқ ўйлаб қилайлик. Келинг, шундан воз кечайлик. Ҳали ҳам олмаслик мумкин.

Джуринскаянинг бу таклифига мен жилмайиб:

— Сиз бизнинг қадрдон дўстимизсиз. Сизнинг бизга меҳрибонлигингиз ва муҳаббатингиз бизга олтиндан ҳам қиммат. Аммо, кечирасиз мени... ҳозир сиз эски педагогик позицияда турибсиз,— деб жавоб бердим.

— Тушунмадим.

— Куряж блан кураш фақат куряжлилар ва менинг душманларим учун эмас, биз учун ҳам, ҳарбир колонист учун ҳам зарур. Бу курашнинг реал аҳамияти бор. Колонистларининг орасига бир кириб чиқинг, қайтишимиг иложи йўқлигини кўрасиз.

Эртаси куни эрталаб илғор сводний отряд Харьковга жўнади. Любовь Савельевна ҳам биз блан бир вагонда кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Илғор сводний отряд

Илғор сводний отряд бошида Волохов борарди. Волохов ниҳоятда камгап, қўл ҳаракатлари ва юз мимикаси ҳам деярлик кўрнимайди, аммо ҳарқандай ҳодиса ва кишиларга муносабатини жуда яхши ифода қилабилади, унинг бу муносабати ҳамиша оҳиста кинюя ва ўзига қат'ий ишонч билан тўлган бўлади. Бу сифатлар оддий шаклда ҳарбир ашаддий хулиганда учрайди, аммо бу сифатлар коллектив томонидан тарашлаиган ва пардозланган-дан кейин ўз эгасига олижаноб хусусият ва енгилмас куч бағишлайди. Курашда ҳечнарсадан қўрқмайдиган шундай командирлар керак. Чунки улар лозим бўлса чексиз жасорат кўрсатаоладилар ва керак бўлса ўзларини тиябиладилар. Ҳаммадан ҳам мени хотиржам қилган нарса шу эдики, Волохов Куряж ҳақида ва куряжлилар ҳақида ҳатто ўйламасди ҳам. Ба'зан, болаларнинг бу тўғрида битмас-туганмас гапларини эшитиб, истар-истамас:

— Келинглар, қўйинглар, шу куряжлиларни! Бориб кўрарсизлар: улар ҳам бизга ўхшаган одам,— деб қўяр эди.

Аммо бу нарса Волоховнинг илғор сводний отрядга одамни ниҳоятда э'тибор билан танлашига халал бермас эди. Ҳарбир номзодни индамасдан, пухта, ҳартарафлама муҳокама қилиб чиқар ва бир қарорга келгандан кейин, шартта айтар эди:

— Кераги йўқ!.. Енгилтабиат!

Илғор сводний отряд жуда қизиқ тузилган эди. Отряд нуқул комсомоллардан иборат бўлиши билан бирга, унда колонияда мавжуд муҳим идеялар ва малакаларнинг вакиллари тўпланган эди. Илғор сводний отрядга шулар кирган эди:

1. Витька Богоявленскийни командирлар совети хунук фамилияли одам бўлгани учун, фронтга бошлаб боришни ўзига эп кўрмай, унга Горьковский деган янги ва ниҳоятда чиройлик фамилия берди. Горьковский ориқ, хунук ва ниҳоятда зеҳни-идроки баланд бола эди. У ниҳоятда интизомли, ҳамавақт ишга тайёр, ҳар нарса тўғрисида ўз фикрига эга бола эди, одамлар тўғрисида дарров ва аниқ фикр берарди. Горьковскийнинг энг муҳим таланти шунда эдики, у, ҳарбир боланинг ким ва қанақалигини билар ва ҳарбир болага бехато баҳо бераолар эди. Шунинг билан бирга Витька, ўзининг бу талантини ҳарёққа бехуда ноч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас, айрим кишилар ҳақидаги тасаввури дарҳол коллектив образга айланар, уни алоҳида труппа, тафовут ва типик ҳодисаларни билишга олиб келарди.

2. Митька Жевелий — эски танишимиз, горькийчилар руҳини жуда яхши ва чиройлик ифодаловчи бола. Митька яхши ўсди ва саранжомат ўсмир бўлиб етишди. Боши жуда чиройлик, сал-пал ғилайроқ кўзлари қорақора. Колонияда Митьканинг қўл силтаб қат'ий гапиришларига, усти-боши покиза ва ихчам кийиниб юришига, юриш-туришига ва ҳатто ўз колониясига ихлосмандлигига, унинг қувноқ ватанпарварлигига тақлид қилувчи болалар жуда кўп эди. Бизнинг Куряжга кўчиб боришимизни Митька жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган иш деб билар ва «болаларни уюштириш» масаласида жуда тўғри йўл топганимизга қаттиқ ишонар ва пролетар республикасининг фойдаси учун бу йўлни янада кенгайтиришимиз керак деярди.

3. Михайло Овчаренко — тентакнамо, аммо ниҳоятда меҳнаткаш, колония ва унинг манфаатлари учун жонини фидо қилган йигит. Мишанинг таржимаи ҳоли шу қадар чалкаш эдики, ҳатто ўзи ҳам айтиб беришга қийналарди. У, Иттифоқнинг ҳамма шаҳарларида бўлган, аммо бу шаҳарларнинг биронтасидан ҳечқандай билим олиб келмаган ва ақл ҳам орттирмаган. У, келган куниданоқ колонияни яхши кўриб қолган ва деярлик ҳечқандай нотўғри қилиқ қилган эмас. Мишанинг қўлидан кўп нарса келарди, аммо бирон соҳада тузукроқ малака орттирмаган эди, чунки бирон ишда ва бир станок ёнида узоқ туриб қолишни ёмон кўрарди. Аммо хўжалик ишларида таланти зўр эди, отряд ишини йўлга солиш, юк ортиш, тез ташиш ва кўчириш ишларига жуда уста эди, бу ишларни ҳаммага насиҳатгўйлик қилиб, пўнғирлаб туриб қиларди, аммо унинг насиҳатгўйлиги ва пўнғирлашлари шунинг учун ҳечкимнинг жонига тегмас эдики, Мишанинг меҳрибонлигини ва беозор тентаклигини ҳамма билар эди. Миша Овчаренко колонияда жисмоний жиҳатдан ҳаммадан, ҳатто Силантий Отченашдан ҳам кучли эди; назаримда, Волохов уни отрядга танлашда асосан унинг худди шу хусусиятини назарда тутиб танлаган бўлса керак.

4. Денис Кудлатий — Куряжга ҳужум даврида колониядаги энг зўр фигурадир. Умумий мажлисда у сўзга чиққанда ва болаларнинг номларини тилга олганда кўп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларидан тер чиқиб кетарди. У одамни жуда боплаб туриб расво қилишга ва колоннядан ҳайдаш кераклигини далиллар билан исботлашга уста эди. Ҳаммадан ҳам муҳими шу эдики, Денис ҳақиқатан ҳам ақлли бола эди. у келтирадиган далил ва асослар ниҳоятда вазмин ва ўткир бўларди. Колония — фойдали нарса, бақувват, мустаҳкам ва тартибга солинган нарса, шунинг учун ҳам жуда керакли нарса деб, унга чуқур ва қаттиқ ишонарди. Унинг назарида колония, худди бир минг километр йўл босиб, кейин ярим соатча теварагида болға ва мойдон билан айланиб юриб, у ер, бу ерини тузатиб ва кейин яна минг километр йўл юриши мумкин бўлган бақувват, ғилдираклари мойланган аравага ўхшаб кўринса керак. Ташки қиёфасидан Кудлатий худди муштумзўрга ўхшарди, ўзи ҳам бизнинг театрда фақат қулоқ рольларини ўйнарди; у комсомол ташкилотини тузишда бош бўлди ва комсомол ташкилотида энг фаол бўлиб ишлади. Горькийчилар традициясига кўра камгап эди, ораторларни жини ёқтирмасди, узундан-узун нутқларни эса азоб-машаққат билан тингларди.

5. Евгеньевни командир, безориларни алдаб қўлга туширишда керак бўладиган тузоқ сифатида танлади. Евгеньев жуда яхши комсомол, хушчақчақ ва чин ўртоқ бўладиган бола эди, аммо унинг сўзларида ва хатти-ҳаракатларида ҳали ҳам кўча ва реформаторнум[1]да кечирган аҳвол аломатлари бор эди, буниинг устига жуда яхши артист бўлганидан, керак пайтларда одамлар билан ўз шевларида гапиришиш унга чўт эмас эди.

6. Жорка Волков комсомол бўйича Ковальнинг ўнг қўли, сводний отрядимизда снёсний комиссар ҳамда янги қонда ижолчисидек эди. Жоркада табиий снёсий арбоблик қобилияти бўлиб, эҳтиросли, ўзига қаттиқ ишонган, айтганидан қайтмайдиган бола эди. Уни жўнатаркан, Коваль деди:

— Жорка ифлосларнинг снёсий жиҳатдан танобларини бир тоотиб қўйсин. Улар империализм даврида яшаймиз деб ўйласа керак, турқинг кургурлар. Башарти, иш муштлашишга айланганда ҳам Жорка орқада турмайди.

7 ва 8. Тоська Соловьёв ҳамда Ванька Шелапутин — ёш авлод вакиллари. Шундай дейимизу, аммо уларнинг иккови ҳам сочларини ўстириб, жингалак қилиб юрар эди,

---

[1] Қамоқхона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақат Тоськанинг сочлари сариқ бўлиб, Ваньканикн қорамтирроқ эди. Тоськанинг башараси ўсмирларга хос тип-тиниқ ва чиройликкина эди, Ваньканинг эса бурни пучуқ, шунинг учун бадбурушроқ ва тетик эди.

Ниҳоят, тўққизинчи колонист... Костя Ветковский эди. Унинг колонияга қайтиши тез ва оддийгина бўлди. Биз ўқўнаб кетишимиздан уч кун олдин Костя колонияга жуда ориқлаб кетган, рангги-рўйи кўмкўк, хижолат тортган ҳолда кириб келди. Уни ҳамма индамай кутиб олди, фақат Лапоть деди:

— Хўш, «худо, ўзинг сақла» кўтриги қалай, бутунми?

Костя обрў сақлаб кулди:

— Э, дийдори қурсин! У томонга борганим ҳам йўқ.

— Э, аттанг, бекор қипсан, ундай бўлса!— деди Лапоть.

Волохов Костяга кўзини дўстона қисиб туриб:

— Бундан чиқди, ҳархил қизиқ-қизиқ нарсаларни кўриб, тўйибсан-да, а?

Костя қизармай-бўзармай жавоб берди:

— Тўйдим.

— Энди ширинига нима емоқчисан?

Костя барала кулиб юборди:

— Мана, кўриб турибсанки, командирлар советининг ҳукмини кутиб турибман. Булар ширинига ҳам уста, аччиғига ҳам...

— Ҳозир сенга овқат танлаб ўтиришга вақтимиз йўқ,— деди Волохов, кескин суратда.— Гапимга қулоқ сол: Алёшка Волковнинг оёғи шилинниб кетипти. Алёшканинг ўрнига сен борасан. Лапоть, сен нима дейсан?

— Мен: тўғри келар дейман.

— Советчи?— деб сўради Костя.

— Биз ҳозир ҳарбий ҳолатдамиз, советсиз ҳам ҳал қилаверамиз.

Шундай қилиб Костя, ҳечқандай маросимсиз ва психологиясиз илғор сводний отрядга кириб қолди, бундай бўлишини ўзи ҳам кутмаган эди, биз ҳам. У эртаси куниёқ колония кийимини кийиб олди. Биз билан бирга янги тарбиячимиз Иван Денисович Киргизов ҳам кетиши керак эди. Мен уни Пироговка қишлоғида педагоглик қилиб турган жойидан, бўшаяётган бўлган Иван Ивановичнинг ўрнига қизиқтириб олиб келган эдим. Танимаган ва билмаган одам уни оддий қишлоқ ўқитувчиси деярди, аммо

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақиқатда Иван Денисович — рус адабиёти анчадан бери излаб тополмай келаётган ижобий қаҳрамонининг ўзгинаси эди. Иван Денисович ўттизларга кирган, яхши, ақлли, оғир табиат ва айниқса меҳнатсевар одам эди. Ма'лумки, рус адабиётининг ижобий қаҳрамонлари ҳам, салбий қаҳрамонлари ҳам бу кейинги хислат блан мақтанаолмайди. Иван Денисовичнинг қўлидан ҳамма нарса келарди ва бир минут ҳам бекор турмас эди, аммо йироқдан қараган одам унга яна бирон иш топширса бўлади деб ўйларди. Енига бориб қарасангиз — ортиқ иш топширишнинг иложи йўқлигини кўрасиз, аммо бир гапга шайланиб турган тилингиз ўзини дарров тиялолмайди, бироз қизариқираб ва тутила-тутила:

— Иван Денисович... анови... физика кабинетининг асбобларини... ўраб, жойлаш керак эди...— дейсиз.

Иван Денисович яшик қоқиб турган бўлса яшикдан, дафтар қараб турган бўлса дафтардан бошини кўтарадида, юзингизга кулиб қараб:

— Кабинетми? Ҳа-ҳа... майли! Ҳозир болаларни чақираман-да, бирпасда ўраб, жойлаймиз...— дейди.

Сиз хижолат бўлиб унинг ёнидан кетасиз, Иван Денисович эса сизнинг бунчалик бешафқатлигингизни унутиб, аллакимга меҳрибон товуш блан:

— Югур, қўзим, болаларни чақириб кел...— дейди...

Харьковга эрталаб етиб келдик. Вокзалда бизни май тонги сингари япнаган ва бизнинг жанговар кайфиятимизни ўзида акс этган маориф инспектори Юрьев кутиб олди. Ҳадеб бизнинг елкамизга қоқиб, нуқул:

— Горькийчилар бунақа экан-да!.. О, қойилман, дуруст, дуруст! Ийя, Любовь Савельевна ҳам кепти-ку? Жуда соз! Билмасизларми, нима қиламиз? Менинг машинам бор, йўлдан кириб Халабудани оламиз-да, тўғри Куряжга жўнаймиз. Любовь Савельевна, сиз ҳам борасизми? Жуда яхши! Болалар дачний поездга тушиб кетаверсин, Рижов станциясигача. Рижовдан уёғи яқин, икки километрча келади... Утлоқдан юрилса ҳам бўлади. Аммо... олдин қоринларингни тўйдириш керакдир, а? Е Куряжда тўйдиришармикин, нима дейсизлар?

Болалар менга нима деркин деб, Юрьевга эса истеҳзо блан кулиб қараб туришарди. Уларнинг жанговар томирлари ниҳоятда зийраклашган, шунинг учун Харьковда учраган биринчи одам — Юрьевни ҳуш'ёрлик блан кўздан кечирар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Масала бундай: бизнинг илғор сводний отрядимизни горькийчиларнинг биринчи эшелони деса бўлади. Биз машинада борар эканмиз, булар ҳам машинада бориши керак. Иккита машина ёлласак бўлмайдими?— дедим.

Юрьев завқланиб кетганидан, сакраб тушиб:

— О, жуда алломат экансизлар-ку, худо урсин! Буларда... буларнинг ҳамма ишлари жуда бошқача экан. Қойилмане, қойилман! Бўпти! Машинани мен ёллайман, маориф ҳисобига! Кейин, биласизми? Мен... болалар блан бирга кетаман...

— Майли,— деди Волохов, оппоқ тишларини кўрсатиб.

— Жу-да соз, жу-да соз!.. Демак, биз кетдик... машина ёллагани кетдик!

— Бор бирга, Тоська!— деб буюрди Волохов.

Тоська салют берди, «есть» деб чинқирди, Юрьев эса Тоськага маҳлиё бўлиб қараб, қўлларини бир-бирига ишқаб, турган жойида ўйинга тушиб:

— Ановини қара, ановини қара!..— деди.

Кейин Тоськага қарай-қарай, майдонга қараб чопакетди, Тоська эса ўзининг илғор сводний отряд а'эоси эканлигини унутмас ва эсини йўқотиб, вокзалда елиб югуришни ўзига эп билмас эди.

Болалар бир-бирларига қараб қўйишди. Горьковский секин сўради:

— Ким ўзи, бу... тентак киши?..

Бир соатлардан кейин биз тушган учта авто Куряж тепалигига елиб чиқди-да, шувоқлари кўчиб тушиб кетган собор тагида тўхтади. Сочлари ўсиб кетган, башаралари кир бирнеча бола почалари ситилиб кетган узун иштонлари блан ер супуриб, истар-истамас машина ёнига келди, улар худди паж[1] каби сарвиқомат ва тергов чидай шиддатли горькийчиларга лоқайд қараб турар эдилар.

Енимизга икки тарбиячи келди ва бизга бўлган душманликларини зўрга яширишга тиришиб, бир-бирларига қараб олишди.

— Буларни қаерга жойлаштирамиз? Сизга ўқитувчилар бўлмасига кровать қўйиб бериш мумкин, болалар ётоққа жойлашса ҳам бўлади.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Бирор жой топилар. Мудирларинг қани?

---

[1] Сарой маҳрами.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мудир шаҳарда экан. Аммо думалоқ-думалоқ дор тушган оч кулранг шимли бир кимса келиб, навбатчиликнинг нотўғри уюштирилганлигини писанда қилиб, ўзини навбатчи деб билдирди ва колонияни кўрсатишга рози эканлигини айтди. Колонияни мен кўрганман. Юрьевнинг ҳам колонияни тамоша қилишга ҳуши йўқ, Джуринская индамай ма'юсланиб туради, болалар эса расмий чичероненн[1] кутмасдан, ўзлари колония бойликларини кўргани югуриб кетишди; уларнинг кетидан Иван Денисович шошилмай эргашди.

Халабуда қўлидаги таёғи блан осмоннинг гоҳ у ерини, гоҳ бу ерини тешиб, ўзининг ташкилотчилик фаолиятининг айрим детальларини эсга олар ва Куряж хўжалигининг жонсиз мулкларини санаб, ҳаммасини бир нарсага, я'ни жавдарига олиб келиб тақарди. Болалар, башаралари ҳайратдан буришган ҳолда қайтиб келишди. Кудлатий худди: «Бу қандай бўлди? Антон Семёнович, тоза қўлга тушибсиз-ку!» демоқчи бўлгандай, менга қарарди.

Митька Жевелийнинг кўзлари ғазаб ўти блан ёнади, икки қўли чўнтакда, атрофга қарайдиган бўлса фақат бошини бурибгина қарайди; унинг бундай жиржаниб қарашларини Джуринская дарров пайқаб:

— Хўш, болалар, бу ер ёмон эканми?— дейди.

Митька индамайди. Бирдан Волохов кулиб юбориб:

— Менимча, бу ерда муштлашмасдан иложи бўлмаса керак,— дейди.

— Нега, нега?— дейди Любовь Савельевна, қути ўчиб.

— Бу оғайниларнинг ёқасидан бўғишга тўғри келади,— деб тушунтиради Волохов ва бирдан узун пальтога ўранган, бироқ ялангоёқ ва бошяланг, ориқ, қорамашоқ, жсқирт бир боланинг ёқасидан икки бармоғи блан ушлаб, Джуринскаянинг олдига олиб келиб қўяди.

— Мана бунинг қулоқларига бир қаранг.

Исқирт бола итоат блан бурилиб, қулоқларини кўрсатади, қулоқлари ҳақиқатан ҳам ажойиб эди. Қулоқларининг қопқоралиги майли, қулоқларидаги кирнинг турмуш уринишларида силлиқланиб, ялтираб кетгани ҳам майли, аммо унинг қулоқлари қонаб турган яралар, битган яраларнинг қасмоқлари блан безатилган эди.

---

[1] Изоҳ берувчи, тушунтируvчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега қулоқларинг бунақа?— деб сўрайди Джуринская.

Исқирт бола уялиб жилмаяди, бир оёғи блан иккинчи оёғини қашлайди: оёқлари ҳам қулоқларидан қолишмайди.

— Қўтирман,— деб хириллаб жавоб беради бола.

— Ўлишингга неча кун қолди?— деб сўрайди Тоська.

— Ўлишингга дейди! Ҳу, бунақа болалар бизда тўлиб ётипти, биттаси ҳам ўлмади-ку!

Нима учундир колонистлар кўринмайди. Ахлатхонага ўхшаб кетган клубда, балғам босиб кетган эшикларда, нажас босиб ётган йўлкаларда бирнеча бекорчи қора башаралар тентираб юрарди. Остин-устун бўлиб кетган, қўланса ҳид келиб турган ётоқларда ҳам одам зоти кўринмайди. Ётоқ деразаларининг ойналарини пашша шу қадар булғатиб кетганки, улардан ҳатто қуёш нури ҳам тушмайди.

— Колонистлар қани?— деб сўрайман, навбатчидан.

Навбатчи гердайиб теварни қарайди-да, тумтайиб дейди:

— Бу савол ортиқча.

Кулча юзли ўн беш яшар бир бола кетимиздан қолмай, эргашиб юради. Мен ундан:

— Хўш, болалар, турмушларинг қалай?— деб сўрайман.

Бола кир (Куряж болаларининг ҳаммасининг башараси ювилмаган, кир эди), аммо ақлли башарасини менга кўтариб қарайди:

— Турмушимизми? Бизда турмуш нима қилсин! Аммо, яқинда яхши бўлиб кетади дейишади, ростми?

— Ким айтади?

— Болалар, яқинда ҳамма нарса бошқача бўлиб кетади дейишади, аммо сал гуноҳ қилиб қўйсанг жиддий блан савалашади дейишади, ростми?

— Савалашади? Нимага савалар эмиш?

— Ўғриларни-да. Бу ерда ўғрилар тўлиб ётипти.

— Айтчи, нега юз-қўлларингни ювмайсан?

— Нима блан ювади! Сув йўқ! Электрстанция бузилиб қолган, сув чиқмайди. Чочиқ ҳам йўқ, совун ҳам...

— Чочиқ-совун беришмайдими?

— Илгари беришарди... Ҳаммасини ўғирлаб кетишди. Бизда нечнарсани қўйишмайди, ўғирлаб кетишади. Энди омборда ҳам қолмапти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима учун?

— Кечаси бутун омборни уриб кетишипти. Қулфларни бузишипти-да, ҳамма нарсани кўтариб кетишипти. Мудир отмоқчи бўлган эди...

— Хўш?..

— Отмади. У, отаман деди, болалар, от деди! Мудир отмади, фақат милицияга одам юбортирди...

— Милиция нима қилди?

— Қайдам.

— Омбордан сен ҳам бирон нарса олдингми?

— Йўқ, олганим йўқ. Битта шим олмоқчи эдим,— у ерда катта шимлар бор эди,— қарасам ерда ётган иккита катта калитдан бошқа ҳечнарса қолмапти.

— Қачон бўлди бу воқеа?

— Қишда.

— Ҳа-ҳа... фамилиянг нима?

— Малыков Пётр.

Мактаб томон юрдик. Юрьев бизнинг суҳбатимизни ундамасдан тинглаб боради. Биздан сал орқарокда Халабуда келади, у горькийчилар ўртасида: улар бунақанги қизиқ одамларни дарров таниб олади. Халабуда малла соқолли юзини баланд кўтариб, болаларга баракали ҳосилни та'рифлайди. Унинг серкўз таёғи ерни тирнаб, судралиб боради.

Ахир, мактабга кирамиз. Бу — илгари монастирьга қарашли мусофирхона бўлиб, кейин помдет қайтадан қурдирган бир жой. Бутун колонияда ётоқхона бўлмаган бирдан-бир жой ҳам шу: узундан-узун коридор, коридорнинг икки чети — узун ва тор синфлар. Нега энди мактаб бу ерга жойлашган? Бу бўлмалар айни ётоқ боп-ку?

Синфлардан бирини, я'ни ҳамаёғига плакат ва болалар чизган ёмон расмлар чаплаб ташланган бир бўлмани бизга пионерлар бурчаги деб айтишди. Бу жой фақат тафтиш комиссиялари ва сиёсий обрў учун тутилса керак; калит топилиб, пионерлар бурчаги очилгунча ярим соат кутишга тўғри келди.

Бирпас дам олайлик деб скамейкага ўтирдик. Болаларнинг дами ичига тушиб кетди. Витька орқамдан туриб қулоғимга секин шивирлайди:

— Антон Семёнович, шу уйда ётиш керак. Ҳаммамиз. Аммо кровать олдирманг. Битлар тўлиб-тошиб ётипти...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жевелий, Витьканинг тиззасидан ошиб, қулоғимга энгашади:

— Бу ерда яхши болалар ҳам бор экан. Тарбиячиларини ёмон кўришаркан! Лекин, улар осонлик блан ишламайди...

— Қандай ишлашади?

— Жанжалсиз ишламайди дейман-да.

Колонияни топшириш тартиби ҳақида музокара бошланди. Шаҳардан мудир извош чоптириб келиб қолди. Мен унинг бефаҳм ва тумтайган афтига қараб, аслини суриштирганда, бу одамни ҳатто судга ҳам бериб бўлмайди деб ўйлайман. Колония мудирлигидай муқаддас ишга бу шўринг қургурни ким тайинлаган ўзи?

Мудир кекkайиб гапирабошлайди ва колонияни тезроқ топшириш кераклиги ва умуман ҳечнарсага жавоб бермаслигини исбот этишга тиришади.

— Нега энди ҳечнарсага жавоб бермас экансиз?— деб сўрайди Юрьев.

— Шундай-да. Колонистларнинг кайфи бузуқ. Ҳарқандай эксцесс[1]лар юз бериши мумкин. Уларнинг қуроллари ҳам бор.

— Нима учун кайфлари бузуқ? Уларни сиз шайламадингизми?

— Мен шайлаб нима қиламан? Бу ерда нима бўлишини ўзлари ҳам билишади. Билмайди деб ўйлайсизми? Уларнинг билмаган нарсаси йўқ!

— Нимани билишади?

— Улар, ўзларини нима кутишини билади,— дейди мудир маънодор қилиб ва ундан ҳам маънодор қилиб юзини дераза томонга буради, бу блан у, ҳатто бизнинг қиёфаларимиз ҳам колонистларга ёқмаслигини кўрсатмоқчи бўлади.

Витька қулоғимга:

— Вой ифлосе!.. Ифлос одам экан-ку!..— деб шивирлайди.

— Жим тур, Витька!— дейман.— Қандай эксцесс юз бермасин, колония топширилмасдан олдинми, топширилгандан кейинми, бундан қат'и назар, бутун жавобгарлиги сизнинг бўйнингизга тушади. Аммо, мен ҳам расмий маросимни мумкин қадар тезроқ тугатишни сўрайман.

Колонияни эртага кундуз соат иккида қабул қилиш

---

[1] Бу ерда қодиса ма'носида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрисида келишдик. Ҳамма ходимлар,— фақат тарбиячиларнинг ўзи қирқ киши эди,— ишдан бўшатилган деб ҳисобланади ва уч кун ичида ҳамма квартираларни бўшатиб беришлари керак. Инвентарьни топшириш ва қабул қилиш учун яна беш кун қўшиб берилади.

— Завхозингиз қачон келади?

— Бизда завхоз йўқ. Қабул қилиб олиш учун болаларимиздан биронтасини ажратамиз.

— Мен ёш болага топширмайман,— деб қайсарлик қилабошлайди мудир.

Бефаҳмлик блан тўлиб-тошган бу одамнинг майнавозчилиги ғазабимни келтирабошлади. Бундай суриштириб қараганда, нимани ҳам топширади?

— Менга қаранг,— дейман,— акт бўладими, бўлмайдими, мен учун аҳамияти йўқ. Менга шу нарса зарурки, уч кундан кейин бу ерда биронтангизнинг ҳам қорангиз кўринмаслиги керак.

— Ҳа, ҳа, халал бермасин дейсиз-да?

— Ҳа, халал берманг дейман!

Мудир худди араэлаган одамдай ўрнидан ирғиб туради-да, араэлаганича эшикка томон юради. Унинг кетидан навбатчи ҳам эргашади. Эшикдан туриб мудир:

— Биз-ку сизга халал бермаймиз-а, сизга бошқалар халал беради!— деб бақиради.

Болалар хахолаб кулади, Джуринская уҳ тортади, Юрьев дераза токчасида ўтириб, хижолат ичида ўзини бир нарсага қараб турганга солади, фақат Халабуда пинагини бузмай, девордаги плакатларни тамоша қилади.

— Хўп, бўпти бўлмаса, биз кетсак ҳам бўлар,— дейди Юрьев.— Эртага яна келамизми, Любовь Савельевна?

Джуринская менга ачиниб қараб қўйди, мен:

— Келманглар,— деб илтимос қилдим.

— Нимага энди?

— Келиб ҳам нима қилиб берасизлар? Келганларинг блан бари-бир менга ёрдам бермайсизлар, қайтанга менн гапга солиб, вақтимни оласизлар.

Юрьев мендан хафа бўлиб, хайрлашади. Любовь Савельевна мен ва болалар блан қаттиқ қўл сиқишиб хайрлашади-да:

— Қўрқмайсизларми?— деб сўрайди.

Улар шаҳарга қайтиб кетишди.

Ҳовлига чиқамиз. Обед берилаётган бўлса керак, чунки ошхона томондан ётоқларга болалар кастрюльларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

боршч ташимоқда эди. Костя Ветковский менинг енгимдан тортиб, хахолаб кулади: Митька блан Витька кастрюль кўтариб кетаётган иккита болани тўхтатган эди.

— Шундай қилишларинг яхшими?— деб койийди Митька болаларни.— Қанақа одамсизлар?! Галга тушуласанми ўзинг, ё ёввойимисан?..

Нима гаплигига дарров ақлим етмайди. Костя, Куряж хўрандаларидан бирининг енгидан икки бармоғи блан ушлаб кўтаради. Боланинг қўлтиғида бир бўлак нон, нонининг ҳам ярми ковшалган. Костя, хижолат тортган боланинг енгини силкитиб кўрсатади: енгидан боршч томади, боланинг то елкасигача карам ва лавлаги ёпишиб қолган.

— Энди мана бунга қаранглар!—дейди Костя ва кулакула ичаги узилади. Биз ҳам бехосдан кулиб юборамиз: бола бир парча гўштни кафтида маҳкам сиқиб турар эди.

— Унисичи?

— Буниси ҳам!— дейди Митька ва қотиб-қотиб кулади.— Боршчни ётоққа элтгунча ичидан гўштини териб олиб... туширишаялти... Уялсанг бўлмайдими, аҳмақ, жуда бўлмаса енгингни шимариб олмайсанми!

— Роса қийналадиганга ўхшаймиз, Антон Семёнович!— дейди Костя.

Менинг болаларим ҳарёққа тарқалишиб кетади. Майнинг чарақлаган илиқ куни монастирь жойлашган тепалик устига нур сочади, аммо тепалик жилваланиб турмайди. Менинг тасаввуримда бутун олам горизонталь чизиқ блан иккига бўлингандай кўринади: чизиқнинг тепаси кўмкўк чарақлаган осмон, оромбахш ҳаво, қуёш, парвоз қилучи қушлар ва қимир этмай турган баланд-баланд булутларнинг кунгираларн. Осмоянинг ерга тақалиб турган четларида, олисларда кўринган тўда-тўда уйлар, кўркам ўрмонлар ва аллақаерларга илон изидай оқиб боручи сой илиб қўйилганга ўхшайди. Қора, кўк ва сариқ далалар ва шудгорлар худди байрам кунидай, қуёш тагига бир текисда териб қўйилгандай. Бу яхшими, ёмонми, ким билади, аммо буларга қараса киши роҳат қилади, завқланади, бу манзара оддий манзара бўлса ҳам, кўнгилга ором беради, кишининг ҳам шу порлоқ май кунининг бир бўлаги бўлиб кетгуси келади.

Аммо, оёғим босиб турган жой — Куряжнинг ҳамаёғи ифлос, нажас босган, тер, қўланса ва қандала ҳидларини ўзига сингдирган кўҳна деворлар, попларнинг асрлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйи қилган гуноҳлари ва боқимсиз болаларнинг қонаб турган яралари. Йўқ, бунн олам деб бўлмайди, бу бутунлай бошқа бир нарса, уйдирма нарса!

Колонияни кезиб юраман, ёнимга бирон кимса келмайди, аммо колонистлар кўпайишиб қолганга ўхшайди. Улар менга узоқ-узоқдан қараб туришади. Ётоқхоналарга кираман. Ётоқхона жуда кўп, ётоқсиз биронта бино йўқлигига хўзим етмайди, чунки бирнеча ўнлаб уйлар, уйчалар, флигеллар ётоқ блан тўла. Ётоқларда ҳозир колонистлар кўп. Улар гижимланиб кетган увадаларда ё бўлмаса қуруқ тахта ва ялангоч темир кроватьларда ўтиришипти. Улар қўлларини йиртиқ тиззалари орасига олиб, овқатларини ҳазм қилиб ўтирадилар. Ба'зиларн биг боқади, бурчак-бурчакларда тўда-тўда картабозлар карта ўйнаб ўтиради, бошқа бурчакларда қоракуя босиб кетган кастрюльлардан совуб қолган боршч ичиб ўтирадилар. Менга ҳечким қарамайди ҳам, э'тибор ҳам бермайди, гўё мен оламда йўқдай.

Ётоқхоналардан бирида бир тўда болаларнинг эски «Нива» журналидаги расмларни кўриб ўтирганини кўриб ҳайрон бўлдим. Мен улардан:

— Менга айтингларчи, болалар: ёстиқларинг қаёққа кетди?— деб сўрайман.

Болаларнинг ҳаммаси бошини кўтариб менга қарайди. Чўққи бурунли бир бола юзимга очиқдан-очиқ истеҳзо блан қарайди:

— Естиқ? Ўртоқ Макаренко сизми? Шунақами? Антон Семёнович, а?

— Ҳа.

— Ҳамаёқни айланиб, тамоша қилиб юрибман денг?

— Айланиб, тамоша қилиб юрибман.

— Эртага соат иккидан...

— Ҳа, соат иккидан,— деб унинг гапини бўламан,— аммо, гапимга жавоб бермадинг: ёстиқлар қани?

— Келинг, биз сизга ҳамма гапни айтиб берайлик, бўптими?

Бола бошини бир хилда силкитади-да, эски қуроқ матрасдан менга жой бўшатиб беради. Мен ўтираман.

— Отинг нима?— деб сўрайман.

— Ваня Зайченко.

— Ўқиш-ёзишни биласанми?

— Бултур тўртинчи группада ўқиган эдим, бу қиш... ҳа, ўзингиз билсангиз керак... бизда ўқиш бўлмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўп, яхши... Хўш, ёстиқ ва чойшаблар қани?

Ваня кўкиш шўх кўзлари билан ўртоқларига илжайиб қарайди-да, столга ўтиб ўтиради. Унинг дабдаласи чиқиб кетган малла ботинкаси менинг тиззамга тегиб туради. Ўртоқлари кроватьга зичроқ жойлашиб ўтирадилар. Улар орасида бирдан кулча юзли Маликовга кўзим тушади.

— Сен ҳам шу ердамисан?

— Ҳа-да... Биз ҳаммамиз бир компаниямиз! Мана бу — Тимка Одарюк, мана буниси — Илья... Фонаренко Илья!

Тимка — маллабашара, юзларига сепкил тошган, кўзлари киприксиз, юзингизга қараб кулиб туради. Илья — семиз юзига ҳуснбузар тошган, рангсиз бола, аммо қўй кўзларига ўхшаган кўзлари бақувват, одамга дадил боқади. Ваня Зайченко ўртоқларининг тепасидан деярлик бўш ётоққа бир қараб чиқади-да, товушини пасайтириб, худди фитначидай шивирлаб гапирабошлайди:

— Ёстиқлар қаерда дейсизми? Тўғрисини айтақолай: ёстиқлар йўқ, гап тамом!

Ваня бирдан бармоқларини керіб, овозини жаранглатиб кулади. Бошқалар ҳам унга қўшилишиб кулади.

— Бу ерда кулганимиз кулган,— дейди Зайченко,— чунки кулмасдан бўлмайди-да! Ёстиқлар йўқ... олдин бор эди, кейин... пуф этди... кетди!..

Ваня яна хаҳолаб кулади.

— Малла ётганда бошида ёстиғи бор эди, туриб қараса — ёстиғи йўқ... пуф этди... кетди!..

Зайченко кулгидан юмилиб кетган шўх кўзлари билан Одарюкка қарайди. Кулганда гавдасини орқага ташлаб, оёғи билан тиззамни қаттиқроқ тепади.

— Антон Семёнович, ёстиқ жойида туриши учун, ҳамма нарсани ёзиб қўйиш керак деб айтарсиз, тўғрими? Ҳамма нарсанинг ҳисобини олиб, ёзиб қўйиш керак, тўғрими? Қачон ва кимга нима берилганлигини ва умуман ҳамма нарсани ёзиб қўйиш керак. Ҳа, бизда бўлса ёстиқ тугил ҳатто одамларни ҳам ҳечким ёзмайди-ку... Ҳечким!.. Ҳечким санамайди ҳам... Ҳечким!..

— Нега?

— Нега бўларди, шундай-да! Сиз, бу ерда Илья Фонаренко туради деб бирон кимса ёзиб қўйган деб ўйлайсизми? Ҳечким ёзмаган! Ҳечким билмайди ҳам! Мени ҳам ҳечким танимайди. О! Биласизми, биласизми? Бизда бунақалар тўлиб ётибти: бу ерда туради-туради-да, кейин

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа ерга борадя, кейин яна қайтиб келади. Бунга қаранг: сиз, Тимкани бу ерга биров чақириб келган деб ўйларсиз? Ҳечким чақирган эмас! Ўзи келиб турипти.

— Бундан чиқди, бу ер унга ёқар экан-да?

— Йўқ, бу ерга келганига икки ҳафта бўлди. Богодухов колониясидан қочиб келди. Горький колониясига кирмоқчи.

— Богодуховда Горький колониясини билишарканми?

— Ҳа-да! Ҳамма билади! Бўлмасачи!

— Нега бўлмаса битта ўзи қочиб кепти?

— Ҳаркимнинг та'би ўзида-де. Кўп болалар қаттиқ тартибни ёқтирмайди. Сизларда тартиб қаттиқ дейишади: «есть» деб жавоб бериш керак, карнай чалса югуриб бориш, бир, икки, уч дегунча уйқудан туриб кийиниш керак дейишади. Ана, кўрдингизми? Кейин — ишлаш керакмиш. Бизнинг болалар буни ёқтиришмайди...

— Бари қочиб кетади,— деди Маликов.

— Куряжлилар-а?

— Ҳа-да. Куряжлиларнинг бари қочиб кетади. Ҳар тарафга. Улар: «Макаренкони ҳали кўрганларнинг йўқми? Биз ишлайлигу, мукофотлар у кишига тегсинми?» дейишади. Бари қочиб кетади.

— Қаёққа?

— Жой озми? Ҳа-да! Колония кўп-ку.

— Сизларчи?

— Бе, биз — компаниямиз-ку,— кайфиятлик блан шошиб жавоб беради Зайченко.— Биз тўрт кишимиз. Билдингизми? Биз ўғирлик қилмаймиз. Ўғирликни ёмон кўрамиз. Гап шу! Фақат мана бу Тимка... шунда ҳам ўзи учун эмас, компания учун ўғирлайди...

Тимка кроватьда ўтирганича қипқизариб кетади ва уялганидан кўзлари бежилиб жетиб, менга қараб-қараб қўяди.

— Хўп бўлмаса, компания, ҳозирча хайр,— дейман.— Демак, бирга яшарканмиз!

Ҳамма табассум блан «хайр» деб қолади.

Мен йўлимда давом этаман. Хўш, шундай қилиб, тўртта бола меннинг томонимга ўтди. Аммо, улардан бошқа яна икки юз етмиш олтита бола бор, балки ундан ҳам кўпроқдир. Зайченконинг гапи тўғри бўлса керак: бу ернинг одамлари саналмаган ва ёзилмаганлиги тўғрига ўхшайди. Бирдан бу саноғи йўқ даҳшатли рақамни кўз олдимга келтириб, қўрқиб кетаман. Қандай қилиб мен бу ҳалокатли ишга ўйламай-негмай, енгилтаклик блан бош

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшдим экан? Қандай қилиб мен ўзимнинг ютуғимни бой беришгагина эмас, бутун коллективимнинг тақдири билан ўйнашишга ботиндим экан? Уч хоналик «280» деган рақамни қоғозда кўрарканман, енгилмас кучга эгаман деб ўйлардим, броқ бугун шу «икки юз саксон» деган рақамнинг менинг болаларимдан иборат бўлган кичкинагина отряд атрофида ифлос лагерь қуриб турганини кўришим билан баданимнинг аллақаерлари жимирлашиб кетди, ҳатто оёқларим ҳам бўшашиб кетгандай бўлди.

Ҳовлининг ўртасида олдимга уч бола келди. Ҳарбирининг ёши ўн еттиларда, ҳатто сочлари сариштa қирқилган, оёқларидаги ботинкалари бутун. Биттасининг эгнида бинойидек жигарранг пиджак, аммо пиджаги тагидан аллақандай овқат юқи қолган ва ғижимланиб кетган кўйлаги кўриниб туради; иккинчисининг устида — чарм куртка, учинчиси — оппоқ кўйлак кийган. Пиджак эгаси иккала қўлини шимининг чўнтагига тиқиб, бошини елкасига эгдида, бирдан оппоқ чиройлик тишларини кўрсатиб, бетимга Одессанинг чапани куйларидан бирини ҳуштак қилиб чалабошлади. Унинг катта-катта кўзларини хира босганига, қошлари малла ва пахмоқ қошлигига кўзим тушди. Қолган иккитаси бир-бирининг елкасига қўлини ташлаб, папирос чекиб, папиросларини оғизларининг бир четидан иккинчи четига ташлаб турардилар. Енимдзга куряжлилардан яна бирнеча киши яқинлашди.

Маллабашара бир кўзини қисди-да, товушини баланд қилиб:

— Макаренкочан денг, а?— деди.

Мен унинг рўпарасига келиб тўхтадим-да, юзимда бирон ифода акс этдирмасликка тиришиб, хотиржамлик билан:

— Ҳа, менинг фамилиям Макаренко. Сенинг отинг нима?— дедим.

Маллабашара жавоб бермасдан, яна ҳуштак чалабошлади ва бир оёғини ликиллатиб, кўзларини қисиб менга қараб тураверди. Кейин бирдан менга орқасини ўгирди-да, елкаларини кўтариб, ҳамон ҳуштагини чалиб, чўнтакларини кавлаб, қадамларини катта ташлаб ёнимдан кетди. Шериклари ҳам қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаганча, товушларининг борича бўкириб ашула айтиб унинг кетидан жўнашди:

Уйнади, ўйнади ёш бола,
Уйнадим мен шаҳарда...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизни ўраб олган қиз болалар ҳамон мени тамоша қилиб туради, бири иккинчисига секин:

— Янги мудир...— деб шивирлайди.

— Бири биридан баттар,— деб секин жавоб беради иккинчиси.

— Ишни нимадан бошламоқчисиз, ўртоқ Макаренко?

Орқамга қайрилиб қарайман: ёшгина қоракўз бир жувон менга кулиб қараб турарди. Эгнидаги оппоқ блузкаси ва қора галстуги бу ердаги манзарага сира мос тушмайди.

— Менинг фамилиям Гуляева.

Биламан: бу жувон тикувчилик мастерскойининг инструктори, бутун Куряжда бирдан-бир партия а'зоси. Ундан кўзингни узгинг келмайди: бироз тўлишган бўлса-да, ҳали бели ингичка; қопқора сочлари ялтиллайди, юрагида ғайрат жўш уриб тургани сезилади.

Кайфим очилиб:

— Келинг, бирга бошлайлик,— дейман.

— Йўғе, мендан яхши ёрдамчи чиқмайди. Қўлимдан келмайди.

— Мен ўргатаман.

— Хўп, майли... Мен сизни қизларнинг олдига олиб кирай деб келдим, уларни сиз ҳали кўрганингиз йўқ. Сизни кутиб ўтиришипти. Ҳатто бетоқат бўлиб кутиб ўтиришипти. Бир мақтаниб қўяй: қизларни мен ўз та'сирим остига олганман, улар орасида ҳатто учта комсомолка ҳам бор. Юринг.

Биз қўранинг ўртасидаги икки қаватли бинога қараб юрамиз.

— Эски ходимларнинг ишдан бўшатилишини талаб этганингиз жуда яхши бўлди,— дейди Гуляева.— Барини ҳайданг, биттасини ҳам қолдирманг, ҳечкимни юзхотир қилманг... Мени ҳам ҳайданг.

— Йўқ, сиз тўғрингизда масала ҳал. Мен фақат сизнинг ёрдамингизга муҳтожман.

— Майли, аммо кейин пушаймон еб юрманг.

Қизларнинг ётоқхонаси каттагина, унда олтмишта кровать жойлашган. Кириб ҳайрон бўлиб қолибман: эски ва йиртиқ бўлса ҳам, ҳарбир кроватьда одеял. Одеял тагида чойшаб. Ҳатто ёстиқлари ҳам бор.

Қизлар ҳақиқатан ҳам бизни кутиб ўтиришган экан. Устиларидаги чит кўйлаклари эски, ямалган-чатилган. Энг каттаси ўн бешларга кирган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Салом, қизлар!— дедим.

— Антон Семёновични кўрайлик деган эдинглар, мана, олиб келдим.

Қизлар овозларини зўрға чиқариб салом берадилар ва йўл-йўлакай одеялларни тузатиб, секин-аста ёнимизга тўпланишади. Нима учундир бу қизларга жуда раҳмим келиб кетади, озгина бўлса ҳам уларни хурсанд қилгим келади. Улар атрофимиздаги кроватьларга ўтириб, менга ҳадиксираб қараб-қараб қўйишади. Нима учун уларга раҳмим келганини ҳеч билолмайман. Балки, юзлари нурсиз, лаблари қонсиз бўлгани учундир, балки, менга қўрқа-писа қараганлари ё бўлмаса ямалган кўйлак кийганлари учундир. Миямга, қизларга бундай кийим кийдириб бўлмайди, умр бўйи диллари сиёҳ бўлиб юради деган фикр келиб кетади.

— Қани, ҳол-аҳволдан гапириб беринглар-чи, қизлар,— дейман.

Қизлар индашмайди, фақат жилмайиб, менга қараб ўтиришади. Бирдан қизларнинг фақат лабларигина кулганини пайқайман, улар завқ блан чинакам кулиш нималигини билмайди. Қизларнинг юзига бир-бир қараб чиқаман, кейин Гуляевага қараб:

— Биласизми, мен кўпни кўрган одамман, аммо бу ерга келиб бир нарсага ақлим етмай қолди,— дейман.

Гуляева қошларини чимириб:

— Нимага экан?— дейди.

Рўпарамда ўтирган ва пуштиранг юбкаси калта бўлганидан тиззалари кўриниб турган қора қизча кўзларини юммасдан бирдан менга қараб туриб:

— Горькийчиларингиз блан тезроқ кўчиб келинг, нега десангиз, бу ерда турниш жуда хавфли,— дейди.

Шу онда мен сирни билдим: қора қизнинг чеҳрасида, унинг жонсиз кўзларида, лабларининг ғайри ихтиёрий равишда титрашларида қўрқув, ҳақиқий қўрқув акс этарди.

— Булар юрагини олдириб қўйипти-ку,— дейман, Гуляевага қараб.

— Буларнинг турмуши оғир, Антон Семёнович, ниҳоятда оғир...

Гуляеванинг кўзлари қизаради ва бирдан ўрнидан туриб дераза ёнига кетади.

Қизлардан гап сўрайбошладим:

— Нимадан қўрқасизлар? Қани, гапиринглар!

Қизлар олдинига тортиниб, бир-бирларини туртиб ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир-бирларидан гап олиб гапирдилар, кейин сирларини очиб, ҳатто мудҳиш тафсилотларини ҳам қолдирмай, бутун турмушларини гапириб бердилар.

Улар фақат ётоқхонада ўзларини бир қадар хавфсиз сезар экан. Ҳовлига чиқишга қўрқишар экан, чунки болалар уларни тинч қўймас: чимчилашаркан, бемаза гап отишаркан, ҳожатхона тирқишидан қарашаркан, ё бўлмаса бирдан эшигини очиб юборишаркан. Қизлар кўп маҳал оч қолишаркан, чунки ошхонада уларга овқат қолдиришмас экан, овқатни болалар ётоқларга ташиб кетишаркан. Ётоққа овқат ташиш ман' этилган ва ошхона ходимлари бунга йўл қўймаса ҳам, болалар ошхона ходимларини менсимас экан, кастрюль ва нонни талаб кетишаверараркан, қизларнинг қўлидан эса бу нарса келмас экан. Улар ошхонага келишаркан-да, кутиб туришаркан, кейин уларга ҳамма овқатни болалар талаб кетди, ҳеч нарса қолмади дейишаркан, ба'зан бироз нон беришаркан. Ошхонада ўтириш ҳам хавфли экан, чунки болалар кириб ураркан, фоҳиша деб сўкишаркан, ундан баттар сўзларни ҳам айтишаркан, ҳархил гап ўргатишаркан. Болалар қизлардан сотиб ейишга ҳархил нарсалар талаб қилишаркан, қизлар бермаса, болалар ётоққа бостириб киришаркан-да, одеял борми, ёстиқ борми, тўғри келган нарсани олиб, шаҳарга обориб сотишаркан. Қизлар ўз кирларини фақат кечалари ювар экан, брок ҳозир кечалари ҳам хавфли бўлиб қолди; болалар уларни кирхонада пойлаб туришаркан-да, қизлар кирини билан шунақа қилишарканки, айтишга одам уялади. Бир куни Валя Городкова билан Маня Василенко кир ювгани чиқиб, қайтиб келишипти ва кечаси билан йиғлаб чиқишипти, эрталаб колониядан қочиб кетишипти, қаерга кетганини ҳеч ким билмайди. Бир куни бир қиз мудирга арз қилган экан, эртасига ҳожатхонага кирганида тутиб олиб, юзига... ўша нарсани... суртиб чиқаришипти. Энди аҳвол бошқача бўлади дейишади, бошқа болалар эса барибир ҳеч қанақа натижа чиқмайди, чунки горькийчилар жуда оз, барибир ҳаммасини қувиб юборамиз дейди. .

Гуляева, кўзларини менинг юзимдан узмасдан, қизларнинг гапини тингларди. Мен унга жилмайиб қарадим, бу жилмайишим унинг ўзига эмас, ҳозиргина кўзёш тўккани учун эди.

Қизлар қайғули қиссаларини тугатди, улардан бири,— Смена дегани,— менга жиддий қараб туриб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Айтингчи, совет ҳокимияти даврида шундай нарсаларга йўл қўйилиши мумкинми?— деб сўради.

— Сизлар гапириб берган нарсалар ўтакетган бетартиблик, совет ҳокимияти даврида бундай нарсалар бўлмаслиги керак. Бирнеча кундан кейин ҳамма нарса ўзгариб кетади. Бахтли турмуш кечирабошлайсизлар, сизларга ҳечким озор бермайди, мана бу кўйлакларни ҳам ташлаймиз,— дедим.

Деразада ўтирган сариқ сочли қизча хаёлчанлик блан:

— Бирнеча кундан кейин?— деб сўради.

— Роса ўн кундан кейин,— дедим.

Қоронғи тушгунча оғир фикрлар блан бошим гангиб, колонияни айланиб юрдим.

Қалинлиги бир саржин келадиган уч юз йиллик девор блан ўраб олинган, қоқ ўртасида сирлари кўчиб тушган бесўнақай собор қаққайиб турган курра шаклидаги кўҳна ҳовли территориясида, нажас босиб ётган бу ернинг ҳар квадрат метрида бургандай ўсиб чиққан педагогика проблемалари ғовлаб ётарди. Қийшайиб кетган ва тепасигача гўнг босиб ётган эски отхонада, ўнтача қари сигир бекорга эгаллаб турган оғилхонада, буэилган-ёрилган қўранинг ҳар ерида, аллақачонлар кесилиб кетган боғ атрофидаги вайрон этилган панжараларда, атрофимни қуршаб турган бутун территорияда қуриб-қовжираб кетган соцвос поялари тарвайиб турарди. Колонистларнинг ётоқхоналарида ва улар атрофидаги жойларда — ходимларнинг бўшаб қолган квартираларида, клуб, ошхона ва емакхона деб аталмиш бинолардаги пояларда етилиб пишган заҳарли мевалар осилиб турардики, мен буларни энг қисқа муддат ичида ютиб юборишим керак эди.

Мени қийнаб турган бу ўйлар бирдан ғазабимни ҳам келтириб юборди. Вужудимда, минг тўққиз юз йигирманчи йилдаги сингари, ғазаб қўзғалганини сезабошладим. Худди чексиз нафрат блан тўлиб тошган шайтон орқамдан итариб тургандай бўларди. Ҳозирнинг ўзида, шу ернинг ўзида туриб бирон кимсанинг ёқасидан ушлаб олсам-де, нажас ва шалтоқларга бурнини ишқаб, педагогикага ҳам эмас, соцвос назариясига ҳам эмас, революцион пафос ёки коммунистик ахлоққа ҳам қараб эмас, йўқ, йўқ, балки энг оддий ақл, ҳамма менсимайдиган мешчанлик виждонига қараб иш қилинишини талаб этсам дердим. Бу ғазаб муваффақиятсизликка учрашим мумкин деган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрқувни босдиради. Ҳозирнинг ўзида қизларга бериб чиққан ва'дам юрагимга тушган ишончсизликни шафқатсиз суратда йўқ қилади. Юракларини олдириб қўйган, ювош ва юзларида бир қатра қон асари бўлмаган ва мен ўйламай туриб, одамларча турмуш шароити яратиб беришни ва'да қилган бу ўнлаб қизлар бирдан қалбимда ўз виждоним вакиллари бўлиб қолдилар.

Аста-секин қош қорайиб борарди. Колонияда чироқ ёқилмас эди. Монастирь деворлари томонидан собор томонга мудҳиш тун кўланкалари бостириб келмоқда эди. Бурчак-бурчакларда, туйнукларда ва йўлакларда боқимсиз болалар ивирсир, шошиб-пишиб ужин ташиб кетар ва ётиб ухлашга ҳозирланар эдилар. На кулги эшитилади, на ашула ва на биронта жўшқин садо. Онда-сонда ўшқирган овоз ё бўлмаса уриш-жанжал товуши эшитилиб қоларди. Икки маст бир-бирини сўка-сўка поялари сниб кетган зинадан ётоқ эшигига ўрмалаб чиқар эди. Кеч қоронғусида Костя Ветковский блан Волохов уларга нафрат блан қараб турар эди.

3. Турмуш

Эртаси куни соат иккида Куряж мудири ҳокимиятни топшириш ва ҳамма ходимларни ишдан бўшатиш тўғрисида актга кеккайиб туриб қўл қўйли-да, извошга ўтириб жўнаб кетди. Унинг узоқлаб бораётган гарданига қарарканман, бу одамнинг толеи баландлигига жуда ҳавасим келди: у энди чумчуқдай эркин эди, ҳатто бирон кимса орқасидан тош ҳам отиб қолмади.

Менинг у сингари қанотим йўқ, шунинг учун мен, юрагимни ҳовучлаб Куряж аҳллари орасида оёғимни зўрға судраб юраман.

Ванька Шелапутинни куёш нурлари ёритади. Уялганидан ва кулиб турганидан юзи худди бриллиантга ўхшаб порлайди. Унинг блан бирга собор деворига осиб қўйилган катта қўнғироқ ҳам порлайман дейди. Аммо қўнғироқ эски ва кир босиб кетган, у фақат офтоб нурида хира башарасини қийшайтираолади. Ундан ташқари, қўнғироқ дарз кетган, шунинг учун Ванька минг ўлиб-тирилса ҳам қўнғироқдан тузуккина овоз чиқмайди. Ванька эса умумий мажлисга сигнал бериши керак.

Кўнгилсиз, оғир, юракни арэқтируви мас'улият сезгиси аслида бема'ни. Бундай сезги арзимаган нарсага

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам кун бермайди, энг тор тирқишга ҳам суқулиб кириб олиб, ёвузлик ва тоқатсизликдан титраб-қақшаб ўтиради. Шелапутин қўнғироқ чалар экан, бу сезги қўнғироққа ёпишиб олди: бундай хунук товушнинг колония устида садо беришига йўл қўйиб бўладими?

Енимда турган Витька Горьковский юзимга тикилиб туради. Кейин юзини монастирь дарвозаси ёнидаги қўнғироқхонага ўгиради, бирдан кўзининг қорачиғлари баттар қорайиб, кенгайиб жилваланади. Витька бошини кўтариб секин-секин кулади, бироз қизариб кетади-да, бўғиқ овоз билан:

— Ҳозир боплаймиз, хотиржам бўлинг!— дейди.

Қўнғироқхона томон югуриб кетади, йўлда Волоховни учратиб, бирга маслаҳат қуришади. Ванька бўлса эски қўнғироқни иккинчи марта йўталтиради ва:

— Нима бало, гапга тушунмайдими булар? Чаламан, чаламан, биттаси эшитмайди!..— деб кулади.

Собиқ иссиқ черков клуб қилинган эди. Клубнинг чанг босган темир панжарали баланд деразалари ва иккита ультрамарк печкаси бор. Ярим доира шаклдаги меҳробнинг тешилиб кетган сўрисида кичкина майиб столча. Хитойларнинг «тургандан ўтирган яхши» деган мақоли Куряжда қадрланмайди, клубда ўтирадиган жой йўқ. Тўғрисини айтганда, куряжлилар келиб ўтиришга ошиқмайдилар ҳам. Ҳар замонда эшикдан пахмоқ калла мўралаб қарайди-да, дарров ғойиб бўлади; обед маҳалини кутган болалар уч-тўрттадан бўлиб олиб ҳовлида санқиб юришади: ўзаро низо' чоғи бўлганн учун бугун обед хеч пишади. Аммо улар оддий фуқаролар, Куряж маданиятини тебратиб туручи аристократлар аллақаерларда қорасини кўрсатмай юрипти.

Тарбиячилар йўқ. Гапнинг тагига энди етдим. Кечаси пионерлар хонасидаги тақир столларда жуда безовта ухладик, йигитлар Куряж ҳақидан жуда қизиқ-қизиқ ҳикояларни айтиб беришди.

Колониядаги қирқта тарбиячи қирқта хонани эгаллаб турар экан. Бундан бир ярим йил муқаддам улар бу хоналарга тантана-дабдаба билан, ҳархил маданий буюмлар, тўқима дастурхонлар ва уезд дидида ясалган оттоманкалар[1] билан кўчиб киришган. Уларнинг ундан ҳам ихчам ва бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиши осон бўлган бошқа

[1] Юмшоқ диванинг бир хили.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мато'лари ҳам бўлган. Худди шу мато'лар куряжлиларнинг қўлига энг осон йўл блан ўтабошлаган, бу усул қадимги Римда ҳам қулфбузарлик деб аталар эди. Қўлга мол киритишнинг бу классик усули Куряжда шу қадар тараққий топган эдики, тарбиячилар бирин-кетин маданий мато'ларнинг қолган-қутганларини шаҳарга кўчириб олиб кетиб, квартираларида эса жўнгина мебельни олиб қолганлар, бу мебель ҳам ерга солинган ва педагогларга навбатчилик вақтида кўрпа ўрнини босадиган «Известия» газетасидан иборат эди.

Броқ, Куряж тарбиячилари мол-мулкларидангина эмас, ўз жонларидан ҳам айрилишдан қўрққанларидан, кўп ўтмай қирқта тарбиячига қарашли уйлар жанговар истеҳкомга айлантирилган, педагоглар ўз дежурликларини шу истеҳкомларда ўтириб ҳалол ўтар эканлар. Куряж тарбиячилари квартираларининг дераза, эшик ва бошқа тешик-туйнукларидаги қулф-танба каби ҳимоя воситаларини ундан илгари ҳам кўрмаган эдим, ундан кейин ҳам кўрмадим. Дераза ромлари ва эшиклари баҳайбат илгаклар, ҳалқалар, билакдай йўғон-йўғон темир таёқлар, ухраинча бурама, русларнинг ярим пудли қулфлари блан мустаҳкамлаб ташланган эди.

Илғор сводний отряд келган кундан бери тарбиячиларнинг биронтасини кўрмадим. Шунинг учун уларнинг ишдан бўшатилиши символик тус олди; ҳатто уларнинг квартираларини ҳам шартли белги деб билардим, чунки у ерда одам боласи турганлиги фақат арақ шишалари, қандалалардан билинар эди.

Ложкин деган аллақим бирпас оёғим остида ўралишиб юрди, у шунақа одам эдики, ташқи қиёфасидан кимлигини, қанча ёшга кирганини билиб бўлмас эди. У, ўзининг педагогикадан кучли эканини исбот этишга уринди ва «сизнинг йўлбошчилигингиз остида бундан буён ҳам ёшларни тараққиёт сари бошлаб бориш» учун Горький колониясида қолсам, деб илтимос қилди. Ярим соатча атрофимда парвона бўлиб, педагогиканинг ҳархил нозик томонларидан вайсаб юрди.

— Бу ерда ҳеч кимнинг боши бир ерга қовушмайди, ҳамма бебош бўлиб кетган! Мана, сизлар қўнгироқ чалияпсизлар, уларнинг парвойига келмайди. Сабаби нимада? Мен, педагогика асосида иш кўриш керак дейман. Ҳамма хатти-ҳаракатнинг шарт-шароити бўлиши керак деб айтадилар ва тўғри айтадилар ҳам, аммо, кечирасиз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

болалар ўғирлаб турса ва бунга ҳечким тўсқинлик қилмаса, қандай қилиб шарт-шароитли хатти-ҳаракат бўлсин? Мен уларга қандай ёндошиш йўлини биламан, улар мени ҳурмат қилишади, доим менга мурожаат қилишади, аммо шундай бўлса ҳам... қайнанам касал бўлиб қолганда икки кунгина кетсам, деразамни синдиришипти-да, ҳамаёқни шипшийдон қилиб кетишипти, ҳечнарсасиз қолавердим, устимда фақат фуфайкам қолди, холос. Хўш, бунинг сабаби нимада? Ҳа оладиган бўлсанг сенга ёмон қарайдиганларникини ол, нега энди сенга яхши қарайдиган одамникини оласан? Шунинг учун педагогларча йўл тутиш керак дейман. Болаларни тўплайман, бир марта гапираман, икки марта гапираман, уч марта гапираман, уларни рағбатлантираман, қарайсизки, олам гулистон. Масала бераман. Бир чўнтагимда иккинчи чўнтагимдагига қараганда етти тийин кўп, ҳаммаси бўлиб йигирма уч тийин, хўш, ҳар чўнтагимда қанчадан пул бор? дейман. Боплар эканманми?

Ложкин менга маккорлик блан қарайди.

— Хўш, кейин нима бўлди?— деб сўрайман, одоб юзасидан.

— Йўқ, сиз айтингчи: қанча бўлади?

— Нима қанча бўлади?

— Ҳар чўнтагимда қанчадан пул бор экан?— деб хиралик қилаверади Ложкин.

— Бу нима... мени айтгин демоқчимисиз?

— Ҳа-да, айтингчи, ҳар чўнтагимда қанчадан пулим бор экан?

— Менга қаранг, ўртоқ Ложкин,— жаҳлим чиқиб кетади,— бирон ерда ўқиганмисиз ўзингиз?

— Бўлмасачи! Аммо, маълумотимни асосан, ўз ўзимча ўқиб орттирганман. Бутун умрим ўз маълумотимни ошириш блан ўтди, бўлмаса педагогика техникумлари ё бўлмаса институтларда ўқиш бизга қаёқда. Бизда олий маълумотлилар ҳам бор эди, ҳатто битта ходим стенография курсини ҳам тамом қилган, биттаси эса юрист эди, аммо уларга битта масала бериб кўрсанг... Ё бўлмаса, бошқа масала берай: икки оғайнига мерос тегипти...

— Анови нима... анови деворлагини стенограф ёзганми?

— Ўша ёзган, ўша... Колонияда стенография курси ташкил этмоқчи бўлиб юрди, уйини кўтариб кетишгандан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин, бундай маданиятсиз шароитда ишлайолмайман деди-да, тўгаракни ташкил этишдан воз кечиб, тарбиячилик вазифасини ўтаб қолаверди...

Клуб деворига, печка ёнига бир бўлак картон осиб қўйилган, картонга:

СТЕНОГРАФИЯ — СОЦИАЛИЗМГА ОЛИБ БОРАДИ

деб ёзилган эди.

Ложкин яна анчагача вайсаб юрди, кейин бирдан билдирмай кўздан йўқолди, фақат унинг кетидан Волоховнинг:

— Зинқна!— дегани эсимда қолди.

Клубда бизни кўнгилсиз ва хафа қилучи нарсалар кутарди: куряжлилар умумий мажлисга келмади. Волохов алам билан клубнинг баланд ва шипшийдон деворларига қарарди, газабдан юзлари кўкариб кетган Кудлатий ўзича алланималар деб шивирлар, Митька хижолат ва шунинг билан бирга истеҳзо билан жилмаяр, ёлғиз Миша Овчаренко илгаригидай бамайлихотир ва илгари бошлаган гапини бемалол давом эттирар эди:

— ... Энг муҳими — ерни ҳайдаш керак... Экинни экиб олиш керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг: май ойи ахир, отлар бекор турипти, ҳамма нарса бекор турипти, нима деган гап бу, ахир!..

— Ётоқхоналарда ҳам бирон кишн йўқ, бари шаҳарда,— деди Волохов ва мендан ҳам ҳайиқмасдан, овозининг борича қаттиқ сўкинди.

— Ҳаммаси йиғилмагунча обед берилмасин,— деб таклиф киритди Кудлатий.

— Йўқ,— дедим.

— Нега «йўқ» дейсиз!— деб қичқирди Кудлатий.— Тўғрисини айтганда, биз бу ерда нима қилиб ўтирибмиз? Далаларни бурган ўт босиб ётипти, ҳатто омоч тиши ҳам тегмаган, бу нима деган гап? Улар бу ерда обед еб ўтирсин. Бундан чиқди, текинхўрларга дориламон экан-да?

Волохов газабдан қақраб кетган лабларини ялади-да, худди безгак тутиб турган одамдай сесканиб:

— Антон Семёнович, юринг, бизникига кириб, гаплришиб олайлик,— деди.

— Обед нима бўлади?

— Бирпас кутишса очдан ўлмас. Барибир ҳаммаси шаҳарда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пионерлар хонасига кириб, скамейкаларга жойлашганимиздан кейин, Волохов шундай нутқ сўзлади:

— Ерни ҳайдаш керакми? Экин экиш керакми? Буларнинг ҳечнарсаси, ҳатто картошкаси ҳам йўқ экан, нимани экади? Майли, улар экмаса экмасин, ўзимиз экиб олардик, аммо экадиган бир бало ҳам йўқ-ку? Сўнгра... мана бу ахлатлар, сассиқ ҳидлар. Бизникилар келганда роса шарманда бўламиз-да, покиза одамнинг оёқ босадиган ери йўғ-а. Ётоқхоналарни, матрас, кровать, ёстиқларни айтмайсизми? Идиш-товоқ, қошиқ деган нарсаси йўғ-а? Нимадан бошлаш керак? Ахир, бирон нарсадан бошлаш керак-ку?

Болалар, худди нимадан бошлашни билганимдай, кўзларини мендан узмасдан қараб ўтирар эдилар.

Мени қаттиқ ташвишга солиб қўйган ёлғиз Куряж болалари эмас, сон-саноқсиз рўзғор ишир-чикирлари эди. Бу ишир-чикирлар шу қадар кўп ва чалкашиб кетган эдики, бунинг олдида уч юзта куряжлик ҳечнарса эмас эди.

Помдет блан тузган шартномага мувофиқ, Куряжни эпақага келтириш учун бизга йигирма минг сўм пул берилиши керак эди, аммо ҳақиқий эҳтиёж олдида бу пулнинг эиғнрчалиги ҳозирданоқ аён бўлиб қолган эди. Менинг болаларим йўқ нарсалар рўйхатини жуда тўғри тузган эдилар. Куряжнинг ниҳоятда қашшоқлиги Кудлатий рўзғор аш'ёларини қабул қилиб олабошлагандан кейин ма'лум бўлди.

Қабул актига ёш болалар қўл қўядими? деб мудир бекорга ўпкалаган экан. Мудир сурбет одам экан; акт жуда қисқа бўлди. Мастерскойда бирнеча станок, отхонада бирнеча қирчанги от турарди, ундан бошқа ҳечнарса йўқ эди: на асбоб, на материал, на қишлоқ хўжалик асбоблари. Шалтоқ босиб ва хароб бўлиб ётган чўчқахонада олтита чўчқа хириллаб ётарди. Уларни кўриб, болалар ўзларини кулгидан тутиб тураолмадилар. Оёқлари чўпдай, бошлари катта бу югурдак ва сурбет ҳайвонлар бизнинг инглиз зотли чўчқаларга ҳечбир ўхшамас эди. Қўранинг узоқ бир бурчагидан Кудлатий битта плугни ахлат тагидан топиб олиб, худди қадрдон дўстини топгандай севиниб кетди. Ундан олдин эски ғиштлар тагидан боронани топиб олишган эди. Мактабда фақат стулларнинг оёқлари ва класс доскаларининг қолдиқлари топилди. Бу эса табиий бир ҳол эди, чунки ҳар қишнинг ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

праварди бўлади ва ҳарбир рўзғор эгасида баҳор келганда озгина бўлса ҳам ўтин ортиб қолади.

Ҳамма нарсани сотиб олиш, ишлаш ва қуриш керак эди. Ҳаммадан олдин ҳожатхона қуриш керак эди. Педагогика процесси методикасида ҳожатхона тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди ва, шунинг учун бўлса керак, турмушда энг керак бўлган бу нарсани куряждагилар енгилтаклик блан менсимай келганлар.

Куряж монастири ҳар тарафи жарлик баланд тепаликка қурилган эди. Фақат тепаликнинг жанубий томони очиқ бўлиб, бу ердан монастирьга қарашли ва айни вақтда ботқоқ бўлиб ётган ҳовуз ортидан Подворки қишлоғининг похол томлари кўриниб турарди. Бу украин манзараси ҳар жиҳатдан тузук ва чиройлик эди, она, уй, қизлар, кичик қўшимча сўзлар ва олчазор каби қофияларда тарбияланган ҳарбир лирик бу манзарани кўрганда юраги завқланмай қолмас эди. Куряжлилар бу манзарани мароқ ва завқ блан тамоша қилар ва яхшиликка ёмонлик дегандай, бунинг эвазига жар ёқасига орқаларини ўгириб, тизилиб ўтирар ва соцвос сметалари бўйича берилган миллион-миллион сўмларни мутлоқ фойдасиз маҳсулотга айлантириш блан жавоб берар эдилар.

Мазкур проблема менинг болаларимни жуда қаттиқ азобга солиб қўйди. Миша Овчаренко бу тўғрида гапирганда ниҳоятда жиддий ва хунюби чиқиб гапирарди:

— Бу нима деган гап, ахир? Биз нима қиламиз? Харьковга қатнашимиз керакми? Борганда ҳам нимада борамиз?

Шу сабабдан кенгаш охирида пионерлар хонаси эшигидан подворкили икки дурадгор кириб келди, уларнинг каттаси, солдат қийофали ва бошига хаки фуражка кийгани менинг режаларимни ма'қуллади:

— Албатта, бусиз туриб бўладими? Одам овқат егандан кейин, бусиз иложи бўлмайди-да... Тахта масаласига келганимизда, Рижовода склад бор, яқин. Сиз ховатир олманг, мени ҳамма танийди, чиқарган пулингизни менга бераверинг, шундай ҳожатхона қуриб берамизки, монахларнинг ҳам ҳаваси келсин. Албатта, агар арзонроқ бўлсин десангиз юпқа тахта ё бўлмаса майда ёғоч ишлатиш мумкин,—енгилгина бўлади, агар йўқ, пухтароқ бўлсин десангиз, бир ярим ёки икки дюймли тахта олдиртиришингизни маслаҳат берардим, унда бақувватроқ бўлади ва саломатлик учун ҳам қулай бўлади: шамол кирмайди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишда ҳам бемалол бўлади, ёзда ҳам иссиқдан қовжираб, ёрилиб кетмайди.

Қиш ва ёз паллаларини, шамол ва «бемалолликлар»ни уюштируччи бу ажойиб бинокор одамни кўриб, умримда биринчи марта чинакам завқланиб кетдим. Унинг фамилияси ҳам ёқимли бўлиб, Боровой[1] эди. Унинг қўлига бир даста пул бердим, у ўзининг ёрдамчиси, юзлари ширмондай қипқизил йигитга:

— Мен кетдим, Ваня, тахтага кетдим, сен бошлайвер. Югуриб бориб белкурак олиб кел, меникини ҳам олакел. Хаш-паш дегунча яхшиларнинг ҳожатини чиқарамиз... Қаерга ва қандай қуриш кераклигини ўзлари кўрсатиб беришар...—деб пухта гап уқдиришини кўриб, яна бир марта завқланиб кетдим.

Киргизов билан Кудратий жилмайишиб, жой кўрсатгани кетишди, Боровой эса пулни латтага яхшилаб ўраган-да, яна бир марта руҳимни кўтариб қўйди:

— Боплаймиз, ўртоқ мудир, хотирингиз жам' бўлсин!

Мен хотиржам эдим. Руҳимиз анча кўтарилди, вужудимизга ёпишиб олган сусткашлик даврини сидириб ташладик-да, Куряжда педагогика ишига киришдик.

Бу кеча биз муваффақиятли ҳал этган иккинчи масала ҳам турмуш масалаларидан бири эди, у ҳам бўлса тарелка билан қошиқ масаласи эди. Девор сирлари тагидан авлиёлар ва биби мар'ям суратларининг қопқора кўзлари ва ба'зи ерларда уларнинг чўқинтириб турган қўллари кўриниб турган, шифти гумбазли ошхонада стол ва скамейкалар бор эдию, аммо идиш-товоқдан асар ҳам кўринмасди. Волохов ярим соатча отхонада овора бўлиб ва аллакимларни алдаб-сулдаб, Евгеньевни шалоқ линейкага туширди-да, тўрт юз жуфт тарелка билан яна шунча ёроч қошиқ олиб келгани шаҳарга жўнатди.

Дарвозадан чиқаверишда Евгеньевнинг линейкаси бир тўда одамни тантанали қийқириқлар, қучоқлаб ва қўл бериб кўришишлар билан кутиб олди. Болалар ўзимизга таниш шамол келганини сезиб, улар ҳам дарвозага югуриб чиқишди. Мен ҳам югуриб чиққан эдим, бирдан яқиндан бери ўз кучини менинг кўкрагимни сиқиб синайдиган бўлиб қолган Карабановнинг қучоғига тушиб қолдим.

Задоров бошчилигидаги еттинчи сводний отряднинг ҳамма а'золари етиб келган эди ва сирли, хавфли кўрин-

---

[1] *Бор* — қарорайзор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган куряжлилар оломони бирдан назаримда шундай жўн ва арзимаган масала бўлиб қолдики, уни ҳатто Ложкин ҳам менсимаган бўлар эди.

Нима қилишимни билмай, мушкул аҳволга тушиб қолган пайтимда ҳамма рабфакчиларимни: оғир табиатли, салмоқли Бурун, оташин ва салбий эҳтиросини илм-ма'рифат жиловлайбошлаган Семён Карабанов, кенг юрагини ветеринариянинг тор рамкасига сиғдираолган Антон Братченко, ҳамиша қувноқ ва олижаноб Матвей Белухин, салмоқли ва характери пўлатдай чиниққан Осадчий, интеллигент ва ҳақиқатпарвар Вершинев, қора кўз ва эслй-ҳушли Маруся Левченко, Настя Ночевная ва «Иркутск губернаторининг ўғли» Георгиевский, Шнайдер, Крайник, Голос ва, ниҳоят, менинг эркатойим ва крёстникгим[1], еттинчи сводний отряд командири Александр Задоровларни кўриш ҳақиқатан ҳам катта бахт! Еттинчи отряднинг катта ёшдаги а'золари рабфакни тамомлаш олдида турар эдилар ва олий ўқув юртларида ҳам уларнинг ишлари яхши бўлишига шубҳамиз йўқ эди. Аммо, биз учун улар студент эмас, колонистлар эди, шунинг учун айни пайтда уларнинг ўқишдаги муваффақиятларини санаб ўтиришга вақтимиз йўқ эди. Салом-аликдан кейин яна пионерлар уйига тўпланишдик. Карабанов стол ёнига ўтди-да, стулга обдон жойлашиб олиб, деди:

— Ҳамма гапдан хабаримиз бор, Антон Семёнович, масала равшан: ё допғимиз чиқади, ё чангтимиз! Биз ҳам шунинг учун келдик!

Рабфакчиларга бугунги биринчи кунимизни та'рифлаб бердик. Рабфакчиларнинг қовоқлари солинди, бир-бирларига ташвишланиб қараб олишди, тагларидаги стуллари қисирлаб кетди. Задоров хаёлчанлик блан деразага қаради-да, кўзларини қисиб туриб:

— Йўқ, ярамайди... ҳозир зўрлик кетмайди: улар кўпчилик!

Бурун, оғир елкаларини силкитиб, жилмайиб:

— Биласанми, Сашка, уларни кўп деб бўлмайди! Кўплиги ҳам ҳеч гап эмас! Кўп эмас-ку, аммо... шундай дардисарки, ушлаб оладиган жойи йўқ. Сен улар кўпчилик дейсан, кўп бўлса — қани улар? Қани? Қайсибирини ушлайсан? Шундай қилиш керакки... бир жойини топиб,

---

[1] *Крёстник* — тутинган ўғил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаммасини бир ерга тўплаш керак. Аммо, қандай қилиб тўплаш мумкин?— деди.

Шу топда Гуляева кирди ва суҳбатимизга қулоқ солиб ўтириб, шубҳаланиб ўтирган Карабановга жилмайди-да:

— Ҳаммасини ҳеч ҳам тўплайолмайсизлар! Ҳеч ҳам!..— деди.

— Кўрамиз!— деди Семён, жаҳли чиқиб.— Нима учун «ҳеч ҳам» тўплайолмас эканмиз? Тўплаймиз! Майли, икки юз саксонтаси келмаса, юз саксонтаси келар. Кўрамиз. Бу ерда ўтиришдан нима фойда?

Шундай план тузиб чиқдик: ҳозир обед берилади. Куряжлиларнинг обдон қорни очган, ҳаммаси ётоқда обед кутиб ўтирипти. Майли, есин жиғилдонига! Обед маҳалида ҳаммамиз ётоқма-ётоқ юриб, ташвиқот қиламиз. Расволарга мажлисга чиқинглар, одаммисизлар ё йўқми? Чиқинглар! Ўзларингга фойда, ифлослар, сизлар учун янги турмуш бошланади, сизлар бўлсангиз шиллиқ куртга ўхшаб ҳарёққа тарқалиб кетасизлар! дейиш керак. Башарти биронтаси зўравонлик қилса — олишмаслик керак. Яхшиси, шундай дейиш керак: сен мана бу боршч тепасида зўравонлик қиласан, зўр бўлсанг мажлисга бор, гапинг бўлса ўша ерда гапир, дейиш керак, гап тамом. Обеддан кейин мажлисга қўнғироқ чалинадиган бўлди.

Ошхона эшиги тагида ўнлаб куряжлилар обед кутиб ўтирарди. Мишка Овчаренко, кеча менинг фамилиямни сўриштирган маллабашара болага эшик остонасида насиҳат қилиб турарди:

— Ишламаган одамга овқат тегмайди, сен бўлсанг менга нуқул тегади дейсан. Сенга ҳеч нарса тегмайди. Тушундингми гапга, оғайни? Агар миянг бўлса, бу гапларни яхшилаб уқиб олишинг керак. Балки, сенга овқат берарман, аммо берсам ҳам ўз ихтиёрим билан берган бўламан, азизим. Чунки, овқатга яраша иш қилганинг йўқ, тушундингми, оғайни? Ҳарким ишлаб топиши керак, сен бўлсанг текинхўрсан, сенга ҳечнарса тегмайди. Садақа беришим мумкин.

Маллабашара бола Мишкага бир кўзи билан худди аламзада йиртқич ҳайвондай хўмрайиб қараб турарди. Бошқа кўзи кўрмасди ва, умуман, малланинг башарасида кечадан бери ўзгариш пайдо бўлиб қолган эди: башарасининг баъзи жойлари ҳаддан ортиқ шишиб, кўкариб кетган, юқори лаби ва ўнг юзи қонга беланган эди. Буларнинг ҳаммаси мени Мишка Овчаренкодан жиддий суратда:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу нима деган гап? Бунинг юзини ким безатиб қўйди?— деб сўрашга мажбур этди.

Бироқ Мишка сипоҳлик билан жилмайди-да, масаланинг бундай тарзда қўйилишига қўшилмади:

— Нега мендан сўрайсиз, Антон Семёнович? Менинг башарам эмас-ку, анови Ховрахнинг башараси. Мен ўз вазифамни бажариб турибман, сиз мудиримиз бўлганингиз учун, ўз ишимдан сизга тўла ҳисоб беришим мумкин. Волюхов менга: эшик ёнидан қимирлама, ҳечкимни ошхонага киритма деб кетди. Турибман. Е мен унинг кетидан қувибманми, ё ётоғига кирибманми, ё бўлмаса унга тегишибманми? Ховрахнинг ўзи айтсин: бекордан-бекорга ошхонага суқилади, балки юзини бир нарсага уриб олгандир?

Бирдан Ховрах хиқиллайбошлайди, бошини Мишка томонга силкитиб, ўз фикрини билдиради:

— Хўп, майли! Одамни очдан ўлдирсанглар ўлдиринглар, аммо юзимга уришга ҳақинг борми? Сен мени биласанми? Хўп, майли, билмасанг — билиб қоларсан!..

У маҳалларда агрессорни аниқлаш тўғрисида ҳали низом тузилмаган эди, шунинг учун мен иккиланиб қолдим. Тарихда ҳам худди шундай ҳодисалар бўлиб турар ва улар ҳамиша қийинчилик билан ҳал этилар эди. Наполеоннинг шаҳзода Англиенский ўлдирилгандан кейин «Буни жиноят деб бўлмайди, аммо бу хато ҳам эмас» деб айтган сўзлари эсимга келди.

Мен эҳтиёт билан ўртача йўл тутиб:

— Буни уришга қандай ҳақинг бор?—дедим.

Миша ҳамоя жилмайиб, менга пичоқ узатди:

— Кўрдингизми, мана буни пичоқ дейдилар. Қаердан олибман буни? Е Ховрахнинг ёнидан ўғирлаб олибманми? Бу ерда катта гаплар бўлиб ўтди. Волохов ошхонага ҳечкимни киритма деб кетди. Мен шу жойимдан қимирламай турибман, бу бўлса ёнимга пичоқ солиб келиб, йўлни бўшат! дейди. Мен йўл бермадим, албатта, Антон Семёнович, бу бўлса яна йўлни бўшат деб, устимга бостириб келаверди. Шундан кейин мен секин итариб ташладим. Секингина, мулойимгина итардим, бу аҳмоқ бўлса пичоғини ўхталди. Тартиб-интизомнинг нималигини билмайди. Аҳмоқ аҳмоқлигига боради-да...

— Ҳарҳолда, уриб қонатиб юборибсан... Сенинг муштингми?

Мишка ўз муштларига қаради-да, уялиб кетди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мушт-ку меникия, албатта, меники бўлгандан кейин қаёққа қўяй? Аммо мен жойимдан қўзғалганим йўқ. Волохов қўйиб кетган еридан силжиганим йўқ. Бу аҳмоқ бўлса, нуқул пичоқ ўхталади...

— Сен ўхталганинг йўқми?

— Менга ўхталма дейишга кимнинг ҳаққи бор? Ўхталсам ўхталаверaман! Раз мен ўз постимда турар экanман, оёғимни бир ердан олиб бошқа ерга қўйишга ё бўлмасам бу томондаги қўлим менга керак бўлмаса, бошқа томонга ўгиришим мумкинми? Бу бўлса устимга бостириб келаверди, ким айбдор бунга? Қаерда юрганингни билишинг керак, қой Ховрах! Масалан, дейлик, поезд келаяпти... Поезд келаётганини кўрдингми, дарров бир чеккага чиқиб тур. Агар сен поезд изидан қўлингда пичоқ ўхталиб келаётган бўлсанг, поезд ёнингдан бурилиб ўтиб кетолмай, албатта, абжағингни чиқариб юборади-да. Ё бўлмаса, масалан, машина юриб турипти, машинанинг ёнига секин ва эҳтиёт блан келишинг керак, ёш бола эмассан!

Миша бу гапларни Ховрахга меҳрибонлик ва ҳатто мулойимлик блан, ўнг қўлини силкитиб, поезднинг қайси томондан келишини, Ховрахнинг қаерда туриши кераклигини кўрсатиб, тушунтирарди. Ховрах унинг гапини индамасдан диққат блан тингларди, юзидаги қонини май қуёши нурлари қотирабошлаган эди. Бир тўда рабфакчилар Мишанинг оғир вазифага қўйилганини тушуниб, унинг насиҳатгўйлигига қойил қолиб, жиддий суратда тинглаб турар эди.

Суҳбат қилиб турганимизда яна бирталай курсжлилар тўпланди. Мишанинг жиддий суратда бераётган танбиҳларига қойил қолганлари уларнинг қиёфаларидан кўриниб турарди. Бу танбиҳ ва насиҳатлар уларнинг назарида шунинг учун ҳам ўринли эдики, уларни ғолиб, томон берарди. Тарбиямга берилган янги болаларнинг юзларидан ба'зи нарсаларни ўқиб билабошлаганимдан ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетдим. Худди ба'зи ҳарфлари ўчиб кетган телеграмма белгилари зўрға кўринганидай, кир ва боршч юқи қолган башараларда завқланиш аломатларини кўриб, айниқса севиниб кетдим. Фақат ўз компаниясининг олдида турган Ваня Зайченконинг чеҳрасида бадхоҳ шодлик ва завқ худди байрам муносабати блан ёзилган шиор ҳарфларидай яққол ва равшан кўриниб турарди. Ваня қўлларини камарининг тагига қистириб, ялангоёқларини керib, Ховрахнинг юзини кулиб туриб тамоша қиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирдан оғирлигини бир оёқдан иккинчи оёққа ташлаганда, келишган ва ингичка қоматини орқага ташлаб, жаранглаган овоз блан:

— Ховрах!.. Бундан чиқди, шапалоқ ейиш ёқмас экан-да, а? Ёқмади, а?— деди.

— Сен жим тур, қумирсқа,— деди, қовоғини солиб, Ховрах.

— Ҳа!.. Ёқмас экан!— Ваня бармоғи блан Ховрахни кўрсатди.— Бирпасда адабини бериб қўйишди!

Ховрах Зайченкога отилди, броқ Карабанов унинг елкасидан ушлаб қолди, Ховрахнинг елкаси букилиб, пиджак кийган шаҳарча қомати эгилиб кетди. Ваня ҳам қўрқмади. У фақат Мишка Овчаренконинг ёнига яқинроқ бориб турди. Ховрах Семёнга қайрилиб қаради, оғзи буришиб кетди, елкасини унинг қўлидан бўшатди. Семён унга хушмуомала блан жилмайиб турарди. Ховрах ёқимсиз кўк кўзлари блан атрофга жовдираб қарадида, яна Ванянинг шўх ва диққат блан тикилиб турган кўзига дуч келди. Ховрах гангиб қолди, шекилли: мағлубиятга учраганн ва яккамоҳовлик, юэндаги эндигина ҳотган қони, Мишанинг ҳозиргина айтган насиҳатлари, Карабановнинг кулгиси,— буларнинг ҳаммаси аҳволни таҳлил қилиб чиқиш учун вақт талаб қиларди, шунинг учун ҳам «қумирсқа» Ванядан нафратли кўзларини олмас, ўзининг енгилмас ва сурбет қарашини сўндираолмас эди. Аммо Ваня бу қарашга аччиқ киноя блан жавоб берди:

— Вой-бў-ўй, жуда қўрқиб кетдим-ку!.. Бугун ухламай чиқсам керак!.. Юрагим қинидан чиқиб кетди, энди нима қиламан! Вой, энди нима қиламан!

Горькийчилар ҳам, куряжлилар ҳам бирдан хахолаб кулиб юборишди. Ховрах:

— Сволочь!— деб вишиллади-да, чапанчасига сакрашга шайланди.

— Ховрах!— дедим.

— Ҳа, нима?— деб сўради у, бошини менга буриб.

— Бери кел!

У, менинг буйругимни бажаришга шошилмас ва одати бўйича чўнтакларини кавлаб, этигимга қараб турарди. Қаттиқ товушимга бироз ғазаб ҳам қўшиб:

— Бери кел дейман сенга!— дедим.

Ҳамма жим бўлди, фақат Петька Маликов қўрқув ичида:

— Ого!— деб шивирлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ховрах қовоғини солиб ва тикилиб қараш блан мени енгмоқчи бўлиб, ёнимга келди. Мендан икки қадам нарига келиб тўхтади-да, кечагига ўхшаб, оёғини лиқиллатиб турди.

— Тикка тур!

— Яна қанақа тикка туради?— деб пўнғирлади Ховрах, бироқ қаддини ростлади-да, қўлларини чўнтагидан чиқарди, бир қўлини белига тираб, бармоқларини кериб турди.

Карабанов қўлини белидан олиб қўйиб:

— Болагина, тикка тур дегандан кейин одам гопанька ўйинга тушмайди. Бошингни кўтариб тур!— деди.

Ховрах қошларини чимирди, аммо унинг тайёр бўлиб қолгани аён эди.

Мен унга:

— Сен энди горькийчисан. Ўз ўртоқларингни ҳурмат қилишинг керак. Ўзингдан кичкина болаларга зўравонлик қилмайсан, тузукми?— дедим.

Ховрах кўзларини пир-пир учириб, пастки лабининг бир учи блан жилмайди. Менинг саволимда меҳрибонликдан кўра дўқ кўпроқ эди, буни Ховрахнинг ўзи ҳам сезиб, дилига жо қилди ва қисқагина жавоб берди:

— Мумкин.

— Мумкини нимаси, есть дейишинг керак!— Белухининг тенор овози жаранглади.

Матвей, Ховрахнинг елкасидан дангал ушлади-да, ўзига қаратиб, пастга осилиб турган иккала қўлига бир урди, кейин қўлини илдам салютга кўтариб, ҳарбир сўзни чертиб-чертиб:

— Есть! Ўзимдан кичик болаларга зўравонлик қилмайман! Қайтар!— деди.

Ховрах оғзини катта очиб:

— Ҳа, нега мунча менга ёпишиб олдинглар-а, болалар? Нима гуноҳ қилибман? Ҳечнарса қилганим йўқ. Ана у, башарамга бир туширди, рост! Мен ҳечкима демадим-ку...— деди.

Бу воқнани завқ ва мароқ блан тамоша қилиб турган курсжлилар янада яқинроқ келиб туришди. Карабанов Ховрахнинг елкасидан қучди-да, ҳаяжон блан деди:

— Дўстим! Азизим, ўзинг ақлли йигитсан-ку! Мана ўз постида турган одам, у ўз манфаатини эмас, ҳаммасининг фойдасини ҳимоя қилади. Қани, юрчи, чакалакзорга кирайлик, мен сенга тушунтириб қўяй...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одоб ва ахлоқ масалаларига яшқинроз бўлган бир тўда болалар қуршовида улар чакалакзорга кириб кетдилар.

Волохов обедни тарқатиш тўғрисида буйруқ берди. Мишканинг орқасидан анчадан бери мўралаб турган оқ қалпоқли мўйловли шопдай повар Волоховга дўстона кулиб қараб, бошини силкитди-да, кўздан ғойиб бўлди. Ваня Зайченко ёнидаги ўртоқларининг енгларидан тортиб, ҳаяжонланиб:

— Кўрдингларми, оқ шапка кийиб олди! Буниси нима деб тушуниш керак? Тимка! Сен ўйлаб кўр!— деб шивирлади.

Тимканинг юзи қизариб кетди, кўзларини пастга қаратди-да:

— Ўзининг қалпоғи, мен биламан!— деди.

Соат бешда умумий мажлис бўлди. Ё рабфакчиларнинг ташвиқоти кор қилди ё бирон бошқа нарсанинг ёрдами тегди, ҳарҳолда клубга анчагина куряжлилар тўпланди. Волохов эшик олдига Миша Овчаренкони қўйди, Осадчий блан Шелапутин иккаласи мажлисга келганларни рўйхатга олабошлаган пайтда (педагогика тилида буни тарбия этилувчиларни ҳисобга олиш дейилади) эшик олди кечикиб келганларга тўлиб кетди, улар ташвиш тортиб:

— Ёзилмаганларга ужин бериладими?— деб сўрар эди.

Собиқ черков зали шунча одам рудасини эўрға сиғдирди. Мен меҳроб сўрисидан боқимсиз болалар оломонига қараб ўтирардим ва уларнинг кўплигига ва шу блан бирга биронта ажойиб қиёфанинг учрамаслигига ажабланардим. Оломон орасида аҳ'ён-аҳ'ёнда қизиқ ва жонли чеҳра кўрниб қолар, одамшаванда сўзлар ва болаларча қувноқ кулги эшитилиб қолар эди. Қизлар энг орқадаги печка ёнига сиқилишиб турар, уларнинг ўртасида қўрқув аралаш жимлик ҳукм сурарди. Кўрпалар, тўзиган сочлар ва занг ҳидли қорачтир — кир денгиз бетида оғизларини очиб турган, мускуллари увадага ўхшаган, бири боққа, бири тоққа қараган ма'носиз, ибтидоий башаралар анграйиб қараб турарди.

Мен, Горький номидаги колонияя, унинг ҳаёти ва қилган яшлари ҳақида қисқа гапириб бердим. Вазифаларимиз ҳақида: покизалик, меҳнат қилиш кераклиги, ўқиш, янги турмуш, янги инсоний бахт тўғрилари да қисқача

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўзладим.-Сизлар помешчиклар ва капиталистлар йўқотилган, инсон эркинликда ўсадиган ва завқли меҳнат орқасида камол топадиган мамлакатда яшайсизлар-ку, дедим. Тингловчилар гапимни завқланиб тингламагани учун дарров чарчаб қолдим. Худди шкаф, бочка ва яшикларга қараб гапиргандай бўлдим. Мен, ҳамма болаларнинг отряд-отрядга уюшишлари, ҳарбир отрядда йигирматадан бола бўлишини билдириб, командирликка ўн тўрт кишининг номини кўрсатинглар деб илтимос қилдим. Улар гиқ этмасди. Мен саволларинг бўлса беринглар дедим, улар яна киндашмади. Сўнгга Кудлатий чиқди-да:

— Тагини суриштирганда, уят эмасми сизларга?— деди.— Нон билан картошкани ўлгудай туширишни, боршчларни туширишни биласизлар, ҳа, мана бу ишларни сизлар учун ким қилиши керак? Ким? Бордию, ҳаммага эртага обед бердирмасам, унда нима қиласизлар?

Бу саволга ҳам ҳечким жавоб бермади. Умуман, «халойиқ чуқур сукунатда» турар эди.

Кудлатийнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Ундай бўлса, эртадан бошлаб ҳар куни олти соатдан ишлашни таклиф қиламан, экинни экиш керакми, ахир! Ишлайсанларми?

Йироқ бурчакдан якка-ёлғиз киимса:

— Ишлаймиз!— деб бақирди.

Бутун оломон овоз чиққан томонга эриниб қайрилиб қаради, кейин бирон ма'но ифодаси кўринмаган башаралар яна бояги-боягидай олдинга қараб тураверди.

Мен Задоровга қарадим. Менинг хижолатлаганимни кўриб, у кулиб юборди-да, қўлини елкамга қўйиб:

— Хафа бўлманг, Антон Семёнович, бу ўтиб кетадиган нарса!— деди.

4. „Ҳаммаси жойида"

Куряжлиларнинг бошини қовуштирамиз деб ярим кечагача овора бўлдик. Рабфакчилар ётоқма-ётоқ юриб, отряд тузишга уриниб, болаларни яна рўйхатга олиб чиқишди. Баҳо беручи сифатида ёнимга Горьковскийни олиб, мен ҳам ётоқхоналарни айланиб юрдим. Биз, тахминан бўлса ҳам, коллективнинг энг ибтидоий аломатларини аниқлаб олишимиз, зиғирча бўлса ҳам ижтимоий елим асарини топишимиз керак эди. Горьковский қоронғи ётоққа кириб, атрофни ҳидлаб кўрарди-да:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳой, ким бор! Бу ерда қандай компания туради?— деб сўрарди.

Ётоқхоналарда на компания, на айрим шахслар кўринарди. Ким билади, қайси томонга ўрмалаб кетган, бу куряжликлар. Бор болалардан бу ётоқда ким туради, ким ким блан ўртоқ, ким яхши ва ким ёмон деб суриштирардик, аммо жавоблар бизни севинтирмас эди. Куряжликларнинг кўпчилиги ёнида ётиб юрган қўшниларининг кимлигини билмас эди, ҳатто кўплари отларини ҳам билмас эди, ярлақагани лақабини айтиб берар эди: Қулоқ, Патак, Комаха, Шофёр, ё бўлмаса ташқи нишонларини эслар эдилар:

— Бу койкада чўтир ётади, мана бунисига Валюхдан биттасини ҳайдаб келишган.

Ба'зи жойларда ижтимоий елимининг сал-пал ҳиди келиб турарди, аммо ёпишганда биз ўйлагандай бўлиб ёпишмас эди.

Ярим кечага бориб Куряж болаларининг состави ҳақида ҳарҳолда тасаввур ҳосил қилдим.

Албатта, буларнинг ҳаммаси ҳақиқий боқимсиз болалар эди, аммо буларнинг ашаддий боқимсиз болалар деб бўлмас эди. Негадир, бизнинг адабиётимиз ва интеллигенциямиз боқимсиз болани Байрон қаҳрамонига ўхшатади. Боқимсиз бола аввало философ эмиш, бунинг устига серфаросат, анархист ва ҳамма нарсани барбод этучи, чапани ва буткул ахлоқ ва одоб душмани эмиш. Юраклари қинидан чиқиб кетаёзган ва йиғлоқи педагогика, арбоблари бу образни яна социология, рефлексология ва шу каби бой қариндошларимизнинг душманларидан юлиб олинган патлари блан безатадилар. Боқимсиз болалар ташкилотларга уюшган, уларнинг онабошлари бор, уларда интизом қаттиқ бўлади, ўғирлик қилиш усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг ўзларига яраша ички қонун-қоидалари бўлади деб қаттиқ ишонар эдилар ҳам. Боқимсиз болалар учун ҳатто «ўз-ўзидан вужудга келучи коллектив» ва ҳоказо каби илмий терминларни ҳам аяшмайди.

Боқимсиз боланинг усиз ҳам кўркам образига кейинчалик обивательларнинг (Россия ҳам четэл обивательларининг) ахлоқий асарлари баттар ҳашам бериб юборган. Ҳамма боқимсиз болалар — ўғри, пияниста, фоҳишабоз, нашавон ва сифлитик бўлади дейишади. Бутун дун'ё тарихида ёлғиз Пётр бирга шу гуноҳларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаммаси тоқилган эди. Ростини айтганда, буларнинг ҳаммаси Ғарбий Европа ғийбатчиларининг бизнинг ҳаётимиз ҳақида энг бебурд ва бемаза латифалар тўқишига катта ёрдам берарди.

Аммо, аслини суриштирганда... турмушда бундай бўлмайди.

Доимий суратда яшаб келувчи ва гўё кўчаларимизни «даҳшатли жиноятлар» ва жулдир-жулдир усти-бошлар билангина эмас, ҳатто ўз «мафкуралари» билан ҳам тўлдириб келувчи боқимсиз болалар жамияти тўғрисидаги назарияни шафқатсиз суратда улоқтириб ташлаш керак. Граждалар уруши ва очарчиликдан кейин бутун мамлакатнинг зўр машаққат билан миллион-миллион болаларни болалар уйларида қутқариб қолинганини кўчада қолган совет анархисти ҳақида романтик ғийбат тўқувчилар сезмадилар. Бу болаларнинг кўпчилиги аллақачонлар улғайиб, совет заводларида, совет муассасаларида ишлаб келмоқда. Бу болаларни тарбиялаш педагогика жиҳатдан ортиқ даражада сермашаққат бўлганини ҳам тушуниш керак.

Худди шу романтикларнинг айби билан болалар уйларининг ишлари жуда оғир аҳволда қолиб келди, бунинг натижасида кўпгина болалар уйлари Куряжга ўхшаб қолди. Шунинг учун бир хил ўғил болалар (гап фақат ўғил болалар устида бораяпти) болалар уйларини ташлаб, кўчага кетар эдилар, аммо кетганда ҳам кўча ҳаётини афзал кўрганлари учун кетмас эдилар. Уларнинг ҳеч қандай махсус кўча идеологиялари йўқ эди, улар фақат яхшироқ колония ёки тузукроқ болалар уйини қидириб чиқиб кетар эдилар. Улар спон, соцвос, помдет ва ҳархил комиссияларнинг эшикларини қоқар эдилар, аммо улар ҳаммадан ҳам бизнинг педагогика сувини ичмасдан туриб қурилишимизда қатнашиш имконияти бор жойларни излар эдилар. Бу ҳаммага ҳам насиб бўлавермас эди. Кеккайган ва ўжар педагог оғайниларимиз қўлга тушган қурбонни осонлик билан қўйиб юбормас ва умуман соцвос чиғиридан ўтмаган ҳаёт — ҳаёт эмас деб билар эди. Шу сабабларга кўра қочқин болаларнинг аксарияти бошқа бирон колонияда яна педагогика процессига йўлиқар эди, аммо бунисидан ҳам қочиб кетиши мумкин эди. Қичик гражданларимизнинг у колониядан бу колония ўртасидаги ҳаёти, албатта, кўчада ўтарди, принципиаль ва ахлоқ масалалари билан шуғулланишга вақтлари, тажрибалари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

иш столлари бўлмаганидан, табиий, ба'зи масалаларни, масалан, қорин масаласини, принципсиз ва ахлоқсиз суратда ҳал этардилар. Бошқа соҳаларда ҳам кўча болалари ўз ишлари ва ҳаракатларини ахлоқ қоидалари асосида бўлишига уринмас эдилар; боқимсиз болалар умуман расмиятчиликни ёмон кўришади. Мақсад ва мароми деган ба'зибир тушунчаларга эга бўлган боқимсиз болалар дилларида металлист ё шофёр бўлиб етишиш йўлидан тўппа-тўғри кетаётибман, бунга эришиш учун ўзимни ер юзида маҳкам тутсам бўлгани, майли, бунинг учун хотинларининг сумкаларини, эркакларнинг портфельларини олиб қочсам ҳам зарари йўқ, бирон гараж ё механика цехонасига яқинроқ жойлашиб олсам бўлгани деб ўйлайдилар.

Бизнинг илмий адабиётимиз кишилар характерини хилларга ажратиш бобида бирнеча марта уриниб кўрди; шу билан бирга, олимлар боқимсиз болалар учун ҳам ахлоқсиз ва дефектив деган ном беришга кучларининг борича тиришадилар. Аммо мен, бу ҳамма классификацияларнинг ичида харьковли коммуналар—дзержинскийчилар тажрибада қўллаш учун тузган амалий классификацияни энг тўғри деб биламан.

Коммунарларнинг амалий иш тажрибаси асосида татбиқ этган гипотезаларига кўра, боқимсиз болалар уч сортга бўлинади. Ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишда жонларининг борича ҳаракат қилучи, ҳечқандай тўсиқларни писанд қилмовчи; металлист бўлиш тилагида пассажир вагонининг ҳарбир жойига илашишга тайёр, курьер ва скорий поездларнинг елдай учишларига ишқивоз, аммо шунда ҳам вагон-ресторан, кўрпа-ёстиқ ва проводникларининг хушмуомалаларига орзиманда бўлмаган болалар «биринчи сорт»га киради. Бу болаларни фақат Қрим ҳавоси ёки Сочи сувлари дардида поездларга осилиб юради деб қараловчи одамлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг бу фикри нотўғри. Бу сайёҳларни асосан Днепропетровск, Донбасс ва Запорожье гигантлари, Одесса ва Николаевдаги пароходлар, Харьков ва Москва корхоналари қизиқтиради.

Боқимсиз болаларнинг «иккинчи сорти» кўпгина яхши фазилатларга эга бўлса ҳам, уларда «биринчи сорт»дагига каби олижаноб ахлоқий хусусиятлар бўлмайди. Булар ҳам излайди, аммо булар тўқимачилик фабрикалари ва кўн заводларидан жирканиб юзларини бурмайдилар, улар ҳатто ёғоч тахта ишлаб чиқарадиган мастерскойга ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

рози, ҳатто картон ишлаб чиқаришга ҳам рози ва, ниҳоят, улар дори учун ишлатиладиган ўт-гиёҳ тўплашдан ҳам уялмайдилар.

«Иккинчи сорт» ҳам ҳамма ерни кезиб юради, аммо кўпинча трамвайнинг кетига осилиб юришни афзал кўради ва Жмеринка вокзалининг қандай гўзал эканлиги ва Москвадаги қоида-тартибларнинг қанчалик қатъийлигидан хабари йўқ.

Дзержинскийчи-коммунарлар ўз коммуналарига фақат «биринчи сорт» гражданларни тортишга ҳаракат қилар эдилар. Шунинг учун улар скорий поездларда ташвиқот ишларини кўчайтириш йўли билан ўз қаторларини тўлдириб борар эдилар. Коммунарлар назарида иккинчи сорт боқимсизлар анча бўшроқ кўринарди.

Аммо Куряжда «биринчи сорт» ҳам эмас, ҳатто «иккинчи сорт» ҳам эмас, ҳатто «учинчи сорт» болалар кўпчиликни ташкил қилар эди. Олимлар муҳитидаги каби, боқимсиз болалар муҳитида ҳам «биринчи сорт» болалар жуда оз бўлади, «иккинчи» сорт» болалар сал кўпроқ учрайди, кўпчилиги «учинчи сорт»га мансуб бўлади: боқимсиз болаларнинг кўпчилиги ҳечқаерга югурмайди, ҳечнарса изламайди, болалик руҳларининг гулғунчаларини соддадиллик билан соцвоснинг ташкилотчилик та'сирига тутиб туради.

Куряжда мен худди шу «учинчи сорт»га мансуб болалар конига дуч келдим. Бу болалар қисқа умрлари ичида учта-тўртта, ба'зилари ундан ҳам кўп, ба'зилари эса ўн битта болалар уйи ва колонияга кириб чиққан, аммо бу уларнинг порлоқ келажакни излаш натижаси бўлмай, халқ маорифи идораларининг ижодчилик интилишлари натижаси эди, бу интилишлар кўп маҳал шу қадар бема'ни ва мужмал бўлар эдики, қайтадан қуриш, сиқиштириш, тақсимлаб юбориш, тўлдириш, йиғиштириш, кенгайтириш, тугатиш, тиклаш, хиллаштириш, стандартлаштириш, эвакуация, реэвакуация каби минг хил тадбирларнинг қаердан бошланиб қаерда тугашига ҳатто энг зийрак одам ҳам тушуниб етолмас эди.

Мен ҳам Куряжга уни қайтадан қуриш ниятида келганим учун, ҳарбир колонистнинг мени ҳам халқ маорифи бўлимининг педагогик фолбинлигига қарши бирдан бир ҳимояси бўлмиш лоқайдлик билан кутиб олиши табиий эди.

Бу қадар расво лоқайдлик узоқ давом этган тарбия

www.ziyouz.com kutubxonasi

процессининг самараси эди ва бу, ма'лум даражада, педагогиканинг улуғ ва қудратли кучга эга эканлигини кўрсатади.

Куряжлиларнинг аксарияти ўн уч-ўн тўрт ёшга кирган болалар эди, аммо уларнинг юзларида ҳозирданоқ ҳархил атавизмлар нишона қолдириб кетабошлаган эди. Туғилган кунларидан бошлабоқ «ижтимоий тарбия» шиори остида тарбияланиб келган бўлсалар ҳам, уларда бироята ижтимоий хусусият йўқлиги кўзга ташланиб турар эди. Уларнинг ҳарбир ҳаракатида ва юриш-туришларида ёввойиларга хос ибтидоий соддалик кўриниб турарди, аммо бу соддалик турмушнинг ҳарбир ҳодисасига соддалик блан қаровчи болаларга хос соддалик эмас эди. Улар ҳаётнинг нималигини билмас эдилар. Уларнинг билим доиралари қорнига кирадиган овқат рўйхати блангина чегараланар эди. Озиқ-овқатга ҳам худди мудроқ босган ва ўрганиб қолган одамдай қарар эдилар. Қозон тепасига ўзларига ўхшаган ёввойи болалар оломони блан бирга ёпирилиб бориш—уларнинг вазифаси эди. Ба'зан бу вазифа муваффақиятли ҳал бўларди, ба'зан уриш-жанжал блан тугарди, аммо уларнинг шахсий ҳаёт маятниклари бошқача тебранишни билмасди. Куряжлилар ўғирлик қилганда ҳам фақат ўша соддадиллик блан ўғирлар, шунда ҳам ҳақиқатан бежо ётган ё бўлмаса бутун оломон кўз тиккан нарсаларнигина ўғирлар эдилар. Бу болаларнинг ирода ларн катта ёшдаги ва сбцвосинг қаршилик кўрсатмаслик ва «самодисциплина» деган назарияларн офтобида кўпайиб кетган «зўровонлар»нинг калтаги, ҳукоратлари остида аллақачон занфлашиб кетган.

Шу блан бирга, бу болаларни мутлоқ бефаросат ҳам деб бўлмасди, тагини суриштирганда, улар энг оддий болалар эди, уларни фақат тақдир ноқулай аҳволга солиб қўйган эди: бир томондан улар инсон тараққиётининг имтиёзларидан фойдаланишдан маҳрум этилган бўлса, иккинчи томондан уларга бемаза, ёмон бўлса ҳам, кундалик ризқларини та'мин этиш йўли блан, оддий турмуш учун курашнинг нажоткор шароитларидан маҳрум этгандилар.

Бу кўпчилик болалар ичидан бошқа хилдаги ба'зи группалар ажралиб турарди. Ховрах турадиган ётоқхонада шу «зўравонлар»нинг штаби жойлашган бўлса керак. Бизнинг болалар, улар ўн бештача келади, улар орасида асосий рольни Коротков ўйнайди деб айтишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Коротковнинг ўзини ҳали кўрганимча йўқ, умуман бу болаларнинг вақти кўпинча шаҳарда ўтар эди. Улар орасидан ўзининг эски ошнюларини топган Евгеньев, уларнинг ҳаммаси оддий шаҳар ўғрилари, колония уларга фақат квартира хизматини ўтайди, деярди. Витька Горьковский унинг гапига қўшилмасди ва:

— Қанақа ўғри! Шпана!..— деярди.

Витька, Коротков ҳам, Ховрах ҳам, Перец ҳам, Чурило ҳам, Поднебесний ҳам, қолганлари ҳам фақат колонияда ўғирлик қилишади, деярди. Олдинига улар тарбиячиларнинг уйларига, мастерской ва омборларга тушаркан. Болаларнинг ҳам ба'зи нарсаларини ўғирлашар экан: Биринчи май байрамига кўп болаларга янги ботинка берилган экан; Горьковскийнинг айтишича, ўғрилар асосан шу ботинкаларни ўғирлаш блан машгул экан. Уидан ташқари, улар қишлоққа ҳам ўғирликка боришар экан, ба'зилари ҳатто йўл тўсар экан,— колония Ахтирькага борадиган катта йўл устида жойлашган эди.

Бирдан Витька кўзини қисди-да, кулиб юбориб, деди:

— Энди у аблаҳларнинг ўйлаб топган нарсаларини биласизларми? Еш болалар улардан ўлгудек қўрқади, зир титрайди, энди улар бундай қилишадиган бўлти: ташкилотчи бўлиб олишипти! Еш болаларни улар «лайча» деб атаркан. Ҳарбир ўғрининг бирнеча «лайчаси» бор экан. Эрталаб туриб, бор, қаёққа борсанг бор, кечқурун бир нарса топиб кел, дер экан. Ба'зилари поездларда, ё бўлмаса бозорларда ўғирлик қиларкан, аммо кўпчилиги тиламчилик қиларкан, ўғирлик қилиш уларнинг қўлидан келармиди! Кўчаларда, кўприк бошида туриб тиламчилик қилишаркан, ба'зилари Рижовога ҳам борарқан. Кунда икки-уч сўм йиғиб келишаркан. Чурилонинг «лайчалари» ҳаммасиникидан яхши эмиш: беш сўмдан олиб келиб берармиш. Уларга норма ҳам қўйиб берилган: тўртдан бири «лайчага», уч ҳиссаси хўжайинга тегаркан. О, сиз уларнинг ётоғида ҳечнарса йўқлигига ишонманг. Уларнинг костюмлари ҳам, пуллари ҳам бор, аммо яшириб юришади. Мана бу Подворки қишлоғида шунақаларни яширадиган қўралар бор, хиёнатчилар ҳам тўлиб ётипти. Ҳар куни кечаси ўша ерга бориб базм қуришади.

Иккинчи группада Зайченко ва Маликовга ўхшаганлар бор эди. Колония блан яқиндан танишиб чиққанимдан кейин қарасам, бунақалар оз эмас экан, ўттизтача бор экан. Турмуш машаққатларига қарамай чарақлаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўзларининг ма'юсланмаганига, болаларга хос ва кишини завқлантирадиган ғайратларини ва турмушнинг ҳарбир ҳодисасига қизиқиб қарашга имкон берувчи аналитик талантларини сақлаб келганларига ҳайрон бўламан. Инсониятнинг бу тонфасини мен жуда яхши кўраман, унинг руҳий гўзаллиги ва олижаноблиги учун, вижданни чуқур тушинишлари ва ҳатто уларнинг бўйдоқ ўтиши ва хотинларни ёмон кўриши ҳам менга ёқади. Менинг илғор сводний отрядим бу ерга келиши бланоқ, бу болалар бурунларини кўтариб олди ва кўкракларини энтика-энтика соф ҳаво блан тўлдириб, думларини хода қилиб, ётоқдан-ётоққа елиб югурабошлади-да, юқорида айтилган аналитик талантларини ишга солабошлади. Улар очиқдан-очиқ менинг томонимга ўтишга ҳозирча кўрқар эдилар, аммо барибир, уларнинг мени қўллаб-қўлтиқлашга тайёр эканлигига шубҳам йўқ эди.

Ижтимоий унсурларнинг учинчи группасига Витька иккимиз тўсатдан дуч келиб қолдик ва Витька уларнинг олдида худди қуён тепасидан чиқиб қолган исковичдай, ҳайрон бўлиб, тек қотиб қолди. Қўранинг олис бир бурчагида кўҳна деворга суяниб нақшинкор тахта айвонли якка бино турарди. Ваня Зайченко шу бинони кўрсатиб:

— У ерда агрономлар туради,—деди.

— Қанақа агрономлар? Неча киши?

— Ун тўрт киши.

— Ун тўртта агроном? Шунча агроном нима қиладн?

— Улар жавдари экишган, энди шу ерда туришади...

Бу гаплардан Халабуданинг ҳиди келиб кетди ва шубҳам янада ортиб:

— Сизлар буларни шунақа деб масхара қиласизларми?— дедим.

Аммо Ваня менга жиддий боқиб ва бошини флигель томонга силкитиб:

— Йўқ, ростакам агрономлар, ўзингиз бориб кўринг! Улар ер ҳайдаб, жавдари экишган! Қизиқ, ўсиб ҳам чиқди-я! Мана бундоқ бўлиб қолди!— деди.

Витька, Зайченкога дарғазаб бўлиб ўқрайиб қараб:

— Анови... кўк кўйлак кийганларни айтасанми? Улар сенлар блан бирга тарбияланучи болалар-ку? Нега ёлғон гапирасан?— деди.

— Нега ёлғон гапирарканман!— деб чинқириб юборди Ванька.— Нега ёлғон айтар эканман! Уларга аттестат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам беришмоқчи. Аттестат тегди дегунча, ҳаммаси жўнаб кетади...

— Хўп, бўпти, юр, агрономларинг олдига.

У бинода иккита ётоқхона бор эди. Сал-пал тозароқ одеяллар ёпилган кроватьларда ҳақиқатан ҳам кўк сатин кўйлак кийган, сочлари силлиқ таралган одобли йигитчалар ўтиришарди. Деворлар открыткалар, журналлардан қирқиб олинган расмлар ва ёғоч рамкали ойналар билан безатилган эди. Дераза токчаларидан тортоза қоғозларининг кунгирали четлари тушиб турарди.

Сипоҳ болалар менинг саломимга қуруққина жавоб беришди-да, Ваня Зайченко уларни ҳаяжон билан менга таништирабошлаганда ҳам пинакларини бузмай ўтиравердилар:

— Мана, агрономлар шулар бўлади, мен айтдим-ку! Мана бунисн энг каттаси — Воскобойников!

Витька Горьковский, бизларни агрономлар билан эмас, худди ажина ёки арвоҳлар билан (гарчи уларга ишонмасада) таништиргани бошлаб келгандай, менга ҳайрон бўлиб қарарди.

— Менга қаранглар, болалар, бир гап сўрасам мендан хафа бўлманглар: айтингларчи, нима учун сизларни агроном дейишади?

Воскобойников — баланд бўйли, қиёфасида сипоҳлик билан нуроизлик бир-бири билан олишиб турган ва ноданлигини бу иккала хислат ҳам яширолмаган йигитча, ўрнидан турди-да, қўлларини шимининг тор чўнтагига зўрға сиғдириб:

— Бизлар—агрономмиз. Яқинда аттестат оламиз...— деди.

— Аттестатларни сизларга ким беради?

— Ким берарди? Мудир беради.

— Қайси мудир беради?

— Илгариги мудир.

Витька кулиб юбориб:

— Балки, сўрасам менга ҳам берар?—деди.

— Нега масхара қилиб куласан?— деди Воскобойников.— Ҳечнарса билмаганингдан кейин жим ўтиравер. Сен нимани билардинг?

Витьканинг жаҳли чиқиб кетди:

— Ҳаммангизнинг аҳмоқлигингизни биламан. Қани, тузукроқ айтингларчи: бу ерда ким лўттибозлик қилмоқда?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Лўттибозлик қилувчи балони ўзингдирсан,— деб бошлаб туриб жавоб қайтарди Воскобойников, аммо, бу бемазагарчиликка Витька ортиқ чидаб тураолмади:

— Бас дейман сенга!.. Қани, гапир!

Кроватьга ўтирдик. Агрономлар сипоҳгарчилик ва кекқайишлар билан, худди аламзада одамлардай истар-истамас, афтларини бурыштира-бурыштира, Халабуда жавдариси ва ўзларининг бунча тез баланд мартабага етишганликларининг сирини бирин-кетин очиб бердилар. Куз палласида Куряжга Халабуда вакили атайлаб жавдари эктиргани кепти. Ўн бешта катта ёшдаги болаларни авраб ишлатипти-да, меҳнат ҳақларини сийлови билан тўлапти: уларга алоҳида бино ажратиб беришипти, кроватьлар, ич кийимлари, одеял, костюм ва пальтолар олиб беришипти, болаларнинг ҳарбирига эллик сўмдан пул беришипти ва, провардида, иш тутагандан кейин агрономлик дипломи берамиз, деб ва'да қилишипти. Ва'да қилинган нарсалар, я'ни кровать ва ҳожаэолар реал нарса бўлгани учун, дипломнинг ҳам бор нарсалигига болаларда шубҳа бўлмаган, чунки уларнинг ҳаммаси чаласавод ва биронтаси ҳам меҳнат мактабининг иккинчи синфидан ошмаган. Диплом бериш масаласи баҳоргача чўзилган. Гарчи Халабуданинг вакили помдет кабинетларида эриб, йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, бу нарса болаларни ташвишга солмаган, чунки вакилнинг мажбуриятини колония мудири тантилик қилиб ўз устига олган. Куни кеча кетар чоғида, мудир, дипломлар тайёр, фақат Куряжга олиб келиб, тантанали суратда агрономларнинг қўлларига топшириш қолди, деб ишонтириб кетипти.

Мен болаларга қараб туриб:

— Болалар, сизларни роса боплаб кетишипти! Агроном бўлиш учун кўп ўқиш, бирнеча йил ўқиш керак, агроном етиштирадиган институтлар, техникумлар бўлади, у ерга кириш учун ҳам олдин оддий мактабда бирнеча йил ўқиш керак. Сизлар... Етти карра саккиз қанча бўлади?— дедим.

Қорадан келган, кўҳликкина йигит (мен саволимни шунинг бетига қараб туриб берган эдим) иккиланиб туриб:

— Қирқ саккиз,— деди.

Ваня Зайченко вой дедию, кўзларини катта очиб ҳайратланди:

— Вой, вой, вой, мана бу агрономларни қаранглар!—

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирқ саккиз бўлар эмиш! Ана совдаю, мана совда! Ана унга қаранглар!

— Сен нега аралашасан? Сенинг нима ишинг бор?— деб Ванькага ўшқирди Воскобойников.

— Эллик олти бўлади!— Ванька ўзининг ҳақлигини кўрсатаман деб, ҳатто рангги оқариб кетди.— Эллик олти!

— Энди қандоқ бўлди?—деб сўради елкалари кенг, бесўнақайроқ бир йигит (уни ҳамма Сватко деб чақирар эди).— Бизга совхоздан жой берамиз деб ва'да беришган, энди нима бўлади?

— Бунинг чораси осон,— деб жавоб бердим.— Совхозда ишласангиз ёмон бўлмайди, фақат агроном бўлиб эмас, оддий ишчи бўлиб ишлайсизлар.

Агрономлар хуноб бўлиб, ўтирган жойларидан ирғиб туриб кетишди. Сваткоиинг жаҳли чиқиб, рангги оқариб кетди:

— Сиз, ҳақиқатни тополмайдн деб ўйлайсизми? Ҳамма нарсага тушуниб турибмиз, ақлимиз етади! Бизни мудир ҳам огоҳлантириб қўйган эди. Ҳозир айни далага қўш чиқариш пайти-да, ҳечким ер ҳайдашни истамайди, шунинг учун бизни ишга солмоқчисиз! Уртоқ Халабудани ҳам аврагандирсизлар! Сизнинг айтганингиз бўлмайди, бўлмайди дедик, бўлмайди!

Воскобойников қўлларини яна чўнтагига солди-да, яна теракдай бўйини шифтга тақизиб туриб:

— Нимага келдинглар, бизни аҳмоқ қилгани келдинглармн? Бизга билган одамлар айтган. Биз қанча ерга жавдари экдик, қанча меҳнат сарф қилдик. Энди сизлар бизни бекорга ишлатмоқчи бўласизларми? Бас, етар!

— Вой аҳмоқларей!— деди Витька, бамайлихотир.

— Лунжингга бир солайми ҳозир!.. Горькийчилар эмиш... Бировнинг кучидан фойдаланган келдинглармн?

Мен кроватьдан турдим. Агрономлар дарғазаб юзларини бизга тикиб, тумтайиб турар эдилар. Мен улар билан мумкин қадар мулойимроқ хайрлашишга тиришиб:

— Эҳтиёр ўзларингда, болалар. Агроном бўламиз десаларинг — марҳамат... Бизга ҳозир кераклигинглар йўқ, ўзимиз ҳам эплаймиз,— дедим.

Биз эшик томон юрдик. Ахир Витька чидаб туролмади-да, остонага етганда яна қайсарлиги тутиб:

— Ҳарҳолда, аҳмоқ экансизлар!— деди.

Бу баёнот агрономларда шундай норозилик туғдир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дики, Витькага эшикдан туриб орқасига қарамай қочиб қолишга тўғри келди.

Пионерлар хонасида Жорка Волков, куряжлилар орасидан авраб-савраб командирликка ажратилганларни кўрикдан ўтказмоқда эди. Мен илгари ҳам Жоркага бундан ҳечнарса чиқмайди, бундай командирларнинг бизга кераги йўқ, деб айтгандим. Броқ Жорка буни синаб кўриб ишонмоқчи эди.

Ажратилган кандидатлар скамейкада яланг оёқларини худди пашша чаққандек, ҳадеб бир-бирига ишқалаб ўтирар эдилар. Шу пайтда Жорка худди арслонга ўхшарди: ўткир кўзлари чақнаб турарди. Кандидатлар худди янги уйни уйнагани келишгану, аммо уйни қоидаларини билмаган, бундан кўра ўзимизнинг эски уйинларимиз яхши деб ўтирган одамларга ўхшарди. Улар, Жорканинг зўр ҳаяжон блан уқтирган гапларига мулойимгина илжайишга тиришадилар, аммо, бундай натижа Жоркани унча қувонтирмай:

— Хўш, сен нега куласан? Нега куласан дейман? Гапга тушунасанми ўзинг? Шунча текинхўр бўлиб яшашинг етар энди! Совет ҳокимиятининг нималигини биласанми?— деярди.

Кандидатларнинг юзлари синиқлашади ва ишшайиб турган юзлари уялиб кетгандай бўлади.

— Мен сизларга: раз командирмисан, бўйругинг албатта бажарилиши керак, деб тушунтираётибман.

Дўнг пешонали, малла сочли, фамилияси Петрушко деган бола (афтидан ишёқмас ва маҳмадона бўлса керак) яна илжайиб:

— Бажармайман деб туриб олсачи?— деди.

Чақирилганлар орасида Спиридон Ховрах ҳам ўтирипти. Яқиндагина Белухин ва Карабанов блан қилган суҳбати, афтидан, ҳайратда қолдирганга ўхшайди, аммо ҳозир ҳафсаласи пир бўлиб ўтирарди: ундан ўз ўртоқларига бўлган муносабатларини ёмонлаштириш ва кескинлаштиришни талаб этмоқдалар, бу эса унга тўғри келмайди.

Шу кеча, Жорканинг эҳтиросли нутқлари ва куряжлиларнинг кулиб туриб кўрсатган лоқайдликларидан кейин, ахири командирлар советини тузиб чиқдик, колонияда туручи ҳамма аҳолини қайтадан рўйхатга олиб, ҳатто эртанги кунга иш нарядларини ҳам тайёрлаб қўйдик. Шу орада Волохов блан Кудлатий эртага далага қўш чиқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риш тараддудида асбоб-ускуналарни ҳозирлаш билан овора эдилар. Командирлар совети ҳам, асбоб-ускуналар ҳам расво эди, ўлардай чарчаб ва мурдамизга етолмай, уйқуга кетдик. Гарчи Боровой ўз ёрдамчиси билан ишни бошлаб юборган ва қопқора гўнгтепалар атрофида янгги пайрахалар ялтираб ётган бўлса-да, Куряждаги умумий вазифа ҳамон ноаниқ бўлиб кўринарди ва иш бошлаш учун илиб олишга арзийдиган бирорта илгак йўқдай эди.

Эртаси куни эрталаб рабфакчилар барвақт Харьковга қайтиб кетишди. Командирлар совети қарорига кўра, соат олтида болаларни уйғотишга қўнғироқ чалинди. Собор деворига яхши овозли янги қўнғироқ осилган бўлса-да, жаранглаган овоз куряжлиларга ҳечқандай та'сир қилмади. Енгига яп-янги қизил лента тақкан колония навбатчиси Иван Денисович Киргизов бир-иккита ётоққа кириб, та'би хира бўлиб чиқди. Бутун колония уйқуда эди; фақат отхона ёнида бизнинг илғор сводний отрядимиз далага чиқишга отланиб турарди. Йигирма минутдан кейин отряд плуг ва борона қўшилган уч жуфт қўш билан далага чиқиб кетди. Кудратий линейкага ўтириб, уруғлик картошка топиб келгани шаҳарга жўнади. Унинг қаршисидан, шаҳар томондан шалвираган одамлар судралиб келарди. Уларни тўхтатиб, тинтиш ва шу ўтган кеча тафсилотлари ҳақида ҳамма гапни суриштириб билиш учун ихтиёримда ортиқча одам қолмаган эди. Улар ҳечқандай тўсиққа учрамай ётоқхоналарга кириб кетаверди ва шундай қилиб, ухлаб ётганларнинг сони яна кўпайди.

Кеча куни тузилган ва командирлар совети бир оғиздан тасдиқлаган нарядларга кўра, куряжлиларнинг ҳаммаси ётоқхона ва қўрани кўтаришга, парник учун ажратилган майдончаларни тозалашга, монастирь девори атрофида огород қазишга ва деворни қулатишга ташланиши мўлжалланган эди. Руҳим кўтарилган пайтларда яна ғайратим қўзғаб кетарди. Тўрт юзта колонист-а! Архимед мана сизга тўрт юзта колонист, олинг деса, қандай суюниб кетган бўларди! Ер шарини ағдариб юбориш ниятида ҳатто таянч нуқтасини излашдан ҳам воз кечган бўлармиди. Тагини суриштирганда, юз йигирмата горькийчилар олдида икки юз саксонта куряжли ҳам назаримда жуда катта куч ва ғайрат манбаи бўлиб кўринарди.

Аммо бу куч ва ғайрат манбаи кир кўрпаларда ётар ва ҳатто нонуштага чиқишга ҳам эринар эди. Биз энди

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарелкали ва қошиқли бўлиб қолган эдик, бу тарелка ва қошиқлар ошхонага қатор қилиб териб қўйилган эди, аммо Шелапутин бир соатча қўнғироқ чалиб тургандан кейингина ошхонага дастлабки колонистлар бирин-кетин судралиб келабошлашди. Нонушта соат ўнгача чўзилди. Ошхонада мен бирнеча марта нутқ сўзладим, кимнинг қайси отряддалигини, отряд командирининг кимлигини, қайси отряд қайси ишга тайинланганлигини ўн марталаб такрорладим. Колонистлар менинг гапларимни тарелкадан бошларини кўтармасдан тинглар эдилар. Улар ёғли ва мазали шўрва пиширилганининг ва нонга бир бўлакдан маска мой қўшиб берилганининг ҳам қадрига етишмади, шайтонлар. Улар шўрва блан мойни туширишди-да, қолган нонларини чўнтакларига тиқиб, жир бармоқларини ялай ялай, менинг Архимедга ўхшаб умид блан қараб туришларимга ҳам эътибор қилмасдан, ошхонадан чиқиб кетаверишди.

Собор олдидаги супача зиналарига кечагина сотиб олинган янгги белкурак, хаскаш, супургиларни териб ўтирган Миша Овчаренконинг ёнига ҳечким келмади. Мишанинг қўлида кечагина сотиб олинган янгги блокнот. Бу блокнотга Миша, қайси отрядга қанча асбоб берилганини ёзиб туриши керак эди. Ярмарка очиб турган Мишанинг аҳволи жуда кулгили эди, чунки унинг ёнига бирорта одам келмади. Ҳатто ўз ўртоқларидан тузилган ўниччи отряд командири ва мен умид боғлаган Ваня Зайченко ҳам унинг ёнига асбоб сўраб бормади, нонушта вақтида ҳам кўзга кўринмади. Янги командирлардан ошхонада олдимга Ховрах келди-да, ёнимдан ўтиб кетаётган болаларни талтайиб тамоша қиляб турди. Унинг отряди — тўртинчи отряд — монастирь деворини қулатиши керак: унга Миша атайлаб ломлар ҳозирлаб қўйган эди. Аммо топширилган иш ҳатто Ховрахнинг хаёлига ҳам келмасди. Яна ўзининг одати бўйича, талтайиб, монастирь деворига мутлақо алоқаси бўлмаган нарсалардан гапирабошлади:

— Горький номидаги колонияда яхши-яхши қизлар бор дейишади, ростми?

Мен юзимни тескари бурдим-да, эшикка томон кетдим, аммо у ёнимда борар ва юзимга қараб, давом этарди:

— Яна, сизда тарбиячи ойимчалар ҳам бор дейишади... ширмой нондай дейишади... Га-га, келишсин, тоза қизиқ бўлади-да! Бу ерда ҳам яхши-яхши ойимчалар бор эди... аммо, биласизми... Менинг кўзимдан қўрқишар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди! Бир қарадимми, бўлди, юзлари қипқизариб кетарди! Нега бунакая, айтингчи, нега менинг кўзимдан қўрқишади, а?

— Нега отрядинг ишга чиқмади?

— Ким билади, нимага чиқмаганини, менинг ишим нима! Узим ҳам ишга чиқмадим...

— Нега чиқмадинг?

— Хоҳламадим-да, га-га-га!..

Собор тепасидаги крестга кўзларини қисиб қараб туриб:

— Мана бу, ёнимиздаги Подворкида ҳам жуда яхши ойимчалар бор... га-га... хоҳласангиз, таништириб қўйишим мумкин...

Бутун ғазаб ва нафратимни кечадан бери зўр бериб бўғиб, тийиб келар эдим, шунинг учун ичимда аллақандай бир нарса тўлқинланиб, отилиб чиқишга уринардию, аммо тишимни тишимга қўйишдан бошқа илложим йўқ эди ва, ундан ташқари, юрагим ҳам қайнарди. Миямда аллаким смирно деб команда берди, шундан кейин ҳиссиёт ва фикрларим пароканда бўлган қаторларини яна тиклаб тартибга солиб олишга шошилди. Яна ўша «аллаким» шиддатли суратда:

«Ховрахни қўй! Нима сабабдан Ваня Зайченко отряди ишга чиқмагани ва нима учун Ваня нонуштага келмаганини тезда аниқлаш керак!» деб буюрди.

Шу сабабдан ва яна бошқа сабабларга кўра, Ховрахга:

— Йўқол кўзимдан!.. П. қ!— дедим.

Ховрах менинг бу муомиламдан жуда ҳайратланди ва тезда қорасин йўқолди. Мен Зайченконинг ётоғига шошилдим.

Ванька қуруқ матрас устида ётарди, матрас атрофида бутун компанияси ўтирарди. Ваня қўлини бошининг тагига қўйиб ётар, рангсиз ва ориққина қўлчаси кир ёстиқда тоштозадай бўлиб кўринарди.

— Нима бўлди сенга?— деб сўрадим.

Компания индамасдан менга йўл берди, кровать ёнига бордим. Одарюк базўр жилмайди-да, эшитилар-эшитилмас овоз блан:

— Уришди,— деди.

— Ким урди?

Ваня бошини ёстиқдан кўтармасдан, жаранглаган овоз блан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кимдир биров урди-да!— деди.— Ўзингиз ўйлаб кўринг! Кечаси келишди-да, устимга одеял ёлиб... ўласи қилиб уришди! Кўкрагим оғрияпти!

Ваня Зайченконинг жаранглаган овози ориқлаб ва кўкариб кетган чеҳрасига мос келмасди.

Куряж флигельларидан бирининг касалхона деб аталишини билар эдим. Флигельнинг бўш ва ифлос хоналаридан бирида бир фельдшер кампир турарди. Маликовни фельдшерга юбордим. Эшик олдида у Шелапутинга дуч келиб қолди.

— Антон Семёнович, машинада аллакимлар келиб, сизни қидириб юришипти!— деди Шелапутин.

Каттакон ва қопқора фиат олдида Брегель, ўртоқ Зоя ва Клямерлар турар эди. Брегель кежкайиб туриб, жилмайиб:

— Қабул қилиб олдингизми?— деди.

— Қабул қилиб олдим.

— Ишлар қалай?

— Ҳаммаси жойида.

— Жуда жойидами?

— Яшаса бўлади.

Ўртоқ Зоя менга ишонқирамай қараб турарди. Клямер атрофга жовдираб қарар эди: менинг юз сўмлик тарбиячиларимни кўрмоқчи бўлса керак. Ваня Зайченко олдига кетаётган фельдшер кампир ёнимиздан қоқила-суқула чопиб ўтиб кетди. Отхонадан Волоховнинг дарғазаб овози эшитиларди:

— Бу ифлослар одамларни ҳам ишдан чиқаришган, отларни ҳам! Бирон тасининг ишлагуси келмайди, ҳамма отларни эркалатиб юборипти, бу аблаҳлар, булар от эмас, фоҳиша-ку!

Ўртоқ Зоя қизариб кетди, турган ерида бир сакраб тушди-да, каттакон хумкалласини ҳар томонга буриб:

— Мана буни соцвос дейдилар, қойилман!— деди.

Мен хахолаб кулиб:

— Соцвос деб буни айтмайдилар. Бу одам сўз тополмай шундай деяпти,— дедим.

— Нега сўз тополмас экан?— деди Клямер заҳарханда лик блан жилмайиб,— менимча, худди ўзини топиб айтди, шекилли?

— Тўғри, олдин тополмай туриб, кейин топди-да.

Брегель бир нарса демоқчи бўлиб, кўзимга тикилиб қарадию, бироқ индамай қўяқолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Идиллия

Эртаси куни Ковальга телеграмма юбордим:

«Горький колонияси Ковальга колонияни жўнатишни тезлат тарбиячиларинг ҳаммаси Куряжга биринчи поезд блан етиб келсин».

Эртаси куни кечқурун жавоб келди:

«Вагон беришмаяпти, тарбиячилар бугун жўнайди».

Куряжнинг бисотида бўлган биттаю-битта линейка кечаси соат иккида Рижов станциясидан Екатерина Григорьевна, Лидия Петровна, Буцай, Журбин ҳамда Горовицларни олиб келди. Сонсиз-саноқсиз педагогик қал'алардан уларга уйлар танлаб бердик, бир амаллаб кроватьларни тўғриладик, матрасларни шаҳардан сотиб олишга югўри келди.

Уларни ҳамма севинч блан кутиб олди. Шелапутин блан Тоська, ўн бешга кириб қолган бўлишларига қарамасдан, худди қиз болалардай бир-бирлари блан қучоқлашиб, ўпишиб кўришар ва қийқира-қийқира, бир бирларининг бўйинларига осилишиб, оёқларини типирлатишарди. Горькийчилар қувноқ ва ғайратга тўлиб-тошиб келдилар, уларнинг бетидан колониядаги ишларнинг қайси аҳволдалиги билиниб турарди. Екатерина Григорьевна буни бир-икки оғиз сўз блан тасдиқлади:

— У ерда ҳамма нарса тайёр. Ҳамма нарса йиғиштириб бўлинди. Вагон бўлса бас.

— Йигитлар қалай?

— Йигитлар яшикларга ўтириб, қачон кетамиз деб типирчилаб турищипти. Менимча, бизнинг йигитлар жуда бахтли эканлар. Ҳаммамиз ҳам бахтлимиз. Сизчи?

— Мен ҳам бугун вужудим блан бахтлиман, —дедим, ўзимни зўрға тийиб,— аммо, Куряжда мендан бошқа биронта бахтли одам бўлмаса керак...

— Бир нарса бўлдими ўзи?— деб безовта бўлиб сўради Лидочка.

— Айтарли дечнарса бўлгани йўқ,— деди Волохов, бепарволик блан,— фақат кучимиз камлик қилиб қолди. Камлик деб ҳам бўлмайди-ку, аммо далада иш қолиб кетаяпти. Биринчи сводний ҳам биз, иккинчи сводний ҳам ўзимиз, ҳаммаси ўзимиз.

— Бу ердагиларчи?

Болалар кулишиб:

— Ўзингиз кўрасиз...— дейишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пётр Иванович Горович чиройлик лабларини қаттиқ юмиб, болаларга, қоронғи деразаларга ва менга бир-бир қараб чиқиб:

— Болаларни тезроқ олиб келиш керакми?— деди.

— Тезроқ ҳам гапми,— дедим,— колония ёнғинга шошилгандай тез етиб келиши керак. Бўлмаса йиқиламиз.

Пётр Иванович томоғини қириб олиб:

— Яхши бўлмапти... колонияга қайтиб бориш керак, биз Куряжда қийналсак ҳам майли... Вагон жуда қиммат тураркан, ҳеч ҳам скидка беришмаяпти, унинси ҳам майли, галга солгани ёмон. Бир кунга бўлса ҳам бориб келишингиз керак... Коваль темир йўлчилар блан уришиб олди,— деди.

Ҳаммамиз ўйланиб қолдик. Волохов кифтини учирди-да, у ҳам худди кекса чолдай бир йўталиб:

— Майли, зарари йўқ... Тезроқ етиб боринг, бу ерда ўзимиз амаллармиз... барибир, бундан баттар бўлмас. Аммо, бизникилар кўпам ҳаяллamасин,— деди.

Дераза токчасида бамайлихотир кулумсираб ўтирган Иван Денисович соат стрелкаларига қараб:

— Икки соатдан кейин поезд келади. Қандай насиҳат қилиб кетасиз?— деди.

— Насиҳат? Насиҳати борми бу ерда! Зўрлик блан иш кўриш ярамайди, албатта, энди олти киши бўлинглар. Агар икки-уч отрядни биз томонга оғдираолсангиз — шунинг ўзи кифоя. Аммо, якама-якка эмас, бутун отряд блан оғдиришга ҳаракат қилинглар.

— Демак, ташвиқот қилиш керак экан-да?— деб сўради Горович, ма'юс бир ҳолда.

— Ташвиқот қилиш керагу, аммо жудаям ошкор ташвиқот қилиш ярамайди. Қўпроқ колония ҳақида, ҳар хил воқеалардан, қурилишдан гапириб беринглар. Сизларга гап ўргатиб ўтиришимнинг кераги йўқ! Қисқа вақт ичида кўзларини очолмайсизлар, аммо бироз ҳидини чиқариб қўйинглар.

Ачиб, гоелаб кетган миямда минг хил фикр ва образлар сакрар, ўрмалар, ҳатто ҳушдан кетиб йиқилиб қолардим, агар бирортаси аҳ'ён-аҳ'ёнда шўхлик қилиб бақнриб қолгудай бўлса, мастми деб ўйлардим.

Педагогик механика, физика, химия деган нарсалар бор, ҳатто педагогик геометрия, ҳаттоки педагогик метофизика деган нарса ҳам бор. Нима учун мана бу олти нафар жафокашни ярим кечада Куряжга ташлаб кетаётиб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман? Уларга ташвиқот тўғрисида вайсардимму, ичимда: эртага куряжлилар орасида олтита маданий, жиддий ва яхши одам пайдо бўлади деб ўйлардим. Худо урсин, буниинг бир бочка қорамойга тушган бир қошиқ асал каби эканлигини ўзим билардим... аммо, бир бочка қорамойлиги тўғримн экан? Албатта, бу химия ожиз химия эди. Химик реакция ҳам ожиз, ўлимтик ва ҳеч тугамайдиган реакция бўлиб чиқиши аниқ эди. Бу ўринда химия бўлса, бошқача бўлиши: динамит, нитроглицерин бўлиш керакки, умуман кутилмаган ҳолда даҳшатли ва ишонтирарли портлаб, собор деворларини ҳам, «клифтларни» ҳам, болаларнинг қалбларини ҳам, «эўравонларни» ҳам, агрономлик диплюмларини ҳам — барини осмонга чархпалак қилиб учириб кетсин.

Ростини айтганда, ўзимни ҳам, илгор сводний отрядни ҳам бир бочка динамит қилиб отишга тайёр эдим, портлаш кучи бизда етарли эди. Минг тўққиз юз йигирманчи йил эсимга келди. Ў вақтларда портловчи доридан кўпроқ солинарди, у кезларда шунақанги портлашлар бўлардики, мени худди Гоголь Вакуласидай, булутлар орасига учириб олиб кетарди, мен ҳечнарсадан қўрқмасдим ҳам. Эндиликда бўлса миям ҳархил ленталар билан тўлиб ётар ва мен бу ленталар билан баланд мартабали ришкор педагогикани безатишим керак эмиш. «Рухсат этинг, grand'maman, бир марта ҳавога мушт урай».— «Марҳамат,— деб жавоб беради у,— урақолинг, аммо болалар хафа бўлмасин».

Портлашлар қаёқда дейсиз!

— Волохов, аравани қўш, жўнайман.

Бир соатдан кейин вагон деразаси олдида туриб юлдузларни тамоша қилардим. Поезд тўртинчи сорт бўлиб, ўтиргани жой йўқ эди.

Куряжни шармандаларча ташлаб қочиб кетмадиммн, ўзимда мавжуд бўлган динамитнинг кўплигидан қўрқиб кетмадиммн? Ўзимни босиб олишим керак эди. Динамит хавфли нарса, дунёда ўзининг ажойиб горькийчиларим бўлгандан кейин, нима қилиб динамитимни уёқдан-буёққа кўтариб юрибман? Тўрт соатдан кейин дим, ифлос ва ёт вагондан тушаман-да, ажойиб ва олижаноб муҳитда бўламан.

Извошга тушиб, кун қизиғи айни авжга минганда колонияга кириб бордим. Ҳар томондан колонистлар югуришиб келиб, атрофимни ўраб олишди. Булар коло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нистми ё радий нурларими? Ҳатто илгари югуришни қат'иян рад этиб келган Галатенко ҳам темирчилик цехонасидан бошини чиқариб қаради-да, бирдан худди Дарий Гистасп подшоҳнинг жанговар фили сингари, ерни гуриллатиб югуриб келди. Салом-аликлар, севинч ва ҳаяжон блан ошиқиб берилган саволларга, қий-чувларга у ҳам ўз ҳиссасини қўшиб:

— Қалай, Антон Семёнович, иш юришиб кетдими ё юришмаяптими?— деди.

Бундай мардона ва очиқ табассумни, пастки қовоғингни чиройлик бурнштириб турган муюкулни қаердан олдинг, Галатенко? Кўзларингни нима блан бўяднг — брилянт бланми, хитой лаки бланми ё тиниқ булоқ суви бланми? Гарчи оғир тилинг гапга келишмайтурса ҳам, сенда эмоция борлигини билдириб турипти. Биласанми, эмоция борлигини!

— Нега мунча ясаниб олдинглар? Бал бўлмоқчими?— деб сўрадим, болалардан.

— Ого!— деб жавоб берди Лапоть.— Бал ҳам гап эканми! Бугун ишламаймиз, кечқурун охирги спектакль — «Бурга»[1] қўйилади, сўнгра граклар блан хайрлашамиз... Буёғини қўяверинг, у ерда ишлар қалай?

Янги трусик ва атайлаб курякликларни ҳайратда қолдириш учун махсус тиктирилган духоба дўпни кийган колонистлардан байрам ҳиди келиб турарди. Спектакльни ҳозирловчи олтинчи сводний отрядлилар колонияда югуриб юришар эди. Ётоқхоналарда, мактабда, клуб хоналарининг бурчак-бурчакларида маҳкамлаб қоқилган яшиклар, чиптага ўралган тугунлар, қават-қават матрас ва бўхчалар уйилиб ётарди. Ҳамаёқ байрамдагидек супурилган, ювилган, топтоза эди. Менинг квартирамда Шурка Жевелий бошчилигида ўн биринчи отряд ҳукмронлик қиларди. Буви ҳам нарсаларини чемоданларга жойлаштириб бўлган, фақат буклама кроватьни болалар ҳали йиғиштирмай, буви учун ҳурмат ва илтифот блан қўйган эдилар. Шурка бу олижаноблик блан фахрланар эди:

— Бувимизни кроватьсиз қолдириб бўлмайди, бизнинг йўлимиз бошқа. Кўрдингизми? Болалар хирмонда ётиб турипти, пичанда... кроватьдан ҳам яхши. Қизлар — аравада ётишади. Анови Нестеренкони айтмайсизми: кеча хўжайин бўлмасдан туриб, бугун ғирромлик қилади:

[1] В. В. Маяковскийнинг пьесаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

пичанни аяйди. Ўзингиз ўйланг, биз унга бутун бошли колонияни бериб қўйибмизу, у биздан пичанни аяйди. Бувимнинг юкларини яхшилаб ўрабмизми? Сиз нима дейсиз, буви?

Буви болаларга итоат билан кулиб қарайди, аммо унинг болалардан норози бўлган жойи ҳам бор:

— Тугишга-ку яхшилаб тугдинглар-а, аммо колония мудирларинг нимада ётади?

— Есть!— деб чинқиради Шурка.— Энг яхши пичан бизнинг ўн биринчи отрядимизда. Ҳатто Эдуард Николаевич ҳам бизни сўкиб берди: бундай пичанни ерга солиб ётиш нимаси, дейди. Ётганимиздан кейин эрталаб Мардга берган эдик, балодай еди! Боплаб жой қилиб берамиз, ховатир олманг!

Колонистларнинг кўп қисми тарбиячиларнинг квартираларига жойлашиб, ҳомийлик қилиш ва юк боғлаш билан овора эдилар. Лидочканинг уйи Коваль билан Лапотынинг штаби. Хунобгарчиликдан ва чарчаганидан юзи сапсаргайиб кетган Коваль дераза токчасида муштини силкитиб, ҳадеб темирйўлчиларни сўкиб ўтиради:

— Чиновниклар, бюрократлар, Акакийлар![1] Мен уларга: болалар тушади десам, ишонишмайди. Мен сизларга болаларнинг метрикаларини кўрсатишим керакми? Бизнинг болалар метриканинг нималигини билмайди, ахир! дейман. Ҳечнарсага тушунмагандан кейин, нима ҳам деб бўладиг Битта катта киши билан бирга битта бола бепул тушиши мумкин, агар ҳаммаси болалар бўлса... дейди. Мен, ла'натига қанақа болалар, болалар эмас, жинниксан, меҳнат колонияси, нимайкейин, вагонлар товар вагони-ку десам... ҳеч гапга тушунмайди-да! Шиқ-шиқ этиб чўт ташлайди, юк ортиш, простой дейдими-ей, ижара ҳақи дейдими-ей... Аллақандай қонунларни ахтариб топишти: агар от ортилса, уй мебели бўлса — унинг нархи бошқа, экин кампаниясига доир бўлса — унинг нархи бошқа дейди. Мен унга қанақа мебель? Сен нима, бизларни мешчан деб ўйлайсанми, қанақа мобель?.. дедим. Шунақангги безбет бюрократ эканки, асти қўяверинг! Ўтириб олиб, биз ҳечқанақа мешчан-пешчанилигни билмаймиз, биз пассажирларни биламиз, юк жўнатувчиларни биламиз деб пўнғирлайди, аҳмоқ. Мен унга синфий ма-

[1] Гоголь тасвирлаган бюрократ образи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

саладан келсам, у кўзимга бақрайиб туриб: раз тариф мажмуаси борми, синфий масаланинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, дейди.

Лапоть, Ковальнинг темирйўлчилар ҳақида жигибийрони чиқиб айтган гапларини ҳам, менинг Куряж ҳақидаги қайғули ҳикояларимни ҳам эътиборсиз тинглайди, худди ҳеч қандай Куряж ҳам йўқдай, биринчи кундан кейин бу хароба мамлакатда командирлар советига бошчилик қилмайдиган одамдай, гапни нуқул қизиқ-қизиқ маҳаллий темаларга буради. Унинг енгилтаклиги мени хафа қилади, аммо менинг хафалигим ҳам унинг қувноқ гапларидан енгилади. Ҳамма билан бирга мен ҳам қотиб-қотиб куламан, Куряжни ҳам унутиб юбораман. Ҳозир, кундалик ташвиш ва ишлардан бўшаган Лапотькинг ўзига хос таланти гуллаб, камол топган. Лапоть жуда ажойиб коллекционер; унинг ёнидан аҳмоқлар, тентаклар, совдойилар ва эси пастлар сира аримайди, уни яхши кўрадилар, унга ишонадилар ва унга сажда қиладилар. Лапоть уларни хилларга ажратиш, қутиларга жойлаш, эркалатиш ва қўлга олишга жуда уста. Унинг қўлида улар ниҳоятда гўзал бўлиб кетади, ҳархил нозик бўёқлар билан товланади, одамнинг назарида инсонларнинг энг қизиқ нусхаси бўлиб кўринади.

Рангсиз, камгап ва меров Густоиванга қараб самимий равишда:

— Шунақа... у ерда ҳовлининг ўртасида черков бор эмиш. Четдан нима қиламиз дьякон олиб? Сен ўзинг дьякон бўласан,— дейди.

Густоиван оч қизил лабларини қимирлатади. Колонияга келмасидан олдин, кимдир биров унинг ожиз руҳига жуда кўп миқдорда афъюн едирган бўлса керак, ўшандан бери сира тузалмайди. Кечқурунлари ётоқларнинг қоронғи бурчакларида ибодат қилади, колонистларнинг ҳазилини лаззатли азоб деб, индамайди. Ғалдираксоз Козирь у қадар лақма бўлмаганидан:

— Нега бунақа дейсиз, ўртоқ Лапоть, худо сақласин! Олло таоло Густоиванга диний тариқат бермаганидан кейин, қандай дьякон бўлаолади?

Лапоть сепкил тошган юмшоқ бурнини осмонга кўтаради:

— Тариқат бўлмаса — ҳеч зарари йўқ! Устига ридо кийдирсак бўлди-да! Шунақа дьякон бўлсинки!

— Тариқат бўлмаса бўлмайди,— деб мусиқадай но-

www.ziyouz.com kutubxonasi

эик овоз блан уқдиради Козирь.— Эгам, бошига қўлини қўйиш керак.

Лапоть, Козирьнинг олдига келиб чўққайиб ўтиради-да, уйқусизликдан шишиб кетган кўзларини унга пирпиратиб қарайди:

— Ўзинг ўйлаб кўр, бобо, эгам деган сўз «эгалик қилиш» деган сўздан келиб чиқади... Шунақами?

— Эгамнинг ҳукми зўр...

— Сенингча, командирлар советичи? Командирлар совети унинг бошига қўлини қўйса, ундан ҳам яхши бўлади-ку!

— Командирлар совети буни қилолмайди, чироғим, унинг диний тариқати йўқ,— дейди Козирь, суҳбат жонига ором берганидан бошини елкасига эгиб.

Броқ Лапоть қўлларини унинг тиззасига қўяди-да, самимий ва ширин овоз блан дейди:

— Қилаолади, Козирь, қилаолади! Командирлар совети шунақангти оқ фотиҳа бероликки, сен айтган эшанг ип эшалмай қолади!

Кекса ва меҳрибон Козирь Лапотьнинг юракка ором беручи гапларини диққат блан тинглайди ва яна бироздан кейин тан беришга ҳам тайёр. Козирь эгам ва ҳамма авлиёлардан нима фойда кўрди? Ҳечқандай фойда кўрганн йўқ. Командирлар совети эса Козирьни одам қилди: золим хотинидан ҳимоя қилди, топтоза ва ёруғ уй берди, кровать берди, оёгига Гуднинг биринчи отряди тикиб берган бақувват этик кийгизди. Балки Козирнинг ўлганидан кейин жаннатда худодан ўз ҳақини талаб қилиб олишига умиди бордир, аммо бу дун'ёда Козирь учун командирлар советидан азиз нарса йўқ.

Деразадан Галатенконинг хўмрайган юзи мўралаб қарайди-да:

— Лапоть, шу ердамисан?— дейди.

— Ҳа. Нима эди?— дейди Лапоть, ширин суҳбатни тўхтатиб.

Галатенко шошилмасдан, бафуржа дераза токчасига жойлашиб олади-да, қайғи-ҳасрат бутланиб турган бир коса аламини Лапотьнинг олдида кўрсатабошлайди. Галатенконинг катта-катта кўкиш кўзларида дона-дона ёш ялтирайди.

— Сен унга айтиб қўй, Лапоть, айт... йўқса уриб абжағини чиқариб қўяман...

— Кимни?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Таранецни.

Галатенко мени кўриб қолади-да, кўзларини артиб жилмаяди.

— Ўзи нима гап, Галатенко?

— Унинг ҳақи борми? Хўп, тўртинчи отряд командири экан, командир бўлса нима? Унга, Мардга станок ясанглар деса, у Мардга ҳам ясаймиз, Галатенкога ҳам ясаймиз дейди.

— Книга айтади?

— Ҳа, ўзининг дурадгор болаларига-де.

— Хўш?

— Ҳа, у станок Мард вагондан сакраб кетмасин деб ясалади, улар бўлса мени тутиб олиб, ҳамаёғимни ўлчаб юришипти, Таранец бўлса: Мардга чап томонга, Галатенкога ўнг томонга ясаймиз дейди.

— Нимани?

— Станокни-де.

Лапоть хаёлга ботиб, қулоғининг орқасини қашиб қолади, Галатенко Лапотьнинг қандай қарор чиқаришини тоқат блан кутади.

— Наҳотки, вагондан сакраб кетсанг-а? Бундай қилмассан.

Галатенко деразадан осилиб турган оёқларини ликиллатиб, қараб қўяди.

— Нега сакрар эканман? Қаёққа сакрардим? У бўлса: станокни бақувватроқ ишланглар, бўлмаса вагонни тилка-тилка қилиб юборади, дейди.

— Кнм тилка-тилка қиларминш?

— Мен-да...

— Тилка-тилка қилмайсанми, ахир?

— Ҳа нега... қиларканман... ўзинг ўйлаб кўр...

— Таранец сени жуда эўр деб ўйлайди-да. Сен ундан хафа бўлма.

— Зўр деса, унда бошқа гап... Аммо, станокнинг аҳамияти йўқ.

Лапоть деразадан сакраб тушади-да, жиддий суратда дурадгорликка қараб кетади, унинг кетидан Галатенко судралади.

Лапотьнинг коллекциясида Аркадий Ужиков ҳам бор. Лапоть, Аркадийни жуда кам учрайдиган нусха деб юради, унинг тўғрисида гапирганда самимий ҳаяжон блан:

— Аркадийга ўхшаганни умрингда бир марта учратасан. Мендан ўн қадам нарига силжимайди, чунки бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лалардан қўрқади. Бирга обед қилади, ётганда ҳам ёнимда бирга ётади,— дейди.

— Сени яхши кўрадими?

— Яхши кўрганда қандоқ! Аммо, бир куни ёнимда пулим бор эди, Коваль арқонга берган эди, ўғирлаб қўйилти...

Лапоть бирдан хахолаб кулади ва яшикда ўтирган Аркадийдан:

— Айтиб бер, тентак, пулни қаерга яшириб қўйгандинг?— деб сўрайди.

Аркадий пинагини бузмай, лоқайд бир вазиятда, безрайиб туриб жавоб беради:

— Эски шимимга беркитиб қўйгандим.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин ўзинг топиб олдинг.

— Тоғганим йўқ, оғайни, жиноят устида тутиб олдим. Шундақами?

— Ҳа, тутиб олдинг.

Аркадийнинг кирланган кўзлари Лапотьнинг юзига тикилиб қарайди, аммо унинг кўзи одамнинг кўзига ўхшамайди, шишадан ясалган нурсиз кўзга ўхшайди.

— Сизнинг нарсангиздан ҳам ўғирлаш қўлидан келади, Антон Семёнович. Худо урсин, қўлидан келмаса! Ўғирлайоласанми?

Ужиков индамайди.

— Ўғирлайди!— қизишиб кетиб дейди Лапоть. Ужиков ҳамон унинг маънолн ҳаракатларидан кўзини узмай қараб ўтиради.

Ниценко ҳам Лапотьнинг кетидан эргашиб юрадиганлардан. Унинг бўйни узун, бақбақаси туртиб чиққан бўлиб, елкасига қўндирилган кичкина боши худди туянинг кекирайган калласига ўхшарди. Унинг тўғрисида Лапоть бундай дейди:

— Бу аҳмақдан ҳархил нарса ясаш мумкин: арава шотиси ясаса ҳам бўлади, қошиқ ясаса ҳам, жомашов ясаса ҳам, белкурак ясаса ҳам бўлади. Бу бўлса ўзини уркаганман[1] деб юради!

Бу болаларнинг Лапотьга эргашганидан мен хурсандман. Шунинг учун ҳам уларни умум горькийчилар орасидан ажратиш осон. Лапоть ўзининг битмас-туганмас насиҳатлари билан уларни худди дезинфекция қилгандай

---

[1] Каллакесар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўладн, бу эса колонияда мустаҳкам тартиб ва бирдамлик таассуротини янада кучайтиради. Менда бу таассурот ҳозир жуда ёркин ва нима учундир янги таассуротдай ҳам бўлиб туйилади.

Колонистларнинг ҳаммаси мендан Куряжда ишлар қанақа деб сўрашди, аммо шунинг блан бирга, уларнинг одоб юзасидан, одатда кўришганда: «Ҳол-аҳволингиз тузукми?» деб сўраганлари кўриниб турарди. Куряжга бўлган қизиқиш коллективимизнинг йироқ ва пасқам бурчакларида сўниб, йўқ бўлипти. Ҳозир вагон, Мард блан Галатенкога станок ясаш, тарбиячиларнинг колонистлар ихтиёрига ташлаб қўйилган ва буюм-анжомлар блан тўлиб ётган квартиралари, кечалари пичанда ётиб чиқиш, «Бурга», Нестеренконинг бахиллиги, тугунлар, яшиклар, от-арава, янги духоба дўппилар, гончаровкали Маруся, Наталка ва Татьяналарнинг ма'юс чеҳралари,— жудоликка маҳкум этилган янги ишқ-муҳаббат,— колонияда ҳозир мана шу мавзу'лар ҳукм сурарди. Коллектив орасида латифалар, ҳазиллар, кулги янграр, дўстона ҳазилкашлик ҳукм сурар эди. Етилиб пишган бурдойкорликда ҳам худди шунақа: тўлқинланади ва йироқдан худди енгилтаклик ва шўхлик қилаётганга ўхшаб кўринади. Ҳақиқатда эса ҳарбир дона бошоқ яширин куч блан тўлиб-тошган бўлади, майин шамолда тебранади, майда-майда ғубори ҳам ерга тўкилмайди, унинг ҳеч ғам-ташвиши йўқ. Бошоқ ўзининг янчилиши ҳақида ғам чекмагандай, колонистлар ҳам Куряж ҳақида ғам емайдилар. Ғалла янчиш ҳам ўз вақтида келади, Куряжда ишлаш ҳам ўз вақти блан келади.

Колониянинг илиққина йўлкаларидан ялангоёқ колонистлар шошилмай олифталик блан юрадилар, тасма бойлаган белларн секин-секин чайқалади. Кўзлари менга кулиб боқади, лаблари секин-аста қимирлаб, дўстона салом баён этади. Паркда, боғда, ташлаб кетиладиган ва юракни ачиштирадиган скамейкаларда, барра ўтларда, дар'ё лабларида тўда-тўда колонистлар ўтирипти; кўпни кўрган болалар ўтмишдан: оналари, таганкалар, дашт ва ўрмонларда курашган отрядлар ҳақида ҳикоя қилиб берадилар. Уларнинг тепаларидаги дарахтларнинг баргларн қимир этмайди, асаларилар учиб юради, «қор қироличаси» ва оқ акация ҳидлари анқийди.

Табиат қучоғида роҳат қилаётганимни кўриб, ўзим ҳам уялиб кетаман. Миямга қўйчивонларнинг мажозий

www.ziyouz.com kutubxonasi

образлари, зефирлар[1] ва ишқ-муҳаббат фикрлари келабошлайди. Аммо рост сўз шуки, ҳаёт ҳазиллашаолади, ба'зан қаттиқ ҳазиллашиб қўяди. Сиреньгул тагида «Мопсик» деган пакпакана кичик бола сопилка чалиб ўтирипти. Чалиб ўтиргани сопилка эмас, албатта, най, балки флейтадир, Мопсикнинг юзи эса худди кичкина фавннинг[2] юзидай заҳарханда. Чаманзорнинг бир четида қизлар гулчамбарлар тўқиб юришади, бошига бўтакўздан тўқилган гулчамбар кийган Наташа Петренко афсонавий бир гўзалдай кўринадики, юрагим орзиқиб кетади. Қалин маржон дарахт ичидан йўлга Пан чиқади-да, оппоқ мўйловини қимирлатиб жилмаяди, кўкиш кўзларини сузиб:

— Сени қидираверибоёқдан қолдим! Шаҳарга борибкелганмишсан? Хўш, қалай, паразитларни кўндирдингми? Болалар тезроқ кўчиши керак, бефаҳмлар сусткашлик қилаяпти...— дейди.

— Менга қара, Калина Иванович,— дейман,— йигитлар шу ердалигида шаҳарга, ўғлинг ёнига кўчганинг ма'қул. Биз кетгандан кейин ёлғиз ўзинг қийналасан.

Калина Ивановнч қўлларини катта чўнтакларига тиқиб, трубкасини ахтаради:

— Бу ерга мен ҳаммадан олдин келдимми, ҳаммадан кейин кетаман. Мени бу ерга граклар олиб келган, граклар олиб борнб қўяди, паразитлар. Анови Мусяй дегани блан гапиришиб қўйдим. Мени кўчириб қўйиш қийин иш эмас. Оламнинг яратилганига қанча бўлганини китоблардан ўқигандирсан? Олам яратилгандан бери менга ўхшаган қанча кекса аҳмақларни кўчиришган, биттаси ҳам йўқолмагандир. Мени ҳам кўчириб кўйишади, хэ-хэ...

Калина Иванович иккимиз хиёбондан борамиз, Калина Иванович трубкасини пихиллатиб, буталарнинг тепасига, Коломакнинг қимир этмай ялт-ялт этиб турган сувига, гулчамбар тақкан қизларга ва сопилка чалиб ўтирган Мопсикка қараб боради.

— Ба'зи паразитларга ўхшаб ёлғон гапиришни билганимда, Куряжларингни бориб кўриб келаман дердим. Тўғрисини айтиб қўяқолай: бормайман. Биласанми, инсон жуда расво яратилган, жуда нозик ҳайвон, унинг бу нозиклиги меҳнатдан эмас, ўзининг безовталигидан. Иш-

---

[1] Шабада.

[2] Мифологияга кўра, ўрмонда яшайдиган ярим одам, ярим отга ўхшаган кишилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаганини ҳам, ишламаганини ҳам билмайсан, аммо шундоқ афтига қарасанг — назарий жиҳатдан одамга ўхшайдию, амалий жиҳатдан елимдан бошқа нарсага арзимайди. Одамларга ақл киргандан қариялардан елим пиширадиган бўлишади. Жуда яхши елим чиқади-да...

Кечаси ухламаганимдан ва шаҳарга кўп қатнаб чарчаганимдан ўзимни хрустальдай сезаман: бутун олам жаранглаб, ялт-ялт этиб тургандай туйилади. Калина Иванович ҳаётида бўлиб ўтган ҳархил воқеаларни эслайди, мен эса унинг қариб қолганига ачинаман.

— Сен яхши умр кўрдинг, Калина...

— Менимча, бундай,— дейди Калина Иванович тўхтаб ва трубкасининг кулини қоқади,— мен бефаҳм одам эмасман, галингга тушунаман. Мундоқ ўйлаб қарасанг, турмуш жуда ёмон бичилган экан: қорнингни тўлдирасан, ҳожатхонага бориб келасан, ётиб ухлайсан, турганингдан кейин яна қорнингни нон ё гўшт билан тўлдирасан...

— Шошма, иш-чи?

— Кимга керак эди ишлаш? Ўзинг ўйлаб кўр, бало нимада: ишлаши керак одам ишламас эди, паразит, ишламаслиги керак одам эса эшакдай ишлар эди.

Жим қолишдик.

— Большевиклар билан оз яшаганимга ачинаман,— деб давом этади Калина Иванович.— Бу шайтонлар ҳамма нарсани бошқа томонга буриб юборди, қўполликка қўпол, албатта, мен қўпол одамни ёмон кўраман. Аммо улар келиши билан турмуш бошқача бўлиб кетди. Большевик сенга қараб туриб, хэ-хэ... ўз ишингни бажар дейди, қорнинг тўқми, очми, ё бирон ерга бориб келадиган ишинг борми демайди. Тузукми? Демак, ишлаш ҳаммага керак. Менга ўхшаган бефаҳм ҳечнарсага тушунмайди, ишлайверади, ишлайверади, агар хотини ундаб турмаса, овқат ҳам эсига келмайди. Ўзингнинг ҳам бошингдан ўтгани эсингдами? Бир куни олдингга кириб, обед қилдингми, йўқми деб сўрадим. Кечқурун эди. Обед қилдим шекилли... дейсан. Обед қилган-қилмаганинг ҳам эсингда йўқ, хэ-хэ... Мана шунақа бўлгандими?

Қош қорайгунча Калина иккимиз паркни айланиб юрдик. Ғарб томонда табиий маш'ал ўчгандан кейин Костя Шаровский ёнимизга югуриб келди-да, новда билан оёқларини чивиндан қўриб туриб, жиғибийрони чиқиб, деди:

— Грим суртабошлашди, сиз ҳалиям сайр қилиб юрибсиз! Болалар ҳам сизни чақиришаяпти, келишсин

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейишади. Вой, подшоҳни кўрмадинглар! Подшоҳни Лапоть ўйнайди, бурни мана мундоқ!..

Қишлоқ ва хуторлардаги ҳамма ёр-биродарларимиз театрга тўпланган. Луначарский номли коммунанинг бутун составн келган. Нестеренко, ёпиқ парда орқасида тахтда ўтириб, бахилликда, нонкўрликда ва тошбағирликда айбловчи болалардан ўзини ҳимоя қиларди. Подшоҳ қизини ўйновчи Оля Воронова ойна олдида туриб грим сураркан:

— Менинг Нестеренкомни қийнаб ўлдиришмасайди...— деб ташвиш тортарди.

«Бурга» бизда бундан олдин ҳам қўйилган эди, аммо асосий гримчиларимиз — Буцай блан Горовиц Куряжга кетиб қолгани учун бу сафар спектакль анча қийинчилик блан ҳозирланган эди. Шунинг учун ҳам гримлар ҳаддан ортиқ бўрттириб юборилган эди. Бунга ҳечким э'тибор бермас эди, чунки спектакль хайрлашув маросими учун бир баҳона эди. Хайрлашув маросимининг кўп жойлари безакка ҳам муҳтож эмас эди. Пироговка ва гончаровкали қизлар яна тарихдан илгариги даврга қайтарди, чунки уларнинг назарида тарих Коломак бўйларига ажойиб горькийчилар келган кундан бошланар эди. Қизлар тегирмон саройнинг бурчак-бурчакларида, март ойидан бери ёқилмаган печка ёнларида, саҳна орқасидаги пана-пана жойларда, ўтда-бетда турган скамейка, тўнка ва саҳнада ишлатиладиган ҳархил нарсаларда гулдор рўмолларини елкаларига ташлаб, очилиб қолган сариқ сочли бошларини ма'юс эгиб ўтирар эдилар. Ҳечқандай ширин сўз, ҳечқандай музика садолари, ҳечқандай хўрсинишлар қизларнинг юрагини шодлантирмас эди. Нозик ва ма'юс бармоқлар тиззаларига тушиб турган рўмолларининг попугини силарди, бу ҳам таниозликнинг кечикхан ва ортиқча бир кўриниши эди. Қизлар ёнида колонистлар турар ва ўзларини юрак-бағрлари эзилиб кетган одамдай тутардилар. Артистлар пардозхонасидан ба'зан Лапоть бошини чиқариб, ошиқ жасадини кўриб, бурнини қийшайтирар ва ташвишли, мулойим товуш блан:

— Петя, дўстим!... Маруся сенсиз ҳам бирпас ўтирар, сен кириб, ҳозирлигингни кўрақол. Кимни ўйнашингни унутдингми?— деярди.

Петя севиниб кетади ва севинчини билдирмасдан, жўрттага секингина уҳ тортади-да, Марусяни ёлғиз ташлаб, кириб кетади. Яхшиямки, Марусяларнинг юраги бирининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнини бири эгаллаши мумкин деган принципда яратилган. Бир-икки ой ўтгандан кейин Маруся Петянинг эскирган ва занг босган образини юрагидан чиқариб ташлайди-да, қалбини умид керосини билан ювиб, янги детальни, сторожевойли Панас образини жойлаштиради. Панаснинг ўзи ҳам колонистлар билан бирга турипти, у ҳам горькийчилар билан бўлган дўстлик алоқаларининг узилишидан хафа, аммо юрагининг узоқ бир жойида ўзини Марусянинг юрагига мослаб тургани аниқ. Хуллас, олам гулистон, Петя ҳам ўз ролидан, я'ни атаман Платовнинг тачанкасига қўшилган уч отдан бирини ўйнашидан хурсанд.

Кечанинг тантанали — хайрлашув қисми бошланди. Самимий ва илиқ сўзлардан кейин, оқ йўл тилаш ва миннатдорчиликлар изҳор этилгандан кейин парда очилди, ва аҳмоқ, бир тийинга қиммат подшоҳ атрофида қартайган генераллар парвона бўлабошлади, бесўнақай, тентаккамо қоровул уларнинг кетидан ерни супуриб юради. Тегирмон саройининг орқа эшигидан учта жийрон от гижинглаб чиқади. Галатенко, Корито ва Федоренко сўлиқларини тишлаб, оғир каллаларини тебратиб, театр мебельларини тилка-тилка қилиб, саҳнага лиқиллаб чиқади, саҳнамизнинг кўҳна поллари қисирлайбошлайди, кучер Таранец отларнинг жиловини қаттиқ тортади, жўрттага тасқара қилиб ясантирилган жанговар атаман Платов — театримизнинг ўсиб келаётган янги отоқли артисти Олег Огнев Таранецнинг белбоғидан ушлаб тикка туради. Тамошабинлар сўнгги ҳасрат ва алам учқунларини катта бармоқлари билан кўзларидан сидириб ташлаб, ажойиб ва ғаройиб театр уйдирмаси гирдобига шўнғийди. Энг олдинги қаторда Калина Иванович сапсариқ ва буришган бармоғи билан кўзёшларини артиб ўтиради,— у қотиб-қотиб кулади!

Бирдан Куряж эсимга тушиб кетди.

Йўқ, бугун ҳечкимдан нажот сўраб бўлмайди, ҳечким мен билан ҳамдард бўлолмайди. Бирдан ўлардай чарчаб, ҳолдан тойганимни сездим.

Артистларнинг шинамгина пардозхонасида хурсандлик эди. Подшоҳ либоси кийган, бошидаги тожини бирёққа қийшайиб кетган Лапоть, Екатерина Григорьевнанинг кенг креслосида ясланиб ўтириб, Галатенконинг от ролини ажойиб суратда бажарганини мақтаб:

— Сендақа отни театр тугул, умримда ҳам кўрган эмасман,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оля Воронова Лапютьга:

— Тур ўрнингдан, Ванька, Антон Семёнович дам олсин,— деди.

Шу ажойиб креслога ўтирибману, ҳатто спектакльнинг охирини ҳам кўрмай, ухлаб қолибман. Ўн биринчи отряд болаларининг вағир-вағир қилиб бақиришганини уйқу аралаш эшитардим:

— Кўтариб обориб ётқизамиз! Кўтариб обориб ётқизамиз! Келинглар!

Силантий, аксинча, болаларга шивирларди:

— Мен сизларга айтсам, кўпам бақиришманглар. Одам ухлаб ўтиргандан кейин, халал берма, гап тамом... Мана шунақа ишлар...

6. Беш кун

Эртаси куни Калина Иванович, Оля ва Нестеренколар блан ўпишиб хайрлашиб, жўнаб кетдим. Ковальга юкларни ортиш планини бажаришни ва беш кундан кейин бутун колония блан Харьковга жўнашни буюрдим.

Мен эсанкираб қолаёзган эдим. Қалбимнинг табиий мувозанати бузилган, дилим ғаш эди. Рижов станциясидан Куряж монастирига кундуз соат бирга яқин етиб бордим ва дарвозадан энди киришим блан устимга хунук хабарлар ёғилаверди.

Куряжга Брегель, Кламер, Юрьев ва прокурордан иборат бутун бошли тергов комиссияси келган экан, Куряжнинг илгариги мудири ҳам негадир улар атрофида парвона эди. Брегель менга шиддат блан:

— Келмасингиздан муштлашишлар бошланипти,— деди.

— Ким кимни урипти?

— Ким кимни ургани... ва ким кимни гиж-гижлатгани, бахтга қарши, ноma'лум...

Прокурор, кўз ойнак таққан семиз киши, Брегельга хижолат бўлиб қаради-да, секин деди:

— Менимча... бу ерда масала... ойдин... Ҳечким гиж-гижлатмаган ҳам бўлиши мумкин. Бир бирндан аламини олмоқчи бўлган-да... Тагини суриштирганда, калтаклангани унча қаттиқ шикаст еди, деб бўлмайди. Аммо, шундай бўлса ҳам, урган одамни кўрсак ёмон бўлмас дейман? Мана, мудир ҳам етиб келди... Балки ўзингиз тафсилотини биларсиз, бундан бизга хабар берарсиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Прокурор тутган йўлидан Брегель норози эди. Менга ортиқ бирон сўз демасдан, машинасига ўтириб олди. Юрьев хижолат тортиб менга кулиб қаради. Комиссия жўнаб кетди.

Тарбияланучи Дорошкони кечаси, ётоқхоналардан олти жуфт янги ботинка ўғирлаб, дарвоза томон секин юриб қолганда тутиб олиб роса уришишти. Бу тунги ҳодисанинг ҳамма тафсилоти — тутиб олиб уришнинг яхши уюштирилганлигини, Дорошконинг кетидан то ботинкларни ўғирлаб олиб чиққунча пойлаб юрганларини кўрсатар эди. Дорошко энди қўнғироқхона тагига етганда бирдан флигель ёнида ўсиб ётган акация буталари орасидан болалар югуриб чиқишадию, устига одеял ташлаб, ерга ётқизиб урищади. Отхонадан чиқиб келаётган Горьковский қоронғида бирқанча одамларнинг Дорошкони ташлаб, аммо одеялни олиб, ҳар томонга қочиб кетганини кўради. Дарҳол айбдорларни қидиришга тушадилар, аммо айбдор топилмайди: ҳамма ухлаб ётган бўлади. Ҳамаёқни мўматалоқ бўлиб кетган Дорошкони колония касалхонасига ётқизиб, доктор чақиришади, аммо доктор унинг баданидан айтарлик жиддий шикаст топмайди. Аммо, шундай бўлса ҳам, Горович, бу қақда дарҳол Юрьевга хабар қилади.

Брегель бошчилигида етиб келган тергов комиссияси ишни жадал бошлаб юборади. Бизнинг илғор сводний отрядимизни даладан чақиртириб келиб, ҳарбир болани алоҳида-алоҳида сўроқ қилишади. Айниқса Клямер, Дорошкони горькийчилар урган деб исботлашга тиришади. Тарбиячилардан бирортасидан ҳам гап сўрамаганлар, ҳатто улар билан гаплашмасликни а'ло билиб, фақат ё унисини, ё бунисини чақириб бериш дейиш билан чекланганлар. Куряжлилардан фақат Ховрах билан Перецни алоҳида хонага чақириб сўроқ қилганлар, шунда ҳам улар дераза тагига келиб:

— Гапни биздан сўранглар! Нега улардан сўрайсизлар? Улар бизни ўлдиришдан ҳам тоймайди, арзимизни кимга айтамиз?— деб бақиргаплари учун чақириб сўрашган.

Касалхонада ўн олти ёшларга кирган Дорошко деган нимжон бола менга диққат билан тикилиб ётиб:

— Мен сизга анчадан бери айтаман деб юрардим...— деди шивирлаб.

— Ким урди сени?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега келишди улар?.. Мени ким урганлиги билан кимнинг иши бор? Мен, сизнинг болаларингиз урганн йўқ десам, улар сизнинг болаларингиз урган дейди. Сизнинг болаларингиз келиб қолмаганда, мени уриб ўлдиришарди. Аюви... командир ўтиб қолган эди, болалар қочиб кетди...

— Ким эди ўзи?

— Айтмайман... Мен уни ўзим учун ўғирлаганим йўқ эди. Менга бир бола... эрталаб буюрган эди...

— Ховрахми?

Дорошко жим.

— Ховрахми?

Дорошко юзини ёстиққа ўгириб, йиғлаб юборди. Пиқлиқ йиғлади.

— У... билса... мен... охирги марта... деб ўйловдим...— деган гапларини зўрға англадим.

Йигити босилгунча индамай ўтирдим-да, кейин:

— Демак, ким урганини билмайман дегин?—деб сўрадим.

Дорошко бирдан ўрнидан туриб ўтирди, бошини икки қўли билан ушлади-да, чуқур ҳасрат ичида икки ёнга чайқалабошлади. Сўнгра, бошини ушлаганича, кўзлари жиққа ёшга тўлган ҳолда менга жилмайиб:

— Йўға, бунақа деб бўладими? Мени урганлар горьковчилар эмас. Улар урганда бунақа урмас эди...

— Қанақа урарди?

— Қанақа уришини билмайману, аммо одеял ёпмасдан уришарди... Улар одеял ташлаб уришмайди...

— Нега йиғлаяпсан? Оғрияптими?

— Йўқ, оғриётгани йўқ-ку, аммо... мен охирги марта деб ўйловдим... Сиз билмассиз деб ўйловдим...

— Майли, хафа бўлма,— дедим.— Тузалгунингча ётавер, бу гапларни унутиб юборамиз...

— Хўп... Жон Антон Семёнович, унутиб юборинг...

Ахир бола тинчиди.

Шундан кейин ўзимча тергов бошладим. Горович билан Киргизов қўлларини кериб ҳайрон бўлишар ва жаҳллари чиқар эди. Иван Денисович ҳатто қошларини чимириб, қовоқларини солишга тиришарди ҳам, аммо унинг юзида хушфеълик шу қадар намоён эдики, унинг афт буришти-ришларини кўриб, беҳосдан кулиб юбордим ва:

— Ҳа, Иван Денисович, мунча қовоғингизни солмасангиз?— дедим.

— Нега солмай? Булар бир-бирини бўғизлаб кетар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кан, менинг ишим нима! Дорошкони уришган бўлса, нима қипти, қасдларини олгандирлар...

— Қасдларини олганларига шубҳам бор...

— Нима учун?

— Қасд олишдан бошқароқ бўлса керак. Аммо, горькийчилар урмаганига аминмисиз?

— Ийя, нима деяпсиз?— деди Иван Денисович, тааж-жубланиб.— Бизнинг болаларимиз бунақа ишни қилиб жинни бўптими?

Волохов менга дарғазаб бўлиб, ўқрайиб қаради ва деди:

— Ким? Бизникиларми? Шундай қумирсқани урадими? Бизнинг болалардан қайси бири қилади бу ишни? Ховрах ё Чурило, ё бўлмаса Коротков десангиз — бошқа гап. Рухсат беринг, мен ўзимоқ ҳозир... Ботинка ўғирлаганини айтасизми? Уларнинг ўғирламаган кечаси йўқ. Ўғирланмаган ботинканинг ўзи ҳам қолмагандир! Барибир, колония етиб келгунча бу ерда ҳечнарса қолмайди. Майли, ўғирласа ўғирлайверсин. Бизнинг парвойимизга ҳам келмайди. Аммо, ишлагуси келмайди, мана шуниси ёмон...

Екатерина Григорьевна блан Лидочкани ўзларининг бўм-бўш уйларидан топдим, улар иккови саросимада эди. Улар айниқса тергов комиссиясининг келишидан қўрқиб кетган экан. Лидочка деразадан ахлат босиб ётган ҳовлига қараб ўтирар эди. Екатерина Григорьевна менга тикилиб қараб:

— Энди хурсандмисиз?— деди.

— Нимадан?

— Ҳамма нарсадан: мана бу монастирьдан, болалардан, бошлиқлардан?

Мен хурсандманми деб бир он ўйлаб қолдим. Ҳа, хурсанд бўлмасликка қандай асосим ҳам бор? Бу нарсаларнинг ҳаммаси тахминан ўзим ўйлаганимдай бўлиб чиқди.

— Ҳа,— дедим,— умуман, эорланишга асос йўқ.

— Мен эорланаман,— деди Екатерина Григорьевна, кулмасдан ва ма'юс ҳолда — ҳа, эорланаман. Мен бир нарсага, нега бунчалик яккаю-ёлғизлигимизга сира тушунолмайман. Бу ерда катта бахтсизлик, шунақангги даҳшат ҳукм сурсаю, аллақандай... боярлар келиб, кекканиб, бизни менсимаса... Елғизлигимизча қолаверсак—йиқилишимиз муқаррар. Мен истамайман буни... Чидаб туролмайман ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лидочка кичкина муштуми блан дераза токчасини уриб, Екатерина Григорьевнага таскин берабошлади, ўзининг ҳам ҳўнграб йиғлаб юборгуси келарди:

— Мен кичкина бир одамман... Мен ишлашни хоҳлайман, шундай ишлагим келадики, ҳатто... қўлимдан қаҳрамонлик келса ҳам ажаб эмас... Аммо мен... мен ҳам одамман-ку, қумурсқа эмасман-ку!

У юзини яна деразага ўгириб ўтирди, мен эшикни маҳкам зичлаб ёпдим-да, омонат турган шалоқ эшик олдига чиқдим. Эшик олдида Ваня Зайченко блан Костя Ветковский турарди. Костя кулди:

— Хўш, кейин нима бўлди? Ҳаммасини еб тамомлашдими, а?

Ваня худди шаҳзода сингари тантанали суратда қўлини чўзиб, горизонтни кўрсатди-да, деди:

— Еб битиришди. Гулханлар ёқиб, қўрга кўмиб, еб битиришди! Тамом! Кўрдингми? Кейин ётиб ухлашди. Менинг отрядим улар блан ёнма-ён ишларди, тарвуз экмоқда эдик. Биз қота-қота кулдик, уларнинг командири Петрушко ҳам кулади... Роса картошкани қўрга кўмиб едик-да, дейди!

— Ҳамма картошкания? Қирқ пудча келарди-ку?

— Ейишди! Қўрга кўмиб еб тамомлашди! Ортиб қолганини ўрмонга яширишди, далага чочиб ташлашди. Кейин ётиб ухлашди. Обедга ҳам келишмади. Петрушко: обедга бориб нима қиламиз, бугун картошка экдик, дейди. Одарюк унга қараб туриб: чўчқа экансан деган эди, иккови уришиб кетди. Сизларнинг Мишангиз бошда ўша ерда эди, картошка экишни ўргатар эди, кейин уни комиссияга чақириб кетишди.

Ваня бугун эгнига узун ва йиртиқ шим эмас, чўнтакли трусик кийиб олган,— бундай трусиклар фақат Горький колониясида тикилар эди. Шелапутин ёки Тоська унга ўз трусигини берган бўлса керак. Қўлларини силкитиб ва чиройлик оёқлари блан ер тепиниб, Ветковскийга сўзларкан, Ваня менга кўзларини қисиб қараб-қараб қўярди ва унинг кўзларида болаларга хос жилва кўриниб турарди.

— Тузалиб кетдингми, Иван?— деб сўрадим.

— Бўлмасачи!— деди Ваня, кўкрагини силаб.— Отдайман. Менинг отрядим бугун биринчи «К» сводний отрядида ишлади. Ҳа-ҳа, «биринчи жа»—деган кавун[1] де-

[1] *Кавун* — украинча тарвуз дегани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гани бўлади! Денис блан ишладик, кейин уни чақириб кетишди, кейин Денискиз ишладик. Мана, кўрарсиз, шунақангги тарвузлар униб чиқадики! Горькийчилар қачон келишади? Беш кундан кейин? Эҳ, горькийчилар қанақайкин, бир кўрсак эди! Рост, тезроқ келақолишсайди.

— Ваня, сенингча, Дорошкони ким урдийкин, билмайсанми?

Ваня бирдан сипоҳлашиб кетган юзини менга ўгирди-да, кўз ойнагимга тикилиб қаради. Сўнгра иккала юзини дўппайтирди, кейин осилтирди, яна дўппайтирди-да, бармоғини қулоғи олдига келтириб, айлантирди ва бошини чайқайбошлади ва кулиб туриб:

— Билмайман,— деди-да, жуда жиддий ва шошиб турган одамдай, бирёққа қараб кетди.

— Ваня, шошма! Ким урганини сен биласан, менга айтишинг керак.

Ваня собор девори тагига бориб тўхтади, узоқдан менга қаради-да, бирдан уялиб кетди, аммо дарров ўзини ўнглаб олиб, катта кишидай салмоқланиб, ҳарбир сўзни дона-дона қилиб деди:

— Мен сизга ростини айтай: у ерда мен ҳам бор эдим, аммо яна кимлар бўлганини айтмайман! Ўгирламасин-де!

Ваня ҳам, мен ҳам ўйлаб қолдик. Костя ундан олдинроқ кетиб қолган эди. Ўйлаб, ўйлаб турганимиздан кейин Ваняга:

— Бор, қамоққа кириб ўтир,— дедим.— Пионерлар хонасига. Бориб Волоховга, ётишга қадар қамалдим деб айт.

Ваня ялт этиб менга қаради, кейин индамай бошини силкитди-да, югурганича пионерлар хонасига кетди.

Шу кейинги беш кун бутун ҳаётим фонида кўзимга худди қаторасига чизилган қопқора тире (—)ларга ўхшаб кўринади. Тиредан бошқа ҳечнарса йўққа ўхшайди. Ўша вақтдаги фаолиятимнинг ба'зи тафсилотларини ҳозир ғира-шира эслайман. Аслини суриштирганда, уни фаолият ҳам деб бўлмайди, балки ички руҳий ҳаракатмиди, ё балки итоатга келтирилган, бир бош қилиб маҳкам боғланган кучларнинг сокин туришимиди... У пайтда мен жонимни жабборга бериб ишлаётибман, анализ блан машғулман, аллақандай масалаларни ечмоқдаман деб ўйлардим. Аслда эса мен фақат горькийчиларнинг келишини кутиб турган эдим.

Йўға, биз бекор ўтирдик деб ҳам бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эсимда: биз ҳар куни эрталаб роса соат бешда уйқудан турардик. Куряжлилардан биронтасининг биздан ибрат олишни истамаслигини кўриб, жаҳлимиз чиқарди ва бунга чидардик ҳам. У кезларда илғор сводний отряднинг бирпас ётиб ухлашга ҳам қўли тегмас эди: сра кечиктириб бўлмайдиган ишлар бошдан ошиб ётарди. Мендан бир кун кейин Шере келди. Икки соатгача далаларни, қўраларни, молхоналарни ва майдончаларни худди аразлаган одамдай айланиб юрди, юрганда ҳам нидамасдан, ўсимликлар оламига мансуб ҳархил ўтларни тишида тишлаб, суворовча қадамлар блан юрар эди. Офтобда қорайган, ориқлаб кетган ва ҳамаёқлари чанг горькийчилар кечқурун, бирталай чўчқа подамиз учун майдонча тозалашга киришдилар.

Парник ва оранжереялар учун чуқур қазишга киришдик. Шу кунларда Волохов командирлик ва ташкилотчиликнинг юксак намуналарини кўрсатди. Ҳатто шунгача бордики, икки қўшни бир кишининг қўлига топшириб, қолган болаларни бошқа ишларга юборди. Пётр Иванович ҳар куни эрталаб бир метр келадиган сават шапкани кийиб, қўлида ажойиб белкурак кўтариб чиқарди-да, белни баланд кўтариб силкитиб, тамоша қилиб турган бир тўда куряжлиларга:

— Қани, баҳодирлар, юринглар ер чопишга!— деярди.

«Баҳодирлар» тескари бурилиб, ҳарким ўз йўлига кетарди. Йўлда кетатуриб, трусик кийган ва афти-башараси эулукдай қопқора Буцайга учрар ва Буцайнинг ниҳоятда йўғон овоз блан:

— Ла'нати текинхўрлар, қачонгача сенларнинг ишингни мен қилиб юраман?— деган таклифини уялинқираб тинглар эдилар.

Кечқурунлари рабфакчиларимиздан бир-иккитаси келиб қолар ва келиши блан қўлига белкурак оларди, аммо уларни дарров Харьковга қайтариб юборар эдим, чунки кўкламги имтиҳон пайти эди, бу пайтда тайёрланиш керак эди. Рабфакчиларимизнинг энг олдинги группаси бу йил рабфакни битириб, олий ўқув юртига ўтиши керак эди.

Эсимда: шу беш кун мобайнида жуда кўп ишлар қилинди ва жуда кўп ишни бошлаб юбордик. Кенг, шамол ғириллаб турмайдиган махсус бинони бирпасда қуриб битирган Боровой теварагига энди бир бригада дурадгор уюшганди: ертўлалар, мактаб, квартиралар, парниклар, оранжереяларни қуриш ва тиклаш керак эди... Электро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

станцияда учта монтёр ишларди, ростини текширишда ҳам уч киши ишларди: ҳовлиқилиларнинг айтишича, монахлар даврида Куряжда водопровод бўлган экан. Дарҳақиқат, қўнғироқхонанинг энг юқори супасидан каттакон бак топилди, қўнғироқхона тагини қазийбошлаган эдик, қувурлар ҳам топилди.

Икки кундан кейин Куряжнинг бутун қўрасини тахталар, пайрахалар, ходалар босиб кетди, ҳамма ери кавлаб ташланди: том ма'носи билан тиклаш даври бошланган эди.

Куряжлиларнинг санитария аҳволини яхшилаш соҳасида кўп иш қилаолмадик, аммо, ростини айтганда, ўзимиз ҳам ҳамдан-кам ювинар эдик. Эрта билан азонда Шелапутин билан Соловьев челак кўтариб, жар тагидаги «му'жизали» булоққа сувга боришар эди, аммо тикка кесиб тушган жарликдан баландга тирмашиб чиққунча табаррук сув тўкилиб тамом бўлар, унгача биз чидаб туролмасдан, ишга тарқалишиб кетар эдик, болалар далага жўнаб қоларди, бир пақир сув пионерлар хонасида исиб ётар эди. Санитарияга ёндош бошқа соҳаларда ҳам иш шунақанги чатоқ эди. Ваня Зайченконинг биз томонга дадил ўтган ўнинчи отряди ҳечкимдан сўрамасдан ва суриштирмасдан бизнинг хонамизга ёндош уйга кўчиб ўтди-да, ўз ётоқларидан олиб келган кўрпаларини ерга солиб, ётадиган бўлди. Отряд яхши ва тупа-тузук болалардан иборат бўлишига қарамасдан, бизнинг уйимизга бирталай бит келди.

Жаҳон аҳамиятига эга бўлган педагогика масалалари нуқтаи назаридан қараганда бунинг айтарли зарари йўқ эди, аммо Лидочка билан Екатерина Григорьевна биздан уларникига камроқ кириб-чиқиб туришни, кирганимизда ҳам мебельдан узоқроқ туришни, стол, кровать ва шу каби нозик нарсаларга яқинлашмаслигимизни илтимос қилишарди. Уларнинг ўзлари қандай сақланарди ва нима учун бизни эҳтиёт қилишарди, буни аниқ айтолмайман, аммо ўзлари эртадан кечгача тарбияланучиларнинг ётоқхоналаридан чиқмас ва комсомол ташкилотимиз томонидан тузилган махсус топшириққа кўра, Куряж ётоқларини текшириб юрар эдилар.

Мен, колониядаги ҳамма бинoларни қайтадан тақсимлаб чиқишни мўлжаллаб юрардим. Собиқ монастирь меҳмонхонасининг куряжлилар мактаб деб атаган узундан-узун уйларини ётоқхона қилмоқчи эдим. Менинг тах-

www.ziyouz.com kutubxonasi

минимча, фақат шу бинонинг ўзига тўрт юзтача болани сиғдириш мумкин эди. Мактаб мебелининг қолдиқларини бинодан чиқариб ташлаб, унда шувоқчилар, дурадгорлар, бўёқчилар ва ойначиларни ишлатиш қийин эмас эди. «Биринчи коллектив» жойлашган ва эшик-дераза-ларидан асар қолмаган бинони мактаб қилмоқчи бўлдим, аммо куряжлиларни у ердан кўчирмагунча, ремонт қилиб бўлмасди.

Шундай, фаолиятимизнинг миқ'ёси жуда кенг эди, аммо бу педагогика фаолияти эмас эди. Колониянинг одам қўли тегмаган бирон жойи қолмади. Ҳамма ер тузатилар, шувалар, бўялар ва ювиб тозаланар эди. Ҳатто ошхонани ҳам ҳовлига чиқариб ташлаб, эркак ва аёл авлиёларнинг башараларини тамомила бўяб, йўқ қилиб ташлашга киришдик. Елғиз ётоқхоналаргина шундайлигича қолди.

Ётоқхоналарда эса куряжлилар ҳамон ивирсиб юрар, ухлар, овқат ҳазм қилар, битларга ем бўлар, бир-бирларининг нарсаларини ўғирлар ва менинг тўғримда, менинг фаолиятим тўғрисида алланималарни ўйлаб юрардилар. Ётоқхоналарга кирмай қўйдим, умуман куряжлиларнинг олтита «коллективи»нинг ички ҳаёти блан қизиқмай қўйдим. Куряжлилар блан бир хилда қат'ий муомила қилиш йўлини тутдим. Соат етти, ўн икки ва кеч соат олтида ошхонанинг эшиги очилади, болаларимдан биронтаси қўнғироқ чалади, шундан кейин куряжлилар овқат егани судралиб келишабошлайди. Аммо куряжлилар жудаям секин судралиб келишади деб бўлмас эди, чунки ошхона муайян вақтда ёпилишдан ташқари, кеч келганларнинг овқатини олдин келганлар ўзлариники блан бирга қўшиб еб кетар эди. Кечикиб келганлар мени, ошхона ходимларини ва совет ҳокимиятини сўкар, аммо бундан нарига ўтишга жур'ат этолмас эдилар, чунки овқатланиш пунктимизнинг коменданти ҳамон ўша Миша Овчаренко эди.

Куряжлиларнинг ошхонага энди эўр қийинчиликлар блан келишларини ва овқатни еб бўлгандан кейин ўз ишлари блан тарқалиб кетишларини кўриб, тамоша қилиб турардим: уларнинг йўлларини ходалар, ариқлар, кўндаланг ётган арралар, санчиб қўйилган болталар қорилган лойлар, тўкиб қўйилган оҳаклар ва... ўзларининг кўйлаклари тўсиб турарди. Уларнинг кўнгилларида фожиа бўлганда ҳам ҳазилакам фожиа эмас, ҳақиқий Шекспир фожиалари бошланган эди. Шу кезларда кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

куряжлиларнинг ичларида «Е ўлиш, ё қолиш!— масала шунда...»ни[1] декламация қилганликларига қат'ий аминман.

Улар тўда-тўда бўлиб, яшлаётганларнинг олдига келиб туришар, ўртоқларига қўрқа-писа қараб-қараб қўяр ва худди айб қилиб қўйган одамдай, секин-аста хаёлчанлик блан ётоқхона томонга қараб кетар эдилар. Броқ ётоқхоналарда қизиқтирадиган ортиқ ҳечнарса қолмаган, ҳатто ўғирлашга арзийдиган бирон мато' ҳам йўқ эди. Улар яна ташқарига чиқиб, яшлаб турганларнинг атрофида сандирақлаб юрар, ўртоқларидан уялганларидан оқ байроқ кўтаришга ва ёхуд бўлмаганда бирон нарсани олиб келиш учун рухсат сўрашга жур'ат этаолмас эдилар. Уларнинг ёнларидан горькийчилар ўқдай учар, тўсиқ келганда лип этиб устидан сакраб ўтиб кетар эдилар. Уларнинг сергайратлиги куряжлиларни эсанкиратиб қўяр эди, буни кўриб улар яна Гамлет ё Кориоланга ўхшаб туриб қолар эдилар. Куряжлиларнинг аҳволи Гамлетникидан фожиалироқ бўлса керакки, Гамлетга ҳечкимса хурсандлик блан:

— Ҳой, оёқ остида ўралишмасангчи, обедга ҳали икки соат бор!— деб бақирмас эди.

Горькийчилар деган сўз тилга олинганда куряжлиларнинг юраги ўйнаб кетганини кўриб ҳам, гарчи айб бўлсада, эвқланиб кетардим. Илгор сводний отряд а'золари, албатта, улар педагогика олий ўқув юртини битирганларида:

— Шошмай тур, бизникилар келсин, бировнинг ҳисобига яшаш қандай бўлишини кўрсатиб қўйишади...— демасдилар.

Куряжлилардан каттароғи ва сурбетроғи келажак воқиаларнинг бунчалик катта аҳамиятга эга эканлигига ишонмас ва заҳарханда блан:

— Хўш, келишса нима бўлади? Нимасидан қўрқамиз?— деярди.

Буидай саволга Денис Кудлатий:

— Нима бўлади дейсанми? Ого! Нима бўларди, думингни шундай тугишадики... уйланганингда ҳам эсингда туради,— деярди.

Ҳамма нарсада очиқ-ойдинликни яхши кўручи Миша Овчаренко гапни ундан ҳам очиқроқ қилиб:

---

[1] «Гамлет»дан

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нечта текинхўр бўлса,— икки юз саксонтами, ундан кўпроқми, озроқми, фарқи йўқ,— ҳаммангнинг башаранг мўъматалоқ бўлади. Шунақанги бўладики, қарагани одам қўрқади!— дейди.

Бу гапларни Ховрах ҳам тинглайди ва тишини очмасдан туриб:

— Уриб бўпти... Бу ер Горький колонияси эмас. Бу ер Харьков!— дейди.

Миша, ўртага ташланган масалани шу қадар аҳамиятли деб ҳисоблайдики, ҳатто қилиб турган ишини ҳам бир четга қўйиб, майин товуш блан гап бошлайди:

— Яхши одам! Менга ҳадеб Горький колонияси эмас, Харьков, фалон-писмадон деяверма... ўзинг ўйлаб кўр, ошна, бировнинг ҳисобига яшашга сенга ким йўл қўяди? Кимга керахлигинг бор, ўзинг ўйлаб кўр, ким сени бошига уради?

Миша яна ишга қайтади, қўлига асбобни олади-да:

— Фамилиянг нима?— дейди.

Ховрах ҳайрон бўлиб, сесканиб тушади ва:

— Нима?— дейди.

— Фамилиянг нима деб сўраяпман? Сусликовми? Е бошқачами? Балки Ежиковдир?

Ховрах уялганидан ва алам қилганидан қипқизариб кетиб:

— Ҳа, Ховрах...— дейди.

— Ҳа, Ховрах деган... Ҳа, а, айтмоқчи... Эсимдан ҳам чиқиб кетипти. Мен ҳам оёғим тагида ўралишиб юрган маллабашара ким экан, бир тийинлик фойдаси йўқ, дебман... Агар сен ҳам ишлаганингда бошқа гап эди, ба'зан: «Ховрах, ановини келтир! Ховрах, ишинг битаёздими? Ховрах, мана буни ушлаб тур, ошна» деб туради киши. Бунақада албатта унутиш осон-да... Ҳа майли, бор, ошна, ўйинингдан қолма, кўриб турибсан-ку, мен бекор турганим йўқ, мана бунинг тирқишларини беркитишим керак, бўлмаса шўрвага ҳам, чойга ҳам сувни битта бочкада ташишади. Бу ҳам сенинг қорнингни тўйғазиш ғами. Агар сени боқмаса, ўлиб қоласан, сасиб кетасан, одам туриб бўлмайди, иннайкейин, товут ҳам ясатиш керак бўлади, бу ҳам ортиқча ташвиш, оғайни...

Ахир Ховрах Мишанинг қўлидан қутулиб кетади. Унинг орқасидан Миша меҳрибонлик блан:

— Бор, тоза ҳавода бир шамоллаб кел... Фойдаси катта, фойдаси...— деб қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоза ҳавода шамоллаб келишнинг фойдаси борлигига Ховрах ишонадими, унинг билан бирга Куряж аристократияси ҳам ишонадими, ким билади? Ҳарҳолда, кейинги кунларда улар кўзга камроқ кўринишга тиришади, аммо мен, шундай бўлса ҳам, оқсуякларнинг Куряждаги авлодлари билан танишиб олишга улгурдим. Ҳарҳолда, улар ёмон болалар эмас, уларнинг ҳарбири ўзига хос хислатларга эга, бу нарса менга ҳамиша ёқади: бирон ерндан ушлаб олишнинг имконияти бор-да! Ҳаммадан ҳам менга Перец дегани ёқади. Тўғри, у жўрттага лапашглаб, сочини қошигача осилтириб, кепкасини бир кўзига бостириб юради, цигаркани пастки лабига ёпиштириб чапанича чекишни ҳам билади, жуда алламбало қилиб, қотириб туриб тупуришга ҳам уста. Аммо, чўтир юзини мен томонга буриб, қизиқсиниб қарайди, бу қизиқиш — ақлли ва ўткир йигитга хос экани равшан.

Яқинда, бир куни кечқурун, чўчқа болалари учун қурилаётган янги солярий[1] ёнидаги қабр тошлари устида ўз жўралари билан тамаки чекишиб, алланималарни гаплашиб ўтирганда ёнига бордим. Уларнинг рўпарасига келиб турдим-да, улардан ёндириб олай деб, махорка ўрайбошладим. Перец менга хушчақчақлик ва хайрихоҳлик билан кулиб қаради-да, овозини баланд қилиб:

— Жонингизни жабборга бериб ишлайсиз-ку, ўртоқ мудир, чекканингиз махорка. Наҳотки совет ҳокимияти сизга папирос етказиб беролмайди?— деди.

Перецнинг ёнига бордим-да, қўлига энгашиб, махоркамни тутатдим. Сўнгра мен ҳам хушчақчақ ҳолда овозимни баланд қилиб ва унга зиғирдак буйруқ оҳангги қўшиб туриб:

— Қани, шапкангни ол-чи!— дедим.

Перецнинг кўзларидан жилмайиш кетиб, ажабланиш пайдо бўлди, аммо огзи ҳамон жилмаярди.

— Нима эди?

— Шапкангни ол деяпман, гапга тушунасанми ўзинг?

— Ҳа, мана, олдим...

Мен қўлим билан унинг сочларини кўтардим-да, бироз чўчиган юзига диққат билан тикилиб қарадим ва:

— Бўпти... Жуда яхши,— дедим.

Перец пастдан юзимга тикилиб қараб турарди, аммо

---

[1] Қуёш ваннаси қабул қиладиган майдонча.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мен махоркамни сўриб-сўриб тутатдим-да, қайрилиб, дурадгорлар ёнига қараб кетдим.

Шу онда мен ўзимнинг бутун вужудимда, ҳарбир ҳаракатимда, ҳатто камаримнинг ғира-шира ялтираб туришида ҳам педагоглик бурчимни сезардим: мен албатта мана шу болаларга ёқишим керак, уларнинг юраги кучли ва енгилмас хайрихоҳлик блан тўлиб тошиши керак ва шу блан бирга, уларнинг хайрихоҳлигини мен менсимаслигимни билишлари керак, мендан хафа бўлсалар ҳам, онамни ва отамни сўксалар ҳам, тишларини ғижирлатсалар ҳам майли.

Дурадгорлар ишни тугатмоқда эдилар, Боровой менга яхши пиширилган мойнинг ёмон пиширилган мойдан афзаллигини зўр бериб исбот этабошлади. Бу янги масала блан шу қадар қизиқиб кетибманки, ҳатто бировнинг орқамдан келиб, енгимдан ушлаб тортганини ҳам сезмабман. Енгимдан яна бир марта тортишди. Қайрилиб қарадим: Перец менга қараб турарди.

— Ҳа?

— Менга қаранг, нега менга бунақа қилиб қарадингиз? А?

— Ҳа, ўзим шундай қарадим қўйдим-да... Менга қара, Боровой, ҳарҳолда ҳақиқий мойдан топиш керак...

Боровой ўзининг яхши мой тўғрисидаги монографиясини завқ блан давом эттирабошлади. Перецнинг Боровойга қачон ғапини тугатаркин деб ўқрайишини кўриб турардим. Ахир Боровой яшигини тарақлатиб кўтарди-да, қўнғироқхона томонга қараб юрдик. Перец, юқори лабини буриб, кетимиздан қолмасди. Боровой пастга, қишлоққа қараб кетди, мен икки қўлимни орқамга қилдим-да, Перецга қарадим:

— Хўш, нима дейсан?

— Нега менга ундай қарадингиз? Айтингчи?

— Фамилияинг Перецмиди?

— Ҳа.

— Отинг Степан, а?

— Қаердан биласиз?

— Свердловсклимисан?

— Ҳа... Ҳа, қаердан билдингиз?

— Менинг билмаган нарсам бўлмайди. Сенинг ўғирлик қилишингни ҳам биламан, безорилик қилишингни ҳам биламан, фақат сен ақллимисан ё аҳмақмисан, шуни билмасдим, холос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўш?

— Сен менга папирос ҳақида жуда аҳмақона савол бердинг... Шунақанги аҳмақона саволки, уёғи йўқ! Айбга буюрмайсан, оғайни...

Перецнинг юзи қизариб кетгани, кўзларига қон тўлиб, иситмаси чиқиб кетгани ҳатто қоронғида ҳам аниқ кўриниб турарди. Оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига ўнғайсизланиб ташлади-да, кўзини атрофга аланглатиб:

— Ҳа, майли, айбга буюришинг борми... Албатта... Аммо, нимаси аҳмақона экан?

— Аҳмақоналиги кўриниб турибди. Ишим кўплигини, шаҳарга бориб папирос олиб келишга қўлим тегмаслигини яхши биласан. Шунинг учун вақтим йўққи, совет ҳокимияти менинг устимга иш юклаб қўйган: *сенинг* ҳаётингни онгли ва бахтли қилишим керак, билдингми, *сенинг* ҳаётингни!.. Ё бунга тушунмайсанми? Тушунмасанг, бор, кириб ёт.

— Тушунаман,— деди хириллаб Перец, оёғининг учи билан ер чизиб.

— Тушунасанми?

Мен унинг кўзларига, кўз қорачиғининг қоқ ўртасига заҳархандалик билан қарадим. Фикр ва иродамнинг унинг кўз қорачиғларини парчалаб тешиб кириб кетганини кўриб турардим. Перец бошини эгди.

— Гапга тушунасан-ку, дангаса, совет ҳокимиятини ҳақорат қиласан. Аҳмақ экансан, ғирт аҳмақ экансан!

Мен пионерлар хонаси томонга бурилдим. Перец қўлини чўзиб йўлимни тўсди:

— Хўп, мен аҳмақ эканман... Кейин нимага қарадингиз?

— Кейин юзингга энгашиб қарадим. Аҳмоқлигингни аниқ билмоқчи эдим.

— Аниқладингизми?

— Аниқладим.

— Қанақа экан?

— Бор, ўзингни ойнага солиб кўр.

Мен ўз уйимга кириб кетдим-да, Перецнинг кейинги кечирмаларини ортиқ кўрмадим.

Куряж болаларининг қиёфалари менга анча таниш бўлиб қолди, уларнинг юзларидаги ба'зи мимикаларни уқиб оладиган ҳам бўлиб қолдим. Кўплари менга очиқдан-очиқ хайрихоҳлик билан қарар ва фақат боқимсиз бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаларга хос самимий уятчанлик билан жилмайиш юзларида акс этарди. Уларнинг кўпининг фамилиясини билардим, ба'зиларини овозидан таниб оладиган бўлдим.

Бурни ниҳоятда лучук ва ҳатто бирнеча йил давомида қат-қат бўлиб кетган кири тагидан ҳам юзининг қизғиш кўриниб турган, кўзлари оҳиста боқувчи Зорень ёнимда ўралишади. Зорень ўн учларда, қўлларини ҳамиша орқасига қилиб, индамай, кулиб юради. Бола жуда чиройлик, қайрилиб турган киприклари қопқора. Киприкларини секин очади, теран ва қопқора кўзлари узоқларга тикилади, шошилмасдан бурнини баланд кўтаради-да, индамасдан жилмайиб тураверади. Мен унга:

— Зорень, бир гап десангчи, овозинг қанақалигини мен ҳам билиб қўяй!— дейман.

Зорень қизаради, аразлаб юзини тескари ўгиради-да, хириллаган товуш билан чўзиб:

— Э-е-е...— дейди.

Зоренькинг Митька Нисинов деган ўзига ўхшаган қипқизил, кулча юзли, чиройлик ўртоғи бор. Митька кўнгли очиқ, софдил бола. Эски вақтларда бундай софдил болаларни этикдўзларга шогирдликка ё бўлмаса трактирларга даст'ёрликка берардилар. Мен унга қараб туриб: «Митька, Митька, сендан ким етиштирар экан-миз? Совет даврида сенинг ҳаётингни инмалар билан безатаркинмиз?» деб ўйлайман.

Митька ҳам қизариб, юзини тескари ўгиради, аммо хирилламайди ҳам, э-е-е-е демайди ҳам, фақат камондай қопқора қошларини чимириб, лабларини қимирлатади. Аммо Митьканинг овозини биламан: овози чиройлик, эрка хотиннинг овозидай тиниқ ва жарангдор; хотин кишининг товушидай бирдан ҳар оҳангда янграйди; булбул овозига ўхшайди. Митька, Куряж аҳолисини та'рифлаб берганда, овози менга жуда ёқиб кетади:

— Югуриб кетаётган бола... Вой, шайтонай, қаёққа югуриб кетаётганикин?.. Володька, қара, қара, Буряк аллақаёққа чопиб кетди... Ҳа у Буряк-ку, билмайсизми? Бир ичишда ўттиз стакан сут ичади... Ҳозир оғилхонага югурган бўлса керак... Ҳов анови, деразадан бошини чиқариб турган — жуда ярамас бола, жудаям ярамас! Хушомадга шунақаям устаки, худди мойдан ҳам силлиқ бўлиб кетади. Сизга ҳам хушомад қилабошлаган бўлса керак. О, кўриб турибман, сизга кимларнинг хушомад қилишини кўриб турибман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ванька Зайченко,— дейди Зорень, хафа бўлиб, қипқизариб, юзини тескари ўгиради.

Митька ақлли бола, шайтон. Зореньнинг пучуқ юзига худди туноқ қилиб қўйган одамдай қарайди-да, ўртоғининг бу бетамизлигини кечиришимни кўзлари блан ёлвориб сўрайди.

— Йўқ,— дейди у,— Ванька бунақа қилмайди! Ваньканинг линияси шунақа!

— Линияси қанақа экан?

— Шунақа-де, қанақа бўларди...

Митька катта бармоғи блан ер чизиб:

— Айтиб бер,— дейди.

— Нимасини айтади? Ванька колонияга келиши блан компания орттирди, кўрдингми, Володька?.. Уларни уришди ҳам бўлмади, линиялари шунақа бўлгандан кейин...

Нисимовнинг фалсафасига жуда яхши тушунаман, бундай фалсафа «Бизнинг доноларимизнинг тушига ҳам кирмаган».

Юзлари қипқизил, чиройлик ва хунук, ўз линияларига эришиш бахтига сазовор бўлмаган болалар жуда кўп. Менга ҳали ёт, ўқрайиб қаровчи башаралар орасидан турмушлари ўзгалар йўлларидан боручи болаларнн тобора кўпроқ учратаман. Бундай эрксиз ҳаёт эски дунёда оддий нарса эди...

Зорень блан Нисинов, ориқдан келган, сочлари пахмоқ Собченко, юзи ма'юс ва жиддий Вася Гардинов, қора юзли, ювошгина Сергей Храбренколар қошларини чимириб, ма'юс жилмайиб, атрофимда айланиб юришади, аммо менинг томонимга ошкор ўтишга ботинолмайдилар. Ваня Зайченко ва унинг жўраларига жуда ҳавасларн келиб юради, уларнинг ҳаёт йўлларида қилабошлаган парвозларига суқланиб қарайдилар ва... кутадилар.

Ҳамма кутади. Бу равшан ва тушунарли бир нарса. Афсонавий, одам кўз олдига келтираолмайдиган, жозибали горькийчиларнинг келишини кутадилар. Балки, соат сайин бахтсизлик ё шодлик яқинлашиб келаётгандир. Ҳатто қизлар ётоғида ҳам кун сайин ҳаёт жўш уриб бормоқда. Оля Ланова ғайратн тўлиб тошган қизлардан олтинчи отряд уюштирди. Отряд ўз ётоғида тинмай бирнималар қилиб юради, ямайди, ювади, оқлайди, ҳатто кечқурунлари ашула ҳам айтади. Ишга берилиб кетган Гуляева дам ўтмай ётоқхонага кириб туради ва ғижим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланиб, бир томонга сурилиб кетган блузкасини мендан беркитишга уринади. Бу ерга деярлик ҳар куни кечқурун Кудлатий кириб туради ва қизларга очиқдан-очиқ ҳомийлик қилади. Олтинчи отряд фақат дала ишларига чиқмайди, қаҳрамонлик блан қўпориб ташланган Куряж традициялари ўз қолдиқлари блан кўмиб ташлайди деб қўрқади.

Коротков ҳам кутади. Коротков — Куряж традицияларининг асосий маркази. У ажойиб дипломат. Унинг хатти-ҳаракатида бирон ножўя иш йўқки, уни бирон нарсада айблаб бўлса. Бошқалар қанча айбдор бўлса у ҳам шунча айбдор: ҳамма қаторида у ҳам ишга чиқмайди, холос. Илғор сводний отряд Коротковнинг Куряждаги энг биринчи душманимиз эканлигига қат'ий ишонади, шунинг учун уни кўраргa кўзи йўқ, ғазаби ошиб-тошади.

Волохов, Горьковский ва Жорка Волковлар ишни кичик конференция йўли блан бирёқлик қилмоқчи бўлганларини кейин билиб қолдим. Улар кечаси Коротковни ҳовуз бўйига чақиртиришипти-да, тўрт томонинг очиқ, колониядан кет, дейишипти. Бироқ Коротков бу таклифни рад этипти ва:

— Бу ердан ҳозирча кетишимнинг ҳожати йўқ. Шу ерда қоламан,— депти.

Конференция шу блан тугапти. Коротков мен блан бирон марта гапиришгани йўқ ва, умуман, мен блан қизиққан-қизиқмаганини кўрсатмайди. Аммо дуч келган маҳалларда зўр такаллуф блан бошидаги олифтанамо кепкасини кўтариб қўяди ва йўғон овози блан дўстона оҳангда:

— Саломатмисиз, ўртоқ мудир,— дейди.

Унинг кўзлари қопқора чиройликкина юзи менга илтифот блан боқади ва бу боқишнинг:

«Кўриб турибсиз, иккимизнинг йўлимиз бошқа-бошқа, бир-биримизга халал бермайди, сиз ўз ишингизни давом эттираверинг, менинг ҳам ўз фикрларим бор. Саломат бўлинг, ўртоқ мудир» деб тургани равшан эди.

Фақат Перец иккимиз ўртамизда кечқурун бўлиб ўтган суҳбатдан кейин, эртаси куни Коротков нонушта вақтида мени ошхона деразаси ёнида учратди-да, ба'зибир бўйруқларни бериб бўлгунимча, одоб блан ўзини четга олиб турди ва шундан кейин бирдан:

— Ўртоқ мудир, Горький колониясида карцер бор дейишади, ростми?— деб сўраб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Карцер йўқ,— деб жавоб бердим, мен ҳам жиддий бир қиёфада.

У менга худди ажойиб экспонатни тамоша қилгандай қараб, ҳамон жиддий суратда давом этди:

— Харҳолда, болаларни қаматтирар эмишсиз-ку?

— Шахсан сен ташвиш тортмасанг ҳам бўлади: мен фақат ўз дўстларимни қаматтираман,— дедим қуруққина ва унинг чиройлик башарасидаги ўзгаришлар билан ортиқ қизиқмасдан, дарҳол унинг ёнидан кетдим.

15 майда телеграмма олдим:

«Эртага кечқурун йўлга чиқамиз ҳамма вагонларга жойлаштирилди Лапоть».

Ужин маҳалида телеграммани ҳаммага ўқиб бердим-да:

— Индинга ўз ўртоқларимизни кутиб оламиз. Уларнинг дўстона кутиб олинишини истардим, жуда истардим. Ахир, бундан буён сизлар бирга турасизлар ва... бирга яшлайсизлар,— дедим.

Қизлар, худди момақалдироқ олдидан қўрқиб ўтирган қушлардай, жим бўлишди. Болалар ўз ўртоқларига кўз ташладилар, ба'зи башараларнинг оғзи очилганича қолди.

Бурчакда, дераза ёнида, стол теварагига скамейка ўрнига стул қўйилган ерда, Коротков жўралари ўртасида бирдан кайфиятлик бошланиб кетади, хахолаб кулишади ва, афтидан, аскиябозлик қилиб ўтиришганга ўхшайди.

Кечқурун илғор сводний отрядда горькийчиларни қандай кутиб олиш масаласи муҳокама қилинди ва комсомол ячейкасининг махсус декларацияси икир-чикиригача текширилиб чиқилди. Кудратий ҳарқачонгидан кўра кўпроқ елкасини қашир ва:

— Тўғрисини айтганда, болаларни бу ерга олиб келиш уят, рост гап,— дерди.

Эшик секин очилиб, Жорка Волков эўрға судралиб кириб келди. Столларни пайпаслаб скамейкага келиб ўтирди-да, битта бутун кўзи билан ҳаммамизга қараб чиқди, бутун қолган бу кўзи ҳам мўматалоқ бўлиб кетган қовоқлари орасидан зўрға кўринарди.

— Нима бўлди?

— Уришди,— деб шивирлади Жорка.

— Ким урди?

— Ким билади! Граклар бўлса керак... Станциядан келаётган эдим... Кўприкда... тўхтатиб... уришди...

— Шошмай гапир!— деди Волохов жаҳли чиқиб.—

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уришди, уришди дейсан нукул!.. Уришганини ўзимиз ҳам кўриб турибмиз... Нима бўлди ўзи? Ораларингда бирон гап бўлганмиди?

— Гап қисқа бўлди,— деди Жорка, ма'юс ҳолда афтини буриштириб,— биттаси келиб «Э-е-е, комса сенмисан?..» деди-ю, юзимга солиб қолди.

— Сенчи?

— Мен ҳам солдим, жим турармидим. Аммо, улар тўрт киши эди.

— Қочиб қолдингми?— деб сўради Волохов.

— Йўқ, қочмадим,— деб жавоб берди Жорка.

— Нима қилдинг?

— Нима қилганимни кўриб турибсан-ку: ҳали ҳам кўприкда ўтирибман.

Болалар залорожчасига хахолаб кулиб юборишди, ёлғиз Волохов ўз дўстининг куламан деб буришган юзига та'на билан қараб ўтиравди.

7. Уч юз етмиш учинчи бис

Уи еттинчи май куни эрталаб саҳар пайтида горькийчиларни кутиб олгани Харьковдан ўттиз километрча наридаги Люботин станциясига жўнаб кетдим. Станциянинг ифлос ва қашшоқ перрони жазирама иссиқ эди, транспорт қулайсизликлари туфайли усти-бошлари ғижимланиб кетган деҳқонлар бекорчиликдан аста-секин тентираб юришар, юк ташиш соҳасининг арбобларн бўлмиш темирйўлчилар мой босиб кетган этикларини ғижирлатиб, шошилмай қадам ташлардилар. Ҳамма бугун менинг атлас кийиб чиққан руҳимни худди жўрттага ҳақорат килиб, ерга уришни мўлжаллаганга ўхшайди. Е руҳим кийгани атлас бўлмай, оддийроқ — «уч бурчакли шляпа ва йўлда киядиган сурранг сюртук»микин?

Бугун узил-кесил жанг бўладиган куни. Гавдаси катта бир ҳаммол билмасдан мени туртиб юборнб, ўзининг бу қилмишидан ҳайратланмай, ҳатто менга парво қилмай ўтиб кетгани ҳам майли, зарари йўқ. Станция навбатчисидан уч юз етмиш учинчи бис қаерга келганини сўраганимда, у мени ҳурмат қилмай туриб, ҳатто бироз қўполроқ гапиргани ҳам майли. Уч юз етмиш учинчи бис менинг асосий қўшинларим эканлигини, маршал Лапоть ҳамда маршал Ковальнинг шавкатли легионларига бутун Лю-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ботин станцияси бутун Куряжга ҳужум қилиш учун плацдарм бўлишини бу тентак одамлар ўзларини жўрттага билмаганликка соладилар. Менинг шу бутун қиладиган ишим Аустерлицда бўлиб ўтган жангдан минг марта муҳим ва улуғвор эканини бу одамларга қандай тушунтириб бўлади? Наполеоннинг ҳамма шон-шуҳрати менинг бугунги шуҳратим олдида ип эшолмайди. Наполеонга жанг қилиш менинг ишимдан кўра анча осон эди-ку! Соцвос методлари Наполеон учун ҳам мажбурий бўлганда эди, Наполеоннинг қай аҳволга тушганини ўшанда кўрардим.

Перронни айланиб юрарканман, Куряж томонга қараб-қараб қўярдим ва душман руҳининг анча тушганини эслардим.

Мен жуда барвақт турдим, аммо шу вақтда ҳам колония жонланиб қолган эди. Нима учундир кўп болалар пионерлар хонаси деразалари тагига тўпланган, яна аллакимлар «каромат ли» булоқ томонга челакларни тарақлатиб тушиб кетмоқда эди. Қўнғироқхона дарвозаси олдида Зорень блан Нисинов турарди.

— Горькийчилар қачон келади? Эрта бланми?— деб жиддий суратда сўради Митька.

— Эрта блан. Бугун эрта турибсизлар.

— Ҳа... уйқумиз келмаяпти... Улар Ржовга келиб тушадими?

— Ржовга келиб тушади. Сизлар шу ерда кутиб оласизлар.

— Қанча қолди?

— Ювиниб бўлганингизча келиб қолар.

Зорень менинг бу таклифимни дарҳол амалга оширишга шошилиб:

— Юр, Митька,— деди.

Горовичга, горькийчилар колоннасини кутиб олиш ва байроққа салют бериш учун ҳамма куряжликларни ҳовлига саф тортгириб туришни буюрдим, бунинг учун ҳеч бир тазйиқ ишлатмасликни уқдирдим ва:

— Таклиф этиб кўрсангиз бўлади,— дедим.

Ниҳоят, Люботин станцияси биносидан қоровул қиёфали бесўнақай, софдил бир одам чиқди-да, қўнғироқ чалабошлади. Қўнғироқни чалиб бўлиб, бу символли нишонининг сирини менга очиб айтди:

— Уч юз етмиш учинчи бис йўл сўрайди. Йигирма минутдан кейин етиб келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Болаларни кутиб олиш плани бирдан мураккаблашиб, шу ондан бошлаб ҳамма нарса чалкаш бўлиб, қизғин ва қувноқ йўлдан кетди. Уч юз етмиш учинчи бисдан олдин Харьковдан дачний поезд келиб қолди ва бирдан унинг вагонларидан менга рабфакчи комсомолларнинг роҳатбахш шамоли келиб урди. Белухиннинг қўлида бир даста гул:

— Бу гул блан бешинчи отрядни кутиб оламиз, гўёки графиня хонимларни кутгандай. Мен чолга бунинг айби йўқ,— деди.

Рабфакчилар орасида қувноқ туйғу ҳислари қайнаб-тошган олтин сочли Оксана чинқирар, мўмин Рахиль эса офтоб нурларида жилмайиб турар эди. Братченко, худди қамчи ушлагандай, қўлини силкитар ва аллакимга:

— Оҳо! Мен бугун казакман, эрким ўзимда. Келиши блан Мардни минаман!— деярди.

Енимизга аллаким югуриб келди-да:

— Поезд аллақачон келиб бўлдию!.. Унинчи изда турипти!..— деб қичқирди.

— Йўғ-ей?

— Ана, ўнинчи изда... анчадан бери турипти!..

Бу кутилмаган хабарни эшитиб, ҳали ўзимизга келмаган ҳам эдикку, учинчи изда турган товар вагон тагидан Лапотьнинг мугомбир башараси кўринди, у шошиб қолиб, бизга истеҳзо блан қараб турарди.

— Анавини қаранглар!— деб бақирди Карабанов.— Ванька вагон тагига жойлашиб опти-ку!

Ҳаммамиз Лапотьга ёпирилдик, броқ Лапоть ўзини вагон тагига ичкарироқ олди-да, жиддий суратда:

— Навбат блан! Навбат блан! Иилайкейин, фақат Оксана ва Рахиль блан ўпишиб кўришаман, бошқалар блан қўл беришаман,— деди.

Карабанов Лапотьнинг оёғидан ушлаб вагон тагидан тортиб чиқарди ва унинг товонлари осмонга учиб кетди.

Болаларнинг қўлидан ерга тушиб тургандан кейин Лапоть:

— Бало экансизлар, майли, ўпсанглар — ўпиглар!— деди-да, сепкилдор юзини тутди.

Оксана блан Рахиль ҳақиқатан ҳам ўпиш маросимини бошладилар, бошқалар вагон тагига югуриб кириб кетишди.

Лапоть анчагача қўлимни силкитиб турди, унинг чеҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раси ғайри-табиий равишда оддий ва самимий севинч блан порларди.

— Яхши келдингларми?

— Худди ярмаркага келгандай келдик,— деди Лапоть.— Фақат Мард хунганлик қилди: кечаси блан вагонни тепиб чиқди. Вагоннинг устунларидан бошқа ҳечнарсаси қолмади. Кўп турамизми? Ҳаммага тайёр туринглар деб буюрдим. Туриб қоладиган бўлсак — ювиниб олсак ҳам бўларди...

— Бор, билиб кел.

Лапоть станцияга югурди, мен вагонлар томонга шошилдим. Поезд қирқ бешта вагондан иборат эди. Кенг очиб юборилган эшиклардан ва тепадаги туйнуклардан горькийчиларнинг ажойиб чеҳраларн менга кулиб қарарди, қичқиришарди, дўппиларини силкитишар эди. Беринчидаги вагон туйнугидан белигача ташқарига осилиб турган Гуд, севинганидан кўзларини пирпиратиб, ғуллирлаган овози блан деярди:

— Антон Семёнович, отахоним, ахир бунга йўл қўйиб бўладими? Бунга ҳеч ҳам йўл қўйиш мумкин эмас-ку. Шунақа қонун борми? Бунақа қонун йўқ.

— Салюмат келдингми, Гуд, ким хафа қилди сени?

— Лапоть-де, шайтон ўлгур! Сигнал берилгунча ким вагондан чиқса бошини узиб ташлайман деди. Тезроқ командани ўзингиз олинг, Лапотьнинг дастидан ўлиб бўлдик. Бошлиқ бўлиш Лапотьнинг қўлидан келармиди? Келмайди, рост-а?

Орқамдан келиб турган Лапоть Гуднинг товушига тақлид қилиб:

— Қани, сигнал берилгунча вагондан чиқиб кўр-чи! Қани, чиқчи! Сендақа бебошлар блан машмаша қилиб ўтиришга вақтим борми? Қани, чиқ,— дейди.

Гуд ҳамон эркаланиб давом этади:

— Вагондан чиқишга жуда орзуманда деб ўйлайсанми? Менга шу ер ҳам яхши. Мен принцип юзасидан айтаман.

— Ҳа, энди ўзингга келдинг,— деди Лапоть.— Ке, чақир бу ёққа Синенькийни!

Бир минут ўтмасдан Гуднинг орқасидан Синенькийнинг ёш боланинг юзидай чиройлик юзи кўринди ва ҳайрон бўлиб қолганидан, уйқуси кетмаган кўзлари пир-пир учди, лаблари қипқизил оғзи қулоғига етиб:

— Антон Семёнович... — деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— «Салом» де, тентак! Е билмайсанми?— деб қойди уни Гуд.

Аммо Синенький мендан кўзини узмай қарайди, қизарарди, ва ўзига ишонмагандай:

— Антон Семёнович... Ҳа Антон Семёнович-ку!..— деб ғудирлайди.

Кейин муштуми блан кўзларини ишқалайди-да, бирдан Гуддан хафа бўлиб кетади:

— Уйғотиб қўяман демабмидинг! Ўзинг айтувдинг-ку... Ҳу-у, Гуд бўлмай кет, тағин командир эмиш! Ўзинг эрта туриб олибсан-де... Куряжми бу? Куряжга келдикми?

Лапоть кулиб юборди:

— Куряж қаёқда ҳали! Люботин! Тезроқ кўзингни оч, шунча ухлаганинг бўлар! Сигнал чал!

Синенькийнинг қиёфаси дарров жиддий тус олди ва ҳуш'ёр бўлди:

— Сигнал? Есть!

Сўнгра тамомила ўзига келди-да, менга кулиб қараб, эркаланиб:

— Салом, Антон Семёнович,— деди ва сигнални қидириб полкага чирмашиб чиқабошлайди.

Икки секунд ўтгач Синенький сигнални туйнукдан чиқариб, менга яна бир ажойиб табассум тақдим этди-да, қўли блан лабларини артиб, ниҳоятда гўзал бир ҳаракат блан сигнал мундштугини лабига босди. Одатдаги уйғотиш сигналимиз станция бўйлаб янгради.

Вагонлардан колонистлар сакраб тушабошладилар, қўл беришнинг охири кўринмасди. Лапоть вагон томига чиқиб ўгириб олган ва бизга афтини буриштирар, хунюб бўлиб, деярди:

— Бу ерга нимага келдинглар? Талтайишга келдинглармн? Қачон ювинасизлар, қачон вагонларни йиришти-расизлар? Е вагонларни нфлослигича топширамиз, бизга нима деб ўйлайсизларми? Шуни билиб қўйларингки, ҳеч-кимга шафқат бўлмайди. Янги трусик кийиб олинглар. Навбатчи командир қани? А?

Нарнги вагоннинг тормоз ўрнатилган йўлагидан Таранец бошини чиқариб қарайди. Эгнида — ғижимланиб, айниб кетган трусик, яланғоч қўлига япянги қизил лента тақиб олган.

— Мана мен.

— Тартиб-интизом қани!— деб бақирди Лапоть.— Сув

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаерда, биласанми? Қанча турамиз бу ерда, биласанми? Нонушта улашиш керак, биласанми? Ҳа, галир!

Таранец Лапотьнинг ёнига чиқади ва бармоқларини букиб, бу ерда қирқ минут турамиз, ҳов анови минора тагига бориб ювиниш мумкин, нонуштани Федоренко ҳозирлаб қўйипти, қачон десанг тарқатиш мумкин деб жавоб беради.

— Эшитдингларми?— деб сўрайди Лапоть, колонистлардан.— Эшитган бўлсаларинг нимага анграйиб турибсизлар?

Колонистларнинг офтоб қорайтирган оёқлари Люботин станциясининг ҳамма изларини бўйлаб чопакетди. Вагонлар супирилабошланади, тўртинчи «У» сводний отряд а'золари челак кўтариб, вагон олдидаги ахлатларни йиғиштирабошладилар. Энг кейинги вагондан Вершнев блан Осадчий ухлаб ётган Ковальни қўлда кўтариб тушдн-да, зўр бериб сигнал устунига ўтқазишга киришди.

Лапоть, Ковальнинг олдига келиб чўққайди-да:

— Ҳали уйғонмаптилар,— деди.

Коваль устундан қулаб тушди.

Лапоть бу ҳодисани:

— Энди уйғондилар,— деб қайд қилди.

— Жуда жонга тегдингки, Малла!— деди Коваль, жиддий оҳангда ва менга қўл бературиб, изоҳлади:— Бу одам ҳеч тинчийдими ё йўқми? Кечаси блан томни тарақлатиб чиқди, бир маҳал қарасангиз паровозда, бир маҳал қарасангиз чўчқалар қутирипти дейди. Худо урсин, агар мен чарчаган бўлсам, фақат шу Лапоть дастидан чарчадим. Ювинадиган жой қаерда?

— Биз биламиз,— деди Осадчий.— Кўтардик, Коля!

Улар Ковальни минора тагига кўтариб олиб кетишди. Лапоть:

— Тағин нолийди...— деди.— Биласизми, Антон Семёнович, кейинги ҳафта ичида Ковальнинг биринчи марта ухлаши шу.

Ярим соатдан кейин вагонлар йиғиштириб бўлинди, алтиллаган кўк трусик ва оппоқ кўйлак кийган колонистлар нонуштага ўтиришди. Мени штаб жойлашган вагонга судраб киришиб, «Мария Ивановнани» едиришди.

Пастдан, изларда аллаким:

— Лапоть, станция бошлиғи беш минутчадан кейин жўнатамиз деб айтди,—деб қичқирди

Овозни таниб, вагондан бошимни чиқариб қарадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марк Шейнгаузнинг катта-катта кўзлари менга жиддий қараб турарди, бу кўзларда аввалгидек чуқур эҳтирос тўлқинлари мавж урарди.

— Марк, яхшимисан! Нега шу маҳалгача сени кўрмадим, ҳайронман?

— Мен байроқ ёнида соқчи эдим,— деди Марк сипоҳлик блан.

— Хўш, аҳволинг тузукми? Характерингдан энди хурсандмисан?

Пастга сакраб тушдим. Марк қўлтиғимдан ушлаб олди-да, пайтдан фойдаланиб, қулоғимга шивирлади:

— Характеримдан жудаям хурсанд эмасман, Антон Семёнович. Жудаям хурсандман деб айтолмайман, ростини айтиш керак.

— Нега?

— Ўзингиз ўйлаб кўринг: мана булар келакелгунча ашула айтиб келишди, ҳеч ғамлари йўқ. Мен бўлсам ўйлаганим ўйлаган, уларга қўшилиб ашула айтолмайман. Шу ҳам характер бўптими?

— Нималарни ўйлайсан?

— Нега улар қўрқмайдию, мен қўрқаман деб ўйлайман...

— Ўзинг тўғрингда қайғирасанми?

— Йўғе, нега ўзим тўғримда бўлсин? Ўзим учун сра ташвиш тортмайман, сизнинг тўғрингизда хавфдаман, ҳаммангнинг қайғусидаман, умуман қўрқаман-де. Буларнинг турмуши яхши эди, энди ёмон бўлса керак, охири нима блан тугаркин деб қўрқаман.

— Булар жангга кетаяпти. Яхши турмуш учун курашишдан катта бахт бўлмайди, Марк.

— Мен ҳам шуни айтаман-да: булар бахтли, шунинг учун ашула айтишади, нима учун мен ҳам ашула айтмайман, нуқул ўйлайман?..

Қулоғимнинг тагига келиб туриб Сипенькин бирдан умумий йиғилиш сигналини чалди.

«Атака сигнали» деган фикр келди хаёлимга ва ҳамма блан бирга вагон ёнига шошилдим. Вагонга чиқатуриб, Маркнинг товонларини баланд кўтариб, ўз вагонига чопиб кетаётганини кўрдим ва: бу йигит ғалаба ё мағлубиятнинг нима эканлигини бугун билади. Шундан кейин большевик бўлади, деб ўйладим.

Паровоз ҳуштак берди. Лапоть, кечикиб келган аллакимга бақириб берди. Поезд қўзғалди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирқ минутдан кейин поезд Рижов станциясига секин кириб борди-да, учинчи йўлда тўхтади. Перронда Екатерина Григорьевна, Лидочка ва Гуляевалар туришарди, севинганларидан юзлари титрарди.

Енимга Коваль келди:

— Чўзиб ўтираверамизми? Тушираверайликми?

Станция бошлиғига югурди. Ма'лум бўлишича, юкларни тушириш учун поездни биринчи йўлга, «рамка»га келтириш керак экан, аммо уни тортадиган паровоз йўқ экан. Поездни судраб келган паровоз Харьковга кетипти, у ердан махсус маневр паровози чақиртириш керак эмиш. Рижов станциясига ҳечқачон бунақанги составлар келмагани учун, ўзининг махсус маневр паровози йўқ эмиш.

Бу хабарни аввал бамайлихотир эшитдик. Аммо, орадан ярим соат ўтди, бир соат ўтди, вагон олдида тураверив, зерикдик. Ундан ташқари, Мард ҳам бизга ташвиш орттирар эди: офтоб баландга кўтарилган сари вагонда баттар жиннилиги тутар эди. Мард кечасиёқ вагон деворларини парча-парча қилиб ташлаган, энди қолган-қутганларини бузиб тамомламоқда эди. Вагон атрофида аллақандай мансабдорлар ёғ босиб кетган дафтарчаларига алланималарни ёзиб ҳисоблаб юрабошлаган эди. Станция бошлиғи худди кураш майдонида юргандай, изларидан елиб-югурар ва болалар вагонлардан чиқмасин, дам ўтмай пассажир, дачний ва товар поездлар ўтиб турган излардан юравермасин деб талаб қиларди.

— Паровоз қачон келади?— деб ҳадеб сўрайверди Таранец.

— Бу тўғрида сиз қанча билсангиз, мен ҳам шунча биламан!— деди станция бошлиғи, негадир жаҳли чиқиб.— Балки, эртага келар.

— Эртага? Ундоқ бўлса, мен сиздан кўпроқ билар эканман...

— Нимани кўпроқ биласиз? Нимани кўпроқ биларкансиз?

— Сиздан кўра кўпроқ биларканман дейман.

— Қандай қилиб мендан кўра кўпроқ биларкансиз?

— Шундоқ қилиб-да: паровоз бўлмаса, поездни биринчи йўлга ўзимиз итариб келамиз.

Станция бошлиғи Таранецга қўл силтади-да, аллақаёққа чопиб кетди. Шундан кейин Таранец менга ёпишиб олди ва деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзимиз итариб келамиз, Антон Семёнович, ховотир олманг. Мен бунинг йўлини биламан. Вагонларни, башарти юк ортилган бўлганда ҳам, ғилдиратиш осон. Ҳарбир вагонга учтадан бола тўғри келар экан. Юринг, станция бошлиғи блан гапиришамиз.

— Ке, қўй, Таранец, тентак бўлма!

Карабанов ҳам иккала қўлини кериб:

— Уйлаб топган гапингни қараю! Поездни ғилдиратиб келармиш! Ҳамма стрелкаларнинг ёнидан олиб ўтиш, семафор тагигача итариб бориш керак, биласанми!— деди.

Аммо Таранец ҳеч бўш келмасди, болаларнинг кўпи унинг ёнига тушди. Лапоть бундай таклиф киритди:

— Нимага баҳслашиб ўтирамиз-а? Ҳозир сигнал бериб ҳамма болаларни ишга тўплаймиз-да, бир уриниб кўрамиз. Ғилдиратиб келолсак яхши, ғилдиратиб келолмасак — майли, сатқаисар, вагонда ётиб чиқармиз.

Кўэлари чақнайбошлаган Карабанов:

— Станция бошлиғичи?— деб сўради.

— Станция бошлиғи! — деб жавоб берди Лапоть.— Станция бошлигининг икки қўли, битта оғзи бор-да, қўлларини силкитиб бақираверса бизни кулдиргани қолади.

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди,— дедим.— Стрелкага етганимизда бирдан поезд келиб қолса — ёмон бўлади. Абжағимиз чиқиб кетадия!

— Бе-е, буни биламиз! Семафорни туширнб қўйиш керак!

— Қўйинглар, йигитлар!

Аммо бирталай йигитлар мени ўртага олган эди. Орқадагилар тормоз ўрнатилган йўлакларга, вагонларнинг томларига чиқиб олиб, бараварига мени кўндиришга киришди. Улар мендан фақат бир нарсани: поездни ниҳояти икки метр силжитишга рухсат беришимни сўрар эдилар.

— Ниҳояти икки метр юргизамизу, тўхтатамиз. Кимнинг нима иши бор? Ҳечкимга зарар етказмаймиз! Ниҳояти икки метрга силжитиб кўрамиз, ана шунда айтасиз.

Ахир, мен кўндим. Яна ўша Синенький сигнал блан болаларни ишга йиғди ва топширнқнинг илидан игнасигача билиб олган колонистлар вагон бурчакларидан жой олиб турдилар. Поезднинг бош томонида қизлар чин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қирар эди. Лапоть перронга чиқди-да, дўпписини силкитди.

— Тўхта, тўхта!— деб қичқирди Таранец.— Шошмай турларинг, станция бошлиғини чақириб келай, мендан кўпроқ биладиган одам экан.

Станция бошлиғи перронга югуриб чиқди-да, иккала қўлини баланд кўтарганича қолди:

— Бу нима қилганларинг? Бу нима қилганларинг?

— Икки метргина,— деди Таранец.

— Ҳечбир, асло мумкин эмас!.. Бундай қилиб бўлмайди! Бунга йўл қўйиб бўладими?

— Ҳа икки метргина деяпмиз, ахир!— деб бақириб берди Коваль.— Гапга тушунасизми ё тушунмайсизми?

Станция бошлиғи икки қўлини туширишни ҳам унутиб, Ковальга анграйиб қараганича қолди. Вагон ёнида турган йигитлар қотиб-қотиб кулар эдилар. Лапоть яна дўпписини баландга кўтарди, ҳамма ялангоёқларини қумга тираб, лабларини тишлаб, вагонларнинг бурчагига энгашиб, Лапотьдан кўз узмай турар эди. Лапоть дўпписини бир силкитган эди, станция бошлиғи ҳам унинг ҳаракатига моканд, бошини силкитиб, оғзини очиб турди. Орқа томондан аллаким:

— Ҳа, итар!— деб қичқирди.

Бирмунча вақт поезд қимир этмай турди ва мен бундан натижа чиқмайди деб ўйлаб турувдим, бирдан ғилдиракларнинг айланаётганига кўзим тушди: поезд юраётган эди. Броқ бирдан Лапоть бирнима деб бақирган эди, йигитлар тўхтади. Станция бошлиғи менга қараб, сочсиз бошини артди-да, кемшук оғзини очиб, кексаларча меҳрибонлик блан жилмайиб:

— Ғилдиратинглар... нима ҳам дейман... Билганингларни қилинглар! Фақат ҳечкимни бостирмасаларинг бўлгани,— деди.

Бошини бирнеча марта чайқади-да, бирдан хахолаб кулиб юбориб:

— Вой итваччаларей, вой шоввозларей, бало экансизлару!.. Ҳа, итаринглар...

— Семафорчи?

— Хотиржам бўлинглар.

— Го-то-о-овсь!— деб бақирди Таранец. Лапоть яна дўпписини кўтарди.

Ярим минут ўтмасдан поезд, худди кучли пароход итариб бораётгандай, семафорга яқинлашиб борар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йигитлар, фақат вагонларнинг четини ушлаб, поезд ёнида бемалол бораётганга ўхшарди. Поезд тўхташи керак бўлган жойларда тормозни бураш учун тормоз ўрнатилган йўлакларга махсус болалар ажратиб қўйилган эди.

Станциядан чиқаверишдаги стрелкага етгандан кейин поездни иккинчи йўлга солиб, станциянинг нариги бошига итариб бориш ва шундан кейингина рамкага қайтариб келтириш керак эди. Поезд перрон ёнидан ўтиб кетаётган пайтда ва мен бу аврал[1] ишдан завқланиб турган пайтимда перрон томондан аллаким:

— Ўртоқ Макаренко!— деб чақириб қолди.

Орқамга қайрилиб қарадим. Перронда Брегель, Халабуда ва ўртоқ Зоялар туришган экан. Кенг сурранг кўйлак кийган Брегель перронда керилиб турар ва шу туришида худди Улуғ Екатерина[2] ҳайкалига ўхшаб кетарди,— шу қадар салобат тўкиб турарди.

У, турган жойидан шу ҳолда:

— Ўртоқ Макаренко, булар сизнинг болаларингизми?— деб сўради.

Мен худди гуноҳ қилиб қўйган одамдай Брегельга қараган эдим, бироқ шу онда бошимга Екатеринапамо гаплардан бирталайи ёғилакетди:

— Ҳарбир кесилган оёқ учун шафқатсиз суратда жавобгарликка тортиласиз.

Брегельнинг овозида шу қадар қўполлик бор эдики, ҳарқандай мустабид шоҳойимнинг ҳам ҳаваси келарди. Қўли блан поезд ғилдиракларидан бирини кўрсатиб тураркан, подшоҳ хотинга баттар ўхшаб кетган эди.

Мен, болалар жуда эҳтиёт бўлишади, охири бахайр бўлади деган умиддаман деб э'тироз билдирмоқчи бўлиб турувдим, ўз итоаткорлигимни самимий суратда ифода этишимга ўртоқ Зоя халал берди. У перрон четига югуриб келди-да, каттакон бошини ўз гапига монанд силкитиб, вайсайкетди:

— Ўртоқ Макаренко ўз болаларини жуда яхши кўради, деб қулоқ-миямизни бекорга қоқиб юришар экан-да... Мана бунақа яхши кўришини ҳаммага кўрсатиб қўйилса ёмон бўлмасди.

Томоғимга бир нарса келиб тиқилди. Аммо, у пайтда мен ўзимни тутиб, жуда мулойим гапиргандай:

---

[1] Кемада бутун команда составининг ёпирилиб ишлаши.

[2] Автор рус подшоҳи Екатерина ҳайкалига ўхшатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— О, ўртоқ Зоя, сизга ғирт ёлғон айтишипти! Мен шу қадар тошюрак одамманки, ақлни энг оташин севгидан ҳам афзал кўраман,— дедим.

Шу пайтда Халабуда ишчи одамдай соддагина қилиб:

— Жуда боплашди, тирмизаклар, ўхшатиб ғилдиратишдия! Вой, ҳувварилар-ей, қара, қара, Брегель... Вой итваччалар-ей!..— демаганда, ўртоқ Зоя турган ердан устимга сакрармиди ва антипедагогик поэмам шу блан тамом бўлармиди.

Халабуда бирталай ота-онадан етим қолган Васька Алексеевнинг ёнига тушиб олди-да, Васькага бирнималар деди ва биз ўз аламимизни ҳали ичимизга ютиб ҳам бўлмаган эдикки, Халабуда вагоннинг бир четидан итарабошлади. Екатеринанинг тошдай қотиб қолган савлатига кўз қирнмин ташладим-да, ўртоқ Зоянинг заҳар гапига эътибор бермасдан, мен ҳам поезд томонга қараб кетдим.

Йигирма минутдан кейин дабдала бўлиб кетган вагондан Мардни туширдилар, Антон Братченко миниб, йўлни чангитиб Куряжга чоптириб кетди, унинг кетидан Ризов итлари акиллаб қолди.

Станцияда Осадчий командирлиги остида сводний отряд қолдирдик-да, ўзимиз вокзал олдидаги кичкина майдончага чиқиб саф тортдик. Брегель дугонаси блан машинага чиқиб олди, шойи жилд блан ўралган байроғимиз саф тортиб турган қаторлар олдидан тантанали суратда ўтиб, ўз жойига бориб турганда карнай ва барабанларимиз янгради, шунда Брегель блан дугонасининг юзлари яна кўкариб кетганини кўрнб, завқландим. Мен ҳам ўз жойимга бориб турдим. Коваль команда берди, станциядаги болалар қуршови остида колоннамиз Куряжга йўл олди. Брегель, колонна ёнидан ўтиб кетаверіб, мен блан тенглашганда:

— Машинага тушинг!— деди.

Мен таажжубланиб кифтимни қоқдим ва қўлимни кўкрагимга босдим.

Ҳаво иссиқ, жимжит эди. Йўл пичанзор ва кичкина, пасқам сой устига солинган кўприкдан ўтарди. Биз ҳар қаторда олти кишидан бўлиб борар эдик: энг олдинда тўртта карнайчи блан саккизта барабанчи, уларнинг кетидан мен блан навбатчи командир Таранец, бизнинг кетимизда байроқдорлар бригадаси эди. Байроқ жилдга солинган эди, унинг ярқираб турган найзасидан тушиб турган олтин попуги Лапотънинг тепасида чайқалиб бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рарди. Лаютьнинг кетидан оппоқ кўйлак кийган, ялангоёқ болалар колоннаси бир текисда қадам ташлар, колоннанинг қоқ ўртасида эса кўк юбка кийган тўрт қатор қизлар борарди.

Ба'зан қатордан четга чиқардим ва шунда колонистларнинг қиёфалари жиддийлашиб, шиддатли ва шаҳдам қадам ташлаб боришларини кўрардим. Гарчи кимсасиз ўтлоқдан ўтиб бораётган бўлсак ҳам, улар қаторни бузмасдан борардилар ва ба'зан, ўнқир-чўнқир жойда қатор бузилиб кетса, дарров яна текислаб олар эдилар. Фақат барабанлар янграр эди, уларнинг товуши узоқдаги Куряж деворларига бориб тегиб, акссадо бўлиб қайтиб келарди. Барабан маршги бугун онгимизни хотиржам қилмас ва ухлатмасди. Аксинча, Куряжга яқинлашганимиз сари барабан садолари шиддатлироқ туйилар ва фақат қадам ташлашдагина эмас, ҳатто юракнинг уришида ҳам унинг талабига бўйсунгинг келарди.

Колонна Подворкига кириб борди. Уй эгалари четан девор ва эшик орқаларига беркиниб турарди, бир вақтлар монастирь бойликларини қўриқлаган итларнинг авлоди бўлмиш баджаҳл итлар арқонларини узиб юборгудай сапчиб сакрар эди. Бу қишлоқнинг итларигина эмас, ҳатто одамлари ҳам монастирь тарихининг қалин ўтлоқларида боқилган эди. Уларни гуноҳдан кечиш, ногиронликдан тузалиш учун, биби Мариям кўзёшлари учун, фаришта Жабраилнинг қанотларидан юлиб олинган патлар учун тушган танга ва чақа пуллар боқиб катта қилган. Бундай тоифадаги одамлар: собиқ попплар ва монахлар, муридлар ва отбоқарлар, текинхўрлар, монастирь ошпазлари, боғбонлар ва фоҳишалар Подворкида кўплаб топиларди.

Шунинг учун, Подворкидан ўтиб борар эканмиз, четан деворлар орқасида беркиниб турган одамларнинг бизга душманлик билан қараб шивир-шивир қилиб туришларини очиқ сезардим, уларнинг биз тўғримиздаги фикрларини, айтаётган сўзларини ва кетимиздан «дуо» қилиб қолганларини аниқ билардим.

Гарчи бизнинг маршимиз ҳодисаларнинг фақат бир заррасини ифода этса-да, унинг улуғ тарихий аҳамиятини бирдан шу Подворки қишлоғига етганимизда англадим. Горький номли колония ҳақидаги тасаввурим бирдан ўзининг шаклидан ва педагогик безаклардан холи бўлди. Буралиб-буралиб оқучи Коломак, эски Трепкенинг бақувват

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва пухта иморатлари, икки юз тул атир гул, ичи пўк бетондан қурилган чўчқахоналар кўздан йироқлашди. Педагогиканинг ҳийлали проблемалари ҳам қуриб-қақшаб, йўлда тўкилиб, йўқ бўлиб кетди. Тасаввуримда фақат соф одамлар, ер юзида пайдо бўлган янги тажрибали ва янги инсоний хислатларга эга бўлган одамларгина қолди. Шу онда мен бирдан колониямиз гарчи кичик бўлса ҳам, аммо ниҳоятда ўткир сиёсий ва чинакам социалистик вазифани бажараётганлигини англадим.

Подворки кўчаларидан шаҳдам қадам ташлаб ўтиб борар эканмиз, назаримда худди ёв тупроғидан ўтиб бораётгандек бўлардик, унинг эски одамлари ҳам, эски манфаатлари ҳам, ўргимчакка ўхшаган чангаллари ҳам бир ерда ғуж бўлиб, титраб-қақшаб турганга ўхшарди. Олдимизда намоён бўлган монастирь ичида ҳам менинг нафрат-ғазабимни келтирадиган интеллигентча идеализм, кунда ва ҳар қадамда учраб турадиган пошуд формализм, хотинларга хос йиғлоқилик ва ақлга сиғмайдиган нодонлик каби бирталай гоя ва урф-одатлар қаланиб ётарди. Бу бепоён ахлатхона миқ'ёсини кўз олдимга келтириб кўрдим: шунча йиллар давомида неча минг километрлаб босиб ўтсак ҳам, ҳамон кети кўринмайди, ҳамон сасиб ётади, ўнг томонимизни, чап томонимизни, бутун атрофимизни шу сассиқ ҳид қуршаб олган. Шунинг учун ҳа коммуникацияси, ҳа базаси, ҳа қадрдон-қариндошлари бўлмаган горькийчиларнинг кичкина колоннаси бу бепоён кенгликда кўзга ожиз бўлиб кўринади: Трепкени абадий ташлаб келдик, Куряжни эса ҳали енгиб олганимиз йўқ эди.

Барабанчилар қатори тепаликка чиқабошлади,—монастирь дарвозасига етай деб қолган эдик. Дарвозадан трусик кийган Ваня Зайченко югуриб чиқди-да, бир он қотиб қолди, сўнгра тепаликдан биз томонга қараб ўқдек учди. Мен ҳатто, бирон нарса бўлдими деб қўрқиб ҳам кетдим, аммо Ваня менинг олдимга чопиб келиб, тўхтади ва бармоғини юзига тираб, йиғлаб ёлбориб:

— Антон Семёнович, мен ҳам сизлар билан бирга борай, у ерда туришни хоҳламайман,— деди.

— Ундай бўлса, ёнимга тур,— дедим.

Ваня ёнимга келиб, оёғини қадамимга ростлади-да, бошини баланд кўтариб қаради. Сўнгра менинг унга диққат билан қараб боришимни кўриб, кўзидаги ёшини артиб, ҳаяжон ичида менга жилмайиб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўнғироқхона дарвозаси тагига кирганда барабанларнинг садоси баттар янгради. Сонсиз-саноқсиз куряжлилар бирнеча қатор қилиб тизилган, улар олдида Горовнч қўлини салютга кўтариб, тек қотиб турарди.

8. Гопак

Горькийчилар сафи ва куряжлилар оломони рўпарамарўпара турарди, ораси фақат етти-саккиз метрча келарди. Куряжлиларнинг Пётр Иванович нари-бери тузган сафлари тезда бузилиши дарров ма'лум бўлди, албатта. Бизнинг колоннамиз келиб тўхташи блан куряжлилар қаторлари аралаш-қуралаш бўлиб, дарвозадан то соборгача чўзилиб кетди, қаторнинг иккала боши қайрилиб, икки томонимизни ўраб олиш, ҳатто бутунлай қуршаб олиш хавфи туғилди.

Куряжлилар ҳам, горькийчилар ҳам индамай туришар эди: куряжлилар эсанкираб, оғизлари очилиб қолгани учун индашмасди, горькийчилар эса байроқли сафда турганлари учун индашмас эди. Бу маҳалгача куряжлилар фақат илгор сводний отряд блан келган горькийчиларни билар эдилар: бу горькийчилар ҳамиша коржамада юришарди, ўлардай чарчаган, чанг босган бўларди, юз-қўлларини ювишга ҳам вақтлари бўлмас эди. Ҳозир эса улар олдида диққат блан қараб турган хотиржам чеҳралар, ялт-ялт этган камар ҳалқалари, офтоб қорайтирган оёқларни бўрттириб кўрсатувчи бир текис калта трусиклар қатор тизилиб турарди.

Бир дақиқа давомида, кўзни юмиб очгунча мен, кучимнинг борича куряжлилар оломони қиёфаларининг асосий ма'носини англашга уриниб кўрган эдим, бўлмади. Буларни энди, мен дастлаб келган кундагидек бир-бирига ўхшаган, қош-қовоғини солиб турган оломон деб бўлмас эди. Тўдадан тўдага қарар эканман, тобора янги ва янги ифодаларни кўрардим, ҳатто ба'зилари сира кутилмаган ифодалар бўлар эди. Фақат ба'зи бирлари худди иши бўлмаган одамдай лоқайдлик блан, бетараф қараб турарди. Кичик болаларнинг кўпчилиги ўз завқи ва севинчини яширмасди: улар, худди қўлга олиб ўйнагинг келадиган ва ўзининг гўзаллиги блан ҳавасингни келтирмайдиган ва иззати нафсингни қаяжонлантирмайдиган янги ўйинчоққа қарагандай қарардилар. Нисинов блан Зорень бир-бирларини кучоқлаб, бошни бошга суяб, алланималарни хаёл

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб турар эди, балки улар, бир замонлар келиб, ўзларининг ҳам мана шундай сафда турганларини ва хаёл суриб қолган «эркин» тирмизакларнинг қараб туришларини орзу қилиб қолишганмиди... Бирдан жиддийлашган ва юз мускуллари ҳаракатга келиб, кўзлари жовдираган қиёфалар кўп эди. Бундай қиёфаларда ҳаёт кўз очиб юмгунча ўтарди; бир дақиқа ўтмасданоқ бу қиёфаларнинг ўзлари гапириб берар, гоҳ қойил қолганларини, гоҳ мамнун бўлганларини, гоҳ шубҳа, гоҳ ҳаваслари келганини ифода этарди. Аммо, олдиндан шайлаб қўйилган заҳарханда қиёфалар, масхара ва хазар қилучи қиёфалар бирин-кетин йўқолиб борар эди. Узоқдан барабанларимизнинг овозини эшитибоқ бу кишилар қўлларини чўнтакларига солиб, белларини парвосизлик блан эгиб олган эдилар. Буларнинг кўпи олдинги қатордаги горькийчилардан Федоренко, Корито, Нечитайлоларнинг шердек гавдаларн ва қўлларининг мускулларини кўриб, шалвайиб қолган эди: уларнинг олдида ўз гавдаларн пачақ кўринган эди. Бошқалари анча кейинроқ, юз йигирмата боланинг ҳатто энг кичкинасига ҳам тегиш мумкин эмаслиги равшан бўлгандан кейин думларини қисиб қолди. Юз йигирмата боланинг энг кичиги — Синенький Ванька — ҳаммадан олдинда карнайини тиззасига қўйиб турар ва турганда ҳам гўё кечагина боқимсиз бола эмас, худди саёҳат қилиб юручи шаҳзодаю, орқасида турганларнинг ҳаммаси унинг подшоҳ отаси қўшиб берган маҳрамдай, атрофни бемалол тамоша қилиб турарди.

Индамасдан бир-бирларига қараб турниш фақат бирнеча дақиқа давом этди. Мен икки лагерь ўртасидаги етти метрли масофани ҳам, бир-бирини тамоша қилиб туришларини ҳам дарҳол тугатишга мажбур эдим.

— Ўртоқлар,— дедим.— Шу ондан бошлаб биз ҳаммамиз, тўрт юз киши, бир коллектив бўлдик, коллективимиз Горький номли меҳнат колонияси деб аталади. Буни ҳарбирингиз ҳамавақт эсда тутишингиз керак, ҳарбирингиз, я'ни ҳарбир горькийчи бошқа горькийчига ўзининг энг яқин ўртоғим ва қадрдон дўстим деб қараши керак ва уни ҳурмат қилишга, ҳимоя қилишга ва ёрдамга муҳтож бўлса — ўз ёрдамини аямасликка, хато қилиб қўйса — хатосини тузатишга мажбур. Бизда мустаҳкам интизом ўрнатиладм. Бизга интизом шунинг учун керакки, бизнинг ишимиз кўп ва қийин. Агар интизом бўлмаса, ишимизни ёмон бажарган бўламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен яна, олдимизда турган вазифалар ҳақида, қандай йўллар блан бойишимиз, ўқишимиз кераклиги, ўзимиз ҳамда келажак горькийчилар учун йўл очиб беришимиз кераклиги, ҳақиқий пролетарлар каби тўғри ва ҳалол яшашимиз, колониядан чиққанимиздан кейин ҳам пролетар давлатини қуриш ва мустаҳкамлаш учун ҳақиқий комсомол а'золари бўлиб етишиб чиқишимиз кераклигини гапирдим.

Куряжликларнинг менинг гапимни диққат блан тинглашларини кўриб ҳайрон қолдим. Аксинча, горькийчилар гапимни бепарво тинглар эдилар, бунинг сабаби, балки бу гаплар улар учун эски гап бўлиб, аллақачон қон ва жонларига кириб жойлашиб олганлигидадир.

Аммо, ажабо, нима учун шу куряжлилар бундан икки ҳафта аввал менинг бундан ҳам оташинроқ гапларимни назар-писанд қилмаган эди? Ниҳоятда қийин илм экан, бу педагогика! Улар менинг гапимни орқамда горькийчилар легиони турганидан бўлмаса шу легионнинг ўнг томонида атлас жилдли байроқнинг тек қотиб тургани учун диққат блан тинглашди деб бўлмайди-ку, ахир? Бундай деб бўлмайди, албатта, чунки — педагогиканинг ҳамма аксиома ва теоремаларига зид бўларди.

Мен нутқимни тугатиб, ярим соатдан кейин Горький номли колониянинг умумий йиғилиши бўлади, деб э'лон қилдим; бу вақт ичида колонистлар бир-бирлари блан танишиб, бир-бирларига қўл беришлари ва мажлисга бирга-лашиб келишлари керак, ҳозир эса, одат бўйича, байроқни ичкарига олиб кириб қўямиз дедим...

— Тарқал!

Мен, горькийчилар куряжликларнинг олдига бориб, қўл бериб кўришар деб ўйлаган эдим, аммо бундай бўлмади. Улар, худди сочма ўқдай сачраб ётоқхоналарга, клуб ва мастерскойларга тарқалиб кетдилар. Бундай э'тиборсизликдан куряжлилар хафа бўлишмади, балки уларнинг кетидан чопиб кетишди, фақат Коротков ўз ошналари блан аллашималар тўғрисида секин-секин гапиришиб турар эди. Собор девори ёнидаги қабртошлар устида Брегель блан ўртоқ Зоя ўтирар эдилар. Мен уларнинг ёнига бордим.

— Сизнинг болаларингиз анча олифта кийингани,— деди Брегель.

— Болаларга ётоқ ҳозирлаб қўйилганми?— деб сўради ўртоқ Зоя.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Етоқсиз ҳам кунимиз ўтар,— деб жавоб бердим ва дарҳол янги манзарага қизиқабошладим.

Ступицин отрядининг аъзолари монастирь дарвозасидан бир пода чўчқаларни секин-аста, салмоқ блан ҳайдаб кирабошлади, чўчқалар уч тўда бўлиб келар эди: олдинда уррочи чўчқалар, улар кетидан чўчқа болалари, энг кейинда эса эркаклари келарди. Волохов оғзи қулоғига етиб, ўз штаби блан бирга турарди, Денис Кудлатий эса ҳаммамизнинг эркатойимиз, беш ойлик Чемберленнинг қулоғини қашиб келар эди (унга шу арбобнинг машҳур ультиматуми хотирасига Чемберлен деб от қўйган эдик).

Пода, махсус тайёрлаб қўйилган қўтон томонга қараб йўл олди, алланималар ҳақида завқ блан суҳбатлашиб келаётган Ступицин, Шере ва Халабудалар дарвозадан кириб келишди. Халабуда ҳадеб бир қўлини силкитар, бошқа қўли блан энг кичкина ва қипқизил чўчқа боласини кўкрагига босиб келар эди.

— Роса чўчқалари бор экан-да!— деди Халабуда, бизнинг олдимизга келиб.— Агар одамлари ҳам шунақа яхши бўлса, ишлари жойида, хўп деявер!

Брегель қабртошдан турди-да, қуруққина:

— Ҳарҳолда, ўртоқ Макаренко асосий диққатини одамларга берса керак?— деди.

— Шубҳали,— деди Зоя,— чўчқаларга жой ҳозирлаб қўйишиптию, болаларнинг ётоқсиз ҳам кунлари ўтармиш...

Бирдан Брегель бу нодир ҳодисага қизиқиб қолди:

— Тўғри, Зоя тўғри айтади. Қани, ўртоқ Макаренко, аммо чўчқапарвар Макаренко эмас, педагог Макаренко бунга нима деркин?

Бу сўзларнинг ошкор душманлик блан айтилишидан жуда ҳайрон бўлдим, аммо мен шундай ошкор қўполлик блан жавоб қайтаришни истамадим:

— Рухсат этсангиз, иккала арбоб тилидан, коллектив тилидан жавоб берсам?

— Марҳамат.

— Гап шундаки, колонистлар бу ернинг хўжайини, чўчқалалр эса уларнинг қарамоғидаги бир нарса.

— Сизчи, сиз ким?— деб сўради Брегель, бошқа томонга қараб туриб.

— Хоҳласангиз, мен хўжайинларга яқинроқ турган одамман.

— Сизга ётоқ ҳозирлаб қўйилгандир?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менинг ҳам ётоқсиз куним ўтиб турипти.

Брегельнинг энсаси қотиб, елкасини қисди ва ўртоқ Зояга:

— Бас қилайлик бу гапларни. Ўртоқ Макаренко қалтис ҳазилларни яхши кўради,— деди.

Халабуда хахолаб кулиб юборди:

— Бунинг нимаси ёмон? Ажаб қилади, ҳа! Қалтис ҳазиллар эмиш! Тўмтоқ ҳазилни бошига урадими?

Мен билмасдан кулиб юборибман, Зоя яна менга ёпишиб олди:

— Агар одамлар чўчқа қаторида тарбия этиладиган бўлса, қалтис ва тўмтоқнинг қанақалигини тушунолмай қолдим.

Ўртоқ Зоя ўзининг ғазаб моторларини юргизиб юборди шекилли, шаҳло кўзлари менинг вужудимни тешиб юборгудай, ўқрайди. Мен ҳатто қўрқиб кетдим. Бироқ шу онда юзлари лоладай қипқизил Синенький карнайини кўтариб, ҳовлиқиб келиб қолди-да, лаби лабига тегмай, бидиллай кетди:

— Анови... Лапоть айтдики... унга Коваль бироз сабр қил дейди... Кейин яна: мен айтганимни қилаверсин дейди, ҳа... Кейин яна: агар кетингга чўзаверсанг... болалар ҳам шунақа дейишади... Вой-бў-ўй, ётоқхоналарни кўрсангиз! Болалар ҳам бунга чидаб туриб бўлмайди дейишади. Коваль бўлса олдин сиз билан маслаҳатлашамиз дейди...

— Болаларнинг нима дейишини, Ковальнинг ҳам нима деганини билиб турибман, аммо сенинг гапингга тушунолмай турибман, нима демоқчисан ўзинг?

Синенький уялиб кетиб:

— Мен ҳечнарса демоқчи эмасман... Аммо, Лапоть дейдики...

— Нима дейди?

— Коваль бўлса: маслаҳатлашамиз дейди.

— Ҳа Лапоть нима дейди ахир? Бутун гап шунда-да, ўртоқ Синенький.

Менинг бу хитобим Синенькийга шу қадар ёқиб кетадики, ҳатто:

— А?— деб қайта сўрайди.

— Лапоть нима дейди?

— Лапотьми?.. Лапоть: умумий йиғилишга сигнал чал, дейди.

— Гапни шундан бошлаш керак эди-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа мен айтиб турибман-ку...

Ўртоқ Зоя икки бармоғи блан Синенькийнинг қипқизил юзидан ушлаб, кичкина ва қипқизил лабларини қисиб туриб:

— Вой, қандай чиройлик гўдак экан бу!— деди.

Синенькийнинг энсаси қотиб, Зоянинг меҳрибон қўлларидан чиқади-да, кўйлагининг енги блан лабларини артиб, Зояга хўмрайиб қараб:

— Гўдак дейди... Анови кишини қаранг!.. Агар мен шунақа қилсам нима бўларди?.. Мен гўдак эмасман... Колонистман...— деди.

Халабуда Синенькийни карнайи блан бирга баланд кўтарди.

— Жуда бопладинг, боплаб жавоб бердинг, қойилман, аммо шундай бўлса ҳам чўчқачасан.

Бу гаплар Синенькийга жуда ёқиб кетди ва чўчқачасан деганинга ҳам э'тироз билдирмади. Аммо, Зоя дарров гапни илиб олиб:

— Буларда чўчқача деган ном ҳаммадан ҳам афзал бўлса керак, назаримда,— деди.

— Қўйсангчи!— деди Халабуда аччиғи келиб ва Синенькийни ерга тушириб қўйди.

Энди яна жанжал бошланай деб турган пайтда Коваль, унинг кетидан Лапоть келиб қолди.

Коваль худди қишлоқ йигитидай, бошлиқлар олдида уяларди ва Брегельнинг орқасидан туриб менга, четроққа чиқиб гапиришиб олайлик деб имлади. Лапоть эса бошлиқлардан тортинмасди:

— Мана бу Ковалькин қаранг, бу ерда унга пар тўшаклар ҳозирлаб қўйилган деб ўйлайди. Менимча, ҳеч кечиктирмаслик керак. Ҳозир мажлисни очиб, ҳаммаларига декларациямизни ўқиб беришимиз керак.

Коваль бошлиқлар олдида гапиришга мажбур бўлганидан, қипқизариб кетди, буниинг устига бошлиқлар хотин, буларни у дилида иккинчи сорт бошлиқлар деб юрарди, аммо ўз нуқтаи назарини ўртага ташлашдан тортинмади:

— Пар тўшакларингни бошимга ураманми, бема'ни гапларингни қўй!.. Мен фақат: бизнинг декларациямизга уларни бўйсундиришга мажбур этамизми, йўқми? дейман. Мажбур этганда ҳам қандай мажбур этардинг? Ёқасидан бўғасанми ё кўкрагидан ушлаб мажбур қиласанми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Коваль қўрқа-писа Бретельга қараб қўйди, аммо катта хавф бошқа томондан бостириб келмоқда эди:

Қандай қилиб ёқасидан бўғасизлар?— деб қолди ташвиш тортиб ўртоқ Зоя.

— Пўге, шунчаки айтдим-да,— деди Коваль, баттар қизариб.— Ёқасидан бўғиб нима қилардим, бошида қолсин! Эртага горкомга бориб айтаман, эртагаёқ мени қишлоққа ишга юборсин...

— Ҳозир сиз: «мажбур этамиз» дединг из. Қандай қилиб мажбур этмоқчисиз?

Ковальнинг жаҳли чиқди, бошлиқлардан ихлоси қайтди-да, ҳатто бошқа томонга йўл тутиб:

— Йўқолиб кетсин-е!.. Нимага ёпишаверасиз! Бу ерга нимага келдик, ишлаганими ё хотинлар билан гап сотганими!.. Боре, келган жойингга!..— деди-да, чанг босган этиклари билан монастирьнинг ғишт тротуарлари қолдиқларини қўпориб, клуб томонга қараб кетди.

Лапоть Зоянинг олдига келиб, иккала қўлини керди:

— Қандай мажбур этишимизни мен сизга тушунтириб беришим мумкин. Мажбур қилиш дегани... ҳа мажбур қилиш дегани-да, яна нима бўларди!

— Ана, ана, кўрдингми?— деди ўртоқ Зоя, Бретель олдида жиккам-дуккам сакраб.— Қани, қани, бунга нима дейсан?

— Синенький, умумий йиғилишга сигнал чал,— деб буюрдим.

Синенький Халабуданинг қўлидан сигналини тортиб олди-да, собор крестларига қаратиб, жимликни шўх ва шунинг билан бирга ташвишли стаккато[1] садоси билан йиртиб юборди. Ўртоқ Зоя иккала қулоғини бармоғи билан беркитиб олиб:

— Е худо, карнайларини айтмайсанми!.. Командирлар!.. Казарма!..— деди.

— Зарари йўқ,— деди Лапоть,— қайтангга гапнинг нималигини билдиргиз.

— Бундан кўра қўнғироқ яхшироқ эмасми,— деди мулойимгина э'тироз билдириб Бретель.

— Бе, қўнғироқ нима! Қўнғироқ — тентак бир нарса, нуқул бир хилда жаранглайди. Мана бу сигналнинг ақли бор: умумий мажлис десанг умумий мажлисга чақиради. Бундан бошқа, «командирлар мажлиси»нинг сигнали бор,

---

[1] Бу ўринда — жуда тез чалишни айтилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«уйқу» сигнали бор, яна тревога сигнали ҳам бор! Манови Ванькамиз бир тревога сигнали чалдими, бўлди, ўликлар ҳам гўрда тинч ётмайди, сиз ҳам югурасиз.

Биноларвабостирмалардан, монастирь деворларинг орқасидан тўда-тўда колонистлар чиқиб, клуб томонга қараб чопди. Кичик болалар югуришар, броқ атрофда янги ва янги нарсаларга кўзи тушиб, дарров тўхтаб қолар эдилар. Горькийчилар блан куряжлилар аллақачон аралаш-қуралаш бўлиб кетган ва, афтидан, насиҳат-ўгитга ўхшаган аллақандай нарсалар тўғрисида бир-бирлари блан гапиришиб юрар эдилар. Аммо, куряжлиларнинг аксарияти ўзини четга олиб юрарди.

Бўш ва салқин клуб болаларга лиқ тўлиб кетди, аммо оқ кўйлакли горькийчилар бошқалардан ажралиб, меҳроб сўрисига яқинроқ келиб турар эди, бунинг Таранец томонидан ҳар эҳтимолга қарши кучни бир ерга тўплаш мақсадида қилинганини пайқадим.

Горькийчиларнинг озлиги кўриниб турарди. Тўрт юз киши тўпланган мажлисда ниҳояти элликтача горькийчи бор эди: иккинчи, учинчи ва ўнинчи отрядлар сигир-моллари ни жойлаштириш блан банд эди, Осадчий ихтиёрида рабфакчилардан ташқари, яна йигирматача бола Рижов станциясида қолган эди. Ундан ташқари, бизнинг қизларимиз ҳисобга кирмас эди. Куряж қизлари уларни самимий равишда қучоқлаб, ўпишиб кутиб олган ва Оля Ланова астойдил тартибга солган ўз ётоқларига жойлаштирган эдилар.

Мажлисни очиш олдидан Жорка Волков қулоғимга шивирлаб:

— Дангал бошлайверайми?— деб сўради.

— Дангал бошлайвер,— деб жавоб бердим.

Жорка меҳроб сўрисига чиқди-да, биз ҳазиллашиб декларация деб атаган нарсани ўқишга шайланди. Бу декларация — горькийчилар комсомол ташкилотининг қарори эди, Жорка, Волохов, Кудлатий, Жевелий ва Горьковскийлар бу қарорга бирталай ташаббус, ўткир гаплар, русларга хос тантилик ва соддалик бағишлаган, ме'ёрида биз горькийчиларга хос аччиқ гаплар, дўстона меҳрибонлик ва ўртоқларча қаттиққўллик қўшган эдилар.

Гарчи декларацияни муҳокама қилишда кўп киши қатнашган бўлса-да (Куряжда уни бюро а'золари бирнеча марта муҳокама қилган, мен колонияга борганимда Коваль ҳамда комсомол активи блан биргаликда яна бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

марта кўриб, текшириб чиқилган эди), шу онгача махфий сақланиб келар эди.

Жорка қисқагина кириш нутқи сўзлади:

— Колонист ўртоқлар, очиғини айтиш керак: нимадан бошлашимизни билолмай қолдик! Аммо, мен сизларга ҳозир комсомол ячейкасининг қарорини ўқиб эшиттираман, шундан кейин нимадан бошлаш кераклиги ва ишимизнинг қандай кетиши ма'лум бўлади. Ҳозирча сен ишламайсан, комсомол ҳам эмассан, пионер ҳам эмассан, кимлигинг нома'лум, ҳамаёғинг ифлос, ҳақиқатан ҳам кимсан ўзинг? Сени қайсибир нуқтадан туриб кўриш мумкин? Сен қандала, суварак, бурга ва шу каби маҳлуқларнинг емисан—сени тўппа-тўғри шундай деб билиш керак.

— Биз айбдормиз!— деб бақирди аллаким.

— Бўлмасачи, албатта ўзларинг айбдорсизлар,—дарҳол жавоб қайтарди Жорка.— Айб ўзларингда, айбдор бўлганда ҳам қандоғ! Текинхўр бўлиб яшашга, инжиқлик қилишга қандай ҳақларинг бор? Ҳечқандай ҳақларинг йўқ, вассалом! Шунинг билан бирга, ҳамаёқларинг ахлатга тўлиб ётипти. Бундай ахлатхонада яшашга қайсибир инсоннинг ҳақи бор? Биз чўчқаларимизни ҳар ҳафта совунлаб чўмилтирамиз, кириб кўрсаларинг зарар қилмайди. Ё сизлар, бирон чўчқа чўмилишни ёмон кўради, «кўтар совун-повунингни!» деб қичқиради деб ўйлайсизларми? Ҳеч ҳам бунақа демайди, балки аксинча, бизга эгилиб та'зим бериб, «раҳмат» деб туради. Сизларда бўлса икки ойдан бери совун йўқ эмиш...

Оломон орасидан аллаким хафалик билан:

— Беришмаса нима қиламиз?— деди.

Жорканинг синфий душман билан тунги учрашувидан бери кўкариб ётган юзи хўмрайди, қовоқлари солинди:

— Сенга совунни ким бериши керак? Бу ерда сен хўжайин! Рўзғордаги нарсаларни ўзинг ҳисоблаб юришинг керак.

— Сизларда ким хўжайин? Макаренкодир?— деб сўради аллаким ва дарров ўзини оломон ичига олди.

Одамлар савол берилган томонга қаради, ўша томонда турганлар ҳам қараган эди, ўртада бирнеча башара тиржайиб кулиб турганни кўринди.

Жорка оғзини катта очиб жилмайди:

— Вой аҳмоқлар-ей! Антон Семёновичга биз ишонамиз, у бизнинг одам, биргалашиб ишлаймиз. Бу саволни берган одам каттакатта аҳмоқ экан. Аммо, бу саволни бер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган одам хотиржам бўлсин, биз бундан ҳам аҳмақроқ одамларга ақл киритиб қўямиз, бунисн ҳали атрофга термулиб, менинг хўжайиним қайси? деб ўтирган экан-ку...

Клубни кулги босиб кетди: Жорка, ўз хўжайинини излаётган одамни жуда ўхшатиб масхара қилиб кўрсатган эди.

Жорка давом этди:

— Советлар мамлакатида пролетарий хўжайин, ишчи хўжайин. Сизлар бўлса бу ерда ҳукуматнинг овқатини еб, тагларингни булғаб ўтирибсизлар, товуқдек сиёсий онгларинг йўқ.

Мен Жорка бу куряжлилар жиғига ҳаддан ортиқ тегиб кетмасайди, мулойимроқ гапирса ҳам бўлар деб ташвишланабошлайман. Шу онда яна ўша сирли товуш:

— Кўрармиз, сизларнинг қандай булғатишларингни!— деб бақирди.

Клубда хунук кулги тўлқини кўтарилди, кўплар гапнинг ма'носига тушунгандай, мамнун бўлиб жилмайиб қўйди.

— Кўришинг мумкин, бемалол,— деб жавоб берди Жорка, жиддий ва мулойим оҳангда.— Мен ҳатто ҳожатхона олдига сенга кресло қўйиб бераоламан, ўтириб бемалол кўраверасан. Қайтанга, сен учун бу жуда фойдали бўлади, чунки ҳовлига чиқиб келишни ҳам билмайсан. Бу кичкина ҳунар бўлса ҳам, буни ҳамма билиши керак.

Куряжлиларнинг юзи қипқизил лаълаги бўлиб кетган бўлса ҳам, кулгиларини тияолмас эдилар, бир-бирларини ушлаб, завқланганларидан тебранар, чайқалар эдилар. Қизлар, юзларини печкага ўгириб, чинқирар ва оратордан хафа бўлар эдилар. Фақат горькийчилар Жоркага фахрланиб қарар ва кулгиларини одоб блан тийиб турар эдилар.

Куряжлилар кулиб бўлишди, уларнинг Жоркага тикилган кўзлари катта-катта очилиб, худди Жорканинг тўғри ва фойдали программасини эшитиб мамнун бўлгандай, жилваланди.

Инсон ҳаётида программа жуда катта аҳамиятга эга. Ҳатто энг ношуд одам ҳам, агар кўз олдида баланд-паст, ўнқир-чўнқир, ботқоқ ва қатқалоқ ерни кўрмай, энг оддий истиқболнинг йўлчаларини ёки эгри-бугри йўлларини, йўлдаги кўприкларини, экилган дарахт ва қўндирилган устунларини кўраолса,— шундай одам ўзини режага солабошлайди, ўз истиқболига завқ блан қарайбошлайди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

табиат ҳам унинг кўзига тартибли бўлиб кўринади: мана бу томоним ўнг томоним, мана бу томоним чап томоним, йўлга яқинлашдим, йўлдан йироқлашдим деб, ҳар нарсанинг фарқига борадиган бўлади.

Биз ҳарқандай истиқболнинг, ҳатто бирон-та ширин кулча, бир чақмоқ қанд ҳам ва'да қилмайдиган истиқболнинг ҳам улуғ аҳамиятга эга эканлигига ишонар эдик. Жорка комсомол ячейкасининг мажлисда ўқиб берабошлаган декларацияси ҳам худди шу асосда тузилган эди:

«Горький номли меҳнат колонияси ЛКСМ ячейкасининг 1926 йил 15 майда чиқарган қарори.

1. Эски горькийчиларнинг отрядлари ҳамда Куряждаги янги отрядларнинг ҳаммаси тарқатилган деб ҳисоблансин ва дарҳол қуйидаги составда янгитдан йигирмата отряд тузилсин... (Жорка колонистларнинг отрядларга бўлинган рўйхатини ва командирларнинг номини алоҳида ўқиб эшиттирди).

2. Ўртоқ Лапоть — командирлар советининг секретари бўлиб, Денис Кудлатий—хўжалик мудири бўлиб, Алексей Волков — омборчи бўлиб қолаверадилар.

3. Командирлар советига ушбу қарорда кўрсатилган ҳамма тадбирларни амалга ошириш ва колонияни мукаммал суратда Маориф Халқ Комиссарлиги ҳамда Округ Ижроия Комитети вакилларига ҳосил байрами куни мукаммал суратда топшириш вазифаси юкланади, ҳосил байрамининг биринчи куни тегишли суратда ўтказилсин.

4. Дарҳол, я'ни 17 май куни кечқурунга қадар, собиқ Куряж колониясида тарбияланиб келганларнинг бутун устки ва ички кийимлари, чойшаблари, кўрпа-тўшаклари, сочиқлари ва бошқа буюмлари,— давлатники бўлса давлатники, ўзиники бўлса ўзиники,—йиғиштириб олинсин ва ўша куниёқ дезинфекцияга топширилсин, дезинфекциядан чиққандан кейин эгасига берилсин.

5. Ҳамма тарбияланучи ва колонистларга эски колонияда қизлар томонидан тикилган трусик билан ёқасиз кўйлак берилсин, бир ҳафтадан кейин, я'ни бунинси ювишга берилгандан кейин, яна бир сидра кийимбош берилсин.

6. Қизлардан бошқа ҳамма тарбияланучилар сочларини машинкада олдирсин ва уларга дарҳол духоба дўппи берилсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

7. Ҳамма тарбияланучилар шу бугун истаган жойларида чўмилишсин, кирхона эса қизлар ихтиёрига берилсин.

8. Отрядларнинг ҳечқайсиси ётоқхонага кириб ётмасин, илгариги мактаб биноси ремонт қилиниб ва у ерда ётоқхона жиҳозланиб бўлгунча ҳовлида, дарахт тагларида ёхуд истаган жойларида ётиб турсин.

9. Фақат эски горькийчилар ўзлари билан олиб келган тўшак, кўрпа ва ёстиқларда ётсин, етишмаса ҳарбир отрядга ўзаро жанжалсиз тақсимлансин.

10. Етадиган нарса йўқ деб ҳечким шикоят қилмасин, нолимасин, бунинг иложини топишга ҳаракат қилинсин.

11. Отрядлар икки бўлиниб обедга келсин, ҳечким отряддан отрядга ўтиб юрмасин.

12. Покизаликка энг катта эътибор берилсин.

13. 1-нчи августгача тикувчилик мастерскойларидан бошқа ҳамма мастерскойлар ишламасин, ҳамма қуйидаги ишларда ишласин:

Монастирь девори бузиб ташлансин, ундан чиққан ғиштлардан уч юз бош чўчқа сиғадиган чўчқахона қурилсин.

Ҳамма дераза лар, эшиклар, панжаралар, кроватьлар бўятилсин.

Дала ва люлиз ишлари.

Ҳамма мебель ремонтдан чиқарилсин.

Бутун қўра ҳамда жарнинг ҳамаёқлари мукаммал тозалансин, йўлкалар, гулзорлар ҳамда оранжерея қурилсин.

Ҳамма колонистларга биттадан яхши костюм тикиб берилсин, қишга оёқ кийими олиб борилсин, ёзда эса ялангоёқ юрилсин.

Ҳовузнинг ичи тозаланиб, чўмиладиган қилинсин.

Теплицанинг жанубий ёқасида янги боғ кўкартирилсин.

Мастерскойларда август ойидан иш бошлаш учун станоклар, материаллар ва асбоблар ҳозирлаб қўйилсин».

Декларация ташқи томонидан содда ва жўн бўлишига қарамасдан ҳаммага жуда қаттиқ таъсир қилди. Унинг аниқлиги ва талабчанлиги ҳатто биз авторларни ҳам ҳайратда қолдирди. Ундан ташқари,— буни куряжлилар кейин айтишларича — декларация,.бизнинг горькийчилар келишидан олдин кўрсатган ҳаракатсизлигимиз катта

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақсадларни, махфий суратда тайёрланиб, ҳархил воқиаларни ҳисобга олиб юрганимизни яққол кўрсатар эди.

Комсомоллар янги отрядларни жуда яхшилаб тузиб чиққан эдилар. Жорка, Горьковский ҳамда Жевелийларнинг усталиги куряжлиларнинг ҳаммасини худди дорихонадагидай аниқ тақсимлашга, дўстлик ҳамда чекки йўқ нафрат аломатларини, характерларни, мойилликларни, интилиш ҳамда майлларининг бор ва йўқлигини назар-э'тиборга олишга, ҳисоблаб чиқишга имкон берди. Илғор сводний отрядимиз икки ҳафтагача ётоқхоналарни бекорга айланиб юрмаган эди-да!

Горькийчилар ҳам худди шундай инсоф блан тақсимланган эди: кучли ва ожизлар, гайратли ва ношудлар, сипоҳ ва хушчақчақ болалар, ҳақиқий инсонлар ва тахминий одамлар,— ҳаммаси ҳархил фикр-мулоҳазага қараб, ўз жойини топди.

Декларациянинг кескин сатрлари ҳатто кўпгина горькийчилар учун ҳам кутилмаган янгилик эди; куряжлиларнинг ҳаммаси эса Жорка ўқиб берган декларацияни эшитиб, эсанкираб қолди. Декларация ўқилаётган пайтда ба'зилар эшитмай қолган сўзни ёнидаги ўртоқларидан секин сўрарди, ба'зилар ҳайрон бўлиб оёқ учига турардида, бўйинларини чўзиб атрофга қараб қўярди, ба'зилар декларациянинг энг ўткир жойи келганда ҳатто «Оҳо!» деб юборарди, аммо Жорка декларацияни ўқиб бўлгандан кейин бутун зал сув сепгандай жимжит бўлиб қолди, бу жимжитлик ҳамманинг юзида: «Энди нима қиламиз? Қаёққа қочамиз? Бўйсуниш керакми, ё қаршилик кўрсатиш ва тўполон кўтариш керакми? Чапак чалайликми ё боплаб сўкайликми?» деган саволларни ифода этарди.

Жорка бир парча қоғозни камтарлик блан буклади. Лапоть шишиб кетган кўзларини ҳаммага истеҳзо блан тикиб, тиржайиб туриб, деди:

— Менга бу тўғри келмайди. Мен эски горькийчиман, ўзимнинг кроватим, тўшагим, одеялим бор эди. Энди бир куним бута тагига кириб ётишмиди? Қани, ўша мен тагига кириб ётадиган бута? Кудлатий, сен менинг командиримсан, айтчи, қани ўша бута?

— Мен сенга аллақачон танлаб қўйганман.

— Бутанинг бирон мева-певаси борми? Олчами, олмами бордир, ахир? Булбули бўлса яна яхши бўларди... Булбули борми, Кудлатий?

— Ҳозирча булбулдан йўқ, зағизғон десанг — бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Заҳизғон? Шахсан менга заҳизғон тўғри келмайди. Сайрашининг мазаси йўқ, иннайкейин, ҳадеб интизомдан бўйин товлайверади. Жуда бўлмаса, битта-яримта майна қўндириб қўй.

— Хўп, майна қўндириб қўяман!— деб қаҳқаҳлаб кулади Кудлатий.

— Кейин...— Лапоть худди азоб чекаётган одамдай, атрофга афтини буришгириб қаради.— Биз учинчи отряд эканмиз... Рўйхатни берчи... Ҳа... Учинчи... Эски горькийчилар бир, икки, уч... саккиз киши экан. Демак, бизда саккизта одеял, саккизта ёстиқ, саккизта тўшак бор экан, болаларнинг ҳаммаси эса йигирма иккита. Бу ҳам менга тўғри келмайди. Қани, кимлар бор экан, кўрайлик-чи? Масалан, дейлик, Стегний. Қани, Стегний деганларинг ким? Қўлингни кўтар! Қани, бери келчи! Келавер, келавер, қўрқма!

Тош даврдан бери юз-қўлларига сув тегмаган, офтобда айниб кетган сочларига сартарош қайчиси тегмаган, юзидаги қизил, қофоси ва кири мураккаб симфония ҳосил қилиб, кўп ерлари ёрилиб кетган бир ёш бола меҳроб сўрисига чиқди. Стегний, гавдасининг оғирлигини гоҳ қопқорайиб кетган бир оёғига, гоҳ бошқа оёғига ташлар ва ҳаракатсиз кўзларини, катта-катта оппоқ тишларини очиб, сўридан оломонга ишшайиб турарди.

— Сен блан бир кўрпа ёпиб ётаманми? Айтчи, кечаси тепкилаб чиқмайсанми?

Стегнийнинг оғзидан сўлаги чиқиб кетди, мушти блан артмоқчи бўлган эди, аммо қопқора мўштини кўрсатишдан уялиб, чириб кетган узун кўйлагининг этаги блан артди.

— Йў-ўқ...

— Хўш... Қани, айтчи, ўртоқ Стегний, кечаси ёмғир ёғса нима қиламиз?

— Қочамиз, ги-ги...

— Қаёққа қочамиз?

Стегний бироз ўйлаб турди-да:

— Ким билади,— деб жавоб берди.

Лапоть ташвишланиб Денисга қаради:

— Денис, ёмғир ёғиб қолса, қаёққа қочамиз?

Денис бўйинни олдинга чўзди-да, кўзларини хоҳолларга хос бир тарзда қисиб туриб, мажлисга қаради:

— Бу тўғрида бошқа командир ўртоқларининг нима фикрдалигини билмайман, декларацияда ҳам бу ҳақда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳечнарса дейилмаган. Менимча, шундай: башарти ёмғир ёғиб қолгудай бўлса ё бирон бошқа нарса бўлса, учинчи отряд қўрқмаса ҳам бўлади. Дар'ё яқин, отрядни дарров дар'ё бўйига бошлаб бораман. Аслини суриштирганда, дар'ёга тушилса ёмғир зарар қилмайди. Агар сувга шўнғилса бирон томчи ёмғир ҳам тегмайди. Қўрқадиган ери йўқ, қайтангга гигиена учун фойдаси бор.

Денис, Лапотьга бамайлихотир қараб қўйди-да, четга чиқиб турди. Бирдан Лапотьнинг жаҳли чиқиб кетди ва келажакдаги улуғ ҳодисаларни хаёл қилиб, мудраб турган Стегнийга қараб:

— Эшитдингми? Ё йўқми?— деб бақирди.

— Эшитдим,— деди Стегний, хушвақтлик билан.

— Эшитган бўлсанг — бўпти, менинг кўрпамда бирга ётамиз, майли. Аммо олдин сени ўша дар'ёга олиб бориб, обдан ювиб тозалайман, бошингдаги жунларингни ҳам олдириб ташлатаман. Уқдингми?

— Ҳа уқдим-е!— деб ишшайди Стегний.

Лапоть юзидаги ҳазилкашлик ниқобини олиб ташлади-да, сўрининг четига яқинроқ келиб турди:

— Демак, ҳамма гап равшан-а?

Ҳар ердан:

— Равшан!— деб бақиришди.

— Бўпти, равшан бўлса. Тўғрисини айтавериш керак: бу қарор... ҳаммага ҳам ёқадиган қарорлардан эмас, албатта. Шундай бўлса ҳам, умумий мажлис қабул қилиши керак, бошқа йўл йўқ.

Бирдан ноумидлик билан қўлини силтади-да, худди йиғлаб юборадиган одамдай:

— Овозга қўй, Жорка!— деди.

Мажлис хахолаб кулиб юборди. Жорка қўлини чўзиб:

— Овозга қўяман: кимда-ким қарорни қабул қиламан деса — қўлини кўтарсин! — деди.

Биргалай қўл осмонга кўтарилди. Қўшинимнинг ҳамма қаторларига диққат билан қараб турардим. Ҳамма, ҳатто эшик олдида турган Коротков ҳам ўз жўралари билан бирга қўл кўтарди. Қизлар бошларини ёнларига эгиб пуштиранг кафтларини тантанали суратда баланд кўтариб, жилмайиб турардилар. Мен, коротковчилар нима учун қўл кўтаришдийкин? деб ҳайрон бўлардим. Коротковнинг ўзи деворга суяниб, саҳнада ўтирган бизларни чиройлик кўзлари билан бемалол тамоша қилиб, қўлини баланд кўтариб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу онинг тантанасини Боровой келиб бузди. Кайфи жуда хуш бир ҳолатда залга кириб келди-да, остонага қоқилиб, каттакон гармошкасини бўкиртириб:

— Ийя, эгалари кепти-да? Ҳозир, ҳозир... шошманглар... туш чалиб берай, мен бир тушни... биламанки...— деб бақирди.

Коротков қўлини Боровойнинг елкасига қўйди-да, кўзларн блан имлаб бир нарсалар деди. Боровой бошини баланд кўтариб, оғзини очганича қолди, аммо гармошкасини ҳамон чўзиб, чалишга шайланиб турарди,— ҳар онда шиддат блан чалиб юбориши мумкин эди.

Жорка овозга қўйиш натижасини э'лон қилди.

— Комсомол ячейкасининг таклифи қабул қилинсин деганлар — уч юз эллик тўрт киши. Битта ҳам қарши йўқ. Демак, бир овоздан қабул қилинди деб ҳисоблаймиз.

Горькийчилар кулишиб, бир-бирларига қарашиб, чапак чалабошладилар, бирдан ҳаяжонланиб кетган куряжлилар ҳам ўз ифодаларини билдиришнинг янги шакли бўлган чапакка қўшилишди ва эҳтимол, инсон коллективи қарсакларининг қувноқ садолари монастирь гумбазлари остида биринчи марта янграгандир. Майда болалар панжаларини кериб, қўлларини гоҳ бошларига кўтариб, гоҳ қулоқларига қўйиб анча вақтгача, то Задоров саҳнага чиққунгача чапак чалиб турди.

Задоровнинг келганини кўрмабман. Афтидан, Рижовдан бир нарса ортиб келганга ўхшайди, чунки юзлари ва усти-бошлари оппоқ эди. Ҳарқачонгидек, ҳозир ҳам у кўзимга ниҳоятда тоза ва содда, қувноқ кўринарди. Ҳозир ҳам у, аввало мажлисга ўзининг ниҳоятда чиройлик табассумларидан бирини тақдим этди.

— Дўстларим, мен сизларга икки оғиз гапирмоқчиман. Гап бундай: мен — энг биринчи, энг эски горькийчиман, бир вақтлар мендан расво одам йўқ эди. Антон Семёновичнинг эсида бўлса керак. Эндиликда мен Технология институтининг биринчи курсида ўқувчи студентман. Шунинг учун айтаманки, сизлар ҳозир жуда яхши, жуда ажойиб қарор қабул қилдинглар, аммо ростини ҳам айтиш керак, қарор жуда оғир, ниҳоятда бажариш қийин бўлади!

Қийинлнкни ифодалаш учун бошини чайқаб қўйди. Залда самимий дўстона кулги кўтарилди.

— Аммо, бўлар иш бўлди. Қабул қилдингларми — тамом. Буни ҳеч эсдан чиқармаслик керак. Балки орала-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рингдан бирон кимса: қабул қилиш ҳеч гап эмас, қабул қилаверамиз, кейин бир гап бўлар деб ўйлар. Бундай одам — одам эмас, газандадан ҳам баттар, ифлос ва расво бир газанда, билдингларми? Бизда битта қонун бор: кимда-ким умумий мажлис қарорини бажармаса — тўрт томони очиқ, туёғини шиқиллатиб қолсин!

Задоров оппоқ оқариб кетган лабларини қаттиқ юмиб, муштини баланд кўтарди.

— Ҳайдаб юборилади!— деди, муштини тушириб.

Оломон янги даҳшатларни кутиб, жим бўлиб қолди, аммо шу онда оломон орасидан Карабанов келабошлади, унинг ҳам ҳамаёғи бўялган, аммо у қорага бўялган эди; ҳамма ҳайрон бўлиб, жим турганда, Карабанов:

— Кимни ҳайдаш керак? Мен дарров боплайман бу ишни!— деди.

— Умуман айтилаяпти,— деди Лапоть бамайлихотир.

— Мен умуманига ҳам, ҳархилига ҳам боплайвераман. Аммо, нега ҳаммангизнинг қовоқларингдан кор ёғиб турипти?

— Ҳа йўқ, ўзимиз, шундай,— деди аллаким.

— Бундай бўлмасин-да! Келишларинг билан тарвузларинг қўлтиғингдан тушипти-да? А? Музика қани?

— Бор, бор, музика тайёр!— деб чақириб юборди Боровой севиниб, ва гармошкасини бўкиртирди.

— Ой Музика ҳам бор экан! Қани, довра олинглар, довра! Ҳой қизлар, печка ёнида исиниб бўлгандирсизлар, ким гопакка тушади? Наталка, жонимнинг ороми! Болалар, бизнинг Наталкани бир тамоша қилинглар!

Болаларнинг кайфи чоғ бўлиб, Наташа Петренконинг тип-тиниқ кўзларига, ўрим-ўрим сочларига, лоладай қизариб кетган юзи ва сал қийшиқ ўсиб чиққан бир тишига қарадилар.

Боровой худди маэстроларга[1] ўхшаб гердайиб жилмайди-да:

— Демак, гопак[2] буюрдингизми, ўртоқ?— деди ва гармошкасини бўкиртирди.

— Ўзинг нимани чалмоқчи эдинг?

— Мен вальс ҳам чалаверaман, падипатинер ҳам қўлимдан келади, дэспань десанг дэспань ҳам чалиб бераверaман, ҳаммасини биламан.

---

[1] Дирижёр.

[2] Украинча рақс.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Падипатинерингни кейин чалиб берасан, отахоним, ҳозир гопакдан ол.

Боровой, Карабановнинг хореографиядан саводи йўқлигига жилмайди-да, бироз ўйлаб туриб, бошини пастга эгди ва бирдан гармошкасини чўзиб, бошқа бир шўх куйни чалди. Карабанов иккала қўлини икки ёнига кериб, турган еридан ўйинга тушакетди, у шамолдай тез ва ҳар дамда оёқларини букиб, чўққайиб, яна кўтарилиб, ўйнарди. Юзлари лоладек қизғизариб турган Наташанинг киприклари бир кўтарилди-ю, яна пастга қарадм. Наташа ҳечкимга қарамасдан, одми, аммо байрам кунлари киядиган юбкасининг текис дазмолланган бурмаларини секин-секин силкитиб, аста-секин ўртага сузакетди. Семён этигининг пошнаси блан ерни гурсиллатиб бир тепди-да, оёқларини ҳар томонга ташлаб, бутун клубни талир-тупур блан тўлдириб, Наташа атрофида ишшайиб айланабошлади. Наташа киприкларини кўтариб, Семёнга фақат гопак ўйинидагина ишлатиладиган ва рус тилига: «Барно йигит экансан, яхши ўйнар экансан, аммо осойишта қадам ташлагил!..» деб таржима қилинадиган ишора блан боқди.

Боровой музикани янада авжга миндирди, Семён баттар қизишиб кетди. Наташа ўйинга шодлик қўшди: юбкаси ҳам энди секин-секин липилламай, оёқлари атрофида ҳилпирайди, тўлқинланади. Куряжлилар доврани каттароқ олдилар, енглари блан бурунларини нари-бери артиб, б ринмалар деб вағир-вуғур қилабошладилар Бутун клуб ичини рақснинг дўпир-дўпири, гармошканинг шўх ва янграган садоси босиб кетди.

Шундан кейин оломон ичида икки қўл кўринди ва болаларнинг юмшоқ болдирларини қаттиқ ушлаб икки томонга ёриб, ўртага Перец чиқди, икки қўлини биқинига тиради-да, қизиб турган ўйин ўртасида оёқларини секин ликиллатиб, Наташага кўзларини қисиб қараб турди. Назокатли ёқимтой Наташа кўзларини сал очиб, Перецга ғурур блан қараб қўйди ва олтоқ кўйлагининг гул солиб тикилган елкасини унинг бурни тагига келтириб бир силкитди-да, бирдан ўртоқларча содда ва дўстона, худди шу онда Перецга ёрдам қўлини чўзган комсомолдай ма'нодор ва тушунарли табассум қилди.

Перец бу қарашга чидаш беролмади. Ниҳоятда узоқ кўриниб кетган бу он у атрофга кўзларини жовдиратиб қараб турди, вужудидаги аллақандай истеҳком ва бас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тионларни бузиб, қўпориб ташлади-да, осмонга бир сакраб, эски кепкасини ерга бир уриб, ўйин гирдобига шўнғиди. Семён тишининг оқини кўрсатиб ишшаяр, Наташа янада тезроқ чайқалиб, куряжлиларнинг ёнидан айланакетди. Перец ўзи билган, қандайдир тентакнамо, чапанича ва қизиқ бир ўйинга тушар эди.

Мен эшик томонга кўз ташлаб қўйдим. Коротковнинг жилдий кўзлари бироз юмилиброқ кўринар, оппоқ пешонасида, юзи ва лабларида билинар-билинмас ўзгариш сезилар эди. У бир йўталиб олди, атрофга қараган эди, менинг унга қараб турганимни кўриб, бирдан мен томонга қараб келабошлади. Ёнимга етиб келмасданоқ, аллакимнинг елкасидан ошириб менга қўл узатди-да, хириллаган овоз билан:

— Антон Семёнович! Бугун сиз билан кўришганим йўқ эди,— деди.

— Яхшимисан,— дедим ва кўзларига кулиб қарадим.

Коротков юзини ўйновчиларга бурди, кейин яна менга қаради ва бошини баланд кўтариб, яна хириллаган овози билан:

— Ўйинни боплар экан, хуварилар!..— деди.

9. Ўзгариш

Узгариш умумий мажлис тугаши биланоқ бошланиб, уч соатча давом этди.— биронта ўзгариш бунчалик қисқа вақт ичида юз берган эмас.

Жорка, қўл силтаб мажлис ёпилганини билдиришни биланоқ, клубда шовқин-сурон кўтарилди. Командирлар, оёқларининг учида кўтарилиб, овозларининг борича ўз отрядларининг а'золарини бақириб чақирар эдилар. Клуб ичида йигирматача оқим пайдо бўлди, бу оқимлар кўҳна архиерей бутхонаси ичида бирнеча минутгача бир-бирлари билан тўқнашиб, бир-бирларининг йўлини кесиб, тўлқинланиб, ҳайқириб турди. Клубнинг бурчак-бурчакларида, печка орқаларида, тахмонларда ва клуб ўртасида отряд митинглари бошланди, уларнинг ҳарбири жулдур-жулдур оломондан иборат бўлиб, ораларида оппоқ кўйлакли горькийчиларнинг елкалари кўзга ташланиб турар эди.

Сўнгра колонистлар оқимни клубдан ҳовлига чиқиб, ётоқхоналар томонга ёйилабошлади. Яна беш минутлардан кейин клуб ва ҳовли бўшаб, жимжит бўлиб қолди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақат шошилинч топшириқ билан қушдай учучи отряд меркурийлари[1] елиб ўтиб қолар эди.

Мен энди бироз дам олишим мумкин.

Черков супасида турган бир тўда аёллар ёнига келдим-да, бундан буёнги ҳодисаларни шу баландликдан тамоша қилиб турдим. Менинг гапиргим ҳам, бирон нарса устида бош қотиргим ҳам келмасди. Кайфлари чоғ ва хотирлари жам Екатерина Григорьевна билан Лидочка, ўртоқ Зоянинг аллақандай саволларига эринчоқлик ва хушёқмаслик билан жавоб бериб турар эди. Брегель, черков супасининг чанг босиб кетган панжараси ёнида туриб, Гуляевага:

— Бу маросимларнинг ҳаммаси ишнинг мунтазам равишда олиб борилаётганидан дарак беради. Бундан бошқа нимаси бор экан? Бу — фақат расмий томони-ку?— деярди.

Гуляева менга қараб:

— Антон Семёнович, жавобини ўзингиз беринг, бу нарсаларга менинг яқлим етмайди,— деди

— Мен ҳам назарий масалаларда нўноқмăн,— дедим, истар-истамас.

Жим қолишдик. Озгина бўлса ҳам, дам олиш имкониятига эга эдим. Атрофга кўз ташлаб, азалдан олам деб аталиб келган ажойиб нарсани кўрдим. Соат иккилар эди. Ҳовузнинг нариги томонидан қишлоқнинг офтобда қизиб ётган похол томлари кўринарди. Осмонда, худди Куряж тепасида оппоқ булутлар қимир этмай турарди,— улар махсус жадвалга мувофиқ, эҳтиётн шарт тарзида турган булут резерви бўлса керак.

Колонияда ҳозир нималар бўлаётганини мен билардим. Ётоқхоналарда болалар кроватьларни йиғиштириб олмоқда, тўшак ва ёстиқларни похолдан бўшатиб, тугун-тугун қилиб бойлашмоқда. Тугунларга одеяллар, чойшаблар, эски ва янги ботинкалар, хуллас ҳамма нарсалар солинган. Алёшка Волков аравахонада бу мато'ларни қабул қилиб, ҳаммасини рўйхатдан ўтказиб, дезинфекция камерига жўнатиб турипти. Дезкамера шаҳардан келган. Кўчма дезкамера электр кучи билан ишлайди; унинг тепасида Денис Кудлатий турипти. Супанинг нариги томонида, черков орқасида Дмитрий Жевелий отряд ко-

---

[1] Қадимги римликларда савдо тангриси, савдогар ва сайёҳлар ҳомийси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

манзирларига ёки улар ажратган махсус вакилларга рўйхат бўйича янги устибош билан совун улашмоқда.

Собор орқасидан бирдан Синенький қушдай учиб келиб қолди-да, қўлидаги жарнайини бир чеккага олиб, энтика-энтика:

— Таранец сигнал чал, командирлар ошхонага тўплансин деяпти,— деди.

— Чал!

Синенький яна кўзга кўринмас қанотларини пириллатиб, ошхона эшиги тагига учиб ўтди. Эшик олдига бориб тўхтади-да, уч хил товушдан иборат сигнални бирнеча марта чалди.

Брегель олдин Синенькийга диққат билан қаради, кейин менга қайрилиб:

— Нимага анови бола ҳар сафар... сигнал беришда сиздан рухсат сўрайди? Арзимаган нарсага ҳам...— деди.

— Агар сигнал жадвалдан ташқари бериладиган бўлса, албатта мен хабардор бўлишим керак, қачон шундай Мен билишим керак.

— Менимча, буларнинг ҳаммаси... ортиқча маросим, албатта! Ташқи томони. Сиз нима дейсиз?

Менинг энсам қотабошлади. Нимага энди менга бунча ёпишишади? Бугундан бошқа кун йўқ эканми? Бунисн ҳам майли, аммо булар нима демоқчи ўзи? Ё Куряжга ачинишаяптими?

— Байроқлар, барабан ва салютлар ёшларни фақат ташқи томондан ўюштиради, бошқа ҳечнарсаси йўқ.

Мен бир кўнглим: «Нари туре!» демоқчи бўлдиму, бироқ бунинг ўрнига бироз мулойимроқ қилиб, дедим:

— Сизлар ёшларни ёки, айтайлик, ёш болани устки, ташқи томондан, я'ни қопқоқдан ва ички, я'ни ичак-чавақлардан иборат бўлган бир қутича деб ўйлайсизлар. Сизнингча, биз фақат ичак-чавақлари блан шуғулланишимиз керакми? Ундоғ деганда устки томони, қопқоғи бўлмаса, ҳамма ичак-чавақлари тўкилиб кетмайдими?

Брегель, ёнимиздан ошхона томон чопиб ўтиб кетаётган Ветковский кетидан заҳар сочиб қараб қолди.

— Ҳарҳолда, колонияигизнинг кадетлар корпусидан[1] фарқи йўқ кўринади...

— Мен сизга бир гап айтаймн, Варвара Викторовна?— дедим, мумкин қадар ўзимни тийишга ҳаракат қи-

---

[1] Ўтмишда офицерлар тайёрлайдиган ўқув юрти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ:— келинг, шу гапларни бас қилайлик. Сиз билан биз бир муросага келишимиз учун...

— Нима етишмайди демоқчисиз?

— Таржимон етишмайди демоқчиман.

Брегель кўкиш кўйлакли басавлат гавдасини панжарадан узди-да, менга қараб келабошлади. Мен, орқамга қилиб турган қўлларимни мушт қилиб турдим, аммо Брегель ёқасининг аллақаеридан сун'ий табассум топди-да, худди кўзлари ожиз одам кўзойнагини таққандай, юзига киниб олиб:

— Таржимонлар топилади, ўртоқ Макаренко,— деди.

— Топилгунча сабр қилиб турайлик.

Дарвоза томондан биринчи отряд келди, отряд командири Гуд черков супасига кўз югуртириб, баланд овоз билан:

— Бу эшикдан ҳечким юрмайди дейсан, шу ростми, Устименко?— деб сўради.

Куряжлилардан бири, ўн бешларга кирган қоравоз бола, қўли билан эшикни кўрсатиб:

— Йўқ, йўқ...— деди.— Рост айтаман. Ҳечким юрмайди. Маҳкамлаб ташланган. Анови эшик билан, мана бу эшикдан юрилади. Бунисидан ҳечким юрмайди, рост айтаман.

— Ўртага шкаф тираб қўйилган. Ичи тўла шам ва ҳарбало нарса...— деди орқадан аллакким.

Гуд супачага югуриб чиқди-да, уёқ-буёгини айланиб, кулди:

— Бундан ортиқ нима керак бизга? Ого! Жуда соп жой экан. Бу эшик уларга ортиқча! Емғир ёғадиган бўлса, тепаси ҳам пана экан... Аммо, тагимиз тақирроқ бўлади-да... Ё унча тақир бўлмасмикин?

Эски горькийчилардан ва Гуд отрядининг этиклўзи Карпинский супаним тептекис тошларига қараб севиниб:

— Ҳеч тақир эмас: олтита тўшак билан олтита одеялимиз бор. Яна бирон нарса топармиз,— деди.

— Тўғри айтасан,— деди Гуд.

Кейин ҳовуз томонга қайрилиб қаради-да:

— Ҳечким эшитмадим демасин: бу ер — биринчи отрядга қарашли жой. Ортиқча гап кетмайди! Антон Семёнович, сиз гувоҳсиз.

— Яхши!

— Қани, бошланглар... ким бор?... Тўхта!

Гуд чўнтагидан рўйхат чиқариб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Слива блан Хлебченко, қанақасизлар, бир кўриб қўяй,— деди.

Хлебченко — пахтадан келган, ориққина ва рангсиз бола. Қаттиқ ва қопқора сочлари нима учундир тепага ўсмай, олдинга ўсади, бутун бурнига қопқора нуқталар тошган. Ифлос, кир кўйлаги тиззасигача тушиб туради, кўйлагининг йиртилиб кетган бир ери ундан ҳам пастга осилиб туради. У тузукроқ жилмайишни ҳам билмайди, атрофга қарайди. Гуд унга танқидий назар ташлаб, кейин Сливага қарайди. Слива ҳам Хлебченкога ўхшаган ориқ, рангсиз ва устибоши жулдир-жулдир, аммо бўйи ундикидан анча баланд. Чўпдай ингичка бўйнига узунчоқ калла қўндирилган, қалин лаблари қимтиқизил. Слива гуноҳкор одамдай тиржайиб, супанинг бир бурчагига қараб қўяди.

— Нима блан боқишади сизларни, ҳайронман,— дейди Гуд.— Нега мунча ориқлаб кетгансизлар... итдан баттар ориқсизлар-а. Отряднн яхшилаб боқмаса бўлмайди, Антон Семёнович! Шу ҳам отряд бўптими? Биринчи отряднинг шунақа аҳволда бўлиши мумкинми? Мумкин эмас! Овқатимиз етарликми? Етарли! Овқатни қанақа туширишни биласизларми?

Отрядлагилар кулади. Гуд яна Слива блан Хлебченкоғинг юзларига шубҳаланиб қарайди-да, мулойимлик блан дейди:

— Гапимга яхшилаб қулоқ солинглар, чироқларим, Слива блан Хлебченко! Ҳозир мана шу эшик тагини яхшилаб ювиб-тозалаш керак. Нима блан ювишни биласизларми? Сув блан. Сувни нимада олиб келинади? Челакда. Карпинский, сен ҳозир бир оёғингни қўлингга олиб, Митькага югур-да, битта челак блан латта олиб кел! Сутурги ҳам эшигдан чиқмасин! Ювишни биласизларми?

Слива блан Хлебченко биламиз, деб бош силкитишади. Гуд биз томон ўгирилади ва бошидан дўпписини олиб, қўлини катта кераді:

— Айбга буюрмайсизлар, қадрли ўртоқлар: бу территория биринчи отряд ихтиёрига ўтди, бошқа чорамиз йўқ. Бу ерни ювиб-тозалаш керак бўлгани учун, мен сизларга яхши бир жой кўрсатаман, у ерда скамейкалар ҳам бор. Бу ерда биринчи отряд жойлашади.

Биринчи отряд бу серилтифот муомалага маҳлиё бўлиб қараб туради. Мен, яхши жой кўрсатиб бергани учун Гудга ташаккур билдираман, аммо скамейкага бориб ўтиргим келмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Карпинский тарақа-туруқ қилиб челак кўтариб келди. Гуд сўнгги буйруқларини бериб бўлди-да, қўлини хушчақчақ силкитиб:

- Энди бориб сочларингни олдириб келинглар!—деди.

Черков супасидан тушаркан, Бретель оёқларининг тагига қараб тушади. Мен, қани энди, меҳмонлар тезроқ жўнаб қолса деб ўйлайман. Жевелий магазин очган черков супаси ёнида отряд вакиллари навбат кутиб турилти, уларнинг ёрдамчилари даста-даста янги кўк трусиклар ва оқ кўйлакларни елкаларига кўтариб олган, болалар челакларни тарақлатиб ва жигарранг совун қутичаларини қўлтиқларига қистириб олган ерга яқин жойда окрисполкомнинг фиати турилти. Зерикканидан мудраб ўтирган шофер Брегельга илтижо блан қарайди.

Биз индамай дарвоза томонга қараб юрамиз. Қаёққа кетаётганимизни мен билмайман. Агар ёлғиз ўзим бўлганимда собор деворн тагидаги майса ўтга бориб чўзилардим-да, олам ва унинг ажойиб детальларини тамоша қилиб ётардим. Операциямизнинг тугашига бир соатдан ортиқроқ вақт бор, операция тугагандан кейин мени яна иш гирдоби тортиб кетади. Хуллас, шофернинг илтижо блан термулишларига мен яхши тушунаман.

Аммо, шу онда дарвозадан бир тўда хушчақчақ, қувноқ болалар говур-ғувур чиқиб қолади, уларни кўриб юрагим яна севинчга тўлади. Булар саккизинчи отряд, чунки отряд бошида бақувват ва хушқомат Федоренко келади, чунки Корито ҳам, Нечитайло ҳам, Олег Огнёвлар ҳам шу ерда. Бирдан горькийчиларча кийинган бутунлай янги ва нотаниш болаларга кўзим тушиб булар ким бўлди экан? деб ҳайрон бўламан. Броқ, бироздан кейин уларнинг ҳаммаси собиқ куряжлилар эканлигини англайман. Биз икки ҳафта мобайнида эришган ўзгариш худди шу эди. Болаларнинг юзлари толтоза ювилган, сочлари олинган бошларида тахи бузилмаган духоба дўппилар. Бу энг яхши ва одамни хурсанд қиладигани — ҳозирнинг ўзида ҳосил этилган хушчақчақ юзлар ва кулиб турган кўзлар, битлардан қутулиб, покиза кийим кийган одамнинг яйраб қадам ташлаб келиши эди.

Федоренко ўзига хос салмоқ ва савлат блан қатордан четга чиқади-да, йўғон овози блан ҳарбир сўзни чертиб-чертиб дейди:

- Антон Семёнович, Федоренконинг саккизинчи отряди мукаммал тайёр, қабул қилиб олишингиз мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг ёнида турган Олег Огнёв узун ва интеллигентча юпқа лабларини чўзиб, мен томон сипоҳгарчилик билан таъзим қилади-да:

— Бу халқларни динга киргизишда мен қўлимдан келганча иштирок этдим. Менинг бу камтарин хизматларимни назарда тутишингиз учун дафтарингизнинг бирон бурчагига ёзиб қўйишингизни илтимос қиламан,— дейди.

Мен Олегнинг елкасини ушлаб дўстона сиқаман, уни, Федоренкони ва бошқа ҳамма ажойиб болаларимни қаттиқ қучоқлаб ўлгим келгани учун шундай қиламан. Айни вақтда дафтарчамга ё дилимга бирон нарса ёзиб қўйишга ожизман. Бирдан дилимни бирталай фикр, ният, образлар, тантанали хораллар[1] ва рақс садолари тўлдиради. Буларнинг бирортасининг думидан энди ушлаб олишим билан, бирдан тутқич бермай, тўпалон ичига қочиб кириб кетиб, диққатимни бошқа бирон нарса қичқириб ўзига тортабошлайди. «Динга киргизиш ва ўзгариш,— буларнинг бари диний ҳазил» деб ўйлайман, йўлда кетагуриб. Аммо менга янги ва қизиқ кўринган бу фикр Коротковнинг кулиб турган юзини кўришим билан йўқ бўлиб кетади. Ҳа, айтмоқчи, Коротковни саккизинчи отрядга киригишни мен ўзим талаб этган эдим. Федоренко менинг Коротковга қараб турганимни кўриб қолиб, дарров унинг елкасига қўлини ташлаб, кўкиш кўзларининг қорачуғларини ўйнатиб, дейди:

— Бизнинг отрядга жуда яхши колонистни бердингиз да, Антон Семёнович. Мен бу билан гапиришдим. Бирмунча вақтдан кейин яхши командир бўлиб етишади.

Коротков менинг кўзларимга жиддий тикилиб қарайди-да, самимий бир оҳангда:

— Кейин сиз билан бир гапиришмоқчиман, маълими?— дейди.

Федоренко Коротковнинг юзига истеҳзо билан кулиб қарайди:

— Жуда қизиқ одам экансан! Гапиришиб нима қиласан! Гапиришнинг кераги йўқ. Нима кераги бор гапиришнинг?

Коротков ҳам мугомбир Федоренконинг юзига диққат билан тикилиб қарайди:

— Сен билмайсан... менинг йўлим бошқа...

---

[1] *Хорал* — диний ашула: бу ўринда тантанали суратда айтилган ашула.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳечқанақа бошқа йўлинг йўқ. Бўлмаган гап!

— Мен... мени ҳам қаматтиришларини истайман. мумкин бўлса.

Федоренко қота-қота кулиб, дейди:

— О, қамалишни истаб қопти-ку! Ҳалитдан-а?. Буниng учун олдин колонист деган ном олиш керак, мана, кўрдингми, значокни? Унгача сени қаматтириш мумкин эмас. Сенга: бор, сен қамалдинг деса, сен: «Нега энди? Менинг гуноҳим йўқ» деб турсанг...

— Бордию, ҳақиқатан ҳам гуноҳим бўлмасачи?

— Ана, кўрдингми, бу ишга ҳали ақлинг етмайди. Сен: менинг гуноҳим йўқ, вассалом деб ўйлайсан. Бунинг ма'носига колонист бўлганингдан кейин тушунасан. Нима десам экан?.. Хуллас, бутун гап — интизомда, гуноҳинг борми, йўқми, бунинг унчалик аҳамияти бўлмайди. Тўғрими, Антон Семёнович?

Мен Федоренкога «ҳа» деб бош силкитаман. Брегель, худди банкага солиб қўйилган та'вимга қарагандай, бизга қараб туради, унинг икки юзи худди бульдог[1] юзига ўхшайди. Мен унинг диққатини кўнгилсиз нарсалардан четга тортишга шошилиб:

— Ана у жўралар ким бўлди? Улар кимлар?—дейман.

— Ҳов анови бола...— дейди Федоренко.— Жуда зўр бола. Уни тутиб олиб хўп уришипти, дейишади.

— Ҳа-ҳа, Зайченконинг отряди-ку,— дейман, болани таниб.

— Ким урди уни?— деб сўрайди Брегель.

— Кечаси уришипти... шу ерлик болалар-да, ким бўларди.

— Нима учун уришипти? Нега бизга хабар қилмадингиз? Анча бўлдими?

— Варвара Викторовна,— дедим, шиддат блан,— бу Куряжда бирнеча йил давомида болаларни хўрлаб келишган. Бу нарса сизни кўп ҳам қизиқтирмагани учун бу ҳодиса ҳам сизнинг диққатингизга сазовор бўлишга арзимаса керак деб ўйладим... бундан ташқари, бу ҳодиса блан шахсан ўзим қизиқдим.

Брегель менинг бу гапимни жўнаб кетинг дегандай тушунди шекилли, қуруққина:

— Хайр,— деди-да, машинага қараб кетди, ўртоқ Зоя машинага аллақачон тушиб олган эди.

---

[1] Пучук бурун ит.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен хайрият-е, деб енгил нафас олдим. Шундан кейин Ваня Зайченконинг ўн саккизинчи отряди томон йўл олдим.

Ваня ўз отрядини тантанали равишда бошлаб келар эди. Ўн саккизинчи отрядни биз атайлаб фақат куряжлилардан тузган эдик; бундай қилишимиз бутун отрядга ва Ванькага бошқача ҳусн берарди. Ванька буни сезган эди. Федоренко хахолаб кулиб юбориб:

— Вой, паканаларей!..— деди.

Ўн саккизинчи отряд болалари ҳарбийларча саф тортиб, қадларини кўтариб келарди. Йигирмата ёш бола тўрттадан қатор бўлиб, оёқларини бир мақомда ташлаб, ҳатто қўлларини ҳам ҳарбийларча бир хилда силкитиб келар эди. Бундай милитаризациялаштиришга Зайченко қачон улгурақолди? Ўн саккизинчи отряднинг ҳарбий руҳини сўндирмаслик учун қўлимни фуражкамнинг соябонига келтириб, честь бердим:

— Салом, ўртоқлар!

Броқ ўн саккизинчи отряд бундай маросимга тайёр эмас экан. Болалар пойма-пой бақиришди. Ваньканинг жаҳли чиқиб, қўлини силтаб:

— Анови... гракларни қара!— деди.

Федоренко завқланиб кетиб, тиззаларини шапатилаб:

— Вой болалари тушкур-е, билиб олти-ку!— деди.

Болаларни мушкул аҳволдан қутқазиш мақсадида:

— Вольно, ўн саккизинчи отряд!— дедим.— Қани, қандай чўмилдинглар, айтиб берингларчи...

Пётр Маликовнинг чеҳраси очилди ва жилмайди:

— Қандай чўмилдинглар дейсизми? Жуда яхши чўмилдик. Рост-а, Тимка?

Одарюк юзини тескари буриб, кимнингдир елкасига қараб туриб, сипоҳгарчилик блан:

— Совун блан чўмилдик...— деди.

Зайченко менга фахр блан қараб, деди:

— Энди ҳар кучи совун блан чўмилаиз. Бизнинг завхозимиз — Одарюк, кўрасизми?

Зайченко, қўлида жигарранг қутича ушлаб турган Одарюкни кўрсатди.

— Бугун икки бўлак совунни одош қилдик, иккитая! Бугун биринчи марта-де, шунинг учун. Кейин озроқ кетади. Биз сизга бир савол бермоқчимиз, биласизми... Албатта, биз зорланмаймиз... Тўғрими, зорланмаймизми?— деб мурожаат қилди, ўз болаларига қараб.

— Вой, шайтонлар-ей!— деб завқланарди Федоренко.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, зорланмаймиз! Зорланганимиз йўқ!— деб қичқиришди болалар.

Ваня бирнеча марта атрофга қараб:

— Шундай саволимиз бор, биласизми?— деди.

— Хўп, яхши. Тушуниб турибман: сизлар зорланмайсизлар, фақат савол бермоқчисизлар.

Ваня лабларини чўзди-да, кўзларини катта очиб:

— Ҳа,— деди.— Шундай савол бермоқчимиз: бошқа отрядларда горькийчилар бор, учтадан, бештадан бўлса ҳам, бор. Шунақами? А бизда йўқ. Йўқ, тамом!

Ваня «йўқ» сўзини айтганда овози ингичка бўлиб кетди ва бармоғини ўмих қилиб туриб, ўнг қулоғидан чап қулоғига довур силтаб кўрсатди.

Бирдан Ваня қаҳқаҳлаб кулиб юборибди:

— Кўрпамиз йўқ! Йўқ-да! Тўшагимиз ҳам йўқ. Битта ҳам! Йўқ!— деди.

Ваня баттар завқланиб кулди, ўн саккизинчи отряд аъзолари ҳам унга қўшилиб кулабошладилар.

Ўн саккизинчи отряд командири Алёшка Волков номига дарҳол олтита одеял билан олтита матрас берилсин деб хат ёздим-да, отряд командирининг қўлига бердим.

Дар'ё томонга борадиган йўл серқатнов бўлиб қолди. Бу йўлдан колонистлар отрядлари маневр қилгандай юрардилар.

Отхонанинг орқасида, бурган ўтлар орасида эрталаб шаҳардан келтирилган тўртта сартарош жойлашган. Куряжлилар организмларига ёпишиб ётган Куряж қасмоқлари бирин-кетин ажралиб тушаверди,— бу билан куряжлилар бошқа болаларга ўхшаган жонли, шўх ва оддий болалар, умуман қувноқ халқ деган менинг фикрим яна бир карра тасдиқланди.

Болаларнинг янги устибошларни завқ билан тамоша қилишларини, кўйлакларининг букланиб қолган ерларини сира кутилмаган бежирим ҳаракатлар билан тузатиб қўйишларини, дўппиларини қўлларида ўйнатишларини тамоша қилардим. Ундабуро Алёшка Волков, собор атрофига териб қўйилган минг хил моллар ичидан энг олдин биттаю-битта трюмомизни[1] қидириб топди, икки бола уни тепаликка тикка қўндириб қўйди. Бирпасда трюмо олди ўзларини ойнага солиб кўришни истаганлар билан тўлиб кетди. Куряжлилар орасидан жуда кўп чиройлик болалар

---

[1] Катта тош ойна

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқиб қолди, қолганлари ҳам тез орада чиройлик бўлиб кетишлари керак эди, чунки гўзалликни меҳнат ва овқат вужудга келтиради.

Айниқса қизларнинг шод-хуррамлиги ҳеч ерга сиғмас эди. Горькийчи қизлар куряжли қизларга махсус сарпа: этаги бурма кўк сатин юбкалар, яхши оқ матадан тикилган блузкалар, зангори пайпоқлар ва балетка дейилган шиппаклар тикиб келган эдилар. Кудратий, қизлар отрядларига тикиш машиналарини ётоқхонага олиб кириб кетишга рухсат берди. ётоқхонада аёлларга хос одатдаги ишлар: бўзиб тикишлар, кийиб кўришлар, дазмоллаш каби ишлар бошланиб кетди. Куряж кирхонасини бутун тамомила қизлар ихтиёрига бериб қўйдик. Ҳовлида Перецни учратиб, унга қат'ий равишда:

— Дарров устингга коржама кийиб ол-да, кирхонада қизларга сув иситиб бер. Аммо, кўп судралма: оёғингни қўлингга олиб югур,— дедим.

Перец тимдаланган юзини мен томонга ўгириб, бармоғи билан кўкрагини кўрсатиб:

— Қизларга сув иситиб бер деб... менга айтаётибсизми?— деди.

— Ҳа, сенга.

Перец қорнини ва лунжини дўппайтирди-да, қўлини ҳарбийларча чаккасига қўйиб, бутун монастирьга эшиттириб:

— Есть, сув иситиб бераман!— деб бақирди.

Унинг бу қилиғи унча бежирим чиқмаган бўлса-да, ишга тайёр эканини кўрсатар эди. Аммо, бу маросимдан кейин Перецнинг бирдан ҳафсаласи совиб:

— Ҳа-ҳа... Коржамани қаердан оламан? Бизнинг тўққизинчи отрядимизга ҳали берилгани йўқ...— деди.

Мен унга дедим:

— Кичкинтой экансан-ку! Ё қўлингдан ушлаб, кийинтиргани ҳам олиб борайми? Қани, айтчи, тилингни яна қанчагача қайраб турасан?

Атрофимизни ўраб турган болалар кулиб юборди. Перец бошини чайқади-да, бу сафар тантана-дабдабасиз бақириб:

— Бажараман!.. Бажараман, хотиржам бўлинг!— деб чопганича кетди.

Лапоть яна командирларни тўплашга сигнал бердирди. бу сафар уларни Гуд отряди ўзига ётоқ қилиб олган собор супасига тўплади

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лапоть супанинг тепасида туриб, деди:

— Командирлар, ўтирмасак ҳам бўлади, мен сизларни фақат бир минутга тўпладим. Марҳамат қилиб, бурунни қанақа артишни шу бугуноқ болаларга тушунтириб қўйинглар. Бу нима деган гап: бутун ҳовлини бурун қоқиб булғатиб юришипти! Кейин: ҳожатхонани ҳам гапириб қўйинглар, Жорка мажлисда ҳам айтиб ўтган эди. Кейин яна: Алёшка ахлат учун махсус яшиклар қўйдирди, болалар бўлса ахлатни ҳар ерга ташлашади.

— Мунча ошиқмасанг, олдин ҳов анови ахлатларни тозалаш керак, яшикка ҳали қайда!— деб жилмайди Ветковский.

— Гапирма, Костя! Ахлатни тозалаш бошқа, тартиб-интизом — бошқа... Яна сайёҳман дейсан! Кейин бизнинг қоидамизни ҳаммага тушунтириш эсларингдан чиқмасин, кейин: «Биз билмас эдик! Қаердан биламиз?» деб юришмасин!

— Қайси қоидани?

— Тупуриш ҳақидаги қоидамизни айтаман... Қани, ҳаммаларинг бир бўлиб такрор қилинглар...

Лапоть дирижёрга ўхшаб қўлини силкитабошлади, командирлар кула-кула, биргалашиб декламация қилишди:

— «Бир марта тулурсанг — уч кунгача ювасан».

Командирлар советига оғизлари очилиб маҳлиё бўлиб қараб турган курякли тирмизаклар буни эшитиб вой дейишдию, кафтларн блан оғзиларини беркитишди. Лапоть советни тарқатди, болалар янги шиорни отрядларнинг муваққат уяларига тарқатгани чопакетишди. Бу шиорни Халабудага ҳам етказишди,— Халабуда мен учун кутилмаган ҳолда ҳамаёғи похол, чанг, ем ёпишган, бирдан молхонадан чиқиб қолди ва:

— Ла'нати хотинлар, мени ташлаб кетишипти-ку, энди станцияга пиёда кетишга тўғри келади,— деди.— Ҳаҳа. Бир марта тупурсанг уч марта ювасан экан-да? Қойилман!.. Витька, мен кексага раҳминг келсин, отларнинг хўжайини сен экансан, бирорта ярамасроқ отингни қўшдир, мени станцияга ташлаб келсин.

Витька баҳайбат Антон Братченкога қаради, Антон ҳам овозининг йўғонлашиб қолганини кўрсатиб қўйди:

— Ярамас от нимаси, кабриолетга[1] Мардни қўш-да, чолни элтиб қўй, бугун ўз қўли блан Зорькани тозалади.

---

[1] Усти очиқ извош.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қани, келинг, энди биз сизнинг устингизни тозалаб қўяйлик.

Енимга навбатчи командир лентасини тақкан Таранец ҳовлиқиб келиб:

— Анови ерда... аллақандай агрономлар туришаркан... Етоқни бўшатмаймиз, бизга ҳечқанақа отряд керакмас дейишади,— деди.

— Етоқлари тозадир?

— Ҳозир кириб чиқдим. Кроватьларни, қозиқлардаги... нарсаларни қараб чиқдим. Жуда бит кўп. Қандала ҳам кўп.

— Юр.

Агрономлар уйи ивирсиб ётарди: анчадан бери йигиштирилмаган бўлса керак. Молбоқарлар отрядига командир этиб тайинланган Воскобойников ва унинг отрядига киритилган яна икки киши мажлис қарорига бўйсуниб, ўз буюмларини дезинфекцияга топшириб, ётоқдан чиқиб кетган эдилар, энди агрономлар уясида уларнинг жойлари очиқ ётар, ташлаб кетилган ўтроқ ҳаёт қолдиқлари очиқ-чочиқ ётарди. Уйда бирнеча киши ўтирарди. Улар мени қовоқларини солиб, хўмрайиб кутиб олдилар. Аммо ғалабанинг ким томонида эканлигини улар ҳам биларди, фақат масала қай тарзда таслим бўлиш устида борарди.

— Умумий мажлис қарорига бўйсунмаймиз дейсизларми?— деб сўрадим.

Индашмади.

— Мажлисда боримидиларинг?

Яна индашмади. Таранец жавоб берди:

— Мажлисда булар йўқ эди.

— Масалани ўйлаб, бир қарорга келишингиз учун мен сизларга етарли вақт бердим. Ўзларингни ким деб ўйлайсизлар: колонист дебми ё квартирант дебми?

Индашмади.

— Агар ўзларингни квартирантмиз деб ўйласаларинг, яна ўн кун туришга рухсат бераман. Овқат бердирмайман.

— Бизни ким боқади?— деди Сватко.

Таранец ижилмайиб:

— Жинними улар,— деди.

— Билмайман,— дедим.— Мен боқмайман.

— Бугун ҳам обед бердирмайсизми?

— Йўқ, бердирмайман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳақингиз борми?
— Бор.
— Ишласакчи?
— Бу ерда фақат колонистлар ишлайди.
— Биз ҳам колонист бўламиз, аммо шу уйда қоламиз.
— Йўқ, қолмайсизлар.
— Бўлмаса, нима қилайлик?
Мен ёнимдан соатимни олиб:
— Яна беш минут вақт бераман, ўйлаб кўринглар. Нима қарорга келсангиз навбатчига айтасизлар,—дедим.
— Есть!— деди Таранец.
Ярим соатдан кейин мен яна агрономлар флигели ёнидан ўтиб қолдим. Алёшка Волков флигель эшигига қулф осмоқда эди. Таранец ex officio[1] турарди.
— Чиқиб кетишдими?
— Чиқмай кўрсинчи!— деди Таранец кулиб юбориб.
— Ҳаммаси бошқа-бошқа отрядлами?
— Ҳа, ҳамма отрядга биттадан бўлиб юбордик.
Бир ярим соатдан кейин оппоқ дастурхонлар блан безатилган ошхонада тантанали обед бошланди. Ошхонани энди таниб бўлмасди: илғор сводний отряд тонг отгунчаёқ ёғ томса ялагудек қилиб тозалаган, кўк новдалар ва ромашка гуллар блан безатган эди; Алёшка Волков вокзалдан қайтиб келиши блановқ деворларга Ленин, Сталин, Ворошилов ҳамда Горький портретларини осиб қўйган, Шелапугин блан Тоська эса шифт тагларига шиор ва табрик лавҳаларини осган эди, улар орасидаги

ЗОРЛАНМАС

деган шиор ҳаммага яққол кўриниб турарди.
Гангиб қолган, сочлари қирқилган, топтоза ювилган, устларига оппоқ янги кўйлак кийган куряжлилар бежирим ва чиройлик горькийчилар орасида ўтиришти, улар энди горькийчилар орасидан қочиб чиқиб кетаолмайди. Улар стол ёнида қўлларини тиззаларига қўйиб, тарелкаларга уйиб қўйилган нонларга ва типтиниқ графинлардаги сувга ҳурмат блан қараб ўтирадилар.
Оқ фартук кийган қизлар, оқ халат кийган Жевелий, Шелапутин ва Белухинлар секин оёқ учида юриб, бир-бирлари блан шивирлаб гапиришиб, вилка ва пичоқларни

[1] Расмий суратда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрилаб, яна алланималар келтириб қўядилар, аллақимларга жой бўшатишади. Куряжлилар, худди санаторияга келган касалларга ўхшаб, ювошгина итоат қиладилар. Белухин ҳам уларни худди касалларни тираб тургандай, эҳтиёт блан қўлтиқларидан ушлаб турғизади.

Мен портретлар тагида, очиқ ерда турибман, ифлос монастирь дашти ўртасида бирдан пайдо бўлиб қолган бутун ошхона худди гўзал воҳадай яққол кўриниб туради. Ошхонада кишини ажаблантируви ғайритабиий жимлик ҳукм суради, аммо қипқизарган чеҳраларда, чарақлаган кўзларда, уялинқираган бадан ва қўл ҳаракатларида бу жимлик ахир қарор топган ҳақиқатни, дунёга келган янги ва сирли бир нарсани ифода этади.

Сигналчи ва барабанчилар ҳам бирин-кетин эшикдан киradилар, улар шу қадар секин киришадики, уларнинг кирганини кўп одам сезмай қолади; улар атрофга қараб, юзлари қизариб, девор тагига тизилиб турадилар. Энди уларни ҳамма кўради ва овқатни ҳам унутиб, улардан кўзларини узмай қараб ўтиradилар.

Эшикдан Таранец кириб келади.

— Байроқ шарафига ўриндан турилсин! Смирно!

Горькийчилар одатдагича ўринларидан туриб, қимир этмай турадилар. Командадан эсанкирнб қолган куряжлилар атрофга аланглаб қараб, ўринларидан туриш учун қўлларини энди столга тираган эдиларки, оркестримизнинг янграшн уларни яна бир карра эсанкиратиб қўйди.

Таранец, жилдн олиб ташланган ва хилпираган қипқизил шоҳи байроғимизни олиб кирди, байроқни портретлар тагига олиб келиб турди, ошхонамиз дарҳол совет даврига хос тантана тусини олди.

— Ўтиринглар.

Колонистларга қисқа нутқ айтдим, нутқимда меҳнат қилиш тўғрисида, интизом ҳақида бирнима демадим, ҳечкимни ҳечнарсага да'ват этмадим, ҳечқандай шак-шубҳа ҳам билдирмадим. Мен уларни фақат янги турмуш блан табриклаб, инсон турмуши нақадар ажойиб бўлса, бу турмушнинг ҳам шу қадар ажойиб бўлишига қаттиқ ишончим борлигини билдирдим.

Мен колонистларга дедим:

— Биз гўзал, қувноқ ва фойдали турмуш қурамиз, чунки биз инсонмиз, чунки елкамизда бошимиз бор, чунки биз шундай бўлишини истаймиз. Бунга эришишимизга бизга ким халал бераолади? Бизнинг меҳнатимизни ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлаб топганимизни ҳечким қўлимизлан тортиб олмайди. Бизнинг Иттифоқимизда бундай одамлар йўқ. Қаранглар, атрофимиздаги одамларга. Ана, кекса ишчи, эски партизан ўртоқ Халабуда кун бўйи сизлар билан бирга бўлди. Сизлар билан бирга поезд итаришди, вагонлардан юк туширди, отларни тозалади. Бизнинг ғамимизни ейдиган, бизга ёрдам қиладиган меҳрибон, катта одамларнинг, доҳиларимиз ҳамда большевикларимизнинг сон-саноғи йўқ. Мен сизларга ҳозир икки та хат ўқиб бераман. Бизнинг ёлғиз эмаслигимизни, бизни қандай севишларини ва бизнинг ғамимизни ейишларини шу хатдан эшитиб биласизлар:

«Максим Горькийнинг Харьков ижроия комитетининг раисига ёзган хати

Горький номидаги колонияга ғамхўрлик қилганингиз ва ёрдам берганингиз учун чин қалбдан Сизга миннатдорлик билдиришга рухсат беринг.

Гарчи колониянинг аҳволи болалар ва колониянинг мудири ёзган хатлардан ма'лум бўлса-да, менимча колонияга ниҳоятда жиддий э'тибор ва самарали ёрдам бериш керак.

Жуда ажойиб ва соғлом авлод етилиб келаётган бир пайтда боқимсиз болалар ўртасида жинояткорлик тобора ортиб, кўп хунук ҳодисалар ҳам рўй бермоқда. Сиз ёрдам қилган колония каби колониялар фаолиятининг шу хунук ҳодисаларга қарши кураш йўлини кўрсатиб беришига, ёмонларни яхши қилиб етиштиришига умид боғлаймиз,— буни қилабилишни колония амалда кўрсатди.

Қўлингизни қаттиқ сиқаман, ўртоқ. Танисиҳатлик, хотиржамлик ва қийин ишингизда яхши муваффақиятлар тилаймаи.

М. Горький».

«Харьков ижроия комитетининг Максим Горькийга ёзган жавоби

Қимматли ўртоқ! Харьков округ ижроия комитетининг президиуми Сизнинг номингиздаги болалар колониясига кўрсатган ғамхўрлигингиз учун катта миннатдорлик билдиради.

Болалар боқимсизлиги ва болалар ўртасида жинояткорликка қарши кураш масалалари бизнинг э'тиборимиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нн ўзига айниқса жалб этмоқда ва уларни тарбиялаш ҳамда соғлом меҳнат билан кун кўриш учун энг жиддий тадбирлар қўллашга ундайди.

Шубҳасиз, бу — оғир вазифа, буни қисқа муддат ичида бажариб бўлмайди, аммо биз бу вазифани ҳал этиш йўлига кирдик.

Колония ишларининг янги шароитда жуда яхши юришиб кетишига, яқин келажакда бу ишларнинг ривож топишига ва ҳаммамиз биргалашиб ғайрат қилиб, уни Сизнинг номингизга яраша юқори даражага кўтаришимизга ижроия комитети президиуми қаттиқ ишонади.

Қадрли ўртоқ, бундан буён ҳам самарали ишлашингиз, бундан буён ҳам унумли меҳнат қилишингиз учун бардам ва соғ-саломот бўлишингизни чин кўнгилдан тилашга рухсат этинг».

Шу хатларни ўқиб берар эканман, қоғознинг тепасидан болаларга қараб-қараб қўярдим. Улар жим бўлиб тинглар, дилларн, ҳамма ҳис ва туйгулари ажабланган ва севинч билан тўлгани кўзларида мужассам эди, шунинг билан бирга янги дунёнинг ҳамма сирларини ва кенглигини ўзларига сиғдиролмагани кўриниб турарди. Кўп болалар столдан қадларини кўтариб, тирсакларини столга тираб, менга яқинроқ келиб турар эдн. Рабфакчилар девор тагида алланималарни ўйлаб, кулумсираб турар, қизлар бўлса кўзларини артар, мард йигитлар уларга секин-секин қараб қўяр эдилар. Ўнг томондаги стол ёнида ўтирган Коротков чиройли қошларини чимириб, алланималарни ўйлаб ўтирарди. Ховрах икки юзини кафти билан сиқиб, деразага қарарди.

Мен ўқиб бўлдим. Стол атрофларига жон кириб, ҳаракат ва сўз тўлқинларн бошланди, аммо Карабанов қўлини кўтариб:

— Шошманглар, мен айтай! Бу ерда ҳарқанақа гап ҳам ортиқча! ҳозир... нима қилиш керак... гапириш эмас, ашула айтиш керак. Қани, келинглар, бошлайлик... аммо, ростакамига... «Интернационал» айтамиз,— деди.

Йигитлар бақиришди ва кулишди, бироқ кўп куяжлиларнинг хижолат бўлиб, жим қолганини пайқадим,— уларнинг «Интернационал» сўзларини билмаслигини сездим.

Лапоть скамейкага чиқиб олиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани! Ҳой қизлар! Баланд товуш блан бошланглар!— деди.

Лапоть қўлини силтади, ҳаммамиз «Интернационал» айтабошладик.

«Интернационал»нинг ҳарбир сатри бизнинг букуги ҳаётимизга яқинлиги учун бўлса керак, биз уни кулиб туриб, завқ блан айтар эдик. Йигитлар кўзларини Лапотьдан узмай, унинг барча инсоний ғояларни ифода этаоладиган жонли ва оташин мимикасига тақлид қилардилар. Биз:

Бу бизнинг энг охирги
Энг кескин зўр кураш...—

га етканимизда Лапоть, корнетлари[1] блан ашуламизга жўр бўлаётган сигналчиларимизга қараб имлаб қўйди.

Ашулани айтиб бўлдик. Матвей Белухин қўлидаги оқ рўмолчасини ошхона ларчаси томонга силкитди:

— Қани, ўрлак-гозлар, бол-пиволар, арақ-закускалар келтирилсин, ҳар тарелкага мороженое тўлдириб-тўлдириб берилсин!

Болалар, Матвейга ҳайжон блан қараб, кулиб юборди. Белухин ҳам тишининг оқини кўрсатиб, баритон товуши блан сўзларни чертиб-чертиб жавоб берди:

— Арақ блан закуска келмапти, азиз ўртоқлар, аммо мороженое десанглар — бор, рост гап, бор! Ҳозир боршчани тушириб турингларчи!

Ошхона самимий ва дўстона табассумлар блан гуллаб кетди. Уларни тамоша қилиб туриб, бирдан Джуринскаянинг катта очилиб турган кўзларини кўриб қолдим. У ошхона эшиги олдида, унинг орқасида Юрьев кулиб турарди. Уларнинг олдига боришга шошилдим.

Джуринская, сочлари олинган қатор каллалар, оппоқ елкалар ва дўстона табассумлардан кўзини узолмай, мен блан ларишонхотир қўл бериб кўришди.

— Бу нима? Антон Семёнович... Тўхтанг, тўхтанг!.. Йўге!— Унинг лаблари титраб кетди.— Булар сизнинг болаларингизми? Ановилар... қани? Ҳа гапирсангизчи тезроқ, ўзи нима бўлаяпти бу ерда?

— Нима бўлаяпти? Ким билади, нима бўлаётганини... ўзгариш деб шуни айтса керак. Аммо, бари — ўзимизнинг болалар.

---

[1] Мусиқа асбоблари

www.ziyouz.com kutubxonasi

10. Олимп этагида

Май ва июнь ойлари Куряжда қизғин иш блан ўтди. Бу ишларни мен ҳозир мақтаб ўтирмайман.

Агар ишга ҳушёрлик блан қаралса, ишнинг оғир ва сермашаққат, кўнгилга ёқмайдиган, мароқсиз, сабр-матонат талаб этадиган, баданни чарчатадиган ва оғритадиган ишларга бўлиниши равшан; ишнинг бирқанча тури борки, уларни инсон жафо чекишга ва чидаб беришга ўрганган учун бажараолади.

Меҳнат оғирлигини енгишга, қанчалик хунук ва сермалол бўлмасин, унинг қийинлигига бардош беришга одамлар қадим замонларда ўрганганлар, аммо бу енгишнинг мотивлари ҳозир бизни ҳамавақт қондиради деб бўлмайди. Одам боласининг ожизлигини назарда тутганимиз учун биз ҳозир ҳам шахсий фойда мотивларига, шахсий манфаат мотивларига чидаб келамиз, аммо биз коллектив манфаатларини кенг миқёсда тарбиялашга доим интиламиз. Бироқ, бу масала соҳасидаги кўп проблемалар жуда чалкаштириб юборилган, шунинг учун Куряжда бу проблемаларни четдан деярлик ҳечқандай ёрдам олмаганимиз ҳолда ечишга тўғри келди.

Ҳақиқий педагогиканинг бу масалани мукаммал ишлаб чиқадиган, инсон меҳнатининг сабабларини кўрсатиб берадиган, ирода, иззат-нафс, ор-номус, уқдириш, тақлид қилиш, қўрқиш ва мусобақа каби нарсаларнинг қандай ўрин тутишини ва буларнинг ҳаммаси онг, эътиқод ва идрокка қандай мувофиқланганлигини кўрсатиб берадиган вақти келар. Шуни айтишим керакки, менинг тажрибам онг блан куч сарфланишни ўртасидаги масофанинг анҳоятда йироқлигини ва уларни уйғунлаштириш учун бир-бирига боғловчи энг оддий ва энг моддий бўғинларнинг албатта зарурлигини исбот этади.

Горькийчилар келган куни Куряжда онг масаласи жуда муваффақиятли суратда ҳал этилди. Шундай қилиндики, горькийчилар ўз отрядлари блан бирга яхши турмуш келтирганларига, тажрибали ва ёрдам қўлини чўзишни аямайдиган одамлар келганига, эндиликда шулар блан бирга қўлни қўлга бериб кетиш кераклигига Куряж оломони бир кун ичида ишонди. Бу масалада асосий ролни ҳатто манфаат ҳам ўйнамади, бу ерда, шубҳасиз, бутун коллектив катта роль ўйнайди, бу ерда масалани буларнинг келишидан биз фойда кўрамизми ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

зарар кўрамизми деган мулоҳазалар эмас, кўз ва қулоқ, овоз ва кулгилар ҳал қилди. Хуллас, биринчи кун пайвандидаёқ куряжлиларнинг ҳаммаси горькийчилар коллективи аъзоси бўлишни истади, бунинг сабаби ҳали умрларида бирон марта татиб кўрмаган коллектив ҳаётнинг лаззатини татиб кўриш орзуси эди.

Аммо мен ўз томонимга фақат онгни оғдирган эдим, бу эса мен учун жуда камлик қилар эди. Бу мураккаб масала эртасигаёқ кўзга яққол ташланди. Ундан бир кун олдин кечқурун, комсомол декларациясида кўрсатилган ишларни бажариш учун сводний отрядлар тузилган, деярлик ҳамма отрядларга тарбиячилар ва катта ёшдаги горькийчилар биркитилган эди; эрталабдан бошлаб куряжлиларнинг кайфи чоғ эди, аммо шунга қарамасдан обедга яқин уларнинг жуда ёмон ишлаётганлари равшан бўлди. Обеддан кейин кўплари ишга чиқмади, аллақаерларда беркиниб юрди, баъзилари, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дегандай, шаҳарга ва Рижов томонга қараб ювиниб қолди.

Ҳамма сводний отрядларни айланиб чиқдим,— ҳаммасида аҳвол шундай эди. Улардаги горькийчилар ҳамма ерда оз бўлиб кўринар, куряжлиларнинг кўплиги эса дарров кўзга ташланар эди, уларнинг ишлаш усули ҳам устун келиб қолиши хавфи йўқ эмасди, чунки горькийчилар орасида янги келган болалар жуда кўп эди, ундан ташқари, эски горькийчилардан баъзилари ҳам куряжлиларга қўшилиб, актив куч хусусиятларини йўқотиб қўйишлари мумкин эди.

Барпо топган коллективда яхши натижа келтирадиган интизомнинг ташқи чораларини қўллаш бу ерда хавфли эди. Интизом бузучилар жуда кўп эди, уларнинг ҳаммасига чора кўрай десанг вақт кўп кетарди, бундан ташқари, бунинг унча таъсири ҳам бўлмасди, чунки ҳар қандай жазо чораси фақат кўпчилик орасидан бирортасини ажратиб чиқарганингда ва жамоатчилик ҳам бу ҳукмни қатъиян маъқуллагандагина тегишли фойда келтиради. Ундан ташқари, меҳнат кучини уюштириш соҳасида ҳам ташқи чораларнинг таъсири унчалик катта бўлмайди.

Бирон тажрибасиз одам: болалар ҳали меҳнатга ўрганмаган, «тажрибалари» йўқ, қандай ишлашни билишмайди, меҳнат қилишда ўз ўртоқлари билан тенглашишга ҳали ўрганмаган, коллектив аъзосига хос меҳнат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан фахрланиш туйғуси йўқ, буларга бир кун ичида эришиб бўлмайди, бунинг учун кўп вақт керак деган мулоҳазалар блан ўзини ўзи овунтириши мумкин. Афсуски, мен ўзимни бундай мулоҳазалар блан овунтираолмасдим. Бу масалада мен яхши билган бир қонун устун келарди: педагогикада оддий боғланиш деган нарса бўлмайди, бу ерда силлогистик формула[1] ёки дедуктив ҳамла методини[2] қўллаб бўлмайди.

Май ойида Куряжда меҳнат жараёнининг аста-секин ва суст бориши иш даражасини ўртача ҳолга келтириб қўйиш ва горькийчиларнинг тез, чаққон ва эпчил ишлаш усулларини йўқ қилиб қўйиш хавфини туғдирди.

Услуб ва муносабат соҳасини педагогика «назарияси» ҳамиша инкор этиб келарди, ваҳоланки, бу нарса коллектив тарбиянинг энг муҳим ва энг зарур бўлимидир. Услуб — энг нозик ва тез бузиладиган бир нарса. Гулни эҳтиёт қилиб парвариш қилгандай, уни ҳам ҳар куни парвариш қилиб туриш керак. Услуб жуда узоқ вақт давомида юзага келади, чунки традициялар, я'ни фақат онгли равишда эмас, катталарнинг тажрибаси асосида ва ҳозирги замонда яшаб кедаётган бутун коллективнинг улуғ номини ҳурматлаш асосида ўзлаштирилган низом ва одатлар бўлмаса услуб яратиб бўлмайди. Болалар учун тузилган кўп муассасаларнинг муваффақиятсизликка учрашининг сабаби шундаки, уларда услуб яратилмаган, уларда одат ва традициялар йўқ, агар бу нарсалар уларда юзага келабошлаганда ҳам Маориф Халқ Комиссарлигининг тез-тез ўзгариб турган инспекторлари уларни мунтазам равишда бузиб, барбод этиб келганлар, шунда ҳам улар буни ёмон ният блан қилмас эдилар. Шунинг натижасида содвос қарамоғидаги болалар «асрлар» бўйи дунёга келган традициялар уёқда турсин, ҳатто бир йиллик одат ва традицияларнинг ҳам нималигини билмас эдилар.

Куряжлилар онгининг енгилиши меничг болаларга янада яқинроқ ёндашишимга ва болаларга ишонч блан қарашимга имкон берар эди. Аммо бу озлик қилар эди. Узил-кесил галабага эришиш учун энди педагогика техникаси керак эди. Гарчи бу соҳада илгаригидай гирт са-

---

[1] Икки фикрни таққослаб, уларнинг натижаси бўлган учинчи бир фикрни чиқариш формуласи.

[2] Мантиқий йўл блан умумийликдан жуз'ийликка қарата хулоса чиқариш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

водсиз бўлмасам-да, 1920 йилда қандай ёлғиз бўлсам, ҳозир ҳам шундай эдим. Бу ёлғизлик деганим бутунлай бошқача, алоҳида ёлғизлик эди. Тарбиячилар коллективида ҳам, болалар коллективида ҳам кўпгина ёрдамчи кадрларим етишиб чиққан эди; уларнинг кучига суяниб туриб, энг қийин ва мураккаб операцияларни бошлашга киришишим мумкин эди. Аммо, буларнинг ҳаммаси ердаги гаплар эди.

Осмони-фалакда ва унга яқин жойларда, педагогика «Олимп»нинг[1] чўққиларида тарбия соҳасида педагогика техникаси бид'ат деб э'лон қилинган эди.

«Осмондагилар, гўдакка алоҳида газ билан тўлдирилган бир жисм деб қарашар, бу жисмга ҳали ном топиб қўймаган эдилар. Сирасини айтганда, бу — апостоллар чайнаб келган ва сийқаси чиқиб кетган жоннинг ўзгинаси эди. Газдан иборат бўлган бу жисм ўзидан-ўзи ўсиб, улғайиш қобилиятига эга, унга фақат халақит берилмаса бўлгани деган гипотеза ҳукм сурарди. Бу тўғрида кўплаб-кўп китоблар ёзилган, аммо бу китобларнинг ҳаммаси Руссонинг:

«Болаликни асиз кўрингиз...»

«Табиат ишига аралашакўрманг...» деган гапларини такрорлашдан иборат эди.

Бу та'лимотнинг муҳим ақидаси шундан иборат эдики, табиатни ҳиззатлаш ва унинг олдида сермулоҳимат бўлиш натижасида юқорида айтилган газдан албатта коммунистик шахс етилиб чиқиши керак эди. Амалда эса, соф табиат шароитларига қўйиб берилган газдан энг оддий бурган униб чиқиши мумкин эди! Аммо бу нарса ҳеч кимни хижолатга солмасди, чунки дин тақводорларига принцип билан идея бўлса бас эди. Мен, амалда униб чиққан бурган коммунистик шахс етиштириш лойиҳасига тўғри келмайди-ку десам, улар мени тор амалиётчи деб айблардилар ва агар менинг ҳақиқий қиёфамни аниқламоқчи бўлсалар:

— Макаренко яхши амалиётчи, аммо назария масалаларда гирт саводсиз,— дейдилар.

Интизом ҳақида ҳам мунозара бўлиб турарди. Бу масалада назариянинг асоси Ленинда кўп учрайдиган икки

---

[1] Грецияда энг баланд тоғ. Қадимги греклар мифологиясига кўра, ҳимма тангриларнинг макони бўлган. А. С. Макаренко ушбу асарни ёзган маҳалда, ўша даврдаги реакцион педагогларни Олимп тоғига ишончи «тангри»ларга ўхшатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўздан, я'ни: «онгли интизом» деган сўздан иборат эди. Ҳарқандай ақли бор одам бу икки сўзда оддий, тушунарли ва амалий жиҳатдан зарур фикр борлигини, я'ни интизомнинг кераклигини онгли равишда билиш, унинг фойдали, мажбурий эканлигини, синфий аҳамиятга эга эканлигига ишониш зарурлигини яхши билади. Педагогика назарияси эса буни бутунлай бошқача тушунарди: интизом ижтимоий тажрибадан эмас, бутун коллектив а'золарининг ўртоқларча ҳамкорлик билан қилган хатти-ҳаракатларидан эмас, балки соф онгдан, қуруқ идрокдан, газдан иборат жондан, ғоялардан келиб чиқади, дерди. Кейин назариячиларга бу ҳам озлик қилди шекилли, агар «онгли интизом» катталарнинг та'сири остида вужудга келса, бундай интизом ҳечнарсага ярамайди деб чақдилар. Бу интизом чинакам онгли интизом эмас, зўрлаб ўрнатилган интизом, жонни бўғиш, шунинг учун онгли интизом эмас, «самодисциплина»[1] керак дейдиган бўлдилар. Худди шунингдек, болаларни уюштириш, бирбирига қовуштириш хавфли, унинг кераги йўқ, унинг ўрнига «самоорганизация»[2] керак дедилар.

Мен ўз кулбамга қайтардим-да, ўйлаб кетардим. Мен шундай деб ўйлардим: қандай одам етиштиришимиз кераклигини биз ҳаммамиз яхши биламиз, буни ҳарбир саводли ва онгли ишчи, ҳарбир партия а'зоси яхши билади. Бинобарин, бунинг қийинлиги нима қилиш керак деган масалада эмас, қандай бажаришда. Бу масала эса педагогика техникасига боғлиқ.

Техника фақат тажриба асосида келиб чиқиши мумкин. Агар одамзод тарихида ҳечким металл кесиш билан шуғулланмаганда металл кесиш қонунлари топилмаган бўларди. Техника соҳасида тажриба ҳосил қилингандагина ихтиро чиликка ҳам, такомиллаштиришга ҳам, саралашга ҳам, яхшини яхшига, ёмонни ёмонга ажратишга ҳам йўл очилади.

Бизнинг педагогика ишлаб чиқаришимиз ҳечқачон технологияга асосланмай, ҳамиша ахлоқ логикаси тарғиботига асосланиб келар эди. Айниқса тарбия соҳасида шундай эди, мактаб ишида бу масала анча енгил.

Худди шунинг учун бизда ишлаб чиқаришнинг технология процесси, операцияларни ҳисобга олиб бориш,

---

[1] Ўз ўзини тутабилиш, ўзини интизомга солабилиш.

[2] Ҳеров та'сирисиз ташкил топиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

конструкторлик иши, кондукторлардан ва ҳар турли асбоблардан фойдаланиш, нормалаштириш, контроль, маҳсулот бракини ажратиш каби ҳамма муҳим бўлимлари бизда йўқ.

«Олимп» этагида туриб шу сўзларни қўрқа-писа тилга олганимда тангрилар мени тошбўронга тутиб, бу — механистик назария, деб бақирган эдилар.

Мен ўйлаганим сари тарбия процессларн блан ишлабчиқариш процессларн ўртасида ўхшашлик борлигига тобора тўлароқ қаноат ҳосил қилиб борардим ва бу ўхшатишда айтарлик хавфли механистик нарса борлигини кўрмасдим. Инсон шахси менинг назаримда ўзининг мураккаблиги, бойлиги ва гўзаллигини сақлаганича қолаверарди, аммо мен худди шунинг учун унга нодонларча шаллақилик блан эмас, аниқроқ ўлчайдиган асбоблар блан, катта мас'улият ва чуқур илм блан қуролланиб туриб ёндашиш керак, деб ўйлайман. Ишлабчиқариш блан тарбия ишларини чуқур таққослаш менинг инсон ҳақидаги тасаввуримни таҳқирлаш ўёқда турсин, аксинча, унга нисбатан менда янада ортиқроқ ҳурмат туғдирарди, чунки яхши ва мураккаб машинани ҳам ҳурмат қилмасдан бўлмайди, албатта.

Ҳарҳолда, инсон шахси ҳамда инсон хулқининг жуда кўп детальларини прессларда, стандарт қолипларда ясаш мумкинлиги менга равшан эди, аммо бунинг учун қолипларимиз ниҳоятда нозик бўлиши, жуда яхта ва аниқ ишлаши керак эди. Ба'зи детальлар, аксинча, ниҳоятда моҳир, қўллари олтин ва кўзлари ўткир мастернинг алоҳида ишлашини талаб этади. Кўп детальларни ясаш учун ихтиро'чилик қобилияти ва зўр исте'додни талаб қилучи махсус мураккаб асбоблар бўлиши зарурдир. Ҳамма детальлар ва тарбиячининг бутун ишини юргизиш учун махсус фан бўлиши керак. Нима учун олий техника билим юртларида материал қаршилигини ўрганамизу, педагогика олий билим юртларида шахсни тарбиялаш лавридаги қаршилик кўрсатишни ўрганмаймиз? Бундай қаршилик борлиги ҳаммага ма'лум-ку! Нима учун бизда, педагогика соҳасидаги ишбузармонларга:

— Ишингизнинг тўқсон проценти брак, оғайнилар. Сизлар коммунистик шахс эмас, ярамас, пиянистa, ишёқмас, манфаатпараст одам етиштирибсиз. Қани, марҳамат қилиб ойлигингиздан тўланг!— дейдиган контроль бўлими йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нима учун бизда хомаш'ё тўғрисида ҳечқандай та'лимот йўқ, нима учун бу хомаш'ёдан нима ишланишини, гугурт қутисини ё аэропланми ишланишини ҳечким билмайди?

«Олимп» чўққисидаги кабинетларда ўтирганлар деталь ва иш бўлакларини ажратишмайди. У ердан фақат бепоён болалар денгизи кўринади, кабинетда эса абстракт боланинг энг енгил нарсалардан: идея, босма қоғоз, Манилов орзу-ҳавасларидан[1] ясалган модели туради. «Олимп»лилар менинг колониямга келганда кўзларини каттароқ очиб қарамайдилар, шунинг учун жонли коллектив уларнинг кўзига аввало техникани талаб этувчи янги вазият бўлиб кўринмайди. Мен бўлсам, уларни колонияни айлантириб юрар эканман, улар блан назарий масалаларда олишавериб чиниққаним учун, ҳатто бирон-та арзимаган техникага доир нарсага ҳам э'тиборсиз қарайолмас эдим.

Тўртинчи отряд ётоғида бугун пол ювилмапти, чунки челак йўқолиб қопти Мени челакнинг қиммати ҳам, унинг қандай йўқолгани ҳам қизиқтиради. Челак ҳарбир отряд командирининг ёрдамчисига берилади, челак йўқолса шу ёрдамчи жавобгар, ётоқни тозалашга навбатчини ҳам шу ёрдамчи гали блан тайинлайди, бинобарин, гали блан қўйиш мас'улняти ҳам навбатчининг бўйнига тушади. Худди мана шу нарсани, я'ни ётоқни тозалаш, челак ва латтага жавобгарликни мен технологик момент деб биламан.

Бу нарса бирон заводдаги эскириб кетган, ким ва қачон ясаганн ҳам нома'лум шалоқ токарь станогига ўхшайди. Бундай станоклар одатда цехнинг узоқ бир бурчагида, ёғ босиб кетган ерда туради, уларни ҳамма «эчки» деб атайди. Бу станокларда шайба, машина бўлакларини ушлаб турадиган болт ва шу каби майда-чуйда детальлар ишланади. Шундай-ку, аммо биронта «эчки» бузилиб, ишдан чиқиб қолгудай бўлса, бутун заводда хавотирлик пайдо бўлади, йирик цехида ишланаётган машинага бирон деталь етмай қолади-да, «шартли маҳсулот» чиқарилади, складларда эса «комплекти нобут», кўнгилга ёқмайдиган, маҳсулот кўпайиб кетади.

Челак блан латтага жавобгарлик ҳам мен учун худди шу токарь станоги ролини ўйнайди, энг кейинги қаторда

[1] Амалга ошмайдиган, беҳуда, пуч орзу-ҳаваслар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

турса ҳам майлики, бу станокда инсон хулқининг энг муҳим хусусиятн бўлмиш жавобгарликни сезиш туйғуси ясалади. Агар шу нарса бўлмаса коммунистик руҳли одамни етиштириб бўлмайди, «комплекти нобут» маҳсулот бўлиб қолади.

«Олимп»лилар техникани меисишмайди. Уларнинг ҳукмронлиги натижасида педагогика олий ўқув юртларимизда айниқса тарбия соҳасида педагогика техникаси сўниб, йўқ бўлиб кетиш даражасига етди. Бутун совет ҳаётимизда тарбия техникаси соҳасига ўхшаган расво соҳа йўқ. Шунинг учун ҳам тарбия иши ҳунармандчилик ҳолига келиб қолган, ҳунармандчилик корхоналари ичида эса у энг қологидир. Шунинг учўн ҳам «Ревизор»даги Лука Лукич Хлопованинг:

«Илм-ма'рифат соҳасида ишлашдан қийини йўқ, ҳамма аралашаверади, ҳарким ўзини доно қилиб кўрсатишга тиришади» деган шикояти ҳозир ҳам кучини йўқотган эмас.

Бу ҳазил эмас, муболага ҳам эмас, ҳар қадамда учраб турадиган энг оддий ҳақиқат. Тарбия масалаларини ҳал этишга кимлар аралашмади? Бирон кимса стол эгаси бўлдими, бас, уни унга, буни бунга таққослайди, уни бунга боғлайди, буни ундан ечади. Қайсибир китоб блан уни яхталаб олиш мумкин? Уз боласи бўлгандан кейин, унга китобнинг нима кераги бор? Айни вақтда бир педагогика профессори, тарбия соҳасининг кўзга кўринган мутахассиси ГПУ ёки НКВДга:

«Менинг ўғлим бирнеча марта уйимдаги нарсаларимни ўғирлаб кетди, кечаси уйда ётмайди, сизга илтимос блан мурожаат қилиб сўраймаики...» деб ариза ёзади.

Ажабо, нима учун педагогика техникасини чекистлар педагогика профессорларидан кўра кўпроқ билишлари керак?

Бу ажойиб саволга анчадан кейин жавоб бераолдим, аммо у вақтда, 1926 йилда, менинг техникам Галилейнинг дурбинидан фарқ қилмасди. Мен ё Куряжда мағлубиятга учрашим керак эди ё бўлмаса «Олимп»да енгилиб, жаннатдан ҳайдалишим керак эди,— иккисидан бирини танлашим керак эди. Мен кейингисини танладим. Тепамда жаннат ранг-баранг назариялари блан товланиб турарди, аммо мен куряжлиларнинг овсдний отряди олдига чиқдим-да, болаларга:

— Хўш, болалар, ишларингнинг мазаси йўқ... Бугун

www.ziyouz.com kutubxonasi

мажлисда яхшилаб адабларингни бермасам бўлмайди. Бунақангги ишлайдиган бўлсангиз ишламай қўяқолинглар!— дедим.

Болалар қипқизариб кетди, улардан бири, дарозда келган бир бола, қўлидаги чопқини менга теш қилди-да, алам блан:

— Чопқи ўтмас бўлса нима қиламиз... Мана, қаранг...—деди.

— Бекор айтибсан,— деди унга Тоська Соловьёв.— Бекор айтибсан. Ёлғон айтганингни бўйнингга ол. Ол бўйнингга...

— Нима, ўткирми?

— Нима, бир соатгача марзада ўтирмадингми? Ўтирмадим дегин?

— Менга қаранглар!— дедим, сводний отрядга.— Ужингача шу участкани ишлаб тамомлашингиз керак. Тамом қилмасангиз ужиндан кейин ҳам ишлаймиз. Мен ҳам бирга ишлайман.

— Тугатамиз,— деб сайради, ўтмас чопқи эгаси.— Тугатадиган ҳечнарсаси ҳам қолгани йўқ.

Тоська кулиб юборибо:

— Вой муғомбир-ей!..— деди.

Бу ўринда одамнинг хафа бўлишлигига асос йўқ эди: агар одам ишдан бўйин товласа ва бунинг учун тузукроқ баҳона топишга ҳаракат қилса, демак у одам ижод қилган ва ташаббус кўрсатган бўлади, бу нарсаларнинг эса «Олимп» бозорида қадри-қиммати баланд. Менинг техникамнинг вазифаси бу ижодни сўндиришдан иборат эди, холос, аммо ишдан камойишкорона бош тортиш ҳодисаларининг деярлик учрамаслиги мени қувонтирарди. Ба'зи болалар беркиниб оларди, ҳечкимга билдирмасдан бирон ёққа кетиб қоларди, аммо бундайлардан мен қўрқмасдим: бундайларга қарши болалар ўз техникаларини ишлатардилар. Прогулчи қаерларда дайдиб юрмасин, ноилож ўз отрядига қайтиб келиб обед қилар эди. Қуряклилар уни бямайлихотир кутиб олардилар, ба'зан худди билмаган одамдай:

— Колониядан қочиб кетмаганмидинг?— деб сўраб қўярдилар.

Горькийчиларнинг тиллари ҳам, ишлари ҳам ўткир эди. Прогулчи стол ёнига келиб, ўзини ҳамма қатори оддий бир одам қилиб кўрсатишга, бошқаларнинг эътиборига унча сазовор эмасдай қилиб кўрсатишга тирнша-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, броқ командир ҳаркимнинг хизматига муносиб муомила қилиши керак. Командир Колькагами ё бирон бошқасигами жиддий қараб туриб дейди:

— Ҳой Колька, нимага қўлингни қовуштириб ўтирибсан? Криворучко келганини кўрмайсанми? Тезроқ жой бўшатиб бер! Тоза тарелка қўй олдига! Ийя, қанақа қошиқ бердинг унга, қанақа қошиқ?!

Қошиқ ошхона деразасига қайтиб кириб кетади.

— Ёғлироқ қилиб қуй!.. Ёғлироқ бўлсин!.. Петька, югур, ошпаздан тузукроқ қошиқ олиб келиб бер! Чаққонроқ қимирла! Степка, нондан кесиб бер... Ҳой, нега бунақа тўғрайсан нонни? Нонни фақат граклар муштумдай-муштумдай тўғраб ейди, бунга юпқароқ қилиб тўғраде... Петька қошиққа кетиб ўзи қошиқ бўлиб қолдими?.. Петька, тезроқ юрсангчи! Ванька, югур тезроқ, Петькага бориб айт, тезроқ қошиқ келтирсин!..

Криворучконинг олдида ҳақиқатан бир тарелка ёғлиқ борщ туради, у бошини борщга эгиб, юзлари қипқизариб ўтиради. Нариги столда ўтирганлардан аллаким салмоқ блан:

— Ўн учинчи отряд дейман, сизларга меҳмон келиб қолди шекилли, назаримда?— дейди.

— Ҳа, меҳмон келиб қолди, меҳмон. Обед емасалар бўлмайди... Петька, қошиқни келтирсангчи, мунча куттирасан!..

Жўрттага жиннилик қилиб тараддудланиб қолган Петька ошхонага елиб-югуриб киради-да, колонистлар овқат ейдиган оддий қошиқни худди азиз нарсани кўтариб келгандай икки қўллаб олиб келиб, узатади. Командирнинг жаҳли чиқиб кетади:

— Қанақа қошиқ келтирдинг? Сенга нима дейилувди? Энг катта қошиқ келтир...

Петька худди шошиб-эсанкириб қолган одамдай, ошхонада елиб югуради, эшик деб деразага ўзини уради. Жуда мураккаб драма бошланади, бунда ҳатто ошхона ходимлари ҳам қатнашади. Ба'зиларнинг юраги шиғ этиб кетади, чунки мундоғ ўйлаб қараганда, улар ҳам бундай оташин меҳмондорчиликдан тасодифан қутулиб қолган эдилар. Петька қўлида човлими ё каттакон чўмичми кўтариб, яна ошхонага ҳаллослаб киради. Бутун ошхонани кулги босиб кетади. Шунда Лапоть ўрнидан секин туради-да, можаро тепасига келади. Мелодраманинг ҳамма қатнашчиларига индамасдан бир-бир қараб чиқади-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин командирга хўмрайиб тикилади. Сўнгра унинг жиддий юзида секин-аста ачиниш ва раҳмдиллик ҳислари, я'ни сра унга хос бўлмаган ҳислар пайдо бўлади. Ошхонадагилар артистлар ўйинининг энг қизиқ жойи келишини кутиб, жим қолади. Лапоть, қўлини Криворучконинг бошига қўяди-да, товушини ингичка қилиб, меҳрибонлик блан:

— Е овқатингни, кичкинтой, еявер, қўрқма... Нега болани хафа қиласизлар? А? Е, болакай... Ийя, қошингинг йўқми? Вой, бу чўчқалик-ку! Қани, ҳой, биттангиз қошиқ беринг бунга... Мана буни берақол... дейди.

Броқ кичкинтойнинг томоғидан овқат ўтмайди. Бутун ошхонани бошига кўтариб йиғлайди, тарелкадаги ёғлиқ боршчга қошиқ теккизмай, ўрнидан турали. Лапоть, бечоранинг юзига қарайди, Лапотынинг юзи унинг қаттиқ хафа бўлганини, дили сиёҳ бўлганини кўрсатади.

— Бу қандоғ бўлди энди?— дейди Лапоть, йиғламсираб.— Обед ҳам емайсанми? Шунақаям хўрлашадими одамни!

Лапоть йигитларга қарайди-да, овозини чиқармай кулади. Кейин, пиқир-пиқир йиглаб турган Криворучконинг елкасидан ушлаб, авайлаб ошхонадан олиб чиқиб кетади. Одамлар кула-кула қотиб қоладилар. Броқ, мелодрама бу блан тугамайди, ҳали охирги пардаси бор, аммо уни тамошабинлар кўрмайди. Лапоть меҳмонни ўчоқ бошига олиб кириб, каттакон стол ёнига ўтқизади-да, пўварга «мана бу одам»нинг қорнини яхшилаб тўйғизинг, чунки, «ўзингиз кўрдингиз-ку, хафа қилишди» дейди. Ҳали ҳам хўрлиги келиб турган Криворучко боршчни еб бўлиб, бурни ва кўзёшларини артишга қурби етганда, Лапоть унга билдирмасдан туриб охирги зарбани беради-ки, бундай зарбадан ҳатто Иуда Искариотский[1] ҳам ювош каптарга ўхшаб қоларди:

— Нега улар сенга ёпишиб олишдия? Ё ишга чиқмадингми? Шунақами?

Криворучко «ҳа» деб бошини силкитали. ҳиқичоғи тутади, хўрсинади ва, умуман, гап ўрнига ишора қилади.

— Вой тентакларей!.. Оббо уларей!.. Ҳа сен охирги марта шундай қилишингку, а? Бошқа қилмайсан-а, шунақами? Шундай экан, нега ёпишади сенга? Ҳарким-

---

[1] Инжил афсонасига кўра, ўз устози Исога хоинлик қилиб, тутиб берган апостол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ҳам бошига тушиши мумкин бундай нарса. Мен колонияга келганимда етти кунгача ишга чиқмай юрганман... Сен атиги икки кунгина чиқмабсан. Қани, мускулингни бир ушлаб кўрай... Ого! Албатта, бундай мускул блан ишламасдан бўладими, а?.. Рост, а?

Криворучко яна «ҳа» деб бошини силкитади-да, шовла ейишга тушади. Лапоть, сра кутилмаган ҳолда:

— Сенинг ўз йигитимиз эканлигингни мен дарров пайқадим!— деб Криворучконинг кўнглини кўтариб қўяди-да, ўчоқбошидан чиқиб кетади.

Ишчи отряддан кетиб қолишларга барҳам бериш учун мана шундай тамошалардан бир-иккитаси кифоя эди. Бундай ҳолларга Куряжда жуда тез хотима берилди. Ховрахга ўхшаган симулянтлар блан курашиш анча қийинроқ эди. Икки кун ўтмасдан Ховрах офтоб урдига тушди, инқиллаб, бута тагига кириб, дам олгани ётиб оладиган бўлди. Бундайларнинг жазосини Таранец боплаб берарди. Антондан Мардин линейкага қўштириб оларди-да, линейкани байроқ ва крестлар блан безатиб, бир тўда санитарлар блан бирга далага чиқарди. Таранецнинг ихтиёрида бўлган воситалардан энг кучлиси темирчилар дами блан қуролланган Кузьма Леший эди. Ховрах энди дарахтзорларга кириб чўзилиши блан, бахтсиз ҳодисалар учун тузилган «Тез ёрдам» араваси тараҳа-туруқ қилиб бостирниб келади-да, дарҳол Леший ўзининг дамини касалнинг рўпарасига тўғрилаб қўяди, бирнеча киши астойдил дам босишга киришади. Улар Ховрахнинг офтоб урган ерига ҳар тарафдан дам берадилар, сўнгра каретага судрайдилар. Аммо Ховрах бирдан тузалиб қолади, карета колонияга қайтиб кетади. Юқорида тасвирланган тиббий ёрдамга дуч келиш Ховрах учун қанчалик ор бўлса, сводний отрядга қайтиб бориш ҳам шунчалик ор эди.

— Кор қилдими, Ховрах? Жуда тез кор қилади, а?— деб берилган содда саволлар каби янги дориларни индамай ютиш ундан ҳам оғир эди.

Албатта, бу — партизанларча қилинган ҳаракатлар эди, аммо булар умумий муносабат ва бутун коллективнинг ишни йўлга солиб юборишга қаратилган умумий интилишидан келиб чиқар эди. Муносабат блан интилиш эса меҳнат техникасининг асосий дастакларидан эди.

Отряд — асосий технологик негиз бўлиб қолаверар эди, албатта. Тарихимизнинг охиригача «Олимп»дагилар отрядниинг нима эканлигига яхши тушунолмадилар. Бўлма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са, отрядининг аҳамиятини, унинг педагогика процессида энг муҳим нарса эканлигини олимпиларга кўп марта тушунтиришга ҳаракат қилганман. Аммо, биз бир-биримизнинг гапимизга тушунмас эдик, уларга ҳечнарса тушунтириб бўлмас эди. Бир куни колонияга кўзойнак таққан, пиджак ва шим кийган мутафаккир, хайрихоҳ ва туппа-тузуккина бир профессор келиб қолди. Шу профессор билан бўлган суҳбатимнинг бир сўзини ҳам тушириб қолдирмасдан, ёзиб келтирамак. Профессор менга ҳадеб нега ошхонадаги столларни отрядларга педагог тақсимлаб бермайдию, навбатчи командир тақсимлаб беради деб савол бераверди.

— Рост, ўртоқ, мени майда қилмоқчидирсиз. Мен сиздан жиддий гапиришишингизни сўрайман. Бу қандоқ бўлди: навбатчи ошхонани тақсимлайдию, сиз индамасдан қараб турасиз? Тўғри тақсимлашига, ҳечкимнинг дилини оғритмаслигига қандай ишонасиз? Иннайкейин... янглишиши, хато қилиб қўйиши мумкин, ахир?

— Ошхонадаги столларни тақсимлаш қийин иш эмас,— деб жавоб бердим профессорга,— ундан ташқари, бизда эскидан бери давом этиб келадиган жуда яхши қонун бор.

— Қизиқ. Қонун дедингизми?

— Ҳа, қонун. Қонун шундан иборат: ҳамма ёқадиган ва ёқмайдиган ёки сғир ишлар отрядларга уларнинг номерига қараб навбатма-навбат тақсим қилиб берилади.

— Қандай қилиб? Нима дедингиз? Тушунмадим...

— Тушуниш осон. Ошхонанинг энг яхши жойи ҳозир биринчи отрядга берилган, бир ойдан кейин — иккинчи отрядга берилади, яна бир ойдан кейин учинчи отрядга берилади ва ҳоказо, кетаверади.

— Яхши. Хўш, «ёқимсиз» деганингиз нимаси?

— Ёқимсиз ишлар кўп бўлиб туради. Масалан, агар ҳозир планда кўрсатилмаган биронта шошилинч иш чиқиб қолса — биринчи отрядга топширилади, кейинги сафар — иккинчи отрядга топширилади. Тозалаш, супуриш-сидириш ишлари тақсимланганда биринчи отрядга энг олдин ҳожатхона тозалаш ишлари топширилади. Бу иш фақат навбатдаги иш қаторига киради, албатта.

— Бу даҳшатли қонунни сиз ўйлаб чиқардингизми?

— Йўқ, нега мен ўйлаб чиқарар эканман? Йигитларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган. Уларига қулай: ахир, бундай ишларни тақсимлаш жуда қийин, тақсимланганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

албатта норозиликлар кўп бўлади. Бунда эса иш навбати билан келаверади. Навбат ҳар ойда ўзгариб туради.

— Бундан чиқди, йигирманчи отрядингиз ҳожатхонани йигирма ойдан кейин тозалар экан-да?

— Албатта, аммо ошхонанинг энг яхши жойи ҳам унга йигирма ойдан кейин тегади.

— Даҳшат! Ахир, йигирма ой ичида йигирманчи отрядга янги болалар қўшилиши мумкин-ку? Шундай бўлиши мумкинми?

— Йўқ, отрядлар составн деярлик ўзгармайди. Биз коллективларнинг узоқ давом этиши тарафдоримиз. Албатта, иккита-учтаси кетиб, ўрнига икки-уч янги бола келиши мумкин. Аммо, ҳатто отряднинг ахсарияти янгиланган тақдирда ҳам, бунинг ҳечқандай хавфи йўқ. Ҳарбир отряд — коллектив, унинг ўз традициялари, тарихи, хизматлари ва ўзига яраша шон-шуҳрати бор. Тўғри, ҳозир биз отрядларни бузиб, янгитдан тузиб чиқдик, аммо отряднинг негизи аслича қолди.

— Ҳеч тушунолмадим. Буларнинг ҳаммаси — тўқилган нарсалар. Енгилтаклик. Одамлари янги бўлгандан кейин отряднинг, унинг шуҳратининг нима аҳамияти қолади? Нимага ўхшатиш мумкин буни?

— Чапаев дивизиясига ўхшатиш мумкин,— дедим, жилмайиб.

— Ана халос, яна ўша ҳарбийлаштиришингизни айтасиз... Ҳа, хўп, аммо... Чапаев дивизиясига ўхшайдиган нимангиз бор?

— Дивизияда эски одамлар қолмаган. Чапаевнинг ўзи ҳам йўқ. Ҳамма одамлари янги. Аммо Чапаев ҳамда унинг полкларининг шон-шуҳратини шу янги одамлар сақлаб келади, тушундингизми? Чапаев шуҳратига жавобгарлик шулар зиммасида. Башарти улар шармандa бўлиб қолгудай бўлса, эллик йилдан кейин келган янги одамлар уларнинг қилмишига жавобгар бўлади.

— Нимага керак экан бу нарсалар сизга, ақлим етмай турипти?

Профессор, ҳечнарсага ақли етмай, қайтиб кетди. Мен нима қилаолар эдим?

Куряжга кўчиб келгач, дастлабки кунларда отрядларда жуда катта ишлар қилинди. Икки-уч отрядга азалдан битта тарбиячи бириктириб қўйиларди. Отрядларда коллективнинг ор-номусини сақлаш ҳақида ва колонияда энг яхши, муносиб жой эгаллаш кераклиги ҳақида тасав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вур уйғотиш мас'улияти тарбиячиларнинг зиммасига юкланар эди. Коллектив манфаатларини кўзловчи янги одатлар ва интилишлар бир кунда пайдо бўлмас эди, албатта, аммо ҳарбир болани якка тарбиялагандан кўра анча тезроқ пайдо бўларди.

Катта аҳамиятга эга бўлган иккинчи усулимиз — истиқболни кўрсатиш усули эди. Ма'лумки, истиқбол яратишнинг, бинобарин, меҳнатни уюштиришнинг икки йўли бор. Биринчиси — шахсий истиқболни уюштиришдан иборат бўлиб, бу — ҳарбир шахснинг моддий манфаатини қўзғатишга асосланган. У даврдаги педагогика мутафаккирлари бу тадбирни қат'иян ман' этардилар. Болаларга иш ҳақи ёки мукофот тариқасида бирнеча сўм берилади-ган бўлса «Олимп»да шовқин-сурон кўтарилади. Педагогика мутафаккирлари «Фауст»нинг:

Одамлар пул деб ҳалок бўладн...

деганини эшитиб, пул — шайтон васвасаси дердилар.

Ишҳақи ва пул деганда уларни шу қадар ваҳима босиб кетардики, бирорта далил келтиришга сира ўрин қолмасди. Бу ҳолда масалани фақат табаррук сув сепиш билан бартараф қилиш мумкин эди, аммо бу нарсага мен қобил эмас эдим.

Аммо, ишҳақи масаласи ёкуда муҳим нарса. Тарбияланувчи бола, ўз меҳнатига ҳақ олиш йўли билан ўзининг хусусий ва ижтимоий манфаатларини бир-бирига мувофиқлаштиришга ўрганади, совет саноат-молия плани, хўжалиқ ҳисоби ва рентабельликлардан иборат бўлган мураккаб денгизга шўнғийди, совет завод хўжалиги системасини ўрганабошлайди ва ишчилар билан бир қаторда принципиал суратда умумий позициядан жой олади. Ва ниҳоят, ишлаб топган пулининг қадрига етадиган бўлади ва натижада болалар уйидан ўз турмушини йўлга қўйишни билмайдиган ва фақат «орзу-ҳаваслар» билан қуролланган ойимқиз бўлиб чиқмайди.

Аммо, бундай қилишнинг сира иложи йўқ эди: бундай нарсалар ман' этилган эди.

Мен фақат иккинчи йўлдан, коллектив аҳиллигини кўтариш ва коллектив истиқболини яратишдай мураккаб системадан фойдаланиш имкониятига эга эдим. Бу усул шайтон васвасасидан йироқ эди, шунинг учун, олимпдагилар, гарчи ба'зан ховатирланиб пўнғирлаб қўйсалар ҳам, кўп нарсага чидаб келар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар инсон кўз олдига қувноқ истиқболни келтираолмаса, дун'ёда яшаши қийин. Инсон ҳаётини фақат эртанги шодлик тебратиб туради. Педагогика техникасида худди шу эртанги шодлик, ишнинг энг муҳим об'ектларидан биридир. Энг олдин шу шодликнинг ўзини яратиш ва унга жон киритиб, реал бир факт ҳолига келтириш керак. Иккинчидан, энг оддий шодликни мураккаброқ ва инсон учун муҳим кўринган шодликка айлантириб бориш керак. Бу нарса худди жўнгина ширин кулча билан қониқишдан то ўз бурчини бажаришгача бўлган чуқур туйгуга олиб келади.

Биз инсоннинг кучи ва гўзаллигини қадрлашга ўрганганмиз. Бу иккала хусусият ҳарбир инсонда фақат унинг истиқболга қандай қарашидан келиб чиқади. Ўз хатти-ҳаракатини энг яқин истиқболга, я'ни бугунги, фақат шу бутунги обедга тиккан одам — энг ожиз одам бўлади. Агар кишининг истиқболи жуда олис бўлса ҳам, ўз истиқболига қизиқса, у одамни кучли деса бўлади, аммо унақа одам бизга гўзал шахс бўлиб туйилмайди, у одамнинг қадри-қиммати ҳам бизга унча баланд бўлиб кўринмайди. Истиқболи ҳарким учун шахсий истиқбол бўлган коллектив қанча кенг ва катта бўлса, ундаги одам шунча гўзал ва кучли бўлади.

Инсонни тарбиялаш — унинг эртанги шодлиги, порлаб турган истиқбол йўлини кўрсатиб бериш демакдир. Бу муҳим иш методикаси тўғрисида бутунбошли китоб ёзиш мумкин. Бу методика янги истиқболларни яратишдан, мавжуд истиқболдан фойдаланишдан, муҳимроқ истиқболни устун қўйишдан иборат. Бу ишни яхши обеддан, циркка олиб боришдан, ҳовуз тозалаттиришдан ҳам бошлаш мумкин, аммо ҳар сафар ҳар нарсани бутун коллектив истиқбол даражасигача, бутун Иттифоқимиз истиқболи доирасигача кўтариш керак.

Куряж ғалабасидан кейин коллективнинг энг яқин истиқболи ҳосилининг биринчи боғини тантана билан байрам қилиш бўлди.

Аммо, куряжлиларни меҳнатга бўйсундириш соҳасида ҳал қилувчи роль ўйнаган бир кеча ҳақида гапириб беришим керак. Мен бу кеча бунчалик натижа берар деб ўйламай, ҳечбир амалий мақсадни назарда тутмай, зарур нарсани бажарган эдим, холос.

Горькийнинг жимлигини янги колонистлар билмас эди. Куряжга кўчиб келганимиздан бирнеча кун кейин Горь-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кий кечаси ўтказдик. Бу кеча тантанасиз — дабдабасиз уюштирилган бўлиб, бу кечага жўрттага концерт ёки адабий кеча туси бермаган эдим. Меҳмон ҳам чақирмай, соддагина қилиб безатилган саҳнага Алексей Максимовичнинг катта портретини қўйдик.

Мен болаларга Горькийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида муфассал сўзлаб бердим. Катта ёшдаги болалардан бирнечтаси «Болалик»дан парчалар ўқиб берди.

Менинг гапимга янги колонистларнинг оғизлари очилиб қолди: улар дунёда шундай ҳаёт бўлишига ишонмас эди. Лапоть, Горький хатлари солиб қўйилган папкани олиб келмагунча улар менга савол ҳам бермади, ҳаяжонланганларини ҳам кўрсатмади.

— Бу хатларни Горький ёзганми? Ўз қўли билан-а? Колонистларга ёзганми? Қани, кўрсатингчи...

Лапоть, Горькийнинг хатларини очиб, қаторларни айланиб, ҳаммага кўрсатиб чиқди. Болалардан бири Лапотынинг қўлидан ушлаб, бўлаётган воқеанинг тагига тушунишга тиришди.

— Мана, кўрдингми, қарагин: «Қимматли ўртоқларим». Худди шунақа деб ёзилган...

Мажлисда ҳамма хатлар ўқиб берилди. Шундан кейин мен:

— Балки, сўзловчилар бордир?— деб сўрадим.

Икки минутча сўзловчилар топилмай турди. Шундан кейин Коротков олмадай қизариб саҳнага чиқди-да:

— Мен... ўзимга ўхшаган янги горькийчиларга икки оғиз сўз айтмоқчиман...— деди.— Аммо, мен гапиришни билмайман... Ҳа майли, билганимча гапираман. Йигитлар! Биз бу ерда шунча вақтдан бери яшаймизу, ҳечнарсани кўрмас эканмиз... Рост гап, кўрга ўхшар эканмиз. Шунча йил умримиз бекор ўтиб кетгани ҳаммадан алам қилади! Мана ҳозир бизга ёлғиз битта Горькийни кўрсатишди... Худо ҳақи, бутун вужудим остин-устун бўлиб кетди... сизларни билмадим...

Коротков саҳна четига келди да, чиройлик кўзларини бироз қисиб туриб:

— Ишлаш керак, йигитлар... Бошқача ишлаш керак... Тушунасизларми?— деди.

— Тушунамиз!— деб қичқирди болалар ҳаяжон ичида ва Коротковни саҳнадан қарсаклар билан кузатишди.

Эртаси куни мен уларни танимай қолдим. Улар лишиллаб, ҳарсиллаб, бошларини чайқаб инсоннинг жони

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва қонига кириб кетган данғасаликни енгишга тиришар эди. Улар энг қувноқ ва йироқли истиқбол бўлмиш инсон шахсининг қадрини билган эдилар.

11. Ҳосил байрами

Май ойининг кейинги кунлари бизга бирин-кетин янги-янги совғалар келтирабошлади: ҳовлида янги майдончалар тартибга келтирилди, янги дераза ва эшиклар қурилди, қўрада янги хушбўй ҳидлар эсабошлади, янги кайфиятлар туғилди. Данғасаликнинг сўнгги қилиқларига энди жуда осонлик билан барҳам бериларди. Эришган ғалабамиз байрами олдимизда тобора равшанроқ товланиб кўринарди. Монастирь тепалигининг ўнқир-чўнқирларидан, сонсиз-саноқсиз хужралардан ўтмиш қолдиқларининг сассиқ иси тепага кўтарилар ва уни ёз шамоли аллақайқларга, тарихнинг аллақандай ахлатхоналарига учириб кетар эди.

Шамолнинг иши энди анча енгиллашган эди: сводний отрядларнинг лўмлари асрлар бўйи туриб берган, баландлиги бир саржин деворларни икки ҳафта ичида қўпориб ташлади. Калхат, Мэри ва Куряжнинг яхшилаб боқиб семиртирилган командирлар советида Василёк, Монах, Орлик деган янги лақаб олган отлар девордан чиққан ғиштларни керакли жойларга олиб кетди: бутун-бутунлари ва каттароқлари чўчқахона қурилишига майдалари — йўлкаларга, ўра ва чуқурларни тўлдиришга кетди. Белкурак, замбилғалтак ва замбиллар билан қуролланган бошқа сводний отрядлар тепалигининг энг четидаги майдончаларни тозалаб кенгайтирди, шиббалади, водийга тушиб-чиқиш учун зинапоялар қурди, Боровой бригадаси эса махсус текисланган жойлар ва мўйилишларга ўнтача скамейка ясади. Ҳовлимиз кенгайди, ёришди, осмон кўринди, теварак-атрофимизни энди кўкаламзорлар ва олис-олис манзаралар безатиб турар эди.

Ҳовли ҳам, тепалик атрофлари ҳам соцвос миллионларининг қолдиқларидан тозаланган, камгап ва қовоғи солиқ боғбонимиз Мизяк (чиройлик хотинларнинг хунук эрлари ҳамиша шунақа камгап ва қовоғи солиқ бўлади) болалар билан бирга ҳовли ва йўлка четларини чопар, монастирь тротуарларининг ейилиб кетган ғиштларини кўчириб, чекка-чеккага тахлаб қўяр эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўранинг шимол томонига чўчқахона пойдевори қурилабошлади. Чўчқахона пухта қилиб қурилар, унда ҳақиқий охирлар бўлиши керак эди. Шере энди уйи куйиб, хонавайрон бўлган одамга ўхшамайди, ҳозир у ҳам Архимед сингари завққа тўлиб-тошган: ҳар куни ўттизтадан ортиқ сводний отряд ишга чиқар эди, биз ниҳоятда катта ва зўр кучга эга эканлигимизни сезар эдик. Шеренинг ишга қанчалик ўч эканини яна бир марта кўрдим. Ишга ўчлигидан баттар орнқлаб кетган эди: иш кўп, ишчи кучи ҳам кўп, фақат унинг ўзидагина ташкилотчилик имкониятлари чекланган эди. Эдуард Николаевич ухлашни қисқартирган, оёқларини янада узунлаштирганга ўхшарди, нонушта, обед ва ужин каби ортиқча нарсаларни кун тартибидан чиқариб ташлаган, шундай бўлса ҳам ҳамма ишни қилиб улгурмас эди.

Юз гектар еримизда Шере аввалги ерда олти йил мобайнида қилган ишимизни бир ярим ой ичида ўташни мўлжаллар эди. Катта-катта сводний отрядларни ўтоққа ташларди, арзимаган майда ўтларнинг биронтасини ҳам қолдирмай юлдирарди, кўнглига ёқмаган участкаларни шафқатсиз суратда буздириб, қайтадан ҳайдаттирар ва уларга аллақандай кечки экинлар экгирарди. Далалар шумғуялардан тозаланган ва илгаригидек «Андалузия қироллари», «Малика» ва бошқа турли-туман нав экинларнинг лаҳзалари билан безатилган тепгекис ва адил поллар ёсиб ўтди. Марказий участкага, дала йўлининг қоқ четига Шере менинг келажак педагогика мўлжалларимни назарга олиб, полиз қилди. Командирлар совети бу тадбирни жуда фойдали деб қайд қилди, Лапоть ҳаржил майиб ва ишга яроқсизлардан махсус полизчилар отрядини тузишга киришди.

Шере қанча кўп иш юкламасин, ҳовузни тозалаш учун ҳам сводний отряд тузиш имконияти топилди. Сводний отряд командирлигига Карабанов тайинланди. Денис Кудлатийдан топилган эски трусикларни кийиб қирқта ялангоч бола ҳовузнинг сувини чиқариб юборишга киришди. Ҳовуз тагидан кўп қизиқ нарсалар: милтиқлар, стволи калта милтиқлар, тўпончалар топилди. Карабанов деярди:

— Агар яхшилаб қидирса, иштон ҳам топилади. Менимча, ҳовузга иштонларини ҳам ташлаб кетишган, чунки иштонсиз қочиш осон-де...

Балчиқдан яроқ-аслаҳани олиб чиқиш қийин эмас

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди, ҳовузни балчиқдан тозалаш машаққат эди. Ҳовуз анча каттагина эди, балчиқни челак ва замбил блан ташиладиган бўлса тугаши қийин эди. Махсус ихтиро' этилган тахта куракка тўртта от қўшиб ишга солингандан кейин ҳовуз ичидаги лой камаябошлади.

Карабановнинг «Иккинчи махсус сводний» отряди иш вақтида жуда ажойиб бир тарзда кўринар эди. Бошларигача лой чиқиб кетган болалар худди хабашларга ўхшарди, уларни таниб, бир-биридан ажратиб бўлмасди, улар худди йироқ мамлакатдан келиб қолган оломонга ўхшарди. Икки кундан кейин биз томонларда сра бўлмаган манзарани кўриш насиб бўлди: болалар белларига акация, дуб ва шу каби тропик дарахтларнинг баргларидан тикилган юбка тақиб ишга чиқдилар. Бўйинларига, билак ва оёқларига сим, тунука ва мис парчаларидан безаклар тақиб олган эдилар. Болаларнинг кўпи бурунларига чўп, қулоқларига шайба, гайка, мих тақиб чиққан эди.

Хабашлар русча ва украинча гапиришни билмас эди, албатта; улар колонистларга нома'лум аллақандай маҳаллий шевада гапиришар, бу шева европалиларнинг қулоғига ёт туйиладиган бақириқ ва хириллаган товушлардан иборат эди. Иккинчи махсус сводний отряд а'золарининг бир-бирларининг гапига балодай тушуниш уёқда турсин, ҳатто тинмай вағир-вуғир қилиб гапиришишларини кўриб, биз ҳайрон бўлардик, эртадан кечгача ҳовузнинг ичи қулоқни кар қилгудай шовқин-сурон блан тўлиб ётар эди. Хабашлар белларигача балчиққа ботиб, балчиқнинг энг чуқур жойига ўрнатилган тахта куракка Ниначи ёки Калхатни қийқириқлар блан олиб келиб қўшишади-да, овозларининг борича сўкинишади.

Ҳамма блан баравар лойга буланган ва сочларини лой блан алламбало қилиб тепага гумбаз қилиб қўйган Карабанов кўзларининг оқини ўйнатиб ва тишларини кўрсатиб:

— Каррамба!— деб бақиради.

Уникига ўхшаган ўнлаб оқ ва қутурган кўзлар Карабановнинг билакузуклар блан безатилган қўли кўрсатиб турган нуқтага қарайди ва бошларини силкитиб, бирнимани хутиб туради. Карабанов:

— Пханаяй, пхананяй!— деб бақиради.

Ваҳшийлар тахтакуракка оломон бўлиб ёпириладилар ва қий-чув, шовқин-сурон остида Ниначининг кампида бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

тонна келадиган қуюқ, оғир лойни тортиб чиқишига ёрдам берадилар.

Бу этнографик манзара айниқса кечга бориб, колония болалари тепалик четига тизилиб, Карабановнинг «Бўғизла!..» деб бақиришини ва ҳабашларнинг кўзлари қонга тўлган ҳолда оқ баданлиларга ҳамла қилишларини мароқ блан кутиб ўтиргандан кейин қизийди. Оқ баданлиларни ваҳима босиб колония ҳовлисига қочиб кутуладилар ва эшик тирқишлари ва туйнуклардан қўрқа-писа мўралаб қарайдилар. Аммо ҳабашлар оқ баданлиларни та'қиб этмайдилар ва умуман ваҳшийлик кўрсатмайдилар, чунки гарчи ваҳшийлар рус тилини билмасалар-да, ётоқхонага лой судраб келтирганлик учун хонаки қамоқ тарзида жазоланишларини биладилар.

Ваҳшийларга фақат бир марта пойтахт шаҳри Харьков яқинидаги оқ баданлиларни ажинни қилиш насиб бўлди.

Ҳаво иссиқ ва дим оқшомлардан бирида ғарб томондан қора булут бостириб келиб қолди. Булут, улкан кўкиш тароққа ўхшаган ва жала қуйиб турган кунгирали этагини ёйиб, осмонни у бошидан бу бошигача қоплаб олди-да, ҳайқириб ва бўкириб, бутун ғазабини бизнинг тепалигимизга сочабошлади. Бундан иккинчи махсус сводний отряд ниҳоятда завқланиб, қийқирик кўтарди, ҳовузнинг ичини тантанали садолар босиб кетди. Булут ўзининг ҳамма батареяларидан минг тоннали замбарак ўқларини Куряж устига ёғдирабошлади ва бирдан осмонга боғлаб қўйилган арқони узилиб кетиб, жала, момақалдироқ, чақмоқлари блан бирга устимизга ағдарилиб тушди. Иккинчи махсус сводний отряд шу пайт шўхлик блан жала тагида ўйинга тушакетди.

Броқ, энди қизиғи келган пайтда ёмғир пардаси орқасидан тепалик четида ташвишланган Синенький пайдо бўлди-да, сигналини янгратиб, тревога маршини чалабошлади. Ваҳшийлар ўйинларини тўхтатишди, рус тили эсларига келиб:

— Нимага дудулатасан? А? Биздами?.. Қаерга? Ут тушиптими?— дейишди.

Синенький карнайи блан Подворкини кўрсатди, у томонга ҳовлидан югуриб чиққан колонистлар ҳовуз ёнидан айланиб чопиб кетмоқда эдилар. Ҳовуз бўйидан юз метрча нарида бир уй аланга олиб ёнмоқда, ёниб турган уй атрофида эса аллакимлар тантанали маросим қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юрар эдилар. Қирқта ҳабашнинг ҳаммаси ўз йўлбошчиларининг қўлостида, ёниб турган уйга қараб отилдилар. Юраклари така-пука бўлиб кетган ўн бештача хотин-халаж ва қари-қартанглар ҳабашлардан олдин етиб келган колонистларнинг йўлини иконалар билан тўсиб турар ва сersоқол бир киши:

— Сизларга нима керак? Худонинг ўзи ёндирди, худонинг ўзи ўчиради...— деб бақирар эди.

Броқ, сersоқол ҳам, бошқа диндорлар ҳам теварак-атрофга қараб худонинг ўт ўчириш билан қизиқиши уёқда турсин, ҳатто бу фалокатга ажиналарни ҳам аралаштирганига ишондилар: улар устига ҳабашлар аллаймалар тақкан белларини липонглатиб, билак ва бўйинларидаги темир-терсак безакларини жаранглатиб қийқириб бостириб келмоқда эди. Бурунларига ҳархил чўплар таққан сочларини лой билан тож қилиб безаган бу ажиналарнинг қопқора башаралари бутун маросимни қуршаб, жаҳаннамга олиб кириб кетишдан бошқа ниятн йўқлигига шубҳа қолдирмас эди. Бобойлар ва хотин-халажлар ваҳима босиб додлайбошлади, иконаларини қўлтиқларига тиқиб, ҳар томонга тумтарақай қочиб берди. Болалар отхона билан молхонага югуришди, аммо фурсат қўлдан кетган эди: молларнинг ҳаммаси ўтда ёниб ўлган эди. Газаби келиб кетган Семён қўлига тушиб қолган палён билан дераза ойнасини бир уриб синдириб, уйнинг ичига шўнғиди. Бир ондан кейин бирдан деразадан оппоқ соқолли калла кўринди. Семён уй ичидан туриб:

— Ушла, бобойни...— деб қичқирди.

Болалар бобойни кўтариб туширишди, Семён бошқа деразадан ташқарига сакраб тушди-да, баданининг куйганига чидайолмасдан, ямяшил нам ҳовлида югурабошлади. Ҳабашлардан бири линейка келтиргани колонияга югурди.

Булут, қопқора узун думини бутун осмон бўйлаб судраб, шарқ томонга қараб ўтиб кетди. Колониядан Антон Братченко Мардни елдириб келиб:

— Линейка ҳозир етиб келади... Деҳқонлар қани? Елғиз болаларнинг ўзи-ку?— деди.

Чолни линейкага ётқизиб жўнатдик-да, ўзимиз ҳам унинг кетидан колонияга қайтдик. Дарвоза тирқишларидан ва четан деворлар орқасидан бизга ўқрайиб қараб турган башаралар кетимиздан ла'натлар ўқир эди.

Гарчи колонияда пайдо бўлган мустаҳкам интизом-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг аҳолига ёққанлигини эшитган бўлсак ҳам, қишлоқ аҳолиси бизга ёмон қарар эди.

Шанба ва якшанба кунлари ҳовлимиз диндорлар билан тўлиб кетар эди. Черковга одатда қари-қартанглар келар эди, ёш-яланглар кўпроқ черков атрофида сайр қилиб юришни афзал кўрарди. Бизнинг соқчи сводний отрядларимиз биз бланми ё худо бланми? деб, худо блан бўлган алоқанинг бу шаклига ҳам барҳам бердилар. Ибодат вақтида махсус патруль ажратларди,- патруль енгига кўк лента тақиб оларди-да, диндорларга:

— Бу ер бульвар эмас. Е черковга киринглар ё бўлмаса ҳовлини бўшатиб қўйинглар. Урф-одатларингни кўтар бу ердан!— деб талаб қўярди.

Диндорларнинг кўпчилиги ҳовлини бўшатиб қўйишни афзал кўрарди. Вақти келгунча биз, динга қарши ҳужум бошламай турардик. Аксинча, идеалистик дунёқараш блан материалистик дунёқараш ўртасида маълум даражада контакт боғланган эди ҳам.

Черков бошлиқлари ҳайати баъзи чегара масалаларини ҳал қилиш учун ҳар замон, ҳар замонда менинг олдимга келиб турарди. Бир куни мен ўзимни ортиқ тутиб туролмадим-да, черков ҳайатига баъзи фикрларимни дангал айтдим:

— Менга қаранглар, бобойлар! Ҳов анови... муъжизали булоқ ёнидаги черковга кўчиб, чиқаколсанглар бўлмайдими, а? Ҳамаёқни топтоза қилиб қўйилди, ўзингизга яхши бўлади...

— Гражданин бошлиқ,— деди оқсоқол,— у ер черков эмас, кичкина черковчаку, қандай қилиб кўчамиз? У ерда минбар ҳам йўқ... Е сизга халақит бераётибмизми?

— Ҳовли ўзимизга керак бўлиб қолди. Жойимиз тор. Яна шуни эътиборга олингларки, ҳамма биноларимизни бўяб, оқлаб, сариштa қилиб олдик, сизларнинг ифлос ва кўтир соборингиз бутун манзарани бузиб турипти... Тезроқ кўчиш ҳаракатини қилинглар, соборни бирпасда буздириб, икки ҳафтадан кейин гулзор қилдираман.

Серсоқоллар жилмайишади: менинг мўлжалим уларга ёқдими, билмадим...

— Бузиш ҳеч гап эмас,— дейди оқсоқол.— Қуриш қийин. Ҳа-хе! Бундан уч юз йил илгари қурилган, тер тўкиб топган пул озмунча кетмади, сиз бўлсангиз буздираман дейсиз. Дин йўқолиб бормоқда деб ўйларсиз. Ана, кўрарсиз, диннинг ўлиши ҳали қайда... ҳалқ билади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқсоқол апостол креслосига яхшилаб жойлашиб олди ва христианлик даврининг биринчи асрларидаги каби, овози ҳам жаранглайбошлади, броқ бошқа бир чол унинг гапини бўлди:

— Бу гапнинг нима кераги бор, Иван Акимович? Гражданин мудир ўз манфаатини кўзлайди, бу киши совет ҳокимиятининг вакили, демак, бундан чиқди, ибодатхонанинг бу кишига кераклиги йўқ. Аммо, сиз айтган пастдаги черков — черков эмас, кичкина черковча. Ҳа, кичкина черковча. Бундан ташқари, у жой харом бўлган, тўғрисини айтиш керак...

— Табаррук сув сепинг, ҳалол бўлади қўяди,— деб маслаҳат беради Лапоть.

Чол хижолат бўлиб, соқолини қашлайдн:

— Табаррук сувни, ўғлим, ҳар ерга ҳам сепавермайдилар.

— Йўғе... Нега ҳар ерга эмас?..

— Ҳар ерга эмас, ўғлим. Мана, масалан, сенга сепса — фойдаси бўлмайди-ку, тўғрими?

— Фойдаси бўлмаса керак,— деб шубҳа билдиради Лапоть.

— Ана, кўрдингми, фойдаси тегмайди. Бу ишни билиб қилиш керак.

— Поплар билиб қиладими?

— Бизнинг попларимизми? Улар билади, албатта. Билиб қилишади, ўғлим.

Улар-ку, ўзларига нима кераклигини билишади, аммо сизлар билмайсизлар,— деди Лапоть.— Кеча қишлоққа ўт тушди... Агар бизнинг болалар етиб бормаганда, чол ўтда куйиб ўларди. Куйиб ўлиши аниқ эди.

— Демак, худонинг амри блан ўларди. Балки, худонинг ўзи чолнинг ўтда ўлишини амр қилгандир.

— Болалар бош қўшиб, амрнинг бажо келтирилишига йўл қўйишмапти-да...

Чол томоғини қириб қўйди:

— Ҳали ёшсан, ўғлим, бу нарсаларга ақлинг етмайди.

— Ҳа-ҳа!

— Аммо, тепалик тагидаги черков эмас, черковча. У ерда минбар ҳам йўқ.

Бобойлар мен блан хайрлашиб, мўйин-қовулгина бўлиб кетишди, эртаси собор деворларидан арқон тушириб, челак кўтарган усталар ишга тушди. Ибодатхона деворларининг сирлари кўчиб кетганидан уялишдимн, ё бўлма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

са динниинг ҳали ўлмаганлигини исбот этиш учунми, ҳарҳолда черков ҳай'ати соборни оқлатишга тўрт юз сўм пул ажратипти. Алоқани яхшиламоқчи бўлишгандир.

Колонистлар ма'лум даврга қадар соборга бепарво қарадилар, тўғриси, улар собор ичида нима борикин деб қизиқар эдилар. Болалар мендан:

— Черков ичида улар нима қилишади, кириб кўрсак майлими?— деб сўрашди.

— Кириб кўринглар,— дедим.

Жорка болаларни огоҳлантириб:

— Аммо, безорилик қилманглар. Динга қарши биз безорилик блан эмас, ишонтиряш ва турмушни қайтадан қуриш йўли блан курашамиз,— деди.

— Нима, бизлар безоримизми? — деб хафа бўлишди болалар.

— Умуман айтаман-де, ҳечкимга тегишманглар... Ўзларингга айтадиган гап йўқ, бир амаллаб... мулойим бўлинглар...

Гарчи Жорка бу буйруғини қўл блан, юз ишоралари блан берган бўлса-да, болалар тушунди.

— Биламиз, биламиз, ўринлатамиз.

Броқ бир ҳафтадан кейин афти буришган-қуришган, бўйи букчайган поп олдимга кирди-да, шивирлайбошлади:

— Сиздан илтимос, граждапин бошлиқ. Сизнинг болаларингизни ёмонлаб бўлмайди-ку, албатта, улар ҳечнарса қилаётгани йўқ, аммо... диндорларнинг назар-э'тиборини чалғитишади... Улар ювош келиб, ювош кетишади, худо ҳақи, уларни ёмон деб бўлмайди, аммо шундай бўлса ҳамки, уларга айтиб қўйсангиз, черковга киришмасин.

— Демак, сал-пал безорилик қилишади денг?

— Йўқ, йўқ, ундан худо сақласин, безорилик қилишмайди, йўқ. Аммо трусикда киришади, бошларига аллақанақа шапка кийиб киришади. Ба'зилари чап қўллари блан чўқинишади, чўқинишни билишмайди-да. Атрофга қарашади, қайси томонга қараб туришни билишмайди, гоҳ минбарга ёнини ўгириб туради, гоҳ орқасини ўгириб олади. Албатта, буни қизиққанидан қилади, аммо ҳарнима бўлса ҳам, ибодатхона. Болалар ибодатнинг нималигини, мўмин-қовулликни, худодан қўрқишни билишмайди, албатта. Меҳробга киришади, кирганда ҳам ҳечнарсага тегишмайдию, аммо ҳамаёқни айланиб юришади, иконаларни ушлаб кўришади, минбардаги нарсаларни тамоша қилишади, ҳатто биттасининг шоҳ дарвозасидан туриб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ибодат қилучиларни тамоша қилганини кўриб қолдим. Яхши эмас, менимча

Попни, ортиқ сизга халақит бермаймиз деб тинчитдим, кейин колонистлар мажлисида:

— Болалар, черковга энди кирманглар. Поп устларингдан арз қилаяпти,— деб айтдим.

Болаларнинг ғазаби келиб:

— Нима? Ҳечнарса қилганимиз йўқ. Кириб, айланиб, яна қайтиб чиқавердик, ҳечким безорилик қилгани йўқ. Бекор айтади, ғоввос!— деди.

— Нега у ерга кириб чўқинасизлар? Чўқиниш шунақа керак бўлиб қолдими? Е худога ишонасизларми?

— Ҳа, уларни масхара қилма дейишган эди-ку! Ким билади, уларга қандай қилсанг ёқишингни! У ердагиларнинг ҳаммаси жиннига ўхшайди. Туришади, туришади-да, кейин бирдан чўккалаб, чўқинишга тушади. Улар хафа бўлмасин деб, бизнинг болалар ҳам шунақа қилишди.

— Хўп, бўпти, энди кирманглар, кераги йўқ.

Кирмасак кирмобмиз, бизга нима? .. Аммо, кирсанг нукул кулгинг қистайверади! Гаплари ҳам жуда ғалати-ғалати. Қаққайиб туришгани туришган, нимага туришади? Анови... ажратиб қўйилган жой... оти ҳам нима эди... ҳа, меҳробнинг ичи топтоза, гиламлар солиб қўйилган экан, ҳиди ҳам яхши экан, аммо попнинг ишлаши қизиқ экан, қўлларини осмонга кўтариб туриб ишларкан. Жуда қизиқ экан!

— Сен меҳробга ҳам кирдингми?

— Ўзим бир айланиб кириб қолувдим-да, ғоввос қўлларини кўтариб, бирнималар деб вайсаб турган эди. Мен ёнига бориб, унга халақит бермасдан, индамасдан турсам, у менга бор, кет, ҳой бола, халақит берма дейди. Мен кетавердим, менга нима...

Густоиваннинг черковга бўлган муносабати болаларни жуда қизиқтирар эди. Бир куни у, ҳақиқатан черковга кириб, ихлоси қайтиб чиқди. Лапоть ундан:

— Дьякон бўлишингга яқин қолдимн?— деб сўрайди.

— Бе-е...— дейди Густоиван, тиржайиб.

— Ҳа нега энди?

— Болалар уларни душман дейишади-ку... черковда ҳам ҳечнарса йўқ экан... расмлардан бошқа ҳечнарса йўқ...

Июнь ойининг ўртасида бутун колония тартибга солинди. Учинчи июньда электростанция ток берди, керосин

www.ziyouz.com kutubxonasi

лампалар йиғиштирилиб омборга топширилди. Ундан сал кейинроқ водопровод ҳам ишлайбошлади.

Июнь ўрталарида эса колонистлар ётоқхоналарга кўчиб киришди. Кроватьларнинг деярлик ҳаммасини ўзимизнинг устахонамизда ясаттирдик, уларга янги тўшак ва ёстиқлар солдик, аммо одеялга пулимиз етмади, эски-туски одеял солишни хоҳламадик. Одеял олиш учун камида ўн минг сўмча пул керак эди. Командирлар совети бу масалани ҳар сафар муҳокамага қўяр, аммо ҳар сафар бир қарорга келарди, бу қарорни Лапоть:

— Одеял олсак — чўчқахона битмай қолади. Қўйингларе, одеяли қуриб кетсин!— деб ифодалар эди.

Ез кунлари одеял ётоқхоналарни безатиш учунгина керак эди, ҳаммамиз ҳосил байрами тантанасигача ётоқхоналаримизни безатиб қўйишни ҳавас қилардик. Ҳозир эса ётоқхоналаримиз бутун ҳаётимизнинг кўркини бузиб турган бир доғ эди.

Аммо, омад бир келса келаверар экан.

Халабуда колонияга тез-тез келиб турарди, ётоқхоналарни, ремонт ишларини, қурилишларни айланиб юрар, болалар билан суҳбатлашар эди, ўзи эктирган жавдари буғдойни тантанали равишда ўриб олишимиздан жуда хурсанд бўлар эди. Колонистларни Халабуда яхши кўриб қолган эди. У деярди:

— Бизлаги хотинларнинг тиллари узун: гоҳ уни ёмонлайди, гоҳ буни нотўғри дейди, ҳеч ақлим етмай қолди, бирокталарингг менга тушунтириб берларинг. Улар нимадан норози? Болалар ўлиб тирилиб ишласа, тупа-тузук болалар бўлса, ҳаммаси комсомол бўлса... Нима бало, уларнинг жиғига тегканмидинг?

Бироқ, кундалик ҳодисалар билан жуда қизиққучи Халабуда одеялдан гап чиқса дарров тумшайиб олар эди. Лапоть, Сидор Карповичнинг у пинжига кириб кўрар, бу пинжига кириб кўрар эди.

— Эҳ,— деб уҳ тортарди Лапоть,— қани энди, биз ҳам одам қатори одеяллик бўлсак... Яхшиям, бахтимизга Сидор Карпович бор экан. Мана, мени айтди дерсизлар: Сидор Карпович бизга, албатта, одеял олиб беради.

Халабуда юзини тескари буриб:

— Анови аблаҳ айёрларни қара... «Сидор Карпович олиб беради» эмиш. ,— деб пўнғирлайди.

Эртаси куни Лапоть гапига бир тэмчи заҳар қўшиб қўяди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бундан чиқди, Сидор Карповичнинг қўлидан ҳеч нарса келмас экан-да. Бечора горькийчилар!

Гарчи Сидор Карповичнинг юраги ачишиб турганинг сезсак ҳам, заҳар ҳам кор қилмайди.

Бир куни кечқурун Халабуда кайфи чоғ бўлиб кетди, далаларни, олис горизонтларни, чўчқахонамиз ва чўчқаларимизни мақтайверди. Бир текисда шинам қилиб қўйилган жойларимизни, топтоза қилиб ювилган дераза ойналарини, полларни ва пар ёстиқларимизни кўриб хурсанд бўлди. Тўғри, кроватьлардаги оппоқ чойшаблар бу шинамликни бузиб турарди, аммо ҳадеб одеял деяверіб чолнинг жонига тегишни истамадим. Етоқхонадан чиқаётганимизда Халабуданинг ўзи хафа бўлиб кетди ва:

— Эҳ, падарига қусур... Одеял топиш керак экан,— деб қолди.

Халабуда иккимиз ҳовлига чиқдик, тўрт юзта колонистнинг ҳаммаси саф тортиб турарди, гимнастика вақти эди. Пётр Иванович Горович колонияниинг саф тортиш қоидаларини боплаб туриб, команда берди:

— Колонист ўртоқлар, смирно! Салют!

Тўрт юз нафар қўл бирдан баланд кўтарилди-да, биз томонга жиддий қараб турган қиёфалар тепасида тез қотиб қолди. Барабанчилар взводи тўрт марта салом сигналини чалди, барабан садолари узоқ уфқларгача янграб кетди. Горович Халабуданинг рўпарасига келди-да, рапорт берабошлади:

— Болаларга ёрдам комиссиясининг ўртоқ ранси! Горький номидаги колония гимнастика машқида, сафда уч юз саксон тўққиз бола, уч киши навбатчиликда, олти киши соқчилар сводний отрядида, икки киши касал.

Илгари кавалерист бўлган Пётр Иванович бир қадам ёнга ташлади, Сидор Карповичга горькийчиларнинг спортчасига қатор, бир текис,— қимир этмай турган, чиройлик сафлари очилди.

Сидор Карпович ҳаяжонланганидан мўйловининг учини қимтиди, юзи ҳарқачонгидан анча жиддий эди, сербутоқ ҳассаси блан ерни бир урди-да, йўғон овози блан:

— Салом, болалар!— деди.

Тўрт юз соғлом ва шўх овознинг:

— Салом!..— деб бирданига бақириб жавоб берганини кўриб, Сидор Карповичнинг оғзи очилиб қолди, кўзлари пир-пир учди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халабуда ортиқ чидаб туролмади, оғзи қулоғига етиб атрофга қаради-да, хижолат ичида:

— Вой, зумрашалар-ей! Қотиришди-ку. Шошма... мен бўларга... бир нарса демоқчиман,— деди.

— Вольно стоять!

Колонистлар ўнг оёқларини олдинга ташлаб, қўлларини орқаларига қилиб, белларини қимирлатиб қўйиб, Сидор Карповичга кулиб қараб турдилар.

Сидор Карпович ҳассасини яна ерга урди-да, яна мўйловини қимтиб қўйди.

— Болалар, мен нутқ сўзлашни ёмон кўраман, аммо ҳозир гапирмасам бўлмайди, ҳа. Офарин сизларга, тўғри юзларингга айтаман: офарин! Ҳамма ишларинг бизнингча, ишчиларникича йўлга қўйилган, жуда яхши йўлга қўйилган. Ростини айтаман: агар ўғлим бўлганда худди сизларга ўхшасин деярдим. Хотинларнинг гапига э'тибор берманглар, гапирса гапираверсин. Мен сизларга тўғрисини айтаман: тутган йўлингиздан бораверинглар, чунки мен кўриб, билиб турибман, мен қари большевикман, эски ишчиман. Ҳамма ишларинг — бизнингча бўлаяпти. Бирон кимса йўқ, нотўғри деса — қулоқ солманглар, олдинга қараб юраверинглар. Бу йўлдан сира оғманглар! Шундай! Шу муносабат блан мен сизларга данғал айтаманки, сизларга одеял тақдим этганим бўлсин, одеял ёпиниб ётинглар!

Болаларнинг садафдай оппоқ қатэрлари бузилиб, бизни ўраб олишди. Лапоть олдинга югуриб чиқди-да, бир эгилиб, қўлларини баланд кўтарди ва:

— Нима? Рост-а... Сидор Карпович, урра!— деб бақирди.

Горович блан мен ўзимизни зўрға четга олиб қолдик. Халабудани кўтаришди, бирнеча марта баландга кўтариб, клуб томонга қўлда кўтариб кетишди, болаларнинг каллалари тепасидан унинг фақат сербутоқ ҳассаси кўриниб турарди.

Клуб эшигига етганда Халабудани ерга туширишди. Сочлари тўзиган, юзлари қипқизариб кетган ва ҳаяжонланган Халабуда пиджагини тузатабошлади ва бирдан бир чўнтагини ушлаб, ҳайрон бўлган эди, шу онда Тараенец унинг олдига келиб, сипоҳлик блан:

— Мана соатингиз, мана буниси кармонингиз блан калитингиз,— деди.

— Ҳаммаси тушиб қоптими?— деб сўради Халабуда ҳайрон бўлиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тушгани йўқ-ку, эҳтиётдан ўзни олиб қўювдим, олиб қўймасам тушиб қолиши, йўқолиши мумкин эди...— деди Таранец.

Халабуда Таранецдан ўз нарсаларини олди. Таранец болалар ёнига бориб турди.

— Вой, шоввозлар-ей!.. Бало экан, бало!

Кейин бирдан хахолаб кулиб юбориб:

— Вой, болаларн тушкур-ей!.. Ҳа, бу қанақаси бўлди?.. Анови... «эҳтиётдан олиб қўйган»... қани?— деди.

Халабуда завқ-шавқ блан шаҳарга қайтиб кетди.

Эртаси куни Сидор Карпович мени ўзининг серҳашам кабинетида совуқ кутиб олганини кўриб, жуда ҳайрон бўлиб қолдим. У мен блан истар-истамас гапиришар, нуқул стол ғаладонларини титкилар, блокнотларини варақлар ва бурун қоқарди.

— Бизда одеял йўқ,— деди у.

— Бўлмаса пул беринг, ўзимиз оламиз.

— Пул ҳам йўқ... йўқ пул... Ишлайкейин, буни смета ҳам кўтармайди.

— Кеча нима девдингиз?

— Десам дебман-да! Шунчаки... гап эди-да. Пул бўлмаса нима қиламиз...

Халабуда атрофини куршаб олган муҳитни кўз олдимга келтирдим, Чарльз Дарвин эсимга келди, честь бердим-да, чиқиб кетдим.

Сидор Карповичнинг айнигани ҳақидаги хабарни колонистлар эшитиб хафа бўлди. Ҳатто Галатенконнинг ҳам ғазаби келиб деди:

— Қизиқ одам экан-ку! Қани, эндиям колонияга келиб кўрсинчи. Яна «Полизларингга келиб тураман, ўзим қоровуллик қиламан» дейди...

Эртасига болаларга ёрдам комиссиясининг раиси устидан ариза ёзиб, арбитраж комиссиясига элтиб бердим, аризада мен масаланинг юридистик томонини эмас, сиёсий томонини асос қилиб кўрсатдим: бельшевикнинг ўз сўзидан қайтишига йўл қўяолмаймиз, дедим.

Икки кундан кейин кутилмаганда бирдан мен блан Лаготьни арбитражга чақириб қолишди. Халабуда, ҳакамларнинг қизил алвон солинган столи олдига келиб, алланималарни исбот этабошлади. Уни куршаган муҳит вакиллари,— кўзойнак таққан, бўйинлари қат-қат, америкача мўйлов қўйган кишилар,— унинг орқасидан бир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлари блан шивир-шивир қилиб туришар эди. Қора косоворотка кўйлак кийган, пешонаси дўмг ва қўйкўз раис беш панжасини столда ётган қоғоз устига қўйди-да, Халабуданинг гапини бўлди:

— Шошма, Сидор. Тўғрисини айт: одеял олиб бериш-ни ва'да қилганмидинг?

Халабуда қизариб-бўзариб кетди-да, қўлларини керди:

— Нима... шунақа гап бўлган эди, рост... Шунчаки... гап эди-да.

— Бу гап колонистларнинг сафи олдида бўлганмиди?

— Тўғри... болалар қатор турган эди...

— Сени осмонга кўтариб ирғитишдими?

— Ҳа, болалар деяпман-ку... Ирғитишди... нима қилпти ирғитган бўлса?

— Тўла.

— Нима?

— Тўлайсан дейман. Одеял олиб бериш керак, бизнинг қароримиз шу.

Ҳакамлар жилмайди. Халабуда ўз одамларига қайрилиб қаради-да, уларга ўқрайиб, алланималар деб пўнғирлади.

Бирнеча кун кутдик-да, кейин Задоровнй одеял ё одеял пули ундиргани Халабуданинг олдига юборди. Сидор Карпович Задоровни кабинетига киритмайти, иш бошқаручиси депти:

— Ҳайронман, биз блан судлашишни сизларга ким ўргатди ўзи? Бу нима деган гап? Мана, олдимда арбитраж комиссиясининг қарори ётипти. Мана, кўрдингизми?

— Хўш?

— Бошқа гап йўқ! Бу ерга келиб овора бўлманглар. Балки қарор устидан норозилик билдирарсиз. Жуда аўр келса келаси йил сметасига киритармиз. Сизлар боворга борамизу, тўрт юзта одеялни ортиб кетаверамиз деб ўйласангиз керак? Бу ерни жиддий идора дейдилар...

Задоров шаҳардан жигибийрони чиқиб қайтди. Командирлар совети кечасигача қайнаб-тошди ва охир Григорий Иванович Петровскийга хат ёзишга қарор қилинди. Бироқ эртасига бунинг бошқа чораси топилди, бу чора шу қадар содда ва табиий, ҳатто ниҳоятда қизиқ бир чора эдики, бутун колония севинганидан хахолаб кулар, сакрар ва Халабуданинг колонияга келиб, колонистлар блан гаплашадиган бахтли онни орзу қилар эди. Суд ижрочиси болаларга ёрдам комиссиясининг банкдаги пулларига

www.ziyouz.com kutubxonasi

арист солиб қўйган эди. Яна икки кун ўтгач, мени яна ўша юксак кабинетга чақиришди, яна ўша сочи тоза қирилган ва бир вақтлар нега қирқ сўмли тарбиячиларнинг менга ёқмаслиги блан қизиққан ўртоқ кенггина креслода ўтириб, Халабуданинг кабинетда қизариб-бўзариб нари-бери юришига кулгиси қистаб, юзлари қизариб, қараб ўтирарди.

Мен эшик олдида тўхтадим, сочи қирилган ўртоқ мени бармоғи блан имлаб чақирди-да, кулгисини зўрға тийиб:

— Бери кел...— деди.— Бу нима деган гап? Қандай ҳаддинг сиғди бунга, оғайни? Бу ишинг ярамайди, аристни бекор қилиш керак, бўлмаса... мана бу ҳалеб олдимга келавериб жонга тегди, ўз пулига ҳадди сиғмай қопти. Сенинг устингдан шиқсят қилиб ўтиришти. Мени Горький колониясининг мудири ҳафа қилди, ишламайман дейди.

Мен индамай ўтирдим, чунки сочи тоза қирилган киши гапни қайси томонга буришини билмас эдим.

— Аристни бекор қилиш керак,— деди у жиддий суратда.— Бу нима деган гап, арист солиш нимаси!

Кейин бирдан яна ўтирган ерида қота-қота кулабошлади. Халабуда қўлларини чўнгагига солиб, деразадан майдонга қараб турар эди.

— Аристни бекор қилдир деб буюрасизми?— деб сўрадим.

— Буюришга ҳақим йўқ, бутун гап шунда-да. Эшитаяпсанми, Силор Карпович, ҳақим йўқ деяпман! Мен бунга аристни бекор қил десам, бу бекор қилмайман деб туриб олади! Енингда чек дафтарчаси бор экан, кўриб турибман. Чекни ёзиб бер, қўй-да, қанча ўзи, ўн минг сўмми? Гап тамом...

Халабуда деразадан қайрилди-да, қўлини чўнтагидан чиқариб, малла мўйловини ушлаб, жилмайди:

— Вой аблаҳлар-ей, сра қўймадинглар, қўймадинглар-де!

Енимга келиб, елкамга қоқиб:

— Яша! Бизни шунақа қилиб бопламасанглар бўлмайди! Бизлар кимиз ўзимиз? Бюрократларимиз! Бопладилар!— деди.

Сочи тоза қирилган киши яна қотиб-қотиб кулабошлади ва ҳатто ёнидан дастрўмолини олди. Халабуда ҳамон жилмайиб, ёнидан чек дафтарчасини чиқариб, чек ёзиб берди.

Ҳосил байрами бешинчи июльда ўтказилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу бизнинг кўпдан тартиб-қоидага солинган ва ҳар йиллик календаримизда муҳим бир даврни қайд қиладиган эски байрамимиз эди. Аммо бу сафар байрам, ҳарбий операциядан кейин колонияни топшириш идеяси остида ўтказилмоқда эди. Бу идея ҳамма колонистларни ўзига тортган ва шунинг учун байрамга тайёргарлик ишлари «сигналсиз», зўр эҳтирос ва қизиқиш билан олиб борилмоқда: ҳамма нарса беками-кўст бўлишига ҳаракат қилинар эди. Камчилик ва етишмовчилигимиз деярлик қолмаган эди ҳам: кроватьларга япанги қизил одеяллар солинган, ҳовуз суви типтиниқ ойнадай ялтирайди, тепалик ёнбағирлари бўладиган боғлар учун тептекис қилиб, тайёрлаб қўйилган эди. Ҳамма нарса тахт эди. Бир ёқда Силантий чўчқа сўймоқда, бир ёқда Буцайцинг сводний отряди гулчамбарлар ва шиорлар осиш билан банд. Дарвозанинг оппоқ пештоғига Костя Ветковский чиройлик қилиб:

ВА ЕР ЮЗИГА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҒИН ТИКЛАЖАКМИЗ!

дарвозанинг ичкари томонига эса:

Е С Т Ь!

деган шиорларни ёзиб қўйди.

Иккинчи число куни Жевелий командир бўлган ўн учинчи сводний отряднинг ясанган-тусанган а'золари таклифномаларни тарқатгани шаҳарга кетди.

Байрам куни эрталаб ўришга мўлжалланган ярим гектар жавдар бугдойнинг атрофи қизил байроқлар билан ўраб олинди, унга бориладиган йўлнинг икки чеккаси ҳам байроқ ва гулчамбарлар билан безатилди. Колонияга киравериштаги дарвоза ёнига меҳмон кутувчи комиссия учун махсус стол қўйилди. Ҳовуз бўйига олти юз кишилик столлар безатиб қўйилди, бизга ғамхўр байрам шамоли оппоқ дастурхонларнинг учларини, гул барглари ва ошхона комиссияси а'золарининг халатларини ҳилпиратиб туради.

Қизил трусик ва кўйлак, бошларига кавказча оқ қалпоқ кийган Синенький билан Зайченко Мард ва Мерига миниб, дарвозадан ташқарида, пастликдаги йўлда меҳмонларни кутиб турадилар. Уларнинг елкаларидаги қизил юлдуз тикилган ва қуёш мўйнасидан хошия солинган оппоқ плашчлари шамолда елпиниб туради. Ваня Зайченко ўн тўққиз хил сигналимизнинг ҳаммасини бир ҳафта ичида ўргапиб олган, энди сигналчилар бригадасининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

командири Горьковский уни байрамда навбатчи сигналчи бўлишини лойиқ топган эди. Улар сигналларини атлас лента блан елкаларига осиб олган эди.

Соат тўққизда биринчи меҳмонлар кўринди,— улар Рижов станциясидан пиёда келаётган Харьков комсомол ташкилотларининг вакиллари эди. Суворийлар елкаларидаги атлас ленталарини ҳилпиллатиб, карнайларини кўтардилар ва оёқларини узангига тираб, уч марта салом сигналини чалдилар.

Байрам бошланди. Енгларига мовий лента тақкан меҳмон кутучи комиссия а'золари меҳмонларни дарвозада кутиб олиб, ҳарбир меҳмоннинг кўкрагига қизил лентача блан боғланган уч дона жавдари бошоқ тақиб қўядн-да, қўлига махсус билет беради, билетда мисол учун шундай деб ёзилган бўлади:

«Колонистларнинг II-нчи отряди
сизни отряд дастурхонида
обед қилишингизни сўрайди
Отряд командири Д. Жевелий».

Меҳмонларни колонияни тамоша қилдиргани олиб кетадилар, шу онда пастдан яна ажойиб суворийларимизнинг салом садолари янграйди.

Ҳовли ва биноларда меҳмонлар блан тўлабошлайди, Харьков заводларининг вакиллари, ожрисполком ва халқ маорифи ходимлари, атрофимиздаги қишлоқ советлари, газета мухбирлари келишади, машиналарда Джуринская, Юрьев, Клямер ва ўртоқ Зоя, партия ташкилотларининг а'золари келишади, сочи тоза қирилган ўртоқ ҳам келади. Халабуда ҳам ўзининг фордида етиб келади. Халабудани кутиб олиш учун махсус тўпланган командирлар совети қаршн олади ва машинадан кўтариб чиқиб, осмонга иргитабошлайди. Машинанинг нариги томонида турган сочи қирилган ўртоқ кулиб қараб турали. Халабудани ерга туширгандаридан кейин, сочи қирилган ўртоқ:

— Бу сафар нимангни қоқиб олишди?— деб сўрайди.

Халабуданинг жаҳли чиқади:

— Қоқиб олмади дейсанми? Булар қоқиб олмаса ўлади-ку!

— Йўғе! Нимангни қоқиб олишди?

— Тракторни қоқиб олишди! Фордзон трактори олиб берадиган бўлдим энди... Ҳа, бор, иргитсанг иргитаверларинг, ортиқ ҳечнарса бермайман энди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳалабуда яна осмонга ирғитилди, шундан кейин болалар дарҳол уни аллақаёққа судраб кетишди.

Колониянинг ҳовлиси шаҳарнинг катта кўчасидай, одамга тўлиб кетади. Кўкракларига гул тақкан колонистлар йўлкаларда қатор-қатор бўлиб меҳмонлар билан сайр қилиб юришади, қипқизил лабларининг табассуми, уялиб ё бўлмаса тик-тиниқ кўзлари билан тик боқишлари меҳмонларнинг чеҳраларини очади; алланималарни кўрсатадилар, аллақаёқларга судрайдилар.

Соат ўн иккида Синенький билан Зайченко ҳовлига от чоптириб киришдилар-да, эгардан пастга энгашиб, навбатчи командир Наташа Петренко билан шивирлашиб олдилар, сўнгра Синенький, юзларида кулги порлаган меҳмон ва колонистларни чўчитиб, отини орқа ҳовлига чоптириб кетди. Бир минут ўтмасдан у ердан мўъжаз осмонда умумий йиғилиш сигнали янгради,— бу сигнал бошқа сигналларга қараганда баландроқ чалинади. Ваня Зайченко унга жур бўлди.

Колонистлар меҳмонларни ташлаб, катта майдонга югуриб тўпландилар ва карнайнинг сўнгги садоси Рижовга бориб етгунча улар бир қатор бўлиб тизилиб турар эдилар, қўлида кўк байроқча ушлаган Митя Нисинов оёқларини баланд-баланд ташлаб, меҳмонларнинг завқини келтириб, қаторнинг чап томонига келиб турди. Мен бутун вужудим билан ўз тантанамни ҳис қила бошлайман. Кўк ва оқ лента бўлиб, гулзор бўйлаб кўркам саф тортиб турган қувноқ болалар қатори тўпланган одамларни ҳайратда қолдиради, уларнинг ҳис ва дилларини қитиқлаб, ўзларига нисбатан уларда ҳурмат туғдиради. Шу маҳалгача болаларга нисбатан хайрихоҳ-ҳомий кўзи билан қараб келган меҳмонларнинг юзларя бирдан чўзилиб, назар-э'тибор аломатлари пайдо бўлди Орқамда турган Юрьев баланд овоз билан:

— Қойилман, Антон Семёнович! Боплабсиз!..— деди.

Колонистлар менга қараб-қараб, шошиб-пишиб қаторни текислар эдилар. Мен ҳамма нарсанинг мукаммал тайёр эканлигини биламан, шунинг учун дарҳол янги команда бераман:

— Байроққа салют, смирно!

Собор деворн ортидан Наташа чиқиб, қадамини салют оҳангига мослаб, байроқдорлар бригадасини сафнинг ўнг томонига олиб ўтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Колонистларга икки огизгина сўзладим, байрам блан, ғалаба блан қутладим.

— Энди энг яхши ўртоқларимизга, ҳосил байрами шарафига тузилган Бурун командирлиги остидаги саккизинчи сводний отряд а'золарига честь берайлик.

Яна карнайлар табрик ҳавосини чалди. Анча олисда жойлашган хўжалик қўрасининг кенг очиқ дарвозасидан саккизинчи сводний отряд кўринди. О, азиз меҳмонлар, сизларнинг бунча ҳаяжонланганингизни, кўзни узмай ҳайрон бўлиб туришингизни кўраяпман, чунки мен умримда саккизинчи сводний отряднинг тантанали ва гўзал манзарасини бирнеча марта кўрганман, бунинг қандай завқли ва мароқли эканини биламан! Буни кўриш ва сезиш имконияти сизларга қараганда менда кўпроқ бўлса керак.

Отряд бошида чиниққан, кўп хизмат кўрсатган, колония ишчи отрядларини кўп марта олға бошлаб борган Бурун келади. Бақувват ва полвон елкасида ўткир қайралган ва мойчечаклар блан безатилган чалғи ва паншаха ялтирайди. Бурун бугун улуғвор ва чиройлик кўринади, айниқса менга гўзал кўринади, чунки мен унинг жонли манзаранинг олдига қўйилган декорациягина эмас, одам қараб тамоша қиладиган колонистгина эмас, аввало ўз кетидан кимни ва қаерга бошлаб боришини биладиган ҳақиқий командир эканини биламан. Бурунинг шиддатли ва сокин чеҳрасида бугунги вазифа аниқ кўринади: бугун у ўттиз минут ичида ярим гектар жавдарини ўриб, ғарамлаб олиши керак. Меҳмонлар буни кўрмайдилар. Меҳмонлар бошқа нарсани ҳам кўрмайдилар: ўроқчиларнинг бугунги командири — медицина институтининг студенти, бу эса совет услубининг қанақалигини бошқача қилиб, ишонтирарли суратда кўрсатади. Меҳмонлар бундан бошқа кўп нарсаларни ҳам кўрмайди ва ҳатто кўраолмайдилар ҳам, чунки Бурундан бошқа тамоша қилишга арзийдиган одамлар ҳам бор. Бурун кетидан худди ўзидай оқ кўйлак кийган ва гуллар блан безатилган чалғи кўтарган ўн олти ўроқчи тўртта-тўртта бўлиб келади. Ўн олти ўроқчи! Санашга осон! Аммо, бу ўн олти ўроқчи ичида қанча яхши кишилар бор: Карабанов, Задоров, Белухин, Шнайдер, Георгиевский! Фақат энг кейинги қатор ёш горькийчилардан: Воскобойникси, Сватко, Перец ва Коротковдан иборат.

Ўроқчилар кетидан ўн олтита қиз келади. Қизларнинг ҳарбирининг бошида гулчамбар, дилида ажойиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

совет ҳаётимиз гулдасталари. Булар — буғдой боғловчилар.

Саккизинчи сводний отряд бизга яқинлашиб қолганда дарвозадан ҳарбирига тўрттадан от қўшилган иккита ўроқ машина елиб чиқади. Отларнинг ёллари ва абзалларига гуллар тақилган, ўроқ машиналарининг қанотларига ҳам гуллар тақилган. Ўнг томондаги эгарли отларда ездовойлар ўтиради, олдинги машинанинг ўриндигида Антон Братченконинг ўзи, кейингисида — Горьковский. Ўроқ машиналарининг кетидан отга қўшилган хаскашлар, хаскашлар кетидан — бир бочка сув ортган арава келади, бочка устида колониянинг энг дангаса а'зоси Галатенко ўтиради,— командирлар совети Галатенкони саккизинчи сводний отрядда қатнашиш билан мукофотлаган. Галатенко ўз бочкасини ҳечбир эринмасдан, астойдил безатганини кўришимиз мумкин. Буни бочка эмас, бутунбошли хушбўй гулдаста дейиш мумкин, ҳатто ғилдиракларнинг кегайларигача гул билан безатилган; ва, ниҳоят, Галатенко кетидан қизил крест байроғи тикилган линейка чиқади, линейкада Елена Михайловна билан Смена ўтиради,— иш вақтида ҳарқандай ҳодиса юз бериши мумкин.

Саккизинчи сводний отряд саф олдига келиб тўхтайди. Сафдан Лапоть чиқади-да:

— Саккизинчи сводний!— дейди.— Сизларнинг яхши комсомол экаплигингизни, яхши колонист ва яхши ўртоқ эканлигингизни назарга олиб, колония сизларга катта мукофот берди: ҳосил ўримини бошлашни колония сизларга топширади. Бу ишни яхши адо этиб, қандай ишлаш ва қандай яшаш кераклигини болаларга яна бир марта намойиш қилиб кўрсатинглар. Командирлар совети сизларни тарбриклайди ва сизнинг командирингиз ўртоқ Бурундан ҳаммамизнинг устимиздан командирлик қилишини сўрайди.

Бу нутқни ва бундан кейинги нутқларни ким тўқигани ноma'лум. Бу нутқлар командирлар советида ёзилган ва ҳар йили айнан айтилади. Худди шунинг учун уни зўр ҳаяжон билан тинглайдилар ва Бурун ёнимга келиб, қўлимни қаттиқ сиқиб, традицияга мувофиқ:

— Ўртоқ мудир, саккизинчи сводний отрядни ишга бошлашга рухсат этинг ва мана бу болаларни менга ёрдамга беринг,— деганда, ҳамма колонистлар нафасларини олмай тек турадилар.

Мен ҳам традицияга мувофиқ жавоб бераман:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўртоқ Бурун, саккизинчи сводний отрядни ишга бошла, мана бу болаларни ёрдамга ол,— дейман.

Шу ондан бошлаб колония командирлиги Бурунга ўтади. У бирнеча команда бериб, колоннани қайтадан қуради-да, бир минут ўтмасдан колония йўлга тушади. Барабанчилар ва байроқ кетидан ўроқчилар ва ўручи машиналар, улар кетидан колония, колония кетидан меҳмонлар боради. Меҳмонлар ҳам умумий интизомга бўйсуниб, қаторга туришади ва оёқларини баравар ташлаб борадилар. Енимда бораётган Халабуда сочи тоза қирилган ўртоққа:

— Падарига қусур!.. Одеял можараси ёмон бўлди-да!.. Бўлмаса... мен ҳам... чалғи кўтариб, қаторда борган бўлардим!— дейди.

Мен Силантийга ямо қиламан, Силантий югурганича хўжалик қўрасига кетади. Мўлжалланган ярим гектарлик ер тепасига етганимизда Бурун колоннани тўхтатади-да, традицияни бузиб, колонистларга мурожаат қилади.

— Саккизинчи сводний отряднинг Задоров бригадасига Сидор Карпович Халабудани бешинчи ўроқчи қилиб тайинлаш тўғрисида таклиф тушди. Қарши борми?

Колонистлар кулиб, қарсак чалади. Бурун, Силантийнинг қўлидан безатилган чалғини олади-да, Халабудага беради. Сидор Карповичнинг ёшлиги тутиб кетиб, апил-тапил пиджагини ечиб, ажриққа ирғитади, чалғини қўлида баланд кўтариб силкитади:

— Раҳмат!

Халабуда Задоровнинг ўроқчилари қаторига бориб туради. Задоров бармоғини унга ўхталиб:

— Эҳтиёт бўлинг, яна ерга санчманг! Бригадамиз номусга қолади,— дейди.

— Нари тур,— дейди Халабуда.— Ишни мендан ўрган...

Колонистлар даланинг бир томонига саф тортиб турадилар. Дала ўртасига байроқ олиб чиқилади, жавдари буғдойнинг биринчи боғи худди шу ерда боғланади. Бурун блан Наташа байроқ тагига келадилар, колониянинг энг кичик а'зоси Зорень ҳозир бўлиб туради.

— Смирно!

Бурун чалғи солади. Бирнеча марта чалғи солишда Наташанинг оёғи тагига бир қучоқ баланд поя буғдойни ўриб ташлайди. Наташа дастлабки ўримдан дарров бог ясаб олади. Эпчил қўлларини икки-уч қимирлатиб, буғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дойни боғлаб қўяди. Икки қиз боққа гулчамбар хийдирадн, ишни уддалаганидан ва ҳаракат қилганидан юзи қипқизил бўлиб кетган Наташа боғни Бурунга узатади. Бурун боғни елкасига қўяди-да, пучуқ бурнини кўтариб, жиддий қиёфада турган Зоренькга:

— Мана бу боғни менинг қўлимдан ол-да, катта бўлганингда комсомол а'зоси бўлиш учун, мен эришган ҳурматга, я'ни биринчи боғ ғалла ўриш шарафига эришиш учун меҳнат қил ва ўқи,— дейди.

Энди Зоренькнинг гали келди. Худди кенг дала осмонида сайраб юрган тўрғайдай жаранглаган овоз блан Бурунга жавоб қайтаради:

— Раҳмат сенга, Грицько! Мен ўқийман ва меҳнат қиламан. Катта бўлиб, комсомол а'зоси бўлганимда, биринчи боғ ғаллани ўриш ва ўзимдан кичик боланинг қўлига топшириш шарафига албатта эришаман.

Зорень боғни олади, боғнинг тагида кўринмай кетади. Брок, шу онда болалар унинг олдига гуллар тўшалган замбил кўтариб келишади, Зорень ўзининг энг қимматли совғасини шу замбилга қўяди. Салют садолари остида байроқ блан биринчи боғ ғаллани сафнинг ўнг томонига олиб ўтадилар.

Бурун команда беради:

— Ўроқчилар ва боғловчилар жой-жойларини олсин!

Колонистлар олдиндан белгилаб қўйилган жойларга бориб, даланинг тўрт томонига тизиладилар. Синенький, оёқларини узангига тираб қаддини кўтаради-да, ишга сигнал беради. Ўн еттита ўроқчи даланинг четини ўриб, ўроқ машиналарга кенг йўл очиб берадилар.

Мен соатимга қараб тураман. Роса беш минутдан кейин ўроқчилар чалғиларини елкаларига кўтарадилар. Боғловчилар ўрилган ғаллани боғлаб, бир четга олиб чиқиб қўядилар.

Ишнинг энг мас'улиятли палласи бошланади. Антон блан Витька, яхшилаб боқилган ва дам олган отлар тайёр.

— Отларни йўртиб... ма-а-арш!

Ғалласи ўриб олинган йўлга ўроқ машиналар олиб чиқилади. Яна бир-икки минутдан кейин олдинма-кейин ғаллани ўракетади. Бурун уларнинг товушига ховатирланиб қулоқ солиб туради. Кейинги кунларда улар Антон ва Шере блан кўл нарсалар устида ўйлаб, маслаҳатлашиб юришди, ўроқ машиналар устида тер тўкишди, икки марта далага чиқиб синаб кўришди. Агар отлар қайсарлик қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўртиб юрмаса, уларга бақириш керак бўлса ёки ўроқ машинанинг бирон ери бузилиб, тўхтаб қолса — шарманда бўлар эдик!

Аммо Бурунниинг чеҳраси тобора очилиб боради. Машиналар бир текисда шатирлаб юради, отлар бемалол йўртиб чопади, ҳатто бурилишларда ҳам секинламайди, болалар эгарда қимир этмай ўтиради. Машиналар бир айланади, икки айланади. Учинчи марта айланишда ёнимиздан пириллаб учади ва эгарда ўтирган Антон жиддий оҳангда Бурунга:

— Ҳаммаси жойида, ўртоқ командир!— деб ўтиб кетади.

Бурун, саф тортиб турган колонистлар томонига қайрилади-да, қўлидаги чалғини кўтариб:

— Ҳозир бўл! Смирно!— дейди.

Колонистлар қўлларини туширадилар, аммо уларнинг бутун вужудлари, бутун мускуллари ишга интилади, улар ўзларини базўр тутиб турадилар.

— Далага... югур!

Бурун қўлидаги чалғини пастга туширади. Уч юз эллик бола далага қараб югуради. Бир текисда ўрилган ғалла қаторларида уларнинг чаққон қўллари, чопқир оёқлари кўринади. Қийқириқлар билан бир-бирлари устидан сакраб, худди кўпток сингари думалаб, бирпасда ғаллани боғлаб бўладилар-да, ўроқ машиналари кетидан чопакетадилар, бир боғлиқ бошоққа учтадан, тўрттадан бола ёпишиб:

— Бу — ўн бешинчи отрядники!..— деб қорнилари билан устига ётиб оладилар.

Меҳмонлар кўзларидан чиққан ёшларини арта-арта кулишади, ёнимизга қайтиб келган Халабуда Брегельга ўқрайиб:

— Мана буни кўриб қўй... Яна норозисан!..— дейди.

Брегель жилмаяди:

— Нима қипти... кўриб турибман: жуда яхши ишлашаяпти, ўйнаб кулиб ишлашаяпти. Аммо, бу фақат ишда...

Халабуда «б» билан «д»га ўхшаганроқ товуш чиқариб бир нима деди, бироқ давомини айтмади, дарғазаб бўлиб, сочи тоза қирилган ўртоққа қайрилиб қаради-да:

— Мана бу билан ўзинг гаплришиб кўр...— деб пўнғирлади.

Ҳаяжонланган ва завққа тўлиб тошган Юрьев қўлимни сиқар ва Джуринскаяга қараб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, рост айтаман... ўзингиз бир ўйлаб кўринг!.. Менга жуда ёқади, нимага ёқишини ўзим ҳам билмайман. Бугун — байрам, албатта, оддий иш куни эмас... Аммо, биласизми, бу худди меҳнат шодиёнасига ўхшайди. Шундай эмасми?— деярди.

Сочи тоза қирилган киши Юрьевга тикилиб қарайди:

— Нима, меҳнат шодиёнаси дедингизми? Бу ерда у нима қилиб юрипти? Менимча, бунинг нимаси яхши: улар ўзларини бахтли сезади, бари аҳд, қўлларидан иш келади. Хозирча шу ҳам кифоя. Сиз нима деб ўйлайсиз, ўртоқ Брегель?

Брегель ўйлашга улгурмади, чунки шу топда олдимизга Синенький Мардни чоптириб келиб:

— Бурун юборди... Ғарам тўплаймиз! Ҳамма ғарам тепасига тўплансин,— деб чинқирди.

Ғарам ёнида, байроқ тагида туриб «Интернационал» айтдик. Кейин нутқлар сўзланди, ба'зи нутқлар яхши чиқди, ба'зиси ёмон, аммо ҳаммаси самимий эди, нутқларни бизга меҳрибон, ғамхўр одамлар, меҳнаткашлар мамлакатининг байрамидан, болалардан, тиниқ осмондан, далада чигирткаларнинг чириллашидан ийиб кетган гражданлари гапирди.

Даладан қайтиб келгач, аралаш-қуралаш ўтириб обед қилдик, ким катта, ким, кичиклигига ҳеч ким аҳамият ҳам бермади. Ҳатто ўртоқ Зоя ҳам ҳазиллашиб, кулиб ўтирди.

Байрам анча вақтга чўзилди. Полка ўйнадик, «кивич» ва «мой» деган ўйинлар ўйналди. Халабуданинг кўзларини бойлаб, қўлига дарра ўшлатишди-да, қўнғироқ жаранглатиб қочиб юрган чаққонгина болани тутишга мажбур этишди. Меҳмонларни ҳовузга чўмилгани олиб боришди, болалар хатто майдонда феерия[1] кўрсатишди. Феерия хор декламацияси билан бошланар эди:

Яна беш йилдан кейин нималар бўлар бизда?
Ўз шаҳар советимиз бўлар албат ўшанда,
Янги цехлар қурилар ўз ҳовли-қўрамизда,
Бутун шаҳримиз яшнар янги боғу бўстонда.
Ва жуда истардикки, яна бизда ўша чоқ
Ўйинамоққа бўлсайди электрик аргимчоқ

ва:

Колония боласи латтадай бўшанг эмас,—
Темирдай маҳкам бўлар, миқти бўлар ҳар нафас.

деган тилак билан тугар эди.

---

[1] Ҳайратда ажойиб, тантанали манзара, тамоша.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳовуз бўйида мушакбозлик қилганимиздан кейин меҳмонларни Рижовгача кузатиб қўйгани кетдик. Машинада келганлар илгари жўнаб кетишган эди, сочи тоза қирилган «хўжайин» мен блан хайрлашиб:

— Нима ҳам дей? Шу йўлдан бораверинг, ўртоқ Макаренко!— деди.

— Есть, шу йўлдан бораверамиз!— деб жавоб бердим.

12. Ҳаёт илгарилаб кетди

Яка ғам-ташвиш, кичик муваффақиятсизликлар ва кичик шодликлар блан тўлган иш кунлари бошландики, бу кичкина муваффақиятсизликлар ва ўпирилишлар орқасидан турмушимизнинг тақдирини ҳал қилучи катта ҳодиса ва босқичлар борлигини кўпинча билмаймиз. Илгаригидек, бу иш кунлари, айниқса сокин оқшом пайтларда мияга ҳархил хаёллар келар, кундуз кунлари келиб кетган ўй-фикрлар якунланар, келажакнинг нозик аломатлари ғира-шира намоён бўларди.

Аммо, келажак етиб келгач, унинг сра ҳам нозик эмаслиги ма'лум бўларди ва у блан бетакаллуф муомала қилиш мумкинлиги аниқланарди. Биз, бой берилган имкониятларга кўп ҳам ачиниб ўтирмасдик, ба'зибир нарсаларни ўрганар эдик ва тажрибамизни ошириб янги хатоларга йўл қўйиш учун яшайверардик.

Илгаригидек, бизни қаттиқ кузатиб туришар, бизни сўкар ва хато қилмасликларинг керак, тўғри яшашларинг керак, назариядан хабарларинг йўқ, ундай қилишларинг керак, бундай қилишларинг керак, дердилар, хуллас керак-керак деган гаплардан қулоғимиз битар эди.

Кўп ўтмасдан колонияда ҳақиқий ишлабчиқариш йўлга қўйилди. Отанг яхши, онанг яхши деб, бир амаллаб ёғоч ишлаш корхонаси очиб, уни яхши станоклар: рандалайдиган дастгоҳлар ва арралар блан та'минладик, ўзимиз кашф этиб, ўз қўлимиз блан шипорезний станок ясадик. Шартномалар гузиб, авансларолабошладик ва шундай сурбет бўлиб кетдикки, ҳатто банкада кирим-чиқим счёти очдик.

Биз асалари қутиси ишлаб чиқарар эдик. Бу дардисар шу қадар мураккаб эканки, жуда аниқлик талаб қиларкан, аммо бу ишни биз пухта эгаллаб, юзлаб қути ясаб чиқарадиган бўлдик. Ундан ташқари, мебель, заряд

www.ziyouz.com kutubxonasi

яшиклар ва яна алланима балолар ишлаб чиқарар эдик. Металл ишлаш мастерскойини ҳам очдик, бироқ бу соҳада ишимиз юришмади, синдик.

Шу тарзда ойлар ўтиб борди. Ҳар томондан тушиб турган зарбаларни даф' қилиб, уни унга, бини бунга уриштириб, базан уни чақиб, базан уни тишлаб, тўғри келиб қолганининг почасидан олиб, яшаївердик ва тобора боиб боравердик.

Дўст-оғайниларимиз ҳам тобора кўпайиб борарди. Джугинская блан Юрьевдан бошқа, Маориф Халқ Комиссарлигининг ўзида кўлгина эсли-ҳушли, одил ва инсофли, бизнинг оғир ишимизнинг ақир-чиқирлари блан ҳам қизиқишни истаган кўпгина одамлар топилди. Аммо, кенг жамоатчилик ўртасида, партия ва округ ташкилотларида, матбуотда, ишчилар оммаси ўртасидаги дўстларимиз ундан ҳам кўпроқ эди Фақат шулар туфайли ишимиз илгарилаб борарди.

Маданий ишимиз ҳам илдиз отабошлади. Мактабимизда олтинчи синф очилди. Колонияда Василий Николаевич Перский деган ажойиб одам ҳам пайдо бўлди. Уни техника, адабиёт ва сан'ат чашмасидан баҳраманд бўлган Дон-Кихот деса бўлар эди. Унинг бўйи ва озғинлиги худди Сервантес яратган ўша образга ўхшарди, бу хусусият эса клуб ишларини жонлантириб юборишда Перскийга катта ёрдам берарди. У хэёлпараст ва кўп нарсаларни ўйлаб топадиган одам эди ва менимча, бутун олам ёвуз ва шафқатли фариштялар блан тўлган деб ўйласа керак. Аммо, мен ҳаммага, клуб ишига фақат Дон-Кихотларни чақиришни тавсия этаман. Улар кичкина бир тарашада бутун келажакни кўрабиладилар, улар картон ва бўёқлардан афсонавий, дабдабали манзаралар ясайоладилар, болалар улар блан бирга ишлаб, узунлиги қирқ метр келадиган деворий газеталар чиқаришни, қоғоздан ясалган аэропланнинг бомбовоз ёки разведкачи аэроплан эканлигини ажратишни ва ёрочдан металлнинг афзаллигини исбот этишни ўрганадилар. Бунақанги Дон-Кихотлар клуб ишларини қизитиб юборишга жуда уста бўлади, иште'додли болаларни рағбатлантиради, ижодкорларни юзага келтиради. Перскийнинг ҳамма ишларини бу ерда ёзиб ўтирмайман, фақат бизнинг ҳамма кечаларимизни қизитган ва мароқли қилганини, ҳамаёқни қиринди, елим, спирт лампалар, арраларнинг овози, пропеллерларнинг шовқини, хор, декларация ҳамда

www.ziyouz.com kutubxonasi

товушсиз тамошалар блан тўлдирганини айтиб берсам кифоя.

Пулимизнинг кўпини китобга харж қилабошладик. Мехроб сўрисида шкаф қўядиган жой, қироатхонада эса китобхонлар учун жой етишмай қолди.

Бундан бошқа ютуқларимиз ҳам бор эди.

Биринчиси — оркестр эди! Украинада, балки бутун Иттифоқда десам ҳам янглишмасман, бизнинг колониямиз биринчи бўлиб бу яхши нарсага эга бўлди. Ўртоқ Зоянинг менинг собиқ полковник эканлигимга қиттак шубҳаси бўлса, энди бу шубҳаси ҳам қолмади, аммо командирлар совети беҳад хурсанд эди. Тўғри, колонияга оркестр олиб бериш — асабнинг заволи, чунки тўрт ой давомида бутун колонияда бирон тинч жой тополмайсиз: стулларда, столларда, деразаларда баритон, бас, тенор чалиб ўтирган мусиқачилар хунук ва ўхшовсиз товушлар блан сизнинг ва теварак-атрофдагиларнинг қулоғини батанг қилиб юборади. Аммо, Биринчи май куни биз шаҳарга ўз оркестримиз блан кириб бордик. Бу куни биз инсонларни кечирмадик,— Харьков интеллигентлари, кампирлар, газета ходимлари ва кўча болаларининг мароқланганини, завқланганини, кўнгиллари юмшаб кўзларидан ёш келганини кўрдик!

Иккинчи ютуғимиз — кино эди. Кино, қўрамизнинг ўртасида турган ибодатхонанинг бўғизидан маҳкам ушлашимизга ёрдам берди. Черков ҳай'ати қанча ялиниб-ёлворсин, қанча дўқ қилсин, барибир, кечки ибодатга қўнғироқ чалабошлаганда биз ҳам киносеансимизни бошлар эдик. Қадимдан бери давом этиб келган бу сигнал ҳечқачон ҳозиргидек кўп диндорларни тўпламаган деса бўлади. Одамлар ҳам бирпасда тўпланар эди. Қўнғироқ чалучи қўнғироқхонадан тушиб бўлгани йўқ, поп энди дарвозадан кириб келаётган, бизнинг клубимиз эшиги билетга навбат кутиб турган икки юз-уч юз киши блан тўлиб кетарди. Поп либосини кийиб бўлгунча бизнинг механигимиз лентани ҳозирлаб бўлар, поп «худоё худовондо...» деб бошлаши блан киномеханик ҳам аппаратини юргизиб юборар эди. Тўла ҳамоҳанглик ҳукм сурарди!

Бу ҳамоҳангликнинг оқибати Вера Березовская учун ёмон бўлди. Вера менга жуда қимматга тушган қизлардан бири эди, унга сарф қилинган харажат ҳечқандай сметага сиғмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Буйрак касали»дан тузалгандан кейин Вера анча тинчиб қолди ва ишга берилиб кетди. Броқ юзига сал қизил югуриб, этига жиндек мой битиши бланюқ Вера очилиб кетди, елкалари, кўзлари, юриши ва овозларига жон кириб, чиройлик бўлиб кетди. Қоронғи бурчакларда аллакимлар блан турганини кўп кўрардим. Веранинг кўзлари жовдираб, тобора бежоланиб борар, одамни нафратлантирадиган ва қалбаки оҳанг блан ўзини оқлар эди:

— Ҳа, нима, Антон Семёнович! Гапиришгани ҳам қўймайсизми!

Қайтадан тарбиялаш ишида одам қўлига тушиб чиққан қизлардан ёмони бўлмайди. Ўгил бола кўчада қанча дайдиб юрмасин, қандай мураккаб ва ғайриқонуний саргузаштларда қатнашмасин, биз педагогларнинг та'сиримизга қанча қаршилик кўрсатмасин, башарти унда зиғирча идрок бўлса, яхши коллективда одам бўлиб кетади. Бунинг сабаби шуки, аслини суриштирганда, бола орқада қолган бўлади, унинг қолоқлик даражасини ҳарвақт ўлчаш ва тўлдириш мумкин. Жинсий алоқанинг нималигини ёшлигидан, деярли болалик чоғидан билган қиз бола эса ҳам жисмоний, ҳам ма'навий жиҳатдан орқада қолишдан ташқари, жуда мураккаб ва дилга озор беручи жароҳатга учраган бўлади. Ҳамма унга ҳархил назар блан: шаҳвоний назар блан, сурбетлик блан, хайрихоҳлик блан, раҳм-шафқат блан қарайди. Бу қарашларнинг ҳаммасининг қадр-қиммати бир пул, уларнинг ҳаммасининг оти битта: жиноят. Улар, қизнинг ўз қайғусини унутишга йўл қўймай, унинг нотавонлигини ҳамиша эсига солиб туради. Шахсининг ерга урилиши блан бирга бу қизларда қандайдир ибтидоий ғурур ҳам бўлади. Бошқа қизлар уларнинг назарида ғўр, ҳечнарсани билмайдиган кўринади, я'ни бошқалар учун сир бўлган нарса — уларга аллақачон аён, улар уни татиб кўриб, хотин бўлиб қолган, улар эркаклар устидан ҳукмронлик қилиш кучига эга. Дард ва кибрланиш, қашшоқлик ва бойлик, тунги кўзёшлари ва кундуз-кунги ноз-карашмалардан иборат бўлган бу мураккаб ҳолларда юрган одамнинг аниқ бир йўлни танлаб олиб, шу йўлдан бориш, янги тажриба орттириш, одат ва эҳтиёткорликнинг янги турларини топиш учун ниҳоятда кучли характерга эга бўлиши керак.

Вера Березовскаяни қайтадан тарбиялаш менга шу қадар оғир туйилган эди. Куряжга кўчиб келганимиздан кейин Вера мени кўп хафа қилди, ўзининг ҳаёт йўлида

www.ziyouz.com kutubxonasi

янгидан-янги чигал тугунлар орттирганидан шубҳаланиб юрардим. Вера билан ниҳоятда хушмуомала гаплашиш керак эди. Сал нарсага хафа бўларди, аразларди, менинг олдимдан қочиб чиқиб кетиб, пичанхонага кириб, ҳўнг-ҳўнг йиғлар эди. Аммо бу, унинг янги ва янги кишилар билан учрашишига халал бермасди, бу учрашувларга хотима бериш шунинг учун ҳам осон эдики, ўйнашлари командирлар советида уйининг ўртасига чиқиб туриб, Лапотънинг:

— Тинка тур, бўлган воқеани очиқ гапириб бер!— дейишига жавоб беришдан ўлгудай қўрқар эдилар.

Бундай саргузаштлар учун колонистларнинг тўғри келмаслигига ахир Веранинг ақли етди ва ўзининг ишқий саргузаштларини хавф-хатардан олисроқ жойларга кўчирди. Унинг ёнида рижовли бир телеграфист парвона бўлабошлади, телеграфист бадқовоқ, юзларига ҳуснбузар тошган ва шимидаги сариқ жиякни маданиятнинг энг юксак намунаси деб билгучи бир нусха эди. Вера у билан дарахтзорда учрашиб юрди. Болалар уларни ўша ерда учратар ва бунга қарши норозилик билдирардилар, аммо Веранинг кетидан югуриб юриш жонимизга тегкан эди, бирдан-бир илож қолган эди, уни ҳам Лапоть топди: танҳо ва пасқам бир жойда телеграфист Сильвестровни ушлади-да:

— Веркани йўлдан урғётибсан. Эҳтиёт бўл, уйлантириб қўямиз-а!— деди.

Телеграфист ҳуснбузар тошган ва ёстиққа ўхшаган юзини тескари буриб:

— Уйлантириб бўбсанлар!— деди.

— Огоҳ бўл, Сильвестров, уйланмасанг абжағингни чиқариб қўямиз, бизнинг қанақалигимизни биласан-ку... Биз сени аппаратхонангдан ҳам топиб чиқамиз, бошқа шаҳардан ҳам топиб келамиз.

Вера ор-номусни ҳам менсимай қўйди-да, қўли бўшаган ондаёқ телеграфистнинг ёнига учиб кетадиган бўлди. Мени кўриб қолса юзи қипқизариб, сочларини бехос тўғрилаб, дарров қочиб кетар эди.

Ахири, Веранинг ҳам ўйини тугади. Бир куни кечқурун, вақт алламаҳалга бориб қолганда, кабинетимга кириб келди-да, стулга оёқларини чалиштириб, талтайиб ўтирди: юзи қипқизариб кетди, ерга қараб, аммо бошини баланд кўтариб, қандайдир ёқимсиз баланд овоз билан:

— Сизга бир иш билан келдим,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Марҳамат,— дедим, расмий бир оҳангда.

— Мен аборт қилдиришим керак.

— Шунақами?

— Шунақа. Сиздан илтимос: касалхонага хат ёзиб берасиз.

Мен унга индамасдан қараб ўтирдим. У бошини эгди.

— Шу... бўлган.

Мен яна пича индамай ўтирдим. Вера, қуйи солган киприклари тагидан менга қараб-қараб қўярди, унинг қарашлари ҳам, юзининг қизиғи ҳам, гапиришлари ҳам хозир беҳаёликка боришидан дарак берар эди. Шунинг учун қисқа қилиб:

— Тугасан,— дедим.

Вера менга ноз-карашма блан қаради-да, бошини чайқаб:

— Йўқ, тугмайман,— деди.

Мен индамадим, столимни қулфладим-да, фуражкамни кийдим. У ўрнидан турди, ҳамон менга ялингансимон қиё боқиб турарди.

— Юр, кетдик! Киниб ухла,— дедим.

— Ҳа, менга... хат керак, ахир. Мен кутолмайман! Нега гапга тушунмайсиз, вой!

Биз командирлар советининг қопқорогн уйига чиқдикда, тўхтадик.

— Менинг гапим қат'ий, қайтиб олмайман. Ҳечқанақа аборт қилдирмайсан! Тугасан!

— Вой!— деб қичқирди Вера ва эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Уч кунлардан кейин кечаси қишлоқдан қайтиб келаётганимда Вера менга дарвоза ёнида учради. У оҳиста ёнимга келар экан, сул'ий бир оҳангда:

— Антон Семёнович, сиз нуқул ҳазиллашасиз, менга ҳозир ҳазиллашадиган вақтим...— дели.

— Нима дейсан?

— Худди билмаган одамга ўхшайсиз!.. Хат керак, нега ўзингизни билмаганга соласиз?

Мен унинг қўлтиғидан ушладим-да, дала йўлига бошлаб:

— Юр, бир гаплишиб олайлик,— дедим.

— Нимани гаплишамиз!.. Эҳ, худо-е! Хат ёзиб беринг, тамом!

— Менга қара, Вера,— дедим,— ўзимни билмасликка солаётганим ҳам йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ. Турмуш

www.ziyouz.com kutubxonasi

жуда мураккаб нарса, у билан ўйнашиб бўлмайди, ўйнашиш жуда хавфли. Сенинг турмушингда жиддий бир ҳодиса юз берди: сен бир кишини яхши кўриб қобсан... Ўшанга тег қўй.

— Бошимга урамаими, одамингизни? Эрга тег дейишларини қаранг!.. Ҳали, бола боқ ҳам дерсиз! Хат ёзиб беринг!.. Мен ҳечкимни яхши кўрганим йўқ!

— Ҳечкимни яхши кўрганинг йўқми? Бундан чиқди, бузуқлик қилиб юрган экансан-да?

— Ҳа, майли, бузуқлик қилган бўлсам қилибман! Сиз айтаверасиз-да!

— Мен ҳам сенга бузуқлик қилишга йўл қўймайман деймаи! Сен эркак киши билан учрашибсан, энди она бўлишинг керак!

— Менга хат қилиб беринг деяпман сизга!— деб чинқирди Вера, кўзига ёш олиб.— Мени нега мунча ҳўрлайсиз?

— Ҳечқанақа хат ёзиб бермайман. Яна шунақа деяверсанг масалани командирлар советига қўяман.

— Вой, ўлай! — деб чинқириб юборди Вера ва марзага ўтириб олиб, елкаларини силкиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

Мен унинг тепасида индамай турардим. Полиз томондан Галатенко келди, анчагача Верага қараб турди. Кейин шошилмасдан:

— Мен, ким экан десам, Вера йиғлаётган экан-да... Юзидан кулги аримасди... энди йиғлашга тушипти да...— деди.

Веранинг йиғиси босилди, марзадан турди-да, кўйлагининг этакларини бафуржа қоқиб, сўнгги марта пиқиллади қўлларини силкитди ва осмондаги юлдузларга қараб, колония томон йўл олди.

Галатенко деди:

— Юринг чайлага, Антон Семёнович. Тарвуз сўйиб бераман! Узиям тарвузмисан тарвуз-да! Чайлада болалар ҳам ўтиришти.

Икки ой ўтди. Турмушимиз, яхши юриб турган поезддай, ўз йўлида давом этарди: ба'зи ерлардан елиб-югуриб чопарди, нимжон кўприкларга келганда секин-аста, тепаликка келганда ҳарсиллаб, пастликка тушгандл эҳтиёт бўлиб борар эди. Бизнинг ҳаётимиз билан бирга Вера Березовскаянинг ҳаёти ҳам давом этарди, аммо у, бизнинг поездимизда билетсиз борарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг ҳомиладорлигини колонистлар сезган бўлса керак, ундан ташқари, Веранинг ўзи ҳам дугоналарига сирини айтган бўлса керак,— бундай аёллар ўртасида сирнинг қандай сақланиши ҳаммага маълум,— колонистларнинг олижаноблигини илгари билган бўлсам ҳам, бу олижанобликни амалда кўриб, қойил қолдим. Верани ҳечким масхара қилмас, ҳечким уни таъқиб этмас эди. Ҳомиладорлик ва бола туғиш уларга ор-номус ёки бирон бахтсизлик бўлиб кўринмасди. Бирон колонист Верани бирон гап билан хафа қилмади, бирон марта жирканиб қарамади. Аммо, телеграфист Сильвестров ҳақида бошқача фикрда эдилар. Ётоқхоналарда, «салон»ларда, сводний отрядларда, клубларда, хирмон тепасида, цехда бу масала ҳартомонлама муҳокама қилинган бўлса керак. Лапоть менга бу гапни худди пишитилган бир нарсадай етказди:

— Бугун командирлар советида Сильвестров билан сўзлашмоқчимиз. Қарши эмасмисиз?

— Мен қарши эмасман, аммо балки Сильвестров қаршидир?

— Уни олдимизга солиб келамиз. Комсомол номини булғатмасин!

Кечқурун Сильвестровни Жорка билан Волохов олдиларига солиб келишди. Вазиятнинг қанчалик фожиали бўлишига қарамасдан, уни уйнинг ўртасига турғизиб қўйиб, Лапоть:

— Тикка тур! — деб қатъий талаб қўйгандан кейин, унга қараб жилмайишдан ўзимни тиёлмадим.

Командирлар совети деса Сильвестровнинг жони қичқилдоғига келиб қоларди. Уйнинг ўртасига чиқиш, қаддини тикка кўтариб туришгина эмас, бу даҳшатли жойдан омон чиқиб кетиш учун ҳарқандай қаҳрамонликка, ҳарқандай қийин жумбоқларни ечишга ҳам тайёр эди. Масала бирдан шундай тус олдики, советга ҳамма жумбоқларни ўзича ечишга тўғри келди, чунки уйнинг ўртасида турган Сильвестров чайналиб:

— Ўртоқ колонистлар, мен ҳақорат қилувчи одамга ўхшаймаяпмиман... ё безориманми?.. Сизлар уйлан дейсизлар. Мен жоним билан уйланаман, аммо у хоҳламаса нима қилай?— деди.

— Ким хоҳламайди?— Лапоть ўрнидан ирғиб туриб кетди.— Ким айтди сенга?

— Веранинг ўзи айтди, ким айтарди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани, советга олиб келинсин! Зорень!

— Есть!

Зорень енгилгаб югургунича чиқиб кетди ва икки минут ўтмасдан кабинетга яна елдай югуриб кирди-да, ўнг қулоғи блан Вера томонни кўрсатиб, Лапотьга бурни блан ишора қилиб:

— Бормайман дейди!.. Мен унга... десам... у менга: йўқол кўзимдан, дейди!

Лапоть, совет а'золарига биттадан қараб чиқди-да, Федоренкога имлади. Федоренко салмоқ блан ўрнидан турди, қўлини бамайлихотир ва дўстона кўтарди-да, йўрон овози блан секин «есть» деди ва эшикка қараб юрди. Зорень унинг қўлтиғи тагидан лип этиб эшикка чиқди ва энгини тараққа-туруқ қилиб, пастга тушиб кетди. Сильвестров уйнинг ўртасида рангги оппоқ оқариб, зир титраб, колонистларнинг муҳаббат фариштасининг терисини шилиб олишларига индамасдан қараб турарди.

Мен Федоренко кетидан шошиб чиқдим-да, ҳовлида етиб олиб:

— Сен советга қайт, Веранинг олдига ўзим бораман,— дедим.

Федоренко индамасдан менга йўл берди.

Вера қўлида катта-катта ва оппоқ тугмаларни ўйнаб, кроватъда ҳукм ва жазони сабр блан кутиб ўтирарди. Зорень унинг олдида юзига қўрқиб қараб тик турар ва:

— Борсангчи! Верка, бор!.. Бўлмаса, Федоренко... Бор дейман!.. Борганинг яхши! — дерди. Кейин:— Бор! Бўлмаса, Федоренко... қўлида кўтариб олиб боради,— деб шивирлайбошлади.

Мени кўриши блан Зорень дарров ғойиб бўлди, фақат у турган ерда кўкимтир ҳаво тўлқинланиб қолди.

Мен Веранинг кроватига ўтирдим, иккита-учта қизга чиқинглар деб имладим.

— Сильвестровга тегишни хоҳламайсанми?

— Хоҳламайман.

— Хоҳламасанг — яна яхши. Тўғри қиласан.

Вера, ҳамон тугмаларни ўйнаб ўтирар ва менга эмас, тугмаларга қараб:

— Ҳамма мени эрга бермоқчи бўлади! Хоҳламасам-чи!.. Аборт қилдиринг!

— Йўқ!

— Мен қилдирасиз дейман! Мен биламан: агар ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғишни хоҳламайман десам аборт қилдирмасликка ҳаққингиз йўқ.

— Вақти ўтди!

— Ўтса ҳам майли!

— Вақти ўтди. Ҳечбир врачнинг қўлидан келмайди.

— Келади! Мен биламан! Қорнини кесиб олиш дейилади.

— Буни қаердан биласан?

— Биламан. Қорнини ёради-да, болани олади.

— Бу жуда хавфли нарса. Ўлиб қоласан-а!

— Майли! Бола туғишдан кўра ўлганим яхши! Хоҳламайман!

Қўлимни унинг тугмаларига қўйдим. Вера юзини ёстиққа ўгирди.

— Гапимга қулоқ сол, Вера. Врачларнинг ҳам ўзларига яраша қонунлари бор. Агар онанинг туғиши қийин бўлса, фақат шундагина қорнини ёриб олиш мумкин.

— Мен ҳам туғаолмайман!

— Йўқ, туғаоласан. Албатта туғасан, бола кўрасан!

Вера қўлимни силтаб ташлади-да, ўриндан турди ва тугмаларни зарда билан юлиб, кроватьга ташлаб:

— Туғолмайман! Туғмайман ҳам! Туғмайман дедим, туғмайман! Ўзимни осиб ўлдирсам ўлдираман, ўзимни сувга ташласам ташлайманки, туғмайман! — деди.

Ўзини кроватьга ташлаб, йиғлашга тушди.

Етоққа Зорень учиб кирди:

— Антон Семёнович, Лапоть Веранн кутайликми ё кутмайликми деб сўраяпти. Сильвестровни нима қилайлик деяпти.

— Вера унга тегмасмиш деб айт.

— Сильвестровни-чи?

— Сильвестровни жўнатиб юборинглар!

Зорень, кўзга кўринмас думини бир ликиллатди-да, эшикка шамолдай отилди.

Менда қандай илож қолган эди? Ер юзида одамлар қанча асрлардан бери яшаб келса ҳам, ишқ-муҳаббат масаласини ҳалигача элакага келтираолмайдилар. Ромео билан Жульетта, Отелло билан Дездемона, Онегин билан Татьяна, Вера билан Сильвестров. Буннинг тугайдиган вақти борми? Қачон энди ошиқ-маъшуқларнинг юракларига манометр, амперметр, вольтметр ва автоматик суратда ишлайдиган ўт ўчируви асбоблар ўрнатиб бўладиган вақт келади? Уларнинг тепасида туриб: ўзини ўзи осиб ўлди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

радиги ё ўлдирмайдими, деб бош қотирмайдиган вақт келармикин?

Мен аччиғланиб, ташқари чиқдим. Совет, куёвни жўнатиб юборган эди. Вера тўғрисида гаплашиб олиш учун командир қизларни олиб қолдим. Юзлари лолладек, ўзи тўладан келган Оля Ланова менинг гапимни хайрихоҳлик билан, жиддий суратда тинглаб бўлиб:

— Тўғри. Агар Веранинг айтганини қилса, кейин жуда ёмон бўлиб кетади,— деди.

Наташа Петренко Оляга осойишта ва ёқимли назар ташлаб, индамасдан ўтирарди.

— Наташа, сенинг фикринг қандай?

— Антон Семёнович,— деди Наташа,— одам ўзини ўзи осмоқчи бўлса, сиз нима ҳам қилаолардингиз? Минг пойлаганингиз билан барибир, осаман деса осаверади. Қизлар: кетидан пойлаб юрамиз дейишди. Албатта, биз пойлашдан қочмаймиз, аммо бари-бир бундан натижа чиқмайди.

Тарқалишдик. Қизлар ётгани кириб кетди, мен ўй ўйлагани ва дераза тақиллашини кутгани кетдим.

Бирнеча кечани шу фойдали машғулот билан ўтказдим. Ба'зи кечалари сочлари тўзиган, йиғлайверганидан кўзлари қизариб кетган ва дард-аламга тўлган Веранинг келиши билан бошланар эди; Вера келар эди-да, рўпарамга ўтириб олиб, умрининг барбод бўлгани, менинг бешафқатлигим, қорини ёриб болани олишнинг яхши натижа берганн тўғрисида турли бема'ни гапларни вайсаб ўтирарди.

Вера, ҳатто энг керакли турмуш фалсафасидан ҳам мутлақо бехабар эди, мен шуларни унинг қулоғига қуйиш имкониятидан фойдаланар эдим.

— Сен шунинг учун азоб чекасанка, ҳар нарсага ўчсан,— деярдим унга.— Сен кўнгил очишни, ўйин-кулгини, ҳузур-ҳаловатни, эрмакни яхши кўрасан. Сен, ҳаёт — бепул тўй-тамоша деб ўйлайсан. Одам тўйга келадию, уни ҳамма меҳмон қилади, сийлайди, танцага таклиф қилади, ишқилиб, унинг кўнглини хурсанд қилади деб ўйлайсан.

— Сизнингча одам ҳамиша азоб чекиб юриши керакми?

— Менимча, турмуш доимий тўй-тамоша эмас. Турмушда тўй-тамошалар кам бўлади, кўпроқ меҳнат бўлади, одамда ғам-ташвиш, бурч деган нарсалар бўлади. ҳамма меҳнаткаш одамлар шунақа яшайди. Сенинг тўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тамошангдан кўра мана шунақа ҳаётнинг шодлиги, мароқи ва завқи кўпроқ бўлади. Меҳнат қилмасдан, бехордан бекорга роҳат қилучи, тамошаларда юручи одамлар илгари бор эди. Ўзинг биласан-ку, бундай одамларни ҳайдаб юборганмиз.

— Ҳа-ҳа,— деб пиқиллайди Вера,— сизнингча, меҳнаткаш одамнинг ҳамиша азоб чекиб юравериши керак экан-да.

— Нега азоб чекиб юрар экан? Меҳнат билан яшашнинг ўзи бир роҳат. Мана, сен ўғил туғиб оласан, унга муҳаббат қўясан, оилали бўласан, ўғлингнинг ташвишини тортасан. Ҳамма қаторида сен ҳам ишлайсан, дағ оласан, турмуш шундан иборат-да. Ўғлингни ўлдиришингга йўл қўймаганим учун, у ўсиб катта бўлганда, менга раҳмат деб юрасан.

Менинг гапларимга Вера аста-секин қулоқ солабошлади ва ўз келажагига қўрқмасдан ва нафратланмасдан қарайбошлади. Колониядаги ҳамма аёлларни сафарбар этдим, уларнинг ҳаммаси Верага ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатдилар ва айниқса турмушнинг нималигини тушунтириш билан овора эдилар. Командирлар совети Верага алоҳида уй ажратиб берди. Кудлатий бошчилигидаги уч кишилик махсус комиссия уйни мебель, идиш-товоқ ва рўзғорда керак бўладиган ҳархил майда-чуйда нарсалар билан жиҳозлашга киришди. Ҳатто тарбиячилар ҳам бу ишга қизиқиб бош қўшди, аммо улар ўзларининг турмушга енгилтаклик билан қарашларини кўрсатиб қўядилар. Шу жиҳатдан бир куни Синенькийнинг чақалоққа атаб тикилган чепчикни бошига кийиб турганини кўриб қолдим.

— Бу нимаси? Нега буни бошингга кийиб олдинг?

Синенький чепчикни бошидан олди-да, оғир хўрсинди.

— Буми... Веранинг боласига... чепа... Қизлар тикиб беришди...

— Чепа! Нега сенинг қўлингга тушиб қолди?

— Мен ўтиб кетаётсам...

— Хўш?

— Ўтиб кетаётсам, ерда ётган экан...

— Тикувчилик ишхонасидан ўтиб кетаётган эдингми?

Синенький «ортиқча гапнинг ортиқлигини» билади ва юзини тескари ўгириб, индамасдан бошини силкитди.

— Қизлар атайлаб тиксаю, сен буни йиртсанг, кир қилсанг, кейин ташласанг... Яхшими бу ишинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўқ, бундай айбга кичкинтой Синеньки чидаб туролмайди:

— Йўқ, йўқ, Антон Семёнович, олдин гапимни тингланг... Мен қўлимга олувдим, Наташа: «Жуда бебош бўлиб кетибсан» деди. Мен унга: «Верага олиб бориб бераман» десам, Наташа: «Ҳа, майли, олиб бориб бер» деди. Вераникига югуриб борсам, Вера касалхонага кетипти. Сиз йиртасан дейсиз...

Яна бир ой ўтди, Вера биз билан ярашиб кетди, илгари мендан қорнини ёриб боласини олдиришни қанчалик зўр эҳтирос билан талаб қилган бўлса, эндиликда оналик тантанасига шундай эҳтирос билан берилиб кетди. Сильвестров яна колонияда пайдо бўлабошлади, ҳатто ҳар нарсага эпчил Галатенко ҳам ҳайрон бўлиб:

— Ҳеч ақлим етмай қолди буларга: яна уйланишадиган бўлиб қолдими?— деди.

Ҳаётимиз илгарилаб борарди. Поездимизнинг юриши тезлашди ва энди у қувноқ совет кунларининг кенг далаларини хушбўй тутун билан қамраб, ҳамон олға учиб борарди. Совет кишилари бизнинг ҳаётимизни кўриб қувонишарди. Якшанба кунлари колониямизга меҳмонлар келарди: экскурсия қилиб ишчилар, олий ўқув юртларининг студентлари, педагоглар, газета ва журнал ходимлари келиб турарди. Газета ва икки ҳафталик журнал саҳифаларида биз тўғримизда дўстона мақолалар, болаларнинг расмлари, чўчқахона ва дурадгорлик мастерскойимизнинг суратлари босиларди. Меҳмонлар бизнинг камтарин ишларимиздан хурсанд бўлиб, янги дўстларининг қўлларини сиқар ва яна келинглар деган таклифига жавобан салют берар ва «есть» деб қайтиб кетар эдилар.

Колонияга четэлдан келган кишиларни тобора кўпроқ олиб келадиган бўлиб қолдилар. Ясантан-тусанган жентельменлар бизнинг соддагина бойлигимизга, қадимги монастирьнинг кўҳна гумбазларига, болаларнинг чит кержамаларига кулиб қарардилар. Молхонамизга ҳам улар қойил қолмас эди. Аммо болаларнинг тетик башаралари, иш тепасидаги говур-ғувур, болаларнинг калта куртка ва холдор пайпоқларга, топтоза қирилган юзларга, кичкина ён дафтарларга истеҳзо билан қараб қўйишлари меҳмонларни ажаблантирар эди.

Таржимонларга ҳадеб бўлмағур саволлар берар ва монастирь деворини бузиб ташлаганимизга ишонмас эди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар. Болалар блан сўзлашишга ижозат сўрар эдилар, мен ижозат берардим, аммо болаларнинг ўтмиши тўғрисида битта ҳам савол бермасликларини қат'иян талаб қилардим. Уларнинг қулоқлари бирдан диккаярди, мен блан баҳслашакетардилар. Таржимон, бироз хижолатланиб:

— Булар, тарбияланучи болаларнинг ўтмишини нимага яширасиз, агар уларнинг ўтмиши ёмон бўлса, қайтанга сизнинг обрўйингиз-ку? деб сўрашаялти,— деярди.

Таржимон менинг гапимни уларга ҳузур блан таржима қилиб, улар тилида:

— Бизга бунақа обрўйнинг кераги йўқ. Мен булардан энг оддий хушмуомала талаб қиламан. Биз, меҳмонларнинг ўтмиши блан қизиқмаймиз-ку,— деярди.

Меҳмонларнинг юзида табассум пайдо бўлар ва бизга дўстона бош силкитиб:

— Иес, иес!— деярдилар.

Меҳмонлар алламабало автомобильларига тушиб кетар, биз эса яшайверардик.

Кузда яна бир группа болаларни рабфакка кузатдик. Қишда яна ўқишлар давом этиб, мактаб-та'лим ишлари пойдеворини мустаҳкамлаб борардик.

Ниҳоят, яна баҳор етиб келди! Баҳор жуда эрта келди. Уч кун ичида қишдан асар ҳам қолмади. Текис йўлканинг яхи эриб тамом бўлмоқда. Катта тош йўлдан аллакимнинг арава чоптириб кетаётгани, бўш челакнинг тақирлаши эшитилади. Баланд ва типтиниқ осмон худди янги либос кийгандай. Илиқ кўклам шамолида қизил байроқ пириллаб ҳилпирайди. Клубнинг катта эшиклари ланг очиб қўйилган, салқин вестибюльнинг ичи топтоза, ерга поёндозлар солинган.

Партияларда иш аллақачон қизиб кетган. Кундуз куни бўйралар йиғиштирилиб, бир четга олиб қўйилган, ойна ромлари тиргович блан кўтариб қўйилган. Ўғил ва қиз болалар партияларнинг четларига ўтириб, кичкина чўп блан кўчат қазиб, уёқдан-буёқдан гапиришиб ўтирадилар. Минг тўққиз юз йигирма тўртинчи йил меҳмони Женя Журбина умрида биринчи марта ўз оёғи блан ерни босиб юради, партияларнинг каттакон чуқурларига энгашиб қарайди, отхона томонга қўрқа-писа қараб қўяди, чунки у ерда Мард туради. Женя Журбинани ўзига яраша қизиқтирувчи масалалар бор:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ерни ким ҳайдайди? Болалар ҳайдайдими? Мард ҳам ер ҳайдайдими? Болалар блан-а? Ер ҳайдаш қанақа бўлади?

Қишлоқ аҳолиси пасха байрамини ўтказмоқда эди. Кечаси блан тугун ва шам кўтариб қўрада ўралишиб юришди. Кечаси блан қўнғироқ чалиб чиқишди. Саҳар пайтда тарқалишди, кейин рўзаларини очиб, қишлоқда ва қўнғироқхона теварагида ичиб маст бўлиб юришди. Аммо шунда ҳам қўнғироқ чалиш тўхтамади, галма-гал қўнғироқхонага чиқиб, қўнғироқ чалишар эди. Ахир навбатчи командирнинг жонига тегди-да, у ҳам жомхонага чиқиб, бир тўда музикачини ҳайдаб туширди. Байрамга атаб қўйган янги пиджакларини кийган черков советининг а'золари, уларнинг ўғиллари ва ака-укалари келиб, қўлларини аввалгидан кўра дадилроқ пахса қилиб:

— Ҳаққинг йўқ! Совет ҳукумати муқаддас байрамга йўл қўяди! Оч қўнғироқхонани! Энг катта ҳайитимиз-а! Ким, қўнғироқни чалдирмайдиган?— деб бақирар эдилар.

— Жом чалмасдан ҳам тайёр бўбсан-ку!— дейди Ляпоть.

— Бўлган бўлсам бўлибман, сенинг нима ишинг бор, нега қўнғироқ чалдирмайсан?

— Отахон,— деб жавоб беради Кудлатий,— гапнинг тагини суриштирганда, жуда жонга тегди, тушундингми? Нима муносабат блан бундай тантана-дабдаба? Христос тирилиптими? Тирилган бўлса ўзига, сизга нима? Подворкида ҳечким тирилгани йўқ-ку? Тирилгани йўқ! Шундай экан, нега ўзганинг ишига аралашасизлар?

Черков ҳай'ати а'золари турган ерларида гандираклайди, қўлларини кўтариб, воғир-вуғир қилишади:

— Барибир! Чал қўнғироғингни! Бошқа гап йўқ!

Болалар кула-кула қўлларини ушлашиб, пасха бадмастларини дарвозадан ташқари чиқариб ташлайдилар.

Бу манзарага йироқдан қараб турган Козирь соқолини сиқимлаб дейди:

— Жудаям бебош бўлиб кетипти-да, бу халқ! Ҳайитингни индамасдан қилавермайсанми! Йўға, тағин сўкинганини айтмайсанми! Э худо, ўзинг кечир!

Кечқурун қишлоқда пичоқбозлик бошланди, дод-вой кўтарилди, эски жанжаллар, бир-бирларидан ўч олишлар бошланди, ахир бирталай пичоқланган ва урилган-ёрилганларни касалхонамизга олиб келдилар. Шаҳардан ми-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лициялар от чоптириб келди. Касалхона эшиги ёнида пичоқланган ва калтак егапларнинг ота-оналари, қавми-қариндошлари, гувоҳлар ва бекорчилар, яна ўша черков ҳай'ати а'золари, уларнинг ўғиллари ва ака-укалари тўпланиб турарди. Колонистлар уларни ўртага олиб, масхара қилиб кулар ва:

— Отахон, жом чалинсинми?— деб сўрар эдилар.

... Пасхадан кейин: Харьковнинг кариги томонидан болалар учун янги колония очилармиш, колонияни халқ маорифи эмас, ГПУ очармиш, деган овозаларни эшитиб қолдик. Бу хабарга болалар янги давр аломати деб қарадилар:

— Янги уй қуришаётган эмиш, билдингизми! Бутунлай янги уй қуришармиш!

Езнинг ўрталарида колонияга автомобильда ёқасига тўқ қизил петлица таққан киши келди-да:

— Агар вақтингиз бўлса, биз билан бирга бориб келсангиз. Дзержинский номли колония учун бино қуриб тамомламоқдамиз. Бориб кўриш керак... педагогика нуқтаи назаридан,— деди.

Бордик.

Бориб, оғзим очилиб қолди. А? Боқимсиз болалар учун? Қуёш нурлари билан тўла кенг сарой-а? Паркет поллар, нақшинкор шифтлар...

Аммо, шунча нарсаларни етти йил давомида кўкрагимда орзу қилиб тугиб юришим бежиз эмас эди. Педагогика саройларини тушларимда кўриб чиқишларим ҳам бекор эмас экан. Ҳавас ва аламга тўлганим ҳолда чекистга «педагогика нуқтаи назаримни» билдирдим. Менинг бу нуқтаи назаримни у, педагогика тажрибаси деб ишонди ва менга миннатдорлик изҳор қилди.

Вужудимни ҳасад қамраб олгани ҳолда колонияга қайтдим. Бу саройда қандай бахтли кишилар ишларкин? Қасрни қуриш қийин эмас, ундан минг марта қийин ишлар бор. Аммо, мен кўп ҳам ғам чекиб юрмадим. Ахир, менинг коллективим энг ҳашаматли қасрдан ҳам яхши эмасми?

Сентябрьда Вера ўғил туғди. Колонияга ўртоқ Зоя етиб келди-да, эшикни ичидан беркитиб олиб, менга ёпишди:

— Қизларингиз бола туғадиган бўлди?

— Нега кўпайтириб айтасиз? Туққан бўлса туғипти, нимадан қўрқасиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега қўрқмас эканман? Қизлар бола туғсаю...
— Албатта, бола туғади... Яна нима тугиши мумкин?
— Ҳазиллашманг, ўртоқ!
— Мен ҳам ҳазиллашаётганим йўқ!
— Ҳозир акт тузиш керак.
— Ҳамма керакли актларни ЗАГС тузиб бўлди.
— ЗАГС бошқа, биз бошқа.
— Бола туғилиши ҳақида акт тузишни сизга ҳечким топширгани йўқ.
— Туғилиш нимаси ... ундан ҳам... баттар-ку!
— Туғилишдан ҳам баттар? Бундан ҳам баттар бўлмаса керак, а? Шопенгауэрми,[1] ё яна бошқасими, айтган эканки...
— Ўртоқ, бунақа гапингизни қўйинг!
— Қўймайман!
— Қўймайсизми? Бу нима дегашингиз?
— Очигини айтайми? Жонга тегди, гапга тушунасизми, жонга тегди, гап тамом! Жўнанг, ҳечқанақа акт тузмайсиз!
— Жуда яхши!
— Марҳамат!

Ўртоқ Зоя қайтиб кетди ва унинг «жуда яхши» дегани дўқлигича қолаверди. Вера меҳрибон, ғамхўр ва ақлли она бўлди. Бундан ортиқ менга яна нима керак? Биз уни ўз бухгалтериямизга ишга жойлаштириб қўйдик.

Ҳосиллар аллақачон йиғиштириб олинди, янчилди, кераклигини ўраларга кўмиб қўйдик, цехларни материаллар билан тўлдириб ташладик, янги болалар қабул қилдик.

Қор эрта тушди. Ундан бир кун олдин ҳаво анча илиқ эди, кечаси Қуряж тепасида тўсатдан қор парчаларн учабошлади. Эрталаб Женя Журбина эшикка чиқиб, оппоқ оқариб қолган ҳовлига ҳайрон бўлиб қараб туриб:

— Ҳовлига ким туз сепди, а?.. Ойи!.. Ҳовлига болалар туз сепганга ўхшайди! — деди.

13. „Болага ёрдам қилинг"

Дзержинский номли коммуна биноси тайёр эди. Эманзор ёқасида ярқираб турган кўркам сурранг бино Харьков томонга қараб турарди. Шифтлари баланд-баланд ёруғ уйлар, серҳашам заллар, қаноти кенг зиналар, дар-

[1] *Шопенгауэр* (1788—1860) — немис идеалист философи; пессимизм философиясини тарғиб этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

пардалар, деворларда портретлар. Коммунадаги ҳамма нарса яхши дид блан ишланган ва умуман халқ маорифи услубига сра ўхшамас эди.

Мастерскойлар учун иккита зал ажратилган эди. Заллардан бирининг бир бурчагида этикдўзлик мастерскойини кўриб жуда ҳайрон бўлдим.

Коммунанинг дурадгорлик мастерскойи ниҳоятда ажойиб станоклар блан жиҳозланган эди. Шундай бўлишига қарамай, бу соҳада ташкилотчиларнинг ожизлиги кўзга ташланиб турарди.

Коммуна ташкилотчилари бу янги муассасани очишга тайёргарлик кўриш ишларини мен блан Горький колониясига топширдилар. Мен Киргизов бошчилигида бир бригада ажратдим. Улар бу янги ташвишга бошлари блан шўнғиб кетди.

Дзержинский номли коммуна юз кишилик қилиб мўлжалланган эди, аммо бу коммуна Феликс Дзержинский хотирасига аталган бир едгорлик эди. Украина чекистлари бу ишга фақат ўзларининг хусусий маблағларинигина эмас, ҳамма бўш вақтларини ҳам, бутун куч ва фикрларини шу ишга бағишлаган эдилар. Улар коммунага бир нарсанигина бераолмас, я'ни чекистлар педагогика соҳасида ожиз эди. Броқ улар педагогика тажрибасидан негадир чўчимас эди.

Мени, чекист ўртоқлар бу мушкул аҳволдан чиқиш чорасини қандай топаоларкинлар деган масала қизиқтирар эди. Улар-ку назарияни инкор этишлари мумкин, аммо назария чекистларнинг инкор этишига рози бўлармикин? Бу янги ва ниҳоятда мураккаб ишда педагогика илмининг сўнгги кашфиётларини, масалан ғайри расмий равишда ўз ўзини идора қилиш системасидан фойдаланиш ўринли бўлмасмикин? Балки, чекистлар нақшинкор шифтлар ва ажойиб мебельларни фан йўлига қурбон келтиришга рози бўларлар? Тез кунда чекистларнинг ҳеч нарсани қурбон қилишга рози эмасликлари ма'лум бўлди. Ўртоқ Б. мени ўз кабинетига чақириб, юмшоқ креслога ўтқизди-да:

— Менинг сиздан илтимосим шундан иборат,— деди.— Бор нарсани бузишга, ёришга, талаб кетишга биз йўл қўяолмаймиз. Коммуна албатта керак нарса, бундан кейин ҳам анчагача керак бўлади. Сизнинг коллектив интизомли эканини биз биламиз. Ишни йўлга солиб юборинг учун сиз бизга элликта болъ ажратиб берсангиз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолганини кўчадан йиғабошлаймиз. Тушундингизми? Бошланоқ ўз ўзларини идора қилабошлайдиган бўлишади, тартиб-интизом ҳам бўлади. Тушунасизми?

Тушунганда қандоқ! Бу доно одамнинг педагогика илмидан мутлақо бехабар эканини жуда яхши тушундим. Сирасини айтганда, шу онда мен жиноят қилдим: педагогика илми борлигини ўртоқ Б. дан яширдим ва ғайрирасмий равишда «ўз-ўзини идора қилиш» ҳақида бирон нарса демадим. Мен «есть» дедим-да, атрофга муғомбирлик билан қараб ва жилмайиб чиқиб кетдим.

Горькийчиларга янги коллектив тузиш ишининг топширилишидан мен жуда хурсанд эдим, аммо бу масаланинг фожиали томонлари ҳам бор эди. Қандай қилиб мен энг яхши болаларни бераоламан? Горький коллективининг ўзига ҳам яхши болалар керак эмасми?

Киргизов бригадаси ишни тамомлай деб қолган эди. Бизнинг мастерскойларимиз коммуна учун мебель ясар, тикувчилик ишхонамиз эса келгуси коммунарларга кийимбош тикиб тайёрламоқда эди. Кийимбошлар лойиқ келсин учун бирданига эллиқта «дзержинскийчи»ни ажратиб бериш керак эди.

Командирлар совети масалага жиддий қаради. Лапоть деди:

— Коммунага энг яхши болаларни юбориш керак, аммо катта ёшдаги болаларни юбормаслик керак. Катта ёшдаги болалар горькийчилигича қолаверсин. Барибир ўзлари ҳам яқинда мустақил ҳаёт йўлига чиқиб оладилар.

Командирлар Лапотьнинг сўзини ма'қулладилар, аммо рўйхат тузишга келганда жанжал кўтарилди. Ҳамма командирлар коммунага бошқа отрядлардан одам кўрсатабошладилар. Ярим кечагача ўтириб, ахир қирқта ўғил бола ва ўнта қиз бола рўйхатини тузиб чиқдик. Рўйхатга иккала Жевелий, Горьковский, Ванька Зайченко, Маликов, Одарюк, Зорень, Нисинов, Синенький, Шаровский, Гардинов, Оля Ланова, Смена, Васька Алексеев, Марк Шейнгауэлар кирдя. Рўйхатни салмоқли қилиш учун Миша Овчаренкони ҳам қўшиб қўйдик. Рўйхатни яна бир қайта кўздан кечириб, жуда мамнун бўлдим: гарчи ёш бўлса ҳам, бақувват ва яхши болалар эди.

Коммунага ўтадиганлар отланишга киришди. Улар ўзлари турадиган янги уйни ҳали кўрганлари йўқ, шунинг учун ҳам, ўртоқларидан жудо бўлиш олдидан ҳатто ба'зилари:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ким билади, у ер қанақайкин? Уй-ку ёмон эмасдир-а, одамлари қанақа бўларкин,— деярди.

Ноябрь охирида ҳамма болалар кўчишга тайёр этилди. Мен коммуна штатини тузишга киришдим. Яхши ҳамиртуриш сифатида коммунага Киргизовни юбордим.

Бу воқиаларнинг ҳаммаси ўша даврдаги Украина Маориф Халқ Комиссарлигидаги «мутафаккир педагогика доиралари» билан узил-кесил алоқа узишимга сабаб бўлди. Кейинги вақтларда бу доиралар менга ёмон қараш учун турсин, ҳатто мендан нафратланар эдилар. Доиралар ҳам унча катта эмас, ундаги одамлар ҳам туппа-тузук одамлар эдию, аммо, шунга қарамасдан, балога учраганим аниқ ва равшан эди.

Менинг нақадар тубанлашиб кетганимни гоҳ арзимаган, гоҳ принципиаль сабаблар билан бетимга солмаган кунлари йўқ эди. Бориб-бориб ўзим ҳам ўзимдан шубҳаланабошладим.

Энг кўнгилли ҳодисалар ҳам бирдан жанжалга айланиб кетарди. Балки, ҳақиқатан бутун айб ўзимдадир?

Харьковда «Болалар дўстлари»нинг с'езди очилди, колония с'ездни табриклагани бормоқчи бўлди. С'езд бўлаётган бино олдига роса соат учда етиб борамиз деб келишдик.

Пиёда ўн километрча йўл юриш керак. Биз шошилмасдан, соатга қараб борамиз, болаларни тўхтатиб, дам бердираман, сув ичтираман, шаҳарни тамоша қилдираман. Бундай сафарларни колонистлар жуда яхши кўради. Кўчаларда ҳамма бизни ҳурмат қилади, тўхтаган вақтларимизда дарров атрофимизни ўраб олишади, гап сўрашади, танишишади. Ясанган, хушчақчақ колонистлар бир-бирлари билан ҳазиллашиб ўйнашади, дамларини олишади, ўз коллективларининг кўркам ва гўзаллигини сезишади. Ҳамма нарса жойида, аммо фақат сафаримиз мақсади бизни бироз ташвишга солиб туради. Колония байроқни ҳилпиллатиб, музика билан с'езд бўлаётган жойга етиб келганда соатим роса уч бўлган эди. Броқ олдимизга бир интеллигент хотин дарғазаб бўлиб чиқиб, вайсайкетди:

— Нега эрта келдинглар? Шунча вақт болаларни кўчада тутиб турасизми?

Мен унга соатимни кўрсатдим.

— Соатнинг бунга нима алоқаси бор?.. Тайёргарлик кўришимиз керакми, йўқми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Соат учга деб келишганмиз.

— Нуқул найрангбозлик қиласиз, ўртоқ.

Колонистлар нима гуноҳ қилганларини, нима учун уларга бундай нафрат кўзи билан қарашларини билмай, ҳайрон бўлишади.

— Майда болаларни нега олиб келдингиз?

— Колония бутун состав билан келди.

— Ҳа, ахир, бундай майда болаларни ўн километрлик жойга судраб келиб бўладими? Ўзимни кўрсатаман деб бу қадар тошюрак бўлиш яхши эмас!

— Майда болалар сафарга жон деб чиқишди... Учрашувдан кейин циркка бормоқчимиз, қандай қилиб буларни уйга ташлаб келаоламан?

— Циркка? Цирк қачон тугайди?

— Кечаси.

— Ўртоқ, дарҳол, кичик болаларни уйга қайтариб юборинг!

Қаторда турган «кичик болалар»— Зайченко, Маликов, Зорень, Синенькийларнинг ранглари оппоқ оқариб кетади, улар нажот сўраб кўзларини менга тикадилар.

— Келинг, ўзларидан бир сўраб кўрайлик,— деб таклиф киритаман.

— Улардан сўрашнинг ҳам кераги йўқ, масала равшан. Ҳозирнинг ўзида уйга қайтариб юборинг.

— Кечирасиз, сизнинг бўйруғингизга бўйсунмайман.

— Ундоғ бўлса, ўзим буюраман.

Мен эўрға кулгимни тийиб:

— Марҳамат,— дейман.

Хотин, колоннамизнинг чап томонига яқин келади:

— Болалар!.. Мана, сизлар!.. Дарҳол уйга қайтинглар!.. Чарчагандирсизлар...

Унинг мехрибон овози ҳечкимни алдайолмайди. Кимдир бирон:

— Нега уйга қайтар эканмиз? Йўқ, қайтмаймиз...— дейди.

— Циркка ҳам бормайсизлар. Жуда кеч бўлади...

«Кичик болалар» кулади. Зорень, худди танца кечасидагидай кўзларини ўйнатади:

— Анови хотиннинг усталигини қаранглар!.. Антон Семёнович, қаранг, жуда уста хотин экан-ми?

Ваня Зайченко ўзигагина хос тантанали бир ҳаракат билан қўлини чўзиб, байроқни кўрсатади:

— Сиз гапиришни билмас экансиз... Сафда турган

www.ziyouz.com kutubxonasi

болаларга бундай дейилмайди... Бир, икки дейиш керак... Кўриб турибсизки, биз сафда, байроқ тагида турибмиз! Кўрасизми?

Хотин, тамомила казармалашиб кетган болаларга ачиниб қарайди-да, ичкарига кириб кетади.

Бундай тўқнашувлар кундалик ишимизга ҳечқандай ёмон та'сир кўрсатмас эди, албатта, аммо мени ташкилий соҳада танҳо қилиб қўйган эди; броқ, танҳоликка кўникиш мумкин. Мен бундай ҳодисаларга бир амаллаб чидаб беришга, бошдан кечиришга ўрганиб қолдим. Мен олишиб ўтирмасликка ҳаракат қилардим, башарти ба'зан қўрс жавоб бериб қоладиган бўлсам буни фақат одоб юзасидан қилардим, чунки бошлиқлар блан гаплашмаслик беодоблик бўлади.

Октябрьда Аркадий Ужиковнинг бошига бахтсизлик тушди, бу ҳодиса мен блан «улар» ўртасидаги низо'ни янада кенгайтириб юборди.

Дам олиш куни рабфакчиларимиз колонияга меҳмон бўлиб келишди. Синф хоналаридан бирини уларга ётоқ қилиб бердик, кундуз куни эса ўрмонзорда сайр қурдик. Болалар ўрмонда ўйнаб-кулиб юрган пайтда Ужиков уларнинг ётоғига кирган-де, рабфакчилар ўзларига тегкан ҳамма стипендияларини бирга қўшиб солиб қўйган портфельни ўғирлаб чиққан.

Колонистлар рабфакчиларни ўз акаларидан ҳам яхши кўрар эдилар. Ҳаммамиз уятга қолдик. Ма'лум вақтгача ўғри топилмай юрди, аммо мен учун бу ҳол ниҳоят даражада муҳим эди. Иттифоқ коллективда ўғирлик бирон нарсанинг йўқолганлиги учун эмас, бирон кимсанинг дили сиёҳ бўлгани ёки яна бирон кимсанинг ўғирликни давом этдиргани учунгина эмас, айниқса умумий аҳилликни ва фароғатни бузиши, ўртоқларнинг бир-бирига бўлган ишончга путур етказиши, инсоннинг энг расво ҳисларидан бири бўлмиш гумонсираш ва хусусий нарсасига ховотир бўлиши, беркиниб ётган худбинлик ҳисларини уйғотиши учун ҳам даҳшатлидир. Агар ўғри топилмаса, коллектив ҳар томонга дарз кетади: ётоқхоналарда шивир-шивир бошланади, бир-бирлари блан пана жойларда гумон остида қолганларнинг номларини айтиб беришади, ўнлаб яхши ва бақувват болалар азоб тортади, энди-энди тузалиб келаётган ва сен авайлаб, эҳтиёт блан парваришлаб келган болалар яна азоб чекабошлайди. Ўғри бирнеча кундан кейин топилиб, қаттиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

жазоланса ҳам барибир, жароҳат тузалмайди, аламни кетказиб бўлмайди, кўплар коллективдан топган ҳузур-ҳаловатини йўқотади. Айрим ўғирлик ҳодисаси узоқ давом этадиган душманликка, аламзадалик, ўртоқларидан ажралиш ва чинакам одамовилик процессларига олиб келади. Ўғирлик — коллективда юз берадиган талай ҳодисалардан биридирки, бу бирон кимсанинг та'сири остида юзага келмайди, бу ҳодиса шахснинг ёвуз иродасидан кўра кўпроқ химик реакция асосида келиб чиқади. Коллектив ва жамоат фикри устун бўлмаган ердагина ўғирликнинг хавфи бўлмайди; бу ҳолда иш жуда осонлик блан бартараф қилинади: биттаси биттасининг нарсасини ўғирлапти, дейди-да, қўяди. Жамоат фикри устун бўлган коллективда юз берган ўғирлик эса яширин фикр-хаёлларни уйғотади, коллективда зарур бўлган сипоҳлик ва сабр-тоқатни тугатади, бу нарса эса «жиноятчилар»дан иборат бўлган коллективнинг айни заволидир.

Ужиковнинг жинояти икки кундан кейин очилди. Болалар уни оломон қилиб юбормасин деб, мен дарҳол уни идорага қамаб, эшикка соқчи қўйдим. Командирлар совети унинг ишини ўртоқлик судига топширишга қарор қилди. Болалар одатда совет қароридан қаноатланиб келар эдилар, шунинг учун ўртоқлик суди бизда камдан-кам бўлар эди. Ўртоқлик судидан Ужиков шафқат кутмас эди. Судьялар умумий мажлисда сайланди, мажлис бир овоздан беш кишини: Кудлатий, Горьковский, Зайченко, Ступицин ва Перецни сайлади. Перецни курнжлиларни хафа қилмаслик учун сайлашди, Ступицин адолатли бола эди, олдинги учтаси эса жазони юмшатиш ёки ра'я қилишга сра йўл қўймайдиганлардан эди.

Суд кечқурун бошланди, зал лиқ тўла эди. Брегель блан Джуринскаялар ҳам шу иш туфайли атайин келган эдилар.

Ужиков алоҳида скамейкада ўтирарди. Шу кунларда у ўзини безбет тутар, менга ва колонистларга қўрс гапирар, мийиғида кулиб қўяр ва бу блан ҳамманинг нафратини қўзғатар эди. Аркадийнинг колонияга келганига бир йилдан ошди, шу давр ичида унинг анча ўзгаргани шубҳасиз эди, броқ қайси томонга ўзгарганлиги гумонли эди. У ўзини сариштя тутадиган, қаддини кўтариб юрадиган бўлиб қолган, бурни ҳам кичрайгандек кўринар, ҳатто юзида табассум пайдо бўлиб қолган эди. Шундоқ бўлса ҳам, у ўша-ўша илгариги Аркадий Ужиковлигича,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирон кимса уёқда турсин, ҳатто коллективни ҳам ҳурмат қилишни билмайдиган, бугун қорним тўйса бўлгани деб кун кўруви одамлигича қолган эди.

Илгари Ужиков отасидан ё милициядан қўрқар эди. Колонияда эса унга командирлар совети ё умумий мажлисдан бошқа ҳечким таҳдид солмас эди, командирлар совети ва умумий мажлис блан сра иши бўлмас эди. Ужиковнинг мас'улият сезгиси илгаригидан баттар қотиб кетган, янгича кулумсираб қўйишлари ҳам, янгича безбетлиги ҳам худди шундан келиб чиқар эди.

Броқ, ҳозир Ужиковнинг юзи оқариб кетган: ўртоқлик суди унга бирқадар та'сир қилган бўлса керак.

Навбатчи командир ҳаммага туринглар деб буюрди, залга суд кирди. Кудлатий гувоҳлар ва пулларини олдирганларни сўроқ қилишга киришдн. Уларнинг ҳамма гаплари қоралаш ва истеҳзога тўла эди. Миша Овчаренко деди:

— Бу ерда болалар Аркадий колонияни номусга қўйди, дейишади. Менимча, бундай бўлиши мумкин эмас, азиз ўртоқлар, Ужиков колонияни номусга қўяолмайди. У колонист эмас, колонист бўлиш бунга қайда, буни одам деб бўладими? Узларинг ўйлаб кўринглар: шу ҳам одамми? Масалан, ит ё мушукни олайлик: худо урсин, улар бундан минг-марта яхши! Хўш, энди бунга қандай жазо берайлик деган савол тушади. Тўппа-тўғри колониядан ҳайдаб юбориш бўлмайди, чунки бунинг фойдаси йўқ. Менинг таклифим шу: биття кичкина катак қуриб бериш керак-да, катакка солиб, акиллашни ўргатиш керак. Агар уч кун боқмаса, худо урсин, акиллашни ўрганади. Аммо буни энди уйга киритиб бўлмайди.

Бу нутқ ҳарқандай одамни ерга киргизиб юборадиган, ҳақорат даражасига етган нутқ эди. Суд столи ёнида ўтирган Ваня Зайченко қотиб-қотиб куларди. Аркадий Мишага жиддий қараб, қипқизариб кетди ва юзини тескари ўгирди.

Брегель сўз сўради, Кудлатий унга:

— Балки, болалардан кейин сўзларсиз?— деб таклиф қилди.

Брегель: йўқ, ҳозир деб туриб олгач, Денис сўз берди. Брегель саҳнага чиқиб, оташин нутқ сўзлади. Нутқининг ба'зи жойларн ҳали ҳам эсимда:

— Бу болани сизлар пул ўгирлагани учун суд қилаётибсизлар. Ҳамма уни айблайди, ҳамма қаттиқ жазо

www.ziyouz.com kutubxonasi

берилсин дейди, ба'зи бировлар эса қайдан юборишни талаб қилади. Бу боланинг айби бор, албатта, аммо энг катта айб колонистларнинг ўзида.

Ўғирлик қилган Ужиков-у, айб колонистларда дегучи одам қанақа экан, яхшилаб кўрайликчи деб, ҳамма жим бўлиб, бўйинларини чўзиб қарашди.

Болаларнинг ўткир кўзлари хавф-хатарнинг қайси томондан келишини ахир пайқади ва бир-бирларига ташвиш билан қараб қўйишди. Шуни ҳам айтиш керакки, болаларнинг ташвишланиши бежиз эмас эди, чунки шу топда бутун коллектив жиддий таҳлика остида қолган эди. Броқ, мажлис аҳлининг ташвишланишини Брегель кўрмас эди. У нутқини чинакам пафос билан тамомлади:

— Аркадийни жазолаш — ундан ўч олиш билан баравар, аммо сизлар ўч олиш йўли билан ўз обрўларингни ерга урмасликларинг керак. Сизлар билишларинг керакки. Аркадий ҳозир сизларнинг ёрдамингизга муҳтож, у мушкул аҳволга тушиб қолган, чунки уни сизлар ҳаммага қарши қилиб қўйдинглар, ҳайвон билан тенглаштирдинглар. Ораларингдан яхши болаларни ажратиб беришларинг, улар Аркадийни ўз ҳимоясига олиши ва унга ёрдам бериши керак.

Брегель саҳнадан тушгач қаторлар қимирлаб, ғовур кўтарилди, болалар кулабошлади. Аллаким овозини жаранглатиб, жиддий оҳангда:

— У хотин нима деди ўзи? А?— деб сўради.

Яна бошқа аллаким овозини тнйиброқ, аммо истеҳзо билан:

— Болалар, Ужиковга ёрдам қилинглар! — деб жавоб берди.

Залда кулги кўтарилди. Судья Ваня Зайченко орқасини стулга ташлаб, оёғи билан стол яшигини тепабошлади. Кудлатий унга қат'ий суратда:

— Ванька, қанақа судьясан ўзинг?— деди.

Ужиков бошини қуйи солиб ўтирди-да, бирдан пиқиллаб кулиб юборди, броқ дарҳол ўзини босиб, бошини яна пастроқ эгиб ўтирди. Кудлатий унга бирнима демоқчи, эдию, индамади, фақат бошини чайқади-да, Ужиковга ўқрайиб қараб қўйди.

Шу кичкина ҳодисаларни Брегель пайқамади шекилли, Джуринская билан алланима тўғрисида қизишиб гапиришарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кудлатий, суд маслаҳат мажлисига киради деб э'лон қилди. Судьяларнинг комида бир соат маслаҳат қилиб ҳукм ёзишларини билар эдик. Меҳмонларни кабинетимга таклиф этдим.

Джуринская диванниng бир бурчагига жойлашиб, Гуляеванинг орқасидан ҳақиқат издагандай ҳаммамизга қараб ўтирарди. Брегель бугун бизга «чинакам тарбия иши»дан сабоқ берганлигига шубҳа қилмас эди. Ажабо, мен ўзимда аллақандай ўжарлик сезардим, аммо бу ўжарлик ҳаққоният орқасидан келган, тантана қилувчи ўжарлик эмас эди, йўқ, бу алам орқасидан ва меҳнатимнинг қандайдир фойдасиз кўринганлиги орқасидан келиб чиққан ўжарлик эди.

Брегель мендан:

— Менинг гапимга қўшилмассиз, албатта! — деб сўради.

Мен унга:

— Чой ичасизми?— деб жавоб бердим.

Бу одамларда силлогизм ачиб-бижиб ётган бўлса керак. Улар бу восита яхши, мана бу восита — ёмон, демак олдингисидан фойдаланиш керак дейдилар. Буларни қачон диалектик мантиққа ўргатиб бўлади? Менинг меҳнатим бир-бирига боғланган минг хил операциялардан, ба'зан бирнеча йиллар давом этадиган ва шунинг билан бирга коллектив манфаатлари айрим шахсларнинг манфаатларига зид равишда чалкашиб кетганлигини буларга қандай қилиб исбот этиш мумкин? Колонияда етти йил ишладим ва шу етти йил ичида бир-бирига ўхшаган икки ҳодиса юз бермаганини қандай қилиб буларга тушунтириш мумкин? Коллективни бекорга ташвишга солиш, умумий кучсизликни э'тироф этиш зарарли эканини, бугунги судда тарбия ишининг об'екти Ужиков эмас, тўрт юзта колонистнинг ҳарбири ҳам эмас, бутун коллектив эканини буларга қандай тушунтириш мумкин?

Навбатчи бизни залга таклиф этди.

Колонистлар сукунат ичида оёққа туриб, ҳукмни тингладилар.

Ҳукм

«Ужиков меҳнаткашлар душмани ва ўғри бўлгани учун, уни сазойи қилиб, колониядан ҳайдаш керак. Бироқ, ўртоқлик суди Маориф Халқ Комиссарлигининг илтимосини назарга олиб, қарор қилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Ужиков колонияда қолдирилсин.

2. Бир ойгача колония а'зоси деб ҳисобланмасин, отрядлардан чиқарилсин, сводный отрядларга ҳам киритилмасин, колонистларга у блаи сўзлашиш, унга ёрдамлашиш, бир столда ўтириш, бир ётоқда ётиш, у блан ўйнаш, бирга туриш ва бирга юриш ман' этилсин.

3. Ужиков ўзининг илгариги командири Дмитрий Жевелей қўл остида қолди деб ҳисобланснн, командир блан фақат иш тўғрисида ва агар касал бўлиб қолса — врач блан гапиришиши мумкин.

4. Ужиков фақат ётоқ ўйлагида ётиши ва овқатни командирлар совети тайинлаган алоҳида столда ейиши мумкин, агар ишлагуси келса, командирлар совети томонидан берилган наряд бўйича танҳо ўзи ишлайди.

5. Кимда-ким ушбу қарорни бузса, командирлар советининг бўйруғи блан колониядан дарҳол ҳайдалсин.

6. Ҳукм, колония мудири тасдиқлаган ондан бошлаб кучга киради».

Йиғилиш ҳукмни қарсаклар блан ма'қуллади. Кузьма Леший бизга қараб деди:

— Мана бунга қойилман! Мана бу нарса кор қилади. Одамлар бўлса: бечора болага ёрдам қилинглар, қўлига калит бериб қўйинглар дейди, хе!

Соддадил Кузьма бу гапларни данғал Брегель бетига қараб айтар ва беодоблик қилаётганидан хабари йўқ эди. Брегель, сочлари тўзиган Лешийга ўқрайиб қаради-да, расмий бир оҳангда менга:

— Бу қарорни сиз, албатта, тасдиқламайсиз, шундай эмасми?— деди.

— Тасдиқлаш керак,— деб жавоб бердим.

Командирлар советининг уйида биздан бошқа ҳечким йўқ эди. Джуринская мени бир четга чақириб:

— Мен сиз блан гапиришишим керак. Бу қарор нимаси? Сиз қандай қарайсиз бунга?— деди.

— Яхши қарор,— дедим.— Бойкот ёмон нарса, албатта, ундан кеиг миқ'ёсда фойдаланишга тавсия этиб бўлмайди, аммо айни ҳолда жуда жойида бўладн.

— Аминмисиз?

— Аминман. Мен сизга айтсам, колонияда Ужиковни ёмон кўрмаган одам йўқ, ундан ҳамма нафратланадн. Биринчидан, бойкот бутун бир ой давомида янги ва қонуклаштирилган муносабатларни ўрнатади. Ужиков

www.ziyouz.com kutubxonasi

бойкотга чидаб берса — ҳурмати ошиши аниқ. Ужиков учун бу жуда мупосиб бир вазифа.

— Чидайолмасачи?

— Чидайолмаса, болаларнинг ўзи ҳайдаб юборади.

— Сиз бунга йўл қўясизми?

— Йўл қўяман.

— Ахир, шундай қилиб бўладими?

— Бошқа яна қандай иложи бор? Коллектив ўзини ўзи ҳимоя қилишга ҳақи борми, ахир?

— Ужиковни қурбон қилиш йўли билан-а?

— Ужиков ўзига бошқа бирон муҳит топади. Қайтанга, ўзига фойда.

Джуринская ма'юс кулумсиради:

— Бундай педагогикани нима деб атаса бўлади?

Мен индамадим. Жавобни бирдан ўзи топди:

— Балки, кураш педагогикаси дейдилар?

— Балки.

Брегель бирдан кетаманга тушиб қолди. Лапоть буйруқни олиб келди.

— Тасдиқлаймизми, Антон Семёнович?

— Албатта. Жуда яхши қарор.

— Болани ўз-ўзини ўлдиришга мажбур этасизлар,— деди Брегель.

— Кимни? Ужиковними?— деб ҳайрон бўлди Лапоть.— Ўзини ўзи ўлдиради? Эҳ-ҳа-а! Қани энди, ўзини осса... яхши бўларди... Аммо, осмайди-да.

— Даҳшат, даҳшат! — деб вишиллади Брегель ва жўнаб кетди.

Бу аёллар Ужиковни ва колонияни яхши билмас эди. Колония ҳам, Ужиковнинг ўзи ҳам бойкотни завқ билан бошлади. Ҳақиқатан ҳам, колонистлар Ужиков билан ҳамма алоқаларини узган, аммо уларда бу нфлос одамга нисбатан ғазаб ҳам, нафрат ҳам, жирканиш ҳам қолмаган эди. Гўё, буларнинг ҳаммасини суд ҳукми ўз зиммасига олгандай эди. Колонистлар Ужиковга узоқдан қараб-қараб қўяр ва бўлиб ўтган воқиалар ҳамда Ужиковнинг келажаги ҳақида бир-бирлари билан гаплашар эди. Кўп болалар, суд жазоси ҳечнарсага ярамайди деярди. Костя Ветковский ҳам шу фикрда эди.

— Шу ҳам жазо бўптими? Ужиков керилиб юрипти-ку! Бутун колониянинг хаёли ўшанда! У шунга арзийдиган одаммн?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ужиков ҳақиқатан ҳам керилиб юрарди. Унинг қиёфасида манманлик ва кибр аломатлари пайдо бўлди. У, колонистлар ўртасида худди ҳечким гапиришга ёки савол беришга ҳадди сиғмайдиган корольдай юрарди. Ошхонада Ужиков алоҳида стол ёнида ўтириб овқатланарди, бу стол унга худди тахтдай кўринарди.

Броқ, қаҳрамонлардай кеккайиб юриш ҳаваси тезда сўниб, битди. Бирнеча кундан кейин Аркадий, ўртоқлик суди бошига кийдириб қўйган сазойилик чамбари тиканларининг санчилганини сезди. Унинг ғайритабиий аҳволга тушганлигига колонистлар тезда кўникдилар, унинг яккамохов бўлиб, бошқалардан ажралиб юриши давом этаверди. Аркадий ёлғизликда бошидан оғир кунлар кечирабошлади, ўн соатларга чўзилган ва бир-биридан фарқ қилмайдиган кунлар бирин-кетин ўтиб борарди, Ужиков якка-ю-ёлғиз, бирон кимсадан «ҳой, бормисан» деган гапни эшитмай, юрарди. Айни вақтда унинг атрофида одатдагидек, коллектив ҳаёт қайнар, кулги янграр, ҳазил ва аскиялар эшитилар, характерлар ярқирар, дўстлик ва яқинлик учқунлари сачраб турар эди. Ужиков нақадар қашлоқ бўлмасин, бу шод-хуррамликнинг мазасига у ҳам тушуниб қолган эди.

Етти кундан кейин унинг командири Жевелий менга келиб:

— Ужиков сиз блан гаплашишга рухсат сўрайди,— деди.

— Йўқ,— дедим,— мен у блан синовдан шарафли равишда ўтганидан кейингина гаплашаман. Шундай деб айт.

Кўп ўтмай, Аркадийнинг одатда қимир этмайдиган қошларининг билинар-билинмас чимирилиб, пешонасининг тиришабошлаганини кўриб, севиндим; у, болаларга узоқ термулиб қарайдиган, ўйга ботиб, алланималарни ўйлайдиган бўлиб қолди. Унинг ишга бўлган муносабатларида янги ўзгаришлар пайдо бўлганини ҳамма пайқади. Жевелий уни кўпинча ҳовлини супуришга қўярди. Аркадий ҳар куни эрталаб, бирон марта ҳам канда қилмасдан, ишга чиқар, катта ҳовлимизни топтоза қилиб супуриб, ахлат яшикларини бўшатар, гулзорларнинг четини тузатиб қўяр эди. Кўпинча кечқурунлар ҳам қўлига куракча олиб ҳовлига чиқар эди-да, ерда ётган қоғоз парчалари ва папирос қолдиқларини супуриб ташлар, гулзорларни тозалаб юрар эди. Бир куни кечқурун ярим кечагача синфда ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дига катта қоғоз ёзиб, алланималар чизиб ўтирди, эртаси куни эрталаб қоғозни ҳамманинг кўзига кўринарли жойга ёпиштириб қўйди:

КОЛОНИСТ, ЎЗ ЎРТОҒИНГ МЕҲНАТИНИ ҲУРМАТ ҚИЛ, ЕРГА ҚОҒОЗ ТАШЛАМА.

— Аповини қара, ўзини ўртоқ дейдиган бўлиб қопти...— деди Горьковский.

Синов фурсати ярмига етганда колонияга ўртоқ Зоя келиб қолди. Худди обед маҳали эди. Зоя тўғри Ужиков ўтирган стол ёнига келди-да, бирдан жим бўлиб қолган ошхонага эшиттириб, ҳовлиқиб:

— Ужиков сизмисиз?— деб сўради.— Қалай, тузукмисиз?

Ужиков ўрнидан турди, Зоянинг кўзларига жиддий қаради-да, мулойимгина жавоб берди:

— Менинг сиз билан гапиришга ҳақим йўқ, командирнинг рухсати бўлиши керак.

Ўртоқ Зоя Митькани изламай кетди. Сергайрат, тетик ва кўзлари қопқора Митька етиб келди.

— Хўш, нима гап?

Ужиков билан гаплашишга рухсат берасизми.

— Йўқ,— деб жавоб берди Жевелий.

— Нега энди «йўқ» бўларкан?

— Шундай... рухсат фермайман, гап шу!

Ўртоқ Зоя менинг кабинетимга кирди-да, бўлмағур гапларни вайсади.

— Бу нима деган гап? Балки у, шикоят қилмоқчидир? Балки, жар ёқасига бориб қолгандир? Бу қийнаб-азоблаш эмасми?

— Бошқа иложим йўқ, ўртоқ Зоя.

Эртаси куни, колонистларнинг умумий йиғилишида, Наташа Петренко сўз олди:

— Болалар, келинглар, Аркадийнинг айбини кечайлик. Аркадий яхши ишлаяпти, синовдан ҳам колонистга муносиб равишда ўтаяпти. Мен афв этилсин деган таклиф киритаман.

Мажлис аҳли хайрихоҳлик билдириб, ғовур-ғувур кўтарди:

— Майли, майли...

— Ужиков интизомли бўлиб қолди...

— Интизомли бўлганда қандоқ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Афв этилсин!..

— Болага ёрдам қилайлик!

Командирнинг фикрини эшитмоқчи бўлишди. Жевелий бундай деди:

— Ростини айтиш керак: бутунлай бошқа одам бўлиб қолди. Куни кеча... анови хотин ҳам келувди... хаҳ... ўзларинг биласизлар-ку!

— Биламиз!

— Уша хотин ёнига келиб: шунча болакай, болакай деди, бу сра бўш келмади, офарин! Мен ҳам илгари Аркадий одам бўлмас деб юрардим, аммо ҳозир айтишим керакки, бу... бизнинг одам...

Лапотьнинг оғзи қулоғига етиб:

— Бундан чиқди, афв этишимиз керак экан,— деди.

— Овозга қўй,— дейишди колонистлар.

Ужиков печка ёнида бошини эгиб, беркиниб ўтирарди. Лапоть, баланд кўтарилган қўлларга кўз ташлаб чиқиб-да, хушвақтлик билан:

— Ҳа, бўпти... бир овоздан қабул қилинди. Аркадий, қаниса? Табриклайман, озод бўлдинг!— деди.

Ужиков саҳнага чиқди, мажлис аҳлига қараб оғзини очди-да... бирдан йиғлаб юборди.

Залдагилар ҳаяжонланиб кетди. Аллахим:

— Гапини эртага айтади...— деб бақирди.

Броқ Ужиков кўйлагининг енги билан кўзларини артди, унинг юзига қараб, азобланаётганини сездим. Аркадийнинг тили ахир гапга келди:

— Раҳмат, болалар... Қизларга ҳам... Наташага ҳам... Мен... ҳамма нарсага тушуниб турибман, сизлар ўйламанглар... Менинг илтимосим шу.

— Бўлди, эсингдан чиқар,— деди Лапоть қат'ий оҳангда.

Ужиков итоат билан хўп деб бошини силкитди. Лапоть мажлисни ёпди, бирдан болалар саҳнага чиқиб, Ужиковни ўртага олдилар. Уларнинг букунги меҳрибончиликларига Ужиков ҳалол меҳнат қилиб эришган эди. Мен, худди бош суякни операция қилиб қутулган врачдай, эркин нафас олдим.

Декабрьда Дзержинский номли коммуна очилди. Бу ҳодиса жуда тантанали ва самимий равишда ўтди.

Бундан сал олдинроқ момиқдай оппоқ қор ёққан куни, коммунага ажратилган дастлабки элликта бола янги кастюмларини, майин бобрик пальтоларини кийиб ясанди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, ўртоқлари блан хайрлашиб, шаҳар орқали янги уйларига жўнаб кетди. Ғуж тўпланган бу болалар бизга кичкина ва қопқора чиройлик жўжаларга ўхшаб кўринарди. Улар, устларига худди оппоқ пардадай қор ёққан, юзлари қипқизариб, хушчақчақ бўлиб коммунага келдилар. Худди жўжаларга ўхшаб, коммунанинг ҳар ерига тарқалиб кетдилар ва ҳамма ташкилий масалаларга кичкина тумшуқларини суқабошладилар. Ун беш минут ўтгач командирлар советини чақирдилар ва учинчи сводный отряд дарҳол кровать ташишга тушди.

Коммуна очилиш маросимига горькийчилар музика ва байроқ блан саф тортиб келдилар. Улар энди янги, қулоққа галати туйилган коммунар деб аталган ўз ўртоқларининкига меҳмон бўлиб келган эдилар. Энг мас'ул, ишлари бошидан ошиб ётган, энг ҳурматли бир группа чекистлар тўрт юз собиқ боқимсиз болалар ўртасида ҳайр-эҳсон қилучи одамларга ҳечбир ўхшамас эди. Икки ўртада самимий дўстона муносабат тугилган эди, аммо бу муносабатларда икки авлод ўртасидаги тафовут ва фақат бизга, совет даврига хос хусусият, я'ни кичикларнинг катталарни бошқача ҳурмат қилиши яққол кўриниб турар эди. Шунинг блан бирга, болалар ҳам ўзларини бировнинг ҳомийлиги остида бўлган майда болалар деб сезмас эдилар: уларнинг ўз ташкилотлари, қонун-қоидалари ва обрўйлари, вазифалари ва бурчлари бор эди.

Гарчи ҳечким мен блан расмий равишда келишмаган ва ҳечким э'лон қилмаган бўлса-да, коммуна мудирлиги ўз-ўзидан менга топширилди.

Горький колонияси коммунага қараганда анча муракаброқ ва қийинроқ кўринарди. Эллиқта ўртоқларини узатган горькийчилар эллиқта янги бола қабул қилдилар, уларнинг ҳаммаси пойтахтли ва кўпни кўрган болалар эди. Илгаригидек, янги болалар колония интизомини ва традицияларини тез вақт ичида ўзлаштириб олдилар, аммо уларда ҳақиқий маданият ва ҳақиқий коллективчилик қиёфаси анча секин юзага келар эди. Буларнинг ҳаммасига биз энди одатланиб қолган эдик.

Истиқболимиз порлоқ эди: биз ўзимизда рабфак очишни, машина бўлими учун янги корпус қуришни, янги ва янги группаларни турмушга узатишни орзу қилар эдик. Кўп ўтмай газеталардан, бизнинг Горькийнинг Совет Иттифоқига келишини ўқиб билдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

14. Мукофотлар

Декабрьдан июльгача ажойиб бир давр бўлди. Бу давр давомида пўртана менинг кемамни кўтариб-кўтариб ташлар, кемада эса икки коллектив бўлиб, уларнинг ҳар-бири ўзини кўркам эди.

Дзержинскийчилар ўз составларини тез вақт ичида юз эллик кишига етказдилар. Уларга ҳарбири ўттизта боладан иборат уч группа келиб қўшилди, келганларнинг ҳаммаси биринчи сортга кирадиган боқимсиз болалар бўлиб, бири-биридан қолишмас эди. Коммунарларнинг ҳаёти маданий, покиза эди ва сиртдан қараган одамнинг ҳаваси келарди. Боқимсиз болаларнингина эмас, туппа-тузук одамларнинг ҳам ҳаваси келар эди.

Дзержинскийчилар кўча-кўйга чиққанда оппоқ кенг ёқа билан безатилган чиройлик мовут костюм кийиб чиқарди. Уларнинг оқ металлдан ясалган духовой оркестрлари бор эди, оркестр карнайларидаги тамға Прагадаги машҳур фабрикада ишланганини билдирар эди. Коммунарлар ишчилар клублари ва чекистлар клубига тез-тез ясаниб борар, қоматлари ихчам, юзлари олмадек қизариб, кулиб турардилар. Уларнинг коллективи ҳамавақт шу қадар юксак маданиятли кўринардики, мия аппаратлари ожиз ба'зи калlaларнинг ҳатто аччиғи келиб:

— Яхши-яхши болаларни териб олиб, ясантириб, энди ҳаммага кўрсатишларини қара! Боқимсиз болаларни тўплаб кўришглар!— деярди.

Аммо бу гаплардан хафа бўлишга вақтим йўқ эди. Ҳамма керакли ишларни қилиб битиришга бир кеча-кундуз етмасди. Қўш отли аравага тушиб, у коллективдан бу коллективга югурардим, йўлга кетган ҳарбир соат — вақтим бюджетини ўпириб кетганга ўхшарди. Болалар сафлари бузилмай, фаровонлик қарор топган бўлса-да, тарбиячилар ўлгудек чарчади. Шу даврда мен шундай фикрга келдим, гарчи бу фикр ғайри-табиий ва ақлга сиғмайдиган бўлиб кўринса-да, мен уни ҳозир ҳам тарғиб қиламан. Нормаль болалар ёки нормаль ҳолатга келтирилган болалар энг қийин тарбия объектидир. Уларнинг табиати нозик, талаблари мураккаб, маданият даражалари юксак, муносабатлари турли-туман бўлади. Улар билан сиз ўз иродангизни кенг миқёсда кўрсатиб эмас, кўзга яққол кўринадиган эмоцияларингиз билан эмас, жуда мураккаб тактика билан ишлашингиз керак бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Колонистлар ҳам, коммунарлар ҳам жамиятдан ажралиб турган айрим группа ҳолатидан аллақачон чиққан эди. Колонистларнинг ҳам, коммунарларнинг ҳам жамият билан: комсомол билан, пионерлар билан, спорт, ҳарбий ва клуб ишлари билан мураккаб алоқалари бор. Болалар билан шаҳар ўртасида бирқанча йўл ва сўқмоқ йўллар ётадики, улардан оламларгина эмас, фикрлар ҳам, идеялар ҳам, та'сирлар ҳам қатнаб туради.

Шу сабабдан педагогика ишининг умумий манзараси ҳам янги тусга кираборди. Интизом ва майшат тартиблари ёлғиз менинг ташвишим бўлмай қолди. Бу нарсалар коллективда шундай бир традиция бўлиб қолдики, унинг қанақалигини мендан кўра коллективнинг ўзи яхши биладиган бўлди ва уни бирон жанжал чиққан ёки можаро кўтарилгандагина эмас, ҳатто бутун коллектив инстинктининг талаби бўйича коллективнинг ўзи ҳар дақиқа кузатиб борадиган бўлди.

Менга қанча оғир бўлмасин, бу даврни мен ўзимнинг энг бахтли даврим деб биламан. Ўзинг билан бирга ўсиб улғайган, бутун ҳаётини сенга ишониб топширган ва сен билан бирга олға қадам ташлаб бораётган болалар ўртасида кечирган бахтнинг нақалар ажойиб ва мароқли эканини тасвирлашга қалам ожизлик қилади. Бундай жамиятда ҳатто бирон муваффақиятсизлик ҳам дилни оғритмайди, ҳатто ранжиш ҳам, хафалик ҳам ниҳоятда қиммат бир нарсага ўхшаб кўринади.

Коммунарлардан кўра горькийчилар коллективи менга яқинроқ эди. Унда дўстлик алоқалари мустаҳкамроқ, кураш ўткирроқ эди, қимматли баланд болалар кўпроқ эди. Дзержинскийчилар, бошданоқ чекистлардай шефга эга бўлиш бахтига эришган эдилар, горькийчиларнинг эса мен ва яна бирнеча тарбиячилардан иборат кичкина бир группадан бошқа яқин одамлари йўқ эди. Шунинг учун хаёлимга бир кунмас бир кун ахир горькийчиларни ташлаб кетаман деган фикр келмасди. Бундай бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур қилолмасдим ҳам. Бу нарса юз берса мен учун энг катта бахтсизлик деб ўйлардим.

Хар сафар колонияга келганимда ўз уйимга келгандай бўлардим, хоҳ колонистларнинг умумий йиғилишлари бўлсин, хоҳ командирлар совети бўлсин, ҳатто энг мураккаб ва энг зиддиятли масалаларни ечиш керак бўлган вақтларда ҳам мен бемалол дам олгандай бўлардим. Менинг одатларимдан бири худди шу даврда қарор топди: мен,

www.ziyouz.com kutubxonasi

сукунатда ишлаш қобилиятимни йўқотдим. Енимда, столим атрофида болалар чуғур-чуғур қилиб ўтиргандагина мен ўзимни яхши сезардим, фикрим очиларди, тез тасаввур қилардим. Бунинг учун мен айниқса горькийчилардан миннатдор эдим.

Бироқ, Дзержинский коммунасига тобора кўпроқ куч-қувват сарфлашим керак бўларди. Бу ернинг ғам-ташвишлари ҳам, педагогика перспективалари ҳам янги эди.

Айниқса чекистлар муҳити мен учун кутилмаган бир янгилик эди. Чекистларнинг биринчи хусусияти шуки, улар — коллектив; халқ маорифи ходимларини коллектив деб бўлмасди, албатта Бу коллективни кузатиб борганим ва иш юзасидан бўлган алоқаларим кенгайиб борган сари мен учун янгилик бўлган ажойиб бир нарса тобора кўзимга равшанроқ кўринар эди. Бунинг қандай бўлганини билмайман, аммо мен саккиз йил мобайнида колония коллективига сингдирмоқчи бўлган сифатларнинг ўзи чекистлар коллективида бор экан. Мен фақат орзу қилиб келган, ҳамма ҳодиса ва революция философияси асосларида мантиқий ва бадиий образларда яратиб келганим, аммо умримда бирон марта ҳам кўрмаган ва кўришдан умидим узилган намуна бирдан кўз олдимда намоён бўлди.

Бу кашфиётим мен учун шу қадар қимматли ва муҳим эдики, ўйлаганим нотўғри чиқишидан ниҳоятда қўрқардим. Бу кашфиётимни мен ҳаммадан сир сақлардим, чунки бу одамлар билан бўлган муносабатларимнинг қиттак ҳам суиий тусга киришини истамас эдим.

Бу аҳвол менинг янги педагогик маслагимга асос солди. Чекистлар коллективининг фазилатлари ишимни тебратиб келаётган мен тасаввур этган намуна нуқсонларини ҳам, мен тушуниб етмаган нарсаларни ҳам, жуда тез ва жўнгина тўлдириши мени айниқса қувонтирар эди. Мен учун сир бўлиб келган кўп соҳаларни батафсил кўриб, билиб олиш имкониятига эга бўлдим. Чекистларнинг маълумот ва маданият билан қоришган юксак идроки ҳамиша мени нафратлантириб келган Россия интеллигентига уларни ҳечбир ўхшатмас эди. Бунинг худди шундайлигини ўзим илгари ҳам билардим, аммо амалда, жонли шахсдаги ифодасини тасаввур этишим қийин эди. Эндиликда мен гапларни, мантиқий фикр қилиш йўлларини ва интеллектуаль туйғуларнинг янги формаларини, янги дидларни. характерларнинг янгича тузилиши ва,— энг муҳими,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

идеалдан фойдаланишнинг янги шаклини ўрганиб олиш имкониятига эришдим. Ма'лумки, бизнинг интеллигентларимиз тасаввурида идеал худди бировнинг уйига кириб олиб, ижара ҳақи тўлашдан бўйин товловчи, кунини ғийбат билан ўтказадиган, ҳамманинг жонига тегадиган, ҳаммани жонидан безор қилган безбет квартирантга ўхшайди, шунинг учун улар бундай идеалдан нарироқ қочишга интиладилар. Эндиликда менинг кўзим олдида бошқа идеал гавдаланди, бу идеал квартирант эмас, ўз қўшнисининг меҳнатини ҳурмат қилувчи, уй ремонтининг ташвишини тортувчи, уйни иситиш ғамини егувчи, уйни ишлашга қулай қилиб қўйган яхши ма'мурга ўхшар эди. Иккинчидан, менга принципиаллик структураси қизиқтириб қолди. Чекистлар ниҳоятда принципиаль бўладилар, аммо уларнинг принципиаллиги менинг ба'зи «ошналарим» кўзларини боғлаб олган латтага ўхшамайди. Чекистларнинг принципи бир ўлчов асбобидирки, улар бундан қоғозбозликсиз, худди соатдан фойдалангандай бемалол ва осонгина фойдаланадилар. Хуллас, принципнинг қандай бўлиши кераклигини кўрдим ва билдим-да, интеллигентларнинг принципиаллигига бўлган нафратимизнинг тўғри эканига қат'ий ишондим. Интеллигент бирон ишни принцип асосида қиладиган бўлса, ярим соатдан кейин ўзининг ҳам, атрофидаги одамларнинг ҳам валерьянка ичишга мажбур бўлишлари ҳаммага ма'лум.

Мен бирталай бошқа хусусиятларни ҳам, жумладан битмас-туганмас ғайрат, жамоатлик, штампбозликдан нафратланиш, диванда талтайиб ўтириш ёки столга қорнини тираб туришни ёмон кўриш, ўйнаб-кулиб тинмай меҳнат қилиш каби кўп фазилатларни кўрдим. Чекистлар ишлаганда мен ишлаялману, ўзимни қурбон қилаяпману демайди. Ва, ниҳоят, жуда қимматбаҳо яна бир нарса учратдимки, уни фақат ижтимоий елим деб аташдан бошқа иложим йўқ: бу нарса жамоат истиқболини кўрабилиш, ишнинг ҳар онида коллективнинг ҳамма а'золарини кўзда тутиш, катта ва умумий мақсадни ҳамиша эсда тутиш қобилияти ва ҳечмаҳал насиҳатгўйлик, беҳуда сафсатага ўхшамайдиган ҳақиқий фазилат эди. Бу елим эса фақат конференция ёки с'езд учун дўкондан беш тийинга сотиб олинадиган нарса эмас, ёнингдаги яқин қўшнинг билан ширин-ширин гаплар билан олишиб, жинжаллашиб юришнинг шакли эмас эди, бу елим — чинакам аҳиллик, олға интилиш ва меҳнат аҳиллиги, вазифа ва кўмаклашишдан келиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиққан ва ҳамма учун мажбурий бўлган бир традиция эди

Чекистларнинг ғамхўр ва меҳрибоч қўлига тушган дзержинскийчилар жуда қувончли шароитда эдилар: уларга тамоша қилишдан бошқа иш қолмаган эди. Дастрўмол тутишнинг кераклиги ва унинг фойдасини бошлиқларга исбот қилишим учун бошимни деворга уриб ёришимнинг ҳам кераклиги қолмади.

Менинг қониқишим ниҳоятда юксак қониқиш эди. Буни қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий большевиклар билан танишганимни, менинг педагогикам большевистик педагогика эканини, кўзим олдида намуна бўлиб гавдаланган инсон типи фақат менинг орзу-хаёлим эмас, меҳнатимнинг ажралмас бир қисми бўлиб қолгани учун ҳам менга сезиларли, реаль бир ҳақиқат эканини билдим.

Менинг коммунадаги ишим, гарчи оғир бўлса ҳам, ҳечқандай шаллақилик билан заҳарланмаган, инсон қўлидан келадиган иш эди.

Коммунарлар турмуши, атрофдаги ба'зи одамлар ўйлагандек хузур-ҳаловатли ва бегашвиш турмуш эмас эди. Чекистлар, коммунарларни ўз маошларидан ма'лум процент берган пуллари билан боқар,[1] аммо бу нарса бизга ҳам, чекистларга ҳам ма'қул эмас эди.

Уч ой ўтмасданоқ коммуна қаттиқ муҳтожлик кўра бошлади. Ойликни ўз вақтида тўлашга кучимиз етмай қолди, озиқ-овқат масалаларида ҳам қийналабошладик. Мастерскойларимиз унча кўп даромад келтираолмас эди, чунки аслини суриштирганда тажриба учун очилган эди. Тўғри, этиклўзликин ластлабки кунлардаёқ болалар билан бирга қоронғи бурчакка кўчириб олиб кирдик-да, ёстиқ билан бўғиб ўлдирдик. Чекистлар ўзларини буни кўрмаганликка солди. Аммо, бошқа мастерскойларда даромад келтирадиган ишни сира ҳам йўлга сололмас эдик.

Бир куни менн коммунанинг отаси ўз кабинетига чақиртирди-да, қовоғини солиб туриб, хаёлга ботди ва столга чек ташлаб:

— Шу билан тамом,— деди.

Мен дарров тушуниб:

— Қанча?— дедим.

— Ўн минг. Шу билан тамом. Буни ҳам бир йиллигини олдин олиб бердик. Шу билан тамом, тушундингизми? Ановини ишга солинг... жуда сергайрат одам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирнеча кундан кейин коммунада Соломон Борисович Коган деган бир киши пайдо бўлди, у ера ҳам педагогга ўхшамас эди. Соломон Борисович анча қариб қолган, ёши олтмишларга борган, юраги хаста одам эди, ундан ташқари, юрганда ҳалслослар, асаблари бузуқ, ҳаддан ортиқ семиз эди. Аммо, бу одамнинг ичига шайтон жойлашиб олган. Соломон Борисович бу шайтонни ҳеч тийиб туролмас эди. Соломон Борисович коммунага сармоя ҳам, биронта материал ҳам олиб келмади, унда ихтиро'чилик қобилияти ҳам йўқ эди, броқ унинг хомсемиз ва илвиллаган гавдасида эски тузум даврида сарфланиб бўлмаган куч-қувват: уддабуролик, оптимизм, абжирлик, одамларни билиш, раҳм-шафқат ҳамда ўз ғоясига садоқат ва кечирса бўладиган кичкина принципсизлик каби хислатлар тинмай мавж урарди. Бу хислатларнинг ҳаммасини ғурур ҳисси боғлаб турган бўлса керакки, Соломон Борисович:

— Сиз Коганнинг кимлигини ҳали билмайсиз! Коганнинг кимлигини билганингиздан кейин айтасиз!— дейишни яхши кўрарди.

У ҳақли эди. Биз Коганнинг кимлигини билдик ва айтишимиз мумкин: Коган жуда ажойиб одам! Биз унинг турмуш-тажрибасига жуда муҳтож эдик. Тўғри, унинг тажрибаси ба'зан шундай шаклларда ифодаланар эдики, баданларимиз жимирлашиб кетар ва ўз кўзимизга ишонмай қолар эдик.

Соломон Борисович бир куни шаҳардан бир арава хода олиб келиб қолди. Ходани нима қиламиз?

— Нима қиламиз деганингиз нимаси? Склад қуришимиз керакми? Бинокорлик институтидан мебель ясашга заказ олдим, мебельни тахлайдиган бино керакми, ахир?

— Ҳеч тахлашнинг кераги йўқ, мебельни ясаб бўлнбоқ бинокорлик институтига топширамиз.

— Хе-хе! Сиз ростдан институт заказ қилди деб ўйлайсизми? Оти бору, ўзи йўқ, институт қаёқда! Институт бор бўлганда мен у билан бошимни оғритиб ўтирармидим!

— Нега институт бўлмас экан?

— Институт дегани нима ўзи? Менга қолса бало бўлмайдими! Бизга пули бўлса бўлгани-да! Пуллари бор экан, мебельга сарф қилишмоқчи. Мебель учун том бўлиши керак, томдан ҳали дарак йўқ, чунки том қуриш учун олдин девор кўтариш керак.

— Барибир, ҳечқанақа склад қурмаймиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен ҳам уларга худди шундай деб айтдим. Улар Дзержинский коммунасининг нималигини билмайди... Дзержинский коммунаси намунали корхона. Коммунанинг склад қуришдан бошқа ғалваси йўқми? Бунга вақти борми?

— Улар нима дейди?

— Улар қурсанг ҳам қурасан, қурмасанг ҳам қурасан деб туриб олди. Мен уларга: сизга склад керак бўлса — майли, йигирма минг сўмга тушади дедим. Аммо сиз қурма десангиз — қурмаймиз, сизнинг айтганингиз бўлсин. Бизга йиғув цехи керак, складни бошимизга урамизми?..

Икки ҳафтадан кейин Соломон Борисович йиғув цехини қуришга киришди. Синчлар қўндирилди, дурадгорлар деворларни кўтарабошладилар.

— Соломон Борисович, йиғув цехини қуришга пулни қаердан олдингиз?

— Қаердан олганимни билмайсизми? Сизга айтмабмидим? Бизнинг счётимизга йигирма минг кўчиришди...

— Ким?

— Мен айтган институт-да, ким бўларди?

— Нимага?

— «Нимага» бўларди? Уларга склад керак экан. Керак бўлса қуриб берамиз. Мендан нима кетди?

— Шошманг, Соломон Борисович, сиз йиғув цехи эмас, склад қураяпсиз-ку...

Соломон Борисовичнинг тажанглиги тутади:

— Ана холос! Ахир, бизга склад керакмас, деб ким айтди? Сизми, менми?

— Пулни қайтариб бериш керак.

Соломон Борисовичнинг энсаси қотиб кетади:

— Менга қаранг, бунчалик иш кўзини билмаслик — уят бўлади. Қайси аҳмоқ қўлга тушган нақд пулни эгасига қайтариб беради? Сиз асаби соғ одамсиз, балки сиз қайтариб бераоларсиз, мен хаста одамман, менинг ўз асабларимни бузишга тобим йўқ... Пулни қайтариб бер эмиш!

— Ахир, улар билиб қолиши мумкин!

— Антон Семёнович, ўзингиз гапга тушунадиган одамсиз. Нимани биладн улар, нимани? Эртагаёқ келиб кўришсин, марҳамат: одамлар ишлаб туриптими? Ишлаб туриптн, ўзингиз кўрдингизми? Бирон жойига бу йиғув цехи деб ёзиб қўйилиптими?

— Цехни ишга туширганингиздан кейинчи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мени ишлатмасликка кимнинг ҳақи бор? Бинокорлик институтининг ҳақи бор эканми? Балки, очиқ ҳавода ёки складда ишлагим келсачи? Бунақа қонун борми? Бунақа қонун йўқ.

Соломон Борисовичнинг мантиқи ҳечқандай чегарани билмас эди. Соломон Борисович ҳарқандай говларни бузиб кетадиган бир одам эди. Ма'лум вақтгача биз унга қаршилик кўрсатмай юрдик, чунки бизнинг қаршилик кўрсатиш қобилиятимизни бошданоқ бўғиб ташлаган эди.

Қўклам палласи келиб, бир жуфтгина отимиз кечалари ўтлоққа чиқариладиган бўлганда, Витька Горьковский мендан:

— Саломон Борисович отхонага нима қурдираяпти?— деб сўраб қолди.

— Нима қурдираяпти экан?

— Бошлаб қўйиптику! Каттакон қозон қурдириб, энди труба ўрнатаётипти.

— Чақир буёққа!

Соломон Борисович одатдагидек, терга пишиб, ҳамаёғи лой, ҳаллослаб келди.

— Яна нима қурдираётибсиз?

— Нима қурдирардим? Қуюв цехи қурдираётибман, ўзингизнинг хабарингиз бор-ку.

— Қуюв цехи? Ҳа қуюв цехини ҳаммомнинг орқасига қурдирмоқчи эдингиз-ку?

— Тайёр жой турганда ҳаммомнинг орқасида нима қилади?

— Соломон Борисович!

— Хўш, Соломон Борисович мен бўламан.

— Отларчи?— деб сўрайди Горьковский.

— Отлар соф ҳавода юраверади. Сиз фақат ўзингизга соф ҳаво керак деб ўйлайсиз, отлар сассиқ отхонада тураверсин экан-да? Тоза ям от гамини ер экансизлар?

Тўғрисини айтганда, Соломон Борисович бизни гангитиб қўйган эди. Шундай бўлса ҳам, Витька бўш келмай:

— Қиш келганда нима бўлади?— деди.

Бироқ Соломон Борисович уни ер билан яксон қилиб ташлади:

— Қиш келишини сиз ҳам билар экансиз-а?

— Соломон Борисович!—деб бақиради, тажанглиги тутиб кетган Витька.

Соломон Борисович озгина ён бериб, дейди:

— Хўп, башарти қиш келганда ҳам, нима бўлади? От-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хонани октябрь ойида қуриб бўлмас экачми? Сизга барибир эмасми? Е икки минг сўм пулни ҳозирнинг ўзида сарфлашим шартми?

Ўкинмизга тушиб бир хўрсинамиз-да, тан берамиз. Соломон Борисовичнинг бизга раҳми келиб, бармоқларини букиб тушунтирабошлайди:

— Май, июнь, июль, кейин... ҳаҳ, кейин нима келади... август, сентябрь...

Бир он шубҳаланиб қолади, броқ ўзини зўрлаб давом этдиради:

— Октябрь... Ўйлаб кўринг, олти ой-а! Олти ой ичида икки минг сўм пул яна икки минг туғади. Сизлар отхона олти ой бўш турсин дейсизлар. Улик капитал, ахир пулнинг бекор ётишига йўл қўйиб бўладими?

Соломон Борисович капиталнинг сал бекор туриб қолишига ҳам чидаб туролмас:

— Кечалари ухламай чиқаман,— деди у.— Одамнинг бошидан иши ошиб ётган бир пайтда ухлаб бўладими? Ахир, ҳар дақиқа — бир операция-ку! Шунча ухлашни ким чиқарган-а?

Биз ҳайрон бўлардик: яқиндагина-ку ўтакетган қашшоқ эдик, эндиликда Соломон Борисович ёғоч-тахта, металл ва станокларни тоғ-тоғ қилиб қалаб ташлаган эди: эртадан кечгача авизовка, чек, аванс, фактура, ўн минг, йигирма мингдан бошқа гап эшитмаймиз. Командирлар советида болаларнинг иштон сотиб олишга уч юз сўмни қаердан топсак экан деб бош қотириб ўтиришларига Соломон Борисович бепарво қараб ўтирди-да:

— Масала равшан! Болаларга шим олиб бериш керакми? Керак... Олиб берганда ҳам уч юз сўмга эмас, уч юз сўмлик шим ёмон шим, минг сўмлик шим олиб бериш керак...— деди.

— Пулчи, пул?— деб сўради болалар.

— Бошларинг бутун, қўлларинг бутун-ку! Каллани нимага яратган, биласизларми? Шапка кийсин деб яратганми? Ҳечбир-де! Ҳар кунги иш кунига яна чорак соатдан вақт қўшинглар, мен ҳозирнинг ўзида минг сўм топиб бераман, балки ундан ҳам кўпроғини топиб берарман, иш ҳақларингга баравар келтириб.

Складга ўхшаган жўнгина цехларни Соломон Борисович эски-туски ва арзон станоклар билан, ярамас материаллар билан тўлдириб ташлади, уларни арқон ҳамда ва'далар билан мустаҳкамлади, коммунарлар бу асбоб-ускуна-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ва эски-тускилар денгизига завқ блан шўнғиб кетдилар. Уларнинг қўлидан ҳарнарса чиқарди: клуб учун мебель, кровать бурчакларн, маслёнкалар, трусиклар, ковбойкалар, партапар, стуллар, ўт ўчирадиган асбобларнинг босқичлари ишланарди, аммо бу нарсалар жуда кўп миқдорда ишланар эди, чунки Соломон Борисович меҳнатни тақсимлашни камолатга етказган эди:

— Сен дурадгор бўлмоқчимисан? Барибир дурадгор бўлмайсан, доктор бўласан, мен биламан. Шундай экан, стул ясашнинг сенга нима кераги бор? Стулнинг ҳарбир жуфт оёғига мен сенга бир тийиндан тўлайман, бир кунда эллик тийин ишлайсан. Хотининг бўлмаса, бола-чақанг бўлмаса...

Командирлар советида коммунарлар қота-қота кулар ва Соломон Борисовични «халтура» учун сўкишар эдию, аммо сизда промфиннлан борлигини ҳамма билар эди, промфиннлан эса муқаддас нарса бўлади.

Коммунарларга ишҳақи тўланадиган бўлганда педагогика деган нарса бутунлай назарга олинмас, иблис ва иблиснинг васвасаси деган гапларга кўэ юмилар эди. Тарбиячилар Соломон Борисовичнинг диққатини ишҳақини педагогика жиҳатига жалб этганда, Соломон Борисович бундай деди:

— Менимча, биз эсли-ҳушли одамларни тарбиялаб етиштиришимиз керак. Эсли-ҳушли одам ҳам ишҳақи олмасдан, бекорга ишларканми?

— Соломон Борисович, сизнингча, гоянинг ҳечқандай қиммати йўқ экан-да?

— Одам маош олиб ишлаганда унда шунақанги гоялар пайдо бўладики, сигдиргани жой тополмай қолади. Аммо, ёнида бир тийин пули бўлмаса, унда кимдан қарз олиб турсам экандан бошқа гоя бўлмайди. Бу — азалдан ма'лум нарса.

Бизнинг меҳнат коллективизмда Соломон Борисович жуда керакли хамиртуруш эди. Унинг логикаси бизга ёт ва асло тўғри келмайдиган логика эканлигини биз билар эдик, аммо шу блан бирга унинг логикаси талай хурофотларга қақшатгич зарба берар ва ишлабчиқариш соҳасида бошқача услуб қўллашга мажбур этар эди.

Дзержинский коммунаси ўз-ўзидан хўжалик ҳисобига ўтди, бу нарса биздан кўп ҳам куч талаб этмади ва бизга жудаям катта бир ғалаба бўлиб ҳам кўринмади. Соломон Борисович:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳайронман! Юз элликта коммунар бир коса шўрвага пул ишлаб тополмайдими? Топалади! Ё уларга шампанский ҳам керакми? Ё хотинлари ясаниш-тусанишни яхши кўрадими?— деб бекор айтмас эди.

Ҳар квартал промфинпланини коммунарлар ёпирилиб бажариб юборардилар. Чекистлар коммунага ҳар куни келиб турар эди. Улар болаларга қўшилиб ишнинг ҳар-бир икир-чикирига, энг кичик ўлкрилишга, Соломон Борисовичнинг халтурасига, маҳсулот сифатининг пастлигига, брак масалаларига аралашар эди. Коммунарларнинг ишлабчиқариш малакалари кун сайин ошиб, Соломон Борисовичнинг гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан чақиб олиш даражасига етди, Соломон Борисович эса бунга чидаб туролмай:

— Бу нима янги қилиқ? Улар энди ҳарнарсани билиб қолдими? Улар нуқул менга ХПЗда бошқача қилинади дейди, ХПЗнинг нималигини биладими ўзи?— деди.

Бирдан истиқболимизда:

Бизга чинакам завод керак деган шиор кўрилди ва бу шиор ҳаммага ма'қул тушди.

Завод тўғрисида тобора кўпроқ гапирилар эди. Кирим-чиқим счётимизда минг устига минг қўшилаборган сари завод орзуси яқинлашиб келар ва амалга ошириш имкониятлари ҳам кўзга кўринабошлаган эди. Броқ бу воқеалар анча кейин бўлди.

Дзержинскийчилар горькийчилар блан тез-тез учрашиб турар, дам олиш кунларн отряд-отряд бўлиб, бир-бирларига меҳмонга борар, футбол, волейбол, городки ўйнашар, бирга чўмилишар, коньки отишар, сайр қилиб юришар, театрга боришар эди.

Ҳархил походларга чиққанда — комсомол ёки пионер маневрларига борганда, бирон нарсани табриклашга ёки экскурсияларга борганда кўпинча колония блан коммуна қўшилиб, бирга борарди. Мен айниқса шу кунларни яхши кўрардим, бундай кунларда мен ҳақиқий тантанамни байрам қилардим. Мен, бу — менинг сўнгги тантанам эканини яхши билардим.

Бундай кунларда коммунада ҳам, колонияда ҳам бир хилда буйруқ берилар эди, буйруқда қандай жихам кийиш, қачон ва қаерда учрашиш кераклиги айтиларди. Горькийчиларнинг ҳам, дзержинскийчиларнинг ҳам формаси бир хилда эди: нимгалифе, гамаш, эплик оқ ёқа ва дўппи. Одатда мен кечқурун коммунани Киргизовга топ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шириб, Горький колоннасига келардим. Куряждан уч соатда етиб боришни мўлжаллаб йўлга чиқардик. Холодная горани ошиб шаҳарга тушардик. Коммунарлар блан ҳар сафар Тевелев майдонида, ВУЦИК биноси олдидаги асфальтланган кенг саҳнда учрашар эдик.

Ҳар вақтдагидек, горькийчилар колоннаси шаҳарда жуда кўркам ва ажойиб кўринар эди. Олти кишилик ҳар қаторимиз деярлик бутун кўчани эгаллар, ҳатто трамвай изларига ҳам чиқиб кетар эди. Орқамизда ўнлаб трамвайлар тўхтаб қолар, вожатийлар тажанг бўлиб, қўнғироқ чалардн, аммо чап флангдаги кичик болалар ўз вазифаларини яхши билар: улар, ба'зан тротуарларга сипоҳлик блан қараб қўяр ва қадамларини катта-катта ташлаб, трамвайга ҳам, трамвай ҳайдовчиларга ҳам, қўнғироққа ҳам э'тибор бермай, салмоқ блан борар эди. Уларнинг кетидан Петро Кравченко уч бурчакли кичкина байроқча кўтариб боради. Тамошабинлар ҳаммадан ҳам унга суқланиб ва завқ блан қарайдилар, кўчадаги болалар ҳам нуқул шунинг атрофида ўралишади, Петро уялади ва ерга қарайди. Қўлидаги байроқчаси трамвай ҳайдовчининг нақ бурни тагида ҳилпираб боради, Петронинг ўзи ҳам худди трамвай қўнғироғининг тинмай оқиб боручи тўлқинида сузиб кетаётгапга ўхшайди.

Роза Люксембург майдонига етганда колонна трамвай изларини бўшатиб боради. Вагонлар бирин-кетин ёнимиздан ўтиб боради, деразалардан одамлар кулиб қарайдн, болаларга қараб бармоқларини ўқталадилар. Болалар ҳам қадам ва қаторларини бузмасдан жилмайиб қўядилар. Нимага улар жилмаймасин? Шаҳар аҳолисига бироз ҳазиллашсалар нима қипти? Аҳоли ўзимизники, яхши аҳоли, бизнинг кўчаларимизлан боярлар, дворянлар юрмайди, ясанган-тусанган офицерлар хонимларни қўлтиқлаб юрмайди, дўкондорлар бизга қовоғини солиб қарамайди. Биз ҳам «етимхона болалари» эмас, горькийчи колонистлармиз, ўз шаҳримиз кўчаларидан бемалол юришимиз мумкин. Олдимизда қизил байроғимиз ҳилпирайди, карнайчиларимиз «Будённий марши»ни чалади.

Тевелев майдони томонга бурилямиз, сал юриб тепаликка чиқамиз, у ерда дзержинскийчилар байроғининг учи кўринади. Яна бир ондан кейин қатор тизилган оппоқ ёқалар, бизга қараб турган жонажон чеҳралар кўринади, Кнргизов команда беради, қўллар учиб кўтарилади, музика янграйди. Дзержинскийчилар бизни байроққа са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лют бериб кутиб оладилар. Яна бир онлан кейин бизнинг оркестримиз ҳам марши тўхтатиб, уларга жавоб салютини чалади.

Киргизов рапорт бериб бўлгунча бирлас ўтади, шу нафас давомида биз бир-биримизга рўпара бўлиб, жим қолиб турамиз. Шундан кейин сафлар бузилиб, болалар бир-бирлари блан алоқ-чалоқ бўлиб, бир-бирларининг қўлларини сиқиб, ҳазил ва кулги бошланиб кетгандан кейин, доктор Фауст эсимга келиб: менга ҳаваси келсин, айёр немисснинг! У докторнинг толеи йўқ экан, расво асрда, расво ижтимоий тузум даврида яшаган экан, деб ўйлайман.

Агар Митька Жевелий блан дам олиш кунидан бир кун олдин кечқурун учрашиб қолсак, ва'далашиб олардик. У бир кун ёнимга келди-да:

— Биласизми? Ҳаммамиз горькийчиларникига борсак дейман? Бугун уларда «Броненосец Потёмкин» киноси кўрсатилар экан. Овқат ҳаммага етади... — деди.

Шундай кезларда ярим кечагача иккала оркестримиз Подворки қишлоғидагиларни ухлатмасди, ошхонада, стоқларда, клубда шовқин-сурон қилиб, ҳамаёқни бошга кўтариб чиқардик, катта ёшдаги болалар ўтмиш йилларнинг бўронлари ва осойишталикларини хотирлар, ёшлар эса уларни тинглаб, ҳаваслари келар эди.

Апрель ойидан бошлаб дўстона суҳбатларимизнинг асосий темаси Горькийнинг келиши бўлиб қолди. Алексей Максимович бизга, колонияда уч кун туриб кетиш учун июльда атайлаб Харьковга бораман деб хат ёзган эди. Алексей Максимович блан хийла вақтдан бери мунтазам равишда хат ёзишиб турар эдик. Колонистлар уни бир марта кўрмаган бўлсалар ҳам, ўз қаторларида тургандай ҳис қилар ва ўз оналарининг образини кўз олдига келтирган болалардай суюнардилар. Болалик чоғида ота-онасидан ажралган, узоқ умр йўлига меҳрибонлик нималигини билмай чиққан одамгина ба'зан оламнинг бемеҳрлигини сезади, фақат шундай одамгина меҳрибон ва серҳиммат улуғ инсоннинг ғамхўрлиги ва меҳр-муҳаббатининг қадрига етади.

Горькийчилар ўзларининг меҳрибонлик ҳисларини ифода этишни билмасдилар, чунки улар меҳрибонликка жуда баланд баҳо берардилар. Мен улар блан саккиз йил бирга турдим, кўп болалар мени яхши кўрар эди, бироқ шу давр ичида улардан биронтасининг ҳам менга одатдагидек меҳрибон бўлганини кўрмадим. Уларнинг ҳарқандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳис-туйғулари фақат мен ўзимгагина ма'лум бўлган аломатлардан, қарашларидан, уялиб қизаришларидан, узоқ-узоқ бурчакларда кетимдан қараб қолишларидан, овозларининг билинар-билинмас тўлқинланишидан, сакраб-сакраб юришларидан ва мен билан кўришиб бўлгандан кейин чопиб кетишларидан билар эдим. Шунинг учун ҳам уларнинг Горький номини нақадар меҳрибонлик билан тилга олишларини, унинг келиши тўғрисидаги хабарни эшитиб қанчалик суюнганларини кўриб турар эдим.

Горькийнинг колониямизга келиши биз учун жуда катта мукофот эди. Тўғриси, биз ўзимизни бу мукофотга сазовор деб билмас эдик. Улуғ ёзувчини бутун иттифоқимиз байроқларни баланд кўтариб кутиб олаётган бир пайтда, бизнинг кичкинагина жамоамиз кенг ижтимоий шод-хуррамлик денгизи тўлқинларида кўринмай кетиши мумкин бўлган бир онда, биз шундай катта мукофотга сазовор бўлган эдик.

Аммо, колониямиз шод-хуррамлик денгизи тўлқинида кўринмай кетмади, кўринмай кетмаганлиги бизни ҳаяжонга солди ва бизнинг ҳаётимизни янада юксак поғонага кўтарди.

Хат келган кунининг эртасигаёқ Горькийни кутиб олишга тайёргарлик кўрабошладик. Ўзидан олдин Алексей Максимович бизга катта совға юборди, бу совға эски Куряждан қолган яраларимизни тузалиб кетишига имкон берди.

Худди шу даврда мендан ҳисобот талаб этиб қолдилар. Педагогика билимдонлари ва донишмандларига мен ўзимнинг педагогик э'тиқодларимни ва қайси принципларга сажда қилишимни айтиб беришим керак эди. Мендан ҳисобот талаб этишга эса баҳонадан кўпи йўқ эди.

Гарчи на шафқат, на раҳмдиллик кутмасам-да, ҳисоботга зўр ғайрат билан тайёрландим.

Оқибат, мен шифти баланд данғиллама залга кириб пайғамбар ва авлиёларнинг ҳаммасини кўрдим. Буни... синедрион[1] деса бўларди, ундан камлиги йўқ эди. Бу ерда ҳозир бўлганлар гапларини силлиқлаб баён қилишар, бу баёнотлардан мия қобиғи бурмаларининг сал-пал ёқимли ҳиди, эскириб кетган китоблар ва сийқаланиб кетган креслоларнинг иси димоққа урилар эди. Аммо, бу пайғамбар ва авлиёларнинг оппоқ соқоллари ҳам, ваҳимали номла-

---

[1] *Синедрион* — қадимги яҳудийлар мамлакатида олий суд муассасаси; йиғилиш, халойиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ри ҳам, улуғ кашфиётлари ҳам йўқ эди. Аҳвол шундай экан, улар нима учун бошларига нурчамбар кийиб, қўлларида муқаддас китобларни ушлаб ўтирадилар? Улар анча уддабуро одамлар эди, ҳозиргина еб олган совет пирогининг ушоқлари мўйловларидан ҳали кетмаган эди.

Ҳаммадан ҳам, бундан бирнеча йил илгари ўқиганим Чехов ҳикояларидан бирини эсимга солган профессор Чайкин жонини жабборга бериб уринар эди.

Сўзининг охирида Чайкин гўё мени чил-парчин қилиб, бундай деди:

— Ўртоқ Макаренко педагогика процессини бурч идеяси асосига қурмоқчи бўлади. Тўғри, идея сўзини Макаренко «пролетар» сўзи билан қўшиб айтади, аммо бу нарса идеянинг ҳақиқий моҳиятини биздан яшираолмайди, ўртоқлар. Биз, ўртоқ Макаренкога бурч идеясининг тарихий генезисини ўрганиб чиқишни тавсия этамиз. Бу буржуа муносабатлари идеяси, ўз манфаатларини кўзлаш идеясидир. Совет педагогикаси ҳарбир шахснинг ижодий кучи ва мойилликлари, ташаббуси эркин суратда рўёбга чиқишини кўзлаб тарбиялашга интилади, аммо буржуазияча бурч идеяси категориясида тарбиялашга йўл қўяолмайди.

Намунали икки муассасанинг ҳурматли раҳбарининг бугунги кунда виждон туйғусини тарбиялаш керак деган гаплари бизни чуқур қайғуга солди ва ҳайратда қолдирди. Биз бу да'ватга қарши норозилик билдирмай қололмаймиз. Совет жамоатчилиги ҳам фан томонида туриб, ўз норозилигини билдиради, совет жамоатчилиги ҳам офицерларга берилган имтиёзлар, мундир ва погонларни равшан эслатучи бу тушунчанинг яна қайтиб келишига йўл қўймайди.

Биз, авторнинг ишлаб чиқариш тўғрисида қилган баёнотларини муҳокама қилиб ўтирмаймиз. Эҳтимол, колонияни бойитиш нуқтаи назаридан бу фойдали нарсадир, аммо педагогика илми ишлабчиқаришни педагогика та'сири факторлари қаторига қўшаолмайди ва авторнинг «промфинплан энг яхши тарбиячидир» деган тезисига мутлақо қўшилаолмайди. Бундай маромлар меҳнат билан тарбиялаш ғоясини вульгарлаштиришга олиб боради...

Яна кўп одамлар гапирди, ундан ҳам кўплари гапирмаса ҳам ичларида мени қоралаб ўтирди. Ахир менинг ғазабим қўзғаб кетди-да, қизишиб кетиб, ўтга бир челак керосин сепиб юбордим:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизларники тўғри, биз муроса қилолмаймиз. Мен сизларнинг гапларингизга тушунмайман. Сизнинг фикрингизча, масалан, ташаббус беихтиёр равишда келиб чиқади, аллақаердан, бекорчиликдан, ўзидан ўзи пайдо бўлади. Мен сизларга учинчи марта такрорлаб айтаманки, ташаббус аниқ вазифадан, шу вазифани бажариш мас'улиятидан, бекорга сарф бўлган вақт учун жавобгарлик туғилгандан кейин, коллектив талаб қилгандан кейингина пайдо бўлади. Шундай бўлса ҳам, гапимга тушунмайсизлар ва яна ўзларингизнинг қуруқдан-қуруқ, меҳнатга мутлақо алоқаси бўлмаган ташаббусдан келасизлар. Сизнингча, ташаббусни туғдириш учун ўз киндикларингга қараш кифоя бўлиб чиқмоқда...

Вой-бўй, авлиёларнинг ранжиганини, менга ўшқирганларини, чўқиниб, менга тупурганларини кўрсангиз! Шундан кейин, ёнғинининг алангаланганини ва қилғуликни қилиб қўйганимни, ҳамма нарсани барбод берганимни, ортиқ ҳеч нарса йўқотмаслигимни назарга олиб, дедим:

Сизлар тарбиянинг ҳам нималигини, ташаббуснинг ҳам нималигини билмайсизлар, бу масалалардан мутлақо бехабар экансизлар.

— Ташаббус ҳақида Ленинниинг гапини биласизми?

— Биламан.

— Билмайсиз!

Мен ён дафтаримни олдим-да, ҳарбир сўзни чертиб-чертиб, ўқиб бердим:

— «Ташаббус тартиб билан чекиниш ва интизомга қатиқ риоя қилишдан иборат бўлиши лозим»,— 1922 йилнинг 27 декабрида РКП(б) нинг ўн биринчи с'ездида Ленин шундай деган.

Авлиёлар бир он довдираб қолишди, сўнгра бақиракетдилар:

— Чекиниш бу ерда нима қилиб юрипти?

— Мен сизларнинг диққатингизни интизом билан ташаббус ўртасидаги муносабатга жалб этмоқчи эдим, холос. Ундан ташқари, мен тартиб билан чекинишим керак...

Авлиёлар менга анграйиб қараб қолишди, кейин бир-бирларига қараб шивир-шивир қилиб, қоғозларни варақлайкетдилар. Синедрион:

«Тавсия этилган тарбия процесси системаси совет системаси эмас» деган қарор чиқарди.

Мажлисда менинг дўстларим кўп эди, аммо улар ғинг демай ўтиришди. Бир группа чекистлар ҳам бор эди. Улар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамма музокараларни диққат блан тинглаб ўтирдилар-да, блокнотларига эслатмаларни ёзиб олиб, ҳукмни кутмасдан, чиқиб кетишди

Колонияга ярим кечада қайтдик. Тарбиячилар ва комсомол бюросининг бирнеча а'золари мен блан бирга эди. Жорка Волковнинг бсра-боргунча жиғибийрони чиқиб борди ва деди:

— Бунақа гапларни гапиришга қанақа ҳақлари бор, а? Уларнинг гапига қараганда, бундан чиқди, виждон деган нарса йўқ экан-да, бундан чиқди колониямизнинг виждони йўқ экан-да? Шунақа ҳам бўладими?

— Парво қилманг, Антон Семёновнч,— деди Лапоть.— Қалтафаҳм — пайтава қулоқлар тўпланиб опти, мен сизга айтсам...

— Мен ҳам парво қилаётганим йўқ,— деб болаларни тинчитдим.

Аммо, масала узил-кесил ҳал бўлган эди.

Узимни тетик тутиб, умумий кайфиятни бузмаганим ҳолда, орқа-олдимни йиғиштириб колониядан кетишни мўлжалладим. Колониядаги дўстларимни бу ердан мумкин қадар тезроқ олиб кетиш керак эди. Янги тартиб ўрнатилганда уларни яна қийноққа солиб қўймаслик ва колонияда норозилик ўчоғини қолдирмаслик учун шундай қилиш лозим эди.

Эртаси куни колониядан кетиш тўғрисида Юрьевга ариза бердим. Юрьев хаёлга ботди-да, индамасдан қўлимни сиқди. Хайрлашиб чиқаётганимда бирдан эсига келиб қолди:

— Шошманг!.. Қандоғ бўлди... Горький келади-ку?

— Наҳотки сиз, мени Горькийни бошқа одам кутиб олишга йўл қўядн деб ўйласангиз?

— Мен ҳам шуни айтаман-да...

Юрьев кабинет ичида югуриб юриб:

— Бошида қолсине!.. Пиширнб есин!— деб пўнғирлайбошлади.

— Узи нима гап?

— Кетаман бу ердан.

Мен уни шу яхши нияти блан бирга ташлаб чиқдим. У кбридорда кетимдан етиб олиб:

— Азизим, Антон Семёнович, жуда хафа бўлаётгандирсиз, а?— деди.

— Ана, холос!— деб кулдим.— Нега хафа бўлар эканман? Вой, сиз интеллигент экансиз-ку!.. Горький колония.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кетган куни мен ҳам кетаман. Мудирликни Журбинга топшираман, қолганини ўзларинг биласизлар...

— Хўп...

Ишдан кетишимни колонияда ҳечкимга айтмадим, Юрьев ҳам оғиз очмасликка ва'да берди.

Мен заводларга, сталиқларимиз ва чекистлар' ёнига югурабошладим. Яна бир группа колонистларни узатиш масаласи анчадан бери муҳокама қилиниб келарди, шунинг учун менинг бу ҳаракатларим колонияда ҳечкимни ажаблантирмади. Ошна-оғайниларининг ёрдамидан фойдаланиб, горькийчиларга Харьков заводларидан иш, шаҳардан квартиралар топиб қўйдим. Екатерина Григорьевна блан Гуляевалар бироз сеп тайёрлаб қўйишди, бу ишда уларнинг тажрибалари бор эди. Горькийнинг келишига ҳали икки ой бор, вақт етарли эди.

Катта ёшдагиларни бирин-кетин кузатиб турардик. Улар биз блан йиғлаб хайрлашса ҳам, ғам-ташвиш қилмасдан биз ҳали кўп учрашамиз дейишар эди. Уларни биз Горький колонияси байроғини ёйиб, музика ва фахрий қорсвуллар блан кузатар эдик. Шу йўсинда Таранец, Волохов, Гуд, Леший, Галатенко, Федоренко, Корито, Алёша ва Жорка Волковлар, Лапоть, Кудлатий, Ступицин, Сорока ва яна кўплар кетди. Колонияни ишбошиларидан бутунлай маҳрум қилмаслик учун Коваль блан келишиб, ба'зиларини колониянинг ўзида пул тўланадиган ишга олиб қолдик. Рабфакка тайёрланаётганларин кузгача Дзержинский коммунасига кўчирдик. Колонияда вазҳима туғдирмаслик учун тарбиячилар коллективи яна бирмунча вақт ўз жойида ишлаб турадиган бўлди. Фақат Коваль колонияда қолишни истамади ва провардини кутмасданоқ, аллақайси районга ишга кетди.

Шу даврда менинг қисматимга тушган ҳамма қадрлаш ва мукофотлар орасида айниқса битгасы кутилмаган даражада ярқираб кўринар эди: тўрт юз кишидан иборат бўлган жонли коллективни тугатиб бўлмас эди. Кетганлар ўрнини ўша кунларидаёқ янги болалар эгаллади, булар ҳам тетик, сўзлари ўткир ва хушчақчақ болалар эди. Жанг вақтида жангчилар қатори қандай жипсланиб турса, колонистларнинг сафлари ҳам худди шундай бўлди. Коллектив ўлиш ўёқда турсин, ҳатто ўлим деган сўзни хаёлига ҳам келтирмас эди. У аввалгидай жўшқин ҳаёт кечирар, ингичка, тептекис излардан ҳамон олға борар ва Алексей Максимовични тантаналч

www.ziyouz.com kutubxonasi

равишда кутиб олиш учун меҳр-муҳаббат билан ҳозирлик кўрар эди.

Бири-биридан яхши ва бахтли кунлар бирин-кетин ўтиб борар эди. Бизнинг кунларимизни меҳнат завқи, табассумлар, пурлоқ истиқбол, дўстона оташин сўзлар гулдай безатиб турарди. Бошимиздаги ғам-ташвишлар ҳам илгаригидек товланиб турар, орзу-ҳавасларимиз ҳам ҳамон кўкларга нур сочарди.

Тарихимизда энг катта байрамимизни илгаригидек шод-хуррамлик билан кутиб олишга ҳозирлик кўрардик.

Оқибат бу кун келди.

Эрталабдан бошлаб колония атрофи шаҳарликлар, машиналар, бошлиқлар, бир батальонча матбуот ходимлари, фотографлар, кинооператорлар билан тўлиб кетди. Колония бинолари байроқлар ва гулчамбарлар билан безатилган, ҳамма қўра ва ҳовлилар ҳам гулга тўлиб кетганди. Болаларнинг узоқ-узоқ интервал билан тузилган сафлари олисларга чўзилганди. Ахтирка йўлида меҳмонни отлиқлар кутарди, ҳовлида эса фахрий қоровул саф тортиб турарди.

Оқ фуражка кийган, юзи донишманд юзига, кўзлари дўст кўзларига ўхшаган, баланд бўйли Горький хаяжонланган ҳолда автомобилдан тушди-да, атрофга кўз ташлади, титраб турган бармоқлари билан қалин мўйловини силаб, жилмайди:

— Салом... Булар... сенинг болаларингми?.. Ҳа-ҳа! Хўш, қани, бошла!..

Оркестрнинг байроқ салюти болалар қўлларининг пиргираши, чарақлаган кўзлари ва қувонч тўла қалбларимиз меҳмонларнинг оёқлари остига поёндоз эди.

Горький сафлар орасидан юрди...

15. Хотима

Етти йил ўтди. Хуллас, бу гаплар аллақачонлар бўлган эди.

Аммо, Горький жўнаган кунининг ҳамма тафсилоти ҳозир ҳам кўз олдимдан нари кетмайди. Фикр-хаёлларимиз ҳамон поезд кетидан эргашиб бормоқда, болаларнинг кўзларида самимий муҳаббат туйғулари порлар эди, аммо менинг дилимда «оддий» операциялардан бири навбатда турар эди. Горькийчилар ва дзержинскийчилар перроннинг у бошидан бу бошигача тизилиб, икки оркестрнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

каркайлари ва икки байроқнинг учлари ярқираб турар эди. Нариги перронда Рижов томонга кетадиган дачний поезд жўнай деб турар эди. Енимга Журбин келиб:

— Горькийчиларни вагонга туширсак бўладими?— деди.

— Ҳа.

Колонистлар ёнимдан ўтиб вагонларга тушарди, кейин сигналчиларни олиб ўтишди. Ана, ипаклар блан безатиб тикилган қадрдон шоҳи байроғимиз. Бир ондан сўнг вагон деразаларидан ўғил ва қиз болаларнинг гулдай чеҳралари қараб турарди. Улар менга кўзларини қисиб қарар ва:

— Антон Семёнович, бизнинг вагонга тушинг!— деб чақиришар эди.

— Сиз қоласизми? Коммунарлар блан бирга кетасизми?

— Бизникига эртага борасизми?— деб қичқиришарди.

У вақтларда менинг иродам кучли эди, шунинг учун болаларга кулиб боқардим. Енимга Журбин келганда қўлига буйруқ топширдим, буйруқда мен «отпуска»га кетаётганим учун, колония мудирлиги Журбинга топширилади, дейилган эди.

Журбин буйруқни ўқиб, довдираб қолди:

— Демак, тамом денг?

— Тамом,— дедим.

— Бу қандоғ бўлди...— деган эди Журбин, кондуктор унинг қулоғи тагида ҳуштак чалиб юборди, Журбин ҳечнима деяолмай, қўлини силтадию, вагон деразаларидан юзини ўгириб, нари кетди.

Дачний поезд силжиди. Болаларнинг гулдай чеҳралари ёнимдан байрамдагидек ўтиб борар эди. Улар менга «хайр» деб қичқираб ва қизиқчилик қилиб, дўппиларини икки бармоқлари блан бошларидан кўтариб қўярдилар. Энг кейнги дераза ёнида Коротков турарди. Коротков менга индамасдан салют берди-да, жилмайди.

Вокзал майдонига чиқдим. Дзержинскийчилар мени саф бўлиб кутиб турардилар. Команда бердим, ҳаммамиз шаҳардан ўтиб, коммунага қараб кетдик.

Куряжга ортиқ бормадим.

Ўшандан бери етти совет йили ўтди, бу етти йил, масалан, дейлик, етти император йилига қараганда беҳисоб катта. Бу давр ичида мамлакатимиз биринчи бешйилликни ва иккинчи бешйилликнинг катта қисмини шонли равишда босиб ўтди, Европанинг шарқий текислигини Рб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мановлар[1] ҳукм сурган уч юз йил давомидагидан кўпроқ ҳурмат қилишга ўргандилар. Шу вақт ичида кишиларимиз билагига янги мускуллар битди, янги интеллигенциямиз етишди.

Менинг горькийчиларим ҳам улғайиб, бутун совет оламига тарқалиб кетди, уларни ҳатто хаёлимда ҳам тўплашга ожизман.

Туркманистондаги гигант қурилишлардан бирида ишлаётган инженер Задоровни ҳеч ҳам тутиб бўлмайди; врач Вершнов ёки врач Бурунни ҳам кўргани чақириб бўлмайди: Вершнев Алоҳида Узоқ Шарқ армиясида, Бурун Ярославльда ишлайди. Ҳатто Нисинов билан Зоренькачи?— яқиндагина митти болалар эди, улар ҳам қанотларини ҳилпиратиб учиб кетишди, аммо уларнинг қанотлари менинг педагогика принципим асосида битган нозик қанот эмас, совет аэропланларининг пўлат қанотларидир. Учучи бўламан деб юрганида Шелапутин ҳам хато қилмаган экан: Шурка Жевелий ҳам, Арктика штурмани бўлган акасига тақлид қилишни хоҳламай, учучи бўлиб етишди.

Бир вақтлар колонияга келиб-кетиб юрган ўртоқлар мендан кўпинча:

— Боқимсиз болалар орасида иста'додли, ижодий ишга майл қўйган болалар жуда кўп дейишади... Хўш, сизда ёзучи ёки рассомлар борми?— деб сўрар эдилар.

Бизда ёзучилар ҳам бор эди, рассомлар ҳам бор эди, албатта, дечбир коллектив буларсиз яшайолмайди, уларсиз ҳатто деворий газета ҳам чиқариб бўлмайди. Аммо, афсусланиб иқрор бўлишим керакки, горькийчилар орасидан ёзучилар ҳам етишиб чиқмади, рассомлар ҳам; етишиб чиқмаганлигининг сабаби уларда талант йўқлигида эмас, бошқа нарсада эди: уларни ҳаёт гирдоби, ҳаётнинг амалий талаблари ўзига тортиб кетган эди.

Карабашов ҳам агроном бўлмади. Агрономлик рабфагини тугатдию, институтга кирмади, менга қат'ий суратда деди:

— Галлакорликни бошимга ураманми! Болалар бўлмаса туролмайман. Қанчадан-қанча болалар кўча-кўйларда изғиб юрипти ҳали, ого! Раз сиз бу соҳада ишлабсиз, Антон Семёнович, демак-мен ҳам ишлайоламан.

---

[1] *Романовлар* — рус подшоҳлари хонадони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, Семён Карабанов соцвос йўлига фидохорона кириб кетди ва гарчи бошқа жонбозларга нисбатан Семённинг зиммасига тушган чек энг оғир бўлса ҳам, ҳозир ҳам шу йўлидан бормоқда. Семён черниговли қизга уйланди, уч яшар ўғиллари бор, у онасига ўхшаган қора кўз ва отасига ўхшаган олов эди. Семён тарбиясидаги болалардан бири «оғир болалар» уйига юборилган, илгарилар ҳам одам сўйиб юрган бир психопат бола уларнинг шу уч яшар ўғилларини кулпа-кундуз куни бўғизлаб кетипти. Шундан кейин ҳам Семён бўшашмади, фронтимизни ташлаб кетмади, нола ҳам қилмади, ҳеч кимга ла'нат ҳам ўқимади, фақат менга дард-аламдан кўра кўпроқ таажжублангани ма'лум бўлган қисқа хат ёзиб юборди.

Матвей Белухин ҳам олий ўқув юртига кирмади. Бирдан ундан хат келиб қолди:

«Мен сизга атайин айтмасдим буни, Антон Семёнович, кечиринг мени, аммо дилимда ҳарбий бўлишни орзу қилиб юрганимдан кейин, мендан қанақа инженер чиқарди? Ҳозир мен ҳарбий кавалерия мактабида ўқимоқдаман. Албатта, рабфакни ташлаб, чўчқалик қилдим. Яхши бўлмади. Аммо сиз менга албатта хат ёзинг, дилим ғаш бўлиб турипти».

Белухинга ўхшаганларнинг дили ғаш бўлса, демак, яшаш мумкин. Совет эскадронларининг бошида Белухинга ўхшаган командирлар турса, узоқ яшаш мумкин. Ёқасига кубик тақкан, баланд бўйли, бақувват Матвей «мукаммал» тайёр бўлиб мени кўрганк келганда, бунга янада қаттиқроқ ишондим.

Ёлғиз Матвей эмас, технолог Осадчий, шофер Мишка Овчаренко, Каспий денгизининг нариги томонида мелиоратор бўлиб ишловчи Олег Огнёв, педагог Маруся Левченко, трамвай ҳайдовчи Сорока, монтёр Волохов, слесар Корито, МТС мистери Федоренко, партия арбоблари Алёшка Волков, Денис Кудлатий ва Жорка Волков, чиакам большевистик характерга эга бўлган, илгаригидек зийрак Марк Шейнгауз ва кўп болалар келишди, уларнинг ҳаммаси кўзимга жуда улғайиб кетгандай кўринди.

Аммо етти йил давомида кўплардан дарак бўлмади. Антон аллақаерда, отлар денгизида қолиб кетди, жавоб ҳам бермайди; хушчақчақ ва ҳаётни севувчи Лапоть, моҳир этнкдўз Гуд ва буюк конструктор Таранец ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

аллақаёқларда юрипти. Мен бундан хафа ҳам бўлмайман, болалар мени унутишди деб гина ҳам қилмайман. Бизнинг ҳаётимиз иш-ташвиш билан тўлиб тошган, оталар ва педагогларнинг гиналарини эсда тутмаса ҳам бўлади. Уларнинг ҳаммасини тўплашнинг иложи ҳам йўқ. Фақат Горький колониясининг ўзидан бу ерда номлари келтирилмаган, аммо ўшалардай яқин, таниш ва ўшалардай қадрдон болалар ва қизлар яна кўп чиқди. Горький колониясидан кетганимга етти йил тўлди. Шу йиллар ичида ҳар йили болалар сафлари тўлиб турди, улар курашдилар, енгилдилар ва енгдилар, уларнинг қадрдон кўзлари порлаб, қадрдон табассумлари жилваланиб турди.

Дзержинскийчилар коллективи ҳозир ҳам жўшқин ҳаёт кечирмоқда, бу ҳаёт ҳақида ўн мингта поэма ёзиш мумкин.

Совет мамлакати асосан коллективлар мамлакатидир. Совет мамлакатидаги коллективлар ҳақида ҳали кўп китоблар ёзилади, улар менинг олимпдаги ошналарим ёзган китоблардан анча якшироқ ва бямаънироқ бўлади, албатта. Олимпдаги ошналарим эса коллективни:

«Ҳар турли таъсир этучи ҳодисаларга биргалашиб жавоб беручи ва бир-бири билан муносабатда бўлган группа — коллектив деб аталади» деб таърифлаган эди.

Оппоқ қор босган хиш кунларидан бирида Дзержинский коммунасининг хўркам биносига фақат эллиқта горькийчи болалар келган эди, аммо улар ўзлари билан бирга бирталай янгиликлар, традициялар ва восталар, коллектив техникасини, хўжайиндан озод бўлган инсон қўлидаги ёш техниканинг хамма восита ва дастакларини олиб келган эдилар. Янги ва соғлом ерда коммуна, чекистларнинг ғамхўрлиги ва ғайрати билан, уларнинг маданияти ва таланти таъсири остида ниҳоятда кўркам ва порлоқ коллектив, чинакам меҳнаткашлар коллективи, юксак социалистик маданиятга эга бўлган коллектив бўлиб етишдики, «инсонни тузатиш» каби кулгили проблемалар деярлик асар ҳам қолмади.

Дзержинскийчиларнинг етти йиллик умри ҳам етти йил давомида олиб борилган кураш ва жуда катта жонбозликлардан иборат бўлди.

Соломон Борисович курган фанер цехлар аллақачонлар бузилиб, кочегаркаларда ёқилиб, хамманинг эсидан ҳам чиқиб кетган. Соломон Борисовичнинг ўрнини ҳам ўнлаб инженерлар босди, уларнинг кўпларининг номи

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иттифоқдаги энг шонли кишиларнинг номлари блан бир қаторда туришга арзийди.

Коммунарлар ўттиз биринчи йилдаёқ электр асбоблари ишлабчиқарадиган завод қуриб олдилар. Гуллар ва портретлар блан безатилган баланд ва ёруғ залга «Вандерер», «Самсон», «Верке», «Гилдемейстр», «Рейнекер», «Марат» маркали ўнлаб мураккаб станоклар ўрнатилди. Коммунарлар қўлидан эндиликда трусик блан кровать бурчакларигина эмас, юзлаб детальга эга бўлган ва «интеграл ҳиди келиб турган» чиройлик ва мураккаб машиналар ясаш келади.

Бизни бир вақтлар ловлагилар, симменталь зотли сигирлар, «Василь Васильевичлар» ва «Мард»лар қанчалик ҳаяжонга солган бўлса, коммунарларни энди интеграл[1] ҳиди худди шундай ҳаяжонга солади.

Йигув цехи «ФД-3» деган биринчи катта пармалаш машинасини тайёрлаб, синов столига келтириб қўйганда, аллақачон вояга етган Васька Алексеев ток берди, шунда йигирмага яқин инженер, коммунар ва ишчилар машина устига энгашиб, унинг ғувуллашига ҳовотирлик блан қулоқ солдилар шунда бош инженер Горбунов ҳасрат блан:

— Учқунлаяпти. . .— деди.

— Учқунлаяпти, ла'нати!— деди Васька ҳам.

Қайғуларини табассум блан ниқоблаб, пармалаш машинасини яна цехга олиб кириб кетдилар, уч кунгача бузиб, радикаллар ва логарифмалар блан қуролланиб, чертёжларни очиб кўриб ҳамаёғини текширдилар. Чертёжларда яна циркуллар хатлаб юрар, ниҳоятда нозик «Келенбергер» деган созлаш асбоблари детальларни яна йўнар, болаларнинг кичик бармоқлари нозик детальларни тўплар, нозик қалблари эса янги синовни ҳовотирланиб кутар эди.

Уч кундан кейин «ФД-3»ни яна синов столига олиб чиқиб қўйдилар, яна йигирматача одам унинг тепасига энгашди ва яна бош инженер ҳасрат блан:

— Учқунлаяпти. . .— деди.

— Учқунлаяпти, ла'нати! — деди Васька Алексеев ҳам.

— Американка учқунламаган эди,— деди Горбунов.

— Учқунламаган эди,— деди Васька ҳам, американка машинани эслаб.

---

[1] *Интеграл* — олий математика.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, учқунламаган эди,— деб тасдиқлади яна бир инженер.

— Тўғри, учқунламаган эди,— дейишди ҳамма болалар. Улар айб ўзларидами, станоклардами, тўртинчи сон пўлатнинг ёмонлигидами, якорьга сим ўраган қизлардами, ё инженер Горбуновдами,— билмас эдилар.

Шу пайтда болаларнинг орқасида турган Тимка Одарюк оёғининг учига кўтарилди-да, сепкил тошган малла башарасини ҳаммага кўрсатиб, бирдан қизариб кетди ва кўзларини киприклари билан беркитиб:

— Американка ҳам худди шундай учқунлаган эди,— деди.

— Қаердан биласан?

— Юргизиб кўрганлари эсимда. Учқунлаши ҳам керак-де, чунки бу ерда вентилятор шунақа.

Тимкага ишонишмади, яна цехга олиб кириб кетдилар ва яна миялар, станоклар ва асаблар ишга тушиб кетди. Коллектив ҳаяжонланабошлади, ётоқхоналарда, клубларда, классларда ховотирлик туғилди.

Болаларнинг бир қисми Одарюк томонини олди:

— Бизникилар қўрқади, негаки, биринчи машина-де, ҳарҳолда. Аммо, американкалар бундан ҳам баттар учқунлаши аниқ.

— Хечбир-да!

— Учқунлайди!

— Хечбир!

— Учқунлайди!

Ахир, асабларимиз бардош бермади. Москвага одам юбориб, катталарга ялиндик.

— Бизга битта «Блек и Деккер»дан бериб туринг!

Беришди.

Американка коммунага келтирилди, синов столига қўйилди. Энди стол тепасига йигирма киши эмас, бутун цехда уч юзта комиунар ховотирланиб бошини эгиб турарди. Рангги оппоқ оқарган Васька ток берди, инженерлар нафасларини чиқармай туришди. Машина ғувуллаши билан бирдан Одарюк жаранглаган овоз билан:

— Ана, айтмадимми...— деб қичқирди.

Шу ондаёқ коммуна тепасида хайрият-е деган садо янграб, осмон-фалакка учиб кетди, унинг ўрнини севинган башаралар ва табассумлар босиб:

— Тимка тўғри айтган экан! — дейишди.

Бу ҳаяжонли кун ҳам аллақачон унутиб юборилган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чунки энди ҳар куни элликтадан машина ишлаб чиқарилади, улар учқунламайди ҳам, чунки гарчи Тимка тўғри айтган бўлса ҳам, бунда яна бошқа ҳақиқат бор эди, бу ҳақиқат — интегралнинг ҳиди ва бош инженер Горбуновнинг:

— Учқунламаслиги керак! — дейишида эди.

Булар шунинг учун ҳам унутиб юборилганки, уларнинг кетидан янги ташвишлар ва янги ишлар келиб турар эди.

1932 йилда коммунада:

— Лейка ясаймиз! — дейишди.

Бу гапни инженер ҳам эмас, оптик ҳам эмас, фотоконструктор ҳам эмас, чекист, ишчи революционер айтди. Бошқа чекистлар, революционер ва большевиклар ҳам:

— Коммунарлар лейка ясасин! — дейишди.

Бундай онларда коммунарлар ташвиш тортмай:

— Лейками? Бўпти, лейка керак бўлса ясайверамиз! —дейишди

Юэлаб инженер, оптик ва конструкторлар бунга жавобан:

— Лейка? Лейка ясашар эмиш! Ҳа-ҳа...— деб масхара қилиб кулишди.

Шундан кейин янги кураш, ниҳоятда мураккаб совет операцияларидан бири бошландики, шу йиллар давомида ватанимизда бундай операциялар жуда кўп бўлиб турар эди. Бу курашнинг хил нафаслардан, фикрларнинг янгича, совет кишиларига хос парвозидан, чертёжлардан, тажриба қилиб кўришлардан, лабораторияларда бош қотиришлардан, янги чангларидан ва... яна қайта атакалардан, муваффақиятсизликдан ларзага келган коммунарларнинг цехларда сабр-матонат билан жонбозлик кўрсатишларидан иборат эди. Атрофдан эса ҳамон ишонмовчиларнинг овозлари эшитилар, ишонмовчи кўзлар кўзойнак ортидан сузилиб қараб турар эди:

— Лейкани-я? Шу болалар-а? Ҳарбир микрони аниқ бўлиши керак бўлган линза ишлаб чиқаришади? Ҳе-ҳе!

Аммо, беш юзта ўғил ва қиз болалар ўзларини микрон денгизига, ниҳоятда мураккаб станокларнинг ўргимчак уяси каби детальларининг жуда нозик ҳисоб ва сферик оберрациялар денгизига ташлаган эдилар. Улар, чекистларга кулиб қарар эдилар.

— Майли, қўрқманглар, болалар,— деярди чекистлар.

Коммунада гулзорлар, асфальтлар ва фонтанлар билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

безатилган ФЭД ишлаб чиқарадиган кўркам завод пайдо бўлди. Яқинда коммунарлар ўн мингинчи «ФЭД»ни,— сира хато қилмайдиган чиройлик машинкани,— нарком столига қўйдилар.

Кўп замонлар ўтиб кетди, кўп нарсалар хаёлдан кўтарилди. Ибтидоий қаҳрамонликлар, кўча тили ва бошқа сарқитлардан асар ҳам қолмади. Коммуна рабфаги ҳар кўкламда олий ўқув юртларига ўнлаб студентларни узатади, уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини тугатиш арафасида турипптилар. Улар инженерлар, врачлар, тарихчилар, геологлар, учувчилар, кемасозлар, радистлар, педагоглар, музикачилар, актёрлар, ашулачилар бўлиб етишадилар. Бу интеллигентлар ҳар йили ўзларининг ишчи оғайнилари: токарьлар, револьверчилар, фрезерчилар, лекалчилар олдига меҳмонга келадилар, ана шунда бирга поход қиладилар. Ҳар ёзда бўладиган поход — янги бир традиция. Аввалгидек олтита-олтита бўлиб саф тортган коммунарларнинг колонналари ўзларининг байроқлари ва оркестрлари кетидан минг-минг километр масофани босиб ўтдилар. Улар Волга, Қрим, Кавказ, Москва, Одесса, Азов денгизи бўйларига бориб келдилар.

Аммо, коммунада ҳам, ёзги походда ҳам, «учқунлаган» кунларда ҳам, коммунарларнинг тинч меҳнати бир оҳангда мавж уриб турган кунларда ҳам кулча юзли, кўзлари тип-тиниқ бола эшикка югуриб чиқади-да, карнайини осмонга қаратиб, қисқа сигнал билан «командирлар йиғилишига чақиради. Илгаригидек, командирлар девор тагига тизилиб ўтиришади, қизиққанлар эшик олдида туришади, болалар полга ўтириб олишади. Командирлар советининг чеҳраси жиддий, тили ўткир секретари, гуноҳ қилиб қўйган болага қараб:

— Ўртага чиқиб тур!.. Тикка туриб, бўлган гапни гапириб бер!— дейди.

Илгари вақтлардагидек, ҳозир ҳам ҳархил ҳодисалар юз беради, ҳозир ҳам баъзи болалар бўй бермайди, ҳозир ҳам вақти-вақти билан коллектив худди қути ичидаги гсаларилар каби гувиллаб, ўзини хавф-хатарга ташлайди. Педагогика илми ҳам ўша вақтдагидек, қийинлигича ва мураккаблигича қолмоқда.

Аммо, ҳозир шароит анча енгил. Горький колониясига келганим ва узоқ-узоқларда қолиб кетган, шармандам чиқиб, ожизлик қилганим дастлабки кун энди назаримда

www.ziyouz.com kutubxonasi

да худди байрам панорамасидаги кичкина ойнадан кўриниб турган бир расмга ўхшайди. Ҳозир анча осон. Совет Иттифоқининг кўп жойларида педагогика иши жиддий тус олди, бузуқ ва интизомсиз болалар уяларига партия сўнгги зарбани урмоқда.

Балки, бизда тез орада «Педагогик поэма» ўрнига «Коммунистик тарбия методикаси» деган оддий ва амалий китоб ёзилса ажаб эмас.

Харьков, 1925—1935 йиллар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

1. Губерния халқ маорифи бўлимининг мудири билан суҳбат 7
2. Горький колониясининг тузилиши 10
3. Дастлабки эҳтиёжлар та'рифи 21
4. Ички ишларимиз 31
5. Давлат аҳамиятига эга бўлган ишлар . . 39
6. Темир бакнинг қўлга киритилиши . . 46
7. «Бақироқ тухнинг бори яхши» 52
8. Характер ва маданият 61
9. «Украинада ҳали рицарьлар бор» . . . 66
10. «Социал тарбия фидокорлари» 82
11. Қўлга киритилган сеялка 90
12. Братченко ва район озиқ-овқат комиссари . 97
13. Осадчий 106
14. Қўшнига берилган сиёҳдон 113
15. «Бизники энг гўзал» 119
16. Ёвон шўрва 128
17. Шарпининг ўч олиши 137
18. Деҳқонлар билан «алоқа» 145
19. Фанти ўйини 151
20. Жонли ва жонсиз инвентарь тўғрисида . . 161
21. Шум чоллар 177
22. Ампутация 190
23. Асл одамлар 196
24. Семёнинг сарсон-саргардонлиги 206
25. Командирлик педагогикаси 214
26. Иккинчи колония золимлари . . . 223
27. Комсомолга етакчи 233
28. Тантанали маршнинг бошланиши 243

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи бўлим

1. Бир хурма сут 261
2. Отчекаш 273
3. Доминантлар 285
4. Театр 298
5. Қулоқ тарбияси 315
6. Ишқ ўқи 326
7. Янги болалар 337
8. Тўққизинчи ва ўнинчи отрядлар 347
9. Тўртинчи сводний отряд 356
10. Тўй 364
11. Лирика 381
12. Куз фасли 389
13. Севги ва поэзия қилиқлари 406
14. Зорланма! 413
15. Қайсар одамлар 421
16. Запорожье 428
17. Санаш бунақа бўлади 441
18. Жанговар разведка 457

Учинчи бўлим

1. Мих 467
2. Илғор сводний отряд 488
3. Турмуш 508
4. Ҳаммаси жойида 523
5. Идиллия 539
6. Беш кун 553
7. Уч юз етмиш учинчи бис 571
8. Гопак 595
9. Ўзгариш 603
10. Оянмп этагида 621
11. Ҳосил байрами 639
12. Ҳаёт илгарилаб кетди 662
13. «Болага ёрдам қилинг» 678
14. Мухофотлар 694
15. Хотима 712

www.ziyouz.com kutubxonasi

На узбекском языке

А. МАКАРЕНКО

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПОЭМА

Перевод с издания Госиздата
художественной литературы
Москва 1952

Госиздат УзССР Ташкент — 1956

Редактор — М. Исҳоқов
Рассом — И. Икромов
Техн. редактор — Я. Пинхасов
Корректор — М. Мирзоидова

* * *

Босмахонага берилди 23/IV 1956. Босишга рухсат этилди 1/VIII 1956. Формат 84×108 1/32. Босма л. 22,625. Шартли б. л. 37,11. Нашр. л. 39,3. Тиражи 15000. Р 03585. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент, Полиграф кўчаси 74. Шартнома № 431—56.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзлитаб-нодатишнинг 3-нчи босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси 15. 1956. Заказ № 193 Босди 13 с. 65 т.

www.ziyouz.com kutubxonasi